



THE  
SOCIETY OF

A MEMBER HAS  
CALLED  
FOR A FELLOWSHIP



АЛИШЕР НАВОИЙ

---

САДДИ  
ИСКАНДАРИЙ

(Насрий баёни билан)

ТОШКЕНТ

Рафур Гулом номидаги Насрийёт-матбаа бирлашмаси  
1991

*Таҳрир ҳайъати:*

АЗИЗ ҚАЮМОВ, АБДУЛЛА БРИПОВ, АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ, БЕГАЛИ ҚОСИМОВ, НАТАН МАЛЖАЕВ, ОДИЛ БИҚУБОВ, ОМОН МАТЖОН, СУЙИМА ГАНИЕВА

Достонни илмий-таъкидий матн асосида қиёслаб ва насрий баёни қайтадан тўлдириб, нашрга тайёрловчи *Мавжуда Ҳамидова*

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди

*Қобилжон Тоҳиров*

**Навоний, Алишер.**

«Садди Искандарий»: (Насрий баёни билан)/Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Қ. Тоҳиров.— Т.: Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирл., 1991.— 832 б.— (Ўзбек адабиёти бўстони).

«Хамса»нинг якуловчи достони «Садди Искандарий» ҳам маълум аъёнлар замишида яратилган. Алишер Навоний Искандарнинг (Александр Македонский) саргузаштлари фондида адолатпарварлик, марказлашган давлат тузиш, халқлар дўстлиги, инсонийлик борасидаги ўзининг қарашларини талқин этади. Достон насрий матни билан бирга чон этилаётир.

Навоний, Алишер. «Вал Искандера» С прозаическим приложением.

Уз1

4702620101—23  
II ————— 1—91  
М 352 (04)—91

ISBN 5—635—00622—1

© А. Навоний. 1991 й

## ЖАҲОНГИРНИНГ ЁЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ

Искандар — тарихий шахс бўлиб, Александр Македонский номи билан бутун дунёга шухрати кетган юнон подшоҳидир. У ўзининг қисқа, ammo шиддатли ҳаёти давомида қарийб ер юзининг ярмини забт этиб, бирлашган давлат барпо этишга улгурган жаҳонгир эди.

Ўттиз уч йил умр кўрган бу қудратли румлик фотиҳ образи кишилик жамиятининг доимо диққат марказида бўлиб келган. Давр ўтиши, замонлар алмашиши натижасида дунёга ларза солган Александр шахси, унинг зафарли юришларию галабалари афсоналар қобиғига ўралиб, тарихий қиёфаси, фактлар силсиласи ўзгартирилган ҳолда талқин қилина бошлади. Натижада тарихий ҳақиқатдан узоқ бўлган турли-туман асарлар юзага келди. Афсонага айланган Александр образи Искандар номи билан Шарқ халқларининг забардаст шоирлари асарлари қаҳрамони учун ҳам прототип бўлиб хизмат қилди.

Румлик фотиҳ Искандар ҳақида тўлақонли образ яратиб, уни марказий сиймо сифатида Шарқ адабиётида илк бор талқин қилган шоир — буюк озар классиги Илбс ибн Юсуф Низомий Ганжавий бўлди. Унинг «Искандарнома» (1211) дostonи ўзидан кейин майдонга келган Хусрав Деҳлавийнинг «Оинайн Искандарий» (1299—1300), Жомийнинг «Хирадномайн Искандарий» (1484) ва Навоийнинг «Садди Искандарий» (1484) каби шоҳ асарларининг яратилиши учун туртки бўлиб хизмат қилди. Чунки Низомий томонидан асос солинган «хамса»чилик унинг вафотидан сўнг адабий ҳаётда анъанага айланган, унга энг яхши ва арзигулик тахмис сифатида Хусрав Деҳлавий «Хамса»си, Абдурахмон Жомий дostonлари мажмуаси юзага келган эди. Форс адабиётида давом этиб келаётган бу адабий анъана XV асрга келганда ўзбек халқининг ардоқли шоири Алишер Навоий томонидан илк бор туркий тилда давом эттирилди, натижада ўзбек халқи ҳам бу ноёб асарни ўз она тилида ўқишга музаффақ бўлди.

Жаҳон адабиётининг бебаҳо дурдоналари қаторидан жой олган Алишер Навоийнинг «Хамса»си таркибидаги дostonлар шоир ижодий тафаккурининг маҳсули сифатида анъана, ҳаёт ва замон тақозоси ўлароқ юзага келди. Уларнинг ҳар бирида инсон тақдири, жамият, халқ, давлат, иқтимоий тенгсизлик каби умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим муаммолар ўртага ташланган. Алишер Навоий улуг гуманист, буюк маърифатнавар сифатида халқ манфаатлари нуқтан назаридан келиб чиқиб, бу муаммоларга нисбатан ўз қарашларини баён қилган. Айниқса «Хамса»нинг охириги дostonи «Садди Искандарий»да илгариги тўрт дostonда ўртага ташланган масалаларга муносиб, ибратли жавоблар берилади, гўё айтилган фикрларга яқуилар ясалди.



Алишер Навоий ўз халқининг она тилида Искандар ҳақида дoston яратишга киришар экан, аввало Шарқ халқларининг шу сюжет билан боғлиқ бўлган барча адабий ва тарихий ёзма манбаларини синчиклаб ўрганди, салафлари дostonларини кунт билан ўқиб чиқди, уларнинг ютуқ ва камчиликларига ўз муносабатини билдирди. Устозни Абдурахмон Жомий билан фикрлашиб, халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган ҳолда, Искандар образини ўзингача мавжуд образлардан бутунлай фарқ қилувчи «либоси мавзун» (сўзининг янги «кийимлари») да таяқни қилишга киришди.

Навоий дostonга Искандар образини бош ижобий қахрамон қилиб олди, лекин унинг қозонган зафарларини эришган буюк муваффақиятларини, шон-шавкатини буюк қудратини улуглашни мақсад қилиб қўй мади. У буюк ҳукмдорнинг, аввало, инсон сифатидаги ижобий хислатларини ва жаҳонгирлик даражасига эришуви йўлида унинг табиатида рўй берган салбий ўзгаришларини, шохона олижаноб сифатларининг халқ манфаатларига зид бўлган жаҳонгирлик даъволари билан алмашинуви ва ниҳоят жаҳондор шохнинг қисмати нима билан тугаганини тасвирлашни мақсад қилиб қўйди.

Навоийнинг Искандар ҳақида дoston ёзишдан кўзлаган иккинчи мақсади — ашъанавий Искандар образи орқали умр бўйи қайноқ ижтимоий ҳаёти давомида йиғилган бой турмуш тажрибаларини ўртоқлашмоқчи, болаликдан дўсти бўлган тахт соҳибни Султон Хусайнга шохларнинг қандай бўлиши кераклиги, ўзларини қандай тутишлари, қандай сийсат олиб бормоқлик кераклиги, шох сифатида қандай ҳаракатлар қилиши лозимлигини уқдирмоқчи; дoston бағишланган шахзда Бадиуззамон ва укаси Дарвешалилар учун бир неча насиҳатлар қилмоқчи бўлади. Шу биле Навоий Искандар образини илоҳийлаштирмайди, унинг характеридаги зиддиятларини, ўзинга, элга мақбул келмайдиган томонларини ҳам ошкора тасвирлайди. Яхши фазилатларини намўна қилиб кўрсатиш билан бир пайтда омма манфаатларига зид фотиҳлик юришларини, жаҳондорлик даъволарини қоралайди.

Навоийнинг барча асарларида бўлгани сингари, бу дostonнинг марказида ҳам инсон омили туради. Инсон — энг улуг зот. Шунинг учун дунёдаги барча ноз-неъматлар унга аталган, шундай экан, инсон уларнинг барчасидан бахраманд бўлиб, ўзинга берилган қисқагина умрини шодлик ва хуррамлик билан, ана шу нозу неъматларни тановул қилиб ўтказмоғи керак. Дунё боқий эмас, ундан қаңчадан-қанча шохлар ўтиб кетдилар. Улар қанчалик жаҳондорлик касб этиб, ҳадсиз-ҳудудсиз мол-мулкка эга бўлганлари ҳолда ҳаётдан бўш қўл билан кетдилар! Бутун дунёни забт этган Искандарни ҳам битмас-тутанмас хазиналари, қудратли қўшинлари тутиб тура олмади. У билан туну кун бирга бўлган дўсту ёрлари жаннатмакон яшил боғларда қолдилар, у эса шох, вали, наби бўлатуриб, тухум қовурса нишаниган жазирама саҳрода вафот этиб, ҳаётдан кун-куруқ қўзлари би-

лаи кетди. Шундай экаи, шоҳлар, давлат эгалари, мулкдорлар ўз давлатларига мағрур бўлмай, саховатлари билан элни, инсонларни маъмур қилишлари, қўлларидаги ортиқча мол-мулкни қарамларга бўлиб беришлари, халқ фаровонлиги йўлида турли хайрли фаолиятларни амалга оширишлари — қудуқ қазиб сув чиқазишлари, турли иншоотлар, карвонсарой ва йўللар қуриб, очларни тўйдиришлари лозим. Буюк шоирнинг ҳаёт фалсафаси ана шундай:

Панжайи хуршиддек янгиини оч,  
Анда неким сийм эса — оламга соч.

Халқпарвар шоир шунинг учун ҳам ўз дostonида анъана сифатида ҳукм суриб келаётган ворислик масаласидан четга чиқиб, отонасининг зоти номаълум бўлган, ташландиқ вайронадан топиб олинган Искандарни подшоҳ қилиб кўтаради. Навоий учун унинг зоти эмас, инсонийлиги, у кўрган тарбия муҳимдир.

Рум шоҳи Файлакус вафот этгач, унинг ана шу вайронадан топиб олиниб, Искандар дея ном берилган, саройнинг эътиборли олим ва файласуфлари қўлида тарбия кўриб, дунёдаги бор илмларни эгаллаган ўғли Искандарни халқ шоҳ қилиб кўтармоқчи бўлади. Аммо у ҳали давлатни бошқариш ишига тайёр эмаслигини айтиб, бу таклифни рад этади. Халқ қаттиқ илтижо қилгач, давлат идорасини ўз қўлига олади.

Еш, ғайратли, ҳаққоний Искандар сиёсат юргизишни, аввало, отаси томонидан солинган икки йиллик солиқни бекор қилишдан бошлайди, йўлларни қароқчилардан тозалаб посбонлар қўяди, қадоқ тошларига муҳр бостиради, газлама ўлчайдиган газчўпни темирдан ясаттиради ва ҳоказо. Натижада Рум мамлакати фаровонликка, халқи эса унинг адолатидан бойликка юз тутадилар:

Бу янглиг оз вақт тузди русум,  
Ғаний бўлдилар адлидин аҳли Рум.

Дастлаб Искандар ана шу тариқа адолат баёроғини баланд кўтариб, халқ фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатади.

Унинг юксак даражадаги тарбияси, донмо олим ва файласуфлар даврасида бўлиши, ҳар томонлама камолга эришувига замин ҳозирлаган эди. У инсонпарвар, халқпарвар, донишманд олим, моҳир лашкарбоши бўлиб етишди. Алишер Навоий ўз қаҳрамонини ана шундай — инсонийликнинг барча фазилатларини ўзида мужассамлаштирган шахс сифатида кўришни орзу қилар эди. Аммо инсон табнати шундай яратилганки, у баъзан мавжуд қулай ижтимоий шароит ва муваффақиятлар гарови натижасида ўзгариб, ҳавойилик, гурур касб этади. Ҳавойилик натижасида кишида ўзига нисбатан, куч-қудратига нисбатан қаттиқ ишонч ортади ва Навоий ибораси билан айтганда, димо-

гига «бийми жуну» юзланади. Навоий ўқувчилари диққатини Искандар фаолияти орқали ана шу масалага қаратмоқчи.

Искандар Доро билан мулоқотга боргунга қадар зағиллар билан жангда муваффақият қозонган эди. Даврон шоҳи Доро устидан қозонган галабаси эса унга яна бир зафарли қанот бағишлади, ўз кучига, қудратига, давлатига нисбатан қаттиқ ишонч ва гурур пайдо қилди. Дастлаб бир мамлакат шоҳлигини элашга шубҳа билан қараган Искандар эндиликда ўзида шундай бир куч сездики, бу куч уни жаҳонгирлик орзуси сари етаклади. Галабалардан масрур бўлган шижоатли ёш шоҳ атроф мамлакатлардаги ҳукмдорларга хат ёзиб, элчилар юбориб, ўзига тобеъ бўлишларини талаб қила бошлади. Унинг Доро устидан қозонган галабасининг овозаси барча шоҳларни таҳликага солиб қўйган эди. Шу сабаб улар бирин-кетин жангсиз таслим бўла бошладилар. Бу ҳол Искандарни янада рағбатлантириб юборди ва унинг димоғига «бийми жуну»ни, яъни жаҳонгирлик даъвосини юзлантирди. Энди у ўзини ҳеч ним снга олмайдиган ҳукмдор деб ҳис қила бошлади:

Ки мендинки, Искандар отимдурур,  
Ети кишвар олмоқ сифотимдурур...  
Бўлубтур бу кун мулки Эрон манга,  
Бори шоҳлар бандафармон манга...  
Не амр айласам бил каломимни хўб,  
Тобугимда бош қўй, аёгимни ўп!

Искандар ўз ихтиёри билан тобеъ бўлмаган Кашмир, Ҳинд ва Хитой ўлкаларига аскар суриб, уларни ҳам ақл-идрок, билим ва ҳикмат қудрати билан қўлга киритди. Мамлакатларда тинчлик ўрнатиб, халқларни солиқлардан озод қилди. Хазиналардаги ортиқча бойликларни элга ва аскарларига бўлиб берди. Мухолифлари Доро ва Маллу васиятларини амалга оширди. Турли металл аралашмаси қоришмасидан тинчлик — омонлик девори — Садди Искандарийни қуриб, Қирвон ўлкаси халқини Яъжуж-маъжуж дея аталмиш асрий базо-қазода халос қилди.

Шу тариқа Алишер Навоий Искандар фаолиятининг халқларварлик кўринишларини тавсифлар экан, унинг характеридаги ижобий хислатлар билан бир қаторда салбий ҳиселарга ҳам ўқувчи диққатини йўналтиради. Искандарнинг қўлга киритган муваффақиятлари унга ишонч устига ишонч бахш этган эди. Бутун қуруқликни фатҳ этган жаҳондор димоғига иккинчи марта «бийми жуну» юзланди:

Бу андеша чун кўнглини этти забун,  
Димоғига юзланди бийми жунуи.

«Таигрининг мадҳи ва сазӣ ҳаракатим билан жаҳон деб аталмиш юмалоқ шаклдаги ерни бошдан-оёқ эгалладим ва бутун жонли ва жонсиз мавжудотга ҳукмронлик қилиш бахтига эришдим. Аммо эши-

тишимга қараганда қуруқлик жаҳоннинг сув қисмида бир неча марта кичик. Модомики бутун жаҳон менинг мулкимга айланган экан, унинг сув қисмида нимаикки бор бўлса ҳаммасидан хабардор, ажойиботларидан бахраманд бўлишим шарт — дея денгиз сайрини ихтиёр қилди. Лекин Искандарнинг денгиз саёҳатини ҳикмат аҳли маъқулламайди. У ўз сўзида қаттиқ туриб олгачина, илбосиз қолган олимлар унга раҳнамозлик қилишга розилик берадилар. Искандар уч минг кема ясади, океан сатҳи ва тубини ҳам забт этгани сафарга отланди. Энди у жаҳонгирлик хунарын касб қилиб олган, бир сўзли, кучи ва қудратига янада ишончи ортган жаҳондор эди.

Бу ҳолатни Навоий:

Ҳавас тундбоди чу бедод этар,  
Хирад хонумонин барбод этар,—

дея таърифлар экан, ҳар бир ишда меъёр бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидлайди. Ҳавас ва гурур, манманлик ва ишонч бўрони зулмкорлик билан Искандар ақл биносини емирди, қўлидан нафақат ихтиёрини, балки даври давронини, давлат ва ҳукмронлигини олиб, ўзини энг муҳим бойлиги — соғлигидан ҳам ажратиб, йўқлик олами сари сафарбар қилди, дея жаҳонгирлик даъвоси Искандарнинг бевақт ўлими билан якунланганини алоҳида таъкидлайди.

Кўринадики, Навоий Искандарнинг дастлаб адолатли, халқпарварлик ҳаракатларини ёқласа, кейинчалик унинг димоғига бир эмас икки марта бийми жунун юзлангач, юзага келган жаҳондорлик даъволарию ҳаракатларини оқламайди, чунки у умумҳарбий юришлар, босқинчилик урушларини доимо қоралаб келган.

Доимо халқнинг осойишталигини кўзлаган Навоий аскар суриб жаҳонни эгалламоқ шоҳлик эмас, балки ҳақ ҳадя этган заминдан тишчилик билан ҳамма нарсанинг шукронасини қилиб оқилона фойдаланиш ҳақиқий шоҳликдир, дея уқдиради ва дostonда тилга олинган яқин дўсти ва шаҳзодани Искандарнинг халқ фаровонлиги, тишчилиги ва осойишталиги йўлида амалга оширган ишларидан ибрат олишга, халқ манфаатига зид келадиган ишларидан ўзини тутишга даъват этади. Демак, Навоий Искандарни идеал инсон сифатида ҳам, идеал шоҳ сифатида ҳам тасвирлашни мақсад қилиб қўймаган, балки уни қандай бўлса шундайлигича тасвирлаб, инсон ва шоҳ сифатидаги ҳарактери ривожини очиб берган.

Дoston 89 бобдан иборат бўлиб, ундан 18 ҳикмат, 17 ҳикоя ўрин олган. Ҳар бир боб кириш, умумий мулоҳазалар, мулоҳазаларни таъкидлаш учун келтирилган маъжозий мисоллар ва якунидан иборат бўлган қатъий тузилиш тартибига эга. Бу тартиб ҳикматларнинг жойлашишида ҳам кўринади, улар ҳар тўрт бобдан кейин такрорланади. Шу сабаб текст гўё мунозара асосига қурилгандек. Искандар доимо «қилиш қирқ ёриб», шу поэтик толалардан сўз матосини тўқийдиган олим ва файласуфлар қуршовида юради. Ҳар бир

инини улар маслаҳати билан қилади. У савол беради, олимлар унга қониқарли, мазмундор жавоблар қайтарадилар.

Достон таркибидаги ҳикоялар ҳақида ҳам юқоридаги фикрни айтиш мумкин. Улар ҳам тартиб билан — аввал муайян бобдаги фикрлар баён қилинади, сўнг шу бобдаги фикрларни шарҳловчи ёки тасдиқловчи ҳикоя келтириладики, бу ҳикоя ўзидан кейини келадиган ҳикматга, яъни Исқандарнинг ҳикмат аҳлига берадиган саволига асос бўлади.

Достондаги ҳикоялар ихчам, лўнда бўлиб, мазмунан чуқур ва ибратлидир. Уларда ахлоқ-одоб, саховат, табиат фасллари тасвири, ҳиммат, тadbиркорлик, меҳмоннавозлик, тўғрилиқ, ростгўйлик каби масалалар қанамга олинган. Айрим ҳикоялар эса фойдали маслаҳатлардан иборат бўлиб, кундалиқ турмуш кўринишларининг муайян ҳаётий лавҳаларини аёқ эттиради.

Достондаги тахту тождан воз кечган ҳиммати баланд гадо ҳақидаги ҳикояда ҳимматнинг ҳар қандай нарсадан, ҳатто шоҳлар шону шавкатидан ҳам юқори туриши таъкидланса, Ардашер ҳақидаги ҳикояда тadbиркорлик билан беҳуда қон тўкилишига сабаб бўлувчи урушнинг ҳам олдини олиш, уни тўхтатиб қолш мумкин экани ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, уч олачуқ элида оддий, камбағал оила дастурхонида меҳмон бўлиб, мезбоннинг меҳмоннавозлиги, тadbиркорлигига таъ берган ва совга-саломлар билан сийлаган шоҳ Баҳром ҳақидаги; саратон жазираси ва қишининг аёзли чилласида Лайли ишқида азобланиб, сўнг унинг ҳузурда оёқлари остида жон бериш бахтига муяссар бўлган Мажнун ҳақидаги; вафо ва муҳаббат рамзи сифатида келтирилган «Икки вафоли ёр» ҳамда очкўзлик ва манфаатпарастликни қораловчи «Машриқда ганж топган киши» ҳикояларидаги ижтимоий ҳаёт ва социал турмуш билан боғлиқ турли-туман масалаларга Навоий ўзининг доно фикрлари, маслаҳатлари, панд-ўғитлари билан муносабат билдиради.

Достонда ўрин олган Луқмон ҳақидаги ва шу ҳикоядаги фикрни гўё тасдиқлаш мақсадида келтирилган Исқандарнинг дунёдан бўш қўл билан кетганлиги ҳақидаги ҳикоялар кишиларнинг ортиқча молу дунё йиғишдан рағбатини қайтаришга, миннатсиз, тинчлик билан осойишта ўтадиган ҳар бир куннинг шукронасини қилиб яшашга даъват этади. Чунки ҳар бир нарсанинг интиҳоси бор, жумладан, ҳаётнинг ҳам. Шундай экан, ўлчаб берилган қисқагина умрни инсон тоғу тошларни эзиб, давлат йиғиш билан ўтказиши керак эмас, балки ақлни нафеусдан устун қўйиб, барча ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлган ҳолда муътадил равишда яшаш керак.

Навоийнинг бу хилдаги ҳикматомуз фикрлари асрлар оша бутун инсониятга тўлқинлантириб, эзгуликка ундаб келмоқда.

АВЖУДА ҲАМИДОВА, филология фақлари номзоди

Худоё, мусаллам худолик санга,  
Биров шаҳки даъби гадолик санга.

Худованди бемислу монандсен,  
Худовандларга худовандсен.

Забардастлар зери дастинг сенинг,  
Бийиклар келиб борча пастинг сенинг.

Санга кўргузуб мавж дарёин жуд,  
Сен айлаб аён коргоҳи вужуд.

Вужуд аҳлининг коми жудунг била,  
Келиб жуд қойим вужудунг била.

Вужудунг қачон қилса зоҳир қидам,  
Бўлуб борча ашё вужуди адам.

Замонекки кавнайн маъдум эди,  
Адам тангнойнда мактум эди.

Не кун оразидин бор эрди нишон,  
Не тун турраси анда анбарфишон.

Саҳардин фалак золи рў тоза йўқ,  
Шафакдин юзига анинг гоза йўқ,

Не афлоку не муттасил анда давр,  
Не эл, не анинг давридин элга жавр,

Не олам диёридин осор ҳам,  
Не пайдо диёр ичра дайёр ҳам,

Сен ул навъ мавжуд эдинг, бал вужуд,  
Ки будунгга йўқ эрди нанги набуд.

Аён бўлмайин баҳри зотингга мавж,  
Анинг мавжига не ҳазизу не авж.

Ҳамолнингки меҳри жаҳонтоб ўлуб  
Ҳафо пардаси ичра ноёб ўлуб.

Ҳамолнингга чунким зухур истадинг,  
Қуёшингга ифшойи нур истадинг.

Бу навъ иқтизо айлади хўблуг,  
Ки қилгайсен изҳори маҳбублуг,

Чу маҳбублук амри пинҳон эмас,  
Ки то бўлмагай ошиқ имкон эмас.

Чу бори ҳуснға ишқ лойиқ, баса,  
Керак бўлди ҳуснунгга ошиқ, баса.

Чу бир жунбуш этти аён баҳри зот,  
Падид ўлди амвождин коинот.

Ики ҳарф амрин қилиб нуктавар,  
Аён айладинг мунча дилкаш сувар.

Чу қилдинг малак хайлини жилвасоз,  
Алар қисмати бўлди зикру пиёз.

Ики, учу тўрт очилиб парлари,  
Ҳарими жалолнинг кабутарлари.

Тилаб ул кабутарлар оромини,  
Ясадинг фалак қасрининг томини.

Чу афлок тарҳига чектинг қалам,  
Ҳаво сафҳасига чекилди рақам,

Тўқуз гунбад ул навъ чектинг баланд,  
Ки ваҳм анда руст айлай олмас камаңд,

Келиб бир-бири ичра ҳар бир ниҳон,  
Фазо ҳар бирига жаҳон дар жаҳон.



Алар жавҳарини басит айладинг,  
Бирин секизига муҳит айладинг.

Бори бир-бири жавфида тў-батў,  
Бирин-бирга вобаст ўлуб мў-бамў.

Борин табъ бир жониб айландуруб,  
Бурунги борин табъ ила ёндуруб.

Бўлуб ул секизнинг мадори анга,  
Таҳаррук аро ихтиёри анга.

Яна бирда сабт айладинг собитот,  
Анга сайр аммо буларга сабот.

Тушуб давр аро жоми нилуфарий,  
Анга берк юз минг шараф гавҳари.

Мурассаъ жавоҳир била бўлса жом,  
Вале давр аро жом топса хиром,

Неча бор эса сайр зоҳир анга,  
Нетонг маҳкам ўлса жавоҳир анга.

Бўлуб жилвагар юз туман моҳваш,  
Вале жилва ичра сукун бирла хаш.

Яна бирни ундур ҳисор айладинг,  
Бировни анга қалъадор айладинг.

Муҳандис шиори тааммул иши,  
Таҳаммулиқ ул навъ бўлмаи киши.

Батийравлиғи ҳилм аёғи киби,  
Гаронжонлиғи сабр тоғи киби.

Кўзнинг бало раҳнаси очилиб,  
Дамидин нухусат ўти сочилиб,

Қаро юз била чархи гардуннишин,  
Нечукким, харос уйи ичра чибин.

Яна бирни бир маъбад этнинг васеъ,  
Анинг обиди қадр аро бас рафеъ.

Саодат зиёсин сочиб меҳрсон,  
Юзинда шараф хулласи тайласон.

Топиб «Қиммёйи саодат»қа йўл,  
Фалак хонақоҳида Ғаззолий ул.

Фалак гунбади ичра қандилдек,  
Ваё Арш буржида Жибрилдек.

Бўлуб яхшилиққа мунир ахтаре,  
Харидор яъни дейин Муштарий.

Яна бирни бир мақтал эттинг ажиб,  
Анинг сокини қотили, бас, муҳиб.

Киши тигидин топмайин баҳр амон,  
Бешинчи мамоликда ул қаҳрамон.

Келиб ламаъи тиги барқи бало,  
Ҳамул сув аро халқ гарқи бало.

Бўлуб шева эл бўйнин урмоқ анга,  
Итик тиг ила бош учурмоқ анга.

Кесуқ бошнинг косасин жом этиб,  
Вале қон май ўрнига ошом этиб.

Келиб иш анга чарх даврида қаҳр,  
Қадақ даврида, ўйлаким, қатра заҳр.

Яна бирни бир равза қилдинг назих,  
Муқими анинг ҳурдин ҳам фарих.

Демай ҳурким, чарх мулкида шоҳ,  
Анга тахти фёруза оромгоҳ.

Сипеҳр аҳлининг зеб ила зайни ул,  
Демай айни ул, қурратул-айни ул.

Бўлуб зоти рахшанда миръот анга,  
Гувоҳ ушбу даъвода заррот анга.

Бири гунбади чархи гардон аро,  
Анингдекки, зар шамса айвон аро.

Яна бирни тоқи балад айладинг,  
Муқим анда бир нўшханд айладинг.

Қуёш чехралик шўхи барбатнавоз,  
Ки жон риштаси тор анга, чолса соз.

Чу торига дастон гузориш бериб,  
Багирларга тирноги хориш бериб.

Қачон хушнаво лаҳн бунёд этиб,  
Агар ақли кулл бўлса фарёд этиб.

Қаёнким етиб барбатидин нагам,  
Не йўл анда топиб кудурат, не гам,

Фалак тоқида ун чекиб кўнгли тинч,  
Бўлуб, ўйлаким, доира ичра синч.

Яна бирни қилдинг кутубхонае,  
Ичинда китобатда фарзонае,

Мудаққиқ замирида мамлу фунун,  
Келиб диққат аҳли аро зуфунун.

Иши сарбасар лаъбу найранг ўлуб,  
Сувдек қайдаким етса, ул ранг ўлуб.

Шиори хороши қалам айламак,  
Нукат сафҳа узра рақам айламак.

Фалак дуракида лавҳи даркордек,  
Давот узра бир нақши паргордек.

Яна бирни соз айладинг турфа дайр,  
Анинг сокинни айладинг тез сайр.

Боридин итикрак хироми апинг,  
Вале тегмайин ерга гоми апинг.

Манозилга бот-бот қилиб интиқол,  
Отин гоҳ этиб бадру гаҳи ҳилол.

Вуболу шараф кўргузуб суръати,  
Гаҳи заъфи ортиб, гаҳи қуввати.

Фалак даврида суръати ичра зўр,  
Тегирмон тоши узра андоққи мўр.

Чу обога бу навъ бердинг сифот,  
Алар тахтида айладинг уммаҳот.

Ато етти-ю, тўрт қилдинг ано,  
Натижа уч эттинг булардин яно.

Нетонг, гар ано тўрт қилдинг мубоҳ,  
Ки тўрт ўлди шаръ ичра жойиз никоҳ.

Бирининг мизожини тез айладинг,  
Анинг табъини шуълахез айладинг.

Бирига бериб лутфи табъи ҳаёт,  
Ҳаёт аҳлига бердинг андин нажот.

Бирин сойир эттинг, нечукким, само,  
Сафо ичра миръоти гетинамо.

Ясодинг касофат бирининг ишин,  
Ким ул бўлди бу ишдин асфалнишин

Бериб бу тазаввужга пайванд ҳам,  
Падид айладинг неча фарзанд ҳам.

Бирига ҳажар жисмидин тўшадур,  
Анга нақд балким жигаргўшадур.

Бирига нуму жилвасидин ҳаёт,  
Қади жилвада пайшакар, бал набот.

Бирин лутф аро жавҳари жон дейин,  
Анга обхўр оби ҳайвон дейин.

Мунга тегру қилдинг маротиб навард,  
Ки очтинг башар гулбуни ичра вард.

Очилгоч бу гулшанда инсон гули,  
Не инсон гули, боги ризвон гули.

Танига шарафдин дувож айладинг,  
Бошин ҳам сазовори тож айладинг.

Қилиб кўнглини рож ганжинаси,  
Юзин айладинг зот ойинаси.

Анга айлагач нури хуснунг зухур,  
Ўқубон малак хайли оллоҳ пур.

Чу бу навъ мавжуд қилдинг ани,  
Малойикка масжуд қилдинг ани.

Қаю кўзгуда тутса аксинг вужуд,  
Малойик печук қилмағайлар сужуд.

Бош индурмаган айлаб изҳори таън,  
Нестонг таън нуни анга тавқи лаън.

Чу бердинг анга рутба мундоқ баланд,  
Қилиб кўнглини севмагинг аржуманд.

Чу ишқинг ўти солди кўнглига тоб,  
Қуёшинг юзидин кеторди саҳоб.

Қуёшингга худ монеъи йўқ эди,  
Ҳижоби анинг ўзлуги-ўқ эди.

Чу рафъ айладинг ул ҳижобин анинг,  
Фузун айладинг ишқи тобин анинг.

Сени кўрди ҳар ёнки солди кўзин,  
Чу бори сен ўлдунг итурди ўзин.

Ажаб ҳолким, бўлса айни шуҳуд,  
Чиқоргой биров жонидан шавқи дуд.

Зиҳи турфа маъшуқи ошиқнавоз,  
Ки қилмоққа ўз хуснини жилвасоз.

Карам бирла халқ айлагай оламе,  
Бу оламда мақсуд анга одаме.

Гараз одаме анга олам туфайл,  
Неким гайри оламдур, ул ҳам туфайл.

Киши кўрмамиш ҳаргиз андоқ киши.  
Ки ошиққа ошиқлик ўлғайи чиб.

Яқин англасам гайр бордур адам,  
Ўзунг ошиқу ишқу маъшуқ ҳам.

Чу маъшуқу ошиқ сен ўлдунг тамом,  
Санга ишқу ушшоқдин вассалом.

## II

*Муножот ул карими халлоқ ва мукаррами алал-итлоқ-  
қаким, карамининг «коф»и саркашлик била ёзуқ «қоф»  
ини ерга паст қилур ва «ро»си ройи оламоро била  
маъсият «айн»ин кўр этар ва «мим»и лутфи эмим би-  
ла хато хаттига афв рақами чекар ва ўз журми олойи-  
шин демак ва баҳри ғуфронидин амон истамак*

Лакал-ҳамд, ё акрамал-акрамин,  
Карам аҳлин этган гадойи камин.

Карим ўлса оламда ҳар навъ шоҳ,  
Анга сен карам қилдинг, ул дастгоҳ.

Карамдин киши қайда сочқай дирам,  
Дирам сен анга қилмоғунча карам.

Карам аҳли гар соҳиби тож эрур,  
Ки хони наволингга муҳтож эрур.

Анга сен хазойин эшигин очиб,  
Чу сочмоққа амр айлабон, ул сочиб.

Бас, ул филҳақиқат карамкеш эмас,  
Ўзунг мукрим, ул бир сабаб беш эмас.

Чу сен мукрим, аҳли карамдур сабаб,  
Десам акрамул-акрамин не ажаб.

Мунга ўзга маъни доғи бордур,  
Акобир сўзидин намудордур.

Ки айни карамдин қачонким илоҳ,  
Гунаҳордин ўткарур бир гуноҳ.

Карам фартидин будур онинг иши,  
Ким ул ишга ўзга тутулмас киши.

Улусқа агар ул гуноҳ ишдурур,  
Қиёматқача афву бахшишдурур.

Бу янглиғ карамдин расули амин,  
Сени этмиш ул акрамул-акрамин.

Илоҳий, аларким гунаҳкөр экин,  
Сен ўткармаган не гунаҳ бор экин?

Чу бир мужримеким, сен эттинг карам,  
Сўрулмас ҳамул журм ила ўзга ҳам.

Агар афв ила карам будурур,  
Бори халқнинг журми маъфудурур.

Сайгаким карамдур бу гоятқача,  
Қим эл маъфу ўлса ниҳоятқача.

Чу дарёйи раҳматқа солғанда мавж,  
Қуруқ қолмамиш не ҳазизу не авж.

Неча менда журм ўлса беҳад наид,  
Не янглиғ бўла олғамен ноумид.

Неча маъсиятдин табаҳкормен,  
Ниҳоятдин ортуқ гунаҳкормен.

Қадимни хижолат юки ҳам қилиб,  
Анга журму сарборлиқ ҳам қилиб.

Тутошиб вужудумга ҳирмон ўти,  
Не ҳирмон ўти, балки исён ўти.

Бу исён ўти ичра куймак аро,  
Бўлуб дудидин рўзгорим қаро.

Не исён ўти, балки оташкада,  
Анга ҳема бу жисми меҳнатзада.

Не оташкадаким томуғдин нишон,  
Забоналари кўкка оташфишон.

Гунаҳ шуъласин чун чекиб ул томуғ,  
Қуюб абри раҳмат нечукким момуғ,

Шарардин кавокиб юзи ўртаниб,  
Не кавкаб, малойик, пари чўрканиб.



Қарортиб тутун чарх жавфин тамом,  
Замона қўюб онинг отини шом.

Демай шом, меҳнат палоси дейин,  
Жаҳон кийди мотам либоси дейин,

Гунаҳда мени ўлтурурга қазо,  
Кийиб даҳр шахси либоси азо.

Ичин ҳам қаро қайғу гамнок этиб,  
Яқосин доғи субҳдин чок этиб.

Ўкуш тийраликлар аро турфа боқ,  
Ки чарх этти мушқум саводини оқ.

Саводим баёзига сўрсанг далил,  
Эрур шоми исёнга субҳи раҳил.

Фано пахтаси бил памудор анга,  
Кафани риштаси англа ҳар тор анга.

Ажал хайлига чун ҳужум ортибон,  
Адам сори ҳар торидин тортибон.

Нечук бўлмаи оҳимдин оташфишон,  
Мениким ажал элтгай мўкашон.

Гамим йўқтур ўлмакта эмгак учун,  
Нединким туғар кимса ўлмак учун.

Ва лекин бу жонимга эмгакдурур,  
Ки асру ёмон навъ ўлмакдурур.

Мунга тегру андинки, ўзни билиб,  
Залолат аро умр зойиъ қилиб.

Нафас урмай айлар замон хийралик,  
Ки топмай кўнгул кўзгуси тийралик.

Қадам урмайин гайри бераҳга,  
Ки андин тушуб бош тубан чоҳга.

Туну кун харобот аро майпараст,  
Қилиб ўзни исён майи бирла маст.

Мусалло гаравда майоло бўлуб,  
Ридо гўнаси бодаполо бўлуб.

Бўлуб майкада дайри зулмат асос,  
Мен анда қари габри ҳақ ношинос.

Агар мунча юз бўлса расволигим,  
Сняхрўлугу бесару полигим.

Вале сендин узмаймен асло умид,  
Ки эрмон карам баҳридин поумид.

Бу даргоҳда ҳар ким гунаҳқорроқ,  
Иноят қилурга сазоворроқ.

Муни англағач бўлди ҳолим табоҳ,  
Ки уммид ила кўпрак, эттим гуноҳ.

Эшиттимки, Ҳоруни дарё ато,  
Демишким, чу афв айласам пур хато.

Агар билсалар халқким бегумон,  
Не чоғлиг топармен фараҳ ул замон.

Топарга иноят била парвариш,  
Улус қилмағай журмдин ўзга иш.

Илоҳий, туман минг бу Ҳорун киби,  
Не Ҳорунки, Ашку Фаридун киби.

Сенинг дарғаҳингда не бўлғай хасе,  
Демай хаски, ул хасдин ўксук, басе.

Алар қилсалар мунча арзи карам,  
Бу маъразда не навъ атай сени ҳам.

Алар гар шаҳ ўлса, гадомен ёмон,  
Ўлар вақти сойил ҳамон, шаҳ ҳамон.

Ёрурда қуёш партавидин саро,  
Қачон фарқ ўлур фаҳм заррот аро.

Қилур вақт бу зарраларга карам,  
Навойга лутф айла бир зарра ҳам.

Сазо андин ар журму пиндор эрур,  
Сен ул қилки сендин сазовор эрур.

Хато айлаганни ҳисоб айлама,  
Хатосиға лойиқ азоб айлама.

Карам бирла журмини кам айлагил,  
Гар ул қилди камм, лек карам айлагил.

Агар қилмадинг зухду тоат насиб,  
Ҳабибнингдин этгил шафоат насиб.

### III

*Ул Расули амин наътиким, рисолат хутбасида муборак  
алқоби саййидул-мурсалин келди ва ул шафеъул-музани-  
бинин васфиким, ҳумоюн сифоти «Ва мо арсалнока  
илло раҳматан лил-оламин» ёзилди, пайғами афзалус-  
салавот ва акмалут-таҳриёт*

Зихи анбиё хайлининг сарвари,  
Бошинг узра сархайллик гавҳари.

Демай анбиё қавму хайлнинг сенинг,  
Бори офариниш туфайлнинг сенинг

Тутуб гавҳари зотинг аввал вужуд,  
Бўлуб сўнгра мавжуд буду набуд.

Замонеки нуруннга бўлмай зухур,  
Не зулмат бўлуб зохир ул дам, не нур.

Чу ҳақ айлаб ул нурни шамъи жамъ,  
Анинг нуридин ёрутуб жамъи шамъ.

Бу машъал чу ўз шуъласин ёрутуб,  
Русул шамъи андин ёруглуқ тутуб.

Демайким русул, ҳар неким топти рух,  
Бу кибритдин борча топиб футух.

Не кибрит, гугирди аҳмар ҳам ул.  
Не гугирд, иксири акбар ҳам ул.

Вужудунгдин айлаб қазо кимиё,  
Мисин олтун айлаб бори анбиё.

Бу сабақатки, зотингга берди аҳад,  
Санга Бул-башар тонг йўқ ўлмоқ валад.

Атолиққа суратда пайванд эрур,  
Вале асли фитратда фарзанд эрур.

Ажаб йўқ сен ўлмоқ ато, ул сабий,  
Бу маънигадур дол «Кунтун-набий».

Қачонким, валад бўлса одам санга,  
Бас аҳфод эрур ўзгалар ҳам санга.

Хирадга солиб ажз зотинг сенинг,  
Хирад аҳлига муъжизотинг сенинг.

Чу Мусога «Таврот» этиб ҳақ баён,  
Санга ул баён ичра муъжиз аён.

Бўлуб чунки Довуд қисми «Забур»,  
Сенинг муъжизинг анда айлаб зуҳур.

Чу Исога «Инжил» нозил бўлуб,  
Ҳақ анда сифотингга қойил бўлуб.

Қаломеки сендин топиб интизом,  
Апинг лафз бар лафзи муъжиз низом.

Нечаким кутуби осмоний келиб,  
Борисинда сендин нишоний келиб,

Бўлуб чун зуҳури валодат санга,  
Бўлуб фош нури саодат санга.

Апинг партавидин нечукким қуёш,  
Мадойин бўлуб Макка аҳлига фош.

Сужудунгга бутлар бўлуб ерга паст,  
Апингдекки, бут олида бутпараст.

Ангаким санга берди мундоқ вужуд,  
Бу шукронага сен ҳам айлаб сужуд.

Сени чунки сожид қилиб кирдигор,  
Анга сажда қилмоқ бўлуб ошкор.

Сенинг тугмогинг равшан айлаб жаҳон  
Анингдекки, туққай қуёш ногаҳон.

Бу иштин фалак топқач огоҳлиқ,  
Санга шаҳлар узра бериб шоҳлиқ,

Фалакка бу бахшин қилурга не ҳад,  
Сени ҳақ шаҳ этмиш азал то абад.

Гувоҳ ўлди тожи футувват мунга,  
Далил ўлди муҳри нубувват мунга.

Бу муҳреки нақшин тутуб ул китиғ,  
Қуёш ичрадур ахтари мунхасиғ.

Не ахтарки, бир хотам этмиш нишон,  
Ядуллоҳ аро хотам ўлғон ниҳон.

Вужудунгни чун қилди ҳақ ганжи роз,  
Ҳақиқат дуру лаълидин йўқ мажоз.

Қилиб фош маҳфузи асрор фанин,  
Заруратки муҳр этти ўз маҳзанин.

Демай жисмким, ганжи шоҳийдур ул,  
Не хотам, нигини илоҳийдур ул.

Ангаким илик берса мундоқ нигин,  
Нигинида тонг йўқ замону замин.

Нигин йўқки, ой узра пироядур,  
Қуёш уетида мушкдин соядур.

Қуёшинг чу манъ айлади сояни,  
Недин соя касб этти бу пояни.

Чу шамъингнинг ўлди адам сояси,  
Нечук бўлди бу соя ҳамсояси.

Қилиб ҳар кун ул сояга рашк фош,  
Тўқар сарғариб, титраб ашкин қуёш.

Қуёшинггаким банда юз бадрдур,  
Ики зулф ики лайлатул қадрдур.

Демай зулф, ики гесуйи анбарин,  
Қарориб алар атридин мушки Чин.

Сабо Чин сори андин элтиб шамим,  
Бўлуб Чин доғи нофани мушкин насим.

Недин бўлди Чин нофаси мушкфом,  
Булардин агар қилмади мушк вом.

Ўрулганда тоғиб чу тобу шиканиж,  
Ики анбарин афъи, ул иксем ганиж.

Қачоқким тарар чоғда тоғин очиб,  
Сабо барги гул узра сунбул сочиб.

Юзунг сунбули анбаринфом аро,  
Саодат тазарви тушуб дом аро.

Қушеким санга бастаи дом эмиш,  
Азозилдек фарруханжом эмиш.

Аёгингга таїреки афгандадур,  
Агар чугз бўлсуинки, фархандадур.

Бировким эрур ганиж ваїронаси,  
Не гам аждаҳо бўлса ҳамхонаси.

Аларким ўлумга даво қилдилар,  
Асо ташлабон аждаҳо қилдилар.

Очилгоч каломингдин оби ҳаёт,  
Ани тўрт бурқаъга солди уёт.

Чу ҳабли матининг аён қилди зўр,  
Мунунг айлади аждахосини мўр.

Не Мусо-ю, Исоки, бори милал,  
Чу шаръинг аён бўлди топти халал.

Зиҳи офтоби рисолатпаноҳ,  
Ки анжумдек эттинг русулдин сипоҳ.

Вале чунки хуршединг этти зуҳур,  
Қавокиб сипоҳин ниҳон қилди нур.

Неким чарху анжум санга жилвагоқ,  
Ки жилванг чоғи Арш ўлуб хоки роқ.

Рикобингда човуш ўлуб Жабраил,  
Бу маънига меърож шоми далил.

#### IV

*Ул ҳумойи баландпарвоз тайронининг суръати таъри-  
фидаким, меърож шабистонида кўзи наргиси била кўн-  
ли ғунчаси «мозоғал-басару ва мо тағо» жўйборидин  
шодобдурур ва тақарруб айвонида муқаввас қошлари «қо-  
ба қавсайни ав адно» эътиборидин баҳраёб*

Не шом ул шабистони фархундафол,  
Булуб офариниш узориға хол.

Демай холким, гесуйи мушкрез,  
Қилиб офариниш уза мушкбез.

Чу онинг бўлуб ошкоро иси,  
Жаҳонни тутуб мушксоро иси.

Тааний била жунбиш айлаб насим,  
Ёйиб мушк зимнида авроқи сим.

Не симия варақ, балки юз ламъа нур,  
Қилиб ул шабистонда ҳар ён зуқур.

Ул анвордин жирми ғабро ёруб,  
Не ғабро, шабистони хазро ёруб,

Фалак гулшани равза бўстонидек,  
Сипехр ахтари худд ризвонидек.

Малойик иниб равшан ахтар киби,  
Учуб даҳр даврида шабнар киби.

Бу қушлар жиноҳи ели чун етиб,  
Шаётин губорини барбод этиб,

Бу янглиғ кеча ул чароги сипехр,  
Юзи тоза гулбарги боги сипехр.

Қуёшдек улусдин ниҳоний бўлуб,  
Ери ҳужраи уммаҳоний бўлуб.



Ки ногоҳ чоқилди бир тез барқ,  
Ки офоқни қилди нур ичра ғарқ.

Демай барқким, тойири барқсайр,  
Қўлида бир ул навъким барқтайр.

Бири Арш айвонининг тойири,  
Бири хулд бўстонининг сойири.

Анга сидра коҳи навогоҳ ўлуб,  
Мунга равза боғи чарогоҳ, ўлуб.

Келиб ҳосилан Жабраили амин,  
Етиб турфа товуси хулди барин.

Буроқи сабук сайри қудсий сирешт,  
Бўлуб жилвагоҳи риёзи биҳишт.

Фалак сайридин тез ором анга,  
Минг иллик фалак сайри бир гом анга.

Қаёнким солиб гом пайки назар,  
Юз онча қилиб гоми онинг гузар.

Чу етти паём овари раҳнавард,  
Бўлуб жабҳадин хоки дарғаҳнавард.

Юзини меҳрдек айдагач хок суд,  
Ҳабибига еткурди ҳақдин дуруд,

Ки ҳижрон бисотини тай этмак керак,  
Қўпуб ҳақ висолига етмак керак.

Эшитгач бу сўз сойири чархгом,  
Равон қўити бўлмаққа гардунихром.

Чекиб қосид ул рахшу айландуруб,  
Сафари созини қўлдаб, отландуруб.

Чу отланди рокиб, нечукким дарахш,  
Буруй сурди Байтул-ҳарам узра рахш.

Яна пўяда қўйди ақсоға юз,  
Не ақсоға юз, чархи аълоға юз.

Ўтуб ҳамл аввалда бу богдин,  
Елу ўт била суву туфрогдин.

Чу жавлонгаҳи бўлди бу тийра фарш,  
Бурун ҳамлада фаршдек қолди Ариш.

Фалакдин демай ўтмак осон эди,  
Қуйинги тихи бирла яксон эди.

Бурунгидаким ойга қилди видоъ,  
Қамар манзили бўлди тақташ-шиоъ.

Чу касб этти ул нури жовиддин,  
Қамар пояси ўтти хуршиддин.

Чу рахши икинчига урди қадам,  
Аторидга синди давоту қалам.

Қўруб уммийи илмлар махзани,  
Равон илм касб этмак ўлди фани.

Учунчи сори чун шитоб айлабон,  
Фалак Зухрага эҳтисоб айлабон.

Йўлидин қочиб зоҳир этмай суруд,  
Равон ёшуруб чодири ичра руд.

Чу тўртунчи сори таковар суруб,  
Қуёшқа базе сарзаниш еткуруб.

Бўла олмайин ул шабистонда фош,  
Қириб ер тубига уётдин қуёш.

Бешинчига чун еткуруб гомни,  
Қилиб бандаи амри Баҳромни.

Ки солиб улус таркидин қинга тиг,  
Қилиб тарк қон тўкмагини бедариг.

Чу олтинчига еткуруб раҳбари,  
Ўқуб хутбаи давлатин Муштарий.

Дуосига минбарда чун қўл очиб,  
Бошига фалак нақди анжум сочиб.

Етинчига чун обир айлаб саманд,  
Саодатдин ўлуб Зухал бахраманд.

Бўлуб дафъ анинг борча наҳсияти,  
Қули бўлуб анинг саодат оти.

Чу айлаб секизинчи сори мурур,  
Савобит тошиб мақдамидин сурур.

Очиб гулларин ул мусамман чаман,  
Боши узра сочиб гулу настаран.

Хамал чун анингдек тошиб меҳрибон,  
Керакмас дебон Мусо янглиг шубон.

Бўлуб садқаси чархи даввор уйи,  
Қилиб давра, андоққи, ассор уйи.

Ики пайкар очиб дуосига эл,  
Тонгиб хизматига ики ерда бел.

Мушарраф қилиб чулки харчангни,  
Очиб рахши теморига чапгни.

Қочиб шер етган замон ул далер,  
Қари тулку ул навъким етса шер.

Бўлуб хўшага донга гавҳар киби,  
Не гавҳар киби, балки ахтар киби.

Аёгига мезон қўюб бошини,  
Адолат юзидин тузуб тошини.

Чиён нўш сочмоқ қилиб ибтидо,  
Этиб нишининг банд-банддин жудо.

Бўлуб қош учидин ишоратнамой,  
Бериб қоби қавсайиндин мужда ёй.

Сутн ўчқунинг шираи жон бўлуб,  
Анинг қатраси дурри галтон бўлуб.

Йўли устида қубқаким сув сочиб,  
Сочар вақти сув йўққи, инжу сочиб.

Фалак деб дамидин тирилганда хут  
Ки «Субҳона ҳайил-лази ло ямут».

Фалак боғи андоқ топиб зебу фар,  
Ки бир чарх ўлуб анда ҳар нилуфар.

Чу гарм айлабон чархи атласқа от,  
Тўшаб атласин оти олинда бот,

Чу сайр айлаб ул неча торам сори,  
Таковар суруб Арши аъзам сори.

Бўлуб муфтахир Арш анинг зотиға,  
Ки наъл айлабон «айн»идин отиға.

Бериб чунки курсига пирояе,  
Уружиға курси бўлуб пояе.

Мунаввар бўлуб лавҳ, анворидин,  
Қилиб шамса хуршид рухсоридин.

Қаламға етиб мақдамидин кушод,  
Ёзиб чашм захми учун «ин якод».

Суруб барқ сайрини жон мулкига,  
Не жон мулкига, ломакон мулкига.

Гузаргоҳи улдамки раф-раф бўлуб,  
Юзидин дамодам мушарраф бўлуб.

Ўтуб доғи бир ерга тортиб алам,  
Ки бўлмай анга ҳамраҳи ҳамқадам.

Қолиб пўядин пайки афлок гард,  
Қадам олмайин рахши гардуннавард.

Буроқин тушуб пайкига топшуруб,  
Қадамсиз юруб, пўясиз гом уруб.

Не тўрт асдин кўнглига ёрлик,  
Не олти тарафдин хабардорлик,

Ҳам олти-ю ҳам тўрт мавқуф эди,  
Анинг ҳотири бирга машъуф эди.

Бўйидин вужуди либосин сўюб,  
Бошидин таайюн ливосин қўюб.

Вужудия адам гарди айлаб соғинч,  
Вужуду адамдин бўлуб кўнгли тинч.

Ўзидин чу жонида қолмай нишон,  
Солиб ўзни жонон сори жонфишон.

Ўзидин ўзин токи қилмай халос,  
Қила олмайин ўзни жононга хос.

Чу ўзлукни ўздин қилиб баргараф,  
Қилиб жилва мақсуд анга ҳар тараф...

Бўлуб рафъ ўзлук аро пардаси,  
Падид ўлди ваҳдат саропардаси.

Ниқоб анда етмиш минг этти зухур,  
Анинг кўнраги зулмат, озроғи нур,

Ки рафъ этти борин ҳидоят ели,  
Ҳидоят ели йўқ, иноят ели.

Яқинроқ сиғинди висол истабон,  
Висол авжиға иттисол истабон.

Неким истабон айлар эрди ҳавас,  
Тамомнига ҳақ еткуруб дастрас.

Ёруб васл хуршидидин айн анга,  
Муайян бўлуб қоби қавсайн анга.

Тааллумга етмай «шадидул-қуво»,  
Кўзни топти «мозог», ўзи «мо таго»,

Неча икилик нақши нобуд ўлуб,  
Бир-ўқ ваҳдати сирф мавжуд ўлуб.

Қилиб майл уммат низомнига ҳам,  
Ёниб «Ли мааллоҳ» мақомнига ҳам.

Қилиб мустамилъикда арзи ниёз,  
Тоғиб ҳақ таолодин исмон роз.

Агар махфий, ар фош ўлуб ҳақ сўзи,  
Ўзи айтибу ҳам эшитиб ўзи.

Кўруб баҳри гуфронни чун мавжнок,  
Тилаб осий уммат гуноҳини пок.

Бу мақсудини арз қилгон замон,  
Талаб бирла топмоқ бўлуб тавъамон.

Чу топиб тилаб топмагонни киши,  
Қириб кўнглига авд қилмоқ иши.

Келиб гунчау боги ризвон ёниб,  
Етиб қатрау баҳри Уммон ёниб.

Топиб ҳар не мақсудким истабон,  
Бўлуб борча мавжудким истабон.

Ёниб юз қўюб рахшу йўлдошига,  
Тонилмай етишгач алар қошига.

Анинг шавкатин беадад топибон,  
Неча Аҳмад истаб аҳад топибон.

Яна секрибон маркаби узра чуст,  
Қилиб пўя азми, нечукким, нухуст.

Фалак аҳли ичра алоло тушуб,  
Малак хайлига шўру гавго тушуб.

Малоик тутуб йўл бошини жавқ-жавқ,  
Тамошосида борча кўнглида шавқ.

Жамолига чун кўзларин очибон,  
Табақи нурлар бошига сочибон.

Анга нур сочмоққа монанд бу,  
Ки сочқай киши баҳри Уммонга сув.

Сочиб нуру бори аёгин ўпуб,  
Аёг неки, рахши тувогин ўпуб.

Чу бир хайл этиб хайрбодига майл,  
Етиб хайри мақдам дебон ўзга хайл.

Булар қилмайин авд, побўс этиб,  
Ки бир ўзга хайли малоик этиб,

Малакдин тўлуб, баски, ҳар қўл анга,  
Нузул этгали богланиб йўл анга.

Туман минг шарор ичра бир ламъа нур,  
Ўкуш хайли нор ичра бир ламъа нур.

Вале нурига нордин йўқ газанд,  
Бўлуб нор ул нурдин бахраманд.

Бу янглиғ кириб хайли афлок аро,  
Гузар қилгали маркази хок аро,

Бошига анинг эврулуб ҳар фалак,  
Нечукким, фалак узра хайли малак.

Чароғиға парвоналардек нужум,  
Ўзин ўртамакликка айлаб ҳужум.

Не парвонаким, борча шамъин тутуб,  
Анинг машъали нуридин ёрутуб.

Фалак аҳлин айлаб чу нур ичра гарқ,  
Фалакдин иниб ерга андоқки барқ.

Гули чун қилиб тоза бу боғни,  
Этиб ғайрати Арш туфроғни.

Тушуб бўлғоч оромгоҳи висоқ,  
Ёниб пайку жаннатқа элтиб буруқ.

Мунунгдек сафарким эмас халқ иши,  
Ки шарҳин анинг айлай олмас киши.

Хирадни нетонг айлаёса бадгумон,  
Ки боштин-оёқ бор эмиш бир замон.

Бориб келмак андоқ топиб иттисол,  
Ки бўлмоқ бурун сўнгра лафзи маҳол.

Не ерга етишгай хирад билмаги,  
Бор эрса борурдин бурун келмаги.



Даме сайр этардин бишик химмати,  
Муроднин ҳосил қилиб уммати.

Зорига бериб муждан шодлиғ,  
Гунаҳ интиқомидин озодлиғ.

Навойига бўлса гунаҳ беҳисоб,  
Анга ҳам, гуноҳига ҳам ше ҳисоб.

Шафев ўлгон ўлса бу янглиғ расул,  
Ҳақ ул навъ ани қилгон ўлса қабул,

Иши неча журм ичра мушқилдурур,  
Бағишлангон эл ичра дохилдурур.

Қачон ҳожати бўлғай эрди раво,  
Агар топмаса эрди мундоқ наво.

#### У

*Бу Хамса тақмилидаким, салавоти хамса адосидек аввал фажр сажадотидин «Сиймоҳум фи вужуҳидим мин асариссужуд» зумрасига кирилди ва зухр рақотидин «Варқау маарроқин» хайлига қўшулулди ва аср қиёмидин «Ва иқомас-салавот» жамоатиға юз қўюлди ва мағриб қироатидин «Иқраъ бисми раббикалмалекъ хашақ» халқига бош индурулди ва эмди ишо ниятидин отил табъни рафлат уйқусига борғоли қўймайин адосига тарғиб қилилди.*

Кел-эй толеъи саъду бахти баланд,  
Ки сиздин бўлур одамий аржуманд.

Ангаким тушар қайсингиз сояси,  
Қуёшдин бийикрак бўлур шояси.

Ангаким етар иккингиздин мадад,  
Мададкори ҳақдур азал то абзад.

Қарам айлаб икк қўлум қўлдангиз,  
Сўз иқлими сори мени йўлдангиз.

Бу водий аро Хиэри роҳи бўлунг,  
Қаён юз негурсам навоҳам бўлунг.

Бурундин чу кўргуздунгуз ёрлик,  
Басе етти сиздин мададкорлик.

Кичик эрканимдин бўлуб қошима,  
Улуг муддао солдингиз бошима.

Чу олимга келган бийик тоғ эди,  
Тоши итигу йўли бўртоғ эди.

Бу бўртоғлик бирла юз печ анга,  
Чиқа олмагудек киши ҳеч анга.

Чиқар йўлида тўрт оромгоҳ,  
Бешинчиси мақсад билонштибёҳ.

Ҳар оромгоҳида юз навъ ранж,  
Вале тутқач ором зимнида ганж.

Анга чиқмоқ ўлмай кишининг иши,  
Магарким чиқиб бир, ики, уч киши.

Манга чунки сиздин мадад бор эди,  
Не сиздинки, тенгри мададкор эди.

Чиқорга чу қилдим азимат дуруст,  
Қадам урдум ул ақба йўлига чуст.

Қилай деб мақом ул фалакваш сарир,  
Итик тош аёғимга эрди ҳарир.

Қадам урмогим бемадоро бўлуб,  
Ким ул хора йўлумда хоро бўлуб.

Қилиб танга осудалиғини ҳаром,  
Ҳамул тўрт манзилни қилдим хиром.

Йўлум ичра манзил чу бу тўрт эди,  
Чиқорим бийик, ўйлаким, ўрт эди.

Солиб чун бийик йўлга чиқмоққа хез,  
Мақон таё қилиб, ўт киби гарму тез.

Не манзилга етгунча гар ранж ўлуб,  
Вале баҳра манзилда бир ганж ўлуб.

Кўюлди чу тўртунчи манзилга гом,  
Дедимким, қилай тўрт-беш кун мақом,

Ки йўл рағжидин потануманд эдим,  
Тинорга, баче, орзуманд эдим.

Неча кунки дафъ ўлди фарсудалиқ,  
Мизожимга юзланди осудалиқ.

Табиатки хўйи касолатдурур,  
Тарадуд анга саъб холатдурур.

Хусусанки товшолмиш ўлгай, баче,  
Ўотинг пўядин толмиш ўлгай, баче.

Беш-ўн кунчаким бўлдум оромжўй.  
Нишотн маю нуқлдин комжўй.

Ҳаво андоқ айлабдур они лаванд,  
Тараб таибалу, кому гафлат тананд,

Ки, жуз майли кому мурад айламас,  
Қадам йўлга урмоғни ёд айламас.

Десам азм тарғибига юз масал,  
Анинг дафъига кўргузуб минг ҳиял.

Йўл эмгаklarин ёд қилгон замон,  
Бўлур хотире азм этардин рамон.

Даме бе маю нуқл масрур эмас,  
Манга онинг ислоҳи мақдур эмас.

Азимат анга мундин ар қолса кеч,  
Не эмгакки чектим, эрур борса ҳеч.

Хусусанки занжирлар бирла ҳам,  
Агар чексалар, йўлга қўймас қадам.

Насихат мизожига даргир йўқ,  
Кучум етмасу ўзга тадбир йўқ.

Ярим йўлда қолмоқ эрур мушкил иш,  
Манга тушган иш кимсага тушмаиш.

Бу дастонки сурдум-киноятдурур,  
Гараз андин — ушбу ҳикоятдурур

Ки, ҳақдин ато чу манга бор эди,  
Яна бахту инқобол ҳам ёр эди

Ки, чуи «Хамса» азмин дуруст айладим,  
Қамаргоҳига нанжа руст айладим.

Етишмай кўн ул ишта нанжамга ранж,  
Насиб ўлди беш ганжидин тўрт ганж.

Не васф айлайин, чунки ҳар ким етар,  
Тааммул агар қилса, маълум этар.

Ки ганж, ўйла, йўқтур, Фаридунга ҳам,  
Фаридун демай, балки Қорунга ҳам.

Ва лекин бешинчида табъи нанжанд,  
Неча кун бўлуб лаҳвга пойбанд.

Қадаҳ дурдига қўл узотибдурур,  
Аёги бу лой ичра ботибдурур.

Ани тортмоғлиқни бу лойдин,  
Ҳамул бодан хотиролойдин.

Неча ўз қошимда қилурмен хаёл,  
Хирад ул хаёлимни айтур маҳол.

Уйеки, ваҳалдин чекар юз киши,  
Ани чекмак эрмасдурур мўр иши.

Бу ишдинки табъим ҳаросон эрур,  
Агар тенгри лутф этса осон эрур.

Қачон чекса они иноят қўли,  
Илайинда очса ҳидоят йўли,

Талаб йўлида толпина, тирмана,  
Не душвор манзилга етмак яна?

Чу ҳақдин эди ул саодат манга,  
Бу душвор иш ичра жалодат манга.

Бу дам ҳамки, мушқилрак ўлмиш ишим,  
Эрур тенгри олинда-ўқ полнишим.

Агар лутфини айласа ёварим,  
Тилимни ёзуғларга узроварим.

Чекиб барча олудалигдин аёқ,  
Тутуб бори беҳудалигдин қироқ.

Надомат кўзин ашқнок айлабон,  
Ҳам ул сув била гусл пок айлабон.

Солиб кўнглума сўз демак ниятин,  
Кийиб эғнима доғи сўз қисватин.

Суханварлиғ асбобини соз этиб,  
Дури назм сочмоғлиғ оғоз этиб.

Тузай назм мулкида шоҳона базм,  
Ҳамул базм сори қилай ёна азм.

Билик тахти узра чиқиб ўлтурай,  
Хаёл элчисин ҳар тараф чоңтурай.

Намудори расми раёсат қилиб,  
Ибо айлаганга сиёсат қилиб.

Маоний сипоҳини жон мулкидин,  
Не жон мулкидин, ломакон мулкидин,

Ясоқ бирла еткуртайин фавж-фавж,  
Ки тутсун черик не ҳазизу не авж.

Йигилғоч сипаҳ, тарки базм айлайин,  
Жаҳонгирлик сори азм айлайин.

Солиб таңга сўз жавшану бағтарин,  
Қўюб бош уза пок назм афсарин.

Мишай кўшишу саъй раҳшига тез,  
Сипаҳ зийнатиға қилойин ситез.

Ясолни тузай андоқ ораста,  
Ки бир туз чаман сарви павхоста

Мамоликки, табъ айламиш эрди фатх,  
Ул иқлимким бўлмамиш эрди фатх.

Не иқлим, балким жаҳон кишвари,  
Ки топмиш эди фатҳи Искандарий.

Скандардек айлаб сипаҳдорлиг,  
Сипаҳни халалдин ниғаҳдорлиг,

Нечукким, Скандар кезиб хушку тар,  
Мусаххар қилай назм ила баҳру бар,

Ки яъни чекиб хомаи хушхиром,  
Скандар ишига қилай эҳтимом.

Илоҳи Навойига тавфиқ бер,  
Қаро шомига шамъи таҳқиқ бер,

Ким ул шоми дайжур офотидин,  
Не офотидин, балки зулмотидин.

Чиқорсун Хизр янглиғ оби ҳаёт,  
Етурсун Скандар жанобига бот.

Неча зойил ўлсун ҳаётни анинг,  
Тирилсун бу дам бори оти анинг.

## VI

*Сўз таърифидида бир неча сўзким, офариниш дарёси-  
дин бурунги чиққон гавҳари серобдурур ва хилқат си-  
пехридин аввалги тулуъ этган ахтари пуртоб ва бу му-  
носабат била ҳазрати шайхи Низомий қаддаса сирраҳу  
маддоҳлигимким, бу ахтарнинг сипехри гардони ул эрди  
ва бу таъриф била Мир Хусрав навара марқадаҳу  
авсофиким, бу гавҳарнинг дарёи бепоени ул*

Ичар хайл сўз бодаи софини,  
Демак фарз келди сўз авсофини.

Будур васфи ичра камолин демак,  
Ки бўлмас камолини васф айламак.

Бу таъриф анга бас муважжаҳдурур,  
Ки таъриф этардин мунназаҳдурур.

Бийикрак мақом ичра афлокдин,  
Не афлокдин, ваҳму идрокдин.

Ул авж узраким сочилиб сўз дури,  
Сурайё келиб анда таҳтас-сари.

Вужуд ичра оламга сабқатнамой,  
Шараф бирла одамга рифъатфизоӣ.

Гар ул бўлмаса кимсага йўқ шараф,  
Анингдекки, гавҳарсиз ўлгаӣ садаф.

Садаф-то гуҳар анда пинҳон эрур,  
Анинг хозини баҳри Уммон эрур.

Гуҳардин чу холм бўлур ул садаф,  
Эрур тенг улу бир қуругон кашаф.

Башар зотида жавҳари жон ҳам ул,  
Ўлук жисмида оби ҳайвон ҳам ул.

Буким жавҳари жон дедим отини,  
Қилай жон била бу сўз исботини.

Чу жисм ичра жон йўқтур, ул йўқдурур,  
Яна жонга онсиз бу ҳол ўқдурур.

Башар хайлига тил тутулгон замон,  
Тириклик ҳамон келди ўлмак ҳамон.

Бу ҳамким дедим оби ҳайвон ани,  
Қулоқ тутки, шарҳ айлай осон ани.

Ўлук тиргузур бўлса ҳайвон суйи,  
Қилур ҳам бу ишни дами Исавий.

Қаю кимсаким, сўз берур жон анга,  
Қилур жон фидо оби ҳайвон анга.

Ўлукка гар андин эрур жоии пок,  
Ва лекин тирикни ҳам айлар ҳалок.

Гаҳи масжид ичра алоло солиб,  
Харобот аро гоҳ гавго солиб.

Ҳам ул чарх бағрига дурдонадур,  
Ҳам ул баҳру гавҳарга афсонадур.

Башар таънининг ишвагар дилбари,  
Назардин ниҳон, ул сифатким пари.

Дилроғлиғ анда жаҳон дар жаҳон,  
Латоғат ани кўздин айлаб ниҳон.

Вале гар тилаб халқ офатларин,  
Кийиб савт пла ҳарф кисватларин.

Ҳулаҷким жамолин мушакқал қилиб,  
Маъоний дуридин муқаллаб қилиб.

Юзиға бериб зеб санъат била,  
Солиб зулфиға тоб диққат била.

Бериб нуқтадонлиғ фасоҳат анга,  
Ясаб нуқтаронлиғ балоғат анга.

Лутуфдин юзин айлаб ораста,  
Бўлуб, ўйлаким, моҳи покоста.

Оғиз равзанидин хиром айласа,  
Қулоқ ҳужрасига мақом айласа.

Не ўтларки солгай жаҳон ичра ул,  
Жаҳон ичра йўқ, инсу жон ичра ул.

Бу ҳол ўлса минбар уза ошкор,  
Вараъ аҳлининг кўнглин айлаб фигор.

Бири нолаи дарднок айлабон,  
Бири далқи пашмина чок айлабон.

Бу янглиғки, шарҳ айладим можаро,  
Агар зоҳир ўлса харобот аро,

Бир ўт дурдқашларга солгайки даҳр,  
Топа олмагай шуъладин ўзга баҳр.

Кўкусга қоқиб юмруг ўрнига тош,  
Уруб ер уза бўрк ўрнига бош.



Дамеким, анга зоҳир ўлмаи вужуд,  
Гум эрди адам ичра буду набуд.

Не бу ети қандили воло эди,  
Не тўқуз сипехри муалло эди.

Адам эрди ҳар неки мавжуд эрур,  
Жуз ул зотким, фойизи жуд эрур.

Ҳам ул ваҳдати сирф бўстонидин,  
Не бўстон, ҳақиқат гулистонидин.

Бурунроқ насимеки урди нафас,  
Эшитгил нафаским, сўз эрдию бас.

Очилди чу ул ел — дам урди нуҳуфт,  
Адам ичра юз гунчаи ношугуфт.

Қаю гунчаким, гулшани коинот,  
Бу жонбахш ел бирла топти ҳаёт.

Нима офаринишда тутмай ўрун,  
Ки тебранмиш ўлгай бу елдин бурун.

Қаю варджим, келди анбар шамим,  
Ани билки очмишдурур бу насим.

Магар бўлди Рухул-қудс ҳамраҳи,  
Ва ё келди анфоси Рухуллаҳи.

Анинг бирла кони маоний кутуб,  
Йўқ арзии кутуб, осмоний кутуб.

Неча қидмати ортуқ андозадин,  
Вале дам-бадам тозароқ-тозадин.

Жаҳон гулшани ичра бу тоза гул,  
Қуёш вардидек олий овоза гул

Ки, андиндурур даҳр боғига атр,  
Бори офариниш димоғига атр.

Вале воқеъ ўлмиш тафовут баса,  
Бири гулбун ўлмиш, яна бир хаса.

Бу гавҳардин ўлди тўла гарбу шарқ,  
Вале тонти қийматда бисёр фарқ.

Бировга етишгонга қиймат пашез,  
Яна бирга қиймат келиб ганжхез.

Бу ганж олгон ул подири фард эрур,  
Ки ганжи анинг Ганжапарвард эрур.

Ҳам ул ганжрезу ҳам ул ганжнош,  
Бўлуб базлидин даҳр аро ганж фош.

Нечаким очиб ганж тўкмакка қўл,  
Вале маҳзани роз ганжури ул.

Анинг ганжидин ҳар дирам ахтаре,  
Яшил куп анга гунбади ахзаре.

Куп остидаги хишт қурси қамар,  
Вале бошида ташти заррини хар.

Қазо қисмидин етмайин ранж анга,  
Бу янглиғ не бир ганж, беш ганж анга.

Тутуб ганжи бу чархи нуҳ тоқни,  
Нечукким, қуёш нури офоқни.

Бу янглиғки ганжи маоний тўкуб,  
Жаҳон аҳлига жовидоний тўкуб.

Бу беш ганжидинким жаҳондур тўло,  
Ки кўк жавфида доғи йўқтур хало.

Йўқ улким, жаҳонни тўло айламиш,  
Ки гардуни ҳам имтило айламиш.

Келиб табъи гардуни ояпй асос,  
Маоний дури анда анжум қиёс.

Бу гардун аро табъи хуршид ўлуб,  
Анинг нури оламда жовид ўлуб.

Шиҳоби қалам, чунки айлаб тарош,  
Тоғиб сафҳаи меҳр андин харош.

Аторидки, мавлоин дарғаҳнишин,  
Қачон хома йўнса бўлуб резачин.

Фалак уд сўзида ахгар қилиб,  
Малонк ани уди миқмар қилиб.

Не когазғаким, килки гавҳарфишон,  
Қилиб меҳри заркаш анга зарфишон.

Этиб анда олтинчи кўк зевари,  
Ўнуб бошига санчибон Муштари.

Фалак аҳли ул нома кўрган замон,  
Боши узра мисвоке айлаб гумон.

Қуёш чунки нур англамай айнидин,  
Ани ёрутуб гарди наълайнидин.

Бўлуб сўз майига чу ҳуши гаров,  
Анга журъакаш йўқ, магарким биров.

Биров йўқки, ҳиндуйи лаъбовари,  
Не ҳиндуки, жодуйи донишвари.

Не жодуки, донойи ҳикматмаоб,  
Сўзи назм девонидин интихоб.

Чучук нуктадин ёпишиб номаси,  
Магар найшакардин бўлуб хомаси.

Анга хома нўги қаранфул киби,  
Ва ё сарвиноз узра сунбул киби.

Гаҳ ул сунбули тар қаранфул сочиб,  
Қаранфул доғи гоҳ сунбул сочиб.

Сўз ичра анга тезбозорлиқ,  
Бу бозор аро турфа атторлиқ.

Валек ул дўконеки мавжуд анга,  
Сутуну эшик-сандалу уд анга.

Бу атторлиқда мақосид билиб,  
Ани доли дониш Аторид қилиб.

Қачон хома дастонсаро айлабон,  
Саводи жаҳонни қаро айлабон,

Чу Ҳиндустондин суруб достон,  
Қилиб даҳрни дағи Ҳиндустон.

Сўзи шӯҳиди мажлисоройи Ҳинд,  
Бу мажлис ичида ўзи ройи Ҳинд.

Демай рой ани, балки юз Кеду рой,  
Сазодур анга хокрӯби сарой.

Бу ерга чекиб поя хусравлуғи,  
Бийик авжида меҳр партавлуғи,

Ки дониш саводида ҳар кимки шоҳ,  
Анинг хизматида бўлуб хоки роҳ.

Низомийча гар назми чолок йўқ,  
Чу эл мунча — чолок йўқ, бок йўқ.

Сўз авжида гар ул маҳи ховарий,  
Бу гар йўқ маҳи ховарий, Муштарий.

Анинг лаълида гар дурахшандалик,  
Мунунг доғи дуррида рахшандалик.

Гар ул раҳрав ўлса, бу пайрав келиб,  
Гар ул шоҳ, бу доғи хусрав келиб.

Ки жаннат алар маскани то абад,  
Навойига маъинларидин мадад.

Яна ҳам қилиб нақджўлуғ адо,  
Бу савдоға урди қадам ҳар гадо.

Вале ҳар бирига бир офат етиб,  
Қим ул ком таҳсили манъин этиб.

Анингким бўлуб назм пирояси,  
Бу савдони қилмоққа сармояси,

Тоғиб жузъий суд бирла сурур,  
Солиб кўнглига ул сурури гурур.

Тажовуз қилиб ажзу инсофдин,  
Қабартиб ўзин даъвою лофдин.

Чу тарки адаб зул этиб иқтизо,  
Сўз айтурга тавфиқ бермай қазо.

Агар нақд ила бўлса ҳам борлиқ,  
Анга халқ қилмай харидорлиқ.

Не коғаздаким нукта айлаб рақам,  
Рақам қилмай они яна кимса ҳам.

Киши нақл қилмоққа чекмай насақ,  
Бўлуб ул варақ рамл чеккан варақ.

Бу хайл ичра бир номуроде эди,  
Ки таҳрир қилгон саводе эди.

Ки гарчи юзи зебдин эрди фард,  
Ниёз оҳидин лек топти навард.

Бу маънидин ар зулмат, ар нур эрур,  
Сўзи гоҳ тилларда мазкур эрур.

Чу ул чошнига мушарраф бўлуб,  
Ўзи жаргаликлардин ашраф бўлуб.

Булар чун адам сори кўчмиш эди,  
Дегил маснавий оти ўчмиш эди.

Ҳамул боғ аро гул йўқу бўйи ҳам,  
Қурумиш эди ул ариғ суйи ҳам.

Биҳамдиллаҳ ул гул топиб рангу бў,  
Бир оққан ариққа яна оқти сув.

## VII

*Сўз дурлари назмида низомийнизом ва такаллум  
гавҳарлари интизомида хусравкалом Низомий била Хус-  
рав қойим мақоми яъни ҳазрати маҳдумий мавлоно Ну-  
риддин Абдураҳмон Жомий мабда зиллуҳул-олий ало  
мафориқи фарқат-толибин жанобида арзи ниёз қилмак  
ва изҳори роз айламак.*

Биров олди сўз кишварни якқалам,  
Ки қилди қаламин сугуни алам

Қўлига олиб пайза ўрнига қилк,  
Сўз иқлимни сарбасар қилди милк.

Билик авжининг меҳри тобони ул,  
Қаю меҳр, сўз жисмининг жони ул.

Чу суръат аро ўт сочиб хомаси,  
Яна гарм ўлуб нукта ҳангомаси.

Ҳамул ўтқаким, назм шамъин тутуб,  
Маоний шабистонини ёрутуб.

Чу табъидин оқиб маоний суйи,  
Келиб чашмаи зиндагоний суйи.

Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб,  
Суханварлик ўлган танин тиргузуб.

Чу истаб тараб табъи озодаси,  
Қуюб назм жомига сўз бодаси.

Анинг журъаси элни маст айлабон,  
Демай мастким, майпараст айлабон.

Не жомеки, май журъасидин наме,  
Тарашшуҳ қилиб, маст ўлуб оламе.

Бу янглигки жоми маоний тутуб,  
Малак хайлига дўстгоний тутуб.

Бўлуб чун анинг жомидин журъачаш,  
Бўлуб чарх сўфилари журъакаш,

Қи машъуф ўлуб жоми мастонага,  
Гаров айлабон хирқа майхонага.

Янги ойни жоми ҳилолий қилиб,  
Нечаким тўла бўлса холи қилиб.

Жаноҳайн ўлуб сукрдин хокрўб,  
Гаҳи дастафшон, гаҳи пойкўб,

Бу навъ ўлсалар арши аъзам эли,  
Не бўлгай, хаёл айла, олам эли?

Чу ул жомдин оби ҳайвон тошиб,  
Ўни жон бериб, гар бири жон тошиб.

Дема жом ила майки. назми равон,  
Еру кўк эли айлади потавон.

Қаю назм. балким жаҳон офати,  
Жаҳон офати йўқки, жон офати.

Эшитмаклиги завқнок айлабон,  
Вале дарки маъни ҳалок айлабон.

Ғазал дарду сўзини, ваҳ-ваҳ, не дей,  
Деса маснавий, оллаҳ-оллаҳ, не дей!

Агар назмдин борча услуб анга,  
Бори бир-биридин эрур хўб анга.

Вале маснавий ўзга оламдурур,  
Ки таъбига ҳоло мусалламдурур.

Бўлуб жилвагар таъби кўзгусида,  
Ки сабт айлади «Хамса» ўтрусида.

Эрур андин ортуқки, ўксук эмас,  
Эл андин дер ортуқки, ўксук демас.

Анинг байтига гар фузундур адад,  
Вале йўқтурур мунда маънига ҳад.

Неча анда дуржи дақойиқдурур,  
Вале мунда дурри ҳақойиқдурур.

Бўлур они баҳру муни кон демак,  
Ани кўшгул, аммо муни жон демак.

Бурун жилва айлаб аён тухфаси,  
Бериб олам аҳлига жон тухфаси.

Яна «Субҳа» жон риштасин тор этиб,  
Ки ҳар муҳра бир дурри шаҳвор этиб.

Чу Юсуф сўзини ошкор айлабон,  
Зулайҳо киби эли зор айлабон.

Чекиб хома «Лайлию Мажнун» сари,  
Юз офат солиб тоғу ҳомун сари.

Бу дамким қилиб хомасин дурфишон,  
Скандар ҳадисидин айтур нишон.

Шак эрмаски, фатҳ айлабон хушку тар,  
Скандар киби олгуси баҳру бар.

Букун комил ул навъ мафҳум эмас,  
Бурун бор экан доғи маълум эмас.

Биров кўнгли олиндаким софдур,  
Агар заркаш, ар бўрёбофдур.

Агар бўлса ўз фаннида бебадал,  
Ғаниматдур ул борчага филмасал.

Бировким анга нафас қудсийсифот,  
Нафас бирла ўлганга бергай ҳаёт.

Қаю кимсаким аҳли идрокдур,  
Анга жон фидо қилса не бокдур.

Агар нуктае жонфизоси анинг,  
Бу навъ ўлса юз жон фидоси анинг.

Ало, токи жон бўлгай инсон била,  
Тирик бўлгай инсон доғи жон била.

Ҳадисини эл жонига воя қил,  
Ҳамул воядин жонга сармоя қил.

Бу сармоядин бизга коме етур,  
Лаболаб майи васли Ҷомий етур.

Қи Ҷомийга ўзни қилиб журъакаш,  
Сўз айлай адо, масту девонаваш.

## VIII

*Иноят қуёши васфидаким, файз матлаъидин тулуъ эт-  
са, тарбияти хорани ёқути обдор ва лаъли оташин қилур  
ва ҳидоят саҳоби таърифидаким, жуд ҳавосидин иртифоъ  
тутса, тақвиятидин туфроқтин лолаи сероб ва гули оташин*



очилур ва ўзининг кўнгли хораси ул қуёш партавин топ-  
қонин демак ва жисми туфроғи ул булут намин кўрма-  
гин айтмоқ

Бировким, эрур ёвар иқбол анга,  
Не иш қилса фархундадур фол анга.

Қаю ишгаким ройи озим бўлур,  
Зафар ёру давлат мулозим бўлур.

Агар қилса хармуҳра дарйўза ул,  
Бўлур кирса илгига феруза ул.

Тикон сориким қўл узотур нухуфт,  
Қўлига кирар гунчай ношугуфт.

Агар ойга тушса кўзи, кун бўлур,  
Қадам қўйса туфроққа, олтун бўлур.

Қаро афъи ар етса онинг қўли,  
Бўлур ком гулчехраинг сунбули.

Булут бошига етса ёмгур сочар,  
Галатурки ёмгур сочар, дур сочар.

Вале иш керак буйла фарзонага,  
Бу янглиг атоёда шукронага,

Ки фориг бўлуб халқ бедодидин,  
Фароғ истамай додгар ёдидин.

Жафоси анинг дўстига етмагай,  
Қаю дўст, душманга жавр этмагай.

Демай жаврким, қилса аъдоси жавр,  
Анга бўлмагай тортмоқ кийна тавр.

Жафо ўтрусида вафо айлагай,  
Ва гар бухл кўрса ато айлагай.

Неча топса дунё матоъига ком,  
Анинг ҳифзига қилмагай эҳтимом.

Дема, ҳақ неким еткурур — найлагай,  
Борин ҳақ ризосида сарф айлагай.

Ўзига аро ерда кўрмай вужуд,  
Бу шукронага ҳаққа этгай сужуд.

Лтоёни англаб, мусаббиб иши,  
Ўзин билмагай ўрта ерда киши.

Ким ўтруда етгай анингдек фугух,  
Ки шарҳига бердим юқорроқ вузух,

Булут элга дурдин атокеш эмас,  
Ҳақ эҳсонидур ул, сабаб беш эмас.

Тугангач, сочар файз амтор анга,  
Ҳавода яна борму осор анга?

Шукуфа чоги елки сочқай дирам,  
Бўлурму. демак елни соҳибкарам?

Қазодин анга ҳар не марқум эрур,  
Чу тутти вужуд ўзга — маъдум эрур.

Манга тенгридин бўлди рўзе бу ком,  
Ки ҳар ишгаким айладим эҳтимом,

Хусулига онинг узотқунча қўл,  
Суҳулат била қўпти олимдин ул.

Муродим агар хора бунёд эди,  
Бўлуб гард олимда барбод эди.

Йўлумда неким аждаҳолик қилиб,  
Қўлумда мададга асолик қилиб.

Бузуг соясида қилиб дафъи ранж,  
Тушумга кириб махфи олинда ганж.

Кўруб тенгри лутфин фалак чоғлиқ,  
Нечук қилмай ўтруда туффроғлиқ.

Неча шукрига сажда қилсам нажанд,  
Мени чунки айлар фалакдин баланд.

Сужуд ичра бу суд тутса вужуд,  
Эрур бевужуд улки қўйгай сужуд.

Бу мужмалки килк этти таъвил ани,  
Эшитсанг қилай эмди тафсил ани.

Борин айтмоқ гар эмас дилпазир,  
Вале шарҳи мақсуддин йўқ гузир.

Ки чуи ҳақдин ўлди иноят манга,  
Қарам айлади бениҳоят манга.

Улуг комлардин эдим бахтиёр,  
Ки йўқ эрди анда манга ихтиёр.

Нетонг бўлса кўпдин-кўп ар қайгулуқ,  
Тамаъ бўлса кимга улугдин-улуқ,

Ва лекин не гам тенгри айлаб қарам,  
Улуг муддао берса, мақсуд ҳам.

Гаразким, чу назм ўлди тухмат манга,  
Ёйилди жаҳон ичра шуҳрат манга.

Ғазал тарзига аввал айлаб ситез,  
Жаҳон ичра солдим улуг рустхез.

Ўқур вақти аҳли саломат муни,  
Кўруб олам ичра қиёмат куни.

Ҳар аснофи зикри эмас шаънима,  
Билур ҳар киши боқса девонима.

Вале қониъ ўлмаи ушоқ ишга ҳеч,  
Димогимда эрди улуг печ-печ.

Не майдон аро сурсам эрди саманд,  
Ҳавосин кўнгул қилмас эрди писанд.

Не бўстонки сайр ичра мавжуд эди,  
Ҳақоратдин олимда мардуд эди.

Хаёлимда кишварситонлиг кириб,  
Мамоликда соҳибқиронлиг кириб.

Бу андешадин эрди кўнглумда шайн,  
Ки бўлди кўнгул мойили «хамсатайн».

Чу мангул бўлдум тамошосига,  
Ўтуб водию тогу дарёсига.

Ёримчуқ кўруб сайр тарк этмадим,  
Ере қолмадиким — анга етмадим.

Жаҳоне кўрунди кўзумга ниҳон,  
Ниҳон, балки ҳар байти ичра жаҳон.

Қаю гўшаким, нозир ўлдум даме,  
Назарга эди жилвагар оламе.

Вале тоғининг тиги ул навъ тез,  
Ки кўк ҳам бўлуб, айлаб андин гурез.

Итикликта ҳар хора тоше анга,  
Қамарда келиб «дурбоше» анга.

Бўлуб лола қон, сабза тиғи ҳалок,  
Гиёҳи даги сарбасар захрнок.

Халойиққа отмоққа санги бало,  
Этак ҳам тўло анда, ҳам қўл тўло.

Тўло горлар аждаҳойи дамон,  
Дами, ўйлаким, аждаҳойи замон.

Ютарга чу оғизлари очилиб,  
Шарори бало ҳар тараф сочилиб.

Ул ўтқа ўтун тишларидин қалаб,  
Забона тилидин фалакни ялаб.

Яна баҳри заххори андоқ амиқ,  
Ки анда фалак жулгидек юз гарик.

Убур айлаб ул ён бало сарсари,  
Ки мавжи бало юзланиб ҳар сари.

Юбон кўк юзин хайли кўлок анга,  
Ҳубоб англаниб гўё афлок анга.

Бало селидин мавжи хунхорроқ,  
Наҳанги ажалдин ситамкорроқ.

Яна даштининг сатхи андоқ васеъ,  
Ки етмай қирогига чархи сареъ.

Бало манзили марзу буми анишг,  
Ажал шахсин ўртаб самуми анишг

Дема девбод, андаким бори дев,  
Югурмакта саргашта ҳар сори дев.

Ҳамоқат топиб чун кўруб тул анга,  
Бу дашт ичра бози бериб гул анга.

Қум ичра топиб ул биёбон гуми,  
Машаққат ҳисоби биёбон қуми.

Кишиким боқиб ошқору ниҳон,  
Кўруб буйла меҳнат жаҳон дар жаҳон

Назарға келиб ганжи беинтиҳо,  
Вале ҳар бири узра юз аждаҳо.

Бўлуб чун бу оламга нозир даме,  
Манга юзланиб ҳар замон оламе.

Қилиб ёд даъвою лофимни ҳам,  
Соғиниб бурун дер газофимни ҳам.

Уятқа солиб буйла ҳолат мени,  
Ҳалок айлабон бал хиҷолат мени.

Гаҳи юзланиб ул сўзумдин уёт,  
Сўзумдин демайким, ўзумдин уёт.

Гаҳи дебки, йўқ дахли имкон мунга,  
Тасарруф қила олмоқ инсон мунга.

Бу андеша кўнглумда қўймай қарор,  
Ҳалок айлабон ажз ила изтирор.

Ўзумдин ишим яъси жовид ўлуб,  
Ишимдин кўнгул доғи повмид ўлуб.

Қулогим бу ҳолат аро бир хуруш  
Эшиттики, дер эрди фаррухсуруш.

Ки: «Эй булбули зори алхонсаро,  
Вале сўз риёзида дастонсаро,

Наво ичра минг лаҳисозинг қани,  
Дасотини хотирнавозинг қани?

Санга онча ҳақ лутфи воқеъдурур,  
Ки то турк алфози шойеъдурур.

Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,  
Яқин қилмамиш халқ сендек киши.

Санга турк ақолимин айлаб рақам,  
Азалда насиб айламиш якқалам.

Насиб этти айлаб сени марзбон,  
Синони қалам бирла тиғи забон.

Ки бу мулк аро қаҳрамон бўлгасен,  
Улус ичра соҳибқирон бўлгасен.

Бу йўл қатъидин тоймоғинг не эди?  
Кўруб «Хамса» сустоймоғинг не эди?

Қаю ишки, бўлмиш муяссар санга,  
Бўлурму бу андеша бовар санга?

Ки ҳақ лутфи бўлмай бўлуб эркин ул,  
Ул очмай ёруб эркин олингда йўл?

Не ишгаки эл сундунг, ул тутти эл,  
Муни ҳам аларнинг яна бири бил.

Агар очмаса ҳақ ҳидоят йўли,  
Ва гар тутмас ўлса иноят қўли

Қим, ўлғай заиф одамизод хас,  
Ки ишта тавонолиг этгай ҳавас.

Хусусанки, сен барчадин пастсен,  
Демай хаски, туфроққа ҳамдастсен.

Ҳам элдин санга кўпрак афгандалик,  
Ҳавосингга доғи парокандалик.

Не кўнгулунгда қувват, не жисмиңгда зўр,  
Нечукким, оёғ остида қолса мўр.

Восилғочки янчилса мўри заиф,  
Не иш қилгали бўлғай, оё, ҳариф?

Агарчи сен ул мўри пажмурдасен,  
Ки даврон жафосидин оэурдасен.

Вале ҳақдин ўлса иноят санга,  
Тулуъ этса меҳри ҳидоят санга.

Неча мўр эсанг бахт ўлуб раҳнамун,  
Санга аждаҳоларин қилғай забун.

Кўнгулдин таваҳҳумни айлаб адам,  
Илик ишга ур, йўлга қўйгил қадам!»

Чу хотиф манга бу нидо айлади,  
Мен этган адони адо айлади.

Шукуҳ онча юзланди жоним сари,  
Тавон ҳам тани нотавоним сари.

Ки бўлди назар наргиси боғча,  
Кўнгул ғунчасин худ не дей, тоғча.

Етиб ғайбдин чун бу неру манга,  
Бўлуб сўз демак майли асру манга.

Қазодин кўруб гарм ҳангомани,  
Йўнуб «Хамса» таҳририга хомани.

Кўнгул ичра шавқ ўтиға иштиол,  
Кўнгул сизга назм этгали иштигол.

Не янглиғки бор эрди қилдим шуруъ,  
Нечукким мурод эрди топти вуқуъ.

Қаламни чу когаз нигор айладим,  
Кўп аъжубалар ошкор айладим.

Не гоятки табъим ҳаросон эди,  
Юз онча битир вақт осон эди.

Гуҳар ул қадар сочтим офоқ аро,  
Ки жавф ўлди гум бу куҳан тоқ аро.

Давотимки, очти дўқони гуҳар,  
Дўқони гуҳар йўқки, қони гуҳар.

Ҳамонки юр чоғда лосин анинг,  
Силоя қилурда қаросин анинг.

Томизгонда ҳар қатрас сув анга,  
Сув ўрнида томгондур инжу анга.

Қаю қатра сув, балки дарёи жарф,  
Ки қилмиш анга ҳақ давотимни зарф.

Давот эрмас ул ўзга олам дегил,  
Не олам, ани чархи аъзам дегил!

Гар ул чарҳдин йўқ нишоне анга,  
Недур юз жаҳони маоний анга.

Бўлуб қилким андоқ диловар наҳанг,  
Ки баҳри маонийда қилмай даранг.

Қаёнким бу сувда тавоф айлабон,  
Сунн жуноғ янглиғ шигоф айлабон.

Маалқисса: айтурда ул маснавий,  
Агарчи бор эрдим алар пайрави.

Вале дер замон қайси бир дафтарин,  
Сочиб баҳри андешанинғ гавҳарин.

Анга зебу зийнатлар эттим фузун,  
Ки васфи эрур шарҳ этардин узун.

Камм афсона қилк этти таҳрир анга,  
Ки йўл топмамиш хатти тағйир анга.

Чу ҳақдин эди келди поку силиғ,  
Қаю ерғаким бўлди ортуқсилиғ.

Бу янглиғ етиб тўрти итмомиға,  
Бири етмамиш эрди анжомиға.



Шуруъи доғи нопадидор ўлуб,  
Ки тағйир вазъига душвор ўлуб.

Латойиф топилмас эди онча ҳам,  
Яна тўртига лоҳиқ ўлгонча ҳам.

Кўнгулда топилмасдин озор эди,  
Ва лекин топар фикрида бор эди.

Мунга тегруким назм элининг шаҳи,  
Бу иш борча душворининг оғаҳи,

Сафо базмининг софи ошоми ул,  
Бу дайр аҳли сарҳалқаси Жомий ул.

Эшиттим, қилиб зсб дафтар сўзин,  
Қилур назм гўё Скандар сўзин.

Вале қилмайин майл ҳолотиға,  
Шуруъ айламиштур мақолотиға.

Қўюбтур тавориху афсонасин,  
Битийдур деган дурри якдонасин.

Бу сўздин манга юзланиб шодлиқ,  
Топиб хотирим ғамдин озодлиқ,

Ки топтим дуреким талабгор эдим,  
Бериб умр нақдин харидор эдим.

Ким ул дoston сори чун боққамен,  
Кўп ортуқси зевар анга тоққамен,

Чу ҳақдин бўлуб лутф зоҳир манга,  
Насиб ўлди мундоқ жавоҳир манга.

Йўнуб хома, коғаз нигориш қилай,  
Ҳам ул дostonни гузориш қилай.

Скандар жаҳондори кишварситон  
Ишидин чу назм ўлса ҳар дoston.

Сўзидин доғи яхши тақриб ила,  
Ҳам ул дoston зайлида зеб ила,

Сурай ҳикматосо мақолотини,  
Сўз ичра ажойиб хаёлотини.

Бериб дoston зеби элга фиреб,  
Сўзидин фиреб ўлгай ортуқси зеб.

Ки фарзоналар деб кўп афсона ҳам,  
Сўзин назм этибдур бу фарзона ҳам.

Қадам урсам ушбу ики йўлга мен,  
Неким борча дебдур, демиш бўлгамен.

Бўлуб гарм-не ҳарза сўзлар дедим,  
Магар маст эдим, йўқса мажнун эдим.

Бу дамким хирад мендин огоҳдур,  
Сўзум борча астағфируллоҳдур.

Ҳақ этгай мунга доғи илгим қавий,  
Ки бўлгаймен ул хайлнинг пайрави

Алардин қачон етмагунча мадад,  
Манга нома сабт этгали қайди ҳад?

Агарчи бу сўзни улус кам билур,  
Вале мен билурмен, худо ҳам билур.

Ки айлаб ярим тунлар уйқу ҳаром,  
Ки ҳақ саждасига қилурмен қиём.

Аларнинг равони пур анвориға,  
Бу бирнинг дағи қуввати корига,

Қилиб фотиҳа хатми ихлос ила,  
Кўзум баҳрида жисми гаввос ила.

Қилурга ниёзимнинг иботини,  
Тутуб бошқа-бошқа алар отини,

Тазаллум юзидин тазарруъ қилиб,  
Мадад ҳар биридин таваққуъ қилиб.

Булардин сўнг илгимга олиб қалам,  
Неким хотир истар қилурмен рақам.

Ишим то бу ошуби пинҳон эмас,  
Қалам сафҳага қўймоқ имкон эмас.

Булар йўқки, ҳар кимки назме демиш,  
Ва ё бу жамоатқа дохил эмиш,

Борига ниёзу дуодур ишим,  
Алардин мадад муддаодур ишим.

Чекармен алар жоми шавқини хуш,  
Вале пир Жомийга мен дурдкаш.

Кетур соқийё, ул каёний қадах,  
Тағореки, дегайлар они қадах.

Ки оғзимга қуйгон дам — ўқ сипқорай,  
Оғиз андин олгоч, ўзумдин борай.

Муганний, суруди ҳарифона чек,  
Бир ун бирла тек турмағил, ёна чек!

Дема сўз, мени айла масти хароб,  
Ки тоғла сўз айтурга қилғум шитоб.

Навоий, неча соқийи шангдур,  
Муганний доғи дилкаш оҳангдур.

Ўзунг асрагайсен ичар чоғда роҳ,  
Ки куллий иш олингга тушмиш сабоҳ.

*Анингдекки, анбиёи мурсал анжумани анжумиға Му-  
хаммади арабий «айни» дин қуёшлиқ аён бўлди, сало-  
тини олий хайлида доғи Шоҳи ғозий вужуди божуди-  
дин ҳамул ҳол зоҳир бўлгондин шаммае зоҳир  
қилмоқ; халладаллоҳу мулкаҳу ва сулғонаҳу ва аъло шо-  
наҳу ва авзаҳа эҳсонаҳу*

Азал субҳиким, мавж уруб баҳри жуд,  
Бериб офарнишқа нақши вужуд.

Рақам топибон чархи мийно дағи,  
Анинг жавфида жирми габро дағи.

Вале кўпрағи сувға мақрун бўлуб,  
Башар маъмани рубъи маскун бўлуб.

Ясаб чунки ҳам дўзаҳу ҳам биҳишт,  
Башарни қилиб зишту зебо сирришт,

Ҳи эл қисми кому бало айлагаи,  
Ким ул ики уйни тўло айлагай.

Бу суратқа бўлғоч азалдин қазо,  
Қазо элга бу навъ этиб иқтизо.

Ки бўлғай тафовут арода баса,  
Бу бир тўбийи равза, ул бир хаса.

Заруратки, атвор ўлуб мухталиф,  
Ҳар эл бир сифатқа бўлуб муттасиф.

Жаҳон ичра гавгойи хайли башар,  
Низоъ узра солгай баса шўру шар.

Агар бўлса баъзига огоҳлиғ,  
Бўлуб лек кўпроққа гумроҳлиғ.

Солурга залолат тунига зиё,  
Алар ичра ирсол этиб анбиё.

Кераклик учун забту ойин дағи,  
Қилиб насб аларга салотин дағи.

Вале анбиё ичра андоқки, шоҳ  
Муҳаммад келиб ўзга хайлу сишоҳ.

Анинг умматидин салотинда ҳам,  
Биров келди шоҳ, ўзга бори хидам.

Қаю шоҳким, довари тахтгир,  
Не довар, шаҳаншоҳи гардунсарир.

Бори шоҳларнинг сарафрози ул,  
Шаҳи шаръ ойин Абулгози ул.

Вужудидин офоқ аро зебу-зайн,  
Улус хон бин хони Султон Ҳусайн.

Отига қазо: «дома ихсонаҳу»,  
Ёзиб «ҳалладаллоҳу султонаҳу».

Жаҳон халқидин поки зоти гараз,  
Бу жавҳар келиб, офариниш араз.

Бу аъроз аро жавҳари зот анга,  
Қилиб пок гавҳарлик исбот анга.

Жаҳон дуржи ичра самин гавҳар ул,  
Сипеҳр авжи узра мунир ахтар ул.

Бўлуб қадри боғи фалак олами,  
Мунир анжум ул боғнинг шабнами.

Дема боғ, фаррух шабистон дегил,  
Бу шабнам биля кавкабистон дегил.

Не кавкаб, ани жолаи ноб де,  
Дема жолаким, кирми шабтоб де.

Чу шабнам десам жавҳари жон эрур,  
Ки ҳар қатра дарёи эҳсон эрур,

Ки аъдосидин юз туман минг фариқ,  
Ҳамул баҳр қаърида бордур гарик.

Анинг кирми шабтобидур ахгаре,  
Демон ахгареким, эрур аждаре.

Ёруглуқки атрофин онинг тутуб,  
Ани озганинг шуъласи ёрутуб.

Аду бўлса бу чархи гардон анга,  
Чекиб бир нафас ютмоқ осон анга.

Агар ройининг меҳри кўргузса тоб,  
Қуёш заррадек айлабон изтироб.

Нетонг, гар қуёш изтироб этса фош,  
Анга чунки ҳар заррадур бир қуёш.

Агар базм айши тузулса, сипехр  
Тўқуз хон келиб анда бир қурс меҳр.

Тоғиб олам ул хонларидин хуриш,  
Анингдекким ул қурс ила парварипш.

Сахоси чу зоҳир бўлуб баҳру кон,  
Тутуб туфроғу тош ичинда макон.

Не баҳр ичра бир дурри галтон қолиб,  
Не кон ичра бил лаъли рахшон қолиб.

Бўлуб баҳр девонау талхком,  
Яқосида сочқон кафига мақом.

Вале кон гадолиғ тоғиб чораси,  
Гадолардек атрофида хораси.

Олиб баҳру коннинг чу сармоясин,  
Ики нотавоннинг ясаб воясин.

Қўлин баҳр ила кон мисоли дегил,  
Саходин алар таври холи дегил.

Атоси қилиб баҳру конга жафо,  
Анга баҳру кон доғи қилмай вафо.

Ғули хулқи андоқки, боғи биҳишт,  
Суйи чашмаи зиндағони сиришт.

Ғули атри юз йилчилик йўл кетиб,  
Юз иллик ўлук жон тоғиб, чун етиб.

Суйинким ҳақ айлаб зилоли ҳаёт,  
Бутуб борча андин ниҳоли ҳаёт.

Қилиб чунки бўлса балогат шир,  
Масиҳодин анфоси жонбахши ор.

Ки бўлгоч Масиҳога ул муддао,  
Тазарруъ била айлабон юз дуо.

Юзидин бириким бўлуб мустажоб,  
Ани халқ жонбахш айлаб хитоб.

Чу ул нуқта сурмакка огзин очиб,  
Демай жон бериб элгагим, жон сочиб.

Анингдек улус нутқидин жон топиб,  
Ки ўлган киши оби ҳайвон топиб.

Дамидин топиб бир, агар минг ҳаёт,  
Қуёшдин нечукким ёрур коинот.

Чучук тил била нўш этиб элга баҳр,  
Қиличи тилидан томиб лек захр.

Қилич йўқ, ҳилоли дурахшанда ул,  
Чопар вақтида барқи рахшанда ул.

Агар барқ эмас, нега тушган замон,  
Суға етмайин бўлмай андин амон?

Бало абридин тушгач ул илдирим,  
Кўруб Дашти Қифчоқдин то Қирим.

Ўқи разм вақти чу топиб кушод,  
Адув жони танга дебон хайрбод.

Анинг нўгига моний ўлмай зирих,  
Ким ул хасм кўнглидин очиб гирих.

Очилгоч гирих турмайин анда кеч,  
Демай кечким, қилмайин макс ҳеч.

Кўруб манзили тийра етган замон,  
Ки етмак ҳамон анга, ўтмак ҳамон.

Синонига гар худ қатиг хорадур,  
Ки багри анинг нўғидин ёрадур.

Учи қатра сувдин топиб чошни,  
Нетонг гар тешар қатра сув тошни.

Тешарда алар хора бор опча фарқ,  
Сув андоққи ёмгур, бу андоққи барқ.

Чу разм ичра рахшига жавлон бериб,  
Адув чун кўруб ваҳмдин жон бериб.

Қилиб хасмни бир-бир ул девзод  
Анингдекки, хошокни девбод.

Тушуб чун вафо оламига даме,  
Даме саъй этиб, фатҳ ўлуб оламе.

Олиб оламе, айлаб аъдони рафъ,  
Бу ишдин бўлуб олам аҳлига нафъ,

Ки олам футуҳида ҳар не етиб,  
Борин олам аҳлига эҳсон этиб.

Чекиб фитна яъжужига бир сари,  
Қилич шаклидин «Садди Искандарий».

Гар ул ожири суст бунёддин,  
Темурдин бу, йўқ-йўққи пўлоддин.

Скандар печа руст боглаб тилисм,  
Бу айлаб тилисмин ушотмоқни қисм.

Ушатмоғта зойиъ қилиб ранжини,  
Муроди сахо айламак ганжини.

Анинг кўзгуси гар жаҳон кўргузуб,  
Мушунг кўзгудек ройи олам тузуб.

Анинг мушкilotи ҳақим этса ҳал,  
Мунинг мушкilotин ҳақими азал,

Гар ул оби ҳайвон тилай жон бериб,  
Мунунг нуктаси оби ҳайвон бериб.



Гар ул саъй бирла олиб хушку тар,  
Бу бесаъй базл айлабон бахру бар.

Ало, то Скандардин ўлгай нишон,  
Муни тут жаҳонда Скандарнишон.

Мутеъи қилиб баҳр ила барни ҳам,  
Бару баҳр олгон Скандарни ҳам.

Мулозимларини Скандарфар эт,  
Адолат уйин «Садди Искандар» эт.

Аёқчи, тут ойинагун согаре,  
Не согарки, миръоти Искандаре!

Ҳамул кўзгу бирла кўзум равшан эт,  
Кўнгул гунчасин, ўйлаким, гулшан эт.

Муғанний! Чу гулшанда базм ўлди рост,  
Будур хостким тузсанг оҳанги «Рост»!

У оҳангдин бизни қилсанг хушон,  
Ки бўлсоқ сарандозу доманфишон!

Навоий, чу базм ўлди ороста,  
Қадаҳдин тутуб моҳи нокоста.

Бу шоҳона мажлис аро бода ич,  
Ва лекин қачон тутса шаҳзода, ич!

## Х

*Хилофат тахтининг тожи зебандаси ва салтанат то-  
жининг мулк бахшандаси, жаҳондорлиғ кишварининг со  
ҳиб сарири ва жаҳонкушойлиқ сипехрининг меҳри муни  
ри Султон Бадиуззамон баҳодир мадҳида*

Хирад боғининг сарви озодаси,  
Замон аҳлининг шоҳу шаҳзодаси.

Ҳаё гулситонида абри мутир,  
Адаб осмонида меҳри мунир.

Асолат сипехрида раҳшанда меҳр,  
Адолат жаҳониға олий сипехр.

Саодат баҳорида озода сарв,  
Шараф гулшанида хиромон тазарв.

Сахо равзасида гулафшон насим,  
Ато вардида руҳшарвар шамим.

Қамол авжининг хусрави анжуми,  
Ҳамул анжуман айнининг мардуми.

Вафо гулбунининг очуқ варди ул,  
Сахо баҳрининг жавҳари фарди ул.

Ғелиб салтанат айну ул нури айи,  
Баднуззамон ибни Султон Ҳусайн.

Зиҳи хилқатинг нур, бал руҳи пок,  
Малак зикри шайнингда руҳи фидок.

Малоиксифат пок зотинг сенинг,  
Малакваш жамеъи сифотинг сенинг.

Йиғиб яхшилиқ бирла яхши қилиқ,  
Қилиқдек бошингдин аёқ яхшилиқ.

Латофат ниҳон истаб аҳли жаҳон,  
Жаҳони латофат сен айлаб ниҳон.

Ниҳон лутфунг ар бемадоро бўлуб,  
Ешургон сойи ошкоро бўлуб.

Қуёшким, эрур нур сочмоқ иши,  
Нетиб нур ила они ёпқай киши.

Сўзунгдин етиб элга қути ҳаёт,  
Хизр суйини гум қилиб ул уёт.

Гар ул сув бериб Хизр умрига мад,  
Бу сўздин улусқа ҳаёти абад.

Чу бу хосият бўлмай ул сув аро,  
Ниҳон айлаб ўзни қоронгу аро.

Сўзунг айлабон умр бахшандалиқ,  
Юзунгдин халойиққа фархандалиқ,

Йўқ улким мутъ аҳли бийини санга,  
Ки маъмури амр офарини санга.

Йўқ улким бўлуб амру фармон била,  
Ки умрунга айлаб дуо жон била.

Эшитган малаксон сифотинг сенинг,  
Дуо бирла истаб ҳаётинг сенинг.

Фалак ҳимматинг авжи олинда наст,  
Фалак аҳли худдомингга зердаст.

Қўлунг ҳиммат авжида чун очилиб,  
Нужум ул дирамким, қуйи сочилиб.

Эшик хайли они қабул этмайин,  
Ки жамъ айламакка нузул этмайин.

Дирам йўқки, баҳри кафинг дур сочиб,  
Саҳоб, ўйлаким, ерга мўлдур сочиб.

Бу янглиғ ёгинлар била ул саҳоб,  
Бериб чарх бўстониға обу тоб.

Тун ул бўстон ичра сунбул киби,  
Вале куп очилгон сариг гул киби.

Ёйиб сунбули мушк исин даҳр аро,  
Ки даврон шабистонин айлаб қаро.

Чу сориг гулин чарх боғи очиб,  
Табак бирла оламга олтун сочиб.

Анингдекки бўлгонда ул зарфишон,  
Етиб борча оламга андин нишон.

Ало, то қуёш зарфишон ўлеуси,  
Саҳоб илги гавҳарфишон ўлгуси.

Қадаҳ — базми айшинг аро зарнигор,  
Жавохир қилиб они гавҳарнигор.

Тўлуб ул қадаҳ лаъли рахшон била,  
Не рахшанда лаъл, оби ҳайвон била.

Сен ичмакка айлаб анга илтифот,  
Дамодамки бўлсун мумидди ҳаёт.

Кетур соқий, ул майки рахшандадур,  
Анинг напъаси файз бахшандадур.

Кўнгул масканин лавнидин гулшан эт,  
Назар ҳужрасин тобидин равшан эт.

Муганний, суруде чек андоқ баланд,  
Ки тушсун сипеҳр аҳлига дилписанд!

Унунг савтини олий овоза эт,  
Сўз овозасин кўнгулма тоза эт!

Навоий, сўз айтурда фарзона бўл,  
Чу иш бошингга тушти, мардона бўл!

Баҳона тариқини барбод қил,  
Суруб дoston, нукта бунёд қил!

## XI

*Бу гавҳарфишонлиқдин чун улуг мақсуд тарих илми  
махзанига вуқуф топмоғлиг ва бу жавоҳир нишонлиқ-  
дин куллий мурод салотини мозия ҳолоти мақшуф бўл-  
моғ эрди, ул жиҳатдин Ажам мулукиким, тўрт табақа во-  
қеъдурурлар, алар аҳволидин ижмол тариқи била ихти-  
сор этилди ва аввалги табақаким пешдодийлардурур пеш-  
ниҳод алар ишлари шарҳин қилинди*

Бу тарих сурат нигорандаси,  
Бу янглиг бўлур сўз гузорапдаси:

Ки андинки Одам алайҳиссалом,  
Хилофат саририда тутти мақом.

Анга тегруким, шоҳи Маккий лақаб,  
Не Маккий лақабким, Расули араб

Муҳаммадки эрди русул шоҳи ул,  
Ладунний улумининг огоҳи ул.

Қилиб ҳақ ани саййидал-мурсалин,  
Рисолат уза бўлди маснаднишин.

Бу мобайн аро воқеъ ўлгон мулк,  
Ки кўргуздилар шахнинг ичра сулк.

Кўп эттим таворих ўқур сори майл,  
Ҳамоноки бор эрдилар тўрт хайл.

Ки тарих таҳрири этган рақам,  
Битибдур аларни «Мулуки аҷам».

Агарчи кўп ўлмишдурур ихтилоф,  
Ки бор ихтилоф айлаганлар маоф.

Ки солмишдурур имтидоди замон,  
Ҳаводиски, ом айламиш осмон.

Таворих вазъига беҳад футур,  
Ки андин бу фан ичра бўлмиш қусур.

Вале улча бергайлар андин хабар,  
«Низомут-таворих» эрур муътабар.

Қилиб ўзгалар бирла татбиқ ҳам,  
Бу сарнома фикрастин эттим рақам.

Буларники сабт айладим тўрт қисм,  
Эшит эмди борига тариху исм.

Бурунгига келди лақаб Пешдод,  
Икинчи эмишлар Каёний ниҳод.

Учунчига Ашконий ўлди лақаб,  
Яна бирга Сосоний ўлди лақаб.

Вале Пешдод ўлди ўн бир киши,  
Бурун салтанат келди бу қавм иши.

Алар пешвоси Каюмарси род,  
Ким ул қўйди тахт узра ойини дод.

Тутуб гар жаҳонни асоси анинг,  
Даду ваҳш чарми либоси анинг.

Яна бир жаҳондор Хушанг эди,  
Ки зебандаи тожу авранг эди.

Анга йўқ хирадмандлиг ичра ҳад,  
Битиб пусхае «Жовидоний хирад».

Чу ул борди, Таҳмурс ўлди падид,  
Анга боғлади олам аҳли умид.

Басе шаҳр оламда қилди бино,  
Нишонору, Марву, Сипоҳон яно.

Яна сурди Жамшид оламга раши,  
Ки ҳам тахтгир эрди, ҳам тоғбахш.

Халойиққа кўп еткуруб интифоъ,  
Гариб амр кўп айлади ихтироъ.

Яна даҳр дороси Заҳҳок эди,  
Ки эл қони тўкмакта бебок эди.

Неча кун ишига кўрунди сабот,  
Борур чоғ кўрунди анга асру бот.

Фаридун эди сўнгра офоқгир,  
Анга бори офоқ фармонпазир.

Боши узра тожи Каёний бўлуб,  
Дирафши анинг ковиёний бўлуб.

Манучеҳр бўлди валийаҳд анга,  
Ки маснад эди бу қуҳан маҳд анга.

Фурот аригин ул равон айлади,  
Шажар эктию бўстон айлади.

Яна топти Нувдар жаҳондин наво,  
Жаҳон мулкига бўлди фармонраво.

Вале даҳр комин раво қилмади,  
Анга доғи олам вафо қилмади.

Яна шоҳлиг қилди Афросиёб,  
Вале қилди Эронни зулми хароб.

Замонида гар эрди обод кам,  
Ани қўймади чарх обод ҳам.

Бўлуб Эоб Таҳмосиннинг навбати,  
Фалакдин ўтуб чатрининг рифъати.

Мусаллам анга эрди аврангу тож,  
Ки боғишлади ети йиллик хирож.

Чу олам тихи бўлди Таҳмоспдин,  
Замон зебу фар топти Гаршосбдин.

Фалак тавсанин гарчи ром айлади,  
Чу вақт ўлди, ул ҳам хиром айлади.

Бари даҳрнинг сарфарози эди,  
Вале даҳрдин барча бози еди.

Кетур соқий, ул жоми жамшедсоз,  
Ки қилгай жаҳондин мени бениёз.

Чу йўқ шоҳлиг расми огоҳлиг,  
Эрур майдин огоҳлиг — шоҳлиг.

Муғанний, «ажам» ичра тутқил нағам,  
Сигур анда зикри «Мулуки ажам».

Алар Пешдод эрканин ёд қил,  
Манга сен дағи тарки бедод қил.

Навой, ажаб ерга етмиш сўзунг,  
Не элдур булар, худ билурсен ўзунг!

Адаб бирла шоҳона соғар сумур,  
Димоғинг чу гарм ўлди афсона сур!

### XIII

*Иккинчи табақаким каёнийлардурур аларнинг олий  
тахтлари ва каёний тожларин бошдин-аёққача демак*

Бировким, бу сўз айлади ибтидо,  
Қилур фурс тарихи бу навъ адо.

Ким эрди Каёний икинчи гурух,  
Ки оламда эрди алардин шукух.

Булардин бурунғини бил Кайқубод,  
Ки эрди хирадманду одил ниҳод.

Магар Рустам ул вақт эди навжувон,  
Ҷи бўлди анинг олида паҳлавон.

Яна тутти Қовус офоқни,  
Тама айлади чархи нуҳ тоқни.

Сипаҳдори Гударз эрдию Тус,  
Сиёвушқа ёрутти нори мажус.

Яна бўлди Қайхусрави пок рой,  
Жаҳон аҳлига рой ила кадхудой.

Сипаҳдор анга Тусу Гударзу Гев,  
Фаромарз ила Рустаму Золу Нев.

Яна бўлди Луҳросб мулк узра шох,  
Қўпи Балх эрди анга тахтгоҳ.

Яқиндий анга тийра бўлди басар,  
Ҷи лашкаркаши бўлди Бухтуннасар.

Яна мулк уза қилди Гаршосб ҳукм,  
Нечукким, қилиб эрди Луҳросб ҳукм.

Вале тутти Зардушт ойини ул,  
Мажус ўлди истаб, алар дини ул.

Яна мулк уза тутти Баҳман қарор,  
Ўчурди залолат ўтидан шарор.

Агар Зобулистонга солди футур,  
Вале Байти мақдасқа берди сурур.

Чу ул борди мулкнини берди худой  
Қизигаки, бор эрди оти Хумой.

Чу тавфиқ анга бўлди омузгор,  
Неча йил анга тўхтади рўзгор.

Вафо қилмай ул оламорога мулк.  
Яна мунтақил бўлди Дорога мулк.

Шаҳе эрди ул шиймаси адлу дод,  
Буюрди жаҳон аҳлига инқиёд.



Анинг ўгли Доройи Доро эди,  
Ки андин сўнг уя оламо ро эди.

Вазирн бўлуб шоҳ ила хашминок,  
Анинг қасдидин бўлди Доро ҳалок.

Скандарки гардунга чекти ливо,  
Анинг асрида бўлди фармонраво.

Ўз ўрнида гар, зикри тошти вуқуъ,  
Вале қилмагум қиссасига шуруъ,

Қаёнийлар эрди бу тўққуз киши,  
Ки чекти аларни фалак гардиши.

Вале, ўйлаким, кўкка чекти баланд,  
Қаро ер уза солди охир нажанд.

Аёқчи, майи дўстгоний кетур!  
Тўло айла жоми Қаёний кетур!

Ки давронки, ойини ўлмиш жафо,  
Не Кайга, не Дорога айлар вафо.

Муганний, тузуб нагмаи Паҳлавий,  
Суруде анинг бирла чек маъनावий!

Бу шаҳларки назм ичра қилдим савод,  
Сурудунг аро сен доғи айла ёд.

Навойи, май ич, доғи бўл раҳшунос,  
Бу шаҳлардин эт ўз ишингни қиёс!

Жаҳондорларни жаҳон қилса наст,  
Топа олмагайму гадоларга даст?

### ХIII

*Учунчи табақаким, ашконийлардурурким, аларни му-  
луки тавойиф ҳам дебдурурлар, алар ҳолотидин дoston  
сурмак*

Муаррихки ёзди мулуки ажам,  
Бу янглиғ қилур дostonни рақам,

Ки ўн тўқуз эрди учунчи мулук,  
Ки бор эрдилар олам ичра мулук.

«Мулуки тавойиф» ки машҳур эрур,  
Булардурки, дафтарда мастур эрур,

Ки Искандари кордон этти насб,  
Мамолик аро ҳукмрон этти насб.

Алардин бири Анки Доро эди,  
Ки кўн шавкати онкоро эди.

Неча кун қилиб зулм ё адлу дод,  
Жаҳон мулкига айлади хайрбод.

Чу Анкони Дорога қолди жаҳон,  
Қилиб зулмни эл кўзидин ниҳон.

Жаҳон Анки Аншонга бўлгач мақом,  
Зухур этти Исо алайҳиссалом.

Чу Баҳроми Шонурга қолди даҳр,  
Бори даҳр эли адлидин тонти баҳр.

Ялош ибни Баҳром сургач саманд,  
Фалак буржига маҳкам этти каманд.

Чу олди жаҳон Хурмуз ибни Ялош,  
Адолат ўтар даҳр аро қилди фош.

Яна Нарси ибни Ялош олди тахт,  
Неча кун ани комрон этти бахт.

Яна қолди Ферузи Хурмузга тож,  
Ўкуш тожварлардин олди хирож.

Ялош ибни Феруз чун билди мулк,  
Тафохур анинг адлидин қилди мулк.

Яна Хусрав ибни Ялош ўлди шох,  
Анга ер юзин тутти хайлу сипоҳ.

Яна шахлиг этти Ялоши Ялош,  
Кишига анинг бирла бўлмай талош.

Яна Ардавони Ялош ўлди тунд,  
Анинг тигини ҳам фалак қилди кунд.

Яна Ардавон ибни Ашгон бўлуб,  
Замона анинг узрини ҳам қўлуб.

Жаҳон олди Гударзи Ашгон яна,  
Анга ҳам жафо қилди даврон яна.

Яна шоҳ Тийри Гударз эди,  
Ки манзилгаҳи бу куҳан марз эди.

Яна бўлди Гударз Тийри улуг,  
Ани ҳам завола айлади қайғулуг.

Яна тутти олам юзин Ардавон,  
Ки чекти ани чархи ахзар давон.

Буларга дағи боқий ўлмай ҳаёт,  
Фалак мулкни берди бот, олди бот.

Кетур соқий, ул соғари лаълранг,  
Анга даврида зоҳир этма даранг.

Чу йўқтур даранге фалак жомига,  
Кўнгул қўйма оғозу анжомига.

Муганний, бу шаҳларки чектим тироз,  
Алар ёдиға нағма чек дилнавоз!

Ки, нағманг била бир қадах нўш этай,  
Даме нуктадин тилни хомуш этай.

Навоий, бу шаҳларки кўрди жаҳон,  
Букун барча туфроғ ародур ниҳон!

Чу бориға ул ён азиматдурур,  
Замоне хуш ўлмоқ ганиматдурур.

#### XIV

*Тўртинчи табақа сосонийлар эрдиларким, жаҳон мулкида жаҳонбонлиқ қилдилар ва рубъи маскун мамлакатини билдилар*

Навосози деҳқони озарпараст,  
Бу навъ этти сўз риштасин борбаст.

Ки түртунчи хайл улча шоҳ эрдилар,  
Фалакқадру анижумсиноҳ эрдилар.

Ки ҳоло адамдур аларга мафар,  
Йигирмидурур, даги тўқуз нафар.

Бири Ардашер ибни Бобак эди,  
Ки баъзи эл они валий ҳам деди.

Яна эрди Шопур бин Ардашер,  
Ки шоҳе эди кордону далер.

Ул этти бақо мулки сори хиром,  
Қўюб ўгли Хурмузни қойим-мақом.

Яна тегди Баҳроми Хурмузга тож,  
Жаҳон ичра адлидин ўлди ривож.

Яна қилди Баҳроми Баҳром жаҳд,  
Ки даҳр этти тоза анинг бирла аҳд.

Яна ўглига даҳр аро ком эди,  
Ки Баҳроми Баҳроми Баҳром эди.

Яна қилди Нарсини чарх арижуманд,  
Ҳам охир адам сори сурди саманд.

Яна Хурмузи Нарси этти гулу,  
Ки қадри фалакдин ошурди улу.

Яна етти Шопури Хурмузга зўр,  
Ки солди сипаҳ бирла оламга шўр.

Яна Ардашер ибни Хурмузга кави,  
Етишти чу ул тенгридин топти ави.

Яна қилди Шопури Шопур кин,  
Ки офоқ анга бўлди зери нигин.

Яна тузди Баҳроми Шопур жайш,  
Ки илгига олди тўла жоми айш.

Яна олди Ферузи бин Яздижирд,  
Жаҳонда қилиб адлу инсоф вирд.

Яна шах Ялош ибни Феруз эди,  
Адолат билди оламафруз эди.

Қубод ибни Феруз ҳам тузди базм  
Бу кох ичра, лекин қўюб қилди азм.

Яна бўлди Жомосб кишварситон,  
Жаҳон бўлди иисофидин бўстон.

Чу тахт олди Нуширвони Қубод,  
Ул этти яна даҳр аро адлу дод.

Яна Хурмуз ибни Ануширвон,  
Киюрди жаҳон жисми ичра равон.

Чу Первези Хурмузга чарх ўлди ёр,  
Замонида шод ўлди мулку диёр.

Чу Шеруя оғози кин айлади,  
Азиз элни хору ҳазин айлади.

Яна Ардашер ўлди чун қахрамон,  
Анинг қаҳрига қолди аҳли замон.

Яна Ардашер ўлди кишвархудой,  
Жаҳон аҳлига бўлди раҳматфизой.

Яна Кисри Арислон топти фар,  
Адам мулкига ул ҳам этти сафар.

Яна Кисри ўлди жаҳон довари,  
Ки гардундин ўтти анинг афсари.

Яна даҳр Туронни қилди азиз,  
Ки нисбатда Парвезга эрди қиз.

Жаҳон олди Парвези Баҳром ҳам,  
Қўлига тутуб тиг ила жом ҳам.

Яна бўлди Озарми афсарпараст,  
Ким ул топти Турон ерига нишаст.

Яна Фаррух олди жаҳон кишварин,  
Солиб адл аро табъи донишварин.

Япа Яздижирд олди мулку диёр,  
Ки дерлар лақабда ани Шахриёр.

Қаю бирки мулк олди тонти сурур,  
Мубаддал сурурига бўлди гурур.

Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон,  
Гумони ҳамон эрди — кетмак ҳамон.

Қутулди алар даҳр озоридин,  
Кетиб бори, қолди жаҳон боридин.

Аёқчи, манга жоми шоҳона тут,  
Туғанган сойи тўлдуруб ёна тут!

Чу кетгумдурур, даҳр базми қолиб,  
Кетай бори комимни майдин олиб.

Муганний, суруд айтибон руд туз!  
Вафосиз жаҳон бирла падруд туз.

Чу кетмаклик андин эрур ногузир,  
Даме хушдиш ўлмоқ эрур дилпазир.

Навоий, бу янглиг эмиш даҳр иши,  
Вафо кўрмамиш ҳаргиз андин киши!

Кишилик будурким унутсанг ани,  
Чу таркинг қилур, тарк қилсанг ани!

## XV

*Искандар достонининг оғозиким, ҳақ анжомига еткур-  
гай ва тарихининг ифтигоҳиким, тенгри ихтитоми рақам-  
мин сургай ва анинг насабида ихтилофким, тарих  
аҳли қилмишлар ва ул ихтилофни рафъ этиб, аҳли  
таҳқиқ ишининг ҳақиқатин билимишлар ва малик Фай-  
лақуснинг дори бақога кетгани ва Искандарнинг мул-  
ки фоний тахтин мақом этгани*

Нигор айлаган нақши румий тироз,  
Очиб парда, бу навъ кўргузди роз

Ки, бу тўрт хайлики топти адо,  
Ки кўк тоқига солдилар кўп садо,

Ки давронлари тўрт минг уч юз ил,  
Яна ўттуз олтию ўн ой бил.

Бу муддатда кимдинки осор эди,  
Ки кишваркушо бал жаҳондор эди.

Тоғиб беш юзу балки минг йил амон,  
Бу муддатда маҳкуми — аҳли замон.

Қилиб улча хотирга келганча иш,  
Аларга насиб ўлмади онча иш.

Ки оз вақт аро шоҳи яздонпараст,  
Скандарга офоқ аро берди даст.

Билингай, дейилганда бир-бир иши,  
Ки халқ этмади тенгри андоқ киши.

Бу мужмалки васф айладим зотини,  
Қилай эмди борининг исботини.

Ҳамул тўрт хайлики ёздим сутур,  
Икидин сўнг Искандар этти зуҳур.

Қаёнийлар ўлғонда бир-бир ниҳон,  
Ки Доройи Баҳманга қолди жаҳон.

Мубоҳот этиб тахт ила тоғ анга,  
Берурлар эди шоҳлар бож анга.

Бу фурсат аро волийи Руму Рус,  
Шаҳе эрди оти малик Файлақус.

Маликваш келиб ҳар сифоти анинг,  
Малакваш вале пок зоти анинг.

Низомийки назм аҳлига шоҳ эди,  
Бу шаҳ саргузаштидин огоҳ эди.

Китобида дер чоғ нишонин анинг,  
Бу янглиғ деди достонин анинг,

Ки насл ичра йўқ эрди пайванд анга,  
Мурод эрди оламда фарзанд анга.

Бу савдо солиб жисмига печ-печ,  
Гум ўлмае эди ул таманноси ҳеч.

Магар бир кун овдин олиб кўнгли баҳр,  
Тараб бирла айлаб эди азми шаҳр,

Кўрунди йўли узра вайронае,  
Йўмурган фалак зулми кошопае.

Тоши хасталар кўнгли янглиг синук,  
Ичи мотамийлар ичидек бузуқ.

Бу вайрона ичра шаҳри бахтиёр,  
Сабо сайрини сурди беихтиёр.

Кўрарким, қўюб ҳамл бир ҳомила,  
Қарин қолмайин руҳ анга жисм ила.

Ётиб олида тифли зору забун,  
Чекиб гаҳ-гаҳе йиғлагон янглиг ун.

Бўлуб шоми рихлат анонинг кунн,  
Келиб гоҳу гаҳ йўқ — ўгулнинг уни.

Унига буким йигламоғни қотиб,  
Ано сўги они магар йиглатиб.

Солиб чун аларга назар Файлақус,  
Дегил тушти кўнглига нори мажус.

Буюрдикн, маҳрамван эл еттилар,  
Ўлукни ҳамул ерда дафн эттилар.

Ўзи тифлни олди эъзоз ила,  
Қилур эрди нарварда юз ноз ила.

Скандар атаб, ўгли билди ани,  
Ўларда валийаҳд қилди ани.

Муаррих яна навъ ҳам сурди сўз,  
Ки нисбатда Дорога еткурди сўз.

Ки Дорога берди қизин шоҳи Рум,  
Ясаб зеб ила, ўйлаким, нахли-мум.



Бир иш бўлдиким, бемадоро ани,  
Атосига қайтарди Доро ани.

Ҳамоноки сур айлаган тун — саҳоб  
Садафқа тўқуб эрди дурри хушоб.

Чу вақт ўлди, фош айлади ул садаф  
Дуреким, жаҳон топти андин шараф.

Яна буйла сўз дағи мазкур эрур,  
Ки таърихи фуре ичра мастур эрур,

Ки оламда ики Скандар эмиш,  
Ки икиси давронда довар эмиш.

Бири улки, Доро била қилди разм,  
Бири буки, сад боғлаю этти азм.

Ва лекин бу фурсатки донойи даҳр,  
Берур эрди бу қиссадин элга баҳр,

Ки жоми сафо урди элга сало,  
Ки Ҷомийга еткурмасун ҳақ бало.

Скандар иши эрди манзум анга,  
Бори ҳолати эрди маълум анга,

Манга ҳам чу машгуллуқ бу эди,  
Таворих олимда ўтру эди,

Бу ерда мени чунки ажз этти лол,  
Ўпуб ерни, донодин эттим савол.

Скандарга ики эканни адад,  
Чу олинда таҳқиқ эди, қилди рад:

«Ул ишлар, — деди, — бирга воқеъдурур,  
Гувоҳи анинг насси қотеъдурур».

Анингдекки аслин Низомий деди,  
Ҳамул навъ фарзона Ҷомий деди.

Ким ул Файлақус ўғли эрмиш яқин,  
Эмас аҳли таърих тардиди чин.

Қилинди чу таҳқиқ тадқиқ ила,  
Қилай эмди тадқиқ таҳқиқ ила.

Бу янглиг баён этти таърихсанж,  
Ки чун ёвар ўлди саройи синаж.

Скандарин топти малик Файлақус,  
Ясаб мулкин андоқки зебо арус.

Очиб бахшишу базл абвобини,  
Тузатти баса сур асбобини.

Мулукона тартибу ойини билла,  
Ёрутти кўзини ул жаҳонбин билла.

Қилиб ҳифзига кеча-кундуз қиём,  
Фузуироқ этиб дам-бадам эҳтимом.

Бериб парваришқа муносиб хуриш,  
Муносиб хуришдин топиб парвариш.

Ани асрамай коху айвон аро,  
Ясаб ер кўнгул ичра, бал жон аро.

Нечукким тенгиз дурри шоҳонасин,  
Тенгиз йўқки, кон лаъли яқдонасин.

Анга тегруким бўлди лафзи дуруст,  
Тааллум иши вожиб ўлди нахуст.

Нақумоҳис олинда дастур эди,  
Ки ҳикматқа оламда машҳур эди.

Сипеҳр авжига фикри суръатнамой,  
Фалак сайридин ройи мушкилкушой.

Назар чобукин чун қилиб тезбин,  
Бўлуб позири важҳи айнул-яқин.

Киши йўқ билик ичра монаид анга,  
Арастуйи фарзона фарзанд анга.

Чу тадбир ила дафъи офот этиб,  
Анинг ройидин шаҳ мубоҳот этиб.

Бори илм аро, ўйла, соҳиб камол,  
Ўи комил анингдек топиламоқ маҳол.

Скандарни донога тоншурди чувт,  
Ўи донишнинг авроқин этгай дуруст.

Ўзига шараф билди доно муни,  
Ўи ул воқиф эрди валодат куни.

Боқиб чархнинг борча ҳолотиға,  
Кавокибнинг иқболу офотиға.

Ўуруб мустақимин, билиб рожеъин,  
Ўзиб эрди мавлудининг толеъин.

Ўилиб ҳукмлар анжум арқомида,  
Рақамлар қўюб эрди аҳқомида

Ўим ул, тифли фаррухпайи покзод,  
Шаҳе бўлгуси поку фаррухнийҳод.

Ўти кўк уза шавкати етгуси,  
Юруб рубъи маскунни фатҳ этгуси,

Ўириб шоҳлар қуллари сонига,  
Бўюн қўйгуси тавқи фармониға.

Сипехр авжиге еткуруб ҳимматин,  
Фалак тоқида чолгуси навбатин.

Ўу ҳайъатда табъи жадал қилгуси,  
Фалак мушкилотини ҳал қилгуси.

Ўилиб хурдадон табъи ҳикматни қисм,  
Басе ерда соз этгусидур тилисем.

Ўиёзий била тузгусидур расад,  
Ўилоҳий била фитна олиға сад.

Ўаҳон мулкини чун мақар қилгуси,  
Тенгиз ичра йиллар сафар қилгуси.

Ўнга ҳақ насиб айлабон хушку тар,  
Юруб фатҳ қилгусидур баҳру бар.

Ҳаким англамиш эрди чун, б̄рча ҳол,  
Бу иқболдин б̄лди ишратсигол.

Мураттаб қилиб лавҳи иршодини,  
Анга қилди таълим бунёдини.

Қаю ишни таълим қилгон замон,  
Эшитмак ҳамон эрди, билмак ҳамон.

Билиб б̄лмас эрди таваққуф анга,  
Қилур эрди турлук тасарруф анга.

Бу янглигки тиъдод б̄лди сифот,  
Ҳамоно ўн ончани касб этти бот.

Билик касбини қилди то жони бор,  
Ҳунар билди ончаки имкони бор.

Чу тутти мусаллам камолотин эл,  
Диловарлиг амрига чуст этти бел.

Не ишким сипоҳига нафъ айлагай,  
Ки андин адусини даф айлагай.

Ғаҳи маркаб узра силаҳшўр эди,  
Яғлиқда гаҳ варзиши зўр эди.

Демайким ўқи очти тори зириҳ,  
Ки тори тахайюлдин очти гириҳ.

Сипони била тикти ахтар кўзин,  
Не ахтар кўзин, чархи ахзар кўзин.

Анинг тиги хорони қилди шигоф,  
Ки кемухти габродин этти ғилоф.

Камандинки чин-чин қила бошлади,  
Фалак қалъаси буржиға тошлади.

Қачон гурзини қилди коронабард,  
Қатиг хорадин кўкка еткурди гард.

Чу майдон аро зўр расмин тузуб,  
Чурук ин каби аждаҳонн узуб

Вагар роѝи бирла бўлуб чорасоз,  
Диловарлигу кучга бўлмаѝи иѝез.

Бори иѝида бир ерга етти иѝи.  
Ки мумкин эмас андоқ ўлмоқ киѝи.

Атоси даги чун суруб эрди умр,  
Видоѝ этгали еткуруб эрди умр.

Қадиниѝг хамидиѝ билиб эрди хайл,  
Ки жисмига туфроқ сари бўлди майл.

Қувосиѝи заѝф айлаган чоғда сует,  
Скандар бўлуб эрди шаҳлигда чуѝет.

Ўзи бўлди теѝгрига нўзишпазир,  
Скандарга тоншурди тожу сарир.

Чу ўглига тахтини қилди мақом,  
Ўзи айлади тахта сори хиром.

Ҳамоно ики шох берди дарахт,  
Бирин йўндилар тахтау бирни тахт.

Не қушқаки бир шохи маскандурур,  
Яна шохи сўнгра нишимандурур.

Скандар чу кўрди ато маргини,  
Яқин эрди қилгаѝ жаҳон таркини.

Чу муставли ўлди бу ниѝат анга,  
Ато қилмиш эрди васият анга,

Ки: «Мулкумда бегонани қўймагил,  
Шабистонима ёнани қўймагил!

Ҳаримим аро кирмасун ҳеч ёт,  
Ки бўлгаѝ анга пардадарликда от!

Сени истабон тонқонимдин мурод  
Будурким, қачон айласам ҳайрбод,

Сен ўлсанг чу қойим мақомим менинг,  
Бабод ўлмагаѝи нангу номим менинг».

Бу сўз ёдига келгач ўлди зарур,  
Ётурмак ато нардасига сурур.

Ҳамият даги монёъ ўлди басы,  
Ўи елдин зилोलига тушгай хасы.

Ато сўгини айлагач бартараф,  
Сариру нигин тонти андин шараф.

Ато тахтини чун мақом айлади,  
Тузуб руд, оҳанги жом айлади.

Лёгчи, бер ул жавҳари гамзудой,  
Дема гамзудо, жоми мотамзудой

Ўи, андин сумурсам гамим қолмасун,  
Ато сўгидин мотамим қолмасун.

Муганний, қелиб сөз руди нишот,  
Анинг бирла тузгил сурудни нишот

Ўи, сўз тахтида бўлдум оромгир,  
Бўлай таҳният базмида жомгир!

Навой, жаҳоннинг фирибин ема,  
Хирад олида нақшу зебин дема.

Чу даврон иши бевафоликдурур,  
Фузун шоҳлигдин гадоликдурур.

Гадойски қайд ўлгай андин йироқ,  
Муқайяд жаҳондордин яхшироқ!

## XVI

*Ҳиммат ҳумойининг баландпарвозлиги таърифидаким,  
жаноҳайнининг сояси қуёшнинг анқоёи заррин жаноҳига  
зулмат қофида нишман берур ва азимжуссалиги вас-  
фидаким, байзонинг сиймин байзасин жаноҳайни остига  
яшурур ва ҳар гадоға ул соя тушса, салотин анинг гадойи-  
дурур ва ҳар шоҳдин соясин олса, гадо анинг қошида шоҳ  
кўринур*

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,  
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Книши нақди гар бир қаро мис эмас,  
Агар ҳиммати бўлса муфлис эмас.

Ани англа муфлисски, йўқ ҳиммати,  
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг хурмати.

Бу расм ўлди оинни дайри фано,  
Ки ҳурмат топар кимда бўлса гино.

Чу ҳиммат эрур кимийи вужуд,  
Ки андин топар эътибор аҳли жуд.

Бировким, анинг кимийедур фани,  
Ани деса бўлғай эл ичра ганий.

Гинодур чу эл ҳурматиға сабаб,  
Анга эҳтиром этсалар йўқ ажаб.

Бировким, анинг ҳиммати йўқтурур,  
Ганий бўлса ҳам ҳурмати йўқтурур.

Тутай, дунсифат кимсанинг ганжи бор,  
Туну кун анинг ҳифзидин ранжи бор.

Пашизе агар тугди эрса лаим,  
Мудом очмогидин топар кўнгли бийм.

Десаким: очай тонгла, ёхуд бугун,  
Тугар ул тугунга яна бир тугун.

Очардин эмас коми тарқатмоги,  
Ғараз бор анга ўзга бир қатмоги.

Кўрунмай дирам ақдин очмоги хўп,  
Дирам ҳар неча кўп, тугун доги кўп.

Очар бўлса андин саросар гирих,  
Солур кўнглига бир гирих ҳар гирих.

Айиғ лаъбидин жатқаким нон эрур,  
Ани итга солмоқ не имкон эрур.

Бижин топса ер, то ичига сигар,  
Не қолса овуртига борини йиғар.

Йиғоч узра гар бўлса юз минг ёнгоғ  
Қўмар ерга ҳарне ўғурлоди зог.

Ер остики сичқонга кошонадур,  
Яна анда ҳарён ниҳон хонадур.

Разолатни ҳаддин қачон ошурур,  
Ўзидин дағи туъмасин ёшурур.

Нажосат йўлидин қўюб гулхани,  
Захирам, деб анбор айлар ани.

Жуалдур тезак тошимокдин забун,  
Ки бўлмиш қарориб, юзи сарнигун.

Ани қўймас ўлмаклигин билса ҳам,  
Неча от оёгига янчилса ҳам.

Қўрар айб дун сарф қилмоқ дирам,  
Анингдекки, йиғмоғни аҳли карам.

Карамдин бировким тиҳи жайб эрур,  
Тиҳи айламак жайб анга айб эрур.

Бу иш ҳиммат аҳлигадур ибтило,  
Ки жайби дирам бирла бўлғай тўло.

Карамсизки бор уйда махзан анга,  
Фалокат била фоқадур фан анга.

Емас элки амвол аро бўлса гарқ,  
Алар бирла муфлислар ичра не фарқ?

Десам ҳам бўлурким, эрур фарқи кам,  
Хирад олида кўпдурур фарқи ҳам

Ки, ҳар неча бемоя бўлса лаъим,  
Анга кимсадин йўқдурур ҳеч бим.

Вале бўлди чун ганжию махзани,  
Халойиқ эрур жонининг душмани.

Қизил тулку ёхуд қаро киш киби,  
Ки бўлғай туки қатлининг мужиби.



Садафдекки йиққон учун дурри чок,  
Қилурлар олур чоғда кўксини чок.

Кўнгул ҳиммат аҳлигаким бўлди кенг,  
Ғино бирла фақр ўлди олинда тенг.

Не гапж ўлса бермакда бордур азиз,  
Не номус этар бергали бир нашиз.

Мубоҳот қилмас емакдин кулоч,  
Ғамни бўлмас ар топса ёвгон умоч.

Хирад аҳли чунким тааммул қилур,  
Тафовут бу икида ҳам топилур.

Не нақдеки аҳли карам сарф этар,  
Анга халқдин кўн машаққат стар.

Агар йўқ анга базл этар дастрас,  
Ки зоти аро ҳиммати ганжи бас.

Не элдин топар ҳар замон юз малол,  
Не аҳволига юз қўяр ихтилол.

Кишиким бийикракдурур ҳиммати,  
Жаҳон аҳлидин камдурур меҳнати.

Не қушким баланд ўлса парвоз анга,  
Ҳалок истамас новакандоз анга.

Агарчи эрур мушак отмоқ иши,  
Булут момугин ўртай олмас киши.

Неча тифл қилса пулаб хийралик,  
Қачон шамъи анжум топар тийралик?

Тутайким, бийик тоққа чиқсун паланг,  
Тўлун ойға секриб етургайму чанг?

Баланд айлабон ҳиммат ул бениёз,  
Ки ҳар неча ҳиммат бийик, меҳнат оз.

Бировгаки ҳиммат қилур ёрлик,  
Ғадолик тилар, йўқ жаҳондорлик.

Ўзин фақр бирла жаҳондор этар,  
Жаҳондорликдин вале ор этар.

Дема фақр кўйи гадойин гадо,  
Ки шаҳлар шаҳи қилмиш они худо.

Қилур подшо ул гадолик ҳавас,  
Печукким, гадо подшолик ҳавас.

Магар ҳақ етургай бу огоҳлик,  
Ки фақр истагай эл, кўюб шоҳлик.

## XVII

*Искандар била ул гадолик ихтиёр этган подшо, балки  
филҳақиқат подшоликқа етган гадо ҳикоятиким, Искандар  
ани мазаллат чоҳидин чиқориб, салтанат қоҳиға ўлтуртмоқ  
устади ва ул тож таркин қилиб, бошидин тарки тожи  
хаёлин чиқормади*

Эшиттимки Искандари номдор,  
Чу бўлди жаҳон аҳлиға комгор.

Не кишварки бўлди мусаххар анга,  
Мутеъ ўлди доройи кишвар анга.

Ҳамул шаҳни кишварға шоҳ айлади,  
Ҳамул элга кишварпаноҳ айлади.

Шаҳу мулкдин кўнгли тинғоч тамом,  
Яна мулк азмиға қилди хиром.

Магар фатҳ бўлгонда Мағриб замин,  
Шаҳи зоҳир айлаб эди қатлу кин.

Чу разм ўти бўлмиш эди бартараф,  
Шаҳ ўлмиш эди разм ичинда талаф.

Скандар чу фаҳм этти хасмин қатил,  
Анга мулки ичра тилатти адил.

Дедиким: «Бу кишвар салотинидин,  
Хабарлик жаҳонбонлик ойнинидин,

Қолибму экин бир анингдек киши,  
Ки қилсам ружуъ анга бу мулк иши?»

Ани элга шох айласам мустақил,  
Ки мулк ўзгага бўлмаса мунтақил».

Дедилар халойиқ дуо айлабон,  
Ҳадисига жонлар фидо айлабон,

Ки: «Офоқ аро сарфароз ўлгасен,  
Ҳамиша раиятнавоз ўлгасен.

Бу янглиг кишиким қилурсен сўроғ,  
Ки андин раиятқа етгай фароғ.

Қабул айлагай они яхши-ямон,  
Киши йўқ, магарким, биров бу замон,

Вале халқ ичиндин фирор айламиш,  
Ажаб навъ иш ихтиёр айламиш.

Тириклар аросига қилмас убур,  
Матофи эмас гайри — эски қубур.

Ҳамоно тирикларда кўрмай вафо,  
Қубур аҳлига айламиш иктифо.

Боши тож таркин қилиб ихтиёр,  
Бўлуб тарк тожи билан бахтиёр.

Не маскан бўлуб кеча бир бум анга,  
Не кундуз емак важҳи маълум анга.

Киши бирла йўқ мутлақо улфати,  
Бўлуб халқ гавгосидин қулфати.

Ниёз аҳли чун қилсалар ихтилот,  
Қилур сўзда зоҳир гаҳи инбисот.

Насойиҳ дер элга бағоят муфид,  
Ки оламдин элни қилур ноумид.

Сўз ичра бу тақриб тартиб этар,  
Ки элни фано сори тарғиб этар!»

Скандар эшитгач дедиким: «Юрунг,  
Ани қайда бўлса, топиб келтурунг!»

Равон ҳукм ила ҳар тараф сурдилар,  
Тониб шоҳ базмига еткурдилар.

Яланг эрди бошу, аёги яланг,  
Яқо чокидин кўкси доғи яланг.

Жаҳон шугли гардига силкиб этак,  
Тутуб ики илғига ики сўнғак.

Скандар анга эҳтиром айлади,  
Ўз олинда олий мақом айлади.

Деди: «Бу сўнғаклардин афсона эт,  
Не сўрсам, жавобин анинг ёна эт!»

Деди: «Гўрлардин қилурда гузар,  
Неча бу сўнғакларга солдим назар.

Замиримга лекин ниҳон қолди бу,  
Ки шахнинг қаюдур, гадонинг қаю?

Чу ўлганда бирдур бу ики матоъ,  
Тирикликда невчун қилурлар низоъ?»

Келиб бу каломи Скандарга хаш,  
Деди: «К-ей забон овари боркаш,

Сени топтим асру бийик нукталиқ,  
Агар бор эса ҳимматинг ҳам бийик.

Сени кишварингда қилай аржуманд,  
Бериб шоҳлиғ, поянғ айлай баланд».

Деди: «Ҳиммат ўлмиш манга ҳамнишаст,  
Сен истардек эрмас, вале асру наст,

Ки тарк айлабон фақр сармоясин,  
Писанд этгамен шоҳлиғ поясин?

Эмас рубъи маскунга рағбат манга,  
Тилар тўрт сармоя ҳиммат манга:

Бири андин ўлди ҳаёти абад  
Ки, йўқтур анинг интиҳосига ҳад;

Яна бир: йиғитликки тонмай халал,  
Қарилық била бўлмагай ул бадал;

Яна бир: гинойи муаббаддурур,  
Ки олинда ифлосқа раддурур;

Яна: шодлигим, йўқ онинг гами,  
Адам бўлгай ул сурнинг мотами».

Скандарни ҳайрат забун айлабон,  
Деди, бош уётдин нигун айлабон.

Ки: «Эй фаррухойину фархундарой,  
Бу уқдангдин ул бўлди мушкилкушой

Ки, бу дайр аро топсанг огоҳлик,  
Санга фақр берди, манга шоҳлик.

Агарчи мени айлади аржуманд,  
Санга берди ҳимматни мендин баланд»

Гадойеки бўлгай бийик ҳиммати:  
Анга паст эрур шоҳлиг рифъати.

Чу ҳиммат баланд ўлди эрса фақир,  
Кўзига эрур аср шоҳи ҳақир.

## XVIII

### ҲИКМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, мақсудга қайси мақом яқинроқ ва ул мақом сари не навъ хиром муносиброқ ва Арасту йўқлуқ мақомига йўл кўргузмак ва сабукборлиқ хироми оҳанги тузмак*

Арастудин этти Скандар савол:  
«Ки эй фикратингга фалак поймол,

Не йўлдурки, мақсуд эрур манзили,  
Не ишдурки маҳмуд эрур ҳосили?»

Деди: «Халқдин ўзни фард айламак,  
Фано кўйи йўлинда гард айламак.

Деди: ул кишиким тавонгардурур,  
Анга хайр кўнрак муяссардурур.

Амалнинг чу мақсуд аро дахли бор,  
Тавонгарга кўнрак керак эътибор.

Бировким савоб этса кўнрак ҳусул,  
Анга кўнрак ўлгай умиди вусул.

Деди: «хайрким қилса аҳли манол,  
Бу ишдин эмастур йироқ икки ҳол.

Бири улки: мавқеъдадур ул иши,  
Ишин гайри мавқеъ қилур ҳам киши.

Гар иш гайри мавқеъда мавжуд эрур,  
Киши ҳар неким қилди мардуд эрур.

Ва гар ўз еридадурур қилгани,  
Не иш қилса мақбул тутсақ ани.

Неким аслдин топти маъзуллуқ,  
Иши фаръ ила бўлди машғуллуқ.

Эрур роҳзан кимки огоҳ эрур,  
Бу йўлда неким мосиваллоҳ эрур.

Биров шоҳ васлига қатъ этса йўл,  
Керак воқиф ўлса қароқчидин ул.

Қароқчига бўлгон киши муттафиқ,  
Қачон шоҳ базмигадур мустаҳиқ?

Вале улки рафъ этти буду набуд,  
Гумон қилмади ҳақдин ўзга вужуд.

Ўзин чунки мақсуд аро қилди йўқ,  
Ўзи қолмайин, қолди мақсуди-ўқ.

Гумон қилма мундин бийикрак мақом,  
Киши анда чун етти, бўлди тамом».

Бу дурларниким сочти гавҳарфуруш,  
Садаф огзидек сойил ўлди хамуш.

## XIX

*Искандарнинг салтанат тожидин саркашлиқ қилиб,  
хилофат тахтидин аёқ тортқони ва Рум аҳли бошларин  
оёғига қўюб, анинг мақдамидин тахт поясин биланд қилиб,  
тож қадрин аржуманд қилгонлари ва анинг адли айнининг  
қуёши била зулм шомининг хуффошин кўр этиб, жаҳонни  
ёрутқони ва зулм аҳлининг зулматдек олам юзидин қироқ  
тутқони*

Гузоришқа улким, қалам қилди тез,  
Қаламдин бу янглиг бўлур нуктарез,

Ки чун Файлақус ўртадин чекти рахт,  
Скандарга таслим этиб тожу тахт.

Скандарки донойи офоқ эди,  
Билик ичра офоқ аро тоқ эди.

Анга тож ила тахт тушмай қабул,  
Бу андешадин беҳад эрди малул

Ки, шаҳлигда ҳаддин кўп офот эрур,  
Не қилса фалакдин мукофот эрур.

Агар таркига кўнглини шод этиб,  
Атонинг васиятларин ёд этиб.

Кўп ошуфта қилғоч ани бу миҳан,  
Улусни йиғиб, тузди бир анжуман.

Чу яқсар йиғилди шарифу вазеъ  
Сўзе қилди оғоз беҳад бадеъ.

«Ки эй қавмким, мулкунгуз келди Рум,  
Ки олимда ҳоло қилибсиз ҳужум.

Агар сарфароз, ар сарафгандасиз,  
Бори тенгрига мен киби бандасиз.

Эмон сиз киби, сиздин ўксук базе,  
Атосиз, дилозурдае бекасе.

Атомни агар лутф айлаб илоҳ,  
Бу кишвар уза айлади подшоҳ.

Ҳамоно бу ишга сазовор эди,  
Бу юк чеккали қуввати бор эди.

Вар обову аждодима қилди ҳақ,  
Бу мулк аҳлига ҳукмронлиқ насақ.

Алар доғи зебойи тахт эрдилар,  
Тавоноу ферузбахт эрдилар.

Вале мең эрурмен бағоят ҳақир,  
Доғи салтанат амри беҳад хатир.

Бу ишга керактур тавоно киши,  
Эмас мен киби нотавоно иши.

Эрур тортмоқ шер чекконни мўр,  
Юкин пилнинг айламак пашша зўр.

Не бор шахлик айларга ният манга,  
Не айлай десам қобилият манга.

Бу таклифдин чуңки ранжурмен,  
Агар айласам тарки, маъзурмен.

Чу мен айладим ажзим изҳорини,  
Бу андешадин кўнглум озорини.

Сиз эмди ўзунгузга шоҳе топинг,  
Бу кишварга кишварпаноҳе топинг.

Ҳар ишта замон аҳлининг фойиқи,  
Ки то бўлгай ул шоҳлиғ лойиқи.

Қуёшдек қавий меҳру равшаи замир,  
Ва гар чиқса ашҳабқа офоқгир.

Адолат аро фасли наврўздек,  
Сиёсатда барқи жаҳонсўздек.

Ириклик чоғи хасмға чорасоз,  
Қотиглиқ маҳалли раиятнавоз.

Анга тахту давлатни маскаи қилинг,  
Бошин тож бирла музайян қилинг,



Ким ул ёгдуруб абри эҳсонини,  
Эрамдек қилиб мулк бўстонини.

Аду хайлин ошуфтаҳол айласун,  
Санам зулфидек поймол айласун.

Неча шуълаи фитна ёқса адув,  
Қилич селидин урсун ул ўтқа сув.

Раиятқа қилса қаламзан ситам,  
Қаламзаннинг илгини қилсун қалам.

Мусофир йўли риштасин узмасун,  
Қароқчи қаросини кўргузмасун.

Қилиб забт ила маҳкам ўғри йўлин,  
Улус молидин қисқа қилсун қўлин.

Адам айласун зулм таълимини,  
«Лам»и жаҳд этиб «лом» ила «мим»ини.

Адолат қилурнинг топиб ҳолатин,  
Фузун қилсун элга адув одатин.

Неким ҳақ буюрмиш, бўлуб пайрави,  
Ҳақ айтур улус илгин этсун қавий.

Бериб зулмгустарга фарсудалиқ,  
Раиятқа еткурсун осудалиқ».

Тугатгач сўзин шоҳи равшанзамир,  
Улус чектилар ҳар тарафдин нафир

«Ки, эй хусрави одили додгар,  
Нега айладинг бизни фарёдгар?»

Етар чоғда адлингдин элга наво,  
Бу янглиг недин зулм кўрдунг раво?

Не сўзлар эдиким баён айладинг,  
Ки бу халқ бағрини қон айладинг,

Бу сўзар дегунча, оқиз қонимиз,  
Ки бўласун йўлунгда фидо жонимиз!

Сен ўлғунча бу эл бошидин йироқ,  
Йироқ бўлсалар жонидин яхшироқ.

Санга гарчи жонбахш келди калом,  
Яқин эрдиким айлагай қатли ом.

Сену салтанат тарки сўзму бўлур,  
Бадилингни кўргучи кўзму бўлур?

Бугун олам ичра сен ул шоҳсен,  
Ки афлок сирридин огоҳсен.

Жаҳон ичра сен билмаган йўқ улум,  
Билур олам аҳли, неким аҳли Рум.

Фалак шамъи ройи муниринг сенинг,  
Малойик чароғи замиринг сенинг.

Жаҳон кўрмаган сен киби хусраве,  
Қуёш талъате, Муштарий партаве.

Қилиб адл ройингдин андоқ зуҳур,  
Ки гул бирла хуршиддин атру нур.

Вужудунгда пинҳон хирадёрлиг,  
Жамолингда пайдо жаҳондорлиг.

Бу ҳимматки зотинг аро бордур,  
Санга Рум султонлиги ордур.

Билурбизки бу мулк эрур кам санга,  
Умид улки, тушгай жаҳон ҳам санга.

Фалак сайридин ошкору ниҳон,  
Ки ҳукме ёзилмиш: сенингдур жаҳон.

Яна кимса фармонраво қилмағил,  
Жаҳон аҳлини бенаво қилмағил.

Агар сен бу ишни қабул этмагунг,  
Бу мулк аҳли фарёдиға етмагунг,

Қўюб мулки маврусинга ёпани,  
Раво кўрсанг уй ичра бегонани.

Қила олмайин бу бало ихтиёр,  
Боримиз қилурбиз жало ихтиёр!

Чу тушсак гадоликқа ҳар мулк аро,  
Худо сўргуси сендин ул моҷаро»

Бу сўз деб улус бўлдилар ашкрез,  
Бош айлаб яланг, чектилар рустхез.

Скандарки мундоқ аломат кўруб,  
Аломат демайким, қяёмат кўруб,

Пушаймон бўлуб деган аҳволига,  
Бузулди баче кўнгли эл ҳолига.

Солиб ул сифат сидқ ойин сифот,  
Дегандин анинг кўнгли ичра уёт.

Ҳам атбоининг яхши ниятлари,  
Яна ҳам атоси васиятлари,

Аён этти бир навъ таъсир анга,  
Ки бермак маҳол эрди тағйир анга.

Бўлуб хоотири ҳаддин ортуқ малул,  
Улус илтимосини қилди қабул.

Ризо зоҳир этгач, шаҳи навжувон,  
Арастуйи фарзона қўпти равон,

Олиб тожни айлабон аржуманд,  
Анинг бошидин айлади сарбаланд.

Равон тутти, айтиб сано, бир қўлин,  
Балиноси доно яна бир қўлин.

Ики ганжи ҳикмат ани йўлдабон,  
Чиқордилар авранг уза қўядабон.

Топиб мақдамидин бийик поя тахт,  
Қуёш боши узра солиб соя бахт.

Арасту била — йўқ — Балинос эди,  
Ки бу Хизр эди, ул бир Илёс эди.

Халойиққа юзланди бир инбисот,  
Ки ўлтурғали етти муфрит нишот.

Нисор ул қадар сочти яхши-ямон,  
Ки қилди нужум арзни осмон.

Ададсиз сурур аҳлига бўлди сур,  
Анингдекки сур аҳли қилди сурур.

Чу исқандари меҳр ўлуб пардаўш,  
Шафақ бодасин топти қилмоққа нўш.

Тарабдин фалак қилди ҳоли анга,  
Янги ойни жоми ҳилолий анга.

Сқандар баруманд ўлуб бахтидин,  
Шабистонга кирди тушуб тахтидин.

Гулу сабза узра тузуб тоза базм,  
Майи лолағун ичғали қилди азм.

Қадаҳ партавиким дамо-дам тутуб,  
Шабистонни хуршиддек ёрутуб.

Дебон сўз, деғач шоҳи гардунжаноб,  
Жавобин Арастуин ҳикматмаоб.

Суруб нукта ҳар сори донишвари,  
Билик ичра алломаи кишвари.

Не ҳикматдин айру қадаҳ гардиши,  
Не жуз илми ҳикмат такаллум иши.

Нукатким шаҳи комёб айтибон,  
Анга нукта аҳли жавоб айтибон.

Зухур айлабон гарчи айшу тараб,  
Вале сарбасар маҳзи илму адаб.

Чу ҳар илмдин бўлди гуфту шунид,  
Димоғини шаҳнинг қизитти набид.

Қўпуб чиққали майи кўргузди хайл,  
Кўзи шоҳнинг уйқуга қилди майл.

Булуб уйку чун улча матлуб ўлуб,  
Ёрим кеча ҳам сажда маргуб ўлуб.

Ибодат учун шоҳи яздонпараст,  
Ўзин хас киби қилди туфроққа паст.

Иши йиглаю узри мофот эди,  
Анга тонггача буйла авқот эди.

Ўуёш чун қилиб авж оҳангини,  
Ёрутти яна чарх аврангини.

Кавокиб топиб ул ёруқдин зарар,  
Бори учтилар ул сифатким шарар.

Скандар яна тахтин айлаб мақом,  
Халойиққа ҳукм айлади бори ом.

Улус қилдилар хизматига ҳужум,  
Ўуёш теграсида нечукким нужум.

Йигилгоч улус шаҳ қилиб ибтидо,  
Халойиққа сўз мундоқ этти адо:

«Ки берди манга додгарлик илоҳ,  
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ,

Келиб олима арзи ҳол айласун,  
Ўз аҳволини қийлу қол айласун!

Қошимда сўзин арз айлар замон,  
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон.

Не тахтимдин ўлсун анга даҳшате,  
Не тожимдин ўлсун анга ваҳшате.

Не шаҳ деб мени айласун изтироб,  
Не мақеуд адосида қилсун шитоб.

Аён айласун реши дарду ғамин,  
Ёқай дод бермак била марҳамин».

Улус бошлади арзи ҳол айламак,  
Скандар била қийлу қол айламак.

Сахардин анга тегруким истиво,  
Сўруб, халқ дардиға қилди даво.

Қиши қони тўкканни бўйнин уруб,  
Қўлин кестурурнинг, қўлин кестуруб.

Бериб дод мазлуми гамхораға,  
Қилиб раҳм марҳуми бечораға.

Қилиб зулм аҳлин қаро ерга наст,  
Аларгаки, мазлум эрур зердаст.

Хуш ул шаҳки зулм аҳлин айлаб нигун,  
Жафокаш жафогарни кўргай забун.

Бу янглиғ қўюб адл бунёдини,  
Ярим кунгача берди эл додини.

Атоси замонида ҳар навъ иш,  
Ки андин халойиққа озор эмиш,

Тамомин улус бошидин қилди дафъ,  
Етишсун деб андин халойиққа нафъ.

Яна шоҳлар ҳодис этган русум,  
Ки бедод эмиш эл аро бу умум.

Алар тарҳини бузди бунёддин,  
Халойиқни қутқорди бедоддин.

Адолат тариқини фош айлади,  
Сиёсат анга дурбош айлади.

Раиятқа маълум этиб эҳтиёж,  
Ики йил алардин кўтарди хирож.

Амал аҳлига қилди машгуллуқ,  
Ёмонларга еткурди маъзуллуқ.

Вале яхшига тақвият айлади,  
Яна яхшилар тарбият айлади.

Яна нархларға қилиб иштиғол,  
Оғир сотқучиға бериб гўшмол.

Туз айлаб тарозу ики бошини,  
Темурдин ясаб, мухр этиб тошини.

Қари ҳам темурдин анга бўлди хос,  
Ки эл бўлди кам газ олурдин халос.

Қапонни ҳам ул ихтиро айлади,  
Қиёс ичра рафъи низо айлади.

Яна тузлук изҳорига тузди кайл,  
Ки эл қилмагай эгрилик сори майл.

Яна тузди олтун тарозусини,  
Қавий айлабон адл бозусини.

Мароҳил аро қўйди раҳдорлар,  
Йўл аҳлин хатардин ниғаҳдорлар.

Адолат қўлин тутти андоқ бийик,  
Ки топти амон арслондин кийик.

Карак хайлига қарчигаёй дармиён,  
Алар жўжа янглиг, бу бир макиён.

Ярим кунгача адл ила дод эди,  
Яна кун сўнгги яхши бунёд эди.

Бу янглиг чу оз вақт тузди русум,  
Ганий бўлдилар адлидин аҳли Рум.

Кетур соқиё, тўлдуруб жоми адл,  
Ки кўргузди Искандар айёми адл!

Таодул била тут ани беҳумол,  
Ичарда манга гарчи йўқ эътидол.

Муғанний, навода тузуб муътадил,  
Навосозлиқ қил манга муттасил,

Қулогимга дилкаш садое етур,  
Мени бенавога навое етур!

Навой, таодулдин этма удул,  
Қабул аҳлидин гар тиларсен қабул!

Чу одил шаҳ илгидин ичгунг аёқ,  
Неча эътидол асрасанг яхшироқ

Нечукким, эрур адл шаҳларга зеб,  
Эрур ҳам гадо, хокираҳларга зеб.

Шаҳеким, адолатдур онинг иши,  
Тенг эрмас анга шоҳлардин киши.

## XX

*Адолат айни таърифидаким салотиннинг зулумоти  
зулми орасида «айнул-ҳайт» жовидонийдурур ва ичганга  
зулоли зиндагоний еткурур*

Не асмоким, ул ҳақ сифотигадур,  
Агар фикратинг ҳар бир отигадур.

Не амреки бўлгай сифат дохили,  
Ҳақ отидур ул амрнинг фоили.

Карам фартидиндур карим ўлмоғи,  
Тараҳҳум кўпидин раҳим ўлмоғи.

Агар вожиду можид эт эътибор,  
Агар ҳайю қайюм бир ҳукми бор.

Вале оти асмода одил эмас,  
Ўқур чоғда эл они одил демас.

Адолатқа етганда қилмиш худо,  
Ўз отини «Ал-адл» бирла адо.

Бу отига кўпрак учун эҳтимом,  
Анинг бирла оламга берди низом.

Не шаҳким, анинг адл кирдоридур,  
Десам, йўқ ажабким, худо ёридур.

Бу маънидин эркинки, оламда шоҳ,  
Қи дерлар ани халқ зилли илоҳ.

Гар афъоли мардуду мақбул эмас,  
Булардин қиёматда масъул эмас.



Эрур адлким, қодирн зул-жалол,  
Қиёмат купн андин айлар савол,

Агар адл йўқ ошкору ниҳон  
Яқин билки, зеру забардур жаҳон.

Ануширвон гарчи кофир эди,  
Вале адл зотида зоҳир эди.

Ўрун гарчи кофирга дўзахдурур,  
Анинг адлдин ўрни барзахдурур.

Агар куфр ризвон сори қўймади,  
Вале адл нийрон сори қўймади.

Ул ўтгандин ар минг йил андозадур,  
Адолатдин овозаси тозадур.

Эрур турфа буким, салотин аро,  
Қаю адл этар кишвари дин аро.

Қилурда сифат адлу инсофини,  
Ниҳоятқа еткурмак авсофини,

Демаклик эмас «ҳукмрони замон»,  
Демактур «Ануширвони» замон.

Ажаброқ буким, улки бу оти бор,  
Бу ташбиҳ бирла мубоҳоти бор.

Не сўздинким ўтти эрур бу ажаб,  
Ки кавнайн шоҳи «Расули араб»,

Шаҳеким, русул келди хайли анинг,  
Бори офариниш туфайли анинг,

Қилур чоғда ҳақ шукри изҳорини,  
Магар бу сифат сурди гуфторини,

Ки «султони одил замонида даҳр,  
Вужудум била берди оламга баҳр.

Манга чун валодат замони эди,  
Улусқа адолат замони эди».

Ҳадисида ҳам бу башоратдурур,  
Ҷи адл аҳли сори ишоратдурур

Ҷи, адл ичра ўтганга бир соате,  
Эрур беҳки, жинну башар тоати.

Яна ҳам ҳадиседурур бу саҳиҳ,  
Ҷи айлабдур они баёни фасиҳ:

«Қолур куфр аро қолса обод мулк,  
Бўлур зулм агар бўлса барбод мулк.»

Шаҳ агар куфр аро адлин этса равон,  
Тузар мулкин андоқки Нуширавон.

Вагар дин аро зулм паррон қилур,  
Бу шаҳлардек оз чоғда вайрон қилур.

Шаҳеким қилур хайли инсонга амр,  
Ҳақ этмиш анга адлу эҳсонга амр.

Агар зулм қилса эрур неча ҳол,  
Ҷи жонигадур борча онинг вубол.

Бировким ҳақ амрига осий бўлур,  
Неким қилса журму маосий бўлур.

Яна бир буки айлаб ўзни сафиҳ,  
Ҳақ ахлоқиға хулқи қолмас шабиҳ.

Яна буки элга солиб изтироб,  
Қилур зулми ободларни хароб.

Яна улки, чун зулме мавиқуд ўлур,  
Бори халқ кўнглиға мардуд ўлур.

Не мардудлуқким, бўлур эл иши —  
Туну кун анинг жонининг қарғиши.

Не дамким урар халқ нуқсонига,  
Қилур тез дўзах ўтин жонига.

Улус душмани деса бўлмас ани,  
Ҷи бор ул ҳақиқатда ўз душмани.

Неча зулмким элга золим қилур,  
Ўз-ўзига кўпрак қилур — ҳақ билур.

Не золимки, бир кимсага зулм этар,  
Ики фоида зулмқашга етар.

Бир улким, қиёмат куни ажри бор,  
Ангаким бу зулм айламиш, зажри бор.

Яна буки, мазлум эрур от анга,  
Киши айламас зулм исбот анга.

Вале кимсаким, зулм анга комдур,  
Бу оламда мардуду бадномдур.

Макон чун қилур ўзга олам сори,  
Ўтар бетаваққуф жаҳаннам сори.

Қаю шоҳким адлдин фард эрур,  
Ҳам ўз жонига зулмидин дард эрур.

Кивурса ўзин одил эл сонига,  
Не зулм элга айлар, не ўз жонига.

Агар билса шаҳ адл этар ҳирфасин,  
Нечук бергай ўз илгидин сирфасин.

Неча сирфадин шаҳ керактур йироқ,  
Бу ерда вале сирфаси яхшироқ.

Шаҳеким, анга адл бўлғай қилиқ,  
Эрур айласа сирфа бесирфалиқ.

## XXI

*Маҳмуд ҳикоятиким, ажал оғир уйқусига боргондин  
сўнгра Масъуднинг тушига кирди ва адолат айнин пайдо  
қилур учун анга пандлар берди ва насиҳат зилолидин  
анинг юзига бир сув урдиким, ани гафлат уйқусидин  
сескандурди*

Эшиттимки, Маҳмуди ғозийга даҳр  
Чу жоми ҳаёт ичра ҳал қилди захр.

Қилиб «иржеъи» нағмасин истимоъ,  
Ружуъ этти оламга айлаб видоъ.

Жаҳондин узар чоғда пайвандини  
Валиаҳд этиб эрди фарзандини,

Чу ул айлади тарки дори фано,  
Фироқида ўғлига эрди ано.

Ҳамоно лақаб эрди Масъуд анга,  
Кириб тушга бир кеча Маҳмуд анга,

Ўғулга ажаб навъ қилди зухур,  
Бошидин-аёғигача гарқи нур.

Бўлуб турфа боге анинг маскани,  
Дема боғким, равзанинг гулшани.

Дамо-дам фузунроқ нишоти анинг,  
Ошиб ҳар замон инбисоти анинг.

Зумурраддин олида ҳавзеки, ақл  
Келиб ожиз авсофин айларда нақл.

Мудававар келиб чархи ахзар киби,  
Суви лавну таъм ичра кавсар киби.

Қирогида ул ҳавзанинг бир дарахт,  
Солиб шоҳ уза соя андоқки бахт.

Қилиб паст тубий қадин пояси,  
Ҳамул равза саҳнин тутуб сояси.

Яна равзанинг сабзаси заъфарон,  
Иси хасталар жисмидин заъфрон.

Тамошосидин кўзга ёруб чароғ,  
Муаттар бўлуб атри бирла димоғ,

Кўруб шоҳ Масъуд бу турфа ҳол,  
Ўлуб ер атосидин этти савол

Ки, султонлиғинг ичра неттинг экин,  
Ки, бу навъ манзилга еттинг экин?

Деди: Ул замонким, жаҳондор эдим,  
Адолат қилур фикрида бор эдим.

Чекар чоғда Ҳиндустонга сипоҳ,  
Чу ул ноҳият бўлди оромгоҳ,

Дедим эмин ўлсун черикдин бу мулк,  
Ситамға узотур иликдин бу мулк.

Мунодидин англаб бу ҳукмумни хайл,  
Манга бўлди сайр айламак сори майл.

Ғилиб беша тавфиға ҳар ён назар,  
Ғи ноғаҳ бир эл сори солдим гузар,

Ғазира аро неча уйлук киши,  
Ғелиб заъф ила ажз аларнинг иши,

Йиғочу қамишдин ясаб хонумон,  
Ани сандалу зарҳал айлаб гумон.

Уй ичра гилем ўрнида бўрё,  
Келиб боғу бўстон бузуқ қўрё.

Ўтар чоғда наззора айлаб муни,  
Етишти қулогимға мазлум уни.

Ғамул ун била маркаб эттим равон,  
Чу еттим, ажuze эди нотавон,

Бузуб қўрёсин черикчи кириб,  
Уйидин неча шох ўтун ойириб,

Ўтунни уйидин чиқорғон замон,  
Солиб тўбра ичра доғи сомон,

Яна бир аёғ ҳам олиб бадсигол,  
Ғи ул зарф бор эрди яшил сафол.

Буларни олиб золими тундхў,  
Чиқарда йўлуқти манга рўбарў.

Ғадал айлабон додхоҳи била,  
Ғелиб ул ики-уч гувоҳи била.

Чу билдим анинг зулму яғмосини,  
Йёсига қайтардим ашёсини.

Яна қўрәсини найбаст этиб,  
Не айрилгонин борча пайваст этиб.

Дедим, боглабон золим илгини руст,  
Осиб бўғзидин ул уй олида чувт.

Чу ашәсини олди золи нажанд,  
Ҳамул дам сипаҳ сори сурдум саманд.

Мен этгаи замон тарки дори гурур,  
Ки бўлди мақомим бу дори сурур.

Ниҳоятсиз эрди гуноҳим менинг,  
Бу иш бўлди охир паноҳим менинг.

Хитоб ўлди, кей осийи боргоҳ,  
Ки умрунгда қозгонмадинг жуз гуноҳ,

Неча ҳаддин ортуқ гунаҳкорсен,  
Томуғ шуъласига сазоворсен.

Ҳамул адлким тутти сендин вужуд,  
Гуноҳинг боғишланди буду набуд.

Вале ҳар не иш қилгонинг беғараз  
Топибдур бу оламда бир-бир эваз.

Тузаттинг чу ул золға қўрә,  
Йўқ эрди бу феълингда рўю риә.

Анинг муздидур бу риәзи биҳишт,  
Ели мушкео, гарди анбарсиришт.

Ики шох ўтунким, ани олди зол,  
Эрур музди бу нахли тубий мисол.

Яшил зарфким, айладинг рад анга,  
Эваздур бу ҳавзи зумуррад анга.

Этаклик сомонники олди ажуз,  
Эваздур анга заъфарон бирга юз.

Қатил этгапинг золими шумни,  
Ки қутқординг ул хаста мазлумни.

Анинг музди бўлди ҳаёти абад,  
Мақосидга йўқ бу ҳаёт ичра ҳақ.

Бу савдодин ар воқиф ўлса киши,  
Қачон адлдин ўзга бўлмай иши.

Агар адл оламда тутмас вужуд,  
Пушаймонлиг этмас бу оламда суд.

Сангаким бу соат эрур дастрас,  
Бу иш касбидин тинмоғил бир нафас.

Дамеким, шаҳ ўз адлидин фард эрур,  
Анга ул даме бедаво дард эрур.

Чу Масъуд уйғонди ул уйқудин,  
Фароғат топиб хотири қайғудин.

Адолат тариқин шиор айлади,  
Ато буйруғин ихтиёр айлади.

Қаю шаҳки адл этса Масъуддек,  
Нетонг ҳақ насиб этса Маҳмуддек.

## XXII

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, адолат натижаси не навъ ишлар бўла олғайким, ул натижа умидига киши ул йўлга қадам солмай ва Арастуға жаҳонкушойлиқ тили очилмоқ ва адл натижаси жаҳонгирлик эрканин собит қилмоқ ва одилға ул жаҳон саодати ҳам топилмоқ*

Яна шоҳ Арастуға қилди хитоб,—  
«Ки эй донишойину ҳикматмаоб!

Шаҳеким эрур адлнинг жозими,  
Не ишлар экин адлнинг лозими?»

Деди: «Шаҳки адл ўлса ойин анга,  
Мусаххардурур дунёю дин анга.

Бу оламда бўлмоғлиқ офоқгир,  
Яна олам аҳлида жаннат сарир.

Бу олам олурни бурун шарҳ этай,  
Яна ўзга оламга дағи етай.

Шаҳским анга адл бунёд ўлур,  
Натижа буким, мулки обод ўлур.

Чу мулк ўлди ободу халқи ғаний,  
Яқиндурки, маъмур ўлур махзани.

Чу махзанни бу навъ маъмур этар,  
Сипоҳиға бешак мавожиб этар.

Сипоҳи қачон шаҳға толиб келур,  
Адусиға, шак йўқки, голиб келур.

Қачон бир адусини паст айлади,  
Анинг мулкини зердаст айлади.

Ики мулк афзун қилур қувватин,  
Яна хасмининг синдурур шавкатин.

Бу тартиб ила чунки тарҳин солур,  
Ажаб йўқ, агар даҳр мужкин олур.

Яна улки чун адли зоҳирдурур,  
Бори қавм ила хайли шокирдурур.

Сипоҳийси гар тиг урар беадад,  
Раият дуо бирла айлар мадад.

Қачон қилди — минг ҳасми кинхоҳ ўқи,  
Ярим кеча қилгонча бир оҳ ўқи.

Яна улки чун адл бўлмиш фани,  
Аду хайли дағи тиларлар ани.

Раоёси тунлар илик очибон,  
Сипоҳийси бориб, анга қочибон.

Биров топса бир ишга мунча сабаб,  
Жаҳонгир бўлмағлиғи не ажаб?

Бу бир муддао чунки топти вуқуъ,  
Яна бирга эмди қилойини шуруъ.



Биров тенгрига илтижо келтуруб,  
Чу адл амр қилмиш бажо келтуруб.

Олиб мулкидин ранжу фарсудалиқ,  
Халойиққа еткургай осудалиқ.

Тааммул қилиб адлу эҳсонига,  
Дуо қилса офоқ эли жонига,

Натижа мунга ғайри гуфрон эмас,  
Жазойи амал бўлмай имкон эмас.

Бу олам дағи бўлди, ул ҳам анга,  
Ики кавн мулки мусаллам анга».

Чу хатм этти донойи бисёрдон,  
Жавобини топти шаҳи кордон.

Ҳаким айтуридин чу касб этти нафъ,  
Бори шубҳаси кўнглидин бўлди рафъ.

### XXIII

*Искандар ишларининг тафсиллини ижмол била дейил-  
мак ва ул ижмолнинг мужмалотин тафсил қилмоқ ва  
Доронинг расули анга олтуң байза тилай келиб, пўлод  
найзадек итик сўзлар жавоб топиб бормоқ ва ул синон  
ламъасининг барқи анинг хирмани сабрига ўт солмоқ ва  
кунжуд била гўй ва чавгон йибормаги ва Искандар ул  
чавгон била гўй уруб кунжудни қушлар термаги*

Бу янглиғ деди мўбади нуктасанж,  
Ки тарих илмига кўп чекти ранж.

Ки чун қилди ул шоҳи навхоста,  
Адолат била мулкин ороста.

Ҳаким, ўйлаким, кўргузуб эрди йўл,  
Адолат ҳавасин билиб эрди ул,

Ки олам олурга бўлур мунтаҳи,  
Бу сўз фикрида хотира оғаҳи.

Тааммул қилур эрди ҳаддин фузун,  
Чекар эрди андиша торин узун.

Чу адлу шижоат анга ёр эди,  
Яна рой ила ҳикмати бор эди.

Қуёшдек сипеҳр узра тортиб алам,  
Юруб олди олам юзин якқалам.

Ул ишларки ул қилди офоқ аро,  
Киши қилмади бу куҳан тоқ аро.

Бу аъжубаларким анга берди даст,  
Жаҳондорлар қадри топти шикаст.

Неким қилди ул деса, айтай, киши,  
Туганмас ўқуб қарилар ул иши.

Бори қилгонин демак осон эмас,  
Деганга тугатмаклик имкон эмас.

Муносиб бу келдики ҳар ҳол ила,  
Десам аввал аҳволин ижмол ила,

Ки комим раво айламиш бўлгамен,  
Ҳадисин адо айламиш бўлгамен.

Яна қиссасига тааққул қилиб,  
Таворихига кўп тааммул қилиб.

Умурида улча гаройибдурур,  
Ки ул ишта кўпрак ажойибдурур,

Жудо айлабон кизб олойишин,  
Анга айласам назм оройишин.

Ҳамоноки ул шоҳи давлатпаноҳ,  
Бурун Рум тахтигаким бўлди шоҳ,

Мухолифқа қасди ҳалок айлади,  
Ки аъдодин ул ерни пок айлади.

Черик чекти андин сўнг истаб кушод,  
Жаҳон ичра айларга фатҳи билод.

Бурун тортибон разм учун тиги кин,  
Юруб айлади азми Мағриб замин.

Қилиб Зангибор аҳлига чийралик,  
Юди тиг суйинди ул тийралик.

Яна бўлди Доро била ҳамнабард,  
Кн бадхоҳдин кўкка еткурди гард.

Яна мулк очмоқта қилмай даранг,  
Юруб фатҳ қилди билоди Фаранг.

Чу бўлди мутеъ анда бўлгон улус,  
Қирин бирла фатҳ айлади Андалус.

Ёниб, Миср фатҳига қилди ситиз,  
Синехр они Миср узра этти азиз.

Кўруб табъи ул марзни ошно,  
Қилиб анда Искандария бино.

Чу Зардушт дафъига қилди гулу,  
Алар ўтига тиг ила урди сув.

Ироқи Ажам сори қилғач хиром,  
Наво топти оҳангидин ул мақом.

Ироқи Арабга чу сурди саманд,  
Қудумидин ўлди ул эл бахраманд.

Яна айлади азми Шому-Ҳалаб,  
Насиб ўлди ул ерга кому тараб.

Яман сори чиқти нечукким Суҳайл,  
Ақиқ ўлгали тошлари қилди майл.

Ер ўпмакка чун Макка азми қилиб,  
Қабули учун ул эшик очилиб.

Қилиб азм андин савоҳил сари,  
Қўюб юз ажойиб мароҳил сари.

Яна айлабон Форс фатҳига азм,  
Муяссар бўлуб, айламай кийну разм.

Очилғоч булар шоҳи фархунда фол,  
Саодат била қилди азми Шимол.

Чу мулк олғали даъбу хў разм этиб,  
Таважжуҳ била фатҳи Хоразм этиб.

Чекиб раъияти меҳри ишроқни,  
Ёруқ айлабон Дашти Қифчоқни.

Чу бу ноҳиятдин инонтоб ўлуб,  
Инонгири Сақсину Сақлоб ўлуб.

Чу озим бўлуб жониби Осу Рус,  
Бўлуб юзлари ваҳмидин сандарус.

Тушуб Чаркасу Гуржа сори йўли,  
Бўлуб борча гуржию чаркас қули,

Шимол аҳлин эҳсонга гарқ айлабон,  
Таважжуҳ қилиб азми Шарқ айлабон.

Чу манзил қилиб мулки Фархорни,  
Кесиб ул гулистонда ҳар хорни.

Чу маъбар бўлуб Мовараннаҳр анга,  
Ясолиб Самарқанддек шаҳр анга.

Чигил бирла Яғмодин айлаб убур,  
Нечукким, чамандин сабову дабур.

Юруб Чинға бўлғонда маснаднишин,  
Камар боғлаб олинда Хоқони Чин.

Яна Ҳинд сори қилиб турктоз,  
Бўлуб Кед қуллуқ била чорасоз.

Бузуб Ҳинду Чин ичра бутхоналар,  
Ясаб тоат аҳлиға қошоналар.

Чу рафъ айлабон куфр янглиг уюб,  
Бериб раҳнавардиға азми Жануб.

Ўтиб Синд ила Кечу Мукрон сори,  
Ҳам андин қилиб азм Кирмон сори.

Хуросон хавосида топқач ҳаёт,  
Ясаб анда шаҳре нечукким Ҳирот.

Сипоҳон сари дашт қилғонда тай,  
Бино айлабон шаҳре андоққи Рай.

Чу фатҳ ўлди оламдаги марзу бум,  
Кўнгул жамъ этиб айлади азми Рум.

Неча вақт ўлуб айш ила жомгир,  
Кўнгул топмади анда оромгир.

Яна қатла оламини сайр айлади,  
Мамоликда бушёди хайр айлади.

Ғариб ишларидинки йўқ анга ҳад,  
Бири эрди яъжуж олиға сад.

Масоҳат қилиб борча офоқни,  
Не офоқким, чархи нуҳ тоқни.

Чу қилди масоҳат масолик аро,  
Йиғоч этти таъйин мамолик аро.

Танобеки, массоҳ қилди қулоч,  
Қилиб ўн ики минг қари бир йиғоч.

Анинг саъйидин топти бори сабил  
Нишоне қачон бир йиғоч ўлса мил.

Манозилда тарҳи работ айлади,  
Ки андин мусофир нишот айлади.

Чу маъмурани тузди қилмай даранг,  
Тенгиз майли қилди, печукким наҳанг.

Су узра суруб бениҳоят кема,  
Солиб анда бори кераклик нима.

Неча йил сув узра хиром айлади,  
Жазойирда гоҳи мақом айлади.

Ҳақ эҳсонидин баҳри зоҳир аро,  
Билодиким эрди жазойир аро.

Борин фатҳ қилди сув узра юруб,  
Бирин чун олиб, илгарирак суруб.

Чу ер қолмади олмогон сувда ҳам,  
Бу ишлар била бўлмай осуда ҳам.

Су мавжи киби изтироб айлади,  
Муҳит ўртасига шитоб айлади.

Чу бўлди ери нуктагоҳи Муҳит,  
Қуйи суву устун сипехри басит.

Қилиб сув тубин кўрмак андишае,  
Ҳамул ҳикмат аҳли ясаб шишае.

Кириб шишага ранжу ташвир ила,  
Анинг огзини беркитиб қийр ила,

Танобеки, бўлгай неча минг қари,  
Эшилган, келур чоғда дарё сари.

Бир учин қилиб шиша даврига руст,  
Яна бир учин туттуруб элга чуст.

Бу янглиг қилиб чўкти дарё қуйи,  
Ани қаърига чекти дарё суйи.

Ғаройибки дарёда бўлгай ниҳон,  
Анга зоҳир ўлди жаҳон дар жаҳон.

Алардин раво айлабон комини,  
Ҳема ичра қўйди яна гомини.

Ва лекин бу сўзда эрур ихтилоф,  
Ерида демакдин эмасмен маоф.

Яна азм қилди қуруғлуққа бот,  
Чиқиб айлади азми оби ҳаёт.

Қоронгуда айлаб ёруғлуқ талаб,  
Ани топмайин қайитти хушқлаб,

Қуруғлуқ аро Хизр ўлуб раҳбари,  
Тенгиз ичра Илёс эди ёвари.

Бу ишлар қилибким, киши қилмайин,  
Кишидин бу навъ ишлар айтилмайин.

Валоят қилиб тенгридин мултамас,  
Нубувватқа даги топиб дастрас.

Бўлуб онча давлат муяссар анга,  
Яна онча кишвар мусаххар анга.

Ки сабтига йўнса киши хомае,  
Керактур рақам топса «Шаҳнома»е.

Ва лекин бу дафтарда гунжойиши,  
Эмас сиққудек борча оройиши.

Заруратдин алқисса ҳарҳол ила,  
Анинг қиссасин сурдум ижмол ила.

Адо бўлди ҳар байт аро дафтаре,  
Ҳар уй ичра қилдим ниҳон кишваре.

Тамоми бу эрдик, қилдим адо,  
Вале энди тавфиқ берса худо,

Сунуб панжа куллий ише сори қўл,  
Қилай назмким, асл бўлғай ҳамул:

Алардин бири эрди Доро иши,  
Қим ул навъ иш ёд бермас киши.

Бу навъ эрди улким малик Файлақус,  
Ки Рум аҳли эрди анга хокбўс.

Жаҳонхусрав ул чоғда Доро эди,  
Анга шоҳлиғ ошкоро эди.

Қаёнийлар ўрнида офоқгир,  
Қелиб пушт-барпушти соҳиб сарир.

Умурида ойини Лухросбий,  
Сипоҳида қонуни Гуштосбий.

Бўлуб кўп Қаёний иш ихдос анга,  
Тегиб Баҳманий мулк мерос анга.

Жаҳонбонлиғ амрида Хусрав нажд,  
Ангачаки Қайхусраву Қайқубод.

Жаҳон мулкида мустақил подшоҳ,  
Анга тоишуруб шоҳлар тожу коҳ.

Мамоликда ҳар соҳиби тахту тож,  
Анга еткуруб пешкаш, ё хироҷ.

Бири Файлақус эрди ул хайл аро,  
Хирожини бергучи беможаро.

Хироҷ ул нимаким муқаррар эмиш,  
Ҳамоноки минг байзаи зар эмиш.

Чу ул қилди дайри фанодин хиром,  
Скандар анга бўлди қойим мақом.

Бор эрди чу мулк ўлди тайин анга,  
Бу янглиғки шарҳ эттим ойин анга.

Ҳам аввалги йил тортибон тиги кин,  
Қилиб Занг шоҳи била биги кин.

Тоғиб тигининг барқи чун иштиол,  
Куюб занги андин нечукким зугол.

Тўқуб эрди қон онча ул хайлдин,  
Ки занг аҳли рухсори ул сайлдин,

Қаро доғлардек бўлуб ошкор,  
Бўлуб ер юзи, ўйлаким, лозазор.

Ики, уч йил ичра неча буйла разм,  
Қилиб эрди ул шоҳи фархунда азм,

Ки борида аъдоси манқуб эди,  
Қириб илгига улча матлуб эди.

Бу фурсатда фатҳ айлаган марзу бум,  
Бўлуб ики-уч ончаким мулки Рум.

Қилиб хайлин аъдога андоқ далер,  
Ки бўлғай қулон қасдида нарра шер.

Шуқуҳи ошиб баҳри заххордин,  
Ливоси ўтуб чархи даввордин.



Қилиб тиги барқи жаҳонсўзлуқ,  
Юзи машъали оламафрузлуқ,

Хаёли аро урмайин тобу печ,  
Жаҳонгирлик фикридин ўзга ҳеч.

Не офоқни ўзига кенг кўруб,  
Не офоқнинг шаҳларин тенг кўруб.

Атоси вафотидин уч йил ўтуб,  
Иши лек ўн онча рифъат тутуб.

Бу уч йил аро кўнглига етмайин,  
Хаёлига балким хутур этмайин,

Ки Дорога бўлғай иши эҳтиёж,  
Анга худ не етгайки, бергай хирож.

Бировким азалдиндурур рифъати,  
Ўзидек рафеъ-ўқ эрур ҳиммати.

Буким бўлгуси хасм Доро анга,  
Ҳерак зоҳир этмак мадоро анга.

Ва ё мулку жоҳига қилмоқ назар,  
Анинг кўнглига мутлақ этмай гузар.

Қачон қилсалар кин ики нарра шер,  
Яқинким, бўлур навжувонроқ далер,

Қачон кин чоғи бўлғай андешаси,  
Ки кўпракдурур хасмнинг пешаси.

Ики аждаҳо бўлсалар кинасанж,  
Тафовут не, кўпрак эса ерда ганж.

Тенгизда балиғ бўлса ҳаддин улуг,  
Наҳанг ўлмас осибидин қайғулуқ.

Скандаргаким ёвар афлок эди,  
Бисот ичра ҳар кун тарабнок эди.

Ки Доро қошидин етишти расул,  
Анинг остониға қилди нузул.

Парастандалардин чу бор истади,  
Ани олига шахриёр истади.

Қадам ургоч-ўқ кўрди чун шоҳни,  
Супурди юзи бирла даргоҳни.

Парастандалиқ расми чун саз этиб,  
Сўзига дуони сарогоз этиб.

Дуюеки, бўлғай сазовор анга,  
Жулус амри айлаб жаҳондор анга.

Чу ўлтурди қосид тикиб ерга кўз,  
Не ёро анга сурмайни дерга сўз?

Скандар шукуҳи қилиб лол ани,  
Қаю лолким, дангу беҳол ани.

Қилиб шоҳ андин бу маъннини фаҳм,  
Қи фарру шукуҳи анга солди ваҳм.

Сўз айтиб, анинг сори солмай кўзин,  
Анга тегруким, топти қосид ўзин.

Қўнгул босқонини чунки фаҳм этти шоҳ,  
Савол этти шоҳона айлаб нигоҳ,

Қи: «Доро шаҳи комрон хушмудур?  
Анга мулк ойини дилкашмудур?»

Қўпуб, ер ўпуб берди қосид жавоб,  
Яна комкорона қилди хитоб

Қи: «Бу навъ келмакта комингини эт,  
Неким деди Доро паёмингини эт!»

Яна ер ўпуб қосиди раҳхиром,  
Деди: «Кей шаҳаншоҳи олиймақом.

Чу сўрдунг сўзумни, эрур ногузир,  
Қи бўлғаймен олингда фармонпазир.

Ҳамоно бурунроқ малик Файлақус,  
Қи Рум андин ўлмиш эди навъарус,

Қилиб эрди минг байза ҳар йил қабул,  
Зари магрибийдин топарга вусул.

Бўлуб эрмиш уч йилки ул комёб,  
Бўлубтур бихишт ичра оромёб.

Бу уч йилғи тақсим топқон хирож,  
Ки андин эди дўстлуққа ривож,

Магар шоҳ девонига кетмамиш,  
Етар махзан ичра магар етмамиш.

Менинг келганимдин бу эрди мурод,  
Ки гар лутф этиб шоҳи олийнажод,

Ани берса, айлаб ҳисоб, элтайин,  
Йўқ эрса, не айтур, жавоб элтайин»

Скандарга келди бу сўз бас қатиғ,  
Ғазаб захридин коми бўлди ачиг.

Юзи ранги кўргузди ўтдин нишон,  
Бўлурга жаҳон ичра оташфишон.

Яна лаҳзае бошин айлаб қуйи,  
Ҳамул ўт уза урди ҳикмат суйи.

Ки ифроти ҳилму камоли хирад,  
Ғазаб хайли андешасин қилди рад.

Кўтарди бошин сўзга оғзин очиб,  
Жавобига онинг жавоҳир сочиб,

Деди: «Айт Дорога мендин салом,  
Салом айтқач буйла етқур паём.

Ки шаҳлиқки — йўқтур бақоси анинг,  
Эмас жуз фано интиҳоси анинг.

Бугун, тонглалиғ умр учун кўрма ранж,  
Ки қўйгайсен албатта ганж узра ганж.

Хазойинки йигдинг ададдин фузун,  
Санга ранж текурди ҳаддин фузун.

Буким йигдинг, аввал топ андин асиг,  
Қачон топсанг андин асиг, ўзга йиг.

Ишеким зарар нафъидин бўлса кўп,  
Эмас қилмоги ақл олинда жўб.

Санга нафъ йўқ, бизга андин алам,  
Ўзунгга етурма алам, бизга ҳам.

Тилаб байза кўп бўлма меҳнатқа туш,  
Хаво тутти ул байза бергучи қуш.

Агар табъинг ўлди насихатпазир,  
Эмас бизга ҳам дўстлуқдин гузир.

Ва гар панд кўнглунга йўқ судманд,  
Сўзунг бизга дағи эмас дилписанд.

Бошингдин бу беҳуда савдони қўй,  
Хаёлингдин ушбу таманнони қўй.

Ангаким эрур нуктадону зариф,  
Улуг ишдурур тонимоглиғ ҳариф.

Санга нотавонлар била тушти иш,  
Менингдек киши бирла иш тушмамиш.

Гуруҳеки, ҳар йил олурсен хирож,  
Сотибсен аларга бирор эски тож?

Хирож олмоқ андин эмас дилпазир,  
Ки ҳам тожбахш ўлса, ҳам тахтгир.

Наҳангеки баҳр ичра бебок эрур,  
Гар ул сувда юз минг дури пок эрур.

Не навъ ўлғай андин хирож истамак,  
Сувда дурри кўп бўлса бож истамак.

Бу янглиғ таманнони қилғон, баче,  
Ўзин сувда қилди балиғ туъмачи.

Хирадмандлиғ келди хурсандлиқ,  
Қулайсиз тама нохирадмандлиқ.

Чекиб бежиҳат буйла хориж наво,  
Аромизда кўрма хусумат раво.

Гумон этмаким, молу жоҳинг сенинг,  
Иш ўлғонда бўлгай паноҳинг сенинг.

Дема ер кўтармас ададсиз черик,  
Санга тигим олинда тутқай плик.

Санга кўп, манга озроқ эрса сипоҳ,  
Эрур бергучи озу кўпга плоҳ.

Керак дастгир ўлса давлат иши,  
Йўқ эрса нетар кўп черикни киши?»

Тугатгунча сўзни шаҳи нуктагў,  
Маҳобат эшитгучини қилди сув.

Қўпуб қосиди нотавон тутти йўл,  
Вале не тирик, не ўлук эрди ул.

Солиб тезрак ҳар нафас гомни,  
Чу Дороға еткурди пайғомни.

Жавобини Доро эшитгач тамом,  
Тагайюр топиб, буйла сурди калом

Ки: «Ҳар кимга бу навъ афсонадур,  
Тасаввур қилурменки, девонадур.

Ва ё маст эркинки, бу сўзини  
Деган чоғда билмайдурур ўзини?

Ва ёхуд эрур тифле беақлу рой,  
Ки эрмас сўзида хирад раҳнамой».

Чу бу нукталардин савол айлади,  
Равон мустамеъ шарҳи ҳол айлади.

Ки: «Не телба фаҳм эттим они, не маст,  
Худ эрмас яна тифли гафлатпараст.

Эрур ҳам хирад ёру ҳам хушманд,  
Ҳадиси рафеъу жаноби баланд.

Бўлуб илму ҳикматқа ҳамдаст ҳам,  
Диловарсифатдур, забардаст ҳам.

Не ҳожат сифотин баён айламак,  
Бўлур сўзларидин аён айламак.

Шукуҳи била фарридин ҳеч аҳад,  
Топа олмай олида сўз дерга ҳад.

Нечаким назар айласам ҳар сари,  
Анинг фикри эрмасдурур сарсари».

Бу сўз қилди Дорони ул навъ тунд,  
Ки бўлди ажал тиғи олинда кунд.

Ғазаб ўтини айлади шуълаҳез,  
Ки тушти фалак жаъфида рустаҳез.

Ул ўт кўзгалон солди даврон аро,  
Не даврон аро, чархи гардон аро.

Буюрдики, қосидни банд эттилар,  
Сияҳчол сори олиб кеттилар.

Деди: «Гўдаги бандазодам менинг,  
Жанийбаткаши хонаводам менинг.

Ҳам обоси бу хонадон бандаси,  
Ҳам аждоди аждодим афғандаси.

Назар айласам ақл мезониға,  
Ким ўлғайки, киргай киши сонинға?

Ки онинг сўзин сўз ҳисоби тутуб,  
Ва ё мен деган сўз жавоби тутуб,

Тузуб шарҳ айларда дебочае,  
Ясаб баҳр олинда дарёчае.

Не мендин таваҳҳум, не элдин уёт,  
Бу гоятқа шарҳ этгай андин сифот.

Анинг дафъи асбобин энг тузай,  
Анга ул ким эрконлигин кўргузай.

Берай гүшмолеку, ҳар бадсигол,  
Тузалгай чу ёд этгай ул гүшмол.»

Забон оваре аввал истатти чуст,  
Демакта далеру адоси дуруст.

Анга сўзлар айтиб итик досдек,  
Итик досдек йўқки, олмосдек.

Яна берди «чавгону гўе» анга,  
Қилиб мунда ҳам гуфтугўе анга.

Яна бир идиш кунжуди беҳисоб  
Бериб, анда ҳам қилди сўзлар хитоб.

Узотиб ани, тикти йўлига кўз,  
Ки то, не кетургай жавобига сўз.

Чу ул етти қатъи масофат қилиб,  
Қизил тилни бошига офат қилиб.

Скандарга арз этти аҳли вусул,  
Ки: «Доро қошидини келибдур расул».

Деди шаҳки, қосидни келтурдилар,  
Қаро ерни гардунға еткурдилар.

Скандарга чун тушти қосид кўзи,  
Унут бўлди сўзида айтур сўзи.

Шукуҳи анинг жисмидин олди тоб,  
Виқори солиб кўнглига изтироб.

Ер ўптию арзи дуо айлади,  
Рисолат тариқин адо айлади.

Деди шаҳки: «Арз эт сўзунг борини,  
Баён қил, хаёлинг намудорини!»

Деди ҳомили роз айлаб сужуд  
Ки: «Жонингга ҳақдин туман минг дуруд.

Йўқ олингда сўз дерга ёро манга,  
Вале дей, деган сўзни Доро манга.

Не сўзким демини ул десаиғ, арз ытай,  
Десаиғ йўқ, қаёидниқи келдим, кетай».

Скандар замирига солди билиқ  
Ки: «Бордур кетурган калемни приқ».

Дедиким: «Наём этти Доройи дахр,  
Адолат била кишвароройи дахр,

Ки расми қадимийқи, дерлар хирож,  
Ки йўқ бизга олмоққа худ эхтиёж.

Вале шоҳларким, эрур бандамиз,  
Не ҳукмеки қилсақ сарафгандамиз.

Муни бермак — изҳори тоатдурур,  
Бизинг ҳукмумизга итоатдурур.

Отонгга замонеким, эрди ҳаёт,  
Бу хизмат аро зоҳир этти сабот.

Чу сен топтинг онинг мақомига йўл,  
Керак қилсанг эрди, неким қилди ул.

Итоат тариқин шиор этмадинг,  
Неким қилди ул, ихтиёр этмадинг.

Ики-уч йил ўттию ул етмади,  
Киши ҳам ани бозжуст этмади.

Чу иш ҳаддин ўтти йибордук киши,  
Ки бўлгай хирож илмоқ онинг иши.

Демишсен неча сўзқи, ҳаддинг эмас,  
Киши билса ҳаддин, сўз андоқ демас

Вале невчунким, кичикдур ёшинг,  
Тўқунмайдурур тошқа ҳаргиз бошинг.

Дедукким, жунунунгга оғоз эмиш,  
Жаҳолат санга кўпу ақл оз эмиш.

Ишингга йўқ ислоҳ тадбирдин,  
Чу гўдаксен, ўттук бу тақсирдин.



Керак эмди хизматни ноком этиб,  
Не важхеки қолмиш саранжом этиб.

Олиб, қилмайин ваҳм, азм этгасен,  
Рафъ остон ўпгали етгасен.

Юзунгдин дағи рафъ бўлгай ҳижоб,  
Иноят дағи кўргасен беҳисоб.

Агар ваҳмдин изтироб айласанг,  
Деган амрдин ижтиноб айласанг.

Ва ё бўлса тугёну жаҳлу ғурур,  
Ки сўз радди зотингга келса зарур.

Ки билмаслигинг ибтидосидур ул,  
Кичик ёшлигинг иқтизосидур ул.

Йибордим қошингга муносиб нима,  
Бўюн тўлғама, номуносиб дема!

Кетурди, бу сўзни дебон нуктагўй,  
Аро ерга бир савлажон бирла гўй,

Ки гўдаклигинг чунки голибдурур,  
Санга «гўю чавгон» муносибдурур.

Будурким, кўрунгай санга кўзга иш,  
Ва лекин эрур мулк иши ўзга иш.

Ва гар рафъ қилмай кўнгулдин хилоф,  
Аён қилмасанг ажзинга эътироф,

Низоъ ўлғон ўлса муаккад санга,  
Ки худ йўқ ул андешага ҳад санга.

Кўюб жаҳл, ўз жонинга раҳм қил,  
Сипоҳим ҳисобин бу кунжудча бил»,

Дебон, кўпти мажлисдин айлаб шитоб,  
Улуг зарф аро кунжуди беҳисоб

Кетурдию оғзидин очти тугун,  
Бисот ичра ул зарфин этти нигун.

Деди: «Шоҳдин ҳар ким этмас ҳарос,  
Синоҳин бу кунҷуддин этеун қиёс».

Тугатгач сўзин нуктагўйи далер,  
Жавоб настаю, кўз тикиб боқти ер.

Чу қосид бу янглиг такаллум қилиб,  
Скандар ниҳоний табассум қилиб.

Тугатти чу хориж таманно била,  
Скандар сўз очти таанно била

Ки: «Дорөйи даврон шаҳи покзод,  
Ки бермиш тариқи фасоҳатқа дод!

Али сўз — чу беихтиёр айламиш,  
Ажаб нукталар ошкор айламиш.

Буким шоҳларни демиш бандаси,  
Сарафрозларни сарафгандаси.

Гуруҳеки ўз лутфи бирла илоҳ,  
Аларни қилибдур улус узра шоҳ.

Киши ўзига банда қилмоқ хитоб,  
Ҳамоноки эрмас тариқи савоб.

Алар қуллуғи ҳаққа ойин эрур,  
Агар тенгри бандам деса чин эрур.

Бу сўзким деди шоҳи дарё ато,  
Шак эрмаски, бордур саросар хато.

Эрур ширк чун тенгрининг ширкати,  
Киран куфр йўлига бу фикрати.

Яна улки, дебдур мени тифлу маст,  
Даги телбалик қайдига пойбаст.

Бу уч ишга бўлгай биров муттаҳам,  
Ки чеккай сўзи куфр сори алам.

Йўқ эрса ики шоҳи ханматматоъ,  
Аён этсалар мулк узра низоъ,

Бирн бӯлса фарзан улуг, бир кичик,  
Бу сўз демас ўлса улугда билик.

Қўтоннинг улук қуш аро сони бор,  
Вале сунгур олинда не жонн бор?

Яна буки, шоҳ айлаб эҳсон манга,  
Йибормишдурур «гўю чавгон» манга.

Эрур мунда бир рамзи пўшида ҳарф,  
Тафаъул аро бениҳоят шигарф,

Ки ер ҳайъатин айлабон жустужўй,  
Мудаваар топибдурлар андоқки, гўй.

Чу шоҳ они тутти мусаллам манга,  
Ҳамоники ҳақ берди олам манга.

Буким илгима солди чавгонини,  
Мусаллам манга тутти майдонини.

Ҳамоно чиқиб мулк майдонидин  
Мени баҳравар қилди чавгонидин

Ки, то мен бу майдонда гўй урмаен,  
Самандим қилиб гарм пўй урмаен.

Манга муждалар етти андин баса,  
Ки мамнунмен ул комрондин баса.

Бу кунжудни ҳам келди андин буён,  
Анинг дағи рамзини айлай баён:

Чу қилмиш сипоҳийга ташбиҳ ани,  
Эрур нуктае, ўйла, танбиҳ ани.

Менинг хайлима келди қушлуқ сазо,  
Ким ул қушқа кунжуддин ўлгай гизо».

Буюрдикӣ, сурдилар онча товуқ,  
Ки кунжуд ҳисобиға бўлгай ёвуқ.

Алар келтуруб дона термакка зўр,  
Ки бир дона ҳам қолмай элтурга мўр.

Бу диққатлар айлаб суҳанварни лол,  
Қаю лолким, ўлтуруб инфиол.

Буюрди равон шоҳи ҳикматқийёс  
Қи: «Бўл эмди Доро сари раҳшунос.

Эшитган жавобингни еткур анга,  
Не сўзларки сурдунг манга, сур анга!»

Ёниб қосид ул сўз хароши била,  
Аёғи келиб, борди боши била.

Чу Дороға билганларин қилди фош,  
Адоват ўти кўкка тегурди бош.

Қолиб фитна хайлиға аҳли замон,  
Адам кўйига қочти амну амон.

Аёқчи, кетур майки, тортай далер,  
Чу сархуш бўлай, гўкирай андоқки шер!

Қирай хасм аро, ўйлаким, шери маст,  
Бориға берай бир дам ичра шикаст.

Муғанний, чолиб, гарм ҳангома туз,  
Сурудунгда оҳанги «Шаҳнома» туз.

Чу оҳанги кин эттилар икки шоҳ,  
Далер ўлеун ул нағма бирла сипоҳ.

Навойи, жаҳон ичра ошуб эрур,  
Фитан сарсари амниятрўб эрур.

Бу ошубдин гар тиларсен амон,  
Амон топма май шуглидин бир замон.

Замон аҳлиға бўлса минг ибтило,  
Эмас мубтало бода ичган тўло.

#### XXIV

*Мухолафат мазамматидаким, «мух» ҳасад била «ул-фат»дурур ва «мухл» андиша била «офат» кўрунурки, аксин тутса, мусодафат юз берур ва таркин тутса, саодат сарманзилиға еткурур ва сойир эл мухолафати*

*бобидаким, мужиби хонумон хароблиғидур ва салотинға  
воқеъ бўлса, жаҳон хароблиғи*

Жаҳон аҳлида йўқ вафо, эй рафиқ,  
Эрур рифқ алардин жудо, эй рафиқ!

Адоват била киндур ойинлари,  
Туғанмас адоват била кинлари.

Жаҳон ичра мавжуд эрур неча хайл,  
Ки боригадур кина қилмоққа майл.

Киши бўлмагай қилсанг андешае,  
Ки топилмагай анга ҳампешае.

Қачонким аён бўлди ҳамкорлиқ,  
Не имкон киши бўлмай озорлиқ.

Билур кимки бир пеша бўлғай фани,  
Ки албатта ҳампешадур душмани.

Бир ишта маҳорат чу зоҳир бўлур,  
Яна кимса ҳам анда моҳир бўлур.

Чу ҳар соридин бўлди даъвою лоф,  
Аро ерда солур таассуб хилоф.

Бўлур қиш иқовнинг тунию қуни,  
Тилар бўлмагай — бу ани, ул муни.

Нединким бири бўлса туфроққа тенг,  
Бу фанда қолур ер яна бирга кенг.

Қим ўлса биров бирла ҳамфағлиғи,  
Жиҳат будурур бўлса душманлиғи.

Бу ёлғуз эмас аҳли санъат аро  
Ки кўпракдурур аҳли давлат аро.

Шаҳеким анга бўлса юз минг киши,  
Будур борча бир чаргаликнинг иши.

Аларким, наёбатқа мансубдур,  
Тақаррублари шаҳга матлубдур.

Аларким, эрурлар аморатмаоб,  
Қилурлар наёбат учун изтироб.

Аларким, туман бўлди ойинлари,  
Аморат учундур бори кишлари.

Аларким, қўшунбеклигин қилди фан,  
Хароби буқим, бошлагайлар туман.

Эрур чун тафовут била ул асос,  
Асофилга тегру биҳозалқийёс.

Қаю чаргаким анда бир хайл эрур,  
Борига яна чаргага майл эрур.

Қилур ҳар бири саъй етмак бурун,  
Ҳамул мақсади ичра тошмоқ ўрун.

Таассуб чу солди арода судоъ,  
Яна ўртага тушти кину низоъ.

Неча шоҳларга яқинроқ киши,  
Адоват келиб кўпрак онинг иши.

Асофилга ҳар нечаким жаҳл эрур,  
Ва лекин хусуматлари саҳл эрур.

Зиёнин нечаким ёмон фарз қил,  
Бир ўзига, ё ўн ўзидекка бил.

Булардин авосит ародур ашад,  
Ки нуқсонлари фош ўлур беадад.

Тонар кўп киши ул адоватда биём,  
Бузулур баса хонадони қадим.

Бурунги ариг этса тошмоққа майл,  
Икинчи эрур поя боронга сайл.

Ва лекин аолнийга тушса ҳисоб,  
Ки бўлгай салотини гардунижаноб.

Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,  
Ки андин жаҳон аҳли вайрон эрур.

Не тўфон, бало баҳри чайқолғони,  
Жаҳон аҳли сув остига қолғони.

Агар дашту тоғ узрадур ҳар фариқ,  
Қилич баҳри сўйиға бўлмақ гарик.

Жаҳон мулкидин ами бўлмақ йироқ,  
Амонлиқ ҳамул мулк элидин қироқ.

Бало селининг бўлмоғи мавжзан,  
Чўмурмоқ улусни бу мавжи фитан.

Не тўфон, бедоду селоби гам,  
Эрур ончаким даҳр элиға алам.

Адоватқа боглаб камар икки шоҳ,  
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ.

Бори тортибон қатл учун тиги тез,  
Қилиб тиги тез ўлтурурга ситез.

Ато бир тараф гар эрур, филмасал,  
Яна жониб ўлса ўгулға маҳал.

Иккига кин ўти солгай қазаб,  
Ул ўт қон ичарға қилиб ташналаб.

Ато жон бериб, ўглини ўлтургали,  
Ўгул ҳам анга тиги кин сургали.

Қариндош тонса қариндошини,  
Дамо-дам тилаб кесгали бошини.

Тушуб ошноларға бегоналиқ,  
Кетиб ҳамнишинларға ҳамхоналиқ.

Бу навъ ўлса мундоқ ики зот аро,  
Не бўлгай, гумон қил ики ёт аро?

Анингдек эсиб тундбоди набард,  
Ки ошубдин еткуруб кўкка гард.

Тутуб фитна гарди халойиқ кўзини,  
Ким ул гард аро халқ топмай ўзини.

Солиб элга мундоқ набарди бало,  
Гаҳи қатъу торожу гаҳи ижало.

Агар бу ики шахга бўлмай масоф,  
Ва лекин бўлуб буйла дойим хилоф.

Улусқа деган янглиг аҳвол ўлуб,  
Халойиқ ҳаводисқа помол ўлуб.

Вагар раҳм қилмай улус жонига,  
Азимат қилиб разм майдонига,

Бирисин зафар айлабон чийрадаст,  
Яна бир сори зоҳир ўлса шикаст.

Яқин билки, ул кундур офат куни,  
Не офат куниким, қиёмат куни.

Хушо, ики озодаи номурод,  
Ки бир-бирга зоҳир қилиб иттиҳод.

Не ул айласа бу мадоро қилиб,  
Анга ҳам бу рифқ ошкоро қилиб,

Анинг коми бу бирга мақсуд ўлуб,  
Мунунг радди ул бирга мардуд ўлуб.

Рафиқ ики дарвеш беиштибоҳ,  
Эрур яхшироқким адув ики шоҳ!

## XXV

*Ики жаҳондор муҳолафатидин жаҳон аҳли җирма-  
нига бало барқи етгани ва ики ёр мувофақатидин ул  
туташқон ўтқа раҳмат ёмғури ёғиб, шуъласин наст этгани*

Эшиттимки, Чингизу Хоразмшоҳ,  
Адоватқа чун бўлдилар кийнахоҳ.

Бузулди жаҳон улча мақдур эрур,  
Нетай шарҳин айтиб, чу машхур эрур.

Ҳамоники Чингиз тоғиб зафар,  
Анинг мулкнин қилди зеру забар.



Не кишвар ароким мақом айлади,  
Чекиб тиги кин, қатли ом айлади.

Тушуб мавжга баҳри жабборлиқ,  
Аён айлабон мавжи қаҳҳорлиқ.

Ато ўғлига йиғлабон: ҳой-ҳой!  
Қизига ано тортибон: вой-вой!

Ҳаёт уйига марг солиб халал,  
Амон раҳнасин маҳкам айлаб ажал.

Магар Шом мулкида эрди бу ҳол,  
Ки ики рафиқи маваддатҳисол,

Қазодин биров дастгире бўлуб,  
Биров йўқки, кофир асире бўлуб.

Кўзидин оқар қонларидин иков,  
Юдилар илик жонларидин иков.

Тилаб ҳар бири айламак ибтидо,  
Ки жонин яна бирга қилгай фидо.

Бу ҳолатда қотил чекиб тиги қатл,  
Бирисига қилди аён биғи қатл.

Яна бир бошин очиб, этмай ҳарос,  
Аён айлади ёлбориб илтимос

Ки: «Аввал менинг бошима тиг сур,  
Чу мен ўлдум, улдам анинг бўйнин ур!»

Мунга чунки майл этти ўлтургали,  
Бошига жафо тиги текургали.

Очиб бошин ул бир ҳам айлаб ҳавас,  
Неким эрди аввалгига мултамас.

Булар ҳар бир — ул бир учун қайғуда,  
Бу ҳолатда Чингиз эмиш уйқуда.

Тушига кирар бу ики ёр иши,  
Муни кўргач айтур анга бир киши,

Ки: «Кечгил халойиққа озордин,  
Вафо ўрган ушбу ики ёрдин.

Санга кийнавар бўлса Хоразмшоҳ,  
Ул иштии жаҳон аҳлига не гуноҳ?»

Ики шаҳ кийини жаҳонни бузуб,  
Ики зор мундоқ вафо қўргузуб.

Чу уйғонди уйқусидин қаҳрамон,  
Ўзумдин халойиққа берди амон.

Ики ёру қотилда ул можаро,  
Ки ом ўлди бахшиш сўзи халқ аро,

Қилиб эрди кофирга доғи асар,  
Етишти қулогига чун бу хабар.

Қилиб рафъ кўнглидин озорни,  
Ешиб қилди озод ики ёрни.

Ики шох чун бўлдилар кийнахоҳ,  
Жаҳон аҳли бўлди саросар табоҳ.

Вале ики дарवेशнинг ҳиммати,  
Мувофиқлиги юмну хосияти,

Ки қилдилар ийсор жонни ҳазин,  
Кўтарди жаҳон аҳлидин тиги кин.

Кини айласа рифқ юмнин ҳавас,  
Анга то абад ушбу тамсил бас.

## XXVI

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудан саволи ул бобдаким, мухо-  
лафатки борча милалда мамнуъдурур ва низоъки борча  
маҳалда номасмуъ, андоқ модда топилғаймуким, анда  
дилпазир бўлғай ва қилмоғи погузир ва Арасту ул тий-  
раликда ёруғлуғ кўргузмак ва ул мухолиф оҳангли ростда  
тузмак*

Яна сўрди шохи Фаридун ҳашам  
Ки: «Эй ҳикмат аҳлига роинг ҳакам!

Ики кимсага воқеъ ўламоқ низоъ,  
Бир ишта эрур мужибн имтиноъ.

Низоеки, ҳар кимга масмуъдур,  
Хирад буйруғи бирла мамнуъдур.

Тошилгайму ул навъ бир жоддае,  
Ҳамул жодда ичра бир моддае,

Ки бўлгай низоъ анда хотирписанд,  
Ки гар бўлмаса бўлгай андин газанд?»

Деди ҳикмат ойини донанда ҳарф  
Ки: «Қилдинг саволе бағоят шигарф.

Низоеки қилди хирад они рад,  
Қабул этти ҳам баъзи ишда хирад.

Бировда бир иш бўлса подилпазир,  
Ки фоилгадур қилмоғи ногузир.

Вале элга андин зарардур баса,  
Анинг зимнида шўру шардур баса,

Биров манъига гар топар дастрас,  
Ўзин тутса маъзур, маъзур эмас.

Ва гар манъ қилдию ер тутмади,  
Не иш таркиниким бу дер, тутмади.

Билиндики, кўп табъи роғибдурур,  
Ирикрак анинг манъи вожибдурур.

Мунунг бирла ҳам топмаса имтиноъ,  
Бўлур вожиб ул лаҳза қилмоқ низоъ.

Бўлур чун низоъ ичра нуқсону суд,  
Керак анда бир шарт тутса вужуд,

Ки буқим низоъ ичра тузди асос,  
Ўзин айласа хасм бирла қиёс.

Агар голиб ўлмоғлигин чоғласа,  
Низоъига ул лаҳза бел боғласа,

Ва гар қувватни англаса байн-байн,  
Арода надиқ этмаса шӯру-шайн.

Ва гар худ ўзин билса мағлубдур,  
Насихат била иктифо хўбдур.

Керак ул насихат дағи пармрӯй,  
Ки то мустамӣъ бўлмагай тундхӯй.

Ки тунд ўлса кўп ваҳшат имкони бор,  
Ки носихқа ҳам бийм нуқсони бор.

Низоъ ичра мундоқ маротибни бил,  
Қила олмоғинг чун яқин бўлди қил.

Яқин бўлмаса голиби зан керак,  
Киши барча ишта хирадфан керак.

Бировким хираддур анга раҳнамун,  
Бу ишларда қўймас бўлурга забун».

Чу ноғибъ жавоб англади мустамӣъ,  
Ина сўрмади сўз -- бўлуб мунтағибъ.

## XXVII

*Доронинг Искандар сўзидин ошуфта бўлуб, сипоҳ  
йиғмоқтин оламга ошуб солиб, олам-олам черик йиғиб  
Искандар размига азм қилғони ва Искандар ҳам ул дарёи  
офат муқобаласида сели бало ва кўҳи махофат муқо-  
таласига барқи разм ва ваго ясаб юзлашгани ва офоқни  
ул ики шоҳ зеру забар қилурда Доронинг ливойи дав-  
лати ўзга сарсар офатидин сарнигун бўлуб Искандар-  
нинг маҳчан алами қуёш ливосидин ўтгани*

Ики шоҳ ишида ҳикоятгузор,  
Бу янглиғ берур сўзга зеби узор

Ки, Дорога чун етти боргон расул,  
Скандар қазоёсига берди тул.

Қаю сўзки шаҳдни хитоб айлади,  
Неким истимон жавоб айлади.

Чу арз айламакдин йўқ эрди гузир,  
Борин айлади арз фармонназир.

Чу фаҳм этти Доро анингдек жавоб,  
Ғазаб ўтидин жисмига тушти тоб.

Ёнар ўтдек ўлди қадам то бафарқ,  
Таҳаррук ани қилди андоқки барқ.

Ғаҳи бўлди даврон била тундху,  
Ғаҳи чархи гардонга деди: туфу!

Ошиб дам-бадам изтироби анинг,  
Еру кўкка таъну итоби анинг.

Бу ошуб дардига бўлмай даво,  
Черик жамъига бўлди фармонраво.

Киши чопти офоқ аро бедаранг,  
Бакуз Рум ила Зангибору Фаранг.

Сипаҳ баҳрига тушти ул навъ жўш,  
Ки ўтти фалак лужжасидин хуруш.

Ҳам Эрону Турон, ҳам ақсойи Чин,  
Анга тегруким, ҳадди Машриқ замин.

Чиқиб ул сифатким, киши қолмайин,  
Демай қолмайинким, қола олмайин,

Анга тегруким, ҳадди ақсойи Ғарб,  
Бутуб борчанинг жисмидин сози ҳарб.

Яна ҳам диёри Жанубу Шимол,  
Киши қолмоғи топмайин эҳтимол.

Башар жинси хайлин жаҳондин йигиб,  
Жаҳон ақлини тўрт ёндин йигиб.

Сипаҳ жўш уруб тоғу ҳомун аро,  
Ғалат айладим рубъи маскун аро.

Суруб элни зобит сипаҳдорлар,  
Сиёсат тариқида гаддорлар.

Бу янглиғ черик яхшироқ фол ила,  
Ики йилда жамъ ўлди тунқол ила.

Сипоҳийки ер сатҳига сигмайин,  
Черик ҳаргиз андоқ киши йигмайин.

Не учу қироқ эрди пайдо анга,  
Не ҳадду ниҳоят хувайдо анга.

Ададда фалак анжумидин фузун,  
Не анжум, биёбон қумидин фузун.

Чу мавъидга жамъ ўлди мундоқ сипоҳ,  
Билиб ул сипаҳ сори азм этти шоҳ.

Назар солди чун ул черик сори тез,  
Адоват ўтин айлади шуълаҳез.

Димоғига йўл топти навъи гурур,  
Ки гардун қочар қилсам улён убур.

Етиб ҳар тарафдин улус шаҳлари,  
Ўкуш тортиғу тухфа ҳамраҳлари.

Ақолим волийлари жавқ-жавқ,  
Итоат солиб борча бўйнига тавқ.

Чу Доро тушуб боргоҳи аро,  
Тушуб жўш хайлу сипоҳи аро.

Қўюб боргоҳ ичра тахти баланд,  
Чиқиб тахт уза хусрави аржуманд.

Тузуб маснадеким, сипеҳри барин,  
Яна кўрмайин, ўйла, маснаднишин.

Қилиб ҳукмким: «Мулк султонлари,  
Қомуқ хайлу кишвар ниғаҳбонлари,

Келиб борча ер ўштик айлаб салом,  
Мунунг бирла касб айладик эҳтиром».

Салотинга чунким, бу навъ ўлди бор,  
Тоғиб ишлари сиккаи эътибор,

Йироқтин келиб, борча бош индуруб,  
Тикиб ерга кўз, ўқ учидин туруб,

Чу ҳар бирни кўрмакка шоҳ истабон,  
Бориб ҳожиби боргоҳ истабон.

Келиб ул бисоти қирогини ўнуб,  
Қўюб олида бош, аёгини ўнуб.

Ёниб, чун бўлуб ўрнига раҳхиром,  
Яна бир бўлуб хоки даргаҳхиром.

Бу янглиғ ярим кунгача эрди маҳл,  
Ки топти шараф улки бор эрди аҳл.

Хито мулкидин Мангу-қоон киби,  
Яна Ҳинд элидин Қарохон киби.

Ҳамул Мисрдин Варқау Бошдек,  
Даги Дашт элидин Темуртошдек.

Фарангисдек Ҳоварон мулкидин,  
Даволи киби Ширвон мулкидин.

Шаҳу шоҳзода ададдин фузун,  
Сипаҳдору сархайл ҳаддин фузун,

Ки побўсидин бўлдилар сарбаланд,  
Яна илтифоти била аржуманд.

Бўлуб кўрмагидин чу олий асос,  
Яна пешкашлар чекиб беқиёс,

Ки юз минг муҳосибқа юз йил шитоб,  
Етишса қила олмағайлар ҳисоб.

Бу ашголни айлабон бартараф,  
Халойиқни тарқаттилар ҳар тараф.

Не сархайлким бор эди ҳар сари,  
Тилатти иноят қилиб ичкари.

Қилиб тожварларга ҳукми жулус,  
Бори ўлтурурга бўлуб хокбўс.

Чу атрофида шоҳлар ўлтуруб,  
Сипаҳдорлар хизматида туруб.

Удуглар чу алтофидин топти баҳр,  
Равон бошлади нукта Доройи даҳр.

Ки: «Воис чекарга бу янглиг синоҳ,  
Халойиқ фарогин қилурга табоҳ,

Бу эрдикн, чуи Румдин Файлақус,  
Жаҳон риҳлати азмига урди кўс,

Қолибдур анга зодае мажнунваше,  
Судек кажраве, ўт киби саркаше.

Йибормаи хазойинга уч йил хирож,  
Бошига сарафрозлик солди тож.

Чу борди киши билгали шарҳи ҳол,  
Ки ўз хизматин невчун этмиш ўсол?

Анинг бирла бу можаро сургали,  
Бақоёни девонга келтургали.

Паришон такаллум қилиб беадад.  
Ки йўқтур анга, ўйла, сўз дерга ҳад.

Яна қилдим прсол кўп навъ панд,  
Анга ҳеч панд ўлмади судманд.

Жавобида кўп қилди тарки адаб,  
Мени дағи ошуфта қилди газаб.

Эшитгач қулайсиз мақолин анинг,  
Зарурат кўруб гўшмолин анинг,

Бўлуб боис ул, гўл, нодон иши,  
Черик жамъига чопти ҳарён киши».

Дедилар кўпуб, ер ўпуб шоҳлар,  
Синаҳбадлиг амридин огоҳлар.

Ки: «Қилмоққа ҳолпини онинг табоҳ,  
Не ҳожат эди айламак азм шоҳ.

Бу янглиг черик ҳожат эрмас эди,  
Анинг дафъига бир қуле бас эди.



Қаю бирга бу иш иноят бўлур,  
Ҳамоноки бу иш кифоят бўлур».

Деди шоҳким: «Чун йиғилмиш сипоҳ,  
Керак Румни қилсак оромгоҳ.

Чу кирмиш анга Зангибору Фарағ,  
Алар фикрига ҳам керактур даранг.

Неча кун бу ерлар тавофий қилиб,  
Адудин мамоликни софий қилиб,

Агар қайтсақ ҳам эмастур йироқ,  
Ҳар андешадин бу эрур яхшироқ».

Чу шоҳ огзига солди бу сўз қазо,  
Қазо амрига чора йўқ жуз ризо.

Неким шаҳ деди, иттифоқ эттилар,  
Бори Рум азми яроқ эттилар.

Манозил битиб, бўлдилар жазми кўч,  
Қўпуб ҳар тараф қилдилар азми кўч.

Буларга бўлуб кўч-баркўч азм,  
Скандарга дағи хабар етти жазм,

Ки Доро йигиб ер юзидин сипоҳ,  
Буён айламиш азм беиштибоҳ.

Худ эрмас эди, гофил ул ҳолдин,  
Ишида йироқ эрди эҳмолдин.

Узотиб дамо-дам адуға киши,  
Паёпай хабар топмоқ эрди иши.

Қаю ишгаким фаҳм этиб эҳтиёж,  
Фароғат била айлар эрди илож.

Сипоҳийни ул шоҳи навхоста,  
Анингдек қилиб эрди ороста,

Ки олига чекса сипаҳ оламе,  
Ки бўлса алар ҳар бири Рустаме,

Нечукким ел олига бұлгай сомон,  
Етинмак ҳамону совурмоқ ҳамон.

Ва лекки шиори мадоро бұллуб,  
Тахаттук йўқ андоқки Доро бұллуб.

Чу Доро ҳадиси анга бұлди туз,  
Ки олам сипоҳин йиғиб қўйди юз.

Бу янглиг черикким баён айладим,  
Рақам бирла васфин аён айладим,

Тузуб ул хирадманди ҳикматмаоб,  
Адув рўбарўйига қилди шитоб.

Нечукким тенгиз сори гурранда абр,  
Ва ё гур хайлига гуррон ҳизабр.

Чу фаҳм этти ул ишни Доро доғи,  
Ки борди ародин мадоро чоғи.

Анинг чиқмоғи буйла бевахму пос,  
Адув хайлига солди беҳад ҳарос.

Чу ўн манзил ўлди аро ерда жазм,  
Ики ёндин ўлди тааннию ҳазм.

Юруш расмида бўлмас эрди ўсол.  
Кўчарда, тушарда бор эрди ясол.

Тушулгач, черик даврини шақ қилиб,  
Синаҳ ҳифзи айларга хандақ қилиб.

Қуёш чун ботиб, кўкка соя чиқиб,  
Ҳамул икки ёндин талоя чиқиб.

Язак аҳлига, ўйла, бедорлиқ,  
Талоя аро, ўйла, ҳушёрлиқ.

Ки гар мўр тебранса қилмай даранг,  
Тикарлар эди кўзин отиб хаданг.

Бу янглиг синаҳ бошлабон икки шоҳ,  
Ки бир кунчилиқ қолди йўл размгоҳ.

Аро ерда тоге эди бас рафезь.  
Ики ёнида ики дашти вәсеь.

Ики дашт аро ики хусрав эли,  
Ки йўл топмай ул эл аро тонг ели.

Скандар сипах теграсига етиб,  
Нечаким керак забтида жаҳд этиб,

Ясаб хандақу ҳисн «Хайбар» киби,  
Не Хайбарки, «Садди Скандар» киби.

Чу кўнгли бўлуб тинч юз тигзан,  
Бори лашкаророю лашкаршикан.

Ойириб, ўзи бирла бўлди равон,  
Зихи, ҳам сипахдору ҳам паҳлавон.

Ҳамул тоғ уза чиқти ул хайл ила,  
Адувнинг сипоҳни тамошо қила.

Не кўрдик, тутмиш сипах ер юзин,  
Қаро айлабон даҳр тоғу тузин.

Таҳаррук топиб халқдин дашту тоғ,  
Таҳаррукка ҳам кимса топмай фароғ.

Фалакни анингдек тутуб дуду гард,  
Ки пинҳон бўлуб гунбади ложувард,

Топиб гард ила дуд чун имтизож,  
Бериб ўту туфроққа бир мизож.

Қаёнким Скандарга тушти назар,  
Тона олмади халқ ичидин гузар.

Қила олмайин эл қиёснин ҳеч,  
Таҳайюр анинг мағзини қилди геч.

Хаёлида бу сўзким: «Ики черик  
Қачон сунсалар киш ишига илик,

Бири ёна бирча эса ики-уч,  
Эрур ҳарб ойини озроққа куч.

Агар бўлса бир сори ёлгуз киши,  
Ғаним ўлса ўтрусида юз киши.

Агар истаса ҳарбу нархошини,  
Илик бирла кесмактур ўз бошини.

Манга мунча ҳикмат тариқида лоф,  
Ажаб ерда ёйдим бисоти масоф.

Бу ердин ёнарнинг худ пмқони йўқ,  
Набард айласам гайри нуқсони йўқ!»

Бу фикр ичра ройи хирадпарвари,  
Ки бир тош уза ики кабки дарий

Кўрундикки, бир-бирга айлаб ситез,  
Урушурлар эрди баче тунду тез,

Бири жусса ичра забардастроқ,  
Яна бир ҳақир эрдию пастроқ.

Анга неча қувват, мунга онча заъф,  
Де олгонча қувват, де олгонча заъф.

Скандар чу ул заъфу қувват кўруб,  
Ўзи бирла Дороға нисбат кўруб,

Алар сори боқти тааммул била,  
Ўзию адувга тафаъул била.

Ўзи жонибидин ҳақирин тутуб,  
Адув ўрнига ёна бирин тутуб.

Қилур эрди ул ҳарб наззораси,  
Тараддуд аро жони бечораси,

Ки ногоҳ ҳаводин уқобе иниб,  
Қилиб сайд олурга шитобе иниб.

Улурогини сайд этти ул навъ чувт,  
Ки гўёким ул худ йўқ эрди пухувт.

Уқоб илгида бўлгоч ул бир табоҳ,  
Яна бирга бўлди ери жилвагоҳ.

Скандар бўлуб хушди ул ҳолдин,  
Тануманд ўлуб, кўнгли бу фолдин.

Билибқим, анга хасм ўлур зердаст,  
Ва лекин топар ўзга ердин шикаст.

Бу ишдин ўзига шугун англабон,  
Ёниб хасм қадрин нягун англабон.

Сипоҳига кирди топиб бу футух,  
Анингдекки, жоҳсиз бадан пчра рух.

Чу ул тоғдин инди топиб наво,  
Қуёш чекти тоғ кейини сори ливо.

Фалак машъази кўкдин ўлғоч ниғун,  
Замона бўлуб дудидин қийргун.

Ўзин айлабон маҳкам яки сипоҳ,  
Сипоҳ интизорин чекиб размоҳ.

Язак айлабон, ўйла, огоҳлиқ,  
Қи қилмай анга соя ҳамроҳлиқ.

Талоя бўлуб ҳар тарафдин мудир,  
Туи ўгрисин этмоқ тилаб дастгир.

Язакдин сипаҳ даврида, ўйла, бийм,  
Қи тебранмак имкони топмай насим.

Улус, ўйла, мазбут ўлуб ҳар сори,  
Қи ун ҳам чиқа олмайин ташқори.

Ики шоҳ ҳар сори иш фикрида,  
Ясол зикри бирла тикиш фикрида.

Нари юзда Доройи анжумсипоҳ,  
Боши узра гардун киби боргоҳ.

Қилиб тахт уза иш яроғини гуфт,  
Бори навъдин ошқору нуҳуфт.

Ўзи жониби фатҳ лозим кўруб,  
Ливосига нусрат мулозим кўруб.

Кўзига Скандарни ҳеч илмайин,  
Қазодин не ҳоля ўлғонин билмайин.

Синахбадлари худ гулу айлабон,  
Скандар сўзин гуфтуғу айлабон,

Ки: «Гар шоҳ ҳукм этса бевахму бийм,  
Эрурбиз анга ҳар биримиз ғаним!»

Бири дебки: «Кўргач қаро қочқуси!»  
Бири дебки: «Узр энигин очқуси!»

Ва лекин Скандар сори барча жазм,  
Ки қилмоқ керак тоғла ўлғунча разм.

Қавий хасмга мумкин эрмас шикаст,  
Магар улки кўргузгабиз зарби даст.

Кўзидин бориб уйқу осойиши,  
Иши разм аҳлининг оройиши.

Элига карамдин етурмак навид,  
Қочар элга бийм, иш қилурға умид.

Эли ҳеч тинмай ясаб созу барг,  
Муҳайё қилиб жавшану худу тарг.

Кўрунуб узун кийна аҳлига тун,  
Вале кун хаёлоти тундин узун.

Бу янглиг эди ики ёндин хаёл,  
Ки бўлди аён субҳи фаррухжамол.

Саҳар ошкор этти заррин ливо,  
Ки бўлди ёруг маҳчасидин ҳаво.

Қазо солди ул ики дарёга жўш,  
Ки Баҳром самъига етти хурўш.

Чекиб гурдлар наъраи ҳоила,  
Ки солиб ер ажзосига зилзила.

Зухур айлабон «арзу зилзолаҳо,  
Ва ахражатил-арзу асқолаҳо».

Бўлуб тигзанлар қадам то бафарқ,  
Фалак туркидек кўк темур ичра гарқ.

Ясаб ҳарб учун ўзни маржаб уза,  
Таковар сўруб, ўз ясолин туза.

Чу отланди Доройи давлатпаноҳ,  
Скандарга ўтру тузатти сипоҳ.

Сипаҳ дема, дарёйи хунхор де,  
Фалак баҳри андин намудор де.

Сафе тузди тузмакка ойини ҳарб,  
Кп бир қамбали-шарқ эди, бири гарб.

Ясолеки бу тул ила кўргузуб,  
Будур турфаким, ети дабқур тузуб.

Боронгор анга хайли Машрик замин,  
Самарқанддин токи сарҳадди Чин.

Яна юз минг ўзбак мўгул бирла зам,  
Юз эллик минг ул сори қалмоқ хам.

Бўлуб борчаси олти юз минг киши,  
Борига ҳунар кин ила разм иши.

Ясаб Чин элин турки чиний сирништ,  
Тароватда андоқки, боги биҳишт.

Ети ранг зарбафт ҳар паҳлавон,  
Солиб бодпойнга баргуствон.

Довулгонда чиний ялов дилпазир,  
Яна жавшан устига чиний ҳарир.

Ясолеки қалмоқ хони ясаб,  
Ажал дўзахидин нишоне ясаб.

Томуг шуъласи барча рангин ялов,  
Билиниб ялов жилвасидин қилов.

Ҳар ўнчунлук онча қилиб карру фар,  
Кп андин тушуб даҳр аро шўру шар.

Алар хайлининг хони Тўқвоб ўлуб,  
Уруш вақти озардин тоб ўлуб.

Мўгул шернайкарлари ўт ёлни,  
Тааддуд аро ит тукидин қолни.

Булар хони Мангу келиб разм аро,  
Ки ошуби оламни айлаб қаро.

Яна манггит ўзбак била ёндашиб,  
Ики зулфдек тузлари чирмашиб.

Қумушдек ёруғ барчанинг кўҳаси,  
Бош узра довулгалар чаркаси.

Алар ёнида Мовараннаҳр эли,  
Ики руд аросида ўн шаҳр эли,

Бори шергиру бори пилзўр,  
Тикиб ўқ била кўзларини бўлса мўр.

Жиниоваш Самарқанд мавжуд йўқ,  
Ки қилмиш бини оми Искандар-ўқ.

Жувонғорда Мағриб эли бир сари,  
Яна сори Бартосию Барбари.

Синионлар сариг ранг, қалқон доғи,  
Кежимлар сариг жинс, хафтон доғи,

Араб барридин найзавар қирқ минг,  
Ки яқрони тозии келиб борчанинг.

Аламлар қароу синионлар қаро,  
Бедов узра баргуствонлар қаро.

Ҳамул мағриб аҳлини бошлаб Талиъ,  
Араб хайлининг пешвоси Вақийъ.

Мадойин навоҳисидин Ардашер,  
Чекиб тиг, хайлида юз минг далер.

Бинафш айлабон шадда бирла дирафш,  
Саманд узра баргуствон ҳам бинафш.



Қутайф аҳли, Баҳрайну Бағдод ҳам,  
Синаҳбад аларга келиб Густаҳам.

Бўлуб сарбасар кўк темур ичра гарқ,  
Кўк атласда пинҳон қадам то бафарқ.

Жувонгор ҳам олти юз минг адад,  
Булар бошқа андинки бўлгай мадад.

Хировул ясаб ети юз минг киши,  
Ки ҳайрон қолиб ети кўк гардиши.

Борининг келиб худу хафтони оқ,  
Неким кийгулуктур ясаб они оқ.

Бу кофургуи саф аро разм эли,  
Келиб Дашти Қифчоқу Хоразм эли.

Ўзидин топиб гул фарру шукуҳ,  
Сипаҳ саф тузуб даврида кўҳ-кўҳ.

Қилиб андоқ ороста етти гул,  
Ки ел хайли топмай аро ерда йўл.

Бўлуб ҳар саф ул элга юз минг нафар,  
Шаҳ ойинидин барчага зебу фар.

Булар киймаги барча ахзар бўлуб,  
Аламга яшил шуққа зевар бўлуб.

Бўлуб олам ул сабзадин маргзор,  
Яшил хат бўлуб ер юзига узор.

Хамул қалбгоҳ ичра Доройи даҳр,  
Хилофига йўқ ҳадду ёройи даҳр.

Бу янглиг ясаб созу ойини разм,  
Адув сори таскин била қилди азм.

Нари юзда Искандари шердил,  
Қилиб хайли оройишин муттасил.

Боронгорин айлаб сипоҳи фаранг,  
Бори қон тўкарга бўлуб бедаранг.

Адувнинг қалин эркини билмайин,  
Агар билса ҳам кўзга ҳеч илмайин.

Сипахдор алар ичра Шайпол ўлуб,  
Таҳаввурда чун Рустами Зол ўлуб.

Кийимлар гуҳардин мукалал бори,  
Фарангии ети ранг махмал бори.

Алам шуққаси доғи жинси фаранг,  
Ҳам ул борча зарбафту ҳам ети ранг.

Адув ичра юз минг бори тезу тунд,  
Ки ҳайбатларидин қуёш тиги кунд.

Жувонғорида эрди Бартосу Рус,  
Фалак хингидек барча тунду шамус.

Алар жавшани борча қонғолдуруқ,  
Синон қўлларида печукким суруқ.

Вале бодноларга солғон кежим,  
Сақарлоту борча ёвурқон кежим.

Довулга бўлуб тўппи янглиг бари,  
Ўтога бош узра сариқ қуш пари.

Келиб ҳар бири кеча адноқки бум,  
Мувофиққа маймун, муҳолифқа шум.

Булар доғи юз минг келиб сон аро,  
Чекиб саф жувонғорда майдон аро.

Ҳировулда занг аҳли таъини бўлуб,  
Аларга яна ўзга ойини бўлуб.

Кийиб барчаси жавшани зангсоз,  
Ёруқ кўзгудек зангдин бешиёз.

Яна худлар мисли жавшан келиб,  
Қаро тунда хуршиди равшан келиб.

Ўтога темур бирла шаҳнар мисол,  
Қуёш узра сончиб печукким ҳилол.

Чу бир лаҳза топти сукун ул хурӯш,  
Улус оғзи гавгодин ўлди хамўш.

Насими ваго бир сори сурди гард,  
Кўрунди халойиққа дашти набард.

Хамул ҳар тарафдин бир анбуҳ саф,  
Не анбуҳким, кўҳ то кўҳ саф.

Қилилгон киби лавн-лавнин баён,  
Тамошо қилур элга бўлди аён.

Анингдекки тушгай чоқиндин дурахш,  
Скандар сафидин биров сурди рахш.

Тарид айлаю кирди майдон аро,  
Хунарлар аён қилди жавлон аро.

Солиб бодпойига баргуствон,  
Намудор аро, ўйлаким, аргувон.

Кийиб жавшан устига чиний ҳарир,  
Келиб сув уза сабзадек дилпазир.

Синон ўнг қўлида нечукким сутун,  
Сўл эғнида қалқон келиб лаългун.

Ўтога тикиб худиди савсани,  
Бўлуб гунчадин савсан очмоқ фаши.

Бу ҳайъат била чобуки жангжўй,  
Туруб ўртада бошлади гуфтугўй.

Скандар дуосин бурун қияди ёд.  
Ки: «Топсун адувсиға кому мурод!»

Яна деди юз келтуруб ҳар сари,  
Ки: «Дерлар мени Бориқи Барбарий.

Бурун бор эдим шоҳ Дорога қул,  
Вале тонмадим қуллуғи ичра йўл.

Мени, ўйлаким, бор эдим билмади,  
Риоят, печукким, керак қилмади.

Топиб мендин ўксуклар андин наво,  
Манга кўрди кўп бенаволиг раво.

Чу ҳолим дедим, шоҳи олийсифот,  
Жавобимга ҳам қилмади илтифот.

Ижозат сўзин арз қилгоч туруб,  
Таёглатти қаҳр айлабон бостуруб.

Чу Доро қилиб мунча зулму шикаст,  
Мени қилди бахтим Скандарпараст.

Чу даргоҳига еттим истаб паноҳ,  
Манга онча лутфу карам қилди шоҳ.

Ким ул тарбиятдин сарафгандамен,  
Иш этмай олиб музд, шармандамен.

Буқунким, қилибмен бу майдонга азм,  
Ики иш учун айлағум кину разм:

Бир улким: шаҳимга қилиб бандалиқ,  
Ўзумдин қилай рафъи шармандалиқ.

Яна улки: чун қатл расмин тузай,  
Ишим шоҳ Дорога ҳам кўргузай.

Ўзин улки ҳарбимга мойил қилур,  
Манга ики мақсуд ҳосил қилур:

Аларгаки шоҳи хирад раҳпамун,  
Иноят қилиб эрди мендин фузун.

Бўлурким паёнай равон айлағай,  
Яко-як борин имтиҳон айлағай».

Чу Бориқ тугатти каломин тамом,  
Алардинким ул айламиш эрди ком.

Равон бўлди майдонга қотилваше,  
Тутундек ғализ, ўт киби саркаше.

Оти наълидин токи худиди мил,  
Қириб кўк темур ичра андоқки нил.

Оти наълидинким шарар айрилиб,  
Бало абридин марг ўти чоқилиб.

Фалак сайри ошуби пайваст ила,  
Солиб ел димогига фарраст ила.

Ҳамойилдаги тиги бижодадек,  
Қўл ичра синони келиб хоодадек.

Ани разм эли шерп даррон дебон,  
Отин анжуман аҳли Ҳаррон дебон.

Чу майдон тариқин адо айлади,  
Туруб хусравига дуо айлади.

Тугатгач дуо, чопти Бориққа тез,  
Анга доғи Бориқ бўлуб барқхез.

Бири бирга майдонда чирмоштилар,  
Басе бир-биридин қолиб, оштилар.

Уч уз олтмиш олти лаъбу гирих,  
Ўтубким синон учи кўрмай зирих.

Ҳам охир чу Бориқ эди ишта чуст,  
Синон бирла маркабдин они дуруст,

Йироқ сояди андоқки, чархи барин,  
Синону қўлига деди: офарин!

Тушуб бўйнига боғлабон полаҳанг,  
Шаҳ олига еткурди қилмай даранг.

Скандарга фархунда бўлди бу фол,  
Ки нусрат анга аввал очти жамол.

Яна шерпайкар яли хасмбанд,  
Ер ўптию майдонга сурди саманд.

Тилар эрди ҳайжо қилурга тани,  
Ки размига от сурди пил афгани.

Далереки то разм варзиш қилиб,  
Адувсига юз маърака иш қилиб.

Темур ичра боштин-аёги ниҳон,  
Нечукким ўзи, оти доғи ниҳон.

Лақаб Шайда бирла анга фош ўлуб,  
Насаб бирла Ҳарронга қардош ўлуб.

Йўлни тўсти Бориқнинг ошуфтаваш,  
Анга сурди Бориқ дағи кийнақаш.

Яна қилдилар саъю кўшишга юз,  
Синонларни айлаб бири-бирга туз.

Чу ёр ўлди иқболи Искандарий,  
Яна топти фурсат яли Барбарий.

Ани ҳам қилиб найза бирла илгун,  
Чекиб шоҳи олига хору забун.

Скандар фалакдин топиб кому баҳр,  
Фалакка қилиб таън Дороий даҳр.

Чопиб Барбарий бўлди майдоннавард,  
Мубориз тилар эрди истаб набард.

Яна гарм кини солиб юзга чин,  
Чопиб Барбарий қасдига гармкин.

Етишмак ҳамону етишган замон,  
Диловар қўлидин йиқилмоқ ҳамон.

Бу янглиғ тўқуз паҳлавони далер,  
Ки ҳар бир эди иш чоғи нарра шер,

Бори Барбарийга асир ўлдилар,  
Синон захмидин дастгир ўлдилар.

Яна ҳарбига кимса майл этмади,  
Вале Бориқ ўз ўрнидин кетмади.

Мубориз тилаб бор эди наъразан,  
Замирига аъдонинг оташфилган.

Ғазаб солди Дорога кўн изтироб:  
«Анга кимса чиқсун!» деб этти шитоб.

Ҳам охир биров сурди майдонга от,  
Адувга суруб солди жавлонга от.

Ҳам ул пилзӯр эрди, ҳам пилтан,  
Таковар анга, ўйлаким, каркадан.

Палангина баргуствон отига,  
Кийиб бабр тўн халқ офотига.

Қизил худдин бошида нимтарг,  
Ки ваҳмидин ўлуб ўлум ҳоли марг.

Хамул худ даврига чирмаб қаро,  
Киши кўрмамиш лолани доғ аро.

Юзи улча мумкиндур аҳмар анинг,  
Маҳосин юзи узра асфар анинг.

Юзи ранги хурмомасаллик касиф,  
Маҳосин намудори хурмога лиф.

Ики кўз анга ики олмосдек,  
Вале давраси қон тўла тосдек.

Ватангоҳи ақсоий Мағриб замин,  
Эли эрмиш ул ерда водийнишин,

Ки бу янглиг эрмиш алар ҳайъати,  
Қўшун элча ҳар қайсининг шавкати.

Не хусравки, ул бўлса оламга шоҳ,  
Чекар бўлса бир ҳасми сори сипоҳ,

Келур эрмиш ул қавмдин бир киши,  
Ки сазб ўлса аъдодин ул шоҳ иши.

Қилур эрмиш ул шахс майдонга азм,  
Намудор этар эрмиш ойини разм.

Чу бўлди адувси гирифтор анга,  
Бўлур эрмиш уй сори рафтор анга.

Киши тургуза олмас эрмиш ани,  
Анга тегруким манзилу маскани.

Гирифторини даги элтур эмиш,  
Буюрур эмиш ҳар нечук тонса иш.

Чу Борикдин эл эрди ҳайратқа гарқ,  
Ул оҳанги кин этти андоқки барқ.

Иков бўлди майдонда нархонжўй,  
Чонарлар эди чирманиб сў-басўй.

Гаҳи бу қочиб, ул кейирдин суруб,  
Ўи майдон бошига дегин еткуруб.

Бу қайтиб анинг гоҳ подошига,  
Қовуб токи майдоннинг ул бошига.

Гаҳи совуруб гард, этиб тобу печ,  
Ўи қиямай қуюндин киши фарқ ҳеч.

Чу асраб ўзини Бориқи кинпараст,  
Анга Мағрибий топмайин ҳеч даст.

Вале бўлди Бориқ иши нурсиз,  
Ўи кўшиш қилиб эрди мақдурсиз.

Ўзидек тўқуз кимса олмиш эди,  
Бу кирган замон илги толмиш эди.

Чу аҳволида бўлди заъф ошкор,  
Белидин тутуб гурди мардумшикор,

Қўнқордию ўнг илгига қилди руст,  
Сўл илги била маркабин тутти чуст.

Чу топиб маҳал, сайдини сирмади,  
Ёниб ўз сипоҳига ҳам кирмади.

Равон бўлди Мағриб сори азм этиб,  
Ғанимин олиб, раҳнавардин йитиб.

Анга айлабон ҳайрат аҳли жаҳон,  
Анга тегруким, бўлди кўздин ниҳон.

Кўруб Мағрибийдин бу бебоклик,  
Скандарга юзланди гамноклик.



Яна Барбарий ҳолига ҳам ебон,  
«Анинг ҳоли не бўлди эркин?» — дебон.

Бўлуб шодким, борди сахро сари,  
Ёниб қилмади азм Доро сари.

Вале шох Доро, базе, шод ўлуб,  
Бузуг кўнгли ул шидди обод ўлуб.

Буким Барбарийнинг бўлуб голиби,  
Анинг сори келтурмади Мағрибий.

Неча шодмонлиққа монечъ эди,  
Вале хасм дафъига қонечъ эди.

Чу хуршид дороси этти камин,  
Камингоҳ анга бўлди Мағриб замин.

Қилиб жилва оӣ меҳри ховар киби,  
Улусни ёрутти Скандар киби.

Ёниб размгаҳдин ул ики сипоҳ,  
Тушуб берк туттилар оромгоҳ.

Тутуб хандақ ики сипаҳ даврини,  
Қанот, ўйлаким, боргаҳ даврини.

Талоя яна чиқти ҳар соридин,  
Язак тиимади ҳифз изҳоридин.

Қилиб боргоҳ ичра Доро мақом,  
Зарурат юзидин тилаб руду жом.

Вале қон ютуб шиша янглиғ инҳон,  
Ки тонгла не иш зоҳир этгай жаҳон?

Скандар дағи ўзга ойини топиб,  
Бир Исқандар онда таскин топиб.

Топиб ўнг ёнида камол аҳли ер,  
Тутуб сўл қўлида қитол аҳли ер.

Тааммул билла ҳар хираднешае,  
Қилиб фатҳ бобида андешае.

Таҳаввур била ҳар жаҳон паҳлавон,  
Тилаб нусрат ончаки тобу тавон.

Чу ўтти кеча хайлидин ики нос,  
Бирор элда журъат, бирорда ҳарос.

Тилаб хилвате шоҳи яздоннараст.  
Тазарруъ қила бўлди туфроққа паст.

Зафар истамакдин чу топти фароғ,  
Сахар нажми ёрутмиш эрди чароғ.

Яна тушти ошуб ики тараф,  
Ики хайл ҳарён тузатмакка саф.

Яна кўсан тушти жунбуш аро,  
Яна кўс тушти гурунбуш аро.

Ҳамул найзаварларга тушти шптоб,  
Ҳамул найзалар жисмига печу тоб.

Ҳамул тигзанларга бўлди масоф,  
Ҳамул тиглар бўлди паҳлушикоф.

Ҳамул бўлди кии бенадомат яна,  
Ҳамул қойим ўлди қиёмат яна.

Скандар қилиб хилват ичра инёз,  
Ки қилгай анинг чорасин чорасоз.

Чиқар вақтида қосиде етти чуст,  
Ниҳони тутуб номае огзи руст.

Анга еткуруб нома хилват аро,  
Дедиким: «Ўқуб англагил можаро».

Скандар очиб, қилди наззораси,  
Ҳақ айлаб эди дардининг чораси.

Ҳамопоки Дороға ики киши,  
Бор эрмиш наёбат аларнинг иши.

Вале зулмидин жонларидин тўюб,  
Икиси кўнгүл ўлмакига қўюб.

Бериб бийм Дороқи тонқач зафар,  
Ул икига гўр огзин этгай мафар.

Ул ики киши ҳам яроқ айлабон,  
Анинг қатлига иттифоқ айлабон,

«Ки чун бизга ул қилгуен биғи қатл,  
Анга биз бурунроқ чекиб тиғи қатл,

Йиқоли дарахтини бунёдидин,  
Қутулсуи улус зулму бедодидин.

Печа зулмидин жонимиз қолмагай,  
Бу навъ ўлсак армонимиз қолмагай».

Скандарга ёзгон эмишлар битик,  
Бировни юборган эмишлар итик.

Қилиб номада сабт бу сўзларин,  
Анга боғлагонлар эмиш ўзларин.

Ўқуди Скандар чу ул номани,  
Не навъ эрканин билди хангомани.

Ва лекин гумон қилди макру фириб,  
Дам урмай ўз-ўзига берди шикиб.

Дедиким: «Мунга ҳеч янглиг жавоб,  
Демакда эмас энди роин савоб.

Ки ёлгон эса демагап яхшироқ,  
Чин эрса бу бор анда етмақ йироқ».

Таваккал қилиб рокиб ўлди равон,  
Адув қинига роғиб ўлди равон.

Тузалди яна ики ёндин ясол,  
Яна ошкор ўлди расми жидол.

Бурунроқки майдонга киргай биров,  
Ики қотил этган киби сўз гаров,

Етиб, шоҳ Доро ики ёнидин,  
Қилич лаългуи қилдилар қонидин.

Бир суглубон гурдагоҳига тиг,  
Тўқуб ерга қонин анинг бедариг.

Яна бир даги тиг уруб бошига,  
Қилиб зулм анинг зулми подошига.

Ебон захм ул навъ Доройи тахт,  
Иқиладди анингдекки олий дарахт.

Тушуб ер уза шоҳи Баҳман нажод,  
Ўчуб машъали дудан Кайқубод.

Қазодин бу навъ иш чу пайдо бўлуб,  
Боши узра элдин алоло бўлуб.

Синоҳида пайдо бўлуб қўзгалаш,  
Синаҳ қўзгалур, шаҳга чуи тушти иш.

Скандар тариқи киёсат била,  
Қилиб фаҳм ул ишни фаросат била.

Таанни била азм этиб ул тараф,  
Ки бўлмаи паришон синоҳиға саф.

Етишти чу ул хайлнинг қошига,  
Ки жамъ эрдилар шоҳнинг бошига.

Скандар етишгач қўюб ерга бош,  
Анга қилдилар шоҳ ҳолини фош.

Скандар тушуб келди Доро сари,  
Иши тушти рифқу мадоро сари.

Кўрарким, ётур жисми қон ичра фарқ,  
Топилмай анинг бирла қон ичра фарқ.

Боши узра ўлтурди гирён бўлуб,  
Анинг ҳолига кўнгли вайрон бўлуб.

Олиб қўйди ўз қўйниға бошини,  
Узориға ҳарён тўқуб ёшини.

Чу беҳуш уза септи андоқ гулоб,  
Очилди анга наргиси нимхоб.

Боши узра ким эркини қилди фаҳм,  
Такаллумга тил очти бебнийму ваҳм.

Деди: «Марҳабо, эй шаҳи навжавон,  
Жаҳон узра ҳам шоҳу ҳам паҳлавон,

Атодин ўғул бўлмагон сен киби,  
Адув узрини қўлмагон сен киби.

Нечаким хилофингда қилдим гулу,  
Вале кўп қилур эрдим ул орзу,

Ки сендек кишиким жаҳон фардисен,  
Салотинда Доро ҳамовардисен.

Халойиққа йўқ ҳеч ишинг нисбати,  
Жаҳон ичра сен тенгрининг қудрати.

Замоне кўзум тушса рухсоринга,  
Қулог мустамиъ бўлса гуфторинга.

Манга берди худ хайи доно мурод,  
Ажал айлаган чоғ вале номурод.

Етишти веким қилди Доро умид,  
Вале ўздин ўлгон замон ноумид.

Бўлубсен ажаб вақт меҳмон манга,  
Ки йўқтур нисоринг бажуз жон манга.

Бу соат нетиб мезбонлик қилай?  
Қабул айласанг жонфишонлик қилай!

Енгилдим, нетиб бўлгамен мезбон,  
Ки худ бир нафас мен санга меҳмон!

Бу соатки бошимга қўйдунг қадам,  
Не эркин хаёлинг, дегил они ҳам.

Агар ёрлингдур иноринг сенинг,  
Ики даҳр аро тенгри ёринг сенинг.

Ва-гар қатл учун келмишанг қошима,  
Кесай деб қадам қўймишанг бошима.

Мурувват қилиб кесмагил бир замон,  
Ики-уч сўз айтурча бергил амон!»

Скандар қилиб ул такаллумни гўш,  
Чекиб мотамийлар масаллик хурўш.

Яқо йиртибон, тожини ташлабон,  
Деди.— зор йиглай бу сўз бошлабон,

Ҳи: «Бўлсун тирик ети кишвар шаҳи,  
Жаҳон бўлмасун бир дам андин тиҳи.

Анга мен камина парастандамен,  
Парастандалиг ичра шармандамен.

Ўзумга керак қуллугин чоғлабон,  
Анинг боргоҳида бел боғлабон,

Адувдин мубарро қилиб маъманин,  
Жаҳондин чиқорсам эди душманин.

Тилим бормас айтурға бу сўзки, шоҳ  
Хирож истаб ўлди манга кийнахоҳ.

Кўруб шаҳни бу навъ беилтифот,  
Юзумга менинг келди мунча уёт.

Сипаҳ чектиму зоҳир эттим хилоф,  
Лён айладим ўтрисида масоф,

Ва лекин бу ишдин хабардор эмон,  
Қилур эл била соҳибасрор эмон.

Манга етти бир нома ҳам бу замон,  
Ўқуб ташладим буйла қилмай гумон.

Кетурганга гарчи сазо бермадим,  
Ва лекин бу ишга ризо бермадим.

Бу дамким аён бўлди бу можаро,  
Ёруғ олам ўлмиш кўзумга қаро.

Жаҳондорким ҳақ анинг ёвари,  
Керак бўлса албатта бу бовари.

Ки розидур Искандар ўлмакка бот,  
Бўлуб шаҳга минг йил замони ҳаёт.

Буким шаҳ деди: «Бор ики-уч сўзум»,  
Анинг йўлида мунтазирдур кўзум.

Мени ул муродингга ҳамроз қил,  
Буюрмоғи бирла сарафроз қил».

Чу топти Скандардин ул навъ баҳр,  
Дуолар қилиб, деди Доройн даҳр

Ким: «Ул уч сўзум — уч васиятдурур,  
Ки изҳори кўнглумга шиятдурур.

Бириси буким, ул ики кийнахоҳ,  
Ки қатлимга қўл сундилар бегуноҳ.

Алар қатлин ойини дод этгасен,  
Бу иш бирла руҳумни шод этгасен.

Йўқ, андин манга гарчи дафъи газанд,  
Ва лекин санга бордурур судманд.

Яна, қавму хайлимга қилма инод,  
Ки дерлар аларни Каёнийнажд.

Билурмен аларда йўқ андоқ киши,  
Ки келгай қўлидин адоват иши.

Қарам айласанг борча хайлингдурур,  
Қилурлар, не хизматки майлингдурур.

Ҳабо айлама хонадони қадим,  
Ки йўқтур алардин санга ҳеч бийм.

Яна Равшанакким, қизимдур менинг,  
Буқундин нари менсизимдур менинг.

Каёний салотин нишони анга,  
Барозанда тожи Каёний анга.

Келиб салтанат баҳридин дурри пок,  
Шараф авжидин ахтари тобноқ.

Бисотингни ул шамъ бирла ёрут,  
Анинг шуғлидин хотирингни овут.

Кивур меҳр бирла шабистонинга,  
Қилиб ақд, ўлтурт ани ёпинга.

Эрур ул бузуг мазраим хўшаси,  
Манга пора бўлгон жигаргўшаси.

Харимимда сен доғи фарзанд бўл,  
Хамул хаста бағримга найванд бўл.

Ким ул дағи сендин тоғиб тўнае,  
Санга ҳосил этса жигаргўшае.

Атодин Скандарниҳод ўлгай ул,  
Анодин Каёнийнажод ўлгай ул,

Кн чун бел адолатқа чувт айлагай,  
Икмизга нисбат дуруст айлагай.

Қабул айлаб, эт хаста кўнглумни шод,  
Кн эмди қилур вақт эрур хайрбод!»

Скандар тўкуб ашқу торғиб нафир,  
Деди: «К-ей шаҳаншоҳи гардунсарир!

Итоат йўлинда нузул айладим,  
Неким ҳукм қилдинг, қабул айладим.

Умид улки тавфиқ бергай илоҳ,  
Кн руҳинга қилгай мени узрхоҳ!»

Эшитган чу мундоқ қабул этти сўз,  
Дегон чуи эшитти бу сўз, юмди кўз.

Акал шомн тоғи йўқ агар бўлса фош,  
Кн баҳман кунга уёқти қуёш.

Адам бўлди қонуни Луҳросбий,  
Нигун бўлди ойини Гуштосбий.

Бўлуб тийра Кайхусрав ойини чароғ,  
Сибвуш ўти бағрига қўйди доғ.



Унут бўлди Ковус ёди дағи,  
Бал овозан Қайқубодий дағи.

Манучеҳр руҳига тушти жазаъ,  
Фаридун равонига етти фаззаъ.

Чу Дороин даҳр этти жондин сүтүх,  
Скандари жаҳондори дорошукух.

Солиб маҳди шоҳона ичра танин,  
Қаёний маҳофа қилиб масканин.

Жудо айлади разм майдонидин,  
Ариг айлаб ул гард ила қонидин.

Толиб равзасон дашти мийнуспришт,  
Олиб сабзасидин насими бихишт.

Тушургуб ҳамул сабза узра сипоҳ,  
Фалак сабзасидин ўтуб боргоҳ.

Ҳамул боргоҳ ичра тушган замон,  
Қилиб қатлдин элга ҳукми амон.

Кетур соқий, ул майки, жоне топай!  
Ғам ичра ўлардин амоне топай.

Ки гар давр оғу берди Дороға бот,  
Скандарга ҳам бермас оби ҳаёт.

Муганний, бугун нагмаи чанг туз,  
Вале наъҳа соз айлаб оҳанг туз.

Ки дардимға тортиб фиғон йиғлайин,  
Даме, ўйлаким, шиша қон йиғлайин.

Навоий, жаҳонға вафо йўқтурур,  
Анинг даъбу расми жафо-ўқтурур.

Вафо айлаб онинг вәфосин унут,  
Наво истасанг бенаволиғин тут.

## XXVIII

*Зобитаи русуми шоҳийдаким, корхонаи илоҳийдин на-  
мудордур, анингдекки, ул боргоҳда хоҳ малоик хайли,  
хоҳ русул маъшари, хоҳ авлиё гуруҳи, хоҳ сойири нос  
жамоати алоқадри маротибихим ҳар бири ўз ерида мурат-  
табдур, бу коргоҳда ҳам ҳамул дастур била бўлса яхши-  
роқ сурат, балки заруратдур*

Керак қилса, улким тилар шоҳлиқ,  
Синаҳ борча ҳолидин огоҳлиқ.

Яқин билса тузганда пироясин,  
Риоят чоғи ҳар киши поясин.

Улуққа улуқча ато айласа,  
Кичикка кичикча саҳо айласа.

Ким этса васатлиқ йўлинда зуҳур,  
Анга тузса ойини «хайрил-умур».

Не тутса улуғни қошида кичик,  
Не қилса кичикни улуғ чарғалик.

Бу қонун била бўлса ойин анга,  
Тоғиб кишвару мулк тағйин анга.

Ишида кўруб фаррух анжомини,  
Олур салтанат амридин комини.

Не шаҳким, анга мундоқ эрмас тузук,  
Тузуклук нечук келгай андин, нечук.

Анингдекки тифл истабон инбисот,  
Чу шатранж ўйнарга ёйса бисот.

Не ўйнорини билса, не тормагин,  
Не олмоғини билса, не бермагин.

Олиб қўйса байдақни шаҳ ёнида,  
Яна пил қўйса руҳ айвонида.

Бу ойин била берса ҳар бирга ер,  
Ўзунг де, хирад аҳли они не дер?

Бу ўюни анинг нечаким чекса кеч,  
Эрур ҳеч, балким эмас даги ҳеч.

Эрур ит сафолига қўймоқ сомон  
Ҳамону, сўнгак отқа солмоқ ҳамон.

Бўрига киши туъма қилса қўзи,  
Ўзига бало ҳосил айлар ўзи.

Қориндин деса шер топсун наво,  
Бу иини даги ақл кўрмас раво.

Ким истар қорин бирла арслонни тўқ,  
Ёрар топса фурсат анинг қорини-ўқ.

Муносиб эмас тоз бошига тож,  
Тумога нутуқчига не эҳтиёж.

Не сунгургаким тез парвоздур,  
Мурассаъ тумога хануз оздур.

Эшак олида заъфарон хўб эмас,  
Ки подонга зарбафт марғуб эмас.

Йилонни киши тутса саркўфта,  
Балодин қилур ўз йўлин рўфта.

Ва гар берса ўз жайби ичра маҳал,  
Ўзи қатлигадур таноби ажал.

Йилон жайб аро солмоқ этма ҳавас,  
Ким охир йилондур бу — тасбиҳ эмас.

Эшик ит еридур, гар олсун бўри,  
Мушукка мақом ўлди уйнинг тўри.

Гар ул дашт сайдини айлар фигур,  
Ва лекин бу уй сайдин айлар шикор.

Не имконки саъй айламакдин киши,  
Алар айлагай бир-бирининг иши.

Анга ўз ерида керактур хуриш,  
Муиға доғи ўз ўрнида парвариш.

Киши яхши боқса, зарурат чоғи,  
Керакликдурур бу доғи, ул доғи.

Яна бир дағи турфа суратдурур,  
Ки шаҳ билмак они заруратдурур.

Буким, тутса ҳар кимса таврини пос,  
Фаросат била бўлса жавҳаршунос.

Кўруб лаъл, ахгар гумон қилмаса,  
Ҳам ахгарни гавҳар гумон қилмаса.

Жудо қилса хармуҳра феризадни,  
Бутун чини ўлса синуқ кўзадни.

Эрур лек бу ништа душворлиқ,  
Ки бор даҳр эли бир намудорлиқ.

Кўрунур бори одами одами,  
Мушобиҳ нечукким синехр анжуми.

Бу бирга нуҳусат продатдурур,  
Яна бирга нури саодатдурур.

Киши бўлса ҳам, филмасал, тавъамон,  
Бўла олур ул яхшино, бу ёмон.

Китобатда бирдекдур алфу алиф,  
Ҳисоб ичрадурлар баса мухталиф.

Биёбонда ўлуб қуругон кашаф,  
Эрур хайъат ичра нечукким садаф.

Эрур лек бу бирда дурри ятим,  
Яна бирда бир неча азми рамим.

Эрур нахлдек шамъу муз шушаси,  
Мунунг ўт, анинг сувдурур хўшаси.

Ушоқ қанд ун-тузга монанд эрур,  
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

Ҳумо дағи бор, ўйлаким, қарқасе,  
Вале бор арода тафовут баса.

Вале шаҳга нури фаросат керак,  
Шуносонинг ичра киёсат керак.

Ки кимсондин олтуини фарқ айлагай,  
Қизил тобадин кунини фарқ айлагай.

Ва гар бу басиратдин ўлса йироқ,  
Ўқуш имтиҳон қилгани яхшироқ.

Ва гар илгига тушти донишвар эл,  
Фунун ичра оройинини кишвар эл,

Керактур алар бирла навъи маош,  
Ки хотирлари топмагай кўн харош.

Йўқ улким карам кўргаю бас киром,  
Керак рози андин хавосу авом.

Агар шоҳдин халқи хурсанд эмас,  
Адув қасди қилса хирадманд эмас.

Не душмангадур тиг чекмак фани,  
Ким ўз хайлидур сарбасар душмани.

Зафар, ўйла, шаҳдин канор айлагай,  
Ки хайлини душманга ёр айлагай.

Агар йиллар элдин мадоро бўлур,  
Зарурат чоғи ошкоро бўлур.

## XXIX

*Султон Абу Саид Кўрагон наввара марқадаҳу ҳи-  
кояткиким, ройи уқдакушойи била кўп мамлакат олди ва  
тиғи умрфарсойи била кўп элга ошуб солди ва лекин  
сипоҳи рози эмас эркандин иш вақти борча қўзғолди  
ва ўзи аъдо аро маҳлакага қолди, балки хасм ул сараф-  
розининг тиғи кин била бўйнини чолди*

Шаҳеким иши хурдадонлиг эди,  
Лақаб отига Кўрагонлиг эди.

Хуросон била Мовараннаҳр анинг,  
Булардин даги бошқа кўн шаҳр анинг.

Олиб мулки Хоразму Кирмонгача,  
Яна Конигардин Синоҳонгача.

Бўлуб Зобулситону Қобулситон,  
Баҳори мурутидин гулситон.

Олиб даҳр аро беадад мулку шаҳр,  
Бўлуб салтанат ичра доройи даҳр.

Солиб донишу пухта тадбирлик,  
Бошига ҳавойи жаҳонгирлик.

Гар онсиз сипоҳига берди ҳужум,  
Юруб қилгали фатҳ Табризу Рум.

Ҳунар кўп бериб оламул-гайб анга,  
Вале бор эди бир ажаб айб анга,

Ки махзан йигорға солиб майлини,  
Тутар эрди танқис ила хайлини.

Ул андешадин кўнгли хурсанд эди,  
Сипаҳ шоҳдин норизоманд эди.

Чу чекти сипаҳ ул навоҳийга шоҳ,  
Навоҳий шаҳи дағи йиғди сипоҳ.

Мамоликка юзланмасун деб халал,  
Чиқиб ўтру изҳор қилди жадал.

Қотиглаштилар ишда ҳаддин фузун,  
Адоватнинг айёми чекти узун.

Чу шаҳдин сипоҳ эрди озорлик,  
Замонеки юзланди душворлик.

Бузуб ҳар тарафдин сипаҳ шоҳни,  
Анга айлабон чийра бадхоҳни.

Йўқ улким қочиб, шаҳга бедод этиб,  
Ки бориб адувенга имдод этиб.

Анингдекки доройи гардунсарир  
Адув илгига бўлди зору асир.

Фалак чунки бемехрлик қилди фош,  
Фуруб этти ул навъ равшан қуёш.

Аодиси қасд айлабон жонига,  
Қилич лаългун қилдилар қонига.

Не шахдинки атбой хушнуд эмас,  
Пушаймонлиги иш чоғи суд эмас.

Сипаҳдин жудо шоҳ эрур бир киши,  
Не бўлғусидур бир кишининг иши.

Қурур чун гулситондин айрилди гул,  
Ки бир луқма этдур бадансиз кўнгул.

Анингдекки хушдур сипаҳ бирла шоҳ,  
Ҳам андоқдурур шоҳ бирла сипоҳ.

Шаҳу хайл маъшуқу ошиқ керак,  
Не ишким қилурлар мувофиқ керак.

Жаҳон олмоқ осон сарукур эмас:  
Вале иттифоқ ўлса душвор эмас.

### XXX

#### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким,  
соҳиб рой тааққул била иш бикри юзидин ниқоб  
очқондин сўнгера нега висолидин ком топмас ва  
анинг жавоби*

Яна қатла доройи гардуншукух,  
Деги: «Кей ҳақими Филотуншукух!

Кишида не феълеки мавжуд эрур,  
Ки андин зиён — буд, ё суд эрур.

Чу феълига боқса тааққул била,  
Натijasин англар тааммул била.

Билурким, тама айлар элни залил,  
Қаноатқа иззу шарафдур далил.

Эрур шоҳ ишига доғи бу қиёе,  
Ки чун бўлди беҳбудига раҳшувос,

Ки мақсад топар эл ризоси била,  
Турар кўп халойиқ дуоси била.

Тилар воқеан ишда ўз судини,  
Қилур орзу кому беҳбудини.

Недин бас қилиб тарки ройи савоб,  
Қилур нохуш афъолни иртиқоб,

Ки андин етиб шавкатига шикаст,  
Бўлур зери дастига ул зердаст?»

Деди кордон фикрин айлаб амиқ:  
«Ки бу сўз аро нуктаедур дақиқ.

Кишиким биллик баҳрига топти тавр,  
Бу сўзнинг жавобин деди неча тавр:

Бир улким, киши ақлин этса ҳакам,  
Салоҳу фасодин топар бешу кам.

Салоҳин анинг табъи айлар писанд,  
Билур қилса бўлгусидур судманд.

Вале қилмоғи нафсига шоқ эрур,  
Сухулат сари нафс муштоқ эрур.

Қачон нафс ўз комин этти ҳаво,  
Қилур элни кўп нафъдин бепаво.

Яна кимса ҳар ишга мажбул эрур,  
Ҷибиллий хисолига машгул эрур.

Тониб иш салоҳин ёмондур демас,  
Анга лек биттабъ марғуб эмас.

Тилар қилмоғига ўзин бахтиёр,  
Эрур лек қилмасда беихтиёр.

Яна бир қилиб фикр ахтарпараест,  
Қавокибга қилди ани борбаст,



Ки гар ёр эрур ахтари толеъи,  
Қилур, ўйла, ишким эрур нофеъи.

Китобатки шугледурур бас нафсе.  
Биров истаса ўзни мусхафнавие.

Агар толеъида юз иқбол эрур,  
Аторид вале анда бадҳол эрур.

Китобатқа саъйи этса то жони бор,  
Қаламзан бўлурнинг не имкони бор?

Бу уч сўзга бу навъ бўлди насақ,  
Вале улча дерлар будур аҳли хақ.

Ки гар аҳли масжид эрур, гар кўништ,  
Неким топти қисмат кўни сарнавишт,

Неча айласа фикру тадбир анга,  
Йўқ имкони қилмоққа тағйир анга.

Қаю ройким топти они савоб,  
Бўла олмади шуглига комёб.

Жиҳат будур, улким тилар важҳи рост,  
Ки йўқ эрмиш ул ишда тенгрига хост,

Гар иш фикрини топти тадбир ила,  
Бу тадбири туз келди тақдир ила.

Ҳам эрмас анинг рою тадбиринин,  
Ки ул ҳам эрур тенгри тақдиридин.

Ҳамул хайлким аҳли таҳқиқ эрур,  
Бу иш ул эл олинда тавфиқ эрур.

Муваффиқ букун сенсен, эй покзод!  
Ки ҳар кун бу тавфиқинг ўлсун зиёд!»

Ҳаким ўлди бу навъ чун нуктасанж,  
Насиб ўлди ул нуктадин шахға ганж.

Хамуш ўлди жонини равшан қилиб,  
Бу сўз бирла кўнглини махзан қилиб.

### XXXI

*Искандарнинг Доро мамоликига мулкрон бўлуб, кунуз ва хазонидин меҳр ва саҳобдек зарнош ва дурафшонлиқ қилиб, сипоҳ ва раиятни ул эҳсонлардин обод этиб, олам мамолики шохларин тиларга элчилар йиборгани ва алар борча анинг амрига инқиёд қилиб, Кашмир шоҳи номувозиқ офсун ўқуб, Ҳинд ройи бозгуна жавоб бериб, Чин хоқони чин сўздин қошига чин солғони*

Рақам айлаган бу зафарномани,  
Адо буйла қилди бу хангомани.

Ки бўлгоч Скандарга мундоқ зафар,  
Адувсига даргоҳи бўлди мафар.

Гуруҳеки Доропараст эрдилар,  
Анинг ҳукмига зердаст эрдилар.

Чу Доро иши бўлди эл ичра фош,  
Анинг олиға қўйдилар барча бош.

Йироқ мулклардин вале келган эл,  
Батан азми қилдилар андоқки ел:

Салотини Сақлобу Машрик замин,  
Не Хоразму, не Ҳинду, не мулки Чин.

Ҳамул қунки қочмоққа майл эттилар,  
Таваққуфсиз ўз мулкига кеттилар.

Скандарга чун фатҳ бўлди қарин,  
Тошиб шавкат андоқки шерн ғарин.

Бийик тахт узра мақом айлади,  
Васият ишига қиём айлади.

Бурун шох Дорога тутти азо,  
Бўлур янглиг ул навъ шаҳга сазо.

Тутуб сўт эъзозу тамкин била,  
Қилиб дағи шохона ойини била.

Басе зор йиғлаб анинг ҳолига,  
Анинг ҳолига йўқ, ўз аҳволига,

Ки иш бошига тушти беҳад улуг,  
Неча иш улуг, ишчиси қайғулуг.

Тоғиб чунки Доро ишидин фарог,  
Тутуб ики қотилини айлаб сўроғ.

Кўмуб дор учун ерга ики сутун,  
Ул икени остурди андин иғун.

Яна тийрборонга фармон қилиб,  
Аларга улус тийрборон қилиб,

Ки ҳар кимки гадр айласа шоҳига,  
Жазо будурур бахти гумроҳига.

Буюрди баданларни куйдурдилар,  
Кул эттилару кўкка совурдилар.

Яна ҳукм қилдики, доронажод,  
Қаёнким киши бўйса ғамгину шод.

Бори эмиш ўлсуники, лутфи амийм,  
Кўтарди алар кўнглидини ваҳму бийм.

Не иқтоъ аларгаки Доро қилиб,  
Скандар ҳам андоғ мадоро қилиб.

Яна қилди таъйини писандида эл,  
Бори хайл аро анжумандийда эл...

Ёзиб Равшанак наздига номае,  
Азодин суруб тийра ҳангомае.

Битиб судманд анда ҳар навъ панд,  
Ки кўп қилма ошуби посудманд.

Саодат гулидин барумандлиқ,  
Эрур тенгри ҳукмига хурсандлиқ.

Ҷаҳон боғидин гулбуи ўлса нухуфт,  
Тару тоза бўлсуи гули ношугуфт.

Садаф кўксини гар синеҳр этти чок,  
Шараф тоғини этсуи макон дурри пок.

Яна андаги элга фармон қилиб,  
Борига мавонд эҳсон қилиб,

Ким айлаб равон сарви озодин,  
Қаю сарв, хури паризодин

Кетурсунлар онинг шабистонига,  
Қуёш гулруҳин чарх айвонига.

Чу Доро васиятларин сөз этиб,  
Жаҳонгирлик шуглин оғоз этиб.

Хазойинки Доро қилиб эрди жамъ,  
Ниҳону ошкоро қилиб эрди жамъ,

Фаридуи чоғидин йиғилғон манол,  
Тониб шоҳдин шоҳга интиқол.

Анга тегруким Кайқубоди гузин,  
Жаҳон мулкига бўлди маснаднишин,

Худ андин сўнг авлодига қолди мулк,  
Чу борди бири, ул бири олди мулк.

Қаю бирки бўлди жаҳондин ниҳон,  
Яна бирга мерос қолди жаҳон.

Бирига неча ганжу махзан тўлуб,  
Яна бирга етгонда тазъиф ўлуб.

Бу фурсатқа тегруки Доройи даҳр,  
Жаҳондорлик тахтидин тонти баҳр.

Минг уч юз йил ўн тўрт олампадох,  
Ки бор эрдилар олам аҳлига шоҳ.

Хазойинки жамъ эттилар беҳисиб,  
Ҳақ этти Скаидарга борин насиб.

Қилоеъки Дорога махзан эди,  
Эшиттимки юз, дағи сексан эди.

Булар борча махзун жавоҳир била,  
Зари махфию, сийми зоҳир била.

Келиб барчадин хозину кутвол,  
Ўпуб шоҳ аёғини давлат мисол.

Хазина калидин бу бир келгуруб,  
Яна қалъа мифтоҳин ул топшуруб.

Аларга шаҳ айлаб бәсе жустижўй,  
Қилиб маҳзану қалъадин гуфтуғўй.

Бирига карам ошкор айлабон,  
Яна бирини уммидвор айлабон.

Қаю кимса ҳар қалъадинким етиб,  
Анга-ўқ ҳамул ишни тафвиз этиб.

Хазойинга ҳукм этти, лекин нухуст,  
Ки аҳли қалам айлабон бозжуст.

Тилаб дафтар ул шоҳ девонидин,  
Ки маҳзан эди жамъ, фармонидин.

Тоғиб жамъу хозиндин истаб ҳисоб,  
Агар маъл конию гар дурри ноб.

Қаю қилса дафтар юзидин қабул,  
Анга ҳукм айлаб тариқи вусул.

Яна чиқмагонини ҳисобиға рост,  
Ташаддуд била қилдуруб бозхоест.

Алар чун бори жамъини туз қилиб,  
Шаҳ олида арз этгали юз қилиб.

Чу шоҳ олида бўлди хотирнишон,  
Бу ҳукм айлади шоҳи маҳзанфишон,

Ки: «Қилсунлар ўрдуга борини нақл».  
Ки ул нақлдин қолди ҳайратқа ақл.

Равон бўлдилар ҳукм ила хайл-хайл,  
Нечукким тенгиз жониби тунд сайл.

Итоат қилиб шоҳ фармониға,  
Таширлар эди шох-девониға.

Ики йилгача, ўйлаким, корвон,  
Келур эрди шах сори ганжи равон.

Ҳисоб асраминш эрди аҳли қалам,  
Ким эрмас эди ганжнинг нисфи ҳам.

Яна деди шах, кимса таъин қилиб,  
Ки: «хозинга қолгонини тахмин қилиб,

Бериб айласунлар эшикларни руст,  
Ки тоншургай этган замон бозжуест!»

Неким ҳукм қилди шаҳи аржуманд,  
Ҳамул навъ ила бўлдилар корбанд.

Кетурган ҳисобин қилиб аҳли фан,  
Қиёс эттилар етти юз минг туман.

Деди шоҳи Дорофару Ҷамшукух,  
Ки: «Доро сипоҳидаги хар гурух,

Сипаҳдору наввобу ҳожиб анга,  
Ки девондин эрмиш мавожиб анга,

Муқаррар не эрконини арз айласун,  
Анинг фикрини шахга фарз айласун»

Чу арз ўлди неким муқаррар эди.  
Шаҳ олида асру муҳаққар эди.

Дедилар бу ҳам буйла воқеъ эмиш,  
Ки хар бир неча қатла рожеъ эмиш.

Улусқа баса ранжу таклиф ўлуб,  
Кирар эрмиш ул қўлга тансиф ўлуб.

Чу Доро сипоҳига билди бу ҳол,  
Деди лутф этиб шоҳи дарёнавол.

Ки: «Гар расм Дорога тансифдур,  
Вале бизга ул расм тазъифдур.

Музоаф,— дедиким:— Беринг ганждин»,  
Ки эл тинди бутқаргали ранждин.

Мавожиб олур тўрт юз минг киши,  
Ки чокарлик эрди аларнинг иши.

Олиб ганждин борча иқтоъини,  
Мураффаҳ бу навъ этти атбобини.

Яна ики юз минг мавожибхўри,  
Бўлуб бирга ики мавожиблари.

Улуфа бериб олти юз минг синоҳ,  
Фалак авжидин ўтқариб борғоҳ.

Мавожиб сипаҳга чу тазъиф этиб,  
Раият хирожини тансиф этиб.

Сипоҳийси ободу ҳам шод ўлуб,  
Раоёси ҳам шоду обод ўлуб.

Чу тўкти сипоҳу раиятқа ганж,  
Ангау мунга бартараф бўлди ранж.

Дедиким: «Манга ганж эмастур ҳавас,  
Сипоҳу раият — манга ганж, бас.

Агар ганж эрур баҳру кондин фузун,  
Ва гар худ хизона жаҳондин фузун,

Чу нафъе эмастур алардин гумон,  
Алардур ҳамон, тошу туфроқ ҳамон.

Агар нафъдин бўлса махзан йироқ,  
Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ,

Ким ул хора бир тош эрур безарар,  
Вале ганждин элгадур юз хатар.

Кишинингки бенафъ эрур махзани,  
Жаҳон аҳлидур сарбасар душмани.

Улус бўлса маъмур бир ганж эрур,  
Ки андин жаҳон фатҳи беранж эрур».

Скандар чу топти бу сармояни,  
Эл узра солиб лутф ила сояни.

Ўзидин қилиб рози Эрон элин,  
Жаҳон очқали руст қилди белин.

Бурун ҳикмат аҳлидин этти гузин,  
Неча кимса бориға роий разин.

Сўз айтурда ҳар бир келиб мўшигоф,  
Ҳамул торлардин бўлуб ҳуллабоф.

Қилиб тортқон чоғда тиги забон,  
Ки қилмай туман тиглиқ марзбон.

Не сўздаки саъйи ошкоро қилиб,  
Чу хасм ўлди обий мадоро қилиб.

Узун тиллари чарб дер нукта чоғ,  
Қиличдекки суртулса юзига ёғ.

Бори илмдин бори соҳиб вукуф,  
Келиб ҳар бириси жаҳон файласуф.

Ҳамул хайлдин шоҳи олий хирад,  
Килиб ҳар бирин бир сори номзад.

Бирин мулки Сақлобу Сақени сори,  
Бирин Ҳинд сори, бирин Чин сори.

Бориға рақам бўлди Байтулҳарам,  
Бирин топти Кашмир сори рақам.

Аталди бири Мисру, Бағдодга,  
Ёзилади бири мулки Навшодга.

Бериб ҳар бири нағига номае,  
Тузуб нома зимнида ҳангомае.

Бори нома мазмуни бирдек паём,  
Дилоро сўзу хотиросо калом.

Чу тахрир учун хома нўгин тузуб,  
Битик нақшнини бу сифат кўргузуб,

Ки бу нома ул тенгри оти билла,  
Ки қойимдур афлок зоти билла,



Ғадимеки, йўқ ибтидои анинг,  
Азимеки, йўқ итиҳои анинг,

Ғадолар замирининг огоҳи ул,  
Шаҳаншоҳларнинг шаҳаншоҳи ул.

Қаю шаҳки доройи даврон келиб,  
Ҷанобида маҳкуми фармон келиб.

Бу шаҳликдин ани қачон қилса рад,  
Кишига жиҳат истамакка не ҳад?

Ғадоеки ҳар дам тўюб жонидин,  
Мунга дағи рўзи анинг хонидин.

Шаҳ этса анингдекки доро ани,  
Киши рад қилурга не ёро ани.

Ул авлоки андин не бўлса қазо,  
Аён айлагай борча шаҳлар ризо.

Чу бу ерга ҳақ ҳамдини еткуруб,  
Такаллум тариқин бу янглиг суруб,

Ки: «Мендинки, Искандар отимдурур,  
Ети кишвар олмоқ сифотимдурур.

Сангаким отинг келди Хоқони Чин,  
Йўқ эрса сипаҳдори Турон замин.

Муни билки, оламда буду набуд,  
Ки кавну фасод ичра тутқай вужуд.

Чу мумкин эмас кимса тадбиридин,  
Яқинким эрур тенгри тақдиридин.

Ғадоларга гар подшолиг берур,  
Ва гар шоҳларга гадолиг берур.

Берак шоҳлар кўрса беҳбуд ани,  
Ғадолар доғи билсалар суд ани.

Неғам амридин ошкородурур,  
Ибо қизгани кимга ёродурур.

Чу ҳукмидин ўлмас ибo айламак,  
Ки бор ул вужудин ҳабо айламак.

Анинг ҳукмидин ошкору ниҳон,  
Манга бўлди рўзи саросар жаҳон.

Чу ул қилди бу комга бахтиёр,  
Манга дағи бу ишда йўқ ихтиёр.

Бурун қилди иқбол қисмат манга,  
Ки ёр ўлдилар ақлу ҳикмат манга.

Отонким, эди кишвароройи Рум,  
Чу борди, манга қолди ул марзу бум.

Тошиб илму ҳикматдин огоҳлиқ,  
Таманно йўқ эрди манга шоҳлиқ.

Не ишким насиб этти файёзи жуд,  
Кишининг таманносига не вужуд.

Чу олимга ёзгондурур бу варақ,  
Мени қўймади ихтиёримга ҳақ.

Улус доғи афғони зор эттилар,  
Алар доғи беихтиёр эттилар.

Не амр этти илҳоми хотиғ била,  
Шуруғ айладим жони хойиғ била.

Бурун амри бирла тузуб можаро,  
Қилиб Зағр эли рўзгорин қаро.

Яна азм қилдим чолиб пою кўс,  
Мутеъ ўлди ҳукмумга Бартосу Рус...

Яна озим ўлдум чу қилмай даранг,  
Насиб ўлди ҳақдин диёри Фаранг.

Чу саъйим яна ошкоро бўлуб,  
Асри кафим шоҳи Доро бўлуб.

Сарафроз этиб бахти сармад мени,  
Ҳақ этмиш бу янглиғ муайяд мени.

Қою биргаким толеъим қўйди юз,  
Бор эрди алар менча ўн, балки юз,

Чу ҳақ амридин зоҳир эттим набард,  
Алардин чиқордим фалак узра гард.

Бўлубдур бугун мулки Эрон манга,  
Бори шоҳлар бандан фармон манга.

Гуруҳеки Дорони англаб рафеъ,  
Бўлуб эрдилар буйругига мутеъ.

Бори даргаҳимга нузул эттилар,  
Келиб қуллугумни қабул эттилар.

Иноятлар эттим гумондин фузун,  
Неким эл гумон этса андин фузун.

Санга ҳам агар бахт ёвардурур,  
Яна толеънинг ёру раҳбардурур,

Қўпуб ўзгалардек жанобимга кел,  
Жаноби сипеҳр интисобимга кел.

Не амр айласам, бил каломимни хўб,  
Тобуғумда бош қўй, аёгимни ўп,

Ки борингга мен лутфу эҳсон қилай,  
Мадороу рифқ улча имкон қилай.

Сени шаҳлар ичра баланд айлайин,  
Иноят қилиб, аржуманд айлайин.

Қилай кишварингнинг мисолин рақам,  
Ки тутсуи тааллуқ санга якқалам.

Сипеҳр офатидин паноҳинг бўлай,  
Адув қилса кин, кийнаҳонинг бўлай.

Ва гар монеъи тутқон ўлса вужуд,  
Ки йўлга қадам қилмасанг хоксуд.

Қила олмас ўлсанг бу сори мурур,  
Бу иқболдин оре ўлсанг зарур,

Сенга остонбўс мамнуъ эса,  
Дегаи узр маъқулу масмуъ эса,

Ини, ўглунг ўлса иковни йибор,  
Йўқ эрса элингдин бировни йибор,

Ўи доноу соҳибхирад бўлгай ул,  
Санга нойибу муътамад бўлгай ул,

Ўи чексун келиб, мол ила пешкаш,  
Бажо келтуруб қуллуғунг бандаваш.

Неким узрунг ўлса адо айласун,  
Не комингдурур муддао айласун,

Ўи коминг саросар раво айлайин,  
Неким ваъда қилдим, вафо айлайин.

Ва гар бошласанг айламай инқиёд,  
Маозаллоҳ, ойини жаҳлу инод.

Тариқи адоват шиор айласанг,  
Залолат йўлини ихтиёр айласанг,

Не олингга келтурса чархи данн,  
Ўўрар лаҳза, кўргил ўзунгдин ани.

Мадоро хаёлнин мендин унут,  
Неким қилсам ул вақт маъзур тут.

Бу эрди мақосидки, топти паём,  
Яна сўзини қосид дегай, вассалом!»

Бу янглиг макотибе иншо қилиб,  
Яна сўзлар ул элга ифшо қилиб,

Ўи ҳар сўзга бўлса маҳал муқтазий,  
Керак бўлмаса ул маҳал мунқазий.

Ва гар ўзга айтилса сўз носавоб,  
Эрур қосиди кордондин жавоб.

Мураттаб чу бўлди битиклар борн,  
Ўзотти алар ҳар бири бир сорн.

Чу бўлди равон ҳар тараф ул русул,  
Қилурда, демакта билиб иузву кул.

Қаю бирки ҳар сори азм эттилар,  
Чу оз вақт йўл кеттилар, еттилар.

Ул ишни билиб ҳар шаҳу шаҳриёр,  
Ки бор эрди мулки анинг ҳар дийёр,

Риоят қилиб улча таъзим эди,  
Агар анда уммид, агар бийм эди.

Аларнинг тузуб хотири комасини,  
Олибон қўюб кўзга шаҳ немасини.

Ўқуб, чунки мазмундин огах бўлуб,  
Ҳамул номабар бирла ҳамрах бўлуб.

Мухайё қилиб пешкаш ё хирож,  
Яна ҳар негаким эрур эҳтиёж.

Шаҳ иқболи топмоғини яқазм айлабон,  
Бори еттилар шаҳга азм айлабон.

Магар уч кишиким, хато қилдилар,  
Азимат қилурдин ибо қилдилар.

Вале ҳар бири деди бир навъ сўз,  
Ки тутмас эди кимса ул навъ кўз.

Деди шоҳи Кашмир бевахму боқ,  
Ки оти эди Маллу ибни Мабоқ,

«Ки Искандар ар шоҳи офоқдур,  
Менинг мулкум офоқдин тоқдур.

Манга тенгри уч иш қилибдур насиб,  
Ки бўлсам забун, бўлгай асру гариб.

Бири улки, мулкум эрур бас матин,  
Жиболи рафеъу қилоғи ҳасин.

Яна турфа иш мунда найдодурур,  
Ки ҳам даври, ҳам ости дарёдурур.

Иккич улки, бор онча афсунгарим,  
Мавожиб егон барчаси чокарим.

Ки гар фитнае етса афлокдин,  
Қилур ҳар бири роиш бебокдин:

Фусун бирла юмронини шери жаён,  
Гавазини саяобатда бабри ябон.

Ки Искандар ар йиғса олам элини  
Анга эстурай, ўйла, офат елини.

Ки қўзғалгай ул хайли тонмай амон,  
Ҳамул навъким, тунд елдин сомон.

Учунч улки, гар ул бўлуб киншараст,  
Таадди била топса мулкумга даст.

Бу мулк ичра бир кўҳсоре дурур,  
Бийик тоғ уза бир ҳисоре дурур,

Мису рўйдин анга якпора жисем,  
Бурун аҳли ҳикмат ясогон тилисем.

Қозилмин бу шаҳр ичра нақбе ниҳон,  
Ки гар кирса шоҳ иш тушуб ногаҳон.

Борур йўл, уруб тоб қўрғонгача,  
Қуюн, ўйлаким, чархи гардонгача.

Қачон қилсалар бир бошини попадид,  
Яна боши хам бўлмас асло падид.

Киши ул ҳисор ичра қилгоч ватаи,  
Тилисми аро бордур ул навъ фаи,

Ки ул фаинким жустижў қилса эл,  
Ўгурлай олур хасмдин ўту ел.

Бу мулкедурур гармсер ул тариқ,  
Ки гар эсмаса эл, бўлур эл ҳариқ.

Бу мулк ичра ҳар кимсақим жоши бор,  
Чу ел турди, турмоқ не имкони бор?

Ғар үт бұлмаса хожат эрмас демак,  
Ки не навъ ұлул одамийга емак.

Эрул барча тақдир бирлап зарур,  
Бу иқлимдин ўзга сори убур».

Чу Маллу бўлуб буйла фикратнамой,  
Дебон лек Хиндустон шохи Рой,

Ки: «Искандар ул шохи олийсарир,  
Эрурмен не хукм этса фармонназир,

Ва лекин чу Доройи гетипанох,  
Ки онинг сори чекмиш эрди синох.

Битиб нома юз навъ таъриф ила,  
Мени ҳам тилаб эрди таклиф ила.

Сўзи нофиз эрди, дағи йўл йироқ,  
Керак эрди бир-ики йиллиқ яроқ.

Олиб мулкдин ики йиллиқ хироқ,  
Черикка бериб ончаким эхтиёж.

Чу еттуқ анинг жору булжорига,  
Шахи Рум эли бирла пайкорига.

Ани худ шаҳ иқболи паст айлади,  
Ажал домига пойбаст айлади.

Адувдин чиқорди шаҳ иқболи гард,  
Биз ўлдуқ биёбонда водинавард.

Яроқу сипаҳ барча барбод ўлуб,  
Фалакдин ўкуш навъ бедод ўлуб.

Урушқон элимга сарафгандалик,  
Тутулгонга боштин-оёқ бадаллик.

Улус олида банда озодалар,  
Жиловда қилиб пўя шаҳзодалар.

Мен айлаб неча ой биёбонни тай,  
Етургунча бу мулку кишварга най.

Элимким, бўлуб қатлу яғмога туш,  
Келиб ўн улушдин буён бир улуш.

Тушуб мулкум элига бас турфа ҳол,  
Қи гоийб тошиб, ким не айлаб хаёл.

Қаро ранг аслий дема эл аро,  
Қи бу мулк мотамга кийди қаро.

Демонким, эмасмен Скандарнараст,  
Тушубтур манга лек мунча шикаст.

Анинг ҳукми бошимгау жонима,  
Вале зулмдин кирмасун қонима.

Бугундин ики-уч йил ўтса замон,  
Юз урса бу кишварга амну амон,

Тошилса буюргониға дастрас,  
Манга доғи бор они кўрмак хавас.

Ики-уч йил ўтмайки таклиф этар,  
Манга беҳад андин малолат этар.

Эвурмас агар лутф этиб бу варақ,  
Кўрай қар неким олима ёзди ҳақ.

Анинг амри ҳукми қазо худ эмас,  
Худованд бўлса худо худ эмас.

Чу мен мунча туттум сўзи хурматин,  
Керак ул доғи асраса иззатин».

Сўзига бериб Роӣ мундоқ жавоб,  
Қилиб Чин шаҳи ўзга янглиг хитоб,

Дебонким: «Скандар йиборган битик,  
Қи саммдин ачигдур, қиличдин итик.

Расулин бу сори йиборган кунин,  
Тааммул била ёзмаинштур муин.

Сипоҳим қалин, кишварим тўқтурур,  
Мешинг андин ўксуклугум йўқтурур.



Шаҳеким яна шаҳга маъмур эмас,  
Анга буйла мактуб дастур эмас.

Ёзибдур китебатда хикмағ сўзини,  
«Ҳакиму хирадмаид» дебтур ўзини.

Анинг ройиқим буйла софийдурур,  
Бу сўзлар хирадқа мунофийдурур.

Бу сўзини де олмас сипеҳри барини  
Ки: «Келсун жанобимга Хоқони Чин!»

Неча қилса Доро жаҳондорлиқ,  
Аромизда воқеъ эди ёрлиқ.

Мулоқот асбобини тузмади,  
Манга буйла таклиф кўргузмади.

Скандарини Доройи соний тутай,  
Жаҳон мулкчининг шоҳи уни тутай.

Анга қолди гўё бу маъни ниҳон,  
Ки Чин кишваридур яна бир жаҳон.

Йигитлик анга сўзга берди шитоб,  
Жавобида мен айламон изтироб.

Агар номасин ул ёзибдур ирик,  
Вале мен ирикликка урмон илик.

Гар ул қилса Доро киби ёрлиқ,  
Сўзига қилурмен харидорлиқ.

Хаёли агар мундин афзун эса,  
Битик ичра ёзгон киби сўз деса.

Таманносида бўлмаса эътидол,  
Ишим йўқтурур, гайри кину жидол.

Демонким, анинг сори азм айлагум,  
Қаю ердаким деса разм айлагум.

Вале келса бошимга тортиб чериқ,  
Кириб шаҳримга чекмоғумдур эшиқ.

Синаҳдин ёйиб чархи гардунга гард,  
Чиқиб рўбарў айлағумдур набард!»

Скандар жанобига айлаб нузул,  
Ул уч мулк шоҳи сўзни уч расул,

Бу дастур ила ибтидо қилдилар,  
Туғангунча бир-бир адо қилдилар.

Не шаҳларки, келдилар олинга бот,  
Аларга қилиб асру кўн илтифот.

Неча қатла шоҳона мажлис тузуб,  
Маю руд бирла тараб кўргузуб.

Неча май била кўнгли ишратфизоӣ,  
Ул уч мулк бобида фикратнамоӣ.

Тараб базмида айни ўлуб нешаси,  
Вале кўнглида азм андешаси.

Ва лекин чу ёқин етиб эрди қиш,  
Черик шоҳлар қиш қуш чекмамиш.

Чу қишлоқ иши кўнглида эрди жазм,  
Қаробогӣ Аррон сори қилди азм.

Аёқчи, унут бир дам андишани,  
Аёқ ичра қилгил иигун шишани.

Даме солмағил шишадек юзга чин  
Ки азм айлағум Хинду Қашмиру Чин.

Муганний, дегил хиндуйи рехта,  
Анга сеҳри Қашмири омехта.

Мен ичганда чиний аёғин олиб,  
Дегил савт олимда чиний чолиб.

Навий, сумур бодаи жонфизоӣ  
Ки, қолмиш не Маллу, не Хоқон, не Рой.

Бу маъни хати даври соғардадур,  
Алардин дема, сўз Скандардадур.

Йўқ, Искандари оламорода баҳс,  
Эрур балки Хизру Масиҳода баҳс.

### XXXII

*Ҳиш таърифидаким, тунд ели кўнгли ҳасратлиқ ушшоқ  
совуқ оҳидин нишона кўргузур ва совуқ замҳарири ичи  
ўтлуқ бедиллар кофурбор нафасидин фасона айтур ва  
тахта музеким, мармар тошидин дам урар ва чопқуни  
дурбошиким, жаҳонни барҳам ва бу фаслда фалакваш оқ  
уйким, қуёшдек шуъладин, балки шуъладек бодадин рав-  
шан бўлғай ва анжуман бир қуёшюзлук баҳори нозпарвард  
гулъузоридин гулшан*

Керак базм аро ўту май бўлса дай,  
Май андоқки ўт — ўт анингдакки май.

Анинг манқали шийра тазйин келиб,  
Мунунг шийраси манқалойин келиб.

Мунунг юзида май бати лаъли ноб,  
Ичинда анинг бурдоғон бат кабоб.

Анинг шуъласи уйни гулшан қилиб,  
Мунунг ламъаси кўзни равшан қилиб.

Ани дам-бадам ёндуруб дилкаше,  
Муни ҳар дам айландуруб маҳваше.

Анга дуд ўрнига тарвиҳи уд,  
Бу солиб димоғ ичра ҳар лаҳза дуд.

Анинг ахғари кони гавҳар бўлуб,  
Мунунг лаъли бир пора ахғар бўлуб,

Вале базм юз бошлиг оқ уй аро,  
Оқ уй тоши — тун мушки бирла қаро.

Вале мушк уза абри кофурбез,  
Жаҳон узра якдаст кофуррез.

Оқ уйга эшик руст, тунглук доғи,  
Бўлуб кўрага эв даврига тўк доғи.

Муғаннийлар айлаб навосозлиқ,  
Муоширлар айлаб сарандозлиқ.

Не май, элни ҳар шўх бир ноз ила,  
Йиқиб гамзан новақандоз ила.

Кўнгулда биридин ниҳонн наме,  
Ҳаёли била ўзга бир оламе.

Чу май они беихтиёр этмайин,  
Ул андуҳини ошкор этмайин.

Вале чун қилиб бода торожи ҳуш,  
Бўлуб ўтрудин моҳваши боданўш.

Мунга дам-бадам ул қадах аччиги,  
Қадахдек солиб аччиг-аччиг йиги.

Не боқмай анга умридин баҳраси,  
Не боқмоққа онинг сори захраси.

Келиб ногаҳ ул шўхи худрой анга,  
Қадах тутса юз ноз ила, вой анга!

Ичиб бодани қўйса олига бош,  
Қиёматқача бош кўтармаса кош!

Гар ўлса дема марг сонн ани,  
Ҳаёти, дегил, жовидоний ани.

Ўзидин кетиб ошиқи майпараст,  
Йиқилди чу ҳар кимса бир ерда маст.

Сабухий чоги кўз очиб моҳваш,  
Хумор этгали дафъ, ўлуб журъакаш.

Яна ёқибон шамъу мажлис тузуб,  
Ятимопа кўп шевалар кўргузуб.

Кўзи айни махмурлуг ичра маст,  
Майи лаълидин мастлар майпараст.

Қаро бўркин эгри қўюб бошига,  
Етиб бир қироги қаро қошига.

Қўзи пўстин ичра пинҳон бўлуб,  
Ҳамал буржида меҳри рахшон бўлуб.

Қиёс этмайини даври лайлу паҳор,  
Анингдек қиш ичра, муниунгдек баҳор.

Бу ҳайъат била ошиқи бошига,  
Келиб ноз ила ўлтуруб қошига.

Қудогин тутуб, тортиб уйготқали,  
Кўз очқоч туман ноз ўқин отқали,

Масиҳоваш алқисса юз дам тузуб,  
Кеча андоқ ўлтурганин тиргузуб.

Чу ошиққа ул руҳ этиб илтифот,  
Масиҳ илгидин топиб оби ҳаёт.

Масиҳо дамидин анинг жон топиб,  
Хусусан яна оби ҳайвон топиб.

Ики журъадин, ўйла, мастон бўлуб,  
Ки базм аҳлига ҳарфи дастон бўлуб.

Дема маст, мажнуни беҳол де.  
Жунун ичра ошуфта аҳвол де.

Ҳарорат чу голиб бўлуб бодадин,  
Жунун ортибон ул паризодадин,

Қилиб ваҳмким ишқи девонасоз,  
Анга қилмагай ногаҳ ифшоин роз.

Қўпуб, даги уйдин чиқиб ташқари,  
Уруб телбалардек қадам ҳар сари.

Жаҳонни кўруб қор ичинда ниҳон,  
Кўрунуб кўзига яна бир жаҳон.

Ҳамар тигидин сарсар андоқ эсиб,  
Ки ҳар ерга тегса пичокдек кесиб.

Сулар муздин андоқ бўлуб сангбаст,  
Ки тош урсалар мумкин ўлмаи шикаст.

Қуёш чашмаси бир қадаҳ муз бўлуб,  
Сочилгон бори қатра юлдуз бўлуб.

Фалак сабзасида қолиб ёшуруп,  
Назарга бўлуб зоҳир ўлгонда тун.

Қўрунмай қуёш партави нурлуқ,  
Бориб таъидини доғи маҳрурлуқ.

Ел осибидини халқ юз боғлабон,  
Нафаснинг тафи шуша муз боғлабон.

Уруб қуш ўзини ўтқа девопадек,  
Ва ё шамъи сўзонга парвопадек.

Дегил дуддини шуъла дом этти фош,  
Шарарлардини ўлди анга донанош.

Тўлуи ойга кўк бўлгуча юз тўнгуб,  
Фалак баҳри нили доғи муз тўнгуб.

Эмас оқ булут чарх жавфида туз,  
Ки андин синиб тунити бир пора муз.

Чу дай хони ел хайлидини уни солиб,  
Чаман кишварни сори чоққун солиб.

Шажар хайлини, ўйла, томон этиб,  
Ки боштин аёгини урэн этиб,

Қилиб ўзларини ўртамак мултамас,  
Саросар ўтун бўлмак айлаб ҳавас.

Гумон айлабон шуъла кўргач тазарв,  
Қилиб даврида ларза шамшоду сарв.

Бўлуб момугу тук аро эл ниҳон,  
Ҳамул навъким қоқум ичра жаҳон.

Ёпиб эл қулоғларини икки китиф,  
Қўюнларда қўллар бўлуб муътакиф.

Кишиким қилиб ҳайя наззораси,  
Гумон айлабон пайса ни пораси.

Бориб заҳрию урмайини тобу печ,  
Анинг заҳрини айлаб ҳаво заҳри ҳеч.

Ўт устида маҳвашлар айлаб хужум,  
Қўёш теграсида печукким нужум.

Чу соргартиб элни насими сабо,  
Бўлуб ул сомонларга ўт қаҳрабо.

Насим айлагач бирка сори шитоб,  
Қилиб борча сиймобни сийми ноб.

Балиғлар бўлуб дай наҳангига қут,  
Тонг эрмас наҳангики, қут этса ҳут.

Чу баҳман сипоҳи тузуб анжуман,  
Ер Исфандиёрни қилиб Рўйинтан.

Бу Исфандиёр айлабон чун ситез,  
Солиб олам аҳли аро рустхез.

Совуғ шиддатидинки кўзлар қотиб,  
Анга қавс ҳардам балорак отиб.

Назарга келиб булғажаб оламе,  
Ҳаводис слидин жаҳон дарҳаме.

Ул ошуфта наззора қилгоч бу ҳол,  
Қилиб дай сипоҳи ани поймол.

Ул уйдин чиқорга жиҳат кўрмайин,  
Бажуз қайтмоқ маслаҳат кўрмайин.

Қириб базм анбарсириште тоғиб,  
Қочиб ул томугдин беҳиште тоғиб.

Анга ҳурзоде тутуб кавсаре,  
Ки ул сув уруб жонига озаре.

Чу бир ратл нўш айлабон маст ўлуб,  
Ки соқий аёғида-ўқ паст ўлуб.

Бошиким бўлуб ёр аёғига паст,  
Етиб чархи гардунга андин шикаст.

Қаю кимсаким топса мундоқ мурод,  
Ўқусун ёмон кўз учун «ин якод».

Печа анжуман жапнатосордур,  
Томуғдур агар кимса беёрдур.

### XXXIII

*Мажнун ҳикоятким, қиш кунининг узун қоронгу  
туни Лайли зулфининг мушки исин ел қорвонидин  
истимом қилиб, гом урар эрдиким, бахт машшотаси ул  
сарриштаи муродни илгига берди*

Эшиттимки, Мажнун шўридахол,  
Ки дашт узра сойир эди моҳу сол.

Таку тоз эрди қишу ёз анга,  
Қишу ёз эрди таку тоз анга.

Чу ёз ўлса води томуғдин нишон,  
Ки хуршид ўлур эрди оташфишон.

Анга воя эрмас эрди сояе,  
Ки топмас эди соядин вояе.

Ва гар қиш ҳавоси тўқуб замҳарир,  
Ки бард айлар эрди бақамни зарир.

Ҳам этмас эди азм маскан сори,  
Исинмоқ учун майл гулхан сори.

Бори майли ул ёнки Лайли эди,  
Қаён Лайли, ул сори майли эди.

Хабар ҳар қаён топса маҳбубидин,  
Чекиб нола жони пур ошубидин.

Урар эрди елдек анинг сори гом,  
Сабо гул сори айлагандек хиром.

Магар бир қиш эрмиш багоят совуқ,  
Ани пўя Лайлига қилмиш ёвуқ.

Димогига бермиш сабо ёр исин,  
Анингдекки, булбулға гулзор исин.

Бу ҳолатда гўё қаро тун эмиш,  
Анинг олидин елу чопқун эмиш.



Нигоридин ул неки топиб машом,  
Юмуб кўз, урар эрмиш ул сори гом.

Етишган замон ёр уйи қошига,  
Ҳамон урунмиш эшик бошига.

Очилгоч эшик, уйга кирмиш юруб,  
Магар уйга кирмак будур бош уруб.

Кўз очиб кўрар, уйда Лайли эмиш,  
Қаро тунда равшан Суҳайли эмиш.

Солур ҳайрату шавқи жонига тоб,  
Қилиб бетаҳаммуллуқ они хароб.

Қўюб Лайли олида туфроққа юз,  
Юмар сўнгра кавнайиндин икки кўз.

Ани ҳужрада Лайли айлаб ниҳон,  
Ки фаҳм этмагайлар эле ногаҳон,

Киши ҳуш таркида бу навъ ком  
Топиб, истаса ҳуш — бўлсун ҳаром.

Эрур ишқ аро буйла аъжубалар,  
Ки беишқ билмас бу мансубалар.

Навойига, ёраб, қарийб эт ани,  
Қарийб эттинг эрса, насиб эт ани.

## XXXIV

### ҲИКМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, шито  
фасли брудат касратидин ва ёгин шиддатидин мужиби  
паршонлиқ ва боиси бесомонлиқдурур, халқ анга нев-  
чун роғиб ва табъ анга нега толибдурур ва ҳаким жавобқа  
огиз очмоқ ва ҳикмат саҳобидин дурад сочмоқ*

Яна қатла доройи дарёнавол  
Деди: «Кей ҳакими Масиҳомисол,

Шито фаслида кўп суубатдурур,  
Ки инсонга андин уқубатдурур.

Бири елки, элини қилур дардинок,  
Бири барди муфритки — айлар ҳалок.

Яна замҳариру узун тун дағи,  
Қўшулса елу қор, чоңқун дағи.

Фалак ерга бу навъ ўлур фитнарез,  
Ки андин керак табъ қилгай гурез.

Недин қишқа кўнрақдурур толиб эл,  
Анга ёздин ортуғ бўлур роғиб эл.

Мунунг ваҳшатиға чу бор иттилоъ,  
Ҳаросон керак эрди мундин тибобъ».

Деди, ҳикмат ойини ахтаршунос:  
«Ки бу ишға бор ўзга янглиғ қиёс.

Чу қиш табъи борид дағи ратб эрур,  
Хирад мунда бу навъ рухсат берур,

Ки табъ ичра солур сабоу шитоб,  
Ҳарорат билла юбедин изтироб.

Чу юбсу ҳарорат бўлур муштаил,  
Ани бориду ратб этар муътадил.

Яна чун шабобу куҳулат доғи,  
Эрур элга айшу фароғат чоғи.

Билур эл қошида муқаррардурур,  
Ки бу қишда хушроқ муяссардурур,

Ки гар кундузи бўлса қору ёғини,  
Билур эл ганимат фароғат чоғини.

Тараддудға чун бўлди монеъ ҳаво,  
Фароғат қилур табъ комин раво.

Эрур кечаси дағи чунким тавил,  
Бу дағи фароғатқа келди далил.

Ки суҳбат муносибдурур ўтса шом,  
Ки топқай суқун уйқу бирла авом.

Анга терруким, бўлгай уйқуга чоғ,  
Рутубат қилиб касб майдин димоғ.

Бўлуб уйқуга вақтида рағбати,  
Баданининг будур мужиби сиҳхати.

Чу ул уйқудин табъ масрур эрур,  
Замон доғи бор улча мақдур эрур.

Яна ҳирфат аҳли тутуб гўшае,  
Маоши учун истаса тўшае,

Узун тунда уйқудин ўлгач амон,  
Эрур касбиниң вақти мумтад замон.

Яна илм таҳсили айлар киши,  
Агар истаса рушд топқай иши,

Ишидин анга ҳосил ўлмас фароғ,  
Емай кўп узун кеча дуди чароғ.

Ики бошта ёнса чароғи анинг,  
Тун ўртаси тингай димоғи анинг.

Яна аҳли ҳаққим, кўюб хўрду хоб,  
Қилурлар ибодатқа жаҳду шитоб.

Халойиқ кўзидин эрурлар ниҳон,  
Ки равнақлиқ эрмас аларсиз жаҳон.

Қаро туллар ул хайл тоат этар,  
Ки оламга андин ёруглуқ этар.

Бас ул тун печаким тонар имтидод,  
Ёруглуққадур мужиби издиёд.

Буким шарҳ топти печа навъ иш,  
Муяссардурур олам аҳлига қиш.

Бу ким даҳр эли қишни айлар талаб,  
Эрур они истарга мунча сабаб».

Дегач сўзни донойи бисёрдон,  
Деди «офарин» — хисравӣ кордон.

*Искандарнинг жаҳонгирлик муддаоси била азм этиб,  
Хуросонга етиб, Ҳироти сонаҳаллоҳу анил-офоти валба-  
лиётни бино қилиб, Мовароуннаҳрни олиб, Самарқанди  
бемонанд тарҳин солиб, Қашмир сори мутаважжих бўлғони  
ва Қашмирийлар сеҳри дафъига Мусо киби яди байзо  
кўргузуб, сеҳройин қалъаларин мўъжиза бирла бузуб,  
Маллунинг дағи бузулуб, тилисм қўргониға азм этгани  
ва Искандарнинг Қашмир шаҳриға кетгани*

Муарриҳки, шарҳ этти бу моҳаро,  
Бу янглиғ бўлур сўзга дастонсаро,

Ки чун қилди қишлоқ азмига шох,  
Қаробоғи Арронни оромгоҳ.

Жаҳонгирлик эрди андешаси,  
Бу тадбир эди туну кун пешаси.

Тузуб ҳикмат аҳли била анжуман,  
Бўлур эрди бу амрда роўзан.

Хаёлида дойим бу тадбир эди,  
Хаёли намудори тақдир эди.

Бу андешадин ҳосил ўлғач фароғ,  
Сипаҳ зийнатин айлар эрди яроғ.

Бериб қавму хайлига дилдорлиғ,  
Тилар эрди ҳақдин мададкорлиғ.

Чу рафъ ўлса эрди анга барча қайд,  
Бўлуб рокиб, айлар эди азми сайд.

Фароғат чоғи сайд ўлуб пешаси,  
Матофи Арас рўдининг бешаси.

Бу эрди иши токи гардон сипехр,  
Ҳамал жилвагоҳига еткурди меҳр.

Қуёш хисрави чунки топиб шараф,  
Сипаҳ тортти сабзадин ҳар тараф.

Уруб шоҳи хуршидваш боргоҳ,  
Чекиб дашт уза сабза янглиғ сипоҳ.

Тоғиб саъд соат куҳан тоқдин,  
Саодат била чиқти қишлоқдин.

Қилиб азм, қўйди Сипоҳонга юз,  
Ўтуб андин, урди Хуросонга юз.

Мунга етгуча борча Эрон замни,  
Бўлуб эрди ҳукмига зери инғни.

Хуросон ҳавосида тонти нишот,  
Мизожига юзланди кўп инбисот,

Ким ул кишваре эрди беҳад васеъ,  
Ери ўзга иқлимлардин рафеъ.

Масоҳат қилиб борча атрофини,  
Нечукким керак тоғиб авсофини.

Фазосида кўп чаппамау руд бор,  
Бори юб кўнгул кўзгусидин губор.

Яна баҳр янглиг улуғ тўрт руд,  
Ки кўк тоқига савти тортиб суруд.

Ўзи чунки жаннат намудор ўлуб,  
Сулар доғи жаннатқа анҳор ўлуб.

Алардин дедилар бирин Ҳирманд,  
Ки ҳар қатраси рафъ этиб юз газанд,

Ки анҳоридин мулки Зобулистон,  
Бўлуб зебу зийнат аро гулистон.

Сафо ичра кўзга бериб хийралик,  
Ҳамул мулкдин рафъ этиб тийралик.

Ёруқ, ўйлаким, меҳри гетифуруз,  
Бу маънидин оти келиб Нимрўз,

Бу кишварда ҳар бир гадо Ҳотаме,  
Дағи ҳар сипоҳи келиб Рустаме.

Яна бир алардин Дарижаз суйи,  
Мапофийда ул навъким — раз суйи.

Қаю раз, «шаробан таҳуро» дур ул,  
Кеча-кундуз ошоми ҳавродур ул.

Ки анҳори обод этиб мулки Балх,  
Ки андиндурур хасминг айши талх.

Ҳамуя Балхким, қилди Ҳушангшоҳ,  
Жаҳондин гузин айлабон тахтгоҳ.

Мақоми — Бироҳими Адҳам келиб,  
Ки гарди раҳи чархи аъзам келиб.

Яна бир дағи келди Мурғоб руд,  
Ки шаънида кавсардин ўлди дуруд.

Олиб заҳмати жисму ранжи равон,  
Хирад айтибон они «ганжи равон».

Бўлуб андин обод Мохону Марв,  
Ки қуштур тазарв анда, анжор сарв.

Паривашларидин бўлуб баҳраманд,  
Қилиб тахт Таҳмуриси девбанд.

Бўлуб сўнгра Санжарға оромгоҳ,  
Ки қуш кўрмай ул навъ бу домгоҳ.

Яна бир анга Чахчарон руд ўлуб,  
Ким ул руд ҳайвон суйидин тўлуб.

Ери рифъат ичра фалакдин нишон,  
Бу руд анда ул навъким қаҳқашон.

Ушоқ тошлари ахтари тобноқ,  
Латофат аро, ўйлаким, дурри пок.

Суйи хосиятда зилоли ҳаёт,  
Толиб андин ичкаи ўлумдин нажот.

Қирогийда ҳар гулбуни ахзаре,  
Бақо ичра бир Хизр пайғамбаре.

Фалакваш ерининг фазоси дағи,  
Келиб жаннатосо ҳавоси дағи.

Вале бу сифат наҳри кавсармисол,  
Ки андин жаҳон коми топиб зиёло.

Суйи қуму дашт ичра шойиъ бўлуб,  
Бориб опчаким, борча зойиъ бўлуб.

Хуросонни чун шаҳ масоҳат қилиб,  
Нечукким керак тўрт наҳрин билиб.

Дедиким, «Бу ердур жиннон гулшани»,  
Писанд айлабон хотири равшани.

Вале чунки манзури ўлғоч бу наҳр,  
Ясаб анда бир жаннатосор шаҳр.

Чу мазкур этиб аҳли дониш ҳир от,  
Писанд айламай хотири, жуз Ҳирот.

Чу бу лафзга илтифот айлабон,  
Ҳамул шаҳр отини Ҳирот айлабон.

Ҳирот ўлди алқоби Искандарий,  
Дедилар авом они лекин — Ҳирий.

Чу тўртунч иқлим эди мавқеъи,  
Бас ўлди қуёш соҳибн толеъи.

Қавокибгаким, ети тақсим эрур,  
Жаҳон мулки ҳам ети иқлим эрур.

Ангаким васат меҳри рахшон келиб,  
Мунга лек мулки Хуросон келиб.

Хуросон бадандур, Ҳирий жон анга,  
Ҳирий жон, бадандур Хуросон анга.

Ало, токи бўлгай сипеҳр узра меҳр,  
Ёруқ меҳр нуридин ўлгай сипеҳр.

Анга бўлмасун меҳр янглиг завол,  
Сипеҳр этмасун халқини ошуфтаҳол.

Чу сазъ айлабон қилди доройи даҳр,  
Бино буйла кишварда бу навъ шаҳр.

Қилур эрди манзил-баманзил мурур,  
Ангачаки Ҷайхундин этти уBUR.

Яна кишваре кўрди фирдавсваш,  
Ҳавоу суйи мисли фирдавс хаш.

Латофат аро равзадин баҳр анга,  
Вале исм ўлуб Мовараннаҳр анга.

Нединким, ики наҳр ароси келиб,  
Яқин юз йиғочқа фазоси келиб.

Оқиб ҳадди шарқида Сайхун суйи,  
Бориб ҳадди гарбида Ҷайхун суйи.

Йўқ улким анга бу ики руду бас,  
Ўн-ўн беш сув ҳар бир печукким Арас.

Бўлуб ҳар биридин жудо наҳрлар,  
Ки ҳар наҳри обод этиб шаҳрлар.

Ва лекин бу рудеки, дерлар Кўҳак,  
Ки йўқ равзанинг наҳри эрқонга шақ,

Ки ичгач тавоно бўлуб потавон,  
Гузар айлабон умр янглиг равон,

Ки андин не бир шаҳр обод ўлуб,  
Не маъмурасидин биров шод ўлуб.

Агарчи латофатда ранки Фурот,  
Бўлуб борча зойеъ, печукким ҳаёт.

Скандар чу бу мулки дилкаш кўруб,  
Фазоу ҳавосини Эрамваш кўруб.

Хусусан Кўҳак рудиким, наҳри Нил  
Эмас онча, не Нилким, Салсабил.

Яна теңридин буйла тутти умид,  
Ки ул Нил учун Мисре этгай наид.

Қилиб ҳикмат аҳли била гуфтугўй,  
Этиб шаҳр учун яхши ер жустужўй.



Ҳамул пуштаеким Кўҳак топти нем,  
Не пушта жаҳон ганжи узра тилисем.

Ушеқ тош анга лаълу инжу киби,  
Яшия сабзаси чархи мийну киби,

Ки мансуб эрур анга Кўҳак суйи,  
Нединким, эрур жори андин қуйи.

Ҳамул тўпа олинди андоқ оқар,  
Ки ошиқ — бошу ашки дер, ким боқар.

Анинг ёнида шаҳр қилди бино,  
Ки ўлтурмасун анга гарди фано.

Скандар отоди Самарқанд ани,  
Самарқанди фирдавмонанд ани.

Ани чун тугатти қилиб эҳтимом,  
Равон қилди Кашмир сори хиром.

Кесиб даштнинг роҳу бериҳини,  
Анга солгуча сояи жоҳини,

Бийик ҳиммату бахти бедоридин,  
Басе мулк фатҳ ўлди ҳар соридин.

Чу Кашмир ҳаддига қўйди оёғ,  
Падид ўлди бир чархпайванд тоғ.

Кўкартиб қамар оразин хораси,  
Солиб бўркин ерга наззораси.

Фалакка дегин, ўйла, рахшанда тош,  
Ки пардохт қилгайлар айлаб тарош.

Ики жоииби ҳар бир андоқ йироқ,  
Ки қатъига азм этмаган яхшироқ.

Бу янглиг бийик тоғ, анингдекки Қоф,  
Бўлуб чархдин ерга тегру шигоф.

Бўлуб ошкоро аросинда йўл,  
Вале ики йилмон қиё ики қўл.

Бу йўлким анга тоғ ўлуб ҳар сари,  
Келиб арзи тахмин била юз қари.

Ани аҳли Қашмир дарбанд этиб,  
Ики тоғни бир-бирга найванд этиб.

Юз эллик қари авжи рифъат анга,  
Яна мунча дағи захомат анга.

Анингдек қўюб гаж била хора тош,  
Ки ердин бўлуб кўкка якнора тош.

Темурдин ясаб анда дарвозае,  
Фалак тоқидин тоқи андозае.

Бу дарвозани уйла руст айлабон,  
Ким ул ики жузвин дуруст айлабон.

Қўпорибки ердин мадоро била,  
Камаргоҳига тегру хоро била.

Ясаб устида буржу бору доғи,  
Адув дафъин этмакка кўшиш чоғи.

Демай кимса дарбанду бору ани,  
Тасаввур қилиб ақл жоду ани.

Ичинда ики минг киши чорасоз,  
Бори ҳийлапардозу афсунтироз,

Ки дарбанди олий намудоридин,  
Яқин келмагай кимса минг қоридин.

Кишиким қадам қўйгай ул ён нухуст,  
Аёғи анинг бўлгай ул навъ суст.

Ки топмай таҳаррукнинг имконини,  
Ёмон вартада кўргай ўз жонини.

Таковар дағи қилса ул ён шитоб,  
Аёғидин итгай тавон бирла тоб.

Сипаҳ чун бу ерга етиб, лол ўлуб,  
Таҳайюрдин ошуфта аҳвол ўлуб.

Шаҳ олига қайтиб аён эттилар,  
Неким бўлмиш эрди баён эттилар.

Шаҳ этмай бу сўзларга ҳеч илтифот,  
Арасту била етти ул ерга бот.

Инонмай йироқтин намоёниш била,  
Яқин айлади озмоёниш била.

Дедиким: «Бу найранги Қашмирдур,  
Фусунгар иши, макру тазвирдур.

Керак қилмоқ андоқ анинг чораси,  
Ки бўлгай ниғун бурж ила бораси».

Черикни тушурди кейинрак ёниб,  
Юруб ҳифз учун даврига айланиб,

Чу кўнгли бўлуб жамъ, айлаб хиром  
Тушуб боргоҳ ичра, тутти мақом.

Бор эрди жанобида беш юз ҳаким,  
Алардин ўни кеча-кундуз надим:

Филотун, Арасту, Балинос ҳам,  
Яна Арашмидус, Шаминос ҳам.

Қилинмуну Волису Фарфурнус,  
Ки Суқроту Ҳурмус киби хокбўс.

Борин ҳозир этти тузуб анжуман,  
Деди анжумансози лашкаршикан,

Ки: «Бу ишки афсуни Қашмир эрур,  
Ани дафъ этарга не тадбир эрур?»

Равон ҳикмат аҳли сўз оғоз этиб,  
Тилин шаҳга бори дуосоз этиб,

Дедиларки: «Шаҳга бу иштин не ғам?  
Бу иш демали, бўлса юз мунча ҳам.

Бу дарбанд агар чархи гардон эрур,  
Иложи анинг бизга осон эрур.

Шах иқболини тенгри этсун фузун,  
Ки иқболн гар бизгадур раҳнамул.

Бу пайрангларга шикаст айллалн,  
Бийик борасин ерга наст айллалн.

Не қилгай неча жүгнийн сеҳрсоз,  
Бирн мухрадузду бирн хуққабоз,

Ки ҳикмат эли они дафъ этмагай,  
Илайдин не қилгонларн кетмагай.

Бу донишвар элким эрур раҳбаринг,  
Қаю раҳбаринг, бандау чокаринг.

Биликдин эрур ҳар бирн бир жаҳон,  
Жаҳон ҳикмати ҳар бирида инҳон.

Филотунга юзланди ул ерга иш,  
Ки жүгидин ўлгай анга сарзаниш.

Арасту нега ердин ўлмас адам,  
Ки кўргағай фусунгардин афсуну дам.

Кўп ўлса фусунози Қашмирининг,  
Биримиз бизинг бас, алар бўлса минг.

Неча бўлса чубчуққа жоду лақаб,  
Кўпидин қилур сайдгар кўп тараб.

Шаҳ ар ики кун бўлса оромжўй,  
Учунч ўлсун аъдосидин комжўй.

Қилиб ҳикмат ойиниға илтижо,  
Бузоли алар сеҳрини жобажо».

Скандар бу сўздин тарабгин бўлуб,  
Сўзи аҳли ҳикматқа таҳсин бўлуб:

«Бори амрдин — деди — маъзул ўлунг,  
Бориб бу ишингизга машгул ўлунг».

Алар қўпти шаҳни дуо айлабон,  
Неким коми эрди, раво айлабон.

Скандар қўнуб, қўйди хилватқа юз,  
Алар қўйдилар борча ҳикматқа юз.

Бўлуб анижум аҳволнга рахшунос,  
Табиатларин даги айлаб қиёс.

Неча кўрау дамни даркор этиб,  
Филиззотдин бир намудор этиб.

Қилиб мазж сиймобу қалъию рўй,  
Намудор қилдилар ул навъ гўй.

Мудаввар фалакдек мисоли анинг,  
Фалакваш ичи даги ҳоли анинг.

Ичининг халосини мало қилдилар,  
Адовийдин они тўло қилдилар.

Мураккаб неча навъ ашё қилиб,  
Ҳамул ҳуққа ичра муҳайё қилиб.

Ики суқба ичра фатила анга,  
Қилиб зоҳир ул тавр хийла анга.

Ким ул гўйини хасм боши киби,  
Ғалаг айладим, раъд тоши киби.

Фатиласинга ўтни чуст айлабон,  
Қўюб раъд ёйинга руст айлабон.

Ани отиб ул сода хоро аро,  
Ҳаводин тушургайлар аъдо аро.

Фатила борурда куюб сарбасар,  
Етиб махфий ашёга ўтдин асар.

Чу ерга тегиб руст гўйин тилием,  
Неча пора бўлгай анга салб жисем.

Ушолгоч, садо чиққай андин гариб,  
Яна шуълау риху дуди ажиб.

Уни бузгай ул сеҳр асбобини,  
Ўти очқай ул қалъанинг бобини.

Қаро айлағай дуди соҳир юзини,  
Қаророқ ҳамул фанда моҳир юзини.

Шендин ким этса муаттар машом,  
Унутқай фусуи илмини, вассалом.

Чу зебо тилсем ўлгач ораста,  
Ҳамул навъким моҳи покоста.

Бўлуб жамъ ул ҳикматойини гуруҳ,  
Фалакдин фузун ҳар бирига шукуҳ.

Қўюб шоҳи Дорофар олига юз,  
Не Дорофар, Искандар олига юз.

Тилсми ниҳонни аён қилдилар,  
Ниҳон барча рамзини баён қилдилар.

Шаҳ ул турфа ишдин басса шод ўлуб,  
Деди узрлар ҳаддин афзун қўлуб,

Қи: «Мундоқ тилсемеки саз эттингиз,  
Шуруъида не ишга мавқуф сиз?»

Чу шаҳ табъида топдилар бу ҳавас,  
Дедиларки: «Хукмунгга мавқуфу бас!»

Қўлуб шоҳу эл ичра гавго тушуб,  
Улусқа ул ишдин алоло тушуб.

Чу роқиб бўлуб қалъага қилди майя,  
Улус дағи юзланди андоқки сайл.

Юруб олида олам оғаҳлари,  
Риқобида бори жаҳон шаҳлари.

Сипаҳнинг қирогига чун етилар,  
Равон раъд асбоби саз эттилар.

Тилсми гаранмойни келтуруб,  
Ҳамул раъд ёйинга тошдек қуруб.

Чу доруға ўт етти, тутти ҳаво,  
Қилурга улус меҳнатига даво.

Бориб тушти аъдо аросиға чушт,  
Азим уи чиқорди тегиб ерга руст.

Деган тўрт иш тутти андин вужуд:  
Садоу афан, ис била ўту дуд.

Садо ботил этти фусунларни пок,  
Ўти куйдуруб қалъани қилди хок.

Фусунгар юзини дуди этти қаро,  
Иси қўймади нукта хотир аро.

Алар ичра чун тушти бу рустхез,  
Топилмас эди чорасе жуз гурез.

Қочиб бўлдилар озими пойтахт,  
Анга тегруким Маллуи тийра бахт.

Паришонлигу бенаволиг била,  
Ҳамул дуддин юзқаролиг била.

Борур чоғда минг жодуи сабзраиғ,  
Ва лекин келиб барчаси аҳли заиғ.

Бориб анда кўк қарға — зоғе келиб,  
Кетиб тўти, аммо кулоге келиб.

Ҳамул гўй отилгоч қочиб як-баяк,  
Масалдурки: «минг қарғага бир кесак».

Қиши тонимай мунда мингдин бирин,  
Алар демагунча ул иш соҳирин.

Чу Маллуга арз эттилар ҳолни,  
Алар отқон ул турфа тимсолни.

Скандар ишидин кўтарди ҳисоб,  
Ўз аҳволига топти йўл изтироб.

Қавий англади они, ўзин заиф,  
Яқин билдиким, эрмас эрмиш ҳариф.

Ҳаким олида ҳеч жоду сўзи,  
Нечукким Скандар қошида ўзи.

Адув олгоини билди дарбандни,  
Ҳамул қалъаи чархмонандни.

Яқин англадиким, хато айламиш,  
Ки шах буйругидин ибо айламиш.

Ўзини топти бебаргу ҳайрон, басе,  
Элин ҳам ваҳиму наришон, басе.

Тута олмади мулки ичра қарор,  
Даги топмади чорас жуз фирор.

Ҳамул қалъақим васфи ўтти бурун,  
Топа олмади андин ўзга ўрун.

Анинг нақбин очмоққа айлаб шитоб,  
Хазойин тошитти анга беҳисоб.

Басе бебаҳо тухфа — бори нафис,  
Ки табъ они топқай ўзига анис.

Жавоҳир фузун ҳадду миқдордин,  
Самин гавҳару лаъли шахвордин.

Авонийи сиймину заррин зуруф.  
Ки ожиз бўлуб элга андин вуқуф.

Хазойиндақим ҳар не ашё эди,  
Ки навъи тухаф ё ҳадое эди.

Борин, ўйла, қилдурди қўрғонга нақл,  
Ки эҳсосидин қолди ҳайратқа ақл.

Чу жамъ айлади кўнглини ул ҳолдин,  
Фирор этти нофаррух иқболдин.

Мақон айлади ул Қаро тоғ уза,  
Анингдекки қўнгай чибни зог уза.

Анга бўлди иш буйла суратпазир,  
Вале шоҳи Ҷамқадру Ҷоросарир.

Ҳамул дамки оттурди қўрғонга гўй,  
Ки дарбанд қилди йиқилмоққа рўй.



Деди, айлагай азм қўргон сари,  
Нечуққим наби чархи гардон сари.

Вале бермади аҳли ҳикмат анга,  
Равон азм қилмоққа рухсат анга.

Ки: «Қилмоқ бугун азм эмас маслаҳат,  
Бугун манъ қилмоққа будур жиҳат,

Ким ул дуд ила не тугансун тамом,  
Ки нуқсон тонар элга андин машом».

Эшитгач бу сўз довари қаҳрамон,  
Суқун ихтиёр айлади шодмон.

Ениб боргаҳ сори азм айлади,  
Тараб бирла оҳанги базм айлади.

Билик аҳлидин мажмае соз этиб,  
Кўн эҳсону таҳсинлар оғоз этиб.

Қилиб ҳар бирин лутфидин баҳраманд,  
Ато бирла таъзимидин аржуманд.

Чу мағрибқа отти ҳакими синехр,  
Скандар тилисми киби гўйн меҳр.

Қадаҳ бирла тийби димоғ эттилар,  
Тараб бирла майли фароғ эттилар.

Анга тегруким, гарм бўлди димоғ,  
Қўнуб, уйқудин истадилар фароғ.

Бориб табъдин ранжу фарсудалиқ,  
Бадан уйқудин топти осудалиқ.

Чу хуршид кўргузди анвориини,  
Скандар киби очти рухсориини.

Скандар очиб чеҳра хуршиддек,  
Мурод аҳлига субҳи уммиддек.

Чиқиб рахш уза, ўйлаким, Рустаме,  
Ва ё чарх уза пайири аъзаме.

Синах даги тўш-тўшдин ўлди равон,  
Агар худ тавоно, ва гар нотаваон.

Чу дарбанднинг огзига ёвушуб,  
Неча кун черик ўттилар чубрушуб.

Ўқилиб кўч-баркўч ул ён хиром,  
Ки етти ҳамул шаҳр элидин наём.

Расуле етиб хидмат этти наид,  
Бир илгида нома, бирида калид.

Хатни шаҳр аҳли савод айлабон,  
Анинг ҳукмига ниқид айлабон,

Ки: «Маллуда бўлгон замон бу диёр,  
Йўқ эрди бу қулларга ҳеч ихтиёр,

Ки қилгай эдук хизмат изҳорини,  
Аён айлабон қуллуқ осорини.

Бу дамким ани шавкатиинг қилди наст,  
Фирор ихтиёр этти, топиб шикаст.

Неча бандалиг ичра шармандабиз,  
Неким бизга ҳукм айласанг бандабиз.

Ёруг айласанг мулки вайронимиз,  
Фидодур санга мол ила жонимиз.

Ва гар бизни истарга фармон эрур,  
Борига юзунг кўрмак армон эрур.

Эрурбиз не ҳукм айласанг муфтахир,  
Бу нома жавобига биз мунтазир».

Скандар ўқугоч бититди мисол,  
Ки: «Сиз келгали бўлманг ошуфтаҳол.

Ҳамул мулкунгузда фарогат қилинг,  
Манга деб дуо, ҳаққа тоат қилинг.

Ки-мен худ келурмен шитоб айлабон»,  
Йиборди бу янглиг хитоб айлабон.

Етишгунча бу нома бирла расул,  
Ўзи даги шаҳр ичра қилди нузул.

Ясаб эрди Маллу тарабхонае,  
Тараб қилгали қасри шоҳонае.

Хамул қаср даврида бир турфа бог,  
Анга ҳар гули тоза равшан чарог.

Бийик тоқини чархфарсо қилиб,  
Бу гулшан отин «Жаннатосо» қилиб.

Ҳамул равзада бўлди шаҳ манзили,  
Тушуб шаҳр ичинда синаҳ маҳмили.

Чу бу ишни маълум этиб хосу ом,  
Бори «Жаннатосо» га айлаб хиром.

Хавоси кўруб шоҳдин илтифот,  
Тоғиб ҳар бири янги бошдин ҳаёт.

Авом олига илтижо айлабон,  
Йироқтин чекиб уни, дуо айлабон.

Шаҳ алтоф ила барчасини шод этиб,  
Бузулгон кўнгулларини обод этиб.

Қилиб ҳукминим, эл қилиб изтироб,  
Кишидин тамаъ қилмасун ришта тоб.

Бировким тамаъ риштае қилгуси,  
Анинг бирла бўғзидин осилгуси.

Бериб мулк эли лек моли амон,  
Ки андин тоғиб баҳра яхши ямон.

Раият бу бермакка хурсанд ўлуб,  
Синоҳи олурдин баруманд ўлуб.

Бировдин бировга етишмай гама,  
Кишидин киши олмайин дирҳаме.

Скандар ичиб айш учун жоми соф,  
Қилур эрди Кашмир мулкин тавоф.

Ғаройиб кўрар эрди ҳаддин фузун,  
Ки шарҳи анинг сўзни айлар узун.

Бир ул жумладин жоме эрди шигарф,  
Тўла майдин андоқки дарёйи жарф.

Ки Маллу чу солиб чиқиб мулкини,  
Қочиб қолди гўёки бир хозини.

Неча тухфа ганжидин онинг олиб,  
Чу ул қалъага азм этиб, бу қолиб.

Ҳамул тухфалар бир-биридин ғариб,  
Ҳамона Скандарга эрмиш насиб.

Алардин бири ул дурахшанда жом,  
Ичинда тўла бодаи лаълфом.

Ки ҳар нечаким ичса кам бўлмайин,  
Ича олмайин кимса, ҳам бўлмайин.

Ёзиб жом даврида таърифини,  
Қилур чоғда ул жом таснифини,

Ки оламини олгонда Ҳамшидшоҳ,  
Ким ул хисраве эрди ҳикматпаноҳ.

Неча йил йингиб ҳикмат аҳлин тамом,  
Тилисм эттилар саъй этиб ики жом.

Бирисин деди: жоми гетинамой,  
Бирисин деди: жоми ишратфизоӣ.

Чу гетинамо асру машхур эрур,  
Муни васф этай улча мақдур эрур,

Ки вазъин тилисм айлаганда ҳаким,  
Бу навъ айламинш соз табъи салим.

Ки май жозиби бўлгай ажзо анга,  
Тамом ўлмагай бода асло анга.

Неча ичсалар бўлгай ул лаб-балаб,  
Зиҳи хуш тамошо, зиҳи хуш тараб.

Агарчи печа ичса ўксулмагай,  
Вале эгри ҳам бўлса тўкулмагай.

Анингдекки, май жазби ошинг иши,  
Ола олмагай жазб қилмай киши.

Май анда ҳамул кун магар қолмагай,  
Ки оламда майдни асар қолмагай.

Скандарга чун рўзи ул жом ўлуб,  
Тузуб мажлису бодашом ўлуб.

Қилиб ҳикмат аҳли тамошо ани,  
Илиқдин даме қўймай асло ани.

Бўлуб шаҳга ул навъ ишратфизоӣ,  
Ки ёд айламай жоми гетинамоӣ.

Кетур соқий, ул жоми ёқутгун,  
Ки эл таъбида ишрат этгай фузун.

Неча бодасин ичса кам бўлмагай,  
Муоширга андин алам бўлмагай.

Муганний, суруде чиқор дилнавоз,  
Бўлуб аҳли Қашмирдек сеҳрсоз.

Агар нагма бас қилмоқ этсанг ҳавас,  
Ҳамул жом гум бўлмайин қилма бас!

Навоӣ, агар топсанг ул навъ жом,  
Неким бодадин ўзга ичсанг ҳаром!

Хитоб этгасен жоми боқий ани,  
Вале тутса гулчеҳра соқий ани!

## XXXVI

*Ҳакими коинотпайванд ва холиқи бемислу монанд  
маснуоти тамошоси анинг вуҷуди исботига ҳужжати қо-  
тиъ ва бурҳони сотиъ экан бобда нуқта сурмак ва ул  
саноеънинг бадоеъи жаҳон кезмакта кўпрак муяссар  
эрконга ҳам далил келтурмак ва сафар тариқин уч  
навъда тақсим қилмоқ: аввал, солики раҳнавард ўзлик  
баводисин қатъ этиб, мақсад ҳарамига муҳтарам бўлмоқ;*

иккинчи сайёҳи жаҳонгард талаб манозилида бошдин қа-  
дам қилиб, мушйиди комил приходи била такмил топ-  
моқ; учинчи, хисраси Баҳром набард сипоҳи анжум адад  
чекиб жаҳон мулкин олмоқ

Азал субҳиқим чекти файёзи жуд,  
Бори офаришица нақши вужуд.

Таҳаррук топиб килки тақдир анга,  
Бўлуб кави ашколи тасвир анга.

Чу ул хомани қилди суратнигор,  
Ажойиб сувар бўлди кўп ошкор.

Ажаб йўқ мусаввир эса бир оти,  
Ки ул чекти кавнаиннинг сурати.

Бу тасвир аро кўп гаройибдурур,  
Ниҳоятсиз анда ажойиб дурур.

Ки ҳар қайсиға кимки тадқиқ этар,  
Мусаввир камолини таҳқиқ этар.

Чу ашёда кўрса киши сапъатини,  
Билур сонъи гайбдон қудратини.

Ул аъжубаларда бўлуб хурдабини,  
Анга ҳақ камолида ортар яқини.

Ким ўлгай қуёш сиррининг маҳрамин,  
Ки бир зарра моҳиятин одамни.

Нечукким керак билмак осон эмас,  
Не осон эмас, балки имкон эмас.

Ва лекин киши зоҳир этса талаб,  
Жаҳон ичра кўптур ажабдин ажаб.

Муни кўрмак ўлмак жаҳон жезмайини,  
Тааб заҳрини ўз комиға эзмайини.

Сафар заҳмати гарчи душвөр эрур,  
Теңиз қаърида дурри шохвөр эрур.

Муҳит ичра чўммай печуқким наҳанг,  
Киши урса бўлгайму гавҳарга чанг?

Катакда қолиб бўрдагон мокиёи,  
Не маълуми учмоққа суду знои.

Фалак жавфида гарқ ўлуб журрабоз  
Пару бол урар чун нишебу фароз.

Демай сайд жонига ягмо қилур,  
Ки оламини яксар тамгошо қилур.

Тарона чекар сойир эрконда руд.  
Чу турди тараб бирла, чекмас суруд.

Валоят ишини қилсалар кимга арз,  
Бийикрак мақоми эрур таййи арз.

Сафар қилмагон одаме хомдур,  
Совуқда тўнгар кимга оромдур.

Фалаки сайрдин поя топти баланд,  
Суқун қилди туфроғни хору нажанд.

Сафар қилмагонга не огоҳлиқ,  
Ки элга қилур Хиэр ҳамроҳлиқ.

Не воқиф киши уйдни олмай қадам,  
Ки не жонфизодур тавофи ҳарам.

Хуш улқим, кўнгулга кушод истабон,  
Қўнуб азм қилгай, мурод истабон.

Фано тайласонини қилгай кафан,  
Кафан бас анга, балки гарди миҳан.

Тажарруд хиромига роғиб бўлуб,  
Таваккул самандига рокиб бўлуб.

Сароби фано жўйбори анинг,  
Самуми бало лозазори анинг.

Аёқтин боши шавқ ўти ичра гарқ,  
Итик пўяда секриб андоқки барқ.

Тани чайқалиб кўнгли топокидин,  
Ул ўт бош уруб жисми хошокидин.

Қабарчуқ кафи пойида ҳар тараф,  
Тўла дурри мақсуд ила икки каф.

Ёрилғоч суйи дема ҳар ён томиб,  
Фано абриди дурри галтон томиб.

Дема дурри галтонки, ҳайвон суви,  
Аёқда тўла ҳар тараф жон суви.

Ёруғким тобонни қилиб чоклиг,  
Ясаб оби ҳайвон оқарга ариг,

Хизр айласа пойбўсини ҳавас,  
Ғараз ичмағи оби ҳайвону бас.

Не бийми малолат, не хавфи алам,  
Бу янглиг етиб қилса тавфи ҳарам,

Не мукриму хужра тайёр анга,  
Қарамдин эмас бермамак бор анга.

Бу янглиг азиз улки меҳмони бор,  
Қачон мезбон бўлмади имкони бор.

Бу янглиг сафар кимгаки берса даст,  
Нетар хилват ичра бўлуб пойбаст.

Сафар ичра мундин бийик йўқ мақом.  
Вагар кимсага даст бермас бу ком,

Ёмон эрмас ул ҳамки озодае,  
Миён бастае йўлга омодае.

Қадам тортқон халқ абвобидин,  
Этак силккан олам асбобидин.

Бўлуб жузвдонни аниси анинг,  
Китоби рафиқу жалиси анинг.

Жаҳон аҳлида чун вафо кўрмайини,  
Жаҳондин дағи жуз бало кўрмайини,



Қилиб майл олам тамоқосига,  
Фано мулкига, фақр саҳросига.

Қўруб гом уруб фарду фарзонавор,  
Қилиб дашт қатъини девонавор.

Солиб ҳар нечук ерғаким, етса кўз,  
Эшитиб яна барча эд ичра сўз.

Кўруб ҳар машаққатда хосияте,  
Тоғиб ҳар мазаллатда қайфияте.

Зилоле тилаб кўнглининг тобига,  
Табибе сўраб дарди ноёбига.

Ўзин борча хайл ичра туз еткуруб,  
Бори тузлар олига юз еткуруб.

Ағар етса сарвақтига қомиле,  
Қуёшдек фалаксайру равшан диле.

Қўюб заррадек сайру саргашталиқ,  
Этак чун тоғиб, олмай андин пилиқ.

Лининг хизматидин қушоде тоғиб,  
Худо рўзи этса муроде тоғиб.

Бу янглиғ сафар дағи марғубдур,  
Бу ҳам бўлмаса ул дағи хўбдур.

Ки тортиб Скандармасаллиқ сипоҳ,  
Бўлурга ети кишвар аҳлига шоҳ,

Қаспқим азимат қилиб фатҳ этиб,  
Қилиб ҳар тараф майл, нусрат этиб.

Бўлуб гаҳ Ажам мулки тасхир анга,  
Мусаллам бўлуб гоҳ Қашмир анга.

Ғаройино ниҳоятдин афзуи кўруб,  
Ажиб амр гоятдин афзуи кўруб.

Чу бир-бир келиб қом ҳар дам анга,  
Бўлуб рўбъи маққун мусаллам анга.

Жаҳон мулкига ҳукми шоҳий топиб,  
Бу шахлиғни маҳ то ба моҳи топиб.

Сафар ичра ҳар ишта аҳли рашид,  
Бу янғини кушод узра топиб кушод.

Санга дағи бўлса кушоде ҳавас,  
Бу оламда тонмоқ муроде ҳавас,

Талаб йўлида қия шитобандалик,  
Ки жуънидага келди ёбандалик.

### XXXVII

*Ики рафиқ ҳикоятиким, бири сайрдин қуёш сипеҳр  
кишварида шоҳ бўлгондек, мулк салтанатиға етти ва  
бири сукундин ер олам аҳлиға лагадкўб бўлгондек, хок-  
сорлиқ ҳосил этти, бу ҳам то гарддек ҳаракат этмади,  
туфроқдин қўпуб олий мақомға етмади*

Хуросонда бор эрди ики рафиқ,  
Бўлуб рифқ ила бир-бирига шафиқ.

Ҳаводис солиб ишларига ишкест,  
Маош амрида бўлдилар тангдест.

Бири қилмайин тарк мулку диёр,  
Бири қилди лекин сафар ихтиёр.

Мужовирга даврон солиб зорлиқ,  
Улусдин кўрар эрди кўп хорлиқ.

Керак элга муфлис кўрунса қалил,  
Ким они қилур кўп кўрунмак залил.

Эрур озки феруза, бўлмиш азиз,  
Чу хармухра кўндур — ўни бир пашиз.

Мусофир сафарга топиб ихтисос,  
Бурун худ мазаллатдин ўлди халос.

Кўруб ҳардам амре бағоят ажиб,  
Ани тортибон элтур эрди пасиб,

Ки тушти гузаргоҳи Юнон сори,  
Етшти ўлук — оби ҳайвон сори.

Ере кўрди туфроғи ҳикматсирришт,  
Магар ҳикмат эрди анга сарнавишт.

Неча вақт анда мақом айлади,  
Билик касбига эҳтимом айлади.

Мусоҳиб бўлуб аҳли ҳикмат билла,  
Басе илм касб этти рағбат билла.

Не қилголиким кимга шиятдурур,  
Буруи шарт анга қобилиятдурур.

Чу қобил эди, топти беҳад вуқуф,  
Кн ҳикматда бўлди жаҳон файласуф.

Анга чун бу иш сайрдин берди даст,  
Яна сайрга тушти қилмай ишшаст.

Анга Ҳинд мулкига тушти гузар,  
Кн шоҳига ёшиламиш эрди назар.

Гарав айлаб эрди арода бу сўз,  
Кн саъй айлаб улким манга очса кўз,

Анга ақд айлаб кўзум нуриини,  
Кўзум ичраки парда мастуриини,

Ани қурратул-айну фарзанд этай,  
Кўзум нуриини анга найванд этай.

Чу донога фаҳм ўлди ул эҳтиёж,  
Бориб бир-ики кунда қилди илож.

Шаҳ ўз ваъдасига вафо айлади,  
Дегандек ани кадхудо айлади.

Етиб шоҳ умри кунига завол,  
Анга топти ул шоҳли иштиқол.

Чу оғаҳлиг ўлди анинг ёрига,  
Буким шаҳлиг ўлди анинг ёрига,

Сафар азми қилди ажаб ҳол ила,  
Фалак кўбидин жиеми помол ила.

Бу кишварни чун қилди оромгоҳ,  
Ўн ёри эди анда кишварнаоҳ.

Рафиқиға келди бу иш дилпазир,  
Иноят қилиб, этти они вазир.

Чу мулкида афтодау зор эди,  
Улус олида дам-бадам хор эди.

Вазоратдин ўлмоқ рафоҳияти,  
Бу дағи эди сайр хосияти.

Чу аввалгининг сайри комил эди,  
Анга салтанат амри шомил эди.

Киши ўзлуки мулкидин қилса сайр,  
Анга оқибат айласун тенгри хайр.

### XXXVIII

#### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, чун сафар  
мужиби шиддатдур, ҳиқмат аҳлидин анга нега рухсатдур  
ва жавоб эшитмак*

Яна деди шоҳи Фаридунҳашам,  
Ки: «Эй ҳиқмат аҳлига ройинг ҳакам!

Ҳазарда бўлур кому осудалиқ,  
Сафарда вале ранжу фарсудалиқ.

Чу табъ анда ранижуру ожиздурур,  
Недин шугли ҳиқматда жойиздурур?»

Жавоб айтти фикр бирла ҳаким,  
Ки: «Эй ҳиқмат амрида фикринг салим!

Буким сайр аро элга етгай малол,  
Анинг рухсатидур маҳалли савол,

Вале мунда сирри ниҳоний эрур,  
Ўн нафъи анинг жовидоний эрур,

Ўн ҳар ранждин сўнг бўлур роҳате.  
Таабсиз муяссар эмас ширате.

Таомеки, ул мужибн комдур,  
Ғар ўт ранжини тортмас — хомдур.

Не олтуики бор элга дилкашлиги,  
Ўт ичра бўлбтур жудо гашлиги.

Сафарким, машаққатда келди сақар,  
Анинг ўтида кимса тутмай мақар.

Ҳамона анга озмойиш куни,  
Эмас поку холисе вужуд олтуни.

Чу ҳар неча ўт бўлса сўзандароқ,  
Гудоз ичра олтуи фурузандароқ.

Сафар ўтини айлаган ихтиёр,  
Вужуд олтуни қилди комил пёр.

Кетурса биров имтиҳондин маҳак,  
Пёри аро топмагай ҳеч шак.

Яна андин ўлди сафар рухсати,  
Ки элиниг эрур мужибн сиҳхати.

Нединким, сафарга киши урса гом,  
Тараддуд эрур мужибн инҳизом.

Ғизо ҳазмига табъ чун бўлди чувт,  
Киши бу жиҳатдин бўлур тандуруст.

Яна улки, табъеки бўлди сақим,  
Ҳавоу сув такроридин топти бийм.

Бу ики чу бўлди тажаддудпазир,  
Табиатқа сиҳхат бўлур дастгир.

Ки мажбул эрур одамийзод анга,  
Ки ҳар амрким бўлса муътод анга,

Ишотига такрор ҳойил бўлур,  
Табиат тажаддудга мойил бўлур.

Тажаддуд эрур чунки марғуби табъ,  
Эрур мужибн айш маҳбуби табъ.

Сафарда бу ҳолат муяссардурур,  
Ки суву ҳаво номуқаррардурур.

Табиатқа бор ики иштии наво,  
Алардин бири сув, бириси ҳаво.

Чу икиси бўлди муяссар муқим,  
Не узр айтқай табъ бўлмаи салим.

Бас ўлди сафардин саломат дағи,  
Башар табъига истиқомат дағи.

Ҳаким ар бу навъ иш руҳсат берур,  
Хирад аҳли олинда маъзур эрур».

Жавобин топиб хусрави хурдабин,  
Хамуш ўлди донога деб: «офарин!»

### XXXIX

*Искандарнинг Кашир шаҳрига етганди сўнгра Маллу-  
нинг тилисн қўргониди Каширдин ел била ўтти ўғур-  
лагони ва ул вилоятти бир ўлуқ жисмдески, нафаси  
муңқатиъ ва гаризий ҳарорати муңтафий бўлмиш бўл-  
гай қилғони ва Афлотуннинг ул тилисми очқони ва  
яшургон ел била Маллунинг ҳаётин барбод этиб, маҳфий  
ўт шарор ва ахгарни анинг хирмани умрига сочқони ва  
Искандарнинг Маллу ўрнида Ферузининг чароғи дав-  
латин ёрутқони*

Бу фархунда тарих донишвари,  
Деди буйла тарихи Искандарий,

Ки: Маллу чу азм этти қўргонига,  
Тирикликни миннат тутуб жонига.

Скандар келиб олди тахтин анинг,  
Қилиб тийра иқболу бахтин анинг.

Улусқа бериб адли бирла навид,  
Улус борча адлига боғлаб умид.

Мутеъ ўлдилар ҳукму фармонига,  
Кўнгул боғлабон лутфу эҳсонига.

Хабар сўрди чун Маллу аҳволидин,  
Бу янглиг дедилар хабар ҳолидин

Ки: «Шоҳ савлатидин фирорийдурур,  
Фалон қалъа ичра ҳисорийдурур.

Ҳамул сеҳр ёхуд тилсеме сўзи,  
Ки элчи қошида дегандур ўзи».

Тамомини шарҳ эттилар мў-бамў,  
Худ англаб эди шоҳи фархундахў,

Чу ул бир ажаб навъ сурат эди,  
Анинг фикрини этмак зарурат эди.

Яна мажмаи дилкушой истади,  
Билик аҳлидин анда роӣ истади,

Ки: «Кашмир агар тоза гулзордур,  
Ҳавоси ва лекни ажаб хордур.

Эсар доимо руҳпарвар насим,  
Ки жаннатдурур йўқса бордур жаҳим.

Насим ар бу гулшанда тутмас вужуд,  
Гули — ўтдурур, сунбули — тийра дуд.

Ажаб ишки даҳр ўлгаӣ оташфишон,  
Вале топмагаӣ кимса ўтдин нишон.

Не мулк ичраким бу укубатдурур,  
Бўлур элга анда суубатдурур.

Суубат неким, бўлмоқ имкон эмас,  
Ки бу иккининг тарки осон эмас.

Бу ишга агар чора мумкиндурур,  
Не гам, гар киши мунда сокиндурур.

Йўқ эрса бурунроқки бор ихтиёр,  
Ул авлоки тарк айласак бу диёр,

Ки ояғиз бўлуб азм иши хуш эмас.  
Эшитмакка ҳар ерда дилкаш эмас».

Дедилар билик аҳли айлаб дуо,  
Ки: «Гар шаҳга бу ишдурур муддао,

Ки онинг бу макрини дафъ эткабиз,  
Ҳижобеки ул солди, рафъ эткабиз.

Недин шоҳ табъи ҳаросон эрур,  
Ки бу қуллар оллида осон эрур.

Гар ўн кунгача шоҳ муҳлат берур,  
Ул иш дафъига тенгри нусрат берур».

Деди шаҳки: «Ўн кунга бўлса даранг,  
Ўту елсиз эл келгусидур батаи».

Ул ишдин кўруб шоҳ табъини малул,  
Филотунни доишвар этти қабул,

Ки: «Фархунда табъини шоҳи жаҳон,  
Ғамин этмасун ошкору ниҳон.

Мен уч кунда ул навъ тадбир этай,  
Қим ул ҳол вазъига тағйир этай».

Бу сўзни дегаҳ нуктадонн бисот,  
Скандарга юзланди кўн инбисот.

Бу ҳолатда ул навъ гум бўлди ел,  
Ки дўзах аро тушти исингдин эл.

Исингдин бўлуб халқ ичи тоблинг,  
Ажаброқ буким, ўтқа поёблинг.

Етиб матбах аҳли фиғон қилдилар,  
Фиғон ичра бу сўз аён қилдилар.

Ки: «Олам аро йўқдур ўтдин вужуд,  
Не аҳгар, не шуъла, не учқун, не дуд.

Дегил хўблар кўнглидек бўлди тош,  
Ки андин эмас мутлақо шуъла фош.

Темур урсалар ўт қилиб орзу,  
Яқиндурки чиққай ўт ўрнига сув.



Агар бўлса шийдон ишида фўтур,  
Чу арз айладук биздин эрмас қусур».

Ва алқисса: ўту ел ўлди табоҳ,  
Ўт исенг дам эрдию ел совуғ оҳ.

Танур ўлмаини кундуз оташфишон,  
Кеча шамъда шуъладини йўқ кишон.

Ажаб ишки чун елдин эрди фароғ,  
Недин қолмади ўчмаини бир чароғ.

Исенгдин назар шамъига хийралиқ,  
Совуғдин ёнар шамъга тийралиқ.

Ул уч кунда эл бўлди андоқ забун,  
Ки бўлди энгакларга қўялар сутун.

Филотун ҳаримиға юз қўйди шоҳ,  
Анингдекки шаҳ, борча хайлу сипоҳ,

Қим: «Ул ваъдаким қилди доноийи даҳр,  
Ўтуб уч кун, эл топмади ҳеч баҳр.

Агар мундин ортуқ тааммул бўлур,  
Машаққатдин эл бетаҳаммул бўлур!»

Деди ҳикматойини донишпужух,  
Ки: «Эл бўлмасун бу аламдин сутух,

Бу кун дағи мавъидга дохилдурур».  
Вале тонгла мақсуд ҳосилдурур».

Бу сўз бирла таскин топиб шоҳу хайл,  
Бори қилди оромгоҳига майл.

Ул иш дафъи бу навъ эдиким, ҳаким,  
Ки қилди қабул они бевахму бийм.

Ўқуб эрди Жомосб аҳкомида,  
Бу сўзники, «Искандар айёмида,

Қим ул бўлғуси шоҳи ҳикматсиришт,  
Жаҳон мулки фатҳи анга сарнавишт.

Бўлурда жаҳон мулки тасхир анга,  
Чу бўлгусидур фатҳ Кашмир анга.

Шаҳи берк қўрғонга юз ургуси,  
Улусдин елу ўтни ёшургуси.

Тилсимедурур ул ҳисор ичра чуст,  
Бўлур тонмоқ они қилиб бозжуест.

Ҳисор ичра бир уйдурур сангбаст,  
Тилсим айламини они ҳикматпараст,

Ки ел хайлини анда банд айламини,  
Халойиққа дафъи газанд айламини.

Бурун чоғ эсиб асру безътидол,  
Улусқа етар эрмиш андин малол,

Чу елни ҳаким этмиш ул уйда банд,  
Ясамин анга равзани дилинсаид.

Келиб мулк сори бу равзанга юз,  
Боқиб лек Кашмир шаҳрига туз,

Ки равзан ичиндин неким чиқса ел,  
Ҳамул ел билла баҳраманд улгай эл.

Чу равзанин мадрус қилгай киши,  
Эсар елни маҳбус қилгай киши.

Яна қалъа тошида бир чоҳ эрур,  
Тилсимё яна анда дилхоҳ эрур.

Бу чоҳ огзи бас тордур, қаъри кенг,  
Ҳамул қалъага даври кенгликда теиғ.

Анинг қаъри бир аъзам оташкада,  
Каюмарс чоғидин оташзада.

Ичинда намудор андоқ тилсим,  
Ки ул хуфра кунжида бир руй жием.

Киши ҳайъати бирла жуибушнамоӣ,  
Ул оташгаҳ ичра ҳароратфизоӣ.

Ҳсаб олида дам била кўрае,  
Ҳамул кўра жисмида мошурае.

Чу ул кўрау дамга айлаб ситез,  
Бу мошура нафхи қилиб шуъла тез.

Чаҳ огзида зоҳир шарар бирла дуд,  
Бу дуду шарардин халойиққа суд,

Ки мулк ичра ўт манбаъи ул бўлуб,  
Не ўтким, қуёш матлаъи ул бўлуб.

Бу мулк ичра ўтлуғ неким бўлса тош,  
Ўти ушбу оташгаҳ ичинда фош.

Тилсим айлабон жазб ўтларни пок,  
Ки оташгаҳ андин бўлуб шуъланок.

Шарарларки чоҳ огзида билгуруб,  
Ҳамул кишвар аҳлига ўт еткуруб.

Киши қилса ул чоҳ бошини руст,  
Ҳамул навъким руст экандур нухуст.

Ўт ўлмас яна мулк аҳлига фош,  
Қирар ер тубига печукким қуёш.

Скандар қачон олса Қашмирил,  
Анинг шоҳи айлар бу тадбирни.

Ул иш дафъига аҳли ҳикмат тамом,  
Дегайлар аён айлали эҳтимом.

Филотунга лекин ҳаволатдурур,  
Ки ҳикматда соҳибмақолатдурур,

Керак топиб ул нақб бошини бурун,  
Тикиб чодир ул ерда тутқай ўрун.

Очиб нақб бошини қилгай хиром,  
Қадамни санаб ургай ўи етти гом.

Чу ўи етти гом урди қилмай гузар,  
Ики ёнига яхши қилгай назар,

Ки ҳар сори лавҳе эрур таъбия,  
Бирида елу бирда ўт таъмия.

Керак теиса ҳар лавҳни, ўйла, руст,  
Ки юмрулса девор ичига дуруст.

Бири елга йўлдур, бири ўтга йўл,  
Бузулгоч равон ташқари қочтик ул.

Ки ўт бирла ел, ўйла, тугён қилур,  
Ки йўлларки боғланди — вайрон қилур.

Ики раҳнадин чуи чқар ўту ел,  
Кўрар рустхез ул навоҳийда эл.

Ел ул қалъа аҳлига андоқ етар,  
Ки ҳар кимгаким тегди барбод этар.

Қилур барча олий иморатни паст,  
Берур бори индур йиғочга шикаст.

Эли қолмоқ ўлмаи хаёл айламак,  
Эрур, бас, хаёли маҳол айламак.

Ўт ул чоҳдинким, бўлур шуълазан,  
Бўлур илтиҳоби анииг қалъакан.

Тутошур ҳамул қалъа ўтрусига,  
Не ўтрусига, буржу борусига.

Топар шуъладин тоши ул навъ тоб,  
Ки халқи бўлур ичкари санг кабоб.

Чу ул лавҳларни ушотти ҳаким,  
Керак ташқари турса **бир** дам ваҳим.

Агар ел солиб қалъага рустхез,  
Етишти ҳамул шаҳрга тунду тез.

Кириб лавҳлар томга руст айласун,  
Ҳамул раҳналарни дуруст айласун.

Ки ул ўт била елга таскин етар,  
Икисидин ошубу тугён кетар.

Бўлур ҳам бурунги қарори билла,  
Ел оромно ўт шарори билла».

Филотун бу афсона шарҳин биллаб,  
Қўнуб эрди шахдин тааххул қилиб,

Кезиб уч кун ул ерда ханжор ила,  
Ницона битилган намудор ила.

Тоғиб эрди ул нақбнинг бошини,  
Қилурга фусунсоз подошини.

Узотқоч халойиқ билла шоҳини,  
Ҳамул нақб уза чекти бунгоҳини.

Мақон айлагач арз нақбини меҳр,  
Чиқорди кавокиб тилисмин синеҳр.

Филотун қилиб азм даргоҳга,  
Тилаб хилват ўлди яқин шоҳга.

Бу сўзини билиб арз қилмоғин фарз,  
Бурувдин ниҳоятгача қилди арз.

Шаҳ англаб, бўлуб хайратойин анга,  
Деда айлаб эҳсону таҳсин анга,

Ки: «Бу иш бутарга топилди жиҳат,  
Не навъ эмди доно кўрар маслаҳат?»

Дуо айлабон сурди доно мақол,  
Ки: «Эй шавкатиңга фалак поймол!

Манга улча дархўрд эди, бўлди рост,  
Саранжом ўлуру бўлса тенгрига хост.

Бир иш қолдиким, бордур иқбол иши,  
Бугун муқбил, андоқки сен, йўқ киши.

Қавийдур ҳам иқболу ҳам давлатиң,  
Ҳам ул иккича қуввату қимматиң.

Тааммуллуқ ишларга қилдим илож,  
Сениң дастбурдуңга бор эҳтиёж,

Ки сипдурга сен лавҳларни пухуст,  
Ки бу иш саранжом бўлган дуруст,

Ки ҳам шоҳсен, ҳам жаҳон паҳлавон,  
Жувонмард узунг, давлатнинг навжувон.

Будур баидалар хотирига мурод,  
Ки сендин бу иш банди тошқай кушод».

Дегач нукта донойи бисёрдон,  
Дебон офаринлар шаҳи кордон.

Ниҳони неча маҳрами роз ила,  
Ҳамул бихради чоранардоз ила,

Равон рокиб этти ҳамул сори азм,  
Ки бўлмиш эди нақб донога жазм.

Чу еткурди шойиста ҳамроҳин,  
Қаро тунда равшан равойи шоҳин.

Тушурдию нақб оғзига борди бот,  
Анинг бирла ҳамрах шаҳи покзот.

Кириб нақб аро онча қияди хиром,  
Ки эрди ики лавҳани нуқрафом.

Икисин Скандарга кўргузди ул,  
Деди: «Эмди соат ўтар, бот бўл!»

Скандар аларни кўруб бўлди шод,  
Ҳамул шодлиқда қилиб ҳақин ёд.

Ики лавҳани тепти ул навъ руст,  
Ки ерулдию ташқари чиқти чуст.

Иков тиктилар кўзни қўрган сари,  
Не қўрган сари, сумъи яздон сари.

Бу ишдин даме ўтмади бешу кам,  
Ки ўт қалъадин кўкка чекти алам.

Яна бир нафас ўтмайинг етти ел,  
Анингдекки то етти, қўзғолди эл.

Чу ел солди офоқ аро рустхез,  
Яна қилдилар нақб сори гурез.

Ики рахна сори равон бордилар,  
Гачу хишт пла руст бутқордилар.

Масолиҳ тутулмоқ учун садди бим,  
Қилиб эрди омода борни ҳақим.

Бало рахнаси чуки маҳкам бўлуб,  
Елу ўтнинг ошуби ҳам кам бўлуб,

Чиқиб нақбдин шоҳи гардун жаноб,  
Анинг бирла донойи ҳикмат маоб.

Бўлуб иккен бахтдин шодмон,  
Сипаҳ жонибни азм айлар замон,

Хамул нақбдин келди гавго уни,  
Алоло била вою-вайло уни.

Хамул дамки, кўргон аро тушти ўт,  
Ки афлок авжига ёвушти ўт.

Яна ел ҳам ошубким бошлади,  
Олиб халқни ҳар тараф тошлади.

Бўлуб эл бу ики балодин халок,  
Кириб нақб аро бир печа ваҳмон.

Бу хайл ичра Маллуву фарзанди ҳам,  
Демай бир-ики завжу дилбанди ҳам.

Хамул ўтдин ул хайли дилеўхта,  
Куюб бу бири, ул бир афрухта.

Чиқиб келди бори саросемавор,  
Тутошиб ҳамул шуўладин ҳемавор.

Шаҳ олиндағи ул гуруҳи хавос,  
Бориб айлаб ўтдин аларни халос.

Кўни ўлди ул хайл маҳруқдин,  
Киши кўрмади буйла махлуқдин.

Неча кимсаким қолди бўлмай ҳалок,  
Бирн бор эди Маллу ибни Мабок.

Яна ўгликим, оти Феруз эди,  
Қизиким, маҳи оламафрўз эди.

Анинг васфиға бу дам эрмас маҳал,  
Ки бўлгусидур ўз маҳаллида ҳал.

Чу Маллуға фаҳм ўлдиким-шоҳдур,  
Ўзи умрининг тори кўтоҳдур.

Скандар қошиға келиб қўйди бош,  
Бошин чун кўтарди, дебон тўкти ёш,

Ки: «Шоҳо, қошингда гунаҳкормен,  
Жазо ҳар не қилсанг — сазовормен!

Агар афв журмумға шомилдурур,  
Тирилмак манга асру мушкилдурур.

Ғар ўтдин манга қатъ бўлмиш ҳаёт,  
Яна ўлтурур ҳазратингда уёт.

Эрур ўлмагим жазм ҳар ҳол ила,  
Сен ўлгил тирик кўн йил иқбол ила.

Чу мен бандамен, бу ики бандазод,  
Алар афви бирла менн айла шод!»

Кўруб шоҳ ул ажзу таслимни,  
Чиқорди анинг кўнглидин биймни.

Деди: «Биздин эрмас эди бу ситез,  
Сен ўз бошинга тортнинг тиғи тез.

Бу дам ҳамки туфроқға суртуб узор,  
Аён айладинг ажз ила эътизор.

Қошингда тузуб афв хангомасин,  
Гуноҳингга чектук карам хомасин.

Тирилсанг иноят қилиб тахту тож,  
Муқаррар қилиб кишварингдин хирож,



Мусаллам тутуб афеарингни даги,  
Чиколи бериб кишварингни даги.

Ва гар бермаса умр мухлат санга,  
Гуруб эса хуршиди давлат санга.

Халафзодинга эхтиром айлали,  
Санга они қойим-мақом айлали.

Яна зоди иффатмаобингни ҳам,  
Шабистон аро офтобингни ҳам,

Харими висол ичра хос айлабон,  
Никсҳ амрига ихтисос айлабон,

Қилиб шамъи мажлис шабистон аро,  
Анис айлали боху айвон аро.

Бу найванд бирла бўлуб улфате,  
Бизинг бирла бўлсун санга нисбате»

Чу шаҳ қилди бу навъ сўзлар адо,  
Тарабдин бу худ қилди жонин фидо.

Олиб жонини лудфу эҳсон билла,  
Қатил айлади оби ҳайвон билла.

Уруб эрди ханжар замона анга,  
Бу ўлмак худ ўлди баҳона анга.

Скандарки мулкида меҳмон эди,  
Чу кеч этти тортар нима жон эди.

Чу ул шоҳга қилди жонин нисор,  
Гадо этти нақди ниҳонин нисор.

Анга буйла бўлгунча рихлат чоғи,  
Келиб эрди арқонц давлат доғи.

Шаҳ этти печа кимса таъйинки бот,  
Анга соз этиб барча барғи мамот.

Тонг отқоч мулукона тартиб ила,  
Анга лойиқ оройишу зеб ила,

Синоҳ ичра шахларни огоҳ этиб,  
Борин наъши даврида ҳамроҳ этиб,

Не мадфанки, аждоди осудадур,  
Ки туфроқ анга анбари судадур.

Улуг равзаи чарх тоқи анинг,  
Яна бир фалакча равоқи анинг.

Йўқ атрәфи кўк гунбадининг хади,  
Вале ҳар бир, андоқки, кўк гунбади.

Тошида фалаксоӣ ўлуб миллар,  
Ичннда малаксаӣр қандиллар.

Келиб Маллу аждодининг мадфани,  
Борининг оғир уйқуга маъмани.

Салотинга бўлгон маҳал комгоҳ,  
Бу султонга ҳам бўлсун оромгоҳ.

Ҳам андоқки шоҳ этти иншоӣи ҳукм,  
Эшитгонлар эттилар ижроӣи ҳукм.

Ики-уч кун атбон айлаб жазать,  
Навардида бўлди бисоти фазать.

Ҳамул моҳи Кашмиру рашки Тироз,  
Ки отин қўюб эрдилар Меҳрнос,

Бор эрди ҳамул сўгдин гамзада,  
Яна ўгли Феруз мотамзада,

Ҳамул сўг рафъига шоҳи заман,  
Мулукона соз айлабон анжуман.

Тўқуз поялиг тахт уза ўлтуруб,  
Тўқуз чархнинг шавкатин синдуруб.

Мулук ўлтуруб жашнида ҳар тараф,  
Йироқтин олиб даврини ики саф.

Булар боргоҳ ичра маскан топиб,  
Йироқтин халойиқ нишиман топиб.

Талаттуф била шохи гардунфирош,  
Бериб дўстлардек адувсига ош.

Чекиб онча неъматки чархи даний,  
Хиром этгали тушта кўрмай ани.

Туман хону, ҳар қайси хони сипеҳр,  
Бу хонларда ҳар қурс — бир қурси меҳр.

Қўй онча бўлуб забҳким, сони йўқ.  
От ончаки қўй, онча имкони йўқ.

Ҳаловани таъриф этай ранг-ранг,  
Пишурмакка шаккар эзиб таиғ-таиғ.

Табак ўрнига саҳни хон тутуб,  
Табакни эт ўрнига бирён тутуб.

Егулук фузун ҳадди авсофдин,  
Демай ҳадди авсофким, лофдин.

Чу бу навъ хон чекти доройи даҳр,  
Ҳаҳон аҳли ул хонидин олди баҳр,

Чу хонлардин ул жашн холи бўлуб,  
Шаҳи даҳр фармони ҳоли бўлуб,

Ки аркони давлат хиром айлабон,  
Шаҳ аҳкомини эҳтиром айлабон.

Қилиб зеб албоси Ферузни,  
Ҳарам аҳли — моҳи дилафрузни,

Келиб қўйдилар бошига тожи зар,  
Либоси зар устига заррин камар.

Яна уч тўқуз давлат аркониға,  
Тўну жубба бирла анинг ёниға.

Ики юзга ҳам деклаю тўн бериб,  
Яланг тўн аларча яна ўн бериб.

Аларни чу мундоқ севундурдилар,  
Шаҳ олинда тўқуз юкундурдилар.

Юкунгач, тилаб шоҳ Ферузни,  
Узотиб каломи дилафрузни,

Деди: «Чора йўқ тенгри тақдирига,  
Азалдан қазо қилки тахририга.

Жаҳон ичра бўлсун гадо, йўқса шоҳ,  
Будур барчанинг йўли бенштибоҳ.

Эмас кимса шаҳлиққа етмак учун,  
Эрур шоҳу дарвеш кетмак учун.

Кишига эрур гарчи уммид умр,  
Бировга эшиттингму жовид умр?

Жаҳон узра ким бўлдимки, урди тахт,  
Ким ул чекмади тахта устига рахт?

Ғалат айладим, тахт уза рахт эрур,  
Ки тахт аҳлига рахт зийнат берур.

Вале тахтага кимки муҳтождур,  
Қиёмат элидек ялангочдур.

Ўкуш рахт ила тахт қилгон мақом,  
Қилур тахта устида урён мақом.

Агар мен ва гар сен ва гар Амру Зайд,  
Керакмасдурур рубъи маскунга қайд.

Баҳарҳол чун кетгулукдур киши,  
Кетар фикри дойим керакдур иши.

Кишига амал хирман ар хўшадур,  
Неким мунда экти анга тўшадур.

Эрур ҳар кишига бир иш зоди роҳ,  
Вале зод эрур адл бўлгонга шоҳ.

Сениким бу мулк узра шоҳ айладим,  
Бу кишварда кишварнаоҳ айладим.

Керак лутфу эҳсон шпор айласанг,  
Адолат йўлини ихтиёр айласанг,

Равятқа сендин этиб шодлиқ,  
Мамоликка юз қўйса ободлиқ».

Бу янглиғ чу иршод этиб ваъзу панд,  
Ики олам ичра бори судманд.

Анга қилди таълим ўз динини,  
Ҳамул аҳли ислом ойинини.

Бу сўзлар ичига ҳулул айлади,  
Ер ўнгиню борин қабул айлади.

Деди: «Кей шаҳаншоҳи гетиситон,  
Адолатда дунёю уқбоситон.

Буким айладинг майл фармонима,  
Неким амр қилдинг; бори жонима.

Деган сўзларингга тутуб ҳақ мени,  
Умид улки қилгай муваффақ мени.

Дегандек, плоҳий, бўла олгамен,  
Не тил бирла узрунг қўла олгамен.

Отамнинг бўллуб эрди ёши улук,  
Мен афъолидин бор эдим қайгулук,

Димоғига хиффат топиб эрди йўл,  
Қулоқ солмас эрди насиҳатқа ул,

Ани бу жиҳатдин хато айлади,  
Ки шаҳ буйругидин ибо айлади.

Бериб панд, сўзлар дедим кўн қатиг,  
Чу давлет ёниб эрди, сўз не асиг?

Чу мен бар едим шоҳ инсофидин,  
Умидим будур тенгри алтофидин,

Ки қуллукда мен дилписанд ўлгамен,  
Шаҳ эҳсонидин баҳраманд ўлгамен.

Қаридин агар ишта келди хато,  
Йиғит қилмагай, кўрди чун кўн ато.

Шаҳ ул сўзлорин чуи нигоҳ айлади,  
Ото мулкида они шоҳ айлади.

Чу борди кухан пир ўлуб потавон,  
Анинг ўрнида тутти ер навжувон.

Лёқчи, манга жоми широна тут,  
Демон хисравона, фақирона тут.

Хамул жом бўлсун манга чорарас,  
Ки бошдин йиғитлик қилибмен ҳавас!

Муганий, ҳазин нагма бунёд қил,  
Йиғитликининг айёмини ёд қил,

Ки ул нагмадин тоза ҳуше тонай,  
Соғиниб йиғитликини жўше тонай!

Навонӣ, бәсе кеч айилдинг, дариг!  
Йиғитликини барбод қилдинг, дариг!

Йиғитликда йўл урди нафси ҳасуд,  
Надомат қарилганда эмди не суд?

## XI

*Сибо субҳининг сабоҳати таърифидаким, нафас-нафас  
индин ёруғлуғ юзланур ва шабоб гулзорининг назоҳати  
васфидаким, лаҳза-лаҳза индин очуғлуғ даст берур ва ул  
айёмда қуёшдек саждадин юзин ёрутмоғ тарғиби ва бу  
фаслда бинафшадек тоатға қад ниғун қилмоғ таҳриси*

Не фархунда ахтардурур ул киши,  
Ки тоат йиғитликта бўлгай иши.

Ўюн вақтида тарк қилгай ўюн,  
Неким тенгри амр этти — сунгай бўюн.

Ризо касбини бартараф қилмагай,  
Залолатда умрин талаф қилмагай.

Ангаким ўзи охир андеш эмас,  
Бу лаҳву ҳаво неча кун беш эмас.

Хушо улки, билгай они мугтанам,  
Нари қўймагай ҳақ йўлидин қадам.

Не неъматки рўзе қилибтур худо,  
Ҳамул шукри неъматни қилгай адо.

Вале кимки бўлгай басираг фани,  
Не мумкин адо айлай олмақ ани.

Инамким санга ҳақ насиб айламиш,  
Агарчи ани беҳисиб айламиш,

Эшит гар тиларсен анинг розини,  
Ки айтай кўпидин анинг озини.

Адамдин санга берди аввал вужуд.  
Набудунгни қилди карам бирла буд.

Туфулият айёмидин то шабоб,  
Вужудунгга еткурмади печу тоб.

Не мушкил ишингда қилиб ёрлиқ,  
Балолардин этти ниғаҳдорлиқ.

Ҳамолингни жаннатмисол айлади,  
Бўюнг тубийосо ниҳол айлади.

Чу афсунгар этти кўзунг жодусин,  
Анга солди ошубу ноз уйқусин.

Солиб сунбули зулфунгга тоблар,  
Кўнгул бўйинига қилди қуллоблар.

Тузотти чу кинриқларингдин синон,  
Синонварлар илгидин олдинг инон.

Қошинг ёйин этгач аён ҳар тараф,  
Багир догини ўтруда қилди ҳадаф.

Чу берди ики лаълингга нўшханд,  
Ўётдин эзилди аро ерда қанд.

Тишинг жоласин қилди дурри хушоб.  
Садаф бўлди ул дурга ёқути nob.

Занаҳдонингга еткуруб рангу бў,  
Ул олмага жон чашмаси берди сув.

Зақан устида ошкор этти хол,  
Ҳамул чоҳнинг нуктасидин мисол.

Жамолинингни товуси зеб айлади,  
Караимангни обид фириб айлади.

Суқунунгда зеболиқ этти аён,  
Хиромингда раънолиқ этти баён.

Бошингдин аёғинггача хўблук,  
Оёғдин бошинггача маҳбублук.

Булардин ўғун берди ақлу ҳавос,  
Сени қилди ҳар қайсига раҳшунос.

Ниам зоҳир айлаб само то ба арз,  
Санга қилди бир неча қуллугни фарз.

Анинг зимнида дағи юз минг хавос,  
Кўп уммид қурбига бўлмоққа хос.

Санга барча амри фаромуш ўлуб,  
Тилинг шукрида гунгу хомуш ўлуб.

Не шоқир тилинг мунча эҳсонига,  
Не машгул ўзунг амру фармониға.

Тутуб ер димоғингда деви гурур,  
Малонк қочиб суҳбатингдин зарур.

Не огзингга жорий ўлуб жуз газоф,  
Не кўнглунгга торий бўлуб жуз хилоф.

Йигитликки айёми тоатдурур,  
Санга бу сифат жаҳлу гафлатдурур.

Қилиб «ҳе» дегунча бу водини тай,  
Чу қўйсанг қарилиқ тариқига пай.

Худ ўлмас тараб ели ул дам вазон,  
Етар умр боғига фасли хазон.

Бўлур юз нечукким хазон яфроғи,  
Сариглиққа лекни юз урғон чоғи.



Чинор илгидек титрар эл панжаси,  
Вале бўлса ул барг ел ранжаси.

Агарчи илик титрар ул баргваш,  
Томурлар қурур, ўйлаким, обкаш.

Етиб тийра кўзларга заъфе, қавий  
Бўлур уйлари кунжида музавий.

Кўке узра қилгон киби майл бош,  
Кўз узра тушар киприк ўрнига қош.

Бўлур жием уза айру-айру бўгун,  
Бир индекки бўлгай паё-най тугун.

Келиб риятага ул тугунлар фириҳ,  
Солиб ишга ҳар бир тугун юз гириҳ.

Жабинга тушар бир-бир устига чин,  
Ҳамоноки «бе» син ёшурур жабин.

Қилур чин кўпи юзни бадранг жинс,  
Фатилакаш, андоқки, худранг жинс.

Не худранг, бал жинси коҳий дегил,  
Тошиб тору нуди табоҳий дегил.

Бу жинс ўлмагай айбнинг пардаси,  
Ки ул худ эрур айб нарвардаси.

Қилур табъи борид нафасни совуқ,  
Бурудатда баҳман елига ёвуқ.

Нафас бардиким ёгдуруб қорлар,  
Бўлуб оқ маҳосин анга торлар.

Агар қўпса қад майли чавгон киби,  
Таҳаррукда бош гўйи галтон киби.

Йўқ эрса юрумак не имкон яна,  
Асо шаклидин қўлда чавгон яна.

Таҳаррукдин ул бош эса гармиўй,  
Нетонг икки чавгондурур — фардгўй.

Нўқ, ўлтурса девор бўлмай амон,  
Ёпишмай учош нечукким сомон.

Ва лекин учодини ўтуб тизлари,  
Нўқ имкон очуқ узвини кезлари.

Ва гар ётса мундоқ малодат туни,  
Анга бош кўтармак қиёмат куни.

Биров бўлса бу навъ ранжозмоӣ,  
Анга солим ўлгайму тадбиру роӣ.

Ҳар ишга шуруъ этмаги бемаза,  
Ибодат анга ортуқ айлаб база.

Тавоно экан чоғда айлаб гуноҳ,  
Не суд айлаган вақт умрини табоҳ.

Ишгитлик эрур қуллуқ этмак чоғи,  
Қариллик эрур чулки кетмак чоғи.

Хушо улки, умрини табоҳ этмади,  
Қилур ишларини қилмайини кетмади.

## XLI

*А гофил, йигит ҳикоятким, воқиф бир насиҳати қад-  
ан билмади, иш вақтидин ўтгандин сўнгра пушаймонлиги  
суд қилмади*

Эшиттимки, бир турфа барно эди,  
Юзи дилкашу қадди раъно эди,

Нечукким эрур муқтазойи шабоб,  
Иши бор эди лаҳв сорн шитоб.

Эмас эрди бир лаҳза беруду май,  
Агар навбаҳору ва гар фасли дай.

Бор эди жаворинда аҳли диле,  
Тариқатнинг одобиди қомиле.

Келиб эрди қўшнилигинин батаиғ,  
Ки бор эрди гавго анга бедаранг.

Насихат қилур эрди кўп дилпазир,  
Вале бўлмас эрди анга жойгир.

Печа панд ила тонса эрди хитоб,  
Берур эрди носихқа мундоқ жавоб,

Ки: «Бордур йигитлик фарогат чоғи,  
Қариллиқ эрур зухду тоат чоғи.

Шабоб андаким узр қўлгусидур,  
Вараъ айламак вақти бўлгусидур».

Бу сўз бирла кўнглини қилур эрди хуш,  
Бу хушлуқ била бор эди журъакаш.

Шабоб ўттию қуввати қолмади,  
Деди: «тоат айлай», қила олмади.

Хам ўлмини эди фиёқ одат анга,  
Басе саъб эрди ибодат анга.

Ва гар қилса ҳам завқ топмас эди,  
Даме лаҳвдани дийда ёлмас эди.

Чу кўрдикки, умр ўлди яксар табох,  
Яна етти сарвақтига ири роҳ.

Кўрар турфа барнони мабхуту масх,  
Ки қилмиш эди зухд азмини фасх.

Келиб назъ вақти анинг бошига,  
Сукун тутти раҳм айлабон қошига.

Неким қилгонидини пушаймон кўруб,  
Замирини бенури имон кўруб,

Деди: «Панд бердим, вале қилмадинг.  
Бу кун олинга келмагин билмадинг».

Деди: «Тажрибам йўқ эди, эй рафиқ.  
Су узмакни ўрганмай ўлдум гарик.

Қариллигда гар билсам эрди бу ҳол,  
Йигитлик чоғи қилмас эрдим вабол».



Дедиким: «Отанга неча умр эди?»  
Ҳисоб айлабон — «Юз ўн ики», — дедди.

Деди: «Ул ҳам ўлмин эди нотавао?»  
Эшитгучи тасдиқ қилди равои.

Кулуб деди соҳибдил: «Эй булхавае,  
Эмасму эди тажрибанг мунча бас?»

Ангаким етар тенгридин мавҳиба,  
Керак ўзгалар ҳолидин тажриба.

## XLII

### ҲИКМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, йигитликда таъб невичун ибодатдин мутанаффирдурур ва қарилликда димоғ таваққулдин қосир ва ҳакимнинг пирона роӣ била шоҳи жузонбахтқа йўл кўргузгани*

Яна сўрди бу нукта шоҳи жаҳон  
Ки: «Эй нуктадини рамузи инҳон,

Йигитликда иш касби осондурур,  
Недин таъби андин ҳаросондурур?»

Нединдур анга коме лаҳву тараб,  
Вараъдин нега зоҳир айлар тааб?»

Йигитликнинг ўтган замон навбати,  
Ҳар ишта недин кам бўлур лаззати?»

Тарабнок невичун бўлур навжувон,  
Қариға бўлур не тараб, не тавон?»

Деди донишомузи ҳикматхисол  
Ки: «Эй борча даъбу хисолинг камол,

Туфулият айёми йўқтур шуур,  
Эрур таъб рою хираддин нуфур.

Ул айём эрур лаҳвга муқтази,  
Хатоға, лаги саҳвга муқтази.

Нединким хирадқа чу йўқ дастрас,  
Эрур нафс даъби ҳавоу ҳавас.

Туфулвият ўтгачки бўлди шабоб,  
Хирад нури солди димоғ ичра тоб.

Кишининг бу вақт икидур ҳолати,  
Эрур ақли ё нафсининг қуввати.

Агар ақлига қувват ўлди фузун,  
Бўлур яхши ишлар сори раҳнамун.

Вале олам аҳлида бу оздур,  
Улусдин агар бўлса мумтоздур.

Ва гар нафси ақлидин ўлса қавий,  
Заруратки, бўлгай анинг пайрави.

Не амр этса лаҳву ҳаво соридур,  
Ким ул нафс майли хато соридур.

Чу кўпрак халойиққа будур тарик,  
Бўлурлар хатокор кўпрак фарик.

Чу элга берур парвариш рўзгор,  
Керак мундоқ-ўқ бўлса омузгор.

Ангаким, қилур руҳи қудси мадад,  
Солур кўнглига нур шамъи хирад.

Кишиким бу суратқа қодирдурур,  
Басе оздур, бўлса нодирдурур.

Ададда чу кўпракдур аввалги хайл,  
Ҳам ул сори кўпракдурур элга майл.

Буларға тааммул чу айлар кўнгул,  
Берур чунки аксар топар ҳукми кул.

Йигит чунки қўйди куҳулатқа юз,  
Иши қўйди барча суҳулатқа юз,

Бурудатдин абдон тўла бошлади,  
Ҳарорат ўти наст ўла бошлади.

Булар таънига май бўлуб дастгир,  
Бўлуб бода бирла ҳароратпазир.

Чу май шугли сори бўлуб муртакиб,  
Ул ашгол ўлуб мужибни кўи лаиб.

Чу шайхухат ўлди табиатқа жуфт,  
Қавий вазъига заъф солди нуҳуфт.

Ғаризий ҳарорат ўти бўлди паст,  
Рутубатқа бўлди ул ўт зердаст.

Қаю ўтки, сув қилса тугъён анга,  
Ўзунг деки, ўчмай не имкон анга

Ҳарорат кам ўлғоч, бўлуб меъда суст,  
Ғизо топмади чунки ҳазме дуруст.

Агар қилса таълил қувват кетиб,  
Кўпидин табиатқа иллат етиб.

Табиатки андин қавийдур димоғ,  
Ҳароратдин анда ёрутур чирог.

Ул ўт ўчғач-ўқ ўчти бу шамъ ҳам,  
Тааққул анга бўлмади жамъ ҳам.

Димоғ ичра хабт ўлди беҳадду ад,  
Футур ўлди ойини рою хирад.

Киши бўлса бу васф ила муттасиф,  
Ажаб йўқ агар бўлса масху ҳазиф.

Ва лекин ҳам ул хайли қудсийсифот,  
Ки бўлмасун ул хайлсиз коинот,

Чу хилқатлари келди ҳикматсиришт,  
Саодат аларга келиб сарнавишт,

Ки ул қавм эрур ё наби, ё валл,  
Ва ё ҳикмат аҳли аро аъқали,

Ки нафсоният қилмайини ишта фош,  
Қилурлар печукким, керактур маош.

Бадан ичра тоғиб риёзат субут,  
Кўнгулга берурлар сафо бирла қут.

Неча бўлсалар умр бирла асан,  
Тонарлар камол ичра вақҳи ҳасан.

Неча кимсага умр имкон эрур,  
Алар ақли хуршиди раҳшон эрур.

Яшагон сойи доғиш ичра ботиб,  
Қатондек неча эскириб кўрқониб»

Скандарга чун етти бу фонда,  
Савол этмади нуқтаи зонда.

### XLIII

*Искандарнинг, кўнгул зулфи жодудин холи ҳиндуға  
майл этгандек, Кашмирдин Ҳиндустонға азимат қилғони  
ва роғи ҳинд жамоати аҳли яқин ва гуруҳи ҳикматойинни  
шафёъ қилиб, алар подшоҳдин қули ёзуғин тилагондек,  
дархост қилиб, қабул тушғони ва роғи Искандари соҳиб-  
ройни Ҳинд сори бошлаб, бешаи Нигорда қишлоқ кўр-  
гузғони ва ул бешанинг тўрт ҳадди васфиким, баён ўзига  
ҳадди таъриф билмас, балки рубъи маскунда андоқ ер  
топилмас*

Гузоранда донойи ҳиндийнажод,  
Бу тарихни мундоқ айлар савод,

Ки қилгоч Скандар бу тадбирни.  
Ки Ферузга берди Кашмирни.

Чу бошини сазовори тоғ айлади,  
Анга ҳам муайян хирож айлади.

Муқаррар бу навъ айттиким: «Ики ой  
Бўл ўз кишваринг узра равнақфизой.

Бу миод ила жамъ айлаб сипоҳ,  
Тегишча борига бериб харжи роҳ.

Яна қилма ҳеч иш сори илтифот,  
Етиш бизга Ҳиндустон сори бот».



Бу сўзлардин они қилиб сарфароз,  
Яна синглишиким, эди Мехриоз.

Тўқуз парда кейинида пинҳон қилиб,  
Ҳаримида шамъи шабиетон қилиб.

Аён айлабоқ Ҳинд азмини жазм,  
Равон қилди Ҳиндустон сори азм.

Черикка иш ошуб бўлди яна,  
Замона лагадкўб бўлди яна.

Черик ёнибон арсаи хокни,  
Анинг гарди андоқки афлокни.

Борур эрди ул сори айлаб шитоб,  
Уруб йўлни манзил-баманзил таноб.

Қаю ноҳиятқаки манзил қилиб,  
Ўтар эрди фатҳини ҳосил қилиб.

Агар чархваш ҳиспу олий жибол,  
Сипоҳ айлар эрди ани поймол.

Ёмонлардин офоқни пок этиб,  
Вале яхшиларини тарабнок этиб.

Қилиб саркаш эл шавкатин ерга паст,  
Забардастларини қилиб зердаст.

Этиб даштни адлидин бўстон,  
Анга тегруким, мулки Ҳиндустон.

Хабар чулки фаҳм айлади Ройи Ҳинд,  
Ки шоҳ ўлгуси кишвароройи Ҳинд.

Худ андинки, Кашмирга азм этиб,  
Не янглиг ани фатҳ этиб, чун этиб.

Фусун риштасин сарбасар узганин,  
Тилиемотнинг фатҳи кўргузганин.

Нелар қилганин аҳли Кашмир ила,  
Агар зўр ила, йўкса тадбир ила,

Эшитмиш эди борчаси як-баяк,  
Ки кўнгли аро йўқ эди ҳеч шак.

Билиб эрдиким айтай олмас хилоф,  
Не мумкин худ этмак ҳаёли масоф.

Мураттаб қилиб пешкаш асру кўб,  
Скандар жанобига тортарга жўб.

Матю анда ҳар неки ашё келиб,  
Тўқуз-тўққуз андин муҳайё келиб.

Боридин бурун зида пили дамон,  
Ки титраб алардин замину замон.

Аларнинг келиб сони тўқуз-тўқуз,  
Яна бир ривоятда ўтуз тўқуз.

Келиб тоғдек ҳар бирининг тани,  
Чу зўр айлабон тоғ йиқмоқ фани.

Вале тоғким, бўлса якпора тош,  
Намойишда хокистари хора тош.

Бир учида бир чархваш тош анга,  
Ки андин намудор ўлуб бош анга.

Ажаб тоғ ўлуб жуног янглиғ равон,  
Ики жонибида ики бодбон.

Қаю жуног кўктин нишоп кўргузуб,  
Ки хартумидин қаҳқашон кўргузуб.

Не хартумким, гурза мори дамон,  
Салобатда аждар ҳамон, ул ҳамон.

Чу жисмига ҳар лаҳза ул айланиб,  
Дегил тоғ аро аждаҳо чирманиб.

Узуб, чирмоғоч солхўрда чинор,  
Йикиб, туртгач сидраосо минор.

Чиқиб хартум атрофидин ики тиш,  
Алардин фалак хайлига сарзаниш.

Ажал нахлига ҳар бири соқ ўлуб,  
Сашидорнинг соқидек оқ ўлуб.

Сифоти, «бало»га келиб муттасиф,  
«Бало» ичра сабт айлаган лом-алиф.

Улуг жусса бирла фалақдин мисол,  
Бўлуб ул фалақ узра чангак ҳилол.

Бу янглиғки шарҳ ўлди тобу тавон,  
Солиб ҳар бири узра баргуствон.

Ети ранг дебойи заркордин,  
Мукаллаал қилиб дурри шаҳвордин.

Яна ҳар бири узра бир турфа тахт,  
Ичинда тўқуз ҳиндуйи некбахт.

Қабул ичра ҳар турфа ходе келиб,  
Назар мардумидин мисоле келиб.

Бори зангийи холдек мушкранг,  
Бори ҳиндуйи зулфдек шўх-шанг.

Борининг либоси сориг ё қизил,  
Баҳору хазон айлабон муттасил.

Ҳамул пил чунким хиром айлабон,  
Булар анга уйқу ҳаром айлабон.

Яна пилча хинги тозийнажод,  
Демай девзоду, дейин девбод.

Назарга келиб ҳар тўқуз ўзга ранг,  
Ки ул лутф ила келмайин кўзга рағг.

Намудор аро ҳар бири бир пари,  
Вале девмонанд ўлуб пайкари.

Югурмакта ҳар бир сабодин ўтуб,  
Сабо йўқки, рахши самодин ўтуб.

Хиром айлагач, нарм рафтор ҳам,  
Юруш барчага тезу ҳамвор ҳам.

Ҳар аблаққи, рафтор аро гом олиб,  
Замон аблақи кўз етарча қолиб.

Ҳар анҳабки, кўкка боқиб кишнабон,  
Қуён анҳаби тобидек ишнабон.

Кечим ҳар тўқузга яна ўзга ранг,  
Жаложиллари барча заррина ранг.

Миниб устига ҳиндуйи найзавар,  
Зарогин қабо балки заррин камар.

Бўлуб чунки якронига жилвадех,  
Синони била ердин олиб зирех,

Зухалранг ўлуб, лек Баҳромгин,  
Замири аро барча ҳангом кин.

Қулоқларида ҳалқан бандалиқ,  
Топиб ўзча олтунга арзандалиқ.

Яна бу адад бирла ҳарвор рахт,  
Тағиб тағлар чархкирдор рахт.

Назокатда ҳар ҳуллаи бемисол,  
Бўла олмайини нардапўши хаёл.

Бўла олмайини кийса мастур тан,  
Намудор ўлуб ўн қотидин бадан.

Яна бу адад бирла олтун зуруф,  
Қуёшдек фурузон вале бекусуф.

Суроҳию тунгу қадах бирла жом,  
Сафоу намоишда хуршидфом.

Яна онча тўтийи шаккаршикан,  
Не шаккаршикан, балки ширин сухан,

Зумуррад тану лаъл минқор ҳам,  
Ҳамул лаъл сўз вақти дурбор ҳам.

Яна онча товуси зебо жамол,  
Латофатда товуси жаннатмисол,

Сапамдек қилиб хуш қасдида куч,  
Боши узра йўқ тожким, титрагуч.

Яна сандалу уд, харворлар,  
Ҳамул мушку кофур, анборлар.

Бу янглиг муҳайё қилиб пешкаш,  
Қи қилгай тамошосидин руҳ гаш.

Акобирки — мулк ичра мавжуд эди,  
Қим ул хайл мулк ичра мақсуд эди.

Бори ҳикматойину донишпузук,  
Филотунманиш, бая Арастушук.

Яна бир гуруҳ аҳли зухду салоҳ  
Сафода қуёшдекки, чиққай сабоҳ.

Масиҳи суҳансанж янглиг бори,  
Фариди шакарганж янглиг бори,

Булар олида эътизор айлабон,  
Басе, ажзлар ошкор айлабон,

Қи: «Мен бир камин бандамен шоҳга,  
Бошим мойил ул хоки даргоҳга,

Хаёлимга ҳаргиз хилоф ўтмамиш,  
Анинг бирла кину масоф ўтмамиш.

Не ҳад бирла худ қилгамен бу хаёл,  
Қи қилсам ҳам ўлгай хаёли маҳол.

Бировким ўзин тутса ҳинду анга,  
Не янглиг чиқор рўй-барўй анга.

Буким амри етганда азм этмадим,  
Анга гояти ажздин етмадим.

Мисолин русулидин олдим қўпуб,  
Бошим устига қўйдум они ўпуб.

Қўи эрди манга хизмати мултамас  
Борурга вале топмадим дастрас.

Неким ҳукми эрди ибo қилмадим,  
Бўюн тўлғабон можаго қилмадим.

Мисолни ижон бирла қилдим қабул,  
Десун билганин, тенгри ҳаққи, расул.

Вале асру мажруҳу раижуи эдим,  
Дедим узр, невчунки, маъзур эдим.

Агар шоҳ узрум қабул айласа,  
Бузуг кишваримга нузул айласа,

Мени лутф ила айлабон сарбаланд,  
Халойиқ аро айласа арижуманд.

Бошим кўкка етгай ул алтофдин,  
Намудору ойини аътофдин.

Қули бўлгамен танда ижон борича,  
Бадаи ичра жондин нишон борича.

Ва гар, тенгри кўргузмасун, қилса қаҳр,  
Майи рифқ жоми аро қуйса захр.

Манга зоҳир этса гунаҳкорлиқ,  
Нетонг қилса ҳинду сияҳкорлиқ.

Қабул айламасга даги қайда ҳад,  
Ки ҳиндустонийда бўлмас хирад.

Мени шаҳ сўзи бирла мужрим билинг,  
Вале сиз жамоат шафоат қилинг.

Шак эрмаски чун маҳз алтофдур,  
Ариг хотири кўзгудек софдур.

Қачон турсангиз сиз шафоат қилиб,  
Гуноҳимдин ўтгай иноят қилиб».

Бу сўз бирла ҳиндуи ширинзабон,  
Не ҳиндуки, ҳинд аҳлига марзбон,

Йиборди ҳамул хайли чолокин,  
Тенгиз оллига неча хошюкин.

Ҳамул пешкашлар била ул гуруҳ,  
Тоғиб ҳар қадам йўлда фарру шукуҳ.

Борурлар эди ўрду ўтрусига  
Ки еттилар Искандар ўрдусига.

Бурун бориб аркони давлат сори,  
Яна юз қўюб аҳли ҳикмат сори.

Алар дағи зоҳир қилиб эҳтиром,  
Булар дағи айлаб адоини паём.

Паёмин аларнинг чу маълум этиб,  
Бориб шоҳ таънига мафҳум этиб.

Скандар чиқиб тахт уза шодмон,  
Тоғиб Роини ҳиндий газабдин амон.

Ҳамул эл келурдин тоғиб шодлиқ,  
Ғаму ғусса бандидин озодлиқ,

Ки бу хайл эди олида кўп азиз,  
Кўрунмас эди Ҳинд моли пашиз.

Аларни тилаб лутфу икром ила,  
Суруб нуқта шоҳона ором ила,

Салоҳ аҳли етгач, тушуб тахтидин,  
Бу тавфиқ тоғиб бийик бахтидин.

Кўрушган маҳалда қилиб ўзни паст,  
Кўруб ўзни дин аҳлига зердаст.

Қилиб ҳикмат аҳлига ҳам майл бот,  
Этиб ҳар бирисига кўп илтифот.

Ҳақ аҳли қошида шаҳи некбахт,  
Жулус этгали қилмайин майли тахт.

Такаллуфсиз айлаб ер узра мақом,  
Аларни дағи кўп қилиб эҳтиром.

Тамомига шойиста ер кўргузуб,  
Нечукким эрур лойиқ ўлтургузуб.

Тилин узр сори қилиб нуктасанж,  
Ки бушқунча худ етмади йўлда ранж.

Бурун шаҳга барча дуо қилдилар,  
Яна Рой сўзини адо қилдилар.

Қилиб шоҳ изхори шармандалиқ,  
Машойиҳқа айлаб сарафгандалиқ.

Деди: «Ҳар не сиз этсангиз илтимос,  
Эру фарз тутмоқ нафас бизга нос.

Сизинг шаҳга гарчи гунаҳ оз эрур,  
Сунуфи иноятқа мумтоз эрур.

Агар журму исёни кўп бўлса ҳам,  
Кўруб ажзини айлар эрдим карам.

Хусусан езингдек кироманд эл,  
Хирадпарвару покпайванд эл,

Келиб бўлгасиз қилғонига шафёъ,  
Не қилгай бажуз афв роин рафёъ?

Гуноҳи худ оз эрди, кўп бўлса ҳам,  
Сиёсат тариқига жўб бўлса ҳам,

Билиб кечтим ул барчанинг бошидин,  
Илк торттим кину подошидин.

Ўзига иноятни жазм айласун,  
Қўпуб боргаҳ сори азм айласун.

Ишига чекай мулк бирла тироз,  
Бошин тож ила айлайин сарфароз.

Сарири юзин кишваророй этай,  
Ливоси тирозин фалаксоӣ этай.

Яна чунки сиз хайли фаррухжамол,  
Ки бўлдум сизинг бирла фархундафол,

Қадам ранжа айлаб буён еттингиз,  
Мени хушдилу баҳраманд эттингиз.



Сизниг ранжингиз узрини қўлгамен,  
Ки андин ўзим мубтаҳиж бўлгамен.

Не кишварга бир шох кирган замон,  
Қадимий эрур расми моли амон.

Ани қилмасунлар бу элдин талаб,  
Ки эл топмагай бермагидин тааб.

Яна Роӣ хизматга чун етгусен,  
Бу кишвар хирожни қабул этгусен.

Халойиқ бошидан олиб эҳтиёж,  
Маоф айладук ики йиллик хирож».

Бу янглиг карамлар чу кўргузди шох,  
Ул эл бўлдилар лутфидин хокироҳ.

Ул ахлоқ беҳадду гоят кўруб,  
Яна бахшиши бениҳоят кўруб,

Анинг шукрин айтурга лол ўлдилар,  
Дуо дерда ошуфтаҳол ўлдилар.

Чу бир йўли юзланди муфрит сурур,  
Яқин эрди жон тандин ўлгай нуфур.

Не навъ ўлса ўзларни забт айлабон,  
Дуо сори ойини рабт айлабон,

Дедиларки: «То дойир ўлгай сипеҳр,  
Сипеҳр узра то айлагай сайр меҳр,

Сипеҳр узра бўлсун санга тахтгоҳ,  
Қуёш гирди болиштидин такягоҳ.

Фалак бўлмасун сендек огоҳсиз,  
Жаҳон бўлмасун сен киби шохсиз.

Мусаххар бўлуб барча олам санга,  
Ети кишвар ўлсун мусаллам санга.

Юзунг айласун бахт меҳри само,  
Замрингни миръоти гетинамо.

Жанобингга келганда беҳол эдук,  
Сўз айтурда қўрқунчдин лол эдук.

Сени ўзга шаҳлардек эттук гумон,  
Дедук ўзга шаҳлар ҳамон, сен ҳамон.

Не билдукки, бўлса алар тийра хок,  
Сени тенгри, халқ айламиш нури пок,

Сени шоҳлар ичра қилмиш илоҳ,  
Анингдекки, сойир улус ичра шоҳ.

Ўруб сенда бу навъ хулқи карим,  
Ўнгул ичра не ваҳм қолди, не бим.

Бировдекки, гулни ўт этган гумон,  
Исдин тирилгай етишган замон.

Чу топтуқ жанобингга мансублуқ,  
Фузун бўлди хайратқа мағлублуқ.

Қилилгоч ишингда тафаккур фузун,  
Таҳайюрга бўлди таҳайюр фузун.

Ўрулди сифотингки мастур эмас,  
Ким ул навъ инсонга мақдур эмас.

Вужудинг ҳақ этмиш малойинксифот,  
Ки сенсиз даме бўлмасун коншот.

Сени буйла билса эди Ройи ҳинд,  
Келиб, қилмагай эрди нарвойи ҳинд.

Ижозат агар бўлса келтурмакки,  
Юзин остонингга еткурмакки.

Бориб авфу лутфунг баён айлали,  
Ҳазин хотирин шодмон айлали.

Ани тортали қуллуғунгга ёвуқ,  
Ўзин ҳоки пойингдин этеун ёруқ».

Деди шаҳки: «Сизга неким бўлса ком,  
Манга ком эрур, андин ўзга ҳаром».

Дуо қилдилар ул жамоат қўнуб,  
Яна йўлга юз урдилар ер ўнуб.

Етиб Ройи ҳинд олига шодмон,  
Ани ҳам қилиб шод, етган замон.

Бериб борча ҳолатдин огоҳлиқ,  
Тилаб азм қилмоққа ҳамроҳлиқ.

Ўзига топиб Рой мундоқ нажот,  
Дегайсенки, ўлганга етти ҳаёт.

Ҳамул хайлини солибон илгари,  
Равон бўлди шоҳ остони сари,

Яна тухфалар бурноғидини шигарф,  
Ки васфига қилмай вафо савту ҳарф.

Ўзига ҳамул элни ҳоди қилиб,  
Ҳидоят била қатъи води қилиб.

Алар дағи раҳбарлиг айлаб анга,  
Бори йўл суханварлиг айлаб анга.

Шаҳи комрон васфини соз этиб,  
Бу қилмай тамом, ул бир оғоз этиб.

Дебон файзу нафъини хуршидвор,  
Ани заррадек айлаб уммидвор.

Дебон буйла сўзларни ҳамроҳига,  
Қадам қўйдилар шоҳ даргоҳига.

Равон бердилар шахга огоҳлиг,  
Ки Рой этмиш ул элга ҳамроҳлиг.

Яна ҳукми олийга бўлди судур,  
Ки: «Берсун билик аҳли мажлисқа нур».

Алар Ҳинд Ройин олиб кирдилар,  
Ки бу ҳукмга мунтазир эрдилар.

Кафан эғнидау қилич бўйнида,  
Яна мавт бирояси қўйнида.

Ани кўргач-ўқ айлади манъ шоҳ,  
Ки ул қилмамин эрди онча гуноҳ.

Ки келгай бу янглиг мазаллат била,  
Бу баским, келур аҳли миллат била.

Нечукким, мурувват анга эрди фан,  
Деди, олдилар тиги бирла кафан.

Кетурдилар айлаб баса эҳтиром,  
Анга тегруким шоҳи олий мақом.

Шаҳ эъвоз ила аржуманд айлади,  
Қучушмоқ била сарбаланд айлади.

Қилиб шоҳнинг пойбўсига майл,  
Нечукким, тушар тоғ аёғига сайл.

Юқорроқ чекиб шоҳ икром ила,  
Қучуб шоҳни Рой ҳам ком ила.

Ениб чун қучардин бўлуб кўнгли хуш  
Кетурганларин айлабон пешкаш.

Шаҳ айлаб қабул, анга ер кўргузуб,  
Мулукона қонуну ойин тузуб.

Неким ваҳм эди кўнглидин қилди рафъ.  
Замиридин андешани қилди дафъ.

Яна ул сурук зумраи динин ҳам,  
Даги зумраи ҳикматойинини ҳам,

Бурунгидек айлаб риоят, баса,  
Инез узра қилди иноят, баса.

Такаллум қилиб шаҳ, баса, жоннавоз,  
Демай жоннавоз, айт меҳмоннавоз.

Бори Ҳинд элин, ўйла, сайд айлади,  
Ки тори вафо бирла қайд айлади.

Мулоийим чиқиб базм ҳаддин фузун,  
Тасалсул бўлуб нукталарга узун.

Шаҳ алтофини чун кўруб беқиёс,  
Қўпуб Ройи ҳинд айлади илтимос,

Ки: «Айлаб карам шоҳи гардуинаҳиб,  
Бу кишварга рухсоридин берса зеб.

Таваққуф қилиб мунда бир неча оӣ,  
Қилиб Ҳинд туфроғини чархсой.

Бу кишвардаким кўн гаройибдурур,  
Демай кўпки, копи ажойибдурур.

Ажаб бешау булъажаб ваҳшу тайр,  
Фароғат била неча кун қилса сайр.

Етибдур яқин голибо қиш дағи,  
Бу қиш ичра йўқ қилғудек иш дағи.

Бажуз бодау руду айшу нишот,  
Фароғат била айламак инбисот.

Хусусанки Ҳиндустоннинг қиши,  
Қилур халқ таъбига наврўз иши.

Булут узра ёмғур, шажар узра вард,  
Не совуғ, не иссиғ, не болчиг, не гард.

Ҳамалга қуёш чунки бергай шараф,  
Юруш азми гар бор эса ҳар тараф.

Сипаҳ тортмоқ вақти ҳам улдурур,  
Киши ҳар иш айлай деса йўлдурур».

Келиб шоҳ кўнглига бу нукта хуш,  
Анингдекки, сув кўрса соҳиб аташ.

Қабул айлабон, бўлди хушҳол кўн,  
Ҳамул элга юзланди иқбол кўп.

Деди: «Қай сари бўлсангиз раҳнамой,  
Бўлоли бу қиш анда маҳмилкушой».

Дедиларки: «Деҳли эрур пойтахт,  
Муносибдурур тортмоқ анда рахт».

Деди шаҳки: «Шаҳр ичра сигмас синоҳ,  
Керак бешада элга оромгоҳ.

Ва гар енгса даги эмас дилнисанд,  
Ки етгай раоёга элдин газанд.

Равон бўлса биздин биров илгари,  
Ки ер кўрса ул шаҳрдин ташиқари.

Йироқроққинна бўлса ҳам бок эмас,  
Ки эл шаҳрсиз асру гимнок эмас».

Яна илтимос айлабон деди Рой  
Ки: «Хукм айласа шоҳи кишваркушой,

Бу қул борса бу иш саранжомига,  
Кўрарга маҳал шоҳ оромига.

Йўқ эрса кўнгул ҳеч топмас қарор,  
Манга юзланур дам-бадам изтирор».

Бу сўздин анга шоҳи фархунда фар,  
Иноят қилиб тахту тожу камар.

Басе тезрав, раҳши хорошикан,  
Бори каркзўру бори пилтан.

Мурассаъ эгар бирла тазйин топиб,  
Яна гошия гавҳаройин топиб.

Узотиб ани Ҳинд сори нухуст,  
Ўзи даги азм этти ул ён дуруст.

Етишти чу ўз кишвари ичра Рой,  
Бўлуб кишвар аҳлига ишратфизой.

Билиб элки душмандин ўлмиш амон,  
Қилиб шод кўнглини яхши-ямон.

Шаҳ этган карамларни бори билиб,  
Бўлуб шоду беҳад дуолар қилиб.

Яна Рой чун хушдил айлаб элин,  
Скандар ярогига боглаб белин.

Ҳамул бешаким дер эдилар Нигор,  
Ичида анинг бениҳоят шикор.

Не беша, Эрам боғининг ғайрати,  
Хирад нутқини лол этиб ҳайрати.

Келиб бешадни атри анбар насим,  
Қилиб тийра туфроғни абҳаршамим.

Муқорин келиб сандалу обнус,  
Шабах бирла ул навъким санदारус.

Насимеки сандал саридин этиб,  
Димоғ уйини сандалолуд этиб.

Ҳамул ис тутуб бешау тоғни,  
Қилиб сандали суда туфроғни.

Йилон сандалосо шажар соқига,  
Сочидек бути сиймбар соқига.

Қаранфул қилиб майл сунбул сори,  
Анингдекки, сунбул қаранфул сори.

Шажар ҳар бири еткуруб кўкка бош,  
Бўлуб барглар ичра пинҳон қуёш.

Қуёш барг аро ул сифат музави,  
Ки туфроққа соя аро партави.

Чинор андаким панжа айлаб ҳизоб,  
Бўлуб, ўйлаким, панжаи офтоб.

Фалакким этиб жавзи бўё анга,  
Бош айланмоғи солди гўё анга.

Шажарким бўлуб жавзи бўё ери,  
Келиб шоҳига дорчиний тири.

Чу зайтуни бўлуб чарх ила муттасил,  
Бўлуб чарх зайтуни андин хижил.

Қаю нахлким, шоҳи кўктин ошиб,  
Анга ток шоҳи чиқиб чирмошиб.

Узум хўшаси бирла аҳли расад,  
Синехр узра парвиш кўруб беадад.

Ҳамул тоққим, бўлди шох узра банд,  
Солиб сидра шохига печон каманд.

Анга ёрмониб хўша дузди хаёл,  
Синехр узра чиқмоқши кўрмай маҳол.

Хазон ичра чун барги асфар сочиб,  
Фалак ҳар сори юз минг ахтар сочиб.

Бу ашкор учида ҳар жинс тайр,  
Бўлуб тойир ўлгонда афлоксайр.

Дема тайр чарх узра сойир бўлуб,  
Ки ҳар тайр бир настри тойир бўлуб.

Сурук турфа тўтийи дилкашнаво,  
Ки ҳарён тутуб беша ичра ҳаво.

Қўнуб қай шажар узра ахзар қилиб,  
Не ахзарки, Хизри пайамбар қилиб.

Бўлуб баргсиз нахл пожу киби,  
Не пожуки, бу чархи мину киби.

Дема чархи минуки, гулбун мисол,  
Гул ул хайлким, кўргузуб ранги ол.

Қизил хайлининг ранги гулнор ўлуб,  
Анга шуълаи нор минқор ўлуб.

Қизил, ёшил айлаб чу ҳар ён ҳужум,  
Ясагон киби айлабон ранги мум.

Яна шораки нуктагў хайл-хайл,  
Қилиб ҳинд элидек такаллумга майл.

Қилиб лавҳа кимсон била зевари,  
Анингдекки, ҳиндуйи бозигари.

Дема лавҳаким, лавҳан зарнигор,  
Қилиб зарварақ бирла афсарнигор.



Қаёнким хироманда мадфуи келиб,  
Ким они кўруб, зору мафтуи келиб.

Жавак атлас айлаб ўзига либос,  
Қийиб бўрк ўрнида бошига тос.

Хироманда товуси зебо жамол,  
Малак хайлидин зоҳир айлаб мисол.

Қилиб жишва ҳар ёи, вале масти ноз,  
Суроҳи киби масту гарданфароз.

Суроҳи келиб ложувардийнишон,  
Қилиб они зарҳал била нуестмон,

Тазарви хироманда, дуррож ҳам,  
Қилиб хуш пақдини торож ҳам,

Бўлуб чун тазарв айлабон майли сарв,  
Бу гулдаста майли муталло тазарв.

Чу товус ўлуб шоҳи олийишини,  
Бўлуб сидра шоҳида руҳул-амин.

Ери сабза бирла зумуррадинишон,  
Анга чархи мишо забаржадфишон.

Шимолида бу бешанинг руди Синд,  
Жанубида зоҳир бўлуб шаҳри Ҳинд.

Бу руд ичра юз кема суръатнамоӣ,  
Фалак баҳрида, ўйлаким, янги оӣ.

Келиб ҳадди шарқида бир пайситон,  
Ки васфида камдур неча дoston.

Саросар бу пай ичра шаққар бутуб,  
Не шаққарки, қанди муқаррар бутуб.

Бўлуб шарбат ул пайситонини суйи,  
Шақар, болчинг ўрнига сувдин қуйи.

Яна ҳадди гарбида тоғе рафеъ,  
Бўлуб тўрт фасл анда — фасли рафеъ.

Қишу ёз мамлу раёҳни анга,  
Келиб наҳлаи шаҳд гулчин анга.

Ниҳоятдин ортуқ келиб бу калез,  
Бўлуб борча бу тоғ аро шаҳдрез,

Киши қайси тоше сориким боқиб,  
Анинг шаҳди бир чашма сувдек оқиб.

Қаю қўл сори элга бўлса вуруд,  
Кўруб шаҳд оққонини андоқки руд.

Кийик хайли бу тоғ уза минг гала,  
Гулу шаҳд аросида бори яла.

Бугую марал найистонида сайд,  
Шакардин бориинг аёғида қайд.

Тўла баҳрида моҳийи сиймгун,  
Фалак ҳути ҳар бир қошида забун.

Яна беша атрофида дому дад,  
Киши овламоглиг учун беадад.

Келиб шаҳри худ васфдин ташқари,  
Бўлуб хийра кўз чун боқиб ҳар сари.

Бу бешадаким, дедим авсофини,  
Қалам қилди маҳдуд атрофини.

Ере эрди очуқ бағоят анга,  
Гулу сабза, бас, бениҳоят анга.

Қуловузлуғ айлаб, бўлуб раҳнамоӣ,  
Тушурди Скандарни фархунда Рой.

Ҳамул сабзага тушти хайлу сипоҳ,  
Тикилди яна чархсо боргоҳ.

Шаҳ ул ердин асру нишот айлабон,  
Юруб ҳар ёнин эҳтиёт айлабон,

Басират била ҳар тараф кўз солиб,  
Анинг тавру вазъида ҳайрон қолиб.

Қилиб Рой анга онча қудлуқ аён,  
Ки қосир бўлуб шарҳи ичра баён.

Бори шуглдин шоҳ маъзул ўлуб,  
Қиш ул ерда ишратқа машғул ўлуб.

Кетур соқий, ул соғари зарнигор,  
Ки май лаълидин бўлди гавҳарнигор.

Чу дашти Нигор ичра қилдим мақом,  
Керактур манга зарнигор эмди жом.

Муғанний, тузот нағмаи рехта,  
Ани қил унунг бирла омехта,

Ки бир сабзи ширин яна Ҳинд аро,  
Менинг рўзгоримни қилди қаро.

Навоий, нелар қилди хоманг яна,  
Ки бир мулки Ҳинд ўлди номанг яна.

Неча кўрса мулкида ҳинду савод,  
Унутқай кўрунган замон бу савод.

#### XLIV

*Афв фазилатидаким, дарёдил жувонмардлар мужримлар  
гуноҳи тасу хошокин бахшиш насими била кўнгул баҳ-  
ридин адам савоҳилига сурарлар ва юзлариға дарё мав-  
жидек чин тушмас ва ҳайрат зулумотидаги овораларни  
карам шамъи раҳнамойлиги била ул водийи ҳалоктин  
чиқорурлар ва ул тийраликтин аларға ҳеч бушмас*

Биров шаҳлар ичра эрур муҳтарам,  
Ки бўлғай анинг даъби афву карам.

Ангадур жаҳон аҳлидин фардлиг,  
Ки ойини бўлғай жувонмардлиг.

Ани бил жувонмард ёхуд карим,—  
Ки бедодидин бўлмағай элга бим.

Демасменки, бедод ком этмағай  
Ки бедодға интиқом этмағай.

Гунаҳкор бўлгоч анга узржўй,  
Қарам баҳридин бўлгай ул журмшўй.

Қуйи қилса мужрим бошини уёт,  
Қуйироқ ани солмагай тиги бот.

Гунаҳ лойида кимса бўлса асир,  
Тойилгоч оёғ бўлгай ул дастгир.

Муқассир шафетъ этса тақсирини,  
Талаттуф била қилса тадбирини,

Ва гар ҳурмат аҳлини қилса шафетъ,  
Шафоатгар амрига бўлса мутетъ,

Агар афвнинг бўлса гунжойиши,  
Гуноҳ аҳлига етса бахшойиши,

Улус узра, эй бандаким, шоҳсен,  
Неча сўз эшитгил гар огоҳсен:

Гуруҳеки ул сойири носдур,  
Сенинг ҳукмунга ишлари носдур.

Эрусен сену ул гуруҳ инсдин,  
Бори офаринишда бир жинсдин.

Камол ичра сендин кўпи аржуманд,  
Яна қобилиятда доғи баланд.

Сениким ҳақ айлаб борига амир,  
Аларни санга қилди фармонпазир.

Қаю бирга берса эди бу кушод,  
Не қилгай эдинг қилмайин инқиёд?

Буким ҳақ сени имтиёз айлади,  
Бори халққа сарфароз айлади.

Гунаҳдин тилар чоғда ҳақдин амон,  
Ўзунгни аларнинг бири қил гумон.

Неким ўз қошингда эрур нораво,  
Улусқа ани кўрма асло раво.

Чекар чоғда мужрим итобиға тил,  
Ҳақ оллида журмуниги ёд айлагил.

Ёмонга жазо гар сиёсатдурур,  
Мурувват — тариқи раёсатдурур.

Ани қатл айлардаким жони бор,  
Ҳаял айла ончаки, имкони бор.

Неча қатлга кимса шойиетадурур,  
Қасосида таъхир бойиетадурур.

Етар бўлса филҳол ўлумдин газанд,  
Абас бўлди, бас, ҳибсу зиндону банд.

Бугун кимса зиндонда бўлса не бок?  
Бўлур чун ани тонгла қилмоқ ҳалок.

Тааммулсиз ўлса бугун бегуноҳ,  
Санга ҳолини тонгла билганда, оҳ!

Ўзунгни гар ўлтурсанг ул дам не суд?  
Бошинг кессанг илгинг билан ҳам не суд?

Недин солгасен кимсага бир мараз,  
Ки топмас даво, бўлса жонинг эваз?

Не қилмоқдурур бир иморатни наст,  
Ки мумкин эмас бутмак, ўлғоч шикаст.

Ани кўрким, ул зори мазлум ано,  
Неча кўрди ҳифзида ранжу ано.

Ул уйгонмасун деб, ебон қайғусини,  
Ҳаром айлади кечалар уйқусини.

Ўтуз-қирқ йил давра айлаб сипехр,  
Анга кўргузуб тарбият ичра меҳр.

Тушуб ул даги чарх давронига,  
Кириб қарддин сўнг киши сонига.

Қилиб ҳукм сенким, ситампешае,  
Чопиб бошини қилмай андешае,

Равоким кўруб бу газанди анинг,  
Тама эски тўнию банди анинг.

Гараз нафсдин анга бу шумлуқ,  
Йўқ улким, санга қилса маҳкумлуқ.

Не навъ айлагай кимса, ваҳ-ваҳ, бу иш,  
Равому бўлур, оллаҳ-оллаҳ, бу иш.

Бўригаки қўй бўғмоғи пешадур,  
Шубон меҳнатидин не андешадур?

Қабутарни росу қилурда ҳалок,  
Анга тифл ўзин ўлтурурдин не бок?

Агар қатл ўлур ўз ерида аён,  
Сияҳчол аро ики кун не зиён?

Ва гар айласа ул хатони киши,  
Не қилгай бу янглиг балони киши?

Ва гар кимсага собит ўлди гуноҳ,  
Қарам қилсанг ўлгон замон узрхоҳ.

Агар одами бўлса — то жони бор  
Яна қилмоқ ул иш не имкони бор?

Ани жон била айладинг муҳтарам,  
Сенга зоҳир ўлди камоли қарам.

Тирикликдин ўлгай анга бу гараз,  
Қи қилгай сенинг бу ишингга эваз.

Агар топса юз жон, фидо айлагай,  
Қи то ул ҳақингни адо айлагай.

Агар қолса бу орзудин йироқ,  
Эваз тенгридин гар етар яхшироқ.

Эвазга дағи қилмаса илтифот,  
Бас эрмасмудур даҳр аро яхши от?

Скандарки андоқ қарам айлади,  
Қолур отни андеша ҳам айлади.

Бу навъ ўлса кимда карам жавҳари,  
Бугун улдур офоқ Искандари,

Қим ўзини карам ичра моҳир қилур,  
Карам ўз хавосини зоҳир қилур.

## XLV

*Ул тожир ҳикоятиким, суду савдосидин улўқ зиён бошига  
келди ва жигаргўшаси фироқидин жигар парголалари  
юзин мунаққаш қилди ва белидаги нақдин ўлумлуқни  
ҳалос қилур учун берди ва қутулгон ўлумлуқ анинг  
жигаргўшаси балки нақди эрди*

Адан мулкида бор эди тожире,  
Тиждоратда тужжор аро моҳире.

Бор эрди бир озода фарзанд анга,  
Қи йўқ эрди оламда монанд анга.

Ешилмас эди ноқадин маҳмили,  
Ҳар ўн кунда бир шаҳр эди манзили.

Борур эрди бир кеча шабгир этиб,  
Басе суду савдонн тадбир этиб.

Бас этмай даме дашту дарё сўзин,  
Қи урди қароқчи аларга ўзин.

Ўлум хавфидин борча бутроштилار,  
Қочиб ҳар бири бир бойир оштилар.

Чу қочқон сари чиқди туз ҳар киши,  
Бир иқлимға қўйди юз ҳар киши.

Чу қутқорди жон тожири раҳнавард  
Ўзин, лек ўз ўглидин топти фард.

Жигаргўшасин топмай ул тийрарўз,  
Жигардин чекиб оҳи афлоксўз.

Бу гамдин жигарни топиб ёралиқ,  
Деги: «Менмен эмдию оворалиқ.

Қуюндек юз урғумдурур ҳар тараф,  
Бу хокий бадан бўлғуча бартараф.

Муродим харимига қўйсам кадам,  
Биёбонда саргашталиқдин не гам?»

Тўқулгач ҳароми анга ноғиҳон,  
Минг олтуи белида бор эрмиш ниҳон.

Белида мухайё кўруб тўшасин,  
Юз урди тиларга жигаргўшасин.

Жигар оқизиб кўз йўлидин мудом,  
Жигаргўша истаб урар эрди гом.

Анга нўя рен этмиш эрди жигар,  
Ки бир турфа кишварга қилди гузар.

Жигархуни бедил қилиб дашт тай,  
Ҳамул шаҳр гашт этгали урди пай.

Кўрарким, гурухе турубтур касир,  
Алар илгида бир жигархун асир.

Жигаргуна, лек қон аросида гарқ,  
Боши узра тиге, анингдекки барқ.

Жигарранг ўлуб қон аро хайъати,  
Бўлуб бонс ул ишга қон тухмати.

Минг олтунга қонлиғ қилиб сарбасар,  
Берурга вале кимса чекмай жигар.

Бу савдо кўруб тожири потавон,  
Жигаргоҳидин ешти нақдин равон.

Чу қутқорди мазлумни тўшаси,  
Қутулгон худ эрмиш жигаргўшаси.

Анга ашк тўкмакда маъзур эди,  
Ажаб ишки, қон бирла қон юр эди,

Чу бутти жигар захмидин ёраси,  
Деди: «Ҳолнинг эт, эй жигар пораси».

Деди: «Ул кеча бўлгач андоқ бало,  
Мен ўлдум адув илгида мубтало».



Бурун барча қатлимга жаҳд эттилар,  
Бошимдин кечиб сўнгра аҳд эттилар.

Ким: «Ўлтурмоли, бўл бизнинг ёримиз,  
Не иш айласак соҳибасоримиз».

Ўлар чоғда бу навъ инъомдин,  
Мутеъ ўлдум ул элга нокомдин,

Бу кунга дегинким бу кишварга азм  
Қилиб, эттилар жамъи эл бирла разм,

Булардин шаҳодат топиб бир фақир,  
Алардин мен ўлдум буларга асир.

Чу ҳолимни ҳокимга еткурдилар,  
Суруб мени қонлиққа топшурдилар.

Топар чоғда умрум қуёши кусуф,  
Санга худ бор ўз қилғонингдин вуқуф.

Очиб роди илгинг карам ақдини,  
Бериб нақд сийм, олди жон нақдшини».

Улус воқиф ўлғоч бу аҳволдин,  
Хабар бердилар шаҳга ул ҳолдин.

Чу воқиф бўлуб ул навоҳий шаҳи,  
Карам нуктасининг бўлуб оғаҳи.

Яно қилди тожирни пироялиқ,  
Бурундин фузун пақду сармоялиқ.

Минг олтунгаким зоҳир этти карам,  
Ўгул топтию юз минг иқбол ҳам.

Карам ёмгури қайдаким сочилур,  
Анга оқибат гул бу навъ очилур.

## XLVI

### ХИКМАТ

*Искандарнинг саволи Арастудин ул бобдаким, ҳар амал*

*Ғаким, бир жазодур, ул амал тухмига бу бир недин  
сазодур ва жавоб маҳсулин кўтармак*

Яна сўрди доройи ҳикматерини:  
«Ки эй ҳарфи ҳикмат санга сайрнавишт,

Буким келди ҳар ишга бир хосият,  
Манга зоҳир этким, недур кайфият?

Не феълеки келди бировдин ёмон,  
Ёмонлиқ кўрардин анга йўқ омон.

Ва гар яхшилик кимга афъол эрур,  
Жазоен анинг ганжи иқбол эрур.

Недин мундоқ эрконга бир нукта сур,  
Мунунг сиррини хотиримга етур».

Деди нуктапардози доно маниш:  
«Ки эй, нуктадин зотингга нарвариш.

Неким тенгри халқ этти офоқ аро,  
Не офоқким, бу куҳан тоқ аро,

Ниҳоний анга берди хосияте,  
Бу хосияте ичра кайфияте.

Агар қойил эрмас бу ишга киши,  
Бўлур бир абас офариниш иши.

Башар хайликим жаҳл эрур лозими,  
Қачонким бўлурлар ҳар иш озими.

Агар нафъи ул ишта мақсуд эмас,  
Ул иш кимеадин, билки, мавжуд эмас.

Агар худ гараз нафъи ниҳони йўқ,  
Бировдин бир иш бўлмоқ имкони йўқ.

Бажуз тифл ё улки девонадур,  
Хираддин бу иккен бегонадур.

Вале ҳар киши бўлса аҳли уқул,  
Тааммулсиз иш ақли этмас қабул.

Қачон бўлса махлуқ аро буйла ҳол,  
Ажаб йўқки, холиқдин ўлгай маҳол.

Буким нафъсиз халқ қилгай вужуд,  
Агар равшан ўтдур вагар тийра дуд.

Неким офаринишқа найвастадур,  
Бори бир-бирисига вобастадур.

Бир иш деса бўлмас «саговор эмас»,  
Ки бир ришта тоб анда бекор эмас.

Бу худ собит ўлдикки йўқ ҳеч зот,  
Ваё ҳеч афъол ёхуд сифот,

Ки зимнида хосияте бўлмагай,  
Вужудида кайфияте бўлмагай.

Вале чун яратти эл афъолини,  
Яшурди анга дона аҳволини,

Ки деҳқон неким дона мазруъ этар,  
Ани-ўқ ўрар, чулки вақти етар.

Қачон сочса туфроққа бугдой бирав,  
Йўқ имконким, ул арпа қилгай дарав.

Ва гар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,  
Анга бугдой ўрмоғининг имкони йўқ.

Киши ҳанзал экса аччиғ бар топар,  
Ва гар найшақар экса — шаққар топар.

Чу афъолининг ашрафу дунн бор,  
Агар дуну ашраф бу қонуни бор.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиғ,  
Етар яхшилиқдин анга яхшилиқ.

Ва гар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,  
Қўрар ҳар неким, зоҳир этти ҳамон.

Керак шони ҳам бўлса ишнинг бу тавр,  
Ки бар лутф лутф — ўқ берур, жавр — жавр.

Тонар айласа фикр табъи салим,  
Ки бу навъ экин жодаи мустақим.

Бу қонундин ар бўлса иш мухталиф,  
Адолат тариқи бўлур мунҳариф».

Чу қойилга бу нукта шофий келиб,  
Мухотабга ҳам мунча кофий келиб.

## XLVII

*Искандарнинг, қуёш тун зулми Зангборидин чиқиб, кун  
зиёси нимрузига киргондек, Ҳинд соводидин чиқиб,  
Чин кишварига киргони ва Хоқони Чин анинг қуёшдек  
гармхўйлиқ била тиги жаҳонгир тортиб келатургонин  
эшитиб, муқобаласида заррадек беҳисоб черик йиғиб,  
анга мувофақатқа элчи йибориб, номувофиқ жавоб топ-  
қони ва ул жиҳатдин зарра ҳисоблиқ чериги зарра  
хайлидек қўзғолиб, ўзи тадбир ишин зарраи номарғий  
қўймағони*

Бу янглиғ деди ноқили нуктасанж,  
Басе тортқон нукта нақлида ранж:

Ки чун бўлди Искандари номжўй,  
Қиш ул турфа марз ичра оромжўй.

Ўзи худ эди кишвароройи Ҳинд,  
Япа мажлисоро анга Ройи Ҳинд.

Бориб гоҳ шаҳр ичра ҳаммом учун  
Иморат аро бодау жом учун.

Солиб Рой қасрида ишратқа пай,  
Тараб бирла оғоз этиб руду май.

Гаҳи беша ичра шикор айлабон,  
Шикор ичра май ихтиёр айлабон.

Гаҳи бабр уруб, гоҳ шер ўлтуруб,  
Ва гар ишлу карк — ул далер ўлтуруб.

Гаҳи соз этиб базм дарё аро,  
Кириб киштиин баҳрпаймо аро.

Тутуб шаст ила моҳийи сиймгун,  
Қилиб жоми сиймин ичардин нигун.

Найистонини гоҳи қилиб марҳала,  
Қириб анда андоқки шери яла.

Гавазн ўлтуруб, чун суруб гўр так,  
Қилиб май аро найшакардин газак.

Гаҳи Шаҳд тоғига айлаб уруж,  
Қуёш, ўйлаким, қилса майли буруж.

Чу май бирла тоғ узра хушқол ўлуб,  
Ҳамул шаҳддин фориғулбол ўлуб.

Гаҳи айлаб ойини шоҳаншаҳи,  
Тузуб нағма хиргоҳ аро хиргаҳи.

Ичиб боргоҳи фалакжоҳ аро,  
Саронардаи чарх даргоҳ аро.

Гаҳи дониш аҳли била ўлтуруб,  
Кутуб анда ҳар илмдин келтуруб.

Қаю баҳским диққатига етиб,  
Неким бўлса мажҳул маълум этиб,

Бу янглиг анга ўтти лайлу наҳор,  
Анга тегруким бўлди фасли баҳор.

Шараф буржини ёрутуб шамъи меҳр,  
Ҳамул шамъдин равшан ўлди сипеҳр.

Яна шоҳ рахшанда хуршиддек,  
Жаҳон мулки фатҳига Жамшиддек,

Азиматнинг оҳангига йиғди базм,  
Хито бирла Чин азмини қилди жазм.

Синаҳ баҳри ичра яна тушти жўш,  
Қар этти фалакнинг қулогин хурўш.

Кўтарди яна ҳарб кўсици пил,  
Чолинди бу кишварга кўси раҳил.

Олиб Ҳинд ноҳиятин якқалам,  
Юруб Чин билодига чекти алам.

Чу Ҳиндустондин чиқарди синоҳ,  
Ки Чин кишвари қилгай оромгоҳ.

Борур йўлининг атрофида ҳар билод,  
Ки бир шоҳ эди анда олий ниҳод.

Гар эллик йигоч эрди, гар юз йигоч,  
Йибармак черик йўқ эди эҳтиёж,

Бирор номаким ул тараф борибон,  
Келиб номабар бирла ёлборибон,

Чекиб пешкашлар, кўруб шоҳни,  
Қилиб тажягаҳ хоки даргоҳни.

Иноят қилиб шоҳи олий мақом,  
Таваққуфсиз илгаррак айлаб хиром.

Юруб йўл, тамошо қилиб ҳар ҳаде,  
Ки то маскани бўлди Чин сарҳади.

Билиб эрди Хоқонким, ул тундсайл,  
Юруб Ҳинддин қилди Чин сари майл.

Сипаҳ йиғмиш эрди ададдин фузун,  
Яроғ айламиш эрди ҳаддин фузун,

Ки аввал инод ошкор этмагай,  
Хусумат ишин ихтиёр этмагай.

Солиб сулҳдин сўз, йиборгай расул,  
Боришмоқ тариқини қилгай қабул.

Агар хасм бу сўзга индурса бош,  
Узотқай қилиб дўстона маош.

Ва гар кўrsa иш бутмас озарм ила,  
Темур юшамас пўзиши гарм ила.

Ўзин қилмагай ажз бирла забун,  
Черик тортиб этгай масоф озмун.

Бу тадбир илаким тоғиб эрди роӣ,  
Қилиб аввал ўзни харифозмой.

Йиборди расули хирадпешае,  
Рисолат аро чобукандешае.

Ниҳони анга туттуруб сўз, басае,  
Тенгиз суйи узра йиборди хасае.

Чу қосид етиб шоҳ даргоҳига,  
Назар солди андозан жоҳига.

Синоҳи кўрундики, юз йил хирад.  
Қиёс айлай олмас анга ҳадду ад.

Яна ўрдуеким, сипеҳри барини,  
Келиб анда бир чодирӣ камтарини.

Асос ончаким, кўрса наззорагир,  
Бўла олмайини ҳушига чорагир.

Кўруб, қолмайини ўзда водийнавард,  
Ўзни солди дарғаҳга андоққи гард.

Сўзини фаҳм этиб хайли дарғаҳнишини,  
Шаҳ олида арз этилар кельмишини.

Деди шаҳки, қосидни келтурдилар,  
Ҳамул хасни дарёга еткурдилар.

Расули хирадманди корозмой,  
Равон бўлди туфроқ уза чеҳрасой.

Чу тахт олдини қилди оромгоҳ,  
Ўзини қилди машгул ҳар сори шоҳ.

Ки таскин тоғиб кўнглида изтироб.  
Сўзини айтибон айлай олғай жағаб

Баса маке этиб, шоҳи кишвархудо,  
Деди: «Қил ҳадисингни эмди адо!»

Дуо кўн қилиб қосиди нотавон,  
Баён этии Хоқон ҳадисин равон.

Ки: «Арз этти Хоқони дарёшукух,  
Ки эй номвар шоҳи анжумтурух!

Буким азм қилдинг бу кишвар сори,  
Нечукким қўён чархи ахзар сори.

Қириб раҳни гетинавардинг била,  
Ёруттунг бу кишварни гардинг била.

Бу маънига боне не эрди экин?  
Не фикринг буён азм берди экин?

Агар дўстсен, дўстлуқ бу эмас,  
Киши дўстлуқ мундоқ ишни демас.

Ки сендек улуг шоҳ тортиб ептоқ,  
Бизинг мулкни қилгасен жилагаоқ.

Ва гар худ адоватга қилдинг гулу,  
Не кўрдунг адоватки, бўлдунг аду?

Расулунгки келди сўз айтиб ирик,  
Анга узр айтиб, узоттуқ тирик.

Доб эрдингки: «Азм этеун олиб хироҷ,  
Ки Доро бориб, мендадур тахту тоғ».

Доб эрдимки: «Гар борди Доройи даҳр,  
Санга даҳрдин етеун ойину баҳр.

Ва лекин менинг бирла Доро аро,  
Иш эрди салоҳу мадоро аро.

Йўқ улким, манга гелиб ўлгай эди,  
Хирожу кесим толиб ўлгай эди.

Агар сен даги қилсанг андоқ сулуқ,  
Ки бир-бир била айлагайлар мулуқ.

Тузуб икимиз ваҳдат асбобини,  
Фароз айлали шиддат абвобини.

Ва гар бермас эрсанг бу ишга ризо,  
Кўрай ҳар не олимга ёзмиш қазо.



Бу эрди сўзум, эмди хам будурур,  
Ўзунг деки, бу сўз ёмонмудурур?

Ҳамул сўздин инкор йўқтур манга,  
Яна навъ гуфтор йўқтур манга.

Бу дам дағи ёнсанг бўлуб сулхжўй,  
Манга дағи сулх узрадур гуфтугўй.

Ва гар кин ишида гулу айласанг,  
Адоват уза гуфтугў айласанг.

Менинг дағи бу ишта йўқ камлигим,  
Масоф амрида нофароҳамлигим.

Черик ончадурким, анинг сони йўқ,  
Яроқ ончаким, анинг имкони йўқ.

Иёлу ватан узра то жони бор,  
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Вале ики шаҳ зоҳир этганда кин,  
Зафар қай тараф бўлмақ эрмас яқин.

Қасби фатҳ бўлмақ чу маълум эмас,  
Ҳабии узра ул ҳарф марқум эмас.

Киши размдин неча бўлса йироқ,  
Эрур ҳазм ойишида яхшироқ».

Суҳанвар чу шарҳ айлади барча сўз,  
Жавоб нестайо, тикти туфроққа кўз.

Шаҳ ул нукталардин табассум қилиб,  
Деди гавҳарафшон такаллум қилиб

Ки: «Гар шоҳлиг иззу тамкиида,  
Ҳаҳондорлиг расму ойишида,

Менинг бирла Дорони Хоқони Чин  
Баробар тутар — бу галатдур яқин.

Ки ҳар кимсага бўлса огоҳли,  
Билурким, эрур мулк ила шоҳлиг,

Агар шахгадур мулк ила эътибор,  
Менинг кишварим ики Дороча бор.

Ва гар худ нижоат эрур мўътабар,  
Анинг ҳолидин тутти эркин хабар,

Ки размига чун бўлди рағбат манга,  
Анинг унри йўқ эрди шавкат манга.

Қилиб эрдим ул тавр ожиз ани,  
Ки кўрмайдур эл, ўйла, ҳаргиз ани.

Чу мен голиб эрдим билонштибох,  
Ҳам охир манга берди нусрат илоҳ.

Мусаллам тутар бўлса бу розини,  
Унуттик мақолоти носозини.

Ўзин буйругумга мутеъ айладик,  
Келиб узру ажзин шафеъ айладик.

Риоят қилай улча имконидаур,  
Анингдек сарафрозлар шонидаур.

Агар тутмас эрса мусаллам муни,  
Анга кўргузай разму ҳайжо куни.

Ки ҳар сўзки қилдим баён — чини эмиш.  
Манга чини демак расму ойини эмиш.

Туганди сўзум, энди бўлгил равон,  
Анга бу сўзумдин хабар қил равон,

Ки сен боргоч-ўқ азм қилгумдурур,  
Йўл оҳиста-оҳиста келгумдурур.

Равонроқ кетурсанг жавоби савоб,  
Савоб ўлгуси бизга даги жавоб.

Агар амрдин тўлгар ўлса бўюн,  
Кўролики, гардун не ўйнар ўюн?»

Чу қосид эшитти бу янглиғ мақол,  
Қўпуб қўйди юз йўлга ошуфтаҳол.

Даво топмайин дарди жонкоҳига  
Қадам қўйди ўз хони даргоҳига.

Не сўзким қилиб эрди Хоқон хитоб,  
Неларким буюрди Скандар жавоб.

Нечукким ўтуб эрди мажлис аро,  
Саросар баён айлади можаро.

Чу фаҳм этти Хоқонким, ул тундшер,  
Эрур ул гумон айлагандин далер.

Йиборса киши асру бенафъ эрур,  
Ва гар борса мундоқ жавобин берур.

Адоватқа мардона бел боғлади,  
Скандар келур вақтини чоғлади.

Черик йигмиш эрди Хито мулкидин,  
Ети йўқки, етмиш ато мулкидин.

Сипоҳи сипеҳр анжумидин фузун,  
Адад ичра саҳро қумидин фузун.

Тўқуз юз минг ул навъ новакфиган,  
Не новакфиганким, балоракфиган,

Ки бирдин бўлуб хасм ёмгурда гарқ,  
Яна бир чоқилгай анингдекки барқ.

Жиба сарбасар зарҳалу турксоз,  
Кежим борча зарбафт чиний тироз.

Бори новакафган, бори тигзан,  
Бўлуб борча жавшан била рўйтан.

Ҳар отлиг келиб нахли ораста,  
Дема нахлким, моҳи нокоста.

Бу янглиг сипаҳ бирла Хоқони Чин,  
Сипаҳ йўқки, ошуби рўйи замин.

Адувга чиқиб ўтру, Чин шаҳридин,  
Солиб жабҳаси узра чин — қаҳридин.

Адув ваҳмидин бўлмаини инда сует,  
Кўруб ер, тушурди сипоҳин дуруст.

Синаҳ даврига хандақе қоздуруб,  
Ки навлораси хушни оздуруб.

Риоят қилиб ҳазм ойинини,  
Ки саз айлагай разм ойинини.

Чу хандақ қозорга топиб эҳтиёж,  
Бўлуб хандақи даври ўн беш йиғоч.

Ани бовужуд ихтисор айлабон,  
Ичин лек маҳкам ҳисор айлабон.

Ароба била, ўйла, ҳисни матин,  
Ки эрмас фалак ҳисни андоқ ҳасин.

Ароба чу эл даврига ёндошиб,  
Ики даврадин ҳам ҳисоби ошиб.

Ароба уза тўра пайваст ўлуб,  
Тўра кейнида халқ ҳамдаст ўлуб.

Тўра борча қуллоб ила банду баст,  
Ҳамин айлабон кейнида аҳли шаст.

Яна хандақ олида мўнду тикиб,  
Қалин найшакардекки ҳинду тикиб,

Ясаб қўрғонин ул сифат беҳалал,  
Ки йўл топмагудек ичига ажал.

Ўзин беркитиб буйла сархайли Чин,  
Ясаб хайли даврида ҳисни ҳасин.

Яна ёндин Искандари чийра разм,  
Қилиб кўч-баркўч Чин сори азм.

Анга тегруким, бу ўзин беркитиб,  
Мунунг мулки қасдиға ул ҳам етиб,

Чу Хоқон соридин кўрунди қаро,  
Ясаб турди Исқандар ул дашт аро.

Сипоҳики таъриф анга ор эди,  
Печаким киши кўн деса бор эди.

Сипоҳин тузуб шоҳи размозмоӣ,  
Сурон солдию тушти ҳазмозмоӣ.

Сурон йўқки, юз минг ҳизабри яла,  
Дегин солди кўк тоқига валвала.

Скандарнинг ул келмаги тунду тез,  
Сурон бирла бу солмоғи рустхез.

Адув кўнглини айлади ваҳминок,  
Ки кўрдилар они ажаб саҳминок.

Чу оқшом яқин эрди ики сипоҳ,  
Заруратки, туттилар оромгоҳ.

Фалак чунки хуршид хоқонини,  
Ёшурди тузуб гарб кўргонини.

Ҳамул хайли парвин ўзини кўргуза,  
Талоя киби чиқти гардуи уза.

Ики хайл аро ҳазм изҳоридин,  
Талоя равон бўлди ҳар соридин.

Язаклар паё-пай равона бўлуб,  
Суҳо ўқларига нишона бўлуб.

Скандар хаёли буким субҳгоҳ,  
Таҳаррук топиб хайли анжуменипоҳ.

Қилиб ҳарб аҳлининг оройиши,  
Ясаб улча имкон гунжойиши.

Адув сори азм айлагай бедараиғ,  
Анингдекки, дарёға сургай наҳанг.

Чу пархош этиб корзор айлагай,  
Қиёмат куни ошкор айлагай.

Чу фаҳм эттилар ҳикмат аҳли бу азм,  
Келиб шоҳға қилдилар маъъи разм.

Ки: «Тонглоу индин мадоро керак,  
Ҳаял айламак ошкоро керак.

Не ишгаки сайёрау собитот,  
Қилурлар нуҳусатда сайру сабот.

Назарким нуҳусатқа воқеъдурур,  
Таносуб ила бизга рожеъдурур.

Бу ики кун ар шаҳга бўлса суқун,  
Ише сөлгай ўртага чархи ингун.

Ким ул ишта бўлгай гаробат баса,  
Шаҳ иқболи топқай маҳобат баса.

Бу сўзда агар бўлса дағи хилоф,  
Учуици кун ар шоҳ қилса масоф,

Умид улки аъдога солгай шикаст,  
Шуқуҳини қилгай қаро ерга наст».

Шаҳ ул сўз билла тонти таскин, баса,  
Ҳаво тутмади шуълан кин, баса.

Яна сори Хоқони гардуижаноб  
Эли ичра тоимиш эди изтироб.

Хитойи синаҳ балки Чиний гуруҳ,  
Кўруб хасм хайлида беҳад шуқуҳ.

Борининг аросида ошуб эди,  
Бори ваҳм элига лагадкўб эди.

Нечаким берур эрди Хоқон кўнгул,  
Тузалмас эди ваҳм тонқон кўнгул.

Лига еттиким, қилмайин ишга майл,  
Сўз изҳор эта бошлади хайл-хайл:

«Ки бу помвари комкори далер,  
Юрак ичра қонлон, шуқуҳ ичра шер.

Ки айлаб жаҳонгирликни ҳавас,  
Ҳавас қилгонига топиб дастрас.

Бу кунга дегин ҳар қаёнким юруб,  
Неким комидур, илгига келтуруб.

Қаю мулк сорики элтиб ҳашар,  
Ани фатҳ этиб, қилмайини шўру шар.

Не шах бўйини сорики ташлаб каманд,  
Бўлуб бўйини онинг камандига банд.

Масофида ул кунки Доро эди,  
Бу бир қатра, ул жарф дарё эди.

Анга разму тадбир ила топти даст,  
Қи иқболи шохига берди шикаст.

Эмас бизга Дороча хайлу гуруҳ,  
Анга лек ўн бизча фарру шукуҳ.

Яна улки соҳибқирон ҳам эрур,  
Жувондавлату паҳлавон ҳам эрур.

Мунунгдек киши бирла кўшишга печ,  
Эмас иш ҳисоби била рост ҳеч.

Анинг бирла ким урса лофи масоф,  
Хирад айтур ул сўзнинг отин газоф.

Улуғларни айлаб шафоат анга,  
Керак қилса Хоқон итоат анга.

Йўқ эрса эрур ул қавий, бу заиф,  
Анга ҳеч по бирла эрмас ҳариф.

Киши қилса даъво уруш биғидин,  
Амон топмоғ ўлмас анинг тигидин.

Бировким — анга ақл даъвоси бор,  
Ўзи қасдин этмак не маъноси бор?

Йўқ ўз жонига, халқ жонига ҳам,  
Не жон, ирз ила хонумонига ҳам.

Мутеъ ўлса айлаб қабули хирож,  
Тутар ул мусаллам мунга тахту тож.

Нелар қилди Маллуйи бадрўз анга,  
Букун муътамад бўлди Ферўз анга.

Бўлуб ажзига муътариф Ройи Хинд,  
Эрур бу замон кишвароройи Хинд.

Агар борса Хоқон даги қошига,  
Қўяр мамлакат афсарин бошига.

Дён айлабон хизмат изҳорини,  
Олур ҳар неким мулкидур борини.

Бу интин неким ўзга тутса вужуд,  
Пунаймонлиғи қилмас ул вақт суд».

Бўлуб фирқа-фирқа эли сў-басў,  
Бу сўзин қилур эрдилар гуфтуғў.

Бировким эди маҳрами хос анга,  
Муҳаббат аро соҳибихлос анга.

Тилаб хилвате холи агёрдин,  
Не агёрдин, балки дигёрдин.

Деди ўлтуруб йинглаю зор-зор,  
Ки: «Элга тушубтур ажаб хор-хор».

Эшитганин элдин саросар деди,  
Кўпу оз йўқким, баробар деди.

Тугатгач сўзин деди: «Эй шахриёр,  
Ки бўлсун санга дойимо бахт ёр!»

Манга улча маълум бўлди, дедим,  
Ки бу сўзин айтурда маъзур эдим.

Иносанг бу ҳолатқа бир фикр қил,  
Инонмас эсанг айла таҳқиқу бил».

Даме қилди андеша Хоқони Чин,  
Чу кўн қилди таҳқиқ, билди яқин,

Ки ноқил сўзи сарбасар чин эмиш,  
Анга ростлик даъбу ойин эмиш.



Басе бўлди ўз ҳолига чоракўй,  
Анга бермади ҳеч бир чора рўй.

Эли даги билдики, бордур муҳиқ,  
Эмас таъну ташинъга мустаҳиқ.

Ки чиний аёғ бирла хоройи Рум,  
Қачонким уруштурса доройи Рум,

Неча кимса ақл ичрадур зердаст,  
Билурким қаён тушгусидур шикаст.

Агар чини ул кинани қилса фош,  
Билурким урар ўз аёғига тош.

Бу ишта ҳужум этти қайғу анга,  
Тонг отқунча йўқ эрди уйқу анга.

Саҳар вақти бир рой топти савоб,  
Олиб гайб душизасидин ниқоб.

Солиб ақл кўнглига андешае,  
Ки топмайдур они хираднешае,

Тилатти ҳам ул маҳрами хосни,  
Ки кўргузмиш эрди бу ихлосни.

Деди: «Боргаҳ давридин эли сур,  
Саропарда даргоҳидин ҳам итур.

Эшикни келиб айлагил такагоҳ,  
Нидо қилки: «Кўрмас бугун эли шоҳ!»

Бугун асра оқшомгача бу эшик,  
Менинг соридин бўлма андешалик.

Келур кеча гар келдим эрса бу чоғ,  
Муяссардурур борча кому фароғ.

Агар келмасам ўз ярогингни кўр,  
Не олингга келса аёгингни кўр.

Вале бир куну бир кеча зинҳор,  
Ки бу пардада яхши бўл пардадор.

Вале мендин ини суратин сўрмагил,  
Бу андеша кайфияттин сўрмагил».

Қабул этти Хоқон сўзин мустамилъ,  
Кириб уйга ул роӣ аро мухтарилъ.

Солиб ҳар не шоҳона эрди асос,  
Расулона эғнига солди либос.

Ҳамул маҳрамига эттики: «Бот,  
Саронарда ёнида келтур бир от!»

Чу келтурди маркабини тайёр этиб,  
Саронарда ёнига чекти етиб.

Чиқиб маркаб устига Хоқони Чин,  
Ани қилди бу роз ишига амин.

#### XLVIII

*Қамарсайёҳ сариус-сайри қуёш била қирон қилгондек  
Хоқон Искандарга рисолат учун муқорин бўлғони ва ул  
муқоранадин муқобалага борғоч қамардек нур ва сафодин  
тўлғони*

Қоронғуда чиқти синахдин суруб,  
Ўзин қалъа дарбандига еткуруб.

Бериб муҳри нақшинки, Хоқон демиш:  
«Чиқоринг мениким, эрур кулли иш».

Алар чун нишона топиб дилписанд,  
Чиқориб ани қалъадин бегазанд.

Бўлуб тез Хоқони офоқгард,  
Скандар сипоҳи сари раҳнавард.

Борур эрди кўнглида юз минг хаёл,  
Хавотир қилиб кўнглини поймол.

Чу хуршиди исқандарий очти чехр,  
Скандардек офоқ уза солди меҳр.

Нужум ўлди Чин хайлидек бефуруғ,  
Қазо қилди кўк марғзорин қуруғ.

Скандар синоҳига фаррух расул,  
Етиб остонида қилди нузул.

Равон шаҳга арз эттилар бу мақол  
Ки: «Келмиш расули ҳумоюнжамол.

Бошидин-оёғигача фарру ҳун,  
Башар сурати ичра келган сурун».

Скандар деди: «Айлабон эҳтиром,  
Анга тахтим олинда айланг мақом,

Ки бу кеча бир туш кўрубмен гариб,  
Бу гар бўлса таъбири эрмас ажиб:

«Қуёшча манга тушта анвор эди,  
Яна бир қуёш ҳам падидор эди.

Келибон қўяр эрди олимда бош,  
Қиши кўрмамиш мундоқ ики қуёш».

Яна ҳикмат аҳлининг аъломида,  
Фалак сайридин ёзгон аҳкомида:

«Наводир эди бу ики кунда кўп,  
Ки зоҳир бўлур — дедилар — мунда кўп»

Наводирки қилди алар эътибор,  
Бу нодир бири бўлмақ имкони бор».

Дебон шаҳ бу сўзни, дедиким: «Юрунг,  
Дегон кимсани ичкари келтурунг!»

Бориб чулки келтурдилар ичкари,  
Кўруб расму ойини Искандарий.

Йироқроқ суҳандони фарҳундарой,  
Расулони ойини кетурди бажой.

Расул эрди чул яхши авсоф ила,  
Скандар тилаб қучти алтоф ила.

Етиб бахтдин бу башорат анга,  
Шаҳ: «Ўлтур!» — деб этти ишорат **анга.**

Расул ўлғоч олида оромжўй,  
Савол этти Искандари комжўй.

Ки: «Хар не сўзунг бўлса оғоз қил,  
Не роз айтсанг бизни ҳамроз қил!»

Таанини била деди фаррух расул  
Ки: «Эй дарғаҳинг остони қабул!

Неким айладинг ҳукм, жон устига,  
Равон қилмоқ они равон устига.

Ва лекин Хито хони Хоқони Чин,  
Ки тадбиру ройига юз офарин.

Манга печа сўз дебдурур, бас шариф,  
Ки эрмас эшитмакка ҳар ким ҳариф.

Агар тарқаса ҳар тараф анжуман,  
Расул ўлсау хисрави сафшикан.

Сурарга чу шаҳ лутфу эҳсони бор,  
Мен ул нукта сурмакнинг имкони бор.

Яна дебдурурким шаҳи покрой,  
Агар бўлса бу навъ хўлватнамоӣ.

Ки шаҳ бўлгаю ҳомили розу бас,  
Сен изҳор қил ҳар неким мултамас.

Йўқ эрса қўпуб ёнғилу турмагил,  
Ва гар қилсалар ҳибс, дам урмагил.

Гумон этсалар эл фидойи сени,  
Фасод аҳлининг тийраройи сени.

Шикол айласунлар оёгингга банд,  
Қўлунигга дағи боғласунлар каманд.

Скандар қўюб олига тиғи тез,  
Қил ул лаҳза тиғи забон нуктарез.

Агар бўлсангиз мендин андешалик,  
Қилинг банд инак оёгу илик».

Скандарга ошти бу ишдин шааф,  
Деди: «Борингиз ҳар киши бир тараф.

Ки банд айламакликка йўқ эҳтиёж,  
Эмас худ-худ ойини сунгурга қож»

Қилиб ҳикмат аҳли, баче, илтимос,  
Хусусан Арастуйи анижумшунос.

Суҳанвар оёгини банд эттилар,  
Қўлни ҳам асири каманд эттилар.

Шаҳ олиға келтурдилар тиг ҳам,  
Йироқ қўйдилар борча бир-бир қадам.

Чу бўлди тиҳи хилват ағёрдин,  
Яна сўрди пўшида асрордин.

Расул айтти: «Кей шаҳи покрой,  
Адувбанд, йўқ-йўқки, кишваркушой.

Соғинма мени қосиди раҳнавард,  
Ки Хоқон санга бўлди даргаҳнавард.

Буким бўлмишам хоки даргаҳнишин,  
Не илгимда тигу не кўнглумда кин.

Аёгимда банду илигимда банд,  
Ўзумни санга қилмишам мустамад.

Бу иш боиси неча сурат эди,  
Ки бу навъ келмак зарурат эди».

Скандарни ҳайрат забун айлади,  
Бу ишдинки чарх нигун айлади.

Деди: «Кей сипаҳдори Чину Хито,  
Нечук шоҳлар буйла қилгай хато?»

Ки бўлгай адувсига мундоқ асир,  
Ки кимса анга бўлмагай дастгир.

Тутулгай келиб ўз аёги била,  
Даги нукта сургай фароги била.

Сўзунгининг адосида қилма шитоб,  
Бурун бу саволимга бергин жавоб».

Деди айлабон фикр Хоқони Чин  
Ки: «Эй даҳр мулкига маснадинини,

Тунуб эрди бошимга, бас, мушкил иш,  
Ки онинг иложи эди бу келиш.

Яна бор эди эътимодим санга,  
Ки бу навъ эди эътиқодим санга.

Ки борсен хирадманду равшан равон,  
Жувонмарду ҳимматвару паҳлавон.

Забункушлук ўлмас шиоринг сенинг,  
Бу навъ ишдур, албатта, оринг сенинг.

Аларким санга қилдилар кўп хилоф,  
Сипаҳ чектилар зоҳир айлаб масоф.

Деган чоғда узр этмадинг жуз карам  
Ким ўлди заил, айладинг муҳтарам.

Манга топмайин андоқ амри вуқуъ,  
Ки қилгай тақозойи бийму хушуъ.

Хусусан хисоли ҳамидинг билиб,  
Улуг эътимод ишларингга қилиб.

Ўзумни қилиб буйла зору забун,  
Тушуб тахтинг олига хору нигун.

Добон арзи ҳолим тазаллум қилиб,  
Асирона путқу тақаллум қилиб.

Топа олмадим ҳеч сурат била,  
Қошингдин қўпарни кудурат била.

Бор эрди қошимда қуёшдин ёруқ,  
Ки қилгунгдурур лутфу дилжўйлуқ».

Бу сўзким суруб шоҳи мушкиллисанд  
Жавобин бағоят топиб диллисанд.

Деди офарин айлаб: «Эй комёб,  
Бу роинг худ эрди багоят савоб.

Яна ҳар сўзунг бўлса изҳор қил,  
Хафо пардасидин наидор қил.

Ки бу ҳол ила кўрса бўлмас сени,  
Бу сурат била сўрса бўлмас сени».

Дуо бирла Хоқони дарёназир,  
Деди: «Кей жаҳондори дарёзамир!

Бу келмакдин эрди гараз бу манга,  
Ки бўлгай жанобингда ёргу манга.

Сўзум ҳар не бор, ўлтуруб рӯ-барӯ,  
Қошингда дегаймен борни мӯ-бамӯ.

Будур сўзки чун келди шахдин расул,  
Ки ҳам келгилау, ҳам хирож эт қабул.

Жавобидин ар бўлди ошуфта шох,  
Келибмен анга бўлгали узрхоҳ.

Гар ортуг дедим сўз — гунаҳкормен.  
Сиёсат қилурга сазовормен.

Билиб журмум олингга келдим залил,  
Агар тортсанг тиг — қоним сабил.

Ва гар афв ила қисмим этсанг тараб,  
Сенинг хулқу лутфунгдин эрмас ажаб».

Скандар деди: «Кей шаҳи комёб,  
Манга улча сен айтиб эрдинг жавоб.

Сўзи эрди маъқулу ёрона ҳам,  
Писанд этгудек хешу бегона ҳам.

Вале мен қилиб пухта тадбирлик,  
Чу бошимда эрди жаҳонгирлик.

Жаҳон мулкин очмоқни жазм айладим,  
Бу кишвар сари даги азм айладим.

Адувсига хар шахки голибдурур,  
Бу янглиг баҳонага толибдурур.

Йўқ эрса санга ўкта сўз йўқ эди,  
Не бўлса бизнинг соридин-ўқ эди.

Гар ул сўзда бор эрса даги хилоф,  
Билиб айладук эмди хотирни соф».

Дуо қиладу Хоқону сўз бошлади,  
Сўзини ўз муроди сари тошлади.

Деди: «Кей мутеъ аҳли олам санга,  
Жаҳонгир бўлмақ мусаллам санга,

Не кишварки очмоққа урдунг қадам,  
Анинг фатҳи худ бўлмади беалам.

Қилиб фатҳи тadbирида қийлу қол,  
Қўнгулга кириб ҳар замон юз хаёл.

Билурсен ўзунг Маллу чоғлиқ киши,  
Ки найрангу афсуи эди варзиши,

Неча қилди олингда кину ипод,  
Не ташвиш ила бўлди фатҳ ул билод.

Ери бор эди айламак қатлу кини,  
Ато қилдинг ўғлига тожу нигини.

Чу лутфунгдин огоҳ қилдинг ани,  
Ато мулкида шоҳ қилдинг ани.

Буён айлагач азм давлат била,  
Ки тахт узра сеп фатҳу нусрат била.

Мениким адув айлар эрдинг хаёл,  
Бу навъ эттим ўзини санга поймол,

Хаёлимга юзланди бу навъ иш,  
Ки мундоқ итоат киши қилмамини.

Сениким ҳақ этти бу навъ аржуманд,  
Ки настингдурур буйла мендек балад.



Тиларменки, бу бұлса осон манга,  
Ки билсамки, не қилгунг эҳсон манга!»

Скандар деди: «Ҳамъ қилгил кўнгул,  
Ики даҳр аро сен ато, мен ўгул.

Десанг, хизматингда жабини суртайини,  
Сени тахти жоҳимга ўлтуртайини.

Қилиб санга фарзанддек пойбус,  
Дейинким, тирилди малик Файлақус.

Сен эт маснад узра кулахдорлиқ,  
Мен олингда айлай сипаҳдорлиқ.

Агар худ бу навъ айламассан қабул,  
Не янглиғки, кўнглунгга айлар шумул.

Мени айла оғаҳки, ул иш қилай,  
Неча айлай олғонча кўшиш қилай».

Бўлуб шод Хоқони давлатқарини,  
Дуолар била айлабон офарини.

Кўзидан тия олмайин ёшини,  
Қўюб шукр туфроғига бошини,

Деди: «Кей шаҳаншоҳи гардунсарир,  
Сарирингга йўқ авжи гардунназир.

Ҳамеша жаҳон паҳлавон бўлгасен,  
Жаҳон аҳлига комрон бўлгасен.

Бўлуб тавъ ила банда фармон санга,  
Менингдак базе хону хоқон санга.

Бу не лутфу покиза тийнат бўлур,  
Бу не хулқу эҳсону ҳиммат бўлур.

Бу ҳимматки бермиш санга бениёз,  
Эрур шаҳлигингга жаҳон мулки оз.

Демон лойиқинг ики олам эди,  
Ки ўн бўлса эрди даги кам эди.

Бу алтофким сен аён айладинг,  
Мени шукрида потавон айзадинг.

Қаломнинг аён айлаган масъала,  
Оширмакка йўқтур манга ҳавсала.

Вале чуи деднинг ошнонинг сўзи.  
Арода ўғуллуқ, атолиқ сўзи.

Ғумонимда йўқ эрди бу эҳтиром,  
Ки қилгунг мени буйла олий мақом.

Яромас санга гарчи мендек ато,  
Вале мен бу сўзини демакдур хато.

Гуҳар зотиға не кам ўлгай шараф,  
Буким бўлгай онинг атоси садаф.

Бу эҳсонинга гарчи лойиқ эмон,  
Садаф бирла дур ҳолидин йўқ демон.

Ва лек ўзга сўзларки қилдинг баён.  
Алардин қил ушмунча чоғлиқ аён.

Ки фош этмагил элга бу розни,  
Бу келмакдин анжому оғозни.

Расулона айлаб манга илтифот,  
Букун асрабон, шом бўлгач узот.

Элингга дегилким: «Бу келган расул,  
Ярашдин деди сўзу қилдим қабул».

Тонг отқач расуле юбор қошима,  
Ки солсун шараф сояси бошима.

Мени айла даргоҳинга илтимос,  
Келай мен тутуб ҳукми амрингни пос.

Кўруб айла таъзим эл кўргудек,  
Мулуқ они бир-бирга сткургудек.

Эрур минг йил улким келур ёдима,  
Ки хонлигдур обоу аждодима,

Ки бу мулк андинки ихдос эрур,  
Атодин атобизга мерос эрур,

Ки Чин мулкида эрдилар хон бори,  
Қаю хонки, қоону хоқон бори.

Буларнинг тутуб нос номусини,  
Манга солма базминг заминбўсини,

Ки хоқонлигим шавкати синамасун,  
Шаҳаншаҳлигим савлати синамасун.

Улус ичра эъзоз қилғил мени,  
«Ато», деб сарафроз қилғил мени.

Хирожеки номаида мастур эди,  
Ки Чин дойим ул ишта маъзур эди.

Бу таклифни сен дағи қилмағил,  
Сўзин демау кўзга ҳам илмағил.

Хирож истамакдин гараз мол эса,  
Дуру лаълдин тавқу халхол эса,

Хазойини манга бениҳоятдурур,  
Дуру лаъл беҳадду гоятдурур.

Манга ҳар қачон бўлса сендек ўғул,  
Қачон махзан асрарга бўлгай кўнгул.

Тўкай олинга ул қадар молу ганж,  
Ки етсун сипоҳингга йиғмоқда ранж.

Бу янглиғ риоятлар этган замон,  
Менинг боғу қасримга бўл меҳмон,

Ки юзгунгга мен дағи мажлис тузай,  
Мулукона тартиблар кўргузай.

Неча вақтким бўлса коминг сенинг,  
Бу кишварда бўлсун мақоминг сенинг.

Борур вақтинг ул кунки таъйин эрур,  
Узотай анингдекки ойин эрур.

Бўлай печа манзил жамолинга шод,  
Не ерда буюрсаи қилай хайрбод.

Қия албатта инноҳон вале бу сўзум,  
Ки мундоқ рисолатни қилдим ўзум».

Скандар деди: «Мен худ айлай ниҳон,  
Сен ар зоҳир этсанг истай ногиҳон?»

Деди: «Мендин ўлмас бу иш элга тарҳ»,  
Не янглиғки забт айламиш, қилди шарҳ.

Скандар қабул этти бори сўзин,  
Бу ваъда вафосига тутти ўзин.

Элин ҳозир истаб, ишорат била,  
Деди нукта, мундоқ иборат била

Ки: «Бу фаррухойини фархундапай,  
Ки қилди биёбон рисолатқа тай.

Бурун қўлларидин камандин олинг,  
Аёлларидин дағи бандин олинг.

Басе, яхши сўзларга ҳомил эди,  
Рисолат тариқида комил эди.

Менинг бирла Хоқон аро солди сулҳ,  
Ҳамул баҳр ила кон аро солди сулҳ.

Мулукона тўнлар анга кийдурунг,  
Бериб мунча нақд, олима келтурунг!»

Не янглиғки ҳукм этти, тутти вужуд,  
Ижозат бериб шоҳи бофарру жуд

Деди: «Тинғил оқшомғача шодмон,  
Равон бўл жаҳон тийра бўлгон замон».

Дуо айтибон шоҳи фарзонага,  
Хиром айлади меҳмонхонага.

Бўлуб анда оқшомғача комёб  
Топиб кому очмай юзидин ниқоб,

Қи ул ердаким дохили Чин эди,  
Рисолатқа бу навъ ойин эди.

Чу ой қосиди чиқти гардун уза,  
Хиром айлаю тоғу ҳомун уза.

Расули қамарсайр ҳам минди от,  
Ўзин манзили сори еткурди бот.

Ҳамул махрамеким эди мунтазир,  
Висолидин айлаб ани муфтахир.

Анга тоишуруб даштпаймо саманд,  
Кириб парда ичра шаҳи аржуманд.

Бориб йўлдаги ранжу фарсудалиқ,  
Тоғиб тахт-жоҳ узра осудалиқ.

Ише айлаб андоқки қилмай киши,  
Киши хайлидин келмай андоқ иши.

Саҳаргаҳки меҳр ўлди маснаднишин,  
Анингдекки тахт узра Хоқони Чин.

Скандар қилиб тахти узра мақом,  
Буюрди сипоҳ аҳлига бори ом.

Улус ҳозир ўлди чу даргоҳига,  
Таважжуҳ қилиб маснади жоҳига.

Таани била шоҳи офоқгир,  
Тилаб бир сухандони фармонпазир,

Деди: «Айлагил, азм Хоқон сари,  
Баҳор абридек баҳри Уммон сари.

Анга айт мендин дуруду салом,  
Саломим дегач, буйла еткур иаём,

Қи: Қил бартараф кина асбобини,  
Узорингга оч сулҳ абвобини.

Агар яхшибиз, гар ёмонбиз буқун,  
Сенинг мулкунга меҳмонбиз буқун.

Кўпуб келкди, биз кинадин тоқбиз,  
Бағоят жамолингга муштоқбиз.

Яқинким бу сўзни қабул айлаунг,  
Ниёз аҳли сори нузул айлаунг».

Скандар чу мақсудин этти тамом,  
Расул урди йўл қатъи қилмоққа гом.

Чу Хоқон сипоҳига бўлди қарин,  
Суруб нукта, андоқки, дурри самин.

Расул эрканин ошкор айлади,  
Ўзин орзухоҳи бор айлади.

Чу Хоқонга арз ўлди ул можаро,  
Тилатти ани боргоҳи аро.

Қилиб маснад узра мақом ул дағи,  
Улусқа бериб бори ом ул дағи.

Скандар расулидин этти савол  
Ки: «Келмакта мақсудунг этгил мақол»

Суханвар нечукким шаҳ айтиб эди,  
Тамомини Хоқон қошида деди.

Эшитти чу Хоқон саросар ҳадис,  
Фараҳбахш, бал руҳпарвар ҳадис,

Кўп изҳори айшу нишот айлабон,  
Суханвар била инбисот айлабон.

Деди: «Чунки шоҳи синехриҳтишом,  
Сурар эрди чун кин юзидин калом,

Адоват била қилди бизга мурур,  
Синаҳ тортмоқ бизга бўлди зарур.

Бу дамким мулойим ҳикоят демиш,  
Яқин бўлдиким бизга хоҳон эмиш.

Апинг бирла йўқ бизга пархошу кин,  
Бўлурбиз равон сен бор эрсанг амин».

Расул айттиким: «Бизинг шах сўзи  
Дейилгач, гумон этки, айтур ўзи.

Йўқ эрса билур мунча аҳли хирад,  
Ки йўқтур менга сени истарга ҳад».

Бу сўз бирла Хоқон қилиб нўшханд,  
Равон азм қилмоққа минди саманд.

Бўлуб Чин сипоҳи ажаб шодмон,  
Ким ул биймдин топти бори амон.

Ўзига улус, борча айландилар,  
Анинг кейнича бори отландилар.

Магар баски жўш урди халқи касир,  
Ер ажзоси бўлди тахалхулпазир.

Халойиққа ҳукм этти Чин хисрави,  
«Ки ўрнида бўлсун заифу қавий.

Вале юзча гулрўйи Чинийнажод,  
Яна минг хидеви Хитойи ниҳод.

Ўзи бирла олди, дағи сурди рахш,  
Анга тегруким хисрави мулкбахш.

Скандар соридин дағи шоҳлар,  
Хирадпешау донишогоҳлар.

Алар дағи шоҳона тазйин била,  
Булар ҳам ҳақимона ойин била,

Чиқиб ўтру Хоқонга айлаб ҳужум,  
Анингдекки, ул чоғда бўлғай русум,

Кўрушуб паёпай, етиб фавж-фавж,  
Тенгиздин, анингдекки, ҳар лаҳза мавж,

Чу шоҳ остониға бўлди яқин,  
Равон отидин тушти Хоқони Чин.

Югуруб илойинда озодалар,  
Не озодалар шоҳу шахзодалар.

Таноб учига чун ёвуқ қўйди гом,  
Оқ уйдин Скандар ҳам этти хиром.

Ики соридин қўл очиб ики шох,  
Қирон айлаб андоққи, хуршиду мох.

Чу бир-бирларига ёвушти иков,  
Атоу ўгулдек қучушти иков.

Фалак кўрмайини ошкору ниҳон,  
Мунугдек қарин ўлмоғ ики жаҳон.

Бирин гар азим, ул бирин аъзаме,  
Бу ҳам оламе, ул дағи оламе.

Қучунқоч ики шоҳи ферузбахт,  
Скандар ёниб айлади азми тахт.

Тутуб бир қўли бирла Хоқон қўлин,  
Анга кўргузуб тахти шоҳий йўлин.

Чу Хоқон кейин қолди айлаб ҳижоб,  
Чпқорди чекиб шоҳи гардунжапоб.

Аёғин сарир узра чун еткуруб,  
Бурун они ўлтуртубу ўлтуруб.

Қилурга неким ваъда қилмиш вафо,  
Мунунг бирла ҳам қилмайин иктифо,

Мулойим-мулойим сўруб ҳар нафас,  
Анингдекки Хоқонга бир-бир хавас.

Шафиқона сўз чун дамодам солиб,  
Ўгуллуқ, атолиқ сўзин ҳам солиб.

Тутуб илғини бу сўз айтурда руст;  
Ким ул аҳд мисоқин айлаб дуруст.

Тугатгач сўзин шоҳи бисёрдон,  
Баковул келиб ёйди дасторхон.

Ёйилди чу шоҳона хонлар, басе,  
Қуёш қурсидек анда понлар, басе.



Хамул хон аро гуна-гуна таом,  
Бўлуб лаҳза-лаҳза табиатқа ком.

Чу тортилди хоникки дастур эмас,  
Таом онча, оламда мақдур эмас.

Деди мезбони фалактумтароқ,  
Ки: «Отланса Хоқон ҳам эрмас йироқ.

Ки Чини халқи билса мулоқотимиз,  
Муҳаббат тариқида исботимиз».

Бу сўздин бўлуб шод Хоқон, баса,  
Қўнуб бўлди шаҳга санохон, баса.

Скандар узотти ани Чини сори,  
Ўзи қўйди юз — жоми рангин сори.

Лёқчи, тўла айла чиний аёқ,  
Эрур бизга сўзининг чини иштиёқ.

Лаболаб тут оникки мен сипқорай,  
Даги лаҳза-лаҳза ўзумдин борай.

Муганний, келу черт туркона соз,  
Мақоми «Наво», йўқса «Турки хижоз»,

Навоийнинг ашъоридин неча байт,  
Менинг ҳасби ҳолим тоғиб туркий айт!

Навоий, тутуб фол — девонни оч!  
Ўқурда дуру лаъл оламга соч!

Муганнийга ҳам айла таълим ани,  
Ки қилеун суруд ичра тақсим ани.

## XLIX

*Тузлук таърифидаким, даҳр бўстонининг сарвсифат  
озодавашларининг писандидароқ шеваидурур ва сидиқ  
қавл васфидаким, сипеҳр шабистонининг субҳосо тоза-  
дамларининг баргузидароқ шиласи ва роийи савобнамой  
асариким, меҳри оломороек жузвий ҳаракат била кул-  
лий ерни ёрутур ва каломи салоҳафзой фавоиди-  
ким, оз нуқта била олам аҳлига кўп натижа еткурур*

Биров даҳр аро давлатойини эрур,  
Ки ҳар сўзким ул айтқай, чини эрур.

Худо комин онинг раво айлагай,  
Ки ҳар ваъда қилса — вафо айлагай.

Не назр этса қилгай вафодин адо,  
Ки «Юфуна бин-назри» дебдур худо.

Қабул айлаган нуктани қарз бил,  
Али насси қотибъ била фарз бил.

Ки бўйинунгда ул бир оғир юкдурур,  
Эрур тогча, гарчи бир тукдурур.

Қаю кимсаким, сўзни ёлгон дегай,  
Инонмаслар ар насси қуръон дегай.

Печа бўлса ёлгончи эл аржуманд,  
Сўзи анжуман ичрадур нописанд.

Бор эрмиш бурун чоғда козибваше,  
Уйига тушуб шуълан саркаше.

Фигонлар чекар эрмиш истаб мадад,  
Эшитганга бўлмаи сўзи муътамад.

Чу куймиш уйи юмуб-очқунча кўз,  
Демииш анга соҳибдиле буйла сўз.

Ки: «Ёлгон ангаким фаровондурур,  
Чини ҳам эл олинда ёлгондурур.

Агар қилмади эл ҳимоят санга,  
Ўзунгин керактур шикоят санга».

Эшиттимки, бир шаҳга бўлди шиёз,  
Уйе айламак бир сутун узра соз.

Кезиб топтилар бир йиғоч буйла туз,  
Ва лекин анинг молки бир ажуз.

Бериб ўн баҳо, балки юз, балки мишг,  
Ризо бермайин хотири золнинг.

Чу байъу шаро тонмайни нитихо,  
Бериб зол ҳамсанги олтуи баҳо.

Ясодилар ул уйни гавҳарнигор,  
Сутуни, вазе, қилдилар зарнигор.

Ҳамоники келди тамошога зол,  
Йиғочини ўнуб, сурди мундоқ мақол.

Ки: «Солдинг, чу ҳақ яратти сени,  
Ҳам ўзунгни олтуи аро, ҳам мени».

Ниҳолеки ул туз бўлур жилвасоз,  
Бари элни мундоқ қилур бениёз.

Агар тузлук ўлса кишининг иши,  
Не васф айлай олгай ишини киши.

Хусусан шаҳи комрон бўлгай ул,  
Ҷаҳон узра хисравнишон бўлгай ул.

Маозаллоҳ, ар қилса шаҳ эгрилик,  
Юмоғлиқ керак шаҳлигидин илик.

Бировгаки мулк ўлса зери нигин,  
Нпгин бирла ул бўлса маснаднишин,

Анга «рости расти» этса нигор  
Қачон рост бўлмаи бўлур рустгор.

Алифким эрур ростликда алам,  
Агарчи алифдур, эрур алф ҳам.

Хатеким қилур тузлуги бирга минг,  
Не иш айлагай тузлуги кимсанинг?

Кишиким жаҳонда сўзи ростдур,  
Эрур дол ангаким ўзи ростдур.

Бировким эрур ростлиқдин йироқ,  
Анингдек киши бўлмагон яхшироқ.

Яна улки сойибдурур рой анга,  
Адув касратидан не парвой анга?

Гум айлар ёмон кунда бир яхши рой,  
Тумон хасмини борча размозмой.

Басо, хасмиким кўпроқ андозадин,  
Ки дафъ ўлди бир солгон овозадин.

Разин рой ила ёймаса кимса дом,  
Ҳавода учар қушни қилгайму ром?

Кини билмаса ройи сойиб фанин,  
Қачон дўст қилгай эди душманин?

Тааммул била ком пайдо бўлур,  
Тахаммул била гўра ҳалво бўлур.

Эшиттимки, дер эрди бир зуфунун,  
Ки буким йилонга қилурлар фусун.

Бўлур ўзи қайдига печон каманд,  
Ки андин кишига етишмас газанд.

Магар ул билур тилдин аҳли хирад,  
Хушомад баён қилдилар беадад.

Паёнай чучук сўз чу пайгом ўлур,  
Анингдек хашии жонвар ром ўлур.

Нечаким хирад ичра бўлса камин,  
Йилондин ёмонроқ эмас одами.

Чу гаввос касб этти ройи разин,  
Наҳанг оғзидин олди дурри самин,

Дам урмай чу ул дурри галтон олур,  
Тенгиз қаъридин гавҳар осон олур.

Бас улким такаллумга оғзин очар,  
Мухотабга сўз йўқки, гавҳар сочар.

Нетонг тунд душман анга ром эса,  
Чу ром ўлди ҳосил неким ком эса.

Такаллум била кимса инсон эрур,  
Сўзи йўқ баҳойимга не сон эрур?

Вале сўзда даги маротибдурур,  
Ҳам анда ҳунар, ҳам маойибдурур.  
Ҳам улдурки айлар тирикни ҳалок,  
Ҳам андин ўлук тан тонар руҳи пок.

Хирад бирла чун яхши сўз бўлди ёр,  
Киши ройи сойиб қилур ихтиёр.

Хирадманд бўлса балоғатмаоб,  
Не бўлгай иши ғайри ройи савоб?

Бировким савоб ўлди ройи анинг,  
Берур улча ройи ҳулойи анинг.

## L

*Ардашер ҳикоятиким, ғавий душман дафъини қилич билан  
қилурдин ожиз эрди, ройи разин ва тиги забон била у  
мушкил ғазияға саранжом берди*

Мулуки тавойиф аро Ардашер,  
Ки ҳам ройзан эрдию ҳам далер.

Магар Ардавон бирла айлаб хилоф,  
Ики соридин бўлди азми масоф.

Ҳамоноки кучлук эди Ардавон,  
Мунга йўқ эди онча тобу тавон.

Ёнарга ризо бермайин ғайрати,  
Юруга вале заъфдин ҳайрати.

Тааммул қилур эрди рой истабон,  
Бир андешаи раҳнамой истабон.

Яраш истаю озим этти расул,  
Адув қилмади ажзин англаб қабул.

Бор эрди сипоҳи аро бир киши,  
Адув жониби нома ёзмоқ иши.

Неча берсалар эрди огоҳлик,  
Шаҳ ўлмас эди андин икроҳлик.

Адув этти бир кунчилик йўлга тунд,  
Бу хам бўлмади фикру рой ичра кунд.

Хайлига ройе етишти ажаб,  
Равон давлат арконин этти талаб.

Кивурди чу борини хилват аро,  
Равон қилди бунёд бу можаро.

Ки: «Ногаҳ киши изтирор этмасун,  
Адув шавкатидин фирор этмасун,

Ки ҳақдин етишти иноят манга,  
Эрур шодлиг бениҳоят манга.

Ани сизга дермен, вале зинҳор,  
Киши қошида қилмангиз ошкор».

Бори аҳд қилгоч, равон бошлади,  
Тараб бирла бу дoston бошлади:

Ки аъдо соридин неча паҳлавон:  
Фалону фалону фалону фалон,

Ки бу хайл эрур асли кўшиш чоғи,  
Нечукким, билурсиз муни сиз доғи.

Бўлуб Ардавондин бори тийрарой,  
Манга айлаб ўзни тазаллумнамой.

Бу сўзга қилиб аҳду мисоқ этиб,  
Йибормишдурурлар манга хат битиб

Ки тонглаки эл бўлса водийнавард,  
Тузулса ики сори саффи набард,

Не ердаки тургон эса Ардавон,  
Чопиб бошига бир неча паҳлавон.

Анга еткуруб зулм подошини,  
Санга келтурурбиз анинг бошини».

Бу сўзни чу тақрир этиб Ардашер,  
Элидин кетиб заъф, бўлди далер.

Магар ўртада эрди пайгомгар,  
Битиб ҳолини бўлди эълонгар.

Эшитгач бу сўз хаёми олий асос,  
Замирига йўл топти беҳад харос.

Не топти юруб раэм этарга жиҳат,  
Не хайлини дафъ этгали маслаҳат.

Ярашқа ризо берди ҳиммат тутуб,  
Ярашти, дағи ёнди миннат тутуб.

Бу ким топти бу навъ ройи савоб,  
Бу навъ ўлди иқболидин комёб.

## LI

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, савоб ройга  
мужиби исобат не бўлғай ва хатога жиҳати заъф не ва  
жавоб эшитмак*

Яна сўрди Искандари поктабъ,  
«Ки эй ҳикматойину дарроктабъ,

Буким одами борча инсондурур,  
Бори офаринишда яксондурур.

Мунга ройи сойиб ҳақ этти ато,  
Ва лекин анга берди ройи хато.

Яна ҳам буким, ройи сойиб эрур,  
Ишинда анинг бу ажойиб эрур,

Ки чун покрой ўлди беиштибох,  
Ва лекин хато ҳам қилур гоҳ-гоҳ.

Керакким, бу бир бўлса, ул бўлмаса,  
Ул ўлса, бу бир сори йўл бўлмаса».

Тааммул қилиб деди донишнавард:  
«Ки эй борча шоҳлар аросида фард,

Буким халқ эрур офаринишда бир,  
Не донишда бирдур, не бийнишда бир.

Эрур ҳақ сифоти ададдин бари,  
Булар ҳар бири бир сифат мазҳари.

Керак ҳар бири бўлса бир фардзот,  
Нединким эмас бирдек ики сифот.

Нетонг бўлса бу бирга фаҳму хирад,  
Яна бир хираддин эса бемадад.

Хирадликнинг ар бўлса ройи дуруст,  
Керак бўлса албатта гаҳ-гоҳ суст.

Нединким эмас кимса бир ҳол ила,  
Эрур ҳар замон ўзга мшвол ила.

Яна улки гар бўлса туз борча рой,  
Хирад бўлди, бас, кимсага раҳнамой.

Хирад ғайб илмида аъмодурур,  
Ки билмаски, тонгла келур недурур.

Хираддин эрур ғайб илми йироқ,  
Эрур бехираддин хирад яхшироқ.

Яна кимсага борча рой ўлса туз,  
Хирадга берур, бас, ажаб фикр юз.

Ки ҳақ амрида бўлди ширкат анга,  
Эмастур муносиб бу фикрат анга.

Камол аҳлининг ройи гоҳи табоҳ,  
Эрур ҳақ камолига равшан гувоҳ».

Жавобини шаҳ тонти чун дилнисанд,  
Яна урмади дам бўлуб бахрамаид.

## ЛИ

*Хоқоннинг Искандар учун зиёфат асбобин тузгани ва ани Чинга элтурга илтимос кўргузгани ва ул шоҳона базму ойин вазъи васфида хомаи нодира нигор дурфишонлиқ қилмоқ ва ул туҳаф ва наводир тазйини таърифида табъи балогатшиор гавҳарпошлик кўргузмак ва пешкашлари теъдодида тўғуз фалак авроқин хомага рақам-*



... қилмоқ ва базми дилкашлари шарҳида секиз би-  
қишт риёзин ақл кўзига рад қилмоқ

Бу дебо уза пайкароройи Чин,  
Бу навъ айлади нақши дебойи Чин.

Ки чун Чин сари бўлди Хоқонга азм,  
Мубаддал бўлуб базм ила кину разм.

Эли кўнглидин кетти ранжу тааб,  
Булар ўрнига келди айшу тараб.

Ўзи тушти Чин шаҳрига шодмон,  
Кириб қасри давлатга тушган замон.

Талаб қилди аркони давлатни бот,  
Жулус амри этти қилиб илтифот.

Дедиким: «Бу шоҳи фалакиҳтишом,  
Ки олам юзини фатҳ қилмиш тамом.

Жаҳон шаҳларин айламиш бандаси,  
Забардастлар бўлмиш афгандаси.

Каманд улки гардунга банд айламиш,  
Бу они асири каманд айламиш.

Қачон бизга бор эрди худ бу гумон,  
Ки бўлгай бу алтоф ила меҳмон.

Келиб тарки қатлу масоф айлагай,  
Бизнинг бирла кўнглини соф айлагай,

Қилиб улча имкони бор эҳтиром,  
Манга тахти устида бергай мақом.

Меши ҳам атолиққа қилгай қабул,  
Ҳам ўлгай шафиқим, печукким, ўғул.

Билурсизки, гар қилса эрди набард,  
Улуедин чиқорур эди кўкка гард.

Санам зулфидек айлабон тору мор,  
Қўпорур эди борчамиздан димор.

Бу лутфеки ул ошкор айлади,  
Ки эҳсон тариқни шир айлади.

Бу мажмаъ ичинда йиғилгон анга,  
Эрур борча овоз қилгон анга.

Мен алтофидин онча шармандамен,  
Ки гарчи ато дер, вале бандамен.

Қилурдин анга хизмати дилназир,  
Худ эрмасдурур ҳеч янглиг гузир.

Бу шининг салоҳи недур, фикр этинг,  
Қошимда чу фикр эттингиз, зикр этинг?»

Бу сўзлар дегач шоҳи Чини Хўтан,  
Дуосига тил чектилтар айжўмай.

Дедиларки: «Хар нуқтаким сурди шох,  
Эрур муттафиқ борча хайду синох.

Бу шоҳеки бор эмди меҳмонимиз,  
Гар олида бўлса фидо жонимиз.

Анга улча ойини эъзоздур,  
Муни деса бўлгай — хануз оздур.

Не муяку синаҳга сен этсанг рақам,  
Билурлар анинг бермагин мугтанам.

Валек улча сен ўзинг эткунг яроқ,  
Билурсен сен они ўзунг яхшироқ.

Неким ҳимматингга таманнодурур  
Бизинг ҳиммат андин муарродурур.

Қачонким қирон айласа наййирайн,  
Кўрунурму заррот аро тушса шайн?

Бўлур чунки ёндошса ики жаҳон,  
Жаҳон даржаҳон, мўр кўздин ниҳон.

Не тонг, халқ таби қироқ айласа,  
Скандарга Хоқон яроғ айласа.

Муқассирдурур табъимиз дахлдин,  
Ки тўби иши келмади нахлдин.

Вале мунча иш бизга равшандурур,  
Ки гар харжи юз ганжу махзандурур.

Чу сен мезбон ўласанг, ул меҳмон,  
Кўп ўлмоғлигин қилса бўлмас гумон».

Бу сўзларки арз эттилар ул гуруҳ,  
Бўлуб шод — Хоқони дарёшукуҳ,

Деди: «Улча кўргузди бу қаҳрамон,  
Эрур элга худ фарз моли амон.

Синоҳига улким мавожибдурур,  
Анинг йиллиги элга вожибдурур.

Яна йиллигига очиб қуфли ганж,  
Мен ўз махзанимдин бўлай нақдсанж.

Синоҳига фикр ўлса ушбу сифат,  
Ўзи фикрини мен кўрай маслаҳат»

Бу янглигки сўз ўтти Хоқон била,  
Бори эл қабул эттилар жон била.

Бўлуб борчаси бир-бирига мумид,  
Қилиб иш саранжомига жаҳду жид.

Неча кунда бори муҳайё бўлуб,  
Ки Чин нақддин кону дарё бўлуб.

Бу янглиг ясаб пешкашлар ўзи,  
Ки ҳайрон қолиб анда даврон кўзи.

Минг от — борча охутаку гўрдав,  
Бори гўру охудин элтиб гарав.

Алар гардига ета олмай сабо,  
Сабо сайри пўяларидин ҳабо.

Югурмак аро абру секрирда барқ,  
Вале барқдек борча олтунга гарқ.

Ҳам олтун эгар, даги олтун лижом,  
Ҳам олтун тақо. даги олтун ситом.

Кежим борча устида зарбафти Чин,  
Пашизалари лаълу дурри самни.

Яна минг тева — ҳар бири кӯхтаи,  
Фалак нилча ҳар бирига бадан.

Неча ҷусса ичра фалакваш келиб,  
Қам озорлингда малакваш келиб.

Бори суръат ичра, нечукким, фалак,  
Нечукким фалак йўқ, нечукким малак.

Бори рахти дебойи Чину Хитой,  
Ҷавохир бори узра зийнатфизой,

Алоқа бориға саросар ипак,  
Дуру лаълу феруза мунчогидак.

Яна минг хачир, борчаси тезгом,  
Синехри ҳарундек бориға хиром.

Писандида сайру шитоби дағи,  
Қаторию зини, рикоби дағи.

Рухути ҳам андоқки дастур ўлуб,  
Ки оту тева узра мазкур ўлуб.

Яна минг тўқуз рахти нахху насеж,  
Очилмай, нечукким, топиб тобу печ.

Неча богдек борча рангин келиб,  
Вале тоғдек бори сангин келиб.

Яна яшмдин минг авоню зарф,  
Латофат аро бир-биридин шигарф.

Яна чини олот минг порча,  
Идора аро меҳри сайёрча.

Яна минг сиҳи қадду гулҳад каниз,  
Бори суибули зулфдин мушқбиз.

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,  
Қобоглари кенг-кенг, огизлари тор.

Келиб гамзан шўх ила дилфреб,  
Либос ичра ончаки имкони зеб.

Ва лекин ики булъяжаб тухфа ҳам,  
Ки андоқ келиб булъяжаб тухфа кам —

Бир кўзгуйи жоми Жамшиддек,  
Сафо ичра миръоти хуршиддек,

Ки они фалак меҳройини дебон,  
Вале халқ Ойинан Чини дебон.

Ики юз анга ою кундек ёруғ,  
Вале тийра бўлмай бўлурдин очуқ.

Ёруқ ҳар юзи чехра кўргузгудек,  
Демай бир юзи тийра рў кўзгудек.

Ҳакимки они тилисм айлабон,  
Намойиш анга ики қисм айлабон.

Келиб бир юзи буйлаким чунки шох,  
Сўрар чоғида маснад уза додхоқ.

Ки бир-бирга эл даъво изҳор этар,  
Агар кимса даъвога шикор этар.

Бу даъвода эрмас гувоҳ эҳтиёж,  
Эрур кўзгу сори нигоҳ эҳтиёж.

Агар сўзи чиндур — кўринур юзи,  
Кўрунмас юзи — бўлса ёлгон сўзи.

Яна бир юзининг тилисми бу иш,  
Ки шаҳ базм аро бода этса хуриш,

Анга мажлис аҳли بازار қилсалар,  
Тамошойи шахсу сувар қилсалар,

Аларким, май ичгайлар ором ила,  
Кўрунур аларга юз андом ила.

Биров зайга тошиб фурудастлик,  
Аён қилгудек бўлса бадмастлик,

Кўрунур юзи кўзгу ичра бузуқ,  
Узун, йўқса ёйнанг, кичик ё улдуқ.

Чу бийианда бу нактага тонти най,  
Бўлуб хушдил, айлар равон тарки май.

Кўруб ул бузуглугни наззорагир,  
Бўлур ўз бузуг ҳолига чорагир.

Яна лувбати, бал жаҳон офати,  
Жаҳон офати йўқки, жон офати.

Хитойи ҳасаб, шўхи чинийнажд,  
Жамолига ҳуру нари хоназд.

Ики банда ҳуснига ҳуру нари,  
Ва лекин қочиб ҳар бири бир сари.

Хито мулкида зулфи гавго солиб,  
Кўзи Чин диёрида ягмо солиб.

Ики чини зулфайни мушкин таноб,  
Анга Чин ичинда сениб мушкиноб.

Қаро қоши мушкин ҳилое келиб,  
Ҳиллол андин ошуфтаҳоле келиб,

Ани чарх айларда мушкин ҳиллол,  
Томиб нуқтаеким — бўлуб оти хол.

Узори уза ики қиймоч кўз,  
Улус қонини ичгали очкўз,

Ким ул очлиги айлаб они заиф,  
Узолиб ётиб хасталардек наҳиф.

Қуёшдек анга давр рухсор ўлуб,  
Оғиз нуқтасидин намудор ўлуб.

Чу паргор учи даврин айлаб кашон,  
Падида ўлгуча нуқта тонмай нишон.

Занах тавқи лекин яна ним давр,  
Ки андин бори давр аҳлига жавр.

Зақан чоҳи ул давранинг нуктаси,  
Тушуб чоҳ аро аҳли даврон басе.

Қади ишва бирла хироманда сарв,  
Хироманда сарви хиромон тазарв.

Чу ноз ул тазарв ошкор айлабон,  
Басе бозу шоҳин шикор айлабон.

Бошидин-оёқ ишвау хўблук,  
Оёқдин боши нозу маҳбублук.

Келиб борчадин турфа бу можаро,  
Ки ҳам базм аро чусту ҳам разм аро.

Чу базм ўлса илҳони ушшоқсўз,  
Не ушшоқсўз, айт офоқсўз.

Чу тортиб наво, элни беҳол этиб,  
Хирад нутқини нағмаси лол этиб.

Чолиб чун гио нотавон риштасин,  
Ўзуб нотавонларга жон риштасин.

Чу ун бирла барбат навосин тузуб,  
Бирн ўлтуруб, ул бири тиргузуб.

Қачонким кириб разм майдонига,  
Қилиб қасд майдон эли жонига.

Чу рахшига ҳар сори жавлон бериб,  
Замон аҳли жавлонига жон бериб.

Ғаним ўлса гардун киби зўрманд,  
Ваго вақти гардунга солиб каманд.

Қилич солса хорони айлаб шикоф,  
Анга хора кемухти ўлуб гилоф.

Ўқи бўлса юз худу хафтон ўтуб,  
Қатиқ хорадин балки паррон ўтуб.

Синони қачон кўргузуб печу тоб,  
Синохр аждарига тушуб изтироб.

Қачонким адув хайлига от солиб,  
Чу ул ел етиб — хасдек эл қўзғолиб.

Балоеки чархи қадимий пиход,  
Бера олмайини бир анингдекни ёд.

Скандарга Хоқон ясаб пешкаш,  
Тўқуз буйла тухфаки, шарҳ ўлди хуш.

Булар чун саросар мухайё бўлуб,  
Яна Чин шаҳи мажлисоро бўлуб.

Ясаб бир ажаб базми олий асос,  
Такаллуфга ақл анда топмай қиёс.

Улуг хайлни раҳшунос айлабон,  
Шаҳ ихзориини илтимос айлабон.

Шаҳ олига чун мултамаслар етиб,  
Ҳадисин анинг ер ўпуб — арз этиб.

Қабул айлабон сўзни доройи даҳр,  
Равон отланиб айлади азми шаҳр.

Тўшаб эрди Хоқони хуршид тож,  
Ўзи қасридин рост то бир йиғоч.

Скандар йўли узра дебойи Чин,  
Ки пинҳон бўлуб эрди сахройи Чин.

Хар ўн гомда бир нисор айлабон,  
Дуру лаълни хоксор айлабон.

Йўли узра онча тўкуб мушкноб,  
Ки эл тўтиёликқа топмай туроб.

Эл ул мушк уза чун бўлуб раҳнавард,  
Тутуб мушкдин кўк юзин тийра гард.

Бу ҳашмат билан хисрави тожу тахт,  
Кириб Чин диёрига фархунда бахт.



Кўруб, ўйла, шаҳреки, чархи кухун,  
Ўқуб мислига ояти «ламъакун».

Жиниован ҳаволию боғи анинг,  
Не пайдо учи, не қироги анинг.

Безаб тому тошини ойин билла,  
Мусаввар бори ҳуллаи чин билла.

Кўруб онча ороки, кўз кўрмайини,  
Кўнгул ҳам тахайюлга келтурмайини.

Скандарга ҳар лаҳза ортиб нишот,  
Анғочаки, Исқандари ойини бисот.

Кўюб чунки Хоқон бисотига гом,  
Тошиб даргоҳини чархи ферузафом.

Суруб чунки даргоҳдин ичкари,  
Кўруб оламе чун боқиб ҳар сори.

Назиҳ равзан чархи ахзар киби,  
Анға ҳар очуқ гул бир ахтар киби.

Келиб чор дарчор наргор анға,  
Секиз дойлиг тўрт девор анға.

Йиғочлар ўтуб тўрт девордин  
Демайким, ети чархи зарқордин.

Ададдин фузун ҳар ҳумоюн дарахт,  
Кўюб баргдин чарх тоқига рахт.

Бўлуб чарх уза шохлар шеваси,  
Дегайсенки, анжум эрур меваси.

Йиғочлар тубида чаман-дарчаман,  
Саросар тузуб жарга сарву саман.

Бинафшаки ўз қаддин айлаб ингуи,  
Қалинлиқда чодиршаби инлгуи.

Магар чарх ўлуб зебу тазийин уза,  
Солиб аке ойинан Чин уза.

Раёҳинга кимса адад топмайин,  
Фараҳбахш атрига ҳад топмайин.

Қилиб наргие ўз гуначасин байзадор,  
Ки кўзинда эрди рамаддин губор.

Рамад йўқки, чун қор уза кўз солиб,  
Қориқмоқ кўзининг зиёсин олиб.

Бўлуб лолау сабза нақшин гилийм,  
Шукуфа тўкуб ул гилийм узра сийм.

Мулавван зужожа нишонин бўлуб,  
Кўк айвонининг тобадонин бўлуб.

Бу гулшан ичинда фазойин васеъ,  
Фазо ўртасида биное рафеъ.

Қилиб носбонига дамсозлик,  
Зухал бирла ҳар шом хамрозлик.

Бийикрак фалак қасридин пояси,  
Равоқига тушмай булут сояси.

Ёгиндин анинг томи нам кўрмаган,  
Чоқин шуъла тоқига еткурмаган.

Музаҳхаб қилиб они боштин-оёқ,  
Агар раҳба, гар бурж, гар худ равоқ.

Бисотидаги хишт чиний спришт,  
Мусамман ясаб чини андоқки хишт.

Чу чиний бўлуб фарш қоши анга,  
Бўлуб нақш матну ҳавоши анга.

Бори хишт анга чини ойин бўлуб,  
Сафо ичра ойинан Чин бўлуб.

Ичи қасрининг сар-басар зарингор,  
Эшик борча зийнатда гавҳарингор.

Келиб борча наққоши чобук қалам,  
Басе вақт уруб килки Моиний рақам.

Топиб нақш қонуну ҳанжорини,  
Мусаввар қилиб тўрт деворини.

Мавозеъ анга ҳар бири нақши Чин,  
Дема нақши Чинким, бихишти барин.

Бу қаср ичра тахти сипеҳр ихтиром,  
Ясаб шоҳ учун анда олий мақом.

Скандарга Хоқони меҳмонпараст,  
Бу олий сарир узра берди нишаст.

Анга дағи Искандари тахтгир,  
Мақон этти ҳам ушбу олий сарир.

Атоу ўгул янглиғ ўлтурдилар,  
Нишоту тараб базмини қурдилар.

Бори ўлтурур элга ҳукм этти шоҳ,  
Ки ерлик ерин қилгай оромгоҳ.

Сукун топиб аввал кулаҳдорлар,  
Алардин қуйироқ сипаҳдорлар,

Яқинроқ тутуб ҳикмат аҳли жулус,  
Филотун, Арастую Фарфунюс.

Чу қаср ўлди жаннат киби беқусур,  
Худ эрди муҳайё шаробан таҳур.

Чу маъкулдин табъи топти фараҳ,  
Кўнгул айлади майли чиний қадах.

Равон қўпти бир шўхи чиний сиришт,  
Малоҳат аро рашки ҳури бихишт.

Ўзи ичти ёқути аҳмар суйи,  
Вале шоҳга тутти кавсар суйи.

Равон ичти доройи даврон дағи  
Не доройи давронки, Хоқон дағи.

Чу эврулди уч-тўрт даври нишот,  
Надид ўлди эл кўнглига инбисот.

Қадаҳ солди аҳбоб магзига шўр,  
Ҳижобу хаё рафъи кестурди зўр.

Ғино аҳли ҳарёи наво туздилар,  
Навосозлиғ расми кўргуздилар.

Қилиб жилва ҳар соқийи маҳжабин,  
Сочиб анбарин зулфидин мушки чин.

Бўлуб ҳушу фаҳм аҳлига гуфтугўйи,  
Май олгонга ҳушии тушуб хой-хуй.

Ики шоҳ бир-бирга айлаб ниёз,  
Такаллум қилиб ҳар бири дилнавоз.

Бу онинг қошида қулогин тутуб,  
Мушунг ул ўпарга оёгин тутуб.

Бу айлаб анинг садқаси мулки Чин,  
Ул айлаб мунга садқа рўйи замин.

Йўқ улким ики шаҳга бу расми хос  
Ҳар икига бир-бир била ихтисос.

Чу ичмак улус расму ройи бўлуб,  
Газак борча хони Хитойи бўлуб,

Олиб чарх атбоқи ҳардам сабақ,  
Не янглиғ бўлурни табақ-бартабақ.

Яшил хонлару қурси лиму бари,  
Кавокиб била чархи мину бари.

Бўлуб, ўйла, базмеки чархи баланд,  
Бўлуб зийнату зебидин баҳрамад.

Емакка улус майли бўлгонда фош,  
Газак ўртадин чиқти, тортилди ош.

Қаю ошким, ер юзин хон тутуб,  
Вале хонни неъмат юз алвои тутуб.

Не дей, улча ул хон қиёси эди,  
Ки тўқуз минг отнинг учоси эди.

Яна қўйга йўқ эрди ҳадду ҳисоб,  
Ки юз минг десам бўлгай уя интихооб.

Мунга лойиқ англа ушоқ ошини,  
Ки кўрмак уюрди фалак бошини.

Чу тортилди бу навъ беҳад таом,  
Ки топти таматтуъ бори хосу ом.

Равон тахтдин тушти Хоқони Чини,  
Қўпуб тахт уза шоҳи маснадинини.

Тавозеъ била Чин шаҳи турди хуш,  
Шаҳ олига сўзлатгали пешкан.

Ҳисобни битиб шаҳ сари кеттилар,  
Ҳамул давлат аркони арз эттилар.

Чу арз ўлди, Хоқон юқунди равон,  
Юқунди яна хисрави навжувон.

Тўқуз тўқуз ўткардилар борини,  
Анингдекки айлабмен изҳорини.

Кўруб тухфа ул навъ бори гузин,  
Деди шоҳ Хоқонга кўп офарин.

Чу ўткардилар борчасин хайл-хайл,  
Шаҳ ул ики нодир сари қилди майл.

Бири ул Хўтанзоди махрў эди,  
Яна моҳваш турфа кўзгу эди.

Равон бўлди Хоқони хуршидрой,  
Бу илгида ойина, ул бирда ой.

Шаҳ олига келтурди кўзгуни ҳам,  
Не кўзгуки, ул меҳри дилжўни ҳам.

Чиқиб тахт уза ўлтуруб шоҳ ила,  
Деди кўзгу васфини дилхоҳ ила.

Шаҳ ул кўзгудин бўлди кўп шодмон,  
Анга қилди машгуллуқ ҳар замон.

Ани аҳли ҳикматқа кўргузди ҳам,  
Басе сўз анинг бобида тузди ҳам.

Қўлидин бу кўзгу йироқ кетмади,  
Ки кўзгу чиройлигини ёд этмади.

Ғаҳе қилди эҳсос қиемин анинг,  
Ғаҳе фикр қилди тилемин анинг.

Чу қилди қуёш кўзгуеи юз ниҳон,  
Яна занги зулматқа қолди жаҳон.

Қадах ичмади шоҳи ҳикматпараст,  
Ки мазмум эрур бўлмоғи шоҳ маст.

Миниб отқа майл этти ўрду сари,  
Қуёш, ўйлаким, чархи мину сари.

Қўнуб бўлди Хоқон дағи ҳамраҳи,  
Бўлуб хифзида ҳам ато, ҳам раҳи.

Синоҳига чун шаҳни еткурди бот,  
Ер ўнтию ўз шаҳрига сурди от.

Скандар тушуб истади жоми май,  
Яна лаҳзае солди суҳбатга пай.

Чу Хоқонга ул базм ойин бўлуб,  
Скандар сўзи барча таҳсин бўлуб.

Кетур соқий, ул кўзгуни рўбарўй,  
Ки кофуртабъ ўлгаю мушкбўй.

Димоғимда Чини мулки савдосидур,  
Бу янглиғ май онинг мудовосидур.

Муганний, улуг йир садосини туз!  
Бижир кўкка пийпо садосини туз!

Мени бир наво бирла хушҳол қил,  
Жаҳон фикридин фориғулбол қил!

Навоний, ичиб май, эшитгил суруд,  
Ки, бас, бевафодур сипеҳри кабуд.

Ки Хоқонга гар жуз жафо қилмади,  
Скандарға дағи вафо қилмади.

### ЛIII

*Зиёфат боғининг сарведек озодалари бобидаким, гунчадек хизмат камарин чуст боғлаб гулдек очуқ юз била хони карамлари доим очуқдурур ва қўноқлари азар қумри бўлсун вагар булбулким, ҳар бири ўз хўри ҳолиға кўра ул хондин наво топарлар ва алар ифрот имтилосидин муарродурурлар ва муфрит иштаҳосидин мубарро*

Хушо улки, жуз базл анга пеша йўқ,  
Жаҳон бору йўқидин андеша йўқ.

Замон ичра топиб ўзин меҳмон,  
Анга меҳмон борча аҳли замон.

Кишиким анга меҳмонлиқ қилиб,  
Бу ҳам жон била мезбонлиқ қилиб.

Чу меҳмон етиб, дун киби қочмайин,  
Бал ул бўлмайин, рўзасин очмайин.

Халилulloҳосо очиб хони базл,  
Қамар курсидек синдуруб нони базл.

Нечаким таоми келиб нўши баҳр,  
Келиб меҳмонсиз мазоқиға захр.

Ва гар келса меҳмон, қуруғ нон анга,  
Бўлуб курси хуршид рахшон анга.

Бурун лутф беҳадду поён қилиб,  
Очуқ юз била хулқу эҳсон қилиб.

Юзин мисли гулбарги хандон очиб,  
Яна олида гул киби хон очиб.

Нечук гулда гулбарги хандон тўла,  
Бу хон ичра гулбаргидек нон тўла.

Чу меҳмон узотиб қўлин хониға,  
Қўюб мезбон миннатин жониға.

Ани токи тўйгормайин, тўймайин,  
Илик чекмай ул, бу илик қўймайин.

Агар бўлса меҳмони шоҳ, ар гадо,  
Қилиб мезбонлиқ тариқин адо.

Йўқ улким шаҳ олида қўйгай кулоч,  
Гадога қуруқ пону ёвгон умоч.

Тафовут кўрар бўлса худ бок йўқ,  
Вале анга шаҳду мунга хок йўқ.

Гар ул сарвару бу сарафгандадур,  
Вале икиси тенгрига бандадур.

Басо, кужпушту пароканда ҳол,  
Бўйида чу бўлгай ипе эски шол.

Ки бўлгай кўнгул мулкининг шоҳи ул,  
Ниҳоний кўнгул рози огоҳи ул.

Сипехри забардаст анга зердаст,  
Кўруб ҳиммати чархи аълони паст,

Ки гар шаҳға фаҳм ўлса ҳоли анинг,  
Бошин айлагай поймоли анинг.

Киши қилса бўлгайму таҳқир ани,  
Ки ҳақ айламыш бўлса тавқир ани.

Бас, авло буким ҳар қачон аҳли роз,  
Очиб базл уйин бўлса меҳмоннавоз.

Чу эл барча суратда пинҳон эрур,  
Хирад они англарда подон эрур.

Мувосо кўзин ҳар тараф очса кенг,  
Ҳамул кўз била борчани кўрса тенг.

Қуёшдекки кўргузса рухсорини,  
Солур тенг жаҳон узра анворини.

Агар қасри заррин эрур, гар бузук,  
Баробар қилур партавидин ёруқ.



Йўқ ул шамъдекким фурузандадур,  
Чу парвонага етти — сўзандадур.

Нетонг гар анинг феъли подошига,  
Етар ҳар замон тиг анинг бошига.

Булутдек сахалиқ керак мезбон,  
Ки тенгдур анга марз ила марзбон.

Қачонким сочар дурри эҳсонини,  
Жаҳон шўразору гулистонини.

Сахо ёмғури бирла сероб этар,  
Не сероб, гарқи дури ноб этар.

Йўқ андоқки, елким эрур хокрўб,  
Қачон дашт аро бўлса хошокрўб.

Қилур ер юзин хору хасдин хало,  
Тамомин чуқурларга айлар тўло.

Бу афъолидин қилмиш они қадар,  
Сабуксору саргаштау дарбадар.

Сангаким эрур базл қилмоққа тавъ,  
Муни англаким ул эрур неча навъ,

Бир улким киши бўлса меҳмон санга,  
Қилиб сели нероф тугён санга.

Йўқ, ойини иззатфизиолиг учун,  
Ки шуҳрат била худнамолиг учун.

Биров олига хон чу келтургасен,  
Киши бир, вале ўн қўй ўлтургасен,

Паёлай асопқурни айлаб равон,  
Емакдин бўлуб ожиз ул нотавон.

Анга сен едурмак учун сўз била,  
Тикиб кўзки, они ебон кўз била.

Анинг олига ҳар табақким етиб,  
Ҳамул ош таъмини таъриф этиб.

Борин ул есуи деб, бу авсоф эрур,  
Бу бедод қилмоқ не ишсоф эрур?

Уюнг шайх Луқмон мазори эмас,  
Сени кимса ул буқъа шайхи демас.

Худо молига қилмоқ исроф не?  
Ўнун аҳлидек мунча итлоф не?

Ки ҳақ гарчи дебдур: «Кулу вашрабу»,  
Вале ҳам демаштурки: «Ло тусрифу».

Не қилмиш бу меҳмонки, ўлтургасен,  
Анга ёлбориб заҳр едургасен?

Не бир заҳр, ҳар луқма бир заҳри поб,  
Вале луқмага кимса топмай ҳисоб.

Бу янглиг зиёфат баса шум эрур,  
Хирад аҳли олинда мазмун эрур.

Яна бир буким, ҳар қачон келди зайф,  
Анга қилгасен бермайини туъма хайф.

Мусофир иччи куйдуруб иштиҳо,  
Вале йўқ сенинг бухлунга иштиҳо.

Раво кўрмагинг анга маҳрумлуқ,  
Эрур бурноғидин батар шумлуқ.

Будур даъбким яхшидур, гар ёмон,  
Ки бўлгай сенинг хонинга меҳмон.

Бурун лутф бирла тарабноқ қил,  
Не исроф қилгил, не имсоқ қил.

Емакка анга ҳар не дархўр эса,  
Санга дағи неким муяссар эса.

Очуқ юз била чек анинг қошига,  
Вале истама музд подошига.

Ишингга солиб «Ақарамуз-зайфа» пур,  
Тутуб маръи ойини «Хайрул-умур».

Заёфат бу навъ бўлса ойини санга,  
Керак мезбонликда таҳсини санга,

Бу янглиг киши мезбон камдурур,  
Агар бўлса донойин оламдурур.

#### LIV

*Бахроми гўр ҳикоятим, уч олачуқ элига меҳмон  
бўлди, икиси ифрот ва тафрит кўргузуб, муҳотаб ва  
матъун бўдилар ва бириси адолат тариқидин Қорун*

Эрур нақлким, шоҳ Бахроми гўр,  
Магар сайд учун сурди бир кун сутур.

Ул ов ичра тушти синахдин йироқ.  
Ани бир қулон солди элдин қироқ.

Чопиб эрди кўп шоҳи саҳронавард,  
Ики-уч олочуқ аро етти фард.

Шаҳи даштпаймо баса оч эди,  
Бағоят емакликка муҳтож эди.

Ул уйлар қошида эди бир дарахт,  
Тушуб сояга шоҳи фархунда бахт.

Деди ул халойиққа тушган замон,  
Ки: «Сизга эрурмен бу дам меҳмон.

Бўлунг моҳазар бирла меҳмоннавоз,  
Ки андин наво топқай аҳли ниёз».

Ул уч уй элидин бири дун эди,  
Агарчи тамавулда Қорун эди.

Неким шаҳ деди, қилмади илтифот,  
Яна бирга исроф эрди сифот.

Қазон остуруб, қилди қўйлар қатил,  
Ки молин зиёфатқа қилгай сабил.

Солиб жуъ меҳмон димоғига дуд,  
Анинг ошиким, тонгла пишгай, не суд?

Ва лекин бири эрди аҳли хирад,  
Хушо улки топқай хираддин мадад.

Ани уйга келтурди тортиб инон,  
Равон моҳазар чекти — жуғроту нон.

Кетиб шохдин ранжи фарсудалиқ,  
Ебон моҳазар топти осудалиқ.

Анга берди беҳадду андоза мол,  
Ҳамул дунга андозасиз гўшмол.

Қилиб таъна мусрифқа беинтиҳо,  
Неким зойи этганга берди баҳо.

Булар таврида турфа ҳолат кўрунг,  
Анга ҳам тариқи адолат кўрунг.

Бу бирдек керак меҳмонлиқ дағи,  
Яна бир киби мезбонлиқ дағи.

## LV

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, зиёфат  
хонин не навъ очмоқ яхшидур ва мууроот суфрасин  
не навъ ёймоқ мустаҳсан кўрунур ва дононинг ул боб-  
да нукта сургони ва ҳикмат моидасидин Скандарга фой-  
да еткурғони*

Яна сўрди фармондеҳи рўзгор:  
«Ки эй дониш аҳлига омузгор,

Зиёфатда недур тариқи савоб,  
Амал айламак бизга қилғил хитоб,

Ки ул бўлғай ойини ҳикматқа жўб,  
Не андин керак бўлғай озу, не кўп?

Ки бу бобда борча аҳли милал,  
Кўп айлабдурурлар тариқи жадал.

Қилибдурлар охир мунн ихтиёр,  
Ки кўп қилгон икром эрур бахтиёр».

Қилиб донишойин дуо ибтидо,  
Дуодин сўнг айтти бу янглиг адо:

«Ки ҳар неки меҳмонга бор эҳтиёж,  
Агар ошу нон, йўқса шаҳду қулоч.

Керак ҳозир ўлса бори хон аро,  
Таодул тариқида мезон аро.

Анингдекки мазмун эрур бўлса кам,  
Эрур, ўйла, мазмун ифротн хам».

Деди шахки: «Бу шева осон эрур,  
Вале шах шуқухига нуқсон эрур».

Тааммул била нуқта сурди ҳаким:  
«Ки эй ҳикмат ойинида мустақим,

Худо шах жанобин рафеъ айламинш,  
Ки шахга улусни мутеъ айламинш.

Чу шах халқ ризқиға бўлмиш зимон,  
Эрур ортуқ ўксук еткурмак ёмон.

Вагар нақди жузвий зиён айласа,  
Шуқухини ортар гумон айласа,

Неким халқ ризқиға мақсумдур,  
Ики онча ҳам қилса маълумдур:

Ки не моя бўлгуси зонд анга,  
Ки то бўлгай исроф онд анга.

Мунунг бирла гар ўзини истар азим,  
Эмастур анинг бу хаёли салим,

Ким ул бўлгуси минг, ики минг дирам,  
Ки харжидин истар ўзин муҳтарам.

Ангаким мунунг бирла ортар шуқух,  
Қилур фаҳм агар бўлса фикрат нуҷух.

Ки айлар ўзи ўз шуқухини паст,  
Ўзи берур ўз поясиға шикаст.

Эрур шахқа андин улви жаноб,  
Ки паст эл ишидин қилур ижтиноб.

Вагар кўнгли эҳсонга ҳамроздур,  
Нечаким берур кўн, хануз оздур.

Анчаким хираддин етар ёрлик,  
Нисандида эрмас талафкорлик».

Чу бу нуктани сурди дониш нукух,  
Қабул айлади шоҳи гардуш нукух.

## LVI

*Искандарнинг ҳукамо иттифоқи била фалак рози пин-  
ҳонийси ва олам сирри ниҳонийсини зоҳир ва пайдо  
ва равшан ва ҳувайдо қилурга сугурлоби хуршидтоб  
ва миръоти меҳрсифот тасниф қилғони ва бу ики туҳ-  
фаи меҳр мисолдин хотир жамъ этиб яна ики маҳваши  
меҳржамол висолига рағбат қилғони ва ул бобда сур  
яроқин ва сурур тумтароқин муҳайё қилиб, синеҳри  
бариндек айвонини Равшанақ нуридин мунир тутғони ва  
Меҳриоз партавидин ёрутғони*

Бу Чиний пигориш гузорандаси,  
Эрур бу гузориш пигорандаси,

Ки Хоқон чу бўлди Скандарнараст,  
Скандарга Чин ичра бўлди нишаст.

Етиб эрди қиш мавсуми, дағи туш,  
Эмас эрди бир сори мумкин юруш.

Яна эрди Хоқонга беҳад ҳавас,  
Ҳавас демаким, ком ила мултамас,

Ки шаҳ Чинда ором тутқай бу қиш,  
Танаъум қилиб, жом тутқай бу қиш.

Шаҳ олига чун илтимос айлади,  
Шаҳ онинг ҳадисини пос айлади.

Бу ишга тутуб таъби донишварини,  
Туруб қилди қишлоқ Чин кишварини.

Ғаҳи ҳамнафас эрди Хоқон била,  
Кӯёш, ўйлаким, моҳи тобон била.

Гаҳи сайд ишин ихтиёр айлабон,  
Юруб Чин кийигин шикор айлабон,

Гаҳи руду май бирла мажлис тузуб,  
Ичиб май, нишоту тараб кўргузуб.

Гаҳи ҳикмат аҳли била ройзан,  
Бўлуб илму ҳикматда устоди фан.

Ҳамул кўзгуким чекти Хоқон анга,  
Бўлуб эрди осойиши жон анга.

Қачон тахт анга бўлса оромгоҳ,  
Ки ўз додин истар эди додхоҳ.

Тутар эрди ул кўзгуни рўбарў,  
Қилиб ҳукм ойинаи ростиў.

Бу ҳолатда ҳайрат енгиб шоҳни,  
Яна ул суруки донишогоҳни.

Қачонким тузуб базми шоҳона ҳам,  
Ароға солиб кўзгуни ёна ҳам.

Ҳамул феълени ошкор айлабон,  
Ки бадмастни шармсор айлабон.

Шаҳ андоқ бўлуб эрди мафтун анга,  
Ки ҳайратда йўқ эрди қонун анга.

Чу кўп солди фикрат аро ҳайрати,  
Бу водий сори чекти бош фикрати.

Ки: «Бу бир тилисмедурур турфасоз,  
Есогон билиб ҳикмат аҳли бу роз.

Мени дағи доройи чархи баланд,  
Чу ҳикмат била айламиш баҳрамаңд.

Яна хизматимда неча юз ҳақим,  
Борининг сўзи поку ройи салим.

Билик бобида ҳар бири оламе,  
Фалак рози ашқолиға маҳраме.

Бу кўзгуки солимни туз кўргузур,  
Менга анда юз фикр юз кўргузур.

Недин мен даги аҳли ҳикмат била,  
Бориб чора кейнига ҳиммат била,

Тааммул қилиб, гаврига етмайин,  
Тилисм андин ортуғ падида этмайин».

Тилаб доиш аҳлини элдин нуҳуфт,  
Бу маънида кўп қилди гуфту шунуфт.

Дуолар қилиб муттафиқ ул гуруҳ,  
Дедиларки: «Эй шоҳи гардуншукух!

Қачонким буюрсанг бу янглиғ тилисм,  
Бу бир амр эрурким, эрур бизга қисм.

Тааммул била айлабон иттифоқ,  
Қилоли иш андин баса яхшироқ».

Ҳамул ҳикмат аҳли бўлуб ики хайл,  
Равон қилди ҳар хайл бир ишга майл.

Филотуну Суқрот ўлуб бир тараф,  
Арастую Буқрот ўлуб бир тараф.

Алар сори Ҳурмус, Балинос ҳам,  
Бу ён Аршимидус тутуб пос ҳам.

Буён ики юз, ул тараф ики юз,  
Дебон кеча-кундуз бу маънида сўз.

Алардин дамо-дам шаҳи номвар,  
Бўлуб ҳикмат ойинида беҳравар.

Риёзат била ул ики хайл чуст,  
Топиб ер била кўк мисолин дуруст.

Бири бўлди оламда фикратнамо,  
Вале бир гуруҳ этти азми само.

Топиб анжумойину табъин тамом,  
Тиби маволиди сифлий мақом.



Мувофиқ топиб кавкаб анзорини,  
Аён эттилар санъат изҳорини.

Филлизот аро зоҳир айлаб тилисм,  
Мудаввар намудор этиб ики жисм.

Бирн рӯю мис бирла обод эди,  
Яна бир дурахшанда нӯлод эди.

Алардинким ул рӯй тошти гудоз,  
Бўлуб эрди бори сутурлоб еоз.

Аларгаки нӯлод ўтру эди,  
Намудори гўёки кўзгу эди.

Скандар бериб ики сори мадад,  
Гаҳ айлаб қабул ишларини, гоҳ рад.

Алардин бу дағи бўлуб мустафид,  
Алар ҳам тошиб даҳа мундин муфид.

Ҳамул қишда ул ҳикмат аҳли ниҳон,  
Ки ҳар бир алардин эди бир жаҳон.

Ики турфа ҳайъат надиб эттилар,  
Ки олам элин мустафид эттилар.

Сутурлобга чарх ашқоли қисм,  
Вале кўзгу жисми саросар тилисм.

Жаҳон мулки анда бўлуб жилявагар,  
Кишиким анга бўлса суратнигар.

Фалак тулу арзи бирида ниҳон,  
Бирида аён борча мулки жаҳон.

Ул ўлди сутурлоби махфийнамо,  
Бу бир бўлди миръоти гетинамо.

Шараф бурики тоққач қуёш кўзгуси,  
Ки қилди замон рафъ қиш қайгуси.

Қуёш жирми бўлди зари побдек,  
Скандар тузатган сутурлобдек.

Қилиб шоҳ маснад уза базм фоиш,  
Шараф буржидин ул сифатким қуёш.

Сарир узра ёнида Хоқони чин,  
Ики сори кўн шоҳи маснадинини.

Тузуб боргоҳ ичра шоҳона базм,  
Қилиб таҳниятдин танаъумга азм.

Бу ҳолатда кирдилар ул ики хайл,  
Бори қилдилар тахт олинга майл.

Бори илм аро бахти сармад киби,  
Тажаррудда ақли мужаррад киби.

Скандар қилиб борчага эҳтиром,  
Сарир озида хос қилди мақом.

Чу базм ичра ўлтурдилар ул гуруҳ,  
Халойиққа етти алардин шукуҳ.

Мақом ичра чун зоҳир ўлди суқун,  
Солиб бош қуйи мисли чархи ингун.

Виқор узра бир дам чу ўлтурдилар,  
Сутурлобу кўзгунин келтурдилар.

Қилиб арз ҳар қайси тимсолини,  
Аён эттилар ҳар бири ҳолини.

Бирини аён бўлди афлок иши,  
Яна бирини арсаи хок иши.

Бирида тўқуз чарх тақсим ўлуб,  
Бирида аён ети иқлим ўлуб,

Чу Хоқонга фаҳм ўлди ул ики ҳол,  
Таҳайюр ани айлади гунгу лол.

Аён айлади шаҳга ҳамду сано,  
Дебон ҳамд, бу нукта сурди яно.

Ҷи : «Шаҳ сен киби кўрмади чархи пир,  
Ҷи не тож сенсиз керак, не сарир.

Мулозимларинг даги лойиқ санга,  
Билик ичра бори мувофиқ санга.

Эмас олам аҳли киби зотингиз,  
Ки оламдин ўқсулмасун отингиз».

Ул ишгаки ҳикмат эли чекти ранж,  
Сила топти шахдин, баче, молу ганж.

Магар эрди ул ганж ила мол кам,  
Ки Юнонни қилди суюрғол ҳам,

Ато қилди Хоқони Чин ҳам баче,  
Гухар берди, дурри самин ҳам баче.

Ганий бўлди ул навъ аҳли камол,  
Ки туш вақти ҳар бир қуёштин мисол.

Чу хисравга ул ики иш берди даст,  
Нишот айлабон бўлди ишратпараст.

Ки машшотан бахт кулгу била,  
Ҳамул софу рахшанда кўзгу била,

Безаб гулрухи жохи иқболни,  
Юзинда ясаб зулф ила холни.

Муқаввас қошига чекиб вусма ҳам,  
Қўюб хол ҳам, синдуруб кесма ҳам.

Қилиб ҳури жаннатдек ораста,  
Эрам богида сарви навхоста,

Шаҳи комрон бирла ақд айлағай,  
Жаҳон ганижи маҳрига нақд айлағай.

Никоҳини айлар замон Муштари,  
Ким ул чархнинг келди саъд ахтари.

Бўлуб чарх суқротига бахтиёр,  
Қилур чоғда яхши назар ихтиёр.

Тутуб илгига ул сутурлобни,  
Тоғиб чарх вазъидин асбобни.

Тутуб меҳр сайри учун иртифоъ,  
Тушуб суқбадин суқба сори шиоъ,

Шаҳ иқбол ила майли роҳ айлагай,  
Тараб навъ арусин никоҳ айлагай,

Ки Доройи даврон қизи Равшанак,  
Ким эрди жамол ичра меҳри фалак,

Васият қилиб эрди Доро нухуфт,  
Ки бу шоҳ ила бўлгай ул моҳ жуфт.

Жаҳонгирлик амрида моҳу сол,  
Эмас эрди шаҳға мажоли висол.

Яна шоҳ Маллу қизи Нозмеҳр,  
Ки меҳр, ўйла, кўрмайдур эрди сипеҳр.

Шаҳ андин дағи бор эди комсиз,  
Вале хотири эрди оромсиз.

Тилар эрди жашни азим айламак,  
Халойиқни гарқи наим айламак.

Ёруб Равшанакдин шабистон анга,  
Бўлуб борча олам гулистон анга.

Яна Нозмеҳр ўлгай ороми руҳ,  
Ки топқай мулоқотидин коми руҳ.

Чу кўнгли пишурди бу андешани,  
Тилатти гуруҳи хирадпешани.

Алар бирла бу нуктада урди рой,  
Ул ишга бори бўлдилар раҳнамой.

Ки ҳар кимгаким бўлса тожу сарир,  
Анга бир халафдин эмастур гузир.

Чинқорда бу ферузагун маҳддин,  
Эмас шоҳ фориг валийаҳддин.

Қуёшким қилур майл магрибқа, шом  
Ўзига қилур ойни қойим-мақом.

Қуёш нурича гар эмас моҳтоб,  
Эрур уя ёруғлуққа ноийб-маноб.

Шажар чун қилур богдин иштиқол,  
Агар ўрнида бўлса наврас ниҳол,

Бўлур оқибат боғ пирояси,  
Берур нафъ ҳам мева, ҳам сояси.

Чу донишвар эл қилдилар иттифоқ,  
Деди шоҳким: «Айласунлар яроқ».

Бориб давлат аркони шаҳ комига,  
Тошиб шугл ул иш саранжомига.

Неча кунда бори муҳайё бўлуб,  
Ки Чин кишвари жаннатого бўлуб.

Бўлуб онча зийнатки чархи дани,  
Ҳисоб айламак бўлса минг йил фани,

Юзидин бирига ета олмагай,  
Мингдин бирин шарҳ эта олмагай.

Муҳайё бўлуб ҳар сифат хоста,  
Чу асбоби сур ўлди ораста.

Равон қилдилар сур бунёддини,  
Бериб ишрату айшнинг додини.

Баҳор эрдию гул арусига зеб,  
Арусона булбулга андин фиреб.

Гулу сабза айёмида бўлди тўй,  
Бўлуб гулшаноийин била шаҳру кўй.

Аёкчи, кетур жомни лаб-балаб  
Ки тўй ўлди айёми айшу тараб!

Ки бу сур эрур оламафрўз ҳам,  
Хусусан эрур фасли наврўз ҳам.

Муганний тузуб чанги вазнида чанг,  
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг,

Десагг сепки: жон қардошим ёр-ёр!  
Мен айтайки: мунглуг бошим ёр-ёр!

Навоий, чу сарманзилинг Чингадур,  
Сурудунг дағи сур аро чангадур,

Аёлгунг печа ёр-ёр ўлгуси,  
Менинг йиғларим зор-зор ўлгуси.

## LVII

*Йигитлик баҳорининг хушлуғи ва баҳор йигитлигининг дилкашлиғида гул ва булбулдек барг ва наво тузмак ва юз барг ва минг наво била нағма кўргузмак ва гулистон атфоли саҳоб доясидин сунт ўрнига шираи жоний ва сув ўрнига оби зиндагоний ичгонидин руҳ наботи топқонин баён қилмоқ*

Жаҳон чорбоғики дилкашдурур,  
Йигитлик баҳори била хушдурур.

Йигитликда ҳам ўтса лайлу наҳор,  
Эрур ишрат айёми фасли баҳор.

Тирилған замон сабза, ўлганда хут,  
Ки «Субҳона хаййил-лази ло ямут».

Ҳамал сабзавори сари офтоб,  
Танаъум ҳавосиға айлар шитоб.  
Анингдекки илгини Мусо сунар,  
Қўзи тутқали яди байзо сунар.  
Эсар субҳдам руҳпарвар насим,  
Топар жон йиғочқа изоми рамим.  
Бу ел Исо анфосин исбот этар,  
Ки боғ ичра ихёйи амвот этар.  
Баҳорий булут пилдек бедаранг,  
Қилур жилва ҳарён, бори пилранг.  
Рутубат аро гўё ул хайли пил,  
Бўлубтур бори ғарқи дарёйи Нил.

Ғар андоқ эмас, бас недур, айт бу?  
Ки ҳарён алардин томар қатра сув?

Дема қатраким, пояборон дегил,  
Дема нил, абри баҳорон дегил,

Чу абри баҳори сочиб дурри ноб,  
Етишти чаман саҳнига обу тоб.

Очиб ер рагин сабзанинг ништари,  
Чиқиб қоп киби лолан аҳмари.

Бўлуб гўё ул қонга майли фасод,  
Нединким бўлуб зоҳир андин савод.

Чаман айлабон хулласин ранг-ранг.  
Тугуб хулла хилъат учун танг-танг.

Гияҳ бог аро Чиннойин бўлуб,  
Ки ҳар гул анга луъбати Чин бўлуб.

Бўлуб сунбули тарга сарв узра печ,  
Қаду зулфдин бўлмайин фарқи хеч.

Гул атрофидин шохи сунбул чиқиб,  
Юз олидин андоқки кокул чиқиб,

Бинафша бошин андин айлаб қуйи,  
Ки остига онинг кириб мул суйи.

Агар топмаса ул су бирла газанд,  
Нега рахт ердин кўтарди баланд?

Ўзин тифли наргис қадаҳхўр қилиб,  
Ки лиму терисини соғар қилиб.

Ва ё лимуйи бўрки топти шикаст,  
Ки даврин бийик қилди, учини паст.

Чиқиб савсан ошуфта мажнун киби,  
Сабо кожидин ранги гардун киби.

Юзинда аён фориғулболлиқ,  
Тоғиб завқ таврида беҳоллиқ.

Қилиб шуъла зоҳир гули оташин,  
Самандар киби булбул ахгарнишин.

Не гулким, тушуб ошённига ўт,  
Қаю ошён балки эконига ўт.

Сабо пайки айлаб чамандин гузар,  
Ҳамиша баҳор англагил ранги зар.

Шабистонда гул равнан айлаб чароғ,  
Фатила ясаб гунча қўймоққа доғ.

Сабо дояси чун бу ишни билиб,  
Фатиласин онинг паришон қилиб.

Қилиб шохини настаран сиймгун,  
Қим ул сийм атрофин айлаб нигун.

Босиб сийм бўлғоч гаронбор ани,  
Ҳамул шохдекким босар қор ани,

Бўлуб жилва қилгон замон аргувон,  
Тўни аргувонранг, лек навжувон.

Насим они ҳар ёнки мойил қилиб,  
Қизил тўн била элга қотил қилиб.

Су узра булут тифли ақтор ила,  
Қилиб даврлар машқ паргор ила.

Дема тифл, Монийки афзорсиз,  
Чекиб юз туман давр паргорсиз.

Сапидор уза гулки пайванд ўлуб,  
Қади сарви гулрухқа монанд ўлуб.

Кўрунуб чаман хулди ризвон киби,  
Гулу сарв анга ҳуру филмон киби.

Чу гулзор уза абри найсон ёғиб,  
Дема қатраким, дурри галтон ёғиб.

Ўтуб бир-бириндин чу боранда абр,  
Қилиб наъра, андоқки, гуррон ҳизабр.

Ўвдин тушуб бор аро зилзила,  
Чоқин шаклидин бўйнида силсила.



Ёгин қатрасин оби ҳайвон дегил,  
Анинг торини риштаи жон дегил.

Назоҳатда гулшан, нечукким, бихишт,  
Ели борча анфоси Исоиришт.

Бу фасл ичраким тонг ели жон берур,  
Булут қатраси оби ҳайвон берур.

Чиқиб сабза руҳи наботи била,  
Қилур жилва тонқон ҳаёти била.

Нишот этмаган улча имкони бор,  
Гумон қилмағилким, анинг жони бор.

Бу чоғ этмаган айш бўстон аро,  
Ҳамодедурур, шакли инсон аро.

Вале эрмас ул айш ҳам дилназир,  
Кўнгул бир тараф гар эмасдур асир.

Кўнгул чунки бир гул учун зордур,  
Нетонг, гар анга майли гулзордур.

Ва гар васлидин бўлса осуда ҳол,  
Анга боғу гулшан тавофи ҳалол.

Скандарга чун ишқ аро бўлди ком,  
Тилаб васл гулшанга қилди хиром.

### LVIII

*Булбул ҳикоятим, анинг гулбонгидин зог ёлқиб,  
балоғат аҳлига гажга ҳинду ҳарза дегондек, таън қил-  
ди ва анинг фасиҳ жавобидин ўзгача сўзин билди*

Эшиттимки, бир боғ аро гул чоғи,  
Ки тез ўлди булбул фигон қилмоғи,

Келиб сарзаниш қилди бир зог анга,  
Ким эрди нишиман ҳамул боғ анга.

Деди: «Кей жунуншеван ҳарзароӣ!  
Недур буки, ҳар йил аро ўн бир ой,

Кезарсен чаманда хазину хамўш,  
Бир ойду санига мунча жўшу хурўш?

Бир ништа дарангу саботинг қани?  
Чаман қушларидин уётинг қани?»

Деди булбул: «Эй инқдин беҳабар!  
Менинг куймагимдин санига не хабар?

Чу гул йўктурур ўн бир ой боғ аро,  
Эрур рўзгорим сенингдек қаро.

Гаму дард эрур менда зайлу наҳор,  
Ва лекин чу эсти насими баҳор,

Гул этти чиқиб жилваойини яна  
Тикиб жайбига нофани чин яна,

Чу гул қилди бу навъ зеби жамол,  
Қачон қолгай ул лаҳза булбулга ҳол?!

Чаман ҳусни дийнор агар донгдур,  
Ки бечора булбулга гулбонгдур.

Чу кетти чамандин гули оташини,  
Кўмур бирла найлай бўлуб ҳаминшини?

Сенингким намудоринг ўлди жуаал,  
Ҳаётинггадур гул исидин халал.

Қачон англагайсен менинг ҳолатим,  
Ки сендин йироқ яхшироқ суҳбатим».

Чу булбул аён қилди бу дарду доғ,  
Қарорди жавобида афсурда зог.

Демакка жавоб ўлмади сахткўш  
Қини айёми булбулдек ўлди хамўш.

## LIX

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг саволи Арастудин ул бобдаким, инсонга*

*майле табиий баҳор ва гулларга бўлмоғи недин бўли олғай  
ва анинг ҳикмат баҳоридин жавоб насими еткурғони*

Яна сўрди доройи гардунмаҳал:  
«Ки эй чарх анқоли олингда ҳал,

Буким ҳар қачон етса фасли рабёъ,  
Неким жинси инсон шарифу вазёъ.

Бўлурлар бори хурраму шодмон,  
Қилурлар ҳаво бир тараф ҳар замон.

Кўнгулники қиш гунча янглиғ қилур,  
Баҳор ўлса ул гул киби очилур.

Бу фасл элга мунча тараб не экин,  
Бу янглиғ тарабқа сабаб не экин?»

Деди барча илму фунун оғахи:  
«Ки эй нутқунг анфоси Рухуллаҳи.

Бу маънида эл кўп демишлар калом,  
Ки борин билур шоҳи олий мақом.

Табиатқа гул майли эрмас ажаб,  
Чаман завқи ҳам хели эрмас ажаб,

Вале нуктаким, асл эрур бу эмас,  
Дейин, чун эрур шаҳға билмак ҳавас.

Табойеъки, офоқу анфусда бор,  
Борин тўрт табъ эттилар эътибор:

Исиқ, совуг, ўлу қуруғ фаҳм қил,  
Ани ўту сув, елу туфроқ бил.

Ки инсон булардин мураккабдурур,  
Жамеъи милалға бу мазҳабдурур.

Бирин ҳорри ёбис деди борча хайл,  
Бири борид айлаб рутубатқа майл.

Бирин ҳорри рутаб англа бевахму бийм,  
Бирин бориди ёбис айтур ҳақим.

Қачон зоҳир ўлди санга бу усул,  
Табиат бу навъ-ўқ тоғибдур фусул.

Алардин бири келди фасли баҳор,  
Ки бордур табиат анга ратбу ҳор.

Чу бу фаслга келди таъни ҳаёт,  
Яна учга уч таъб бўлди сифот,

Ки сафроу савдоу балғамдурур,  
Вале руҳ таъни мунга замдурур.

Шак эрмаски, ҳар кимсаким жонн бор,  
Ҳаётин тилар улча имкони бор.

Бу маънидин ул фасл эрур дилпазир,  
Ки йўқ элга майл айламакдин гузир.

Неча сирридин элга йўқтур шуур,  
Вале йўқ табиат ишида қусур.

Чу андин етар руҳга парвариш,  
Анга етса беҳост айлар кашш.

Сувким таҳга бўлди гузори анинг,  
Чекар таъбу йўқ ихтиёри анинг».

Чу донодин ўлди бу янглиғ футуҳ,  
Ҳулул этти шаҳ жисмига тоза руҳ.

## LX

*Искандарнинг ул икки тоза вард, йўқ-йўқки, икки ба-  
ҳори нозпарвард васлидин ком топқони ва Нозмеҳр-  
нинг меҳру нозидин бетоқат бўлуб, гул фаслида анинг  
гул жамолидин баҳра олғони ва анинг Равшанақ рашк-  
динким, маҳбублуқ шевасидурур, шамъдек саркашлиқ  
қилиб, чарбзабонлиқ била ўз шабистоноройлигин равшан  
этғони ва Искандарнинг ул хилват висолидин чиқиб, Чин  
мулкидин Мағриб диёрига азм этғони ва ул диёр га-  
ройибидин ажобқа қолғони*

Бу пайкарни улким намудор этар,  
Гузориш ишин мундоқ изҳор этар,

Ки Чин ичра Искандари Файлакус,  
Чу топти ики, ўйла, зебо арус.

Бахору йиғитлик, даги шоҳлик,  
Яна хикмату допишогоҳлик.

Билибким, неча бўлса оламга шоҳ,  
Эрур оқибат туффроғ оромгоҳ.

Не оламга топмиш вафойе киши,  
Не шахлиққа кўрмиш бақойе киши.

Кишига бу ҳолот чун бўлгуси,  
Деким, айш қай кун учун бўлгуси?

Бу тақдир ила шоҳи ишратнараст,  
Неча кун тараб жомидин бўлди маст.

Ики шамъ бирла шабистон аро,  
Ики сарвқад бирла бўстон аро

Бўлуб ком топмаққа оромжўй,  
Топиб чунки ором, ўлуб комжўй.

Ҳамул Равшанақ маҳди улё бўлуб,  
Шабистонида мажлисоро бўлуб.

Бори нарда аҳлига бону эди,  
Ки шаҳ бирла зону-базону эди.

Вале Нозмеҳр эрди пойнипараст,  
Анга тахти ёнида эрди нишаст.

Қилиб шаҳга гоҳи парасторлик,  
Гоҳи гамза бирла жигархорлик.

Вале Равшанаққа баса рашк эди,  
Анга боқса шаҳ, кўзида ашк эди.

Билиб хирав ул навъ рашку ҳасад,  
Риоят тариқига йўқ эрди ҳад.

Қилиб Равшанақ бирла аншу нишот,  
Анинг бирла оз айлабон нибисот.

Вале потавон кўнгли зори анинг,  
Хазин хотири беқарори анинг.

Бу индин малолат тошиб Нозмехр,  
Ки шоҳ ўзга ён қилди оғоз меҳр.

Талошмоққа не ҳадду ёро эди —  
Ки ул шамъи айвони Доро эди.

Вале гофил андинки, шоҳи жаҳон,  
Анинг меҳрини жонда асрар ниҳон.

Хазин жони онинг харобидурур,  
Ичинда анинг изтиробидурур.

Ики кун эди Равшанак навбати,  
Мунинг лек бир кун эди хилвати.

Бу андешадин кўнглида эрди ранж,  
Бўлур эрди позук тани гуссасанж.

Бу ойини ила ўтти фасли баҳор,  
Ки то бўлади гул мавсуми ошкор.

Шаҳ англаб эдиким, маҳи сомири,  
Кўзи ҳиндую кашмирнинг соҳири,

Эрур жинс рашкидин ошуфтадил,  
Ниҳон шахдин озурда, элдий хижил.

Кунеким, бўлуб эрди навбат анга,  
Ки бўлгай шабистонда хилват анга.

Шаҳ онинг ҳаримига майл айлади,  
Жамолига жонин туфайл айлади.

Дедиким: «Неча ёшурун ўртанай?  
Улусдин ниҳон туну кун ўртанай?»

Ниҳон ишқдин етти иш жонима,  
Букун фош этай роз жононима».

Келиб ҳурваш олида тузди базм,  
Фароғат била бодага қилди азм.

Шаҳ этти аён бодапаймойлиқ,  
Ки шўҳ айлагай мажлисоройлиқ.

Вале мохван кўнгли гамгин эди,  
Ниҳони қоши кунжида чин эди.

Такаллуф била мажлисоро бўлуб,  
Иши баст этарда мадоро бўлуб.

Скандар неча айлабон жустужўй,  
Суманбар далер айламай гуфтугўй.

Неча бу ниёз ошкор айлабон.  
Ул ойини поз ошкор айлабон.

Мунунг чун фузун бўлди саркашлиғи,  
Анинг ҳаддин ошиб мушаввашлиғи.

Чу шаҳ кўрдиким, тоқати тоқ ўлур,  
Жунун ичра расвойи офоқ ўлур.

Анга ишқ амри жунун айламиш,  
Жунун ақлу фаҳмин забун айламиш.

Не ҳикмат анга еткурур ёрлиқ,  
Не ойини дониш мададкорлиқ.

Тазаллум била деди: «Кей нозанин!  
Недин бизга қилдинг аён буйла кин?»

Недур ажзим олинда тавсанлигинг,  
Ангаким эрур дўст-душманлигинг.

Не журм этгим эркин мени хоксор,  
Ки кўнглунгга ўлтурди мендин губор.

Не хаским, ўтунгдин куяр лог-лог,  
Не ҳожат яна қуймоғ ул ўтқа ёғ?

Чибинким эрур шаҳдинга пойбанд,  
Тапонча била анга недур газанд?

Вафо айлагилким, жафокор эмон,  
Бу зулм айламакка сазовор эмон.

Чу мен ишк аро ўлгум, ўлтурмагил,  
Қатилинга тиш жафо сурмагил.

Ишбизимга боқ, асру поз айлама!  
Таадди кўну лутф оз айлама!»

Бу янглиг тазаллум чу кўргузди шох,  
Киноят била золими кинахоҳ,

Шакар тунгини айлади шахдрез.  
Кўп ул шахд зимнида неши калез,

Ки: «Шаҳ айшини ҳақ мудом айласун,  
Ишин дилбари бирла ком айласун!

Анинг лойиқи келди Доро қизи.  
Ки кўз равшан айлар аёги изи.

Қапизеким ул бўлса ҳиндийнажод,  
Не ҳиндийнажод, айт кашмирзод.

Не лойиқки, они анис айлагай,  
Такаллуф юзидин жалис айлагай».

Деди шахки: «Эй хаста жон офати!  
Демай хаста жонким, жаҳон офати!

Киноят тариқини бир дам унут,  
Қилиб раҳм, бедод таркини тут.

Менга Равшанак таънини қилма кўп,  
Ул ишта кўзунга мени илма кўп.

Мени анда маъзур тутсанг бўлур,  
Замирингни масрур тутсанг бўлур,

Ки вожибдурур эҳтироми анинг,  
Нединким, бийикдур мақоми анинг.

Эрур Баҳманий тожнинг гавҳари,  
Яна Қайқубодий сипехр ахтари».

Деди макр ила шўхи ширинзабон,  
Ки: «Эй ети кишвар уза марзбон!



Бу сўзнинг муҳаббатқа не дахли бор?  
Ки ишқ ичра шаҳликқа йўқ эътибор!

Ҳамолу малоҳат кўнгул комидур,  
Узуи турра тақво қуни домидур.

Насаб бирла бўлса анга шоҳлик,  
Ҳасаб бирла етмиш манга моҳлик.

Анинг тожи кишварга бўлса хирож,  
Менинг олима бош қўяр аҳли тож.

Анга фахр нисбатда Ҳамшиддин,  
Манга ор ҳусн ичра хуршиддин.

Анга мулк агар бўлса фармонпазир,  
Манга зор эрур юз туман мулкгир.

Агар ул хирад бирла афсонадур,  
Манга юз хирадманд девонадур.

Гар ул бўлса офоқ элига азиз,  
Солурмен мен офоқ аро рустахиз.

Анга гар эрур пеша жон ўртамак,  
Манга шева бўлмиш жаҳон ўртамак.

Гар ул гамзадин ўқни паррон қилур,  
Менинг кирпиким тийрборон қилур.

Гар ул қатл ишига қилур эҳтимом,  
Менинг тиғи ишқим қилур қатли ом.

Анга гар фусун айламак вирд эрур,  
Манга борча кашмир шогирд эрур.

Анга гамза бўлса жаҳон соҳири,  
Манга бўлди гўсола юз сомири.

Анинг шуҳрати гар эрур ом аро,  
Менинг қўзголопимдур ислом аро.

Ғар ул халқни қатл этар дам-бадам,  
Манга келди тиргузмак ойини ҳам.

Анинг қилса зулфи йилонни фусун,  
Фусунум қилур аждаҳони забун.

Анинг зулфи ғар чекса имон рагин,  
Менинг тор лаълим чекар жон рагин.

Қачон суибулум урса гул узра тоб,  
Ёнар юзга хуршид тундин ниқоб.

Қошим ёйини кимки айлар хаёл,  
Уётдин кўзига кўрумас ҳилол.

Эрур кирингим ўқиға жон ҳадаф,  
Нишона отарға мағар чекти саф.

Кўзумға, қачонким, бўлур уйқу ком,  
Бўлур олам аҳлиға уйқу ҳаром.

Юзу мардумаквор ҳолим сўзи,  
Дегил гул уза тушти булбул кўзи.

Чекилгач узорим қирогига нил,  
Эрур тақвою ақл кўзига мил.

Ғажакдекки зулфум аро тобдур,  
Кўнгулларини тортарға қуллобдур.

Лабим лаъликим жавҳари жон эрур,  
Су ул лаъл аро обиҳайвон эрур.

Тишим риштасин жолаи поб де,  
Дема жолаким, дурри сероб де.

Йўқ оғзим бўлуб жавҳари бебаҳо,  
Не найдо вужуде анга, не баҳо.

Ики лаълим этгач такаллум надид,  
Қилиб оғзима эл таваҳҳум падид.

Ани халқ йўқ ерда айлаб гумон,  
Агар бўлса ҳам ул ҳамон, йўқ ҳамон.

Юзумда дема сиймдин габгабе,  
Ки ой ичра хуршидваш кавкабе.

Не кавкабки, нури аниг бегарон,  
Қуёш бирла хуси ичра айлаб қирон.

Лабим пешаси жонфизояндалиқ,  
Қўзум шеваси дилрабояндалик,

Дема рух — қаддим кўруб лол ўлуб,  
Ки рухул-амин даги беҳол ўлуб.

Хиромим қилиб равза сарвини мот,  
Анга можаро қилмай оби ҳаёт.

Жамолим қуёшни солиб тобга,  
Таним сийми титратма сиймобга.

Белим торин улким хаёл айлабон,  
Ҳамоно хаёли маҳол айлабон.

Хаёлим башар ичра гавго солиб,  
Малойикка хуснум аллоло солиб,

Кўрунган замон суратим найкари,  
Халойиқ кўзига кўрунмай пари.

Лабимда такаллумдин ортуқ фусун,  
Фусундин даги хусну нозим фузун.

Қуёш қўзголиб хуснум ошубидин,  
Фалак паст меҳрим лагадкўбидин.

Вале мунча афсонадин не асиг?  
Ки шаҳ комиға келди шахдим ачиг.

Не хуш дебдур ул дардманди фироқ,  
Ки: «Оз бахт — кўп хусндин яхшироқ».

Шикоят манга йўқтурур шоҳдин,  
Ки шиквам эрур бахти гумроҳдин».

Чу ширинлаб ул навъ шўр айлади,  
Аниг ишқи кисравга зўр айлади.

Каломига вола қилиб жонини,  
Равон жон аро чекти жононини.

Ҳамойидеифат тортибон қўйнига,  
Илагини ҳамойид қилиб бўйнига.

Газол ул сифат шер қилгач шикор,  
Шикорига меҳр айлади ошкор.

Мамос ўлди чун шохи сандалга ож,  
Не бўлгонни эрмас демак эҳтиёж.

Скандар бу хилватқа мафтун эди,  
Паричеҳра ёрига мажнун эди.

Неча кун бўлуб пардада айшсоз,  
Ки фаҳм ўлмаи ул пардадин ҳеч роз.

Чу ошиққа бўлди муяссар висол,  
Анинг ишқида қолмас аввалги ҳол.

Чу шаҳга неча кун эди ул шааф,  
Яқин билдиким, умрин айлар талаф.

Яна ақлу ҳикмат паноҳ айлади,  
Хирад тахтин оромгоҳ айлади.

Жаҳон мулкин этганда зери нигин,  
Олинмай қолиб эрди Мағриб замин.

Сипаҳга бериб неъмату ком ҳам,  
Мавожиб демай, балки инъом ҳам.

Чу эл фикридин кўнглини тиндуруб,  
Юруш ҳукмини элга жар еткуруб.

Шаҳеқим, сипаҳ бўлди обод анга,  
Эрур душманидин кўнгул шод анга.

Агар шохдин халқи ғамнок эмас,  
Қалин бўлмоғидин адув бок эмас.

Маозаллоҳ, ар бўлса ношод эли,  
Адув йўқ, берур они барбод эли.

Сахо шоҳдин элга матлуб эрур,  
Сипсат ҳам ўз ўрнида хўб эрур.

Скандарки фаррух жаҳондор эди,  
Не шахлиққа матлуб анга бор эди.

Сипоҳин чу эҳсон била қилди шод,  
Аён этти Хоқон била хайрбод.

Анга топшуруб мулки Чинну Хито,  
Яна мулк ҳам, чун деб они ато.

Сипаҳ сурди Чин мулкидин ташқори,  
Таважжуҳ қилиб мулки Мағриб сори.

Қилиб ҳамрах ўлмоғини Хоқон ҳавас,  
Қабул ўлмайпини шаҳга бу мултамас.

Ани қайтариб кўп ниҳонроз ила,  
Анга лойиқ ойини эъзоз ила.

Солиб Ҳинд ҳадди жанубини йўл,  
Ки ул турфа кишвар бўлуб рост қўл,

Ижозат бериб Ройи Ҳиндига ҳам,  
Ўкуш лутф бирла қилиб муҳтарам.

Чу ул қайтибон Ҳинд мулкига бот,  
Суруб шоҳ Мағриб бисотиға от.

Сипоҳи масун борча офотдин,  
Ўтуб бе дарде мулки Гаждотдин.

Бўлуб баҳри Уммон анинг манзили,  
Неча қунки маскан бўлуб соҳили.

Кема ул навоҳийда неким билиб,  
Борин ўрду олинда ҳозир қилиб.

Кема ичра гоҳи мақом айлабон,  
Жазойир била гаҳ хиром айлабон.

Тенгиз қатъ этиб фулки сойир била,  
Гаҳи қатъи води жазойир била.

Савоҳилда фатҳи билод айлабон,  
Ҷазойир днёрини қушод айлабон.

Бу янглиг қилиб қатъ ҳадсиз тенгиз.  
Яна тоғ ила дашт андозасиз.

Ҳамул ергаким азм этиб эрди шох,  
Қилиб савий еткурди хайзу сипоҳ.

Мадад айлабон лутфи бори анга,  
Мақон бўлди Мағриб днёрини анга.

Бу иқлимни ҳам юруб қилди фатҳ,  
Миниб раҳши давлат, суруб қилди фатҳ.

Басе шаҳри аъзамга берди қушод,  
Ки Мағриб замин келди аъзам савод.

Ҳамул шаҳрлар шоҳи солиб шанъ,  
Қабул айлабон молу бўлди мутъ.

Қилиб шоҳ Мағриб замини гаштини,  
Бийик тоғи бирла очуг даштини.

Не манзилгаким етти бўлмаи сабур,  
Қилур эрди манзил-бамазил убур,

Ки чун бўлди манзури бу марзу бум,  
Назар айлагай ул дам ақсоини Рум.

Ва лекин бу иқлим аро кўи ажиб,  
Бўлур эрди ҳар лаҳза кўрмак nasib.

Табнат гаройибқа қонъ бўлуб,  
Ки ул Рум азмига монъ бўлуб.

Ҳамул жумладин бир бу эрдикки шох,  
Қилур чоғда ул марзини жиљагоҳ.

Етишти анингдек биёбон аро,  
Ки ҳавли солур эрди ўт жон аро.

Тутуб даштни ит киби жонвар,  
Вале борчага мўр янглиг сувар.

Дёғу илик борча, андоқки, мўр.  
Вале шери дарронча ҳар бирга зўр.

Алар ичра ҳар кимсаким сурди от,  
Анга мўрлар қилдилар ҳамла бот.

Чу ошуб ила ҳамла кўргуздилар,  
Ани бир-биридин равон уздилар.

Анингдекки, қолмай пишони анинг,  
Ер устида бир қатра қони анинг.

Чу бу ерга етти шахи хушманд,  
Деди: «Сурмасун кимса ул ён саманд».

Ҳамул ер элидин савол айлади,  
Бу маънида кўп қийлу қол айлади.

Дедиларки: «Бир навъ ердур бу марз,  
Ки солур тасаввур ани жонга ларз.

Бу води эрур бир йигоч урса зўр,  
Ки анда солур шўр бу навъ мўр.

Булардин нари водиедур назих,  
Назоҳатда боги Эрамдин фазих.

Гуруҳедурур анда оромгир,  
Ки бу элга ул қавмдиндур нафир.

Қаю қавм, тенгри балоси алар,  
Жаҳон ганжининг аждаҳоси алар.

Қавий ҳайкал, андоқки, бир пора кўх,  
Бирига ҳариф ўлмайин юз гуруҳ.

Қаю бир десанг ул қадар зўр анга,  
Ки бу жонварлар келиб мўр анга.

Аларнинг тилин фаҳм қилмай киши,  
Неким айтибон ҳарза, билмай киши.

Алардин нари борса ўн кунча йўл,  
Келур водие ики тоғ ики қўл.

Фалаксой ҳар тоғнинг хораси,  
Солиб бўркини авжи наззораси.

Қизил оятуи айлаб бири кўзга фош,  
Ки хийра қилиб кўзни мисли қуёш,

Яна бир келиб сарбасар сийми ноб,  
Қамардек анга ламъау нуру тоб.

Бу маҳзанки, ҳар тошидур бебаҳо,  
Бўлар бу халойиқ анга аждаҳо.

Бу элга вале турфа уйқу эрур,  
Ки кўн ўзларидин ажаб бу эрур,

Ки ҳар ўн кун ул қавм уйқудадур,  
Жамеъи тарадуддин осудадур.

Чу ўн кун ўтар уйганурлар бори,  
Ўз аҳволига айланурлар бори.

Топарлар яна ўн кун уйғоғлиқ,  
Бу уйғоғлиқ уйқулари чоғлиқ.

Тона олур уйқу чоғи кимса даст,  
Ҳамул деввашларга бермак шикаст.

Қутулмиш вале биймдин жонлари,  
Ки бу мўрлардур ниғаҳбонлари.

Алар ул хазойинга ганжур ўлуб,  
Аларнинг ниғаҳбони бу мўр ўлуб\*.

Таолиллоҳ, ул сонийи зул-жалол,  
Ки сунъида ожиздур аҳли камол.

Эрур сунъи ҳушу хираддин фузун,  
Не ҳушу хирад, балки ҳаддин фузун.

Чу шаҳ топти ул ишга огоҳлиқ,  
Хираддин талаб қилди ҳамроҳлиқ.

Етишган мақомида қилди нузул,  
Йигилди жанобига аҳли уқул,



Ки қилгайлар ул ишга наззорае,  
Дад қилгайлар андишан чорае.

Вале ул ажабларки пайдо бўлуб,  
Кўнгул теигри сунъида шайдо бўлуб.

Кўнгулга бўлуб қиём мабхутлук,  
Хирадқа етиб ажзу фартутлук,

Қила олмайини чора ҳикмат била,  
Қолиб ожизу дол ҳайрат била.

Кетур соқий, ул руҳ сармоисин,  
Ки маъдум этай ақл пироясин.

Ки қўл тутмади ақлу ҳикмат манга,  
Вале қасди жон этти ҳайрат манга.

Муганиий, ғарибона ул чек ҳазин,  
Ки манзилғаҳим бўлди Мағриб замин.

Сочай бошинг узра зари мағрибий.  
Қуёш ерга мағрибда сочқон киби.

Навоий, чу ғурбатда сен шод бўл!  
Ватан ёди ранжидин озод бўл!

Агар Шарқу Ғарб ўлса манзил санга,  
Не гам, ком агар бўлса ҳосил санга.

## LXI

*Басират кўзларин айнул-яқин куҳли ёрутқонлар боби-  
даким, ҳаён боқсалар офариниш ғаройибин мушоҳада қи-  
лурлар ва мубдеъи корсоз ва мухтареъи банданавоз  
сунъига офарин айтурлар ва одами хокий хилқати сў-  
зиким. «Хамирту тината одама бияди арбаина сабоҳан»  
дастбурди била суратпазир бўлди. «Ва лақад каррам-  
но бани одама» парвариши била тахти хилофатгир*

Биров аҳли маъни дей олур ўзин,  
Ки ҳақ очмиш ўлгай басират кўзин.

Не сурат ангаким бўлур ошкор,  
Ани англаса сунъи суратнигор.

Қаю нақш аро кўрса бир чошни,  
Анинг сонъи билса наққошни.

Не найкарки ораста кўрса ул,  
Анинг найкароройига топса йўл.

Гарази нақидин бўлмаса нақибанд,  
Кини нақидин бўлмагай бахраманд.

Ўкуш нақшлар бирла чархи кабуд,  
Кўрунган била позирига не суд?

Тўқуз хонида юз туман монда,  
Кўрунган била элга не фонда?

Бу гулшандаким офаринишдурур,  
Назар қилгучи аҳли бийнишдурур.

Ки ҳар бир чаманким кўрар дилкушой,  
Бўлуб богбонига фикратнамой.

Қаю нахл бунким кўрар позанин,  
Қилур нахл бандига юз офарин.

Не гул рангу бўйини кўруб турфасоз,  
Топар санъати ичра бир ўзга роз.

Бу андозасиз коргоҳе васеъ,  
Арсинда бу боргоҳе рафеъ.

Ки турмуш муаллақ, анга йўқ сутун,  
Ки эрмас сутун йўқлуғидин нигун.

Назар айлаган айламай изтироб,  
Топа олмагай анда бир ришта тоб,

Ки ул риштада бўлмагай санъате  
Ки то билмагай зимнида ҳикмате.

Ерутқонга тавфиқ куҳли назар,  
Қаён тўшса кўз, ҳожат эрмас гузар.

Ки сунъ ичра бўлуб гаройиб талаб,  
Талаб ичра кўнглига солгай тааб.

Кишиким, гаройиб қилур орзу,  
Не лозимки қилгай юруб жустужу?

Гаҳи манзили бўлгай ақсойи Чин,  
Гаҳи тортқай ранжи Мағриб замин.

Гаҳи Ҳинд мулкида бўлгай заил,  
Таажжубда кўрмакка товусу ил,

Араб баррига гаҳ бўлуб тезгард,  
Шутурмург кўрмакка водинавард.

Назар қилса топқон басират кўзи,  
Эрур бу баридин ажаброқ ўзи.

Ўз авзойнга боқса сар то қадам,  
Топар айласа яхши андеша ҳам.

Ки не турфа тимсол эрур дилписанд,  
Анинг зимнида маънийи аржуманд.

Бурун айлайин шарҳ тимсолини,  
Дейин сўнгра маънисининг ҳолини.

Не тимсолким, дурри дарёи жуд,  
Не дарёу дур. сарви боги вужуд.

Боши узра тожи хилофат келиб,  
Ҳамул тож уза лаъли раъфат келиб.

Жабинида пирояи шоҳлиқ,  
Қоши узра туғройи огоҳлиқ.

Кўзидин аён нури айнул-яқин,  
Сочида ниҳон тоби ҳаблул-матин.

Жамолида анвори шоҳаншаҳи,  
Камолида эъжози Рухуллаҳи.

Қўлидин гаҳи меҳри гардуннамоӣ,  
Гаҳи бармоғидин ики пора ой.

Қилиб тийнатин қудрат илги хамир,  
Ҳамул қўл била шакли суратпазир.

Ҳақ ўз қудратини ошкоро қилиб,  
Ҳамолни анинг оламоро қилиб.

Ҳакими азал турфа жисме ясаб,  
Демай жисм, мушкил тилисме ясаб.

Тузуб ул тилисм ичра кўп тору пуд,  
Ки эгнига солиб либоси вужуд.

Яна сунъ ила ўзга бир оламе,  
Ҳақиқат аро ақлдин мубҳаме.

Бу эрди намудору тимсол анга,  
Дейин эмди маънисидин ҳол анга.

Бу янглиг тилисм ўлгоч ороста,  
Тамом, ўйлаким, моҳи нокоста.

Ҳакимеки айлаб анинг созини,  
Ниҳон айлабон махзани розини.

Ҳамул ганжким топмай аҳли жаҳон,  
Ани бу тилисм ичра айлаб ниҳон.

Чу ул ганжини анда мактум этиб,  
Халойиққа сиррини маъдум этиб.

Ҳишиким бу ганжинага топти йўл,  
Жаҳон аҳлининг шоҳи ул бўлди, ул.

Дема ганжким, ети дарё дегил,  
Не дарё, тўқуз чархи воло дегил.

Таолиллаҳ ул холиқи моҳу меҳр,  
Ҳаю моҳ ила меҳр, гардон сипеҳр,

Ҳи бир қатрада қилди дарё ниҳон,  
Суҳо зимнида чархи аъло ниҳон.

Ҳишиким гаройибдин истар насиб,  
Нима топмоқ ўлғайму мундин ғариб.

Ғаройибқа ҳар кимки хоҳон эрур,  
Ҳам ўзида мақсуди пинҳон эрур,

Не маъинки истар ўзинда тонор,  
Жаҳонда кезаринг не маъинси бор?

## LXII

*Ул болиглар ҳикоятиким, сув истай муҳит гирдобига  
азм қилдилар, наҳанги фано туъмаси бўлгон замон сув-  
дин айрилгонларин билдилар*

Бировким бу дарёда гаввос эди,  
Манга нуқтае дурмасаллик деди.

Ки дарёда бор эрди фавжи балиқ,  
Сув топтоқ учун доим андешалиқ.

Аларга мудом орзу эрди сув,  
Сув эрди аларга мудом орзу.

Бўлуб иш бориға сув истар фани,  
Дер эрдилар, улким, сув дерлар ани.

Не янглиг экин таъму ранги анинг,  
Қаю навъ сайру дарағи анинг.

Дирамлар бўлуб таилари узра доғ,  
Судин ҳеч тонмаслар эрди сўроғ.

Деди бир болиг, ул табу тоб аро,  
Ки: «Дерлар фалон тунд гирдоб аро.

Наҳангедурур солхўрду кухун,  
Бу дарёга сайр айлаган авжу бун.

Керакким, сувдин ул нишон англагай,  
Бу, бас, турфа рози ниҳон англагай.

Анинг сори азм эттилар турмайини,  
Сувнинг орзусида дам урмайини.

Қилиб саъй ул комъ ноёбга,  
Етиштилар ул тунд гирдобга.

Не гирдобким, чархи гардандадек,  
Не игрим, сипехри навардандадек.

Сувнинг даврасига етишгач бори,  
Тушуб ҳар бири даврани бир сори.

Болиларни бутратти гирдоби бийм,  
Анингдекки, тоя яфронини насим.

Бу ҳолатда чайқалди дарёин жарф,  
Надидор бўлди наҳанги шигарф.

Болиларга тушганда дарди фироқ,  
Ки бир-бирдин ўлмин эдилар йироқ.

Борин ютти бир-бир наҳанги фано,  
Ичи жавфида жамъ қилди яно.

Алар барча сувдин чу айрилдилар,  
Бурун сувда эрконларин билдилар.

Надомат чиқорса фалак узра дуд,  
Чу меъда ўти муҳриқ эрди. не суд?

Бўлурдин бурун бир-бирини биҳил,  
Бўлуб эрдилар барчаси музмахил.

Саига даги ганжеки шинҳон эрур,  
Ки таънинг вуқуфида нодон эрур.

Йўқ ул сенда шинҳонки, сен анда гум,  
Жаҳолатдин аммо шининг уштулум.

Ёринг бўлса гирдоби баҳри ано,  
Сени туъма қилгоч наҳанги фано.

Не суд ул дам ўлмоқ аён бу тариқ,  
Ки матлуб аро бор экансен гарик?

Нетарсен тилаб ҳар ажойибқа йўл?  
Ажойиб эрур сенда. огоҳ бўл!

Бурунроқки суд этмагай ҳар надам,  
Ўзунгин билиб, йўлга қўйғил қадам.

## ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, чуи инсон дарки мақсуди аслий ҳақиқати идрокидин муарродур, нега сойир ҳайвонотдин мустаснодур*

Яна сўрди фармондеҳи ганжпояш:  
«Ки эй нуктада айлаган ганж фош,

Буким ашрафи халқ инсон эрур,  
Ки ҳақ сирри зотида пинҳон эрур.

Чу ул шамъдин равшан эрмас кўзи,  
Ўзи ганжидин воқиф эрмас ўзи.

Недин бўлди бас илму ийқон аро,  
Анинг бирла фарқ ўзга ҳайвон аро?»

Деди нуктапардози олий сифот  
«Ки инсон эрур мудрики куллиёт

Эрур ўзга ҳайвон бу иштин бари,  
Ки инсон эрур борчанинг сарвари».

Деди: «Билмаса улча мақсуд эрур,  
Ки махфийдур ўзида, не суд эрур».

Деди: «Улча бордур ўзида ниҳон,  
Билурдин фузунроқдур аҳли жаҳон.

Вале мунча билмишки, билмайдурур,  
Бу мақсуд даркини қилмайдурур.

Ўзи билмаси англагон сўзу дард,  
Ани борча махлуқдин қилди фард.

Талаб ранжи-ю, топмамоқ шиддати,  
Бўлубтур анинг мужиби шавкати.

Недин ўзгалар кўнглида тобдур,  
Ки бу дарди поёб-ноёбдур».

*Искандарнинг мўр хайли шикар этгали сипоҳин ту-  
зотгони ва ул суруҳи девсор девонавор етиб, анинг сипо-  
ҳи олинди саф тузотгонлари ва алардин бир саф шикан  
ики саф орасига суруб, Искандар сипоҳининг сафдор-  
ларин ожиз этгони ва ул ғазолаи чиний шер сурагида  
майдонга кириб, аждаҳошикорлиқ қилгони ва Искандар  
ғазоли чинийни оҳуи ҳарам қилиб анинг сайдин лутф ила  
яна сайд этгони ва ул бориб ўз сайдлари била мажлисқа  
етгони*

Аён айлаган нуқтаношандалик,  
Бу навъ этти когаз харошандалик,

Ки чун сурдилар шоҳ хайли сутур,  
Ҳамул ергаким, эрди гавгойи мўр.

Чу шаҳ бўлди воқиф ҳамул роздин,  
Тушуб топти таскин таку тоздин.

Қилиб аҳли ҳикмат била гуфтугўй,  
Этиб чора ойинини жустижўй.

Муқаррар мунга қилдилар ройни,  
Ким ул мавкиби кишвар оройни,

Ки бордур ҳисоб ичра ҳаддин фузун,  
Диловар эл анда ададдин фузун.

Қилиб неча дапқур сафоройлик,  
Кийимдин қилиб зийнатафзойлик,

Юругайлар ул мўр даштига тез,  
Шикор этгали айлагайлар ситез:

Қалин мўр хайли не бўлгусидур,  
Зарар сори майли не бўлгусидур?

Агар шер чоғлиқ аён қилса зўр,  
Эрур шер — шер охиру мўр — мўр.

Биёбон чу ул мўрдин бўлса пок,  
Юругайлар ул элга беваҳму бок.



Набард айлагайлар синах бирла шох.  
Анга тегруким фатх бергай илох.

Қуёш чулки мағрибда бўлди нихон.  
Қалин мўрдек тийра бўлди жаҳон.

Шах ул дашт аро қўиди қилмай ҳарос.  
Вале мўрдин туттилар кеча пос.

Ки эл уйқусидин ешилган гала.  
Ҳамул дашт аро бўлса поғах яла.

Ани мўр хайли шикор этмагай.  
Таланмоқ била тору мор этмагай.

Алам чекти чун субҳи гардуномаб.  
Юз очти шаҳи машриқий интисоб.

Саф оройинши қилди доройи Рум.  
Синах айлади мўр янглиғ ҳужум.

Яна наъразан бўлди аҳли масоф.  
Яна кўс уни бўлди гардун шикоф.

Сипоҳ аҳлига тушти бир карру фар.  
Ки офоқ аро солдилар шўру шар.

Ҳамул хайли ваҳший аро етти ун.  
Соғиндилар, ўлмиш, қиёмат букун.

Ҳамул ун сори еттилар беҳникоб.  
Анинг сиррин англарга айлаб шитоб.

Чу ўттилар ул мўр саҳросидин.  
Қомуқ пилдек нашла гавгосидин.

Синаҳдин тўла кўрдилар ер юзин.  
Қаро айлабон даҳр тоғу тузин.

Солиб эл гулуси жаҳон ичра шўр.  
Анингдекким, ул дашт аро хайли мўр.

Чу саф кўрди ваҳший улус ҳар тараф.  
Алар ҳам тузаттилар ўтруда саф.

Бори девнайкар, бори гулваш,  
Бори гулбанду бори девкаш,

Келиб каргдек куч била, илтан,  
Вале хайъат ул навъким, ахраман.

Кўз азрак, сақол сориғу тийра юз,  
Чинқиб борчанинг манглайидин мунгуз.

Қулону кийик чарми — киеватлари,  
Аларнинг эти бирла — қувватлари.

Тутуб қўлга ҳар қайси бебок дун,  
Оғир чўбдасте, нечукким, сутун.

Темур бирла қуялоб сархам қилиб,  
Йиғочларининг учига маҳкам қилиб.

Аларга ҳамул бас келиб сози ҳарб,  
Анинг бирла-ўқ айлаб оғози ҳарб.

Бу хайъат била туздилар чун ясол,  
Адад ичра минг деви ваҳшийфиол.

Бирн кирди майдон аро кин ила,  
Сўз айтиб ўзи билган ойини ила.

Мубориз тилаб тўккали қонини,  
Раҳовард учун олгали жонини.

Бу ёндин дағи сурди хоро тале,  
Тани хораваш бирла кўҳафкане.

Шаҳ олида кўн ерда қилгон набард,  
Адувдин чинқоргон синехр узра гард.

Ҳарифича жисмининг андозаси,  
Вале андин ортуғроқ овозаси.

Ўзи илланкар, оти каргадан,  
Вале каргаданким, эрур карктан.

Лақаб Раъд анга аҳли пархош аро,  
Вале раъддек ер тутуб тош аро.

Чу майдон аро кирди гурди далер,  
Анингдекки аждар масофига шер.

Ганими ҳам онинг сори қилди майл,  
Анингдекки, хоро сори тунд сайл.

Етишгач бири бирга айландилар,  
Ики қулладек ишга қатландилар.

Бири бирга зарб урдилар беадад,  
Вале лаъб ила борчаси бўлди рад.

Юруб оқибат ваҳшзоди ҳарун,  
Анинг сори солди гажаклик сутун.

Гажак маҳкам ўлғоч, чекиб қилди паст,  
Анингдекки берк ўлса моҳига шаст.

Кейин боғлади қўлларин чунки руст,  
Гажак бирла тутти отин доғи чуст.

Чу топшурди ўз хайлига ул асир,  
Мубориз тилаб ёна чекти нафир.

Яна пурдиле кирди майдонга тунд,  
Ки гурзидин эрди қиё тиги кунд.

Қиёдек белида камар узра тиг,  
Камардин адув чопқали бедариг.

Қиё янглиғ остида кўхпайкаре,  
Вале пўяда, ўйлаким, сарсаре.

Дегил қулла узра балойе миниб,  
Ва ё тоғ уза аждаҳое миниб.

Лақаб Қаҳқаро деб анга аҳли кин,  
Ери Қирвон, зоди Машриқ замин.

Равон киргач-ўқ солди ваҳшийга от,  
Анга аҳраман қилмади илтифот.

Яна кин ўти бўлди андоқ балад,  
Ки гардуца бийм эрди етгай газад.

Ғахи бу ёниб тунд, ул кирса тез,  
Ғах ул тез ёнгоч, бу айлаб гурез.

Ғахи ҳамлалар айлабон рўбарў,  
Ғад айларни фавт этмайин мў-бамў.

Яна ваҳший олиб аниг тобини,  
Солиб эғнига чекти қуллобини,

Ки маркабдин ўлди нигун Ғахқаро,  
Йиқилди қаро гарду туффрог аро.

Ани даги рует айлабон девзод,  
Ғаним истаю айлар эрди инод.

Яна бир киши кирди кўшиш чоги,  
Ул икидек ўлди аспр ул доги.

Яна кирди ҳам зоҳир айларга куч,  
Гирифтор бўлди нечукким ул уч.

Бу янглиғ ўн уч гурди разм озмун,  
Кириб бўлдилар деввашқа забун.

Қошига неча паҳлавони замон,  
Етишмак ҳамону тутулмоқ ҳамон.

Анга ҳар кишиким мубориз эди,  
Етишган дам илгида ожиз эди.

Яна қичқурур эрди истаб ганим,  
Вале андин эл кўнглида эрди бийм.

Ғаросон бўлуб халқ майдонидин,  
Кеча олмайин бежиҳат жонидин.

Бу иш солибон шоҳ кўнглига тоб,  
Мизожида зоҳир бўлуб изтироб.

Қила олмайин элга ҳукми аниф,  
Набард айла дебким, шаҳ эрди ҳариф.

Боқиб турса ваҳший, баса, ҳарза деб,  
Шаҳ ул ишда номусдин ғусса еб.

Ки: «Бу шумлардин бири бўлса бу,  
Кини пайлагай барча қилса гулу?»

Гаҳи йўл тониб кўнгли ичра харос,  
Тутуб дек ҳикмат тариқини нос.

Етиб кўнгли ҳолига юз минг газанд,  
Такаллуф била айлабон захрханд.

Вале дев ёнмоқ ҳавас қилмайини,  
Ҳамул шўру гавғони бас қилмайини.

Бу ҳолатда бир чобук айлаб шитоб,  
Ёниб орази узра чиний ниқоб.

Нечукким қуёш кўкда по то бафарқ,  
Қуёшдек бўлуб кўк темур ичра гарқ.

Синехр узра меҳри жаҳонтобдек,  
Қилиб жўш ер узра сиймобдек.

Саманди уза чобуки паҳлавон,  
Солиб чини оҳанг баргуствон.

Тутуб чин-бачин қўлда нечон каманд,  
Осиб хўдидин шуққа чиний паранд.

Саманди олиб барқдин тезлик,  
Ўзи чархдин таври хупрезлик.

Кириб чун тарид этти хар сори фаш,  
Яқинроқ суруб шаҳга индурди бош.

Чу шаҳ олида қилди арзи ниёз,  
Ёниб қилди ваҳший сори турктоз.

Не шаҳ тониб они, не хайлу сипоҳ,  
Ғамидин чекиб халқ пинҳоний оҳ.

Ки: «Бу навъ зебо йигит юз дариг!  
Ки қилгай бу ваҳшийдин ошом тиг!»

Вале ул қилиб хасм бирла набард,  
Ки рахши сочиб чархи гардонга гард.

Эгармак била раҳини айлаб шитоб,  
Солиб аҳраман жисмига изтироб.

Ани музтариб айлабон тобдин,  
Ўзин асрабон лек қуллобдин.

Бири ер, бири чархи даввордек,  
Сукуи бирла сайр ичра паргордек.

Чу пархошидин хасм бўлди нажанд,  
Анга ташлади, ўйла, печон каманд,

Қи бўйини била бир қўлни қилди руст,  
Ани судраю шаҳ сори сурди чуст.

Чекардин танин потавон айлабон,  
Бўйини туфроғ ичра ниҳон айлабон.

Тани раҳши остида помол ўлуб,  
Ўзи судралур бирла беҳол ўлуб.

Шаҳ олига чобуксувори далер,  
Етиб, секрибон оттин андоққи шер.

Чекиб тийра туфроғ уза сайдини,  
Валек айлабон руст анинг қайдини,

Шаҳ андоқ ул ишдин тарабнок ўлуб,  
Қи гарди тааб кўнглидин пок ўлуб.

Равон ёнди ошубу ранжи итиб,  
Келиб тушти ўз хайлини беркитиб.

Синаҳ бўлди хандақ аро, ўйла, берк,  
Топа олмагудек анга чарх эрк.

Тушуб шоҳ раҳши синаҳ гардидин,  
Илик, юзин юб размгаҳ гардидин.

Қириб боргоҳ ичра Жамшидвор,  
Бўлуб бахту давлатдин уммидвор.

Тузуб мажлис аҳли била анжуман,  
Равон истабон гурди ваҳшийфиган.

Чу киргач эшикдин яли шергир,  
Чекиб мадҳида мажлис аҳли нафир.

Ани нстаб Искандари-Файлақус,  
Қучуб бўйинини, ул қилиб пойбӯс,

Иноят базе ошкор айлабон,  
Бошига жавоҳир нисор айлабон.

Кўп этти чу лутфу карам ошкор,  
Деди: «Кей адувбанд, ваҳшийшикор!»

Ўзунгни аён қилки: кимсен, равон?  
Ки шавқинг сенинг биздин олди тавон!»

Чу чобук жамолидин олди ниқоб,  
Дегил чиқти миғ остидин офтоб.

Ҳамул шўхи чинпйнажод эрди ул,  
Ҳамул чобуки хурзод эрди ул.

Ки шаҳга чекиб эрди Хоқон ани,  
Қилиб васф беҳадду поён ани,

Ки: «Хуси ичра хуршиди тобон эрур  
Яна Зухра янглиг хушилхон эрур.

Булар борча бирёну бирён бу,  
Ки майдон аро бордурур кинажў».

Скандарга хуш келмайин бу сифот,  
Анга айламайдур эди илтифот:

Уни хусни беҳадду поён эди,  
Вале кин ила разми пинҳон эди.

Бу чоққа дегин истар эрмиш маҳал,  
Ки бир ерда юзланса кину жадал.

Шаҳ олинда жонин нисор айлагай,  
Хунарким билур — ошкор айлагай.

Бугун кўрдиким, дармаҳалдур базе,  
Ки давлат ишига халалдур базе.

Ўзини солди бу навъ майдон аро,  
Адувсини асир этти жавлон аро.

Скандар чу билдики ул ой эрур,  
Ки хуршиддек оламорой эрур.

Дебон тенгри сунъига юз офарини,  
Ки лутфи анга қилди нусрат қарини.

Дедиким: «Жамолига ёйсун ниқоб,  
Ки қилмас тун-оқшом тулуъ офтоб».

Шабистонга турмай хиром айласун,  
Шаҳ уйқусини анда харом айласун»

Чу ул шамъ кирди шабистон сарни,  
Хамул навъким сарв бўстон сарни.

Тилаб шоҳи мажлисоро руду май,  
Тузуб расму ойини Ковусу Кай.

Тараб сори азм айлади ком ила,  
Тоғиб коми дил дам-бадам жом ила.

Чу майдини анга гарм бўлди димоғ  
Тараб бирла бошига чиқти аёғ.

Талаб қилди тутқунни мажлис аро,  
Ки сургай анинг бирла бир можаро.

Кинордилар ул навъким ахраман,  
Шукух олдилар шаклидин анжуман.

Салосил аро маҳкам аъзо анга,  
Кишидин етишмай мувосо анга.

Кўруб шоҳ андоқ гирифтор ани,  
Ики пилча зўр ила зор ани.

Деди, олдилар бандин аъзосидин,  
Кўнгул фориг этти анинг посидин.

Чу банд олдилар зҳтиром айлади.  
Сарир ўтрусида мақом айлади.



Бурун деди, келтурдилар кўн таом,  
Кн меҳмонга етти гизо бирла ком.

Яна бердилар жилава жомн шигарф,  
Тўла майдин, андоқки, дарёин жарф.

Чу бир жомни меҳмон қилди нўни,  
Леқчи, кўрунг турфаким, тутти кўн.

Икн жомни чунки нўш айлади,  
Шах алтофидин кўнган жўш айлади.

Яна шох берди касиний қадах,  
Кн жомнига еткурди юз минг фарах.

Ҳар инъомким шохдин бўлди фом,  
Қўюб мунъим олинда ҳар лаҳза бош.

Созиб ул камолн навозандалик,  
Анинг бўйинга рибқан бандалиқ.

Ани май чу беихтиёр айлади,  
Ўнуб ер, бу сўз ошкор айлади.

Кн: «Мен ваҳшиймен биёбонниҳод,  
Атодин ато ваҳшию ваҳшзод.

Йўқ андоқ тилимким санонг айтсам,  
Сен этгонга лойиқ дуонг айтсам.

Вале нуктаедур инҳоне манга,  
Дейин, гар десагким:— «Де они манга»

Деди шахки: «Ҳар не каломингдур — айт,  
Каломингин, андоқки комингдур — айт»

Деди ваҳшийойини девонавани,  
Чу ифрот ила эрди наймонакани

Кн: «Сендин кўн ўлди навозиш манга,  
Эмас эмди подоши оз иш манга.

Ва лекин қўлумдин келур муича иш,  
Кн қилгаймен олингда ўлгунча иш.

Жанобингдин айрилмагаймен даме,  
Хилофингга иш қилмагаймен даме.

Вале билки, мен бу улус хопимен,  
Туну кун аларнинг ниғаҳбонимен.

Чу кўрдум сипоҳингни, андоқки, мўр,  
Етингай дебон қавму хайлимга зўр,

Аларнинг жафосин тутуб жон аро,  
Ўзум кирдим ул лаҳза майдон аро.

Не айлай ҳамул ишлар ифшосини,  
Ки сен айламишсен тамошосини.

Бу дамким жанобингга бўлдум асир,  
Худ ўлди саодат манга дастгир.

Сипёсат қиличин манга сурмадинг,  
Мени ўлтурур ерда ўлтурмадинг.

Яна мунча қилдинг иноят манга,  
Карам айладинг бениҳоят манга.

Бу дам гар ижозат берурсен, борай,  
Келай, ўйлаким, бир ишингга ярай.

Мени соғиниб бастай гам бу дам,  
Эрур қавму хайлимда мотам бу дам.

Сенинг давлатингдин борин шод этай,  
Борин гусса бандидин озод этай».

Борурга шах этти ишорат анга,  
Етингач бу янглиг башорат анга.

Ер ўнти, ўзин айлабон ерга паст,  
Қўпуб тебради, ўйлаким, нили маст.

Кўрунуб ажаб шоҳнинг ул иши,  
Дебон бир сўз ўз кўнглида ҳар киши.

Сўз айтурга ҳар кимса айлаб ҳавас,  
Вале тонмайин кимса ул дастрас.

Келиб ҳикмат аҳлига ҳам; бас, ажиб,  
Ким ул бир иш эрди бағоят ғариб:

Вале шоҳ хандону хушҳол эди,  
Ул андешадни фориғулбол эди.

Неким қилса иқбол талқин анга,  
Ани айламак эрди ойин анга.

Бўлур эрди ҳар кимсага бир гумон,  
Ким ул қиссадни ўтти мумтад замон.

Эшик аҳлига тушти шўру шағаб,  
Кириб келди ул ваҳшийи булғажаб.

Ҳамул паҳлавонларки тутмиш эди,  
Улус кўнглин ишдин совутмини эди.

Ўзи бирла келтурди борини хаш,  
Равон қилди шоҳ олдида пешкаш.

Қулоқ туттию ерга қўйди юзини,  
Алардек қуле қилди шаҳнинг ўзини.

Шаҳ ул қиссадни бўлди, бас, шодмон,  
Не шоҳи замон, балки яхши-ёмон.

Анга лутф этиб шоҳи олийсифот,  
Яна ошкор этти кўп илтифот.

Гирифторларким халос ўлдилар,  
Яна шоҳ базмига хос ўлдилар.

Чу шаҳ боқти лутф айлабон ул сарни,  
Бири бор эди Бориқи Барбарийи.

Иноят биле ул карам маъдани,  
Борини қучти нестаб, батахсисе ани.

Насиб ўлди маҳжурларга висол,  
Бўлуб васлдин борча осудаҳол.

Ул оқшом бори майпараст ўлдилар,  
Борини уйқу бости, чу маст ўлдилар.

Лёгчи, бу дам тут манга бир аёғ,  
Ки ҳижрондин ўлди мушавваш димоғ

Замоне бўлуб дафъ қайгу манга,  
Магар соате келгай уйқу манга.

Муганиий, сурудн висол айла соз,  
Ки ҳижронда кўн топти жоним гудоз.

Анингдекки, ул қавм топти висол.  
Манга ҳам насиб айлагай зулжалол!

Навойи, висол одамий комидур.  
Ҳаёти абад — васл айёмидур.

Қачон васл топсанг насиб асра дам,  
Агар бир дам ўлсунки, тут мугтанам.

## LXV

*Ҳажр шоми тийралиги таърифидаким, бало дўзахининг дуди анинг жанбида тараб биҳиштининг сунбули бўла олгай ва ул шомда рўзгори қороргонлар ҳоли ихтилоликим, субҳи васлдин кўзлари ёрумайдур, хусусан, бу варақ юзин қаро қилгоннинг ҳоли ва васл гавҳари шабчароғининг жаҳонтоблиги ва гавҳари шабчароғ васлидек ноёблиги*

Хушо улки, гар чекса юз йил фироқ,  
Даме васл тушгай анга иттифоқ.

Неча кимса ҳижронда чекса алам,  
Агар оқибат васл топса, не гам?

Нечаким фироқ офати жон эрур,  
Анга сўнгра васл ўлса осон эрур.

Бировким анга бўлса махмурлуқ,  
Етар жисму жонига ранжурлуқ.

Вале базм аро чун қадаҳ нўш ўлур,  
Бори дарду ранжи фаромуш ўлур.

Ажаб умр эрур рўзгори фироқ,  
Ки юз қатла андин ўлум яхшироқ.

Ҳаёти абад — васл айёмидур,  
Ки жон қутию хотир оромидур

Эрур шомдек тийра айёми ҳажр.  
Не бўлгай, ҳаёл айлагил, шоми ҳажр?

Анинг шомини жоннинг офоти бил,  
Бало сояси, марг зулмоти бил.

Қаро кун мисолу намуди ҳам ул,  
Ажал ўтининг тийра дуди ҳам ул.

Агар қилмади дудлуғ расми фош,  
Недин дойим андин тўлар кўзга ёш.

Қаро кун мисоли гар эрмас яқин,  
Недин хасталар кўнглини айлар хазин.

Фироқ ўлмаса ошиқи нотавап,  
Боғир порасин кўздин этмас равон.

Агар ҳажрдин кўрмаса рустхез,  
Қачон куйгай эрди бўлуб ашкрез.

Қуёш ҳажридин бўлмаса дардноқ,  
Яқосини субҳ этмагай эрди чок.

Магар гулдин ўлди йироқ лолалар,  
Ким ўз бағрини қилди парголалар.

Фалак бўлмади чунки хуршиденз,  
Булутдин недин ости бўйинига киз.

Булут бағрин ой ҳажри гўё сўқар,  
Недин йўқса ашқини юммай тўқар?

Сулаймонсиз ар қилмади сўғ фош,  
Нигини не учун урди кўкенга тош?

Магар тоғ Фарҳодсиз жон чекар,  
Садодин нега йўқса афгон чекар?

Қолиб дашт Мажируни жонқоҳдин,  
Юзини йиртти кўйи шаҳроҳдин.

Фироқ ичра куйдурди булбулни гул,  
Эрур гул эмас ранги, андоқки кул.

Қилур ҳажр кул жиёми гамноқни,  
Нетонг ўртаса барқ хошоқни?

Биров англагай ҳажр ўти ҳирқатин  
Қим ул чекминн ўлгай биров фурқатин

Сўр андин гами ҳажр қайғусини,  
Қи бир шомн ҳажр олди уйқусини

Қини дам-бадам куймак эрмас йироқ,  
Қим ул мендек ўлгай асри фироқ.

Боғир қонидин бўлди рангин ёшим,  
Фироқ ичра то тушти муғдуг бошим

Қини мендек озурда жон бўлмасун,  
Фироқ илгида нотавон бўлмасун.

Фироқ ичра элга неча маҳл эрур,  
Чу васл ила бўлди бадал, сахл эрур.

Ниҳоятсиз ўлди манга бу малол,  
Қи йўқ шомн ҳажримга субҳи висол

Фироқ илгидин элгаким жаврдур,  
Анинг бу балоси неча таврдур:

Бирн олам асбоби ҳижрони бил,  
Муассир жаҳон аҳлига онн бил

Бирн айру тушмаклик аҳбобдин,  
Қини бағри ўртамак ул тобдин.

Бирн дағи ҳажри қаробат эрур,  
Қи жон ичра андин маҳобат эрур.

Бир улким, етиб ишқдин хасталиқ  
Биров жониби бўлса дилбасталиқ.

Бори ҳажр эрур худ уқубат била,  
Ва лекин эмас бу суубат била.

Буларнинг бориди эрур сазб ул,  
Ки мақсуди аслийга гум бўлса йўл.

Мангаким ичим ҳажрдни зордур,  
Бурунгиди ўзга бори бордур.

Бириди бўлур бетаҳаммул киши,  
Бори бўлса кўрким, не бўлгай иши?

Вале бўлмагай анди ортуқ тараб,  
Ки солғонда жон ичра ҳижрон тааб.

Киши васл даврониди тонса бахр,  
Бадал бўлса ул пўн бирла бу захр,

Ани шарбати зиндагони дегил,  
Десаиғ умри жовид, они дегил.

Илоҳи бу давлатдн урсанг навид,  
Навийни ҳам қўймағил иоумид.

## LXVI

*Мажнун ҳикоятким, фироқ тоғи огирлигиди ўзни  
тоғдин ташламоқ тилади ва Лайли номаси илик тутуб  
ва қосиди камарин тутуб ташламоққа қўймади*

Эшиттимки, Мажнун саҳронавард,  
Ки боштин-оёғи эди сўзу дард.

Неча вақт Лайлидин эрди йироқ,  
Танин сизгуруб эрди доғи фироқ.

Ҳамул шуълан шавқ тугёнидин,  
Кечиб эрди андуҳлиғ жошдин.

Чу ҳижрон аро қолмади тоқати,  
Ки муҳлик эди ёрининг фурқати.

Чиқиб Нажд уза бўлди наззорагар,  
Бу навъ ўлди ул ҳолига чорагар.

Ки мажнунлуқ ошубини бошлагай,  
Ўзин ул камардин қуйи ташлагай,

Ки бу навъ ўларни асири фироқ,  
Кўрар ҳажр бедодидни яхшироқ.

Камар устига келди зору жузун,  
Ки ўзни қуйи ташлагай сарингун

Бу ҳолатда бўлди аён қосиди.  
Ки Лайли анга нома ёзгани эди.

Келиб берди дилдорининг номасин,  
Совуқ қилди ул гарм ҳангомасин.

Кўнгул — нома махви қилиб, кўзни ҳам,  
Қиёни унутти демай. ўзни ҳам.

Бўлуб ул битик ҳирзи жони анга,  
Ўлумдин қутулмоқ нишонин анга.

Неча йил анинг бирла хурсанд эди,  
Ким ул руқъа жонига пайванд эди

Қачон нома бўлса тирикликка дол,  
Ҳаёти абад берса тонг йўқ — висол.

## LXVII

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, ёлғуз-  
луқ мужибни жамъиятдурур ва жамоат мужибни тафриқа,  
бас недин ҳажр майдуддурур ва васл маҳбуб*

Яна сўрди доноён ҳикматсирини,  
Ки: «Эй ақлу ҳикмат санга сарнавини,

Чу гавғони мамнуъ тутмиш хирад,  
Нединким, чу элга кўн ўлди адал.

Алар интиғолдин улким сиқа,  
Нединким, эрур мужибни тафриқа

Қачон буйла бўлгач, бас ул яхшироқ,  
Ки таъб ихтиёр этгай элдин қироқ.

Чу ҳикронга хуш аҳли толибдурур,  
Недин таъб вуслатқа роғибдурур?»



Тааммул била бихради нуктадон,  
Бу навъ ўлди шоҳ олида нуктарон.

Ки: «Касратни гар ақл манъ айламиш,  
Адоватдурур ишқу ақл ичра иш.

Қаю ишниким, ишқ айлар писанд,  
Эмас ақл манъ айламак судманд.

Неча бўлса элга хирад раҳнамоӣ.  
Ҳар ишта тариқи муважжаҳнамоӣ.

Вале ишқдин чунки ошуб ўлур,  
Хирад хайли анда лагадкўб ўлур.

Яна улки, инсонга аҳли тамиз,  
Билурким, нима жондин ўлмас азиз.

Вале зумраи ишқ жононини,  
Кўп ортуқ кўрарларким ўз жонини.

Эрур жонсиз ўлмоқ ўлумдин хатар,  
Вале онсиз ўлмоқ ўлумдин батар.

Бўлур чоғда жондин баданга фироқ,  
Келур кимса табъига албатта шоқ.

Бу ойин пла табъ мажбул эрур,  
Ки севгай ҳаётин бу маъқул эрур.

Қаю кимсаким, жондин ўлса аҳаб,  
Не тонг айламак жондин ортуқ талаб».

Жавобин топиб шоҳи донишқарини,  
Деци нуктавар жонига офарини.

## LXVIII

*Искандарнинг Магриб диёри фатҳидин сўнгера Румга  
азм этганида Яъжуж зулмидин Қирсон навоҳиси халқи-  
нинг тазаллум қилгани ва анинг ул бало раҳнасиши  
беркитгани сад тарҳи солгани ва муҳандисваш меъмор-  
лар ва ҳандасавийин санскорлар шихобқирдор ража била  
сад ўрнига ранг тўкмак ва Аторидхайл устодлар ва Зухал-*

*осор ҳаддодлар саж ёрнига рўйи маҳлул ва оҳак ерига  
пўлоди масқул қуюб сад учин фалак тоқига еткургонлари*

Дабири рақамсанжи фархундарой,  
Бу навъ ўлди кофур уза мушксоӣ,

Ки чун олди шоҳи сипеҳриҳтином,  
Бори мулки мағрибни андоқки ком.

Ҳамул булбажаб хайлу подир гуруҳ,  
Ки фикридин эрди халойиқ сутуҳ.

Алар сарфарозиким эрди асир,  
Ки шаҳ лутфи бўлди анга дастгир.

Мутеъ ўлдию қуллуқ этти қабул,  
Йўқ улким, бори хайли ҳам бўлди қул.

Шаҳ ул мўрларни қилурга ҳалок  
Деди: «Отланиб халқ беваҳму бок,

Тузуб жарга, солесунлар ул навъ шўр,  
Ким ул дашт аро қолмасун жинси мўр».

Ҳамул хайли ваҳший қилиб илтимос,  
Дедиларки: «Эй шоҳи гардунасос!

Алар бўлмаӣ. эмин эмас жонимиз,  
Ки ул мўрлардур ниғаҳбонимиз,

Ки оғирдурур бизга уйқу баса,  
Қулоқ сояки, аъжубадур бу, баса, ..

Ки ўн кеча-кундуз таку пўдабиз,  
Яна ўн кеча-кундуз уйқудабиз.

Чу уйқуга бордуқ алардур ҳисор,  
Евутмаслар элини ямину ясор».

Шаҳ ул нуқтадин бармоғни тишлади,  
Алар қатлини ул элга бағишлади.

Яна истади кўрмак айлаб юруш,  
Ики тоғким, эрди олтуи-кумуш.

Дедилар ҳамул қавм айлаб дуо,  
Ки: «Бўлса ушут яхши, бу муддао,

Ким ул теграга бормоқ осон эмас,  
Не осон эмас, балки имкон эмас.

Ки ўн кунчилик йўлдур ул ики тоғ,  
Бу ердинки, ҳоло, қилурсен суроғ.

Вужуди анинг бизга бордур яқин,  
Вале кўрмамишбиз, десак сўзини чин.

Не биз кўрмаги бирла топтук мурод,  
Не биздин улуглар даги берди ёд.

Нединким, йўлида хатар кўпдурур,  
Юз ургон кишига зарар кўпдурур.

Топилмас ети кунчилик йўлда сув,  
Гнёҳики бутмишдур — эрур оғу.

Исиқ хайли ул навъ айлар ҳужум,  
Ки эсгач насим анда айлар самум.

Қилур қайси елким эсар муътадил,  
Агар бор эса аждаҳо музмаҳил,

Яна қолгон уч кунчилик йўлки бор,  
Йилондур ҳамул дашт аро ўлки бор.

Эрур кафчау, афълю жаъфарий,  
Бўлуб ҳар бир ул ганжнинг аждари.

Аларга туман мингдин ортуқ адад,  
Туман минг демай, балки беҳадду ад.

Агар пашша бўлса аларга залил,  
Бўлуб етса бир ишш, андоқки пил.

Йилон бордур анда — эшитгил бу сўз.  
Ки одам ўлар, чун анга солса кўз.

Эрур бу балиятдин ўтмак маҳол,  
Неким айладук шарҳ, бу эрди ҳол»

Шах ул сўзни чун истимоъ айлади,  
Ҳамул ёи борурга видоъ айлади.

Деди: «Ул тараф азм этардин мурод,  
Тамошодин этмак эди ўзни шод.

Эмас эрди матлуб олтин-кумуш.  
Ки бўлгай киши мунча меҳнатқа тўш.

Тамошога йўл чунки боғлиқдурур,  
Анинг азми тарки яроғлиқдурур.

Тамошодин ар бўлди қатъи назар,  
Не ҳиммат бўлурким. тилаб сийму зар.

Чу нақд истай ўлмоқ равон ул тараф,  
Вале нақди жонини қилмоқ талаф?»

Чу ул азмдин фориғ ўлди бикул,  
Ул эл илтифотиға қўйди кўнгул.

Карам айлаб этти риоят, баса.  
Бори топти шаҳдин иноят, баса.

Аларни маконига озим қилиб.  
Неча кимса лекин мулозим қилиб.

Ўз оллинда асраб ғаробат учун.  
Эшикда шукуху маҳобат учун.

Чу мағрибни осуда ҳол айлади.  
Яна азми савби шимол айлади.

Тенгиз айлабон қатъу тоғ-артилиб.  
Юрур эрди йўл Рум азми қилиб.

Ҳамул турки чин, йўққи чиний гизол.  
Ки шерафган эрди қилурда жидол.

Солиб шоҳ кўнглига ўз шавқини.  
Чекиб бўйнига зулфининг тавқини.

Бўлуб шоҳ матлубу марғуби ҳам.  
Не матлубу марғуб, маҳбуби ҳам.

Анинг бирла тун-кун бўлуб журъакаш,  
Борур эрди ўз мулкига шоду хуш.

Гузаргоҳи Русу диёри Фаранг,  
Қаю ерга етгач, ўтуб бедаранг.

Ўтар чоғда мобайни Ғарбу Шимол,  
Тилаб дод жамъи парокандаҳол.

Ўкуш нола айлаб тазаллум била,  
Сўруб шоҳ аларни тараҳҳум била.

Дедиларки: «Шоҳо, жаҳондор бўл,  
Қадар қудрату чархмиқдор бўл!

Жаҳон мулкига бердинг ободлиг,  
Жаҳон аҳлига адл ила шодлиг,

Диёреки адлиг анга етманмиш,  
Диёр аҳлини шодмон етманмиш,

Ҳамонони бу марз ила бум эрур,  
Даги бу печа зору мазлум эрур.

Деди шах: «Бу кишвар нединдур хароб,  
Элига недин тушти бу изтироб?»

Дедиларки: «Бу мулкнинг бир ҳади,  
Ҳамоно эрур Қирвон сарҳади,

Ким ул мулк гарбига мойилдурур,  
Аро ерда бир тоғ ҳойилдурур.

Ким ул тоғдин нари офот эрур,  
Ул офотдин нари зулмот эрур.

Бу навъ этти воқиф хабар бергучи,  
Ки зулматнинг андиндурур бир учи.

Эрур тоғу зулмат аро водие,  
Ки йўл элтмас ул тараф ҳодие.

Не зулмат — жаҳаннам, не води — сақар,  
Ки яъжуж хайлига бўлди мақар.

Не яъжужким, юз туман, минг бало.  
Биз ул юз туман, минг балодин жало.

Аларни ҳақ ўз қаҳридин халқ этиб,  
Қи кўн элга бедод алардин этиб.

Эрур ишларин васф қилмоқ маҳол,  
Қим ул васфдин нутқ эрур гулгу дол.

Тааддуд аро йўқтурур сонлари,  
Яна сонсиз ойини нуқсонлари.

Қад узра ёйилмиш пароканда соч,  
Бири бир қариншдур, бири ўн қулоч.

Дема соч, хошоқу хас маъдани,  
Либос андин айлаб борининг тани.

Қулоқ ики ёндин бўлуб бирга жуфт,  
Нажас таиларин кўздин айлаб нуҳуфт

Келиб гул бармоғи бармоғлари,  
Вале дев тирноғи тирноғлари.

Ёмон юзлари ранги беҳад сариг,  
Қизил туклар анда сафодин ариг.

Бийиниҳ кўз андоқки — маймун кўзи,  
Вале шум ҳар қайси малъун кўзи.

Бурун ичларин тил била пок этиб,  
Тоғиб лаззат, ўзин тарабнок этиб.

Анингдекки, мабраз аритурда эл,  
Солурлар ани холи айларга бел.

Оғиздин тўнгуздек чиқиб ики тини,  
Вале ерни қозмоқ алар бирла иши.

Не еринки ул тинлар этти табоҳ,  
Қиёматқача бутмай андин гиёҳ.

Такаллумда ҳашв улча имкон келиб,  
Оғиз барчасида занаҳдон келиб.

Тушуб ҳар бирининг икки эмчаги;  
Ва гар худ тишиси, ва гар эркаги.

Ҳамул тоғ ундур, анишдекки, ваҳм  
Қила олмойин кўкнин учини фаҳм.

Икки юз анга софу йилмон қиё,  
Нима бутмай андин нечукким иё.

Икки ёниким ҳеч топмай гусил,  
Бўлуб Қоф атрофига муттасил.

Бу мобайн аларнинг тарабхонаси;  
Бу тоғ, ўйлаким, Қоф домонаси.

Вале давраким буйла кўргузди Қоф,  
Тониб насх кофи киби бир шигоф.

Бўлуб фосил ул тоғқа ҳар дара,  
Убур этгали ул гуруҳи шара.

Алар йилда солиб икки қатла шўр,  
Чиқиб тоғ шигофидин андоқки мўр.

Бизинг шаҳру водий сори ёйилиб,  
Не бедодким мумкин ўлгай, қилиб.

Келур чоғ алар, биз фирор айлабон,  
Ватандин жало ихтиёр айлабон.

Боримизга ул навъ бечоралиг,  
Солиб тоғу водада оворалиг.

Неким топиб ул қавм талон этиб,  
Бори шаҳру кишварни вайрон этиб,

Киши топсалар айлаб они ҳалок,  
Талошиб смакка этин завқнок.

Мавошини элтурга яксар суруб,  
Ватаангаҳларига дегин еткуруб.

Захира смакдинки мавжуд ўлуб,  
Алар зулмидин барча нобуд ўлуб.

Емак бирла худ мутлақо тўймайин,  
Ва гар тўйса ҳам донае қўймайин.

Борин айлабон нақл бунгоҳга,  
Будур арзимизким, дедук шоҳга».

Деди шаҳки: «Ул нописандида хайл,  
Қачонким қилурлар сизинг сори майл.

Нечук сизга маълум ўлур ул бало,  
Ки андин бурунроқ қилурсиз жало?»

Дедилар: «Бу тоғским ул қавми шум,  
Анинг ул юзида қилурлар ҳужум.

Бу сори бўлур чоғда саҳропавард,  
Қилур чарх ойинасин тийра гард.

Қачон бўлса ул тийра гард ошкор,  
Бўлур тийра бизларга ҳам рўзгор».

Деди шаҳ: «Қачон бўлгай ул иш чоғи?»  
Дедилар: «Ўтуб бир неча кун доғи».

Эшитгач бу сўз довари чорарас,  
Алар чорасин қилмоқ этти ҳавас.

Топиб берк манзил, тушарга паноҳ,  
Ҳамул марз аро қилди оромгоҳ.

Дедилар ул эл юз тазарруъ била,  
Жанобида ушбу тавакқуъ била

Ки: бизга неча бахтдин йўқ наво,  
Нечук кўргабиз эл газандин раво?

Шаҳ ар мунда маскан қилур, қилмасун,  
Аларни жаҳон аҳлидек билмасун,

Ки ногаҳ бири етса ул қавмининг,  
Ғаним ўтрусида не юзу, не минг,

Батахсиским юз туман, минг бало,  
Ки бу кишвар ўлгай алардин тўло.



Етишгай борининг бошида газаб,  
Бори эл қонин ичгани ташналаб»

Деди шахки: «Сиз бизга қайгурмангиз  
Ва лекин бу кишвараро турмангиз.

Тошинг ҳар нейингиз бўлса айлаб шитоб,  
Ки бу мулк аро қолмасун риншта тоб,

Ки тенгрига ул дам таваккал қилай,  
Алар фикрин айлай, печукким билай».

Алар чиқтилар мулкдин хонакўч,  
Вале қилмади шоҳи фарзона кўч.

Деди, даврига қоздилар ҳар фарик,  
Очуқ хандақ, аммо бағоят амиқ.

Кишилар йибордики, ҳар марзу бум,  
Фаранг ўлсуну Рус, ё Шому Рум.

Неким бўлса меъмори чобукхаёл,  
Яна даги устоди позукхаёл.

Яна коргарлар, бори чарбдаст,  
Бало раҳнасин қилғудек сангбаст,

Мису рўю қалъи, биринжу темур,  
Яна қўргошун бирла толү кемур.

Қилиб печа юз минг тева узра соз,  
Яна печа устоди оҳангудоз.

Мухайё қилиб, эҳтимом айлабон.  
Борин жаҳд ила тезгом айлабон,

Етургайлар ул ерга борини бот,  
Бори бутти шоҳ айлагач илтифот.

Чу неким кераклик эди. бўлди рост,  
Ашингдекки доройи давронга хост.

Анга тегру ҳар кун ўзи отланиб,  
Ҳамул тоғ домонасин айланиб,

Солиб ики минг сангбури бедаранг,  
Камар узра кесмак учун тахта санг.

Бори зўрдаст ичра нўлоддек,  
Қотинг хора кесмакда Фарҳоддек.

Алар хорани бемадоро кесиб,  
Мадоросиз ул тоғда хоро кесиб.

Йингиб онча асбоб боғларга сад,  
Ки тахминидин ажз тошиб хирад.

Чухар не керактур муҳайё бўлуб,  
Ҳамул тийра гард ошқоро бўлуб.

Ки яъжуж азмига эрди нишон,  
Бўлуб меҳр нурига зулматфишон.

Йингиштурдилар элни таклиф ила,  
Кивурмакка хандаққа тахвиф ила.

Сурулди гала дағи хандақ сари,  
Ки жоғлиқ нима қолмади ташқари.

Камингаҳда беш минг набардозмой,  
Ниҳоне қўюб шоҳи архундарой.

Ки бир дастбурд айлабон ошкор,  
Қилурга ҳамул сайдлардин шикор.

Алар ичра ўн ваҳшийи мағрибий,  
Қамиш хайли ичра тераклар киби.

Бу савдо аларини чу марбут этиб.  
Келиб хандаҳ аҳлини мазбут этиб.

Бу ҳолатда чиқти гуруҳо гуруҳ,  
Ки яъжуждин тўлди сахроу кўҳ.

Чиқиб буйла ҳолатда аҳли камин,  
Анингдекки, титраб замону замин,

Алар хайлига ўзларини урдилар,  
Ки тиг остида кўнини ўлтурдилар

Бу янглик чу кўрди алар даствўр,  
Хаёй айлаким, тушти дарёга шўр.

Қуюб борча тўш-тўшдин ул эяга юз,  
Ки касратларидин тўлуб тоғу туз.

Анингдек набард ошкор этдилар,  
Ки ул хайл ишини изтирор этдилар.

Не ўқу қилнчдин бирсенга бок,  
Не ўқу қилнчким бўлурдин ҳалок.

Итик тигдин ҳар печаким ўлуб,  
Ҳамул тигдин ҳам итикрак бўлуб,

Алар ҳам кўп элни ҳалок айлабон,  
Ҳалок айлаганини хўрок айлабон.

Отидин муборизни йиққон замон,  
Йиқилгоч, талошиб тугатмак ҳамон.

Демонким ебон жисму қолабни ҳам,  
Не жисму не қолабки, маркабни ҳам

Ажаброқки, не хасму не ўз дебон,  
Йиқилгонини филҳол узушуб ебон

Бу янгликки айлаб набард ул сипоҳ,  
Кўп эл бўлди оқшомга тегру табоҳ.

Басе ул жамоатдин ўлтурдилар,  
Ки то ўзини хандаққа еткурдилар.

Чу нархошдин қолмайини жонлари,  
Кириб жон аросенга қўргонлари

Ўқуш рев ила ҳисе азми қилиб,  
Ҳамул девваш халқдин айрилиб.

Булар айлагач рев ила тарки разм,  
Алар ҳам қилиб тоғу саҳрога азм.

Тонг отқунча ошубу гавго била,  
Қалин ит масаланк алоло била.

Бори огзида телба итдек ёлин,  
Ададда вале ит тукидни қалин.

Чу ҳозир бўлуб шаҳ қошига сипоҳ,  
Мусибат тутуб хайли гоийбга шоҳ.

Қабул айлаган иш кўрунуб қатиг,  
Пушаймонлиги ҳеч қилмай асиг.

Чу кўниши сори топмайни ҳеч йўл,  
Зарурат уруб чора зайлига қўл.

Билибким, неча кун таҳаммул керак,  
Қилур ишда кўпрак тааммул керак.

Емакдин чу холидур ул марзу бум,  
Магар топмайни туъма ул хайли шум.

Ёниб ўз маконига азм этсалар,  
Қилиб авд, келган сари кетсалар.

Этиб ишга ул лаҳза наззорае,  
Қила олгай ул қиссаға чорае.

Хам ушбу дейилган киби ул гуруҳ  
Нима топмогондин бўлуб чун сутуҳ,

Бори қилдилар авд келган сари,  
Дара ичра сизмай кириб ичкари.

Аларга чу юзланди оворалиқ,  
Замон унутти ситамкоралиқ.

Шаҳ отланди ул хайли доно била.  
Разни рою ақли тавоно била.

Рикобида санъатгар эл беҳисоб,  
Қилиб ул дара сори бори шитоб.

Чу етилар, эрмас эди ул дара,  
Очуқ жулгае эрди хўбу сара.

Ва лекиң ики жониби ики тоғ,  
Нечукким бериб эрди ул эл суроғ

Ики тоғ аросида масоҳи чуёт,  
Яқинроқ ерин айлади бозжуёт.

Таноб ончаким чектилар хар сари,  
Яқинроқ ери эрди ўн минг қари.

Пужум аҳли соат қилиб ихтиёр,  
Кезиб маркаб узра шаҳи бахтиёр.

Буюрдики тўктилар ул ерга ранг,  
Тушуб қўйди соат билла хора санг.

Гудозандалиг ичра минг коргоҳ,  
Қилиб. ўйлаким, кўра тайёргоҳ.

Муҳандислар айлаб фусунсозлик,  
Масоҳат билла корпардозлик.

Бўлуб коргарлар даги ишда чуёт,  
Ража жадвали бирла поку дуруёт

Гаж ўрнига маҳлул этиб ҳафтижўш,  
Қўюб ерга санъатгари сахткўш,

Солиб ҳафтижўш устига тахта тош,  
Бори жониб тез бўлгон тарош.

Қўнуб ёна устоди Боний хасаб,  
Қўюб тошни тошқа лаб-балаб.

Чу бир сатҳ ул тош ҳамвор ўлуб,  
Яна устида иш намудор ўлуб

Чу тулига ўн минг қари эрди арз,  
Биносига беш юз қари бўлди арз.

Неча минг бу иш узра устод эди,  
Ки санъатда банноу ҳаддод эди.

Қўюб ул сифат дарз бардарз тош,  
Ки бўлмай сари мўй анга дарз фош.

Яна эрди муздур сондин фузун,  
Нечаким қиёс этса андин фузун.

Бўлуб олами бўйла санъатнамой,  
Кеча-кундуз иш қилдилар олти ой.

Қи неча минг устоду санъатгарий,  
Тамом этдилар Садди Невандарий.

Муаррихдин эттим бу навъ истимовъ,  
Қи: тонги сад уч юз қари иртифовъ.

Ики зина дағи ясаб эл сори,  
Қи чиққай қуйиндин улус юқори.

Яна қунгуру бурж этиб қалъавор,  
Темурлар била айлабон устувор.

Ясаб ики манзил ниғаҳбон учун,  
Таниб тош қўи сангборон учун.

Қилиб анда таъйин неча юз киши,  
Қи сад ҳифзи бўлгай аларнинг иши

Чу сад бўлди андоқки чархи кабуд,  
Жаҳон офаринга шах этти сукуд.

Бу ҳолатда уя хайли муҳлик ситез,  
Солиб дашту води аро рустхез.

Етиштилар андоқки, маъхуд эди,  
Бурунгича уи-шайи мавижуд эди.

Бало раҳнаени тоштилар, ўйла, руст,  
Қи тиш бирла тирноглари бўлди суст

Деди шоҳким: «Сангборон қилинг,  
Бало хайлига тошни паррон қилинг!»

Анингдек алар бошига ёғди тош,  
Қим ул тошдек тушти тунроққа бош

Чу йўқ эрди гавголаридин асигъ,  
Бўлуб қатл тошидин андешалигъ

Ёниб бир-биринга айландилар,  
Чу суд этмади жаҳду жилд, ёндилар.

Браҳлиға ҳар зулмким сурдилар,  
Фалақдин борига эваз кўрдилар.

Бу бедодким айлаб ул қави фони,  
Нетоиг осмондин агар ёгса тош?

Неа қатла мундоқ тошиб гўшмол,  
Яна ул тараф боқмоғ этмай хаёл

Бу ойини ила чуи шаҳи пурхирад,  
Ки яъжуж дафъи учуи чекти сад.

Қилиб хотирин жамъ, қилди хиром,  
Сипаҳ бирла ёд айлаб асли мақом.

Неча кун чу қатъ айлади марзу бум,  
Яна бўлди манзилгаҳи тахти Рум.

Кетур соқий, ул жоми тақвишикан,  
Ки кўнглумга тушмиш ҳавойи ватаи.

Тилармен кезиб рабъи атлолин,  
Десам ранжи гурбатдағи ҳолни.

Муганний, чу топтим мақомимда ком,  
Тузат ком ила сен дағи бир мақом.

Қилиб фаҳм ул оҳангини раини  
Яна тар этай сайр оҳангини.

Навоний, ватаи бўлди манзил манга,  
Бу манзилидин аммо не ҳосил манга

Ки ҳар кимки бор эрди ёру қарни  
Бўлубтур адам сори гурбатгузини.

## LXIX

*Елдек сайр аро сабукборлиғ нафъин қилмоқ ва тоғдек  
сукуи аро бовиқорлиқ амрии буюрмоқ ва асҳоб суҳбатин-  
ким бир-бир ишлари борурга шитобдур, ганимат билмак ва  
аҳбоб мулоқотинким, ҳар бири бир гавҳари ноёбдурур,  
муғтанам тутмоқ ва адам гарибистонидин шаммас ёд этмак*

*ва вужуд сарманзилин хушлуқ била ўткарурни васият  
қилмоқ*

Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,  
Ғанимат туюли бу дам, эй рафиқ!

Бу бир дамки, хушвақтнинг берди даст,  
Тараб жомидин айлагил ўзни маст.

Чу бу дамни чарх ўткарур ҳам, бу дам  
Дамо-дам май ичким, эрур дам — бу дам.

Кўруб умр тарихи мубҳамлигини,  
Ғанимат бил асҳоб ҳамдамлигини.

Ватаи таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама.

Сафар меҳнати овидонийдурур,  
Нединким сақардин нишонедурур.

Сафарга недур ҳар дам этмак ҳавас,  
Сага ул сафарким бор олингда, бас

Неча бўлса хайлинг аро кўсу пил,  
Чолингуси пил узра кўси раҳил.

Неча сайр ташвишидин қонмоғунг,  
Ки боргунгдур ул навъким, ёнмоғунг

Эрур бир йўл олингда беҳад қатиг,  
Майи ҳажри аҳбобининг, бас, ачиг.

Не ҳамроҳ ул йўлда не ҳамдаме,  
Эрур, оллаҳ, оллаҳ, ажаб оламе.

Ки ҳар кимки ул йўлга қўйди қадам,  
Бурунги қадамдур саводи адам.

Не ул сайр поёнига ҳад падид,  
Не мақсуд найдо, не мақсад падид.

Эрур онча ранжу суубат анга,  
Ки ўлмак эмастур уқубат анга.



Эрур бежиҳат кимки шарҳин қилур,  
Ки ҳар кимки айлар тааммул — билур.

Киши билса олинда бу навъ йўл,  
Сафарни не янглиғ ҳавас қилгай ул.

Нечаким таваққуфни жазм айлагунг,  
Қачон бўлса бу йўлга азм айлагунг.

Чу охир борурсен, шитобинг недур,  
Борурдин бурун изтиробинг недур.

Тараддудни тарк айлаб ором тут,  
Тузуб базм аҳбоб ила, жом тут.

Йўқ улким, бориб сен, қолурлар бу хайл,  
Ки бордур борига борур сорн майл.

Эрурлар гапимат бори бу замон,  
Ки бир-бирга сиз барчагиз меҳмон.

Бўлуиғ майга гулрез ўлуб субҳҳез,  
Ки бир-бир учун бўлгунгуз ашкрез.

Тараб бирла жоми шабона ичинг,  
Тўло тутсалар бебаҳона ичинг.

Олинг айшдин умриниғ комини,  
Тутунг хуш йиғитликниғ айёмини.

Ичиб базм аро, жоми дилкаш тутунг,  
Неким келса, ўзини даме хуш тутунг,

Не соатки юзланса кому мурод,  
Сочиб ўтқа испанд, ўқунг «ини яқод».

Ва гар бермаса даст кому тараб,  
Тараб йўқ дебон ўзга солманг тааб.

Ўзунгизни меҳнат куни овутунг,  
Не гам келса даврондин, осон тутунг.

Агар гам етиб, кимса топса алам,  
Қилур бир гамни куч била ики гам.

Муни англаким онкору ниҳон,  
Киро айламас гам емакка жаҳон.

Чу бир лаҳза давронга йўқ эътимод,  
Бадан қайдида жонга йўқ эътимод.

Нечук одаме бежиҳат гам егай,  
Ва гар бўлса юз минг жиҳат ҳам егай.

Бурунги куну тонгладин урма дам,  
Ки ул бир адамдур, бу дағи адам.

Эрур биз бу кун ҳар не побуду буд,  
Ки ики адам ичра тутмини вужуд.

Дамн-нақд агарчи бу маъдум эмас,  
Вале етмак оқшомга маълум эмас.

Не оқшом, тириклик эрур бир нафас,  
Ҳам эрмас яқин тонмоқ охир нафас.

Чу бир дамга йўқтур кишига зимон,  
Фалак зулмидин алъамон-алъамон!

Муни дағи гам бирла қилгон басар,  
Хираддин мағар топмамишдур асар.

Алам ичра дам урмагил, эй кўнгул,  
Не гам етса қайғурмагил, эй кўнгул.

Жудолиққа шод ўлма асҳобдин,  
Жафо етса айрилма аҳбобдин.

Чу гардун иши бевафолигдурур,  
Сараижомн расми жудолигдурур.

Фироқ ичра таъжил яъники не,  
Бу ҳосилга таҳсил яъники не.

Ватандин чу охирдур оворалиқ,  
Недур они истаб ситамкоралиқ.

Будур чарх ишиким шитоб айлагай,  
Не обод кўрса — хароб айлагай.

Чу уя бузгуси, қилмагил изтироб,  
Ки андин бурун айлагайсен хароб.

Ва гар сайрга асру роғиб эсанг,  
Сафар нафъу заррига толиб эсанг,

Мусофир бўл, аммо ватаи ичра бўл,  
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Сафар азми дўзахқа сонийдурур,  
Ватаи ҳубби имон нишонидурур.

Кишигаким имон эрур сарнавишт,  
Неча журми бор кўргусидур бихишт

Бориб журмсиз кирма дўзах аро.  
Ўзунга кетурма узун можаро.

Чу зотингда имондин ўлди нишон,  
Гулистони жаннатда бўл гулфишон.

Эрур равзаи хулд чун масканинг,  
Нега бўлди дўзахқа бормоқ фанинг

Жаҳон мүлкни эсанг сафар хушқу тар.  
Скандардек олсанг юруб баҳру бар.

Кўюб борни охир чу кетгунгдурур,  
Дегинким олиб уни петгунгдурур.

Ҳамул хушки тарки азимат тутуб,  
Фароғат мақомни ганимат тутуб.

Этакка аёғ чексанг андоқки тоғ,  
Неча кун бу вайронда қилсанг фароғ

## LXX

*Ул кабутар ҳикоятим, подшонинг қасри зарнигори  
ҳибсидин қутулди ва ўз бузуғ ошёнини нишиман қилди  
ва бумдек анга ул вайрондин фароғат ганжи топилди*

Эшиттимки, бир тойири номабар,  
Битик зиммида шарҳи хангомабар.

Сабуқпар кабутарки, ҳар бир қулоч,  
Ки паррон очиб тай қилиб бир йиғоч.

Тоғиб эрди бир шоҳ қайдида банд,  
Етиб эрди болу нарига газанд.

Фалак гардиши айлабон зулму зӯр,  
Неча йил ани айлабон хонагӯр.

Чу зиндонидип қочти ул бенаво,  
Нишоту фараҳ бирла тутти ҳаво.

Сингиб кўкка ҳар сори чун боқти ул,  
Ўзининг диёри сори тутти йўл.

Қилиб саъй ила тайри фархундапай,  
Неча кунчилик йўлни бир дамда тай.

Вале зулми даврон солиб инқилоб,  
Қилиб эрди ул бўлгон уйни хароб.

Қабутар етишгач уйни топмади,  
Ва лекин учардин қапот ёпмади.

Басе эл бўлуб том уза донарез,  
Учуруб кабутар берур эрди хез.

Булар сори ҳеч айламай илтифот,  
Урар эрди ўз томини истаб қапот.

Басе давр уруб эҳтиёт айлабон,  
Бузуг узра қўнди, нишот айлабон.

Ки маънус эрур гарчи вайронадур  
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур.

Эрур қушқа хушроқ чу боқсанг аён,  
Мурассаъ қафасдин тикан ошён.

## LXXI

### ҲИКМАТ

*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким. табиатқа*

*ватанда ком ва маълум масканда ором жиҳати не бўлмай  
ва анинг жавоби*

Яна сўрди доройи мушкиллисанд:  
«Ки эй борча мушкилларинг диллисанд,

Не манзилгаким бўлса ишратфизоӣ,  
Табиат керак бўлса рағбатнамоӣ.

Ва лекин неча айласак ишта гавр,  
Эмас одамий навъи ичра бу тавр.

Ангаким бузуг кулба зиндонча бор,  
Қошида анинг боғи ризвоича бор.

Бу иш буйла нечундурур, ҳикмат эт,  
Тариқини баён айлабон иллат эт?»

Деди ҳикматомузи донишпужух,  
«Ки бу бобда сўз демиш ҳар гурух,

Вале ҳикмат аҳли аро ҳар мудик,  
Ки бу нуқтада бўлдилар муттафиқ.

Будурким, неча табъ муътод ўлур,  
Чу муътодига йўл тонар шод ўлур.

Ҳар истар гадо кунжи вайронини,  
Тилар шаҳ дағи қасру айвоини.

Тақаллуфни бу ишда маънос бил,  
Анинг табъига они маънус бил.

Табиатқа ҳар неки одат бўлур,  
Чу эскирди одат — табиат бўлур.

Яқинким, билур шоҳи ҳикматназир,  
Табиатқа ўз шонидин йўқ гузир.

Табойеъга бу навъ эрур нарварини,  
Ки айларлар ўз майли бирла кашини.

Аларга бу майл ихтиёрий эмас,  
Бажуз қисмати сунъи борий эмас.

Не ерким биров таъни маълуфидур,  
Бу маълуфининг анча машъуфидур:

Ки одат бўлур кимки бор оғаҳе,  
Табиатқа одат бўлур мунтаҳе.

Чу бўлди табиат керак буйла ўқ,  
Анча чунки ўз майлидин чора йўқ».

Чу қойил тўқуб дур печукким саҳоб,  
Олиб мустамаъ баҳрдек дурри ноб.

## LXXII

*Искандарнинг қуёшдек жаҳонгирлигинин сўнгра дарё-  
бор фатҳи учун орзу кемасига кириб, ҳавас елканин  
тортқони ва ҳукамо иттифоқи била Рум дарёси соҳилида  
олам мулкининг моҳир нажжорларин йиғиб кема тарти-  
биға амр қилғони ва уч минг ҳилоли қавсмонанд қурул-  
гондин сўнгра миҳваросо тирлар била аларға қаттиқ  
ёйдин чиққан ўқдек равонлиқ бермоқлари ва анинг ул  
сафиналарда мавж хутутидин биҳор фатҳномасин ўқуғони*

Бу баҳр ичра гаввоси гавҳарфишон,  
Берур буйла сўз гавҳаридин нишон,

Ки оламни Искандар олгоч тамом,  
Ки қилди яна Рум мулкин мақом.

Неча кун ватан ичра масрур эди;  
Нишот айлади улча, мақдур эди.

Юзи солиб ул муяк аро нуру тоб,  
Нечукким шараф буржига офтоб.

Тошиб айш ҳар марзу ҳар бум эли;  
Вале ўзгача шод ўлуб Рум эли.

Мубоҳот этиб борча офоқ аро,  
Не офоқ аро, чархи нуҳ тоқ аро.

Нестонг, фаҳр тўртуинчи кўк қилса фош,  
Ани жилвагоҳ айлагандин қуёш.

Чу шах неча вақт ўлди оромгир,  
Дилором ила жомдин комгир.

Кўп айлар эди хотирига хутур,  
Ки: «Чун берди тавфиқ рабби гафур.

Жаҳонгирликка қилиб эҳтимом,  
Чу азм эттим, олдим жаҳонни тамом.

Ғаройиб неким даҳр аро бор эди,  
Бу бир махфий, ул бир надидор эди.

Наботию конию гар жонвар,  
Ғаройиб мисолу ажойиб сувар,

Сипеҳр этти олимда ифшосини,  
Ки қилдим борининг тамошосини.

Неким арз сатҳида топмиш вужуд,  
Манга бўлди манзур буду набуд.

Ва лекин тенгиз сайрини қилмадим,  
Не эрконин ул пардада билмадим.

Савоҳилда дерларки кўптур гариб,  
Жазойирда ҳам кўпрак андин ажиб.

Биҳор ичра худ бениҳоятдурур,  
Мухит ичра беҳадду гоятдурур.

Бу шакли мудаварки дерлар жаҳон,  
Ки бор аксари сув ичинда ниҳон.

Қуруглуқ ери ўндин эрмасдурур,  
Билур эл нишон бўйла бермасдурур.

Эрур офариниш аро онча печ,  
Ки жанбидадур тўқуз афлок ҳеч.

Фалакларки, ҳеч ўлди ул печдин,  
Қошида жаҳон камдурур ҳечдин.

Ҳисоб ичра бу ҳечдин даги кам  
Киши кўрмамиш бўлса ушрини ҳам.

Недур мунча лофи жаҳонгардлик,  
Эрур бу сифат лофи дамсардлик?

Чу афлоку анжумга етмас илик,  
Ки моҳияти элга бўлгай биллик.

Билиб биз ҳисобини боғлаб расад,  
Ҳақиқатларин фаҳм қилмас хирад.

Аларгаки қодир эмастур киши,  
Билинмас сукуни била гардиши.

Жаҳонким, бўлбтур мусаххар манга,  
Анга ҳукмронлиқ муяссар манга.

Ани мулк этиб ҳақ, мени мулкдор,  
Манга борча шига бериб иқтдор.

Агар улча мулкумдадур, билмасам,  
Чу билмай, билур фикрини қилмасам.

Менинг бирла сойир эл ичра не фарқ,  
Ки бўлгай алар баҳри гафлатда гарқ?

Керак ҳар недур фарши габро аро,  
Қуруғлуқ аро, йўқса дарё аро.

Агар айлаеса бахт ҳамроҳлиқ,  
Юруб борчадин топсам огоҳлиқ.

Қуруғлуғни қилдим. Хизр бирла тай,  
Бу дам қўйсам Илёс ила сувга пай».

Чу кўнглида ер тутти мундоқ ҳавас,  
Топа олмади дафъига дастрас.

Ҳавас туидбоди чу бедод этар,  
Хирад хонумонини барбод этар.

Бу андеша чу кўнглин этти забун,  
Димарига юзланди бийми жунун.

Билибким не кўнглида пинҳон эрур,  
Ниҳон тутса жоинга нуқсон эрур.



Талаб айлади доини аҳлини бот,  
Яна давлат аҳлини қилиб илтифот.

Чу бу анжуман ихтиёр айлади,  
Ниҳон розини ошкор айлади.

Ичинда ниҳон кўнгли мақсудини,  
Аён айлади буду нобудини.

Бори билдиларким, не қиямин хавас,  
Тенгиз сайридур кўнглига мултамас.

Қаю бирки маъъ айлаю солди сўз,  
Дебон сўзини, чуи шоҳга қолди сўз.

Сўзини, ўйла, маъқул ила қилди рад,  
Ки бўлди жавобида ожиз хирад.

Билиб борчаким, маъъ даргир эмас,  
Ризодин ўқун ҳеч тадбир эмас

Писанд эттилар барча, айлаб дуо,  
Ки: «Ҳақ солди кўнглинга бу муддао.

Умид улки ҳам лутф этиб кирдигор,  
Бу азмингда қилгай сени комгор».

Қаю ништа шах топса ройи заиф,  
Ким ўлгай жадал айламакка ҳариф.

Не жонибки, шах бўлди кўшишнамой,  
Заруратки, бўлгай мутеъ аҳли рой.

Шаҳ ар машваратда ситамкорадур,  
Ситам чекмай ул ништа не чорадур?

Вале гайб сирри чу пайдо эмас,  
Қазо қисмати ошкоро эмас.

Басо ройким ақл анга юз далил  
Топор, лек ўлур, борча ройи алил

Басо, ишки нафе этса анда шод,  
Етишгай ҳамул раҳгузардин кушод.

Не ройеки цқбод эрур раҳнамун,  
Анинг тобети келди чархи нигун.

Бас, авло буким қай тараф тушса шоҳ,  
Кини зилли жоҳига чеккай паноҳ,

Ки бўлгай ини ўнг келса масрурлуқ,  
Ҳам ўлгай ёмон келса маъзурлуқ.

Скандар сўзини қияғоч ул эл писанд,  
Бўлуб кўнгли ул ройдин баҳраманд,

Равон ҳукм қилдики, санъатвар эл,  
Қилиб чувт кишти йўнар инга бел.

Масолиҳки, даркордур ҳар нима  
Олиб, саз қилгайлар уч минг кема.

Минг андин бўлуб, шоҳ азмига хос,  
Ҳамул элгаким келди базмига хос.

Яна минг ҳам аркони давлат учун,  
Сув устида қилмоққа суръат учун.

Секиз юз сипоҳийи жаррорга,  
Ики юз яна аҳли бозорга,

Мингиким рақам айлаб ўз отига,  
Ки бўлгай панаҳ баҳр офотига.

Юзи жуниг ўлуб ҳар бир андоқки шаҳр,  
Ки топқай киши, шаҳрдек анда баҳр.

Бўлуб, ўйлаким, шаҳр ҳар жуниг аро,  
Маҳаллоту кўю мақому саро.

Яна уч юз ул навъким беҳалал,  
Бири минг сипоҳига бўлгай маҳал.

Ки бўлгай бори ўз фароги била  
Секиз йил кераклик яроғи била.

Яна ики юз кемада зоди роҳ,  
Бўлуб ул иш аҳлига оромгоҳ.

Яна юзда солиб танобу расан,  
Масоҳатни қилмоққа баҳр ичра фан.

Яна ики юзда жаммолу сутур,  
Ки шояд савоҳилга тушгай убуру.

Яна юз келиб заврақи тезрав,  
Ки элтиб сув узра сабодин гарав.

Яна ики минг ҳам бу тартиб ила,  
Бутарга бори зийнату зеб ила.

Чу фармон этиб шоҳи офоқгир,  
Бўлуб аҳли офоқ фармонназир.

Туруб хайли санноъдин тешакор,  
Йиғоч кесгали неча минг пешакор.

Масолиҳ ёқо бешасидин этиб,  
Ҳунарвар қарору шикеби кетиб.

Бу кишти ясар хайлининг маъзили,  
Бўлуб Рум дарёсининг соҳили.

Ҳамул сув ёқоси ики-уч йиғоч,  
Кўруб аррау тешадин куч йиғоч.

Ўн-ўн беш минг устоди нажжор эди,  
Ки тун-кун иш устида даркор эди.

Яна мушча шогирду муздур ҳам,  
Бори саъй этиб улча мақдур ҳам.

Яна ики-уч минг киши борча чушт,  
Иш этмак учун кун-бақун бозжушт.

Солиб онча ул соҳил ичра хурўш,  
Дегил Рум дарёсига тушти жўш.

Бу янглиғ ўтуб уч йилу бир нима,  
Тенгиз суйига кирди уч минг кема

Анингдекки, тақсим топти бурун,  
Тутуб ҳар ким ўз кемасида ўрун.

Солиб неча йиллик йўл асбобини,  
Тенгиз сайрининг ҳар не ноёбини

Тўлуб кемалар нчра ҳар хоста,  
Чу тўлди керак янглиг ораста

Таҳаррук тутуб шоҳ дарё киби,  
Не дарёки, чархи муалло киби.

Қилиб мамлакат аҳлига хайрбод,  
Навозиш билла айлабон элни шод.

Чиқиб бодной узра бўлди равон,  
Шабистони аҳли қолиб потавон.

Сурар эрди якронини бедаранг,  
Анга тегруким, баҳри Руму Фаранг

Чу соҳил сари даштдин қилди майл,  
Анингдекки дарё сари тундсайл.

Қўюб раҳши дарё қироғига гом,  
Инонин чекиб шоҳи дарёхиром.

Ҳамул ҳикмат аҳли сутурлобсанж,  
Чекиб яхши соат зухурига ранж.

Чу бир лаҳзае, маке вожиб эди,  
Қолур эл сари шоҳ боқиб деди.

Ки: «Эй қавмким, қилдингиз хизматим,  
Чекарсиз букун гуссаи фурқатим,

Неча ҳажрингиз бирла хурсандмен,  
Вале барчапгиздин ризомандмен.

Қазодин манга тушти мундоқ сафар,  
Қадар ҳукмидин элга «айналмафар»

Қулоққа неким этсам сўз — тутуйг,  
Неча вақтдин сўнг мени кўз тутуйг:

Агар мулку; гар молу, гар дин эрур,  
Неким ҳар бирингизга тавийи эрур.

Қаю ишки ҳар кимга чектим рақам,  
Рақам чеккашимдин чиқорманг қадам.

Ҳадисим кўнгул ичра олинг бори,  
Саломат бўлунг, яхши қолинг бори.

Дуо бирла бизни гаҳе ёд этинг,  
Бу хизмат била эмди имдод этинг».

Бу сўзлар дегаҳ шоҳи кишвар хидев,  
Улус чектилар кўкка яксар гирев.

Тўкуб ашқдин борча юзларга руд,  
Дедилар анинг жонига кўп дуруд.

Дуодин сўнг оғоз этиб бу калом  
Ки: «Гар бар, агар баҳр қилсанг мақом,

Ичаким фироқингда гам егабиз.  
Не ёроки яхши-ёмон дегабиз.

Бисоти тараб жиљагоҳида бўл,  
Қаёиким эсанг ҳақ паноҳида бўл.

Не амр этганинг, токи бор жонимиз,  
Тағофул қилурга не имконимиз?

Чу биздин дуо айладинг муддао,  
Не иш илгимиздин келур жуз дуо».

Аларга бу ерга етишгач мақол,  
Тулуъ айлади буржи фархундафол

Сутурлоб сори чу солди шоҳ,  
Равон кемани қилди оромгоҳ.

Қуёш жадй буржига чунким етиб,  
Равон хут буржига таҳвил этиб.

Фалак сткуруб буйла ёмгур чоғин,  
Тўкуб эл кўзи бениҳоят ёғин.

Чу шаҳ кема ичра мақом айлабон,  
Улус ҳам саросар хиром айлабон.

Тўлуб чун лабо-лаб ул уч минг кема.  
Ҳам эл бирла, ҳам ҳар кераклик нима.

Тоғиб ҳукм маллоҳи овозмард.  
Равон кемани қилди дарёнавард.

Қазини кишти ўлғонда жуибушнамоӣ.  
Тераиғ баҳр бўлди гурунбушнамоӣ.

Юруб сув уза шаҳри аъзам савод.  
Таҳаррукда бир ўзга олам савод.

Саводи ёғиб жарф дарё юзин.  
Булуғ, ўйлаким, чархи хазро юзин.

Бу ойини била шоҳи дарёшукух,  
Юруб қилди дарёни юкдини сутух.

Қаён азм беваҳму бок айлади,  
Тегиғиз бағрини чок-чок айлади.

Чу ул навъ меҳмон кириб баҳр аро.  
Қилиб мезбонликда сув можаро.

Очиб ҳар тараф абромонанд каф.  
Қи жамъ айлагаӣ ҳар не бўлгаӣ садаф.

Бори дурларин ошкор айлагаӣ.  
Борини меҳмонга нисор айлагаӣ.

Сочиб борчасини шаҳга огоҳвор,  
Бори дурларини айлагаӣ шоҳвор.

Бировнингким ул навъ меҳмони бор,  
Не дурким, нисор этгаӣ ар жони бор.

Лёғчи кетур жоми дарёмисол,  
Қи баҳр ичрадур шоҳи дарёнавол.

Манга тутки, пўш айлаб, айлай тараб,  
Қи дарё киби бўлмишам хушкларб.

Муганинӣ, тарона тузат рехта,  
Ҳазини рудуғга лаҳне омехта,

Ки ашкимни тўккай дури побдек,  
Буюргай манга чархи гирдобдек

Навонӣ, талаб қил тариқи фано,  
Ки сув узрадур даҳр уйнга бинно.

Кўнгулни бу уй бирла шод айлама,  
Хубоб уйнга эътимод айлама.

## LXXIII

*Искадарнинг ҳукамодин дарёбор вазъин савол этгани ва  
Суқротнинг қурраи арз даврида сувнинг не навъ ихота  
қилгани шарҳ қилгани ва муҳит атрофида ети ахзар  
дарёким, ети чархи хазродек шўрангез, балки хунрездур,  
сиқсим этиб, ўн ики минг жазонким, холидотдин айру-  
дур, муңқасим қилгани ва буҳайрот шарҳидин элга та-  
райюрот солиб ва анҳор можаросидин сойилни баҳрдек  
хушкляблиқдин сероб қилгани*

Ҳамул кунки шаҳ бўлди дарётавоф,  
Анинг жунгининг кўкеси дарёшигоф,

Тилаб ҳикмат аҳлини мажмаъ тузуб,  
Бориларга дилжўйлуқ кўргузуб,

Деди: «Баҳр кайфиятин айтингиз,  
Ки не вазъ иладур ер узра тенгиз?»

Тааммул қилиб борча аҳли аёи,  
Дедиларки: «Суқрот қилсун баён

Ким, ул ҳикмат аҳлининг устодидур,  
Замири хирад ҳикмат ободидур».

Сўз андин сўруб шоҳи дарёжаноб,  
Бериб буйла Суқротин доно жавоб:

«Ки ер жирмидур ҳайъати мустадир,  
Қура айлади они ҳаййи қадир.

Вале ул кура сув ичинда инҳон,  
Очуқ қисми улдулки, дерлар жаҳон,

Ки маъмурау тоғу ҳомун эрур,  
Ки оти анинг рубъи маскун эрур.

Вале сув иҳота қилибдур ани,  
Эрур ети иқлим очуқ қолгани.

Вале ул ҳам очуқ эмастур тамом.  
Ки ҳар жонибини баҳр этибдур мақом

Мухитеким, ул чархосодурур,  
Анинг даврида ети дарёдурур,

Ки ҳар ёни кириб рубъи маскун аро.  
Духул айламини тоғу ҳомун аро.

Яна ҳам ўн олти буҳайрот эрур,  
Ки ҳар бирга бир ўзгача от эрур.

Яна юздин ортуқ эрур рўд бор,  
Ки олур алардин улус эътибор.

Нечукким Кўҳак, йўқса рўди Ҳирот,  
Ва ё Нил ё Кавсаросо Фурот.

Алардин жаҳон ичра ободлиқ,  
Экин нафъидин халқ аро шодлиқ.

Эрур чашма бу рўдлар манбаъи.  
Вале баҳрларга бўлуб мақтаъи.

Таарруз буҳайрот ила рўдга,  
Халал еткурур шарҳи мақсудга.

Хамул ети дарёки зоҳирдурур,  
Ки анда билоди жазонрдурур.

Ани шарҳ этарга қилоли шуруъ,  
Аларга яқин бирла будур вуқуъ,

Ки мажмуъи ул баҳрдин айрилур,  
Ки доно Муҳит онинг отин қилур,

Алардин бири баҳри Руму Фаранг,  
Ки сен-сен бу дам ул тенгизда паҳанг



Ҳи ободу бум ичра воқеъдурур,  
Ҳазорки анда мазоретдурур.

Эрур олти юз улча топмини адал,  
Ҳи йўқ анда махмурлуқ ичра ҳад.

Икинчини қил баҳри Мағриб гумон,  
Ҳи мавжига ором йўқ ҳар замон.

Шимолно шарқийси маъмур бил,  
Ҳазор минг ул сувда машҳур бил.

Учинчи эрур баҳри Зағу Ҳабаш,  
Ҳи ошубдин келди девонаван.

Минг уч юз жазира анинг дохили,  
Басе кўн жазирасининг ҳосили

Ҳисоб ичра тўртунчидур баҳри Ҳинд,  
Ҳи жанбида бир нов сув рўди Синд.

Ҳазор анга юзу ики минг,  
Неча лужжа кўли ҳамул баҳрнинг.

Бири келди Уммону Қулзум бири,  
Яна баҳрийи пурталотум бири.

Бешинчи тенгиз келди дарёи Чин,  
Ҳазира кўп ул сувда мардумнишин

Адал ичра уч минг, даги ети юз,  
Ҳазор аросида кўп тоғу туз.

Дувонг дегаи сувни одтинчи де,  
Билоди саводин кўнгул тинчи де.

Ики мингга яқин ҳазор анга,  
Туман минг кема лек сонр анга.

Етинчини Машриқ суви қил ҳисоб,  
Қуёш аввал анда солиб нуру тоб.

Бўлуб ўн ики минг ҳазор тамом,  
Мунунг бирла ўн олтида вассалом

Булардин эрур айру бахри Хазар,  
Ки ваҳм айлай олмас суйиндин гузар.

Анга ҳам жазоир ададенздурур,  
Гароиб булар ичра ҳаденздурур.

Булар барчанинг манбаъидур мухит,  
Ки овозаси тутти сатҳи басит.

Анга муттасилдур булар бориси,  
Қуруғдугдурур лекин уч сориси.

Ва лекин эрур ул бағоят амиқ,  
Ки афлок анга тушса айлар гарик.

Келибдур сифат бу ватира анга,  
Жиҳат буки, бўлмас жазира анга.

Ва лекин улук вазълик жонвар,  
Аларга ажаб вазъ бирла сувар.

Эрур андин ортуқки аҳли хирад,  
Тақаллум била айлай олгай адад.

Будур баҳр ишиким, дедим мужмалин,  
Баён айладим махражу мадхалин.

Киши қилса тафсилини орзу,  
Кўрар сайр этарда қилиб жуе тужу»

Сқандар бўлуб хуррамойини басо,  
Леин қилди донога таҳсин басо.

Бурун ети дарёга азм этти жазм,  
Булардин сўнг этмак Мухит ичра азм.

Бўлур одамийининг бийик ҳиммати,  
Эрур ҳимматидин фузун ғафлати.

Ўлум сөлгуен чун димоғига дуд,  
Таманно ўтти мушча ёқмоқ не суд?

#### LXXIV

*Машриқда ганж тойқон киши ҳикоятким. магр*

*ганжомасини ўқуб, меҳрдек боштин қадам қилиб, мағрибқа борди ва ул зари мағрибий топқоч меҳрдек уёқти*

Биров топти Машриқда ганжи шигарф,  
Ёзиглиг эшигида бу турфа харф,

Ки: «Ҳар кимки бу ганжини топти, жазм  
Агар қилса Мағриб диёрига азм,

Фалон ерда мундин улук ганж эрур,  
Анга ким қадам урди, поранж эрур».

Ўқугоч ани томеъи хомкор,  
Деди: «Икисидин бўлай комгор».

Мунга — «ҳиммат» оти қўюб фикрати,  
Равон қилди Мағриб сори ҳиммати.

Неча йил қилиб қатъ дарёу дашт,  
Бўлуб анга юз минг бало саргузашт.

Етиб, истаган ерни топқон маҳал,  
Бошига етишти саросар ажал.

Не мундин еди бар, не андин дағи,  
Машаққат чекиб кечти жондин дағи.

Эмас шоҳлиқ — олмоқ юруб баҳру бар,  
Эрур тонмоқ андинки ҳақ берди бар.

Бировким, бу маънига ёбандадур,  
Хирадмаиду фархундапай бандадур.

## LXXV

### ҲИКМАТ

*Искандарнинг саволи Суқротдин ул бобдаким, курраи  
арзни тамом сув иҳота қилмоғининг ҳикмати не бўлғай  
ва анинг жавоби*

Скандар савол этти Суқротдин,  
Ки: «Эй фард тафриту ифротдин.

Буким ер юзига муҳит ўлди сув,  
Баён қилки, мушкилдурур бизга бу.

Ки не важҳдин тутмади ер юзин,  
Жаҳон сатҳининг борча тоғу тузин.

Ки бу рубъи маскунга сув келди оз,  
Ҳам ончаки бор эрди элга ниёз.

Мухитеки, ул ошкородурур,  
Нега даврида ети дарё дурур?

Чу андин ети баҳр бўлди жудо.  
Нега тутмади ер юзин — қил адо?»

Дуо қилди донойи дарёзамир.  
Ки: «Олсуи жаҳон шоҳи дарёназир,

Гуруҳе демишларки, бу жирми хок,  
Эрур вазъ ичинда баланду магок.

Неча асли вазъи мудаввардурур,  
Бу ҳикмат элига муқаррардурур.

Вале ер юзи чунки ҳамвор эмас.  
Киши фикр агар қилса душвор эмас.

Билурким, ёгиндин қачон бўлди сайл.  
Қилур тоғдин паст водийга майл.

Чу олам юзи бўлди пасту баланд.  
Бу сўзини қилур дониш аҳли писанд,

Ки сув мойил ўлмиш чуқурларга-ўқ,  
Эрур бу жиҳатдин бийикларда йўқ,

Гуруҳе бу маъини гувоҳидурур,  
Ки дерлар бу ҳикмат плоҳийдурур.

Тутулмоқ керак эрди ер сув била,  
Ҳамул навъким, акс кўзгу била.

Вале халқким, ҳаққа осон эди,  
Ғараз офаринишдин инсон эди.

Анга жилвагоҳ очти қудрат била,  
Бу маънига йўқ дахл ҳикмат била.

Мунн бил ҳакими азал ҳикмати,  
Ки тоғмас булардин қалал ҳикмати

Эрур чуқи ул ерда ожиз хирад,  
Хирад аҳлига сўз демокқа не ҳад»

Скандарга ул сўз келиб дилпазир,  
Сукут ўлди ҳикмат бида поғузир.

## LXXVI

*Искандарнинг ети дарё била йн ики минг жазоир  
билдин фатҳ этгандиң сўнграким бир қатла муҳит давра-  
син паргорсифат эврлуб эрди. Муҳит нуктагоҳиға азимат  
қилғони ва ул сайрда йнғоч марокибнинг елдин ҳарака-  
ти ва сув даштиниң самовий ҳайъати ва қулоқдин ул дашт  
аро кўп аргадол намудори ва ҳубобдин ул йўл аро кўп  
сангрза осори ва Искандарнинг Муҳит марказиға етғони  
ва чарх дўлоби ани айлаидуруб, Искандария азми этғони*

Гуҳаррезким, нуктаовардурур,  
Бу дарёда мўндоқ шиновардурур,

Ки чун сурди доно бу янғлиғ мақол,  
Хабар тонти донойи дарёнавол.

Ки не навъ эмиш баҳр кайфияти,  
Сафар сори жозим бўлуб иняти.

Ҳакими илоҳийға сўрди нафас,  
Ки: «Сендин эрур бизга бу мултамас,

Ким андоқки етти сўзунгдин наво,  
Бу сайр ичра сен бўлгасен пешво.

Сенинғ тобеъимғ борча маллоҳлар,  
Бори баҳр сайрида сайёҳлар.

Алар бирла топиб сув ҳанзорини,  
Қаён бошласанғ халқ рафторини,

Бўлурбиз бори донишнинг найрави,  
Ки фаҳминғ бийик келди. **роғиниғ қавий»**

Қабул этти Суқроту йўл бошлади,  
Улус борди ҳарёнки. ул бошлади.

Бўлуб оҳтиёт амри лозим анга,  
Ҳамул кема аҳли мулозим анга.

Ише тутмоқ ул йўл ишини нос ўлуб,  
Анинг носини тутқон Илсс ўлуб.

Суруб кемани ул андоқки таїр,  
Ҳамул сувга қилдилар оҳанги сайр,

Ки дарёин Афраижау Рум эди,  
Ки ҳолат анга таїри маълум эди.

Ҳазойир футуҳига юз қўйди шоҳ,  
Қилиб сазй шаҳ бирла хайлу сипоҳ.

Қаёнким қилиб азм, қўймай олиб,  
Чу олиб, гаройибқа кўн кўз солиб.

Ўзи айлабон сувда фатҳи билод,  
Ҳазойир билодини айлаб кушод.

Ва лекки неча кимса таїини этиб,  
Алар сув қироги била йўл кетиб.

Неча кемау аҳли ҳикмат неча,  
Ки ҳам кундуз айлаб равиш, ҳам кеча.

Сувда ўй, нечукким, хубоб ургали,  
Ҳамул баҳр даврии таюб ургали.

Савоҳилда то ер тониб, йўл юруб,  
Масоҳат тариқини бажо келтуруб.

Не ерким бўлуб беша, ё берк тоғ,  
Ки қатъида массоҳ тошмай фароғ.

Сув ичра қилиб кема бирла шитоб,  
Бу навъ они массоҳ чеккай таюб,

Ки бир кема ичра йипгиб ҳар сари,  
Таюби қади ўн ики минг қари.

Қилиб кемага берк лангар тошчи,  
Ва леккин ул ишнинг яна бир бошчи.

Яна бир кема аҳли тутқай суруб,  
Неким шарт сурмак, бажо келтуруб.

Неча тор тутқон кема қочибон,  
Танобини тургон кема очибон.

Чу сойир кема риштаси тортилиб,  
Ҳамул кема сайрини сокин қилиб.

Анга кема аҳли солиб лангарин,  
Яна кема сувдин олиб лангарин.

Танобин йига баҳр аро тезрав,  
Нечукким бурунги кема тездав.

Мунга ҳам чу тортилди чеккан таноб,  
Туруб бу вале, тургон айлаб шитоб.

Бу янглиг чу бу бир туруб, ул юруб,  
Бу тургон қачонким юруб, ул туруб.

Алар чун бу янглиг шитоб айлабон,  
Муҳосиблар они ҳисоб айлабон.

Кезиб бу сифат баҳр атрофини,  
Масоҳат била англаб авсофини.

Яна бир неча даги аҳли ҳисоб,  
Уруб бу сифат баҳр қутрин таноб.

Ҳакими муҳосиб бу санъат била,  
Билиб ҳосилин зарбу қисмат била,

Ки атрофи онинг эрур неча йўл,  
Яна сатҳ бирла эрур неча ул.

Ҳазойирни то фатҳ қилгунча шох,  
Ҳисоби даги, ўйлаким, ком ўлуб,

Чу бир баҳр фатҳи саранжом ўлуб,  
Ҳисоби доги, ўйлаким, ком ўлуб,

Неким бўлди ул сувда ҳангомае,  
Анинг борча шарҳин ёзиб номае.

Чу ул нома шарҳин дуруст айлабон,  
Қабутар аёғига руст айлабон,

Ки ҳамроҳ ани Румдин келтуруб,  
Ҳаво айлабон ул пару бол уруб.

Хабар элтиб ул барча Рум аҳлига,  
Қуруғлуқдаги марзу бум аҳлига.

Бу янглиг ети баҳри заххорни,  
Ети жарф дарёин хунхорни.

Кезиб айлади барчасига убур,  
Нечукким сув узра сабоу дабур.

Ажойибни гоятдин ортуқ кўруб,  
Ғаройиб ниҳоятдин ортуқ кўруб.

Уруб ўн ики минг жазойирга гом,  
Қилиб фатҳ чун айлабон эҳтимом:

Чу тортиб таноб анда бевахму бим,  
Билиб барчанинг тулу арзин ҳаким.

Ети баҳрни чун мусаххар қилиб,  
Борининг салоҳу фасодин билиб.

Муҳит ўлди бир давра бу сайр аро,  
Яна хомазан ёзди бу можаро.

Узотти яна тойири номабар,  
Ки еткурди ҳижроикаш элга хабар.

Яна манзиле бўлди баҳри Фаранг,  
Қилиб бир жазира ичинда дараиғ.

Ўтуб қилгали баҳр ичинда хиром,  
Бу чоққа дегин ўн ики йил тамом.

Ҳазира аро чун макон айлади,  
Улус кўнглини шодмон айлади.

Гумон этиларким, туганди сафар,  
Ватаи бўлгуендур аларга мафар.



Буюрди яна шоҳи дарёши тоб,  
Ки келтурди Суқротни ҳикматмаоб.

Теңизда равон қилгон асбоқини,  
Чекилган масоҳатнинг авроқини.

Тўла бўлмиш эрди варақ бир кема,  
Ки йўқ анда коғазни ўзга нима.

Солиб борча сандуқлар ичра чуст,  
Аларни қилиб қийрлар бирла руст.

Қилиб ваҳимим ўтса коғазга нам,  
Анга ногирон ботил ўлғай рақам.

Кемаким ул авроқ бирла тўлуб,  
Сафина бўлуб демаким, жуниг ўлуб.

Чу сандуқларни чикқорди ҳаким,  
Варақлар қилиб эрди намдин салим.

Деди шоҳким: «Неча аҳли қалам:  
Ҳисоб айлаётун ул ададсиз рақам»

Муҳосиблар они ҳисоб эттилар,  
Адад махласин интиҳоб эттилар.

Ҳаким ул ададин чу тасҳих этиб,  
Борин шоҳ кўнглига тавзих этиб.

Тааққул била шоҳи гардунжаноб,  
Қилиб ул рақам интиҳобин' ҳисоб.

Ҳакимекн онча адад айлабон:  
Ҳисоб ичра шахга мадад айлабон.

Сувнинг сатҳига чун бўлуб раҳшунос,  
Неча заръ арқонини айлаб қиёс.

Теңиз тулу арзин важаб-барважаб,  
Тоғиб зарбу қисмат била бетааб.

Муҳитеким ул баҳри аъзамдурур,  
Анинг жавфида барча оламдурур.

Масоҳат била бефусуну фириб,  
Билиб ҳавздеким, эрур бир жариб.

Ангаким жаҳон бўлса боги тараб,  
Тенгиз бўлса ҳавзи анинг не ажаб?

Эшиттимки, фармондихе бор эмиш,  
Ҳадисида бу сўзга такрор эмиш.

Ҳи: «Даҳр ўлди бир кадхудонинг ери,  
Бу гар бор эса, бордур онинг ери».

Жаҳон тонса ул навъ бир кадхудой,  
Нетонг олам ўлса анга бир сарой?

Чу шаҳ топти дарёнинг ойинини,  
Бу навъ айлади даври тахминини.

Ҳи бўлса кема сувда суръатнамой,  
Сафар қилса тўқуз йилу ети ой.

Ҳамул баҳри аъзамни бир давр этар,  
Қаю ердаким сувга кирмиш. етар.

Чу паргор даврини пос айлади,  
Яна қутрин онинг қиёс айлади.

Аён бўлдиким уч йилу бир пима,  
Бўлур сув аро сайр қилса кема.

Муҳитига маркази беиштибоҳ,  
Эрур баҳри аъзамга ул нуктагоҳ.

Яқин борур ул ён азимат чоги,  
Ики йилчилик йўлу камрак доги.

Яна келмаги даги онча бўлур,  
Азиматда боргон замонча бўлур.

Буюрди қилиб тўрт йиллик яроқ,  
Муҳит ўртасига сафар иттифоқ.

Йигиб анжуман, буйла сурди калом,  
Ҳи: «Бизни ҳавоин тамаппоин хом,

Ки онинг отин халқ қўймиш ҳавас,  
Вале филҳақиқат бу янглиғ эмас.

Бори тенгри тақдиридур бегумон,  
Киши қилмоғи яхшидур, гар ёмон

Гар ул, гар бу ҳар қайси тақдир ила,  
Қила олмадим чора тадбир ила.

Улуснинг малоллига бўлдум сабаб,  
Басе кўрдилар халқ ранжу тааб.

Бу дамким бу ерда қилибмен даранг  
Билурменки элдур сафардин батаанг

Эмас бўлсалар сайрининг роғиби,  
Билурмен эрур ҳақ алар жониби.

Манга бу таманно туганмайдурур,  
Юрудин замирим ўсонмайдурур.

Ун уч йил ишимким тамошо эди,  
Жазойир била ети дарё эди.

Мухит эрди мақсуд сув сайридин,  
Гараз соқит эрди анинг гайридин.

Бу муддатки, баҳр ичра қилдим хиром.  
Не ерларки юзланди фатҳига ком.

Бори фаръ эди, токи қатъ ўлди сув.  
Менинг хотиримга эрур асл бу.

Ки сайр айладим доира даврини,  
Керак англасам маркази гаврини.

Агар умру тавфиқ берса худой,  
Кема тўрт йил бўлгуси баҳрсой:

Ики йил бориб, ики йил келмағи.  
Вале йўқ киши гайбин билмағи.

Манга гар эрур давлату бахт ёр,  
Бу йўл қатъида ҳеч йўқ ихтиёр.

Билурмен бу иш амри маъхуд эмас,  
Кишига тенгиз сайри мақсуд эмас.

Улус кўнглига тушмасун инҳироф,  
Ки бори эрур бу юруштин маоф.

Йўликим қилур марг тахвифини,  
Нечук қилгамен элга таклифини?

Ватанга ёниб халқ осудадил,  
Бори биздин ўлдиклар аммо биҳил»

Бу сўзини чу шарҳ этти доройи Рум,  
Фигон чектилар халқ айлаб ҳужум,

Ки: «Шоҳо, не журм айламыш бу гуруҳ,  
Ки келдинг алар қуллуғидини сутуҳ?»

Неча қуллуқ этмакда шармандабиз,  
Ёмон-яхши бўлсоқ санга бандабиз.

Боримизга доим бу эрмиш мурод,  
Ки бўлсоқ тобуғунгда гамгину шод.

Ажал жонимиз қасди қилгон чоги,  
Таи ўлгай сенинг дарғаҳинг туфроги.

Не қилдуқки, доройи соҳибхирад,  
Боримизга мундоқ чекиб хатти рад,

Ўзидин сипоҳин йироқ истади,  
Асири балойи фироқ истади.

Борурбиз қаёнким санга ком эрур,  
Турарбиз санга қайда ором эрур.

Тирик бўлмоқу сендин ўлмоқ йироқ,  
Эрур бизга андин ўлум яхшироқ».

Скандар сипоҳин қилиб озмуи,  
Яқин билдиким бўлмамышлар забун.

Эрур хизматида бори якжиҳат,  
Кўруб элга дилжўйлиқ маслаҳат.

Бори хайлига офарин айлади,  
Иноятқа борин қарин айлади.

Деди: «Ҳақ ишингизга берсун эваз,  
Бу сўздин манга билмак эрди гараз,

Ки бу ранж аро халқ холи недур,  
Менинг бирла ҳар ким хайли недур?

Боридин чу ихлосу сидқ ўлди фаҳм,  
Манга ҳам бу дам муртафетъ бўлди ваҳм.

Ҳамул мен шаҳу сиз сипоҳсиз манга,  
Ёмон кун етишгач напоҳсиз манга.

Бу ихлос бирла худо ёрингиз,  
Ҳаводис аро ҳақ ингаҳдорингиз».

Бўлуб шод шаҳга дуо қилдилар,  
Садоқат тариқин адо қилдилар.

Шаҳ уч бўлди элни, тааммул била,  
Бағоят муносиб тихайюл била.

Ики минг кема аҳлин этти жудо,  
Деди: «Ёрингиз бўлсун эмди худо»

Оғир юк эди дағи ортуқ киши,  
Алар бирла йўқ шаҳнинг ортуқ иши.

Ватан сори борин равон айлади,  
Борин лутф ила шодмон айлади.

Деди: «Рум мулки сори қайтингизъ,  
Саломатлингимдин хабар айтингиз.

Бурун ети дарёйн зоҳирин денг,  
Яна ўн ики минг жазойирин денг.

Ки фатҳ айладим тигу тадбир ила,  
Чу тадбир эди рост тақдир ила.

Бу дамким Мухит ўлди мақсад манга,  
Керакмас эди хайл беҳад манга.

Ан не мулк қатҳи эди, не ошод,  
Қи қилсам черик бирла они кушод.

Ҷиҳат бу эди бизни қайтармоғи,  
Муҳит ичра оз эл била бормоғи».

Узоғоч аларни бу ойин ила,  
Ети юз кема бўлди таскин ила,

Элни ҳам айириб деди: «Сиз гуруҳ,  
Бўлуғи ушбу манзилда таскинпуҷуҳ,

Чекиниг тўрт йил интизорим менинг,  
Бу муддат бўлуғи носдорим менинг.

Муҳайё қилниг Румдин кўн матоғ,  
Қим ул айлағай дафъи заъфу судоғ.

Мен ўлсам сафар озими жидд била,  
Агар ёндим эрса бу мавъид била,

Ул ашё бўлуб мужибни тақвият,  
Қуво топқай андин яна тарбият.

Чу бир-бирга ҳижрон чекиб эткабиз,  
Фароғат била азми Рум эткабиз.

Ва гар худ фалак зулм этиб ошкор,  
Ўюн ўзга навъ ўйнаса рўзгор,

Мени тортибон баҳри заххор аро,  
Ғариқ этса дарёин хунхор аро.

Сувда туъма айларга қилмай даранг,  
Забун этса бу аждаҳонни наҳанг.

Замон ўтса сизларга мавъуддин,  
Тоғиб ўзини навмид мақсуддин,

Дуо хатти бизга рақамзад қилниг,  
Биҳил айлабон азми мақсад қилниг».

Айирди уч уз киштийин тезтак,  
Юрурда, печукким, ҳилоли фалак.

Мулозим қилиб ҳикмат аҳлини тамом,  
Мадороларига қилиб эҳтимом.

Бўлуб борча мамлу ул уч юз кема,  
Тенгизда кераклик бўлур ҳар нима

Неча минг киши якдилу якжиҳат,  
Жалодат келиб барчасига сифат

Кема плмида барча маллоҳдек,  
Тенгиз гавси фаннида тимсоҳдек.

Не хизматки айлаб бори дилпазир,  
Алар шаҳга, шаҳ барчага погузир.

Мураттаб қилиб шоҳи гардуинабард,  
Кириб кемага, бўлди дарёнавард.

Алар қолдилар ашкдин баҳррез,  
Бориб ашкдек шоҳи дарёситез.

Тушу кун қилиб пўя гардун киби,  
Сув ичра қолиб рубъи маскун киби.

Кеча тинмоқу кундуз ором йўқ,  
Емакдин наво, уйқудин ком йўқ.

Неча боқса йўқ тоғу саҳро надид,  
Неким ғайри дарё — бори нопадид.

Сув афлокдин ҳеч топмай гусил,  
Бўлуб давраси даврига муттасил.

Гумон айлабон хайли дарёхиром,  
Ки гардун аро айламишлар мақом.

Қуёшким қилиб сайр ул афлок аро,  
Ниҳон бўлмаин маркази хок аро.

Неча нурини баҳр аро бутратиб,  
Тенгиздин тугуб ҳам тенгизга ботиб.

Қачонким бўлуб сув тубига пугун,  
Юзига ёйиб пардан обгун.

Чу машириқ сари нўя бирла юруб,  
Сузук сувда гавҳар киби билгуруб.

Тоғиб чун қуёш сув юзидин хафо,  
Вале партави тоғмайин иштифо.

Анингдекки фонус аро бўлса шамъ,  
Кўрунур анинг партави бирла жамъ.

Вале бўлса кўнглак самовий анга,  
Лақаб ичра волойи мовий анга.

Қачонким тоғиб сув аро шамъи меҳр,  
Ки луъбат аён айлар эрди сипеҳр.

Нечукким юқордин кўрунуб нужум,  
Аларнинг сувда акси айлаб ҳужум.

Дема акским, юз туман жонвар,  
Сув амвожида зоҳир айлаб сувар.

Тўқулгон киби жинси зебо аро,  
Ўкуш жонвар нақши дебо аро.

Сувни равшан айлаб аларнинг кўзи.  
Нечукким, ҳавони фалак юлдузи.

Ҳамул жонварлар сувда хайл-хайл,  
Қилиб тўш-тўшидин кемаларга майл.

Ёқиб кўзлари юз туман минг чарог,  
Тоғиб эл қуёш партавидин фарог.

Чу ул шуълалар кемаларга етиб,  
Йиғочлар тутошурдин эл ваҳм этиб.

Ҳамоню куярдин қилиб манъ сув,  
Ки куймас амад шамъ бўлса гулу.

Вале шакллар жилва айлаб муҳиб,  
Ки эл кўнгли тоғиб алардин наҳиб.

Ангачаки бу хайл яксў бўлуб,  
Улус бағри ул ваҳмдин сув бўлуб.



Булар чун бўлуб бартараф, ёна фавж  
Падидор ўлуб, солибон сувга мавж.

Қолиб кемалар юз минг офат аро,  
Кема аҳли баҳри махофат аро.

Эл оғзига юз минг карат жон етиб,  
Ки бир буйла оқшомга ноён етиб.

Яна чун биҳор узра чиқти қуёш,  
Бухор ўлди ҳарён биҳор узра фош.

Назардин тенгиз анжуми гум бўлуб,  
Итарда ҳам, андоқки, анжум бўлуб.

Сув таҳрикидин гоҳ гирдоблар,  
Ишонга йўлнинг бериб тоблар.

Не гирдобким, жарф чоҳи амиқ,  
Қуёш Юсуфдин айлағудек гарик.

Ажаб келди чаҳга ҳаволи сувдин,  
Сувда чоҳ ким кўрди холи сувдин.

Мусофирга не ҳол бўлғай табоҳ,  
Ки йўлида ҳарён бу навъ ўлса чоҳ?

Фалак гунбазиғаки келмиш нигун,  
Сув ҳар ён маноре ясаб бозгун.

Кема даврасига бериб имтидод,  
Анингдекки тол баргига гирдобод.

Биридин қутулмоққа чун хос ўлуб,  
Яна бир самоига раққос ўлуб.

Гаҳеким бўлуб рафъ саргашталиқ,  
Ҳамул даврадин бахт баргашталиқ.

Эсиб сарсару баҳр ўлуб мавжхез,  
Фалак бирла сув мавжи айлаб синтез.

Ел андоқ эсибким, тенгиз чайқалиб,  
Суйи баҳрнинг мавждин қўзғалиб.

Солиб кўхмонанд кўлоқлар,  
Паёнай тенгиз жиемига чоклар.

Кириб сув тубига саломат куши,  
Бўлуб онкоро қиёмат куни.

Фалак елга ваҳшат эшигин очиб,  
Тенгиз ваҳши дарё тубига қочиб.

Не дарё тубиким, суга ул тараф,  
Чиқиб гар болиг, гар наҳанг, ар кашаф.

Чу кўлок ўзин чархшўй айлабон,  
Фалак сатҳига обрўй айлабон.

Кемаким, қилиб чарх сорп равиш,  
Қилиб тийри кўк тийрига сарзаниш.

Қуйи чун ишиб, бўлуб онинг ери  
Дема баҳр таҳтики, таҳтас-сари.

Бўлуб савру ҳут авжидин ваҳмлиг,  
Тубидин топиб кўп ўю болиг.

Фалакка уруб бирни дарё суйи,  
Яна бирни элтиб, вале ер қуйи.

Кема аҳли гоҳи ўлук, гоҳ тирик.  
Тирик ҳам юб ул сувга жондин илик.

Гаҳиким ул ошуб топиб нишаст,  
Бўлуб тогдек мавжлар сувга паст.

Қутулиб кема аҳли ул ҳарбдин.  
Келиб ул бири Шарқу бу Ғарбдин.

Йиғоч отларин баҳр аро чонишиб,  
Укуш ранж ила бир-бирин топишиб.

Тааб кўзларин ашкбор айлабон,  
Тенгиз ичра гавҳар инсор айлабон.

Алардин ўзида бири қолмайини,  
Скандар, магарким, ўзин солмайини.

Борурлар эди буйла ойини била,  
Гаҳи суръату гоҳ таскин била.

Бу янглиг ўтуб бир йилу тўқуз ой,  
Ки марказга бўлди қазо раҳнамой.

Скандарга бу мужда берди сурўш  
Ки: «Эй одамизоди беҳуда кўш!

Ҳамул ерга еттингки ком айладинг,  
Хусулида йиллар хиром айладинг»

Қилиб рафъ шаҳ кўнглидин ёсни,  
Талаб қияди Суқроту Илёсни.

Аларга дағи бўлмиш эрди аён,  
Келурлар эди айламакка баён.

Чу айтиштилар. шубҳа рафъ ўлди пок,  
Скандар бўлуб хурраму завқнок.

Буюрди сафойинни турғуздилар,  
Солиб лангарини бодбон буздилар.

Деди элгаким: «Сиз турунг энди шод,  
Қилурмен барингиз била хайрбод.

Тенгиз қаърини айлаб эрдим ҳавас,  
Топибмен бу соат анга дастрас.

Қирармен муродим таманно қила,  
Ҳавас қилғонимни тамошо қила».

Бу ерда ривоятқа бор ихтилоф.  
Вале Хусрав этмиш мунга эътироф.

Ки бир шиша соз этти сандуқваш.  
Гуҳарвор сандуқ аро кирди хуш.

Бошин, — деди. — руст эттилар қийр ила,  
Тапобе чекиб анга тадбир ила.

Тутуб берк ул аҳли ано бир учин,  
Тугу шишасига яно бир учин,

Қолиб рафъ ҳар ваҳму андишани,  
Тенгиз ичра солдилар уя шишани.

Қолиб уя тенгиз қаърида печа оӣ,  
Бўлуб баҳр ҳолин тамошоной.

Чу юз кун қолиб, баҳр анга ортибон,  
Алар шишаси риштасин тортибон.

Вале бу ривоят эрур бас мақол,  
Вуқуъига топмас хирад эҳтимол.

Яна бир ривоят даги бордур,  
Ки ровийлар олинда мухтордур.

Манга даги ул келди чун дилпазир,  
Қачон бўлгай они демакдин гузир?

Будур улки, тарихлар ноқили,  
Ҳам они наби дебдурур. ҳам вали.

Хабар бу сифатдурким. ул комжўй,  
Чу бўлди Муҳит ичра оромжўй,

Риёзат баса чекмиш эрди тани,  
Тошиб тасфия хотири равшани.

Бўлуб сайр итмоми топқач мақом,  
Иши ҳам сулук ичра бўлди тамом.

Валоят мақомида топти ўзин,  
Нубувват чароғи ёрутти кўзин.

Кўзи бўлғоч ул шуъладин нурлуқ,  
Сув аҳлига рафъ ўлди мастурлуқ.

Қаён боқти. кўрди неким бор эди,  
Анга борча махфий падидор эди.

Суву сувлагин. ўйла. кўрди аён,  
Ки кўргай киши баркаи моҳиён.

Қуруглуққа ҳар жопварким бўлур,  
Башар жинсидин ҳар суварким бўлур.

Кўрунди анга борчаси сув аро,  
Нечукким булар акси кўзгу аро.

Вале анда бор эрди тимсола кўн,  
Қавий ҳайкалу турфа ашкол кўн.

Ки оламга тушса бири ногаҳон,  
Назорасидин ўлгай аҳли жаҳон.

Боянларки бўлгонда жуибушнамоӣ,  
Ўта олмагай суръат этса бир оӣ.

Вале кўн наҳанг, ўйлаким, буйла ҳут,  
Муқаррар анга ики ҳар кунги қут.

Юруб эгри харчанг лойиқ мунга,  
Шиновар кашаф ҳам мувофиқ мунга.

Скандарга неким таманно бўлуб,  
Юз онча гаройиб тамошо бўлуб.

Бўлуб бар ила баҳрининг шоҳи ул,  
Нубувват рамузининг огоҳи ул.

Етиб чун бу иқболи жовид анга,  
Нимаким эмас эрди уммид анга.

Бериб хайлига муждае ул ҳолдин,  
Бўлуб борча муқбил ул иқболдин.

Билиб халқ шоҳи музаффар ани,  
Ҳакиму валию паямбар ани.

Ҳаросон келиб, ёнибон шодмон,  
Кема сайридин тинмайин бир замон.

Кема суръати ул сифат тез эди,  
Ки жанбида гардуи гаронхез эди.

Хиром ичра андоқ бўлуб пояси,  
Ки ҳампойлигдин қолиб сояси.

Ики йилчилик йўлни бир йил суруб,  
Қўлуб боргон элга ўзини еткуруб.

Етиб чун элига шаҳи аржуманд,  
Бўлуб васли бирла бори баҳраманд.

Тутуб бир кун ул манзил ичра мақом,  
Яна кун юрурга қилиб эҳтимом.

Анга тегруким айлабон сувни тай,  
Саодат била қўйди соҳилга пай.

Су ташвиридин жисми бетоб эди,  
Саломат мизожиди ноёб эди.

Хаёлига келдики — кетмак керак,  
Бу фоний жаҳоп таркин этмак керак,

Қилиб элга ирсол ўз динини,  
Тузуб мамлакат забту оийинини.

Бурунроқки, бўлгай иши изтирор,  
Мулуки тавойифга берди қарор.

Анингдекки, тузган киби ул мулук,  
Қилиб ети юз йилгача бир сулук,

Ки ул мулк аларга қолиб неча пушт,  
Чиқормай алардин сипеҳри дурушт.

Чу ул фикрдин хотирин тиндуруб,  
Кеча-кундуз ором тутмай юруб.

Таковар суруб заъфлик тан била,  
Ниҳон жисми зориға шеван била.

Қила олмайин кимса ҳампойлик,  
Ул айлар эди даштпаймойлик.

Тамуз ўтидин эрди оламга жўш,  
Сувлар айлабон қайнамоқтин хуруш.

Қуёш тобидин ер анигдек қизик,  
Ки биттабъ айлаб ҳавони исик.

Исик фартидин ер юзи ўртаниб,  
Кишига оёқ ерга етгач — ёниб,

Суларда Скандар саманди равон,  
Исиқ айлади жисмини нотавон.

Мизожининг англабки сомони йўқ,  
Билибким, юрмакнинг имкони йўқ.

Туруб тушти тафсанда қумлоқ уза,  
Қилиб елдин оҳанг туфроқ уза.

Мараздинки бор эрди жисмида тоб,  
Мизожига солмиш эди изтироб.

Тўшолгунча ер — қуввати қолмади,  
Бўлуб заъфи ғолиб — тура олмади.

Тушуб эрди бир кўҳа, очти ани,  
Узолди ҳамул кўҳа узра тани.

Чу беҳад қизимиш эди ул ёбон,  
Биров қилди қолқон била соябон.

Магар айлагон ул сипахдорлик,  
Қилиб эрди қолқонни заркорлик.

Ўқуб эрди шаҳ толеъ аҳкомида,  
Ки онинг ҳаётининг анжوميда,

Темурдин ер, олтуиндин ўлғай само,  
Анга бўлғач ул ики суратнамо.

Ки арзи темур, чархи олтуи эрур,  
Яқин билдиким, иш дигаргун эрур.

Кўзидин тўқуб ашк — қайгу била,  
Илик ювди жонидин ул сув била.

Кетур соқиё бодау, қўй қизоъ,  
Тўло тут манга соғари алвидоъ.

Даме мугтанам англа майхонани,  
Ки тўлдургуси чарх паймонани.

Мугайиний, чекиб пагма, қил бизни шод!  
Керак бўлса, ул нагман хайрбод!

Агар мунглуғ истар эсанг анда байт,  
Навойининг ошуфта назмидин айт!

Навойи, тоғиб соқийи моҳваш,  
Ёнида анинг мутриби нағмакаш,

Бўлуб маст, ёд этма огоҳлиқ,  
Агар истар эсанг даме шоҳлиқ.

## LXXVII

*Жаҳон базми соқийлари ҳаёсизлиғидаким, умр соғари-  
га ажал заҳри қуярда гоғил била огоҳ аро тафовут кўрмас-  
лар ва умр боғи соъилари вафосизлиғидаким, ҳаёт шохини  
ажал тиғи била қатъ этарда гадо била шоҳ аро фарқ бермас-  
лар ва олами хокдин этак силкарга ишъор ва бу вартаи  
ҳалокдин илик тортағга иршод*

Жаҳонга чу йўқтур бақо, эй кўнгул,  
Тама қилма андин вафо, эй кўнгул.

Жаҳон недурур — бир улуғроқ кесак,  
Йироқ тортқил ул кесакдин этак.

Ки бор ул кесак сув ичинда гарик,  
Олиб ўртага они баҳри амик.

Эрур онинг уч рубъи дарё сори,  
Яна рубъи келди судин тошқори.

Неким сув аро топти полудалиқ,  
Этак топмағай андин олудалиқ.

Ҳамул рубъиким баҳрдин келди фард,  
Эрур мумкин андин замирингга гард.

Бу балчиг била гард аро қилма хўй,  
Бўл анинг фироқи сори гармиўй,

Ки кирган бу болчиққа имкон эмас,  
Киши ботса чиқмоқлиғ имкон эмас.

Ҳамул гард аро кимки қўйди аёғ,  
Не кўз қолди ошубидин, не димоғ,



Ки Баҳром анга боттию чиқмади,  
Қиёматқача ёттию чиқмади.

Мунга доғи Қайхусрав ўлғоч ниҳон,  
Яна топмади они аҳли жаҳон.

Қаю шаҳки олди жаҳон кишварини,  
Тасарруф қилиб баҳру кон зеварини.

Ҳам они жаҳон дардинок айлади,  
Не бергонни олиб, ҳалок айлади.

Кишиким, бу маънига даъвоси бор,  
Йироқ ерга бормоқ не маъноси бор?

Қаю шаҳ нечукким Скандар эди,  
Ҳакиму валию паямбар эди,

Қаю ишга илги узолди экин,  
Ки ул бермайин даст, қолди экин?

Не иқлим азмига чекти сипоҳ,  
Ки фатҳ ўлмади бўлмаини кинахоҳ.

Не дашт узраким тузди саффи набард,  
Чиқорди аду хайлидин кўкка гард.

Булар худ эрур шоҳларнинг иши,  
Яна ишки қилмайдур андоқ киши.

Қаюмарс давронидин то бу давр,  
Ки келди мулук ичра ҳар гуна тавр.

Вале неча ишким анга берди даст,  
Яна шоҳларга эмас эрди даст.

Бири ети иқлим фатҳи тамом,  
Ки бу рубъи маскун уза сурди гом.

Чу ёйди саропардан шавкатин,  
Ети арсада чолди беш навбатин.

Яна чунки азм ошкор айлади,  
Наҳангона фатҳи биҳор айлади.

Олиб ети дарёйи зохирни ҳам,  
Яна ўн ики минг жазoirни ҳам,

Яна чекти яъжуж-оллига сад,  
Ки шарҳ ичра ожиздур андин хирад.

Яна тузди бўлғоч сипеҳр озмо,  
Сутурлобу миръоти гетинамо.

Яна қилди чун илм анга бўлди қисм,  
Жаҳон мулкида қўн очилмас тилшсм.

Яна мушча бемислу доно ҳаким,  
Ки бўлди анга борча ёру надим.

Билик авжи фикратлари манзили,  
Бори олида ҳал фалак мушкили.

Жаҳон ичра мундоқ топиб шоҳлиқ,  
Нечук шоҳлиқ, донишогоҳлиқ.

Валоятдин илгида қувват дағи,  
Нечукким валоят, пубувват дағи.

Қачон одамий буйла маъҳуд эмиш,  
Киши қайда бу навъ мавжуд эмиш.

Анга қилмади даври гардуи вафо,  
Жафо бирла ҳам қилмади иктифо.

Жафо элни бистарга солмоқ бўлур,  
Фироши уза жонини олмоқ бўлур.

Йўқ ул элки бўлғай бaсе аржуманд,  
Неча доғи бор эрса хору нажанд.

Ажал уйқусига бўлурда асир,  
Бўлур жисми бистарда оромгир.

Скандарни кўрким, бу дам чархи дун,  
Ки қилди ажал уйқусига забун.

Фарас чоптуруб дашт ила тоғ уза,  
Пинқибдур танин тийра туфроғ уза.

Неча вақт айлаб ватандин жудо,  
Аноу неча сиймтандин жудо.

Булар борча махбубу пайванд ҳам,  
Демайким булар, неча фарзанд ҳам.

Тай этган замон дашту баҳри фироқ,  
Ки кўнглида туғён солиб иштиёқ.

Ани васл завқи навиди била,  
Солиб пўяга ком умиди била.

Бўлур чоғда уммиддин комёб,  
Солиб жониға марг ўти бирла тоб.

Қилиб қасди жон кинахоҳи киби,  
Қизиқ қум уза тобан моҳи киби.

Не бошида бир мунису маҳраме,  
Не олида бир мушфиқу ҳамдаме.

Солиб дашт аро нотавону алил,  
Олур хаста жонини зору залил.

Даво қилмайин ҳеч дармон била,  
Қилур қатл юз дарду армон била.

Қаю бирдаким ҳушу хайратдурур,  
Бу иш олам аҳлиға ибратдурур.

Ангамим жаҳон комин айлар ҳавас,  
Бу афсона танбеҳи ўлгунча бас.

## LXXVIII

*Луқмон ҳикоятиким, жаҳон мутааллақотидин ганждек  
бир бузугни ихтиёр этти ва минг йилдин сўнг сипеҳр  
аждаҳосидин анга ҳам осийб етти*

Эшиттимки, Луқмонға даврон аро,  
Суқун эрди бир кунжи вайрон аро.

Бузугни макон айлаб андоқки ганж  
Топар эрди иссиғ, совуг бўлса ранж.

Ёгин ё кўнасин ул оромгоҳ,  
Анинг жисмига бермас эрди паноҳ.

Ёши мишга етгунча эрди бу ҳол,  
Биров қилди қайрат юзидин савол,

«Ки ёрутуб ер юзин донишинг,  
Недин йўқ жаҳон айши бирла ишинг?

Ватан айламай турфа кошонае,  
Қилибсан макон кунжи вайронае?»

Жавоб айтти пири омузгор  
Ки «вайрона ичра узун рўзгор,

Бу ким чугз янглиғ басар айладим,  
Согиндимки, дафъи зарар айладим,

Ки чуи қилмадим майл оламга ҳеч,  
Мени ул дағи солмагай гамга ҳеч.

Муни кўрки, даврондин элтур чоги,  
Олур мендин ушбу бузугини доғи.

Чу охир адам сори қўйгум қадам,  
Манга бордур ортуғ бу вайрона ҳам.

Жаҳондин неча эл ҳаросон эрур,  
Анинг рашиқидин махлас осон эрур».

## LXXIX

### ҲИКМАТ

*Бир соил саволи Луқмондин ул бобдаким, мунча ил-  
минга боис ким эркин ва бизга андин хабар бергин ва  
анинг жаҳл аҳлига ишорати ва аксин тутур башорати*

Ҳам андин биров сўрди бу навъ сўз,  
Ки: «Эй равшан этган биллик бирла кўз!

Чу асрингда йўқ эрди андоқ киши,  
Ки сен чоғлиқ ўлғай анинг дониши.

Бас, ушбу қадар дониши беҳисоб,  
Дегил кимдин ўлди санга иктисоб?»

Деди: «Дониш аҳлига айланмадим,  
Биликни билур элдин ўрганмадим.

Жаҳон илми буким манга ёд эрур,  
Анга борча жаҳл аҳли устод эрур.

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,  
Тутуб акси, тоштим ёмондин амон.

Жаҳон аҳлига чун шпор ўлди жаҳл,  
Эрур борчанинг аксини тутқон аҳл».

Дединг чун жаҳон аҳли, эй хушёр,  
Жаҳон тарки аввал керак ихтиёр.

Киши бўлеа бу ганж-ила комёб,  
Не тонг бўлса оромгоҳи хароб.

Жаҳон таркидур шодлиғ боиси,  
Харобидур ободлиғ боиси.

#### LXXX

*Искандарнинг нолдек марг печо-печида онасиға аз  
манъи учун нома ёзмоғи ва андин сўнгра ҳаёти номасин  
қазо навардида қилмоғи ва хайли анинг наъшин Искан-  
дарияға нақл қилмоғлари ва онасиға ул нома етиб, наъшқа  
ўтру чиққони ва ўғлин туфулиятда маҳд ичра уйқу учун  
навозиш қилғондек наъши мадҳи ичра дағи уйқонмас  
уйқусида навозиш қилмоғи ва кўкси чокидек ер кўксин  
дағи чок этиб ани туфроққа топшурғони*

Муаррихки, бу нуктада сурди сўз,  
Бу янглиғ ниҳоятқа еткурди сўз,

Ки чун шаҳға ул ишдин ўлди вуқуф,  
Ҳаёти қуёшига етти кусуф.

Яқин билдиким, келди кетмак чоғи,  
Жаҳон, балки жон таркин этмак чоғи.

Бу янглиғ қатиг кунда доройи даҳр,  
Ажал жомидин айлаб ошоми заҳр.

Аноси чу ёдига тушти анинг,  
Ажаб ўт ниҳодига тушти анинг.

Кўзин очибон элга айлаб нигоҳ,  
Ажал елидек чекти бир совуғ оҳ.

Дабир истади, сафҳау хомае,  
Аносига ёзмоқ учун номае,

Ки когаз узорин қаро айлагай,  
Васият ишини можаро айлагай.

Дабири гуҳарсанжи чобукрақам,  
Очиб саҳфани дард, чекти қалам.

Анга нукталарким Скандар деди,  
Рақам қилдию ул бу янглиғ эди,

Ки бу сафҳақим номани дард эрур,  
Рақам анда ҳангоман цард эрур.

Биров ҳамдидиндур бидоят анга,  
Ки йўқ ибтидоу ниҳоят анга.

Муфизини ато, балки халлоқи жуд,  
Халойиққа бергани адамдин вужуд.

Бадани ичра жон жавҳарини солгучи,  
Яна охир ўз берганини олгучи,

Теңгиз ичра итгонга ҳам раҳбар ул,  
Биёбонда ўлгонга ҳам ёвар ул.

Гадолиғни шаҳлиғдин этгани азиз,  
Жаҳон шаҳлари олинди бир пашиз.

Анингким мизожини алил айлабон,  
Биёбонда зору залил айлабон.

Қазосидин ўлгонда огоҳлиғ,  
Асиг қилмайини ҳашмату шоҳлиғ.

Ниҳон ҳар қазосинда ҳикмат, басе,  
Ки билмай қилиб ақл фикрат, басе.

Таоллилоҳ, ул сонегини зул-жаалоҳ,  
Ки ҳам лам-язал келди, ҳам ло-язол.

Чу ҳақ шукру ҳамдин адо айлабон,  
Васият бу навъ ибтидо айлабон,

Ки: «Мендинки, йўқ мендек озурдае,  
Ажал ҳайли илгида пажмурдае.

Сангаким, бузулгон таним жоиисен,  
Вужудум самин лаълининг конисен.

Будур сўзки, кўи фурқатинг истадим,  
Йироқлик била меҳнатинг истадим.

Бошимга тушуб ҳарза андешае,  
Дедим олам очмоқ эрур пешае.

Не қилгон ҳаёлим бори хом эмиш,  
Ҳавас жоми кўнглумга ошом эмиш.

Керак эрди, то кирди мағзимга ҳуш,  
Хирад токи солди димоғимга жўш,

Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,  
Қабул айласам эрди қуллуқ санга.

Санга айлабон хоки даргоҳлик,  
Анинг отин этсам эди шоҳлик.

Ул иқболима чарх бўлди ҳасуд,  
Ўлар чоғда ўлтурсам ўзни не суд?

Ризонг ўлмаса кўнглума гамзадой,  
Бу дармондага вою юз қатла вой!

Неча тутмадим ҳукму амрингни пос,  
Тут албатта сеп пос, бу илтимос!

Ҳамул дамки, етгай бу номам санга,  
Билингай ўқуб нақши хомам санга.

Яқинким бўлуб пайкаринг рез-рез,  
Ҳаётингга тушгай ажаб рустхез.

Чу сенсен жаҳон аҳли донандаси,  
Улуснинг васият расопандаси.

Керак хар не олимга ёзди қазо,  
Саиға ҳам аён бўлса мендек ризо.

Кўнгул мендин узмак ишин чоғласанг,  
Чу уздунг, апи тенгрига боғласанг.

Юзуниг кож ила қилмасанг мушкрез,  
Сочинг бирла мушк узра кофурбез.

Тузуб навҳам оҳангида можаро,  
Жаҳон қилмасанг гам тунидек қаро.

Қуёшдек ичинг сўзнок этмасанг,  
Ёқонг, ўйлаким субҳ, чок этмасанг.

Сариг юз уза қилмай оқ сочни фош,  
Шуоъний хутутин, нечукким, қуёш.

Харош этмасанг юз, янолар киби  
Ўгул мотамида анолар киби.

Агар сабрга бўлмаса тоқатинг,  
Бу ишга вафо қилмаса қувватинг,

Улуқ жашн қилғил қилиб эҳтимом,  
Тузат ҳадсиз анда мулавван таом.

Мунодо қилиб борча атрофга,  
Хабар айтиб арзолу ашрофга.

Йиғиб кишвар аҳлини айвонинга,  
Йиғилғонни ўлтуртқил хонинга.

Чу ул давра еткурди бир-бирга бош,  
Дегил, төртсунлар эл олинда ош.

Ёйилғоч улус олида атъима,  
Ки тутқай бори жашн ичин ер нима.

Дегилким, мунодо ул элга десун,  
Ки: «Ул кимса бу ошлардин есун,

Ки бу кўҳна дайри куҳан тоқ аро,  
Анга бўлмағай кимса туффроқ аро».



Назар қил бу сўзни дегач хонинга,  
Ки кимса сунарму илик нонинга?

Узотса биров ул емакларга қўл,  
Менинг сўгума сен ҳам озурда бўл.

Ва гар кимса қўл сунмаса ҳар тараф,  
Емак шуглини қилсалар бартараф,

Бу маълум ўлурким, йўқ эрмиш бирав.  
Ки туфроқ аро йўқ кишиен гарав.

Билингачки бу навъ эмиш рўзгор,  
Ул ишдин ўзунгга бўл омўзгор.

Ғамимда алам ҳузнидин фард бўл,  
Бори олам аҳлига ҳамдard бўл.

Неча сарвару бахти фархундасен,  
Алар бандадур, сен даги бандасен.

Керак бандага иш сарафгандалик,  
Не ҳақдин келур айламак бандалик.

Неким ҳақ ризоси ризоманд бўл,  
Қазо ҳар неким қилса, хурсанд бўл.

Мен ар яхши эрдим ва гар худ ёмон.  
Хиром айладим умр бермай амон.

Қўлумда агар нақд мақсуд эмас,  
Пушаймонлигимдин вале суд эмас.

Саиға бўлса бир неча кун муҳлате,  
Раво кўрма ҳақ ёдидин гафлате.

Ғаҳи лек фархунда авқот аро.  
Ки бўлгунг шуҳуд ичра тоат аро.

Бу ўлган ғарибингни ёд айлагил,  
Дуо бирла руҳини шод айлагил».

Скандар чу мақсудин этти тамом,  
Чекилди варақ кунжига: «вассалом».

Бериб неч, тошшурди мактубни  
Аён қилди кўнглига матлубни,

Ки: «Қилмай таваққуф, туну кун сурунг,  
Аномга бу мактубни еткурунг.

Бу дамким уёқиб манга офтоб,  
Ёшилгай қуёшимга мушкин саҳоб,

Бошим узра кўп изтироб айламанг,  
Жаҳонни азодин хароб айламанг,

Манга наъш ичинда мақом айлангиз,  
Демай кеча-кундуз хиром айлангиз.

Қиллинг нақл жаҳду жидд айлаб бори,  
Скандарни Исқандария сори.

Тирикликда ул ер эди маъманим,  
Ўлум вақти ҳам айлангиз мадфаним.

Вале қилсангиз наъш аро устувор,  
Ҳамул лаҳза зинҳору юз зинҳор,

Чиқоринг бир илгимни тобутдин,  
Ҳамул навъким — ришта ёқутдин.

Ки эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,  
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи:

«Бу панжаки, бармоглари чекти саф,  
Жаҳонни жаҳон аҳлидин урди каф.

Кафи ичра олди жаҳон кишварин,  
Бару баҳрнинг лаъл ила гавҳарин.

Чу урди ажал илги табли раҳил,  
Бақо бўйнига солди ҳабли раҳил.

Жаҳондин шал илги мисоли борур,  
Нечукким, чинор илги холи борур.

Ангаким, мададгор бўлғай билик,  
Жаҳон шуглидин бори чеккай илик».

Бу ерларга еткурди чун шаҳ сўзин,  
Туганди сўзи, доғи юмди кўзин.

Олиб эрди чун мулки фойиини жазм,  
Бақо мулкини олгали қилди азм.

Солиб тан тилисмини туфроқ уза,  
Ҳаво қилди бу чархи нуҳ тоқ уза.

Чу кўк сори ердин сафар айлади,  
Еру кўкни зеру забар айлади.

Ажал сарсари бўлди гетинавард,  
Қаро қилди олам юзин тийра гард.

Нигунсор ўлуб хисравоний дарахт,  
Тушуб ерга тож, ўлди юз пора тахт.

Қаросни нигин юзда фош айлади,  
Юзин ҳам саросар харош айлади.

Узуб ҳикмат авроқини тундбод,  
Кутуб учтню элга қолди савод.

Кутубдек кийиб ҳикмат аҳли қаро,  
Тушуб илм янглиғ сиёҳий аро.

Фалакким, ул иш бемадуро қилиб,  
Қиёмат кунини ошкоро қилиб.

Нединким бўлуб бир жаҳон халқи ур,  
Солиб ноладин даҳр аро нафҳи сур.

Бу янглиғ қиёматки, ногаҳ тушуб,  
Чиқиб кўкка арзу фалак таҳ тушуб.

Чу ер топибон чархмикдорлиқ,  
Топиб ёна кўкдек нигунсорлиқ.

Фалак бирла ер сарбасар чайқалиб,  
Дема чайқалиб, борчаси қўзгалиб.

Ҳамул дам чиқиб чун ародин амон,  
Ҳамоно яна кўрмай они замон.

Кўруб эл бу янглиг фалак жаврини,  
Учургунча ошубдин ҳаврини.

Залилона гавгоу фарёд этиб,  
Чу шаҳнинг васиятларин ёд этиб,

Яна тарки оху фиғон айлабон,  
Не ҳукмеки шоҳи жаҳон айлабон.

Ҳамул навъ этиб наъши тартибини,  
Дегандин фузун зийнату зебини.

Махофа аро айлабон они руст,  
Қадам қўйдилар шаҳ деган сорн чувт.

Бурунроқ киши элтибон номани,  
Оносиға арз этти ҳангомани.

Оноси чу воқиф бўлуб ҳолдин,  
Ки не Рустам айрилмиш ул Золдин.

Кетиб магзидин фаҳму хушу хирад,  
Қолиб руҳсиз бир қуруқ қолбад.

Тилаб кўкенин чок-чок айламак,  
Ул андуҳдин ўзни ҳалок айламак.

Вале чун боқиб нома мазмуниға,  
Тасалли бериб жонн маҳзуниға.

Билибким Скандар неким ёзди панд,  
Эшитмаклик они эрур судмаид.

Ва лекни ўзин забт эта олмайин,  
Васият бошиға ета олмайин,

Тилаб оҳ ўтидин жаҳон ўртагай,  
Жаҳон йўқ, тўқуз осмон ўртагай.

Яна айлабон шаҳ сўзи посини,  
Ниҳоний ичиб захрлар косини.

Ҳамул дард ўтидин ниҳон ўртаниб,  
Ки ниҳон ўтидин жаҳон ўртаниб.

Қўюб жисмида пуда раглар дағи,  
Бўлуб кул қуругон сўнгаклар дағи.

Анга буйла ҳолатки етти гуруҳ,  
Қаро остига қолибон дашту кўҳ.

Қўюб шаҳ наъшини бўюнларга хайл,  
Қилиб ҳар қадам йўлда жонлар туфайл.

Чу фаҳм этти ул ишни исматпаноҳ,  
Ичи барқидин чекти бир ўтлуқ оҳ.

Асо тутти, дағи белин боғлади,  
Тушуб йўлга гардун ичин доғлади.

Ситамдидалардек қадам олибон,  
Уётдин фалак бош қуйи солибон.

Аларким кўруб ул қаро жун анга,  
Бори навҳа айлаб, чекиб ун анга.

Йироқтин кўруб ўғли тобутини,  
Узуб чарх анинг умрининг қутини.

Фалакдин кўруб халқ ул навъ рев,  
Малак зумраси ичра солиб гирев.

Чу тобутқа етти тожур-рижол,  
Деди ун чекиб зору ошуфтаҳол

Ки: «Хуш келдинг, эй меҳмони азиз,  
Ки қурбонинг ушбу қаригон каниз!

Санга лойиқ эрмас эди бу сарой,  
Ки бўлдунг қўюб бизни, ғурбатгарой.

Не лойиқки қилгай макон нури пок,  
Бу дайр ичраким аслидур тийра хок.

Мунаввар қилиб равза бўстониини,  
Еруттунг малойиқ шабистониини.

Хирад олидаким муҳосибдурур,  
Бу иш қуд бу янглиғ муносибдурур.

Санга гар бу суратда эрди сурур,  
Сурурингга биздин ризодур зарур.

Манга лек зулм ўлди афлокдин,  
Саритъанижуму даҳри бебокдин,

Ўи азм этмадим йўлга сендин бурун,  
Ясарга санга жаннат ичра ўрун.

Ажаб лаъб кўргузди афъоли чарх,  
Ўи хуршид уёқти, қолиб золи чарх.

Бу кунни агар қилсам эрди хаёл,  
Мени ул дам ўлтургай эрди малол.

Бу иш тушта гар жилва қилгай эди,  
Ҳамул лаҳза захрим ёрилгай эди,

Қазодин бу иш келди чун жонима,  
Бу сели бало жисми вайронима.

Бу шиддат аро ҳам йўқ эрди гамим,  
Агар бўлса эрди аён мотамим.

Ўкурсам эди оқ сочимни ёйиб,  
Келиб гоҳ ўзумга, гаҳи сустойиб.

Юзумдин ўюб тоза парголалар,  
Очиб заъфаронзор аро лолалар.

Яқо чокига даст топсам эди,  
Қаро киз осиб танни ёпсам эди,

Чекиб нола ул навъким нафҳи сур,  
Фалак жавфига солсам эрди футур.

Бериб наъшинг олинда жони заиф,  
Солиб жисминг устига жисми наҳиф.

Фалак зулмидин холи айлаб кўнгул,  
Ано борса эрди нечукким ўгул.

Ва лекни будур дарди жоний манга,  
Гаму меҳнати жовидоний манга,

Ки мотам тутуб шайи эта олмадим,  
Бериб жон, сўнгунгча ета олмадим.

Ки сендин бурун етти номанг манга,  
Рақам айлаган пақши хоманг манга.

Не ишларки айлаб эдинг илтимос,  
Зарур эрди тутмоқ ҳадисингни пос.

Уқубат агар торттим беадад,  
Эшитмасга ҳукмунг ва лекин не ҳад?

Эмас эрди хоқону қайсар сўзи,  
Ки ул нома эрди Скандар сўзи.

Таним дуржига пок гавҳар қани?  
Бару баҳр шоҳи Скандар қани?!»

Бу ойини ила ул бўлуб нуктарез,  
Халойиқ ичига тушуб рустахез.

Келур эрдилар тортиб афғону оҳ,  
Анга тегруким шаҳға оромгоҳ.

Чу ул танни мадфанига еткурдилар,  
Дегил руҳни танга еткурдилар.

Қилиб тийра туфроқ багрин харош,  
Ешурдилар ул туфроқ ичра қуёш,

Эрур расм ушбу куҳан тоқ аро,  
Қуёш ботмоғи тийра туфроқ аро.

Кўмуб тийра туфроққа равшан танин,  
Ясаб юз туман зеб ила мадфанин.

Сипехр атласин қабрпўш эттилар,  
Неча кун фиғону хурўш эттилар.

Ҳам охир кўшгулни бори тиндуруб,  
Кўшгулда ҳавас хорини синдуруб.

Фиғон печа айлаб, наво топмайин,  
Ул озурдалиққа даво топмайин.

Тутуб борча ойини хурсандлиқ,  
Қазо ҳукмига сабрпайвандлиқ.

Аёқчи, ичим келди гамдин батанг,  
Кетурғил тўло соғари лола ранг.

Ки чун бўлса они сумурмак манга,  
Иш ўлгай ҳамул дам ўкурмак манга.

Муганний, келу навҳа оҳанги туз,  
Бузуг кўнглумизни яна доғи буз,

Ки ҳам мотамий қилди, ҳам гамзада,  
Фироқ ичра бизни бу мотамкада.

Навойӣ, жаҳондин вафо истама,  
Тутуб бенаволиғ, наво истама!

Бировга жаҳондин етишмас ано,  
Ким ул тутса ойини фақру фано.

## LXXXI

*Ети ҳақимнинг Искандар онасига азо текурғали келмаклари ва ҳар бирининг дуо ва сано гулрухлариға ўзга иборат деболари либоси кийдуруб жилва берғони ва таҳсин ва офарин маҳвашлариға ўзга алфоз гавҳарлари зеварин тоқғони ва ул дағи ети фалак қошида даҳр золидек ўзни паст тутуб, аларға маъзират ошкор қилғони*

Бу мотамсарой ичрағи навҳагар,  
Тешар элга бу навҳа бирла жигар,

Ки Искандар этти чу қатъи ҳаёт,  
Аносига бўлди қаро кoinот.

Нечукким васият ёзиб эрди шоҳ,  
Амал қилди Бонуйи иффатпапоҳ.

Ише қилдиким, ҳаргиз ул навъ иш,  
Жаҳон аҳлидин ҳеч ким қилмаиш.

Бўлуб воқиф ул ишдин аҳли яқин,  
Қилиб ҳар бири юз туман офарин.



Бори келдилар мотамин сўргали,  
Ниҳоятдин афзун гамин сўргали.

Ҳамул шоҳи мағфурининг мадфани,  
Бўлуб эрди тун-кун анинг маскани.

Чу Бонуён даҳр ўлди доно анга,  
Ки юз кўйди ул ети дарё анга.

Ҳамул қавм ихзориға берди бор,  
Қилиб юми мақдамларин эътибор.

Ети баҳр бўлғоч аён ногаҳон,  
Фалакдек таҳаррукка тушти жаҳон.

Аёғ узра ҳурматларига туруб,  
Борин бир-бир ўлтуртубу ўлтуруб.

Алар чунки бир лаҳза топиб сукун,  
Филотун деди борчасидин бурун

Ки: «Бонуки даврондин огоҳ эрур,  
Билки ичра давр аҳлига шоҳ эрур.

Анга ҳожат эрмас бизинг пандимиз,  
Ҳамул нуктаи сабрпайвандимиз.

Нединким, эрур аъқали рўзгор,  
Халойиққа ақл ичра омўзгор.

Вале бир дуодин эмастур гузир,  
Ки борбиз анга барча фармонназир.

Гуҳар чўмса дарёга, бўлсун ҳаёт,  
Кўёш ботса гардунга етсун сабот.

Не ҳожатки, биз бўлғабиз сабрхоҳ,  
Ки сабр айламакни ёзиб эрди шоҳ.

Неким шаҳ васиятда кўргузди панд,  
Борин бўлди андин фузун қорбанд.

Буқун улдурур олам аҳлида фард,  
Демай шерзан, балки юз шери мард.

Ки андоқ ўгул андин олди қазо,  
Қазога аён этмади жуз ризо.

Умид улки бу дарду андуҳнинг,  
Худо муздин этгай аён бирга минг».

Тугатгач Филотуни доно калом,  
Аён қилди Суқрот мундоқ наём

Ки: «Эй ети иқлим Бонусисен,  
Хирад шахси зону-базонусисен!

Санга гоийб ар бўлди озода шоҳ,  
Бори ҳолига ҳозир ўлсун илоҳ.

Анга оқил ўлгай насихат писанд,  
Ким ул ақлдин бўлмагай баҳраманд.

Қазодин не келса ризо бермагай,  
Ризо ҳам нечукким, сазо бермагай.

Аёғига сончилди эрса тикан,  
Бўлуб оҳдин кўкка новакфиган.

Насимики зайлига еткурса гард,  
Анинг дардидип тортқай оҳи сард.

Ва лек ул кишиким хирадманддур,  
Неким тенгридин келса хурсанддур.

Сенинг бу тариқнинг эрур баркамол,  
Ки ҳақ бермасун доиншинга завол».

Туганди чу Суқротнинг ҳикмати,  
Етишти Балиноснинг навбати.

Дуо қилди огози таъзим ила,  
Тикиб кўзларин ерга таслим ила.

Дуо хатм этиб, деди бу сўз яно,  
Ки: «Ети ато бирла бу тўрт ано.

Сенингдек топа олмай огоҳ қиз,  
Ки даҳр ўлмасун сендек огоҳсиз.

Бори элга бу сўзга бор иттифоқ,  
Ки душвор эрур дарду доғи фироқ.

Бу дард ичра улким жазаъкорроқ,  
Ризо бермаган дарди душворроқ,

Ки аввал ризо нақди бўлгай талаф,  
Мусибатнинг ажри дағи бартараф.

Сенинг ройинга нури таҳқиқ эрур,  
Ҳақ эҳсонидин онча тавфиқ эрур,

Ки шойиста ишга қилурсан шуруъ,  
Не шойиста эрмас, этарсен ружуъ».

Балинос чун сўзни қилди адо,  
Яна этти Буқрот сўз ибтидо

Ки: «Эй гусса ошомида қофи ҳилм,  
Сенинг зотинга содиқ авсофи ҳилм!

Чу сабринг камандин ҳақ этти узун,  
Анга ҳар дам ўлсуи узунлуқ фузун.

Муни билки, ҳар неки бор жушбуши,  
Ниҳоятқа етгач сукувдур иши.

Топар гўй чавгондин илдомлиқ,  
Ва лекин бўлур охир оромлиқ.

Йўқ ул гўйким, гунбази гармпўй,  
Ки саргаштадур тун-қун андоқки гўй.

Мунга доғи бир кун қарор ўлғуси,  
Қарор ичра беихтиёр ўлғуси.

Булардин бири англа одамни ҳам,  
Не одамки, бал аҳли оламни ҳам.

Ангаким азалдин хирад ёрдур,  
Бу иш фикратига мададқордур.

Сени юз туман шукрким, кирдигор  
Хирад ганжидин айлади комгор».

Чу Букрот ҳарфига итмом эди,  
Дуо бирла донанда Хурмус деди

Ки: «Эй гулсиз ўлгон хазондйда боғ,  
Ёруғ нуридин айру тушган чароғ,

Билурсеки очилса боғ ичра гул,  
Узар боғбон охир андин кўнгул.

Нечаким чароғ ўлса мажлисфуруз,  
Ҳам охир бўлур оқибат тийрарўз.

Чу бу навъ эрур даҳр хосияти,  
Ки бўлгай пароканда жамъияти.

Мунга изтироб айламак суд эмас,  
Демай судким, жуз зиёнбуд эмас.

Сапга тенгри чун берди донандалиқ,  
Ўзунга насихат расонадалиқ.

Демак панд — таҳсили ҳосилдурур,  
Деганди хирад нақши зойилдурур».

Чу Хурмус деди сўз, бўлуб хокбўс,  
Равон бошлади нукта Фарфунюс

Ки: «Эй ҳикмат ойиниди баҳраманд,  
Сўзунг гавҳару гавҳаринг аржуманд!

Букун сепсен ул баҳру кони шигарф,  
Ки бўлмуш дуру гавҳаринг бартараф.

Вале қайси дарё яратмиш худо,  
Ки ул бўлмади ўз дуридин жудо.

Яна қайси конким, магок ўлмади,  
Бориб гавҳари, багри чок ўлмади.

Эрур суннатуллоху расми қадим,  
Билурда сенинг даги мислинг адим.

Хирад, ўйла, қилмиш сени аржуманд,  
Ки феълинг эрур барча бихрадишанд.

Сапгаким бу ҳақдин мавоҳибдурур,  
Бу неъматқа кӯи шукр вожибдурур».

Чу Фарфунюс этти иршодини,  
Арасту қилиб нукта бунёдини.

Аён айлабон нуктаи дилхарош,  
Дер эрдию кӯздин тўкар эрди ёш

Ки: «Бу важҳдин дурфишондур кӯзум,  
Ки дейолмону, бордурур кӯи сӯзум.

Сапга панд бермак эмас дилнисанд,  
Керактур манга юз киши берса панд.

Вале мен чу эрмон насиҳатпазир,  
Ки ҳушумни савдо қилибдур асир.

Дер эрдимки дарду гамингни сӯрай,  
Бу поёни йўқ мотамингни сӯрай.

Нетайким, сӯрардин тилим лолдур,  
Замирим, бас, ошуфта аҳволдур.

Бу ғамда мадад қилди Бонуға ҳақ,  
Ки олмоқ керак барча андин сабақ,

Ки бизларча ҳам изтироб этмади,  
Ўзин дард ўтига кабоб этмади.

Ичи ғунчадек таҳ-батаҳ қон бўлуб,  
Вале халқ аро оғзи хандон бўлуб.

Не ҳукми қазога бўлуб носинос,  
Не ҳақ лутфу жудига ҳақ ношинос.

Демас сўз тилига мурур этмайин,  
Хаёлига балким хутур этмайин,

Ки ҳақ ортуқ этсун бу иқболини,  
Ҳумоюн қилиб ҳар нафас фолини».

Чу ҳуш аҳли Бону ғамин сӯрдилар,  
Димогини ҳушига келтурдилар.

Қилиб хотиросо фусуну дами,  
Ниҳон ёраларга қўюб марҳами.

Анинг буйла марҳам тошиб ёраси,  
Ўзига келиб ҳуши овораси.

Алар узрига бўлди афсонасанж,  
Ети кон уза бир бузуг тўкти ганж

Ки: «Мендин бу мотам эрур сизга кўб,  
Скандар гами бордурур сизга жуб,

Ки ҳолоти сизларга маълум эди,  
Камолоти сизларга мафҳум эди.

Сафар ичра сиз эрдингиз ёр анга,  
Ҳазар ичра сиз ёру гамхор анга.

Демасменки ул бор эди шоҳингиз,  
Рафиқ эрди андоқки дилшоҳингиз.

Барингиз анга ошкору ниҳон,  
Кўп ортуғроқ эрдикки икки жаҳон.

Чу ул ёрингиз борди, гамгинмусиз?  
Анинг ҳажрида мотамойинмусиз?

Ки ҳақ бу гамингизни рафъ айлагай,  
Қатиф мотамингизни дафъ айлагай.

Скандардин ар борчамиз фардбиз,  
Вале бир-биримизга ҳамдардбиз.

Бу иш бўлғали қилмадим сўз ҳавас,  
Тақаллум қилиб урмадим бир нафас.

Дедим умрдин то таним топса қут,  
Қўяй сўздин оғзимга муҳри сукут.

Чу сиздин аён бўлди ҳамдардлик,  
Эмас яхши ҳамдарддин фардлик.

Мени солдингиз сўзга беихтиёр,  
Ки ҳамдард ўлуб, сўзга не ихтиёр».

## LXXXII

*Ул илги кесилганның ҳикоятим, қўлиға туҳмат тиғи  
дастбурд кўргузди ва ул ҳамдардларига етгач, даст-  
андозлиғ била навҳа тузди*

Эшиттимки, бор эрди бир нотавон,  
Фалак зулмидин қисми ранжу ҳавон.

Яна даст берди ажаб шиддате,  
Қўлин кестилар айлабон туҳмате.

Чу бу зулм анга ўтти, дам урмайин,  
Нафас эл била бешу кам урмайин.

Кесук илгин олди бутун қўлга, бот  
Югурди халойиққа беилтифот.

Бу ишдин бўлуб воқиф аҳли диле,  
Эришти ичига тушуб мушкиле.

Йироқдин қилур эрди ҳамроҳлиқ,  
Ки ул рамздин топқай огоҳлиқ.

Чу мазлум чиқти улусдин қироқ,  
Ки чиқмоқ улусдин қироқ яхшироқ.

Борур эрди андоқки, девонас  
Ки ногаҳ падида ўлди вайронас.

Бор эрди бузукда неча дардманд,  
Қўли барчанинғ буйла топқон газанд.

Алар олиға етгач ул сийнареш,  
Дегайсенки, бағриға сончилди пеш.

Кесук илгини ташлабон, чекти вой,  
Алар ичра ҳам тушти кўп ҳой-ҳой.

Қучуб бир-бирин можаро қилдилар,  
Ки олам фазосин қаро қилдилар.

Ҳамин айлаган кўргач ул созни,  
Тафаррус била билди ул розни.

Ким мазлум элдин тилаб фардлик,  
Чекиб келди ул элга ҳамдардлик.

Киши топса ҳамдардини ногаҳон,  
Не имкон ниҳон дарди қолмоқ ниҳон?

### LXXXIII

#### ҲИҚМАТ

*Ул бобдаким, ики ҳамдард бир-бирига недин маълуфдурлар ва ики ҳамжинс бир-бирининг мулоқотиға нечун машъуф*

Бу янглиғ демиш ҳикматандеша хайл,  
Ки ҳамжинс қилмоқ бири бирга майл.

Эрур бу жиҳатдинки машраблари,  
Яна доғи толеъда кавкаблари.

Мувофиқдурур асли фитрат аро,  
Ки майл ўлди бир-бирга нисбат аро.

Бир ахтар қилиб икига парвариш,  
Берур майл иқовга табний кашиш.

Ул ахтарга ҳарне асар бўлғуси,  
Ки ул хайр йўқ эрса шар бўлғуси.

Ул элга асар юзланур воқеъи,  
Ки бу нажм эрур соҳиби толеъи.

Агар айшу роҳат ва гар дарду гам,  
Борига насиби етар бешу кам.

Тоғиб роҳат ичра ҳамовардлик,  
Яна ранжу меҳнатда ҳамдардлик.

Фузун айлар аввалғи нисбатларин,  
Берур иттисол ичра шиддатларин.

Қачон мунча нисбат топар ики ёр,  
Қилур майл бир-бирга бенхтиёр.

Ики зор булбул ҳамовоз ўлур,  
Буйла ики қумрига парвоз ўлур.



Агар ваҳшу тайр ўлсин, ар жинну ине,  
Бу ишдин эрурлар анис ики жинс.

#### LXXXIV

*Ул шаҳзодаи сипеҳржаноб мадҳиким, хуршиду ой қирон қилғонда туққан саъд ахтардурур ва сарву гул муқорин бўлғонда очилғон ғунчаи суҳанвар ва дoston ибтидосини султони соҳибқирон мадҳида бир неча дурфишонлиқ била музайян қилмоқ ва гузориш дебочасини Скандари даврон саносида бир неча гуҳаррезлиқ била мураассаъ этмак ва шаҳзода мадҳин насойиҳ била ихтисор қилмоқ ва ети ҳаким била Искандар ҳикматларин анга ошкор айламак ва сўнгра қойил ўз зодаи табъи ики лаъли оташин анинг қулогига лойиқ ва ики дурри самин анинг истимоиға мувофиқ назм силкига тортмоқ ва дуо жавоҳири билан хатм қилмоқ*

Биҳамдиллаҳ, иқбол ўлуб корсоз,  
Бу тугро баёнига чектим тироз.

Алиф ибтидосиға айлаб рақам,  
Ниҳоятда қилдим рақам минн там,

Ки яъни бу сўз етти итмомига,  
Бу тарих оғози анжомига.

Мададгор ўлуб гунбази тезгард,  
Скандар ҳадисига бердим навард.

Агар борди Искандари тахтгир,  
Ҳаҳон мулкида қўйди тожу сарир.

Бу иштин жаҳон бўлмасун дардинок,  
Чу қойим-мақом ўлди пайдо, не бок?

Бори шоҳлар сарфарозини бил,  
Скандарсифат Шоҳи Ғозийини бил.

Эрур олам аҳли ниғаҳбонин ул,  
Ниғаҳбон йўқ, Искандари сонин ул.

Скандар агар келди ойинасоз,  
Замири анинг бўлди миръоти роз.

Гар ул ганжлар узра қилди тилисм,  
Мунга ганж сарф айламак бўлди қисм.

Гар ул эрди ҳикмат тариқида чуст,  
Бу келди таваккул йўлида дуруст.

Гар ул қўймади душман этмай табоҳ,  
Бу — душманларига эрур некхоҳ.

Гар ул — рой ила қилди ҳар ишни биг,  
Мунга ҳақ насиб айлади рою тиг.

Гар ул оби ҳайвон учун сурди от,  
Мунунг ҳар сўзи келди оби ҳаёт.

Гар ул фитна яъжужига чекти сад,  
Мунунг мулкига фитна келмак не ҳад.

Гар ул олам олди тузуб дору гир,  
Бу — олам берур, истаса бир фақир.

Лига гар йўқ эрди халафдин шараф,  
Мунга тенгри берди ўн олти халаф.

Алардин бири меҳри пурнур эрур,  
Ўи ҳар нома бошида мазкур эрур.

Бири улки, юз лутф эрур зотиға,  
Ўи «Фарҳоду Ширин» эрур отиға.

Яна қолгон ўн тўрт маълум қил,  
Назоҳатда ўн тўрт маъсум бил.

Икиси набира, ўн ики ўғул,  
Ўи ҳар бирга юз шоҳу шаҳзода қул.

Эрур давлат авжиға ўн ики бурж,  
Шараф дурру лаълиға ўн ики дурж,

Ўи бўлсун бори умридин баҳраманд,  
Алардин дағи хисрави аржуманд.

Бори бўлсун офоқ аро комгор,  
Батахсис шаҳзодан номдор.

Юзи меҳр базмида шамъи тироз,  
Қади салтанат богида сарвиноз.

Латаф — жисмининг жону жононаси,  
Шараф баҳрининг дурри яқдоннаси.

Ети пушти оламга султон келиб,  
Атодин ато хон, бин хон келиб.

Ато Шоҳи Ғозию ул нури айи,  
Музаффар Ҳусайн ибни Султон Ҳусайн.

Алал-оламина дома эхсонаҳу,  
Лаҳу халладаллоҳу султонаҳу.

Таолиллоҳ, асру аҷаб зот эрур,  
Ки оламга андин мубоҳот эрур.

Зафарга қарин фаррух оти анинг,  
Бори айбдин пок зоти аниг.

Адаб тахтининг меҳри афлоки ул,  
Ҳаё баҳрининг гавҳари поки ул.

Келиб қаҳридин дўзах ўтига бийм,  
Вале хулқи жаннат гулидин насим.

Кичик ёшлиқ, аммо улуг қадрлиқ  
Ҳилолида маълум ўлуб бадрлиқ.

Неча шер бўлсун кичик, гар улуг,  
Эрур савлати бирла эл қайгулуг.

Улус чехраи оламафрўзидин,  
«Билур йил келишини наврўзидин»

Чу васфин баён қилмоқ осон эмас,  
Ки поёнига етмак имкон эмас.

Насиҳат тариқин шиор айлайин,  
Дуо бирла-ўқ ихтисор айлайин.

#### LXXXV

*Юқори мастур бўлгон ва илгари мазкур бўлгон дастур*

*била мадҳдин дуога ружуъ қилмоқ ва ҳукамо хирадно-  
малариға шуруъ қилмоқ*

Аё, шохвашларнинг озодаси!  
Жаҳон аҳлининг шоҳу шаҳзодаси!

Скандарки бор эрди оламға шоҳ,  
Бори олам аҳлига зилли илоҳ.

Жаҳон аҳлича илму донолиғи,  
Хирад қувватидин тавонолиғи.

Бўлуб қисми ҳам ҳикмату ҳам билик,  
Яна чекмайин ўрганурдин илик.

Эмас эрди ўз рою тадбири кам,  
Тилар эрди эл рою тадбири ҳам.

Тутуб панд донишвар элдип умид,  
Хирадномалар олмиш эрди муфид.

Солур эрди ҳар кун алар сори кўз,  
Тоғиб дилписанд инш, дилосой сўз.

Ҳақим айтқондек бўлуб корбанд,  
Не ишдинки айлаб, бўлуб баҳраманд.

Неча сўз алардип баён айлагум,  
Не махфиси ўлса аён айлагум.

Умид улки, сен ҳам қилиб истимоъ,  
Санга дағи нафъ айлагай ул матоъ.

Биридур Арасту хирадномаси,  
Ки таҳрир этибдур анинг хомаси.

Шуруъ айлагум гарчи мужмал анга,  
Вале тенгри ҳамдидур аввал анга,

Чу ҳақ ҳамдиға айламиш ихтитом,  
Бу янглиғ Скандарга сурмиш калом:

«Ки билгилки олам вафосиздурур,  
Не оламдадур—ҳам бақосиздурур.

Неким бўлмагай анда пояндалик,  
Анга яхши эрмас кирояндалик.

Эрур ҳақки боқидурур лоязол,  
Ки етмас камолига ошинг завол.

Неким тенгрининг гайри ёд этмагил,  
Чу ёд айласанг эътимод этмагил.

Ҳақ олинда мундоқки, сенсен ҳақир,  
Санга, ўйла, йўқ ҳеч зору фақир.

Нечукким санга марҳамат айлар ул,  
Сен ул элга ҳам марҳамат узра бўл.

Улуским санга бандакирдордур,  
Санга дағи бир қодире бордур.

Заифингга гар лутф қил, гар газаб,  
Қавийдин дағи они қилгил талаб.

Киши муҳр аро ҳар не қилди пиғор,  
Варақда ҳамул нақш ўлур ошкор.

Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,  
Ўзунгга раво кўрмагани раво!»

Филотун сўзидурки: «Эй сарфароз!  
Ҳақ этмиш сени халқдин бениёз.

Анинг лутфидиндур бу шавкат санга,  
Анинг бахшишидин бу ҳашмат санга.

Агар амрига қилмасанг инқиёд,  
Қачон топқай олида уқданг кушод.

Сипаҳ фикрига элни қилма табоҳ,  
Ки тенгри қилур ишни, йўқким сипоҳ.

Сипаҳ тутса оламни андоқки дуд,  
Зафар бермаса ҳақ таоло не суд?

Сипаҳни ҳам асру нажанд айлама,  
Фалокат аро мустаманд айлама,

Ки шахдин етишса сипаҳга газанд,  
Сипаҳдин эрур бийм шаҳга газанд.

Не мутлақ инон айла, не поумид,  
Етур бийму уммид бирла навид.

Сипаҳ хотирни лутф ила шод қил,  
Раиятни адл айлаб обод қил.

Бу икига сендин қачон етса ком,  
Топар шахлигинг равнақу интизо...

Яна сурди Суқрот бу навъ сўз —  
Ки: «Тут тенгридин фатҳу иқбол кўз.

Қачон ҳақ била сидқинг ўлди дуруст,  
Не ҳожат нима халқдин бозжусти.

Сени айлади тенгри ўз сояси,  
Бийикдур ҳамул соянинг пояси.

Керак элга осойиш ул соядин,  
Етишмак наво борча пироядин.

Мунунгдек бийик поя қадрини бил,  
Анга лойиқ афъол фикрини қил.

Улус ранжига эҳтимом айлама,  
Ўзиңгга бу отни ҳаром айлама.

Раиятни адлингдин осуда тут,  
Фарогат миҳодида уйқуда тут.

Аларга чу таскину оромдур,  
Санга даги ҳосил бори комдур.

Раиятқа бўлса парокандалиқ,  
Топар салтанат нахли баркандалиқ,

Агар қўй бўри хайли номолдур,  
Яқин билки, чўпонга ит ҳолидур».

Яна деди Буқротни фаррухсириништ  
Ки: «Эл чун кўрар ҳар исдур сарнавиништ.

Не тақдирдур дафъи осон эмас,  
Киши кўрмайини они имкон эмас.

Қазо дафъига солибон элга ранж,  
Ғалатдур тама айламак молу ганж,

Ки ҳифз этмаса эзиди зул-жалол  
Кишига не ганж аснғ айлар, не мол.

Таваккулдадур гарчи кому пишот,  
Вале шарт эрур айламак эҳтиёт.

Риоятда ифрот матлуб эмас,  
Таваккулда гафлат доғи хўб эмас.

Не андозасиз ғам, не ҳадсиз сурур,  
Керак ишда оийини хайрил-умур.

Бўлур ҳам салотинга ул навъ ҳол.  
Ки ифротини онинг эрур эътидол:

Бирин муфсид элга сиёсатдурур,  
Ул ифрот шартин раёсатдурур.

Ёмонга чу ифрот ила бўлса бийм,  
Қолур яхши ифрот бирла салим».

Яна бўлди Файсоғуре пуктавар —  
Ки: «Шаҳ покликдин керак баҳравар.

Ани чунки шоҳ этти яздини пок,  
Керакмас анинг хотири лавсоқ.

Агар бор эса поклик нияти,  
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

Керак огзи поку сўзи доғи пок,  
Яна кўнгли поку кўзи доғи пок.

Бори лавсдин кўнгли холи анинг,  
Халойиқ аёли — аёли анинг.

Ўзи чун шиор айлади поклик,  
Бўлур дафъ нопоку бебоклик.

Чу ваҳм этти понокликдин ёмон,  
Халойиқ аёлига бўлди амон.

Агар айласа шоҳ нафси ҳаво,  
Ки бир маъсият бирла топқай наво,

Яқиндурки аввал тилар хилвате,  
Ки элдин анга етмагай ваҳшате.

Ажаб бўлгай элдин бу феъли ниҳон,  
Вале позир ўлгай худойи жаҳон.

Керак топса аввал бир андоқ ўрун,  
Ки бўлгай иши тенгридин ёшурун!»

Яна Асқалинус иршодидур,  
Ки: «Ободгар элга шаҳ додидур.

Қаю шаҳки йўқ адл ила дод анга,  
Улус бирла мулк ўлмас обод анга.

Чу шаҳ зулм сори узотти илик,  
Очилди улук зулм уйинга эшик.

Анинг зулми кишварга онча эмас,  
Ки золим не зулм айласа, сўз демас.

Агар шаҳга иш лутфу гар кин эрур,  
Элига ҳамул шева ойин эрур.

Қачон жавқ-жавқ ўлса, авбош маст,  
Тушар тақво аҳлига кўп-кўп шикаст.

Чу ёшларга боғланса мактаб йўли,  
Бўлур гум улугларга мазҳаб йўли.

Халал йўл топар тўғри ойинга ҳам,  
Тушар раҳна ислом ила динга ҳам.

Керак шаҳ адолат шпор айлагай,  
Ки зулм аҳлини хоксор айлагай.

Халойиқ топиб адлдин интизом,  
Иши ики дунёда бўлгай тамом».



Яна Хурмус этти навосозлик,  
Бу навъ айлади нуктапардозлик

Ки: «Шаҳга саховат эрур ногузир,  
Бўлурга иши халқ аро дилназир.

Саҳо ул эмастурки, ҳар булҳавас,  
Мубоҳот учун сарф этар сийму бас.

Ажаб йўқки ёрмоқ сочар бехирад,  
Қумуш банддин рам қишур дому داد.

Тилаб, доғи берган саховат эмас,  
Саҳо аҳли онн саховат демас.

Чу метин узотиб тилин ун солур,  
Қатик хорадин лаълу ёқут олур.

Саҳо улдурурким шаҳи номвар,  
Басират кўзи бирла айлаб назар,

Берур аввал арзоқи хайлу синох,  
Ки қолмас анга даъвойи вомхох.

Чу дафъ этти муздурнинг вомини,  
Қиёр озу кўп элга инъомини.

Берур луқмае ангаким, оч эрур,  
Олур кўнглин онингки — муҳтож эрур.

Мубоҳот ила ўзни этмас азиз,  
Агар юз туман берса, гар бир пашиз.

Не сарф айлар ўлсанг, бу навъ айла сарф.  
Ки бу сарф эрур асрамоқдин шигарф».

Скандар еўзидурки: «Ҳар қайси шох,  
Ки бир мулк анга рўзи этгай илох,

Агар фикри бўлса жаҳонгирлик,  
Жаҳон фатхида пок тадбирлик,

Юруш фикри бўлса керак анга иш.  
Ки бир мулк аро бўлмаса ики қиш.

Бировким, жаҳондин керак ком анга  
Эмас яхши бир ерда ором анга.

Черик чекмас арчи кўрунур прик,  
Приклик эмас рафъ чекмай черик.

Шаҳеким прикликка эрмас далер,  
Иши нуерат ўлмас анигдекки шер.

Тузук истаган тобеъу хайлини,  
Сийёатқа туз айласун майлини.

Агар тузса овин саранжом пла,  
Урунда ясолин тузар ком пла.

Вале шаҳ керак бўлмаса булхавае,  
Иши бўлса шаҳлиг хайлино бае».

Скандар била ети андоқ ҳаким,  
Ки васф этса ул элни таъби салим.

Демак ети кавкаб эрур нурулук,  
Ва ё чархи аъзам бағоят улук.

Солиб сўзга анфоси қудсий сиринит,  
Саиға очтилар буйла секиз биҳинит.

Навоний не арз айлагай жуз дуо,  
Вале бир анга ики сўз муддао:

Бир улким: шарият қўлини тут қавий,  
Бори ишта бўл шаръининг найравин.

Ки бу жодда бирла хиром айласанг,  
Талаб марқабини тезгом айласанг.

Ики даҳр коми бўлуб ҳосилинг,  
Наби кўйи бўлгай сенинг манзилинг.

Иккинч улки, қил хизмати волидайн,  
Бил ул иккининг қуллуғини фарзи айин.

Агар итасанг дунёу охират,  
Буқун салтанат, тонгла қун — мағфират.

Ки ҳақдин ризо ҳосил этмак будур,  
Ризо демайин ҳаққа этмак будур.

Сўзим чун туганди дуо айлайин.  
Зароат тариқин адо айлайин.

Ало, токи бўлгай Скандар сўзи,  
Ул олгон юруб ети кишвар сўзи,

Насиб эт анинг мулкини шоҳга,  
Дуосини қил жори афвоҳга.

Бу навъ айлабон шоҳи озодини,  
Анинг кўнгли истарча шахзодани.

Аниким, мураббий анга шоҳ эрур,  
Қил ул навъким, шаҳга дилхоҳ эрур.

## LXXXVI

*Гадойе камсармояи баландноя ҳикоятиким, шоҳи баланд-  
нояи камсармояга насиҳатда сўз юзин ирик қилди ва бу  
сухон била ишига андом бермак тилади*

Эшиттимки, бир шаҳга бемояе,  
Насиҳат била еткуруб вояе,

Бўлур эрди панд айтибон нуктасанж,  
Нечукким, бузугдин аён бўлса ганж.

Ўлукни биров нутқи этса тирик,  
Агар ҳақдур, ул нукта бордур ирик.

Биров кўрди чун давлат арконидин,  
Ки сўз тунд эрур ортуқ имконидин.

Вале қойиле бордур асру ҳақир,  
Деди тунд ўлуб: «Ҳей гадойи фақир!

Ангаким — эрур шоҳу, сен бир гадо.  
Не ҳақдинг била панд этарсен адо?»

Деди нуктапардози Исонафас,  
Ки: «Гар мен ҳақир эрсам андоқки хас.

Санга бор эса сўз билурдин мазоқ,  
Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ!

Керак бўлса сўз, ўйлаким, дурри пок,  
Садафдек ҳақир ўлса қойил, не бок?

Манга ҳам агар нуқтада тез эсам,  
Қамиш нўғидин оташангез эсам,

Ўзум нечаким зору пажмурдамен,  
Лагадкўби гардупдин озурдамен.

Ҳамоноки сўз поку софийдурур,  
Адабсизлигимга талофийдурур».

## LXXXVII

### ҲИҚМАТ

*Ул бобдаким, машваратда дегучига мулоҳаза қилмай  
дейилгонни кўнгулга жилва бермак керак ва сочилгон  
жавоҳирдин муносибин термак керак*

Хирадмандким, соҳибни рой эрур,  
Хирад нуриддин оламорой эрур.

Анга мушкил иш тушса бир бобдин,  
Тилар машварат хайли аҳбобдин.

Аларнинг агар ройи сойиб эса,  
Ва гар фикрида юз маойиб эса,

Чу сарриштаи гайб равшан эмас,  
Қаю сойиб эркан, муайян эмас.

Бири ақл ила тушса хотирписанд,  
Ки қилса неким бўлса ҳозир, писанд.

Бегонса анга ақл бўлгоч ҳакам,  
Қилурга қўяр ҳикмат аҳли қадам.

Вале гайб илми чу мастурдур,  
Иш ўнг келмаса кимса маъзурдур.

Вале машваратда адад касрати,  
Берур бир натижаки эл фикрати.

Тахайюл аро борча бир навъ эмас,  
Ҳадисни ики кимса бирдек демас.

Неча кимса айлаб хаёлига куч,  
Агар топса сўз ҳар бири ики-уч.

Бу дурлар аро ақли жавҳаршинос,  
Иши риштаси бирла айлаб қиёс.

Бирисинки сойирга фойиқ тонар,  
Иши афсарни узра лойиқ тонар.

Анинг бирла чун рост келди иши,  
Йиғиштурди ўз гавҳарин ҳар киши.

Вале улдур иқболдин баҳраманд,  
Қим ул пок гавҳарни қилгай писанд.

Бу дурларки — мен сочтим офоқ аро,  
Нужум ўршига чархи нуҳтоқ аро.

Умид улки чун бўлсалар бархабар,  
Шаҳу шоҳзода бўлуб баҳрабар.

Солиб ўз қулогига шаҳзода ҳам,  
Қабул айлагай, шоҳи озода ҳам.

Ва лек истасам тезбозорлиқ,  
Алар зоҳир этмай харидорлиқ,

Қулогларига бўлмаса устувор,  
Қачон ерга қолгай дури шоҳвор?

Не туфроққа қолсун сипеҳр ахтари,  
Ки бўлгай ери чархи нилуфарий.

Сўз онингдурким, талабгоридур,  
Анингдур гуҳарким, харидоридур.

Букуи чунки шаҳ таъбидур жавҳарни,  
Қачон ерга қолгай бу сўз гавҳари?

Агар бўлмаса зеби торақ анга,  
Неким бўлса бўлсун муборақ анга.

Боши узра борин писор айладим,  
Тамом ўлди сўз, ихтисор айладим.

Кетур соқий, ул лаъли серобни,  
Ки кўздин оқизгай дури побни.

Тўкай шодлиғ ашкени ул жомга,  
Ки етти бу оғозим анжомга.

Муғанний, тузаб пай унин дилназир,  
Ки бас қилгудек бўлди килким сарир,

Ки маст ўлғонимда ичиб жоми май,  
Гар ул пай уни соқни ўлса, бу пай.

Навой, яқин бўлди осойишинг,  
Бўлуб сўз арусига оройишинг,

Безалди чу ул моҳвашқа жамол,  
Жамолни кўруб васлидин коминг ол.

### LXXXVIII

*Ҳокимсурагу дарвешсийрат, балки Дарвеш исми ҳукумат  
қисм, яъни ахавий маоби давлат иёбқа мавоизосо калом  
ва насойиҳи молокалом демак*

Аё гавҳарим конининг гавҳари,  
Мунир ахтарим буржининг ахтари.

Неча авжи ҳашмат уза фošсен,  
Манга нисбат ичра қариндошсен.

Бу беш ганждинким ушотгим тилисм,  
Неча гавҳар айлай санга дағи қисм.

Манга чун насиб ўлди майхонае,  
Сумур сен дағи неча паймонае.

Ҳамул гавҳарим бордурур неча панд,  
Бу паймона ҳам нуктаи судманд.

Эшитмакда қилма жадал зинҳор,  
Анинг бирла қилгил амал зинҳор.

Сени қилди чун холиқи корсоз,  
Ўз абнойи жинсинг аро сарфароз.

Бу шукронага қил сарафгандалик,  
Буюргон киби тенгрига бандалик.

Неким амр этибдур ризо бирла кўр,  
Агар билмасанг, билгучи топу сўр.

Чу бўлдуниг саромад ҳақ эҳсонидини,  
Бўюп тўлгама амру фармонидини,

Ки ҳақ бўлса ваҳҳобу гаффор ҳам,  
Эрур лек жаббору қаҳҳор ҳам.

Чу қилди сени бас улук рутбалик,  
Улуқ амрин онинг чу тутсанг кичик.

Агар гайрату қаҳри тутса вужуд,  
Хаёл этки, ул дам надомат не суд?

Тутай дер эсанг тенгри амрин қавий,  
Бўл охир набий шаръининг пайравий.

Эрур жоддаи шаръ бир шоҳроҳ,  
Ки озмоқтин ул йўлда асрар илоҳ,

Десанг озмайин чиқма ул жодадин,  
Юруб ком топ бахти озодадин.

Худоу расул амри топқач камол,  
Валинеъмат амрига қил иштигол.

Не ҳукм айласа қилмоғин фарз бил,  
Агар шубҳае бор эса арз қил.

Вале арзида асра шарти адаб,  
Ки тарки адаб баҳра берур тааб.

Маиға сўз ёзардек анга ёзмағил,  
Нишотинг биноси тубин қозмағил,

Ки ҳақ гарчи қисминг тараб айламиш,  
Бу жоҳингга они сабаб айламиш.

Сабаб қилмаса шоҳ лутфин худо,  
Мену сен ким эрдук — бир-икки гадо.

Шаҳ ар лутф қилса иноят чоғи,  
Вале айлай олур уқубат доғи.

Керак шоҳдин элга хавфу ражо,  
Тинор бу иккени кетурган бажо.

Риоят чу қуллуққа қилдинг тамом,  
Ранят ишига ҳам эт эҳтимом.

Адолат била элни қил баҳраманд,  
Ки яхшига кетсун ёмондин газанд.

Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навойи ёмон бўлса сен яхши бўл.

Санга берди ҳақ онча лутфи мизож,  
Ки эрмас бу сўзлар демак эҳтиёж.

Вале ҳар дам ўлса баёни анинг,  
Билурменки, йўқтур зиёни анинг.

Чу давронга йўқтур бақоу сабот,  
Ҳам андин эрур бевафороқ ҳаёт.

Мен ар бўлсаму бўлмасам ошкор,  
Бу сўзларни қўйдум санга ёдгор.

Керак бўлса бори шпорнинг сенинг,  
Ки кавнайн аро тенгри ёрнинг сенинг.

### LXXXIX

*Бу маодин жавоҳирин эҳтимом била назм силкига торт-  
моқнинг тақрири ва бу маҳозин тилисмотини истеҳком  
била итмомга еткурмакнинг тақрири ва ҳам жавоҳир пири  
дарёзамир равшан кўнглига ер тутқоннинг баёни ва ҳам  
маҳозин шуаройи шеърий сарир муқаддаса арвоҳига  
қабул тушганнинг тибёни ва алардин бу заифнинг под-  
шоҳи ислом дуоси илтимоси ва бу ниёзманд илтимоси  
мужиби била аларнинг дуоси*

Манга давлат илги бўлуб раҳнамун,  
Чу бу панжаға қилди зўр озмун.



Дема панжа они, қатик хора де,  
Дема хора, пўлоди якнора де!

Солиб панжаким, бўлгани зўрсанж,  
Тоғиб панжа ул панжада тобу ранж.

Чу зўр ортуқ айлаб тарозусидин,  
Чиқиб йўқки оранж бозусидин.

Не панжа эрур, «Хамса»и ганжсанж,  
Ки доно қўюбтур отин «Панж ганж».

Қаю «Хамса» ким, махзани дурри nob,  
Қаю панжаким, панжан офтоб,

Ки ҳар ким анга қўргузуб зўрдаст,  
Чу зўр айлабон, илги тоғиб шикаст.

Менингким қўлум эрди беҳад заиф,  
Эмас эрди ул панжа бирла ҳариф.

Солиб панжаварлик замиримга шўр,  
Не илгимда қувват, не панжамда зўр,

Десам тарк этай, қўймайин ҳимматим,  
Десам зўр этай, етмайин қувватим.

Чу панжамга ҳасрат била боқибон,  
Бу панжамга ул панжани қоқибон.

Бу андиша мендин олиб ақлу хуш,  
Ки ногаҳ нидо қилди фаррух суруш,

Ки: «Эй гарқап баҳри ажзу ниёз!  
Бўла олмагон дардинга чорасоз!

Етишгил қўпуб пир даргоҳига,  
Таважжуҳ қилиб жоин огоҳига.

Анинг ботинидин тила ёрлик,  
Бийик ҳимматидин мададкорлик,

Ки ҳар қуфлким фатҳидур попадид,  
Анга бор эранлар дуоси калид».

Эшитгач бу сўз, боштин айлаб қадам,  
Кинни, ўйлаким, қилса азми ҳарам.

Чу ул остон маъман ўлди манга,  
Биҳинити барни маскан ўлди манга.

Қаю остон, тавфғоҳи фалак,  
Қаю тавфғоҳ, саждагоҳи малак.

Кўзум очиб ул остон туфроғи,  
Кўзум ҳам ёруб, балки кўнгулум доғи,

Таважжухга чуи хотирим қилди майл,  
Ета бошлади файз, андоқки сайл.

Не ҳаддим эшикка урарга илик,  
Илик майл қилмай очилди эшик.

«Ниёз аҳли кирсун!» дебон чиқти роз,  
Бу роз англагач кирдим айлаб ниёз.

Не хилват, намудори чархи барни,  
Не хилватнишин, балки Рухул-амин.

Ани айлабон равшан анвори қуде,  
Мунунг нутқидин равшан асрори қуде.

Ул ул навъким файз топқон кўнгул,  
Бу ул навъ маскан аро ақли кул.

Чу мен бўлдум андоқ ҳарам маҳрамин,  
Ҳарам йўқки, нуру сафо олами.

Қуёш нурида маҳв ўлуб зарравор,  
Кўнгулни қила олмайин устувор.

Ўзум ўзлугум меҳнатидин ариб,  
Бориб ўзлугу мен ўзумдин бориб.

Қила олмайин арз ҳолимни ҳам,  
Хаёл айлай олмай хаёлимни ҳам.

Бу янглиғ мени айлабон гунгу лол,  
Лён айлади Исоосо мақол.

Не дер сўзки, кўнглум аро бор эди,  
Мени чуңки гуңг этти, борин деди.

Ки: «Гўё пишурган хаёлиңг будур,  
Қила олмасиңгдин малолиңг будур».

Чу бу хастадин қилди тасдиқ фаҳм,  
Анга худ бу ҳол эрди таҳқиқ фаҳм.

Ишим бутмағига дуо айлади,  
Бори ҳожатимни раво айлади.

Дедиким: «Бу бир иш эди қилгулуқ,  
Бу айтилмагон нуқта айтулгулуқ.

Бу соатқа мавқуф эрди экин,  
Бу дам тенгри тавфиқ берди экин.

Агарчи етишти малолат санга,  
Вале охир ўлди ҳаволат санга,

Ким ул ганжлар бошига етгасен,  
Тилимотини доғи фатҳ этгасен,

Ки ҳар неча қилдуқ назар даҳр аро,  
Қиёс айладуқ водию шаҳр аро,

Йўқ атрок аро бирда онча биллик,  
Ки бу навъ улуг ишга урғай плик.

Не атрокким, ҳам ажам, ҳам араб,  
Кўрарлар бу ишни ажабдин ажаб.

Керак даҳр аҳлига ўн кун жадал,  
Ки беш байтдин боглагай бир газал.

Басо маснавийгўйи нозук хаёл,  
Ки назм аҳли ичра солиб қийлу қол,

Халойиққа юз ҳусну поз айлагай,  
Ки ўн йилда минг байт соз айлагай.

Чиқоргон замоң ул нав ойин савод,  
Ки оламда йўқ буйла рангин савод.

Саводига ҳар кимки кўз солибон,  
Қаро номи меҳнат аро қолибон.

Не зулматки, йўқ оби ҳайвон анга,  
Қаю тунки, йўқ меҳри рахшон анга.

Агар даҳр аро сепса мушки татор,  
Кўнгулни қилур тийраю кўзни тор.

Бу беша ародур ики нарра шер,  
Бу баҳр ичра ики наҳанги далер.

Анга киргали шерн жанги керак,  
Мунга ҳам диловар наҳанги керак.

Сен-ўқ сен букуп чобук андишае,  
Дақойиқ аро нозук андишае.

Ки сўз таври келди сенинг шонинга,  
Бўлуб хатм табъи дурафшонинга.

Мусаллам сўзунга равонлиқ дағи,  
Сўз ичра санга паҳлавонлиқ дағи.

Равон килкинга онча бор эътимод,  
Ки сўз дерда шаққиға берса кушод,

Равон айлагай онча оби ҳаёт,  
Ки тўйгай хизр суйидин коннот.

Бу иш чунки бўлгай муқаррар санга,  
Умид улки бўлгай мўяссар санга.

Қўп эмди, ишининг хаёлда бўл,  
Хаёл аҳли зеби жамолида бўл.

Ки сендин бу шуғлунгда ҳушёрлик,  
Дуо бирла биздин мададкорлик».

Эшитгач бу сўзлар мени потавон,  
Ўлук жисмима кирди гўё равон.

Бўлуб жоп берур сиррининг оғади,  
Товиб нутқум анфоси рухуллаҳи.

Ер ўнтум, даги йўлга азм айладим,  
Сўз айтури кўнгулмга жазм айладим.

Келиб хилватим ичра юз ком ила,  
Йўнуб хома нўгини ором ила.

Чу қилдим қалам нўгини нуктабез,  
Қила бошлади нўгиди ганжрез.

Чу «Ҳайрат»қа солдим кўнгул рағбатин,  
Анга голиб эттим улус ҳайратин.

Чу «Фарход»га бўлдум андешавар,  
Туз эттим баса тоғ — ўлуб тешавар.

Чу «Мажнун» ҳадисига туздум фунуи,  
Басе халқни қилди шайдо жунуи.

Яна «Салба»га табъим ўлгоч қарин,  
Эшиттим ети чархдин офарин.

Скандарга тил тортиб озар киби,  
Дедим они «Садди Скандар» киби.

Таносуб била ақл ном овари,  
Деди отини «Садди Искандарий».

Чу бўлди бу маҳвашлар ораста,  
Ҳамул навъким, сарви навхоста,

Дема сарв, ҳар бир риёзи биҳишт,  
Ели хосиятда масиҳосиришт.

Латофат аро юз биҳишти барин,  
Равон ҳар бири ичра минг ҳури ийн.

Бу беш ганжниким кушод айладим,  
Варақ узра они савод айладим.

Саводин солиб жузвдоним аро,  
Дема жузвдонимки, жоним аро.

Анинг сори бўлди кўнгул рағбати.  
Ким эрди мадаккор анинг ҳиммати.

Мададкор йўқ, амр этгучи ул,  
Не иш тушса гаврумга — етгучи ул.

Борур эрдим айларга арзи ниёз,  
Иш итмомини қилмоқ ифшоийи роз.

Замиримда лекин хаёлот эди,  
Ки бу иш ҳусули ажаб бот эди.

Улуғларки сабти бу ҳарф эттилар,  
Узун умрлар анда сарф эттилар:

Низомийки назм аҳли устодидур,  
Анинг таъби сўз жинси наққодидур,

Ки бу ганжлардур матоъийи анинг,  
Матоъийи неким, ихтироъи анинг.

Ҳамонаки элдин каноре тутуб,  
Ярим қарн заҳмат чекиб, қон ютуб.

Тона олди беш ганж мифтоҳини,  
Яна онча вақт этти ислоҳини.

Чу бир қарн давр этти чархи мудир,  
Чиқорди бу аъжубан дилназир.

Неча тожвардин топиб парвариш,  
Иши бу ўтуз йилда эрди бу иш.

Не эл меҳнатидин малоле анга,  
Не бу ишдин ўзга хаёле анга.

Чиқориб риёзатда қирқ арбаъин,  
Бу беш ганж розига бўлди амин.

Яна Хусрав ул турки ҳинди лақаб,  
Ки сўз бирла олди Ажам то Араб.

Қушод айлагунча бу маҳкам ҳисор,  
Басе айлаб афсонада ихтисор.

Неча вақт анинг ҳам иши бу эди,  
Ки фикратқа зону-базону эди.

Замон худ ўтуз йилга андоз эмас,  
Агар нисф эмас, суленин оз эмас.

Яна кимки бўлди буён раҳинунос,  
Бўлур қилмоқ они булардин қиёс.

Сангаким йўқ эмгакда гоит надиб,  
Улус меҳнатида ниҳоят надиб.

Қилиб тонгдин оқшомгача қийлу қол,  
Ўзунга етиб ҳар нафас юз малол.

Ўзунг тинмайини халқ гавғосидини,  
Қулогинг халойиқ алолосидини.

Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,  
Замондин камо беш ўтуб ики йил.

Чекиб хома бу нома итмомига,  
Етургайсен оғозин анжомига,

Ки ақли муҳосиб шитоб айласа,  
Дейилган замонин ҳисоб айласа,

Йиғиштурса бўлмас бори олти ой,  
Ки бўлдунг бу раънога суратнамой.

Тузалди бу назминг баса сарсари,  
Яна турки алфоз анга бир сари,

Ки ҳар нечаким диққати бордур,  
Талаффуз аро лакнати бордур.

Сўзунгники яхши кўрарсен ўзунг,  
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.

Қошингда сенинг гарчи кўп вазни бор,  
Чу бор ўз сўзунг, йўқ анга эътибор,

Ки сўз зодаи табъу фарзанд эрур,  
Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур,

Неча зодаи табъ эрур пописанд,  
Кишининг ўз олида бор аржуманд.

Неча бум фарзанди манхусдур,  
Ўз олида хушжилва товусдур.

Қанаб шохи йўқ гарчи хошокча,  
Қаландаргадур сарви чолокча.

Сўзунгим, санга келди ҳоло писанд,  
Писанд эркин эл ичра ё нописанд.

Не бўлгай кўруб пири кошиф мени,  
Бу аҳволдин қилса воқиф мени?

Бурун айтқонлар даги бу китоб  
Ки чекмиш ажал юзларига ниқоб,

Ки жаннат рибзида ҳар бирга руҳ,  
Умид улки, ҳар лаҳза топқай футуҳ.

Алар руҳига то не сурат экин,  
Сафо равҳиму ё кудурат экин?

Бу иштин даги пири равшанзамин,  
Мени бархабар қилса, ўзини хабин.

Уруб гом мундоқ хаёлот ила,  
Димогимда савдо маҳолот ила.

Ки етгим ангаким эрур мақсадим,  
Ки ҳардам демакка отин — йўқ ҳадим.

Ниёз айлаю остонин ўпуб,  
Бийик суддаи чарх шонин ўпуб.

Чекиб «Хамса»ни жузвдондин равон,  
Қўюб хизматида мени нотавон.

Неча ганжким ошкор айлабон,  
Аёгига борин нисор айлабон.

Сафинам чу азм этти дарё сари,  
Узатти кафин баҳр ул ажзо сари.

Назар солди очиб варақ-барварақ,  
Бўлуб мултафит, чуи очиб ҳар варақ.



Қаю сўздаким бир савол айлабон,  
Жавобин дегач, завқу ҳол айлабон.

Қилиб гоҳ таҳсини гоҳи дуо,  
Қи юздин бири йўқ манга муддао.

Етиб ҳар сўзидин кушоде манга,  
Бўлуб ҳосия андин муроде манга.

Мусалсал каломимдин оғзида сўз,  
Мен олинда ерга тикиб ики кўз.

Сўзум очибон бўстондек энгин,  
Қилиб лутф, эғнимга солди енгин,

Қаю энгни, гардунга солса ани,  
Мухаддаб юзин айлагай мунҳани.

Чу эғнимга ул қўл била енг етиб,  
Замиримдин ўзлук хаёли кетиб.

Чу ўзлик кетиб, юзланиб ҳолате,  
Қи ўздин ўзумга бўлуб гайбате.

Ўзумдин хамул дамки гойиб бўлуб,  
Манга жилвагар кўп фаройиб бўлуб.

Кўруб ўзни бир тоза бўстон аро,  
Қилиб гашт боғу гулистон аро.

Назоҳат келиб равзамонанд анга,  
Эрам сойири орзуманд анга.

Чамандин чаманга мен айлаб хиром,  
Анингдекки, эл тавфи Байтулҳаром.

Кўрунди бу ҳолатда жамъи касир,  
Уруб ҳалқа, суҳбат тутуб дилпазир.

Алардин-бирова келди ул ёнги меъ,  
Чаманда анингдек хиромонки мен.

Манга етти, бор эрди шоирваше,  
Жамоли хушу ҳайъати дилкаше.

Салом айлабон, мархабо айлади,  
Рисолат тариқни адо айлади.

Ки: «Бу фаррухойину фархунда хайл,  
Қилурлар даме ихтилотингга майл».

Қабул айлаю, солиб ул ён қадам,  
Ўзин доғи сўрдум, ҳамул элни ҳам.

Дедиким: «Алар зумран маънавий,  
Гуруҳеки назм эттилар маснавий».

Хусусан аларким эрур «Хамса»санж,  
Ки ҳар бирдур ул «Хамса»дин кони ганж.

Эрурлар бу мажмаъда ҳозир бори,  
Сенинг сори муштоқу нозир бори.

Чу сўрдунг мени, эй ҳадисинг қавий,  
Ҳасандур отим, халқ деб — Дехлавий.

Эшитгач бу сўз, жисмима тушти тоб,  
Саросима кўнглумга ҳам изтироб.

Қўлуб узр, қучтум яна устувор,  
Қадам қўйдум ул сори муштоқвор.

Борурда Ҳасан айтиб отин манга,  
Қилиб ҳар бирин бошқа талқин манга,

Ки уч кимсадур садри мажлиснишин,  
Қилиб шарҳ бир-бир, аларнинг ишин.

Ки: «Ўртодаги пири фаррухжамол,  
Ки васфида келди хирад нутқи лол,

Эрур ҳазрати Шайх, огоҳ бўл!  
Ниёз айлабон хоки даргоҳ бўл.

Ўнг илги сори анга пайравдурур,  
Жаҳон офати — Мир Хусравдурур.

Яна бир ён устоду пиринг сенинг,  
Рақамхони лавҳи замиринг сенинг,

Ки бу хайл эрур жиему ул жонлари,  
Агар жон булар бўлса, жононлари.

Яна ики ёндин бу қавм-ўқдурур,  
Киши йўқки, бу базм аро йўқдурур.

Кўрушгил бори бирла, ҳурмат била,  
Дадег улмагил сўзда — журъат била».

Қабул айлабон мен, неким айтиб ул,  
Ки қатъ ўлди кўпрак бу мажмаъга йўл.

Доғи юз қарича масофат қолиб,  
Ким ул базм эли кўптилар қўзғолиб.

Манга ўтру келмакка айлаб ситез,  
Солиб мен алар сори гомимни тез.

Добон бир-бир ул хайл отин раҳбарим,  
Кўрушмакка даги бўлуб ёварим.

Чу Саъдию, Фирдавсию, Унесурий,  
Саноию, Хоқонию, Анварий.

Тааддудда муҳтожи тафсил эрур,  
Вале бўлса тафсил, татвил эрур,

Бори дастбусиға топтим шараф,  
Олиб ёндилар мени келган тараф.

Анга тегруким шайху пайрав эди,  
Ки, яъни Низомию Хусрав эди.

Яна бир бизинг пиру маҳдум ҳам,  
Қўпуб урдилар илгарирак қадам.

Бу ики юруб Шайхдин илгари,  
Югурдум мени ҳаста ҳам ул сари.

Қўлум тутти пир ихтиёри била,  
Кўруштурди ҳамроҳу ёри била.

Кўзумдин тўнуб қатра ёғин даги,  
Илигин ҳам ўптур, аёғин даги.

Тутуб Жомню Хусрав ики қўлум,  
Низомий сари бошладилар йўлум.

Тўкуб ашк — мендек асири ғаме,  
Вале ҳар қўлумга тушуб оламе.

Вале мен бўлуб гарчи ўздин ниҳон,  
Қириб ики илгимга ики жаҳон.

Манга Шайх бирла кўрушмак ҳамон,  
Муборак аёғига тушмак ҳамон.

Ўпуб туфроғини тўкуб сели ашқ.  
Ки андин ебон тўқуз афлок рашк.

Бошим ердин олиб иноят қўли,  
Қилиб жилвагоҳим ҳидоят йўли.

Ёниб тутти ерлик ерида қарор,  
Мени лек беҳуд қилиб изтирор.

Чу Шайху ики ёри топти сукуп,  
Туруб мен иёз ичра қаддим нигун.

Жулус ичра етти башорат манга,  
Ки олинда қилди ишорат манга.

Чу бўлди манга ҳукми бирла нишаст,  
Ниёз этти жисмимни туфроққа паст.

Талаттуф била Шайхи олий мақом,  
Менинг сори бунёд қилди калом.

Бурун сўрди ҳолимни шафқат била,  
Ер ўнгум жавобинда ҳурмат била.

Яна деди: «Ҳей олам аҳлида фард,  
Фалак таъбиғга келмайин ҳамнавард.

Сипеҳр айлаб эл ичра нодир сени,  
Жаҳон назми таврида қодир сени.

Ғазал таврида чунки қилдинг хиром,  
Сўз аҳлига сўз дерни қилдинг жаром,

Тутуб эрди назминг жаҳон кишварин,  
Жаҳон кишварин йўқки, жон кишварин.

Бу дам маснавийгаким айлаб шитоб,  
Тўкабошладинг хомадин дурри ноб.

Ажаб иш бу ишда санга берди даст,  
Ки эл назмига берди назминг шикаст,

Ки қилдинг сўз ичра татаббуъ манга,  
Не истарда эттинг тазарруъ манга,

Ки мен «Хамса»да айлаб эрдим ваид  
Ки: «Ҳар кимки, айтурга тутса умид,

Қилай тифи буррон сўзум досидин,  
Урай бошин ул тиф олмосидин».

Қўи эл очти даъвога сўз бошини,  
Бу даъво аро қўйди ўз бошини.

Чу кўргузди фарзанд Хусрав ниёз.  
Ниёзи била топти ул ганжи роз.

Яна бир, ики, уч гадолиғ била,  
Насиб олдилар бенаволиғ била.

Магар сенки бу йўлга қўйгоч қадам,  
Вужудунг хаёлини қилдинг адам,

Нечаким келиб рифъатинг тоғча,  
Вале келмай олинда туфроғча.

Ниёз ашкидин лавҳи хотирни юб,  
Фано ҳарфин ул сафҳа узра йўюб.

Тоғиб пир фарзона Жомий киби,  
Муминду муовин Низомий киби.

Сунуб поклик бирла бу ишга қўл,  
Очиб поклар руҳи олингда йўл.

Сахар вақти ҳарфе савод этмайин,  
Ки руҳум дуо бирла шод этмайин.

Фараҳ тонмайин маънийи хос ила,  
Ки ёд этмайин бизни ихлос ила,

Не менким, бори назм аҳлини, пок  
Дуо бирла ҳар субҳ этиб завқнок.

Ниёзинг чу бу навъ ўлуб беадад,  
Санга биз ҳам айлаб ададсиз мадад.

Йўқ эрса эрур асру савдойи хом,  
Ики йилда бир «Хамса» қилмоқ тамом!

Қаю «Хамса», беш гавҳар омуда ганж,  
Тасарруф жафосидини осуда ганж.

Дуру лаъл анга барча кўздин нухуфт,  
Не дуррида ришта, не лаълда суфт.

Не дурким бериб ҳақ таборак санга,  
Умид улки, бўлгай муборак санга.

Киши сен киби ишга қилса шуруъ,  
Ажаб йўқ эваз буйла топса вуқуъ.

Вале мунча ганжи маоний санга,  
Ки ҳақ рўзи этти ниҳоний санга.

Қаю ердаким айни бийнишдурур,  
Сабабни билурким, ики ишдурур.

Бири улки туттунг тариқи ниёз,  
Қабул айладилар сени аҳли роз.

Ишингга қилиб саъй рағбат била,  
Мадад қилдилар борча ҳиммат била.

Яна улки фазл аҳли ҳар не қилур,  
Урар лофу ишни мураббий қилур.

Эрур гар мураббий эмас кордон,  
Муаттал хирадманди бисёрдон.

Хунарпарвар — ишни буюргучидур,  
Хунарвар, вале, лоф урғучидур.

Чу шоҳинг сенинг эрди соҳибкамол,  
Яна олида қадрсиз мулку мол,

Ангаким бу ики иш эрди насиб,  
Ғариб иш замонда эрмас ғариб,

Шаҳеким улус чорасозидурур,  
Улус фозили Шоҳи Ғозийдурур,

Ки тенгри фузун айласун давлатин,  
Ети чархдин ҳам бийик рифъатин,

Ки келди замонида сендек киши,  
Ки эрмас ишинг одамизод иши».

Чу сўз етти бу ерга, мен беҳарос,  
Қўпуб айладим бир дуо илтимос,

Ки: «Чун дедингиз шаҳга ҳамду сано,  
Дуое қилинг давлатига яно».

Деди Мир Хусравга доноии роз  
Ки: «Сен Шоҳи Ғозийгасеи мадҳсоз.

Сўзунгдин базе байт ёдидадур,  
Асарлар муборак ниҳодидадур.

Сўзунгдин чу кўнглига этгай асар,  
Дамингдин дуо дағи этгай асар.

Дуо айлаким, фазлу дониш эли  
Ҳам «омин» десун, биз ҳам «омин» дели».

Боқиб деди фазл аҳлига пирри роҳ:  
«Ки сиз шоир, ул дағи хуштабъ шоҳ.

Чу фарзанд Хусрав дуо айлагай,  
Анинг компани ҳақ раво айлагай.

Денгиз борча «омин» дилу жон била,  
Дуо қилдик ул чашми гирён била».

Эшитгач қўпуб борча миннат тутуб,  
Деб «омин» у шоҳ сори ҳиммат тутуб.

Суханвар қўнубким дуо бошлади,  
Дуосига мундоқ адо бошлади

Ки: «Ёрабки то олам ўлгусидур,  
Ичида бани одам ўлгусидур.

Кириб тахти ҳукмига олам дағи,  
Бўлуб бандаси жишси одам дағи.

Қиёматқача давлатига бисот,  
Ҳамиша бисотида айшу нишот.

Жаҳон аҳли адлида осудаҳол.  
Батахсиким, аҳли фазлу камол».

Дуо хатм бўлгоч тушурди илик,  
Йўқ ул, балки мажмуъи аҳли биллик.

Дуоким, ул аҳли савоб айлагай,  
Ажаб йўқки, ҳақ мустажоб айлагай.

Туғангач дуо, айладим илтижо,  
Қўюнди чекиб «Хамса»ни жо-бажо.

Солиб тийра туфроқ аро, йинглабон,  
Бу янглиғ тузуб можаро, йинглабон.

Ки: «Бу зодан хотири хастани,  
Қўнгулдин такаллумга пайвастанни,

Ки ҳиммат тутуб эҳтимом этингиз,  
Демасменки мен, сиз тамом эттингиз.

Карам бирла туфроғдин ҳам олинг,  
Иноят қилиб бир назар ҳам солинг,

Ки эл хотирига нузул айласун,  
Улус кўнгли оми қабул айласун».

Равон Шайх олди бу иблогдин,  
Гаромоя нақдимни туфроғдин,

Боқиб Мавлавий сари қилди ружуъ  
Ки: «Сев қил дуо, зоҳир айлаб хушувъ».



Ки қойил эрур сўинги фарзандимиз,  
Билик мазраъидин барумандимиз.

Буларким анинг зоду найвандидур,  
Бори бизга фарзанд фарзандидур.

Саиға ҳам чу шогирд эрур, ҳам мурид,  
Дуосини сенин тутарбиз умид».

Чу Махдум тонти дуо сори йўл,  
Яна очтилар борча оминга қўл.

Дуоеки кўнгулумга матлуб эди,  
Муҳаввисе замиримга марғуб эди.

Қилиб, айладилар бу маҳзунни шод,  
Манга чулки юзланди муидоқ мурод.

Сужуд эттим ул хайли оғоҳга,  
Дедилар: «Дегайсен дуо шоҳга».

Бу сўздин бўлуб ўзгача ҳолатим,  
Ўзумга келиб, борди ул гайбатим.

Кўрармен, ҳам ул хужрада пир эрур,  
Жанобида ҳолимга тағйир эрур.

Бу дам гўё эғнимдин олмиш қўлин,  
Ки бу сори соямиш хаёлим йўлин.

Ҳам олида бошим эрди қуйи,  
Оқар эрди туфроққа ашким суйи.

Деди лутф илаким: «Не навъ эрди ҳол?»  
Яна бошини қилдим анга поймол.

Дедим: «Улча мен хастага ҳол эрур,  
Анинг шарҳида нотика лол эрур».

Деди: «Улча бу дам саиға берди даст,  
Яна кимсага бермаиш эрди даст.

Қўпу, шукр қил тенгри эҳсонига,  
Бу тавфиқи беҳадду поёнига».

Ўшуб ерни, қўйдум чу ташқори гом,  
Дегайсен: менинг эрди олам тамом!

Манга «Хамса» такмили бир ён эди,  
Бу мақсуд таҳсили бир ён эди.

Не тил бирла дей шукр маъбудума,  
Ки еткурди охир бу мақсудума.

Бу дамким, берибтур муродимни ҳақ,  
Ул авлоки, тоқ узра қўйсам варақ.

Фароғат била инбисот айласам,  
Тузуб базм, бир дам нишот айласам.

Аёқчи, тўла айла жоми фароғ,  
Ки кўи фикрдин юбе топмиш димоғ,

Ки кўз ламъасидин мунаввар қилай,  
Димоғим исидин муаттар қилай.

Муганний, сўзум тингла охиргаҳи,  
Ҳазин нағмае соз қил хиргаҳи.

Бир оҳанг ила айлагил ромише,  
Ки етгай манга бир дам оромише.

Навой, қилиб тенгри коминг раво,  
Санга рўзи этти ажойиб наво.

Узот тенгри шукри навосиға тил,  
Наво ортуқ истар эсанг, шукр қил!

# САДДИ ИСКАНДАРИЙ

(НАСРИЙ БАЕН)

ИНОЯТ МАХСУМОВ нусхаси асосида қайта тўлдириб, нашрга  
тайёрловчи  
МАВЖУДА ҲАМИДОВА

## I

Эй оллоҳ! Соҳиблик — эгамлик фақат сенга муносибдир. Бировлар шохдурлар, лекин барибир, сенинг олдинда гадо янглиғдурлар. Эгамлик борасида тенг сизу беназирсан, чунки сен мутлақ ҳокимсан. Шу туфайли дунёнинг барча забардаст кишилари сенинг олдинда тобеъдурлар, барча улуглар эса сенинг қаршингда хокисордурлар. Сенда инъом-эҳсон дарёси мавж ургани сабабли бутун борлиқни ўз саховатинг, караминг билан мунаввар қилдинг. Дунё аҳлининг лаззати сенинг ана шу инъому эҳсонинг туфайли бўлиб, саховатинг ўзингни зуҳур этишинг билан баробардур. Сенинг мавжудлигинг қадимийлигини, кўҳналигини қачонки ошкор этса, барча мавжудот йўқликка юз тутади.

Бир замонлар ҳозирда бизга маълум бўлган икки дунё (бу дунёю у дунё) мавжуд эмас, яъни фано йўлида махфий эди. У вақтларда на куннинг юзидан нишон бор эди, на тун қониллари хуш хид таратар эди. На сажардан осмон юзи ёришар, на шафақдан унинг юзи қизарарди. На осмон бор эди, на узлуксиз давр қилувчи замон. На эл мавжуд эди ва на элга даврдан етадиган жабр. На олам маконидан нишону ва на бу маконда яшовчилардан дарак бор эди.

Шундай шароитда фақат сен мавжуд эдинг. Бу даврда улуг дарёларни чайқалтирадиган тўлқинлар ва бу тўлқинларга сабаб бўлувчи энг қуйи — тупроқу ва энг юқори — осмон ҳам аён эмас эди. Ана шунда махфийлик пардасига яширинган жамолнинг жаҳонни ёритувчи қуёшдек намоён бўлди. Сен ўз ҳуснининг зуҳур этишини, қуёшдек юзининг қоронғу оламга нур сочишини истading. Шу тариқа гўзалликни ошкор қилиш, маҳбубликни намоён қилиш зарурати туғилди. Чунки маҳбублик иши ҳеч вақт яширин бўлган эмас, лекин ошиқ бўлмаган кишининг уни тушуниб етиши ҳам мумкин эмас эди.

Шу туфайли сенинг гўзал хуснингга гўё ошиқ керак бўлди, чунки гўзал хусинга гўзал ишқ лойиқдир.

Эгамлик дарёининг шундай бир жунубинга келдики, унинг мавжларидан бутун борлиқ-олам яралди. Икки ҳарф ҳаракати билан маъноли бир қанча шакъларни бунёд этдинг. Жумладан гўзал, хушсураг фаритталарни яратиб, уларнинг қисматини воқеаларни баён қилиш ва гуноҳларни ўтишишдан иборат қилдинг.

Юксак хос ҳарамлардаги кабутарларга қанотлар бахш этдинг ва уларнинг роҳатини таъминлаш мақсадида фалак қасри томини ясадинг.

Фалаклар режасига қалам уришинг баробар ҳаво саҳифасига ҳам рақам чекилди. Шу тариқа бири биридан баланд бўлган тўққиз қават осмонни бунёд эттингки, ҳеч қандай ваҳм унинг мустаҳкамлигига бўғов сола олмайди. Фалаклар бири бирининг ичида махфий бўлиб, ҳар бирининг орасидаги бўшлиқ бир оламдир. Уларнинг асосини кенг, текис ясаб, юқоридагиси пастдаги саккизтасини ўраб, ихота қилиб турадиган қилдинг. Бўшлиқлар аро устма-уст жойлашган ва қатламлари бири-бирига тегиб турадиган мазкур сайёралар ўзаро мустаҳкам боғлиқдирлар. Шу туфайли бири бирига монанд бўлган саккиз мовий гумбаз бир томонга (шарққа) қараб ҳаракат қилади, аввалгиси (биринчиси) ҳам табиатан шу усулни такрорлайди (лекин у ғарб томонга айланади)<sup>1</sup>. Бу саккиз гумбазнинг маркази ва ҳаракатлараро ихтиёри ҳам сендадур.

Гумбазларнинг саккизнинчисига тургун юлдузларни жойладинг. Улар ҳаракатсиз бўлсалар-да, аммо кўк гумбазлари оҳиста айланиб туради. У гўё юз минглаб товланувчи гавҳарлар билан безалган осмон қадаҳини эслатади. Илоҳи бу қадах мудом айланиб турсин, чунки унинг давр этишидан сержилва гавҳар (юлдуз)лар янада мустаҳкам жипселашаётган бўлса ажаб эмас. Бу сайёрада яна юз минглаб гўзал, ойга монанд жилвагар юлдузлар сукунатда шод ва хуррам порлаб турадилар.

Карамингнинг жўш уриши натижасида иккинчи кўк қўрғонини ҳам яратиб, уни бировга қароргоҳ қилдинг.

---

<sup>1</sup> Эттинчи қават устида саккизнинчи осмон бўлиб, ундан тургун юлдузлар жой олган. Мовий гумбазлар ҳаракати жанубий — биринчи (бу ҳаракат осмонда ҳеч сезилмайди) ва шарқий — иккинчи ҳаракатларга бўлинади. Жанубий ҳаракат натижасида кеча ва кундуз юзага келади. Қараи: Абу Райҳон Беруний, Таълиқанг асарлар. V жилд. 1-китоб. Тошкент. «Фан». 1973. 59—60-бетлар.

Бу юксак қатъа муҳандисларга хос бўлган чуқур мулоҳаза юритишликнинг натижаси бўлиб, кўрган маснадиинишлари эса сабр-бардошда яғонадурлар. Уларнинг аста-секинлик билан қилган ҳаракатлари ҳилм аёғига, вазминликлари эса тўзимли тоққа монандир. Уларнинг кўзларидан офат ёриқлари очилиб, нафасларидан шумлик ўтлари сочилади. Улар гўё қаро юз билан кўкда яшовчи, ёхуд қорамол (саврсигир — телец юлдузлар туркуми) ёрдамида айлашадиган тегирмон тепасида учиб юривчи чибишлардир<sup>1</sup>.

Яна ибодат қиладиган жуда кенг бир жой ҳам яратиб, ибодат қилувчиларининг қадрларини юксаклардан оширдиги. Юзларида нафис, улуғворлик матоси ва бошларида ридо бўлган обидлар худди қуёш сингари саодат нурларини таратадилар. Улар фалак хонақоҳида Ғаззолий сингари ноёб толейга йўл топганлардандир. Бу юлдузлар туркуми (Муштарий — Юпитер планетаси «саъди акбар», «Фалак қозиси» деб ҳам юритилди.) гўё кўк гўмбазини узра безакли қандил, ёхуд Арши аълодаги минорада жойлашган яхши хулқли Жаброилга монандир. Шунинг учун у олтинчи фалакдан туриб қишиларга бахт ва толей улашади.

Яна бир фалакни қатл қилинадиган жой қилиб бунёд этдиги, унинг ором олувчиси дўст аталмиш — қотидир. Бу Миррих — (Марс) планетаси бўлиб, бешинчи фалакда жойлашган.<sup>2</sup> Қишилар унинг тигидан ҳеч қачон ёмонлик топа олмаганлар. Уни ялтироқ тиги бало чақмоғи бўлиб, ундан оқадиган сув халқни гарқ қилувчи офатдир. Эъ буйинини кесмоқ, ўткир қилич билан бошни учирмоқ унга ҳамишалик одатдир. У шунчалик қонхўрки, кесилган бошнинг қосасини қадаҳ қилиб май ўрнига қон ичади, қон эмас, қатра-қатра захар ютгандек қаҳр билан нур сочади.

Сен яна бир пок, тоза гулбоғ — жаннат ҳам бунёд этдиги, унинг мақом қилувчиси ҳурдан ҳам афзалдир. У осмон мулкининг шоҳи қуёш бўлиб, оромгоҳи феруза рангли осмон тахтидир. У кўк аҳлининг ярашиқли беэағи, кўрар кўзи, балки кўз қорачигидир. Порлоқ чақмоқлар унга кўзгу бўлиб, даъволарига гувоҳ зарралардир. Баланд

<sup>1</sup> «Катта учбурчак», «Кичик учбурчак» ва «Пашша» юлдузлар туркумига ишора. «Пашша» юлдузлар тўплами «Саврсигир — Телец юлдузлар тўпламининг тепасида жойлашган. Қараг: Ян Генезий. Юлдузлар осмониинг атласи, Тошкент, «Фан», 1968. 25 ва 27-бетлар.

<sup>2</sup> Классик шеърятда ва умуман ўрта аср Шарқ адабиётида Миррих (Марс) сайёраси «Осмон (Фалак) анжаҳоси» ёки шери деб аталган «Баҳромни фалак» десап шакли ҳам учрайди.

кўшк нештоқидаги қуёшмонанд заррин нақшлар сингари улар ери ҳам кўкда айланувчи мовий гумбазлар ародир.

Яна бир юксак фалакка сержилва Зухра (Венера — Чўлпон) юлдузини жойладинг. Созанда ва хонандалар хомийси ҳисобланган қуёш чехралик бу «барбат» чалувчи ўз созини чалганда гўё жон иллари унга тор бўлади. Саргузаштлар унинг торига гузориш беради, тирноглари эса бағирларга — хориш. У қачон ёқимли куй бунёд этса, буюк ақл соҳиблари ҳам фарёд чекмай қола олмайди. Барбатининг овози етиб борган жойда на дилигашияк қолади, на гам-ташвиш. У гўё доира ичидаги қўнгироқ-чалар сингари кўк тоқида хотири жамлик билан оҳанг тузади.

Яна бирини кутубхона қилиб яратдинг<sup>1</sup> ва у ерга китобат ишларида оқилу доноларни тўйладинг. Улар яширин фикр ва мазмуларни диққат билан текширувчи нуқтадонлар орасидаги назик хунар эгаларидир. Сув қаерга туша ўша рангга киргани сингари, уларнинг ишлари ҳам бошдан-оёқ ўйини найрангдан иборат. Одатлари қалам тарашилан ва саҳифаларга назик маъноли сўзларни битмакдан иборат. Фалак сатҳида улар ибратли ёзув тахтаси сингари, ер узра эса паргорда чизилган нақшдек кўринадилар.

Яна бир фалакдан ажойиб бутхона бунёд этиб, унинг истиқомат қилувчисини тезасйр қилдинг. У шу даражада тез еладики, ҳатто қадами ерга тегмайди. Шу сабабдан бўлса керак, у турар жойини бот-бот алмаштириб туради. Фақат манзилини эмас, исмини ҳам гоҳ «бадр» (тўлиной), гоҳ хилол (янги кўринган ой) дея ўзгартириб туради. Тезравлигидан баъзан улуглиги ва баъзан қийинчиликлари ортиб туради. Унинг гоҳ тўлишиб, гоҳ ингичкаланиб ҳолдан тойиши шундан бўлса керак. У ҳаракат бобида осмон фалакдан тезкор, аммо кўринишида унинг олдидан чумолидек кичикдир.

Сен фалакиётга шу тахлит хусусиятлар ато қилиб, уларнинг ихтиёрларига оналарни тонширддинг, отани етти<sup>2</sup> ва онани тўрт<sup>3</sup> қилиб, оқибат яна улардан учтасини<sup>4</sup> чиқардинг.

<sup>1</sup> У т о р у д — Меркурий сайёраси классик адабиётда афсоналарга таъниб «Фалак котиби — шоирлар хомийси» деб ҳисобланган.

<sup>2</sup> Етти қат осмонга ишора.

<sup>3 4</sup> Осмони фалак икки поле — экватор ва эклиптикага бўлинади. Эклиптика экватор ва бошқа нуқталар билан кесинганда туртта тенг бўлган бўлақларга бўлинади. Бўлақларнинг ҳар бири яна учта тенг бўлақларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири бир бурж (Зодиак белгиси — зоднак)ни англатади. Веруний, ўша асар, 87-бет

Онани тўртта қилганинг таажкубларли ҳол эмас, чунки шариатда тўрттагача бўлган никоҳга руҳсат этилади.

Ина бирининг мижозини тез қилиб, феълани шуъла-хез — ёлқин кўзгатувчи қилдинг. Ҳаёт аҳлини бундан пайжот тонмоғини тилаб, иккинчи бирига мулоҳимлик руҳини бахш этдинг.

Сайёраларининг бирини фалак сингарин сайр этувчи қилиб ясадинг. У равшаниликда жаҳонни аке эттирувчи кўзгу сингаридир. (Зухра, Хулқар юлдузи.)

Бирининг фаолиятини хира қилиб яратганинг сабабли у ўз вазифасида хор-зор бўлди<sup>1</sup>. Бу жуфтликларни мустаҳкамлаш мақсадида уларга печа фарзанд ҳам ато қилдинг<sup>2</sup>.

Бирга камолот жиявасидан ҳаёт бердинг, шунинг учун унинг кўриниши, порлаши поввот рағидадир. Бировига тош<sup>3</sup> моддасидан озиқ берганинг ҳолда, иккинчисига (сувоқлик бўлгани учун) сараланган нарсалар ато қилдинг.

Бирини мулоҳимликда жон гавҳарин янглиг ясаб, унинг ҳаёт манбаъини Хизр суви қилдинг<sup>4</sup>.

Шу тахлит барча босқичларни яратиб бўлгач, инсон гулбоғини бунёд этишга киришдинг ва у ерда инсон гули — атиргул очилишига муваффақ бўлдинг. Инсон гули демай, жаннат боғининг гули очилгач, унинг танига қадр-қимматдан ёпинчик ёпиб, бошига буюклик белгиси — тож кийдирдинг. Кўнглини сирлар хазинаси, юзини эса ойна соҳибин қилдинг. Бу ойнада жамолнинг нури зухур этар экан, фаришталар бунинг кўриб «оллонинг энбеси» дея тасанно айтдилар. Шу тариқа инсонни вужудга келтириб, фаришталарини уларга сажда қиладиган қилдинг. Шу сабаб қайси бир кўзгуда аксинг жилваланадир экан, фаришталар нима учун унга сажда қилмасинлар? Сажда қилмаганларга таъналар ёғилса-да, «таъни» сўзининг «цуц» улар бўйинига лаънат ҳалқаси бўлиб тушса.

Сен инсонга баланд мартаба бериб, унинг кўнглини муҳаббат қўйишга сазовор қилдинг. Булутин кўтаришдан қуёш сингарин, сенинг ишқинг унинг кўнглига кучли ўт солди. Юзингдаги тўсиқ кўтарила боргани сари, унинг

<sup>1</sup> Зухад — Сатурн сайёрасин бўлиб, у наҳеят — наҳелик, иши олдинга кетмаслигининг рамзи сифатида тилга олинади

<sup>2</sup> Буржлар.

<sup>3</sup> «Менслай тоғи» юлдузлар туркуми.

<sup>4</sup> «Хут» юлдузлар туркуми.



ишқи ўти янада зиёда бўлди. Шу тафайли қайси томонга кўз солса, фақат сенинг жамолининг кўрди. Хуснингга во-сил бўлиши нетағи унинг кўнглида кучли хоҳиш уйғотди.

Шуниси диққатга сазоворки, марҳаматли маъшуқа ўз жамолини намоян этмоқ учун сахийлик билан оламни бунёд этишга киришди. Бундан мақсади энг олий зот — Одамни яратиши эди.

Одамни яратишдан мақсад олам бунёди, оламдан бошқа ниманки нарсалар бор, уларнинг ҳаммаси инсон мақсади учун яратилди.

Инсон зоти касби-кори яратувчилик бўлган бундай улуг зотни ҳаргиз кўрмаган. Разм солсам адамдан-абадийликдан ҳам бошқа нарсалар бор экан. Сенинг ўзинг ҳам ошиқ, ҳам ишқ ва ҳам маъшуқ экансан. Демак, сен мутлақ маъшуқу ошиқсан, ишқу ошиқликлар ҳам фақат сен учун яратилган, вассалом!

## II

*Мутлақ иззат ва ҳурматга сазовор бўлган олийҳиммат яратувчи карамлининг «к» ҳарфи ўжарлик билан «ёзуқ» сўзидаги «қ» ҳарфини ерга наст қилади ва «р»си ройи олам билан гуноҳ кўзини кўр қилади ва «м»си эса зўр марҳамат билан хато сўзининг ёзилишига кечириш рақамини чекиб, гуноҳларни ўтишни тилаб ва шафқат дарёсидан омонлик истаб муножот қилмоқ ҳақида*

Эй кўли очик ва сахий кишиларни ҳақиру камтар қилган саховатпеша зот! Оламдаги ҳар бир шоҳнинг саховати сенинг марҳаматинг туфайлидир! Агар сен уларнинг мартабасини баланд қилиб, давлатини зиёд қилмаганинда, улар ўзларича эҳсон улашармидилар. Карамлилар гарчи тож соҳиб бўлсалар ҳам, лекин бари бир сенинг бахшишингга муҳтождурлар. Аввало сен улар учун хазиналар эшигини очиб, эҳсон қилишни буюрдинг, улар амрингни вожиб айладилар. Бас, шундай экан, ҳақиқатан ҳам улар карам қилувчилар эмас, балки сенинг ўзинг соҳибкарамсан, улар карам фақат сен туфайлидир. Шунинг учун, эй парвардигори олам, сени карамлиларнинг карими, аҳли карамни эса эҳсон борасида бир восита деб айтсам ҳеч ажабланарли эмас. Бу сўзимни қувватловчи бошқа далиллар ҳам бор, у ҳам бўлса энг улуг зотларнинг бу борадаги фикрларидир.

Эй соҳибкарам! Сен ҳамма нарсага карам кўзи билан боқасан, шу сабаб барча гуноҳкорларнинг гуноҳини ҳамин-

на кечириб келасан. Бу сени ҳадсиз-худудсиз олижаноблигиндан ишонча бўлиб, бундай савоб иш ҳеч бир банданинг қўлидан келмайди. Шундай экан, агар халқнинг қандайдир гуноҳи бўлса, у қиёмат кунигача бахшиш этилиши табиий.

Карамингнинг чексизлигиндан ўз элчинг — пайгамбарини (Мухаммад пайгамбар) ҳам ҳимматпарвар қилдинг.

Эй менинг парвардигорим! Банда зоти мавжуд экан, унинг гуноҳ ишлар қилиши табиий. Сен соҳибкарам сифатида айбқўларга марҳамат қилиб, уларнинг бир эмас, бир қанча гуноҳларини афв қилиб келгансан. Агар афв билан марҳамат шундай бўладиган бўлса, дунёдаги жаминки халқларнинг гуноҳи кечирилиши табиий. Умид қиламанки, сенинг карамингнинг ниҳояси бўлмаса, эл гуноҳи кечирилишининг ҳам охири бўлмас. Ахир мурувватли дарё тонадиган бўлса на насллик, на баландлик қолади.

Мен ҳадсиз гуноҳлар содир қилган бўлсам, қандай қилиб сендан ноумид бўлай? Чунки мен сенинг олдинда ҳисобсиз гуноҳлардан ёмон отлиқман, ниҳоятдан ортиқ жиноятқорман. Шу бонс қаддим хижлат юкидан букки, бунга яна бошга тушган турли ташвишлар ҳам қўшилганидан вужудим гўё исён ўтидан алағаланади. Бу ўт танимини куйдириб, тутуни рўзгоримни қаро қилмоқда. Йўқ, йўқ! Вужудим катта оловхонага айланиб, ноғирон жисмим унга ўтин вазифасини бажармоқда. Ловиллаб ёнаётган жисминини оловхона эмас, балки алағалари кўкка ўрлаётган дўзах деб аташ тўғрироқ бўлар. Дўзах ўти гуноҳ шуълаларини шундай алағалатмоқдаки, унинг ёлқини марҳаматли булутларни худди пахта сингари куйдириб кул қилмоқда. Бу кучли алағадан юлдузлар юзи ўртапар, на фақат юлдузлар, ҳатто фариштаю парилар ҳам куйиб ўртапар эдилар. Шу тахлит қора тутун осмони фалакни буткул қоплади, натижада даҳшатли зулмат юзага келди. Бу ҳолатни кўрган замона уни «шом» деб атади. Уни «шом» ҳам эмас, зулмат кингизи деб, бутун киннотни зулматга — мотам либосига бурканди. — деб айтаман янада тўғрироқ бўлар. Бу манзара, гўё қазо менинг гуноҳларим кўнлиги учун ўлдирмоққа чоғлангану, шундан дунё одамлари аза либосини кийганини эслатади. Ёхуд бутун осмони фалакнинг ичини қора қайғу гамнок этгану, ёқасини субҳ тонги чок этгандек.

Ажаб, қизиқ ҳолат вужудга келди. Ана шу талай гамгуссаларга қарамай, фалак менинг қора тақдиримни оқлик-равшанлик томои бурди. Бунга не асос бўлганини сўрасанг, айтай — зулмат исёнига ёришиб бораётган тонг

сабаб бўлди. Ошпоқ тонгни зулматини йўққа чиқараётган пахта мисоли бил, унинг заррини нуралини қаро тун ўрайган кафанининг ришта — толалари дея фараз қил. Тонг шом зулматига, яъни ажал гуруҳига шиддатли ҳужум қилиб, унинг ҳар торидан йўқлик манзили сари тортди. Мени ҳам ажал сочларимдан тортқиларди. Шу сабаб ўтли оҳларимдан печун ўт сочувчи бўлмади? Шу аснода машаққат ила ўладиган бўлсам ҳам тортмайман, чунки банд бор жойда ўлим ҳақ. Лекин ўлим жонимга келган кулфат бўлиб, жамики кўнгилсиз нарсаларнинг энг ёмонидур. Мунгача ўзимдан кетиб, гумроҳлик билан умримни бекорга ўтказдим, беҳуда валақлашлардан кўнгил кўзгуси хира тортмади, бўйинини ҳам қилувчи ўринсиз чалғишлардан қадамимни тиймадим. Туну кун майхонада сармаст бўлиб, жойнамозни май учун гаровга қўйдим, елкамга ташланган ёпинчигим четларидан майсузгич сифатида фойдаландим. Майхонани қон-қоронғи бутхона деб фараз қилсанг, мени унда яхшиликларни қадрламовчи қарн мажусийи деб бил.

Ана шунча юзи қораликлар, расволиклар, бебошликлар қилган бўлсам-да, сендан асло умид узмайман, чунки карамнинг дарёсидан ноумид эмасман. Бу оламда кимки гуноҳкор экан, сенинг илтифотингга сазовордир. Буни билганимдан кейин ҳолим хароб бўлди, умид билан яна кўпроқ гуноҳ содир қилдим. Эшиттишимча, Хорун деган олий ҳимматли шахс ҳамманинг кўплаб хатосини афв қилсам, дер экан. Агар шундай экан, менинг қанчалик хурсанд бўлишимни халқим билса эди. Халқ ўзини ана шундай гамхўрликлар билан ардоқланишини билганда, унинг васлига етишиш учун гуноҳдан бошқа ҳеч қандай иш қилмаган бўлур эди.

Худоё Хорун каби улуг кишилар минглаб, ўн минглаб мавжуд бўлсин. Фақат Хорун эмас, Ашк ва Фаридун кабилар ҳам зиёда бўлсин. Сенинг даргоҳингда улар қарам бобида бир хасчадирлар, хас ҳам эмас, ундан ҳам пастдирлар. Агар булар саховатда шунчалик бўлсалар, бу бобда сени нима деб аташ мумкин?

Агар уларни шоҳ деб фараз қиладиган бўлсак, мен улар олдида бир камтарин гадоман. Лекин ўлар вақтида гадо ҳам, шоҳ ҳам тенгдирлар.

Куюш ерини ўз нурали билан мунаввар қилган чоғида зарралар орасида фарқ борини ким фаҳмлабди? Ана шу зарраларга қарам қилганингда Навоийга ҳам бир заррага қилганчалик саховат кўрсатгини. Гарчи у гуноҳкор ва тақаббур бўлиб, жазога сазовор бўлса-да, сен ундан кара-

мининг дариг тутма, чунки сен бунга қодирсан. Шу сабаб хато қилганларинг ҳисобга олмаи, қилган гуноҳларинга дойиқ жазоламасанг. Улар қанчалик миқдорда гуноҳ қилган бўлсалар-да, сен чексиз саховатинг билан гуноҳларинг кечсанг. Худоё зухду тоат қилмаган бандаларингга пайгамбаринг ўртада туриб воситачилик қилишини насиб этгин.

### III

*Табарруқ номлари «Саййид-ул-мурсалин»  
(пайгамбарларинг улуги) бўлган гуноҳкорлар ҳимоячиси ва муборак сифатларига «биз сени бутун оламга фақат раҳмат бўлсин деб юбордик» деб ёзилган Расули амин васфидаким, саловатларинг энг афзали ва саломларинг энг мукаммали унга бўлсин*

Эй боши узра улугворлик гавҳари порлаган ва жамики пайгамбарларинг сардори бўлган зот! Пайгамбарлар сенинг эл ва жамоанг десам тўғри бўлмас, чунки уларинг вужуд топиши сен туфайлдир. Аввало сенинг гавҳардек пок зотинг яратилди, сўнгра дунёдаги бору йўқ нарсалар бир-бир пайдо бўлди.

Бир пайтлар сенинг нуринг зухур этмаган вақтда қоронғулик ҳам, ёруглик ҳам аён эмас эди. Ҳақ сенинг нурингги маҳбуб қилиб, унинг зиёсидан жамики осмон шамларини ёритди. Бу чироқлар ўз шуъласини ёритиши билан баробар, барча пайгамбарлар учун ҳам ёруглик манбаи бўлди. Фақат пайгамбарлар эмас, ниманки жонли мавжудот бўлса, уларинг ҳаммаси бу улуг нур — гугурт зиёсидан кушойиш олар эдилар. У зиёни гугурт эмас, қизил ёқут, у ҳам эмас, оби ҳаёт деб айтсак тўғрироқ бўлар.

Вужудингги тақдир аввалдан ноёб-подир қилиб яратар экан, сен туфайли барча пайгамбарларинг ҳам гилу гашдан ариган, покиза қилиб бунёд этди.

Тағри сенинг пок зотингги ҳамма нарсдан илгари яратди, шундай экан, Одам ато сенга фарзанд бўлса ажаб эмас. У оталик расмида сендан улугдир, аммо асли яратилишида сенга фарзанд ўрнидадир. Модомики шундай экан, сен унга ота бўлиб, унинг ёш бола сифатида яратилганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки бу тушунчага «Мен пайгамбарман» деган ҳадис ҳам далилдир. Демак, Одам ато сенга ўғил ўрнида бўлса, бошқалар набира қаторида бўлишлари табиий.

Сенинг насл-насабинг ақлни дол қолдиради, мўъжжаларинг эса ақлли-зукколарни ҳайратга солади.

Мусо пайгамбарга ҳақ «Таврот»<sup>1</sup>ни баён этган вақтда, сенга мазкур баён таркибдаги мўъжизалар аввалдан аён эди.

Довуд алайҳиссаломнинг китоби бўлгани «Забур»да ҳам сенинг мўъжизотинг зухур этилгандир.

Исо пайгамбарга нозил бўлган «Инжил»да эса ҳақ томонидан сенинг барча хусусиятларинг баён этилган эди.

Ислом илоҳиётининг нақ шакли «Қалом» ҳам сен туфайли тартиб тошиб, унинг ҳар бир сўзи мўъжиза яратувчи бўлди.

Осмони фалакдан нозил бўлган қанча китоб бўлса, уларнинг ҳаммасида сен борангда хабар мавжуд.

Сен дунёга келишинг биланоқ равшан нуринг ҳамма ёқни мунаввар қилди. Бу нур шуъласи қуёшдан тортиб то Маккаю Мадойингача бориб етди. Сенинг саждаи учун жамики бутлар, худди бутнараст бутга сажда қилгандек ерга бош эгдилар. Сени шундай улуғвор қилиб яратганга сен ҳам миннатдорчилик изҳор этиб, сажда қилишинг фарз. Чунки ҳақ сени таъзим қилувчи қилиб яратди. Шу туфайли ҳаққа сажда қилиш ҳаммага аён бўлди.

Сенинг таваллуд топганингдан бутун жаҳон ёришди, гўё кўкда бир эмас, икки қуёш порламоқда эди.

Фалак бу ишлардан огоҳ бўлгач, сенга жамики шоҳларга сардорлик қилиш вазифасини берди. Лекин фалакнинг бундай мурувват кўрсатишга қандай ҳадди сизарди, чунки сени тағригининг ўзи азал то абад шоҳ этиб яратган. Бу фикрларимга гувоҳ — бошингдаги саховат тожи бўлса, далил — набийлик нишонингдир. Бу шундай нишонки, қуёш нурига юлдуз ниҳон бўлгани сингари, унинг нақшларини сенинг улуғвор елканг тўсиб туради. Уни юлдузга ҳам тенглаштириб бўлмайди, у оллоҳнинг қудратли қўллари билан ҳукм хати битилган узукдир. Бу ҳукмда сенинг вужудинг сирлар хазинаси экани, хазинагдаги дуру лаълларнинг эса аслиги битилган. Хотаминг (муҳринг) фаннинг яширин сирларини ошкор қилиши баробар. лозим бўлган вақтда сукут ҳам сақлай олади. У оддий жисм эмас, шоҳлар хазинасидир, йўқ, у ҳам эмас, илоҳий қудратга эга бўлган узукдир. Кимгаки шундай узук даст берса, унинг кўзида осмону ер акс этса, ҳайрон

<sup>1</sup> Иудаизм (яхудий дини)нинг талқинига кўра, гўё худо «Таврот»ни афсонавий пайгамбар Мусога вахий қилган эмиш. шунинг учун у кўпинча «Мусо қонунари» деб ҳам аталади. Қарап: Ислом справочниги. Тошкент, 1987 йил, 160-бет.

қолиш керак эмас, бундай узук — узук эмас, у ой узра ярашиқли беақдир ёхуд қуён устидаги мушкин соядир.

Қуён ҳар қандай кўланкани йўққа чиқаради, шундай экан, нима учун соя бу мартабани ўзига касб этди? Шамнинг ҳам сояси кун ёришгач йўқлик сари юз тутади. Бу ҳақиқат ҳаммага аён бўлгач, нима учун у бу сояга кўшни бўлди? Қуён у (шам) сояни ошқора рашк қилганидан ҳар кун титраб, сарғайиб ўз нурини сочади. Сенинг қуёшингга юзга тўлини ой хизматкор, икки зулф эса икки лайлатул-қадрдир<sup>1</sup>. Уни зулф демасдан, ўз хунбўйанги билан Чин мушкини янада қорайтириб юборган икки қоп-қора анбар хидли соч дейиш ўриқлидир. Тонг шамоли мушк хидини бутратиб Чинга довур етказди, натижада Чин шаҳри ҳам худди мушк солинган идиш сипгари нфор бўйини анқитаётган шамол билан тўсди. Агар Чин мушкдонни қора зулфдан тунга монанд қоралиқни қарз олмаган экан, унда нима учун у қоп-қорайиб кетди?

Зулфлар ўралганда уларнинг буралиб тўлганиши худди икки анбарни қора илошни, жием эса хазинани эслатади. Уларни ечиб тараганда гўё майини шамол гул устидан сунбул сочаётгандек бўлади. Юзинг эса анбар хидли сунбул сочлар огушида тузоққа тушган иқбол қушини эслатади. Сенинг тузогингга банд бўлган қуш — Азозил сипгари оқибатда бахтиёр бўлади. Оёғинг тағида сенга қарам бўлиб ётган қуш ҳатто бойўгли бўлса ҳам бахтлидир. Чунки бировга вайрона хазина бўлгани сипгари, унинг ҳамхонаси аждаҳо бўлса не гам?

Ўлимга ўз нафаслари билан даво тонганлар, хассаларини<sup>2</sup> ташлаб аждаҳо қилган бўлсалар таажжуб эмас.

Сўзлаётганда оғиз булоғидан оқабган ҳаёт сувини ҳаё тўрт тўсиққа солди. Модомики, сенинг кучли дазилларингнинг қуввати маълум экан, Исо пайгамбар ҳосил қилган аждаҳони чумолига айлантиришинг ҳеч гап эмас. Қандай Исолар ёки Мусолар бўлмасин, сенинг маслағинг аён бўлини биланок зарбага учрайдилар.

Офарин сенга, эй пайгамбарлар ҳомийси! Сен пайгамбарлар сафидан юлдузлар қадарлик кўн қўшни йилдинг. Лекин сенинг офтобинг кўриниши билан унинг нурлари юлдузлар епоҳини тўсиб қўйди. Сенинг жилвагоҳинг

<sup>1</sup> Қадр кечаси рамазоннинг 27-кечаси бўлиб, бу кеча кутлуг ҳисобланади.

<sup>2</sup> Мусо пайгамбарнинг афсонавий таёғига ишора.

осмону юлдузлар макони бўлиб, ўзингдан нур чиқарган пайтингда Арш<sup>1</sup> оёғинг остида наст бўлади. Хузурингда Жабронл хизматкорлик қилади. Агар бу фикримга далил истасанг, Метърож туни воқеаси асос бўла олади.

#### IV

*У баландпарвоз Худойининг жадаллиси ва Метърож тунида наргиз кўзи билан кўнсил гунчаси аригидан сероблар қилгани таърифида*

Кўннот жамолига хол бўлиб тушган бу қандай бахтиёр қоронгу кеча! Балки у хол эмас, бутун мавжудотга анбар хидини таратаётган хуш нели кокилдир? Унинг мушкини бўйи ошкор бўлгач, бутун жаҳонни ифтор хиди қоплади. Охиета эсанг енгил шабада мунки билан бирга тоғнинг кумуш толаларини ҳам ёя бошлади. Булар кумуш толалар ҳам эмас, йўқ, қоронгу кечада ҳар ёндан кўрина бошлаган юзлаб шуълали нурлардир. Бу нурлардан нафакат ер юзи, балки осмон қоронгулиги ҳам ёришиб, фалак гулбоғи жаннат боғидек мусаффо, чарх юлдузлари эса жаннатмакон бўлдилар. Фаришталар порлоқ, юлдузлар каби ёхуд олам атрофида учаётган шабнарақлар сингари юқоридан настга тушдилар. Бу қушларнинг қаноти ели етган жойларда шайтонлар гўбори кўкка совурилди. Шундай кечаларнинг бирида фалак боғининг тоза гулбарги бўлган кўк чироғи-худди қуёни сингари халқдан махфий равишда ердан кўтарилди.

Ногоҳ бир инидатли чақмоқ чақилиб, бутун олам нурга гарқ бўлди. У чақмоқ ҳам эмас, яшин тезлигида учувчи қуш бўлиб, қўлида ҳам шу турдаги чақин қуши бөр эди. Уларнинг бири Арши аъло айвонининг қуши бўлса, иккинчиси жаннат бўстониининг сайр қилувчисиendir. Унисига еттинчи осмон қасридаги дарахт сайраш макони бўлса, бунисига жаннат боғи яшил майдондир.

Қисқаси, биҳишт боғининг подир товуси ва вафодор ишончли фариштаси етиб келган эди. Қушдек енгил ва чақмон пок тийнатли сайр қилувчи буроғининг мақоми жаннат боғлари эди. Фалак сайридан у зўр хузур қилар, шу боис минг йиллик сайр унга бир қадамчалик йўл босиш билан баробар эди. Хаёл элчиси қай томонга азм этса, унинг қадами ҳам шу томонга қараб қўйиларди. Шу пайт таңгри хузуридан сайрга чиққан яхши хабар-

<sup>1</sup> Осмоннинг энг юқориси.

лар даракчиси осмони-фалак даргоҳларини бирма-бир босиб ўтиб, чаңгу тўзонга ботган ҳолда дўстининг олдига етиб келди ва унга таңғрининг саломини тошириб айтдики: «Айрилиқ мақомини (оралиқ масофани) босиб ўтиб, тездан ҳақ висолига етмоқ керак». Бу сўзини эшитгач, илдамқадам сайёҳ кўкни кезмоқ мақсадида, тезлик билан ўрнидан турди. Хабар олиб келган қосид (Жаброил фаришта) унинг отини ечиб, айлаштириб, саёҳат анжомларини тайёрлади. Суворий яшнн тезлигида отланиб, Буроқини (отини) Байтулҳарам<sup>1</sup> томон суриб кетди. У отини йўрттириб, шаҳарнинг энг узоқ бурчагигача борди ва у ердан оти билан биргаллиқда юксак осмони фалакка кўтарилди.

От бутун асбоб-анжомлари билан боғу роғлардан, елу ўт, суғу тупроғлардан ўтиб борарди. Аввали жавлангоҳи қаро ер эди, энди бўлса, яшнн тезлигида учганидан Арши аъло ҳам тағида гиламдек тўшаларди. Туби бўшлиқ, холиликдан иборат бўлган фалаклардан олиб ўтиш осон эмас эди. У шу кетишда аввало осмон чироғи — ойга етиб борди. Қамар бекатини нурлари билан чароғон қилгач, у билан хайрбод қилди. Нурларга гарқ бўлган ой мартабаси ҳамнашавий нур таратишда қуёшдан ҳам баянд бўлди.

Унинг оти иккинчи фалакка қадам қўйиши билан Уториднинг сиёҳдону қалами сиғиди. Бу мактаб кўрмаган (юлдузлар туркуми)лар илмлар хазинасини кўргач, уларнинг машғулотини тезлик билан илм ўрганишидан иборат бўлиб қолди.

Суворий энди учинчи фалакни кўзлаб, шитоб билан олиб кетди. Фалак соҳиби Зухра сайёраси уни кўргач, айтаётган қўшигини тўхтатиб, чалаётган уд (барбат)ини тезлик билан чодирига яширди ва ўрнидан туриб йўл бўшатди. Шитоб билан елаётган аргумоғ қуёш фалагига етиб келди ва унга кўп маломатлар қилди. Чунки тун қоронғулигини ёрита олмай, уятдан ер тубига ботиб кетган эди.

Шундан сўнг суворий бешинчи фалакка кириб келди. У ерда Баҳромни тобеъ қилиб, ўз амрига бўйенидирди. (Баҳром — Миррих — Марс сайёраси) улус қонини аёвсиз тўкмакликни бас қилиб, қиличнинг қинига солиб қўйди.

Раҳнамоси уни олтинчи фалакка етказди. Фалак соҳиби Мушгарий Муҳаммад номини хутбага қўшиб, унинг ҳукмронлигини эълон қилди. Холис фалак унинг дуосига қўл очиб, бошига жамини юлдузларни сочди.

<sup>1</sup> Макка шаҳридаги Каъба деб аталган машҳур зиёратгоҳ.



Аргумоги еттинчи фалакка етганида Зухал (Сатурн) сайёраси унинг бахт-иқболдан бахраманд бўлди. Натижада бутун наҳсиятлари (иши олдига босмаслик) йўқолиб, толей унга ёр бўлди.

Шундан сўнг саккизинчи фалак сари йўл олиб, у ерда ўзининг келишидан севинчга тўлган турғун юлдузларни кўрди. Улар саккизта чамаи гулларини хушдилик билан очиб, бошидан гулу настарилар сочдилар.

«Хамал<sup>1</sup> Муҳаммаддек меҳрибон кишини топгач, Мусо (пайгамбар) сингари чўпондан воз кечди. Осмони фалак эса худди жувозкан хўкиз<sup>2</sup> (савр) сингари унга фидоийлик билан атрофида айланар эди. Жавзо<sup>3</sup> (эгизаклар) ҳам унинг хизматига бел боглашиб, дуосига қўл очиб турарди. Мақсадига етган қисқичбақа<sup>4</sup> унинг отига гамхўрлик қилиб, панжаларини очиб қаршиларди.

Шерни кўрган қари тулки қандай аҳволга тушса, пахлавонимиз етиб келгач, арелон<sup>5</sup> ҳам шу кўйга тушиб қочди.

Фалакдаги бошоқ<sup>6</sup> доналари жилваланувчи гавҳарни эслатар, гавҳар ҳам эмас, ёниб, порлаб пур сочаётган ёруг юлдузлар сингари эди. Унинг оёқ томонида мизон<sup>7</sup> жойлашган бўлиб, у ўз ишини адолат билан юргизар эди.

Чаён<sup>8</sup> ўзининг ҳамишавий одатига кўра думини гажак қилиб, нишини санчмоқчи эди, ўз-ўзидан банд-бандидан ажраб кетди.

Қош учидан имо-ишора қилингани сингари, икки ёй<sup>9</sup> оралигида ёй суюнчилик хабарини етказишга ошиқар эди.

---

<sup>1</sup> Қуёш йили ҳисобида биринчи ой номи (март). Эски астрономияда эса ўн икки буржнинг биринчиси. Бу бурж қўй шаклида фараз қилинади.

<sup>2</sup> Савр (хўкиз) — иккинчи бурж бўлиб, юлдузлар туркуми хўкиз шаклида тасаввур қилингани учун шу ном берилган.

<sup>3</sup> Эгизаклар. Дунайқар деб ҳам юритилади. Осмоннинг «Хатти Истуво» (экватор) қисмидаги юлдузлар туркуми. (Ҳозирги астрономияда «Орион»).

<sup>4</sup> Тўртинчи бурж бўлиб, саратон номи билан юритилади. Ёз фаслининг биринчи ойи.

<sup>5</sup> Бешинчи бурж бўлиб, «асад» номи билан ҳам юритилади — шер шаклида тасвирланган.

<sup>6</sup> Хўша. «Сунбула» деб ҳам юритилади. Буржларнинг олтинчиси.

<sup>7</sup> Ўн икки буржнинг еттинчиси.

<sup>8</sup> Қуёш буржнинг саккизинчиси бўлиб, «ақраб» номи билан ҳам юритилади.

<sup>9</sup> Тўққизинчи бурж бўлиб, «қавс» номи билан ҳам юритилади.

Унинг ёнидаги эчки<sup>1</sup> эса ўз сўтининг ҳар бир томчисини йирик, думалоқ қатта дурга монанд қилиб ястаниб ётар, ёнибондаги даль<sup>2</sup> эса йўл устига қўйилган қатта хумларни сув билан тўлдирини ила овора, суви тугаса, ўрнига нижу сочини шиятида айланар эди. Тольё истаб ҳақ дамидан ҳаёт топган балиқ<sup>3</sup> ҳам «ноқдур ул ўлмайдиган доим тирик зот», дея сано-мақтовлар ўқир эди.

Қошиот боғи шундай гўзал безак ва ҳаншам топган эдики, унда ҳар бир фалак гўё бир иллуфардек кўринар, осмон суворий оёқлари тағига ўзининг мовий атласини шошиб-нишиб тўшар эди.

Сақкиз фалакни осонлик билан босиб ўтган Муҳаммад ўз аргумоғи билан осмоннинг энг юксак қавати — Арши аъзамга кириб келди. Арш унга фахр билан боқиб, отига кўз қорачигидан тақа қилди, сўнг минбарига безак бериб, суворийни устига чиқарди. Минбар уларнинг кўкка кўтарилиши учун ноя бўлиб хизмат қилди. Аршнинг шип ва пештоқларидаги заррин нақшлар қуёш рухсоридан мунаввар бўлгани сингари, пайгамбар ёғдусидан лавҳ юзи ҳам ёришиб кетди. Унинг ташриф буюришидан қаламга қушойини етиб, кўз тегмаслиги учун «ин якод» — «яқин бўлмаск» оятини ёза бошлади.

Шу тахлит у кўнгил мулкига, кўнгил мулки ҳам эмас, маънавий оламга сайр қилар экан, шу он оёқлари остида зинаноялар пайдо бўлди. У зинаноялардан оллох нуридан сарафроз бўлганича юқорига кўтарилар борди. Рўнараларида афсонавий гўзал бир ёлқин кўринди. Буни кўрган аргумоғи юришдан таққа тўхтади. Суворий отдан тушиб, аргумоғини осмон хабарчиси (Жаброил)га топширди ва фазога қадами тегмаган ҳолда (вазисизлик ҳолатида) шу ёлқин томон юриб кетди. Борар экан, унга на тўрт асл (сув, ҳаво, тупроқ, ўт) ҳамроҳлик қилар, на ён томонида (пастдан) биров ундан хабар олар эди. Унинг кўнгилдан ҳамма нарса кўтарилган, бутун қалби фақат ошиқлик билан банд эди. Йўл-йўлакай устки либоси ва бошидаги шуҳрат туғини ечди. Унинг бутун вужудини йўқлик губори соғинчга айлантириб юборгани натижасида борлиғу йўқликдан кўнгли осойишта эди. Лекин унинг на ўзида,

<sup>1</sup> «Жаддий» номи билан ҳам юритилади, қуёш буржининг ўнинчиси.

<sup>2</sup> Бу ўн биринчи бурж бўлиб, «кўнак», «қовга» (водолей) номлари билан ҳам юритилади.

<sup>3</sup> Буржларнинг ўн иккинчиси бўлиб, «хут» номи билан ҳам юритилади.

на жонда тирикликдан нишон бўлиб, фақат маъшуқа висолига етишни учун ошиқарди.

Ҳақиқатан ҳам то ўзлигидан кечмай туриб, маҳбуба жамолига эришмоқ мумкин эмас. Шу тугайли у ўзлигини ўзидан бартараф қилган эди, муроди ҳар тарафдан ҳосил бўла бошлади. Ўзлиги орасидаги нарда кўтарилла бошлаши билан танҳолик ниқоби кўзга кўринди. Бу ниқоб етмиш минг қават бўлиб, унинг кўпроқ қисми қоронғилигу озроқ қисми зиёдан иборат эди. Буларнинг бирини яхшиликка муяссар этувчи эзгу ел, йўқ-йўқ, лутфу эҳсон ели ўртадан кўтарди. У ҳақ жамолига мушарраф бўлмоқ ва унга етишмоқ нетағида янада яқинроқ топилди. Ҳақ у нимаки орзу қилса ёнги нетаса, ҳаммасига даст берди. Кўзи етишмоқлик (қовушмоқлик) қуёшидан равшанлик топиб, оралиқ масофа янада яқин (аён) бўлди. Унинг теварак-атрофга боқишига мажолли етмас, кўзи ҳақ фармонида бошқа ҳеч нарсани кўрмас эди. У шу ҳолатда қимирламай ўтирди. Натияжада иккилик шубҳалари йўққа чиқиб, фақат биргина — танҳолик жафоси зоҳир бўлди. Пайгамбар ўз йўлидан борган халқининг тартиб-қондаларига майл кўрсатган ҳолда поклик маконида махфий турар эди. У ҳақ таолодан ўзига махфий бўлган нарсалар ҳақида жавоб топиб, ундан ўзининг ҳам илтижоларини эшитишни сўради. Ҳақ ўзи айтиб, ўзи эшитадиган даражада гоҳ ниҳон, гоҳ ошкора сўзлади. Унинг афв ёки марҳамат денгизи мавж уриб турганини кўрган пайгамбар, гуноҳкор бандаларининг гуноҳидан ўтишини илтимос қилди. У бу нетагини арз этган заҳоти кўнглида яна халқнинг осойишталигини ҳам сўраш майли уйғонди. Бу маълум ҳақиқат. Чунки илгари орзу қилиб топмаган нарсасини тонган киши кўнглига яна бошқа нарсаларни ҳам сўраш фикри келади. Бу худди ҳар бир гунчанинг туғилишидан жаннат боғи янада жозиба олгани, ҳар бир қатра сувдан Уммон денгизи янада тўлиб-тошгани сингаридир.

Шундай қилиб, у ҳар қанча орзу қилган мақсади бўлса ҳаммасига эришди. Шундан сўнг у йўлда қолган йўлдоши ва аргумоғи томон равона бўлди. Улар олдига етиб келганда пайгамбаримиз таниб бўлмас даражада ўзгарган, улугворлиги чексиз даражада ошган эди. У отига сакраб чиқди ва уни илгаригидек йўрттириб кетди. Юз берган бу ҳодиса фалак аҳли орасида шу даражада шов-шувга сабаб бўлдики, ҳатто фаришталар орасида ҳам гавго кўтарилди. Фаришталар йўл бошида тўп-тўп бўлишиб, зўр иштиёқ билан уни тамошо қилишар эди. Пайгамбар

жамолидан бахраманд бўлмақ учун бутун жиёмларини кўзга айлантирган ҳолда унинг бошидан табақ-табақ нур сочар эдилар. Бу ҳол гўё уммон денгизига (сувга сув сочмоқ) сув сочганга ўхшар эди. Улар нур сочишлари баробар оёғини ҳам, ҳатто отининг тўёғини ҳам ўнар эдилар. Уларнинг бир гуруҳи хайрлашиб улгурниш биланпоқ, яна бошқа бир тўдаси келиб «Хуш келибсиз» дەر эдилар. Булар қайтиб улгурмай, ўзга хайл фаришталар етиб келиб, таъзим қилар эдилар. Осмони фалакнинг ҳамма томони фаришталар билан шу даражада тўлиб-тошдики, натижада пайгамбарнинг ерга тушадиган йўллари беркилиб қолди. Ун минглаб ёрқин шуълалар, талай оловли тўдалар ичида бир нур норлар эдики, унинг шуъласига ҳеч қандай ўт, ҳатто дўзах ўти ҳам зиён-заҳмат етказолмас эди, аксинча, бу ўтлар унинг шуъласидан бахраманд бўлар эдилар. У шу тахлит ер манзилининг марказига тушмоқ учун фалак хайли орасига кирди. У шараф билан ер томон тушар экан, кўкда учиб юрган фаришталар сингарини ҳар бир фалак боши узра нарвона бўлар эди.

Уларни нарвонага қибёлаш жониз бўлмас — барча кўк юлдузлари ўз шамларини қўлларинида тутганларича унинг нури манъалидан ўт олдирмоқда эдилар. Шу кўйи пайгамбар фалак аҳлини нурга гарқ айлаб, осмондан худди чақмоқ сингарини ерга ишди. Унинг жамоли ер боғига сўлимлик бахш этганидек, гайрати Арш тунроғини поклади. У ўзининг қароргоҳига етиб келгач, аргумоғини жаннатга элтиб топширди.

Бу шундайини улғу саёҳат бўлдики, бундай сафар ҳеч бир кишига насиб этмаган. Бинобарин, унинг шарҳини айтиб адо ҳам қилиб бўлмайди. Шу бонс бу ҳодиса ақллари лол қолдирса не ажаб, лекин буларнинг ҳаммаси бир муддатда, бир лаҳзада содир бўлди. Бориб келмоқлик муносабатлари шундай даражага етдики, буни огзаки сўз билан ифодалаб бўлмайди. Чунки унинг боришидан қайтиши тез бўлса, бундай иш ақлга сиғадими? Лекин бу бир лаҳзалик сайрдан унинг саховати, олижаноблиги янада ошар, бу эса умматларининг орзу-тилақларини қондиришда айни қўл келар эди. Чунки, у барча умматларининг гуноҳларига лойиқ жазо олишидан озод бўлганликлари каби севинчли хабарлар келтирар эди.

Шундай экан, Навоий ҳам ўзининг беҳисоб гуноҳларининг ҳисобга олинмаслиги ва кечирилишидан умидвордир. Бунга ўхшаган элчи воситачи бўлсаю, буни ҳақ тан олган бўлса, у ҳар қанча гуноҳлар содир қилган

бўлса ҳам, у гуноҳи бахшиш этилган эл қаторида бўлади. Агар Навоий бу иноятдан баҳраманд бўлмаганда эди, унинг муроди ҳосил бўлармиди?

## V

*«Хамса»ни мукаммал битказиш ҳақидаким, охир-оқибат (тўрт дostonни тугатгунча чарчаб) ялқовланган таъбни фафлат уйқусига мойил қилмай, сўнгисини ҳам ёзишга азму қарор қилингани*

Келинг, эй саодати баланд, мартабаси улуглар! Келинг! Ахир, сизларнинг шарофатингиздан одам азиз бўлди. Кимнинг бошига сизнинг соянгиз тушса, мартабаси қуёшдан юксакроққа чиқди. Кимгаки иккингиздан мадад етса, азал то абад — умрининг охиригача ҳақ унга мададкордир.

Сиз қарам қилиб, икки қўлимдан тутинг-да, мени сўз иқлими сари йўлланг! Сиз бу водийда менга йўл бошловчи Хизр бўлинг, қай томонга қараб юрмайин доим паноҳингизга олинг. Азалдан менга кўп ёрдам кўрсатдингиз, мен сиздан бениҳоя баҳраманд бўлдим. Ёш пайтларимдаёқ сиз қалбимга улуг муддаоларни солдингиз. Олдимда турган мақсадлар улугликда тоғ қадар бўлиб, у тоғнинг тошлари тигдай ўткиру сўқмоқлари ўнқир-чўнқир эди. Бу нотекис йўлда юз турли азият бўлиб, кишининг чўққига кўтариллиши гоятда мушкул эди. Бу машаққатли йўлда тўрт оромгоҳ — доvon босиб ўтилди, бешинчиси — шубҳасиз, асосий муддао йўлидир. Ҳар оромгоҳида (бекатида) юз хил ранж-машаққат бўлгани билан унинг тагида ганч-хазина ҳам йўқ эмас. Унга чиқмоқлик ҳар кимнинг қўлидан келавермасди, албатта, лекин икки-уч кишигина бу чўққини забт этган.

Менга ҳам сиздан мадад етиб, сиздангина эмас, тангри мададкорим бўлиб, шу чўққига чиқишга азимат қилдим ва ниҳоятда баланд, огир йўлга илдам қадам қўйдим. Шукрлар бўлсинким, шу фалакка ўхшаган юксак мақомга кўтарилгунимча ўткир, серқирра тошлар оёгим остида ипақдек эшилиб бораверди. Қадам урмогим бемадор бўлса ҳам йўлимдаги тошлар тупроққа айланаверди. Тангимга осудаликни эп билмай, тўрт манзилни босиб ўтдим. Бу тўрт баланд манзилга чиқиш гўё зўр ўтда ёниб-ўртаниш билан баравар эди. Бу юксак чўққига чиқиб, у маконни эгаллашга бел боғларканман, худди ўт каби қизгин ҳаракат қилдим. У манзилга етгунча қанчалик азоб-уқубат тортган бўлсам-да, лекин у ердан хазина топгандек баҳра

олдим. Ниҳоят, тўртинчи манзилга етгач, тўрт-беш кун дам олишга қарор қилдим. Зеро йўл азобидан ғоятда толққанымдан ҳордиқ чиқашишга жуда орзуманда эдим. Бир неча кун деганда чарчоғим босилиб, тану жоним анча тетикланди. Киши табиати бекорчиликка, ялқовликка мойил экан, то ҳаракатга келиб, ишни бошлаб юборгунча анча қийин бўлади. Хусусан, киши узоқ, оғир ва тинимсиз югуриб-елишдан эзиларкан, дарҳақиқат, ҳолдан тойиши табиий-да. Бинобарин, беш-ўн кунча дам олиб, май ичиб, ўйин-кулгидан комрон бўлдим у лекин баттарроқ ялқовлашиб, бўш қолсам ётиб ухлашнинг пайида бўлиб қолдим. Қолган ишни давом этдиришни ҳаёлимга келтирмас эдим. Йўлга тушишга қанча азимат қилсам ҳам бари бир, минг хил бўлар-бўлмас баҳоналар ҳаёлимни бузиб юборар эди. Йўл машаққатлари эсимга тушган замон, йўл юришдан кўнглим кетар эди. Бир нафас ҳам май нўш қилишу газак тотиб, шод-масрурликдан ажрагим келмас, буни чеклашга қудратим етмас эди.

Қолган ишга киришиш бундан буён ҳам кечикадиган бўлса, чеккан ҳамма меҳнату машаққатларим ҳеч бўлар эди. Ҳолбуки, агар занжир билан боғлаб тортсалар ҳам мазкур йўлга бир қадам босишга мадорим йўқдек эди. Бу ҳақда кўнглим насиҳатга қулоқ солмас, кучим етмасликдан бошқа иложим ҳам йўқ эди. Ярим йўлда қолиш ҳам мушкул иш, менинг бошимга тушган бу мушкул иш ҳеч кимсанинг бошига тушмаган бўлса керак. Бу гапларим ажабтовур бўлса ҳам бошимдан ўтгани учун ҳикоя қилиш-ни ўзимга эи билдим.

Шукрлар бўлсинки, ҳақ таоло менга мададқору бахтиқбол эса мунисим бўлди. Шуларнинг шарофати билан яна «Хамса»ни давом эттиришга киришдим, бу ишда белимдаги камарни қаттиқроқ тортдим. Бу ишда панжамга кўп ранж-етказмай, беш ганждан (ҳазинадан) тўртини қўлга киритиш менга nasib бўлди. Бу ўз-ўзини васф этиш эмас, ўйлайманки, ҳар ким ҳам мулоҳаза қилиб кўрса, менинг бу ишимга ишонади ва тан беради. Бу борада менинг қўлимга кирган хазина Фаридуннинг, Фаридунгина эмас, Қоруннинг бойлигидан ҳам ортиқдир.

Лекин бешинчи (достон)га келганда ғуссали табъим бир неча кун ўйин-кулгига қаттиқ боғланган эди. Май қуйқасини нўш қила берганимдан оёғим унинг лойига ботди. Оёғимни лойдан, хотиримни май таъсиридан қутқаришни қанчалик ўйласам ҳам ақл — бу мумкин бўлмаган иш дер эди. Башарти юз киши бир бўлиб лойдан

уй қурган бўлса, уни тортиб-сургаб кетиш — ёлғиз бир чумолининг иши эмас, албатта.

Бу ишдан кўнглим қапчалик таҳликага тушмасин, охир-оқибат агар таңғрим лутф-марҳамат қилса, иш енгил кўчишига аминман. Қачон таңғрим иноят қўлини чўзиб, қаршимдаги ҳидоят эшигини очаркин? Талаб йўлида талпина, тирмаша, кўзлаган манзилга етиш нақадар мушкул-а? Менга ҳақдан бахтиёрлик етишти, шунинг учун бу мушкул ишни бошлаб юборишда ўзимда дадиллик сездим. Бу галги ишим ҳам гоятда машаққатли бўлгани учун фақат таңғри олдида нола чекиб ёлбораман. Агарда мададкорим марҳаматини дариг тутмаса, тилимнинг айб-нуқсонлари ҳақидаги узрларимни қабул айласа, оёғимни бутун чиркинликлардан холи қилса, ҳамма беҳуда ишлардан фориғ этса, надомат ёшларини тўқардим ва у кўз ёшларида чўмилиб вужудимни поклардим. Сўнгра кўнглимга ёзиш ниятини жо-бажо қилган ҳолда эғнимга яна сўз жомакорини (иш кийимини) кийиб, сўз санъатининг асбобларини сошлаб, назм дурларини соча бошлардим. Шеърят оламида шоҳона базм тузардим-да, мазкур базмга қайта-қайта ташриф буюрар эдим.

Энди илм ва билим тахтига ўтирайин-да, хаёл элчисини ҳар тарафга чоптирайин. Худди ҳукмдорлар каби расм-русумларни жорий қилиб, ўзини четга тортмоқчи бўлганга сиёсат кўргизиб, маънолар қўшинини жон мулкидан, жон мулкидан эмас, йўқлик мулкидан мунтазам суратда саф-саф қилиб чиқазайки, бу қўшин пасту баланд — ҳамма ерни босиб кетсин. Сипоҳлар йигилгач, базмни тарк қилай-да, жаҳонгирлик юришини бошлайин. Танзимга сўзнинг зирҳли совети-ю, ўқ ўтмас темир кийимларини кийиб, бошимга эса шеърятнинг пок тожини қўяй-да, тезда саъй-ҳаракат отига миниб, сўз қўшинини зийнатлашга киришай. Сўз сафини шундай ораста тузайки, ўзининг гўзаллиги билан худди наввиҳол сарвини-ю янги очилган чаманни эслатсин.

Кўнглим мамлакатни фатҳ этгани билан у иқлим ҳали қўлга кирмаган эди. Бу мамлакат иқлимгина эмас, балки жаҳон кишвари эди, бу кишвар Искандар томонидан фатҳ этилган эди. Мен ҳам Искандардек саркардалик қилиб, қўшинини зарару офатлардан ҳимоя қилай, Искандар ер юзидаги қуруқлик ва денгизларни кезиб фатҳ этгани каби мен ҳам назм билан бутун хўлу қуруқликни мусаххар қилай — забт этай. Қисқаси, тезкор қаламимни ишга солиб, Искандар ҳақидаги дostonимга диққат кўргизай.

Илоҳи Навоийга мадад бер, қора шомини ҳақиқат чи-

роғи билан ёрит! Қоронғи кечанинг офатларидан, офатларигина эмас, зулматларидан ҳам асрагинки, у Хизр янғлиғ оби ҳаёт чиқазсин. Искандар жанобига ҳадемай етсин! Ушнинг ҳаёти зойил бўлиб дунёдан ўтган бўлса ҳам оти ва бутун сифатлари меннинг қаламим туфайли яна тирилсин!

## VI

*Сўз таърифида бир неча сўзким, сўз — борлиқ денгизидан биринчи чиққан бебаҳо гавҳардир ва яратилми осмонидан бошлаб тулуғ қилган равшан юлдуздир ва шу муносабат билан эзгулик сирларидан хабардор ҳазрат шайх — Низомийнинг мақтов-мадҳияларидаким, сўз юлдузининг чарх уриб айланувчи осмони шу зот эди. Ва яна шу таърифга лойиқ зот Мир Хусрав Деҳлавий бўлиб, у ҳам сўз гавҳарининг дарёйи бепоёни эди.*

Сўзнинг соф майини ичишга ният қилган одам учун сўзнинг таъриф-тавсифини қилиш ҳам фарз, ҳам қарз-дир. Сўзнинг тавсифини қилишдан мурод эса унинг тўла маънода қандай мавқеъи ва камолга эғалигини таърифлаш демакдирким, буни васф айлаб адосига етказиш мумкин эмас. Юқоридаги таърифнинг ўзи унга етарли ва лойиқ баҳо бўлиб, уни (сўзни) таърифлашга ортиқ зарурат йўқдир. Зеро, сўз ўз аҳамияти билан фалакдан ҳам юқори мақомдадир, фалакдангина эмас, инсон идрок қилган ҳамма нарсадан ҳам юқоридир. Сўз дури шундай юксакликка сочилганки, унинг пойтахти Сурайё юлдузининг ўрнидадир. Сўз ўз борлиги билан оламнинг ҳамма бурчагига етиб борувчи, ўз шарафи билан эса одамни энг юксак мартабаларга кўтарувчидир. Агар маъноли сўзи бўлмаса, ичида гавҳари йўқ садаф сингари, инсоннинг ҳеч қандай обрў ва эътибори йўқдир. Садафнинг ичида гавҳар пинҳон турган пайтда унинг хазинаси уммон денгизи бўлгани ҳолда, ичидан гавҳари олингач, садафнинг қуруқ тошбақа суягидан фарқи қолмайди. Инсон вужудида жоннинг жавоҳир тоши ҳам сўз, унинг ўликдек жисмини жонлантириб турган оби ҳаёт ҳам сўздир.

Мен сўзни «жоннинг жавҳари» дедим. Энди, жоним билан бу даъвойимнинг исботини қилиб берайин:

Агар киши жасадида жон бўлмаса, унинг ўзи ҳам йўқ бўлганидек, жон учун ҳам ўлик тананинг ҳожати йўқдир. Ахир, инсон зоти тилдан қолган онда жонидан умид узилди ва кўп ўтмай ўлади ҳам. Мен сўзни «оби ҳаёт» дедим. Энди, қулоқ солсангиз, бу даъвойимни ҳам исботлаб



бераман. Хаёт суви (оби хаёт) ўлиқни тиргизадиган бўлса, одам боласи бўлмиш Исо пайғамбар ҳам ўз нафаси (сўзи) билан шундай фазилатга эга бўлган-ку. Қайси одамнинг сўзи бировнинг руҳини кўтариб, унга жон бағишлар экан, бундай зотга оби хаёт ҳам ўз жонини фидо қилади. Сўз ўлиқни тирилтириш қобилиятига эга бўлгани ҳолда баъзан тирикни ҳалокатга ҳам олиб боради. У масжидларни шовқин-суронга тўлдиргани каби майхонаю бутхоналарни ҳам гала-говурга солади. Сўз — чархи фалакнинг кўксиди дурдона бўлгани каби денгиз ва ундаги гавҳарларни ҳам ўз мўъжизакорлиги билан ҳайратлантирувчидир. Сўз — инсон табиатининг ишвагар дилбари, у кўзга кўринмайди парпенфат бир нозанидир. Сўз — жаҳон-жаҳон дилорозиққа эга, гўзаллик ва латофат уни кўзга кўринмас қилиб кўйган.

Лекин халққа офатлардан омонлик тилаган сўз ҳарф ва товушлардан жомалар кийиб, безакли кийимлари билан жамолини янада гўзаллаштирса ва маънонинг дурру жавоҳирлари билан кўзини қамаштирадиган даражада жилваланса: юзига санъаткорлик билан пардозу сочларига дид билан гажак-жингала ва кокиллар ясава. Нозик-фаҳмлилик унга равонлик бахш этиб, нозик маънолар унинг етуклигини таъминласа, юзини латофат билан бегаб, худди тўлун ойдек бегаму кўст жамолга эга бўлса; шунда у оғиз ичидан хиром айлаб чиқиб, кулоқ ҳужрасига мақом қилганда, жаҳон ичига, жаҳон ичигагина эмас, инсу жон ичига (фақат инсонлар эмас, ҳамма жонли махлуқлар ичига) қандай ўтларни солмайди дейсиз. Бу ҳолат ошқора юзага чиқса, тақводору парҳезкор шахсларнинг кўнглини жароҳатлайди. Уларнинг бири дард билан нола чекса, иккинчиси ўзининг дарвешлик чакмонини чок-чок қилиб йиртади. Юқорида шарҳ-баён айлаган можаролардан ташқари, агар шундай маънодор сўзлар майхоналарда зоҳир бўлиб қолса, май қуйқаларини ичиб ўтирган майхўрларнинг юрагига ҳам шундай ўт туташадикки, алангасидан ҳеч қаёнга қочиб қутулиб бўлмайди. Боз устига чидолмай, ўз кўксиларига ўзлари мушт билан эмас, тош билан соладилар, бўрк ўрнига бошларини ерга урадилар.

Қачонки, сўз ўз борлигини кўрсатмасдан илгари, барча нарса йўқлик ичида гумдон бўлиб ётарди. У пайтда на фалакдаги бу етти қандил (сайёра) ва на тўққиз қабат баланд осмон бор эди. У замонда ҳозир оламда мавжуд бўлмиш ҳамма нарса йўқ бўлиб, фақат оламни йўқдан бор этган файзли, баракали зотгина бор эди. Ўша яккаю

ягона тангри бўстонидан, бўстонгина эмас, ҳақиқат гулистонидан ҳаммадан бурун бир ҳавонинг нафаси келди. Эшит ва унутмагинки, ўша нафас — сўз эди. Ўша ел эсиб, махфий дам ураркан, йўқлик ичида у фурсатгача ҳеч очилмаган юзларча гунча коинот гулшанида очилиб, шу жонбахш ел шарофатидан ҳаёт тонди. Борлиқда ҳеч нарса шу елдан бурун бўлмаган ва қимирламаган. Билгинки, қандай муаттар гул бўлмасин, барчаси шу насимнинг нафаси билан очилмишдир. Бу насимга эса поклик руҳи ва ёки Исо руҳиллоҳнинг нафаси ҳамроҳ эди. Маъно китобларининг кони, фақат ер китобларининг эмас, осмон китобларининг ҳам кони ўша ҳаво шарофатидандир.

Сўз хизматининг чеки-чегараси йўқ, лекин у ҳар доим ўзгариб, маъноси янгиланиб туради. Жаҳон гулшанида бу тоза гул худди қуёш гулидек таърифдан ташқаридир. Дунё боғи шу гулнинг ҳиди билан муаттар бўлиб, бу гул бутун борлиқнинг димогига атр пуркаб туради.

Лекин сўз билан гулнинг ўртасида тафовут мавжуд. Сўз гулбун (гул тупи) бўлса, гул хас (хашак)дир. Сўз гавҳаридан машриқ ҳам, мағриб ҳам тўла, лекин улар ўз қиммати билан бир-биридан ниҳоятда катта фарқ қилади. Бировнинг сўзи қора чақалик қимматга эга бўлмагани ҳолда, баъзи бировларники хазина қадар бебаҳо қимматга эгадир.

Сўз хазиначисига эга бўлганларнинг нодирри яқтоси Ганжада парвариш топган зотдир. У хазиначисига яратиб қолмаган, балки уларни ўз саховаткор қўли билан дунёга сочган. Лекин у хазиначининг дунёга сочган хазиначисига бир жаҳон ҳақиқат сирлари яширингандир. Унинг хазиначисига ҳар бир кумуш танга — бир юлдуздир, яшил куп (май сақланадиган катта идиш) эса унга кўк гунбаздир. Куп остига қўйилган гишт тўлун ойдек бўлиб, купнинг оғзига эса тилла баркашдан қопқоқ қилинган. Низомий Ганжавийнинг хазиначиси биттагина эмас, бешта бўлиб, ҳар қалай, қазо қисматидан уларга шикаст етмасин.

Қуёш бутун коинотга нур таратгани каби унинг хазиначиси ҳам тўққиз қават осмонни тутиб кетгандир. У жаҳон аҳлига шундай маънолар хазиначисини тўқганки, у хазиначилар ўлмас ва абадийдир. Бу беш хазиначи билан жаҳон тўла бўлгани сингари, кўк осмоннинг ҳам бирон бурчаги ундан холи эмас. У фақат ерни тугул, фалакни ҳам тўлатиб ташлаган. Унинг коинот қадар кенг ва юксак табиатида осмон юлдузлари каби беқиёс маъно дурлари мавжуд.

Бу осмонда мавқеъи хуршиди тобондек бўлиб, у таратган нур оламда абадий сўймайди.

У. ўзининг нур сочувчи қаламини тарашлаб очганда, қуёшнинг юзига ажин тушган. Аторуд юлдузи унинг хизматкорига айлангани учун қаламдан тўкилган майда-чуйда чиқиндиларни териб туради. Фалак уд (оловга солганда хушбўй не чиқарадиган ёғоч)нинг куйишидан қизариб, ёниб турган оловга ўхшагани учун малоийиклар уни уд ёндирадиган идиш деб ўйлайдилар. Қалами гавҳар сочувчи бу шоир ўз сўзларини қоғозга ёзган эмас, йўқ, зар сочувчи қуёш унга осмондан зарварақ сочиб турган. Осмоннинг олтинчи кўк қабатыда турадиган Муштарий юлдузи унинг ёзувларини бошига зеб қилиб санчиб олган. Фалак аҳли унинг номаларини бир кўргандаёқ бошларидаги саллаларига мисвок каби тақиб олганлар. Қуёш ўз кўзида нур борлигини унутиб, унинг ковушидан чиққан тўзондан кўзини ёритган.

Низомий сўз майи билан шундай маст — беҳуш бўлардики, у билан тенгма-тенг май пчадиган қодир кимса йўқ эди. Лекин ҳиндулик санъаткор, ҳиндугина эмас, сўз жодугари, жодугаргина эмас, илм-ҳикматнинг билимдони, Хусрав Деҳлавий ҳам назм девонлари тузган. Унинг номалари чучук, маънодор нукталардан ташкил топган, қалами эса найшакардан (шакарқамишдан) йўнилган. Деҳлавийнинг қалам учи қаранфул (қалампирмупчоқ) каби хушбўй ҳамда позанин сарв дарахтига чирмашиб кетган муаттар сунбул мисолидир. У сунбул қаранфул каби қоғозни қора қилиб ва гоҳо қаранфул ҳам сунбул каби жингалак чизиқ солиб, сўз бозорипи қизитади, гўё бу бозор турфа моллар билан тўла атторлар дўконини эслатади. Бинобарин, дўконининг бутун устун ва эшиклари ифорли сандал ва уд ёғочларидан қурилган. Лекин бу атторликни қуришда Аторуд юлдузининг билимига эргашиши бордир.

Унинг қалами дoston тузишга майл кўргузган захоти ёзувлари билан жумла жаҳонни тўлдира олади. У Ҳиндистонда туриб ёзган бўлса ҳам бутун оламни ўз ёзувлари билан ҳинду рашидек қора қилишга қодир. Унинг сўзлари ҳинд мажлисини қиздирувчиларни эслатса, ўзи айни мажлисда ҳинд ройига (шоҳига) ўхшаш баландмақом эди. Уни рой демай, негаки, юзларча Кед каби ҳинд подшоҳлари унинг олдида хизматкорчалик эмас. Унинг бу мартабага эришувига хусравона фазилати, билимдонликда қуёшдек нурафшонлиги боис. Кимда-ким билимдонлик оламининг шоҳи бўлса ҳам, Деҳлавий хизматида хокироҳ бў-

лиши аниқ. Гарчад у шоирликда Низомийчалик маҳоратли бўлмаса ҳам, лекин эл орасида бунга тенг келадиган бошқа кимса йўқ. Агар Низомий ёзувлари ўзининг юксак савъати билан Шарқнинг оташноқ қубинга ўхшаса, Деҳлавий қубин бўлмаганда ҳам Муштарий юлдузига лойиқ шоирдир. Низомий яратган дурру гавҳарлар кепчалик портоқ бўлса, Деҳлавийнинг дурлари ҳам ялтираб жилдо сочинида ундан қолинмайди. Агар Низомий йўлбошчи бўлса, бу унинг издошидир. Агар у шох бўлса, Деҳлавий ҳам хукмдордир.

То' абад уларнинг маскани жаннатдодир. Уларнинг маъниларидан Навоий ҳам мадад оlesa ажабмас!

Булардан бўлак бир қанча шеъринг ҳавасмандлари муваффақиятга эришни умидида бу савдога қўл уриб кўрдилар. Лекин уларнинг ҳар бирига ҳам бир офат етди, мурод-мақсадга етолмай, бу ишни тўхтатдилар. Баъзи бировлар ўз шеърлари билан бу савдога даромад ундириш ниятида қарадилар. Оз-мозгина муваффақиятга эришиллари билан кўнгилларида манманлик иштиёқи уйғонардида, инсофу камтарлик каби санжанобликни унутиб қўярдилар; лоф ва мақтанчоқлик билан ўзларини кўрсатиб, адабсизликка берилдилар. Шу важдан ҳам тақдир уларга муваффақият бериш ўрнига ёзувчилик шарафидан нари тутар, агар баъзи бир асарлари юзага чиққан бўлса ҳам назардан қолгани туфайли, кўпчилик уларга харидор бўлмасди. Улар ўз қоғозларига нимани ёзмасинлар, бошқа биров унга иқтидо қилмади ҳам, эргашмади ҳам. Китобхон ундан на сабоқ олди ва на уни нақл қилди. Бу нарса гўё фолбин чизмасидек (варақда) бекор қолди.

Шу бебахралардан баъзиларининг ёзган нарсалари тузукроқ бўлиб, ҳаққа ёлбориб сифиниши туфайли, мақсади озгина юзага чиқди. Унинг ёзувларидаги маънолар пурдай ёрқин ва гоҳо зулматдай ноаниқ бўлса ҳам баъзи одамлар уни ўқидилар, ундан озми-кўпми, баҳра олдилар. Мана шундай шоирларгина ўз қаторидагиларга нисбатан анча обрў ва шарафга ҳам эга бўлдилар. Улар ҳам бу дунёдан ўтиб кетгач, «маснавий» усулида ёзадигашларнинг оти ўчиб кетди. Шундай қилиб, «Хамса» чилик богида гул ҳам, ҳид ҳам қолмади, у оққан ариқнинг сувлари қуриб қолган эди. Шукрлар бўлсинки, у гуллар яна рангу ҳид топиб, бир сув оққан ариққа яна сув оқди!

*Сўз дурларидан тузилган назмда ва калима савҳарларидан тартиб топган шеърятда шоҳона сўз санъаткорлари бўлмиш Низомий билан Хусрав Девлавийларнинг қойим-мақом издошлари, яъни улуғ ҳазрат мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳақларидаким, оллоҳ у улуғ мартабали, муқтарам зоти бобаракотнинг умрларини узун ва абадий қилгай*

Шоир ўз қаламини байроққа даста қилганича сўз мамлакатини қўлга киритди. У пайза ўрнига қўлига қалам тутди, сўз иқлимини бошдан-оёқ ўз мулкига айлан-тирди. У зот сўз осмонининг қуёнидир, қуёш нима, сўз жисмининг жонидир. Унинг қалами жаҳду жадаллик билан сўз ўрнига ўт сочиб борар, маънодор нукталарининг барчаси эса оташнафас эди. Уша ўтган назм — шеър шабини тутиб, маънолар зулматини ёритиш мумкин эди. Унинг онгидан маънолар суви оқиб келар, у сувлар тирик-лик чашмасидан қайнаб чиқар эди. Мазкур чашма оби ҳаёт бериш билан сўз санъатининг ўзган танасини тирил-тирар эди. Унинг озод кўнгли хурсандчиликка муштоқ бўлганидан, шеърят жомига сўз майини қуяр эди. Унинг ҳар бир қултум майи элу халқни маст қилиш у ёқда турени, майпарастликка ундар эди. Тўла қадахгина эмас, унинг майи қатрасидан оғзи намланган кимса ҳам маст бўлиб қолар эди. «Дўст аёғи дўстига» деганларидек, маънолар қадахини одамларгагина эмас, осмондаги мало-икаларга ҳам тутар эди. Унинг жомига ҳатто осмон сўфи-лари ҳам май қуйиб, косагуллик қилар ва ўзлари ҳам ундан ичиб маст бўлишар эди. У сўфилар май қадахини мастоналарча кўтаравериб, охири хирқаларини (дарвиш-ларнинг уст кийими) ҳам майхоначига гаровга бериб ичар эдилар. Янги ойни ҳилолга ўхшаш эгилма қадах қилиб, май билан қанчалик тўла бўлса ҳам ичиб, бўшатар эдилар. Маст бўлгач, хизматкорлардек, қанотларини қо-қиб, оёқлари билан сакраб, ўйинга тушар эдилар. Арши аъзам эли шундай бўлса, бу олам элининг ҳоли не кечиши-ни тасаввур қилиб кўринг-а?! Модомики, у жомдан май ўрнига оби ҳаёт ичилар экан, биров жон бериб, бошқа бировнинг жон топиши ажабларликим?

У «жом ва «май» деб таърифлаётганим жондек ҳаёт-бахш назм бўлиб, еру кўк элини маст-мустаграқ айла-мишидир. У назм — шеърят эмас, балки жаҳонга офат соладиган гўзал, йўқ, жаҳонга эмас, жонга офат сола-

диган даражада гўзал эди. Уни эшитиш кишини завқ-шавққа гарқ қилиб юборгани каби ундаги чуқур мазмунни фаросат билан тушушмоқ — ҳар қандай одамнинг ҳадди эмас.

Ваҳ-ваҳ, унинг газалларидаги оташин дардларини қандай таърифлайин? Оллоҳ, оллоҳ, унинг маснавийларидаги ҳаётбахш мазмунларга не дейиши?! У назмининг қайси вазнида ёзган бўлмасин, ҳаммаси ҳам бир-биридан гўзал шеърлардир. Лекин унинг маснавийлари ўзга олам бўлиб, бу замонда унга тан бермайдиган ҳеч бир зот йўқдир. Унинг таъб кўзгусида «Хамса» ёзиш иштиёқи бор эди, хайриятки, бу иш ноёнига етди. Хусусан Жомийнинг жилвагар пикодий кўзгусига «Хамса»ни солиштириб кўрсак, бу фикрининг рад этиб бўлмас неботини кўрамыз.

Жомийнинг маснавийси Низомийнинг «Хамса»сидан ортиқ бўлса ортиқ-ки, аммо кам эмас. (Буни ўқиганлар — кам эмас, ортиқлигини айтади.) Низомийнинг «Хамса»сида байтлар сони кўп бўлса ҳам, аммо бунинг маснавийсида маъною мазмуннинг чегараси йўқ. Унда қанчалик гўзал иборалар йиғиндиси бордир, лекин бунда ҳақиқат дурри-гавҳарлари мўл. Агар уни дарё дейилса, буни қон деймиз, агар уни кўнгиш десак, буни жон деймиз.

Жомий ўз ёзган «Тухфатул-аҳрор»и («Нуронийлар тухфаси»)ни бошлаб эълон қилганда, олам аҳли буни «Жон тухфаси»дек қабул қилди. Унинг «Субҳа» деган асари кишиларнинг жон ишига тизилган бўлиб, ундаги ҳар бир тасбиҳ донаси бир дурри аълоча бор. Сўнгра «Юсуф-Зулайҳо»ни ёзиб, Зулайҳо Юсуфга зор бўлганидек, ҳамма-ни бу дostonга зор айлади. «Лайлию Мажнун» ҳақида ёзар экан, тоғу чўлларга офат солиб юборди. Ҳозир эса қаламидан дур тўкиб, Искандар ҳақидаги «Хирадномайи Искандарий» («Искандар доишномаси») дostonини ёз-моқда. Шубҳасиз, Искандар ер юзидаги қуруқлиғу денгиз-ларни фатҳ этгани каби, Жомий ҳам Искандар ҳақидаги бу оламшумул асари билан бутун борлиқни забт этгусидир. Ҳозир Жомийдек баркамол одам дунёда йўқ, аввал ҳам бу кишидек улуғ зотнинг бўлгани маълум эмас.

Агар биров соф кўнгилли бўлса, хоҳ у заргар ва хоҳ бўйра тўқувчи бўлишидан қатъий назар, ўз ҳунарида тенгсиз бўлгани учун барчага барабар севиклидир. Агар бировнинг нафаси пок ва муборак бўлса, у ўз нафаси билан ўлганга ҳаёт бағишлайди. Агар биров фаҳму идрок эгаси бўлса, ундай донога жон фидо қилсанг арзийди. Агар унинг нукталари маънодор ва жонфизо бўлса, унга бир эмас, юз жон фидо қилинса ҳам кам. Унутмангки,

жон одам билан бирга бўлади, ахир инсон жон билан тирик эмасми?

Эй танграм, Жомийнинг хадис-насиҳатларини эл жонига малҳам қил, шу малҳам билан жонларга қувват бағишла.

Эй танграм, Жомий фазилатларидан бизни ҳам баҳраманд эт, унинг висол майидаги тўйиб ичинини бизга ҳам насиб айла. Жомий билан бирга май ичишиб, мен ҳам масту девоналардек оташин сўз юритай.

### ҲИ

*Иноят қуёши васфидаким, бу файзли қуёш жилва қилиб чиқса, унинг таъсири тошни порлоқ ёқутга ва лаъли оташга айлантиради. Ҳидоят булуту таърифидаким, эҳсон ҳавосидан кўтарилса, ўз раҳмат ёмғири билан тунроқни лоззорга ва қанқизил гузорга айлантиради. Кўнгиш тошининг у қуёш нуридан тарбият топгани ва жисми тунроғи у булутининг нами билан сероб бўлгани ҳақида*

Кимгаки бахту инқобол ёр бўлса, нима иш қилса, унинг фоли қутлуғ бўлиб, ўйлагани юзага чиқади; қайси ишни мақсад қилса, унга зафар ёр ва давлат мулозим ва мададбор бўлади. Агар шундай одам эшакмунчоқ тиласа, худо унга феруза ато қилади. У иттифоқо тиканга қўл узатса, кўлига ҳали очилмаган гунча тутилади. Агар кўзи ойга тушса, кун бўлади ва агар тунроққа қадам қўйса, тунроқ олтинга айланади. У қўли билан захарли илонни ушласа, у илон гулчехра ёрининг сунбул сочи бўлиб қолади. Агар булут унинг устига ёмғир ёгдирмоқчи бўлса, янгилишиб, дур сочиб юборади.

Лекин бу каби ином-эҳсонларга эга бўлган донишманд, бу бахтиёрликларнинг шукронаси учун халққа жабр-зулм ва ёмонлик қилишдан ўзини тийини, бу саодатларга эриштирган зотин ҳеч ёддан чиқазмаслиги, дўстларига жафо қилмагани каби душманларига ҳам ситам айламаслиги, ситамгина эмас, душмани жабр қилганда ҳам унга кина-адоват қилмаслиги, жафо ўрнига вафо-ю, бахиллик қилувчига сахийлик кўрсатмоғи лозим. Бундай одам қанча мол-дунё топса ҳам уни сарф-харажат қилмай, йиғиб қўйишдан сақланиши керак. Ҳақ бергандан кейин уни асраб қўймай, худо ризолиги учун муҳтожларга сарфлаши лозим. Кўзи фақат ўзини кўрмай, фақирларга ином-эҳсон қилиши керак, бу — тангрига шукур қилиш демак.

дир. Кинши ўз бахт-иқболини худодан кўриши, ўзини алоҳида бир шахс деб тушунмаслиги лозим.

Мана шу юқоридаги изоҳларни тағри бахт-иқбол берган одам ҳақида гапирдим. Булут ҳеч қачон элга дур тўкмайди. Шубҳасиз, бу эҳсоннинг сабабчиси тағридир. Агар тағри ёғин бермаса, ёғин учун ҳавода имконият борми? Гул чоғидаёқ шамол гул япроқларини тўкиб юборади, шундай экан, елни соҳибқарам — саховат эгаси деса бўладими? Тақдирда унга нима ёзилган бўлса, ўшандан ўзга нарса юзага чиқмайди.

Мен нима нинга қўл урган бўлсам, бу тағрининг прода-си билан бўлди. Унинг ҳосилига қўл узатишим билан тағрининг марҳамати туфайли, у осонликча қўлимга кирди. Агар мақсадим харсангтонини кўпориб ташлаш бўлса, у кўз олдимда гардга айланиб, ҳар томонга тўзғиб кетди. Йўлимдан агар аждаҳо чиқиб қолса, у қўлимда асо сн-гарини мададкор бўлди. Бирон вайрона нинга кириб, сояда дам олай деса, шу ерда хазина борлиги тушимга кирди.

Тағрининг фалак янглиг лутф-марҳаматини кўргач, нима учун унинг қаршисида бошимни тунроққа қўйиб, сайда қилмайини! Мен унга ибодат билан қанча шукур қилсам, у менинг мартабамни яна фалак каби баланд қилади-ку!

Қалам бу фикрни қисқагина баён этди, энди қулоқ солсангиз, тафсилотини ҳам айтиб бераман. Бунинг барчасини айтиш унча ёқимли бўлмаса ҳам, лекин изоҳ-лаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, тағридан менга қанчадан-қанча иноят бўлди ва ҳақ менга бениҳоя қарам айлади, улуғ мақсад-ларга эришиб, гоятда бахтиёр бўлдим. Лекин менга берил-ган бу файз-футуҳлар менинг ихтиёрим билан бўлмади. Баъзи одамлар катта-катта нарсаларни тама қилиб, кўпги-на қайғу-аламларга гирифтор бўлиб юради. Лекин тағрим менга қарам айлаб, улуғ муддаоларни берса ва мақсад-ларимга ҳам етказса, шукур этишдан бошқа не гамим бор?

Масалан, менга назм ёзиш фазилати тўхфа қилинган бўлиб, шеъриятим туфайли жаҳонда шуҳрат қозондим. Бошлаб газал тарзи (жанри) билан қалам тебратиб, жаҳон аҳли орасига шов-шув солдим. Соғлом фикрли доно одамлар газалларимни ўқиркан, буни оламдаги бир қиёмат деб тушундилар. Фақат газал эмас шеъриятнинг ҳамма вазнида қалам тебратганман, буни девонларимни кўздан кечирган одамлар биладилар.

Лекин ушоқ ишлар билан қапоатланмай, кўнглимда улуғ-улуғ муддаолар тугён урарди. Шеъриятнинг қайси



майдонига от солсам, у соҳанинг ҳавоси менинг кўнглимга ҳеч қандай малоллик солмас, қайси бўстонга кириб сайр этсам, унинг сайри мени қаноатлантирмас эди. Хаёлимда шеърят кишварларини эгаллаш, мамлакатларда соҳибқиронлик қилиш муддаоси тугилиб қолди. Шу андиша кўнглимдан кетмай, охири «Хамса» ёзиш ҳаваси тугилди. Шундан сўнг, ўтмишда ёзилган «Хамса»ларни, унинг водийлари, тоғлари, дарёларини бошдан-оёқ, тўла-тўкиё кўздан кечирарканман, ҳеч маълум бўлмаган бир дунё кўзимга кўришдики, «Хамса» дунёгина бўлмай, унинг ҳар байти ичига бир жаҳон яшириган экан. Ҳа, «Хамса»нинг қайси бурчагига қарамай, назаримда бутун бир олам жилваланади. Лекин тоғнинг тошлари шундай ўткир ва серқирра эдики, кўк ҳам унинг тигидан қочгудек эди. Ундаги ҳар бир тошнинг ўткирлиги ойни ҳам унинг тепасидан тез ўтиб кетишга мажбур қилар эди. Лола қон-у, сабзаларининг қирралари ҳалокангез бўлиб, ундаги ҳар бир гиёҳ бошдан-оёқ заҳрноқ эди. У ерларда ҳалойиққа отмоқ учун қўл ҳам, этак ҳам тўла бало тошлари бор эди. Ғорларида эса, дамига тортиб, ҳалок қилувчи аждаҳолар бўлиб, уларнинг дами замон аждаҳоларини эслатар эди. Улар ютиш учун оғизларини очганларида ҳар тарафга бало ўтлари сочилар эди. У ўтларнинг ўтини аждаҳоларнинг ўз тишлари бўлиб, оғзидан чиққан ўт алангаси ўз тили билан фалакни ялар эди. Шунингдек, унинг пишқириб ётган денгизи шундай чуқур эдики, унда юзларча фалакдек катта кемалар ғарқ бўлиб ётар эди. Унда бало бўронлари ҳар томонга ўзини урар, унда бало мавжлари юзага келар эди. Қаттиқ пўртана тўлқинлари кўк юзига ўзини уриб, фалак коптоғини худди хубобга (сув юзида томчидан пайдо бўладиган пуфакчага) айлантирар эди. Бу денгизларнинг мавжи бало тошқинида қонхўрроқ, наҳанглари эса ажалдан ҳам шафқатсизроқ эди.

Энди, ундаги дашту саҳроларга келганда, сатҳи шунчалик кенг эдики, унинг чегарасига тезюрар осмон ҳам етолмас эди. Унинг экин ерларини кўриқлари бало манзилдан иборат бўлиб, ҳалокатли гармселлари одамларни ажалдек куйдириб, ўлдиради эди. У гармселларни қуюндай тез девбод дема, йўқ, у ерларнинг барчасини дев босиб, ҳар тарафда саргашта девлар телбалардек кезишиб юрар эди. Девларнинг повчалигини кўриб аҳмоқ деб ўйлаб, саҳрода уларнинг бўйнига ҳийлакорлик билан запжир солиб тутмоқчи бўладилар. У биёбонлар қум билан қоп-

ланган бўлиб, уларнинг чегарасига етиш — гоёда машаққатлидир. Ҳар ким бу даштларга боқар экан, бундаги меҳнат машаққатлар жаҳонга енгмаслигини ошқору ниҳон тушунади. Бу ерларда ганч-хазиналар ниҳоясиз эканини кўргани билан ҳар бир хазина устида юзлаб аждаҳо ҳам борлиги аниқ.

Мен шу каби «Хамса»ни кўздан кечирарканман, ҳар онда бир олам кўз олдимдан кетмас эди. Буни ёзиш ҳақида лоф уриб, даъво қилганларим эсимга тушганда, улар беҳуда хаёлар эканини эслар эдим. Бу аҳволлар мени уялтириб, хижолатимдан ўлиш даражасига бордим. Гоҳо бу сўзларимдан, сўзларимдан демай, ўз-ўзимдан ҳам уялар эдим. Гоҳо ўзимга-ўзим: «Буни ёзишнинг имконияти йўқ, «Хамса»ни тасарруф қилиб — юзага чиқазиш менинг қўлимдан келмайди», дер эдим. Бу андишалар доимо кўнглимни беқарор қилиб, кучсизлик ва ночорлик мени ҳалок қилгудек бўлар эди. Юрагимдан умидсизлик хаёли кетмай, кўнглимда бу ишни қилишдан ноумидлик пилати пайдо бўлиб юрган чоғда, қулогимга бир ёқимли овоз эшитилди: «Эй, зорланиб сайровчи булбул! Ва эй сўз гулзорида дostonлар яратувчи шоир! Минг хил оҳанг билан куйлашларинг қани? Хотирингдаги гўзал дostonларинг қани? Сен ҳақнинг лутф-марҳаматига сазовор, турк лафзидаги ижодларинг билан бутун халққа машҳур бўлган одамсан. Бу тилда назм-ёзганлар ўртасида сенчалик обрў қозонган одам йўқ. Сенга турк иқлимларини қалам билан забт этишни азал қалами тақдирингга ёзиб қўйибди. Бу водийнинг султонлигини тангри сенга насиб қилиб, тилинг тигини қалам найзасига айлантирмишдир. Сен бу мамлакатининг қаҳрамони, бу элнинг соҳибқирони бўлгайсен. Бу йўлни босишдан нечун тоймоқчи, нечун «Хамса»ни кўргач, суस्ताмоқчи бўласан? Ахир, сенга қандай ишлар муяссар бўлмади? Бўлар-бўлмас хаёлларга берилиб, бу йўлдан қайтиш сенга муносибми? Ёки сенга ҳақнинг лутф-карами бўлмаганми эди, у сенинг қаршингда ёрқин йўл очмаганми эди? Ахир, нима ишга қўл урган бўлсанг, у сенинг қўлингга кирди-ку, мана шулар тангрининг сенга бахт эшигини очгани учун далил эмасми? Агар, ҳақ ҳидоят йўлини очмаса, иноят қўли билан тутмаса, ҳар қандай катта ишни ҳавас қилгани билан хас каби заиф одамзоднинг қўлидан нима келиши мумкин? Хусусан, сен ҳаммадан ўзингни паст олувчи ва тупроққа тенг тутувчи камина одамсан. Шунингдек, халқ ҳам сенга ҳурмат юзасидан ўзини пастарин тутуди, сенинг камтарлигингга ҳаваси келади. На кўнглингда қувват ва тапангда

куч бўлмаса, ўзинг гўё оёқ остида қолган чумолига ўхшайсан, босилиб-янчилган бечора чумолининг қўлидан нима иш келиши мумкин? Лекин агар сен ўша нажмурда — чалажон чумоли бўлиб, даврон жафосидан қаттиқ азоб-уқубат чеккан бўлсанг ҳам, аммо ҳақдан сенга иноят бўлиб, хидоят қуёши сенга қулиб боқса, чумоличалик жонинг бўлмаса ҳам бахт раҳнамелик қилиб, қаршингда аждаҳолар забун бўлади. Кел, кўнглингдан ваҳималарни ҳайдаб чиқазиб, ишга кириш, йўлга отлан!»

Ғойибдан бу нидо келгач, мени наришон қилган хавф-хатарлар йўққа чиқди-қўйди. Кўнглим кўтарилиб, жонимга ором етди, нотаваб танамга қувват ҳам кирди. Кўзим наришон боғдек очилиб, кўнглим гуноҳаси худди тоғдек кўтарилди, десам бўлади.

Ғойибдан бу куч-қудрат етгач, ёзиш майли менда яна кучайди. Тақдирдан бундай илиқ илтифотни кўргач, «Хамса»ни ёзиш учун қаламимни йўндим. Кўнглимдаги шавқ-завқим ўти яна алаңгаланиб, назмин ёзиш тараддудига тушдим. Қўлдан келганча ижод қилишга киришиб, муродимни юзага чиқаришга уриндим. Қаламим билан қоғозни безар эканман, кўп ажойиботларни тасвирга олдим. Кўнглимда «ёза оламанми — йўқми...» — деган кўрқувлар тугён уриб ётар эди, қаламим бита бошлагач, иш мен ўйлагандан юзларча марта осон кўча бошлади. Дунёга шу қадар кўн гавҳарларни соча бошладимки, бу кўҳна дунёда бўш жой қолмади. Довотим (сиёҳдоним) гавҳар дўконини очди, гавҳар дўкони эмас, гавҳар қосини очди. Сиёҳнинг лосини (сиёҳдонга соладиган инак қасқоғининг толаси) ювиб, унинг қора чиркинни кетказгач, сиёҳимга ҳар қатра сув томизганимда, унга сув ўрнида ивижу — марварид томган бўлса керак. Қатра сув нима, кенг дарё бўлиб, довотимни ҳақ-таоло шу дарёнинг хавзасига айлантирди. Довот эмас, уни ўзга бир олам денг олам ҳам эмас, улуг ва азим фалак деяверинг. Агар у фалак баробарида бўлмаса, юз жаҳон маъно унга қандай сизсин?

Энди қамиш қаламимга келганда, у шундай диловар — ботир наҳангки, у маънолар денгизида наҳангдек жавлон уриб, бу сувнинг қай томонига юрса, сувларни худди кема сингари ёриб боради.

Хулосайи калом, бу «Хамса»ни ёзишда юқорида номлари зикр қилинган устозлар изидан бориб, унинг ҳар бир китобини ёзишда тафаккур денгизининг гавҳарини сочиб, улар дostonига риоя қилганим ҳолда, зебу зийнатларини орттирдимки, буни шарҳ-баён қилишга лузум йўқдир.

Буларни шундай тахрир қилдимки, бу мазмуларни ўзгартиришга ҳеч ким йўл тополмаса керак. Шундай қилиб, таърихнинг мадади билан у дostonларни ортиқча гаплардан тозаладим, баъзи ҳикояларини эса, ортиқча кўриб, тамом олиб ташладим.

Шу йўсинда тўрт дoston тугалланган бўлиб, фақат охириги биттаси ҳали ёзилмаган эди. Бу ишни бошлаб юбориш ҳам қийин бўлди. Унинг тузилишини — тартибини бир режага солиб олиш ҳам осон бўлмади, турли латифа ва ажойиб ҳикматлар топиш, аввалги тўрт дostonда бўлгани каби янги-янги қўшимчалар киритиш ҳам кўнгилга озор берар ва лекин уларни топиб, жой-жойига қўйиш умиди йўқ эмас эди.

Бу пайтда назм аҳлларининг шоҳ шоъри бўлмиш, бу ишнинг бутун қийинчиликларидан хабардор, поклик базмининг соф майларини синқорган, бу «майхона»нинг пешвоси бўлмиш Жомий ҳазратлари Искандар дostonини зеб-зийнат билан назмга солаётганларини эшитдим. Лекин у киши унинг ҳолатларига унча аҳамият бермай, ишни нутқларидан бошлаган экан, жумладан, Искандарнинг тарихи ва у ҳақдаги афсоналарни тушириб қолдириб, у тарафидан айтилган дур каби бебаҳо сўзларини ёзган экан. Бу гаини эшитиб, менга шодлик юзланди, хотирим анча гамдан озод бўлди. Мен шундай дурга мухтож эдим, бутун умримни бериб бўлса ҳам шуни олмоқчи — унга харидор эдим. Энди мен шу дostonни кўздан кечириб, унга кўнгилга зеб-зевар қўйишга қарор қилдим. Ҳақдан лутф-эхсон этиб, менга шундай жавоҳирни насиб айлади.

Энди қаламимнинг учини чиқазиб, шу дostonни қогозга ёзишга киришайин. Искандар бутун кишварларнинг жаҳондори эди, унинг қилган ишлари ҳақида бир дoston ёзилса, унинг қимматли фикрларини ҳам санъаткорлик билан дostonга киритилса, унинг ҳикмат тўла сўзларини, ажойиб туйғу ва орзуларини тасвирланса, дoston гўзаллашиб, элни ўзига мафтун қилиши турган гап.

Ўтмишдаги донолар Искандар ҳақида кўпгина афсоналар яратганлар. Мен ҳам ўша донолар қатори у ҳақда назм билан сўз юритсам, ўша қадимги Низомий Ганжавий билан Хусрав Деҳлавий икковлари юрган йўлдан қадам ташласам, бу ҳақда айтиш керак бўлмиш барча гапларни айтган бўларман.

Қизишиб кетиб, қанақа беҳуда гапларни гапириб юбордим, маст ёки мажнун эмасман-ку, тавба! Ҳозир ақлим бу гапларимнинг ўринсизлигидан мени оғоҳ қилди. Астаг-

фируллоҳ, айтган сўзларимни илоё мағфират қилгин,  
кечиргин!

Агар ҳақ менинг қўлимга қувват, қаламимга илҳом  
бахш этса, мен ўша юқоридаги улуг зотларнинг издошлари  
бўлажагимга ишонаман. Менга улардан мадад етмас экан,  
бу дostonни ёзишга қандай ҳаддим бўлиши мумкин. Ме-  
нинг бу гапларимни халқ яхши тушунамаслиги мумкин.  
Аммо мен биламан, худо ҳам биледи. Ахир мен ярим кеча-  
ларда уйқумни ҳаром айлаб, ҳақ таолога сажда қилиб,  
ёлбораман-ку. У икки зотнинг (Низомий ва Деҳлавийнинг)  
нуроний руҳига ва учинчи устознинг (Жомийнинг)  
ҳам илоҳий қувватига ихлос билан «қуръон» тилват  
қилиб, фотиҳа ўқиб, кўзим денгизда уларни бир говвосдай  
сақлайман-ку. Улардан умидворлигимнинг исботи учун  
отларини алоҳида-алоҳида тилга оламан. Ножўя айтган  
сўзларим учун узр сўраб, ҳар бирларидан мадад тилайман.  
Шундан сўнг илкимга қалам олиб, кўнглим нимани тиласа,  
шунини ёзишга киришаман.

Ҳеч кимга пинҳон эмаски, қиладиган ишим ғоятда  
огир ва мушкул, буни қалам билан қоғозга тушириш ундан  
ҳам қийин. Юқоридаги устозларгина эмас, яна ким  
шеърят билан шуғулланган, умуман адабиётга алоқадор  
бўлса, ҳаммасининг руҳидан умидворман, улар ҳақида  
дуо қиламан. Ўз муддаомнинг юзага чиқишида улардан  
ҳам мадад тилайман, уларга завқ-шавқ бағишлаган жомни  
мен ҳам қўлга оламан. Аммо пир Жомийга мен дурдқаш-  
ман, яъни май қуйқасини ичишда ошпоман.

Эй косагул, кайний қадаҳини келтир! У қадаҳ того-  
радан ҳам катта бўлиб, қўлимга тегиши билан ундаги  
майни сипқарай-да, огизни ундан олгач, бир йўла учиб  
қолай.

Эй хонандаю созанда, дўстлик, улфатчилик куйларини  
куйла. Бир куйлаб тўхтаб қолма, яна кетма-кет куйла!  
Ҳеч сўз қайтармай, мени масту мустағрақ қилиб ташла!  
Зеро, тонгла сўз ёзишга киришгумдир.

Эй Навоий, соқий қанчалик шўх ва гўзал бўлмасин,  
созанда ҳам қанчалик дилкаш ва оҳангжў бўлмасин.  
аммо йўлга чиқиш олдида ичкиликдан ўзингни асрагай-  
сан, зеро, эртанги кун олдингда катта вазифалар турибди!

## IX

*Олиймақом султонлар орасида шох Ғозийнинг ҳам мар-  
ҳаматли вужудида шундай ҳол борлигидан оз-моз сўз*

*юритмакким, худо унинг мамлакатини барқарор ва шоҳлигини абадий қилгай*

Эҳсон деиғизи мавж урса, мавжудот тугул кўк осмон ҳам, унинг қаторида ер курраси ҳам бунёд бўларкан. Аммо ернинг кўп қисми сув ичида экан. Шунинг учун инсоният қуруқликни ўзига маскан деб билибди. Тангри жаннатни ҳам, дўзахни ҳам яратган, чунки кўпларда гўзал хулқ, яхши сифатлар бўлиши баробаринда, ёмон, бадфелъ қилиқлар ҳам бор. Одамлар яхши-ёмон икки қисмга бўлиниб, ўша икки уйни, яъни жаннат билан дўзахни тўлдирадилар. Тақдири азалда шундай қазо ёзилган бўлгач, элхалқ бу икки ҳолатдан қочиб қутулолмайди. Ўртадаги тафовут шундаки, бунисида жаннат дарахтлари мавж уриб турса, униси хас-хашақлардан иборат. Инсонларнинг феъли ҳар хил бўлганлигидан уларни икки хил сафга бўлини зарурати туғилган. Жаҳондаги одамлар қанчадан-қанча гавго ва жаижааллар қилишиб, кўпгина ёмонликларга, фиёқ-фасодларга сабаб бўладилар. Агар баъзи одамлар доно, ақлли ва инсофли бўлса, кўпчилиги ҳеч нарсани тушунайдиған жоҳил бўлади. Мана шундай гумроҳ одамларнинг адаштирувчи қоронғи кечасини зиё солиб ёритиш учун тангри уларга элчи сифатида ўз пайгамбарларини жўнатди. Шунингдек, одамлар ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида қонун-интизомлар чиқазди ва уларга раҳбарлик қилиб турсин учун шоҳлар юборди. Лекин пайгамбарлар ичида Муҳаммад шоҳнинг қўшини ва сипоҳлари ўзгача эди. Шунингдек, Муҳаммаднинг умматидан чиққан шоҳлар ичида бир шоҳ пайдо бўлдики, бошқа шоҳлар унга хизматкор бўлса арзийди. Давроннинг энг забардаст шоҳлари, шоҳларигина эмас, энг қудратли шаҳаншоҳларининг ҳам энг улугвори бўлмиш Абулғозий шариат қонуларининг шоҳи ҳамдир. Унинг борлиғидан дунё зебу зийнатга тўлиб, обод бўлади. Уни Улуҳсон ўгли Султон Хусайн ҳам дейдилар. Тақдир унинг отиға: «Тангри султонлигини ҳам, саховатқорлигини ҳам давомли қилгай», деб ёзиб қўймишдир.

Бу, жаҳон халқининг пок зотларидан, яратилишда жавоҳирсифат бўлмишдир. У ҳозир ўзининг улуг сифатлари билан жавҳарий зотлигини ҳам, гавҳарий поклигини ҳам исбот қилиб турибди. Жаҳон ҳазинасидаги порлоқ гавҳар ҳам у, осмон авжидаги мунаввар юлдуз ҳам у. Бунинг қадри фалак оламининг богичалик кенг бўлиб, фалакдаги юлдузлар эса у богдаги шабнамлардир. Уни бог эмас, юлдузлар билан тўла гўзал, ёрқин кеча-ю.

шабнамлар каби норлоқ юлдузистон денг. Юлдуз ҳам эмас, уни оппоқ-ялтироқ дўл денг, дўл ҳам эмас, кечалари майсазорларда ялтираб жилва сочадиган кирм номли қурт денг. Уни шабнам десам, жоннинг жавҳаридир, бу шабнамнинг ҳар қатраси эса эҳсон денгизидир. У ўз душманларидан юз, минг туман марта фарқ қилади. Душманлари эса ҳалиги денгизлар остида гарқ бўлиб ётибди. Унинг кирми кечаларни ёритувчи қип-қизил чўғдир, йўқ, чўғ эмас, аждардир. Ҳаммаёқни ёритиб турган нур унинг оғзининг шуъласидир, агар бу айланиб ётган чархи фалак душман бўлса, уни бир дамига тортиб, ютиб юбориши ҳеч гап эмас. Агар унинг фикр қуёши нур сочадиган бўлса, қуёш бир заррага ўхшаб, симобдек титраб қолади. Агар қуёш изтиробга тушса, буinning ҳеч қандай ажабланарлик жойи йўқ, зеро, унинг фикрининг ҳам зарраси бир қуёшдир.

Агар у тўққиз фалак билан бир қуёшдек кенг дастурхон ёзиб, базм-зиёфат берадиган бўлса, олам аҳли ундаги ноз-исъматларни еб, қуёшдан парварши топгандек баҳраланари. Унинг саҳийлиги фақат денгиз ва конларгагина эмас, тошу тунроқларга ҳам аёндир. Денгиз ичида бўлган дурри галтонлар ҳам, кон ичида бўлган лаъли рахшонлар ҳам бунинг дастурхонига чиқади. Шундан кейин денгиз гадолардек умидсиз ва девона бўлиб, дурларни сочган қўли билан ёқасини ушлайди-қолади. Кон эса, гадоликнинг чорасини топган гадолардек атрофида уйилиб ётган тош парчалари ичига кўмилади. Шоҳ денгиз ва коннинг асосий манбаъсини доимо олиб, бу икки нотаваининг эҳтиёжини қондириб туради. Унинг қўлини денгиз ва кон мисоли денг, лекин саҳийликда улар бунга тенг келолмайди. Денгиз ва кон унга баъзан вафо қилмайди, чунки шоҳнинг саховати, муруввати баҳру конга жабрдир.

Гулининг ҳусни беҳишт боғини эслатса, суви абадий ҳаёт чашмасига ўхшайди. Гулининг ҳиди юз йилчалик йўлга таралиб, юз йил бурун ўлган таналарни ҳам қайта тирилтиради. Ҳақ унинг сувини ҳаёт зилолидек қилиб яратгани учун у сувдан ичиб кўкарган ниҳоллар абадий қуримайди. Агар у яна барқамол бўлса, Исо пайгамбар сизгари нафаси жонбахш бўлиши шубҳасиздир. У Исо Масиҳо даражасига етиш учун илтижо билан дуолар қилса, дуоларининг юздан бири мустажоб бўлганда ҳам уни халқ «жонбахш» деб атайдиган бўлади. Шундан кейин у, агар оғзини сўзга очар экан, элга сўз ўрнига жон сочади. Эл-улус путқидан жон топиб, ўлган киши оби ҳаёт ичиб тирилгандек бўлади. Қуёш пуридан бутун кошот

ёртигандек, унинг нафасидан одамлар ҳаёт топадиган бўлади.

У ўз ширин сўзлари билан элни баҳраманд қилгани ҳолда, қиличидан заҳар томиб туради. У қилич эмас, порлаб турган ойдир, ой ҳам эмас, душманини чоғиш вақтидаги ярқироқ чақмоқдир. Агар чақмоқ бўлмаса; нега у сувга бориб тушмагунча ҳеч кимга омонлик бермайдими? У илдириш (чақмоқ) бало булутидан чиққанда дашти Қўшқоқдан то Қўримгача кўришиб туради.

Агарда уруш вақтида унинг ўқи отилар экан, душман ўз тану жони билан хайрлашиб кўя қолади. Унинг ўткир найзасига зирҳли кийимлар монълик қилолмайди, у албатта душманининг юрагига бориб санчиллади. Юрагига санчилгач, у ерда кўн турмай, яна бошқасига урилади. Қўронғида ҳам у ўз манзилини дарров топади, унга етиб ҳам, ўтиб ҳам бўлмайди. Найзасини юрак эмас, қаттиқ тошга санчадиган бўлса, тошни ҳам тешиб юборади. Найзасининг учига пўлат суви берилган, шунинг учун унинг тошни тешиши ажабланарли эмас. Тошни тешишда улар ўртасида анча фарқ бор: «сув — тошга ёмғир ёғишининг таъсири билан баробар, найза эса чақмоқ билан тенгдир».

Агар у жангга от билан жавлон қилиб кирар экан, буни кўрган душманининг ваҳимадан жони чиқиб кетади. Шунда у девзот ўз душманини қуюн теккан хашақдек тўзғитиб юборади. У жанггоҳга бир дам тушиши билан тезкорлик қилиб, оламни фатҳ этади-қўяди. Оламни олиб, душманини даф этаркан, бундан олам аҳлига омонлик етади. Оламни фатҳ этган чоғида қўлига не ўлжа тушса, уларнинг ҳаммасини олам кишиларига эҳсон қилиб — улашиб беради. Оламга офат солувчи яъжуж қаршисига, қилич шаклида, «Садди Искандарий» каби гов чекади. Агар у сад хом гиштдан бунёд қилинган бўлса, бу уни темирдан, йўк, пўлатдан бунёд қилади. Искандар бир неча мустимаҳкам тилсим ясаган бўлса, бу ундай тилсимларни очади. Тилсимларни ранж-мащакқат чекиб очишдан мақсади эса унда беркитилган хазиналарни элга эҳсон қилишдир. Агар Искандарнинг кўзгуси оламни кўрсатадиган «Жаҳоннамо» бўлса, бунинг ойнадек ёрқин фикри оламни ёритади. Унинг мушкул — муаммо ишларини олимлар ҳал этса, бунинг мушқилотларини азал ҳакими (тангри) ҳал этади. Агар Искандар оби ҳаёт топаман, деб жон берган бўлса, бунинг ҳар бир маънодор нуктаси кишига оби ҳаёт бағишлайди. Агар у қанчадан-қанча саъй-ҳаракат билан қуруқлигу денгизларни фатҳ этган бўлса, бу ўз саховаткорлиги билан ҳеч қандай қийналмай дунёни қўлга олишга қодир.



Шуви унуманки, агар жаҳондан Искандар каби улғу-сифат бир зоти ахтарсангиз. Султон Хусайндан ортиқ ҳеч кимни тополмайсиз. Денгизлар ҳам, қуруқлик ҳам, дунёдаги ҳамма ҳўл-қуруқни олган Искандар ҳам унга мутоъ бўлса арзийди.

Эй таширим, Искандарсифат Султон Хусайннинг мулозимларини ҳам Искандарсифату унинг адолат уйи бўлмиш мамлакатини ҳам «Садди Искандарий» каби мустақкам эт.

Эй қосагул, ойна сингари тиниқ май тут, май эмас, ойинийи Искандарий келтир. Уша кўзгу билан-кўзимни равшан қил, кўнглим гулчасини ҳам ўша сингари гулшан қил.

Эй созандаю хонанда, гулшанда роса базм бўлди. Сен ҳам «Рост» оҳангида бир куй куйлагин. Шу оҳанг билан кўнглимизни хушнуд қилиб, дилмиизга роҳат бағишлагин.

Эй Навоий! Гоятда чиройли базм бўлди, тўлун ойдек тўла қадаҳларда майлар тutilди. Бу шоҳона мажлисда сен ҳам бода ич, лекин фақат шаҳзода (Бадигуззамон) қадаҳ тутсагина ич!

## X

*Таст соҳибӣ ва соҳибқиронлик осмониниғ нурли қуёши султон Бадигуззамон баҳодир мадҳида*

У ақл-идрок боғининиғ сарви озодаси, замон аҳлининиғ ноҳу шаҳзодасидир. У ҳаё гулistonига ёмгир ёғдирувчи булут, адаб осмонида эса нур сочувчи қуёшдир. У асилликда осмондағи офтобу адолат бобнда худди жаҳон устидағи фалақдир; у саодат баҳорistonидағи қомати келинган сари дарахти, шараф гулшанининиғ хиромон-хиромон юрвчи гўзал қирговули; у саховат боғидағи гул сочувчи шабада-ю, ҳади гулзоридағи руҳпарвар муаттар ҳид; камолот чўққисидағи юлдузлариниғ шоҳи у, шу юлдузлар анжуманидағи кўзлариниғ қорачиги. у вафо гулзориниғ очилган гули, саховат денгизиниғ ягона жавҳари у, агар шоҳлик ва салтанат кўз бўлса, бу ўша кўзвиниғ нурни бўлмиш султон Хусайн ўғли Бадигуззамондир.

Ихши элтиниғ нурдан, балки покиза руҳдан пайдо бўлган бўлиб, сени фаршга деб таърифласам, фаршга сениниғ руҳиниғ фидо бўлса арзийди. Сениниғ зоти покниғ фарш-таоифат, жами сифатлариниғ ҳам малюкаларниғкига ўхшайди. Ихшиликни ва яхши қилиқларни ўзиниғ муъассам қилтирдисам, бошиниғдан-оёғи хушқилиб ва қил

қилиқлардан иборат. Жаҳон ахтирширини бо ётган латофат ва гўзалликларни ахтарайди. Жаҳонанки севда жаҳоний латофатлар яширинган. Бузқудинга беркитилган дуоф марҳаматнинг чегараси йўқ бўлиб, уларни қанча яширган шунча ошқор бўлади. Ахир, қудбининг иши нур сочиндан иборат экан, нима сабабдан уни яна нур билан беркитиши керак? Сўзингдан энга ҳаёт озини етади, у ҳаётбахшиликда Хизр сувини ҳам йўқ қилиб юборади. Лекин у сув билан Хизр умрини узайтирган бўлса, сенинг сўзинг эл улуфта абадий ҳаёт бағишлайди. Сўзингдан юксак хосиятлар унда бўлмагани учун у сув, яъни оби ҳаёт ўзини қоронғиликка яширган бўлса ажаб эмас. Сўзинг одамларга умр бағишлайди, юзингдан халойиққа шоданик етади. Сенга фақат билимдонларгина эмас, амр фармон берувчи маъмур ва мансабдорлар ҳам мутеъдирлар. Улар фақат амр фармон билан умр ўтказмай, сенинг ҳақингга баъқону дилдуо ҳам қиладилар. Фақат булар эмас, сифатларинини эшитган фарингталар ҳам сенга соғлом ҳаёт тилаб дуо қиладилар. Сенинг ҳимматингнинг балвидлиги олдида фалак настлик қилади, фалакда инновчилар (фарингталар) эса сенинг хизматкорларингга хизматкор бўлаверзийди. Балаидҳиммат қўлиниги кўтарганингда ундан кумуш тангалар худди юлдуздек настга сочилиди. Аммо сенинг даргоҳингдан хизматкорлар муҳтож бўлмаганлигидан, уларни йигиб олишга урнимайдилар. Дени насифот кенг саховатли кўлиниги танга эмас, дур сочади, дур бўлганда ҳам худди булут ерга сел ёқдирганидек боқисиб мўл сочади.

Булут ёгинлар билан чарх бўстонини ишиятгани, тун у бўстонда худди қора сунбулга, вун эси очилиб турган сариг гулга ўхшаб аке этгани, сунбул мушнин хидини сочин билан дунё кечасини янаро боронга қилиб юборгани, фалак боғи ўзининг сариг гулларини (юлдузларини) чараклатиб, оламга тобон тобон олтин сочгани, у тўкилган олтинлардан барча олам нуринини сингари, сендан эл-юрт баҳра олади.

Унутмангин, ҳар қачон қуёш зар сочгани, булут эси гавҳар тўкувчидир. Сенинг баъмингдан қадимларга олтин суви югуртирилган бўлиб, қимматбахш толияр уни ҳўли гавҳардан ясалгандек қилиб кўрсатади. У қадимлардан лаллар билан, йўқ, лалал билан эмас, тириклик суви билан тўлайдир. Сен уни илтифот ва марҳамат билан илтифотини, ҳаётини ва умрини дил бадам узги бўлган.

Эй сенгай — қосағул! Шундай иш қилган, яна, у эн

ниқ, порлоқ бўлсин, унинг кайфи эса дилга қувонч бахш этадиган бўлсин! У май билан кўнгли уйини чаманзор, кўз ҳужрасини эса ҳарорати билан равшан қил!

Эй муганний (чалғувчи-ашулачи), шундай баланд авж билан куйлагинки, бу куйингдан осмон фаришталарининг ҳам дили қувонсин. Куйингнинг савти ҳам шундай авжида бўлсинки, қўшиқларининг сўзлари юрагимга жойланиб қолсин.

Эй Навоий! Ёзар экансан, доноларча ёз! Ёзиши бўйинингга олган экансан, мардонавор ёз! Ҳар хил баҳона лар билан ишни найсалга солишни бас қил, дostonг бошлаб, қаламингдан гўзал — маънодор сўзларни тўкишг кириш!

## XI

*Бу гавҳарафшонликдан улуг мақсадимиз тарих илми хазинасидан хабардор бўлиш ва бу гавҳарафшонликдин тўлиқ муродимиз қадимда ўтмиш шоҳларнинг ҳол-аҳ-волини кўздан кечиришдир.*

*Жумладан, қадимги форс-эрон шоҳлари ҳақидаким, улар тўрт табақа эрдилар, шулар ҳақида қисқазина баёнот берурмиз, уларнинг биринчи табақаси «Пешдод» бўлиб, ҳозир шуларнинг ишларини шарҳлаймиз*

Бу тарихни тасвир этмиш тарихчининг баёни тубандигинчадир:

Одам алайҳиссалом халифалик тахтига ўтирди. Унга қадар Макий лақабли шоҳ, Макий эмас, балки «Расули араб» — «Араб пайгамбари» деб юритилган шоҳ ҳам бўлган. Муҳаммад — пайгамбарларининг шоҳи эди, у илоҳий илмлардан жуда яхши хабардор бўлган. Ҳақ уни пайгамбарлар етакчиси қилиб, элчилик — пайгамбарлик юзасидан тахтга ўтқазди. Бу ораликда пайдо бўлган подшо-лар шоҳликда унинг йўлини тутдилар.

Тарих саҳифаларини жуда кўп кўздан кечиргач, бу шоҳларининг тўрт табақа эканликлари маълум бўлди. Шу тарихни ёзган одам уларни «Эрон шоҳлари» деб аталган асарида битган. Агар бу гапда бирмунча ихтилоф бўлса, хато қилганлар узрлидир. Зеро, узоқ замонлар ўтиши, фалак тарафидан кўнгина ҳодисалар юз бериши натижа-сида тарихларга беҳад футур ва бу фанга кўнгина қусурлар етган бўлиши табиийдир. Лекин бу тарихдан хабар берган-лар орасида «Низомут-таворих» («Тарихлар низоми») китоби мукамал ва муътабардирки, мен буни бошқа

тарих китобларининг сарлавҳа ва мундарижаларига ҳам солиштириб кўрдим.

Бонда буларни тўрт қисмга бўлган эдим, энди шуларнинг исми ва тарихларини эшитинг:

Бу тарихнинг энг қадимгиси «Пешдод», иккинчиси «Каёнӣ», учинчиси «Ашконӣ» ва тўртинчиси «Сосонӣ» деб аталади.

«Пешдод» сулоласида ун бир шоҳ ўтган бўлиб, энг қадимги салтанат эгалари шулардир. «Пешдод»ларнинг биринчи шоҳи бўлмиш Каюмарс тахтга чиққач, адолат йўлини тутди. Агар унинг тузуми бутун жаҳонга тарқалган бўлса ҳам, лекин кийимлари ваҳший ҳайвонларнинг териси ва чармидан бўлган. Бундан кейинги жаҳондорнинг номи Хушанг бўлиб, унинг тахтлари жуда ҳашамдор бўлган. Хушангнинг дополигининг чегараси бўлмаган, у «Жовидонӣ хирад» («Ақлнинг абадийлиги») номли китоб ҳам ёзган. У оламдан ўтгач, ўрнига Таҳмурс ўтирди. У шундай иш тутдики, бутун олам аҳлининг умид-орзуси шу билан боғланиб қолди. Таҳмурс оламда жуда кўп шаҳарлар бино қилди. Нишонур, Марв, Сипохон каби шаҳарларни ҳам аслида шу қургандир. Ундан сўнгра Жамшид оламга от солди: у қанча мамлакатларни олди ва бир қанча одамларнинг бошига тож кийдирди. У халойиққа ҳам кўпгина наф еткурди ва анча ажиб амр-фармонлар, тартиб-қонунлар ҳам ихтиро ва жорий қилди. Ундан кейинги дунё шоҳи Заҳҳок деб аталардики, у шафқатсизлик билан эл-улус қонини тўкди. Заҳҳок шу каби зулмкорлик билан иш кўргач, тез орада тахтдан тушиб— дунёдан ўтиб кетди. Сўнгра, жаҳонгир Фаридун тахтга чиққан бўлиб, бутун дунё унинг қўл остига ўтиб, амр-фармонида турди. Унинг бошидаги тож Каёниёна бўлиб, байроғи эса Ковиёна эди (машҳур темирчи бўлиб, унинг чарм фартугидан халқ Заҳҳокка қарши курашда байроқ сифатида фойдаланган). Унинг ўрнига валнаҳд бўлиб Манучеҳр ўтдики, бу эски дунё унинг тахтгоҳи эди. Фурот номли дарёни ўша Манучеҳр қаздириб, ҳаммаёққа доварактлар экиб, дунёни бўстонга айлантирган эди. Ундан сўнгра, Нувдар подшолик билан бахтиёр бўлиб, жаҳондаги мамлакатларга амр-фармон берувчи бўлди. Лекин дунё унинг муродини юзага чиқазмади, қисқаси, бу олам унга вафо қилмади. Кейин, Афросиёб шоҳлик қилиб, ўз зулмкорлиги билан Эронни хароб айлади. Унинг даврида деярлик ободончилик бўлмагани каби фалак унинг ўзини ҳам обод қилмай, тез орада ҳаётдан маҳрум этди. Эндиги навбат Зоб Таҳмосбники эди. Лекин унинг мартабасининг

баландлиги фалакдан ҳам ўтиб кетган бўлиб, тожу тахт қўлига киргач, бутун мамлакатни ва халқни етти йиллик солиқдан озод қилди. Олам Таҳмосбдан бўшагач, Гаршосбдан замон зеб-зийнат тонди. У шўх фалак отини ўзинга ром қилиб олган бўлса ҳам, лекин кунни битгач, ўзи ҳам оламдан ўтиб кетди.

Шу юқоридан номлари зикр қилинган ўн бир киши ўша қадимги дунёни идора қилган Эрон шоҳлари бўлишига қарамай, дунё уларни бир ўйинчоқдай ўтказиб юборди.

Эй соқий, менга Жамшид ясаган машхур жомни келтир ва ундаги майни ичриб, мени дунёдан поумид қил! Чунки шоҳлик расм-русумида ҳаётга огоҳлик билан қараш йўқ, бинобарин, май ичишининг ўзи бир шоҳликдир.

Эй созанда-ю хонанда, «Ажам» куйини куйла! Шу куйда «Ажам шоҳлари»ни ҳам тилга олиб ўт. Хусусан, улар «Пешдод» сулоласидан эканини ёдласанг, менга ҳам тараххум қилган бўласан.

Эй Навоий, сўзинг жуда яхши туганди, лекин биласанми ўзинг, сен тасвирлаганлар ким эдилар? Энди адаб билан шоҳона қадаҳ кўтариб, ҳордиғинини тарқатгин-да, кайфнинг яхшилангани билан афсонанинг давом эттир.

## XII

*Иккинчи табақа Каёнийлар бўлиб, уларнинг олий мақом тахтларини ва Каёний тождорини бошдан-оёқ зикр этиш*

Бу ҳақда сўз бошлаган кимса форс тарихини тубандагича тасвирлаган:

«Каёний» деб аталган шоҳлар иккинчи табақа бўлиб, олам уларнинг шарофатидан обод бўлган ва шаън-шавкат тонган эди. Буларнинг биринчисини Кайқубод деб билинг-ким, бу ақлли ва адолатли шоҳ эди. Бу пайтда машхур Рустам ёш йигит бўлиб, Кайқубоднинг паҳлавонларидан эди. Кейин Ковус дунёни эгаллади, у дунёнигина эмас, етти қабат осмонни олишни ҳам тама қилди. Ковуснинг лашкарбошиларидан Гударз билан Тус бирлашиб, Сиёвуш-ни дўзах ўтига тикдилар. Сўнгра билимдон Кайхусрав жаҳон аҳлига ўз донолиги билан ҳукмрон бўлди. Тус, Гударз, Гев, Фаромарз ва яна Рустам, Зол, Нев каби баҳодирлар унинг лашкарбошилари эди. Бунинг кетидан мамлакатга Лухросб шоҳ бўлди, кўпича Балх унинг пойтахти бўлиб турди. Кўп ўтмай, унинг кўзи кўр бўлиб қолди, Бухтуннасар унинг лашкарбошиси эди. Бундан сўнгра мамлакатга Гаршосб ҳукмдорлик қилди, бунинг ҳақида

Духросбининг ўзи фармон чиқазган эди. Лекин Гаршоеб Зардуинг одатларини жорий қилишга уриди, чунки ўзи мажусий бўлиб, мажусийлар Зардуинг динида эдилар. Кейин мамлакатда Баҳмад ҳукмронлиги қарор топди. У кишини адаштирувчи Зардуинглик алаҳгасини ўчирди. У агар бу борада Зобилистонга футур етказган бўлса ҳам, лекин Байтулмақаддасни (Қуддуси шарифни) обод қилиб, гуллатиб юборди. У ҳам кетиб, худо унинг мулкни Хумой деган қизига берди. Бахт-саодат ёр бўлиши туфайли, ҳукмронлик бу қизнинг қўл остида анчагина тўхтаб қолди. Бу ер у оламорога ҳам вафо қилмай, Доронинг қўл остига ўтди. Доро инсоф ва адолатни ўзига шиор қилиб олган шоҳ бўлиб, бутун жаҳон аҳлидан ўзига бўйсунини талаб қилди. Унинг Доройш Доро деган ўгли бор эди, отасидан сўнг оламга ўша оламини безовчи ҳукмрон бўлди. Ўз вазирни билан орасида адоват бор эди, ўшанинг қасди билан Доро ҳалок бўлди. Жаҳон шоҳлиги байрогини кўтарган Искандар Доронинг асида ҳукмронлик тахтига ўтирган. Искандарнинг қиссасини баён қилишга киришмайман, ҳали кейинроқ ўз ўрнида зикр қилинади.

«Каснийлар» юқоридаги тўққиз кишидан иборат бўлганки, буларни ҳам фалак гардиши ўз гирдобига тортиб кетган. Кўринишда буларни худди кўкка кўтарганга ўхшайди-ю, аммо охирида бу бечоралар ҳам қора туяроққа кўмилганлар.

Косагул, дўстона май келтир, май ҳам тўла ва каснийлар қадаҳида бўлсин. Бу давронинг одати жафокорлик, у на Кайга ва на Дорога вафо қилди.

Муганиий, Паҳлавий куйларини нагма-оҳангга солиб, бир маънолик фиғон чек, менинг ҳозирги назимда баён қилинган шоҳларни сен ҳам ўз кўшигинг орасида ёд айла.

Навой, май ич-да, яна умидинг йўлига равона бўл, ўз ишингда бу шоҳлардан ибрат ол! Жаҳондорларни-ку, жаҳон наст қилар экан, фақир у камбағалларнинг омадини бериб қўлни баланд қила олмасмикин?

### XIII

*Учинчи табақа «Ашкониёлар» бўлиб, уларни «подшоҳлар гуруҳи» ҳам дейдилар. Энди шулар ҳақида дoston юритаман*

Ажам-форс шоҳлари ҳақида ёзган тарихчи ўз дostonни тубандагича тасвирлайди:

Учинчи табақа шоҳлари ўн тўққиз киши бўлиб, улар олам подшоҳи бўлганлар. «Подшоҳлар гуруҳи» деб шуҳрат қозонган шоҳлар ҳамма шоҳлардан улуг бўлиб, улар тарихи дафтарларда яширинган эди. Тажрибали, ишбилармон Искандар мамлакатлар аро ҳукмрон этиб тайинланди.

Подшоҳларнинг биринчиси Ашқи Доро бўлиб, у баланд шавкатларга эришди. У бир неча вақт зулм ва адолат билан ҳукмронлик қилгач, жаҳон ери билан хайр-хўш қилди. Сўнгра, жаҳон Ашқоний Доро деганга қолиб, унинг даврида эл-юрт зулм деган нарсани кўрмади. Лекин жаҳонга Ашқи Ашқон эгаллик қилаётган пайтида Исо алайҳиссалом дунёга келдилар. Кейин дунё Баҳроми Шопурга қолди, бу даврда дунё халқлари унинг адолатидан баҳраманд бўлдилар. Ялош ибни Баҳром ҳукмронликка от сураркан, юксак фалакка ҳам ўз камандини — сиртмогини ташлаган эди. Кейин жаҳонни Хурмуз ибни Ялош олиб, бу ўткинчи дунёда адолат ўриятди. Бундан сўнг, Нарси ибни Ялош тахтни олиб, бир неча вақт бахт уни ҳам тахт эгаси қилди. Тагин тож-тахт Ферузи Хурмузга қолди, у ўз даврининг тождорларидан ҳам хирожлар олди. Кейин Ялош ибни Феруз шоҳ бўлди, унинг адли мамлакатга ифтихор келтирган эди. Сўнг, Хисров ибни Ялош шоҳ бўлиб, унинг қавми ва қўшинлари бутун ер юзини тутди. Ундан кейин Ялоши Ялош шоҳлик қиларкан, у ҳеч ким билан жанжал ва талаш қилмади. Сўнгра, Ардавони Ялош ғазаб тахтига ўтирди, лекин унинг тигини ҳам фалак ўтмас қилди. Ундан сўнг Ардавон ибни Ашқон кўтарилиб, даврон унинг ҳам орзусини қондирди. Кейин жаҳонни Гударз Ашқон олди, даврон унга ҳам жафо қилди. Бунинг кетидан Тийри Гударз шоҳ бўлди, бу эски дунёнинг ҳаммаси унинг манзилига айланди. Сўнг Гударз Тийрий улуг бўлди, у ҳам дунёдан қайгу билан завоқ топди. Энг кейин олам юзини Ардавон эгаллади, буни ҳам кўк фалак доводан ошириб юборди. Хуллас, булар ҳам ҳаётда абадий қололмади, фалак дунёни қанчалик тез берган бўлса, шунчалик тез олди.

Косагул, лаъланг қадаҳни келтир, уни даврада айлантиришни тўхтатма! Ахир фалак жоми бир нафас ҳам тўхтамай, ўз ажал майини ичирадиган бўлгач, бу дунёнинг бошига ҳам, охирига ҳам умид боғлаш керак эмас-да.

Муғанний, мен ҳозир тасвирлаган шоҳларни ёдлаб, бир дилнавоз нагма куйла! Уша нагманг билан бир қадаҳ кўтарай-да, бир нафас сўзлашдан тизимни тияй.

Эй Навоий, жаҳонда бўлган халиги шоҳларнинг барчаси бугун тупроқ тагидадирлар, борлари ҳам янаги кун ўша

дунёга кетадилар. Бинобарин, ҳар нафасини шодлик билан ўтказиш ганиматдир.

#### XIV

*Тўртинчи табақа Сосонийлар бўлиб, улар ҳам жаҳон мулкнда жаҳонбозлик қилдилар ва ер юзидаги мамлакатларни олдилар*

Тилакка отказувчи, гамхўр ўтпараст деҳқон сўзчиларини шундай боғлаган эди:

Тўртинчи табақа шоҳлари шунчалик кўн эдики, уларнинг кўшинлари ҳам фалакдаги юлдузлар қадар кўн эди. Ҳозир уларнинг маконлари йўқликда бўлиб, йиғирма тўққиз нафар эдилар. Улардан биринчиси Ардашер ибн Бобак бўлиб, баъзилар уни «валий» ҳам дегаилар. Ундан кейин Шопур бинни Ардашер бўлдики, бу одам тадбиркор ва ботир шоҳ эди. Бу ҳам у дунёга кетгач, ўгли Ҳурмузнинг ўрнига шоҳ бўлди. Кейин тахт-тоғ Баҳром Ҳурмузга теғди. Жаҳон унинг адли баракатидан ривож топди. Сўнгра Баҳром ибн Баҳром ҳукмдор бўлишга жаҳд қилди дунё ҳам унинг билан аҳд қилиб, дўстлашди. Унинг кетидан Баҳром ибни Баҳром ибн Баҳром дегаи ўгли дунёни эгаллашга киришди. Унинг сўнгидан баландмақом фалак Нарсейини юқорига сурди ва яна охирда унинг асов отини ҳам йўқликка бурди. Кейин Ҳурмуз Нарсей галаба этган бўлиб, унинг шавкати фалакдан ҳам юксалди. Бундан кейин Шопур Ҳурмуз зўравонлик қилиб, ўз кўшинлари билан оламга шўр-ғавғо солди. Сўнгра, Ардашер бин Ҳурмуз ҳоким бўлиб, тангрининг мадаидан баҳра олди. Кейин Шопури Шопур уруш қилиб, дунё унинг кўл остига ўтди. Бундан кейин, Баҳром Шопур кўшини тузиб, ҳаммаёқни тўла-тўқис кўлга олди. Сўнг, Феруз бин Язджирд шоҳликни эгаллаб, жаҳонда адлу инсофни ода тусига киритди. Сўнгра Ялош ибни Феруз шоҳ бўлиб, адолат билан оламни ёритди. Қубод ибни Феруз ҳам бу тупроқ ичида базм тузди-ю, аммо кўп ўтмай, у дунёга азм этди. Кейин Жомосб ҳам мамлакатга эга бўлиб, инсофи билан жаҳонни бўстонга айлаштиради. Ундан кейин, Нуширвон Қубод тахт олиб, ўзи одил шоҳ бўлгани учун дунёда адолат ва инсоф ўрнатди. Сўнгра Ҳурмуз ибни Нуширвон шоҳ бўлиб, жаҳон жисмига жон киритди. Ундан сўн Парвез Ҳурмузга чарх ёр бўлди ва унинг замонасиде ҳам эл-юрт шод бўлди. Кейин эса Шеруя адоват кўзгаб азиз элни хор ва ғамгин қилди. Ундан сўнг Ардаше



«қахрамон» бўлиб олиб, замон кишиларини қаҳри билан қийнади. Кейин яна бошқа Ардашер мамлакатга эга бўлиб, жаҳон аҳлига раҳм-шафқат кўрсатди. Ундан кейин Кисрий Арслон мартаба топиб, у ҳам йўқлиқ мулкига сафар қилди. Яна бошқа Кисрий деган ҳукмдор бўлиб, унинг тожнинг учи ўз шавкати билан фалаккача кўтарилди. Яна дунё Туронни эъзозлаб шоҳ қилиб кўтарди, насл-насабда Парвезнинг қизи эди. Ундан сўнг жаҳонни Парвез Баҳром олди, унинг бир қўлида тиг бўлса, иккинчи қўлида май жоми эди. Бунинг кетидан Озарм тожпараст бўлди, у Турон ерини ҳам ўзиники қилиб олди. Сўнг Фарруҳ жаҳон кишварини эгаллаб, у доно ўз билимини адолат ўрнатишга бағишлади. Сўнгра Яздижирд мулку диёрларни олдики, унинг лақабини Шаҳриёр (улуғ подшо) ҳам дейдилар.

Юқоридагиларнинг қайси бири мамлакат олиб шодлик, сурур топган бўлса, кейин бу сурурнинг ўрнини гурурлик эгаллади. Натижада у жаҳон мулкини ўз мулки деб гумон қилди ва гумон қилар-қилмас, ўзи ҳам у дунёга равона бўлиб кетди. Шундай қилиб, улар дунё озоридан қутулиб кетишди. Уларнинг ҳаммаси кетиб, жаҳон яна ўзи қолди.

Косагул, менга шоҳона жом тут, майи туганган сари, яна тўлдириб тутавер. Бир кун бу дунёнинг базмларини ташлаб кетаман-ку, шундай бўлгач, майдан баҳра олиб кетай.

Хонандаю созанда, қўшиқ айтиб руд созини чал!  
Вафосиз жаҳон билан видолашув машқини куйла!  
Бу дунёдан кетиш ёқимли эмас, бир нафас бўлса ҳам дилни хушламоқ ёқимлидир.

Навойй, бу дунёнинг иши шунақа, бундан ҳеч ким вафо кўрган эмас, уни унутсанг — мардлик қилган бўласан, уни тарк қилсанг, у ҳам сени тарк қилади...

## XV

*Искандар достонининг ибтидосиким, ҳақ поёнига етказгай  
ва тарихининг бошланишиким, тангри тугалланиш рақамин  
сургай ва Искандар насаби ҳақида тарих аҳли орасидаги  
тортишув ва у ихтилофларни бартараф этиб, ҳақиқат аҳли  
тарафидин аниқланмиш ҳақиқатни тасвирлаш ҳамда подшоҳ  
Файлаҳуснинг бу дунёдан ўтгани ва Искандарнинг ўткинчи  
дунё тахтини эгаллагани*

Румий тарзда безанган гўзал юзини очиб, шу тахлитда ўз сирларини кўрсатди:

Кўн тоқига гулгула солган тўрт гуруҳ, яъни Эронда ҳукмронлик қилган тўрт сулола (пешдодийлар, каёнийлар, анковийлар, сосонийлар)нинг подшоҳлари тўрт минг уч юз ўттиз олти йилу ўн ой давраи сурган эдилар. Бу муддатда кимки подшоҳ бўлган бўлса, у кўн мамлакатларни забт этди. Жаҳонга ҳукмдорлик қилди. Булар беш юз, балки минг йиллаб барқарорлик билан ҳукмронлик қилган даврларида замон халқи уларга тобе эди. Ҳукмронлар кўнгиллари нимани хоҳласа, шуни қилар эдилар. Аммо ҳларнинг шунча давр ичида қилган ишлари яздонпараст (худонпараст)ларнинг шоҳи Искандарнинг оз вақт ичида дунёда қилган ишига баравар келмас эди. Бунинг қилган ишини бир-бир баён қилганимиздан сўнг таггри бундай улуг зотни бошқа яратмаганини билурсиз. Қисқаси, бу зотнинг васфини энди бошдан-оёқ тафсилоти билан исботлаб берай.

Юқорида тўрт сулола ҳақида ёзган эдим, шуларнинг иккинчисидан сўнг Искандар майдонга чиқди. Каёнийлар бири-кетин дунёдан йўқ бўларкан, жаҳон Баҳман наслидан бўлмиш Дорога қолди. Тоғу тахт билан мағрурланган у жаҳондор Дорога дунёнинг кўпгина шоҳлари бож берар эдилар. Бу фурсатда Руму рус мамлакатларида Файлақус деган одам шоҳ эди. Унинг ҳар бир сифати шоҳона, зоти эса фариштадек пок эди. Назм аҳлининг шоҳи бўлмиш Низомий бу шоҳнинг саргузаштини яхши билар эди. Низомий ўз китобида бу ҳақда ёзар экан, Файлақуснинг достонини тубандагича баён қилади:

Бу оламда Файлақус ўз зурриётини давом эттириш мақсадида таггридан фарзанд сўрар эди. Ана шу қайғу дилини ўртаб, фарзанд орзуси хаёлидан нари кетмас эди. У кунларнинг бирида овдан кўнгли очилиб, шодлик билан шаҳарга қайтаётганида, Йўл устида фалакнинг зулми билан емирилиб вайронага айланган бир кошонани кўрди. Бу вайронанинг ташқариси худди хасталар кўнгли каби синиқ, ичи эса мотамзадалар кўнглидек бузуқ эди. Бахтиёр шоҳни бу вайронага чопқир оти беихтиёр суриб кираркан, бир ҳомиладор хотиннинг туғиб ётганини кўрди, аммо унинг жисмидан жон чиққан, олдида зор ва забун бўлиб ётган чақалоқ йиғлагандек ун чекар эди. Ҳа, онанинг кун битган, ўглининг товуши ҳам гоҳ бору гоҳ йўқдек эди. Чақалоқ йиғлаётгандек туюлар, яъни у она мотами билан фиғон чекаётгандек эди. Буларнинг аянчли аҳволини кўраркан, Файлақуснинг кўнглига гўё мажусийларнинг ўти тушиб ёнгандек бўлди. У ўз орқасидан етиб келган маҳрамларига буюриб, ўликни дафи эттирди-да, ўзи

эъвоз-икром билан чақалоқни олиб, юз хил меҳрибончилик ила парварниш қила бошлади. Унга —Искандар деб ном қўйиб, ўзига ўғил қилиб олди. Ўлими олдидан эса уни ўз ўрнига валиахд қилиб тайинлади.

Баъзи тарихчилар бу ҳақда бошқача сўз ҳам ёзганлар, Искандарни Дорога исбат берганлар ҳам бўлган. Гўё Рум шоҳи, асалари ўз уясини ясагандек, қизини зеб-зийнат билан безаб, Дорога берган эмиш. Аммо орада ўтган бир иш сабабли буларнинг мурасалари бузилиб, Доро у қизни отасиникига жўнатиб юборган эмиш. Бироқ тўй бўлган кечаси булут садафга дур қатрасини тўккан экан. Ой-кунни тўлиб, у садаф дурни юзага чиқаздики, ундан жаҳон шараф тонган эмиш.

Яна бундан бошқа «Форс тарихи»да тубандаги каби сўзлар ҳам бор:

Гўё дунёда икки Искандар ўтган бўлиб, иккаласи ҳам ўз даврида жаҳон ҳукмронини бўлган эмиш. Унинг бири Доро билан урушган-у, иккинчиси яъжужларга қарши сад-девор қурган эмиш. Лекин дунёнинг доноси бўлмиш Жомий Искандар қиссасидан элни баҳраманд қилиш ниятида «Искандар» достонини ёзди. Элга ҳақиқий ахволни Жомийгина баён қилди. Тангри уни балолардан сақласин! Дарҳақиқат, унга Искандар иши манзум, барча ҳолати яширин эмасди.

Айни фурсатда мен ҳам шу иш билан машғул бўлганим учун жамийки тарих китоблари қаршимда турар эди. Искандар ҳақидаги юқорида баён қилинган хилма-хил гаплар мени лол қилиб қийнагач, ер ўпиб, у доподан савол сўрадим.

Жомий ҳазратлари: «Иккита Искандар бўлган», деган гапни аниқ ҳужжатлар билан рад этиб:

— У ишлар бизга аниқ, маълум ва қатъий далиллар билан исботланган,— дедилар. Искандарнинг асли насабини Низомий қандай таърифлаган бўлса, донишманд ҳам шундай тасдиқладилар. У ҳақиқатан Файлақуснинг ўғли бўлиб, тарихчиларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари тўғри эмас. Энди тадқиқот қилиш билан ҳақиқат аниқлангач, мен ҳам бу ҳақиқатни тадқиқ этишга киришай.

Тарихчи шундай баён қиладики, ўткинчи дунёнинг кўмагида шоҳ Файлақус Искандарни топиб олгач, хошадоници худди келишдек безади. Файлақус бутун хайр-эхсон эшикларини очиб, Искандарнинг шарафига тўй берди ва шоҳона расм-русумлар қилиб, ўз кўзини унинг талъати билан нурлантирди. Уни кеча-кундуз демай пар-

варишлар. дам-бадам унинг тарбиятига аҳамият берди. Уни ёқимли таомлар билан боқиб ва бу таомлардан гўдак кундан-кунга парвариш тонди. Уни кошона-саройга эмас, ўз кўнглига жойлади, йўқ, балки жон орасида асради. Денгиз ўзининг дурри шоҳонасини, кон ўзининг ёмби, маълисини қандай авайлаб-асраса, Файлақус ҳам Искандарни шундай эъозлаб ўстирди. Тили чиқиб, нутқи равонлашгач, унга таълим бериш керак бўлиб қолди.

Ўз олдида илм-ҳикматда оламга машҳур Нақумоҳис деган олим ишлар эди. У осмон юксаклиги ҳақида фикр юритадиган, ўз билими билан фалакнинг бутун сирларини очган аллома эди. Нақумоҳис ўзининг ўткир фикри билан ҳар нарсанинг асл моҳиятини тез тушуниб оладиган зот бўлиб, билимда унга тенг келадиган киши бўлмас, донишманд Арасту — унинг фарзанди эди. Тадбиркорлик билан офатларни даф этадиган бу ҳакимнинг ақл-идрокидан шоҳ фахрланар эди. У барча илмларда камолга етган олим бўлиб, бундай камолот эгасининг топиллиши амри-маҳол эди. Шоҳ Файлақус Искандарни илм ўргансин, деб шу донога шогирд қилиб берди. Бу олим уни шогирдликка қабул қилишни ўзига шараф деб билди. Зеро, Нақумоҳис ҳаким Искандар туғилганда осмоннинг бутун ҳолатини, юлдузларнинг бахт ва офат мақомларини кўздан кечирган, уларнинг турғунларини кўриб ва ҳаракатдагиларини билиб, у туғилган куннинг толенин ёзган эди. Юлдуз рақамлари билан ҳисоблаб аниқланган бу толеъномада у гўдакнинг қадами покиза ва қутлуг, бахт-саодатли ва соф виждонли шоҳ бўлажаги ҳақида ҳукм чиқазилган эди. Бугина эмас, унинг шон-шавкати кўкларга чиқажаги, у юриш қилиб, бутун жаҳонни фатҳ этажаги, дунёдаги барча шоҳлар унинг қўлига айланиши ва Искандарнинг амр-фармонига бўйин эгажаги, унинг ҳиммати осмон чўққисидек баланд бўлиб, шоҳлик ногорасини фалак гумбазида чалажаги, осмон жисмларининг табиатини билишга бел боғлаб, конотга тааллуқли мушкулликларни ҳал қилажаги ҳам баён қилинган эди. Унинг нозик таъли илм-ҳикматга берилган бўлиб, кўп ерларда тилсимлар — мўъжизалар кашф этгуси, риёзиёт (математика) илми билан юлдузларни кузатадиган расадхоналар тузгуси, билимлар ёрдами билан ҳар қандай фитнанинг йўлига сад-гов чеккуси аниқ эди. Жаҳондаги мамлакатларни макон қилгач, бир неча йиллаб денгизларда сафар қилгусидур. Худо унга ҳўлу қуруқликни насиб қилган бўлиб, денгиз ва қуруқликда ниманки бор бўлса ҳаммасини бирин-кетин фатҳ этгусидур.

Юқоридаги ҳолатларни Нақумоҳис ҳаким аввалдан текшириб билгани туфайли, Искандарни шогирд қилиб олиш бахтига муяссар бўлганидан қувонди. Ниҳоят, устоз ўқув асбоб-анжомларини тайёрлаб, унга таълим бера бошлади. Қайси ишни таълим бериб ўқитса, у эшитган заҳотиёқ билиб оларди. Аммо билган нарсаси билан қаноатланмас, уни турли шаклларга солиб, маъносини чақиб кўрарди. Бизнинг ҳозирги таърифлаганимизга нисбатан Искандарнинг олган билими ўн марта кўпроқ эди. У жони борича билим олиш учун ҳаракат қилди, имконият бўлганча ҳунар эгаллади. Билим — камолотига кўпчилик устозлар тан бериб, қойил қолгач, Искандар ҳарбий ишларни ўрганишга бел боғлади. Қайси юмуш аскарларига наф етказадиган, душманларини даф этадиган бўлса, шуларни ўргана бошлади. Гоҳ от устида қурол ўйнатар, гоҳ яёв ҳолда куч кўрсатар эди. Унинг ўқи душман совутларини пора-пора қилибгина қолмай, фикри кишиларнинг тушунчаларини ҳам ўзгартириб юборар эди. Найзаси билан юлдуз кўзини, юлдузгина эмас, кўк осмоннинг кўзини ҳам тешарди. Унинг тиги қаттиқ тошларни ёрар, ер қатламларини эса ўзига ғилоф қилиб кирар эди; камандини қат-қат ўраб, осмон қалъасининг баланд кунгурасига ташларди. Агар гурзисини қояга урса шундай қаттиқ тошни кул-кул қилиб, гардини кўкка совурарди. Жанг майдонида паҳлавонлик расмларини кўрсатиб, аждаҳоларни чирик ип каби узиб ташларди.

Паҳлавонлик ишларидан ташқари ақл ва тафаккур ишига ҳам қаттиқ берилган эди. Қисқаси, ҳамма соҳадаги ишларни шундай қиёмига етказдики, бирон кимсанинг бу даражага етиши мумкин эмас эди.

Отасининг умри ҳам анча жойга етиб, бу дунёдан видолашиш арафасида эди. Қадди букуклигидан танасининг тупроққа мойил бўлиб қолгани кўпчиликка маълум эди. Ота қувватини заифлик сустлаштираган пайтда, Искандар шоҳликка лойиқ йигит эди. Шундай қилиб, таңрининг ўлим ҳақидаги ҳукмига бўйсуниб даражасига боргач, шоҳ Файлақус Искандарга тожу тахтини топширди. Ўғлига тахтни тақдим этиши билан ўзи сартахтага равона бўлди. Бир дарахт иккита шох берган эди, у шохнинг биридан тобут, иккинчисидан тахт ясадилар. Дарахтнинг бир шохини маскан қилган қушчага иккинчи шохи уя бўлар экан. Искандар ота ўлимини кўраркан, унинг мусибатидан жаҳонни тарк этиб кетгудек бўлди. Лекин отаси васиятини эслаб, ниятидан қайтди. Отаси шундай васият қилганди:

«Менинг мамлакатимга бегонани қўйма, хонадонимга бўлак кимсани киргизма. Ҳарамимга ҳеч қандай ёт киши қадам босмасин, мени ган-сўзга қўймасин! Бу дунёдан хайру хуш қилсам, сен менинг ўримга ўлтирсанг-у, менинг номус-орим, шон-шухратим елларга учмаса, деган умидда сени излаб топган эдим».

Бу васиятлар ёдига тушгач, Искандар учун ота руҳини хурсанд қилиш зарур бўлиб қолди. Бегона шамол унинг зилол сувига хас-хашақлар тушириш эҳтимоли борлигини ўйлаб, ҳамияти жўш уриб кетди. Бинобарин, отасининг таъзиясини бартараф қилгач, тахтга чиқиб, шоҳлик узугини (мухриши) қўлига тақди. Отасининг ўрига шоҳ бўлиб тахтга чиққач, тантана билан ўйин-кулги базми ўтказди.

Эй соқий! Ғам тарқатувчи шаробингдан бер, ғам тарқатувчигина эмас, мотам тарқатувчи жомингни тут. Уни симирай-да, ғамим қолмасин, отам таъзиясидан фориг бўлай.

Эй муганний! Бизни қувонтирувчи созларни чалиб, шодлик қўшиқларини кўйла! Зеро, сўз тахтида ўлтириб, ором оладиган бўлдим. Энди муборакбод базмининг қадаҳини ҳам қўлга олайин.

Эй Навоий! Жаҳоннинг фирибгарлигига алданма, ақл олдида унинг зебу зийнатларидан лоф урма! Давронининг иши бевафолликдан иборат. Шоҳликка қараганда фақирлик афзалроқ. Эркин ва озод юрган гадо ихтиёри ўзида бўлмаган жаҳондор — хўжасидан афзалроқ.

## XVI

*Ҳиммат Хумойининг баландпарвозлиги таърифидаким,  
икки қанотининг сояси қуёш анқосининг заррин қанотига  
Қоф тоғининг зулматидек уя солади ва унинг жуссаси-  
нинг катталиги тавсифидаким, офтоб олам тобнинг бутун  
кумуш байзосини (тухумини) ўз қанотлари остига яшира  
олади, ҳар гадога ул қушнинг сояси тушса, шоҳлар унинг  
гадоси бўлур ва ҳар шоҳнинг бошидин сояси кўтарилса,  
гадо унинг қошида шоҳ кўринур*

Агар биров баланд ҳимматли бўлса, у одам олам аҳли орасида азиз бўлур. Агар кишининг бир чақа нули бўлмаса ҳам, ҳиммати бўлса, у камбағал эмасдир. Кимнингки ҳиммати бўлмаса, уни камбағал деб билавер. Ҳиммати йўқ кимсанинг ҳурмати ҳам бўлмайди. Лекин афсуски, ўткннчи дунё одамлари кимнинг давлати бўлса, ўшани

хурмат қилишни одат қилиб олганлар. Ҳиммат деган фазилат инсон вужудининг кимёси бўлиб, саховат аҳллари бу фазилат туфайли обрў-эътибор тонадилар. Агар бир одамнинг кимёгарлик ҳунари бўлса, «одамларнинг энг бадавлати», деб шунини айтса бўлади. Ҳақиқатан бойлик эл ҳурматига сабабчидир, унга эҳтиром билан қараш ажабланарлик эмас. Аммо бировнинг давлати бўлса-ю, ҳиммати бўлмаса, унинг ҳеч ким олдида ҳурмати йўқлиги шубҳасиздир. Масалан, олайлик, бир пасткаш одамнинг хазинаси бор, аммо бечора уни асрайман деб кеча-кундуз азоб тортади. Агар бахил одам бир пулни бир жойга тугса, доим уни очишдан кўнгли хавфда бўлади. Агар борди-ю, бугунми-эртами шу тугунни очай деса, очиш ўрнига беихтиёр у тугунга яна бир тугун кўшиб қўяди. Тугунни очганда ҳам у пулни сарф қилиш учун эмас, ёнига яна бирини кўшиб тугиш мақсадида очади. Танга тугунларини очмоқ унга ҳеч ёқмайди, танга қанча кўн бўлса, тугун ҳам шунча ортаверади. Агар мабодо тугунларни очгудек бўлса, ҳар бир ечилаган тугун унинг кўнглига бир гашлик солади.

Айиқ ўйнатиш билан нон топувчи жатқа<sup>1</sup> ўз понини итга ташлаши мумкинми? Маймун эса топганини тўйгунича еб, қолганини лунжига тўплайди. Агар дарахт устида юз минг ёнгоқ бўлса ҳам қарга ўгирлаганининг ҳаммасини ерга кўма беради. Ер ости сиққонининг уяси бўлгани ҳолда яна унинг ҳаммаёғини махфий хоначаларга айлантиради.

Улар разиллиқни шу даражага етказадиларки, таомларини ўзларидан ҳам яшириб қўядилар. Гўлоҳи йўл юзида ётган тезакларни тўплаб, бисотим деб ғамлайди. Гўнг кўнгизи эса пасткашлик билан тезак ташийвериб, қора юзи ерга қараб қолган. У ўлишига кўзи етса ҳам, отлар оёғи остида янчилса ҳам, тезакни дейди.

Бахил одам танга сарфлашни ўзига айб деб билганидек, саховатли кишилар дунё тўплашдан орланадилар. Қарамдан бировларнинг чўнтаги бўшаб қолади, чўнтакнинг бўшаб қолиши эса уларга гўё нуқсон ҳисобланади. Бу иш ҳиммат аҳлини шундай куйга солганки, эҳсон қилиб турсалар ҳам чўнтаклари дирамга (пулга) тўлиб борган. Қарамсиз кишининг уйида хазинаси бор бўлса ҳам фалокат ва бахтсизлик унинг йўлдошидир. Молдунёга гарқ нон эмас хасисларнинг камбағаллардан не фарқи бор? Фарқи кам дейиш ҳам мумкин-у, ақлдилар

<sup>1</sup> Ҳайвон ўйнатувчи.

олдида фарқи ҳам кўн. Камбагал ҳар қанча йўқсул бўлса ҳам, унинг бировдан қўрқадиган жойи йўқ. Лекин дунёю хазинаси бўлатуриб, ўзи бахил бўлса, халойиқ унинг жонига душмандир. Худди қизил тулки ёхуд қора қундузнинг териси ўзининг ўлимига сабабчи бўлгани каби, халойиқ унга қасд қилади. Садаф сара дурни йиққани учун у дурни олиш чоғида садафнинг кўксини ёрадилар. Ҳиммат аҳлининг феъли кенглиги туфайли, унинг олдида бой ҳам, камбагал ҳам бирдек кўрилади. Сахийнинг қандай бойлиги бўлмасин, инъом этишда унинг қиммати кўзга кўринмайди, ҳатто бир тангасигача эҳсон қилаверади. Ёглиқ кулча еб гурурланмагани каби, умочга кун қолса ҳам гам емайди. Оқиллар синчиклаб қараб, ушбу икки гуруҳда ҳам фарқлар борлигини таъкидлайдилар. Шафқатли, марҳаматли одамлар қанчадан-қанча дунёларини эҳсон қилишларига қарамай, уларга баъзан халқдан машаққатлар ҳам етади. Сахийларда эҳсон қиларли нарса бўлмаса ҳам, ҳиммат деган олий хазина бор, уларга шунинг ўзи кифоя. Саховаткор одамга не элдиш малол келади, не аҳволига халал етади. Ҳиммати бошқалардан буюк бўлган кишининг жаҳондаги бошқа одамларга нисбатан меҳнат машаққати камроқ бўлади. Қайси қушнинг парвози баланд бўлса, овчи ҳар қандай мерган бўлса ҳам уни отиб ҳалок қилишга уринмайди. Зеро, бир кишининг хунари осмонга мушак отиш бўлгани билан, у булут момигини ёндиролмайди. Бола қанча хиралик қилиб пуфламасин, бари бир юлдуз шамини ўчиролмайди. Масалан, фараз қилайлик, йўлбарс баланд тоққа чиқиб сакрагани билан тўлини ойга чанг сола оладими? Ҳиммат кишини баланд кўтариб, муҳтожликдан қутқазади; кимнинг ҳиммати баланд бўлса, ташвиши оз бўлади.

Кимгаки ҳиммат ёр бўлса, у жаҳондорликни эмас, фақирликни тилайди; у жаҳондорликдан ор қилади-ю, аммо ўзини фақирлик билан жаҳондор этади. Сен фақирликни кўчама-кўча тиланиб юрган гадоилик деб билима, уни худо шоҳларнинг шоҳи қилиб қўйган. Худди, баъзи фақир кишилар шоҳликни ҳавас қилганлари каби, олий-ҳиммат фақирликни шоҳлар ҳам ҳавас қиладилар. Агар, кимгаки ҳақ огоҳлиқ фазилатини берса, у шоҳликни эмас, камтарин фақирлик йўлини тутгусидир.

## XVII

*Искандар билан гадолик йўлини тутган подшо ёхуд чиндан ҳам подшоликка етган гадо ҳикоятиким, Искандар уни*



мазалият (тубанлик) чоҳидин чиқариб, салтанат тахтига ўтқазмоқчи бўлади. лекин у тожни рад этди ва минбаъд бошидан тожни тарғ қилиши хаёлини чиқармади

Эшитишимча, машҳур Искандар жаҳон аҳлига ҳоким бўлгач, қайси мамлакат унга қарам ва қайси мамлакат подшолари унга мугъь бўлаган бўлса, ўша шоҳларни яна ўз юртига шоҳу ўша элга бошлиқ қилиб тайинлади. У мамлакатлардан ва шоҳларидан хотири жамъ бўлгач, яна бошқа мамлакатлар сари юриш қилди. Жумладан, Мағриб ерларини фатҳ этганида, унинг шоҳи душманлик билан уруш эълон қилди. Ниҳоят, уруш ўти бартараф қилингач, Мағриб шоҳининг жанг пайтида ҳалок бўлгани аниқланди. Искандар душманнинг қатл этилганини билгач, у мамлакатда адолат ўрнатишга бел боғлаб, халққа:

— Бу юртининг султонлари ичида ҳукмдорлик қопунқондаларидан хабардор одам қолганми? Бор бўлса, мен унга мамлакатингизнинг ҳокимлигини топширай, уни элга мустақил шоҳ қилай, — деди. Халойиқ Искандарни дуо қилиб, унинг сўзларига жонларини фидо этишга тайёр эканликларини билдириб, айтдилар:

— Доим бутун жаҳоннинг ҳукмдори ва ҳамиша дунё халқларининг раҳбари бўлгайсен! Сен биздан фуқарога тинчлик ва осойишталик бағишлайдиган кишини сўраясан. Яхши-ёмон ҳаммага маъқул бўладиган киши қаёқда, дейсан? Фақат бир одам борки, ғалати қилиқни ўзига ихтиёр айлаган: чунончи, тирик одамларга аралашмайди, эски қабрлардан бошқа жойда истиқомат қилмайди. Тирик одамлардан ҳанузгача вафо кўрмагани туфайли, қабр аҳллари билан кифояланади. Бу одам ўз ихтиёри билан бошидан шоҳлик тожини ташлади, тожини ташлаган кундан бери ўзини бахтиёр ҳисоблайди. На унинг кечаси тунайдиган бир маскани ва на кундузи нима еб — нима ичиши маълум. Бирон киши билан мутлақо алоқа ва улфатчилик қилмайди, чунки халқ ғала-ғовурини эшитса, кулфати ортади. Баъзилар унга яқин бориб, ёлвориб, гоҳо очилиб сўзлашади. Элга гоят фойдали насихатлар қилиб, одамларни бу оламдан қўл ювишга чақиради. Сўзда шундай ғояларни олға суриш билан элни йўқлик дунёси сари тарғиб этади.

Бу гапларни эшитгач, Искандар:

— Боринг-да, уни дарҳол топиб, менинг ҳузуримга келтиринг, — деди.

Бу фармонни бажариш учун одамлар хар томонга

югуриб кетдилар ва у дарवेशни тоғиб, Исқандар олдига олиб келдилар.

У бош яланг, оёқ яланг, ёқа йиртигидан кўкраклари ҳам очиқ эди. Дунё ишларини тарк этган бу одам икки қўлида иккита бош чаногини кўтарган ҳолда келди. Исқандар уни ҳурмат билан қаршилаб, ўз ёнидан жой кўрсатди. Сўнгра, ундан:

— Бу сўнгалар ҳақида гапир, яна нималарни сўрасам, уларнинг жавобини ҳам баён қил! — деди. Гадо шу тарзда жавоб берди:

— Қабристондан ўтаётганимда бу сўнгаларга неча бор назар солганман. Лекин қай бири шоҳники-ю, қай бири гадоники?! — деган муаммо дилимда қолди. Бу икки мато ўлганда-ку бир, тирикликда нечун иизо қиладилар?

Унинг бу сўзлари Исқандарга хуш ёқиб:

— Эй, бебаҳо фикрли донишманд! Сен жуда улуг фикрли одам экансан, агар ҳимматинг ҳам шу даражада юксак бўлса, сени ҳурматлаб, мартабагини баланд қилиб, ўз мамлакатинг шоҳлигини берай, — деди. Шунда у гадо айтди:

— Ҳиммат — менинг доимий ҳамроҳимдир, аммо сен ўйлаганчалик эмас, бундоқроқ. Сен менга фақирликдек давлатдан кечиб, шоҳлик мартабасини қабул айла, демоқчисан шекилли? Жаҳондорликка рағбатим йўқ. Менинг ҳимматим тубандаги тўрт хил давлатга муяссар бўлишни тилайди. Унинг бири, интиҳоси ва чек-чегараси бўлмаган абадий ҳаётдир; иккинчиси, ҳеч қандай нуқсон билмайдиган, путур етмайдиган, қарилик билан алмашмайдиган йиғитликдир; учинчиси, камбағаллик юзини кўрмайдиган бойликдир; тўртинчиси, ҳеч бир гами йўқ шодлик бўлиб, мотам деган нарса унинг қаршисида йўқликқа чиқур.

Исқандарни ҳайрат забун қилди ва уятдан бошини қуйи солиб, деди:

— Эй қутлуғ ниятли, муборақ фикрли донишманд! Сенинг бу жумбогингдан кўп ишқаллар ечилди. Тақдири азал, не иложки, сенга фақирлигу менга шоҳликни берди, менга баланд мартаба берган бўлса-да, бари бир, сенга мендан ортиқ ҳиммат ато этилган экан.

Ҳиммати буюк гадо учун шоҳлик мартабаси настдир. Ва агар бир фақир киши олийҳиммат бўлса, унинг кўзига замон шоҳи гариб ва ҳақир кўришур.

## ХИКМАТ

*Искандарнинг Арастудан: «Мақсадга қайси манзил яқинроқ?» — деб сўрагани ва у манзилга қайси йўл билан бориш маъқул эканлиги, шунингдек — фидойилик кўрсатиш йўли билан ном қолдириш мумкинлиги тўғрисида Арастунинг жавоби*

Арастудан Искандар:

— Эй, тафаккурнинг билан осмону фалакни ҳам лол қолдирган донишманд! Мақсаднинг манзилига қайси йўл билан бориш яхширо ва қайси ишнинг натижаси мақтовга лойиқ? — деб сўради.

Арасту:

— Халқдан ўзини йироқ тутиб, фано йўлида хоки-туробга айланган афзал, — деди.

— Агар одамнинг давлати кўп бўлса, хайру саховат қилиш имконияти ҳам кўпроқ бўлади. Мақсадга етишда қилинган ишнинг аҳамияти катта бўлгани туфайли, бадавлатга кўпроқ эътибор берилади. Кимки савоб ишларни кўпроқ қилган бўлса, унинг висолга етиш умиди кўп бўлади, албатта.

Арасту яна айтди:

— Могу давлат эгалари хайр-эҳсон қилсалар, бу ишдан икки ҳолат йироқ эмас. Биринчиси, шу иш ўринли бўлганми-йўқми? Баъзи одамлар ўринсиз ишларни ҳам қиладилар. Агар қилинган иш ўринсиз бўлса, киши қанча эҳсон қилгани билан фойдасиздир. Ва агар қилган иши ўринли бўлса, нима хайр қилган бўлса мақбул деб билсак бўлади. Кимки меъёрни билмаса, нима иш қилган бўлса, ҳаммаси йўққа чиқади. Биров шоҳ ҳузурига отланган бўлса, у аввало, ўз йўлида учрайдиган қароқчилардан эҳтиёт чораларини кўриши шарт. Қароқчилар билан улфат ва иттифоқ бўлган шахс қачон шоҳ базмида ўтиришга ҳақли бўла олади? Лекин кимки бор-йўгини худо йўлига бериб, худодан бошқа ҳеч қандай вужуд борлигига гумон қилмаса, шу мақсад йўлида ўзини фидо қилсагина қилган иши дунёда боқий қолади. Инсонга бундан улугроқ мартаба бўлиши мумкин эмас, киши шу мартабага эришдими, демак, унинг номи абадий қолади!

Гавҳарфуруш Арасту бу дурларни шу тарзда сочгач, савол берувчи садаф оғзидек хомуш бўлдию қолди.

*Искандарнинг салтанат тожидан бош, шоҳлик тахтидан эса оёқ тортгани ва Рум аҳли унинг оёғига бош уриб, Искандар қадами билан тахт поясини баланд ва тож қадрини азиз — аржуманд қилгани. Унинг адолатпарварлик қуёши билан зулм шони кўршапалакларини басир қилиб, жаҳонни ёритгани ҳамда эolimларни қора зулматдек олам юзидин четлатгани*

Ҳикоя қилиш учун тебранган қалам шу тарзда нукта суради:

Файлақус тожу тахтини Искандарга топшириб, у дунё сафарига отланди. Искандар олам элининг доноси ва билимдонликда жаҳонда унга тенг келадиган киши йўқ эди. Тож ила тахт унга маъқул бўлмай, бу андишадан беҳад хафа эди. Чунки шоҳликда ҳаддан ташқари бахтсизликлар, мусибатлар кўп бўлиб, нимаики иш қилса фалакдан қилганига яраша мукофот олиши турган гап. Шоҳликни қабул қилмай деса, отасининг васиятлари эсига тушар эди. У икки ўт орасида қолди. Охири халқни йигиб, кенгаш тузмоқчи бўлди. Катта-кичик — ҳамма йигилгач, беҳад гўзал бир нутқ сўзлади:

— Эй Рум мамлақатининг фуқаролари! Ҳозир менинг хузуримда жамики жамоат жам. Хоҳ юқори мартабалик ва хоҳ паст даражали бўлманг, бари бир, ҳаммангиз мен каби тангрига бандасиз. Мен эса сиздек ҳам эмасман, негаки отамдан айрилганман, бу ҳам етмагандай дили ғамгин, кимсасизман. Маълумки, отамни оллоҳ лутф иноят билан бу мамлакатга подшоҳ этди. Шу кунгача у бу ишга муносиб, бу юкни кўтаришга қодир эди. Дарҳақиқат, тангри ота-боболаримга бу мамлакатни бошқариб келишни юклаган бўлса, ҳаммаси ҳам тахт кўрки, забардаст ва бахт-саодат соҳиблари эдилар. Лекин мен гоятда эътиборсиз кимсаман, боз устига салтанат иши ҳаддан зиёд хатарлидир. Бу ишни ниҳоятда зўр ва қудратли одамгина энлай олади, шоҳлик мен каби нотавонларнинг иши эмас. Шер тортиши керак бўлган нарса ни чумоли қандай тортсин? Филнинг юкини пашшага ортиб бўладими ахир? Шоҳ бўладиган ниятим йўқ, — бунга қобилиятим ҳам етмайди. Шу боисдан, сизнинг: «Шоҳлик қил!» — деган таклифингиздан эзиламан, агар буни рад этадиган бўлсам, сиз ҳам маъзур тутинг!

Мен сизга ўз ожизлигимни, бу андеша ҳудусидаги кўнгли озорини баён этдим. Сизлар энди ўзингизга муно-

сиб шоҳ тонинг, бу мамлакатни идора қилишга лойиқ бир ҳукмрон ахтаринг. Ҳар инда замон аҳлининг талабларига жавоб берадиган одам бўлса, ана ўшани шоҳликка муносиб кўринг. Ақл-заковати кўёшдек мунаввар, агар бедов отга минса дунёни забт этадиган, адолат бобида наврўз фаслидек, сиёсат бобида эса жаҳонни куйдирадиган яшидек бўлсин; машаққатли кезларда душманга чора қилувчи, оғир кунларда халққа кўмак берадиган адолатпеша бир зотни ҳукмдор қилинг, ана шундай кишигина тождор бўлишга лойиқ. У аҳсон ёмғирини ёғдириб, мамлакат бўстонини Эрам боғидек гуллатиб юборсин. Душман зотини битта қўймай тўзғитиб, худди санамларнинг сулфидек наришон ва пароканда қилиб ташласин; душман қанақанги фитна ўтини ёқса, қилич сели билан у ўтга сув уриб, тезда ўчирсин. Борди-ю, девонбегиси фуқарога ситам қилса, унинг қўлини кесиб ташласин. Мусофирлар қатнови тўхтамасин ва йўлда уларга қароқчилар қораси кўринмасин; ўғрилари тутиб, уларнинг попок қўлини қирқсин, токи улуснинг ҳалол молига қўл узатмайдиган бўлсин; зулм-бедодлик одатлари тамоман йўққа чиқазилсин! Ҳатто зулм деган иборанинг ўзи эл орасида бўлмасин! Зулм сўзидаги «л» билан «м» ни йўқлик белгисига айлантирсин! Адолат қилишининг йўл-йўригини тошиб, элни душманга қарши бекам-кўст қуроллантирсин. Тангри буюрганларининг изидан бориб, чин гапирувчи — ҳақиқатни айтиувчи кимсаларнинг қўлини баланд ва бақувват қилсин. Зулм қилувчиларнинг таъзирини бериб, фуқарога хотиржамлик ва осойишталик бағишласин!

Ёрқин фикрли шоҳ сўзини тугатгач, халойиқ ҳар тарафдан фарёд тортиб, тубандагича арз-дод қилдилар:

— Эй, адолатга муҳтож элнинг додига етувчи шоҳ! Нечун бизни зору нолон айладинг? Адлингдан элга роҳат умиди тугилиб турган бир пайтда нима учун бу каби зулмни раво кўрдинг? Баён айлаган сўзларинг билан бу халқнинг бағрини қон қилдинг-ку! Бундай фикрларни айтгунча, қонимизни оқиз, йўлингга жонимиз фидо бўлсин! Бу элнинг бошидан сен йироқ бўлганингдан кўра жонимиз танимиздан жудо бўлгани яхшироқ. Сенинг сўзларинг гарчи жон бағишловчи бўлса ҳам, аммо ҳозиргиси барчани ёппасига кириб юборгудек бўлди. «Салтанатин тарк этаман», деган сўзинг сўз эмас, тахт сенга муносиб, ўрнингда бошқа кимсани кўришга бизнинг кўзимиз йўқ! Бугун дунёда сен шундай шоҳсанки, ҳатто қошот сирларидан ҳам хабардорсан. Жаҳонда сен бил-

маган биронта илм йўқ, буни фақат Рум халқи эмас, бутун олам аҳли билади. Сенинг фикрингнинг ёрқинлиги фалак шамъи бўлгани қўшига, кўнглингнинг равшанлиги эса малюкаларнинг чирогига ўхшайди. Сен каби шохни жаҳон ҳали кўрган эмас, сен қўш каби кўркем, Муштарий юлдузидек порлоқ инсонсан. Гулдан атир, офтобдан нур таралгани каби, сенинг тафаккурингдан адолат зухур этади. Вужудингга донишмандлик яшириган, жамолнингдан жаҳондорлик намоён бўлиб турибди. Шунча фазлу ҳиммат сенинг табиатингга бор бўлгач, балки рум султонлигидан орланаётган бўлсанг керак. Бу мамлакат сенга камлик қилишини биз ҳам биламиз, бинобарин, бутун жаҳонга ҳам сен шох бўларсан, деган умиддамиз. Фалакнинг ошкору ниҳон айланшидан келгусида жаҳон сенга мутеъ бўлажаги маълум бўлиб турибди. Бонқа кимсани ҳукмрон ва фармон берувчи қилиб, жаҳон аҳлини бенаво қилмагин. Агар сен бу ишни қабул этмайдиган, бу мамлакат халқининг фарёдига етмайдиган бўлсанг; ўзингга мерос бўлган мамлакатга бошқани қўйиб, ўз уйингга бегонани киритишни раво кўрсанг, биз бундай балони қабул қилолмаймиз, аксинча, ҳаммамиз ватанни тарк этиб, чиқиб кетамиз! Агарда шундан сўнг ҳар қайсемиз бир мамлакатга бориб, гариб ва саргардон бўлсак, бу кулфатлар учун худонинг сўроғига сенинг ўзинг жавоб бергайсан!

Халқ бошларини яланг қилиб, кўзларидан ёш оқизиб, фарёду фиғон кўтариб, шу сўзларни айтди. Искандар бундай аломатларни, аломатлар демайин, қиёматларни кўриб, айтган гап-сўзларига пушаймон қилди, халқнинг аҳволидан кўнгли жуда бузилиб кетди. Ўзига сидқидилдан бўлган ихлосни кўриб, уяти ичига тушиб, фикри анча юмшади. Ҳам фуқаронинг яхши ниятлари ва ҳам отасининг васиятлари унга шундай таъсир этдики, энди уни ўзгартиришнинг иложи йўқ эди. Бинобарин, хотирига ҳаддан зиёда малол келишига қарамай, у поилож эл-улус илтимосини қабул қилди. Навжувон йиғит шохликка розилик билдиргач, донишманд Арасту тезда ўрнидан туриб, тожни унинг азиз бошига кийдирди. Ҳамду сано ва шукроналар айтиб, Искандарнинг бир қўлини Арасту, иккинчи қўлини эса доно Балинос ушлади. Шу ҳолда бу икки аллома унга йўлбошчилик қилиб, уни қўлтқлаб, тахт устига чиқазиб қўйди. Бунинг муборак қадамидан тахт яна бир поя баланд кўтарилди. Қўш эса, Искандарнинг боши устига бахт соясини сола бошлади. Юқоридаги икки йўлбошчи. — Арасту билан Балинос эмас, йўқ,

гўё булар ўрнида ~~Хизр~~ ~~ила~~ ~~Илёс~~ эди. Халойиққа шундай бир хурсандчилик юзландики, бу бениҳоя шодликдан баъзилар ўзларини йўқотиб қўйдилар. Шоҳнинг бошидан катта-кичик, ҳамма одам шунчалик кўн таиға — тиллалар сочдики, ер осмон каби юлдузларга тўлгандек бўлди. Худди базм қилаётган кишилар шодлангандек, бу ердаги жамоат ҳам жуда қувониб кетдилар.

Қуёш Искандари ўз юзини пардага ўраб, шафақ майини ичишга киришган пайтда, фалак шодлигидан шу ондаёқ янги ойини қадахдек қилиб осмонга чиқазди. Искандар бахтиёр ҳолда тахтдан тушиб, ичкарига кирди. У гул ва майсалар устида янгитдан базм бошлаб, лоларанг май ичишга киришди. Дам-бадам узатилаётган биллур қадахлардаги майлар ёлқини уйни қуёшдек ёритди. Бу пайтда подшоҳи олам бир сўз сўраса, ҳар соҳада у билан суҳбатлашиб ўтирган, билимда мамлакат алломаси бўлмиш донишманд Арасту унга дарҳол жавоб қайтарар эди. Ҳар бир айланаётган қадах ҳикматдан холи бўлмагани каби, бу суҳбатдаги ҳар бир сўз ҳам илм-фан атрофида эди. Бахтиёр шоҳ қандай нозик ва мушкул саволларни ўртага ташламасин, суҳбатдаги донолар унга дарҳол жавоб қайтарар эдилар. Уйинкулги пайти бўлишига қарамай, суҳбатлар бошдан-оёқ илм-адаб доирасида борар эди. Ҳар бир илм бобида гап-сўз бўлиб ўтди. Охири, шоҳнинг димоғини май қизитиб, кўзи уйқуга майл қила бошлагач, улфатлар ўринларидан туриб, чиқиб кетдилар. Шу аснода уйқу унга хуш ёқди, ҳа, ярим кечада қилинадиган саждага барвақт ётмоқлик керак.

Яздонпараст шоҳ ўзини хас ва тупроқдек наст тутган ҳолда ярим кечада ибодатга машғул бўлди, тонгга қадар йиғлади, қилган гуноҳлари учун тангрига ёлборди. Қуёш яна ёғду сочиб, оламни ёрита бошлагач, юлдузлар унинг ёруғидан хираланиб, худди учқун сингари кўздан ғойиб бўлдилар. Искандар яна ўз тахтига чиқиб, умум-халқни қабул қилажаги ҳақида фармон берди. Қуёш атрофини юлдузлар ўраб олганидек, улус унинг хузурига ёпирилиб кирди. Халойиқ йиғилгач, шоҳ сўз бошлаб, уларга шундай деди:

— Оллоҳ мени инсоф ва адолат таянчи қилиб қўйган экан, халойиқ орасида адолатгалаб одам бўлса, олдимга келиб, арз-додини айтсин, ўз аҳволини бир-бир баён қилсин. Қаршимда арз қилаётган пайтида, мени ҳам худди ўзи каби бир одам деб тушунсин у, на менинг тахтимдан даҳшатга тушсин ва на тожимдан унга бир

қўрқув юзлансин. На мени шоҳ деб изтироб тортсин ва на ўз мақсадини охиригача баён қилишда шошсин. Қанча дарди, гами, ҳасрати бўлса, очиб ташласин, мен адолат қилини билан унинг жароҳатига малҳам қўяй!

Шундан сўнг улус арз-ҳолини баён этиб, Искандар билан савол-жавоб қила бошлади. У эртадан то қиёмгача ҳол-аҳвол сўраб, халқнинг дардига даво қилди. Бировнинг қонини ноҳақ тўккан одамнинг бўйинини уздирди, қўли кесилини лозим бўлган гуноҳкорнинг қўлини кестирди. Ғам-алам билан эзилган мазлумларга адолат билан кўмаклашди. Марҳаматга муҳтож бечораларга раҳм-шафқат қилди. Қўн остидаги бечораларни эзиб-хўрлаган зolim ҳукмдорларни қора ер билан барабар қилиб ташлади. Жафо чеккан бечоралар олдида жафокор зolimларни хор ва забун қилган шоҳ қандай севимлидир! Искандар куннинг ярмигача халқнинг арз-додини тинглаб, адолат нойдеворини кўнгилдагидек қилиб ўрнатди. Отасининг замонида халойиққа зарари теккан ниманки қонун-қонда бўлса, халққа нафъ-фойда етказиш мақсадида уларнинг ҳаммасини бекор қилди. Шунингдек, бошқа шоҳлар томонидан расм қилинган, умумхалқ орасида адолатга хилоф бўлган қонун-қондаларни ҳам тағ-томри билан бузди ва халойиқни барча ҳақсизликлардан қутқазди. Адолат йўлини тутиб ноҳақ сиёсатни бекор қилди. Фуқаро эҳтиёжини ҳисобга олиб, уларни икки йиллик солиқдан озод этди. Амалдорларнинг ишларини текшириб кўриб, ёмонларини ишдан ҳайдади. Аксинча, яхши амалдорларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг мартабаларини баланд қилди. Бозордаги нарх-навоини суриштириб, олибсотарлар, юлгичларнинг жазосини берди.

Тарозининг икки палласини тўғрилаб, тошни темирдан ясаттирди ва муҳрлади. Узунлик ўлчови бўлмиш қарини (метрни) ҳам темирдан қилдирди. Натижада халқ кам газ олишдан халос бўлди. Қўн миқдорда галла тортиладиган катта тарозини ҳам Искандар ихтиро этди, ўлчаш вақтида чиқадиган низоларни бартараф қилди. Бундан ташқари, эл эгрилик сари майя қилмасин, деб галла ўлчайдиган идишларни тўғрилади. Адолат биллагига қувват бағишлаб, олтин ўлчайдиган тарози ҳам яратди. Йўловчиларни хавф-хатардан қўриқлаш, учун катта йўллар орасига соқчилар қўйди. Адолат қўлини шундай баланд тутдики, кийик арслон ҳамласидан хавфсизрамади, булдуруқларга қарчиғайлар ошно тутинди, улар гўё жўжа-ю, бунисп она товукдек меҳрибон бўлди. Ҳар доим куннинг ярмигача арз-дод сўрар, адолат ўрнатар,



қуниинг иккинчи ярми ҳам яна яхшиликлар жорий қилиш билан тугар эди. Шу хилдаги адолат расмини амалга оширавергач, оз фурсатда Рум аҳли бойиб кетди.

Эй, соқий! Адолат жомини тўлдириб келтир! Чунки Искандар адолатли замон бунёд этди. Гарчи мен ичиш меъёрини билмасам-да, сен менга қадаҳни эл қатори узат. Эй чоягучи, навони ёқимли туз-да, менга муттасил навосозлик қил; қулогимга дилкаш садоларни еткур. Мен бенавога оромбахш наволарни еткур!

Эй, Навоий! Агар сен доно кишиларга мақбул бўлишни истасанг, эл қатори бўл! Ўзингни ўртача меъёрда сақлагинки, адолатли шоҳлар қўлидан май ичишга муяссар бўлгайсан.

Адолат билан иш тутиш шоҳлар учун қанчалик зийнат бўлса, фақир ва фуқаролар учун ҳам шунчалик зийнатдир. Агар шоҳнинг ишлари адолатли бўлса, унга ҳеч бир шоҳ мартабада тенг кела олмайди.

## XX

*«Адолат булоғи» таърифидаким, унинг подшоҳлар зулми қоронғуликлари орасидаги «ҳаёт суви» жонбахшдур ва ичганга боқий умр етказур*

Нимаикин эзгуликка дахлдор ном бўлса, ҳаммаси ҳақнинг сифати билан боғлиқдир. Бу сифатларга алоқадор қандай иш бўлса у ҳақ эди билан бажарилади. Кишининг олийжаноб бўлиши сахийлигининг зиёдалигидандир, меҳрибонлиги эса ўта гамхўрлигининг натижасидир. Агар кимсани буюк ва шарафли деб эъзозлаб, боқий ҳаёт ичра ҳукмрон деб ўйласанг ҳам лекин унинг оти исмлар ичида одил эмас экан, халқ уни адолатли демайди. Адолат бобида сўз кетганида ҳақ ўз исмини «ал-адл» — «одиллик» билан яқунлаган. Бу исмга, яъни одилликка кишилар диққати кўпрак бўлгани учун у бутун оламга адолатнинг низомини — тартиб қоидасини тузиб берди.

Равиши адолат бўлган шоҳларнинг ишига тангри ёр бўлса ажаб эмас. Халқнинг «подшоҳ тангрининг ердаги соясидир» деб айтиши шу маънидин бўлса керак... Агар у ошқору ниҳон адолатли бўлмаса, жаҳоннинг остин-устин бўлиб кетишини яқин деб билавер. Ануширвоишоҳ мазҳабда мусулмон бўлмаса ҳам, лекин адолат бобида машҳур эди. Гарчи кофирнинг ўрни дўзах бўлса ҳам, одиллик сифати уни аърофга далолат қилди. Агар кофир-

лик сифати уни жаннат сари йўлатмаган бўлса, адолатлилиги дўзах сари қўймади. Унинг дунёдан ўтиб кетганига минг йиллар бўлган эса-да, адолати овозаси ҳамон яшайди.

Ажаблатарли ери шундаки, подшоҳлардан қай бири — ислом мамлакатларида қандай адолат ўрнатган бўлса, унинг адлу инсофи сифатларини баён қилиб, мақтовларини ниҳоясига еткурганда «замон ҳукмрони эди» деб эмас, «замон Ануширвони эди» дейиш мақсадга мувофиқдир. Муҳими шундаки, у бундай номга сазовор экан, фахрларининга ҳақлидир... Икки дунё шоҳи Расули Араб ўзининг ҳадисида адолат аҳлига шундай башорат қилган эди: «Адолат билан ўтган бир соат инсон у жин хайлининг тоат-ибодатидан афзалдир».

Яна бир ҳаққонийлик билан айтилган ҳадиси ҳам мавжудки, уни фасоҳат билан шундай баён қилган эди. «Агар обод мамлакатга қаралмаса, у куфр аро қолади, агар у вайронликка юз тутган бўлса, бу зулм ўтказилганлигининг натижасидир».

Шоҳ агар самимият билан раво адолат юргизса, мамлакати Нўширвониники сингари обод бўлади. Агар у дин бобида зулм тезкорлигини қилса, айрим шоҳлар сингари оз вақт ичида ҳаммаёқни вайрон қилади. Инсон гуруҳига яхшилик қилган шоҳни ҳақ адлу эҳсонга дохил қилади. Агар у халққа қанча вақт зулм етказса, буларнинг ҳаммаси унинг ўз жонига қийинчилик бўлиб тушади... У эл ичра бетоқатлик, тинчсизлик солар экан, зулмидан обод жойлар харобага айланади. Токи зулми мавжуд экан, улар халқ кўнглига номақбул тушиб, дилини ранжитади, шу сабаб эртаю кеч эл иши шоҳ жонини қаргашдан иборат бўлиб қолади. Агар шоҳ халқ нуқсонини ҳақида дам урадиган бўлса, билингни, у ўз жонига дўзах ўтини алангалатган бўлади. Бундай ҳолда уни халқ душмани эмас, балки ўзини ўзига душман деб билмоқ керак. Золим элга қанчалик зулм етказса, билингни бу зулмлар унинг ўзига ундан ҳам кўпроқ бўлиб қайтади — бу ҳаққа ҳам аён бўлган ҳақиқатдир... Зулмкорликни ўзига мақсад қилиб олганлар эл кўнглига ёқмайди, номи бу дунёда тилга ҳам олинмайдиган бадном кишилардир. Бу тоифа шахслар бошқа оламдан ўзларига жоймакон ахтаришлари, яъни ҳеч қаерда тўхтамай, тўппа-тўғри жаҳаннамга равона бўлмоқлари лозимдир. Қайси шоҳ адолатдан узоқлашса, у ўз жонига ўз зулмидан дард қўяди, одил кишилар сафида бўлса на элга зулм етказади, на ўз жонига. Агар

шоҳ адолат ҳунарини касб қилиб олса, унинг қўлидан софликдан бошқа нарса келмайди. Адолатни ўзига шиор қилиб олган шоҳ бахилликдан йироқ бўлиб, фақат марҳаматли, саховатли бўлгани яхши.

## XXI

*Вафотидан сўнг Масъуднинг тушига кириб адолат бобида панду насиҳатлар берган ва бу насиҳатларнинг тиниқ сувидан унинг юзига сениб ғафлат уйқусидан уйғотган Маҳмуд ҳикояти*

Эшитишимга қараганда дунё голиб Маҳмудга ҳаёт жомидан заҳар ичиринти. Ўлим нидоси қулогига етгач, олам билан видолашар экан, ўз ўрнига жонига пайванд бўлган фарзандини валиаҳд этиб тайинлади. У дунёни тарк этгач, ўғил ота фироқида анча машаққатлар чекди. Ўғилнинг оти Масъуд бўлиб, бир кеча унинг тушига отаси Маҳмуд қирди. У бошдан-оёқ нурга гарқ бўлган ҳолда бир ажойиб турфа боғда турар эмиш, турфа боғ эмас, гўё жаннатнинг гулшани эмиш. Унга дам-бадам хурсандчилик юзланиб, шодлиги ортар эмиш. Олдида васфининг тавсифи учун ақл ожизлик қиладиган даражада гўзал зумуррадранг ҳовуз бўлиб, унинг давраси худди кўк гумбазидек, сувнинг туси ва ранги эса худди жаннат булогининг сувига монанд эмиш. Ҳовузнинг қиргоғида худди бахт сингари соя солиб турган бир дарахт бор эди. Унинг қадди олдида «тўбий» дарахти ҳам паст бўлиб кўринар, сояси эса бўтун гулбоғ сахнини эгаллаган эди. Бунинг гўзаллигидан кўз равшан, ҳидидан димоғ муаттар бўлар эди. Шоҳ Масъуд бу ажойиб ҳолни кўргач, ер ўниб отасига савол билан мурожаат этди: «Подшоҳлигинг даврида қандай ишлар қилган эдингки, бундай бахтга сазовор бўлдинг?» У айтдики: «Жаҳондорлик вақтимда доимо адолат билан иш тутиш тўғрисида ўйладим. Ҳиндистонга қўшин тортганимда, шу мамлакатни манзилгоҳ қилган эдим ва айтган эдимки, халқ аскарлардан, улар томонидан етказилиши мумкин бўлган жабру жафолардан хавотирда бўлмасин». Жарчи томонидан эълон қилинган бу сўзлардан халқ хабар толиб тинчигач, менда сайр қилишга мойиллик тугилди. Урмоннинг ҳар тарафини сайр — зиёрат қилиб юрар эканман, ногоҳ кўзим одамлар яшайдиган бир оролга тушди. У ерда бир печа оила ҳолсизлик ва бечоралик билан куи кўрар эди. Егоч ва

қамишдан ясалган бошпанани улар зар билан ҳал бериб, хуш исан сандалдан бино қилингандек ҳаё қилар эдилар. Уй ичидаги бўйра гўё гилам-у, боғу бўстон уларга бузуқ вайронадек эди. Бу ҳолга назар ташлаб ўтар эканман, қулоғимга ногоҳ жабрдийда бир одамнинг овози эшитилди. Отим жипловини шу томонга бурдим, қарасам бир нотавон аёл киши экан. Тунд, ҳаёли бузуқ аскарбошилардан бири унинг ҳовлиси четинини бузиб кириб, бир неча шох ўтинини, тўрва тўла сомон ва яшил сополдан ясалган май идишини олиб чиқиб кетаётган экан, ногоҳ менга рўбарў келиб қолди. Унинг босқинчи, бузғунчи экани аниқ эди. Лекин шунга қарамай адолат талаб қилувчи додхоҳ билан тортишиб, икки-уч гувоҳ бошлаб келди.

Қўлидаги ашёларни олиб, жафокор эгасига қайтардим, ҳовлисини қамиш билан ўраб, йиқилай деб турган чийларини бир-бирига туташтириб боғладим. Сўнг золимнинг қўлларини маҳкам боғлаб, бўғзидан шу уй олдига осиб қўйдим. Ғамбода кампир ҳамма нарсаларини олгач, қўшиним сари отимни елдириб кетдим. Мен бу дунёни тарқ этганим замон мазкур шодлик уйи меннинг маконим бўлди. Меннинг гуноҳларим ниҳоятсиз эди, лекин адолат билан қилган мана шу ишим менга паноҳ бўлди. Менга нидо келдики, «эй сарой гуноҳкори, сен умрингда бошқа гуноҳ қилганинг йўқ. Лекин ҳаддан ортиқ гуноҳкор бўлсанг, албатта, дўзах ёлқинига сазовор бўласан. Аммо сенинг вужудингдан адолат жой олди, шу сабаб қандай гуноҳнинг бўлса ҳаммаси кечирилди. Сенинг бегараз қилган ҳар бир ишинг бирма-бир ўз мукофотини олди. Чунончи сен у жафокаш кампирнинг ҳовлисини тузатиб бердинг, бу сенинг феълингда иккиюзламачилик йўқлигидан далолатдир. Сен кўриб турган шамоли мушк тарқатувчи, гарди анбардек хушбўй бўлган боғлар ана шу эзгу ишингнинг эвазидир. Кампирга қайтарганинг икки шох ўтин бадали мана бу тўбийсифат дарахт, яшил идишининг эвази эса зумуррад ранг ҳовузидир. Кампир олган бир этак сомон — заъфарон рангли хушбўй ўсимликлардир. Золим шумни қатл этганинг — хаста мазлумларни қутқарганингдир. Бу яхшиликларнинг эвазига сен абадий ҳаётга сазовор бўлдинг. Бундай воқеалардан хабардор бўлган кишининг адолатдан бўлак яна қандай иши бўлиши мумкин? Агар оламда адолатли ишлар қилмас экансан, кейинчалик еган пушаймоннинг ҳеч қандай фойда бермайди. Эзгу ишлар қилишга имконинг бор экан, адолат хунарини бир нафас бўлса ҳам нари

сурма. Агар шох ўз адолатидан, бир лаҳза ажралса, шу бир он унга бедаво дард бўлиб туниши мумкин.

Масъуд уйқусидан уйғонганда, хотири турли қайғулардан фориғ бўлган эди. У отасининг айтганларидан хулоса чиқариб, ўзига адолат йўлини — тўғри ва ҳақ йўлини танилади. Қайси шох Масъуддек адолат йўлини тутса, Маҳмуддек иззат-икромга сазовор бўлади.

## XXII

*Искандарнинг Арастудан адолат натижасида қандай ишларни амалга ошириш мумкин, деб сўрагани ва Арастунинг жавоби*

Яна шох Арастуга хитобан сўради: «Эй донишманд файласуф! Агар шох адолатли бўлишга жазм қилган бўлса қандай ишларни адолат юзасидан қилинган деб бўлади?

Арасту жавоб берди: «Агар шохга адолат қилишлик кундаги одатга айланса, унга бутун оламу дин таслим бўлади. У бу дунёда жаҳонни эгаллаган бўлса, дунёдан ўтгач, жаннат тахтини эгаллайди. Агар шох ҳар бир ишда адолат бунёд этар экан, бунинг натижасида унинг мулки-мамлакатини ҳам обод бўлади. Мамлакатини обод бўлиб, халқи бойидими, демак хазинасини ҳам тўлиб-тошади. Хазинасини тўлгач, аскарларининг маошини ҳам ортади. Аскарларнинг қачонки шохга майли бўлар экан, душманларининг устидан ғалаба қозонишга шак-шубҳа бўлмайди. Шох зафар қучдими, унинг қуввати янада ошади. Бунинг устига у яна адолат намоен қилса, барча кишилар унга хайрихоҳ ва шукр қилувчи бўладилар, жангда унинг аскарларига дуо билан мадад бериб турадилар. Яна шуниси ҳам борки, адолатни ўзига ҳунар қилиб олган шохни душман томондаги халқ ҳам яхши қабул қилади. Тобе халқ кечалари қўл очиб уни дуо қилади, аскарлари эса бунинг томонига қочиб ўтишга ҳаракат қилади. Агар шох ҳар бир ишга шунчалик асос ва сабабларга эга бўлган ҳолда ёндошса, унинг жаҳонгир бўлмоғи — яъни ягона, бирлашган давлат арбоби бўла олиши ажабланарли ҳол эмас.

Бу масаланинг бир томони, энди иккинчи томони ҳақида ҳам сўз юритай.

Маълумки, тангри ҳам адолатни ёқлайди. Шундай экан, ҳар бир шох унинг амрини бажо келтириб, мамлакатидаги қийинчилик, вайронликларни тугатиб, элита хотиржамлик еткурса. Шунда дунё эли унинг адолати

ва инсонийлигининг қадрига етиб, жонининг дуосини қилади.

Бу эзгу ишларнинг натижаси мукофотсиз бўлмайди, яъни унга икки олам мулки муяссар бўлади.

Донишманд сўзларини тугатар экан, ишбилармон шох ўз саволларига қаноатланарли жавоб топди. Унинг кўнглидаги барча шубҳалари тарқаб, ўрнини фойдали насихатлар эгаллади.

### XXIII

*Искандарнинг кенг миқёсда олиб борган ишларини қисқача баён қилмоқ ва у қисқача баённи кенг миқёсда тушунтирмоқ, шунинедек, Доронинг элчиси Румга байзо (олтин туҳму) тилаб келиб, байзо ўрнига Искандардан пўлат найза зарбидан ўткир жавоб олгани ва у найзанинг алашғали учқунни Доронинг сабр хирмонига ўт қўйгани ва шунинг ҳарорати билан у яна Искандарга кунжуд, гўй (ёгондан ясалган тўп) билан чавгон (учи эгри узун таёқ) юбориб, таҳдид солгани ва Искандар у гўй билан чавгон ниманинг рамзи эканини таъбирлаб, кунжудни қушларга едиргани*

Тарих илмининг кўп ранжини чеккан сўзамол донишманд хикояни шундай давом эттиради:

У ёш подшоҳ ўз мамлакатини адолат билан беади, Арасту қандай йўл кўрсатган бўлса, шу йўлни маҳкам ушлади. Хусусан, унинг хотирида «адолат билан оламни олиш мумкин» деган ғоя ўрнашиб қолди. У бу ҳақда ҳаддан ташқари кўп ўйлаб, андеша арқонини узун ташлаб қўйди. Унга адолату шижоат ёр бўлгандек, ўткир ақли ва билими ҳам бор эди. Дарҳақиқат, куёш осмон гумбази устига байроқ тиккани сингари, у юриш қилиб бутун ер юзини бошдан-оёқ эгаллади. Искандар бу кўҳна дунёда ҳеч ким қилолмаган ишларни қилди. Бу шундай ажойиб нарсаларни қўлга киритдики, бунинг олдида бошқа жаҳондорларнинг қадри анча тушиб кетди. У нимани орзу қилса, шунинг ҳаммасини юзага чиқарди. Уни мен ёзсам кишилар узоқ йиллар ўқиб ҳам тугатолмайдилар. Унинг ҳамма қилган ишларини ёзмоқ ҳам осон эмас, ёзмаи деган билан охирига етказиш ҳам мумкин эмас. Ҳар ҳолда, қилган ишларини қисқагина баён қилганим дурустга ўхшайди. Агар шунинг уйдасидан чиқсам, тилагимга етган, қисман у ҳақдаги сўзларни адо этган бўлмаи. Қиссаси кўп фикр юритишни талаб қилгани каби, тарихига ҳам

унча-бунча бош қотирини кифоя қилмайди. Унинг воқеалари қанчалик гаройиб бўлса, қилган ишлари унда ҳам ажойиброқ. Мен бу ҳақдаги ёлгон-яшиқ гапларни чиқазиб ташлаб, ҳақиқатининга назм билан безаш умидидаман.

Давлат ҳомийси бўлиш Искандар Рум тахтига подшоҳ бўларкан, бошлаб душманларни йўқотиш қасдига киришди ва душманлардан у ерни тозалади. Ундан сўнг, жаҳонда бўлган шаҳарларни фатҳ этиш нияти билан қўшин тортди. Бошлаб, Мағриб заминга (Африка мамлакатларига) ўч олиш учун юриш қилди. Тигдан оққан қоннинг зўри билан (Ҳабашистон) Заңгибордаги келишмовчиларни бартараф этди. Ундан кейин Доро билан олишиб, у олчоқнинг кулини кўкка совурди. Яна шу каби мамлакатларни олишни пайсалга солмай, Фаранг шаҳрини фатҳ этди. У ернинг халқларини муте қилгач, Қрим билан Андалусни (Испанияни) босиб олди. Қайтиб Мисрни фатҳ этиш учун жанг бошлади, фалак уни Миср юртининг шоҳи қилди. Табиатини ёқтириб қолиб, Миср ўлкасида Искандария шаҳрини барпо этди. Сўнгра Зардуштни дафъ этиш учун ҳужум қилиб, уларнинг ўтига тиг билан сув урди. Ажам Ироқи томон юруш қилганда, у ердаги одамлар бунинг оҳангидан баҳраманд бўлдилар. Араб Ироқига от сурилганда қадамидан у ернинг халқлари баҳра олди. Сўнгра, Шом ва Ҳалабга йўл олиб, у ерлардан ҳам тилаги ҳосил бўлиб, шодлик насиб этди. Суҳайл юлдузидек ёруғ юз билан Яман ўлкаси томон чиққанида, бу ернинг тошлари қип-қизил ҳақиқдек кўринди. Тупроғини ўпиш ниятида Макка шаҳрига азм қилиши биланоқ унинг эшиклари очилиб кетди. У ердан куруқликлар сари юриш қилиб, ажойиб манзилларга юз тутди. Сўнгра Форенн олишга киришганда, у ўлка жанг-жадалсиз таслим бўлди. Бу ерлар олишгач, қувончга тўлган шоҳ бахт-саодат билан Шимолга қараб йўл олди. Эйдилликда мамлакатларни босиб олишга одатланган шоҳ жаҳду жадал билан Хоразмни ҳам қўлга киритди. Қуёшдай порлаб турган байроқни баланд кўтарган ҳолда Дашти Қишлоқни ҳам олиб, у ерга ёруғлик сочди. Бу ўлкадан отининг жиловини бурғач, Сақенну Сақлоб вилоятларининг жиловини қўлга олишга шошилди. Ос ва Рус томон юрганда у ердагиларнинг юзлари кўрқувдан қахрабодек саргайиб кетди. Йўли Чаркасу Гуржа сари тушганда, барча гуржию чаркас бунинг қулига айланди. Шимол халқини ўз эҳсонига гарқ қилиб бўлгач, Шарқни олиш учун ҳаракат бошлади. Фархор мамлакатини ўз манзилига айлантиргач, у гулистондаги ҳар

бир тиконни кесиб ташлади. Мовароуннахрни босиб ўтаркан. Искандар у ерда Самарқанддек шаҳарни тиклади. Чинил билан Яғмодан худди чаманда гарбдан шарққа эсан шамолдай ўтиб кетди. Юзин қилиб, Чин тахтига бориб ўтирганда, Хитой хоқони унинг қаршисида хизматкорлардек бел боғлаб турди. Сўнгра Ҳиндистон сари босқун ясаганида, подшоҳ Кед унга қуллук қилишдан бошқа чора тополмади. Ҳиндистон ва Хитойда бўлган бутхоналарни бузиб, тоат-ибодат қилувчиларга қомоналар қурди. У ўлкаларда кофирларнинг айб-нуқсонларини орадан кўтаргач, Жануб сафари учун от сурди. Синд, Кеч ва Мукрон томонларни босиб ўтгач, Кирмонга қараб сафар қилди. Хуросоннинг ҳаётбахш хавоси ёқиб қолгач, у ерда Ҳирот шаҳрини бунёд этди. Сипоҳон (Исфиҳон) сари даштларни босиб ўтаркан. Рай деган шаҳарни бино айлади.

Оламдаги бутун малакатларни фатҳ этиб, хотири жам бўлгач, яна ўз Ватани Румга қараб равона бўлди. Бирмунча вақт май базмлари тузиб, айш-ишрат қилса ҳам, кўнгли ором топмади. Яна бошқатдан оламни сайр этишга бел боғлаб, мамлакатларда хайрли ишлар бунёд этди.

Искандарнинг гаройиб ишлари ҳаддан зиёда кўп. Масалан, яъжужлар қаршисига девор ўрнатди, дунёнинг ҳамма ерларини қадам-бақадам ўлчаб чиқди, дунёнинггина эмас, тўққиз қабат осмонни ҳам у ҳисоблаб чиқди. Йўлларнинг узунлигини ўлчатиб, мамлакатлараро «йиғоч» (ёғоч) ўлчовини белгилаб, ҳар бир йўлнинг неча йиғочлигини аниқлади. Танобчиларнинг қулочлаб ўлчашига қараганда бир йиғоч ўн икки минг қари (метр) бўлар экан. Унинг ташаббуси билан ҳар бир «йиғоч» йўлга маълум белги қўйилди. Ҳар бир бекат — манзилда қарвонсаройлар қурдирди, у ерларда мусофирлар ҳузур қилиб дам оладиган бўлдилар. Жадаллик билан ободончиликни йўлга қўйгач, наҳанг сингари, денгиз саёҳатини оруз қилиб қолди. Беҳисоб кемаларни сув устига суриб, уларнинг ичига қанчадан-қанча керакли асбоб-ускуналарни солиб, неча йиллаб сув ичида кезиб юрди. Гоҳо оролларда мақом тутди. Таиғрининг эҳсону марҳамати билан, очик денгиздаги оролларда мавжуд шаҳарларнинг ҳаммасини ҳам фатҳ этди, бирини олиб бўлгач, иккинчисига қараб илгарилар эди. Сув ичида ҳам бунинг олмаган ери қолмади-ю, бари бир бу ишлар билан у қаноатланмади. Ниҳоят сув мавжи сингари тишиб-тинчимасдан, денгизнинг ўртасига қараб йўл олди. Муҳит денгизининг қоқ ўртасига бориб етганда осмон худди сув устидаги кенг чодирга ўхшар эди. Сўнгра Искандарда сув тубида нималар борлигини



и ёриш ва билиш орзуси туғилди. Олимлар тез орада шишадан бир идиш ясадилар. Искандар қийинчилик ва хавфхатар билан шишага кирди. Унинг оғзини мўм ва пўкаклар билан маҳкам беркитилди. Денгизга тушши олдидан бир неча миш қари (метр) чийратма арқонни тайёрлаб олиб келинган эди. Шу арқоннинг бир учини шишага боғлаб, қолган бир учини одамлар қўлига тутқазилди. Шу хилда шишани денгиз тубига чўктирилди ва денгиз суви уни ўз қаърига тортиб кетди. Шундай қилиб, денгиз тагида номаълум бўлиши бутун гаройиботлар Искандарга бошдан-оёқ намоён бўлди. Шундан кейин яна кемага чиқиб олди. (Лекин юқоридаги гапда бир оз ихтилоф бор бўлиб, буни ўз ерида айтиб ўтишга узрлиман.) Ва яна тагин соҳил томон ҳаракат қилди. Денгиздан чиққач, оби ҳаёт томонга қараб йўл юрди. Дунёнинг қоронғулик жойларидан ёруғлик ахтарди-ю, аммо уни (оби ҳаётни) тополмай, лаби қақраган ҳолда қайтди. Қуруқликда унинг раҳбари Хизр бўлган бўлса, денгиз ичида Илёс унга мададкор бўлди.

Искандар шундай ишларни қилдики, ҳеч ким бундай қилган эмас, бундай ишлар қилингани ҳақида бирон жойда айтилган ва ёзилган ҳам эмас. Тангридан валийлик мартабасини илтимос қилган эди, шу риёзатлари билан валийлик у ёқда турсин, ҳатто пайгамбарлик даражасигача етди. Унга жуда кўп давлатлар муяссар бўлди ва яна қанчадан-қанча мамлакатларни қўлга киритди. Агар бирон кимса бунинг қилган ишларини қаламга оламан деса, «Шоҳнома»дек бир дoston ёзиши керак. Лекин унинг барча ишларининг тасвири бу дафтарга сизмайди. Ҳар ҳолда, зарурат юзасидан унинг қиссасини қисқагина тасвирлаб ўтдим. Гўё ҳар бир байтга унинг бир дафтариини сиздирдим ва ҳар бир уйга бир мамлакатни беркитдим.

Ҳаммаси шу эди, адо қилдим, лекин энди худо мадад берса, дostonнинг умумий ишига қўл уриб, уни назмга солайин. Асли тафсилоти тубандагичадир:

Дostonдан бир бўлаги шоҳаншоҳ Доро иши бўлиб, дунёда бундай иш бўлганини ҳеч ким эслай олмайди. Аслини олганда, у пайтда Рум аҳли шоҳ Файлақуснинг қўл остида эди-ю, аммо у чоғда Доро жаҳон шоҳи бўлиб, унга ҳамма шоҳлар бўйинсунар эдилар. Доро жаҳонгир Каёнийларнинг авлоди бўлиб, бутун сулоласи билан дунё тахтига эгаллик қилиб келар эди. Доронинг ишларида Дуҳраснинг тартиблари, қўшинида Гуштаснинг қонулари ҳукмрон бўлган. Каёнийларнинг қўнгини ютуқларидан Доро баҳраманд эди. Баҳманнинг мамлакати ҳам унга мерос бўлиб теккан, жаҳон подшоҳи сифатида у шоҳ нас-

лидан ва ўзидан аввал ўтган Кайхиераву Кайкубод авлодидандир. Доро жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг ягона мустақил подшоеси бўлиб, бутун шоҳлар ўз тоғу тахтларининг ихтиёрини асосан унга тонширганлар. Мамлакатларда бўлмиш ҳар бир тахту тоғи эгаси унга маълум миқдорда совға тортиқ қилар ва ё хирож тўлар эди. Ушундай шоҳлардан бири Файлакус бўлиб, у доим ҳеч қандай межаросиз Дорога хирож бериб турар эди. Кимнинг қанча хирож тўлаши аниқ ва муқаррар бўлиб, Румнинг бир йилда берадигани минг олтин (соққа) тухум эди.

Файлакус бу дунёдан ўтгач, Искандар унинг ўрнига ўлтирди, мамлакатда нимаки бўлса, юқорида шарҳ этганимдек, ҳаммаси унинг ихтиёрига ўтди. Шунингдек, подшоҳликнинг биринчи йилиёқ, Зангибор (Хабашистон) шоҳи билан уруш қилди. Бу пайтда унинг тиги чақнидан чиққан шуъладан занжиёлар куйиб, худди кўмирдек қорайиб кетдилар. Уларнинг аскарларидан кўпининг қони тўкилган эди, селидан занжиёлар юзи қора доғлар ҳосил қилди, бу қонлардан ерлар лоззордек бўялди. Икки-уч йил ичида бахтиёр шоҳ бу каби урушлардан бир қанчасида ўзини синади. Унинг бу фурсатда қўлга киритган ер-сувлари Рум мамлакатига нисбатан икки-уч марта кўн эди. Қўшинларини душманга қарши шундай жанговар ҳолатга келтирган эдики, улар ёвга худди қулонга ташланган эркак шердай ҳужум қилар эдилар. Шукух ва шавкати интиҳосиз денгизлардан ошди, байроғи эса осмони фалака кўтарилди. Тиғидан чиққан чақни жаҳонни куйдирар, юзнинг машъали оламни ёритар эди. Унинг хаёлини жаҳонгирлик фикридан ўзга ҳеч нарса банд этмас, дунёни ўзига кенглик қилади, деб билмас ва жаҳондаги шоҳларни ўзига тенг кўрмас эди. Отаси вафотидан уч йилгина ўтар-ўтмас, унинг қилган ишлари отасиникидан ўн баробар ошиб кетди. Бу уч йил ичида ўзининг Дорога мутеълиги, қилган иши юзасидан унга ҳисоб бериши ва хирож тўлаши лозимлиги Искандарнинг кўнглидан ҳам ўтмаган ва хаёлига хавф ҳам солмаган эди. Агар биров азалдан баланд мартабали бўлса, унинг ҳиммати ҳам ўзига яраша олий бўлар экан. Мана энди Доро унга душман бўлади. Ваҳоланки, Искандар у билан муросою мадора қилиш лозимлигини ёдига ҳам келтирмаган ва ёхуд Доронинг мамлақати ва салтанати буюклигига қараб иш тутмаган. Дарҳақиқат, икки эркак шер урушадиган бўлса, қарисига қараганда ёшроғи шижоатли бўлганидек, жанг пайтида душманнинг ҳунари кўплигини

ким ўйлаб ўтиради. Икки аждар бир-бири билан олишиб қолса, у ерда хазина кўн-камлигининг булар учун тафовути борми? Денгизда ҳаддан ташқари катта балиқ бўлгани билан, унинг зарар етқизишидан наҳанг хавфсирмайди-ку, Искандарга фалак мададкор бўлгани туфайли, у доим шод-бенарво эди.

Ниҳоят, Доро қошидан элчи келиб, унинг остонасига қадам ранжида қилиб, хизматкорлардан ичкари киришга рухсат сўради. Шаҳриёр — Искандар унинг ўз хузурига киритилишига ижозат берди. Элчи шоҳни кўриши биланоқ таъзим бажо келтирди. Кейин дуо билан сўз бошлаб, унга муносиб тилакларни изҳор этгач, жаҳондор элчига ўтиришни буюрди. Шундан сўнг у кўзини ерга тикиб, индамай қолди. Искандар ҳол-аҳвол сўрамаса элчида сўзлашга журъат ҳам йўқ эди. Искандарнинг салобати уни лол, лолгина эмас, қарахт ва беҳол қилиб қўйган эди. Доно шоҳ унинг бу ҳолини кўраркан, ўзининг шавкат ва салобати уни довдиратиб қўйганини фаҳмлаб, унга кўз солмай, ўз одамлари билан сўзлашиб турди. Ниҳоят, элчи ўзини босиб олгач, шоҳ унга шоҳона нигоҳ айлаб, тубандагича савол берди:

— Даври даврон суриб юрган шоҳ Доро хушвақтми? Мамлакатни бошқариш ишларидан хурсандми?

Элчи сажда қилгач, ўрнидан туриб жавоб берди. Искандар яна амирона хитоб айлади:

— Бу келишдан муродингни айт, Доро нима деган бўлса, ўша хабардан сўйла!

Йўл юриб келган элчи яна ер ўпиб айдик:

— Эй шаҳаншоҳи олий мақом. Унчалик маъқул гаплар билан келмаган бўлсам ҳам, айт деганинг учун фармонингни бажармай иложим йўқ. Сендан илгарироқ ўтган ва Рум мамлакатини келишдек безатиб юборган шоҳ Файлакус Дорога ҳар йили гарб олтинида ясалган мишга соққа — тухум юбориб туриш мажбуриятини олган эди. Мана, ҳозир уч йилдирки, мурод-мақсадига етган отанг жаннатда ором олиб ётибди-ю, аммо дўстликнинг ривожига сабабчи бўладиган уч йиллик хирож эса шу пайтгача Доронинг қирим-чиқим дафтарига кирмаган ва тушиши лозим бўлган хазинага бориб тушмаган. Менинг келишимдан мурод шуки, иложи бўлса, олий мартабали шоҳ, лутф айлаб, шу хирожни ҳисоб-китоб қилиб берсалар, олиб кетсам, ё бўлмаса, нима десалар, жавобини элтсам!

Бу гап Искандарга қаттиқ ботди, газабининг захридан оғзигача ачиди. Юзи ўтдек қизариб, худди жаҳонга\*олов сочиб куйдиргудек бир ҳолга келди. Лекин бир лаҳза бо-

шини қўйи солиб, ўйлаб, ҳалиги ўтга ақл ва ҳикмат сувини севиб ўчирди. Баркамол ақлнинг кучи билан ўзини ниҳоятда оғирликка олиб, юрагига газаб тўдаси солган аччиқ фикрларни рад қилади. Сўнгра бошини кўтариб, оғзини сўзга очаркан, худди жавахир сочгандек, элчига тубандигича жавоб берди:

— Дорога мендан салом айтинг, саломдан сўнг, мана бу хабарни билдирингки, шоҳлик абадий эмас, унинг охири йўқликдан бошқа нарса эмас. Бугун-эрталик умр учун машаққат чекиб, хазина устига хазина йиққани билан у ҳадсиз-ҳисобсиз хазиналар унга бениҳоя гам-қулфат етқизади, холос. Шу кунгача йиққан хазиналаридан аввал фойда топсин, фойда топган тақдирдагина яна йиғишни давом этдирсин-да. Бир ишнинг зарари фойдасидан кўп бўлса, уни яна давом эттириш ақлли одамнинг иши эмаску. Зеро, хирож олишдан унга фойда бўлмагани каби, ундан бизга алам етади: илтимос шуки, ўзига ҳам, бизга ҳам зарар етадиган ишни қилмасин. Биздан тухум сўраб, ўзини ортиқча машаққатга солмасин. Чунки тухум берадиган қуш аллақачон учиб кетган. Агар кўнглига шу насиҳатимиз қор қилса, биз учун ҳам дўстликни бузишнинг фойдаси йўқ. Агар пандимиз кўнглига оғир ботса, унинг сўзи ҳам биз учун аҳамиятсиз. Бошидан бу беҳуда савдони чиқазиб ташласин, хаёлидан хирож ҳақидаги таманнога ўрин бермасин. Билимдон ва ҳушёр кишилар учун ўзининг қаршисидан турган кимсанинг қандай одамлигини билимоқ улуг ишдир. Шу пайтгача у кучсизлар билан урушиб келди, мендайларга эса ҳали иши тушган эмас. Унга ҳар йили хирож бериб турадиган бечораларга бирорта эски тож сотганми? Тож ва тахт соҳибларидан хирож талаб қилмайдилар. Денгиз ичидаги даҳшатли паҳанг сувда юз минглаб дурри пок борлигини билса ҳам парвои фалакдир. Улардан хирож талаб қилмоқ, «сувда гавҳар кўи», деб бож олишга уринмоқ қандай бўлуркин? Бундай орзу ва таманнога берилган кўнглина хомтамалар ўзларини балиқларга оғ қилдилар. Ақл билан иш кўриш — хурсандлик келтирган каби, ноўрин тамағирлик ақлсизликдан ўзга нарса эмас. Бундай ўринсиз даъволар билан орамизга хусумат солмасин. Мол-давлати ва салтанати қанчалик зўр бўлгани билан иш можарога айлангудек бўлса, улар асқотади, деб гумон қилмасин ва ер кўтара олмайдиган лашкари билан мағрурланмасинки, меннинг тиним олдида улар мадад бера олмайдилар. Унинг аскарлари кўпу меники озроқ бўлгани билан озга ҳам, кўнга ҳам зафар берувчи оллоҳнинг ўзидир. Ҳар кимга

бахту давлат ёр ва дастгир бўлиши керак. аке ҳолда, кўп сонлик аскардан наф йўқ.

Сўзамол шоҳ гапни тугатгунча, унинг шукуҳ ва салобати эшитгувчини сел қилиб, бўйнаштириб юборди. Бечора элчи нима дейишини билмай, ўридан туриб, пндамай чиқиб кетди, у на тирик ва на ўлик эди. У шу кетганича гоят жадаллик билан бориб, бу хабарни шоҳ Дорога етказди. Доро Исқандарнинг жавобини бошдан-оёқ эшитгач, туси ўзгариб, шундай деди:

— Қимки шу каби афсоналарни гапирадиган бўлса, мен уни девоиа деб тасаввур қиламан. Ёки бу сўзларни айтган чоғида у ўзини билмайдиган даражада маст эканми? Ёхуд ҳали эс-ҳуши кирмаган ёш бола эканмикини, сўзларида ақлнинг раҳнамолиғи йўқ?

Доро юқоридаги каби саволларни бергач, буни эшитган элчи аҳволни шундай шарҳлади:

— Уни на телба ва на маст деб фаҳмладим, менимча у гафлатнараст ҳам, гўдак ҳам эмас. Балки бағоят ақлли ва ҳушёр одам бўлгани каби, сўзлари мазмундор ва ўзи олийжаноб зот кўринди. Шунингдек, у илму ҳикмат ишини қўллайдиган, забардаст ва шерсифат одам экан, Исқандарнинг сифатларини баён қилиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ, албатта. Ҳамма гап унинг ўз сўзларидан билиниб турибди. У шундай шавкат ва салобат эгаси эканки, унинг ҳузурнда бирон одам бир огиз сўз дейишга журъат этолмайди. Қанчаки ҳар томонлама ўйлаб қарасам ҳам унинг фикрлари менга бемаъни туюлмади.

Бу сўзлар Дорони шундай хафа қилиб юбордики, гўё ажал тиги олдида чорасиз бўлиб қолди. Унинг газаб ўти шундай алаңгаланиб кетган эдики, гўё осмон ичида қиёмат-қоим бошлангандек кўринарди. Шу ўт бутун атрофга, атрофгагина эмас, бутун коинотга қўзғолоп солиб юборгандек бўлди. У шу онда фармон бериб, элчининг оёқ-қўлини боғлатиб, қора зиндонга ташлатди ва деди:

— У гўдак менинг қулбаччам, отим жиловини ушлаб юрувчи мулозимим, ота-боболари менинг хонадонимнинг қули, авлод-аждодлари аждодларимнинг хизматкори бўлгандирлар. Ақли улгаяр, ўзи ҳам киши сонига кириб қолар, деб унинг сўзларини сўз ҳисобига қўшиб юрсам, у менинг гапларимга шундай жавоб қайтарибдики, гўё ўзини бир улуг денгиз фаҳмлаган ҳолда, мени дарёчалик ҳам назар-нисанд қилмабди. Бундай беандиша муомила қилишда мендан кўрқмабди ва элдап уялмабди. Бу сифат унинг гоятда ярамас одам эканлигидан далолат беради. Тезда уни йўқ қилиши режаларини тузишим, унга ўзининг

ким эканлигини кўрсатиб қўйишим лозим бўлиб қолди. Мен унга шундай таъзир берайки, уни эслаганда ҳар қандай бадширдор одамнинг кўзи очилиб кетадиган бўлсин.

Шундан сўнг дарҳол тили бурро, ниҳоятда дадиллик билан гапириб, ўз сўзини ўтқаза биладиган бир нотинчлик чақириб, унга ўткир қиличдек, қиличдеккина эмас, ўтир олмосдек сўзларни айтди. Бундан ташқари унинг қўлига чавгон билан гўй (учи эгри узун таёқ ва ёғочдан ясалган тўп) бериб, буларни нима учун бераётганини тушуйтирди. Яна бир идиш тўла қувжут бериб, бу билан нима демоқчи эканлигини ҳам айтди. Шундай топшириқлар билан уни жўнатди-да, жавобига илҳақ бўлиб ўтирди.

У элчи йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Румга етди-ю, аммо унинг қизил тили бошига офат келтирди.

Сарой хизматкорлари Искандарга Доро ҳузуридан яна элчи келганини изҳор қилдилар. Шоҳнинг амри билан элчини олиб кирдилар, элчини эмас, гўё қора ерни осмон гумбази ихтиёрига топширдилар. Искандарга элчининг кўзи тушиши билан айғмоқчи бўлган сўзлари эсидан чиқиб қолди. Унинг шукуҳи элчининг жисмидан тоботоқатни олиб, улугворлиги кўнглига изтироб солиб юборди. Ер ўшиб, унинг ҳақиға дуо қилиш билан, элчилик расм-русумини адо этди.

Шоҳ дедикки:

— Қанақа сўзинг бўлса арз қил, хаёлингга нима келса, тортинмай гапиравер.

Махфий сўз кўтариб келган элчи сажда қилгач, шундай деди:

— Жонингга тангридан минг-миг дуо бўлсин. Сенинг хузурингда оғиз очишга менда мажол йўқ, лекин Доронинг сўзларини менга айт, десаиғ айтаман, у нима деган бўлса, шунини арз қиламан, холос. Йўқ десаиғ, қаёндан келган бўлсам, ўша ёққа кетаман.

Искандарнинг хаёлига: «Балки бирон муҳим гап келтиргандир», — деган фикр келиб, эшитаяғини билдирди. Элчи сўзга лаб оқди:

— Ўз адолати билан дунёдаги барча мамлакатларни обод этувчи жаҳон шоҳи Доро сенга салом айтиб дедикки, хирож деган нарса қадимий расм-русумлардан бўлиб, бизнинг уни олишга аҳтиёжимиз йўқдир. Лекин ўзимизга муте бўлган шоҳларга ҳар қандай ҳукм қилсак, бўйинсунишга мажбур бўлганликлари туфайли хирож бериш бизнинг қудратимизга тан бермоқ ва ҳукмимизга итоат қилмоқ белгисидир. Отанг ҳаётлигида бу хизматни сабот билан адо этиб келди. Сен унинг ўрнига ўтирганингдан

сўнг, у нима қилган бўлса шунини қилишининг зарур эди. Сен бизга итоат йўлини тутиб банд бўлмадинг, отанг қилган ишни давом эттирмадинг. Икки уч йил ўтса ҳам хирожини юбормадинг, лоақал бунинг сабаби ҳақидаги узрли гапларни айтиб бирон кишининг жўнатмадинг. Иш шу даражага бориб, чегарадан чиққандан сўнг хирожини олиб келиш учун одам юборсак, ҳақдингдан ошиб, шундай сўзларни айтибсанки, ўзини билган одам бундай сўзларни айтмайди. Нима бўлса ҳам ҳали ёшсан-да, бош тошга тегмаган-да. Шу муомиланинг эшитиб тентаклик бошланибди, дедик. Сенда жаҳолат кўн экану ақл оз экан. Сенинг ишларингнинг тадбир билан ислоҳ қилиб тузатиб бўлармикми? Ҳар ҳолда гўдаксан, бинобарин, бу айбларингнинг кечирамиз. Энди кам-кўстларингнинг бутлаб, қанча қарзинг бўлса, ҳаммасини жамлаб, тортимай бизнинг ҳузуримизга келиб, баланд остонамизни ўпгайсан. Шунда юзингдан хижолатинг ҳам арийди. Биздан беҳисоб лутф-иноятлар ҳам кўрасан. Агар ваҳима қилиб, изтиробга тушсанг ёки шу амримиздан бўйин товласанг ёхуд жаҳлу гуруринг тугён қилиб, бу сўзларимизни рад этишни зарур деб топсанг, бу, энди подонлигининг белгиси, ҳали ёш эканлигининг нишонасидан бошқа нарса эмас. Шу бопедан сенга муносиб нарса юбордим, номуносиб деб уни олишдан бўйин товлама! (Нотиқ шундай дея учи эгри узун таёқчавгон билан ёғочдан ясалган тўпини-гўйини ўртага қўйди ва яна сўзида давом этди). Модомики ҳали гўдаклигининг димоғингдан кетмаган экан, сенинг муносибининг чавгон билан тўп ўйнамоқдир. Мана шу ҳам сен учун каттакоп ишдир, аммо мамлакатни идора қилиш эса ўзгача ишдир. Агар кўнглингдаги зиддиятларга чек қўйиб, ожизлигининг очиндан-очиқ эътироф қилмасанг-у, низо чиқазиш учун қатъий бел боғлаган бўлсанг, (сенинг ундай андешага боришга ҳақнинг йўқ) жаҳлдан туш, ўз жонингга раҳмининг келсин, меннинг аскарларимнинг сон-саногини мана шу кунжутча бил, — деб элчи иргиб ўрнидан туриб, беҳисоб кунжут тўла катта идишни ўртага келтириб, оғзидан қопқогини олиб, налос устига ағдарди.

— Шоҳ Дородан ҳар ким қўрқмайдиган бўлса, унинг аскарларини мана шу кунжутга қараб қиёс қилсин, — дея сўзамол, ботир элчи ўз сўзини тугатди ва жавоб кутиб, кўзини ерга тикди.

Искандар элчининг шу хил сўзларини эшитаркан, ичидан кулиб ўтирар эди. Элчи ўз сўзини шу хилда жиддият билан тугатгач, Искандар аста, вазминлик билан гап бошлади:

— Давронининг шохи бўлмиш ноқзод Доро жуда ҳам

ўз сўзларига зеб бериб юборибди. У киши чиройли сўзга берилиб кетиб, галати гапларни айтиб юборибди. Масалан, шоҳларни бандам деб, улуғ мартабали кишиларни хизматкорим, деб хитоб қилибди. Бир қанча кишиларни оллоҳ ўз дутф марҳамати билан халқлар тенасига шоҳ қилиб қўйибди. Бундай кишиларни «бандам» деб хитоб қилмоқ одам учун нораво-ку. Таомил бўйинча улар ҳаққагина ибодат ва қуллуқ қиладилар, бинобарин, «бандам» дейиш таңгрига ярашади. Дарёдил шоҳнинг бундай сўз айтиши, шак-шубҳасиз, бошдан-оёқ хатодир. Бу таңгрига «шерикчилик» даъво қилмоқ билан барабар. Доро бу фикри билан кофирлик йўлига кирибдир. Шунингдек, мени маст, гўдак ва бошдан-оёқ телбалик кишанига боғланган, дебдир. Ҳар кимки бу уч иш билан тухмат қилса, куфр ва гуноҳ байроғини кўтарган бўлади. Ваҳоланки, икки ҳимматли шоҳ мамлакат талашиб, можаро бошласалар, фараз қилайлик, унинг бири катта-ю, бири кичик бўлса, улуғи тушунчали одам бўлса, кичигига қараб: «Мен каттаман!» — демаса керак? Қўтон катта қушлардан ҳисобланади, лекин унинг сунгур (шунқор) олдида не жони бор? Яна бири буким, шоҳ менга эҳсон қилиб, гўй билан чавгон юборибдир. Бунда ҳам бир махфий ва рамзий маъно бор. Масалан, олимлар изланишлар натижасида ер юзини гўйдек думалоқ эканини аниқлаганлар. Шоҳнинг ер юзига ўхшаган думалоқ коптокни менга тақдим этиши эса таңгрининг менга оламини беришидир. Доронинг бу чавгонни менинг қўлимга тутқазиши — ўз майдонини менга топширганидир. Мени бу чавгондан баҳраманд қилиши эса, Доронинг мамлакат майдонида чикиб кетиши демакдир. Энди мен от чонтириб, майдоннинг ҳар тарафига гўй ургайман. Менга Дородан кўн хушхабарлар етди, мен у бахтиёр шоҳдан бениҳоя миннатдор бўлдим. Энди, унинг томонида юборилган мана бу кунжутнинг рамзини ҳам баён айлай. У кунжутларни аскарларининг кўпчилигига ўхшатмоқчи бўлган. Йўқ, мен бунга ҳам бошқа маъно берман. Яъни, менинг аскарларим қўн бўлиб, гўё бу кунжутлар у қушларим учун овқатдир. Исқандар бир қанча товук келтиришни буюрди. Товуқлар у дониарни шундай териб едиларки, чумолиларнинг таниб кетиши учун бир дона ҳам қолмади.

Бу фикр-мулоҳазалар ҳалиги сўзамол элчини лол этди. лолгина эмас, хижолатга солиб, ер билан битта қилди. Шундан сўнг ҳикматпараст шоҳ элчига қараб:

— Энди Доро сари равон бўл, эшитган жавобларингни унга еткур, майдан ниманики сўраган ва қандай жавоб



олган бўлсанг, ҳаммасини унга ҳам айтиб бер.— деди.

Элчи Искандар сўзининг аламига чидамаган ҳолда, оёғи билан келган бўлса, гўё боши билан чиқиб кетди. У бориб, Дорога кўрган-билганларининг ҳаммасини изҳор қиларкан, шоҳнинг адоват ўти кўкларгача кўтарилди. Фитна қўшинига аҳли замон оёқ остию омонлик йўқлик кўчасига кириб гумдон бўлди.

Эй, соқий! Май келтир. Шундай ичайки, маст бўлиб, худди шердай ўкирай. Ва душман сари худди маст шердай ҳамма қилиб, ҳаммасига бир дамда шикаст етказай.

Эй созандаю хонанда! Соз чалиб, жанг ҳангомасини тараннум эт. Аншулангда эса «Шоҳнома» оҳангини куйла. Зеро, икки шоҳ кия-адоват оҳангини бошладилар. Сенинг нақмаларинг садоси билан лашкарлар шижоати янада ошган.

Эй Навоий! Жаҳонда уруш ғаввоси қўзғалди. Фитна қўшини осойишталикни супуриб ташлади. Агар сен бу мовародан омон қолай десанг, бир нафас ҳам машғулотидан тўхтама. Замон аҳлига минг хил балолар келса ҳам, май кайфияга қонган кимса ҳеч нарсани сезмайди.

## XXIV

*Муғлафат — келишмовчилик каломининг сўз ўйини «мул» ҳасаб билан «улфат» тутинади, «мухл» (андиша)га «офат» етади, акси қилинса одамларни садоқатга, тарк қилинса саодатга етказди. Халқ келишмовчилиги хонумонни, подшоҳлар келишмовчилиги жаҳонни хароб қилади*

Жаҳон аҳлида вафо йўқ, эй дўстим! Улар муҳаббатдан жудо бўлган, эй дўстим! Одамларнинг қилмишлари адоват бўлиб қолди, гина-адоватлари ҳануз тугамайди. Жаҳонда неча хил миллат бўлса, ҳаммасининг ҳам табиати гина қилмоққа мойил. Бундай ўйлаб қарасанг, ҳатто ҳамкасблар ўртасида ҳам бир-бирига аҳд одамларни тополмайсан. Бир ерда ишласалар-да, бир-бирларини рақжитадилар. Агар бир ишда бир одам маҳорат кўрсатса, яна бошқа кимса ҳам шу ишга моҳир бўлса, бу икки касбдош ўртасида жанжал кўтарилиб, бири иккинчисига лоф урганча, «сен эмас мен» дейди. Таассуфки, икки ўртада низо чиқади. Туну кун жанжаллашиб, бири иккинчисини йўқ қилишни истайди. Гўё бунинг бири тупроққа кўмилса, иккинчисига ер кенгайди. Ким биров билан касбдош бўлса, шу тарзда душманлик келиб чиқади. Бу ёлғиз санъат аҳ-

ли орасида бўлибгина қолмай, кўпроқ давлат аҳли ўртасида ҳам содир бўлади.

Агар бир шоҳнинг юз минг кишиси бўлса-ю, буларнинг ҳаммаси ҳам бир тоифага, яъни ноибликка мансуб бўлса, ҳаммаси ҳам шоҳга яқин бўлишни истайди. Амирлик мансабида бўлган кишилар эса ноибликка эришарманман, деб изтироб чекадилар. Амаллари туманбоши бўлган шахслар амирлик мартабаси учун курашадилар. Кимки қўшбегилик мансабида бўлса, туман бошлиғи бўлишни орзу қилади. Юқоридан энг паст мартабагача мана шу асосда бир-бирларидан ўзиш учун курашадилар. Қайси табақадаки бир гуруҳ одам бўлса, уларнинг ҳаммаси ўзидан юқоридагилар сафига ўтишга интилади. Буларнинг ҳар бири бошқасидан олдин ўтишга, юқори-роқ мартабага эришишга ҳаракат қилади. Пастдагилар юқоридагиларга таассуф қилиб эргашишни натижасида орада кин ва низо келиб чиқади. Кишилар қанчаки шоҳга яқинроқ бўлса, уларнинг адовати янада кўпроқ бўлади. Паст табақадаги одамларнинг жаҳли қанча қаттиқ кўзгалса ҳам, лекин хусуматлари енгил ўтади.

Хусуматнинг зиёни шунчалик кўп ва ёмонки, бу зиён хусуматчининг ўзига ҳам теккани каби ўзи кабилардан яна ўнгасига ҳам тегади, деб фараз қилавер. Булар ичида ўрта табақадагиларнинг низолари ашаддироқ бўлиб, буларнинг ноаҳиллигидан жуда кўп зарарлар юзага келади. Бу адоватлар натижасида кўп одамлар азобга қоладилар, кўпгина қадим хонадонлар бузилади. Биринчи ариқ тошиш даражасига борса, иккинчиси ёмғир селининг оқидилари билан тўлиб қолади. Лекин бу можаро олий мартабали султонлар ўртасига тушса борми — буни гўё жаҳон ичига тушган тўфон деявер, зеро, бундан жаҳон аҳли вайрон бўлур. Уруш, бу — довулгина эмас, бало денгизининг чайқалмоғи, жаҳон аҳлининг сув остида қолмоғи демакдир. Бу пайтда ҳатто дашт ва тоғ устида бўлган қавмлар ҳам қилич денгизининг сувига гарқ бўладилар, жаҳондаги мамлакатлардан осойишталик йўқолади, бу мамлакат халқлари тишчилик-омонликдан маҳрум бўлиб қоладилар. Уруш, бу — бало селининг мавжланмоғи демакдир. Бу фитна мавжлари халқни ўз офатига чўмилтиради. Уруш, бу — довул! Довулгина эмас, ғам ва андухнинг селидир. Ундаи бутун дунё халқларига кулфат ва алам етади.

Икки шоҳ уруш ва адоватга бел боғласа, жаҳон аҳли икки қўшинга бўлиниб, бир-бирига қарши ўтқир тиг кўтариб, бир-бирини шу тиг билан ҳалок қилишга ки-

ришадилар. Мисол учун, ота бир тарафда бўлса-ю, иккинчи тарафда унинг ўғли бўлса, иккиси ҳам душманлик ўтидан газабланиб, у газаб ўти буларни қон ичишга ташна қилиб, отаси ўз ўғлини ҳалок этини учун жон берганидек, ўғли ҳам ўз отасига душманлик тигини санчади. Бу жанг пайтида қариндош ўз қариндошига дуч келса, ўша онда бир-бирларининг бошини кесинга шошиладилар. Уруш кунлари ошнолар бегопалашади. Бир хонадонда яшаган одамлардан ҳамхоналик йўқолади. Урушда бир зот ораси шу каби бузилса, икки ёт ораси қандай бўлажанини бир тасаввур қилинг. Урушнинг аччиқ шамоли шу хилда эсиб, тўс-тўполонидан осмонни тўзонга буркаб, халойиқ кўзини фитна гарди қоплаб олгач, бечора халқ ур-йиқит орасида ўзини йўқотиб қўяди. Уруш балоси халқ бошига қирғинлик, ватангадолик каби кулфатларини солади. Агар икки шоҳ ўртасида уруш бошланмаса ҳам, лекин доим ноаҳилчилик муросасизлик бўлаверса, халқ бошига юқорида тасвирлаганимиздек кўнгилсизликлар тушиб, халойиқ бу кўргиликлар остида топталаверади. Агар халқ жонига раҳм қилмай, икки шоҳ жанг майдонига қараб юриш қилсалар, зафар бирининг қўлини баланд қилиб, иккинчи томон шикастланиб — енгилса ҳам, у кунни офат куни, офат куни эмас, қиёмат куни деяверинг.

Муродига етган иккита олийжаноб кишининг бир-бири билан дўстлик ва тотувлиги қандай яхши! У нима қилса, буниси ҳам унга ёр бўлса, яъни униси бунисига ҳурмат изҳор этса ва меҳрибончилик кўрсатса, унинг тилаги бунинг орзусига мос келса, бунинг рад этган нарсасини иккинчиси ҳам рад этса!

Ҳар қалай икки дарвешнинг дўстлиги — бир-бирига душман бўлган икки шоҳдан афзалдир.

## XXV

*Икки жаҳондор келишмовчилигидан жаҳон аҳли хирмонига бало чақини тушгани ва икки дўст иттифоқлигидан у ёнган ўтга раҳмат ёмғири ёғиб, уруш алангасини сўндиргани*

Эшитишимча, Чингиз ва Хоразмшоҳ бир-бирлари билан душманлик урушини бошлаган эканлар. Қудратлари етганча жаҳонни буздилар. Бу ҳаммага маълум ва машҳур бўлгани учун, шарҳини ёзиб ўтирмайман. Бу жангда Чингиз зафар қозониб, Хоразм ўлкасини остин-устин

қилиб ташлади. Қайси шаҳарни қўлига киритган бўлса, у ердаги одамларнинг ҳаммасини бераҳмлиқ билан тигдан ўтказди. У зуам денгизини мавжлантириб, қаҳру газабини авяга чиқазди.

Ато ўғлига йиғлабон: «ҳой-ҳой!»

Қизига ано тортибон: «вой-вой!»...

Қисқаси, ўлим кишиларнинг ҳаёт уйига киришларига тўсқинлик қилар, ажал эса омонлик йўлини бекитиб ташлаган эди. Шом мамлакатида бўлса керак, шундай бир воқеа юз бердики, дўстлик фазилатига эга бўлмиш икки ўртоқ тасодифан бировга банди бўлиб, биров эмас, кофир қўлига асир тушиб қолдилар. Икковининг кўзларидан ёш ўрнига қон оқар, икковлари ҳам жонларидан умидларини узган эдилар. Зеро, зolim буларнинг ҳар иккисини қатл этмоқчи эди. Лекин бири иккинчисидан аввалроқ қурбон бўлишни истар эди. Мақсад — жонни ўз дўстига фидо қилмоқ эди. Бир маҳал қотил тигини қипидан суғуриб, биринчисига урмоқчи бўлган эди, иккинчиси бошини яланг қилиб, ўлимдан қўрқмай: «Аввал менинг бошимга тиг сол, мени ўлдиргач, унинг бўйинини чопарсан!» — деб ёлборди. Иккинчисини ўлдирмоқчи бўлиб, унинг бошига жафо тигини кўтарган эди, аввалгиси ўлимни ҳавас қилгандек бошини очиб: «Аввал мени ўлдир!» — деб ялпа бошлади. Буларнинг ҳар бири ўз дўсти учун қайғуда эканида Чингиз уйқуда бўлиб, юқоридаги воқеа унинг тушига кирди. Шунда, воқеа гувоҳи бўлган бир киши Чингизга:

— Ушбу икки дўстдан вафо ўрганиб, халойиққа озор беришдан воз кеч! Хоразмшоҳ сенга душман бўлса, бунинг учун жаҳон халқининг нима гуноҳи бор? — деди. Икки шоҳнинг хусумати жаҳонни бузиб турганда, дарҳақиқат, бу икки дўст бир-биринга шу хилда вафо кўрсатди.

Шу аснода уйқусидан уйғонган Чингиз халойиққа ўлимдан омонлик берди.

Икки дўст билан қотил ўртасида бўлган бу можаро халқ ичида яхшилик тимсоли бўлиб қолди.

Бу хабар кофирнинг қулогига етиб, кўнгли юмшади-да, озор беришдан қўл силкиб, икки дўстнинг оёқ-қўлини ечиб, уларни озод қилди.

Икки шоҳнинг бир-бирларига қилган адоватидан жаҳон аҳли бошдан-оёқ хароб бўлиб турганда, икки дарвешнинг ҳиммати ва аҳиллиги ҳамда ўз ҳазин жонларини бир-

ларни бир-бирларига нисор қилишга тайёрлиги туфайли, жаҳон аҳлининг бошидан дунимонлик тили кўтарилади. Агар, киши дўстликни ҳавас қилса, унга ушбу масал мангу ўрпақ бўлиб қолмак.

## XXVI

### ҲИҚМАТ

*Пенандарнинг Арастудан саволи шу хусусдаки, ноаҳилчилик ҳамма миллат учун манъ этилган, жанжал ва низои эса ҳеч бир қуроқ эшитилган келмайди. Ноаҳилчилик са урушга қарши ҳамма ички маъбул ва фойдали бир ҳонда топилмадими? Арастунинг уш қеронгликда ёруғлик кўрсатгани са ноаҳилчиликдан қутулиши йўлини айтгани*

Яна Фаридуи ҳашаматли шох Арастудан:

— Эй, ҳиқмат аҳлига фикри қонун бўлган ҳакам! Бир иш юзасидан икки кимса ўртасида юз берган низои йўқотиш мумкинми? Низои кимки эшитса, ақл уни манъ этиш ҳақида буйруқ беради. Аммо шундай бир йўл-йўриқ бўлсаки, у қондага асосан, айни замонда низо чиқариш фойдали ёки зарар келтириши билинса!— деб сўради.

Ҳар сўзи ҳиқмат бўлган допишманд шундай жавоб берди:

— Ҳаддан ташқари нозик савол бердинг. Баъзи низоларни ақл рад этгани каби, баъзиларини маъбул ҳам кўради. Бировнинг ноҳўя бир иши бўлиб, уни қилмасликнинг иложи бўлмаса, аммо бу ишдан эл-юртга катта зарар етдиган таги қалтис жанжал чиқадиган бўлса, биров шу ишни манъ этиш имкониятига эга бўлсаю, лекин ўзини четга олса, у кечирарли эмас. Аммо шунигдек бу қайтаргани билан у кўнмаса, яъни шу ишни албатта қиламан, деб туриб олса, унинг бу ишни қилишга қаттиқ бел боғлаганлиги маълум бўлгач, янада қатъийроқ манъ қилиш лозим бўлиб қолади. Буни ҳам қаноатланиб, ишни тўхтатмаса, у найтда бу билан низо қилмоқ зарурати туғилади. Низодан фойда ҳам, зарар ҳам чиқиши мумкин. Модомики бу ишнинг жанжалсиз ҳал бўлиш имконияти йўқ экан, шундай шартга риоя қилмоқ лозим. У ҳам бўлса, душман билан олишишга ўзи қодирми-йўқми? Агар унинг устидан галаба қозонишга кўзи етса, у пайтда олишишга бел боғласа дуруст. Агар қувватини у билан баробар ҳисобласа, можаро чиқазиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Лекин унга кучи етмаслигини хис қилса, ундай вақтда васиҳат билан кифояланиб қўя қолгани яхшироқдир. У васиҳат ҳам ётиги билан бўлса дуруст. Токи эшитувчининг бундан яққли чиқадиган бўлмасин. Унинг жаҳли чиқадиган бўлса, васиҳат қилувчи учун ҳам хавф-хатар бор.

Ишнинг ҳар хил босқичларини билиш ва қила олиш мумкин бўлган шунингча қилиш лозим. Киши ҳамма ишда ақлини олига солиб, ўз мақсадига эришмоғи лозим. Агар бирорган ақли йўлбончилиқ қиладиган бўлса, бу ишларда магариб бўлмайди.

Эшитувчи ўз саволига фойдали жавоб олгач, бошқа сўзга сўз олмади.

## XXVII

*Доронинг Исқандар сўзидан парижон бўлиб, аскар йиғиши учун олам арлига гавго солиб, олам-олам лашкар тўглаб, унга қарши юриши қилгани ва Исқандар ҳам ул дарёни офат қаршисига бало селидея тўғоноқ ясаб юзлашгани ва дунёни у икки шоҳ остин-устин қилиб турганда Доронинг давлат байроғи ўзга қуюн офатидан йиқилиб, Исқандарнинг ойпарча туги қудёш байроғидан юқори кўтарилгани*

Икки шоҳ ишини ҳикоя қилувчи санъаткор сўзга шу тариқа жило беради:

Элчи Доронинг олдига бориб етгач, Исқандардан эшитган гапларини бошдан-оёқ айтиб берди. Шоҳ нималарни буюргану элчи Исқандардан нималарни эшитган бўлса, ҳаммасини баён этди. Унинг буларни айтмасдан иложи йўқ эди. Бинобарин, ҳаммасини фармонни бажарувчи сифатида арз айлади. Доро Исқандарнинг жавобларини эшитди-ю, газаб алангасидан жиемига ўт тушиб, ўртанди. Бошидан то оёғигача бутун вужуди ёниб, ўзини чақиндек қаёнга уришни билмай қолди. Гоҳ даврон билан уришгиси ва гоҳо айланувчи фалакнинг бетига тупургиси келди. Унинг газаб ва изтиробни дам-бадам ошиб, ерга ҳам, кўкка ҳам таъна ва ҳақорат ёғдирди. Бари бир, бундай гавғолар билан у ўз дардига даво тополмай, қўшин жамлаш ҳақида фармон берди; Рум, Зангибор ва Фарангдан бошқа, дунёнинг ҳамма ерига зудлик билан одамлар юборди. Лашкар денгизи шундай тўлқинланиб кетдики, унинг гала-говури осмон авжидан ҳам ошди. Ҳам Эрону Турон, ҳам Чиннинг узоқ чеккаларидан тортиб то Шарқдаги

мамлакатларгача ҳамма ўлкаларда аскарга ярарлик ҳеч ким қолмади, қолмади эмас, қололмади. Бу тарафи ер юзининг ғарбий қисмида бўлган ҳамма одамларни ҳам уруш аслаҳалари билан қуроолантириб, дунёнинг жануб ва шимол қисмларида бўлмиш одамларни ҳам битта қўймай, жаҳоннинг тўрт томонида бўлган башар авлодининг ҳаммасини йиғиб келтирди. Бутун тоғу чўллари, ғалат айтдим, бутун ер юзини аскар босиб кетди. Лашкарбошилар, амалдорлар, бераҳмлик сийёсати билан элу халқни суриб келтирдилар. Шу хилда ҳаракат қилиб, тахминан икки йил чамасида бутун қўшинни мўлжалланган жойга жамладилар. Аскарлар ер юзига сиймай кетди, ҳеч ким ҳеч қачон бунчалик лашкар тўпламаган эди. Лашкарнинг на бошу оёғи, на чеку чегараси кўринар эди. Сон-санокда улар фалак юлдузларидан, юлдузларгина эмас, биёбон қумларидан ҳам кўп эди. Белгиланган фурсатда шунча қўшин жамлангач, бундан хабардор бўлмиш шоҳ лашкаргоҳга бориб, қўшинни кўздан кечираркан, Доронинг адоват ўти янада алаңгаланиб кетиб: «Агар шу қўшин билан юриш қиладиган бўлсам, фалак ҳам менинг зарбимдан қаёнга қочишини билмай қолади», — деб мағрурланиб кетди. Бу орада ҳар тарафдан ҳамма халқларнинг шоҳлари беҳисоб тухфа ва тортиқлар билан кела бошладилар. Бўйинларида итоат тавқи мавжуд, ҳамма иқлимнинг ҳукмдорлари тўда-тўда бўлиб келишар эди. Доронинг лашкаргоҳига қурилмиш ўз чодирига келиши билан аскар ва қўмондонлар жўшиб кетдилар. Унинг чодирига баланд бир тахт ўрнатилган бўлиб, мухтарам шоҳ ўша тахтга чиқиб ўтирди. У шундай тахт эдики, юксак осмон ҳам бундай баланд мақомни кўрмаган эди. Ниҳоят, Доронинг:

«Мамлакат султонлари, ҳамма лашкарбошилар ва мамлакатларнинг кўриқчилари менинг ҳузуримга келиб, ер ўпиб, салом қилиш билан ўз ҳурматларини билдирсинлар!» — деб буюрди.

Султонлар шундай топишириқ олиб, шоҳ уларга эътибор берадиган бўлгач, уларнинг ҳаммаси келиб, узоқдан бош эгиб таъзим қилиб, ғўзларини ерга тиккани ҳолда, оёқ устида турдилар. Шоҳ буларнинг барчасини бирма-бир кўздан кечирмоқчи бўлгани туфайли, эшик оғаси уларнинг ҳар қайсисини боргоҳга яккама-якка бошлаб олиб кирар эди. У киргач, бошини саждага қўйиб, Доронинг оёғини ва ўтирган гиламнинг четини ўпар эди. Бу қайтгач, ўрнига яна бошқа биттаси келиб, унинг даргоҳи тупроғига топинар эди. Буларнинг қабули шу хилда ярим

кун давом этгач, бор кишиларнинг ҳаммаси шаҳаншоҳни зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлди. Хитой мамлакатининг хоқони Мангу ҳам, Хинд элининг бошлиғи Қорахон ҳам, Миср юртининг азизи Варқаъ ҳам, Дарит элининг хоқими Темуртош ҳам, Ховарон мамлакатидан Фарангису, Ширвои элидан Даволи каби кишиларнинг ҳамма-ҳаммаси Доронинг кўз ўнгидан ўтишди. Шоҳ ва шаҳзодаларнинг, саркарда ва амалдорининг сон-саногини ўқ эди. Уларнинг Доро оёғини ўпиш, унинг илтифотига муяссар бўлиш билан бошлари осмонга етди. Улар улуг мартабали шоҳни кўриш шарафига қанчадан-қанча тортиқлар ҳам келтирдиларки, бу маблағларни юз минг ҳисобдон юз йил ўтириб қанчалик тез ҳисобламасинлар, бари бир ададини аниқлолмас эдилар. Бу машгулотни, яъни хон-султонларнинг қабулини бартараф қилгандан сўнг, халойиқни ҳар томонга тарқатдилар. Кейин Доро қандай халқ раҳбари, шоҳ-султонлар бўлмасин, июят қилиб, уларнинг ҳаммасини ҳам ўз қабулхонасига чақиртирди. Бошида шоҳлик тожи бўлган кишиларга ўтириш амрини берди, ҳаммалари ер ўпиб ўтирдилар. Доронинг ёни-берига шоҳлар ўтирдилар: саркардалар эса буларнинг хизматига тайёр бўлиб, оёқ устида турдилар. Дунё шоҳи бўлмиш Доро улугларни ўз илтифотидан баҳраманд қилиб, тубандаги сўзларни айтди:

— Бунча қўшинни йиғиб, халойиқ фарогатини бузишимиз бонси шуки, Рум шоҳи Файлақус бу дунёдан охиратга риҳлат қиларкан, ундан бир сувдек ўнг-терсига қарамай юрадиган, ўт каби ўжар, мажнунваш бир фарзанд қолган бўлиб, бошига ҳукмдорлик тожини кийганига уч йил бўлишига қарамай, хазинамизга хирож юбормай қўйди. Ўз хизматини нима учун бу хилда бажармаётганини билиш, бу ҳақда у билан гаплашиб, мазкур хирожларни ундириб, девонга келтириб солиш учун одам юборсак, шундай беҳуда гапларни айтибдики, унинг бу каби муомила қилишга ҳеч қандай ҳадди йўқ. Шундан сўнг унга кўн панд-насиҳатлар қилдим, бу пандларим ҳам кор қилмади. Аксинча, у меннинг насиҳатларимга шундай одобга хилоф жавоблар қилдики, оқибат-натихада газабим кўзгалиб кетди. Унинг ноўрин гапларини эшитгач, таъзирини бериб қўйишим зарур экан, деган фикрга келдим. Ўша гўл-нодоннинг ноҳўя муомиласи туфайли, ҳар ёнга одам юбориб, қўшин йиғдирдим.

Бу гапни эшитгач, шоҳлар, қўмондон ва лашкарбошилар Дорога ер ўпиб, сажда қилгач, ўринларидан туриб:



— Ул шакковни хароб қилмоқ учун шаҳаншоҳимизнинг отланишларига ҳожат йўқ эди. Бу каби қўшин жамлаш у ёқда турсини, буюрсангиз, биз қўшларнингиздан биримиз ҳам уни даф этган бўлар эдик. Хали ҳам бўлса, бу хизматни қайси биримизга иноят қилсангиз кифоя, ўша онда унинг жазосини бериб қўйормиз. — дедилар.

Шунда Доро:

— Қўшин йиғилиб бўлди. Энди бориб Румга қўнамиз. Биз тарафдан Зангибор ва Фаранг ҳам унинг қўл остига ўтиб қолган, у элларни қутқариш чорасини ҳам кўрмоғимиз зарур. Бир печа кун у ерларни айланиб, душмандан мамлакатларни тозалаймиз. Ундан кейин қайтсак ҳам бўлади. Ҳар ҳолда ўй суриб ўтиргандан жилганимиз маъқул, — деди.

Бу сўзни Доро оғзига қазо солди. Қаза амрига рози бўлмасликка кимнинг иложи бор?

Шоҳ ниманки деган бўлса, ҳамма уни бир оғиздан қабул қилиб, Румга юриш учун қарор қилдилар ва ўринларидан қўзғалиб, кўчинга жазм этган ҳолда, ҳар тарафдан юриш тараддудига киришиб кетдилар.

Буларнинг қанчадан-қанча қўшин билан Румга юриш қилганининг хабари Искандарга ҳам бориб етди. Доронинг ер юзидан лашкар тўплаб, у томонга азм этганини Искандар аллақачон эшитган ва бу ҳолатдан гафлатда эмас, ишида мужмаллик ва ҳардамхаёллик ҳам йўқ эди. Дамбадам душман йўлига одам юбориб, доим улардан хабардор бўлиб турар эди. Қандай бир ишни бажариш лозим деб билса, тезда уни саранижомлаб қўяр эди. У ёш шоҳ ўз қўшинларини шундай ораста қилган эдики, уларнинг қаршисига бир олам қўшини қўйилса ҳам, бу қўшиндаги аскарларнинг ҳар бири Рустам каби забардаст бўлса ҳам, худди бўрон қаршисига қўйилган сомондек совуриб юборишга қодир эди-ю, лекин Дорога ўхшаш бесабр бўлмай, шiori мурсою мадора эди. Доро бутун оламдан лашкар йиғиб, юқорида қанчалигини баён қилганим қўшин билан унга қарши юриш қилганини эшитгач, илм-фан билан ҳам қуролланган у доно, худди деңгиз томон момоқалди роқ билан босиб бораётган булутдай, қулон тўдасига ўкириб ҳамла қилаётган шердай, душманга қарши юзмаюз бўлиш тараддудига тушди. Доро ҳам унинг бу ҳаракатини фаҳм этгач, икки ўртадан мурсою мадора деган тушунча тамом кўтарилди. Искандарнинг ҳайиқмай бу каби қарши чиқиши душманлари юрагига бениҳоя қўрқув солди. Икки орада тахминан ўнга яқин манзил-масофа қолганда икки томон ҳам аста хушёрлик билан ҳаракат


қилга бошлади. Юриш расм-русумларида ҳеч қандай нуқсон йўқ, лашкарлар кўчинда-қўшинида иттизомга қаттиқ риоя қилишар эди. Қўшини туширилган жойнинг атрофини қовлаб, аскарларнинг душман ҳужумидан сақлаш учун хандиқ қилишарди. Қудёш ботиб, кўкни қоронғулик босгач, лашкарларнинг кўриклишиш учун икки тарафдан посбонлар пайди бўларди. Кеча посбонлари қанчалик ҳушёр бўлса қўшини қоровуллари ҳам шунчалик зийрак-бедор эдилар. Агар душман томонда чумоли қимирласа ўша онда кўзини ўқ билан тешар эдилар. Бу икки шоҳ ўз кўшинларини душман томон шу қилда бошлаб борар эдилар. Жанг майдонига бир қилчалик йўл қолган эди. Икки ўртада жуда баланд бир тоғ бўлиб, бу тоғнинг икки ёни кенг даштлик эди. Бу икки шоҳнинг лашкарлари шу даштнинг икки томонини қоплаб олган бўлиб, буларнинг орасидан ўтишга тоғ ели ҳам йўл тополмас эди. Искандар ўз кўшинларини атрофини айланлиб, жанг учун нимакин зарур бўлса, ҳаммасини тайёрлади. Жумладан, Хайбар кўрғонидек хандақ ясади, йўқ. Хайбар эмас, Искандар деворидек иптехком қурди. Булардан кўнгли тинчигач, жапгларда галаба қозонган, савлатли паҳлавон саркардалардан юзта найзабонни айирлиб олди ва ҳалиги икки ўртада бўлмиш баланд тоғ устига чиқиб, душман кўшинини кўздан кечирди. Искандарга шундай кўриндики, гўё бутун ер юзини лашкар босган, ер юзинингина эмас, дунёда бўлмиш тоғу тошларини ҳам душман кўшини қоплаб олган эди. Бутун тоғ ҳам, чўл ҳам кўшин ҳаракатидан эзилган, бу ҳаракатдан ҳамманинг оромни бузилган эди. Уларнинг тўзон ва губори ернигина эмас, фалакни ҳам босиб, ложувард осмон ҳам кўзга кўринмай кетган эди. Тўзон билан тутуннинг қоришиб кетганидан ўт билан тупроқни бир-бирдан фарқ қилиш қийин бўлиб қолди. Искандар қайси томонга боқмасин, халқдан бошқа нарсапп кўрмади. У ўйлаб, бу оломоннинг ҳисобига етолмай, эс-ҳушини ҳайрат қопларкан, дилига шундай андиша келди:

«Икки кўшин жанг қилиш учун қўл урсалар ва бир тараф иккинчи томонга нисбатан икки-уч ҳисса кўп бўлса, албатта, жанг зарбаси оз тарафини кўпроқ эзди. Агар бир тарафининг одами битта бўлиб, унинг қаршисида юз душман бўлса-чи, у пайтда уруш қилмоқ — ўз бошини ўз қўли билан кесидан бошқа нарса эмасдир. Мен илм-ҳикмат даъвоси билан ҳовлиқиб, бевақт жанг майдонига кириб қолдим. Энди бу жанг майдонидан қайтишнинг ҳеч иложи йўқ. Жанг бошласам-чи, шикаст ейишдан ўзгаси насиб бўлмайди» — деган ҳаёл билан боши қотиб

турганда, бир тош устида икки какликнинг бир-бири билан ниҳоятда қаттиқ ва чапдастлик билан урушаётганликларини кўриб қолди. Бу какликларнинг бири катта ва бақувват, иккинчиси эса кичик ва заифроқ эди, униси қанча забардаст бўлса, буниши шунча кучсиз; буниши қанча бақувват бўлса, униси шунчалик ҳолсиз эди. Искандар икки какликдаги бақувватлик ва кучсизликни кўриб, бу ҳолатни ўзи билан Дорога қиёс қилди. Улар томонга диққат билан боқаркан, бу икки каклик олишувини ўзи билан душманнинг жанги деб фараз қилди. Унда ўзини ҳалиги кичик-кучсиз каклик деб, кучлигини эса Доро томон деб тасаввур этди. Искандар шу ўй билан уларнинг жангини томоша қилар, ҳаяжонидан бечоранинг жони азобланар эди. Шу топда бирдан осмонда бургут пайдо бўлиб, ҳалиги какликларни овлаш учун тезда пастга қараб шўнгиди ва бирдан катта какликка чап солиб, уни кўтариб кетди. Гўё катта каклик бу ерда илгаридан ҳам йўқ эди. Биттаси бургут чапгагида мағлуб бўлгач, иккинчи каклик ерда жавлон уриб қолди. Искандар бу аҳволдан жуда хушдилю, очган фолдан ниҳоятда кўнгли кўтарилиб, ўзини бардам ҳис этди. У шундай хулосага келдики, душман енгилади, аммо Искандар ва унинг қўшинидан эмас, бошқа бир тарафдан шикастланади. Бу фолни шу каби яхшиликка йўйиб, душманнинг кўплигига аҳамият бермай, хотиржам қайтди. Шу галаба ишончи билан ўз қўшинининг орасига худди жонсиз баданга руҳ киргандек бўлиб кирди. Искандар у тоғдан шундай хурсанд бўлиб қайтганда қуёш ҳам ўз байрогини тоғ орқасига тортган эди. Осмон чиройи кўкдан ғойиб бўлгач, кеч кириб, дунёни қоронғулик босди. Икки қўшин ўзининг эҳтиёт чорасини кўриб, жангтоҳда кеча посбонлари қўшинини пазорат қила бошладилар. Посбонлар қўшинини шундай хушёрлик билан қўриқлар, ўз сояларига ҳам эҳтиётлик билан қарар эдилар.

Қўшинининг ҳар тарафини илгор қисм ўраб олган бўлиб, улар душман тарафидан писиб келадиған тун ўғриларини (разведкачиларни) қўлга тушириш пайида эдилар. Қўшин атрофини ўраб турган қўриқчилар шунчалик қаҳрли эдиларки, шамол ҳам тебраниш имкониятига эга эмас эди. Улар халқни ҳар тарафдан ўраб олган бўлиб, лашкар ичкарасидан бир товуш ҳам тапқарига чиқмади.

Бу пайтда иккала шох ҳам ўз қўшинини тўплаш, уларни сафга тизиш ва умуман жанг тараддудиди эдилар. Нариги томонда, юлдуз қадар беҳисоб лашкари бўлган Доро боши устидаги осмон гумбазидай кенг чодир ичида



тахтда ўтириб, жанг ҳақидаги ошкору ва махфий бўлиши барча масалани муҳокама қилар, ўз тарафининг галаба қилиши лозимлигини ўйлаб, байроғининг зафар ели билан хиллаиранини орзу қиларди. У ҳамма жиҳатдан ҳам Искандарни назар-писанд қилмас, қаво ўз бошига нима солиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмас эди. Қўмондонлари ҳам ўзича пўнгиллашиб, Искандар ҳақида ҳар хил гап-сўзни бичиб-тўқишарди. Масалан, биттаси:

«Агар шоҳимиз фармон қилса, ҳар биримиз бежавфу хатар уни эзиб ташлаймиз» — деса, иккинчиси:

«Бизнинг қорамизни кўрган онда қочиб қолади» — дер, учинчиси эса:

«Дорога узр эшигини очади»... деб фолбинлик қилар эдилар.

Лекин Искандар томондагиларнинг ҳаммаси бир оғиздан: «Ўлгунча жанг қилишимиз керак. Зўр душманга бирдан қаттиқ зарб берилмаса, енгил мумкин эмас», — дер эдилар.

Ҳамманинг кўзидан уйқу ва осойишталик қочган, ҳамма жангда қандай қилиб галаба қозонишининггина ўйларди. Ҳаммалари ўз элига яхшиликдан хабар бериш, эл бошидан хавфу хатарни йўқотиб, уларга ўз осойишта тирликчилигини давом эттириш умидини бағишлаш ниятида эдилар. Искандарнинг халқи ҳеч тинмай қурол-яроғ тайёрлар, совут тўқир, темир қалпоқ каби уруш кийим-бошларини муҳайё қилар эди. Жанг майдонидаги лашкарларга тун узун кўринар, аммо эртанги куннинг ваҳимаси ундан ҳам баттар эди. Икки томондаги одамлар шу каби хаёлда экан, тонг ҳам ўзининг гўзал жамолини аён қилди. Сахар ўзининг заррин байроғини кўтаргач, унинг нуридан ҳаво ёришди. Шу ондаёқ тақдир икки дарёга тўлқин солиб юборди. Бунинг гавгоси Миррих қулогига бориб етди. Полвонлар ҳайбатли паъра тортдилар, бу наъралар ер қатламга зилзила солди. Гўё ерда зилзила пайдо бўлиб, у «ўз ҳомиласини ташлаб кўйди». Қиличбозлар фалак жангчисидек бошдан-оёқ кўк темир ёпинчиққа чулганди. Қўмондонлар уруш бошлаш учун отларга миниб, аскарларини сафга тиза бошладилар. Давлатпапоҳ Доро отланиб, кўшинини Искандарга қарши тайёрлади. Уни кўшин эмас, «қонхўр дарё»де, фалак денгизини эса, ундан бир намуна де. Шоҳ кўшинини урушга тайёрлаш учун шундай саф туздики, бир боши шарқда бўлса, бир боши гарбда эди. Бунақа чек-чегараси йўқ катта сафдан еттита тузилди.

Кўшинининг боришгори (ўнг қаноти) Самарқанддан

то Хитойгача бўлган шарқ мамлакатларининг халқлари дан иборат бўлиб, бунинг ичида юз минг ўзбек билан мўғул ва юз эллик минг қалмоқ бор ва ҳаммаси олти юз минг кишидан иборат уруш ва жанг қаҳрамонларидан ташкил тошган эди. Хитой халқини Чин аскарларининг кийими билан ясаптирилган эди, гўзалликда улар жаннат боғини эслатадилар. Ҳар бир пахлавоннинг учар отига етти хил зарбафтдан ёшичиқ ёпилган, довулгон деган ўқ ўтмас қалпоққа жуда чиройли чин жиғаси қадалган бўлиб, у пахлавон совут устидан хитой ипаклигидан кийим кийган эди. Қалмоқ хони шундай саф тузибдики, кўриши худди дўзах ажалининг ўзгинасидир. Барча байроқлар дўзах шуъласи рангида бўлиб, байроқ жилвасидан дўзах алаңаси акс этиб турар эди. Совут (темир кийим) кийган аскарларининг ҳар бири шундай дагдага қилардики, ундан жаҳонга гулгула тушарди. Буларнинг кўшин хони Тўқвоб деган киши бўлиб, уруш вақтида унинг ғазабидан ҳамма даҳшатга тушар эди. Ҳисобда ит тукидан ҳам кўп бўлмиш мўғул шерпайкарлари ўт каби чақнар эдилар. Буларнинг хони Мангу уруш пайтида қиёмат кўнорини билан оламни қаро қилар эди. Ундан кейинги сафда ўзбек билан мангит бўлиб, икки ўрим сочдек бир-бировига чирмашиб кетган эди. Буларнинг кўха — уруш асбоблари кумушдек ярқирарди; бошларида эса, черкасча дубулға. Уларнинг қаторида Мовароуннаҳр халқи, яъни Сир ва Амудан иборат икки дарё оралиғидаги ўнта шаҳарнинг аҳолиси ҳам бор бўлиб, уларнинг ҳар бири шерга ҳамла қиладиган филдек зўр кишилар эди, мерганликда ўқ билан чумолининг кўзини ҳам бехато урардилар. У пайтда жаннатмонанд Самарқанд мавжуд эмас, зеро уни кейин Искандар бини қилган эди.

Жувонгор (кўшиннинг сул қаноти) нинг бир тарафида Мағриб халқи, иккинчи тарафида эса Буртос ва Барбари халқлари саф тортган. Буларнинг найза-қалқонлари сариг ранга бўялган бўлиб, отларининг гажим — ёпиқлари-ю, ҳатто зирҳли кийим остидан киядиган пахталик хафтонларигача сариг матодан тикилган. Араб саҳройиларидан қирқ минг найзавоз бўлиб, ҳаммаси чопқир араби отларини миниб олганлар. Буларнинг байроқларию найзаларидан тортиб, то бедов отлари устидаги барғуствон (ўқ ўтмас ёпиқ) ларигача ҳаммаси қора эди. Мағриб аҳлига Талич деган киши бошчилик қилса, араб аскарларига Вакиъ раҳбарлик қилар эди. Мадина шаҳарларининг бошлиғи Ардашер қилич билан қуролланган юз минг ботирга қўмондон бўлиб, унинг қўл остидаги барча

белгилару кийимлари ҳам, туғлари ҳам, саман отларининг ёпиқлари ҳам — ҳаммаси бинафша рангида эди. Қутайф, Баҳрайн ва Бағдод шаҳарларининг халқларига Густахам қўмондонлик қилар, бунинг қўл остидаги ҳамма нарса кўк темир рангида бўлиб, аскарлари эса бошдан-оёқ кўк атласга ўралган эди. Жувонгор ҳам олти юз минг лашкардан иборат бўлиб, олти юз мингдан ташқари буларга мадад берадиган кучлар ҳам йўқ эмас эди.

Етти юз минг кишидан иборат хировул (қўшиннинг бош қисми) га етти қабат осмон ҳам ҳайратда эди. Бу қисмининг устки-ички либосидан тортиб ҳамма парсаси оқ матодан ва оқ тусда эди. Бу оқ рангда саф тортган жангчилар Дашти Қипчоқ ва Хоразм юртининг халқларидан ташкил топган эдилар.

Бош қўмондон қўл остида бўладиган «гул» қисмига улуг Доронинг ўзи қўмондон бўлиб, унинг атрофини тоғтоғ қўшин ўраб олган эди. Шу хилда етти гул қўшин тузилдики, буларнинг орасига кириш учун шамол ҳам йўл тополмас эди. Бу гулларнинг ҳар сафида юз минг нафар аскар бўлиб, буларнинг ҳаммаси шоҳона зеб-зийнатлар билан безанган эди. Булар яшил кийим кийинган бўлиб, байроги бошидаги пўпаги ҳам яшил рангда эди. Бу сабза рангдан бутун олам майсазорга ўхшаб кўринар, ер юзининг ранги гўё бутунлай яшил тусга киргандек эди. Мана шу қўшиннинг марказида, худди унга қарши жанг қилишга жаҳонда ҳеч кимнинг ҳақи ва ҳуқуқи йўқдай, дунё шоҳи Доро мағрур турар эди. У қўшин сафини шу хилда жангга ҳозирлагач, душман томонга қараб йўл олди.

Тоғнинг нариги бетида шерюрак Искандар тинмай ўз қўшинларини сафга тузар эди.

У боронгорининг ҳаммасини қонхўр фаранг аскарларидан тузди. Улар дўшманининг кўнглини билмас, билса ҳам кўзига зарра илмасди. Қўмондонлар ичида Шайпол деган саркарда шижоатда худди Рустам Золнинг ўзи эди. Уларнинг кийим-кечакларига гавҳарлар қадалган бўлиб, ҳаммаси етти хил товланадиган фаранг бахмалларидан тайёрланган, бироқ пўпаги ҳам етти рангли фаранг зарбафтидан эди. Юз минг кишидан иборат бўлган бу газабли жангчиларнинг ҳайбатидан қуёш тиги ҳам ўтмасланар эди.

Жувонгориди Бартос ва Руслар саф тортган бўлиб, ҳар бири фалак отидек саркаш ва шафқатсиз эдилар. Уларнинг совути батамом қалайланган, қўлларидаги пайзалари эса устундай эди. Бироқ отларининг устидаги

ёнинг бошдан-оёқ жуанда тўқилган бўлиб, довулгалари худди тўни сиғарию, унинг устидаги жигалари сариқ қушининг патларидан эди. Буларнинг ҳар бири тунги бойқундай уйғоқ, дўстга бахтиёру меҳрибон, душманга нисбатан аёвсиз эдилар. Буларнинг сони ҳам юз минг чамаси бўлиб, жанг майдонининг жувонгорида саф тортган эдилар.

Хировулга ҳабаш халқи тайинланган бўлиб, уларнинг қиёфалари ҳам ўзгача эди. Булар кийган жавшанин запки усталари ясаган бўлиб, ойнадек зангдан покиза эди. Баҳайбат жез қалпоқлари жавшанларига ўхшаб қора тунда худди қуёшдек ярқираб турарди. Темирдан қилинган жигалари худди шаҳнар-(узун-пат) дай, гўё қуёшга санчиб қўйилган ҳилолга ўхшарди. Отларининг ёпинчиқлари бошдан-оёқ пўлат тўқималардан бўлиб, яхшигина эговлангани туфайли ярқираб эди. Пўлатдан ясалган «оҳа» помли қуроллари юз минг душман қаршисида худди ажал кўзгусининг ўзгинаси эди. Гул қўшини румликлардан ташкил топган бўлиб, шу гул жанггоҳининг зийнати эди. Бу қизил юзди румликларнинг ҳаммаси худди шер каби забардаст бўлиб, душман қасдига шердай ҳамлакор эдилар. Ҳаммаларининг отларидаги гажим-ёпинчиқлари шер, арслон, қонлон териларидан, совут устидаги хафтонлари ҳам ушбу рангда эди. Буларнинг ҳар бири худди булутдай ўкирик бўлиб, олам юзини шеру арслон қонлагандек эди. Бу қўшинининг марказида саодатли шоҳ Искандар худди шерга ташланмоқчи бўлган арслондек тайёр турар эди. Унинг боши устидаги шер сурат байроқ дам-бадам зафар ва галаба шабадасидан хушхабар келтиргандай ҳилпираб турарди. Рум шоҳи ўз қўшинларини худди мўм дарахтидек, жанг майдонида сафга тузиб чиқди. Сўнгра у душман қўшинининг қаршисига берди. Доро ҳам бунинг лашкарлари рўбарўсига келди. Шу орада икки тарафдан худди юзларча маст эркак дев бирдан хайқирганидек, жанг бошлашга занг урилди. Шу онда, гўё фалак жаллоди дунёни қилич билан чошиб, иккига бўлиб таңлагандек, унинг ҳар бирининг юзини тупроқ қоплагандек бўлди. Душманнинг ўзган-тирилганини ҳеч ким аниқлай олмас, жанг қий-чувидан ҳамманинг асаби бузилган, икки тарафда шундай гала-говур бошланган эдики, гўё аждаб икки томонни ҳам бирдан ўз домига тортгандек туюлди. Одамларнинг оғизларидан фақат кишиларни тутқун қилиш ва душман аскарларини ютиш ҳақидаги гаплар чиқар, ҳаммаёқда чалнаётган карнай-сурнай, ногора садолари қиёмат куни бошланганини эс-



латар, шамолларда жилваланаётган байроқлар осмону фалакда ҳам кураш бўлаётганидан дарак берарди. Ҳавони шундай қора гард босган эдики, бу тўзондан жанг майдони кўзга кўринмасди. Кўп одамлар бир ерда туриб айланаверганидан ернинг курра шакли ярим паллага ўхшаб қолган, ярим палласи эса лашкарнинг оёқ кийими тамгасидан янчилавериб, гардга айланиб, фалакка кўтарилган эди. Бу гард дарёсига гарқ бўлган киши ҳаво ўрнига гард-тўзон ютганидан нафаси қайтарди. Бу жанг тўзонлари орасидаги беҳисоб тилларнинг ҳаракати худди лой дарёсида оққан саноқсиз чумолиларни эслатарди. Улар гард эмас, еру кўк орасига янқиб тортган қора булутга ўхшаш эди. Қурооларнинг бир-бирига урилишидан чақмоқ ўти ярқирар, отларнинг қишқиридан эса момақалдиреқ садоси эшитиларди. Шафқатсиз аскарларнинг қўлларидаги ўткир тилдан фалак ўзининг зулмкор найзаси билан ҳамма қилиб, худди икки оламга қатлу кпи солаётгандек, бутун заминну осмонга титроқ тушди. Икки қўшни бир-бирига қарши юрди, маълум массага яқинлашганларидан сўнг тоғ бир жойда барқарор тургандек, юришдан тўхтадилар. Аввал улар шундай бир қаттиқ сурон солдиларки, худди олам таҳликага тушгандек бўлди. Оламдаги бутун эл қўзғолди демоқчи эмасман, йўқ, бу кўк гумбаз остидаги бутун халойиқ бир-бирига қоршиб кетди. Фалак бевасининг табиатида қисирлик бўлмаганда, бу гавгодан у хомила ташлаб юборар эди. У гала-говур бир лаҳзагина жимлик билан алмашиб, халқнинг оғзи бир озгина гавгодан тинчигач, жанг гармсели гардларни бир тарафга сурди ва халойиқ кўзига жанг майдони кўринди. Ҳамма тарафда тўда-тўда лашкарлар саф тортиб турар, тўдагина эмас, тоғ-тоғ деса бўладиган ҳаммаёқни қоплаган лашкарлар томошабинларга аллақандай тусда кўринар эди.

Худди шу пайтда Искандар сафидан бир жангчи чақмоқдан яшии тушгандек ўртага от суриб, жанг майдонига шижоат билан кириб, ўртада жанговар хунарлар кўрсатиб, жавлон ура бошлади. У учқур оти устига ўқ ва тил ўтмас ёпинчиқ ташлаган, ўзи худди аргувон дарахтидек эди. Эғнига жавшан устидан хитой шойисидан тўн кийган бу жангчи худди сув юзидаги кўк майсадек ёқимли эди. Унинг ўнг қўлидаги найзаси устундек йўғон бўлиб, сўл кўксига тутган қалқони лаълдек жилвагар эди. Ўқ ўтмас қалпоғига гулсавсар рангли жига қадаган бўлиб, жига гулсавсар гунчасига ўхшар эди. Бу эпчил жангари шундай тарзда майдон ўртасида туриб гап бошлар экан, аввал Искандар ҳақиға дуо қилиб: «Шоҳимиз

Ўз душмани устидан галаба қозониб, муродига етсин!» — деди. Сўнгра, ҳар томонга юзланиб айтдики: — «Мени Бориқ Барбарий дейдилар. Бурун мен шоҳ Доронинг кули эдим. Лекин унга куллик қилиб, рўшнолик кўрмадим. У менинг паҳлавонлигимга қараб иш кўрмади, ҳолимга яраша эътибор бермади. Мендан пастроқ кишиларни ардоқлагани ҳолда, менга кўн бенаволиклар раво кўрди. Шундан сўнг, аҳволимни арз қилсам, олийсифат шоҳ арзимга кулоқ ҳам солмади, жавоб ҳам қилмади. Ниҳоят, ўрнимдан туриб, кетишга ижозат сўрасам, қаҳр-ғазаби келиб, ётқизиб таёқлади. Доро шунчалик зулм билан азоблагач, бахтим мени Исқандарпараст қилди. Даргоҳига паноҳ тортиб келганимда бу шоҳ менга шунчалик дутф-карамлар кўрсатдики, бу тарбияга бош эгдим. Лекин иш қилмай, ҳақ олиб ётганимдан уятлиман. Ҳозир бу жанг майдонига азм қилишдан мақсадим — икки иш учун кураш ва жанг қилмоқдир: биринчиси, шоҳим Исқандарга хизмат қилиш билан хижолатдан ўзимни қутқариш бўлса; иккинчиси, қатлкор иш қандай бўлишини Дорога ҳам кўрсатиб қўймоқчиман. Ўзини мен билан жангга мойил билган киши менинг шу икки мақсадимни ҳосил қилган бўлади. Ақли раҳнамо шоҳ Доро мендан ортиқ ишоят қилганларни бирин-кетин бу майдонга тушириб, ҳаммасини мен билан яккама-якка жангда синаб кўрсин!»

Бориқ ўз сўзини тугатиши билан қотилваш бир киши Доро тарафдан тезда кураш майдонига тушдики, у худди тутундек аччиқ, ўт каби ўжар эди. Отининг тақасидан то қалногининг учигача сихчалар қадалган бўлиб, худди илдек кўк темирга гарқ бўлган эди; бало булутидан ўлим чақмоғи чақнаганидек, отининг тақасидан ўт сачрар эди. Фалак чархининг галаён билан тўхтовсиз айланishi шиддатидан унинг димоғида андак гурур пайдо бўлган эди. Қилич боғлари ҳам худди ёқутдек тоблар, қўлидаги найзаси ҳам ҳодадек йўғон эди. Унинг асли номи халқ ўртасида Харрон бўлиб, жангчилар уни йиртқич шер дердилар. У майдонга тушиб, паҳлавонлик расмиодатини адо этгач, ўз шоҳининг ҳақиға дуо қилди. Дуони тугата солиб, Бориққа югурди. Бориқ ҳам унга қарши яшини тезлигида ташланди. Булар дарҳол бир-бирларига чирмашиб, бир-бирларини майдоннинг у четидан бу четга сура бошладилар. Икки ўртада уч юз олтинчи олти хил ҳарб-зарб бўлишига қарамай, найзаларининг учи қон кўрмади. Ниҳоят, охирида, Бориқ чапдастлик билан Харронга найза санчиб, уни отдан шундай итқитдики, юк-

сак фалак: «Дастингга офарин!» — «Найзангга офарин!» — деб юборди. Шу онда Барбарий отдан сапчиб тушиб, Ҳарроннинг бўйнидан арқон боғлаб, бир зумда уни шоҳнинг олдига келтириб ташлади. Бу Искандар учун хайрли фол бўлди, зеро галаба бошлаб унга ўз жамолини кўрсатган эди. Шундан сўнг яна шерлайкар, душманни банд қилувчи паҳлавон Барбарий ер ўниб, саманини майдонга солди. У тараф истаб наъра тортганда бир фил тувчи ўртага от сурди. Бу шундай зўр ботир урушни ўзига ҳунар қилиб олган бўлиб, кураш майдонда юз марта душман устидан галаба қозонган эди. У бошидан оёғигача темир кийимга ўралган, ўзигина эмас, оти ҳам темир ёппиқлар ичида кўринмай кетган эди. У Шайда лақаби билан ном чиқарган бўлиб, насли насабда Ҳарроннинг қардоши эди. У мастларча Бориқнинг йўлини тўсаркан. Бориқ ҳам унга қарши адоват ўти билан алангаланган ҳолда от солди. Булар ҳам бир-бирлари билан олишиб кетдилар. Найзаларини бир-бирларига хезладилар. Искандарнинг иқболи ёр бўлиб, паҳлавон Барбарий фурсат топиб, уни ҳам найза билан уриб йиқитди ва шоҳ хузурига келтириб ташлади.

Искандар фалакдан муродига йўл топгани ҳолда, дунё шоҳи Доро бевафолик кўрсатаётган фалакка таъна тошларини отди. Барбарий югуриб, яна жанг майдонига тушиб, ўзи билан курашишга мубориз-паҳлавон талаб қилди. Ўч алангасидан юзига ажин тушган биттаси яна майдонга от солиб, Барбарийни ўлдириш учун қасд қилди. Бу келиб, рўбарў бўлиши биланоқ ботирнинг бир ҳамласи билан йиқилди. Шу зайлда ҳар бири кураш чоғида эркак шердай ботир бўлган тўққизта паҳлавон жанг майдонида Барбарийнинг найзасидан яраланиб, енгилдилар ва асир олиндилар. Кейин, бошқа ҳеч ким бу билан курашиш учун жанг майдонига тушишга ботина олмади. Аммо Бориқ эса майдондан чиқмай, туриб олди. У ўзи билан яккама-якка курашишга чақириб, наъра тортиш билан душман юрагига ўт ёқар эди. Доро газабидан шундай изтиробга келган эдики, «Унга қарши бирон кимса чиқсин!» — деб шитоб билан буйруқ қилишга мажбур бўлди.

Ниҳоят, биров майдонга от солиб, ўз душманининг отини ҳам жавлон урдириб сура кетди. Унинг танаси филдек бўлиб, ўзи ҳам фил каби зўр, оти ҳам худди каркидондек баҳайбат эди. Оти устидаги ёппиқни қоплон терисидан бўлиб, ўзи ҳам халқ бошига офат солиш учун йўлбарс терисидан тўн кийиб олган эди. Қизил

дубултасини бошига қийишқ қийган, унинг ваҳимасидан ўлим ҳам ажал теккандек беҳол бўлиб қолар эди. Ҳалиги қизил қалноғи даврасига қора мато ўраб олган эди. Ҳолбуки ҳеч ким қора доғга ўралган долани кўрмаган бўлса керак. Унинг юзи қин-қизил бўлиб, соқоллари эса сариқ эди. Юзи хурмо рағидек дағал, соқоли хурмо пўстлогини эслатарди. Икки кўзи иккита олмосдек, кўз давраси худди қон тўла косага ўхшар эди. Унинг ватани Мағрибнинг энг узоқ чеккасида бўлиб, эли ўша водийларда яшар экан. У ернинг одамлари шу сингари тузилган, шу зайдда баҳайбат, ҳар бирининг шавкат-салобати ҳам бир қўшинча келар экан. Қайси бир султон оламга шоҳ бўлиб, бирорта душманга қарши қўшин тортса, бу қавмдан бир киши келар эмиш-да, душман бу шоҳнинг аҳволини таиғ қилиб қўйган пайтда, ҳалиги келган шахс жанг майдонига тушиб, жанг расм-русумини кўрсатиб қўяр эмиш. Душманни асир олди дегунча, ватанига томон жўнаб қолармиш: то ўз манзил ва масканига етиб боргунча ҳеч ким уни тўхтатолмас эмиш. Қўлига тутқун бўлган бечорани ҳам ўзи билан бирга олиб кетар, уни истаганча ишлатар эмиш.

Бориқ зафарларидан халқ ҳайратга чўмиб турганида у яшин тезлигида жангга ташландики, иккови майдонда тўқнашган ондаёқ бир-бирларига чирмашиб, майдоннинг у чеккасидан бу чеккасига суриша кетдилар. Гоҳ буниси қочиб, униси майдоннинг нариги четигача кетидан суриб борар, гоҳ униси орқага қайтиб, буниси ундан ўч олиш учун майдоннинг бу бошигача қувиб қолар эди. Буларнинг ур-ийқитидан осмонга шундай гард-тўзон кўтарилдики, буни кўрган одам қуюндан фарқ қилмас эди. Жангари Бориқ ўзини эҳтиётлик билан асрар, Мағриб паҳлавони уни енгил чорасини тополмас эди. Лекин Бориқ борган сари ҳолдан кетиб, курашдаги ҳаракатлари сусая борди. Ўзидақа паҳлавондан тўққизтасини уст-устига, дам олмай енгган Барбарий мағриблик майдонга тушган заҳотиёқ юраги орзиқиб, тинкаси қуриган эди. Бориқнинг ҳолдан тойганини сезган одам овловчи паҳлавон унинг белидан тутиб, азот кўтариб, ўнг қўли билан маҳкам ушлаган ҳолда, сўл қўли билан отининг жиловини тутганча, овини бўшатмай ўз қўшини ичига ҳам кирмай, ганимини отга босганча тўппа-тўғри Мағрибга томон йўл олди. Унинг бу ишига жаҳон халқи ҳайратланиб, кўздан ниҳон бўлгунга қадар орқасидан қараб қолдилар. Мағрибийдан бу раҳмезликни кўриб, Искандар гамга ботди. «Энди унинг

хоти не кечаркин?» — деб Барбарийининг мушкул аҳволига ачинди.

Хайриятки, мағриблик хуррамлик билан сахро сари кетганича қайтиб Доро хузурига келмади деб хурсанд ҳам бўлди, лекин шох Доронинг шодлиги оламга спмасди, зеро, мағрибликнинг кўрсатган хунари унинг бузуқ кўнглини обод қилган эди. Гарчи Барбарийни мағлуб қилган мағриблик Доронинг олдига келмаган, асприни унинг хузурига ташлаб, шохни хурсанд қилмаган бўлса ҳам, лекин зўр душманининг даф этилганидан Доро мамнуи эди. Шу пайтда қуёш дороси пастлаб, Мағриб тарафга караб, ботиб кетди. Айни пайтда, Машриқ Қуёши каби, осмонда ой жияваланиб, худди Исқандардек халққа нур соча бошлади. Икки томоннинг қўшини жанг майдонидан қайтиб, ўз оромгоҳларига кирдилар. Иккала қўшинининг атрофи хандақ билан ўраб олинган бўлиб, бу хандақлар қанотдай шохларнинг қасрини ихота қилган эди. Хар тарафдан тунги соқчилари чиқиб, ҳушёрлик билан лашкар атрофини муҳофаза қила бошлади. Доро ўз боргоҳи ичига кириб ўтиргач, ҳордиқ чиқариш зарурати билан чолгу ва май тилади. Ва лекин ич-ичидан шидда каби қон ютар, тонгла даврон қандай хунар кўрсатажагини ўйлар эди.

Исқандар ҳам ўзига хос хонага кириб, ором ола бошлади. Унинг ўнг ёнида илм-камолот соҳиблари ўтирар, сўл ёнидан эса ҳарбий раҳбарлар жой олган эдилар. Бу ердаги ҳар бир ақл эгаси душман устидан галаба қилиш чораси тўғрисида мулоҳаза юритар эди. Жаҳонга донги кетган паҳлавонларнинг ҳар бири зафарга эришмоқ учун душманга шиддат билан ҳужум қилиш, фидоийлик билан курашиш лозимлиги ҳақида ўйлар эдилар. Шу хилда кечанинг учдан икки қисми ўтди. Бу пайтда бир тарафда журъат ва умид ҳукмрон бўлса, иккинчи томонда хавфхатар талваса солмоқда эди.

Яздонпараст шох шу орада бир хилват жой топиб, бошини тупроққа қўйиб, оллоҳга сизиниб тазарруъ қилиб, ўзига зафар истарди. У ибодатдан бўшаганда тош қуёши ўз чироғи билан оламни ёрита бошлади. Яна икки тарафда гала-говур бошланиб кетди, икки қўшин ҳар ёнда саф тортишга киришдилар. Яна погорачилар ҳаракатга тушдилар, яна уруш погоралари гумбурай бошлади. Тагин найзабозлар шитоб билан югура кетдилар, тагин найзалар ўйнай бошлади. Қилич-тиг кўтарганлар жангга тушдилар, қиличлар ҳаммаёқни чопа кетди. Тагин қиличларнинг жанг бошланиб, тагин қиёмат-қойим бўлди. Ис-

қандар хилватда ибодат қилиб, бу офатнинг чорасини кўришни чорасоз таңгридан ёлбориб сўрар эди.

У хилватдан эди чиқай деб турганда, югуриб бир элчи келиб, өзги бекик бир хатни секин узатди. У номани хилватда Искандарга бераркан: «Буни ўқиб, воқеа нималигини англа!» — деди. У хатни очиб қараркан, таңгри унинг дардига чора кўрганини фаҳмлади. Хат мазмуни тубандагича эди: Доро ноибларидан икки киши, унинг зулми ниҳоятда жонларига теккани туфайли, бошларини ўлимга тикибдилар. Чунки Доро урушда зафар қозонса, буларнинг иккисини ҳам ўлдириб, гўрга тикишга аҳд қилган экан. Шу жиҳатдан бу иккиси ҳам қуролланиб, Доронинг ўзини қатл этишга қарор қилибдилар. Шу муносабат билан улар Искандарга тубандагича мурожаатнома ёзибдилар: «Доро бизни тиг билан қатл этишга қасд қилгани туфайли ундан илгарироқ биз уни қилич билан ҳалок этишга қарор қилдик. Келинг, унинг дарахтини илдизидан кўпорайлик, бутун халқ Доронинг зулм-бедодидан қутулсин. Унинг жабр-зулмини торта-торта жонимиз қолмади, шундай қилиб, орадан йўқотсак армонимиз ҳам қолмайди». Бировдан Искандарга бу хатни зудлик билан бериб юборибдилар. Ёзган помаларида ўз ихтиёрларини Искандарга беражакларини ҳам исботлашга уринибдилар.

Искандар бу номани ўқигач, ҳодисанинг қандай эканлигини очиқ-ойдин англадию, лекин: «Бу, макру фириб эмасмикан?» — деб гумонсиради-да, у хатга ҳеч қандай жавоб қайтармай, ўзига сабр берди ва дилида: «Бунга жавоб бермаганим дуруст, агар жавоб берсам, яхши бўлмас. Борди-ю, ёлғон бўлса индамаганим фойдали ва агар бу гап рост бўлса ҳам менинг ёзувим мактуб эгаларининг кўлига бориб тегиши қийин», — деган фикрга келди.

Шундан сўнг тездан отга миниб, таваккал қилиб душманининг кейинидан боришга отланди. Яна икки тарафнинг кўшинлари саф тортди, яна уруш расм-одатига киришилди. Лекин ҳали жанг бошланмасдан сал бурунроқ икки қотил, гаров боғлагандек, шоҳ Доронинг икки ёнидан бориб, уни қилич билан уриб, қип-қизил қонига беладилар. Бунинг бири унинг биқинига қилич солиб, шафқатсизлик билан қонини тўккан бўлса, иккинчиси унинг бошини тиг билан чўшиб, Доронинг зулмига қарши зулм билан ўч олди. Тахт эгаси Доро шундай яралангач, худди катта бир дарахт қулагандек бўлди. Баҳман авлоди бўлмиш шоҳ ерга думалаб, Кайқубод ёққан машъалнинг шуъласи ўчди. Қазодан бу фожиянинг содир бўлиши унинг бошига йиғилган бир қанча одамларнинг гала-говурига сабаб бўлди. Бу ахвол

қўшин орасида ҳам бесаранжомлик кўзгатди. Зеро, шоҳ аҳволни танг бўлса, лашкардан низо чиқади. Искандар ҳушёрлик ва фаҳм-фаросат билан бу аҳволни кўздан кечириб, Доро қўшини ҳали пароканда бўлмасидан эҳтиётлик билан у тарафга қараб йўл олди. Тезда шоҳ бошида тўпланган жамоатнинг олдига етиб борди. Улар Искандарни кўриб, ерга бош уриб, шоҳ бошига тушган фожияни айтдилар. Искандар Доронинг олдига яқин бораркан, унга дўстона муносабатда бўлиш фикрини қилди. Кўрдик, бутун вужуди қонга беланган, қон билан унинг фарқи йўқ аҳволда ётибди. Доронинг боши томон ўтираркан, унинг фожеъ аҳволини кўриб, кўнгли бузилиб, йиғлади. Унинг бошини ердан кўтариб, ўз қучоғига олиб, кўзларидан Доро юзларига ёшлар тўкди, гўё унинг беҳуш юзига бир озгина гулоб селгандек бўлди. Шундан сўнг Доронинг кўзи сал очилди. У боши устидаги зот кимлигини фаҳм этиб, беҳавф-хатар тилга кириб гапира кетди:

— Марҳабо, эй навқирон шоҳ! Сен жаҳоннинг ҳам шоҳи, ҳам паҳлавони экансан. Ҳеч қандай отадан сен каби ўғил туғилмас, душман узрини ҳеч ким сен каби қабул айламас. Сенга қарши қанчадан-қанча гулу ва можаро кўтаришимга қарамай, сенга ҳавасим келарди. Сен шундай кишисанки, жаҳонда тенгинг йўқ; султонликда ҳам Дорондан қолишмайдиган одамсан. Сенинг қилган ишларинг бошқа бирон одамнинг қўлидан келмайди, сен бу жаҳонда тангрининг қудратисан. Қачон бўлса ҳам рухсорингни кўрсам, сўзларингни қулогим билан эшитсам, деб орзу қилур эдим. Ажал ноумид қилиб турган пайтда бўлса ҳам, тангри мени шу муродимга етказди. (Ҳа, Доро қандай умид қилган бўлса, шунга етишди-ю, лекин бу ўз ҳаётидан умидини узган пайтга тўғри келди.) Жуда ҳам қалтис фурсатда менга меҳмон бўлибсан. Ҳозир мен сени жонимдан ўзга нарса билан сийлай олмайман. Бу чоғда сенга қандай йўсинда мезбонлик қилай? Агар қабул қилсанг, жонимни нисор айлай. Йўқ, янглишдим, ахир менинг ўзим сенга бир нафаслик меҳмонман-ку, қандай қилиб мезбонлик қилгаймен? Шундай соатда менинг бошимга етиб келишдан муддаоинг недир? Уни ҳам айт, эштайин. Агар шиоринг дўстлик бўлса, икки дунёда тангри ёринг бўлгай. Ва агар қатл этиш учун қошимга келган, бошимни кесиш пияти билан бу ерга қадам қўйган бўлсанг, мурувват қилиб, бир нафас бошимни кесмай тур, икки-учта сўзим бор, шуни айтиб олгунча омонлик бергил!

Искандар Доронинг бу гапларини эшитаркан, мотам-

зада кишилардек фиғон чекиб, ёқаларини йиртиб, бошидан тожларини олиб, зор-зор йиглаб шундай деди:

— Етти кишварнинг шаҳаншоҳи тирик бўлсинлар, жаҳон сиздан бир нафас ҳам холи бўлмасин. Мен камини Сизнинг хизматкорингизман, хизматкор бўлганда ҳам шарманда хизматкорман. Мен Сизнинг мулозимингиз бўлиб, қончангизда бел боглаб хизмат қилишим, ҳонадонингизни танимлардан тозалаб, жаҳонда душманингизни қўймасангиз лозим эди. «Сиз хирож талаб қилиб, менга қарши уруш очдингиз», — дейишга тилим бормаиди. Сизни ҳозир шундай бепатифотлик билан кўрганам учун ниҳоятда уятлиман. Қўшни тортиб, Сизга қарши жангга отланиб, қаршингизда уруш сафини тузганимга иқрорман. Аммо бу фожиянинг юз беришидан хабарим йўқ; бу хиёнаткорлар билан сирдош эмасман. Тўғри; менга ҳозир бир хат ҳам юборган эдилар, лекин уни ўқиб, бундай бўлишини гумон ҳам қилмай, ташлаб юборган эдим. Хатни келтирган одамга гарчи жазо бермаган бўлсам-да, аммо бу ишга розилик ҳам билдирганим йўқ. Ҳозир бу ҳодиса юз бергач, ёруг олам кўзимга қоронғу бўлди. Шунга амин бўлсинларким, ҳақ мададкорлари бўлмиш жаҳондор истасалар, Искандар у жанобдан илгарии ўлишга, шаҳаншоҳнинг яна минг йил ҳаёт кечирришларига розидир.

Шундан сўнг, Доро:

— Менинг икки-учта сўзим бор, шуни айтишга кўзим мунтазирдир, — деди.

— Мени у муродингиз билан сирдош қилинг, — деди Искандар, — қандай фармонингиз бўлса, буюриб бошимни кўкка етказинг.

Искандардан шундай ёқимли муомалани эшитгач, дуолар қилиб, жаҳон шоҳи Доро шундай деди:

— Менинг бу уч сўзим — учта васиятимдир, шуни баён қилимоқни кўнглимга тугган эдим.

Биринчиси шуки, бегуноҳ бўлганим ҳолда, мени қатл этиш учун қўл қўзган у икки душманимни адолат юзасидан қатл эттирасан ва шу билан менинг руҳимни шод этасан. Бундай қилингани билан менинг жароҳатим тузалмаса ҳам, аммо бу чора сенинг келажакинг учун фойдалидир.

Иккинчиси, менинг қавму қариндошларимга зулм қилма, ахир улар Каёний авлодларидирлар. Шунга имоним қопилки, қариндошларим орасида қўлидан сенга қарши адоват келадиган одам йўқдир. Карам — яхшилиқ қилсанг, уларнинг ҳаммаси сенинг фуқаронг бўлиб, шимаики хизмат



буюрсанг, балкону дил адо эгадилар. Қадим хонадоннинг уругини қуритиб юборма. Улардан сенга ҳеч қандай хавф ва хатар етмайди.

~~Унингиси шуки,~~ менинг Равшанақ деган қизим бор. У бутундан бошлаб менинг менсизимдир. Унда Каёний султонларининг нишонаси мавжуд. У Каёнийлар тоғининг меросхўридир. У салтанат денгизининг пок дурри, ша- раф осмонининг порлоқ юлдузидир. Ўз хонадонининг у шам билан ёритгин, у билан ўйнаб-қулиб, ўзининг овутигин. Меҳр-муҳаббат билан уни ўз уйингга киритиб, ақд-никоҳ билан бағрингга олгин. У менинг бузилган экинзоримнинг бошоғи, пораланган жигаримнинг бир парчасидир. Ҳарамимда сен менинг бир фарзандим ва ушбу хаста бағрим пайванди бўл. Равшанақ ҳам сендан баҳра олиб, бир фарзанд кўрса, у ота тарафдан Искандар табиату она тарафдан Каёний зот бўлгусидир. Кейин у ҳам дунёда адолат ўрнатиб ишига бел боғласа, иккаламизнинг насл-насабимиз учун дуруст бўларди. Мана шу васиятларимни қабул қилиш билан ярали кўнглимни шодлантир. Зеро, эмди менинг видолашиб чоғим етиб келди!..

Искандар кўзидан ёш тўкиб, фиғон чеккан ҳолда:

— Эй, дунё тахтининг шаҳаншоҳи! Итоат юзасидан сизнинг ҳузурингизга келган эдим, ниманки ҳукм қилган бўлсангиз, ҳаммасини қабул қилдим. Умидим шуки, оллоҳ тавфиқ бериб, Сизнинг руҳингиз менинг узримни қабул айлагай!

Нима деган бўлса, унинг ҳаммасини Искандар қабул қилганини эшитгач, Доро кўзини мангуга юмди. Ажал шони ҳаммаёқни ўз зулмати билан қоронғилатган бўлса, ажабланманг. Зеро, куёш қиш кунига қараб ботди; Лухросбининг қонунлари йўққа чиқди; Гуштосбининг расм-русумлари барбод бўлди; Кайхисрав ёритган чироглар хираланди; Сиёвуш ўтидан бағрида доғ қолди. Ковуснинг номи ҳам унут бўлди; балки Кайқубоднинг шуҳрати ҳам сўиди; Манучехрнинг арвоҳи чирқираб қолди; Фаридуннинг жонига даҳшат тушди; Дорони жондан жудо қилган бу дунё Искандарни Доро мартабали жаҳондорга айлантирди!

Ниҳоят, Доронинг танасини шоҳона тахтиравонга солиб, унинг устини Каёний таомили билан ўраб, жанг майдонидан олиб чиқиб кетдилар, натижада у ер губор ва қондан тозаланди. Шундан сўнг у ўт-ўланларида беҳишт ҳиди келадиган жаннатдек бир жойни топиб, ўз қўшинларини шу кўм-кўк далага қўндириб, кўк гумбазидан ҳам балад бир боргоҳ қурдирди. Шу чодирга кириб, тахт-

га чиқдич. «Ўруш ва ўлдириш тўхтатилсин!» — деб элга омонлик ҳукмини берди.

Эй соқий! Май келтирки, уни ичиш билан жон тонай, гам билан ўлимдан омон тонай. Аммо давр Дорога кутилмаганда захар берган экан, Искандарга умри боқий оби ҳаёт бермайдик-ку!

Эй мутриб! Чап нагмасини созла. Лекин бу куйингга йингини жўр эт. Мен ўз дардимга фиғон тортиб йинглайин, бир нафас худди шишадек қоп йинглайин.

Эй Навоий! Бу жаҳоннинг вафоси йўқ. Унинг расмиодати нақ жафокашликнинг ўзгинаси-ку! Ўзинг вафодор бўлгин-у, аммо дунёдан вафо кутма! Агар бу дунёда наво истасаинг, бенаволий йўлини тут!

## XXVIII

*Шоҳликнинг тартиб-қоидалари ҳақида гап борадиган бўлса, тақдири азалийдан намоён бўлгани шуки, ушбу жаҳонда хоҳ фаришта, хоҳ пайғамбарлар, хоҳ авлиё гуруҳи бўлсин, хоҳ оддий халқ жамоати бўлсин, қадр ва мартабада ҳар бири ўз ерида тартибга солинган ва бундан кейин ҳам ўша дастур билан иш олиб борилса яхшироқ бўлибгина қолмай, балки заруратга айланиши шакл-шубҳасиздир*

Кимки шоҳлик қилишни истаса, барча аскарларнинг ҳолидан воқиф бўлсин. Уларнинг таъминоти масаласини ҳал қилганда ҳар кишининг даражасига қараб иззатини бажо келтирсин. Улуғ мартаба эгасига улуғвор илтифот кўрсатиб, кичигига кичикча саховат айласа; кимки ўрта даражадаги амалга эга бўлса, унга нисбатан: «Ҳар бир ишнинг яхшиси — ўртача ҳолат» деган ҳикматли сўзга амал қилса, дуруст бўлур. Улуғ кишиларни кичиклардек камситмаслик, кичикларни улуғлар қаторига кўтариб юбормаслик лозим. Шундай қонун-қоидаларга риоя қилган шоҳнинг эл-юрти тез орада гуллаб-яшнаб кетади. Ўз ишида бахт-саодатга, яхши натижаларга эришади ва салтаватини идора қилишда ҳамма мақсадларига етади. Қайси шоҳ бу тартибларга риоя этмаса, ундан қандай рўшнолик кутиш мумкин?

Масалан, ёш бола ўзини хурсанд қилиш учун шатранж ўйнайман деб доналарни тергани билан ўйнашни ва теришни билмаса, олишнинг ва беришни билмаса; масалан, пиёданни шоҳнинг ёнига қўйсаю фили руҳнинг ўрнига терса ва умуман, ҳамма доналарни шу хилда пойма-пой

жойлаштира, ўзингиз айттиг-чи, ақлли кишилар бунга нима дейдилар? Унинг бу ўйини қанча чўзилса ҳам, бари бир ўйин эмас ва ўйинлик аҳамияти ҳам йўқ. Бу худди ит тувагига сомон солиб, от охурига суяк ташлаб қўйгандек ишдир. Агар биров бўрига қўзини едирса, у ўз қўли билан ўзига бало ҳозирлаган бўлади. Биров қорин тўйгазиб шер роҳатлансин, деб унга бирон жониворни қурбон қилса, буни ҳам ақл маъқул топмайди. Кимки арслоннинг қоринни тўйгазиш ташвинини қилса, фурсат топиб, арслон унинг қоринни ёради. Този итнинг бошига тож кийдириш мумосиб эмас. Нутуқчи деган кичкина қушнинг бошига тумоқни кийгизишдан не эҳтиёж бор? Тезпарвоз шунқорнинг бошига эса зийнатли тумоқ ҳам оз. Нодон одамларнинг табиатига зарбафт кийим ёқмагани сингари эшак олдида хушбўй заъфарон ўсимлигининг қиммати йўқ. Кимки илоннинг бошини янча, ўз йўлини балодан тозаллаган ва агар уни қўйнига солса, ўзини ўлдирдиш учун ажал сиртмоғи тайёрлаган бўлади. Илонни қўйнингга солишни ҳавас қилма, бу ахир тасбеҳ эмас, илон-ку. Агар бўрибосар бўлса ҳам итнинг жойи эшик тагидадир, мушукка эса ўйиннинг тўри макон бўлади: чунки ит дашт йиртқичларини, мушук уй зараркунандаларини овлайди. Одам қанча сабъ-ҳаракат қилгани билан бу махлуқларнинг бири қилган ишни иккинчисига қилдиrolмайди. Ановисини ўз ерида овқатлантириш зарур бўлгани каби, бунисини ҳам ўзига мумосиб парвариш қилмоқ лозим. Агар аҳамият бериб қарасангиз, зарурат вақтида буниен ҳам, униен ҳам керакдир.

Тагин бир ажиб ҳолат бор, шоҳлар буни ҳам билиб қўйишлари шарт. У ҳам бўлса жавоҳиршунослардек фаросат билан ҳар кимнинг ўз феъл-атворига қараб муомала қилмоқдир. Яъни лаълини кўраркан, чўг деб гумон айламаса-ю, чўгни кўрганда гавҳар деб ўйламаса; ферузани эшакмунчоқдан ва бутун чининини синиқ кўзадан фарқ қилса. Лекин бу ишда анчагина қийинчилик бор, зеро осмондаги юлдузлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлгани сингари дунёдаги одамларнинг ҳаммаси ҳам аслида бир хилга ўхшайди. Фарқи шундаки, ёмон одам шумнийат бўлса, юлдузлар бахтиёрлик нурлари тарқатади. Агар, мисол учун бир онадан эгизак бола туғилса, шунинг ҳам бири яхши-ю, иккинчиси ёмон бўлиши мумкин. Арабча билан ёзганда «алф» ва «алиф» ҳарфи (I) бир шаклда бўлгани билан, ҳисобда бири — «минг»ни билдирса, иккинчиси «бир» маъносини билдиради. Биёбонда ўлган тошбақанинг қуруқ чаноғи шаклан садафни эслатади.

Лекин бунинг бирнда дурдона бўлса, иккинчиснда бир нечта чириган суякдан ўзга нарса бўлмайди. Муз сумалаги кўринишда шамъга монанд, ammo бирининг бошиги ўт бўлса, иккинчисиники сувдир. Шакар майда тузга ўхшаса ҳам бари бир, бири тузу бири қандир. Бахт қуши ҳисобланган ҳумо худди ўлимтиқхўр қаркаста ўхшагани билан иккаласининг ораснда гоит катта тафовут бор.

Бишобарни, шоҳда фаросат нури бўлмоғи, буларнинг бир бирдан фарқ қилишда зиёраклик кўрсатмоғи лозимдир. У бронзадан олтинни, кизил товадан қуёшни фарқ қилишни шарт. Агар бундай еничковлик қобилиятига эга бўлмаса, ҳар бирини амалда кўп марта синаб кўрмоғи даркор. Агарда унинг қўл остида довишманд, илм-ҳикматда мамлакатнинг оройини бўлмиш одамлар бўлса, шундай шароит тугдирмоқ лозимки, уларнинг кўнгли мутлақо рағжимасин. Подшоҳдан айрим кишиларгина қарам кўрмасдан, ёш-қари, катта-кичик бирдек рози бўлмоғи керак. Агар шоҳдан ўз халқи хурсанд бўлмаса, душман қасд қилган пайтда ақлли иш қилмаганини ўзи ҳам сезиб қолади. У чет душманга қарши тиг кўтариб нима қилади? Ахир ўз халқи бошдан-оёқ унга гавим-қу. Ўзининг элулусини душманга айлантириб қўйган шоҳдан зафар четлаб кетади. Агар йиллар давомида халқ бу шоҳ билан юзаки яхши муомилада бўлса, хонаси келганда улар албатта ўз душманликларини ошкор қиладилар.

## XXIX

*Султон Абу Саид Кўрагон... ҳикоятим, ўз тадбиркорлиги билан кўп мамлакатларни босиб олди ва умр эгови бўлган қилчи билан кўп элларнинг бошига гавго солди ва лекин сипоҳи (қўшини) шоҳдан норози бўлгани туфайли, уруш пайтида шоҳга қарши қўзғолди ва душман аро ёлғиз ўзи таҳликада қолди ва ёв ул ҳукмроннинг бўйинини қасд тиги билан чонди*

Ақл-идроқи ўткир бир подшоҳнинг лақаби Кўрагон эди. Хуросон ва Мовароуннаҳрдан ташқари кўп ўлкалар ҳам унга қарам эди. Хоразмдан тортиб Қирмон мамлакатларигача, Қошғардан то Сипоҳонгача бўлган жойларни ҳам босиб олди. Зобулистоню Қобулистон ўлкалари бунинг парварини баҳоридан гулистонга айланган эди. У ҳисобсиз мамлакат ва шаҳарларни олиб, салтанатда дунёнинг энг катта шоҳига айланган эди. Билим ва пухта тадбиркорлик бошига жаҳонгирлик хавасини солиб, Табризу

Румга ҳужум қилиб, у ерларни босиб олиш ҳақида ўз қўшинига фармон берди. Тангри Кўрагонга кўп хунар билан баробар бир ажойиб айб ҳам берган эди. У хазиналарни йиғиб, тўплайверар эди-ю, қўл остидаги лашкарларни ундан баҳраманд қилмас, гоит хасис эди. Бу ишдан у ўз кўнглида хурсанд бўлгани билан аскар ва сипоҳлари шохдан ниҳоятда норози эдилар. Абу Саид ўлкаларга қўшин тортиб борганда у ернинг шоҳи ҳам лашкар йиғиб, мамлакатга шикаст етмасин деб бунинг қаршисига чиқиб, уруш эълон қилди. Жанг ҳаддан ташқари қаттиқлашиб, уруш ниҳоятда чўзилиб кетди. Кўрагондан лашкарлари озурда бўлганлари туфайли бошларига қийинчилик, азоб-уқубат тушган пайтда шоҳнинг буйруғини ҳар тарафлама бўзиб, душман галабасини кўзлаб қолдилар. Улар ўз шохларининг буйруғидан бўйин товлаб, қочини билан қаноатланмай, балки душман қўшинига мадад бера бошладилар. Натижада бевафо фалак бемехрлик кўрсатиб, дунёнинг энг катта шоҳи душман қўлига асир тушиб қолди ва шундай равшан табиатли одам дунёдан йўқолди, яъни душманлари унинг жонига қасд айлаб, қилчларини унинг қони билан бўядилар.

Қайси шохданки фуқароси хурсанд бўлмаса, ишнинг долзарб найтида пушаймон бўлиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Қўшинидан ажраб қолган шоҳ ёлғиздир, айтинг, ёлғиз одамнинг қўлидан нима иш келиши мумкин? Гулистондан узилган гул охири қурийдир. Бададан ажратилган юрак эса бир парча эдир. Шоҳ ўз қўшини билангина қудратли бўлгани каби, қўшин ҳам ўз шоҳи билан кучлидир. Шоҳ ва қўшин худди ошиқ-маъшуқлардек бири-бири билан иттифоқ бўлмоғи, ҳар бир ишни келишиб қилмоғи даркордир.

Жаҳонни олмоқлик осон иш эмас ва лекин иттифоқу аҳилчилик бўлса қийин ҳам эмас.

### XXX

*Фикр эгаси ақл ишлатиб, покиза иш юзидан ниқоб очгандан кейин нега унинг висолдан баҳра топмайди, деб Искандарнинг Арастудан сўрагани ва унинг жавоби ҳақида*

Омонсалобатли шоҳ яна қатла сўрадики:

— Эй Афлотун шуқуҳли Хаким! Қиши ўз феъл-хўйи туфайли зиён кўради ёки фойда топади. Ўз феъл-атворига ақл-идрок билан боққан одам ҳар бир ишнинг қайси фойдали, қайси зарарли эканини англаб олиши қийин эмас.

Масалан, тама кишини хор қилади; қаноат эса одамга ша-  
раф бағишлайди. Шоҳлик иши ҳам айнан шунга ўхшайди;  
фазилат яхшиликка йўлбошловчидир. Эли рози қилган  
шоҳ кўп халойиқнинг дуоси билан ўз мақсадига етади.  
Ҳақиқатини олганда баъзи шоҳлар бир ишни қилишда ўз  
фойдаларининггина кўзлайдилар, ўз мақсад ва умидларини  
юзга чиқаришининггина ўйлайдилар. Бинобарин, савобли  
фикрларни тарк этиб, ёқимсиз феълларни амалга оши-  
ришга уринадилар. Бунинг натижасида обрўларига путур  
етиб, қарамогидоги одамларга ўзи қарам бўлиб қолмай-  
дими? — деди. Доно ҳаким ўз фикрини чуқурлаштириб,  
тубандаги гўзал ва нозик маъноли гапларни баён қилди:

— Билим денгизига шўнгиган кишилар сен берган  
саволга ҳар хил жавоблар айтганлар.

Биринчидан, киши ақл ҳакамлигида иш тутса, ях-  
шилик ва ёмонликни озми-кўпми фарқ этади. Унинг таъби  
яхшиликни маъқуллайдиган бўлгани учун қилган ишлари  
ҳам фойдали бўлиб чиқаверади. Бироқ бажарилиши ма-  
шаққатли бўлган ишларга эмас, балки енгил ишларга  
кишининг нафси кўпроқ мойил бўлса қачон киши ўз наф-  
си истагига эрк берса, у халқни фойдадан бебахра қилади.  
Иккинчидан, кимда-ким бирон ёмон хислатга эга бўлса,  
ҳар ишда ва ҳар қандай ҳолатда ўша туғма хислатнинг  
таъсирида бўлади. У бир ишнинг яхшилик томонини кўриб  
турган ҳолда, «ёмон» деёлмайдию, аммо табиати уни ёқ-  
тирмайди. Шу ишни қилса, бахтиёр бўлажасига кўзи етса  
ҳам уни қилишга табиати йўл қўймайди.

Учинчиси, масалан, биров юлдуз илмига ишқибоз бў-  
либ, эртаю кеч юлдузлар дунёсига кўз тикиб ўтирадиган  
бўлиб қолса-ю, яна бунинг устига толеъ юлдузи ҳам унга  
ёр бўлса, албатта фойдали бир иш чиқаса олади. Котиблик  
иши жуда нозик ишдир. Масалан, биров қотибликка иш-  
қибоз бўлса-ю, ўз қўли билан Қуръонни кўчириб ёзишни  
истаса, аммо у қанчалик бахтиёр одам бўлишига қарамай,  
бу ишда толеъ юлдузи унга ёр бўлмаса, қотибликка жонин  
борича саъй-ҳаракат қилгани билан ёзувчи — мирза бў-  
либ, бунинг орқасидан нон еёлмайди.

Мана, юқоридаги уч масалага шу тарзда қарамоқ лозим.  
Лекин худопараст одамлар айтадиларки, хоҳ ақли масъуд  
ва хоҳ бутпараст бўлсин, тақдирида нима ёзилган бўлса  
шунини кўради. Қанча тадбиру чора ахтаргани билан ҳеч  
ким тақдирни тағйир қилиб, ўзгартириш имкониятига  
эга эмас. Қимки бир ишни «савобли» деб билсаю, аммо  
уни юзага чиқариш имкониятига эга бўлмаса, бунинг ҳа-  
қиқий сабаби у ишнинг юзага чиқишига тағйирнинг хо-

ҳиши йўқлигидадир. Биров бир ишни тадбир билан юзага чиқазса билган экан, у ҳам тадбирнинг тақдир продаси билан бўлган. Ҳақиқат изловчи одамлар наздида бу тунча ҳеч шубҳасиз тўғридир.

Эй покзод одам, агар сен инсоф эгаси бўлсанг, кундан-кунга бу фазилатнинг зиёда бўласи.

Ҳаким Арасту шу каби ҳизматли фикрларни баён қиларкан. Искандар бу сўздан хазина товғандек бўлди ва бу суҳбат бойлигидан кўнгли тўлиб, жон-жаҳони роҳатланиб, сувут айлади.

### XXXI

*Искандарнинг Доро мамлакатларига молик бўлиб, унинг бойлик ва хазиналаридан қўши ва булутдек саховат билан зар ва дур ёғдириб, қўшин ва фуқарони у эҳсонлардин обод этиб, оламдаги мамлакатларнинг шоҳларига элчилар юборгани ва уларнинг ҳаммаси унинг амрига итоат қилганлари ҳолда, Кашмир шоҳи номувозиқ афсун йўқиб, Ҳинд рои терс жавоб бериб, Чин хоҳони чин сўз айтмагани*

Бу зафарномани ёзган одам хангомани шундай тасвирлади:

Искандарга бунчалик зафар ёр бўлгач, душманларига бунинг даргоҳи сизинадиган жойга айланди. Бир неча доропараст гуруҳлар мавжуд бўлиб, улар ҳам унинг ҳукмига бўйин эгдилар. Доронинг ҳалокати ҳаммага маълум бўлгач, барча шоҳлар Искандарга итоат билан бош эгдилар. Шундан сўнг узоқ мамлакатлардан келган халқлар худди шамолдай ўз ватанларига жўнаб қолдилар. Сақлоб ва Шарқ мамлакатларининг султонлари, шунингдек Хоразм, Ҳинд ва Хитой мулкининг шоҳлари ўша қуниёқ қочиш чорасини кўрдилар ва тезлик билан ўз мамлакатларига кетдилар. Искандарга галаба йўлдош бўлгач, худди чангалзор шеридек шавкатга эришди ва буюк тахт устига чиқиб ўтириб, Доро васиятини амалга оширишга киришди. Бурун, шоҳ Дорога шоҳлар урф-одатига муносиб йўсинда аза очди. Мотамини эъзоз ва чидам билан тутиб, шоҳона одатлар билан дафн эттирди; унинг ҳолига, йўқ, унинг ҳолига эмас, ўзининг аҳволига зор-зор йиғлади. Зеро, Искандар бошига беҳад улуг иш тушган эди, ахир иш қанча улуг бўлса, ишчи шунча қайгулик бўлади-да. Доронинг дафн ва таъзия маросимидан бўшагач, уни ҳалок қилган икки қотилни келтириб, сўроқ қилди ва

сўнгра икки устунни ерга кўмдириб, дор ясатиб, у икки хойини ўша дорга оёгини осмондан қилиб остирди. Ундан кейин бу қотилларни камондан ўқ отиб ўқбўрон қилишга фармон берди, халқ уларни ўқбўрон қилди. Кимки ўз шоҳига хиёнат қилса, у бахтиқаронинг жазоси шундай бўлгай. Сўнг Искандарнинг буйруғи билан уларнинг баданларини куйдириб, кул қилдилар ҳамда кулни кўкка совурдилар.

Яна афви умумий ҳақида ҳукм чиқазиб, Доро авлодларидан қасида, хоҳ хафа, хоҳ хурсанд, ким бўлса ҳаммасини овоз деб эълон қилди ва уларнинг кўнглидан ваҳму хавфини йўқотди. Доро уларга иқтоъ қилиб, қанча ерсув берган бўлса, Искандар ҳам муроса юзасидан у ерларга тегмади. Яна тагин одамлар ичида ишончли, йиғин кўрган ва ҳурматга сазовор бўлган кишилардан бирини Равшанаққа хат бериб юбориш учун тайинлади. Равшанаққа ёзилган номада азанинг қора мусибатлари ҳақида қайғуриб, тубандагича фойдали панд-насиҳатлар ҳам битиб юборган эди:

«Кўн бефойда йиғи-сиғи қилма. Тангри ҳукмига хурсандлик билдирмоқ — саодат гулидан баҳраманд бўлмоқ демакдир. Жаҳон боғидан гулбун йўқолган бўлса, янги, тоза гул гунчалар яшнаб очилгай. Агар фалак садаф кўксини чок қилган бўлса, ундан чиққан дурри пок шараф тоғини безатгай».

Сўнгра фармон қилиб, у ердаги одамларнинг ҳаммасига инъом-эхсон беришни ваъда этди. Шундан сўнг сарв озодини, сарв эмас, хури паризод шоҳ қизини ўзининг хонадонига келтиришларини буюрди. Ундан кейин Доро васиятларининг ижросига киришиб, жаҳонгирлик ишларини бошлаб юборди.

Доро хазинасида йиғиб қўйилган ошкора ва махфий мол-дунёнинг барчасини аниқлади ва жамлади. Бу бойликлар шоҳдан шоҳга қолиб келаётган, Фаридуи замондан тортиб, дунёнинг ҳамма мамлакатларига ҳукмронлик қилган Қайқубодгача; ундан сўнг, унинг авлодларига қолиб, бири кетса, бири шоҳ бўлиб, ундан яна бирига мерос бўлиб қолаётган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жаҳоннинг мол-дунё ва хазиналари эди. Буларнинг биттаси даврида қанча бойлик ортиб, хазиналар тўлса, иккинчиси келганда бу бойлик яна икки баробар ошиб, то дунё шоҳи Доро жаҳон тахтига ўтириб, даврон сурган пайтигача давом этиб келарди. Бу сулола оламда бир минг-уч юзу ўн тўрт йил жаҳон халқларига шоҳлик қилди. Манашуларнинг шунча давр ичида жамлаган беҳисоб хазина-



ларининг ҳаммасини ҳақ таоло Исқандарга насиб этди. Эшитишимга қараганда, Доронинг хазиналар билан тўла бир юз саксонга қалъаси бор экан. Бу махфий қалъаларнинг ҳаммаси жавоҳирот хазиналарини олтин-күмүш дафиналари билан лиммо-лим эди. Исқандарга бир одам хазина қазитини келтириб берса, иккинчи биттаси қалъа очтигини топширар эди. Шоҳ улар билан қалъаларни қидириши ва хазиналарни топиши ҳақида кўнгина суҳбатлар ўтказди. Бирига мурувват қилса, иккинчисини ўмидвор этди. Қайси қалъадан биронта одам келиб қолса, бу ишни шу ондаёқ ўшанинг ўзига вазифа қилиб топширар эди. Лекин уларнинг ҳаммаси аниқлангунча: бор хазиналарни яхшилаб текшириб, ундаги тайёр бойликларни ҳисоб-китоб қилиб туришни мутахассисларга буюрди. Шоҳнинг маҳкамасида жам бўлимиш хазиналар ҳақидаги фармон дафтарини топтириб, хоҳ лаълу ёқут ва хоҳ дурри-гавҳар конининг посбони бўлсин, ҳамма хазиначилардан ҳисоб талаб қилди. Уларнинг қайси бири давлат дафтариди рақам қилинган маблағ асосида ҳисоб берса, уни ўз ҳузурига қабул қилажаги ҳақида, ҳисоби тўғри чиқмаганини эса жазолаш ва ишдан четлатиш ҳақида фармон берди. Улар хазинадаги барча молу дунёни жамлаб, ниҳоятда ёруғ юз билан шоҳга арз этдилар. Буларни кўриб, хотиржам бўлгач, хазина нисор қилувчи шоҳ: «Бу бойликларнинг ҳаммасини ўрдага ташиб келтирилсин!» — деб фармон берди. Шундан сўнг ҳамма хазиначилар тўда-тўда бўлиб, худди денгиз томон жадаллик билан оқаётган селдай хазиналарга қараб жўнадилар. Шоҳ фармонига итоат қилиб, бойликларни шоҳ саройига таший бошладилар. Шу тахлитда икки йилгача хазиналар шоҳ қасрига бетўхтов ташилди. Лекин буларни ёзиб турган ҳисобчиларнинг рақамига қараганда, икки йилда келтирилган молдунё мавжуд жаъми хазинанинг ярмини ҳам ташкил қилмас эди.

Шундан сўнг шоҳ, бир одамга: «Бош хазиначи қолган бойликларнинг ҳаммасини тахминан аниқлаб, ҳозирча хазина эшикларини бекитиб, қулфласин ва қачон буюрсак, шу замонда саройга келтириб топширсин» — деб фармон берди. Муҳтарам шоҳ қандай ҳукм қилган бўлса, ишни худди ўша хилда бажардилар. Ҳисоб-китоб фанининг мутахассислари келтирилган дунёнинг ҳисобини етти юз минг туманга қиёс этдилар.

Сўнгра Доро мартабали, Жамшид шукуҳли шоҳ: «Доро қўшинидаги ҳар бир лашкарбоши, қисм қўмондонини ва эшик оғаларининг давлат девони — маҳкамасидан шу

пайтгача қанча маош олиб келганини аниқлаб, шохга арз қилишени ва бу ҳақдаги улар фикрларини баён қилиш ҳам унутилмасин». — деб фармон берди. Шу асосда, ин-манки бўлса, кўнми-озми ҳаммасини арз қилдилар. Бу Искандар назарига жуда оз кўринди. Шохга айтдиларки: «Бу инлар ҳозир тубандагича бўлиб, авваллар бир неча марта ўзгарган. Яъни ҳарбийларга тўланадиган маошнинг ярмисин давлат девоидан берилган бўлса, ярмисин халқдан ундирилган ва бу тартиб улус бошига бениҳоя ранж-машаққат солиб келмоқда», — дедилар.

Доро синоҳларининг маоши қандай бўлганини билгач, дарё саховатли Искандар лутф-марҳамат қилиб: «Агар Доро иккидан бирини бериб, унинг ҳам ярмини халқдан ундириб келган бўлса, биз буни икки барабар оширамиз. Уларнинг ҳаммасини хазинадан берамиз», — деди ва эл-улусни қўшини маошнинг ярмини тўлаш машаққатидан қутқарди.

Бундан ташқари, тўрт юз минг киши чокарлик — хизматкорлик юзасидан мойна олар эди. Бу хилдаги тобе кишиларга давлат ихтиёридаги ерлардан ҳам улуш бериб, ҳаётини янада фаровонлаштириш чорасини кўрди. Яна бундан бошқа, икки юз минг мойнахўрнинг маошини икки баробар кўпайтирди. Яна олти юз минг аскарни, маошдан ташқари, озиқ-овқату кийим-кечак билан таъминлашни буюриб, ўз тахт-салтанатининг шуҳратини осмонни фалакдан ҳам ўтказиб юборди. Ҳарбий хизматчиларнинг мойналарини икки баробар оширгани ҳолда, фуқародан ундириладиган солиқларнинг ярмини камайтирди. Лашкарни обод ва хурсанд, фуқарони ҳам шод ва обод қилди. Аскарларнию фуқаросини хазина билан бойитиб, унинг ҳам, бунинг ҳам қийинчилигини бартараф қилгач, айтдики: «Мен ганж — хазина иштиёқманди эмасман. Мен учун халқ ва лашкар хазинадир. Агар бойлик денгиз ва қондан кўпу, хазиналар жаҳонни босиб кетган бўлганда ҳам уларнинг нафи тегмайдиган бўлса, у хазинада кўмпиллиб ётган лаъл-ёқутдан харсангтош яхшироқдир. Зеро, харсанг безарар бир тош бўлгани ҳолда, ганж — хазинадан эл жонига кўп хатар бордир. Бир кишининг бекитиб қўйган мол-дунёси бўлса, шу мол-дунё туфайли ҳамма унга душмандир. Халқ маъмур бўлса, шунинг ўзи бир хазина бўлиб, бу куч билан бутун жаҳонни осонликча фатҳ этиш мумкин дир».

Ҳа, дарҳақиқат, халқ Искандарнинг давлати бўлиб, бу сармойани у ўзининг саховати ва лутф-марҳамати соясида қўлга киритди. Эрон элини ўзидан рози қилган Искан-

дар жаҳонни эгаллаш орзусида белини маҳкам боғлади. Аввал илм-ҳикмат аҳлларидадан бир қанча фикри ўткир кишиларни аниқладикки, уларнинг ҳар бири гапирганда қилни қирқ ёриб, ўша нозик толалардан кийимлик тўқир эдилар. У олимлар тил тигини тортганларида, уларга мингларча қуролли кишилар бардон беролмас эди. Булар қандай фикрни ўтказиш ҳақида сатий-ҳаракат қилсалар, ҳар қандай душманини таслим қилиб, ўз йўлларига солардилар. Уларнинг тиллари шундай бурро эдики, дамига ёғ суртилган қилични эслатарди. Буларнинг барчаси ҳамма илмдан хабардор, ҳар бири оламшумул файласуф ҳисобланар эдилар. Олий фикрли шоҳ шу олимлардан ҳар бирини бир томонга номзод қилиб тайинлади. Биттасини Сақлобу Сақсин мулки томонга; яна бирини Ҳиндистонга; бошқасини Чин — Хитой юртига юборди; бирига Байтулҳарамга йўлланма берган бўлса, бўлагини Кашмирга жўнатиш учун ёзиб қўйди; биттаси Миер билан Бағдодга, бошқаси Навшод мамлакатига ёзилди. Ва сўнгра, буларнинг ҳаммасининг қўлига чуқур мазмунга эга бўлган хат тутқазилди. Бу мактубларнинг ҳаммасидаги мазмун бир хилда бўлиб, дилга ҳузур берувчи сўзлар, кўнгилга осойишталик бағишловчи гаплардан иборат эди. Бу номаларни ёзиш учун қаламни ишга солиб, хат санъатининг ажойиб намуналари тасвири чизилганди. Бу номалар зоти осмонда қойил-мақом бўлмиш тангрининг оти билан бошланди.

У тангри шундай қадимийки, ибтидоси йўқ: шундай азимки, интиҳоси йўқ. У оллоҳ бечоралар дилидагини билувчидир ва шаҳаншоҳларнинг шаҳаншоҳидир. У шоҳ бўлганда ҳам мартаба жиҳатидан бутун замоннинг шоҳи бўлиб, ҳаётидаги ҳамма фармонлар унинг ҳукми биландир. Агар бирон кимсани тангри ўз иродаси билан шоҳликдан маҳрум этса, унинг сабабини ахтариб юришга кимнинг ҳадди бор? Агар жонидан тўйгудек ҳолда бўлган гадо бўлса-ю, унга тангри шоҳлик насиб этса, кишининг буни рад этишга қандай мадори келади? У нимани ирода айласа, барча шоҳларнинг шунга розилик билдиргани авлодир. Ҳақ таоло ҳамд-саносини шу ерга еткурғач, гап-сўзни тубандагича давом эттирди:

«Менким — отим Искандару, етти иқлимни олмоқ тилагимдир. Сенинг отинг Хоқони Чин ва ёки Турон замин лашкарбошими, шуни билки, одамдаги бор-йўқ нарсалар бор бўлиш ва йўқолишдан иборат. Бу қонун бировнинг тадбиридан эмас, балки тангрининг тақдиридандир. У агар хоҳласа — гадоларга подшоҳлик беради ва хоҳласа

шоҳларни гадога айлантиради. Шоҳлар бунга тан беришлари, гадолар ҳам буни фойдали деб билишлари шартдир. Дунёда нимаки юзага келса, тангрининг амридан деб билмасликка, унга бўйин эгмасликка кимнинг ҳадди бор? Тангрининг ҳукмидан бўйин товлаш — унинг борлигига имон келтирмасликдир. Унинг ошқору ниҳон ҳукми билан бутун жаҳон менга nasib бўлди. Тангригина мени бу мақсад йўлида бахтга эриштирди. Бу ишнинг юзага келиши ихтиёримда эмас эди. Бошлаб мени бахт-иқбол қўлаб, ақл ва пами менга ёр қилди. Отам Рум кишварининг шоҳи эди, у ўлгач, Рум мамлакати менга қолди. Мен илм-ҳикматдан хабардор бўлиб, унга қизиққанам туфайли шоҳлик қилишга ҳеч қандай ҳавасим йўқ эди. Лутф-карамли тангри қайси ишни nasib этса, кишининг бунга ҳаваси бор-йўқлигининг унга аҳамияти борми! Пешонамга шу кесмат ёзилгани сабабли ҳақ таоло мени ўз ихтиёримга қўймади. Эл-улус ҳам афғону зор қилиб, мени ўз ҳолимга қўймадилар. Ғоибдан келган илҳом нимани амр этган бўлса, жонимни ҳовучлаганча шу ишга киришиб кетдим. Аввал тангрининг амри туфайли Зағбор подшоҳи билан жанжаллашиб, хабаш элининг қушини қаро қилдим. Ундан кейин уруш поғораларию сурнайларин чалиб, Бартошу Русларни ўз ҳукми остига олдим. Сўнгра суръатни қўлдан бермай юриш қилган эдим, ҳақ менга фаранг диёрини олишни ҳам nasib этди. Ана ундан кейин саъй-ҳаракатим янада ошқоро бўлиб, шаҳаишоҳ Доро ҳам қўлимга асир тушди. Устма-уст ёр бўлаётган бахт мени сарафроз айлаб, ҳақ мени шу ҳилда қудратли қилиб юборди. Толеим мени қайси тарафга юзлантирган бўлса, улар менга нисбатан ўн, балки юз баробар бўлса ҳам ҳақ амри билан уларга қарши жанг қилдим ва уларнинг чангини осмону фалакка чиқардим. Энди, ҳозир бутун Эронга қарашли мамлакатлару, уларнинг шоҳлари менинг ҳукми остига ўтдилар. Доронинг баланд мартабалигига тан бериб, унинг буйругига мутеъ бўлмиш гуруҳларнинг ҳаммаси даргоҳимга келиб, менга қуллуқ бажо келтирдилар. Мен уларга шундай беҳисоб июнотлар қилдимки, эл уни қанча тасаввур қилмасин, бари бир ундан кўпдир. Бинобарин, сенга ҳам бахт ёвару, толеъинг ёр ва раҳбарлик қилиб, бошқалардек менинг ҳузуримга ташриф буюрсанг, осмондек баланд даргоҳимга сизинсанг, дейман. Не амр қилсам, каломимни қабул айлаб, итоатимга бош эгиб, оёғимни ўтсанг, дейман. Мен ҳам сенга нима лозим бўлса, лутф-эхсон юзасидан марҳамат қилай; имконият борича сен билан келишай ва дўстлашай. **Бошқа-шоҳларга қараганда мар-**

табангни баланд айлай ва иноят тариқи билан иззат-ҳурматингни жойинга қўяй. Киншварингининг ҳаммасини ҳисоблаб, бошдан-оёқ сенинг ихтиёрингга хат ва рақам қилиб берай. Бошингга фалак офат солса, напоҳинг бўлай: душман адоват қилса, унга қарши курашда сенга иттифоқдош бўлай. Ва агар, ўртада бир монетьлик бўлса, бу тарафга келишни фойдасиз деб билсанг ёки бу томонларга ўтишининг иложини қилолмасанг, зарурат сени бу иқболдан маҳрум қиладиган бўлса ва ёки менинг оstonамга келишининг учун монетьликлар юз берса, бу ҳақдаги узрларинг маъқул ва тушунарли бўлса, у пайтда ининг, ўғлинг бўлса, икковини юбор: йўқ десанг, халқингдан биронта одамни жўнатгинки, у доно, соҳиб ақл, сенинг ўринингга муносиб ва ишончли одам бўлсин. У мол-дунё, яъни совғалар билан келиб, сенинг номингдан хизматкорлардек қуллуқ қилсин; қандай узрларинг бўлса айтсин; мақсад ва муддаоинг нималигини бошдан-оёқ баён этсин. Мен нимаики ваъда қилаётган бўлсам, вафо ҳам қилайин. Борди-ю, аксинча, бўйсунмиш ўрнига худо сақласин, жоҳиллик ва ўжарлик қилсанг, шиоринг урушиш бўлиб қолса, гумроҳлик айлаб, хато йўлга кирсанг, бевафо фалак бошингга нима кунларни солса, ўзингдан кўр. У пайтда мендан муросаю мадора умидини кутма. Нимаики қилсам гина қилма, мен маъзурман. Мақсадим шулар эди, ҳаммасини хатга ёздим. Қолган сўзни элчи баён қилар, вассалом».

Шу мазмундаги мактубни иншо қилиб, у элчига яна бошқа сўзларни ҳам изҳор айлаб, айтилиши керак бўлган гапларни қолдириб, керак бўлмаганларини мактубдан ўчирди. Ва агар бирон ноўрин гап-сўз хат ичида кетган бўлса, у ҳақда изоҳ беришни донишманд элчиларга топширди. Ҳамма хатлар битилиб, тартибга тушгач, уларнинг ҳар бирини бир тарафга жўнатишни тайинлади. Шундан сўнг ишни битиришда, гапни гапиришда паст-баландни фарқ қиладиган элчилар у хатларни олиб, ҳар томонга равона бўлдилар. Ҳар жонибга йўл олган элчиларнинг бир хиллари оз вақт юриб, манзилларига етдилар. Дунёнинг ҳар диёрида мамлакати бўлган шоҳ ва шаҳриёрлар бу ишдан хабар топгач, дилларида умид ёки қўрқув бўлишидан қатъи назар, хат келтирган элчиларни иззат-ҳурмат билан қарши олдилар. Уларнинг дилларидаги мақсадларига қулоқ солиб, шоҳ юборган номани кўзларига суртдилар. Хатни ўқиб, мазмунидан огоҳ бўлгач, ину мактубни олиб борган одамга ҳамроҳ бўлиб, ўзлари билан шоҳга атаб пешкаш — совғалар ёки хирож — солиқларни ва бошқа зарур нарсаларни олиб, шоҳни кўриш, бахтига муяссар

бўлмоқ умидида ҳаракат қилиб, Искандар ҳузурига етиб келдилар. Фақат уч киши хато қилиб, шохнинг олдига келишдан бош тортди. Шу уч киши баъзи ноҳўя вақтларни қилиб, Искандар амрини бажармадиларки, булардан ҳеч ким бундай муомалани кутмаган эди.

Жумладан, Қашмир шоҳи бўлмиш Маллу ибн Мабок, ҳеч қандай рисоя, андиша қилмай, дебдики: «Искандар агар бутун дунёнинг шоҳи бўлганда ҳам менинг мамлакатимнинг бу дунёга дахли йўқдир. Зеро, таъғри менга уч ҳунарни насиб қилибдурким, агар бировдан енгилсам қутилмаган ғаройиб воқеа бўлур эди. Биринчиси шуким, мамлакатим ниҳоятда мустаҳкам: унинг тоғлари баланд, қалъалари истеҳком шаклида. Бундан ташқари, бу ерда яна бир ажойиб иш қилинганким, қалъанинг бутун тева-рағи ҳам, ости ҳам дарёдан иборатдир. Иккинчиси шуким, менинг бир қанча сеҳргарларим бор бўлиб, улар ҳаммаси мендан мояна еб ётадиган хизматкорлардир. Агар менинг бошимга фалак бирон офат юборса, улар шундай шафқат-сизлик билан чора кўрадиларки, сеҳр-жодуни ишга солиб, юмронқозиқни йиртқич шерга, буғуни салобатда қонхўр қоплонга айлантирадилар. Агар Искандар оламнинг халқини йиғиб келтирганда ҳам унинг устига шундай офат елни эсдираманки, бу елнинг шиддатидан унинг бутун қўшини омонлик тополмай, худди елга совурилган сомондай тўзғиб, тумтарақай бўлиб кетади. Учинчиси шуким, агар Искандар урушқоқлик йўлини тутиб, зўравонлик билан мамлакатимга босиб келса, бу ер бир тоғлик жой бўлиб, баланд тоғнинг устида бир қўрғоним борки, бу қадимги илм-ҳикмат эгалари тарафидан мис ва бронза қотишмасидан яхлит қилиб қуйилган тилсимдир. Бу шаҳар ичида маҳфий ер ости йўли бўлиб, ногаҳон шох шу ерга тушиб қолса, то қўрғонгача бўлган бу йўлда чархи фалакка чиққудек бир иссиқ ҳарорат билан шамол қувони уйнаб ётганини кўради. Қачонки бу йўлнинг бир оғзини беркитилса, иккинчи оғзи ҳам албатта ёпилиб қолади. Агар бирон киши шу қўрғон ичига кириб қолса, у ердаги тилсимда шундай бир сир борки, ўша одам ҳаракат қилиб шу сирни очса, ўз душманидан ўт билан елни ўтирлай олади. Бу ер ғармселнинг макони бўлиб, агар шу ел эсмаса, одамлар қуйиб-ўртаниб кетадилар. Аксинча, агар шу ел қўзғалиб ташқари чиқса-чи, бу мамлакатда жонни бөр одамнинг қолиши мумкин эмас. Хожати бўлмаса ҳам айтганим, агар олов бўлмаса, одам ейдиган овқатини нима билан иширади?

Барча зарурат тақдир ҳукми бичан бўладию, аммо

Кашмирни эмас, ўзга иқлимни ҳавас қилсанг, дуруст бўлур эди».

Маллу шундай фикр баён қилгани каби, Хиндистон шоҳи Рой ҳам айтибдики: «Искандар олий мартабали шоҳдир, у қандай ҳукм этса, фармонини бажаришга тайёрман. Лекин дунё ҳомийси бўлмиш Доро сенинг томонингга қўшин тортиб борганида юз хил таъриф билан нома ёзиб, менинг ҳам сенга қарши юришда бирга бўлишимни таклиф қилган эди. Унинг сўзини ерда қолдириб бўлмасди. Устига-устак, йўл йироқ бўлиб, бир-икки йиллик яроқ ҳам лозим эди. Мамлакатимдан икки йиллик хирож олиб, қўшин учун ҳам қанчалик зарур бўлса бериб, унинг тайинлаган жойига, яъни Рум элининг шоҳи билан бўладиган жанггоҳга бориб етдик. Сизнинг баланд иқболингиз Дорони паст айлаб, ажал тузогига гирифтор қилди. Сизнинг иқболингиз душманнинг чангини чиқазиб юборгач, биз дашт-биёбонга қараб йўл солиб қолдик. Қурол ва қўшинларимизнинг ҳаммаси барбод бўлгани каби, фалакдан талай зулму бедодликларни ҳам кўрдик. Урушга қатнашган элим олдида хижолатга қолганим устига, асирга тушган аскарларнинг ҳаммаси қулга, озод юрган одамлар бандига айланди: шахзодалар жиловдор бўлиб қолди. Мен неча ойлаб биёбон кезиб, ўз мамлакатим пойтахтига етиб келгунимча, йўл-йўлакай аскарларим ўлиб, қурол-аслаҳам талон-тороғ бўлиб, бу ерга ўн ҳиссадан бири ҳам етиб келолмади. Шунча мол-жонимнинг гоийиб бўлганини кўриб, мамлакатим халқи оғир мусибатга ва ҳар хил хаёлга борди. Халқнинг аслида қора рангли дема, бутун мамлакат мотамга ботиб, қора кийимга бурканди. Мен, «Искандарга бўйсунмайман» демайман, йўқ, бошимга шунча шикаст тушганини айтяман. Сенинг ҳукминг бошим ва жоним устига, лекин зулм-ситам билан ҳалоқимни кўзлама. Бу кундан икки-уч йил ўтиб, бу мамлакатимда тинчлик-омонлик ва хотиржамлик барқарор бўлса-ю, исталган нарсани қўлга киритиш имконияти тугилса экан. Мен шундай кунни кўриш умидидаман. Икки-уч йил ўтмасдан сенинг таклифларингни қабул қилиш менга беҳад малол келади. Агар менинг бу гапимга лутф-марҳамат юзасидан қараб, фикрингни ўзгартмасанг, ҳақ пешонамга нимани ёзган бўлса, шуни кўрарман. Сенинг амринг қадо-қадарнинг ҳукми эмас-ку, ахир. Искандар ҳукмдор бўлса ҳам худо эмас. Мен сенинг сўзингни шунчалик ҳурмат қилдим, сен ҳам ўз иззатингни билсанг, ёмон бўлмас». Ҳинд шоҳи Ройнинг хатга берган жавоби ана шундай бўлди.

Чин шоҳи эса яна бошқача хитоб қилиб, дебдики: «Ис-

кандарнинг юборган мактуби заҳардан аччиғу қиличдан ўткир. Элчисини бу томонга юборган пайтда мактубини андиша билан ёзмабди. Менинг ҳам лашкарим кўп, эл-юртим ўзинга тўқ ҳаёғ кечиради. Менинг ундан камлик жойим йўқ. Бир шоҳ бошқа шоҳга ҳоким бўлмагач, унинг бундай мактуб ёзини ўринсиздир. Ёзган хатида ҳикмат сўзини ишлатиб, ўзини «ҳаким ва дошмананд» дебди. Унинг фикри шунчалик пок экан, юқоридаги сўзлари ақлга тескари эмасми? Боши осмонга етиб кетган одам ҳам, «Ҳоқонни Чин даргоҳимга келсин!» — деган гапни айтолмайди-ку. Доро шунча вақт жаҳондорлик қилган бўлса ҳам орамизда дўстлик барқарор эди. У бундай муомала қилмади, менга ҳеч қачон бу каби таклифда бўлмади. Искандарни иккинчи Доро деб билай, уни жаҳондаги мамлакатларнинг шоҳи ҳам деб тап олай. Лекин у бир нарсанинг маъносидан беҳабарга ўхшайди: Чин кишварининг ўзи ҳам бир жаҳондир. У йигитлик қилиб хатни шошиб ёзибди, аммо мен унга жавоб қилишда шошма-шошарлик қилмайман. Агар у ўз номасида дағалликка йўл қўйган бўлса ҳам мен қўполлик қилмайман. Агар у Доро каби дўстлик қилса, мен ҳам сўзига харидорман. Борди-ю, бундан ортиқ нарсани ҳаёл қилиб, мактубида ёзгани каби сўзларни айтса, орзусида муътадиллик бўлмаса, уруш ва жанг қилишдан бошқа иложим йўқдир. «Унинг устига босиб бораман», — деб айтмайман, йўқ, қайси ерда уруш қиламан, деса ўша ерга бориб, саф тузишга тайёрман. Лекин бошимга қўшин тортиб келса-чи, эшик очиб, шаҳримга киришга йўл қўймайман. Қўшинининг оёқ зарбидан чархи фалакни тўзон бостириб, шаҳардан чиқиб, бетма-бет жанг қиламан».

Юқоридаги учта мамлакат шоҳига бормиш учта элчи уларнинг гапни олиб, Искандарнинг ҳузурига келдилар. Улар ўз сўзларини юқорида тасвирлаганимиздек бошлаб, то охиригача бирма-бир адо қилдилар. Искандар ўз ҳузурига дарҳол келган шоҳларга жуда кўп илтифотлар қилди. Бир неча бор шоҳона базм тузиб, маю созлар билан улар кўнглини хушнуд этгач, шу учта мамлакат бобида улар билан фикрлашди. Бу шодлик базмларида ўзи ўйин-кулги билан банд бўлгани ҳолда, кўнглида ўша тарафларга юруш қилмоқ фикри тугилган эди. Лекин қиш яқинлашиб қолди. Шоҳлар қиш фаслида қўшин тортмайдилар. Бинобарин, кўнглида қишлаш фикри орзуси тугилиб, Аррон Қорабоғи томонга қараб йўл олди.

Эй соқий! Бир нафас ўй-хаёлни қўйиб, қадах ичига шишани тўнтар. Бир дамгина мен энди Ҳиндистону Каш-



миру Чинга юриш қиламан, деб ишмага ўхшаб юзининг  
ббуриштирмай тур.

Эй чолғучи ва қўшиқчи! Хиндча куй куйла, унга Каш-  
мирийлар сеҳрини омухта қил. Мен чиний идишдаги майни  
ичганимда сен жарангдор чиний идишни жўр қилиб чал.

Эй Навоий! Жон бағишловчи бодани есимир. Бу дунёда  
на Маллу, на Рой ва на Хоқон қолади. Бу мазмун май  
қадахининг даврасида ёзилмишдир. Бунга қараганда, эн-  
диги сўз юқоридагиларда эмас, йўқ, Искандар бобидадир.  
Йўқ, асли гап оламга оро берувчи Искандарда ҳам эмас,  
балки, Хизр билан Исо-Масихода бўлса керак.

### XXXII

*Изғирини ҳасратли ошиқнинг совуқ оҳидан нишона ва  
совуқ шиддати ўртанган шайдойиларнинг ўтли нафаси-  
дан афсона айтадиган, мармар тошига сўз бермайдиган  
қалин муз қатламлари ва жаҳонни қоплайдиган дурсочар  
қор чопқини таърифидаким, бу фаслда қуёшдек шуъладан  
ва балки май шуъласидан равшан бўладиган фалаксимон  
оқ уйда бир қуёш юзлик баҳори нозирвард гулрўйдан  
мажлис гулшан бўлгани*

Қиш чилласи базмини гулхан ва май билан қиздириш  
керак. Май худди ўтдек ҳароратли, ўт худди майдек қиз-  
дирувчи бўлса. Ўтнинг манқали май ширасидек жилва-  
ланиб турса-ю, май шираси худди манқалдаги ўтдек ўт-  
кир бўлса. Ўрдак шакл, тиниқ лаъл май идиши ёнида  
бўрдоқи ўрдак кабоби турса; ўтнинг шуъласи уйни гулшан,  
майнинг жилваси кўзини равшан айласа; уни бир ёқимтой  
дам-бадам алапгалатса-ю, буни бир маҳваш нозанин кетма-  
кет айлантираверса: ўт туташидан уд ҳиди таралса ва  
димогларни ҳар лаҳза май қиздириб турса; унинг чўғи  
гавҳар кони бўлса-ю, бунинг лаъли майи бир парча чўғ  
бўлса; лекин базм юз киши сиғадиган оқ уй ичида бўл-  
са-ю, оқ уйнинг ташқариси тун мушки билан қоп-қора тус-  
га кирса; ўша қоронғулиқ устига оппоқ булут таралиб,  
жаҳон бошдан-оёқ оппоқ қор билан қопланган бўлса; оқ  
уйнинг эшик ва туйнуқлари тамоман беркитилган бўлиб,  
уй даврасига катта наматлар солинган бўлса; созанда-хо-  
пандалар куйи авжига чиқса-ю, у куйларни улфатлар  
завқ-шавқ ва сукут билан тинглаб ўтирсалар; одамларни  
фақат май эмас, бир неча шўх гўзал ҳам ҳар хил поз-ка-  
рашмаю кўз сузиш, киприк ўқи отиш билан йиқитиб турса;  
бировларнинг кўнглига шу нозанилардан биришнинг пин-

ҳоний муҳаббати гам солиб, ҳаёлини ўзга оламларга элтиб кетса; май унинг эс-ҳушини олмасдан илгар, юрагидаги дардини ҳеч кимга ошкор эта олмаса; ичган бодаси унинг ҳушини олгани устига, қаршиенда ҳалиги маҳваш яна май сузиб, узатиб турса; у бечора дам-бадам ичаётган қадахдаги май аччиги устига, қадахдек аччиг-аччиг йиглаб кўз ёни тўкиб ўтирса; у позанинга боқмай деса, гўзаллигидан бебаҳра қолса, боқай деса, юраги дов бермаса; шунда ногоҳ ўша шўх ўжар унинг қаршиенга ўтириб олиб, юз ноз ила май қадахини тутаверса, унинг ҳолига вой. У ўша бодаларни ичиб, унинг олдига бош қўйса-ю, киёматгача бошнини кўтармаса, кошкийди! Агар шу аҳволда ўлса, уни ҳаргиз ўлим дема, йўқ, абадий ҳаёт деявер! Май-параст ошиқ бирон ерда маст бўлиб, йиқилиб, ўзидан кетса-ю, сахар чоғи маҳваш ёри уйғониб, унинг хуморини тарқатиш учун яна май тутиб журъакашлик айласа; шаъмлар ёқиб, яна базмни бошлаб шўхлик билан ҳар хил қилиқлар қилса. Худди мастлардек хумор-хумор боқиб, лаъли лабининг майидан мастларни яна майпараст этса; қора бўркининг учини қора қоши устига қийшиқ қўйса; қўзи пўстинига ўралиб, қўй шаклидаги ҳамал буржидан чиққан порлоқ қуёшга ўхшаб жилваланиб турса, кеча-қундузнинг шундай айланиши натижасида қиш ичида бундай баҳор бўлишини қиёс қила олмаса; шу суръат билан ошиғининг бошига келиб, ноз-истигно билан унинг ёнига ўтириб, қулоғидан тортиб уйғотса; кўзини очгач, минг туман ноз ўқини отса; алқисса, Исо-Масихо «куф-суф» қилгандек юз хил «дам» уриб, кеча ўлдирган ошиғини бугун бошқатдан тирилтирса, севгилисига у илтифот билан руҳ бағишласа-ю, Масихдек ҳаётбахш ёри қўлидан бу бечора ҳам оби ҳаёт ичса; Масих нафасидан жон топиб, совган вужудига ҳаёт суви юурса, икки қултум майдан ичиб шундай маст бўлсаки, базмдаги улфатлар ичида бунинг гапи дoston бўлиб кетса. Бунинг «маст» дема, ҳолдан тойган мажнун де, жинни бўлганда ҳам жуда парижон аҳвол жинни, де. Май ичган сари ҳарорати ва мастлиги ортгани каби у паризоднинг қилиқларини кўрган сари жиннилиги туғён уриб борса. Ишқ девона қилган шахс ўз сирини очиб кўйишидан ваҳимага тушиб, ўрнидан турса-да, уйдан ташқарига чиқиб, худди телбалардек ҳар томонга юурса, жаҳонни қор ичига қопланган ҳолда кўриб, уни иккиичи бир бошқа дунёга ўхшатса, совуқ тигидан шундай изғирин эсаки, бу изғирин қаерга тегса, худди пичоқдек кесиб юборса; сувлар шундай тош қотиб музласаки, уни тош билан уриб, ёриб бўлмаса; қуёшнинг кўзи бир кеса

муздек акс этса-ю, ундан сочилган нурлар худди қатра-  
қатра юлдузга ўхшаса; офтоб кўм-кўк фалакда кўринмай  
кетиб, оқшом чогидагина кўзга намоён бўлса; қуёш шуъла-  
си ниҳоятда нурсизланиб, табиатида ҳарорати ҳам йўқол-  
са; одамлар совуқ елнинг заҳридан юз-кўзларини ўраб  
олиб, нафасларининг тафтидан муз сумалаги ҳосил бўлса;  
қуш ўзини худди девоналардек ўтга ва парвонадек ёниб  
турган алангага урса; гўё тутуннинг остида шуъла тузоқ-  
дек акс этиб, унинг учқунлари донга ўхшаб кўринса; тўли  
ой кўкда ботгунча юз марта тўниб, фалак денгизининг  
нилгун кўки ҳам муздек қотса; оқ булут ҳам фалак чархи  
бўшлигида тек турмаганидан ундан бир парча муз синиб  
тушгандай акс этса; шамолнинг тинимсиз эсишидан қиш  
дастурхони унга тўлса, мамлакат чаманларини остин-ус-  
тин қилса: ҳеч қандай дарахтни қўймай силжитиб, бошдан-  
оёқ яланғочлаганидан шох-шаббалар ўзларини куйдириш-  
ни, битта қўймай ёндиришини ҳавас қилиб қолса; қир-  
ғовул бу ўт учқунларини кўргач, дон гумон қилиб, совуқ  
елидан ларзон бўлиб ётган шамшод ва сарв дарахтлари  
атрофида айланса: халқ ундан тўзгиган пар ва туклар ичи-  
га кўмилиб, жаҳон худди қоқум ҳайвонидек оқ тусга бе-  
ланса; одамлар қулоқларини икки кифтлари ичига олиб  
қўлларини эса қўйинларига тикиб юрса; кишиларнинг  
ҳаёти беомон совуқдан хавф остида қолиб, жонларини  
ховучлаб, ўзларини кичик бир ип узугидек ночор ҳис этиш-  
са: ҳар қанча ўраниб чирманилса ҳам иссиқликни ҳаво-  
нинг совуқ заҳри йўқ қилиб юборса: қуёш теграсини юл-  
дузлар ўрагандек, ўтнинг атрофини маҳвашлар қуршаб  
олса: элни тоғ изгирини сомондек саргайтириб, уларнинг  
юзи оловда худди қаҳрабодек акс этса; шамол ўзини ҳовуз-  
га томон урганда, гўё симобни аёл кумушга айлантир-  
гандек, сувни мавжлаптирса; балиқлар қиш наҳангига  
емиш бўлиб, ҳут киргач, у қиш наҳангини ютса; ниҳоят  
қаҳратон қиш январь лашкарлари ўз базмини бошлаб, ер  
юзини ўзига ўқ ўтмас кийим қилиб олса; ер эса бу совуқ  
босқинига чидамай, олам аҳлини исёну галаёнга келтирса;  
совуқ шиддатидан кўз очиб бўлмаслиги устига, қавс ойн-  
дам-бадам ўзининг пайзасини санчса; олам киши назарига  
жуда ҳам галати кўриниб, ҳодисалар қуюни жаҳонни  
таниб бўлмас ажиб бир тусга киритса!

Қиш кўшини юқоридаги манзараларни кўрган ҳалиги  
паришонҳол ошиқни эзиб ташламоқчи бўлса; кейин у  
уйдан поўрин чиққанини ҳис қилиб, яна қайтиб кириш-  
дан бошқа чораси йўқлигини найқаса-да, базмга қайтиб  
кириб, яна анбар ҳидини ҳидласа; у дўзахдан қочиб, бе-

ҳишга дохил бўлгандек бўлса; унга ҳурзод жонон яна кавсар сувини тутиб, у сув бунинг жонига яна ўт солса; бир ишёла ичин биланоқ яна маст бўлиб, худди соқийнинг оёққинаси тағига бөн қўйса-да, ўз фиғони билан чархи фалакни безовта қилса!

Лекин, базм қанчалик жаннатга ўхшаш бўлгани билан агар киши ёрсиз бўлса унинг дўзахдан фарқи йўқдир.

### XXXIII

*Мажнун димоғтиким, қиш кунининг узун қоронғу кечасида Лайли зулфининг муаттар ҳидини шамол карвони орқали келтириб, унинг димоғига урди ва бахт машшотаси (безакчиси) мурод ипини Мажнун қўлига тутқазди*

Эшитишимча, боши гангиб қолган бечора Мажнун ою йиллаб дашту чўлларда сарсон-саргардон кезарди. У қиш демай — ёз демай юрар, югурар-елар эди. Ёз бўлса дашт дўзахни эслатар даражада қизиб, қуёш ҳаммаёқни оташдек ёндириб юборар эди. Мажнун шундай иссиқ пайтларда ҳам сояга ўтишни эсига келтирмас, сояда ётгани билан унинг мақсади юзага чиқмас эди. Борди-ю, қиш ҳавоси забтига олиб шиддатидан одамларнинг қизил юзи саргайган тақдирда ҳам Мажнун ўз масканига қайтмас, исиниб олаё деб гулхан атрофига бормас эди. Яъни унинг бутун хаёли Лайли томонда бўлиб, Лайли қаёнда бўлса, майли ўша томонда бўлар эди. Маҳбубининг қаердалигидан хабар топса, гам-андухга тўлган юрагидан нола чекиб, тонг насими гул томонга қараб хиромон айлагандек, у ҳам ўша томонга қараб елиб-югурар эди.

Қишнинг бағоят совуқ бир кунда у Лайлига яқин бир жойга бориб қолади. Булбулга гулзор исини етказгани каби, сабо унинг димоғига ёр исини етказди. Бу вақт қоп-қоронғу тун бўлиб, ёмғир-қор аралаш бўрон эсар эди. Димоғига гўзал нингорининг иси киргани туфайли Мажнун кўзини юмганча ўша томонга қараб югурди. Ёр уйининг олдига етган пайтда кўзи юмуқ бўлгани сабабли бошнинг эшикка уриб олди. Эшик очилгач, беихтиёр чопганча уйга кирди.

Бировнинг уйига бош уриб кириш бундан ортиқ бўлмаса керак. Кўзини очиб қараса, уйда худди қоронғу кечада ҳаммаёқни ёритиб турган Сухайл юлдузидек Лайли турган экан. Шунда шавқ ва ҳайрат Мажнуннинг юрагини ҳаяжонга солиб, бетоқатлик уни ҳолдан кетказиб, Лайли қаршисида бошни тупроққа қўйди-да, икки кўзини дунё-

дан абадий юмди. Бунинг келганини погаҳон биров фаҳмамасни деб Лайли уни бир хужрага олиб кириб беркитди.

Агар киши ўз ҳаётини тарк этган ҳолда шу каби муродмақсадига етишса-ю, яна қайта тирилишини истаса, унга яшаш ҳаром бўлсин!

Ишқ савдосида шу каби ажойиботлар борки, бешқ одамлар бундай ишқ «ўйин»ларидан хабарсиздурлар.

Ё раб, Навоийга ҳам шундай яқинликни ато қилгин. Яқинликни ато қилиб, ёр дийдорини кўришни насиб этгин!

## XXXIV

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудан қиш фаслида совуқнинг қаттиқлигидан ва ёгингарчиликнинг кўпчилигидан одамлар қийналадилар, шунга қарамай, нечун халқнинг табиати унга толиб ва роғибдир? — деб сўрагани. Ҳақимнинг бу саволга жавоб бериб, ҳикмат булутидан дурлар ёғдургани*

Саховати дарёча бўлган шоҳ Арастудан сўради: «Эй, Масихо нафасли ҳақим. Қиш фаслида кўп қийинчиликлар бўлади, ундан инсонларга азоб-уқубат етади. Шулардан бири изғирин бўлиб, элли дардга грифтор қилса, иккинчиси, кишини ҳалок этувчи қаттиқ совуқдир. Қишнинг узун, қашқатгич совуқ тушини кўз олдингизга келтиринг, унга қор бўрони қўшилиб, ҳаммаёқни чопқин — тўс-тўполон қилганини айтмайсизми? Қиш чоғи фалак ерга шу хилда фитналар ёғдириб, кишиларнинг табиатини бўшаштириб, тинкасини қуритади. Шунга қарамай, нима учун халқнинг ёзга қараганда қишга рағбати зўр бўлади? Бунинг даҳшатини кўриб-билиб турган одамнинг табиати нега бундан чўчимайди?

Донишманд мунажжим шундай деди: «Бу ишнинг бошқа бир сабаби бор. Масалан, қишнинг табиати совуқ, нам ва рутубатлидир. Ақл бу масалага шу тарзда қарайди: ёш кишиларнинг табиатига майин ҳаво ёққани ҳолда ҳарорат ва қуруқлик азият беради. Қуруқлик билан иссиқ ҳарорат алаңгалатган киши вужудини совуқ ва намчил ҳаво мўътадил ҳолга келтиради. Ёшлик ва қарилик даврлари ҳам кишиларнинг айш-фароғат чоғи ҳисобланади. Дам олиб роҳатланиш, кўпчилик учун, ёзга қараганда қишда қулайроқдир. Агар кундузи қор-ёмғир ёгадиган бўлса, халқ бу фурсатдан дам олиш учун фойдаланади. Об-ҳавонинг ноқулайлиги у ён-бу ёнга юриш ва ҳаракат

қилинганга монев бўлган, одамлар дам олиб, роҳатланганининг пайдидан бўлиб қолади. Қиш кечаси ниҳоятда узун эканлиги ҳам роҳат-фароғат учун заминдир. Қишнинг узун кечаларида ёр-дўстлар билан суҳбат қуришдан яхши нарсаяйўқ. Аммо кўн авом одамлар вақтни ётиб ухлаш билан ўтказадилар. Баъзи бировлар уйқу элтгунча май ичишни ўзларига ҳунар қилиб оладилар. Ўз вақтида ётиб ухлаш — баданнинг саломатлиги учун зарурдир. Ухлаш билан киши табиати равшан тортади. Бинобарин, имконият борича уйқудан ўз вақтида, етарли фойдаланиш лозим. Шунингдек, котиб одамлар тирикчилик учун бир бурчакка кириб шуғуллансалар, узун тунни ётиб ухлаш билан ўтказиш ўрнига вақтдан иш ундириш учун фойдаланадилар. Илм таҳсил қиладиган одамлар ҳам камолот топиш умиди бўлса, узун кечаларда чирог дудини кўн хидламасликдан роҳатга эриша олмайди. Шунинг учун ҳам бундай киши помозшомдан кейин ва тонг ёришмай туриб илм таҳсил қилса-да, тун ўртасида ором олса, мияга ҳам дам берган бўлади.»

Допларнинг билимдони шу жавобларни айтган, билимдонларнинг шоҳи унга офаринлар ўқиди.

Бу шарҳ этилганлардан маълумки, олам аҳлига қиш фасли фойдалидир. Шу сабаб дунё халқи қишни талаб қилади.

### XXXV

*Искандарнинг жаҳондорлик муддаоси билан азм этиб, Хуросонга етиб, Ҳиротни бино қилиб, Мовароуннаҳрни олиб, ўхшаши йўқ Самарқанднинг тархини (режасини) тузиб, Кашмирга юз тутгани ва Кашмирийлар сезрини даф этиш учун Мусо каби ақл ишлатиб, сезрли тарзда турган қалъаларни мўъжиза билан бузиб ҳамда ул ердан Маллунинг умидини узиб, тилсимлик қўрғонга азм этгани ва Искандарнинг Кашмир шаҳрига киргани*

Бу можарони шарҳ этган тарихчи дostonни шундай сўзлар билан бошлайди; шоҳ қишни ўтказиш учун йўлга тушиб, Аррон (қадимги Озарбайжон) давлатининг Қорабоғ деган жойини ўзига оромгоҳ қилди. Унинг муддаоси ~~жаҳондорлик бўлиб~~, туну кун шу ҳақда тадбир излар эди. Илм-ҳикмат аҳллари билан мажлис тузиб, бу бобда уларнинг фикрини сўрар, эртаю кеч шунинг тадбири ҳақида ўйлар, унинг ўйлари билан эса тақдир ниъикоси ўртасида фарқ йўқ эди. Бу ландишадан озгина хотиржам бўлса,

қўшинни қандай тузиш ва уни қуроллантириши ҳақида фикр юритар эди. У ўз қавм ва яқинларига моҳрибонлик кўрсатар, ўзига тангридан мадад тилар эди. Бу каби ишларнинг ҳаммасидан бўшаса, отга миниб овга жўнаар эди. У ов қилиб, хордиқ чиқазганида, кўнинча Арас дарёсининг атрофидаги ўрмонларни сайр этар эди.

Доим айланиб турувчи фалак қўшини ҳамал (март — баҳор) жилва қилиб турган фаслга етказгунча Искандар шу каби ишлар билан машғул бўлди. Қуёш шохи шараф топиб, ҳарорати ошаркан, ҳар тарафда кўм-кўк майса қўшинлари саф тортди. Ана шу пайтда хуршид юзли шох ҳам ўз саройига бориб, ҳалиги майсалар сивгари қўшинини даштга чизди ва кўхна фалакнинг қутлуғ соатини мўлжаллаб, бахт-саодат билан қишлоқдан жўнади. Йўлга чиққач, Сипохонга қараб юзланди, ундан ўтиб Хуросон томон йўл олди. Бу ерга етгунча бўлган бутун Эрбон замини хат-муҳр билан унинг ҳукми остига ўтди.

Хуросон об-ҳавоси унга ёқиб, табиати шодлик ва қувончларга тўлиб кетди. Зеро, бу мамлакат бениҳоя кенг бўлиб, ери бошқа иқлимларга қараганда балеанд эди. Хуросоннинг бутун атрофини кўздан кечириб, қандай сифатлари бўлса аниқлади. Хуросон ўлкасида кўпгина анҳор ва чашмалар бор эди, буларнинг ҳаммаси унинг кўпгил кўзгусида бўлган чап-губорни ювиб юборди. Бундан бешқа яна тўртта денгиз каби катта дарёси бор эдики, буларнинг шарқираб оққан овози кўк авжига чиқар эди. Жаннатдай бўлган бу жойнинг сувлари ҳам жаннат анҳорларига ўхшар эди. Улардан бирини Ҳирманд дердиларки, ҳар қатра суви юз хил дардга даво эди. Бу анҳордан Зобулистон ери сув ичиб гуллаб-яшнаб, бир гўзал гулистонга айланган эди. Бу сув кўзини қамаштирадиган даражада тиниқ бўлиб, бу мамлакатдаги губорларни бартараф этган эди. Яна бири ҳам тиниқликда дунёни ёритадиган қуёшга ўхшаш бўлганидан отини Нимрўз қўйганлар. Бу кишварнинг ҳар бир камбағали Ҳотамдан бой, ҳар бир аскарни Рустамдан зўрдир. Буларнинг яна биттаси Даррижаз ариғи бўлиб, бунинг суви, манфаати кўпчилигидан, узум сувидан фарқи йўқдир, йўқ, узум суви эмас, кеча-кундуз жаннатдаги хурлар ичадиган покиза шаробдир. Бу анҳор Балх ерини обод этган бўлиб, сувидан ичган душманининг ҳасаддан кайфи бузилади.

Мана шу Балхни Хушангшоҳ бунёд қилиб, сўнгра ўзи бу дунёдан ўтиб кетди. Тахтигоҳига эса Иброҳим Адхам қойим-мақом бўлдики, унинг босган йўли улуг осмончалик кенг эди. Энг охиригиси Мурғоб номли дарё бўлиб,

бунинг шаънига жаннатдаги «Кавсар» суви мадҳиялар айтган. Унинг сувидан ичган одамнинг вужудидан ранжи алам кўтарилиб енгил тортар, шу жиҳатдан оқил кишилар уни «ганжи равон», яъни «оқар хазина» деб атаганлар. Мана шу дарёнинг сувидан Мохон ва Марв шаҳарлари ободлашган, унинг бўйларида сарв дарахтлари, қирғовул қушлари кўп учрайди. Девларни банд қиладиган Тахмурнинг тахти шу жойларда бўлиб, бу ернинг паривашларидан хўб баҳраманд бўлган. Ундан сўнгра Санжаршоҳ бу ерни оромгоҳ қилдики, ҳеч бир қуш бунга ўхшаган тузоқчини кўрмаган эди. Яна бу Хуросонда Чахчарон деган дарё ҳам бўлганки, унинг тўлиб оқадиган суви абадий ҳаёт бағишловчи оби ҳаётдан иборат эди. Ери баландликда фалакдан нишона-ю, у дарё ўз мавжи билан худди осмондаги «сомон йўли»ни эслатарди. Дарёдаги қум-шагаллар ёруғ юлдузлардек ярқирар, улар латофат ва гўзалликда худди дурри-поқнинг ўзгинаси эди. Тиниқ суви ҳаётбахшлик хосиятига эга бўлиб, уни ичган одам ўлимдан нажот тонар эди. Дарёнинг қиргоқларида кўм-кўк гул дарахтлари, худди Хиэр пайгамбардек абадий яшил рангга бурканиб ётар эди. Ерининг фазоси фалакдек кенг, ҳавоси худди жаннат ҳавосидек мусаффо эди. Лекин бу оби кавсарга ўхшаган ариқдан жаҳон кишилари сув ичишни орзу қилганлари ҳолда, бунинг суви қум ва даштларга ёйилиб, бора-боргунча ҳаммаси ерга сингиб йўқолар эди.

Искандар Хуросонни бошдан-оёқ кезиб, юқорида тасвирланган тўртта дарёсини ўрганиб чиққач, равшан табиа-ти уларни ёқтириб: «Бу ер жаннат гулшани экан-ку», — деди. Кейин, мана шу дарёлар оқиб ўтадиган заминга жаннатмисол бир шаҳар қурдирди. Сўнгра билимдон кишилар шаҳарга ҳар хил от қўйиб кўрдилар, лекин шоҳ Хиротдан ўзгасини маъқул топмади. Мана шу сўзга плтифот қилиб, бу шаҳарнинг отини Хирот деб атади. Искандар қўйган оти Хирот бўлдию, аммо халқ уни Хирий деб юртдилар. Бу шаҳарнинг тутган ўрни тўртинчи иқлимда бўлгани туфайли унинг толеъ юлдузи қуёш эди. Юлдузлар етти туркумга бўлинганлари каби жаҳондаги ерлар ҳам етти иқлимдан ташкил топшандир. Осмоннинг ўртасида қуёш порлоқ нур сочгани каби, Хуросон дунёнинг қоқ марказига жойлашгандир. Хуросон бадан бўлса, Хирот унинг жонидир; Хирий жон бўлса, Хуросон унинг баданидир.

Илоҳи осмонда қуёш доим бўлиб, қуёш нуридан қонот ёришиб тургай. Хирот ҳам қуёш сингари завоқ топиб ботмасин, фалак бунини халқини ошуфтаҳол этмасин.

Дунё шоҳи Искандар саъй-ҳаракат қилиб, Хуросон ўл-



касида бу шаҳарни бино айлагач, яна манзил-баманзил юриб, Амударёдан ҳам ўтди ва у ерда ҳам жаннат боғига монанд мамлакатни кўрдикки, бу ернинг суви ҳам, ҳавоси ҳам худди жаннатдагидек ёқимли эди. Латофат ва гўзалликда жаннатдан қолишмайдиган бу жойнинг исми Мовароуннаҳр эди. Бу икки дарё оралигидаги ер бўлгани учун Мовароуннаҳр дейилади. Оралиқдаги масофа эса юз ёгончи ташкил қилар эди. Мовароуннаҳр деб аталган ернинг шарқий чегарасидан Сирдарё, ғарбий чегарасидан эса Амударё оқиб ўтар эди. Бу оралиқда фақат шу икки дарёгина эмас, бундан бошқа ҳар бири бир Арас наҳридек келадиган ўн-ўн беш нафар сойлар ҳам бор. Бу наҳрлардан кўп ариқлар ажралиб чиқиб, ҳар қайсиен бир қанча шаҳарларни обод қиларди.

Ва лекин бу замонда Кўҳак-Зарафшон деган бир дарё борки, уни жаннат наҳри десак, ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди. Унинг сувидан дармонсиз одам ичса қувватга кириб кетарди. Зарафшон киши умридек тез оқар дарё эди. Шу жиҳатдан у сувдан на бир шаҳар ободу ва на биров одам ерларни сугориб гуллатишдан шод бўларди. Ўзи латофатда Бағдод шаҳридан ўтадиган Фурот дарёси билан рақобат қиладую, аммо худди ҳаёт сўнганидек, ҳамма сувлари йўл-йўлакай қум-тупроқларга сингиб, зое бўларди. Искандарга бу мамлакат дилкаш кўриниб, унинг ери ва оби-ҳавосини афсонавий Эрам боғига ўхшатиб, хусусан, Зарафшон дарёсини Нил наҳридан, Нил эмас, жаннатдаги Салсабил дарёсидан ҳам ортиқ кўриб, таңгридан шу жойда Нил дарёси бўйидаги Мисрдек бир шаҳар бино қилишни тилади. Сўнгра илм-ҳикмат аҳллари билан маслаҳатлашиб ва ҳар тарафлама ўйлашиб, шаҳар қуриш учун муносиб жойни ажратдилар. Бу Зарафшон дарёси тепалиқда жойлашгани учун «Кўҳак» деб ном бердилар. Йўқ, бу тепалиқ эмас, жаҳоннинг бойлиги устига қилинган тилсимдир. У ернинг қум-шағаллари лаъли, ёқут ва инжу-марварид доналари кабию яшил ўт-ўланлари кўм-кўк осмоннинг ўзи эди. Шу тепалиқдан пастга қараб қўйилгани учун ҳам Зарафшонни Кўҳак дарёси дейдилар. Бу сув шу тепалиқдан қўйига шундай оқардики, кўз югуртирган киши тепалиқни ошиқнинг боши-ю, сувини унинг кўз ёшиси деб тасаввур қиларди.

Искандар ана шу Кўҳак тепалиғи ёнида шаҳар бино қилдики, бунга то абад йўқлиқ губори қўнмасин! Искандар унга Самарқанд деб ном берди, ҳам «Самарқанди фирдавсмонанд» деб атади. Уни безак-зийнатлардан ҳам чиқариб-битиргач, Кашмир мамлакатига қараб йўл олди.

У дантларнинг паст-баланд, яхши-ёмон йўлларини салтанати Кашмирга соя солгунча босиб ўтди. Буюк ҳиматию ва доим бедор бахтидан бора-боргунча бир қанча ерларни фатҳ этиб, ўз қўли остига киритди.

Искандар Кашмир чегарасига оёқ қўйганда осмонга туташиб кетган бир тоғ кўринди. У тоғ шундай баланд эдики, гўё чўққисиз осмондаги ойнинг юзига тегиб, кўкартириб юборгандек эди. Уни томоша қилмоқчи бўлиб, тепасига қараган одамнинг тўпписини ерга тушиб кетар эди. Унинг тошлари бошдан-охиригача силлиқ қилиб йўшилгандек ярқироқ. Бу тоғнинг икки ёни шундай интихосиз бўлиб, унга юриб етаман деб овора бўлмаган яхшироқ. Бутун ер юзини ўраб олган, ердан осмонгача етадиган афсонавий Қоф тоғига ўхшаш бу буюк тоғ орасида йўл бўлиб, икки томони ниҳоятда қиялик эди. Бу икки тоғ ораллигидаги йўлнинг эни тахминан юз қари (метр) эди. Кашмир халқи шу икки тоғни бир-бирига пайвандлаб, қалъа-истеҳком қилиб олган эдилар. Бу қалъанинг баландлиги ҳам, қаллилиги ҳам 150 қаридан бўлиб, ганч ва харсангтош қотишмасидан бошдан-оёқ бир бутун тошдек қилиб қўйилган эди. Бу қалъага жуда баланд бир темир дарвоза қурилган. Дарвозанинг икки ёни ярим белигача тошдан ишланган, икки қаноти ниҳоятда мустаҳкам эди. Дарвоза устида уруш чоғи душмани даф этиш учун истеҳком ясалган бўлиб, уни ким кўрса, мустаҳкам қалъа эмас, жодугарнинг сеҳрли кўргони деб ўйлар эди. Қалъанинг ичида зўр тадбиркор, ҳийлагар, сеҳрсоз устадан икки мингтаси доим тайёр турар, буларнинг шу баланд истеҳкомда туришдан мақсади қалъага минг қари наридан бирон кимса яқин келмаслигини кузатиш эди. Агар биров у томонга тўсатдан қадам босса, оёқ-қўли бўшашиб, ҳаракатдан тўхтар ва ўз жонини тубсиз чуқурликда кўрарди. Одамгина эмас, от ҳам у томонга юрса, оёғида куч-мадор қолмас эди. Искандарнинг аскарлари ҳам бу ерга етгач, худди шундай лол ва беҳол бўлиб, ҳайратга тушдилар. Орқаларига қайтиб, ниманки кўрган бўлсалар, ҳаммасини шоҳга арз этдилар. Шоҳ эса бу сўзларга унча бовар қилмай, тезда Арасту билан у ерга етиб борди. Кейин ҳақиқатни яқиндан азмоёниш қилиб билгач, дедики: «Бу маккор ва жодугар кашмирийларнинг ҳийла тузоғидир. Биз шундай чора кўрайликки, бу истеҳкому қалъасини бошдан-оёқ остин-устин бўлиб кетсип».

Шундан сўнг Искандар атрофни айланиб кўриб, орқароққа — бежавотир жойга қўшинини туширди. Кўнгли хотиржам бўлгач, ўз қароргоҳига қайтиб ором олди.

Бу сафарда Искандар билан беш юз олим бирга эди. Хуеусан, улардан ўн таси эртаю кеч шоҳ билан бирга бўлиб, унинг эиғ яқин дўстлари ва ҳамсухбатлари эдилар. Булар тубандагилардир: Афлотун, Арасту, Балинос, Арашмидус, Шаминос, Қилимун, Волис, Фарфурнус, Суқрот ва Хурмус.

Лашикарбони Искандар бу донишмандларнинг ҳаммасини чақириб, маслаҳат мажлиси очиб:

— Бу кашмирийларнинг сеҳридан бошқа нарса эмас, қани, айттинг, бу сеҳрни қандай тадбир билан даф этмоқ мумкин? — деди.

Донишмандлар ҳозиржавоблик билан сўз бошлаб, аввало ҳаммалари шоҳнинг ҳақиға яхши тилак тиладилар ва бундай дедилар: «Шоҳимиз бу ишдан ташвишланмасинлар, бунга юз баробар найранг бўлса ҳам илм-ҳикмат билан барбод қилиб ташлаймиз. Бу истехком агар чархи фалакдек зўр бўлганда ҳам уни емириш биз учун қийин эмас. Тангри шоҳнинг иқболини баланд қилсин. Агар у зотнинг иқболи бизга раҳнамо бўлса, бу найрангларни албатта, бузамиз — баланд қалъани ер билан яксон қиламиз. Бир нечагина сеҳргар жўгиларнинг қўлидан найрангбозлигу кўзбўямачилиқдан бошқа нима келар эди? Илм аҳллари уни даф этмай, сенинг ҳузурингдан ҳеч ерга кетмайдилар. Дунёнинг ҳамма илм-ҳикматиини бошдан-оёқ билган. Фан бобида ҳар қайсиси бир жаҳон бўлган олимлар бу ишда сенинг раҳбаринг эмас, хизматкор қулларингдир. Жўгиларнинг найранги Афлотунни хижолатга солса, Арасту бу жодугарлардан фириб еса, ер юзида яшамагани яхшироқ эмасми? Кашмирийларнинг сеҳргарлари қанча кўп бўлса ҳам фан олимлари олдида уларнинг аҳамияти кам, зеро бизнинг ҳар биримиз уларнинг мингига бас келурмиз. Чумчуқнинг лақаби жодугар бўлгани билан, у қанча кўп бўлса, овчилар учун шунча хурсандлик келтиради. Шоҳ агар икки кун дам олиб турса, учинчи кун душмани устидан галаба қозонғусидир. Шу орада биз илм-фанни ишга солиб, уларнинг сеҳрини бошдан-оёқ бузиб ташлаймиз».

Искандар бу сўздан хурсанд бўлиб, олимларга таҳсин айтди ва:

— Барча нарсани йиғиштириб, ҳаммангиз шу ишга машғул бўлингиз, — деди. Улар шоҳни дуо қилдилар ва мақсадини бажо айлашга сўз бериб, ўринларидан турдилар. Шундан сўнг Искандар ўз хонасига жўнади, олимлар эса билимларини ишга солишга киришдилар. Улар бошлаб юлдузларнинг ҳолатини кўздан кечириб, улар-

нинг табиати узларининг бу ишларига қанчалик мос келишини қиёс қилиб кўрдилар. Кейин бир қанча кўра ва дамларни тайёрлаб, маъданлардан бирмунчасини ҳозирлаб, симоб, қалайи ва мис аралашмасидан катта коптокка ўхшаш бир қурол ясадилар. У тўп фалак сингари думалоқ бўлиб, ичи осмон гумбазига ўхшаш бўш эди. Унинг ичини турли дори ва моддалар билан тўлатдилар. Кейин бу тўндан икки тешик қўйиб, у тешиклардан тўп ичига икки пилик киргиздилар. Душманнинг бошига ўхшаган, йўқ, чақмоқ тошига ўхшаган бу коптокнинг пиликларига ўт қўйиб, уни чақмоқ ёйига ўрнатиб, сеҳргарларнинг ўша бир бутун тошдан иборат бўлган кўргоғи томон отиб, кашмирийлар устига осмондан балодек туширадиган бўлдилар. Бу тўпнинг пилиги ҳавода ёнса, ичидаги портловчи моддага ўт тегиб, бу тилсим тўп мўлжалланган ерга тушади ва қаттиқ портлаб ёнишидан ундан тўрт нарса: баҳайбат садо, ўт-аланга, қора тутун, бадбўй ҳид ҳосил бўлади. Бу тўпнинг портлаган садосидан у сеҳргарларнинг асбоблари бузилади; ўт алангасидан қалъанинг дарвозалари очилади; у дуддан сеҳргарларнинг юзи қораяди; ҳиди кимнинг димоғига кирса, жодугарлик пилмини тамоман эсидан чиқариб юборади. Бу ажойиб тўпни ой каби думалоқ тилсим тайёр бўлгач, ҳар бири салобатда осмондан улуг бўлмиш олимлар жам бўлиб, шавкатда шоҳ Дородан устун Искандар ҳузурига келиб, махфий тайёрланган тилсимни кўрсатдилар ва унинг бутун сирларини баён қилдилар. Шоҳ бу ажойиб қуролдан шодланаркан, уларга бениҳоя ташаккурлар изҳор қилиб деди:

— Шундай тилсимни ихтиро қилган экансиз, буни ишга солмай, не учун вақт ўтказурсиз? Шоҳнинг кўнглидаги бу истакни билгач:

— Ҳукм қил, — деди олимлар.

Шундан сўнг шоҳ ва халқ ҳаракатга келиб, ғала-ғовур бошланиб кетди. Искандар отига миниб, қалъага қараб юрди, халқ ҳам селдек у томонга оқди. Искандар олдида оламнинг билимдон олимлари; жиловиди эса, дунё шоҳлари борар эдилар. Қўшиннинг охирига етгач, тездан чақмоқ отадиган асбобни тайёрладилар. Кейин ҳалиги бебаҳо қуролни келтириб, отадиган ёйга ўрнатдилар. Ниҳоят, пиликка қўйилган ўт портловчи моддага бориб теккач, тўп осмонга учиб, тездан душманнинг бошига етди ва ерга қаттиқ тегиб портлаб, даҳшатли садо чиқарди; бадбўй ҳид, саркаш ўт ва қоп-қора дуд пайдо бўлди. Садо сеҳрларни тамоман ботил қилди — емирди; ўт ҳаммаёқни

куйдириб, қалъани хароб айлади: дуд сеҳргарларнинг юзини қорайтирди: хид — уларнинг миясида ҳеч қандай билимини қолдирмади. Сеҳргарларнинг юрагига шундай даҳшат тушдики, қочиндан бошқа қора тонолмадилар. Улар пойтахт томон қочиб, қолдан тойган, дуддан юзлари қорайган ҳолда, тўппа-тўғри Қанимир шоҳи бўлмиш бахти қаро Маллунинг олдига бордилар. Қалъага келишда сабз-ранг бўлган бу икки мингта жодугар пойтахтга закифилардек қоп-қора бўлиб қайтдилар: йўқ-йўқ, қалъага кўк-қарга бўлиб бориб, зағча бўлиб қайтдилар: тўти бўлиб келиб, олақаргага айланиб бордилар. «Минг қаргага бир кесак» дейилгандек, бояги тўп отилганда, буларнинг ҳаммаси бирма-бир қочгандилар. Бўлган ҳодисани баён қилмагунларича, уларнинг мингдан бирини ҳам ҳеч ким танмади. Улар осмондан келиб тушиб портлаган ҳалиги гаройиб тўпни арз қилганларидан кейингина Маллу бу иш Искандардан келганини фахмлаб, юрагига ларза тушди. Шундан сўнг унинг кучли, ўзининг кучсиз эканини англади ва унга тенг эмаслигини аниқ билди. Шунингдек, Искандар олдига ўзини қандай заиф сезса, илм-фан олдига сеҳр-жодунинг пуч эканини ҳам ҳис қилди. Осмон гумбази каби мустаҳкам қалъасини душман бир ҳамлада олиб қўйганини фаҳм этди. Шундан сўнг, ўзининг Искандар буйруғидан бўйин тоблаб, хато қилганини тушунди. Ўзи нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб қолгани каби, халқи ҳам ваҳимага тушган, паришонҳол эди. Ўз мулкида туришга тоқати қолмай, қочиш тараддудини қилди. Қочганда ҳам ҳали юқорида тавсифланган қалъадан бошқа ўрин йўқ эди. У тездан қалъанинг ер ости йўлини очтириб, бутун хазиналарни, яъни ўзига ёққан ҳамма нафис, бебаҳо матоларни, ниҳоятда кўп бўлган лаъл-ёқутлару олтин-кумуш, дурри-гавқарларни у ерга ташитди, бу хазиналар тилло-кумуш идишларда бўлгани сабабли, халқ унинг ичида нима борлигидан бехабар эди. Хазинада нимаики қимматбаҳо нарса бўлса, қолдирмай, ҳаммасини қўрғонга келтириб, хотиржам бўлгач, помуборақ иқболдан қочиб, юқоридаги қора тоғ устига, худди қарга устига чивни қўнгандек жойлашди. Ана шу пайтда Жамшид қудратли, Доро шавкатли Искандар ҳалиги қўрғонга яна тўп оттириб, истехкомни вайрон қила бошлади ва ўзи ҳам қўрғонга юриш қилажагини айтди. Лекин олимлар ҳозирча у ёққа боришга рухсат бермадилар:

— Бугун боришни манъ қилишимизнинг боиси шулким, — дедилар улар, — тўпдан чиққан тутун билан бал-

бўй хиднинг таъсири ҳали йўқолган эмас, ундаи одамларимиз саломатлигига зарар етар эҳтимол.

Душнинг қаҳрамони бўлмиш Искандар бу сўзни эшитгач, қувонди ва сабр этишга қарор қилди. У ўз қароргоҳига қайтиб, шодлик базмини тузди. Базмага олимларни чорлаб, уларга кўн мукофотлар берди ва таҳсинлар ўқиди, уларнинг ҳаммасини лутф-эҳсонидан баҳраманд қилди ва иззат-ҳурмат билан бошларини кўтарди. Осмон ҳақими Искандарнинг тилсимига ўхшаган тўп каби қуёшни мағриб уфқига отган пайтда, қадах билан димоғларини чоғлаб, шодлик ва ўйин-куягига берилдилар. Роса бадаллари қизиб, кайфлари чоғ бўлгач, ётиб ором олишга киришдилар. Ухлаб, аъзойи бадалларидан бутун чарчаш ва ҳорғинлик кетгач, қуёш ҳам Искандар каби юзини кўрсатиб, нурни соча бошлади. Умид тонгини кутгандек уни кутаётганларга Искандар ўзининг қуёшдек юзини кўрсатди. Сўнгра у, улуг қуёш осмонга чиққандек, Рустам каби отга сувори бўлди. Теварак-атрофдаги кучли ва кучсиз аскарларнинг барчаси унинг ортидан эргашди. Истеҳкомнинг оғзига етгунча, аскарлар неча куп чувалашиб бордилар. Шундай юриш қилиб турганларида, Кашмир томондан бир қўлида хат ва бир қўлида қалит тутган элчи келиб, таъзим бажо қилди. Хатни шаҳар халқи ёзган бўлиб, ўзларининг Искандарга таслим бўлганларини тубандаги мазмунда билдирган эдилар:

«Бу диёр Маллунинг қўлида бўлган замон биз қулларда ҳеч қандай ихтиёр йўқ эди, биз унга қул каби хизмат қилар эдик. Ҳозир у сенинг шавкатинг олдида енгилиб, қочишга мажбур бўлди. Биз шарманда қулларингга не ҳукм қилсанг, бажаришга мажбурмиз. Вайрон бўлган мамлакатимизга осойишталик берсанг, сенга молу жонимиз фидо бўлсин. Агар биз сенга керак бўлсак, ҳаммамиз сенинг дийдорингни кўришга муштоқмиз. Сен қандай ҳукм қилсанг, фахрланамиз. Хатимиз жавобига мунтазирмиз».

Хатни ўқигач, Искандар тубандагича жавоб ёздирди:

«Сиз келаман деб ташвишланманг. Ўз ватанингизда хотиржам яшайверинг. Менинг ҳақимга дуо, оллоҳга ибодат қилсангиз бас. Тезда ўзим етиб борурман». Элчи бу хатни олиб боргунча, Искандарнинг ўзи шаҳарга кирди.

Маллу айш-ишрат қилиш учун шоҳона бир қаср қурдирган эди. Бу қаср атрофида ажойиб бир боғ барпо қилинган бўлиб, ундаги ҳар бир гул равшан чироғдек жилваланади. Қасрнинг арқини осмон барабар кўтартирган, бу гулшаннинг отини «Жаннатосо» қўйган эди. Шоҳнинг манзили шу боғда бўлди; аскарлар эса шаҳар ичига жой-

ланди. Бу воқеа катта-кичик барчага маълум бўлгач, ҳамма «Жаанатосо»га қараб йўл олди. Маллунинг яқин амалдорлари Исқандардан бу илтифотни кўргач, янгитдан ҳаёт тонгандек бўлдилар. Оддий фуқаро Исқандарга яқин келолмагани ҳолда, узокдан баланд товуш билан дуо ва илтижолар қилдилар. Шох уларнинг ҳаммасига лутф-марҳамат кўрсатиб, бузилган кўнгилларини кўтарди ва аскарларига халқни азобга солмаслик, ҳеч кимдан ҳеч нарса тама қилмаслик ҳақида фармон берди. Кимки бировдан бир қарич ип тама қилса, ўша ип билан бўғизидан осилажагини, лекин шу ерлик халқ ўз ихтиёри билан «омонлик моли» берса, ундан баъзи бировлар фойдаланиши мумкинлигини билдирди. Фуқаро ўз ихтиёри билан «омонлик моли» беришдан, аскарлар эса ундан баҳраманд бўлишдан қувондилар. Шундай қилиб, бировдан бировга алам етмади, кишидан киши битта тангани ҳам зўрлаб олмади. Исқандар хурсандчилик учун қадах тўла май ичар ва Кашмир юртини тавоф — тамоша қиларди. У ҳаддан ташқари ғаройиб нарсаларни кўрдикки, уларнинг ҳаммасини баён қилинса, сўз узайиб кетади. Шулардан бири гўзал жом бўлиб, у худди чуқур дарёдек май билан тўла эди.

Маллу ўз мулкани ташлаб, қалъага қочганида, бир хазиначиси хазинадан бир қанча қимматли нарсаларни бекитиб олиб, қалъага етмай қочиб қолган эдики, ўша тухфалар Исқандарнинг насибаси экан. Улардан биттаси ичи қип-қизил лаъл каби май билан тўла, ҳам қанча ичган билан камаймайдиган, ўзи энгашмаса биров ичолмайдиган порлоқ жом эди. У жом ихтиро қилинганда гардишига таърифи ёзилган экан. Масалан, ҳам шох, ҳам лим-ҳикматдан баҳраманд бўлмиш Жамшид бутун дунёни ўз қўлига олганда, бир қанча фан олимларини йиғиб, ишлатиб, иккита жом тилсим қилдирган экан. Унинг бирига «Жоми гетинамой» (ойнайш жаҳон), иккинчисига «Жоми ишратфазой» (айш-ишрат жоми) деб ном қўйган эканлар.

Жаҳонни акс эттирувчи жом ҳаммага маълум ва машхур бўлгани туфайли, кўлдан келганча иккинчисини таърифлайман. Буни ихтиро қилган олимлар тавсифини шундай баён айлаган эдилар:

«Ишрат жоми ўзига май тортувчи моддадан тайёрланган бўлиб, ундаги бағоят гўзал хурсандчилик бағишловчи май қанча ичилса ҳам камаймайди, энгаштирилса тўқилмайди ва ҳар доим лиммо-лим тураверади. У жом майни ўзига жазб этиб — тортиб олгани каби, ундаги май ҳам кишиларни ўзига жазб этади. Агар борди-ю, бир кун келиб,

у жомда май тугаса, бутун дунёда ҳам майдан асар қолмайди».

Искандар у жомнинг сирини билгач, ўзи ҳам базм тузиб, май ича бошлади. Ҳикмат аҳли жомни ҳеч қўлдан қўймай, тамошо қилар эдилар. Шоҳ бу шират жомига берилиб кетиб, Жомни ойивайи жаҳонни эсидан ҳам чиқариб қўйди.

Эй соқий! Еқут рангли жомни келтир! У, элнинг кўнглида шодлик кайфини оширсин. Қанча ичилгани билан унинг майи кам бўлмасин. Ичувчи улфатларга ундан алам етмасин.

Эй ҳофиз! Шундай дилнавоз куйлагинки, у куй киниларни каммирийлардек сеҳрласин. Борди-ю, куйлашни тўхтатмоқни истасанг, ҳалиги жомнинг майи тугамасдан илгари тўхтатма!

Эй Навоий! Агар ўшанга ўхшаш жом топсанг, майдан ўзга нима ичсанг, ҳаром бўлсин! Агар жомни гул юзли соқий тутса борми, уни «Жомни абадий» деб атагаң бўлардинг.

### XXXVI

*Жаҳон алломалари, ўхшаши йўқ холиқ яратганларининг  
тамошоси ва назик санъатлар, уларнинг жаҳон кезиш  
вақтида кўпрак муяссар бўлмоғига далил келтирмоқ ва  
сафар йўсинини уч турга тақсим қилмоқ; аввало сайёҳ  
ўз дашт-саҳроларини кезиб мақсад уйида азиз бўлиши;  
жаҳонгашта сайёҳ майл манзилига бошдан қадам қўйиб  
етук пирнинг тўғри йўл кўрсатиши билан камолга ети-  
шуви; учинчиси Баҳром сингари жангчи шоҳнинг юлдуз-  
дек сон-саноқсиз қўшин тўплаб жаҳон мулкани олмоғи  
ҳақида*

Азал тонги саҳийлик билан лутфу қарам кўрсатиб, барча яратилган нарсаларга мавжудлик тамғасини босди. Тақдир қалами ҳаракатга келиб бутун мавжудотнинг тасвирини туширди. У қалам туширган тасвирдан ажойиб суратлар ошкор бўлди. Икки дунёнинг суратини чизганининг бир исмини рассом деб аталса ажаб эмас. Бу тасвирларда кўп гаройиб, ниҳоятсиз ажойиб нарсалар мавжуд. Буларни кимки тадқиқ этар экан, уларда мусаввир — рассомнинг етук жамолини кўради. Нарсалар тасвиридаги санъатни кўрган кишига сир билувчининг қудрати янада аён бўлади... Агар киши талабгор бўлса, жаҳон ичида бир-биридан ажойиб бўлган нарсалар кўпдир. Буларни киши



жаҳон кезмай, машаққат захрини тортмай кўриши мумкин эмас. Сафар заҳмати гарчи мушкул бўлса-да, лекин у денгиз қаъридаги энг йирик, энг аъло дурининг ўзидир. Киши денгиз тагига наҳанг (акула) сингари шўнгимай туриб гавҳар олиши мумкинми? Катакда семирган макиёнининг (товуқ) ҳавога учмоғидан фойда-зиёни борми? Фалак бўшлиғига сингиб кетган лочин худди баланд-пастда юраётгандек қанот — қуйруқ қоқади, овчи томонидан овлашиб жонин талон-торож бўлиши мумкинлигига қарамай оламни тамошо қилади.

Дарё суви оққанда оҳанг чиқариб гўё куйлайди, туриб қолдимми — куйи тинади.

Сафар қилмаган одам хом бўлиб, у оромда-сукуни топиб яшаганидан озгина совуқ ҳам таъсир қилиб тўнғади, энг буюк ишлар борасида кимгаки маълумот берилса, ҳаммасининг ичида энг асосийси ер юзини айланиб чиқишлик туради.

Олам сайридан киши баланд мартаба топади. Ҳаракат қилмай қўйдими — туфрордан хўрлик тортади. Сафар элига Хиэр ҳамроҳлик қилади, сафар қилмаган эса ҳеч нарсадан огоҳсиз бўлади. Уйдан қадам қўйиб кўчага чиқмаган одам нимадан воқиф бўларди? Кўнглини очиб мақсадида сафар қилган одамларга қандай яхши-я! Буларга фалак ридо (бошга, бўйинга солиб орқага ташлаб юриладиган чодирдек нарса) си кафан, йўқ-йўқ — машаққат гарди кафан бўлади. Улар таваккулнинг отига миниб ёлғиз юришликка мойил бўладилар. Бақосизлик сароби уларга дарёю иссиқ гармсел шамол уларга гўё лозазор бўлади; бошдан оёқ шавқ ўтига гарқ бўлиб тезюрар отда чақмоқдек еладилар. Кўнглиларининг типирчиллашидан танлари чайқалади, хашақдек жисмларидан харорат кўтарилади. Сайр қилувчинининг оёғи кафида қабариклар пайдо бўлади, икки кафи гўё мақсад дурлари билан тўлади. Улар ёрилгач суви худди бақосизлик булутидан тўкилган юмалоқ дурлардек ҳар томонга томади. Уларни юмалоқ дур деб эмас, балки тириклик суви, оёқда жамланган жон суви деб билавер. Товонин тагидаги ёриқлар гўё тириклик суви оқиши учун ясалган ариқларга ўхшайди. Хиэр унинг оёғини ўймоқни ҳавас айласа, мақсади тириклик сувини ичмоқдан бошқа нарсга эмас.

Бу янглиг сафар кимга муяссар бўладиган бўлса, унинг кимсаенз, хилват жойларда боғланиб ўтиришининг нима кераги бор? Агар бу мақсадга эришини ҳаммага ҳам насиб бўла бермас экан, у ҳолда белни маҳкам боғлаб жаҳон аҳлидан вафо, дунёдан эса балодан бошқа нарсга кўрмагани

сабабли халқ гавголаридан, олам асбоб-ашжомларидан этак силкиган ҳолда, ўрнидан туриб ёлғиз, доноларча, девонавор дашт кезмоқ учун йўлга ҳозирланиш ҳам ёмон эмас. Бундай ҳолда унинг жузвдони (қоғоз ва ёзувлар солинадиган чармдан ишланган кичкина папка) улфат, китоби эса ўртоқ ва ҳамсухбат бўлади. Шунда кўз етган жойларни тамошо қилиб, барча элларнинг сўзларини тинглаб, ҳар бир машаққатда ҳосилат, ҳар бир хўрликда бир ўзга ҳолат кўрса. Ҳақраган кўнглига муздек сув тилаб, ноёб дардига табиб сўраса; ўзини барча гуруҳлар ичидан тўғри тутиб, бори тўғрилар билан доимо бирга бўлса. Агар уни кўрган камолга етган, фалакни сайр қилувчи қуёшдек жаҳонгешта, кўнгли очиқ кимса келса, зарра сингарин сайру саргашталиқни қўйиб, унинг этагидан маҳкам тутиб қўшини олмаса. Унинг хизматидан бахти очилиб, тағри насиб этса мурод-мақсадига етса. Бу хилдаги сафар ҳам кўнглига мақбулдир.

Агар буниси ҳам насиб бўлмаса, яна бошқаси ҳам мавиқуд, яъни шоҳ Исқандар сингарин етти мамлакат аҳлига шоҳ бўлиш мақсадида қўшин тортилганда қайси ерни олмоқни қасд қилса — зафар қозонса, қайси томонга боришни орзу қилса — галаба ёр бўлса. Гоҳ унга Ажам мамлақати ром бўлса, гоҳ Кашмир таслим бўлса. Ниҳоятсиз ғаройибот, чек-чегарасиз воқеаларни кўриб истаклари бирма-бир рўёбга чиқса, ер юзининг обод қисмлари унга таслим бўлса. У жаҳон мамлақатига шоҳлик ҳукмини топиб, бу шоҳликни ердан кўккача етказса. Сафар ичра ҳар бир ишда тўғри йўлдан борувчи соҳибларнинг мушкуллари осон бўлиб, очилиш устига очилиб борса. Сенга мушкулларнинг очилиши ҳавас бўлса, бу оламда муродга етмоқ истасанг, талаб-хоҳиш йўлида суръат кўрсатгиники, истаганча топа олишлик ёр бўлади.

## XXXVII

*Икки дўст ҳикоятим, бири сатъ-ҳаракат билан мамлакат султони даражасига етди ва иккинчиси олам аҳли оёғи остида тепки еб ётган ердек ҳокисор бўлди, негаки, гарддек ҳаракат этмади, тунроқдан бош кўтариб олий мақомга етмади*

Хуросонда икки ўртоқ бор эди, булар дўст бўлганда ҳам бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар. Ҳаёт ҳодисалари буларнинг ишларига шикаст етказиб, тирикчилик бобида қўллари гоят қисқа бўлиб қолди. Бири уй-жойи ва

днѳридан умид узолмай, ҳеч ерга кетмади: шкинчнсе сафарга қараб жўнаб қолди. Даврон, уйда қолганининг бошига кўп муҳтожликлар солгани туфайли, эл-улусдан кўп хорликлар кўрар эди. «Фақир киши панада» деганларидек, камбағал одам элга кам кўрингани маъқул, кўп кўриниш уни хўрликка солади. Феруза тоши оз бўлгани учун азиздир, эшакмунчоқ кўп бўлгани сабабли ўнтаси бир пул турмайди.

Мусофирчиликни бўйнига олиб, сафарга чиққан ўртоқ бошлаб, ўша хўрликдан ўзини халос қилди. У сафарда бағоят ажиб нарсаларни кўрар, насиба уни ҳар тарафга тортар эди. Охири, бунинг йўли Юнон томонга тушди-ю. гўё ўлик — оби ҳаётга йўлиқиб, жон топангдек бўлди. У ернинг тупроқлари ажойиб — ҳикматли эди, балки тақдир у ерларни шундай ҳикматли қилиб яратгандир. У, бир қанча вақт у ерда истикомат қилиб, илм олиш ишига бел боғлади. Фан аҳллари билан суҳбатлашиб, саъй-ҳаракат қилиши натижасида бир қанча илм касб этди. Қимки бир ишга ҳавасланса, унинг бунга қобилияти ҳам бўлиши керак. У ҳақиқатан қобилиятли бўлгани туфайли, кўп билимларни эгаллаб, илм-ҳикмат бобида жаҳонга машҳур файласуф бўлди. У сафар шарофати билан ҳам кўнгина билимларни кўлга киритди, бинобарини, у бир жойда ётмай сайр-саёхатни давом эттирди. Энди у Ҳинд мамлакатларига томон юриш қилди. Бу пайтда ҳинд шоҳининг кўзи ожиз бўлиб қолган эди. У шоҳ: «Қимки саъй-ҳаракат қилиб, менинг кўзимни очса, унга кўз пуримин, яъни кўзим пардасида яширинган қизимни никоҳлаб бериб, уни кўз қорачигидай фарзанд этаман, кўзим пурини унга пайванд қиламан», — деб ваъда берган эди. Ҳалиги сафарда юрган доно бу ганимат имкониятини фаҳмлаб, шоҳнинг ҳузурига бориб, бир-икки кунда унинг кўзини очди. Шоҳ ўз ваъдасига вафо қилиб, уни куёвликка қабул этди. Ниҳоят, шоҳнинг умри охирига етиб ўлгач, унинг ўрнига шоҳ бўлиб қолди.

Бундан ўз шаҳрида қолган дўсти хабардор бўлди, яъни ўртоғига шоҳлик муяссар бўлганини у ҳам эшитди ва ажиб бир аҳволда, фалак тепкиларини еб эзилган вужуди билан сафарга жўнади. Ўртоғи қайси мамлакатнинг шоҳи бўлса, ўша ерга етиб борди. Дўстига бунинг келгани гоят маъқул бўлиб, иноят айлаб уни ўзига вазир қилиб олди. Ўз ватанида афтодаҳол ва муҳтож, ўз халқи олдида муттасил хор бўлиб юрган бу одам, сайр-сафар ҳосиятидан вазирлик мартабасига эришиб, турмуши гоятда яхшиланиб кетди. Биричисининг сайр-сафари бениҳоят мукамал бўл-

гани туфайли, у подшоҳлик мартабасига лойиқ ва мувофиқ эди.

Кимки, ўз мамлакатидан сайр-саёҳатга чиқиб, сафар заҳматларини чекса, оқибат таъғри уни ёрлақарай.

## XXXVIII

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудан: — «Модомики сафар қилмоқ машаққатли иш экан, ҳикмат аҳллари нечун бунга руҳсат атурлар?» — деб сўрагани ва ҳақимнинг жавоби*

Ҳашамати Фаридундан ҳам қолишмайдиган шоҳ яна сўрадики:

— Эй, ҳикмат аҳлига сабоқ берувчи ҳақим! Бир жойда истиқомат қилганда осойишталигу сафарга чиққанда мишг турли машаққат бор бўлгани ҳолда, нима учун илм-ҳикмат аҳли сафарни маъқул топади?

Доно ҳақим ўйлаб туриб шундай жавоб берди:

— Эй, ҳикмат амрида фикри тоза шоҳ! Сайр-саёҳатда элга малол етса-да, унга руҳсат берилишининг боиси ва сир-асрорлари шундаки, сафарнинг манфаати бениҳоядир. Ҳар бир машаққат сўнгида роҳат бўлади, фароғат машаққатсиз бўлмайди. Кишига лаззат берадиган таом ўт ранжини тўла тортмаса, яхши пишмайди. Олтин шу жиҳатдан кишилар кўзига дилкаш кўринадики, у ўтда тобланиши натижасида ортиқча нарсалардан тозаланади. Сафарда дўзах машаққати борки, унинг ўтига ҳар ким дош беролмайди. Худди шунга ўхшаб, инсон вужудининг олтини ҳам ҳар нарсадан поклаган ва тоза эмас. Ўтнинг ҳарорати қанча баланд бўлса, олтин шунча яхши эриб, ярақлагани каби, сафар ўтида куйишни ўзига мақсад қилиб олган одам ҳам вужуд олтинини тоблаб, чиқиштириб, камолотга эришади. Сафардан сўнг биров уни имтиҳондан ўтказса, табиатидан анчагина ноқерак нарсалар йўқолганини биллади. Яна шу жиҳатдан тарғиб қилинадикки, сафар кишиларнинг саломатлиги учун ҳам зарурдир. Масалан, сафарда юрган одамнинг еган таоми яхши ҳазм бўлади. Овқат тез ҳазм бўлгани, кишининг саломатлиги яхшиланаверади. Шунингдек, киши вужудида хасталик юз берганда ҳаво алмашмаса хавфлидир. Об-ҳавоки ўзгардимми, кишига саломатлик ёр бўлади-қўяди.

Одамзод нимага одатланган бўлса, бу одат унинг табиати амридан бўлади. Киши табиати янгиликка мойил.

Махбуб табиати айш-ишратга ўч бўлганидек, янгилик ҳам киши табиатини ўзига жалб этади. Сафарда об-хаво ўзгара боргани сари, янгилик ҳам ўз-ўзидан келиб чиқаверади. Табиат икки нарсадан, яъни сув ва ҳаводан баҳра олади. Шу икки нарса муяссар бўлса, киши саломатлиги ортади. Сафарда саломатлик дурустланар экан, бу, инсон табиати учун кифоя эмасми? Агар ҳақимлар бундай ишга руҳсат берсалар, улар оқил одамлар наздида маъзурдирлар.

Ўз саволининг жавобидан қаноатланган фаросатли шоҳ доно Арастуға офаринлар айтди.

### XXXIX

*Искандарнинг Кашмир шаҳрига етгандан сўнгра Маллунинг Кашмирдаги тилсим қўрғонидан ел билан ўтти ўғирлагани; жоду натижасида бу вилоятнинг ўлик жисмдек нафаси ўчгани; ҳарорати сўнгани; Афлотун бу тилсимни очгани ва яширилган ел билан Маллунинг ҳаётини барбод этиб, махфий ўт алангаси билан унинг умр хирмонини куйдиргани ва Искандарнинг Маллу ўрнида Ферузнинг давлат чироғини ёритгани*

Бу муборак тарихнинг донишманди Искандар тарихини шу тарзда баён қилади:

Маллу ўз жонини сақлаш умидида тилсим қўрғонга қараб азм этди. Искандар келиб унинг тахтини олди ва иқбол бахтини қора қилди. У адолат бахш этиш билан элуслуси шодлантирди, эл унинг адолат ҳақидаги ваъдасидан жуда умидвор бўлиб қолди. Халойиқ Искандарнинг ҳукм ва фармонларига мутеъ бўлиб, лутфу эҳсонига кўнгли боғлади. Сўнгра у Маллунинг ҳола-аҳволидан хабар сўради. У ҳақда халойиқ бундай деди:

«Маллу Сизнинг савлатингизни кўриб, қочиб қолди. У фалон қалъа ичида бекиниб ётибди. Бу ўша сеҳр ёхуд тилсим қўрғон бўлиб, сизнинг элчингизга бу ҳақда Маллунинг ўзи гапириб берган эди», деб воқеани ипидан игнасиғача шарҳлаб бердилар. Муборак фазилатли шоҳнинг ўзи ҳам худди шундай тушунчада эди. Ҳақиқатан ҳам ажабговур манзарани кўз олдига келтирди, бинобарин, фикр юритиб бир қарорга келиши керак эди. Яна тағин Искандар киши кўнглини хурсанд қиладиган дилкушо мажлис чақириб, билим аҳлидан у ҳақда фикр сўради.

«Кашмир агар чаман-чаман очилган гулзорга ўхшаса ҳам, лекин ҳавоси кишини ҳайратлантирадиган даражада иссиқ экан. Доим руҳпарвар насим эсиб тургани учун

жаннатга ўхшайди, бўлмаса жаҳаннамнинг худди ўзгина-  
сидир. Агар бу гулшанда шамол эсиб турмаса, гули ўту  
сунбуллари қора дуддан фарқ қилмасди. Дунё олов сочиб  
турса-ю, лекин ҳеч ким ўтдан нишон тополмаса, бу жуда  
ажабланарлик. Қайси ўлкада шу каби қийинчилик бўлса,  
ундаги халойиқнинг ҳаёти машаққатлидир. Машаққат у  
ёқда турсин, бу аҳволда бундай жойда (яъни ўт билан  
ҳаво йўқ жойда) яшаш мумкин эмас. Агар бу ишнинг  
чорасини топиш мумкин бўлса, одамларнинг бу ерда ту-  
ришидан ҳеч қандай ташвиш йўқ. Борди-ю, чорасини то-  
полмасак, ҳозир ихтиёримиз ўзимиздалиги пайтида бу  
днёрни тарк этиб қўяқолганимиз авлодир. Хали, бир оз  
ўтгач, қолдан тойганимиздан кейин кетмоқчи бўлсак,  
эшитган қулоққа ҳам яхши эмас», — деди.

Олимлар дуо қилиб айтдиларки:

«Агар шоҳнинг муддаолари шу бўлса, Маллунинг бу  
макрини дафъ этамиз; унинг тарафидан солинган нарданинг  
сиррини очамиз. Шоҳнинг таъблари бундан хира бўлма-  
син, бу нарсани бартараф этиш бу қулларингиз учун унча  
қийин эмас. Агар шоҳ бизга ўн кунга муҳлат этсалар, шу  
орада буни дафъ этиш учун тағри зафар берса, ажаб  
эмас», — дедилар.

Шоҳ дедики: «Агар ўн кунга чўзиладиган бўлса, ўт ва  
елсиз халойиқ ҳаддан зиёда қийналиб қолмасмикин?»

Бу бобда шоҳнинг кўнгли малол топаётганини кўриб,  
билимдон Афлотун: «Жаҳон шоҳининг муборак таъблари  
хоҳ ошкор ва хоҳ махфий ҳолда гамгин бўлмасин. Мен  
уч кун ичида бир тадбир топиб, ўша ердаги вазиятни ўзгар-  
тиришга ваъда бераман», — деди.

Билимлар хазиначиси бу сўзин айтarkan, Искандар-  
нинг таъби ғоят равшан тортиб кетди.

Худди шу аснода ел бирдан йўқолиб, эл исенқининг  
шиддатидан гўё дўзахга тушгандек бўлиб қолди. Исенқдан  
халқнинг ичи ёна бошлади. Шуниси қизикки, ўт ҳам поёб  
бўлиб қолди. Шу пайт баковуллар келиб арзу дод қил-  
дилар:

«Оламда ҳеч қандай оловнинг нишонаси қолмади. на  
чўғ, на шуъла, на учқун ва на тутун бор. Ҳаммаёқ худди  
гўзаллар кўнглидек тош бўлдики, ундан мутлақо учқун  
ҳам чиқиши мумкин эмас. Ўт чиқармикан, деган умид  
билан тошга темир урилса, ўт ўрнига сув чиқадигандек  
туюлади. Арзимиз шулки, агар овқат ўхшамаса ва ўз вақ-  
тида пишмаса, айб бизда эмас».

Хулласи калом, ўт ва ел йўқолиб қолди, одамларнинг

песик дами ўту совуқ охи ел бўлиб қолди. Қундузи тандирда олов ёнимас, кечаси шамларда шуъладан асар кўринмас эди. Ажабланарлиги шундаки, ўчиб қолган хавфи бўлгани учун чирог елдан узоқ туриши лозим эди, энди ел йўтида нечун битта ҳам ўчмаган чирок қолмади? Песикдан шамнинг кўзи хира-ю, совуқдан ёниб турган шам қорайиб қолди. Бу уч кун ичида халқ шундай хафаланиб кетдики, энгакларига қўлларини тираган ҳолда, бошлари қотиб, ҳайрон бўлиб ўтирар эдилар. Бу аҳвол шоҳни, шоҳгина эмас, бутун дашқарбошию ва бошқа кўнчиликни Афлотуннинг ҳарамига боришга мажбур қилди. Зеро, дунёнинг бу доноси ваъда қилган уч кун ўтганига қарамай, ҳали бир қарорга келгани йўқ эди. Агар яна, бундан ортиқ кутинга тўғри келса, машаққат эл-улусни бетоқат қилиб қўйиши табиий эди. Буларни кўриб, донишманд тадқиқотчи айтди:

«Одамлар бу аламдан ташвишланмасинлар. Бу кун ҳам ваъда қилинган уч кунга дохилдир, албатта, тонгла мурод-мақсадимиз ҳосил бўлур».

Мана шу гап билан шоҳ ҳам, у билан бирга келганлар ҳам таскин тониб, ҳаммалари ўз жойларига қараб кетдилар. Афлотун ҳаким учун буни даф қилишнинг ҳеч қандай хавф-хатари бўлмагани туфайли, бу вазифани ўз зиммасига олди, зеро у бу илми Жомосб ҳакимнинг башоратгўй аҳкомидан ўқиган эди. Китобда бундай дейилган эди:

«Искандар ўз замонасининг илм-фан шоҳи бўлиб, жаҳондаги мамлакатларининг ҳаммасини ўз қўл остига олади. Ана шундай жаҳон ерларини бирин-кетин қўлга киритиб юрганда, Камширни фатҳ этиш ҳам унга муяссар бўлади. Шунда Кашмир шоҳи тилсимланган қўрғонга қочиб кириб, халқдан ел билан ўтни яширади. Лекин ҳаракат қилиб қидирган одам у қўрғоннинг ичида бўлган тилсимни топиши мумкин. Қўрғоннинг ичида тошдан қурилган бир уй бор, ҳикматнараст олимлар тилсимни шу уйга жобажо қияганлар. Халойиқни офатлардан сақлаш учун бутун елни сеҳр билан мана шу ерга банд қилиб қўйганлар. Бурунги пайтларда жуда қаттиқ шамол бўлиб, халойиқни безовта қилар экан. Елни ҳакимлар у ерга беркитганларида, у ердан яхши бир туйнук ҳам очганларки, бу туйнук бутун мамлакатга, хусусан, Кашмир шаҳрига тўппа-тўғри қаратилган бўлиб, шундан ҳаммаёққа ел эсиб туради, эл-юрт мана шу ердан баҳрамайд бўларди. Мабодо, биров ўша туйнукни бекитиб қўйса, ундан чиқадиган шамол ташқарига чиқа олмасди. Бундан бошқа, қалъа ташқарисида яна бир чоҳ — чуқур бор бўлиб, у ерда ҳам ажойиб тилсим мавжуд. Бу қудуқнинг оғзи жуда тору аммо ости кенг,

көнг бұлганда ҳам ұша қалъаға барабардир. Шу чоҳнинг тубида бир катта ўтхона бор бўлиб, бу Каюмарс замонидан бери ёниб туради. Унинг ичида бұлган тилсим ұша чуқурнинг бир бурчагига жойлаштирилган бўлиб, кўринишида худди одамнинг гавдасига ўхшайди. Ўша киши хайбатига ўхшаган тилсимнинг қайнашидан ўтхонада ҳарорат ҳосил бўлиб туради. Ўшанинг ёнида бир дам билан кўра бор, шу кўрага ҳаво берадиган бир пай ўрнатилган. Шу дам билан кўранинг ҳалиги пайи орқали пуфланиб, унинг ичидаги олов туташтирилади. Бу чоҳнинг оғзидан доим ўт билан тутун чиқиб турадики, мана шу олов билан тутундан халқ баҳра олади. Кашмир мамлакатида ўтнинг манбаи шу чоҳдир. Паники ўт, қуёшнинг чиқар жойи ҳам шу ердир. Бу мамлакатда ўздан ўт чиқиши мумкин бұлган қанақа тош бўлса, унинг ўти шу ўтхона ичида бор. Ҳамма ўтларни шу тилсим ўзига тортиб олган бўлиб, унинг ўтхонаси шу туфайли муттасил ёниб туради. Мана шу чоҳнинг оғздан чиқиб турадиган алангаларгина бу мамлакат халқига ўт етказиб беради. Агар бирон кимса у чоҳнинг оғзини беркитса, беркитганда ҳам жуда мустаҳкамлаб ёпса, худди қуёш ер остига ботгандек, мамлакат эшига олов кўринмай қолади. Искандар қачон Кашмирни олса, у мамлакатнинг шоҳи ўз душманига қарши шу тадбирни қўллайди. Шунда Искандар ёнидаги олимларнинг барчаси буни даф қилиш учун бел боглайдилар. Лекин бу вазифа асосан Афлотунга ҳавола қилинади, зеро, у илм-ҳикматда бу фаннинг соҳибидир. Аввал у чоҳнинг бошини топиб олмоғи, сўнгра ўша ерга кириб ўтирадиган чодир тикмоғи лозим. Ана ундан кейин беркитилган чоҳнинг оғзини очиб, ўн етти қадам ичкарига юриб киради. Шу ўн етти қадамдан бир қарич ҳам нари ўтмай, чоҳнинг икки ёнига яхшилаб қараса, ҳар тарафида биттадан тош лавҳа кўрадики, шу лавҳаларнинг бирига «ўт», иккинчисига «ел» деб ёзиб қўйилган. Ана шу тош лавҳаларни шундай зарб билан тенниш кетраки, у девор ичига қулаб кетсин. Мана шулар қулагач, бирдан елгау иккинчисидан ўтга йўл очилади. Шу йўллар очилган онда ўзи ташқарига қараб қочиши лозим. У ердан ўт билан ел шундай тугён уриб чиқадики, йўлида қандай тўсиқ бўлса, вайрон қилиб юборади. Бу икки раҳадан даҳшат билан чиққан ўт ва елни кўрган одамлар қиёматқоним бошлади, деб ўйлайдилар. Ел қалъа ичидаги одамларга шундай шиддат билан етиб борадики, кимга тегса, уни хароб қилади. У ҳар қандай катта ва зўр иморатни ҳам емиради, ерга яхшилаб ўрнатилган ҳар қандай бақувват ходани ҳам синдиради — йиқади. Бу пайтда у ердаги



одамлардан биронтаси тирик қоламан деб ўйлаши, ҳатто бундай ҳаёлга бориши ҳам мумкин эмас. Энди, ўтга келганда, ўтнинг шуъласи шу чоҳдан кўринган ондаёқ ўз яллиғи билан қалъани куйдириб ташлайди. Ўт бир онда бу қалъа ичига, ичигагина эмас, унинг баланд минораларигача туташиб кетади. Бу ўтнинг алаңгасидан қалъанинг ташқариси кип-қизил чўтга айланиб, ичкарасидаги одамлар қизиган тошга ёпилган кабобга ўхшаб жизгинак бўладилар. Ҳаким ўша тош лавҳаларни қулатиб, бир дам бу хатарлардан четга қочиб туренин-да, ел қалъани остин-устин қилиб, шаҳарга йўл олиши билан дарҳол яна ичкари кириб, ҳалиги тош лавҳаларни тиклаб, раҳна тўйнуқларни қайта беркитсени. Шунда у ўт билан ел тишчланиб, иккаласининг туғёни ҳам пасаяди. Шундан сўнг, худди бурунгиендек, ел ёқимлилиги, ўт ўзининг мўътадил алаңгаси билан халқларга ҳаёт бағишлайверади».

Афлотун мана шу юқоридаги афсонадан хабари борлиги туфайли, шоҳ билан аҳд-паймон қилиб, ишга киришган эди. Ўша афсонада кўрсатилган белгини топиш учун уч кун сипчовлик билан мўъжалдаги жойларни ахтарди ва чоҳнинг бошини тонди. Энди сеҳргарларнинг жазосини бериш қолган эди. Бояги танишиланиб келган шоҳ ва унинг ёнидаги халойиққа тасалли бериб жўнатгач, ўзи турадиган ва асбоб-айжомларни қўядиган бошпанасини чоҳнинг яқинига олиб бориб қўндирди. Қуёш ер чоҳини макон қилган, осмон юлдузлар тилсимини намоён айлаган пайтда, Афлотун қароргоҳга бориб, шоҳни бир хилват жойга чақириб, бу сеҳр ҳақидаги сирларни бошдап-оёқ унга аъз қилишни ўзига фарз деб билганини айтди ва баён айлади. Шоҳ сеҳрнинг сирини англаб, жуда ҳайратда қолди. У, Афлотунга бир қанча эҳсонлар бериб ва таҳсин-офаринлар айтиб, деди:

— Демак, бу ишни битиришининг йўли топилибди, энди доно устоз қандай маслаҳатни раво кўрадилар?

Донишманд дуо билан сўз бошлаб, бундай деди:

— Эй, ўз шавкати билан фалакни ҳам поймол этган! Мен қандай фикрда бўлсам, шу рост чиқди. Тангри ёр бўлса бу иш албатта саранжом тоңгусидир. Фақат биргина гап, у ҳам бўлса бахт-иқболнинг ёр бўлиш масаласи қолди. Бу бобда сен каби бахти кулган одам ҳозир дунёда йўқдир. Иқболнинг ҳам, давлатнинг ҳам зўр, ҳиммат ва қувватинг эса булардан ҳам икки баробар ортиқдир. Фикр ва ақл билан бажарилиши мумкин бўлган ишларнинг ҳаммасини қилдим, энди сенинг забардаст қўлингнинг кучига эҳтиёжим бор. Яъни, топганда ўша лавҳаларни сен қўпориб бер-

санг, бу иш саранжомига етган бўлур эди. Зеро, сен шоҳ бўлганинг ҳолда, жаҳоннинг энг зўр паҳлавонисан; ўзинг жувоимард бўлганинг каби, давлатнинг ҳам ёшдир. Хизматкорингнинг муроди — бу сеҳрнинг тўсиги ҳам сенинг қўлинг билан очилишидадир! — Ишбилармон шоҳ офаринлар айтди ва талабни қабул айлади.

Шундан сўнг шоҳ бир қанча сирдош маҳрамлари-ю, шу ишнинг иложини қила билувчи кишилар билан, тезда отга суворий бўлиб, ўша томонга қараб жўнади ва доно җарафидан аниқлапган чоҳнинг яқинига бориб тушди. Афлотун ўзининг ҳар парсага қобил ҳамроҳини, яъни қора тунда порлаб чиққан ойдек шоҳини ўзи билан бирга чоҳнинг оғзига бошлаб борди. Чоҳ ичига тушиб анча юрарканлар, тош лавҳаларнинг иккаласи ҳам нуқрадек оппоқ ялтираб кўринди. Афлотун икковини ҳам Искандарга аниқ кўрсатгач, деди:

— Энди фурсат ўтмасин, тез бўл!

Искандар уларни кўриб хурсанд бўлди ва айни пайтда тангрига сизиниб туриб, икки лавҳани шундай куч билан тепдики, уларнинг иккиси ҳам қулаб тушди ва шоҳнинг ўзи тезда ташқарига қочди. Шу онда Искандар билан Афлотун икковлари қўрғонга томон, йўқ, қўрғон томон эмас, тангрининг қудратига кўз тикдилар. Орадан бир дам ҳам ўтмай, ўт алаңгаси қалъадан чиқиб, кўкка томон ўрлади. Яна бир нафас ҳам ўтмай, ел ҳам етишди. Ел етиши биланоқ эл ҳам қўзғалиб кетди ва шу онда халқнинг дод-фарёди оламни босди. Булар ҳам тезда қайтадан чоҳнинг ичига кириб, раҳна олдига бориб, ганч ва гишт билан у тешик — раҳналарни уриб-беркитиб ташладилар. Хавфу хатарнинг йўлига гов солмоқ учун ҳамма керакли нарсаларни ҳақим аввалдан тайёрлаб қўйган эди. Бало раҳнаси қайта ёпилгач, ел билан ўтнинг тугёни ҳам камайди. Дунёнинг энг улуғ шоҳи билан илм-фан эгаси бўлмиш допишманд икковлари гордан чиқдилар. Энди, бахтиёрлик ва шодмонлик билан қўшин томонга кетай деб турганларида, ҳалиги чоҳдан шундай қий-чув, шовқин-сурон, дод-фарёд товуши келдики, асло тоқат қилиб бўлмасди. Қўрғон ичига ўт кетиб, алаңгаси осмонга кўтарилиб, ел-бўрон ҳам ур-йиқит қилиб, халойиқни ағдар-тўнтар қилган пайтда бу икки балодаи ҳалок бўлаётган бир гуруҳ кишилар даҳшатланиб горнинг ичига ўзини урибди. Булар орасида Маллу, унинг фарзандлари, куёви ва туққан-жигарлари ҳам бор экан. Булар ҳалиги ўтдан жигарсўхта бўлиб, бири куйиб, бири ёниб, ҳаммаси саросима бўлган ҳолда ўтиндай алаңгаланиб чиқиб келишди. Иска-

дарнинг ёнида бўлган ҳалиги маҳрам кишилар тезлик билан уларнинг ўтини ўчиришди. Улардан кўнчилиги жингинак бўлиб ўлдими, ҳеч ким бундай ҳолни махлуқлар орасида ҳам кўрган эмас. Булардан бирмунчаси ҳалок бўлмади қолди. Тирик қолганлар орасида Маллу ибн Мабок ва унинг Феруз отли ўгли, оламга нур сочувчи ойдек қизи ҳам бор эди. Бу қизнинг тавеффи ҳақида сўз юртишининг ҳозирча ўрни йўқ, кейин бафурика айтилар.

Маллу бу чорасиз Исқандарнинг иши эканлигини биллиб, ўз умрининг иши қисқарганини фаҳмлади. У Исқандар олдига келиб, бошини ерга қўйди ва бир нафасдан сўнг бошини кўтаргач, кўз ёшларини тўка-тўка деди:

— Эй шоҳ, сенинг қошингда гуноҳорман. Ҳар қанча жазо берсанг, сазоворман. Агар гуноҳимни афв этишни лозим кўрганингда ҳам менинг тирик қолишим жуда маҳол. Гарчи ўтдан менинг ҳаётим сақланиб қолган бўлса ҳам бари бир, сенинг қаршингдаги уят — ўлимдан қаттиқ. Ҳар ҳолда менинг ўлишим аниқ ва қатъий. Сен узоқ йиллар бахт-саодат билан яшагин. Мен қулингман, аммо мана бу ўғлим билан қизим сенинг қулбаччаларингдирким, шуларнинг гуноҳини афв этиш билан мени қувонтирсанг, деган умиддаман.

Шоҳ унинг ожизлиги ва таслим бўлганини кўриб, Маллу кўнглидан хавф-хатарни кўтариш учун деди:

— Биз сенга бундай душманлик қилмоқчи эмас эдик, лекин сен ўз бошингга ўзинг тиг тортдинг. Энди, ҳозир ҳам юзингни тупроққа суртиб, ожизлик билан илтижо қиялсан. Бинобарин, ўз қошингда афвкорлик кўрсатиб, қарам қалами билан гуноҳингни ўчирамиз. Мабодо, ўлмай қолсанг, иноят юзасидан кишварингдан маълум миқдорда хирож олиш шарти билан тожу тахтингни ҳам, подшолигингни ҳам ўзингга бериб, мамлакатингдан чиқиб кетамиз. Ва агар умринг муҳлат бермай, сенинг давлатингнинг қуёши ботадиган бўлса, ўрнингга эҳтиром билан халафзода ўглингни тахтга ўтқазайин. Ҳамда иффат эгаси бўлмиш қизингни, яъни офтобингни ҳам ҳарамхонамга келтириб, тўю тамошо билан никоҳлаб олишга ваъда бераман ва уни ўз уйимнинг базм чирогига-ю, кошонамдаги ёри-меҳрибонимга айлаптираман. Бизнинг бир-биримиз билан улфат ва пайванд бўлишимиздан пайдо бўлган фарзанд эса сен билан бизнинг наслимизга мансуб бўлгусидир.

Шоҳ бундай гапларни айтар экан, Маллу хурсандчиликдан ўз жонини фидо қилгудек бўлди. Шоҳ унинг жонини лутф-эҳсон билан олиб, оби ҳаёт бериб ўлдирди.

Замон унга ханжар урган эди, худди ўша ханжар унинг ўлимига баҳона бўлди. Искандар Маллунинг мамлакатиде меҳмон эди, кеч кириши билан мезбоннинг меҳмонга тортадиган нарсаси жон бўлди. Худди гадо бекитиб қўйган нарсасини меҳмонга нисор қилгандай, Маллу ўз жонини шоҳга нисор айлади. У шу аҳволда бу дунёдан кўз юмгунча, Кашмирнинг давлат арбоблари ҳам бу ерга келиб етган эдилар.

Шоҳ тезда бир қанча кишини тайинлаб, марҳумни кўмиш учун зарур бўлган барча керак-яроқларни тайёрлатиб, тонг отгач, шоҳона тартиб-қондаю унга лойиқ зеборойиш билан, қўшин ичида бўлган ҳамма шоҳларни ҳам чақириб, улар ҳам тобут атрофида ҳамроҳ бўлишгани ҳолда, Маллунинг авлод-аждоди дафн этилган, тупроги хушбўй, анбар каби ҳид сочиб турган мозорга олиб бордилар. У қабристоннинг тоқи равоқи осмондек баланд ва кенг қилиб ишланган эди. Мозоротнинг атрофи ҳам худди осмон фазосидай кенг бўлиб, ундаги ҳар бир мозор ҳам кўк гумбазидек эди. Мозорнинг ташқарисида осмонга кўтарилган туглару ичида малаклардек гўзал қандиллар порларди. Маллунинг ҳамма марҳум авлодлари шу мозоротга дафн этилган бўлиб, оғир уйқуда ётар эдилар.

Подшоҳлар ётган осойишта жой бу султонга ҳам оромгоҳ бўлғай. Дафн этиш масаласида Искандарнинг фармони қандай бўлган бўлса, эшитганлар бу ҳукмин шундай ижро этдилар.

Маллунинг қариндош-уруғлари икки-уч кун йинги-сиги қилгач, кўз ёши тўкиш ҳам тўхтади. Оти Меҳрнос бўлмиш қизи — ҳар қандай гўзалнинг рашкини келтирадиган Кашмир ойига келганимизда, у ота азаси билан гамзада эди. Шунингдек, ўғли Феруз ҳам мотамзада эди. Замон шоҳи шу таъзияни тугатиш учун шоҳона бир маърака чақирди. Узи тўққиз зиналик баланд тахтга чиқиб, тўққиз қабат осмоннинг шавкатидек улуғворлик билан ўтирар эди. Шоҳлар қабулхона ичида унинг атрофида икки саф бўлиб турдилар. Халойиқ эса, боргоҳдан узоқроққа жойлашдилар. Лутф-марҳаматли шоҳ осмондек кенг дастурхон ёзиб, ўз душманига дўстлардек маърака оши тортди. У халойиқ олдига шундай кўп ноз-неъматларни тўкиб солган эдики, пасткаш фалак бундай тўкин маъракани тушида ҳам кўрмаган эди. Ёзилган беҳисоб дастурхоннинг ҳар қайсиен осмондай кенг эди. Бу дастурхонлардаги ҳар бир нон куёшдай қизариб пишган. Шунча кўп қўй сўйилдики, сон-саногин йўқ; қўй қанча сўйилган бўлса, шунча от ҳам сўйилди. Бағоят кўп шакар қайнатиб, ранг-баранг ҳолвалар пи-

ширдлар. Дастурхон устида идиш-табоқ қўядиган жой қолмаган, товоқларда гўшт ўрнига кабоблар тортилди. Ош-овқатлар тавсифга ситмайдиган, тавсифга эмас, лофга ҳам ситмайдиган даражада кўп эди. Дунёнинг шоҳи шу хилда сахийлик билан дастурхон ёзиб, бутун халойиқни у ноз-неъматлардан бахраман қилди. У маърака тугаб, дастурхонлар йирилгач, дунё шоҳининг ижозати билан, давлат катталари ҳам шоҳнинг буйруқларига ҳурмат билан бўйин эгган ҳолда, жой-жойларига жўнадилар. Сўнгра, Феруз билан севимли Меҳноз ойга ҳарам ахллари муносиб кийимлар кийгаздилар. Жумладан, Ферузнинг бошига олтин тожу заррин либослар устидан олтин камар боғлатилди. Бундан бошқа яна унинг ёнидаги йиғирма етти давлат арбобига амалдорлик тўн-жуббалари кийгазилди. Яна икки юз кишига тўн ва декла-нимча; икки минг кишига эса яланг тўн инъом қилинди. Инъом олганлар шундай хурсанд бўлдиларки, миннатдорчилик юзасидан Искандарга тўққиз марта юқуниб-таъзим қилдилар. Булар юқуниб бўлгач, шоҳ Ферузни чақириб, ширин калом бошлади:

— Азалдан қазо қалами билан ёзилган тағри тақдирга чора йўқ. Бу жаҳонда хоҳ шоҳ ва хоҳ гадо бўлсин, ҳамма шубҳасиз, шу ўлим йўлидан боради. Ҳеч кимса шоҳликка етиш учун эмас, балки шоҳми, дарвешми, — ҳамма бу дунёга кетиш учун келган. Доим киши яшаш умидида юрадию, аммо дунёда ҳеч бир кимсанинг ўлмай қолганини эшитганмисан? Жаҳонда тахт қуриб, охирида тахта устида сафар қилмаган ким бор? Янглишдим, тахт устида рахт — анжом бўлади, чунки тахт эгаларига у зийнат беради-да. Лекин кимники сартахтага эҳтиёжи тушса, у ҳамма кийимларини солиб, қиёмат одамларидек яланғоч кетади. Мол-дунё ва тахт соҳиблари ҳам охири сартахта устида яланғоч ётадилар. Шунинг учун хоҳ мен, хоҳ сен ва хоҳ палону пистон — ким бўлмасин, бу дунёга ҳирс қўйишимиз лозим эмасдир. Ҳар қандай шароитда ҳам киши бу дунёдан ўтади. Модомики шундай экан, доим кетиш тараддудини қилиб юрмоқ лозим. Кишининг бу дунёда қилган иши хоҳ хирмон уймоқ ва хоҳ бир бошоқ буғдой олмоқ бўлсин — бари бир, улар унинг учун озиқдир. Ҳар бир кишига унинг бир яхши иши у дунё учун йўл озиғи бўладию, аммо шоҳнинг йўл озиғи учун адолат зарурдир. Сени бу мамлакатга шоҳу бу кишварга кишварпаноҳ — посбон айладим. Шиоринг лутф-эҳсон бўлиши, адолат йўлини тутининг зарур. Фуқаро сендан шодхуррам бўлса-ю, мамлакат ободликка юз тутса, деган умид-даман! — деди.

Мана шу юқоридаги каби ваъз-насихатлар билан икки олам учун фойдали гапларни айтиб, унга ислом динидан таълим берди. Бу сўзлар Феруз кўнглига ёқиб, ер ўпиб, ҳаммасини қабул айлади ва шундай гап бошлади:

— Эй, оламни обод қилган, адолат билан дунё ва охи-ратни эгаллаган шаҳаншоҳ. Сен менга фармон бериб, шоҳлик қилишни муносиб кўрдинг. Бу бобда нимани буюрган бўсанг, бошим устига. Умидим шуки, ҳақ таоло сен айтган сўзларни бажаришга мени муваффақ қилгай. Илоҳий, сен айтгандек бўла олайин. Энди, қайси тил билан сенга миннатдорчилик қилай? Отамнинг ёши улғайиб қариб қолгач, унинг ишларидан мен ташвишланиб юрар эдим. Табиатига ташкашлик ўрнишиб қолганидан кишининг насихатига қулоқ солмас эди. Ана шу жиҳатдан хато қилиб, сенинг буйругингдан бўйин товлаб қолди. Панд-насихатлар қилдим, қаттиқ гаплар ҳам айтдим. Иқ-болли давлати қайтган экан, ҳеч қандай сўз таъсир қилмади. Шоҳ инсофларидан мен баҳра олдим. Эндиги умидим тағриининг лутф-марҳаматидандир. Хизматкорликда маъ-қул ишларни қилиш билан шоҳ эҳсонидан баҳраманд бўлиш учун тиришурман. Агар қари отам ўз ишида хато-ликларга йўл қўйган экан, сенинг шунчалик марҳаматла-рингдан таъсирланган йигит ундай қилмас.

Искандар унинг сўзларига қараб туриб, отасининг ўр-нига уни шоҳ қилиб тайинлади. Ёши ўтган қария, куч-қувватдан қолиб, бу дунёни тарк этган экан, унинг ўрни-ни ёш йигит эгаллаши керак!

Эй соқий! Менга қарияларнинг жомини тут, шоҳона де-майман, фақирона жом тут. У жом менга шундай бир мадад берсинки, қайтадан йигит бўлиб кетайин, умидим шу.

Эй созанда! Ҳазин бир куй бунёд қил. Шу куй билан йигитлик айёмларини ёдимга сол. Сенинг у куйингдан фикрим янгилансин, соғинганим йигитлик завқи билан яна жўш урайин.

Эй Навоий! Гафлатдан жуда кеч уйғондинг, афсус! Йигитликни барбод қилдинг, афсус! Йигитликда балойи нафсинг сени йўлдан оздирди. Энди, қариганингдан сўнг, ҳасрат-надоматдан нима фойда?

## LX

*Ёшлик елининг сабоҳати — гўзаллиги (ундан ўқтин-ўқтин ёруғлик юзланур) ва йигитлик гулзорининг тозаллиги (унинг гуллари ҳар лаҳзада очилиб тургай). Ёшликнинг*

*шундай гўзал дамларида қуёшдек ёстиқдан боти кўтариб, очиқ чехрани кўрсатмоқ ва бу фаслда бинафшадек белли букиб, меҳнат ва тоатга бўйин қўймоқ зарурлиги ҳақида*

Йигитлик чоғиданоқ меҳнат ва тоатга бўйинсунган кишининг юлдузи нақадар қутлуг! У авжи ўйнаб-куладиган пайтида тангри нимани буюрган бўлса, шуни қилади. У тангри буюрган ишни бартараф қилмай, бошиқа беҳуда ишларга қўл уриб, ўз умрини ўтказмайди. Ахир бу каби бефойда ўйин-кулгилар беш-олти кунлик бўлиб, оқибати яхшиликка олиб бормади. Бинобарин, гўзал йигитлик даврини ғанимат билиб, ҳақ ва ҳақиқат йўлидан четга чиқмаган маъқулдир. Тангри қандай неъматни насиб қилган экан, шу неъматнинг шукрини адо қилмоқ зарур бўлгани каби, ёшлик неъматининг шукри ҳам уни фойдасиз харала-тарала билан ўтказмасликдир. Ҳар ҳолда, кимки хушёр бўлса, ёшлик даврини бекорга ўтказмайди.

Сенга худо тарафидан насиб қилмиш неъматларнинг сон-саногии йўқ. Сен ана шу неъматларнинг шукрини қилиб яшашинг керак. Кимнинг зеҳни ўткир бўлса, бу айтганларни албатта адо эта олади. Шулар ҳақида, ҳаммасини эмас, бир озгинасини мен гапирай, сен эшитгин:

Бошлаб, тангри йўқликдан сенга вужуд берди, яъни ўз карами билан сени йўқдан бор қилди. Гўдаклик пайтингдан то ўспиринлик чоғинггача бошингга ҳеч қандай гам-ғусса солмади. Мушкул — оғир кунларда ўз меҳрибонлиги билан сени балолардан ҳимоя қилди. Бу даврда жамолингни жаннатмисолу қадди-қоматингни жаннатдаги тубий номли дарахтдан ҳам гўзал ва навниҳол айлади. Кўзингни кишини сеҳрлайдиган даражада ўткир ва ҳар нарсага ҳаяжонланиб боқувчи қилгани ҳолда, унга ноз уйқусини ҳам берди. Сунбул сочларингни жингалак этиб, кишилар кўнглини қармоқдай ўзи томон илинтиришга қодир айлади. Киприкларингдан найзалар пайдо қилиб, найзадор баҳодирларнинг ихтиёрини сенинг қўлингга олиб берди. Эгма қошинг ёйдек бўлиб тураркан, одамлар жигар-бағирларини бу ёй ўқиға нишон қилиб тутадиган бўлди. Икки лаъли лабинг кулгуга очилганда, ўртада қанд шармандаликдан адоийи тамом бўлди. Шудринг жоласига ўхшашининг дурдай ярқираб тураркан, ёқут лаблар у дурнинг садафига айланиб қолди. Бағбақангни рангли, хидли гўзал бир олмага ўхшатиб, унга жон чашмасидан сув бериб қўйди. Шу бағбақанг чуқурчаси устида қора хол пайдо қилиб, шу холни у чоҳнинг нуқтаси мисолида яратди. Жамолингни товусдай зебо айлагани ҳолда, ноз-карашмаю

жилова билан қарашингни ҳар парсадан парҳез қилади-  
ган — тақводор зотларни ҳам беихтиёр ўзига мафтун этув-  
чи қилди. Ҳитирганинда зебо кўринувчи, юганинда эса  
мағрурлик намойиши этди. Бошингдан оёгинггача гўзал-  
лигу оёгингдан бошинггача маҳбублик намоёнидир. Булар-  
дан бўлак яна акду идрок каби фазилатлар бериб, сени  
кўпчилиққа раҳбар ва бошлиқ ҳам қилди.

Шу каби осмон ва ерда бўлмиш бир қанча неъматлар-  
ни бергач, сенга бир неча ишни фарз қилиб буюрди. Бу  
фарз қилинган ишларинг заминида ҳам сенга юз минглаб  
ҳис-туйғу ва умидлар бағишлади.

Аммо сен эса тағригинг барча амр-фармонларини  
унутиб, шукр қилиш ўрнига тилингни тунг — лоя қилиб  
ўтирибсан. На худонинг бунча эҳсонига тилинг шукр этади  
ва на ўзинг унинг фарз қилган амр-фармонларини ба-  
жарасан. Думоғингни девларда бўладиган ғурур эгаллаб  
олган, суҳбатингнинг ҳеч қанақа фариштаси йўқ. Оғзинг-  
га ёлғондан бошқа гап келмайди, кўнглингдан эса ҳамма  
ишнинг тескариси ўрин олган, ўспирилик чоғлари меҳнат  
ва тоат айёмларидир, сенда эса бунинг аксинча жаҳл ва  
ғафлат авж олган.

Ҳаш-паш дегунча бу ўспирилик чоғи ўтиб, қариллик  
кўчасига қадам қўйсанг, кейин бу каби шодлик ели эсмай-  
ди, аксинча, бу пайтда умр боғи куз фаслига киради. У  
пайтда юзинг куз япроғидек сўлиб — сарғая бошлайди.  
Қўлларинг худди ел текканда қалтирайдиган чинор шоқ-  
ларидек қалтирайдиган бўлади. Қўлларинг барглардай  
титрайдиган бўлгач, томирларинг худди дарахт илдизла-  
ридек қурий бошлайди. Қувватсизлик натижасида кўз  
олдиларинг қоронғилашгани туфайли, уйдан кўчага чиқол-  
май, ҳеч кимга қўшилолмайд қоласан. Бошинг кўксингга  
эгилиб қолгани каби, қошларинг ўсиб, киприқларингга ту-  
шади. Жисмингда бўлмиш барча бўғинларинг бошдан-оёқ  
тугун тушган ипга ўхшаб қолади. У тугунлар томир-  
ларга оғирлик солгани каби, қиладиган ишнингга ҳам юз  
хил монъелик кўрсатади. Пешонангга устма-уст ажин ту-  
шиб, у ерда беажин жой топилмайди. Ажин кўнайгач, юз  
пардаси хунукланиб, у ажинлар ўз хунуклиги билан худди  
пиликни эслатадиган бўлади. Юзинг сомон тусига ки-  
риб, ундаги томирлар ҳам хароб ҳолига келади. Бу хилда-  
ги одамларга айб қўйиб бўлмайди, зеро, ундаги айблар  
табiiйдир. Бундайларнинг совуқ табнати нафасини ҳам  
совуқ қилади, бунинг совуқлиги қиш изгиринидан фарқ  
қилмайди. Нафасининг совуқлигидан қорлар ёғиб, унинг  
соқол-мўйлабларининг толалари оппоқ бўлиб қолади. У



агар ўрнидан турмоқчи бўлса, қадди учи эгилган таёқдай букилади, бош эса ўз ҳаракати билан юмалаб кетаётган коптокка ўхшайди. Юрай деса куч-қуввати бўлмаганидан, қўлига гавдасига мопанд эгри таёқдан ҳасса ушлаб олмас яна бўлмайди. Унинг ўзини тутолмай тинимсиз ҳаракатланиб туришидан боши ўзидан ҳам олдин кетади, гўё боши икки чавгон ўртасида қолган коптокни эслатади. Ўтирадиган бўлса, бадани сомон поясига ўхшаб бўшашиб қолади, орқаси деворга ёпишмайди. Аммо тиззалари эса ўзининг шалоқлиги билан орқасидан ҳам ўтиб тушади. Агар шу нотавон одам ҳорғинликдан ётиб қоладиган бўлса, қиёматда ҳам ўз бошини кўтариб ўрнидан туролмайди, деяверинг.

Агар бир бечора шу даражада ранж-машаққатга тушиб қолган бўлса, уни ақл ва тадбир билан тузатиб бўладими? Йўқ, асло! Бундай одамнинг ҳар қандай ишга урипиши фойдасиз, шунингдек, тоат-ибодат ҳам унга ортиқчалик қилади ва балки гуноҳини орттиради. Ахир, куч-қуввати бор вақтида гуноҳ ишлар билан ёш умрини ўтказиб, энди ҳолдан тойган пайтда тоат қиламан, дейишдан нима фойда?

Ўспиринлик даври — меҳнат-риёзат чоғидир, қарилик эса у дунёга кетиш арафасидир.

Бахтли ва ақлли одам ёш умрини бекорга ўтказмайди, қиладиган ишларини қилиб, муродига етмасдан — бу дунёдан кетмайди.

## XLI

*Ҳаётининг ҳар бир ҳолатидан воқиф бўлган тажрибали кекса насихатининг қадрини билмаган, фурсат ўтгандан сўнг эса беҳуда пушаймон бўлган гофил йигит ҳақида*

Эшитишимча, бир ажойиб барпо йигит бор бўлиб, унинг юзи жозибали ва қадди раънодек гўзал эди. У ўспиринлик даврида қилиниши зарур бўлган ишларга қайрилиб қарамас, доим ўйин-кулги, ҳарала-тараланинг кетидан чопгани чопган эди. У хоҳ қиш ва хоҳ баҳорда бўлсин, бир лаҳза умрини майсиз, мусиқасиз ўтказмас эди.

Шу йигитнинг яқинида бир дили пок қўшнисини бўлиб, у ҳаётнинг ҳамма йўл-йўриқларидан, дунёнинг аччиқ-чучуғи, иссиқ-совуқларидан тўла хабардор эди. Шу одам бу йигитга қўшни бўлганидан сиқилар, чунки у ҳар куни

деярли жанжал-сурон қилиб, жонига тегар эди. Бу ота унга кўнгина фойдали насихатлар қиларди-ю, аммо ҳеч қандай таъсир қилмас, аксинча, у йигит насихатгўйга тубандагича жавоб қилар эди:

Йигитлик чоғи — ўйин-қуяғи, роҳат қилиш даври, қаршилик эса — меҳнат ва тоат-ибодат давридир. Ёшликда қилинган ҳамма гуноҳлар кечирилади, кейинча меҳнат ва ибодат қиладиган вақт ҳам келади, ўшанда қиламиз, — дерди. Мана шу каби гаплар билан ўз кўнглини хушлаб, пичиб, таралабебод қилиб юраверди.

Бу йигитнинг «ҳа» демай ёшлиғи ўтиб, куч-қувватдан қолди. Энди на ишга ярар ва на ибодатга чоғи келар эди. У, ахир, ахлоқсизлик ва ярамас ишларга одатланган бўлиб, унга меҳнат-ибодат каби ҳаётини заруратлар жуда оғир туюлар эди. Агар баъзан шу ишларни қилишга мажбур бўлганда ҳам, бундан ҳеч қанақа завқ топмас ва қовушмас эди. Охири бу йигит қариб, куч-қувватдан қолиб, умри охирига етиб қолди. Шунда ҳалиги насихат қилиб, тўғри йўл кўрсатган пир келиб, раҳм-шафқат билан унинг пешонасини силади. У, бу пайтда ўлим тўшагида бўлганига қарамай, ўз умрини, меҳнат ва ибодат қилмайи пожўя ишлар билан ўтказганини эслаб, пушаймон ерди.

Шунда доно пир: «Кўп насихатлар қилдим, йўл-йўриқлар кўрсатдим, қулоқ солмадинг, шундай бедаво кунлар олдингга келишини ўйламадинг», — деди. У бечора эса:

«Тажрибам йўқ эди, эй дўстим! Сувда сузишни билмаганим учун ғарқ бўлдим. Қаригач, шундай кунлар бошимга тушажагини билсам эдим, йигитлик давримни увол қилиб, беҳудага ўтказмаган бўлар эдим», — деди.

«Отанг неча ёшга кириб ўлди», — деб сўради чол.

Ҳисоб қилиб: «112 ёшда», — деб жавоб берди йигит.

«Шу пайтда у ҳам куч-қувватдан қолганмиди?» — деб сўради пир. Эшитувчи буни тўла тасдиқлади. Шунда бу пок қалбли зот кулиб:

«Э, ҳар парсага енгил ва бепарво қаровчи одам, ўша отангнинг бошидан ўтган кун — сенга етарли тажриба эмасмиди?» — деди.

Кимгаки таигридан раҳм-шафқат етар экан, у ўзгаларнинг ахволидан тажриба ва ибрат олади.

## XLII

*Искандарнинг Арастудан: «Кичи табиати йигитликда нечун меҳнатдан нафратланади ва қариликда мияда ақл*

*камаяди?» — деб сўрагани. Ҳақимнинг қариллик донолиги билан жувонбахт шоҳга йўл кўрсатгани*

Жаҳон шоҳи яна бундай савол сўради:

«Эй махфий ва нозик сирларнинг билимдони! Йигит кишига ишлаш ва касб-хунар қилиш оғир бўлмайдию, аммо нима учун ёшлар меҳнат қилишдан қочадилар? Нима сабабдап кўпчилик ёшлар ўйин-қулгидан ўзга нарсани ўйламайдилар ва тоат-ибодат қилиш уларга оғир туюлади? Йигитликнинг даври ўтгач эса нима учун ҳамма ишнинг завқи, лаззати камаяди? Ёш йигитлар нега хурсандчиликка ўчу қарияларга ўйин-қулги ёқмайди?»

Донолик хислатига эга бўлмиш ҳақим айтдики: «Эй, барча одаг ва хислатлари баркамол шоҳ! Болалик айёмларида одамзотда ҳар нарсани тушуниш ва идрок этиш қобилияти кам, табиати эса ақл ва тафаккурдан узоқроқ бўлади. Ёшлик дамлари ўйин-қулгига қанча ўч бўлса, хато ва камчиликларга шунчалик мўл бўлади. Чунки бу пайтда ҳали ақл чархланмаган, нафс эса ҳар хил бўлар-бўлмас ўйин-қулгиларга ҳаваснок бўлади. Болалик ўтиб, ўспиринлик даври бошлангач, мияга ақл нури ҳарорат бера бошлайди.

Ўспиринлик даврининг одамлари икки турга ажралади: уларнинг бирида ақлнинг қуввати ошса, иккинчисида нафс кучланиб кетади. Агар кишининг ақли қувватланиб — ўсиб борса, у яхши ишларга томон йўл олади. Лекин афсуски, олам кишиларида бундайлар оз, агар бўлса, бундай ақл эгалари халқ ўртасида мумтоз ва обрў эгаси бўларди. Агар нафси ақлидан устун бўлса, уни тарбия қилмоқ керак. Зеро, бундай нафен ақлидан устун бўлмиш одам, нафсининг рағбати билан ўйин-қулгига, маншатга берилади, хато йўлларга кириб кетади. Одамларнинг кўпчилиги нафсининг йўлига тушиб, адашиб қоладилар. Тангри бутун элли парвариш қилгани сингари, бундай нафс йўлига кирган одамларни тарбиялаш, уларни тўғри йўлга солиш зарурдир.

Кимгаки поклик руҳи мадад берар экан, унинг кўнглига ақл шами нур сочиб туради. Бундай бахтга эга бўлган кишилар жуда оз бўлиб, бори ҳам халқ ўртасида подир ҳисобланади. Нафси ақлидан устун бўлган одамларнинг сони кўп бўлса ҳам, аммо халқ ақлли одамларни ҳурмат қилади, уларга ён босади. Чунки ақлли одамлар ҳамма нарсанинг кетини ўйлаб, риюя-андиша билан иш қиладилар, уларнинг ўйлаганлари кўпинча тўғри ва омма учун фойдали бўлади.

Одамлар ўрта ёшга кириб, соч-соқолларига оқ туша бошлагач, тарбия натижасида тўғри йўлга тушиб қоладилар. Зеро, бу вайтда баданларининг ўти анча совиб, ҳароратлари пасая бошлайди. Бу ёшдаги одамларнинг баъзилари майга берилиб, ичкиликнинг ҳарорати билан ўзларини қиздирмоқчи бўладилар. Бундай майхўрликка берилганларнинг умри ўйин-куяги, ҳарала-тарала билан ўтиб кетади. Лекин булар қариб, вужудида қувват ўрнига заифлик, дармонсизлик пайдо бўлгач, нафас олиш қийинлашиб, баданида бўлган ҳарорат ўтини рутубат-нам босиб, сўндиради. Қайси бир ўтни сув босадиган бўлса, унинг ўчмай қолиши мумкинми? Киши вужудида ҳарорат каймакка, меъда сустлашиб, ейилган овқатлар яхши ҳазм бўлмай қолади. Агар ҳазм бўлмайоти, деб кам овқат еса, кундан-кунга куч-қуввати пасаяди, кўп еса-чи, ҳазм бўлмаслиги орқасида вужуди касалланади. Ўтдан чироқ ёнган сингари, киши вужуди соғлом ва бақувват бўлса, димоғи ҳам чоғ бўлади. Ўт ўчса, шамъ ҳам ёнишдан тўхтагани каби, баданида қуввати кам одамнинг ақли ҳам етарли бўлмайди. Зеро, қувватсизлик мияга кўпдан-кўп зарар етказди, натижада ақл-идрок издан чиқади. Киши шундай ҳолатга тушиб қолса, шаклининг ҳам ўзгариб-хунук бўлиб қолиши турган гап.

Лекин дунё, юқорида айтганимиздек, пок қалбли, ақли баркамол одамларсиз қолмасин. Уларнинг табиатлари ҳикматли бўлиб, тағри уларни бахт-саодат эгаси қилиб яратган. Агар бундай ақлли кишилар ҳаёт ва жамиятда ўз шахсий манфаати учун курашмай, ўз нафсини демай ҳалоллик билан иш юритсалар, қаноат билан тирикчилик қилсалар, уларни пайгамбар деса ҳам, валий деса ҳам, ҳаким — файласуф — донишманд деса ҳам бўлади. Бундайларнинг вужуди, шубҳасиз, меҳнат ва риёзат билан чиқиққан бўлиб, кўнгиллари фақат покликдан қувват олади. Уларнинг умри қанча узун бўлса, қанча кексайса ҳам юз-кўзлари шунчалик гўзал ва нуруний бўлаверади. Шунингдек, улар яшаган сари ақл ва билимга тўлиб, канои қанча эскиргани билан ўз тусини йўқотмагани каби, яшариб юраверадилар».

Искандар устози Арастудан бу фойдали насиҳатларни эшитгач, хотиржам бўлди.

### XLIII

*Искандарнинг кўнгли жоду зулфидан холи бўлгач, ҳиндуга майл кўргизгани; яъни Каширдан Ҳиндистонга сафар*

қилгани ва ҳинд ҳукмдори ўзининг арқони давлати ҳамда бир гуруҳ олимлар ҳаққи-ҳурматини шафе келтириб, ўз гуноҳига кечирим сўрагани; Искандар ўтинчи қабул қилгач, ҳинд ҳукмдори ҳукмдорлар ҳукмдори Искандарни Ҳинд сори бошлаб Нигор номли ўрмонда жойлашган қишлоқни томоша қилдиргани ва у ўрмоннинг тўрт томони васфидоқим, таърифига тил ожиз, негаки жаҳонда мундоқ дилаш масканнынг топилмоғи душвордир

Келиб чиқиши ҳинд наслидан бўлмиш доно бу тарихни бундай тасвирлайди:

Шу тариқа Искандар Кашмир юртини Феруз ихтиёрига топширди. Унинг бошини тож билан зийнатлади ва муайян микдорда хирож тайинлади. Сўнгра тубандаги топшириқларни берди:

«Икки ой ўз мамлакатингда туриб, ишларингни тартибга сол. Шу муддат ичда аскар жамлаб, уларнинг ҳаммаси учун тегишли йўл харажатларини ҳозирлаб, бошқа ҳеч қандай ишга қарамай, бизнинг орқамиздан дарҳол Ҳиндистонга отлан!

Шу қабри топшириқлар билан ундан хотиржам бўлгач, унинг синглиси Мехриозни тўққиз нарда орқасига яшириб, қоронғи ҳарамини у билан ёруғ этди. Сўнгра Ҳинд мамлакатига қараб юриш қилажагини маълум қилиб, Ҳиндистон сари отланди. Лашкарларнинг ташвиш ва машаққати яна ортди, замонанинг ур-йиқити яна авжга миңди. Бутун ер юзини лашкар тутгандай бўлди, унинг чанг-тўзони осмонни фалакни босиб кетди. Шу тариқа булар юрган йўллари-ни манзил-бамаңзил таноб билан ўлчаб боришди. Қайси бир қишлоққа кўнсалар, у ерни ўз қўл остига ўтказар эди. Юксак тоғлар устида қад кўтарган баланд кўрғонларни ҳам қўшин поймол қилиб борарди. Искандар шу юрушда йўлида учраган ёмонларни даф этди, лекин яхшиларнинг ҳурматини жойинга қўйди. Унга қаршилик кўрсатган ва зўравонлик қилганларнинг шавкатини ер билан яксон қилиб, ўзига бўйсундирди. Искандар шу юриши билан Ҳиндистон мамлакатига қадар чўзилиб кетган ўлкаларда адолат ўрнатиб, бўстондек яшнатди. Ҳинд шоҳи Искандарнинг Ҳиндистонга юриш қилгани хабарини, то Кашмирга азм этиб, у ерни қандай фатҳ этганидан тортиб, уларнинг сеҳр-жоду ишларини бошдан-оёқ парчалаб, тилсимотларини вайрон қилгани борми, Кашмир халқига баъзан зўравонлик ва баъзан тadbир ишлатгани борми, ҳаммасини биттама-битта эшитган ва бу бўлган ишларга кўнглида ҳеч қандай шубҳаси қолмаган эди. Ҳинд Ройи

Искандарга ҳеч бир қаршилик кўрсата олмаслигини биларди. Шу вайдан ҳам жаноб Искандарга жуда кўп тортиқ тайёрлади. Барча ашё-матолардан тўққизталаб совга ҳозирлади, аввало ҳайбатли, ҳайқирганда бутун ер-кўкни ларзага соладиган филларни бир ёққа қўйди. Буларнинг сони ҳам тўққиз-тўққиз (бошқа бир ривоятда ўттиз тўққиз) қилиб жамлади. Ҳар бир филнинг гавдаси тоғдек бўлиб, бир чиранганда тоғларни қўпориб ташлар эди. Лекин бу филлар тоғ бўлганда ҳам бир бутун тошдан ташкил топган, кўринишида кулранг тошга ўхшарди. Бир учидан осмондай думалоқ тош бўлиб, бу унинг бошини билдирар, ўзи кема каби равон юрадиган ажойиб тоғ бўлиб, унинг икки ёнида елканга ўхшаган иккита қулоғи бор эди. Бу филлар кема эмас, кўк осмонга ўхшар, хартумлари эса сомон йўлини эслатарди. Хартум эмас, у домга тортувчи аждаҳога ўхшар, салобатда эса аждардан ҳам қолишмас эди. Фил хартумини ўз танаси бўйлаб айлантирганда худди тоққа аждаҳо чирмашаётгандек туюларди. У хартум илдиз отиб кетган кекса чинорга ўралса, ёки катта дарахтга ўхшаш минорани туртиб юборса, қулатар эди. Хартум атрофидан иккита тиш чиқиб турган бўлиб, буларни кўрганда осмон гуруҳи жисмлари уялар эдилар. У тишларнинг ҳар бири ажал дарахтининг танасига ўхшар ва терак танасидек оппоқ эди. Бу тишларнинг сифатлари «лом» ва «алиф» ҳарфларидан ташкил топган<sup>1</sup> «бало»нинг сифатларида ортиқ бўлса ортиғу кам эмас. Бу филларнинг жуссаси фалакча бор, тишлари фалак устидаги янги қайрилма ойга ўхшар эди. Куч-қувват, савлати бу каби филларнинг ҳар бири устида шундай ёппиқиқлар ёпилган эдики, у ёппиқиқлар етти хил нафис гуллар солиб, зар билан тикилган ҳарир матодан бўлиб, устига яна дурри шоҳоналар ҳам қадалган эди. Яна ҳар бир фил устида ажойиб бир тахт бўлиб, ҳар тахтнинг ичида тўққизта бахти кулган ҳинд маликаси ўтирар эди. Уларнинг юзларидаги холлар худди кўз қорачигини эслатарди. Ҳаммаси закиийларнинг ҳолига ўхшаш ёқимли, барчаси ҳиндуларнинг зулфидек шўх-башанг, либослари сариқ ё қизил рангда бўлиб, худди баҳор билан куз аралашиб кетгандай эди чамаси. Буларнинг остидаги филлар тинмай юрар, чунки булар у бечораларга на тинчлик ва на уйқу берар эдилар. Бу филлардан

<sup>1</sup> Бу мисра талқини бундай: филнинг тиши шакли тўғри алифдек бўла бориб, ломдек эгриланади. Шу ўхшатиш орқали алифдек тўғри тишлар лом каби эгриларнинг дастидан (Ло — инкор маъносини билдиради) балоғардон бўлиб кетганлигига ишора қилинади. (*Муҳаррир изоҳи.*)

ташқари яна филмисол, девмонанд, елдай югурук бедов отлар ҳам бор эди. Бу отларнинг ҳар тўққизтаси бир хил тусда бўлиб, буларнинг гўзаллиги олдида кўзга бошқаранг кўринмас эди. Кўринишда бу отларнинг ҳар бири бир парига ўхшарди-ю, аммо табиатан девдан қолишмас эди. Югурганда буларнинг ҳар бири шамолдан ўзар, шамолгина эмас, осмон отидан ўзар эди. Булар шундай тез ва текис юрардиларки, устидаги одамлар ҳеч бир озор тонмас эди. Бу чавқар отлар ҳар бир қадам ташлаганда замонга кечакундузи кўз илгамас даражада орқада қоларди. Ҳар бўз отларки, кўкка қараб кишаганда, қуёш отининг шуъласидек ўт чақнар эди. Ҳар тўққиз отнинг гажим — ёниги ҳар хил рангда бўлиб, унга тақилган қўнғироқлар заррин тусда эди. Буларнинг устига ҳинду найзабозлари мишган бўлиб, устларидаги тўнлари заррину камарлари олтин эди. Саман отга сувори бўлган чавандозлар эса қўлларида найза тутган, эгниларига ўқ ўтмас зирҳли кийимлар кийган эдилар. Булар Зухал юлдузи сингари олтин рангда, Баҳрём юлдузидай оташин ва ғазабнок, ўйлаганлари нуқул уруш ва адоват эди. Буларнинг қулоқларида қуллик ҳалқаси бўлишига қарамай, ўзларини олтиндек арзанда ҳис қилар эдилар. Яна буларнинг ҳаммасининг юклари бўлиб, бу юклар чархпалакдек катта ва оғир тугунлардан иборат эди. У юклар ичидаги ҳар хил ажойиб матоларнинг майин ва нозикликда тенги йўқ бўлиб, улар билан хаёлни ҳам пардапўш қилиш мумкин эмас эди. У кийимлар шундай юпқа эдики, кийгандан киши танаси пардаланмас, ўн қаватидан ҳам бадан кўриниб турар эди. Яна шунча адад олтин идишлар бўлиб, қуёшдек ярқираб турар эди. Улар ичидаги покиза косалар, пиёлалар, қадах ва жомлар худди хуршиддек тобланар эдилар. Яна шунча шакарғуфтор, шакарғуфтор эмас, балки ширинсухан тўтилар ҳам бор эди. Буларнинг танаси зумуррад шаклида-ю, тумшуқлари қипқизил лаълга ўхшар, улар шу лаъл орасидан сўзлаганда дурру жавҳар тўқар эдилар. Яна шунча, латофатда жаннат товусларини эслатадиган зебожамол товуслар бор бўлиб, булар кишининг ҳушини олишга қасд қилган гўзал санамларга ўхшардилар. Бошларидаги тожлари эса келинлар бошига тақиладиган жиғанинг ўзгинаси эди. Яна сандал, уд, мушк ва кофур каби муаттар моддалар жойланган тўда-тўда идишлар уюми бор эди. Шунчалик кўп тортиқлар мухайё қилинган эдики, уларни тамошо қилишдан кўзлар қамашар эди.

Булардан ташқари, мамлакат ақобирлари бор эдиким, улар элу юртнинг умиди эди. Уларнинг ҳаммаси илм ва

билимда Афлотун даражасидаги, Арасту мартабасидаги олимлар эдилар. Булардан ташқари, яна бир гуруҳ тақводорлик билан ном чиқарган, тонгда чиққан қуёшдек покиза зотлар ҳам бор эди. Буларнинг ҳар бири Исо пайгамбардай ҳаётбахш нутққа эга-ю, Фаридиддин Аттордай шарқарғуфтор, ширинсухан одамлар эдилар. Шоҳ маана шу улуг кишилар олдида хижолат чека-чека кўн ожизликлар билан узрхонлик билдирди:

«Мен шоҳнинг бир настарини қулиман, бошим даргоҳининг тупроғига орзуманда. У кишига адоват қилишни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бундай ёмон хаёлларга боришга ҳаддим борми? Шундай хаёлга борган тақдирда ҳам қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Унинг қули бўлганимдан кейин унга қарши чиқа олмайман. Лекин кел деб амр этганида боролмадим. Иқрор қилиб айтаманки, ўша вақтда мазам йўқ эди. Мактубини элчидан тура солиб олдим-да, ҳурмат билан ўйиб, бошим устига қўйдим. Мен унга кўп хизматлар қилиш ниятида эдим, аммо ҳузурига боришга имкон бўлмади. Аммо фармонига бўйин товлаб саркашлик қилмадим. Буйруғини жоним билан қабул айладим. Бу бобда элчи кўрган-билганини тағри ҳаққи яширмай айтгайдир. Шунингдек, у пайтда ўзим анча бемор ва мажруҳ эдим. Узримни қабул қилурлар, деган умиддаман, зеро маъзурман. Агар шоҳ узримни қабул қилиб, вайрона кишваримга ташриф буюрсалар, лутф-марҳаматлари билан халойиқ ўртасида менга иззат-обрў бағишласалар, кўрсатган меҳрибонликларидан бошим кўкка етган бўлур эди. Танимда жоним бор экан, баданимда жондан нишон бор экан, у кишига қулчилик қилур эдим. Агар тағри кўрсатмасин, қаҳр айлаб, дўстлик қадахининг майига заҳар қотиб юборсалар, яъни мени гуноҳкор деб ҳисобласалар, бу ҳиндунинг кунни қаро бўлса, на чора. Узримни қабул этмасалар ни-ма ҳам қила олур эдим. Яхшиен, бу ҳиндистонликда ақл йўқ экан, деб қўя қолсинлар!

Мени шоҳ сўзи билан гуноҳкор деб билнинг, эй жамоат! Лекин сизлар шафоат қилмасангиз бўлмайди. Шак-шубҳа йўқки, жанобининг вужуди шафқатга тўла, мусаффо хотиралари кўзгудек софдир. Иноурманким, сизлар шафоат қилиб турсангиз, у киши иноят айлаб гуноҳимдан ўтгайлар».

Ширинзабон ҳинду, ҳиндугина эмас, ҳинд аҳлининг подшоеси шу каби сўзлар билан гарчи уддабурон бўлса-да, денгиз (Искандар) олдида хасча кўринувчи мамлакат ақобирларини Искандар ҳузурига юборди.

Улар совға-саломлар билан йўлга равона бўлганча ўз-



ларини ҳар қадамда энгил ва хурсанд ҳис этдилар. Ва ниҳоят, Искандарнинг ўрдасига етдилар. Улар аввал давлат бошлиқлари ҳузурига, сўнгра илм-ҳикмат арбобларига томон юзландилар. Улар ҳам иззат ва эҳтиром кўрсатдилар, булар ҳам салом-алиқ қилдилар, аҳли вакил келганини Искандарга билдирдилар. Искандар шоду хуррамлик билан тахт устига чиқди, ҳинд роиинининг газабидан омон қолди. Хушxabардан Искандар гул-гул очилиб, кўнглидаги гам-ғусса тарқалди. Бу вакилларининг Искандар олдида қиммати гоят катта эди. Бинобарин, улар томонидан келтирилган совғаю пешкашлар унинг наздида бир қора пулчаллик ҳам кўринмади. Шоҳ уларни лутф-иқром билан ўз ҳузурига чақириб, шоҳона бир улугворлик билан сўз бошлади. Ҳалиги уламоини боамал кишилар келгач, буни улуг бахт деб билиб, уларни тахтдан тушиб, тавозеъ билан қарши олди. Улар билан кўришганда эгилиб, ўзини паст тутиб, дин аҳлларига ихлосманд эканлигини изҳор айлади. Кейини илм-ҳикмат аҳлларига юзланиб, уларнинг ҳам ҳаммасига илтифотлар кўрсатди. Бахтиёр шоҳ, руҳонийларга ҳурматсизлик бўлмасин, деб ўз тахтига ҳам чиқиб ўтирмади. Такаллуфсизгина ерга ўтириб, уларни ҳам қўлдан келганча иззат-эҳтиром билан ҳаммасига муносиб жой кўрсатиб, ўтқазди. Сўнгра, узрхонлик билан сўз бошлаб, йўл машаққатлари юзасидан уларнинг кўнглиларини сўради. Меҳмонлар аввал Искандар ҳақига дуо қилдилар, ундан сўнгра ўз шоҳларининг гуноҳи устида тўхтадилар.

Искандар бу мўйсафид машойихларга хоксорлик билан муносабатда бўлиб, деди:

«Сиз нимани илтимос қилсангиз, уни қабул қилмоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Сизнинг шоҳингизнинг бир оз гуноҳи бўлса ҳам, аммо у иноят ва марҳаматга сазовор одамдир. Агар гуноҳ ва итотсизлиги кўп бўлганда ҳам айбини бўйнига олиб тургани туфайли, карам-яхшилик қилишим лозим бўлур. Хусусан, Сизнингдек азиз, донишманд ва мўътабар кишилар унга шафеъ бўлиб, ҳимоянгизга олиб турганингиздан сўнг, афв этишдан ўзга нима қилишим ҳам мумкин? Гуноҳи оз эди, ҳатто кўп бўлганда, жазолашга сазовор бўлганда ҳам унинг бутун гуноҳларини кечдим, уруш ва адоватдан қўлимни тортдим. Бинобарин, иноят қилишимга қатъий инонган ҳолда, шоҳингиз бемалол қароргоҳинга марҳамат қилсин. Ҳинд юртининг ишини ўз қўлига топширай, бошини салтанат тожи билан сарфароз этай. Шоҳлик тахтига ўтқазиб, ўз кишварини ободонлаштирсин, байроғини фалакка қадар юксалтирай. Бунга боис Сизнингдек табаррук зотлар билан кўришганим

ва мулоқотда бўлганимдир. Сиз бу тарафга қадам рақида қилиш билан мени шод ва мамнун этдингиз. Ранж-машаққат чекиб келганингиз учун узр сўрайман ва сизларга ташаккур билдираман. Бир мамлакатга четдан бир шох кирганда, «омонлик моли» бериш қадимий одатлардандир. Аммо ҳозирча бу элдан маблағ талаб қилмаймиз. Ҳинд роий салтанат хизматига яна бош-қош бўлгач, бу мамлакат халқидан хирож олишга киришар. Ҳозирча халойиқнинг эҳтиёжини пазарга олиб, уни икки йиллик хирождан озод қилмоқчимиз.

Искандар шу хилдаги карамларни кўрсатгач, унинг ҳузурига келганлар бунинг лутф-марҳаматидан бағоят миннатдор бўлдилар. Улар Искандардаги юксак ахлоқни, бениҳоя бахшишу эҳсонларни кўриб, унга қандай ташаккур айтишни ҳам билмай қолдилар ва ҳатто дуо қилишда ҳам паришону ошуфтаҳол бўлдилар. Уларга кутилмаганда шундай шодлик юзландики (ахир улар бундай бўлади, деб ҳеч ўйламаган эдилар), қувончдан ўзларини қаерга кўишни билмай, эсанкираб қолдилар. Ниҳоят, бир амаллаб ўзларини қўлга олиб, дуо қилиш йўлини тутиб, дедилар:

«То осмон ўз ҳаракатида давом этиб, осмон устида қуёш сайр этар экан, тахтинг осмон устида-ю, қуёшнинг думалоқ ёстиги сенинг суянцигинг бўлсин! Фалак сендек огоҳсиз, жаҳон сен каби шоҳсиз бўлмасин. Барча олам сенга қарам, етти иқлим сенга таслим бўлсин. Бахт сенинг юзингни осмон офтобидек шарофатли қилсин, дилингни эса ойнайи жаҳоннамодек равшан айласин. Ҳузурингга келганимизда беҳолликдан, кўрқинчдан сўз айтишга лол эдик. Сени ўзга шоҳлардек гумон этган эдик, лекин сен бошқа шоҳлардан фарқли экансан. Энди билдик, улар қора тупроқ бўлса, сен тагнинг марҳамати билан пок нурдан яралган экансан. Халқлар бошида турган кўп шоҳларни кўрганмиз, лекин шоҳларнинг султони ўзинг экансан. Сендаги бу яхши хулқларни кўргач, кўнглимизда ваҳима ҳам, хавф-хатар ҳам қолмади. Ўзоқдан гулни ўт деб гумон қилиб, яқин боргач, унинг исдан жон топган одамга ўхшаб, жанобинг билан муомала ва муносабатда бўлгач, марҳаматинг олдида ҳайратимиз янада ортди. Сенинг қилаётган ишларингни кўриб ва тафаккур қилиб, ҳайрон қолдик, ҳайратимиз яна зиёда бўлди. Сенинг сифат ва хислатларингни ўз кўзимиз билан кўриб, бир нисонда шунчалик иқтидор ва фазилат бўлганига ажабланиб қолдик. Ҳақ таоло сенинг вужудингни малоикесифат қилиб яратган экан. Қопног бир нафас ҳам сенсиз бўлмасин. Ҳинд роий сенинг бундайлигингни билганда, аллақачон

хузурингга келган бўлур эди. Агар уни келтиришга, юзини остонагга суртишга ижозат берсанг, бориб афву марҳаматингни баён қилайлик, ҳазин кўнглини шодлантирайлик. Уни келтириб, сенга қуллуқ қилдирайлик, сенинг қадамнинг ҳокидан у ўз кўзини равшанлантирсин. Шоҳ ҳам шу аснода:

— Сизнинг мақсадингиз нима бўлса, менинг тилагим ҳам шудир, бундан ўзгаси ҳаром бўлсин! — деб юборди.

Шундан кейин жамоат ўрнидан туриб, дуо қилди ва ер ўнгач, келган тарафига равона бўлди. Шодмонлик билан ҳинд ройи олдига бориб уни ҳам шодлантирдилар. Барча ҳолатдан уни хабардор этгач, ўзлари билан ҳамроҳ бўлган ҳолда, Искандар ҳузурига боришини илтимос этдилар. Рой ўзининг хатарли аҳволига шу тарзда нажот топгач, худди ўлган кишига жон битгандек бўлди. Ҳалиги жамоатни олдига солгани ҳолда, шоҳ остонаси томон йўл олди. Яна аввалгига исбатан ҳам кўн ва қимматли тухфалар олдики, уларни тавсиф қилишга ҳарф ҳам, товуш ҳам етмайди. Ҳалиги кишиларнинг йўл бошчилигида ҳинд ройи ишонч ва қатъият билан водийларни босиб, бора-боргунча Искандар таърифини эшитиб борди. Унинг қуёшдек саховати манфаатли эканини бояги жамоат турли мисоллар билан тушунтирдилар. Шу каби Ройнинг кўнглини кўтарадиган, уни умидвор этадиган сўзлар билан Искандарнинг даргоҳига кириб келдилар.

Мазкур жамоат билан Ҳинд ройини бирга келганини мулозимлар шоҳга хабар қилдилар. Яна:

«Донишмандлар мажлисга нур бағишласинлар!» — деган фармони олий берилди. Бундай ҳукмга мунтазир бўлиб турган у жамоат ройни шоҳ ҳузурига дохил этдилар. Унинг эғнида либос ўрнига кафан, бўйнида қилич, юрагида ўлим хавфи мавж урар эди. Искандар бу аҳволни кўриши биланоқ ҳайратга тушди. Зеро, ройнинг бу даражага лойиқ гуноҳи йўқ эди. Ўзини бу қадар хўрликка солиши ўринсиз эди. Шафқат-мурувватни ўзига фан қилиб олган шоҳнинг фармони билан ройнинг устидан «кафан»ни, бўйнидан «қилич»ни олдилар ва эҳтиром билан уни олий мақом шоҳнинг олдига олиб келдилар. Шоҳ эъзоз-икром билан уни қаршилади. қучоқ очиб кўришди, бу билан унинг бошини осмонга етказди. Қучишдан кўнгли шодланган рой, қайтиб, келтирган совға-саломларини ҳадя қилди. Искандар уларни мамнуният билан қабул қиларкан, султонларга хос тартиб-қоида билан ройга ўтириш учун жой кўрсатди. Бу илтифотлар ройнинг кўнглида бўлган ҳамма ваҳималарни даф этиб, юрагидан ҳар хил анди-

шаларни кўтарди. Яна Искандар дин аҳллари-ю, илм-ҳикмат вакилларини ҳам аввалгидек иззат-хурмат ва миннатдорчилик билан қаршилагани ҳолда, уларга кўп иноятлар қилди — мукофотлар берди. Шоҳ уларга бениҳоя чиройли муомалалар билан жоннавозлик, жоннавозлик эмас, меҳмоннавозлик кўрсатди. Шундай йўл билан бутун ҳинд элини шоҳи жаҳон ўзига асир қилди, вафо ипи билан уларнинг ҳаммасини ўзига банд этди. Базм ҳаддан зиёда ёқимлигу гурунг ниҳоятда файзли бўлиб, бир-бирига уланиб кетди. Шоҳнинг беқийёс лутф-марҳаматини кўргач, Ҳинд роийи ўрнидан туриб деди:

«Бутун дунёни ўз қўли остига олаётган шоҳ, бизга қарам айлаб, бу ҳинд кишварини ўз рухсорлари билан зийнатлаб, у ерда бир неча ой тўхтасалар ва бутун ҳинд диёрини айланиб тамошо қилсалар. Зеро, бу мамлакат кўп гаройибот ва ажойиботлар қонидир. Ажаб ўрмонлару кишини ҳайратга соладиган ваҳший ҳайвонлару қушлар бор. Бир қанча фурсат сайр-саёҳат қилиш билан ҳордиқ чиқарсалар, фароғат қилсалар қандай бўларкин. Голибо, қишга ҳам яқин қолди, қиш ичида қилинадиган ишлар ҳам унча кўп бўлмаса керак. Май ва мусиқа билан айш-ишрат қилиб, кўнгилларини хушнуд айласалар, деган умиддамиз. Хусусан, Ҳиндистоннинг қиши қиши табиатига худди наврўзи олам қунарликдек ёқимли таъсир этади. Булут ёмғирли, дарахтларга агиргуллар чирмашган бўлади, на иссиқ, на совуқ, на лой ва на чанг бор. Қуёш Ҳамал буржига кўтарилиб, ҳарорати ошган пайтда қай томонга бўлмасин юриш ният қилинса, кўшин тортилса дуруст бўлур, у пайтда йўллар ҳам очилур, ҳар ишни қилиш мумкин бўлур, деб ўйлайман».

Бу гап Искандар кўнглига маъқул тушиб, худди ташна одам сув кўрганда қувонганидек бўлди. Жуда хушҳоллик билан бу таклифни қабул айлади. Шу баҳона билан ҳинд элига кўп бахт-иқбол ёр бўлди.

— Қайси томонга бошласангиз, — деди Искандар, — бу қиш ўша ерга қўнайлик.

— Пойтахтимиз Деҳлидир, — деди роий, — юкларни ўша ерга туширмақ муносибдир.

— Қўшин шаҳар ичига сизмас, — деди шоҳ, — уларни ўрмонга жойлаштирилса ҳам бўлур. Аммо сиққанда ҳам шаҳарда туриши унча маъқул эмас. Зеро, улардан халққа зиён-заҳмат етиши мумкиндир. Бинобарин, биздан илгари биров бориб, шаҳар ташқарисида бирон жой кўрса дуруст бўлур эди. Йироқроқ бўлса ҳам зарари йўқдир, улар шаҳардан четроқда истиқомат қилсалар ҳам бўлади.

Рой яна илтимос қилиб, деди:

— Мамлакатларнинг фотиҳи бўлмиш шоҳ рухсат этсалар, бу ишларни саранжомига етказиш учун мен қулингиз борсам, шоҳнинг қўнажак манзилларини ҳам аниқласам. Акс ҳолда, кўнглим тинчланмас, ҳар нафасда ташвишланурмен, хотирим жамъ бўлмағай.

Бу сўзлардан қаноатланган саодатли шоҳ ҳинд ройинга тахт, тоғ ва шоҳлик камарини иноят қилди. Унга чопганда тупроқларининг чангини тўзғинадиган, каркидек зўр, танаси филдек келадиган зеб-зийнатли, эгар-жабдуқли ёпишчигига гавҳар каби қимматбаҳо тошлар қадалган бир от ҳам ҳадъя қилди. Ройини отга миндириб Ҳиндистонга узатди ва ўзи ҳам орқама-орқа ўша томонга жўнади.

Ҳинд шоҳи ўз юртига етгач, ўз халқига мужда етказди. Душмандан омон қолганини билган катта-кичик, яхши-ёмон — ҳамма қувонди. Искандарнинг қилган қарам ва яхшиликларини эшитиб, ҳамма беҳад шодланди ва дуолар қилди. Рой ўз элини хушдил қилиб бўлгандан сўнг, Искандарни жойлаштириш тadbирига бел боғлади. Юқорида Нигор деган қишлоқ ҳақида гапирилган эдики, бу ўрмонзор ов қилиш учун ниҳоятда қулай, кўпгина турли-туман қуш ва жониворлари бор эди. У ўрмон эмас, афсонавий Эрам боғининг тимсоли бўлиб, ажойиблиги билан ақлу тилли лол қилар даражада эди. Ўрмондан апбар атрининг ҳиди эсар, қора тупрогидан эса, бўтакўз гулининг бўйи ақиқ эди. Сандак билан обнус дарахтлари худди мунчоқ билан қахрабодек ёнма-ён турардилар. Сандак дарахти томондан эсган шамол киши димоғини сандал ҳидига фарқ қилар эди. Бу ҳидлар бутун тоғ ва ўрмонларни тутиб кетган, тупроқлар ҳам сандал исси билан қопланган эди. Дарахтларининг шохига чирмашган сандалмисол илонлар кумушбадан гўзалининг сочидан қолишмасди. Қалампир-мунчоқ сунбул томонга эгилгани каби сунбул ҳам қалампир-мунчоқ томон бош эгган. Ҳар бир дарахтнинг боши кўкка қараб чўзилиб кетган бўлиб, қуёш барглари орасида кўринмай қолган. Барглари қуёш нурини шунчалар тўсиб ташлаганики, қуёш тупроққа ўз шуъласини соялар орқали сочарди. Ўрмондаги чинорлар ўз панжаларини (шоҳ-шаббаларини) хиёнага бўягандек, офтоб нурларига бўяб олганлар. У ердаги ҳиндий ёнғоқларининг бўйи осмонга етганидан, гўё ёнғоқ ҳидидан фалакнинг боши айланадиган бўлиб қолган. Ҳаммаёқ ҳиндий ёнғоқзори билан қопланган бўлиб, шохларидан дорчинининг ҳиди келар эди. Зайтун дарахтлари ҳам осмонга туташиб кетгани туфайли, чархи фалакнинг зайтуналари бундан хижолатда эдилар. Осмонни

фалакча буй чўзиб кетган ҳамма дарахтларнинг шохларини ток чирмашиб чиқиб кетган. Юлдузлар дунёсини куйиб бери мунайкимлар, у дарахтлардаги узум бошларини кўриб, осмонда Хулқар юлдузининг сон саноги йўқ эканига буйлайдилар. Уша дарахт шохларига чирмашиб кетган галлар осмондаги афсонавий Сидра дарахтига каманд бўлиб, унинг шохларини ўраб олгандай. У узум бошларини кўрган хомхасл ўтри учун осмонга чиқни ҳам унча қийинмасдек туюлар эди. У дарахтларнинг сариқ барглари, куз пайғида, худди фалакнинг ҳар томонга сочиб кўйган минг-минглаб юлдузларни эслатарди.

Бу ўрмонзордаги ҳар турли қушлар осмонни сайр қилиб учганларида, қушга эмас, балки қийғир шаклидаги Уқоб юлдузига ўхшаб кетардилар. Гала-гала ажойиб тўтиларнинг дилкаш наволари ўрмоннинг ҳаммаёғидан эшитилиб турарди. Қайси дарахтга уларнинг галалари қўнсалар, у кўмкўк бўлар, кўмкўк эмас, гўё уларга яшил тусли Хизр пайғамбар қўнгандек туюларди. Булар қўнган дарахт баргсиз чинорга, йўқ, чинорга эмас, кўк осмонга ўхшаб кўкариб қоларди. Кўк эса осмон ҳам эмас, гул ниҳолига, гул бўлганда ҳам қизил рангли гулга ўхшар эди. Қизил тўтиларнинг ранги гулнорни эслатарди-ю, аммо тумшуклари олов шуъласи рангида эди. Уларнинг ҳаммаёғни босиб кетган қизил-яшил ранги шамлар шуъласидаги бир маҳобатни кўз ўнгингизга келтирар эди. Яна гала-гала гапирувчи майналар бор бўлиб, улар худди ҳиндулардек сўзга уста эдилар. Майналар учун худди ҳинду ўйинчилариникига ўхшатиб, олтирангли кимсоқ билан зийнатланган қафас қилинган. У тўмтайган эмас, зарварақ тожга ўхшатиб безатилган қафас. Унга солиб кўйилган майналар, қаёқдан чиқишни билмай, тутқунликдан зорланиб сайрар ва гапирардилар. У ернинг турланб юрувчи гўзал товуслари гўё малак тоифасидан бир намуна эди. Улар ҳар томонга жилва қилиб, мастларча ноз билан юрганларида май кувачаси қаби мастона бўйин тоблар эдилар. Буларнинг бўйинлари тўқ кўк-ложувард тусли бўлиб, усти яна зарҳал билан қопланган. Қирғовул ва какликлари ўз юриши билан кишининг эс-ҳушини ўғирлар эди. Қирғовуллар сарв дарахтига томон юрганларида, сарвнинг ўзи ҳам гулдастага ўхшаб тилларанг қирғовулга қараб эгилар эди. Товус эса Сидра дарахти устида Жабраил фариштаси ўтирганидек, дарахтнинг энг юқори шохида ўтирар эди.

Бу қишлоқнинг ерларини зумурраддек сабзалар қоплаган, яшил осмон эса унга гўё забаржад сениб турарди.

Бу ўрмоннинг шимолида Синд дарёси бор, жанубида Хинд шаҳри қад кўтариб туради. Бу дарё ичида юзлаб кема-лар фалак денгиздаги янги ойдек сўрьат билан сузиб юради.

Шарқий чегарасида бир қамишзор бўлиб, унинг тавсифини қилиш учун бир печа дoston камлик қилади. Бу қамишларнинг ичи бошдан-оёқ шакар билан, шакар эмас, лиммо-лим қанд билан тўла. У қамишзорнинг суви шундай ширинки, худди шарбатнинг ўзгинаси; сувнинг остида эса балчиқ ўрнига шакар қатламлари босилиб ётади. Ғарбий чегараси баланд тоғ билан ўралган бу ўрмондаги тўрт фасл ҳам баҳорни эслатарди. У ерда қишини-ёзини райхонлар гуркираб кўкариб ётарди-ю, асалпаз боларилар у гулзорнинг богдонлари эдилар. Бу ердаги асалариларнинг сон-саногини йўқ бўлиб, ҳаммаси шу тоғ ораларини асал билан тўлатиб ётардилар. У тоғнинг қайси тошига назар солманг, ундан бир булоқ сувидек асал оқиб чиқарди. Одамлар у тоғнинг қай томонидан ўтмасинлар, жилга-жилга бол оқиб ётганини кўрардилар.

Бу тоғда минг-миглаб кийик галалари гул ва асал ичида гижинглаб юрарди. Қамишзориди эса буги ва маралларнинг оёқлари шакар шираларига ёпишиб, сайд ва тутқун бўлиб ётардилар.

Сув билан тўла тўқайларида кумушранг балиқлар сон-сиз бўлиб, фалак балиғи бўлмиш ой буларга нисбатан кўрими-сиз эди. Яна ўрмон атрофида овлаш учун ҳар турли ҳайвонлар беҳисоб эди. Энди қишлоқнинг одамлар истиқомат қиладиган шаҳарчасига келганимизда, васфи тасвирга ситмасди. Унинг қай тарафига қараманг, гўзаллигидан кўзингиз қамашарди.

Бу ўрмоннинг чор атрофини қалам билан банд этдим. Ери бағоят текис, гул ва сабзалари бениҳоя кўп. Бахтиёр Хинд ройи йўл бошлаб, раҳнамолик қилиб, Искандарни шу ўрмонга туширди. Бутун қўшин ҳалиги тасвирланган сабзаворга кўнди, яна осмон каби баланд қароргоҳлар қурилди. Искандар гоёт хурсанд ҳолда у ернинг ҳар томони-ни эҳтиётлик ва ҳушёрлик билан айлашиб, кўриб чиқди. У спичковлик ила ҳар тарафга кўз соларкан, у ернинг табиат бойлиги ва паст-баланд тузилишини кўриб, ҳайрон қолди. Рой унга анча қуллуқ ва ҳурмат изҳор қилдики, биз унинг шарҳини қисқагина баён айладик. Искандар бутун машгулотини йиғиштириб қўйиб, қиш бўйи шу ерда айш-фароғат билан дам олишга шайланди.

Эй соқий! У зарнигор қадаҳни, майнинг лаъли раңгидан жилоланувчи гавҳарнигор қадаҳни келтир. Мен гўзал

Нигор ўрмонида мақом тутдим, энди менга, албатта, зарнигор жом керак!

Эй муганний! Мунгли бир оҳанг чал, унга ўзинг ҳам жўр бўлиб куйла. Зеро, Ҳиндистонда яна бир гўзал майсазор менинг бошимга қора кун солди.

Эй Навоий! Қаламинг яна не ишлар қилди? Ёзганларинг Ҳинд мулкича бўлиб кетди-ку. Ҳиндилар ўз мамлакатларида қанча савод кўрган бўлсалар, бу саводингни кўриш билан уларнинг ҳаммасини унутадиган бўлдилар-ку!

#### XLIV

*Афв фазилати ҳақида. Дарёдил жувоимардлар айбдорлар гуноҳининг тас-ташақларини бахшиш (афв) насими билан йўқлиқ соҳилига сурадилар ва уларнинг юзларида дарё мавжидек ажин қолмайди ва ҳайронлик қоронғуликларидagi овораларнинг йўлини карам шамъи билан ёритиб, у қоронғу водий ҳалокатидан қутқарадилар ва бу қоронғуликдан ўзларига озор етмайди*

Қайси шоҳ афв билан карамни ўзига одат қилиб олган бўлса, у бошқа шоҳларга нисбатан ҳурматлироқ бўлади. Жувоимардликни — саховатни ўзига ҳунар қилиб олган киши жаҳон аҳли ичида ягона ва тенгсиздир. Қимки ўз зулми билан халққа хавф солмаса, шуни энг саҳий ва карамли одам деб бил. Афв-карамни ўзига касб қилиб олган одам золимлардан интиқом олмайди, демайман, йўқ. Лекин гуноҳкор ўз гуноҳи юзасидан тавба қилиб узр сўраса, унинг гуноҳини афв дарёсининг суви билан ювиб юборади. Агар гуноҳкор уятдан бошини қуйи солса, мард унинг бошини тиг билан баттар эгмайди. Агар бировнинг оёғи тоғиб, гуноҳ лойига ботиб қолса, афвкор шаҳе унга қўлдош ва таянчлик бўлмоғи керак. Айбдор ўз нуқсонига иқрор бўлиб, кечирим сўраса, илтифот билан унга тадбир кўриш керак. Агар гуноҳкор ҳурматли кишиларни восита қилиб, ўз гуноҳининг кечирилишини сўраса ва ҳукмроннинг амр-фармониغا ҳам бўйин эгса, афв этишнинг имконияти бўлса, унинг гуноҳини кечмоқ керак.

Эй, халқ устида шоҳ бўлиб турган банда! Агар оғоҳ бўлсанг, менидан бир печа сўз эшит:

Сенинг ҳукмингга бўйсунишга мажбур бўлмиш ҳар хил халқ гуруҳлари борки, шоҳ бўлишингга қарамай, сен ҳам шу гуруҳлардансан. Зеро, яратилишда ҳамма одам бир жинсдандир. Уларнинг кўплари билим ва камолотда сенидан мўътабар, қобилиятда ҳам сенидан юксак турадилар.



Худо сени уларга амиру уларни эса сенинг амр-фармонингга бўйин эгувчи қилиб қўйди. Борди-ю, ўшалардан бирига сенинг мартабангни берган бўлса, амрига бўйин эрмай нима қила олар эдинг? Фарқ шу ердаки, ҳақ таоло сенга бахт ато қилиши натижасида сен ҳамма халққа бошлиқ бўлиб қолдинг. Гуноҳнинг учун тағридан омонлиқ тилганингда, ўзингни уларнинг бири деб гумон қил. Ниманики ўзингга нисбатан нораво деб билсанг, уни халққа ҳам асло раво кўрма. Гуноҳкорни жазолаш ҳақида ҳукм чиқазмоқчи бўлганингда, худо олдида ўз гуноҳларинг борлигини ҳам эслаб қўй. Ёмонга жазо бериш — гарчи қонун ва снѐсат юзасидан тўғри бўлса ҳам, аммо адолатли ҳукмдорнинг асл йўли — шафқат-муруватдир. Бировни қатл этиш лозим бўлиб қолса, имконият борича унинг ўлимини кечиктиришга урин. Бир шахс ўлимга қанчалик сазовор бўлса ҳам, унинг ўлимини орқага суриш, бу ҳақда шошмаслик яхши. Одамларни шошиб-пишиб, дарҳол ўлдириб юбориладиган бўлса қамоқ, зиндон, кишан каби нарсалар беҳуда экан-да! Айбдор бугун зиндонда қолса, нима зиѐни бор? Керак бўлса уни эртага ҳам ҳалок қилиш мумкин-ку. Бегуноҳ бир бечорани шошқалоқлик қилиб, бугун ўлдириб юборсанг-да, эртага унинг чин аҳволини билиб, «аттанг» деб қолсанг, сенинг ҳолингга вой! Ундан кейин ўзингни ўзинг ўлдирсанг не фойда-ю, ўз қўлинг билан бошингни кессанг нима фойда? Жонингни эваз қилганингда ҳам даво тоямайдиган бўлгач, бировни жароҳлатиб нима қиласан? Бир иморатни бузиб ташлаганингдан сўнг уни қайта тиклаб, ўзидек қиламан деб овора бўлма, чунки унинг бутун ашѐлари шикастлангандир. Ўйлаб қара, у зор, мазлум она ўз боласини тарбиялаб вояга етказишда қанча ранжу машаққат чекди! Боламнинг уйқуси бузилмасин, деб қайгуриб, кечалари ўз уйқусини ҳаром қилди. Фалак ўттиз-қирқ йиллаб айлангунча, унга меҳрибонлик билан тарбият берди. У узоқ муддатдан сўнггина баркамол ҳаѐт йўлига тушди, одам сонига кирди. Сен ўзингинг зулмкорлик одатинг бўйича, андиша қилмай, унинг бошини кесмига ҳукм этасан. Аслида унинг бу офатга йўлиқиши, унга тўн ва кишан каби ёпишган тама натижасидир. Унга юз берган бу шумлик, сенга мажлум бўлишни ният қилганидан эмас, йўқ. Ўз нафсининг балосидан бўлди!

Эвоҳ! Бундай ишни қайси бэхтеиз қилмасин, унга шу хилда қатъий жазо бериш разоми, ахир? Қўйларни бўғиздан бўричинг табиий одати эди, у чўпон меҳнатининг андишасини қилади-ми? Йўқ! Иртанчи росу каптарни ҳалок қилар экан, унинг етим жўралари очликдан ўлиб қо-

линиининг таъинишини тортадимми? Йўқ. Агар айбдор ҳақиқатан ўлимга сазовор бўлса, унинг яна икки кун зиндонда ётишининг не зарари бор? Ва агар бир кини шу хатоини қилган экан, балогога гирифтор бўлай, деб қилмаган-ку. Агар бир кимсанинг гуноҳи небот бўлса-ю, тавба қилиб узр сўраса, сен афв-карам айлаб, гуноҳини кечсанг, агар унинг вужудда одамгарчилик бўлса, то умрининг охиригача бундай ёмоғини қилмайдиган бўлади-ку. Уни сен жон-дил билан ҳурматласанг, яъни ўзимдан сақлаб қолсанг, бу сенинг намоли афвкор экалигининг намойиши эмасдими? Унинг тирик қолиб юришидан мақсади ҳам сенинг бу яхшилигининг эвазига умр бўйи яхшилик қайтариш бўлиб қолади-ку. Агар у юз жон топса ҳам фидо айлаб, сени рози қилади ва ҳақинини адо этади, албатта. Агар борди-ю, у яхшилигининг яхшилик қайтара олмаса, тангридан ундан ҳам яхшироқ эваз қайтажагини унутма. Шунингдек, у сенинг яхшилигининг эвазини қайтариш тўғрисида ўйламаса, дунёда яхши от қолдиришининг ўзи кифоя эмасми?

Искандар одамларга юқоридаги каби лутф-карамларни қилганда ўзидан кейин яхши от қолдиришни ҳам ўйлади. Кимдаки мана шундай карам жавҳари бўлса, ҳозирги замоннинг Искандари шудир. Кимки афв-карам бобида маҳорат кўрсатса, карам ҳам унга ўз фазилатини сочгусидир.

## XLV

*Олди-соттисидан катта зиён кўрган ва жигаргўшасидан ажраб, фироқида юзларини жигар парчаларидан нақшлаган, белидаги ўлимлик нақдини бериб, жигаргўшасини ўлимдан халос этган савдогар ҳикояти*

Адан мамлакатида бир тожир савдогар бор эди, у савдо ва тижоратда савдогарларнинг энг моҳири эди. Унинг бир яхши фарзанди бўлиб, дунёда унга монанд келадиган йигит йўқ эди. У савдогарнинг туяси юк ташиндан бўшамас, ҳар ўн кунда бу шаҳардан у шаҳарга қатнар эди. Тожир бир кечаси уйқуни тарк этиб, кўнгина савдо-соттиқни мўлжаллаб борар экан, ҳали бирон дашт ва дарёни босиб ўтмасданоқ, карвонга қароқчилар ҳужум қилиб қолди. Улим хавфидан ҳаммалари тўзғишиб, ҳар бири бир қир-теналикларга қараб қочтилар. Шу қочганча, тўғри келган тарафга бош уриб, ҳар ким ҳар хил иқлимга бориб қолди.

Шу можаурода ҳалиги савдогар ўз жонини қутқарди-ю, ammo ўглидан ажралиб қолди. Қора кун бошига тушган бу тожир жигаргўшасини тополмай, жигаридан фалакни ўртовчи оҳ тортар эди. Бу гамдан жигари эзилиб ўз-ўзига:

«Энди меннинг ишим овораю сарсонликдан бошқа нарса эмас, лойдан бўлган баданим батамом ишдан чиқиб, ҳолдан тойгунча ҳар тарафга қуюн каби югураман. Борди-ю, шу югуришда муродим каъбасини топсам тондим, бўлмаса биёбонда саргашта бўлганимдан нима гам?» — деди.

Унинг белига яширинча боғлаб қўйган минг олтин пули бор эди, у жамгарманинг белида турганини кўриб, жигаргўшасини ахтариб кетди. Кўзидан ёш ўрнига тинмай қонини оқизиб, севимли арзандасини ахтариб, ҳар ёнга чонар эди. Елиб-югуравериш унинг жигарини эзиб, ишдан чиқарганда бир ажойиб кишварга бориб етди. Қанча даштларини босиб ўтган, жигари хун бечора бу шаҳарни ҳам кезиб ахтарини учун қадамини тезлатди. Баногоҳ қараса, бир жойда анчагина одамлар тўдаланиб турибди, уларнинг қўлида эса бир жигари хун асир бор. Лекин бу асир жигарранг бўлиб, ўз қонига белангану яна тепасида ёвузлар қиличини ярқиратиб, ўхталиб турибдилар. Қонинида бутун вужуди жигаррани бўлиб кетган бу одамнинг ҳозирги фожиона аҳволга тушувига қон тухмати сабаб бўлган эмиш. Бу қон қасосидан қутулиш учун унга минг тилла баҳо қўйибдилару, ammo бу маблағни бериб, уни олишга ҳеч кимнинг юраги дов бермас эмиш. Ҳолдан тойган савдогар бу савдони кўраркан, кўкрагига боғлаб қўйган нақдинасини олиб, минг олтинини бериб, у бечора мазлумни қутқариб олди. Кейин қараса, бу ўзининг азиз жигаргўшаси — фарзанди экан. Унинг кўз ёши тўкиши кечирарли ҳол эди, бироқ у кўзидан ёш ўрнига қон тўкар, ўглининг вужудини босган қонни қон билан ювар эди. Кейин жигарининг яралари ҳам битиб, деди:

— Эй жигаримнинг пораси, аҳволнингни баён айла!

— У кечаси ўзинг кўрган аҳвол юз бергач, — деди ўгли, — мен душман қўлига мубтало бўлиб қолдим. Аввал уларнинг барчаси мени ўлдиришга қарор қилдилар, кейин бошимни олиш қасдидан кечиб, менга шарт қўйиб: «Биз сени ўлдирмайлик, энди сен биз билан дўстлашгин-да, нимаики қилсак, сирдошимиз бўлиб қол», — дедилар. Шундай шўом ваъда қилганларидан сўнг ўлим олдидан чор-ночор уларнинг шартига бўйсундим.

Бугун эса бу кишварга келиб, улар бутун халқ билан урушдилар. Шу можарода халқдан бир бечора шахид бўлди-ю, қароқчилар тарафидан мен халққа асир бўлиб қолдим. Бу аҳволни ҳокимга арз қилганларидан сўнг унинг фармони билан мени ҳалиги қароқчилар томонидан ўлдирилган кишининг ворисларига хун ҳақи учун топширдилар. Умримнинг қуёши ботай деб турган пайтда сен келиб қолдинг, бу ёғида нима бўлгани ўзингга аён. Сен қарам тугунлариши саховатпеша қўлларинг билан ечиб, нақд пулларни бериб, менинг жоним нақдинасини сотиб олдинг.

Халойиқ бу сирри-асрордан воқиф бўлгач, мамлакат шоҳига ҳам бу ҳақда хабар бердилар. Қарам саховат ҳикматларидан огоҳ бўлмиш шоҳ воқеани тушунгач, савдогарга кўп инъомлар бериб, уни аввалгидан ҳам бисёр давлатманд қилиб юборди. Минг олтинни саховат қилган савдогар қайтадан ўғиллик ҳам бўлди ва юз минг бахтга ҳам эришди.

Қаергаки қарам ёмгири сочилар экан, ниҳоят, у ерда мана шундай гуллар очилгусидир.

## XLVI

### ҲИКМАТ

*Искандарнинг Арастудан ҳар бир ишга яхши-ёмонлигига қараб бир мукофот ва жазо бёрдур, ҳикмати недур, деб сўрагани*

Яна файласуф табиатли шоҳ сўрадики:

— Эй ҳар бир ҳикматнинг мазмунини олдиндан билгучи устоз! Ҳар ишда бир хосият бўлишининг ҳикмати нимада? Шунини менга изохлаб берсангиз! Масалан, бир кимса бирон ёмон иш қилган бўлса, унинг ўзи ҳам албатта бир ёмонликка дучор бўлади. Аксинча биров ўзига яхшилиқни одат қилиб олган бўлса, унинг мукофоти бахтлар хазинасидир. Нима учун шундай бўлиши ҳақида бир масала айтинг, бунинг сирини нимаданлигидан мени хабардор қилинг.

Гўзал маъноларнинг хазинаси бўлмиш доно шундай жавоб берди:

— Эй яхшилиқ маъноларидан парварш топган зот! Тангри бу дунёда, бу дунёдагина эмас, азалдан оламу коинотда ниманики яратган бўлса, унга бир махфий хосият ато қилдиким, бу хосиятларнинг ўзига хос ҳола-

ти ва сифати бор. Билимсиз ва жоҳил одамлар бир ишга киришсалар, у ишдан кўнгиладигидек манфаат чиқмаса, бировлардан кўрадилар ва хафа бўладилар. Ваҳоланки, унинг асл сабабчиси бирор кимса эмас. Агар кишига гойибдан пишхоний нафъ бўлмаса, бировдан бировга фойда етиши мумкин эмас. Ёш болаю девоналардан бу борада гина қилмаймиз, зеро, иккисидаи ақл бегонадир. Бироқ ҳар бир киши ақл эгаси бўлса, унинг ақли ўйламасдан бирор иш қилишга йўл қўймайди. Борди-ю, махлуқларда бундай ҳолат бўлса, холиқ уни шундай ақлсиз қилиб яратгани ажабланарли эмас. Ёруғ ўту қора тутун бўлмасини, уларнинг ҳеч бири бекорга яратилган эмас. Мавжудотда нимаки бўлса, уларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқдир. Бу ҳақда бир нарса дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, зеро, бир узук ип ҳам бекорчи эмас, унинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Шунингдек, ҳеч кимса йўқки, унинг ўзига хос феъли ва сифати замирида бир хосиятию вужудида бир ҳолати ва кайфияти бўлмаса. Лекин кишиларнинг феъл-атвори яратилганда, унинг ичига табиий аҳволининг уруғи ҳам яширинган. Ахир, деҳқон ўз ерига ниманинг уруғини экса, ҳосил пишганда ўшанигина ўриб-йиғиб олади-ку. Биров туироққа бугдой сочган бўлса, у ҳеч қачон арпа йиғиб олмайди. Агар ейиш учун арпа эккан бўлса-чи, у бугдой хирмон қилиш имкониятига эга бўлмайди. Биров итқовун экса, ундан аччиқ ҳосил олади ва агар шакарқамиш экса-чи, қанд йиғади. Шу каби, феъл-атворнинг ҳам шарофатли ва ярамас уруғи бор. Хоҳ шарофатли ва хоҳ ярамас бўлсин, ҳаммаси табиатнинг юқоридаги қонунига кўрадир. Ҳар ким яхши қилиқли бўлса, бу яхши қилигидан ўзига ҳам яхшилик қайтади. Агар биров ёмонликдан завқ оладиган бўлса, ўзи ҳам қилмишига яраша ёмонлик кўради. Ҳар бир ишнинг натижаси шу — яхшиликка яхшилигу зулмга зулм қайтади. Ақли салим ва тани-жони соғ одам ҳаётга тафаккур ва мулоҳаза билан боқса, ҳақиқий тўғри йўл шу эканини билади. Агар тутилган иш қонунга хилофу тескари бўлса-чи, адолат тариқи бузилади.

Эшитгувчи бу маъноларга тан бергани ва қойин қолгани каби маърузачи ҳам шу билан кифояланди.

## XLVII

*Қуёш тун зулматидан чиқиб, кун зиёси қиёмга кутарилганидек, Искандарнинг Ҳинд ерларидан чиқиб, Уин киши-*

*варига киргани ва Чин хоқони унинг қуёшдек ҳарорат билан жаҳонгирлик тиги тортиб келаятганини эшитиб, заррадек беҳисоб қўшини тўплагани ҳолда, у билан мурося қилиш учун элчи юбориб, номувофиқ жавоб топгани ва Хитой лашкарлари Искандар қўшини шукуҳидан тўзондек тўзғиб, беқарор бўлгани ва хоқоннинг ўзи бу борада тadbир кўргани*

Чуқур маъноли гапларни ҳикоя қилгувчи ва бу каби нуқталарни билиш учун кўп машаққатлар чеккан доно бундай деди:

Шундай қилиб, Искандар қишни шу ажойиб ерда ором олиш билан ўтказишга қарор қилди. Ўзи Ҳинд мамлакатининг зеб-ороси эди-ю, бунинг устига Ҳинд ройи (шоҳи) ҳам унинг мажлисларини безарди. Гоҳо ҳаммомга тушиш учун шаҳарга, май ичиб маншат қилиш учун баъзи бир кошоналарга ҳам борарди. Ройнинг қасрида бўладиган зиёфат ва айш-ишратларда иштирок этарди; хурсандлик билан май ичиб, мусиқа тингларди. Гоҳо ўрмон ичра ов билан машғул бўлар ва гоҳо ов вақтида ҳам кўнгли май тусаб қолар эди. Гоҳ қоплон отиб, гоҳи шер ўлдирар ва гоҳо фил, каркидон каби баҳайбат махлуқларни ҳам дадиллик билан шикор этар эди. Гоҳо дарё ичида базм ташкил қилар ва гоҳо кемаларга тушиб, денгизларда сайр этар эди. Гоҳ қармоқ билан кумушранг балиқлар тутар ва гоҳи кумуш жомлар тўла майларни сипқарарди. Гоҳо худди ботир шер каби қамишзорга кириб, у ерда ўз манзилидай кезар ва тўқайларда бўлмиш ёввойи ҳўкизларни овлар, қулонларни олдига солиб қувар ва найистоннинг най шакарларидан то тинар эди. Гоҳо қуёш ўз буржигга қараб юксалганидек, асал тоғига томон кўтарилар ва тоғ устида май нўш қилиб, хушҳол бўлгани каби, боллардан ҳам тановул айлаб, таъбини чоғ қилар ва кўнгли тинчланар эди. Гоҳ шаҳаншоҳлар таомилл бўйича, катта чодирлар ичида базм қуриб, ҳазин қуйларни тинглар; гоҳо осмон гумбазидек баланд, шавкатли қароргоҳининг коннот қадар кенг шардалари орасида ўтириб май ичарди. Гоҳи донишманд кишилар билан ўтириб, ҳамма фанга онд китоблардан келтириб, диққатини ўзига тортган қандай ноаниқ — баҳси масалалар бўлса, ечиб олар эди.

То баҳоргача Искандарнинг кеча-кундузи мана шу каби мангулотлар билан ўтди. Қуёш шамининг ҳарорати ошиб, шараф буржигга кўтарилиб, бу шамдан еру осмон равшан тортгач, порлоқ хуринд каби шоҳ худди

Жамшиддек яна жаҳондаги мамлакатларни фатҳ этишга киришди. Сафарга отланиш учун мажлис чақириб, Хитой ва унинг марказига юриш қилиш учун жазм-қарор айлади. Аскар денгизи орасига яна жўшқинлик тушиб, уларнинг шовқин-суронидан осмоннинг қулоғи батанга келди. Яна ҳарб ноғораларини филларга ортиб, бу кинвардан кўчиш машқи чалинди. Ҳинд ерларини бошдан-оёқ олган бу фотиҳ энди Хитой ўлкаларига туғ тикиш учун юриш қилди. Шундай қилиб, Искандар Чин дийрени эгаллаш ниятида, Ҳиндистондан қўшинларини олиб чиқиб кетди. Олий имтиёзли шоҳ учун йўл устида бўлиш ҳар шаҳарнинг оралиғи хоҳ эллик йигоч ва хоҳ юз йигоч бўлишига қарамай, қўшин юборишга эҳтиёж бўлмади. Зеро, у томонга бироқ хат юборилса бас эди, у ердаги шоҳларнинг ўзлари хат олиб борувчи кимса билан бирга бу томонга келишаверди. Улар совғаю тортиқлар билан келиб, Искандарни зиёрат қилар, у ўтирган жойнинг тупроғини ўлар эди. Олиймақом шоҳ уларга иноят ва марҳаматлар айлаб, яна ўз йўлида бетўхтов давом этар эди.

Шоҳ кўп йўл юриб, ҳамма жойларни тамошо қилиб, ниҳоят Чин мамлакатининг ҳадди-чегарасига бориб етди. Чин ҳоқони бу омонсиз селнинг Ҳиндистондан чиқиб, Хитойга оқиб келаётганини билган бўлиб, сон-саноқсиз лашкар тўплаган, ҳаддан зиёда қуроқ-яроғ тайёрлаган эди. Аммо шунга қарамай, хоқон Искандарга аввал душманлик кўрсатмоқчи ва ёки даъво-жанжал қилмоқчи эмас эди. Балки элчи юбориб сулҳ қилиш, келишини йўлини туттиш ҳақида сўз юритмоқчи эди. Агар хасм бундай сўзга хўб деб бўйин эгса, дўстона муомила қилиб, уни қайтариб юбормоқчи эди. Агарда иш келишиш йўли билан битмайдиган бўлса ёки темир қизғин узрлар сўраш билан юшамаса, ўзини кучсизлардек забун ва таслим этмай, қўшин тортиб, жанг қилишга қарор айлади.

Хоқоннинг фикри шу тadbирларни кўришга тўхтагач, дастлаб душманни бир синаб кўрмоқчи бўлиб, бир ақлли одамни Искандарга элчи қилиб юбордики, бу одам элчилик бобида жуда маҳоратли эди. Унга кўп махфий сўзлар айтиб, худди денгизга хас-хашак ташлагандек, элчини Искандар ҳузурига жўнатди. Элчи шоҳнинг қароргоҳига етгач, унинг жоҳи — салтанатига назар солди ва аскарларини кўздан кечираркан, юз йил ақл ишлатганда ҳам сон-саногини чамалаш қийинлигини тасаввур этди. Шоҳнинг ўрдаси шу даражада юксак дабдабали эдики, унинг қаршисида фалак бир камтарона қурилган

чодирга ўхшар эди. Ҳурданнинг ичи шу қадар келгки, кўрган одам эс-ҳушини йўқотиб қўйгудек бўлади. Водийларни босиб келган элчи бу жойни кўриб, хуши оғиб, худди гард сингари беихтиёр ўзини ўрдага урди. Бу даргоҳнинг хизматчилари элчининг муддаосини фаҳм этиб, унинг келганини шоҳга арз қилдилар. Искандарнинг фармони билан элчини унинг ҳузурига олиб кирдилар, гўё оддий чўшини дарё ёнига элтдилар. Ақлли ва тажрибадор элчи тездан тунроққа юз қўйиб, таъзим бажо келтирди. У тахт олдида ўтириб, нафасини ростлагунча, кўнглидаги изтиробни таскин топиб, ўз сўзини айтиб, эшитганини англай олиш даражасига келгунча, шоҳ ўзини бошқа нарсага қалғитиб турди. Узоқ сукутдан сўнг, мамлакатлар соҳибни бўлмиш шоҳ:

— Энди сўзларингни изҳор эт, — деди.

Бечора элчи шоҳ ҳақиқа кўп дуолар қилгач, Чин хоқонининг гапларини баён айлади:

«Эй юлдузлар султони бўлмиш қуёш сингари машҳур шоҳ! Дарё шуқуҳли Хитой хоқони арз этдики, бу кишвар томонга кўк чархининг қуёши янглиғ сайр қилиб келдинг, дунёкезар отинг билан бу юртга кирдинг, ўз зийёнинг билан бу ўлкани ёритдинг. Бу маънига не босиб сабаб бўлди-ю, қандай фикр сени бу томонларга йўллади экан? Агар «дўстлик билан» десанг, дўстлик бундай бўлмайди: ҳеч ким бундай ҳаракатни дўстлик тараддуди демайди. Сендек улуг шоҳнинг лашкар тортиб, бизнинг мулкимизни жилвагоҳ қилишдан муроднинг недур? Агар душманлик нияти билан ҳужум қилиб келган бўлсанг, не душманлик кўрдингки, бизга ёв бўлдинг? Бошлаб, устимизга оғир даъволар билан элчи юбординг. Биз сенга ҳурмат билан узр айтиб, уни омон-эсон узатдик. Ўша хатингда: «Хоқон хирож олиб келсин. Доро жойиростонга кетди, унинг шаҳаншоҳлик тож-тахти менга қолди», деган эдинг. Агар дунё шоҳи Доро ўлган бўлса, энди дунёнинг ҳузур-ҳаловатидан сен баҳраманд бўл. Лекин мен билан Доро орасидаги ҳамма муносабатлар муросаю мадора йўли билан бўлган эди. У мен билан урушиб, голиб келмаган; ёки унча хирож берасан, мунча тўлов тўлайсан, деб талаб қўймаган эди. Агар сен ҳам подшоҳлар ўртасида бўладиган шу каби таомилларга амал қилгудек бўлсанг, иккимиз дўстлик-иттифоқлик алоқасини боғлаб, қаттиқ-қурум гапларини орадан кўтариб ташлайлик. Агар бундай муросаю аҳлчиликка розилик бермасанг, қазо пешонамга нимани ёзган бўлса, шунини кўравераман. Менинг элчи келгандаги сўзим шундан иборат бўлган эди



ҳозир ҳам шудир. Ўзинг айт-чи, шу гап ёмонми? Мен айни гапимдан асло қайтмайман, ўзгача жавоб ҳам кутма. Агар ҳозир сулҳ қилиб, қайтиб кетадиган бўлсанг, менинг гапим ҳам сулҳдан бошқача бўлмайди. Ва агар душманлардек гулув қиладиган, гуфт-гўйнинг фақат адоват уетида бўладиган бўлса, менинг ҳам бу ишда сендан камчилигим йўқ, жанг майдоним ҳам саранжомдир. Ташварим сон-саноксиз даражада кўп, қуролларим ҳаминангидан бисёрроқ.

Йёлу ватан узра то жони бор,  
Киши ҳарб этар то имкони бор.

Лекин икки шох уруш эълон қилганда, зафар қайси тарафга ёр бўлиши ҳеч кимга аён эмас: кимнинг галаба қозониши номалълум, зеро буни ҳеч кимнинг пешонасига ёзиб қўйилмаган. Эҳтиёткорлик нуқтаи назари билан қараганда, киши урушдан қанча йироқ бўлса, шунча яхшироқдир».

Нотиқ элчи ўз фикрини бошдан-оёқ шарҳлаб бўлгач, жавоб кутиб, кўзини ерга тикиб ўтирди. Шох табассум билан бу гап-сўзларни тинглаб бўлгач, гавҳар сингари қимматли калималар билан шундай деди:

«Эҳтимол, шоҳликдаги мартабаю шон-шавкатда, жаҳондорлик расм-русумларида Чин хоқони мен билан Дорони бир мақомда, деб ўйлар. Бу шубҳасиз хато. Агар, унга-мунга ақли етадиган одам бўлса биладики, аввало шоҳлик даражаси мамлакатнинг салмоғи билан ўлчанади. Модомики, шоҳнинг эътибори ер мулкининг тутган ўрни билан бўлар экан, менинг кишварим Дороникидан икки баробар каттадир. Борди-ю, шоҳнинг шижоати эътиборга олинадиган бўлса, хоқоннинг Доро аҳволдан хабари бўлса керак. Доро билан урушга бошлаганимда, менинг кучим унинг ўндан бирича ҳам келмас эди. Шу куч билан уни шундай тангу тор қилиб ташлаган эдимки, ҳеч ким уни бундай огир аҳволда кўрмаган эди. Ҳеч шубҳасиз мен голиб бўлишим керак эди, охирида ҳам ҳақ менга зафар ато қилди. Менинг шу айтганларимга тан берадиган бўлса, хоқон бундай ножўя гап-сўзларни унутсин. Яхшиси, менинг буйруғимга бўйсунсин; ўз кучсизлигини тан олиб, узр айтсин, вассалом. Юқори мартабали кишиларни шарафлашнинг қанчалик даражаси бўлса, имконият борича мен шуларнинг ҳаммасини бажо қилайин. Агар бу гапларга эътибор ва аҳамият бермаса, унга уруш қанақа бўли-

шини кўрсатиб қўйишига мажбур бўлурман. Нимаки деган бўлсам, ҳаммаси чин ва қатъий. Мен фақат рост ва бор гаини айтаман! Сўзим тамом. Энди равоиа бўлиб, хоқонни меннинг бу гапларимдан хабардор эт. Кетингдан мен ҳам йўлга тушиб, секин-аста боравераман. Мен етмасимдан илгарироқ маъқул ва савобли жавоб келтирсанг, бизнинг жавобимиз ҳам фойдали бўлади. Агар хоқон буйруқдан бўйин тоблайдиган бўлса, фалак қандай ўйин ўйнайжагини кўрурмиз».

Элчи шу хилдаги гапларни эшитгач, ўрнидан туриб, паришон аҳволда йўлга тушди. Жондаги дардига даво тополмай, ўз хонининг даргоҳига қараб йўл олди. Хоқон қандай сўзларни айтиб юборган бўлса, Искандар ҳам ўз жавобларини етказишни унга буюрган эди. Элчи бориб, Искандар билан бўлган мажлисда қандай можаролар ўтган бўлса, ҳаммасини бошдан-оёқ хоқонга арз айлади.

Хоқон у шижоатли шеринг ўзи ўйлагандан ҳам ботир эканини фаҳмлади. Яна, бошқатдан гаплашиш учун ўзга одам юборай деса, фойдасиз; у бундан яхшироқ жавоб келтиришига кўзи етмайди ҳам. Бинобарин, уруш қилишга қатъий ва мардона бел боглаб, Искандарнинг келишини кутиб ўтирди. Бутун Хитой юртларининг ҳаммасидан, яъни етти мамлакат, йўқ, етти эмас, етмиш ота-бобосининг юридан лашкар тўплаган, аскарлари сон жиҳатдан осмон юлдузидан ҳам, саҳро қумидан ҳам кўп эди. Улардан тўққиз юз минги ёй билан ўқ отадиган мерганлар, мергангина эмас, жонга ўқ отувчилар эдилар. Улар чақмоқдек тез бўлиб, ўқ узганда душманни ўқ ёмгирига фарқ қилиб ташлар эдилар. Улар устидаги ўқ ўтмас темир кийимлар бошдан-оёқ зарҳал; от ёпуқлари эса зарбафтлар билан безатилган эди. Ўқбозлар ва қиличбозларнинг барчасининг танаси зирҳли жавшан (совут) билан қопланган. Отлиқ аскарларнинг ҳар бири азаматбарваста, барвастагина эмас, тўлган ойдек миқти ва кучга тўлган йигитлар эдилар. Чин хоқони шу каби қўшин билан, қўшин эмас, рўйи заминни гавгога бостирувчи шижоатли жангчилар билан, Чин шаҳаридан душман қаршисига чиқиб, хитойларга хос қаҳр-ғазаб билан пешонасини тириштириб ўтирди. Душмандаи ваҳима қилмай, бўшашмай, қўшинларини бир дуруст жойга тушириб, саранжомлади. Қўшини атрофига шундай хандақлар қаздирдики, уни кўрганда кишининг ҳуши узар эди. Ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан уруш тайёргарлигини кўра бошлади. Қазиладиган хандақ айланасининг узун-

лиги ўн беш ёғочга мўлжалланган эди. Лекин бу мўлжалли қисқартириб, хандақнинг ичкарасини мустаҳкам қўргонга айлантириш тадбирини кўрди. Хандақ айланаси тўп аробаси билан шундай мустаҳкам қўргон қилиб ўраб олинган эдики, фалак қўргони ҳам бунчалик маҳкам эмас эди. Аробалар эл атрофига ёндошган бўлиб, икки қатор, айрим ўринларда эса бундан ҳам ортиқ эди. Бу аробалар устига қалқонлар ўрнатилган, қалқон кейинида эса, чамбарчас халқ турар эди. Қалқоннинг ҳаммаёғига қармоқ каби чангаклар ўраб, қоқиб, боглаб ташланган. Бунинг орқасида эса ҳамма турдаги асбоб билан қуролланган жангчилар, душманни ёқалаш учун пистирмага яширинган эдилар. Яна хандақнинг олди томонига узун сихлар қадалган бўлиб, бунинг зичлиги худди ҳиндуларнинг қалин найшакарзорига ўхшарди. Қўргон шу хилда мустаҳкам ва шикаст етмайдиган қилиб тайёрландики, унинг ичига кириш учун ажала ҳам йўл топмагудек бўлди. Хитой лашкарларининг бошлиғи ўз атрофини шундай маҳкамлаб ўрабгина қолмай, бутун лашкар атрофини ҳам шу каби қўргонга айлантирди.

Иккинчи томондан жанговар Искандар бутун қўшини билан Чинга қараб келар эди. Хоқон ўзининг атрофини беркитиб бўлгунча, мамлакатни босиб олиш мақсадида, у ҳам етиб келди. Хоқон томонидагиларнинг қораси кўриниши билан, Искандар ўша ерда тўхтаб, аскарларини сафга тузди. Унинг лашкарлари таърифдан ташқари бўлиб, буларнинг сонини қанча десангиз, бундан ҳам кўп эди. Жанговар шох лашкарларини сафга тузиб бўлгач, уруш бошлаш суронини солиб, бутун қўшинини огоҳлантирди. Сурон эмас, юз минг йиртқич шер кўк тоқига валвалаю гулгула солиб юргандек бўлди. Искандарнинг бу каби тезлик билан етиб келиб, ўз сурони билан ҳаммаёққа гавго солиши, душман кўнглида ваҳима уйғотди ва Хитой томон Искандарни ниҳоятда қўрқинчли ёв деб изтиробга тушди. Лекин кеч кириб қолгани туфайли, иккала томон қўшини ҳам зарурат юзасидан, тинчгина ором олди. Чунки фалак ўз хоқони бўлмиш қўшини гарб қўргонига киритиб, яширган эди. Кун ботгач, худди лашкарларни қўриқловчи посбонлар сингари, юлдузлар кўкда ўзларини кўрсата бошладилар. Икки томондан эҳтиёт юзасидан, қўшинини қўриқлаш учун тун посбонлари чиқдилар. Кеча қоровуллари ҳам кетма-кет равона бўлиб, энг хира ҳулқар юлдузларидек, кўз илгамас ҳаракат қила бошладилар.

Искандар ўйлаб шундай тўхтамага келдики, тонг оти-

ши билан ўзининг юлдуз каби беҳисоб аскарларига хитоб қилиб, жангга кириши лозим бўлган кишиларнинг барчасини ўз ўрни ва тартиби билан сафга тузиб бўлгач, худди наҳанг бошлиги денгизни ёриб, тўлқинлантириб юборгани каби, душман устига тўсатдан тезлик билан бостириб кириб, урушни бошлаб, ҳаммаёққа гавго солиб, қаёмат-қоим кўпоришга қарор қилди. Искандарнинг бу ниятини фаҳм этган допишмаид аҳллари ундан ҳозирча урушни бошлаб юбормасликни илтимос қилиб, бундай дедилар:

«Эрта-индингача уруш бошламай, ишнинг охирини кутиб турмоқ лозим. Чунки сайёрлар ҳам ва бир жойда собит турғучи тургун юлдузлар ҳам ҳозирча нахслик, яъни ҳосиятсизлик аломатини кўрсатмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда, у юлдузларнинг ҳозирги вазияти бизга нисбатан манфаатсизликни акс эттирмоқда. Бинобарин, икки кунгина шоҳимиз уруш бошламай, сабр қилиб турсалар, шу орада кўк осмонда кутилмаган бир яхшилик нишонаси рўй бериб қолиши табиий. У пайтда ишимиз кўп ажойиб, шоҳнинг иқболлари янада шон-шараф тоғусидир. Борди-ю, агар бу айтганларимиз юз бермай қолса, учинчи кун уруш бошласалар, у вақтда душманга шикаст бериб, унинг шавкатини ер билан яксон қилгайлар, деган умиддамиз!»

Олимларнинг бу сўзларидан шоҳнинг таскин топиши натижасида душманлик олови ҳавонн тутмади.

Иккинчи томонда, буюк хоқон ўз одамларида ҳаддан ташқари безовталиқ сезмоқда эди. Хитой аскарлари ва Чин кишилари душман томондаги бениҳоя шукуҳ-салобатни кўриб, ҳаммасининг орасида гала-ғовуру, ҳаммасини ваҳима боса бошлади. Хоқон ўз кишиларининг кўнглини қанча кўтаргани билан ваҳима пасаймас, безовталиқ таскин топмас эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, қўшиндагилар ҳеч бир ишга рағбат қилмай, тўда-тўда бўлиб, тубандагича ҳар хил мишмишларни тарқата бошладилар:

«Бу қоплон юракли, шер салобатли, машҳур, қудратли ҳоким жаҳонгирликни ҳавас ҳилиб, ҳар бир орзусига эришиб келмоқда. Бу кунгача қаёққа қараб, қандай мақсад билан юрган бўлса, ҳаммасини қўлга киритган. Қайси мамлакатга қўшин тортган бўлса, ҳеч қандай гавгосиз у ерни фатҳ этиб олган. Қайси шоҳнинг бўйнига каманд ташлаган бўлса, унинг бўйинини ўз сиртмоғига илиштирган. У кун бунга қарши урушган Доро чуқур, кенг денгиз бўлиб, унинг қаршисида бу бир қатра

эди. Ўшанга қарши урушиб, тadbир билан у шоҳнинг иқболига шикаст етказди. Бизда Доронкича қудрат ва қўшин йўқ бўлгани ҳолда унинг бизга ишбатаи ўн баробар шаън-шавкати бор. Яна устига-устак, у соҳибқирон — жаҳонгир, ёш ва наҳлавоп йигитдир. Бундай одам билан уруш қиламан, дейиши ҳеч жиҳатдан тўғри ҳисобданмайди. У билан жанг қиламан деб ким леф урса, ақл уни беҳуда уриниши ва бемаънигарчилик деб айтади. Хоқон улдуларни восита қилиб бўлса ҳам унга итбат қилмоғи керак. Ахор у хаддан ташқари кучлигуну биз заифмиз, унга ҳеч жиҳатдан тенг ҳариф эмасмиз. У билан урушаман, деб даъво қилган одам унинг тигидан омон қолиши мумкин эмас. Ўзини ақлли деб билган одам учун ўзига-ўзи қасд қилишнинг қандай маъноси бор? Бундай одам ўз жонигагина эмас, халқ жонига ҳам, жонигагина эмас, номуси ва ҳонумонига ҳам қасд қилган бўлади. Хирож тўлаб туришни қабул қилиб, унга мутеъ бўлса, у бунга тож ва тахтни ҳам қайтариб беради. Бахтиқаро Маллу унга нималар қилмаган эди, шунга қарамай, унинг ўғли Фируз бунга ишончли киши бўлиб қолди. Ҳинд ройи ўз ожизлигини эътироф қилгани туфайли, бугун Ҳиндистонга яна ўзи шоҳ бўлиб қолди. Агар хоқоннинг ўзи унинг олдига борса, мамлакат тожини ўз бошига кийдириб юбориши турган гап. Унинг хизматига тайёр эканини айтса, ҳамма мамлакатни ўз қўлига олади. Мана шундан ўзга йўл тутса, кейинги пайтда пушаймон бўлишнинг фойдаси йўқ».

Халқ тўп-тўп бўлиб, бир-бирлари билан мана шу каби гапларни гаплашар эдилар. Хоқоннинг яқин маҳрамларидан ва унга ўз ихлоси ва муҳаббати билан танилган кишилардан бири бегона кишилардан, бегонагина эмас, умуман ҳаммадан холи бўлган бир хилватгоҳга шоҳни таклиф этиб, зор-зор йиғлаб, унга: «Элнинг юрагига қаттиқ ваҳима — безовталиқ тушиб қолди!» — деди. Халқдан нимаики эшитган бўлса, ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб берди, ҳеч нарсани қўшмай ва камайтирмай баён қилди. Сўзини тугатаркан: «Эй шаҳриёр, сенга доимо бахт ёр бўлсин. Мен фақат ўзим кўрган-билганларимнигина айтдим, зотан, буларни айтишда узрли — маъзур эдим. Ишонсанг, бу аҳволнинг бир чорасини қил, ишонмасанг яна ўзинг суриштириб бил», деди.

Чин хоқони бир оз ўйлаб қолди, кейин бундай таҳқиқ айлаб, суриштириб қараса, ҳикоя қилган одамнинг сўзлари бошдан-охир рости унга чин гапирмоқ одат эканини эслади. Ўзининг бу аҳволига кўп чора ахтар-

са ҳам, лекин ҳеч бир чора-тадбир маъқул тушмади. Ҳўйлаб-Ҳўйлаб халқнинг ҳам шундай гаиларини айтишга ҳаёс борлигини, улар ҳам таъна ва тавбеҳга сазовор эмаслигини ҳис этди. Рум шоҳи Хитой чиний қадаҳи билан Рум мраммартонини уриштирадиган бўлса, ҳар қандай ақл эгаси ҳам қайси бирининг епининини яхши билади. Агар чинликлар бу урушни оқадиган бўлса, ўз оёғига ўзи тош урамаги турган гап. Бу масалада хоқонни қайғу босиб, тоғ отгунча ухлай олмади. Сахарга етганда, гайб қизининг ниқоби очилиб, бир яхши савобли фикр хаёлига келиб қолди. Ногаҳон хоқоннинг ақли кўнглига шундай бир фикр солдики, бундай фикрни ҳар қандай ақл эгаси Ҳўйлаб тополмайди. Шундан сўнг хоқон ҳалиги ўз ихлосини кўрсатмиш хос маҳрамини хузурига чақриб, бундай деди:

— Ўрда атрофида ва менинг чодирим ёнида бўлган одамларни узоқлаштир, бу яқинда бирон кимса қолмасин. Ўзинг эшик олдидан ҳеч қасиға кетма. «Бугун шоҳ ҳеч кимни қабул қилмайди!» — деб жар сол. Эрта оқшомгача шу эшик олдида мени кут, лекин менинг тўғримда ҳеч ташвишланма. Агар эртага кечқурун шу пайтгача етиб келсам, барча мақсадимиз муяссар ва тинчлигимиз таъминланган бўлади. Агар келмай қолсам-чи, ўз тадбирингни кўр, хаёлинга нимаики келса, шуни қил. Лекин бир кечаю бир кундуз бу сирнинг очилмаслиги учун зинҳор-базинҳор эҳтиёт бўл. Ҳамда мендан бу ишнинг қандайлиги, бу андишага сабаб нима эканини сўрама! — деди.

Эшитувчи хоқоннинг айтганларини қабул айлади. Хоқон фикрга толгани ҳолда ўз хонасига кирди ва шоҳона либосларини ечиб, эғнига элчиларга хос кийимлар кийиб олди. Кейин ҳалиги маҳрамига: «Саропарда — чодир олдига бир от олиб кел! — деб буюрди. Маҳрам тездан бир отни келтириб, саропарда ёнида тўхтатди. Чин хоқонни отга сувори бўлди. Бу сирдан ҳеч кимнинг воқиф бўлмаслигини маҳрамга яна бир бор таъкидлаганидан сўнг жўнаб кетди.

## XLVIII

*Саёҳатчи ой тезюар қуёш билан тенглашмоқчи бўлганидек, хоқон Исқандар хузурига элчи сифатида боргани ва унинг лутф-марҳаматидан ойдек нур ва сафога тўлгани*

Хоқон қоронғида қўшин орасидан ўтиб, қалъа дарбадига — дарвозасига етиб олди. Четга чиқиш учун босил-

ган мухрли хужжатни дарбанд посбонларига кўрсатиб: «Умум фойдаси учун бўладиган бир иш юзасидан мени ташқари чиқаришлар!» — деди. Улар мақбул ишончли мухрни кўриб, ҳеч қандай зиён-заҳматсиз, уни қалъадан чиқариб юбордилар. Жаҳонгашта хоқон тезлик билан Искандарнинг қўшинлари жойлашган майдонга йўл олди. У бораркан, кўнглида юз минг хаёлот ва хавф-хатар гугён қилиб, юрагини азоблар эди. Ниҳоят, тонг отиб, искардарсифат қуёш ўз юзини очиб, дунёга Искандардек нур сепа бошлади. Юлдузларнинг Чин қўшинидек ранги ўчиб, тақдир — қазо осмоннинг кўк яйловини тиниқ қилиб қўйди. Бахтиёр элчи Искандар қўшинига етиб боргач, унинг остонасида отдан тушди. Шу онда мулозимлар шоҳга тубандагича арз қилдилар:

«Муборак чехрали бир элчи келди. У ниҳоятда басавлат ва ҳушёр одам бўлиб, инсон суратига кирган фариштага ўхшайди», дедилар. Искандар айтдики:

— Унга ҳурмат кўрсатиб, тахтим ёнига келтириб ўтқазинг. Бугун кечаси гаройиб бир туш кўриб эдим, ажаб эмаски, бу — шу тушимнинг таъбири бўлса. Тушимда мен қуёшдек порлоқ — нуруний эмишман, яна мендан бошқа ҳам бир қуёш мавжуд эмиш. Ўша қуёш келиб, менга сажда қилган эмиш. Ҳеч ким бу каби икки қуёшни кўрган эмас. Ҳикмат аҳллариининг фалак жисмлари сайри ҳақидаги кузатувларидан маълум бўлишича ҳам бу икки кун ичида жуда кўп ва ажиб ҳодисалар содир бўлмоғи лозимдир. Менинг бу кўрган тушим ҳикмат аҳллариининг аҳкомида баён қилинган ўша нодир ҳодисаларнинг бири бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Боринг, ўша айтган элчингизни ичкарига, менинг ҳузуримга олиб киришг! — деб фармон берди.

Одамлар бориб, элчини ичкарига олиб кирдилар. Яхши ният билан келган суҳандон Искандарга узоқдан элчиларга хос таъзим бажо келтирди. У мақтовга сазовор элчи эди. Бинобарин, Искандар унга илтифот кўрсатиб, қучоқлашиб кўришди. Бахтининг башорати билан, шоҳ унга «ўтир» ишорасини берди. Элчи ўтириб, хотиржам бўлгач, ўз муродини юзага чиқариш ниятида юрган Искандар ундан савол сўради:

— Ҳар қандай сўзинг бўлса бошла, қандай сиррирозинг бўлса, бизни хабардор қил! — деди. Саодатли элчи аста, вазминлик билан айтдики:

— Эй ҳар бир сизинг одамни ўз даргоҳига қабул қилувчи шоҳ! Нимаики ҳукм қилсанг, жон устига, уни бажо қилмоқ, руҳи-равон устига. Ва лекин фикру тад-

бирига юз офарин, дейишга арзийдиган Хитой хони, Чин хоқони менга бир нечта қийматли ва мўътабар сўз айтдики, уни эшитиш шарафига ҳар ким сазовор эмасдир. Агар бу ашжуманда ўтирган кишилар тарқаса-ю, мен билан фақат баҳодир шоҳнинг ўзлари қолсалар, хоқоннинг айтилиши керак бўлган лутф-аҳсондан иборат қимматли фикрлари бор бўлиб, мен учун у нукталарни баён қилишга имконият яратилган бўлур эди. Пок фикрли хоқон яна айтдиларки, агар шундай хилватда суҳбатлашганининг иложи бўлса, яъни шоҳ бўлса-ю, сир айтгучининг ўзи бўлса, сен бизнинг илтимосларимизнинг ҳаммасини баён айла. Агар ундай бўлмаса, ўрнингдан туриб, қайтиб келавер. Агар улар сени ҳибс этиб, қамаб қўйсалар ҳам нафасингни чиқарма. Борди-ю, кишилар сени қора ниятли ифвогарларнинг фидойи вакили деб тушунсалар, оёғингни чамбарчас боғласинлар, қўлингга ҳам кишан солсинлар. Ана шундан сўнггина сен тилтигидан кескир сўзларингни баён эт, деган. Дарҳақиқат, агар сиз мендан шубҳалансангиз, қўлимни ҳам, оёғимни ҳам боғлатингиз!

Бу гаплар Искандарга ҳаддан ташқари маъқул бўлди. У ўз аъёнларига:

— Ҳаммангиз бу ерни бўшатиб қўйинг! — деди. Боғлашга ҳеч қандай зарурат йўқ, попушакнинг қилиғи шунқорни чўчитмайди.

Ҳикмат аҳллари — олимларнинг, айниқса мунажжим Арастунинг қаттиқ илтимоси билан, сўз келтирган элчининг оёғини боғлаб, қўлини ҳам кишан билан банд этдилар. Шоҳнинг олдига қилнч ҳам келтириб қўйгач, бирин-сирин ҳаммалари чиқиб кетишди. Қаср бошқа одамлардан тамом холи бўларкан, Искандар элчидан махфий сирлар нимадан иборатлигини сўради. Шунда элчи айтдики:

— Эй, яхши ниятли шоҳ! Эй, душманларини банд этувчи, йўқ, йўқ, мамлакатларни озод этувчи! Сен мени бир жаҳонгашта элчи деб ўйлама. Сенинг даргоҳингда ўтирган кимса Чин хоқонидир. Мен сенинг даргоҳингнинг тупроғи сингари ҳузурингда ўтирган эканман, на қўлимда тиг ва на қўнглимда кин бор. Оёғимда ҳам, қўлимда ҳам банд бўлгани ҳолда, сенга боғли бўлиб ўтирибман. Бир неча хил сабаблар мени мажбур қилгач, шу аҳволда ҳузурингга келиш зарурати тугилди.

Тубан фалакнинг бу ишидан Искандар жуда ҳайратланиб деди:

— Эй Хитой ва Чиннинг ҳукмдори! Нечун шоҳлар



шундай хатоларга йўл қўйдилар? Киши ҳам ўз душманнига, ҳеч қандай дастгирсиз, ҳимоячисиз келиб, ўзини аспр қилиб берадимиз? Ўз оёғи билан келиб тутилгани ҳолда, яна осойишталик билан сўзлаб ўтирадимиз? Сўзингни давом эттириш учун шошилмай, аввал менинг шу саволимга жавоб бер.

Чин хоқони ўйлаб туриб, шундай деди:

— Эй, бутун ер юзининг ҳукмдори! Бошимга ниҳоятда оғир ва мушкул иш тушган эди, ўшани ҳал қилиш учун шу аҳволда келишдан бошқа илож тополмадим. Сенга шу хилда юксақ ишончим, ихлос ва эътиқодим бор. Сен доно, оқкўнгил одамсан, жувонмардсан, олийҳиммат ва паҳлавонсан! Сенинг шиоринг золимлик эмас, бундай ишлардан ор ва номус қилурсан. Сен, ҳатто, сенга қарши кўпгина можароларни қўзгаб, қўшин тортиб, уруш бошлаган кишилардан ҳам узр айтган чоғларида карамингни аямадинг, ким хор ва залил бўлса, уни иззат-ҳурмат қилдинг. Мендан бундай ёмон ишлар содир бўлмагани туфайли, ўзимни сенга таслим қилишдан хавфланмадим. Хусусан, сенинг яхши хислатларингни билганим, қиладиган ишларинг яхшилиқдан иборат бўлишига ишончим комил эканлигидан, ўзимни бунчалик зор ва забун тутиб, тахтинг олдида айбдорларча бўйинимни эгиб ўтирибман; мазлумлардек арз-ҳолимни баён айлаб, аспрлардек сўз сўзлаб турибман. Сенинг ҳузурингга келарканман, «хафаланган ҳолда кетаман», деб ҳеч ўйлаган эмасман. Сен лутф-марҳамат кўрсатасан, кўнглимни кўтарасан, деган умид менга олдиндан қуёшдек аниқ эди.

Ўзининг мушкул саволларига берилган мақбул жавобдан бағоят хурсанд бўлмиш Искандар хоқонга офаринлар айтиб, деди:

— Эй, мурод-мақсадига етган зот! Бунни жуда ҳам тўғри ўйлабсан. Яна бундан ўзга ҳам тилакларинг бўлса, ичингда махфий қолмасин, изҳор қил. Йўқса бу аҳволда сени кўриш, бу шаклда сен билан суҳбатлашиш яхши эмас.

Бағри дарё хоқон дуо қилиб туриб айтди:

— Эй, очиқ кўнглили жаҳондор! Бу келишдан муродим жапобингга узрхонлик қилишдан ўзга нарса эмас. Ҳар қандай сўзим бўлса, рўпарангга бетма-бет туриб сўзлашишдир. Сўзимнинг хулосаси шуки, ҳозир сенга гўё хоқондан элчи келиб, сени Чинга таклиф айлади ва бориб, ўз қўлини билан Хоқондан хирожларни қабул этиб олишингни илтимос қилди. Агар бу таклиф сенга

малол келсаю, боринчи истамасанг, келиб, мен сенга уэр айтгумдир. Гаиларимни номаткул деб топсанг, гунохкорман, хар қандай жазега тортсанг, сазеворман. Гунохкорминимни билиб, олдинга буйинимни эгиб келдим. Агар уздирсанг, қоним йўлингга хадя бўлени. Агар афв этиб мени иодлантирсанг, сенинг хулқ-одобинг ва марҳаматинг қаринида бу азабларни эмас.

Искандар айтди:

— Эй, муродига эришган камёб шоҳ! Аввал сенинг менга берган жавобларинг маъкул, дўстона, қариндошу бегонага ҳам ёқадиган гаилар эди. Бироқ менинг бошимда жаҳонгирлик ҳаваси бўлгани туфайли, нухта тадбир билан майдонга чиқиб, жаҳондаги мамлакатларни фатҳ этиб олишга жазм айлаб, бу кишварга ҳам азм этиб, келдим. Хар бир шоҳ ўз душманидан ғолиб мавжеда турса, шу каби баҳоналарни ахтариши табиий. Аслини олганда, сенда унча гуноҳ йўқ, ҳамма гап биз томондан содир бўляпти. Агар аввалги сўзларда баъзи бир англашилмовчиликлар бўлса ҳам энди унинг сабабини билганимиздан сўнг, кўнглимизда ҳеч бир шубҳа қолмади.

Хоқон дуо қилиб сўз бошларкан, гапни ўз мақсади томон буриб, деди:

— Эй, олам аҳли сенга муте бўлмиш одам! Сенинг жаҳонгир бўлишингга ҳеч шак ва шубҳа йўқ. Қайси бир мамлакатни олиш учун қадам қўйган бўлсанг, уни осонликча — беташвиш қўлга киритдинг, демайман. Уни фатҳ этиш тадбири юзасидан бир қанча чора кўргансан ва фикр-мулоҳаза юритгансан, кўнглингда хар доим юз хил хаёл бўлган. Ўзингга маълумки, Маллу каби одамлар сеҳрбозлик ва афсунгарликни ўзига ҳунар қилиб олиб, сенга қарши қанча душманлик ва ўжарлик қилди, унинг мамлакати озмунча ташвиш билан қўлингга киргани йўқ. Сен уларни қатлу ғорат этсанг ҳам ножўя бўлмас эди. Аксинча, сен унинг ўтглига давлат тожи ва муҳрини ато айладинг. Лутфу марҳаматинг билан унинг кўзини очиб, отаси мулкига шоҳ қилиб қўйдинг. Сўнгра бутун куч ва қудратинг билан тахтни олиш, галаба қозониш учун бизнинг томонга юриш қилганингда, сен мени душман деб ўйлар эдинг. Бинобарин, мен ўзимни шу аҳволда сенинг оёғинг остига ташлашни лозим кўрдим, менинг хаёлимга шундай иш тутиш фикри келиб қолди. Эҳтимол, ҳеч ким сенга итоат қилиш учун бундай йўл тутмагандир. Сени ҳақ шундай азиз-аржуманд этдики, мендек баланд мартабали киши сенинг ҳузурингда паст бўлди. Бу масалада

менинг мушкулими қандай осон қилишини, қандай лутфу эҳсон қилишини билгим келяпти.

Искандар айтдики:

— Хотиринг жам бўлсин, бу дунёю у дунё сен отасан, мен ўғилман. Агар истасанг, хизматингга пешонами боғлайин, сени тахт-салтанатимга ўтқазайин. Сенга фарзандлик қилиб оёғинг изини ўнайин, отам Файлакус тирилади, деб ўйлайин. Сен тахтга ўтириб, халқинг арздодини тингла, мен сенинг ёнингда саркардалик ишларини бажарайин. Агар бу ишни қабул этмасанг, кўнглингда қандай муддаоинг бўлса, ўшани баён эт. Сен мени ўз дилингда бўлган тилақларингдан хабардор эт. Қўлимдан келганча мен уни бажаришга ҳаракат қилай.

Давлат эгаси бўлмиш хоқон шодланиб, дуою ташаккурлар изҳор этди. Кўзидан оққан ёшларини тисламагани ҳолда, бошини шукр туйроғига қўйиб, деди:

— Эй, дунёнинг осмон қадар баланд мартабали шаҳаншоҳи! Фалақинг авжи нуқтаси ҳам сенинг тахт-салтанатинг мартабасидан пастдир. Ҳамиша жаҳоннинг паҳлавонию ва дунё кишиларининг муродга етказувчи раҳнамоси бўл. Менингдек кўнглина хон ва хоқонлар сенга муте ва амр-фармонини бажарувчи бўлсинлар. Бу қандай лутф-марҳамат ва покиза табиатдир! Бу қандай хушқуд химматдир! Таигри сенга шу қадар бениёз химмат ато этган экан, шоҳлигинг учун бутун дунё ҳам озлик қилади. Сен икки дунёга лойиқ одамсан демайман, йўқ, бундақа дунёдан ўнта бўлса ҳам сенга оздир. Сен менга шунчалик лутф-иноят қилдингки, мен бунга етарли миннатдорчилик изҳор этишдан ҳам ожизман. Сўзингда аён бўлмиш масалаларни тушуниб етишга ҳам менинг қобилиятим етмайди. Яна сен дўстлик, биродарлик ҳақида сўзладинг, орага оталик, ўғиллик масаласини қўйдинг. Менга бундай эҳтиром кўрсатурсан, деб гумон ҳам қилмаган, бу даражада олий мақомга кўтарасан, деб мутлақо ўйламаган ҳам эдим. Мен сенга оталик қилишга ярамасам ҳам, лекин менинг бундай сўзни айтишим хатодир. Ахир, гавҳаринг отаси садаф бўлгани билан унинг шараф ва қиммати қаймаймайди-ку. Гарчи бу эҳсону марҳаматингга лойиқ бўлмасам ҳам садафинг дурга бўлган инсбатига ўхшаб, ота-ўғиллик муносабатида бўлишга йўқ ҳам деблмайман. Лекин аввал бир қанча сўзлар баён қилган эдинг, бир қадар яна ўша сўзлардан ҳам гапирсанг экан. Чунки, ҳеч кимга бу сирни, яъни менинг келганиму бунинг сабаби ва оқибат-натijasини фойн этмасанг экан. Менга элчи-

ларга қилинадиган расмий илтифотларни кўрсатиб, кундузи сақлаб, шом бўлгач кетишга рухсат берсанг. Аъёнларингга: «Бу келган элчи яраш ҳақида гапирди, мен бу таклифни қабул қилдим», — деб қўя қолсанг. Эртага тонг отгач, менинг қошимга элчи юборсанг, у менинг бошимга шараф соясини солса, яъни сен мени ўз даргоҳингга илтимос билан чорласанг, мен сенинг амр-фармонингни бажо айлаб келсам. Мени кўрганингда, эл кўргудек, шоҳлар бу меҳрибонликни бир-бировига хавасланиб гапиргудек қилиб, ҳурмат ва таъзим билан қарши олсанг. Ахир менинг авлод-аждодаларим ҳам минг йиллардан бери хонлик қилиб келадилар-ку. Бу мамлакат барпо бўлганидан бери шоҳлик ота-бобомиздан бизга мерос бўлиб келяпти-ку. Менинг авлодларимнинг ҳаммаси Хитой — Чин мамлакатада хош, хонгина эмас, қоон ва хоқон бўлиб келганлар-ку. Буларнинг ҳурматини қилиб ва обрўсини сақлаб, менга қабулхонанг тупроғини ўпишни буюрмасанг, токи хоқонлигимнинг шарафи ерга урилмаса экан! Эл-улус ўртасида мени эъзозласанг, «ота» деб бошимни кўкларга кўтарсанг. Сенинг хатингга ёзганингдек, Чин мамлакати хирож тўламасликда доимо узрли эди, шу масалага келганимизда, сен бу таклифни ҳам қилмасанг, бу гапни оғзингга ҳам олмасанг, кўзингга ҳам илмасанг. Хирож сўрашдан мақсад мол-дунёю дуррулаълдан қўл-бўйишларга зебу зийнат тақиш бўлса, менда хазинанинг ниҳояси, дурри-гавҳар ва лаъл-ёқутларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ. Менинг сенингдек ўғлим бўлганидан кейин, хазиналарни асраб ўтиришга хавасланишим ва заруратим бўлиши мумкинми? Олдингга шунчалик мол-дунё тўкайки, аскарларнинг уни йиғиб-саранжомлаб олишдан чарчасилар. Шу каби иззат-икромдан сўнг мен сени боғ ва қасримда меҳмон қилайин. Сенинг ҳурматингга шоҳона расм-русум билан зиёфат мажлисини тузайин. Сен қанча хоҳласанг, бу кишварда шунча истиқомат қилгил. Кетиш вақтинг тайин бўлгач, одатий расм-русумлар билан иззатингни бажо келтириб жўнатай ва бир неча манзилларгача бирга бориб, дийдорингга тўяй. Ўзинг қаерда хоҳласанг, ўша ерда сен билан хайр-хўш қилайин. Лекин менинг бу сўзларимни, элчилик учун ҳузурингга ўзим келганлигимни зинҳор-базинҳор махфий сақласанг яхши бўларди.

— Мен-ку, ҳаммасини сир тутурман. Борди-ю, ногоҳон сен ўзинг изҳор қилиб қўйсанг, не қилай? — деди Исқандар.

— Бу ишни мен элга билдирмай қилдим, — деди хоқон

ва бу ҳақда кўнглига не фикрларни туғиб қўйган бўлса, ҳаммасини айтиб берди.

Искандар унинг барча илтимосларини қабул этиб, ўз ваъдасига вафо қилиш учун сўз берди. Сўнг аъёнларини чақирришга ишорат қилди, улар келгач, тубандагидан иборатларини баён этди:

— Бу муборак қадамли бахтиёр одам хоқон тарафидан элчи бўлиб келишининг сабабларини изҳор айлади. Аввал қўлларидан камандини олинг, оёқларидаги кишанларни ҳам ечинг. Кўп маъқул гапларни келтирган бу одам элчилик тариқида ҳам баркамол экан. Бу киши мен билан хоқон ўртасига сулҳ солди, денгиз билан кон орасига йўл солди. Унга шоҳона тўнлар кийдириб, бирмунча пул ҳам бериб, яна хузуримга олиб келинг.

Қандай фармон берилган бўлса, бари ижро этилгач, саховатли шоҳ тантана билан «элчи»га ижозат бериб, деди:

— Оқшомгача ўйнаб-кулиб ором ол, жаҳонга қоронғу тушгандан сўнг ўз ватанингда равона бўлурсан.

«Элчи» доно шоҳ ҳақида дуо қилиб, меҳмонхона томон жўнаб кетди. У мурод-мақсадига етган бўлишига қарамай, юзидан ниқобини очмай, кечгача меҳмонхонада ўтирди. Чинга дохил бўлган жойларда, элчилар учун шу каби ниқобда юриш таомил эди. Қачонки ой элчиси осмон юзига чиқиб, тоғу чўлларга қараб жилва сочиб юра бошлаганида, оёнга ўхшаб сайр қилучи «элчи» ҳам отга миниб, жадаллик билан ўз манзилига етиб борди. Бунини кутиб ётган ҳалиги сирдош маҳрамни ҳам ўз висоли билан қувонтирди. Бахтиёр шоҳ унга даштларни кезиб келган арғумоғини топшириб, ўзи парда ичига кирди. Кейин йўлнинг ранжи — машаққати кетгач, хотиржамлик билан салтанат тахтига чиқиб ўтирди.

Шу тариқа хоқон ҳеч ким қилмаган ва ҳеч кимнинг кўлидан келмайдиган ишни қилди. Эртасига тонг отиб, қуёш осмон тахтида мақом тутганида Чин хоқонини ҳам тахтида ўзини кўрсатди.

Шунингдек, Искандар ҳам ўз тахтига ўтириб, каттакичик ҳамма лашкарбошию амалдорларни хузурига чақирришни буюрди. Эл-улус ҳаммаси шоҳ олдида ҳозир бўлиб, унинг тахт-жоҳига кўз тикиб турдилар. Жаҳонни олувчи шоҳ виқор билан бир фармонбардор ва доною сўзамол кишини чақириб айтди:

— Баҳор булутини Уммон денгизи томон югурганидек, сен Чин хоқонини хузурига азм айла. Унга мендан мақтов салом айт. Саломдан сўнг тубандаги хабарини еткур:

«Душманлик ҳақидаги гап-сўзларни йиштириб, юзингга сулҳ эшигини оч. Агар ёмон бўлсак ҳам, яхши бўлсак ҳам, биз бугун сенинг мамлакатингга меҳмонмиз. Диянимизда сенга инсбатаи ҳеч қандай кин-адоват йўқ. Марҳамат айлаб, ҳузуримизга келсанг, зеро, жамолингга бағоят муштоқмиз. Ишонамизки, бу гапимизни қабул айлаб, илтимос аҳли томонига қадам ранжида қилгайсан!»

Искандар ўз мақсадини айтиши биланоқ элчи Чинга томон йўл юриш тараддудига тушди. У хоқон лашкарлари яқинига бориб етгач, қимматбаҳо гавҳардек сўзлар бошлаб, ўзининг элчи эканини билдирди ва хоқон қароргоҳига киришга орзумандалигини изҳор этди. Бу воқеани арз этганларидан сўнг хоқон уни ўз даргоҳига киритишларини буюрди. У ҳам тахт устига чиқиб, катта-кичик ҳамма аъён ва ақобирларини йиғиб, Искандарнинг элчисига мурожаат қилди:

— Бу ерга келишдан мақсадинг не эканлигини гапир!

Шоҳ қандай гапларни айтган бўлса, нотик ҳам унинг ҳаммасини бошдан-оёқ хоқонга баён қилди. Элчининг шодлик бағишловчи, руҳпарвар гапларини хоқон бошдан-оёқ эшитаркан, кўп хурсандлик ва миннатдорчилик билдириб, элчи билан очилишиб гаплашиб айтди:

— Фалак ҳашаматли шоҳ бизга душманларча муносабатда бўлган ва биз томонга адоват билан юриш қилиб келган эди. Бинобарин, биз ҳам унга қарши қўшин тортиб, саф тузишни зарур деб топган эдик. Мана энди ёқимли ҳикоятлар айтибди. Бундан маълум бўладики, у бизга душман эмас экан. У билан бизнинг орамизда уруш-жанжалга асос йўқ. Агар сен ишонтирсанг, биз унинг ҳузурига албатта борурмиз.

Элчи айтди:

— Бу сўз шоҳимизнинг сўзларидир, сиз худди шоҳнинг ўзи билан гаплашаётирман, деб фараз қила беринг. Йўқ эрса, шу ерда ҳозир турган ақл эгалари ҳам Сизни олиб кетишга меннинг ҳаддим йўқлигини билсалар керак.

Бу сўзларга хоқон ичидан кулгани ҳолда, тезда бориб етиш учун отга сувори бўлди. Бу дўстона муомаладан Чин лашкарлари ҳам ғоят хурсанд бўлдилар. зеро, уларнинг ҳаммаси уруш хавфидан қутулдилар. Барча одамлар тўда-тўда бўлишиб, ҳаммалари унинг кетидан отландилар. Жуда кўп халқнинг жунбишга келиши натижасида гўё ер қатламлари бир-биридан қўчгандек бўлди. Буни кўргач, Чин хоқони халққа фармон қилиб:

— Ёшу қарп, ҳеч ким ўз ўрнидан қимирламасни!— деди.

Шундан сўнг хоқон юзта гул юзли Чин гўзали билан мингта Хитой асилзодаларнию бекларини ўзига ҳамроҳ қилиб, ўлкалар бағишловчи шоҳ тарафига қараб равона бўлди. Искандар томонидан ҳам бир қанча шоҳ-султонлар ва оқилу донолар, биринчилари шоҳона зийнату дабдаба билан, иккинчилари эса олимона одоб ва тамкин билан, ўша замондаги расм-русумга роя этган ҳолда хоқонга пешвоз чиқиб, уни ҳурматлаб қарши олдилар. Улар худди денгизнинг ҳар лаҳза мавжланиб турган тўлқинидек, фавж-фавж бўлиб келиб, хоқон билан пайдарпай кўришдилар. Искандар остонасига яқин келиши билан Чин хоқонни тезда отидан ерга тушди. Атрофида бир қанча эпчил-озодалар, озода дейиш етишмайди, шоҳ ва шаҳзодалар фармонбардорлигида, ҳали остонага қадам қўймасданоқ, Искандар ҳам ўзининг оқ уйдан чиқиб келди. Худди қуёш билан ой бир-бирига яқинлашгани сингари, икки томондан икки шоҳ қучоқ очишиб, бир-бировларига қараб жадал юришди ва ота билан ўғилдек икковлари бир-бирларини қучишди. Фалак иккита дунёнинг бу каби бир-бирига яқин келганини ошкора ҳам ва махфий ҳам кўрмаган бўлса керак. Агар бунинг бири улуг бўлса, иккинчиси ҳам азамат; буниси бир дунё бўлса, униси ҳам бир жаҳон эди. Бу икки бахтиёр шоҳ қучоқлашиб, кўришиб бўлгач, Искандар қайтиб, тахтига томон юрди. У бир қўли билан хоқон қўлини тутгани ҳолда, унга тахти салтанат йўлини кўрсатиб борар эди. Хоқон тортиниб, бир оз кейин қолмоқчи бўлган эди, осмон мартабали шоҳ уни қўлидан тортиб юқорига чиқарди, шундай қилиб, хоқонни тахтга чиқазгандан сўнг аввал уни ўтқазиб, кейин ўзи ўтирди. Нима ваъда этган бўлса, ҳаммасига вафо қилиш билан кифояланмай, худди хоқон орзу қилганидек, ҳар нафасда тавозе ва мулойимлик билан кўнгил сўрар ва савол-жавобга чорлар эди. Унинг ҳар бир сўзи мушфиқ ва меҳрибонларча бўлганидек, яна оталик, ўғиллик сўзларини ҳам ўртага солар эди. Сўзлашаётган пайтда хоқоннинг қўлини самимият билан сиқиб, аҳд-паймонни ўрнига қўйиб турди. Донишманд келиб дастурхон ёзди. Шоҳона дастурхон ноз-неъматлар билан безатилди. Ундаги нонларнинг ҳар бири қуёш гардишидек эди. Дастурхондаги турли-туман таомлар еган сари кишининг иштаҳасини очар эди. Шундай ажойиб овқатлар тортилдики, оламда буичалик лаззатли таомларни ҳеч ким тотган эмас. Шу

каби меҳмондорчиликдан сўнг фалак дабдабали мезбон айтдики:

— Энди, хоқонга рухсат беришимиз мумкин. Чин халқи бизнинг мулоқоту муносабатимиз қанчалик самимий ва дўстона эканлигини билсин.

Бу сўздан хоқон гоят шодланиб, шох ҳақиға дуо қила-қила, ўрнидан турди. Искандар уни Чинга қараб узатгач, ўзи яна гўзал қадаҳларда май ичишга тутинди.

Эй аёқчи — косагуд, менга чиний коса тўла май тут. Ўзим ҳам сўзинг чинини дейишга иштиёқмандман. Сен лиммо-лим қилиб узатгину, мен бир кўтаришда сипқорай-да, шунинг кайфи билан лаҳза-лаҳза ўзимни ҳам унутай.

Эй муганний! Келу туркона созлар чал, «Наво» мақомини, йўкса «Турки ҳижоз» куйини куйла. Навонийнинг ашъоридан ҳам бир неча байтни меннинг ҳозирги кайфиятимни ифодалайдиган оҳангга солиб айт.

Эй Навоний, фол қилиб, девонингни оч! Одамлар ўқисин учун оламга шеъринг таълу гавҳарларини соч! Буларни сочишда муганнийга ҳам таълим бер, зеро, у ҳам ўз ашулалари ичига шу дурру ёқутларни қўшиб куйласин.

## XLIX

*Тўғрилиқ дунё бўстонигаги сарвсифат озодаларнинг энг ёқимли расми одатидир ва сидқидиллик фалак шабистонининг тонг нафасидай мутоз табиатидир; савобли фикр бағишловчи асар андаккина ҳаракат билан бутун одамни ёритувчи оламро меҳрга (қуёшга) монанддир; ширинсуханлик фойдаси шуки, оз сўз билан олам аҳлига кўнглини натижа етказур*

Кимки чин гапирувчи бўлса, бу дунёнинг энг бадавлат кишиси шудир. Кимки қилган ваъдасига вафо айласа, тангри уни мурод-мақсадига етказур! Бировга берган сўзингни қарз бил, уни қатъий қонун сингарин фарз бил. У сенинг бўйинидаги оғир бир юкдир, у агар қилчалик бўлса ҳам, сен уни тоғдек ҳис қил. Агар биров ёлғончи бўлса, қуръондан далил келтирса ҳам унинг сўзига ишонмайдилар. Ёлғончи киши қанчалик аржуманд — ақлли одам бўлса ҳам унинг сўзига кўпчилик аҳамият бермайди.

Бурунги чоғда бир ёлғончи бор экан. Бир кечаси



узинг уйига эплаб бўлмайдиган зўр ўт тушибди. Шунда у ёрдам сўраб қанча дод-вой қилса ҳам, эшитгани ҳолда биронта одам фарёдига ишонабди. Узинг уйи тез орада куйиб кул бўлибди. Шундан сўнг унга бир доно киши шундай дебди:

«Кўмки ёлгонни кўп гапирадиган бўлса, узинг рост гапи ҳам халқ наздида ёлгон ҳисобланади. Агар уйишга ўт тушганда халқ ёрдамга келмаган бўлса, ўзингдан ўпкала!»

Эшитганимча, бир шоҳга устулик бир уй қуриш орзуси тушган. Шундан кейин узинг хизматчилари қидира-қидира бир тўғри ўсган бақувват дарахт топганлару, аммо узинг эгаси бир қари кампир бўлиб, ёғочи учун ўн баробар, балки юз ва балки минг баробар ҳақ берсалар ҳам кўнгли тўлмабди. Олди-сотди ишлари битавермагач, илҳоят, кампирнинг талабини қондириб, оғирликда барабар келадиган олтин берибдилар. Кейин уйни қуриб, ичини гавҳарлар билан безатганлар, устуини ҳам зарнигор қилганлар. Кунларнинг бирида шу иморатни томоша қилишга келган кампир ёғочини ўйиб:

«Сен тўғри бўлиб ўсганинг туфайли, ўзингни ҳам, мени ҳам олтинга кўмдинг!» — деган экан.

Тўғри ўсган чиройли бир дарахтки кишини шунчаллик бахтиёр қиладиган бўлса, тўғри сўз ва ҳалол бир одамнинг қилган ишини, узинг фазилатини таърифлаб битириш мумкин бўлармикан? Хусусан у бахтиёр бир шоҳ бўлса, жаҳондаги шоҳларнинг энг улуғи ҳисобланиши мумкин. Агар шоҳ тўғрини қўйиб, эгри йўлда юрадиган бўлса, худо кўрсатмасин, шоҳликдан воз кеча қолгани ҳам яхшироқдир. Бировга кимсанинг қўл остидаги ер мулк бўлса ва у шу мулк билан тахтга ўтирса, ундайларнинг таги бўш бўлади. Уларга «тўғри бўлсанг қутулсан» ибораси мос келади. Чунки қачон тўғри бўлмаган одамнинг таги мустаҳкам бақувват бўлганини кўргансан. Тўғрилиكنинг байроғи алиф (I) дир, лекин у ҳарф арабчада «алиф» ўқилса бири, «алф» ўқилса мингни билдиради. Модомки бир тўғри чизиқ мингга юрар экан, киши тўғрилигининг баҳоси бормикан? Жаҳонда киши ростгўй бўлсаю, қадди «дол» ҳарфи сизгари энг бўлса ҳам аммо узинг тўғрилиги ҳаммага аён дир. Биров ростгўйлик ва тўғриликдан узоқ бўлса, ундай одамнинг бўлганидан бўлмагани яхшироқдир. Масалан, бир одамнинг фикр йўналиши тўғри бўлса, душман кўплигидан қандай хавфи бўлени?

Бир яхши фикр, ёмон кунда минг жанговар душ-

манинг дар этилишига сабаб бўлиши; ҳаддан зиёда кўп душман биргина донолик билан айтилган фикрнинг овозасидан қочиб кетиши мумкин. Агар биров ақл билан, пухта ўйлаб тузоқ қўймаса, ҳавода учиб юрган қушни ром қилиб, ўз тузоғига илинтира оладими? Агар киши тўғри фикрлаш илмини билмаса, қачон ўз душманини дўстга айлантира олади? Ўйлаш билан мақсад юзага чиқади, сабр билан ғўра ҳалво бўлади.

Бир билимдон одамнинг айтишича, илонни авраб-сеҳрлаганда у ўзига-ўзи ўралиб, боғланиб қолиб, кишига зиён-заҳмат етказа олмас экан. Ақлли одамлар илон тушунадиган тил билан унга кўп хушомад айлаб, уни авраб, ўзларига ром қилсалар керак. Чунки бошдан-оёқ чучук сўз ва яхши муомала ҳар қандай асов жониворни ҳам кишига бўйсундиради-ку. Одам қанчалик кам ақл ва бефаросат бўлса ҳам илончалик ёмон эмас-ку. Сув қаърига шўнгувчи гаввос, ақлу тадбир орқали, наҳанг оғзидан порлоқ гавҳар олишни касб этди. У денгиз қаърида, нафас олмасдан, осонлик билан дурдона ва гавҳарларни ола билади. Ҳар кимки сўзлашга оғиз очганида, тингловчига сўз ўрнига гавҳар сочса, энг ёмон душмани ҳам унга дўст бўлиб, ҳамма мақсадлари юзага чиқиши ажабланарлимас. Модомики инсон — сўзлаш билан инсон экан, унинг қаршисида тилсиз ҳайвонларнинг нима аҳамияти бор? Ва ленин сўзнинг ҳам ўрни ва даражаси бўлади: унда усталиклар ҳам, нўноқликлар ҳам бўлиши мумкин. Сўз шундай нарсаки, у — тирикни ҳалокатга олиб боради, ўлик тапга эса жон бағишлайди. Агар бир кишига ақл билан ширинсўзлик ёр бўлса, бундай одам ҳар нарса ҳақида тўғри фикр юритишни ихтиёр қилади. Оқил киши сўзлашда ҳам нотик бўлса, унинг омма учун фойдали фикр юритишдан ҳам бошқача фазилати бўлиши мумкинми?

## L

*Кучли душмани қилич билан саранжом этишга ожиз бўлса ҳам ўткир ақл ва тил шамшири билан у мушкул можарони ҳал этган Ардашер ҳикояти*

Подшоҳлар гуруҳи орасида Ардашер ҳам доно-ю, ҳам қатъий продали бўлиб чиқди. Чунончи, у Ардашон билан ёвлашиб қолиб, икки орада уруш бўлиш хавфи турғилиб қолди. Ардашоннинг кучи кўнглиги, Ардашер тарафда эса ёвга бас келиш учун етарли куч ва қудрат йўқлиги маъ-

лум эди. Орқага қайтай деса гайрат ва орияти йўл қўймас; юришни бошлай деса ўз заифлигидан ҳайрат ва ташвишда эди. Бинобарин у бир тадбир ахтариб чуқур мулоҳаза юритар, бир йўл кўрсатувчи — раҳнамо истаб, жиғибийрон бўларди. «Ярашайлик», деб элчи юборган эди, душман бунинг кучсизлигини пайқаб, таклифни қабул қилмади.

Ардашер қўшини орасида бир сотқин одам бўлиб, унинг яширинча қиладиган иши душман томонга хат-хабар жўнатиб туриш эди. Бу тўғрида шоҳ ўз одамлари орқали печа марта огоҳлантирилган бўлишига қарамай, арқонини узун ташлаб қўйган эди. Душман бир қулик йўлга шиддат билан етиб келди. Ардашер бўлса ҳамон тадбиру чора излашдан бўшамас эди. Шу аснода миясига бир ажойиб фикр келиб, тезда давлат арконларини ўз ҳузурига чақиртирди. Уларнинг ҳаммасини хилват жойга олиб келиб, махфий гапларини баён қилди:

«Ҳеч ким тўсатдан қочишни ихтиёр этмасин, душман шавкатидан ваҳимага ҳам тушмасин. Ҳозиргина менга ҳақ таолодан иноят етишди, шунинг учун ҳам кўнгили сирларимни сизга очай, лекин зинҳор-базинҳор бошқаларга ошкор қилмагайсиз!» — деди.

Уларнинг ҳаммаси ҳеч кимга сирни ошкор қилмасликка аҳд боғлашгандан кейин у шоду хуррамлик билан мана бу дostonни бошлади:

«Душман томондаги бир қанча фалончи-пистончи паҳлавонлар (маълумки, урушнинг бориши шуларга боғлиқ) Ардавонга нисбатан қора ниятда эканлар. Менга эса, афтидан, ўзларини зулмкор қилиб кўрсатсалар ҳам, сидқидилликлари бор эмиш, юборган хатларига кўра эртага душман бизнинг водиймизга етиб келиб, ҳар икки тараф лашкарлари жанг қилиш учун сафга тизилган маҳалда, Ардавон қаерда турган бўлса, ҳалиги паҳлавонлар у ерга бориб қилган зулми эвазига унинг бошини менга келтириб беришармиш».

Ардашер бу гапни тугаллар экан, ўтирган одамларнинг юрагидан хавф-хатар кетиб, ўзларини бардам-бақувват сездилар.

Анжуман иштирокчилари орасида ҳалиги сотқин ҳам бор эди, махфий суҳбат мазмунини тезда Ардавонга ёзиб жўнатди. Зўр душман бу сўзни эшитгач, юрагига қаттиқ қўрқув тушиб, уруш бошлашни ҳам, яқинлари билан маслаҳат қилишни ҳам билмай, ўз ихтиёри билан ярашишга ризолик берди. Ярашишга ярашди-ю, ўз ёғига ўзи қоврила-қоврила қайтиб кетди.

Ардашер юқоридаги фойдали тадбирни ўйлаб топгани туфайли иқболи баланд келиб, зўр душмандан осойишталик билан қутулди ва мурод-мақсадига етди.

## LI

### ҲИКМАТ

*Искандарнинг Арастудан тўғри фикрлашнинг мавқеъи қанақа-ю, хатонинг киши учун нуқсонлигига сабаб нима, деб сўрагани ва ҳақимнинг жавоби*

Яна пок табиатли Искандар устоз Арастудан сўради.

«Эй, ўткир зеҳдли ҳақим! Ҳамма одам инсон ҳисобланади, буларнинг барчаси яратилишда гўё бир хил. Лекин таъғри бировга тўғри фикрлаш фазилатини ато қилган бўлса, бошқа бировни ҳар нарсада янглишадиган, ҳаётдан тўғри хулоса чиқазолмайдиган, нуқсонли қилиб яратган. Шунингдек, кимки тўғри фикрлаш қобилиятига эга экан, унинг ҳаётида бунинг ажойиб хосиятлари бўлади.

Лекин ҳар нарса ҳақида шак-шубҳасиз тўғри фикр юритадиган одамлар ҳам гоҳо хатога йўл қўядилар. Ана шундай пок рой — билимдонлар кўп бўлсаю хато қилмаса; хато бўлса ҳам майли-ку, лекин улар пок ройлар томонидан содир бўлмаса. Сиз бунга нима дейсиз?»

Донишманд ўйлаб туриб, бу саволга шундай жавоб берди:

«Эй барча шоҳларнинг яктоси! Халқ яратилишда бир хил бўлгани билан на билимда ва на кўриш-тунунишда бир хил эмас. Ҳақ таолонинг сифатлари беҳисобдир, одамларнинг ҳар бири эса шу сифатларнинг бир кўринишидир. Одамларнинг ҳар бирини алоҳида бир зот дейиш мумкин, зеро, икки сифат икки хилдир.

Модомики шундай экан, одамларнинг бири фаҳму фаросатли бўлгани ҳолда, иккинчиси ақлдан бебаҳра бўлиши ажабланарли эмас. Ҳатто ақлли одамнинг фикри тўғри ва ўткир бўлгани ҳолда, гоҳо сует бўлиши ҳам табиийдир. Чунки одам доим бир ҳолатда бўлмас, у гоҳ худ, гоҳ беҳуддир. Агар бир одамнинг барча фикри тўғри бўлса, демак, ақл унга доим раҳнамолик қилар экан.

— Аммо ақл қанча ўткир бўлса ҳам гайб — сир билиш илмидан беҳабар — кўрдир. Зеро, у эртанги кунда не бўлишини, киши бошига қандай кун тушувини билмайди. Яна айтаман: гайб илми ақлдан узоқ! Лекин

шунга қарамай, аҳмоқдан ақлли одам яхшироқдир. Шунингдек, бировнинг барча фикри тўғри бўладиган бўлса, ақлга ажиб бир ҳол юзланиши, яъни у одам ўзини билармон деб, гурурланиб кетиши мумкин. Бу каби гурурланиш инсон учун номуносибдир, зеро, таралиш — киши обрўсини тўкади.

Баркамол ақлга эга бўлмни кишилар ҳам тоҳа хато қилади — янглишади. Лекин бу билан уларнинг фазлу камолоти камаймайди, бунга худо гувоҳдир».

Шоҳ бу жавобдан қаноатлангани туфайли, яна бошқа савол бермади.

## III

*Хоқоннинг Исқандар учун зиёфат тайёргарлигини кўргани ва уни Чинга келишга илтимос қилгани ва у келгач, шоҳона базм тузиб, турли-туман совға-саломлар, нодир туҳфалар ҳадя этгани*

Бу ҳарир матога чин беагини берувчи чин суратгари ўз нақшларини шундай чизди:

Шундай қилиб, хоқон Чинга қараб йўл солди, урушадонат базм ва зиёфат билан алмашди. Хитой эли кўнглидан ранж-машаққат кетиб, унинг ўрнини ўйин-кулги, хурсандчилик қоплади. Хоқон шодлик билан шаҳарга кирар экан, ўша онда давлат саройига бориб, тез орада давлат бошлиқларини чақиртириб, уларга илтифот билан ўтиришга ижозат бериб деди:

«Бу фалак ҳашаматли шоҳ бутун оламни бошдан-оёқ фатҳ этган, жаҳон шоҳларини ўзига банди қилган, кўп забардастлар унинг қўлида итоатга маҳкум бўлиб қолганлар. Осмонга каманд солган забардастларни ҳам бу ўз каманди билан банди ва асир қилиб олган. Биз бу одамни шунча дабдабаси билан лутфан бизга меҳмон бўлади, уруш ва қон тўкиш ўрнига даргоҳимизга келиб, биз билан самимий улфатчилик қилади деб ўйламаган эдик. Имконият борича иззат-ҳурмат қилиб, менга ўз тахти устидан жой берар, оталиққа қабул айлаб ўзини менга ўғилдек шафиқ ва меҳрибон кўрсатар, деб умид қилмаган эдим. Ўзингиз биласизки, агар уруш бошлайдиган бўлса, қиргин кўпориб, халқнинг чагини кўкка чиқазар, ҳаммани гўзалларнинг зулфидек тўзғитиб, ҳалокатга учратар эди. Аксинча, у лутф-марҳамат кўрсатиб, шафқат йўлини шиор қилиб олди. Бу ерда жам бўлиб турган одамларнинг ҳаммасини унинг озод қилган қуллари деб

ҳисобласак арзийди. Мен унинг бунчалик лутф-эҳсонидан хижолатдаман, гарчи у мени «ота» деса ҳам мен унга бандаман. Унинг бу илтифотларига яраша хизмат қила билмасак, уят бўлур деб ўйлайман. Бу ишнинг чораси қандай бўлиши мумкинлигини мулоҳаза қилиб кўринг ва қанақа фикрга келганингизни менга тезда баён айланг.

Чин ва Хўтан шоҳи шу сўзларни айтгандан сўнг, аниқумандагилар унинг ҳақиқа дуо қилиб, дедилар:

«Шоҳ ниманки деган бўлсалар, бутун аскар ва саркардалар бунинг ҳаммасига бир оғиздан кўшиладилар. Ҳозир бу шоҳ бизга меҳмон бўлиб келаркан, жонимизни фидо қилсак ҳам унинг кўриб юрган иззат-икромларига нисбатан озлик қилади. Искандарга бериш учун мамлакатимиз ва халқимиздан нимани талаб этсанг ва фармон қилсанг, улар бу нарсаларни бермоқни ўзлари учун ганимат деб биладилар. Ва лекин истаганингча тайёргарлик кўришинг керак, зеро, нималар лозим ва муносиблигини сенинг ўзинг бизлардан яхшироқ билурсан. Сенинг олийҳимматинг нимани лойиқ кўрса, шуни қил, чунки бизнинг ҳимматимиз сеникидан анча пастдир. Қачонки кун билан ой қирон қилиб, бир-бирига рўбарў бўлса, арзимас доғлар уларнинг нурлари орасида кўзга плиннадими? Ахир икки жаҳон бир-бири билан ёндошса, бу икки жаҳон орасида чумоли кўзга кўринадими? Ҳоқон Искандарни кутиб олиш учун совға-саломлар тайёрлар экан, бу баъзи одамларга ёқмаса, аҳамияти йўқ. Хурмо дарахти жаннатдаги туби дарахтининг ўрнини босолмгани каби бизларнинг ақл-идрокимиз ҳам бундай ишларга аралашувга ожизлик қилади. Лекин биз шуни яхши биламизки, Искандар учун юзлаб хазина харажат қилганда ҳам сен мезбону, у меҳмон бўлгач, ҳеч ким уни кўн-оз демаслиги керак».

У одамлар бу гапларни арз этганларидан сўнг, дарё шукуҳли хоқон жуда хурсанд бўлиб, деди:

«Искандар шундай мардонавор муомала қилгач, халқ ҳам «омонлиқ моли» бериши фарздир. Унинг сипоҳ (лашкар)ларига бериладиган мойнанинг бир йиллигини тўлаш ҳам халқ учун вожибдур. Янаги йилга бериладиган хирожларни эса дафина қулфини очиб, мен ўз хазинамдан нақд бериб юбора қоларман. Агар сизларга шу фикрим маъқул бўлса, шахсан шоҳни қандай эъзозлашни менинг ўзим ўйлаб кўрурман!»

Хоқоннинг шу каби фикрларини эшитгач, мажлисда қатнашаётган амалдорларнинг ҳаммаси унинг талабини

Бир огиздан маъқулладилар. Кейин ҳаммалари бир-бир-  
тарига кўмаклашиб, ишни қаранжомлаш чорасига кири-  
шиб кетдилар. Бир печа кун ичида ҳамма парса муҳайё  
қилиниб, Чин маблағлари кону дарёдек ҳаммаёқни босиб  
кетди. Искандар учун хоқоннинг ўзи шундай совғалар  
тайёрладик, буни кўриб, бутун дунё одамлари ҳайрон  
қолдилар. Ҳумладан, тухфалар ичида мингта от бўлиб,  
буларнинг барчаси оҳу ва қулонга ўхшаш югурик, ҳатто  
оҳудан ҳам, қулондан ҳам ўзадиган чопқир отлар эди.  
У отлар чопганда ҳавога кўтарилган гардга ел ҳам етол-  
мас, шамолнинг тезлиги эса бу отлар олдида ҳеч эди.  
Улар югуришда булуту, сакрашда чақмоққа ўхшаган бў-  
либ, барчаси чақмоқ сингари олтин рангига беланган.  
Эгарлари ҳам олтин, жабдуқлари ҳам; тақалари ҳам ол-  
тин, узангилари ҳам. Ҳар бир отнинг устига Чин зар-  
бафтларидан ёпиқ ёпилган бўлиб, ундаги тақинчоқлар  
лаъл ва қимматбаҳо дурлардан эди. Яна ҳар бири тоғ-  
дек танага эга бўлган минг дона туя бўлиб, ҳар бири-  
нинг вужуди фалак филига монанд эди. Бу туялар жус-  
сада фалакка ўхшаса ҳам, ювош ва беозорликда ма-  
лакларга ўхшарди. Ҳаммаси юриш суръатида фалакка  
ўхшар, йўқ, фалакка эмас, малакка ўхшарди. Туялар-  
нинг асбоб-анжомлари ҳам Чин, Хитойнинг гўзал мато-  
ларидан бўлиб, уларга қимматли тош ва жавоҳир каби  
зеб-зийнатлар тақилган эди. Ҳаммасининг алоқалари (сал-  
лага ўхшатиб боғлаб, печи чеккага тушириб қўйилади)  
бошдан-оёқ ипакли бўлибгина қолмай, уларга дур, ёқут,  
феруза ва қимматбаҳо мунчоқлар қадалган эди. Яна минг-  
та тезқадам ҳачирки, юришда ҳар бири саркаш фалак-  
ни эслатарди. Буларнинг юриш ва чопишлари ҳам жойи-  
да бўлиб, эгару узангилари ҳам ҳалигилардан қолишмас-  
ди. Бошқа асбоб-анжомлари ҳам юқоридаги от, туяларники  
сингари кам-кўстсиз эди. Яна бир минг тўққиз юз хил  
уй жиҳозлари қандай тахланиб, тугилган бўлса, шундай  
ечилмай турарди. Бу тугувлар ранг-баранг кўрпиниши  
билан гўзал боғни эслатса ҳам, огирликда ҳар қайси  
бир тоққа ўхшар эди. Яна яшил тошлардан ясалмиш,  
анвойи безаклар билан зийнатланган мингта ҳар хил идиш-  
оёқ бўлиб, буларнинг ҳар бири латофатда бир-биридан гў-  
зал эди. Яна мингта чинни асбоб, айланаси сайр этув-  
чи қуёшга ўхшаш олтин рангли эди. Яна мингта қадди-  
қомати келинган, ҳаммасининг суибул сочларидан мушк  
атри гуркираб турган гул юзли канизаклар бор эди. Улар-  
нинг юзлари гул-гул очилган, киириклари тикансимон,  
қовоқлари кенгу, огизлари тор-тор эди. Улар поз-ишва

билан дилларни банд этардилар. Либосларига шундай зеб берилган эдики, чегараси йўқ.

Булардан ташқари иккита ажойиб тухфа ҳам бор эдиким, бундай таажуб тухфа дунёда кам бўларди. Бунинг бири ойна бўлиб, Ҳамшиднинг жомини эслатарди. У ёруғликда қуёш ойнасига ўхшар эди. У фалак қуёши сизгари бўлса ҳам, лекин халқ уни «Ойнаийи чин» (ҳақиқат ойнаси) дер эди. Бу ойнанинг иккала бети ҳам ой ва кундек ёруғ бўлиб, сира зангламас ва доимо биллаурдан ҳам тилиқ эди. Бунинг бир бети киши аксини кўрсатадиган даражада ёруғ бўлгани ҳолда, иккинчи бети оддий ойналарникидай қора эмас эди. Уни тилсим қилиб ясаган ҳақимлар, у ойнанинг икки бетига икки хил кўрсатиш қобилиятини берган эдилар. Масалан, унинг бир юзи шундай ясалганки, қачон шох адолат тахтига ўтириб, халқнинг арз-додига етмоқчи бўлса, кишилар бир-бири билан даъволашиб, булардан бири нариги томоннинг даъвосини инкор этса, даъвонинг қанчалик ҳақ эканини аниқлаш учун гувоҳ керак эмас, жавоб эгасининг ойнага бир қараш кифоя эди. Уша қарашда агар даъвоси рост бўлса — ойнада юзи кўринарди; ёлгон сўзлаган бўлса-чи — юзи кўринмасди.

Яна иккинчи юзининг тилсими шундан иборат эдики, агар шох базм пайтида май ичиб ўтирганда, мажлисдагилар шу ойнага боқиб, ўз башараларини тамошо қиладиган бўлсалар, меъери билан май ичувчиларнинг башаралари ўз ҳолича — бутун борлиги билан акс этарди. Агар бордию биров май ичиб, ақл-ҳушини қўлдан бериб, бадмастлик қиладиган даражага бориб қолса, ойнада бунинг юзи бузилиб — узун, қисқа, япалоқ, кичик ва ё катта бўлиб акс этарди. Шундан сўнг кўзгуга қаровчи шахс ўз юзини бу аҳволда кўргач, тезда май ичишни тўхтатиб, хушдил бўларди. Ва шундан сўнг бузуқ аҳволнинг тuzатишга, ўзини эл орасида шарманда бўлишдан сақланига ҳаракат қиларди.

Бу ойнадан кейинги иккинчи тухфа бир Чин гўзали бўлиб, уни гўзалликда жон офати, йўқ, жон офати эмас, жаҳон офати деса бўларди. У Хитой наслидан — шўх Чин авлодидан бўлиб, гўзалликда ҳур ва париларни ҳам оёқда қолдирарди. Унинг ҳуснига ҳур ҳам, пари ҳам банда бўлгани ҳолда, ҳар бири бир томонга қочар ва бунга яқинлаша олмас эди. Бу гўзалнинг зулфи бутун Хитой мамлакатига шов-шув солган, кўзи эса бутун Чин диёрини талон-тороғ этган эди. Икки ўрим мушкни сочи Чин юртига мушк ҳиди таратар эди. Қора қоши уч



кунлик ойга ўхшар, ой эса осмонда бунга хайрон ва махлиёга ўхшар эди. Фалак бунинг қошини қора ёйга ўхшатиб безатаётганида ундан бир нуқтаси юзига томган бўлиб, бунинг отини «хол» деб атаганлар. Юзида бўлмиш икки қийғоч кўзи эса эл қошини ичиш чун очкўзлик билан боқар эди. У кўзларини очлик заифлайтирганидан бўлса керак, доим хасталардек узала тушиб, сузилиб ётар эди. Унинг юзи қуёшдек доира шаклида бўлиб, оғиз эса бу доирада бир нуқтадек акс ётар эди. Паргор учи у нуқта атрофини шундай қилиб чизганки, у очилмагунча бу нуқтанинг нималиги билинмас эди. Юзидаги кулдиргичи ҳам ярим давра шаклида бўлиб, бундан бутун замон кишилари жабрланар эди. Бағбақа чуқурчаси у давранинг нуқтаси бўлиб, бу давранинг кўнгина бечоралари шу чуқурга асир бўлиб қолган эдилар. Қадди-қомати ишва-карашмада гўё сарвдек бураларди, йўқ, сарвдек эмас, хиромон-хиромон юрувчи қирғовулга ўхшарди. Бу қирғовул шундай ноз-истигино билан юрар эдики, у ўзининг бу юриши билан бутун лочин ва қарчиғайларни хушсиз қилиб тузоғига илинтирар эди. Бунинг бошидан-оёғигача ишва билан гўзаллигу, оёғидан бошигача ноз билан карашма эди. Ҳаммасидан ҳам қизиқ можаро шу эдики, у гўзал базм вақтида ҳам, жанг-жадал чоғида ҳам бирдек эпчил эди. Базм вақтида у ўз хошиши билан ошиқларни куйдирар, ошиқларнигина эмас, бутун дунёни ўртаптирарди. Ўз фиғони билан кишиларнинг хушини олар; қўшиқлари билан ақл тилини мол қилиб қўярди. Сознинг нозик торини чертиш билан почор юрган одамларнинг жон ипини узар эди. Барбат созини чалиб наво қилганида, бировни ўлдириб, бировни тирилтирарди. Мабодо уруш майдонига кирадиган бўлса-чи, майдонда бўлмиш кишиларнинг ҳаммасининг жонига бирдан қасд қиларди. У оти билан ҳар томонга жавлон урганида, одамлар унинг жавлонидан қўрқиб, жон берар эдилар. Агар душман осмон каби зўравон бўлса ҳам, жанг пайтида у осмон бўйнига ҳам каманд ташлар эди. Қилич солганда у тошларни ёрар, ёрилган тошлар орасига ўз ғилофига киргандай кириб, беркинар эди. Отган ўқи эса юз қабат қалпоқ ва тўнлардан ўтиб, жонга қадалар; қаттиқ харсангларни худди паррондек тешар эди. Агар найзаси порлаб тобланадиган бўлса фалак аждаҳосининг вужудига ларза тушар эди. Агар душман устига от солғудек бўлса елдек босиб бориб, хас-хашакдек тўзгитар эди. У шундай бир бало эдики, кўхна фалак бундай балонинг яна қачон ўтганини эслай олмас эди.

Хоқоннинг Искандарга ҳадя қилган тўққиз тухфаси мана шу юқорида шарҳланганлардан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ тайёр бўлгач, Чин шоҳи яна зиёфат тараддудига тушиб қолди. У шундай бир ажойиб шоҳона базм тайёрладикки, бу зиёфатнинг ҳашамига кишининг ақли етмас эди. Шундан сўнг, у бир қанча улук кишиларни йўлга чиқазиб, Искандарнинг ташриф буюришини илтимос қилди. Бу илтимосчилар шоҳ олдига бориб, ер ўнгач, хоқоннинг мунтазирлигини арз-баён этдилар. Дунё шоҳи бу сўзларни қабул айлаб, тезда отланиб, Чин шаҳрига қараб равона бўлди. Қуёш тожли хоқон ўз саройидан то бир ёғоч жойгача — Искандар йўлига Хитой ипакликларидан шундай бир пойандоз солдирган эдики, бу билан Чин саҳросининг усти қопланиб қолган эди. Ҳар ўн қадамда Искандар бошидан дур ва лаъларни нисор қилиб сочар эдилар. Шоҳнинг юрар йўлига шу қадар кўп мушк атри сочилган эдики, халқ кўзига тўтнё қилиб суриш учун тупроқ топилмас эди. Халқ шу мушк устидангина босиб ўтар, мушкдан гўё кўк юзини қора тўзон қонлагандек эди.

Тоғу тахтлар эгаси бўламиш шоҳ шундай ҳашамат билан Чин днёрига муборақ қадамини босди. Шоҳ шундай бир шаҳар кўрдикки, кекса дунё ҳам бу шаҳарнинг мисли йўқлигини айтиб, «Лам-якун» (тенги йўқ) оятини ўқир эди. Шаҳарнинг ҳовли ва боғлари жаннатга ўхшар, у шу қадар кенг эдики, на учи ва на қиргоғи кўринар эди. Унинг том-тошлари ҳам одатдан ташқари безатилган ва Чин ипакликлари билан зийнатланган. Умуман, шаҳарга шундай оро берилган эдики, бунақасини кўз ҳам кўрмаган, кишининг хаёлига келиши ҳам қийин эди.

Буларни кўргач, Искандарнинг шодлиги тобора ортиб, ўзига муносиб шоҳона пойандоз солинган жойгача борди. Хоқон саройига бориб етганда, у даргоҳнинг осмон сингари кўк рангда эканини кўрди. Остонасидан ўтиб, сарой боғига кираркан, унинг ҳар тарафи бир оламдек туюлди. У боғ таровати яшил осмон сингари бегубор, унда очилиб ётган ҳар бир гул юлдузини эслатар эди. У боғнинг тўрт тарафи баб-баравар чорраҳа бўлиб, ҳаммаёғи саккиз пахсалик девор билан ўралган эди. Боғдаги дарахтлар тўрт девордан, девор эмас, заркор осмондан ҳам ошиб кетган. Ҳаддан зиёда кўп, фойдали ва чиройли дарахтлар фалак айвонига ўз барглари билан палос ёзиб ташлаганлар. Бу дарахт шохларининг кўкдаги манзарасини кўрганда, «осмондаги юлдузлар шуларнинг меваси

экан», деб ўйлайсан. Дарахтларнинг тагида чамап-чамап бўлиб гул-чечаклар очилиб ётибди. Сарв дарахтлари ва сумап гуллари эса саросар саф тортиб турибдилар. Ўз қаддини эгиб ётган гунафшалар қалинликда пил рангли зулмат чодирини эслатардилар. Эҳтимол, осмон зеб-зийнатларга беланиб, ўз аксини Чин ойнасига солгандир. Ҳеч ким у ердаги райҳонларнинг ҳисобиغا етолмас керак, уларнинг димоғни чоғ қилувчи ҳидлари оламни тугтиб кетган. Наргиснинг гуллари уруглагандан бўлса керак, кўзларида оғриқ асорати борга ўхшаб кўринадилар: кўз оғриғи эмас, гўё қорга қарагану, кўзи қамашиб қолгандек эди. Лола билан кўк майсалар бамисоли нақшин гилам; оқ гуллар эса шу гилам устига тўкилган кумушни эслатар эди. У худди ранг-баранг шишалардек тобланар, уни кўрган одам кўк қасрининг дарчаси шуъла сочяпти, деб ўйларди. Бу гулшан ичида бир кенг жой бўлиб, бу жойнинг ўртасига бир баланд иморат қурилган. Ҳар куни кечаси шу иморат посбони билан Зухал сайёраси улфатчилик қилар ва сирлашар эди. Бу бинонинг зинапоёси фалак саройидан ҳам баланд бўлиб, айвонига булутнинг сояси тушмас эди. Унинг томига ёгининг нами ҳам тегмаган, айвопга чақмоқнинг шуъласи ҳам тушмаган. Унинг саҳнлари, равоқ ва шифтлари бошдан-оёқ олтин билан зийнатланган. Ерига ётқизилган чин гиштлари, гиштга ўхшаса ҳам аслида саккиз қиррали чиннилар эди. Рангдор, кошинкор тўшамалари чиннидан бўлиб, хусусан, унинг ўртаси ва четлари нақшлар билан безатилган. Унинг гиштлари чинни гиштлар бўлиб, тиниқликда худди Чин ойнасига ўхшар эди. Қасрнинг ичи бошдан-оёқ зарнигор қилинган, эшикларининг ҳаммаси гавҳар билан зийнатланган. Бир қанча ўткир наққошлар ўз қаламларини ишга солиб, кўп вақт Моний услубида санъаткорлик билан қалам тебратганлар. Нақшларнинг ҳаммаси пилмий ва қонун-қоида асосида чизилган бўлиб, деворининг тўрт тарафи ҳам сураат ва табиат манзаралари тасвири билан безатилган. Унинг ҳамма жойлари чин услубидаги тасвирлар билан нақшланган, булар Чиннинг эмас, юксак жаннатнинг тасвирига ўхшайди. Бу қаср ичида шоҳ учун осмон салобатли бир олиймақом тахт ясалган бўлиб, меҳмондўст хоқон шоҳни шу олиймақом тахт устига ўтқазди. Тахтлар олувчи Исқандар, хоқонни ҳам ёнига чорлаб, шу олий мақом тахтдан жой кўрсатди. Булар ота ва ўғил каби бир тахтда ўтириб, шодлик ва хурсандлик базмини қурдилар. Шоҳ у ерда ўтириши керак бўлган кишиларнинг ҳаммасига ўз жойларига

ўтиришни амр этди. Аввал тождор амир-султонлар, улардан сўнг вазир-вузурою лашкарбонилари ўтирдилар. Афлотун, Арасту ва Фарфёнуе каби ҳикмат аҳли файласуфлар шоҳ атрофига жойлашдилар. Қаср ичи жаннатдай бекаму кўст бўлиб тўлғач, у ерда тоза ва пок шароб ҳам муҳайё бўлди. Дастурхонга тортилган ноз-неъматлардан кишиларнинг таъби чоғ бўлиб, иштаҳаси очилиб кетди; кўнгил ҳам чиний қадаҳларда май ичишни тусаб қолди. Шу орада, тездан, латофатда беҳишт хурларининг рашкини кўзгайдиган бир Чин кўзали ўршидан туриб, аввал ўзи бир қадаҳ қип-қизил ёқутдай майни сиқорди-ю, кейин шоҳга жаннатдаги кавсар сувига ўхшаш покиза май тутди. Давронининг шоҳи, шоҳигина эмас, хоқон ҳам шу майларни ичиб, қадаҳларни бўшатдилар. Шодлик қадаҳи шу хилда уч-тўрт марта айлангач, кишиларнинг кўнгилчи очилиб, табиати равшан тортиб кетди. Бу кайф-сафолар дўстларнинг бошини қиздириб, ордан ҳаё пардаларини кўтармоқчи бўлар эди. Созанда ва хонадалар ҳар тарафда кўплашиб, санъаткорлик маҳоратини авжигача чиқаздилар. Ой юзли соқийлар ўз анбар зулф-қокилларида Чин мушкининг ҳидини сочиб, жилва қилар эдилар. Эс-ҳуши ўзида бўлганлар суҳбатлашиб ўтирар, маст бўлиб қолганлар хушеизларча ҳой-ҳўй қилар эдилар. Икки шоҳ эса бир-бирларига миннатдорчилик изҳор қилар ва дилнавозлик кўрсатар эдилар. Бу унинг пинжида ўтириб, суҳбатини тинглар; у бунинг оёғини ўнмоқчи бўлар эди. Бу Чин мулкини унга садқа қилмоқчи бўлса, бунга бутун Ер юзини тақдим этмоқчи бўларди. Икки шоҳнинг бир-бирларига қилаётган бу мулозаматлари расмий юзасидан эмас, йўқ, аксинча, булар бир-бирларини бажонудил эъзоз ва икром қилар эдилар. Кишилар май ичиш ва хитой меҳмоннавозлиги билан тузалган дастурхондан газак ва ноз-неъматлар тановул қилиш билан овора эди. Табақ-табақ овқатларнинг қандай тартиб билан қўйилишини осмон табақалари ҳар дам булардан ўрганарди. Кўк дастурхонларнинг усти, кўк осмондаги юлдузлар каби лимонлар, қанд-қурслар ва понлар билан тўлиб-тошган эди. Бу ерда шундай зиёфат бўлдики, бу базмнинг зеб-оройишидан баланд осмон ҳам баҳра олди. Одамларнинг иштаҳаси очилиб, табиати овқат истаганда газаклар ўртадан олиниб, ош-овқатлар тортилди. Ошгина эмас, дастурхон устини юз алвон таомлар ва ноз-неъматлар босиб кетди. У дастурхондаги овқатларни қандай таърифлаш мумкин, ҳайронман. Чунинчи, от қазисининг ўзида тўққиз минг дона эди. Пиширилган

қўйнинг ҳадди-ҳисоби йўқ, уни юз минг десам, яна кам айтган бўламан. Бошқа ҳар хил гўштлардан тайёрланган ош-овқатлар ҳам беҳисоб бўлиб, буларни кўриш учун фалак ўз бошини ерга эгишга мажбур бўлди. Шундай беҳад таом тортилдими, бундан хос-ом, тегишли-тегишсиз ҳамма бахраманд бўлди. Шундан сўнг, тездан Чин хоқони тахтдан тушди, буни кўриб, тахтда ўтирган Искандар ҳам ўрнидан турди. Чин шоҳи хурсандчилик ва тавозе билан туриб, совга-саломлар ҳақида сўз очди. Давлат кишиларидан бир қанчаси совгаларнинг рўйхатини шоҳнинг ҳузурига олиб келиб, тақдим этдилар. Шундан сўнг хоқон Искандарга эгилиб, қуллуқ қилди; ёш шоҳ ҳам хоқонга таъзим бажо келтирди. Бутун совга-саломларнинг ҳаммасини, юқорида изҳор қилганимиздек, тўққиз-тўққиз қилиб ўтказдилар. Бу хилдаги қимматли тухфаларни кўриб, Искандар хоқонга кўп миннатдорчилик билдирди ва офаринлар айтди. Ҳамма тортиқларни тўда-тўда қилиб, хил-хили билан кўздан ўтказилар экан, Искандарнинг диққатини юқоридаги икки нодир тухфа ўзига тортди. Унинг бири ҳалиги моҳрўй Хўтан қизи бўлса, иккинчиси ажойиб маҳваш ойна эди. Қуёш табиатли хоқон бир қўлида ойнани тутгани ва бир қўли билан «ой»ни етаклагани ҳолда келди. У шоҳ олдига кўзгуни ҳам, кўзгунига эмас, кўнгил тилаги бўлмиш меҳр дилжўни ҳам келтирган эди. Сўнг хоқон тахт устига чиқиб, Искандар ёнида ўтириб, кўзгуни ҳам, дилтортар гўзалнинг васфини ҳам баён қилиб берди. Шоҳ у кўзгуни кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлди ва анча фурсатгача уни қўлдан қўймай, кўздан кечирди. Уни аҳли ҳикмат — олимларга ҳам кўрсатиб, у бобда ўзининг бирмунча фикрларини ҳам билдирди. Искандар ўз қўлидан бу ойнани қўймас, анави ой юзли гўзални эса ёдига ҳам келтирмас эди. Гоҳо у кўзгунинг кишининг асл юзини кўрсатиш бобидаги мўъжизакорлиги ҳақида ўйлар ва гоҳо унинг қандай илм-ҳикмат билан тилсим қилингани ҳақида фикр юритар эди. Ниҳоят, қуёш кўзгуси ўз юзини бекитиб, кеч кирди; жаҳон яна қора зулмат билан қопланди. Илм-ҳикматга берилган шоҳ бу орада бир қадаҳ ҳам май ичмади, зеро, унинг май билан маст бўлиши дуруст эмас эди. Қуёш кўк осмон сари юргани каби, у отга мишиб, ўз қароргоҳи томон жўнади. Хоқон ҳам ўрнидан туриб, унга ҳам йўл кўрсатувчи ва ҳам уни оталарча ҳифз — ҳимоятида сақловчи ҳамроҳ бўлди. Шоҳни ўз қўшини доирасига етказгач, хоқон ер ўпиб ўз шаҳрига қайтди. Искандар ўз қароргоҳига бориб ўтиргач, бир қадаҳ май

ичди ва яқинлари билан бир қадар суҳбатлашди ҳам. У хоқон базм-саёҳатининг нечоғлиг ораста ва гўзаллигини ва унга қойил қолганлигини таърифлар эди.

Эй соқий! Май билан баробар, ҳалиги кўзгуни менинг рўнарамга келтириб қўй. Уни кўриб, табнатим равшан ва мушкдек муаттар бўлсин. Чунки димогимда Чин мулкининг савдоси бор; сен келтирган май эса, ўша савдони даволасин.

Эй муганнийлар! Сиз уд ва қўбузларни қўлга олиб, «Улуғ йир» навосини қуйлангиз, шу наво билан мени дунё ғамидан озод ва хушҳол қилингиз!

Эй Навоий, май ичиб, куй тингла! Бу кўк — фалак ўта бевафодир. Зеро у хоқонга жафодан бонқа нарса қилмагани каби, Искандарга ҳам вафо этмайдн.

### ЛИИ

*Зиёфат боғининг сарвдек озодалари хизмат камарини  
ғунчадек қаттиқ боғлаб, гулдек очиқ юз билан доим  
саховат дастурхонини ёзиб, меҳмони тоғ қумри ва тоғ  
булбул бўлсин, ҳар бирини ўз табиатига яраша меҳмон  
қилур, аммо исрофгарчиликка йўл қўймас*

Энг яхши одам шуки, инъом эҳсонни ўзига хунар қилиб олгай ва дунёнинг бор-йўғидан ташвишланмагай. Ўз замонига ўзини меҳмон деб билгани каби, замонининг барча кишиларини ҳам ўзига меҳмон деб англагай. Биров унга меҳмон бўлиб қолса, бу ҳам жон билан мезбонлик қилгай. Эшикдан меҳмон келса, паст ва бахил кишилардек ундай қочмагай, балки меҳмонсиз наҳор қилмагай. Пайгамбар Халилуллоҳдек саҳийлик билан дастурхон ёзиб, ойдек поиларни унинг олдига ўхшатиб қўйгай. Қилган таоми қанчалик лаззатли бўлса ҳам меҳмонсиз бўлса, у заҳардек туюлгай. Ва агар меҳмон келса, қаттиқ нон ҳам ўз кўзига худди қуёш кулчасидек иссиқ кўрингай. Меҳмон эшикдан келиши билан унга беқиёс илтифотлар кўрсатиб, очиқ юз ва яхши хулқ билан пешвоз чиқгай. Уни очилган гул баргларидек қулган юз билан қарши олгач, худди гул каби чиройли дастурхон ёзгай. Гулда қанчаки кулиб турган гул барги бўлса, бу дастурхонга ҳам шунча кўп нону поз-неъматлар қўйгай. Меҳмон дастурхонга қўл узатаркан, мезбон унга жон-дил билан миннатдорчилик изҳор этгай. Меҳмонни тўйдирмай туриб, ўзини тўйдиринишга уринмагай, меҳмон овқатдан қўл тортмай туриб, бу қўлни артма-

гай. Меҳмони хоҳ шоҳ ва хоҳ гадо бўлишига қарамай, унга мезбонлик расм-русумларини яхши адо этгай. Шоҳ олдига ёглиқ патир ушатиб, фақирга қаттиқ нон, ёвгон атала қўймагай. Одамларни бир-биридан фарқ қилишнинг зарари йўқ, ammo шоҳга асалу камбағалга тупроқ тортмаслик керак. Агар униси узуг йўлбошчию буниси итоткор — фуқаро бўлганда ҳам бари бир ҳар иккаласи худонинг бандасидир. Масалан, кўринишда орқаси букир, қўли қадок, елкаси ямоқ, назар-ноғирон одамлар, кўнича, кўнгил мулкининг шоҳию кишиларнинг диладаги ниҳоний сирларини фаҳм этадиган — огоҳ зотлар бўладилар. Забардаст фалак бунинг балавд ҳиммати олдида мағлуб, чарх — аълони эса паст кўради. Агар шоҳ ҳам бунинг олийҳиммат эгасилигини фаҳм этса, унинг оёғига бош уради. Худокн бу одамни азиз қилиб қўйган бўлса, уни биров таҳқирлай оладими? Энг яхшиси шуки, кимда-ким ҳақиқатдан хабардор бўлса, саховат уйини очиб, меҳмоннавозликни қўлдан бермагай. Одамнинг ҳамма ҳолати яширин ва пинҳонийдир, унинг ички сирини билншда ақл нодонлик қилур. Бинобарин, ҳар кимга дўстлик — меҳрибонлик пазари билан қараб, ҳаммани тенг кўрмоқ лозимдир. Ўз рухсорини кўрсатиш билан жаҳон устига нурларини аямай сочаётган қуёшдек саховаткор бўлмоқ лозим. Ахир қуёш заррин кошонани ҳам, вайронани ҳам ўз нури билан баб-баравар ёритади-ку. Лекин шамга ўхшаб, ёруғлиқ сочган ҳолда парвонани куйдирмаслик керак. Ана шу ярамас феъли туфайли шамнинг бошини ҳар дамда қайчи билан қирқиб турадилар. Саховатда мезбон булутдек бўлмоғи лозим, зеро, булутга ер ҳам, ер эгаси ҳам баробардир. Булут қачон ўз дурларини эҳсон тариқасида сочар экан, дунё шўразорини ҳам, гулистонини ҳам саховат ёмғири билан сероб этади, серобгина эмас, ўз дурри-нобига гарқ қилиб юборади. Сен кўча тупроқларини чапгитувчи, даладашларнинг хас-хашакларини тўзгитувчи ур-йиқит шамолга ўхшама. У ер юзини хору хасдан тозаласа ҳам, уларнинг ҳаммасини бир чуқурликка олиб бориб тикади. Мана шу ёмон феъли туфайли тақдир уни беқарор, саргашта ва дарбадар қилиб қўйган.

Агар сенда саховат қилиш истаги бўлса, у бир печа хил бўлади, билиб ол: бири шуки, биров сенга меҳмон бўлиб келганда унинг олдига ҳар нарсани тўкиб солиб, исроф қилиш иштиёқи тугилмасин. Ёки меҳмон кутиш иштиёқи иззат-обрў орттириш, шуҳрат қозониш ва ёхуд яхши кўриниш учун ҳам бўлмасин. Биров-

ларнинг олдига дастурхон ёзганинда, бир киши учун ўпта қўй сўйиб, кетма-кет қўй гўштини пишириб келтиривериб, у бечоранинг кўнглига теккунча тиқиштиришинг, уни жондан тўйгизиб, ҳолдан кетказишинг дуруст эмас. Сен унга овқатни едириш учун бир қанча сўзларни айтиб, қистаб, «ейсан!» деб кўзингни олмай, уни кўз билан еб юборгудек ўтиришинг ҳам яхши эмас. Меҳмон олдига қандай овқат келтирган бўлишингга қарамай, унинг лаззатини таърифлаб, таъминини мақтаб ўтирма. Меҳмон ҳамма овқатни есин, тўйсин, дейиш одамгарчиликдан бўлса ҳам, лекин мажбуран едириб, кишини жабрлаш инсофдан эмас. Сенинг уйинг шайх Луқмоннинг мозори эмас, сени ҳеч ким бу жойнинг шайхи демайди. Худо молини исроф қилиш, бу қанақа гап? Жинниларга ўхшаб озиқ-овқат тўкиб-сочиш ноикўрлик эмасми? Худо «енг-ичинг» дегани билан, «исроф қилманг» ҳам деган-ку, ахир. Бу меҳмон сенга нима гуноҳ қилганки, сен уни ўлдирмоқчи, ёлвориб унга захар едирмоқчи бўласан? Модомики, киши бир луқма овқатни сиғдиришнинг иложини қила олмас экан, уни ейишга мажбур этиш — бу, овқатни захарга айлантиришигина эмас, балки худди захарнинг ўзидир. Бу хилдаги зиёфат жуда ёмон бўлиб, ақлли одамлар наздида ниҳоятда жирканч ва нафратомуздир.

Яна бири шуки, қачон меҳмон келадиган бўлса, унга овқатингни бермай, аясанг; сеникига келган одамнинг очликдан ичи ачиб иштаҳаси кўзгалиб турса-ю, лекин сенинг бахиллигингнинг итиҳоси бўлмаса, бечорани овқатдан маҳрум қилсанг, бу энди юқоридаги исрофгарчиликдан ҳам баттар ёмондир.

Энг яхши одат шу бўлиши керакки, яхшими-ёмонми, бир одам сенинг дастурхонингга меҳмон бўлган экан, бошлаб, уни хушмуомалалик билан хурсанд қил, сўнгра исрофгарчилик ҳам қилма, хасислик ҳам. Унинг кўнгли нимани тусаса, сенинг уйингда нима муяссар бўлса, очиқ чехра билан унинг олдига торт. Лекин ундан бу овқатнинг муздини сўрама, ўрнига ўрин бир нарса талаб этма. Ишингга «Аҳрамуз-зайфа», яъни «меҳмонни сийланг» деган сўз нур сенсин. «Хайрул умур», яъни «ҳар бир ишда ўртаминанлик» расмини тут. Зиёфатни шу тартибда уюштирсанг, сенга мезбонликда таҳсини ўқиса арзийди. Албатта, бу хилдаги олижаноб мезбон кам бўлади. Агар кимки шундай фазилатга эга бўлса, у олам доносидир.



*Баҳром гўр ҳикояти. Уч олачиқ элига (капада. яшовчиларга) меҳмон бўлди. Алардин бири ҳаддин зиёда тақаллуф, иккинчиси ўта суғлак ва бепарволик кўрсүзүб, таъна ва жазога гирифтор бўлди. ва учинчиси эса, Баҳромнинг адолати тариқидан Қорун даражасига етди*

Нақл қилишларича, шоҳ Баҳромни гўр бир кун отга миниб, овга чиқди. У ов пайтида бир қулоннинг орқасидан қувиб, ўз аскарларидан узоқлашди ва ўз кишиларидан адашди. Сахро кезувчи шоҳ бағоят кўп олиб-югургандан сўнг, ёлғиз ўзи, икки-уч қапа тикилган бир жойга бориб етди. Дашт кезган шоҳ ҳаддан ташқари оч ва емакка муҳтож эди. У хонадонлар олдида бир дарахт бўлиб, саодатли шоҳ шу дарахтнинг соясига тўхтади. Отдан тушган замониёқ у ердаги одамларга мурожаат қилиб айтдики: «Мен бу дам сизларга меҳмонман. Нимаки тайёр овқатингиз бўлса, ўша билан мени меҳмон қилинг, зеро, оч одамнинг қаноатланиши учун нима бўлса, шу kifоядир».

У уч уйликдан биттаси Қорундай бадавлат бўлса ҳам, аммо назари паст одам эди. У шоҳнинг айтганларига аҳамият бермади. Иккинчиси эса исрофқуанда эди: у қўйлар сўйдириб, катта қозонлар осдириб, зўр бир зиёфатнинг тайёргарлигини кўра бошлади. Очлик меҳмоннинг димоғини кўйдириб, ичини ачитиб турган пайтда унинг эртага пишадиган ошидан нима фойда эди? Ва лекин учинчи хонадоннинг эгаси ақлли одам эди. Зотан, ақлдан мадад олувчи одамлар хушбахтдирлар. У бахтиёр одам шоҳни ўз уйига олиб кириб, ўша ондаёқ унинг олдига уйда тайёр турган нон билан қатиқни қўйди. Моҳазарни (тайёр овқатни) егач, шоҳдан очлик ранжи машаққати кетиб, жони ҳузур тонди. Бинобарин, шоҳ мана шу моҳазар билан меҳмон қилган меҳмондўстга беҳадди-ҳисоб мол-дунё ҳадя этгани ҳолда, ҳалиги паст одамга жуда қаттиқ таъзир берди. Исрофгарни эса анча уялтириб, танбеҳлади ва унинг ҳам сарф-харажатини тўлади. Буларнинг феълдаги турфа ҳолатларни кўриш билан бирга шоҳнинг уларга нисбатан қилган адолатли муносабатини ҳам тамошо қилинг.

Меҳмон деган мана шу Баҳромни гўрдеку, мезбон эса мана шу моҳазар тортган донодек бўлмоғи лозимдир.

## ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудан, зиёфат дастурхонини қандай ёзиш яхшироқдир ва бировнинг кўнглини олиш учун меҳмондорчиликни қандай ташкил қилмоқ таҳсинга лойиқдир, деб сўрагани. Дононинг шу ҳақда фикр юритгани ва ҳикмат ноз-неъматларидан Искандарга фойда етказгани*

Яна дунёнинг фармон берувчиси сўради:

«Эй билимдон кишиларнинг устози! Зиёфат ва меҳмон кутишнинг маъқул йўли қайси? Шу ҳақда бизга маслаҳат бергил. У ҳикмат — билимдонлик қоидаларига муносиб бўлсин, яъни шундай тартибни ўргатгинки, у меъоридан оз ҳам, кўп ҳам бўлмасин. Зеро, бу масалада барча миллат аҳллари ҳар хил йўл тутиб келмоқдалар. Ҳозир кўпчилик «Меҳмонни қўлдан келганча иззат-иқром қилган одам — бахтиёр», деган фикрдадир».

Доно ва билимдон устоз аввал Искандар ҳақиқага яхши тилаклар тилагач, дуодан сўнг тубандаги жавобни берди:

«Меҳмоннинг ейиши учун зарур бўлмиш ҳамма нарсани: ош-пону асалу ҳалвою барчасини тартиб ва меъёри билан дастурхонга тортмоқ зарур. Лекин дастурхон ҳаддан зиёда ошириб-тошириб юборилмагани каби, камкўсти ҳам бўлмагани маъқул».

Шоҳ айтдики: «Бу гапларнинг яхши, бажариш қийин эмас, шоҳларнинг шаън-шукуҳига унча муносиб ҳам эмас-ку?»

Улуғ ҳаким ўйлаб туриб, яна тубандагиларни айтди:

«Эй ҳикмат ва билимни ўзига одат қилиб олган шоҳ! Худо сендай жанобнинг мартабасини жуда баланд қилган, бутун халқ сенга мутеъ, қўлингга қарамдир. Шоҳ — халқнинг ризқ-рўзига кафилдир, бинобарин, барчасини барабар кўрмай, уларнинг бирига ортиқ, бирига кам бермоқ ёмондир. Аммо бир оз зиён қилса ҳам, обрўси тушмаслигини ҳисобга олиб, халқ ризқ-рўзи учун нима ажратилган бўлса, камайтирмай, оширмай ҳаммага шуни бермоқ зарурдир. Шунда унинг хазинаси камайиб қолмагани каби, исроф ҳам бўлмайди.

Агар шоҳ баъзиларга ортиқча маблағ бериш билан ўзини улуғ кўрсатмоқчи бўлса, унинг бу хаёли тўғри эмас. У, бир-икки минг дирҳам (танга) ортиқча харажат қилиб, айрим шахслар ўртасида ўз обрўйинини ошираман,

хурмат қозонаман, деб ўйласа, аксинча, ўз обрўсини тўқадди, ўз мартабасига ўзи никаст етказадди.

Шоҳ учун халқнинг настки табақаси аҳволдан хабардор бўлиб туришдан аъло даража йўқ. Агар шоҳ ниғом-эҳсон қилишни истар экан, настки табақага қанча берса, шунча оздир. Аммо кимгаки ақл ёр бўлса, у исрофга, нобудгарчиликка асло йўл қўймайди».

Донишманд шу фикрларни билдиргач, жаҳоний салобатга эга бўлмиш шоҳ ҳаммасини қабул айлади.

## LVI

*Искандарнинг ҳукамо иттифоқи билан олам ва фалакиётнинг сирин-асрорини текшириш, очиб ва аниқ билиш ниятида хуршиддек порлоқ сутурлобни ва қуёшсифат ойнани ихтиро қилгани ва бу икки офтобмисол туҳфани тайёрлаб, хотиржам бўлгач, яна иккита меҳржамолу ой юзлининг висолига рағбат этгани ва бу бобда созу созанда яроғини ва шодлик тумтароғини муҳайё қилиб, баланд осмондек айвонни Равшанак юзидин нурлантириб, Нозмеҳр шуъласидан ёритгани*

Чин тасвирларини кўздан кечирган одам ўтмиш воқеаларни шундай нақл этади:

Хоқон искандарпараст бўлиб, мамлакат унинг итоатига киргач, Искандар бирмунча вақт Чинда истиқомат қилишга қасд этди. Қиш мавсуми ҳам авжига миниб қолган, бир томонга юриш қилмоқ ҳам ноқулай эди. Бир жиҳатдан, хоқон унинг қолишини истар, истаргина эмас, жон-дилдан илтижо қилар эди: «Шоҳ бу қиш Чинда қолсалар, ноз-неъматлар ичида яшасалар, май ичиб ором олсалар ва ҳузур қилсалар!» Искандар хоқоннинг сўзларини қабул айлади. Бу гап донишмандларга ҳам маъқул тушгач, Чин кишварияда қишлагга қарор қилиди. Қуёш билан моҳитобон — ой сингари, Искандар гоҳо хоқон билан улфатчилик қилар эди. Гоҳо овчиликни ихтиёр қилиб, Чин кийикларини овлар эди Гоҳи соз ва май базмларини ташкил қилиб, майхўрлигу ўйин-кулги билан кул кечирар эди. Ва гоҳи ҳикмат аҳллари билан, фақ устозларидек, илм-ҳикмат бобида фикр юргизар эди. Хусусан, хоқон тарафидан тортиқ қилинган ойна унинг жонига ҳузур-ҳаловат бағишлар эди. Қачон у тахтга ўтирадиган, адолатталаб одамлар унга арз-дод этадиган бўлса, у кўзгуни даъвогару жавобгарга рўбарў қилиб, ойнаин ҳақиқатнинг тўғри ҳукмини чиқазар эди. Ойнанинг бу

ҳикматидаи шоҳи ҳайрат босар, бинобарин, ўзининг ёпидаги олим ва ҳақимлар билан шоҳона базм қилиб турган пайтларида ҳам, шу ойнани ўртага қўйиб ўтирар эди. Хусусан, Исқандар ойнанинг бадмаст кишиларни шармисор қиладиган донолик қудратига қойил эди. Шоҳ у кўзгуга шундай мафтуи бўлган эдики, бу бобдаги ҳайратининг ҳеч қандай чегараси йўқ эди. У кўзгунинг ҳикматига ажабланиб, бу ҳақда кўп фикр юритгач, таажжуби юзасидан тубандаги хулосага келди:

«Бу тилсим ажойиб бир ихтиро бўлиб, бунинг сирри-ҳикмати ни фақат буни ясаган фан аҳлларигина билса керак. Мени ҳам арши-аълонинг шоҳи илм-ҳикматдан баҳраманд қилган-ку ахир. Хизматимда печа юзлаб сўзи пок, фикри салим доно олимлар бўлиб, уларнинг ҳар бири илм-фан соҳасида бир олам, то фалакнинг махфий шакллари гача биладиган бўлсалару, нима учун, мени юз хил фикр ва андишага олиб бораётган, гуноҳсиз одамнинг асл юзини кўрсатадиган бу ойнага ўхшаш фан мўъжизасини аҳли ҳикматларим билан кашф этиш учун ҳикмат камарини белимга богламайман? Нима учун чуқур илмий тадқиқот ва мулоҳаза юритиш билан бундан ҳам ортиқроқ тилсим яратолмайман?» — деди. Шундан сўнг билим аҳллари ни ҳеч ким йўқ бир жойга тўплаб, улар билан шу бобда кўп мулоҳазаларни ўртага ташлаб, кўнглида борини гапирди. У олимларнинг ҳаммалари бир оғиздан дуо қилиб бундай дедилар:

«Эй фалак шукуҳли шоҳ! Сен агар шу хилдаги тилсим ихтиро қилишни буюрсанг, бу ҳақдаги амрингни бажариш бурчимиздир. Биз ҳамма олимлар бирлашиб, иттифоқ бўлиб, ундан ҳам аълороқ бир мўъжизани кашф этишимиз мумкин».

Шундан сўнг ҳалиги ҳикмат аҳллари икки гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ бир ишга киришиб кетдилар. Улардан Афлотун билан Суқрот бир тарафга бош бўлсалар, иккинчи тарафга Арасту билан Букрот раҳбарлик қила бошладилар. Аввалги тўдага Ҳурмус билан Балинос ҳам, бунисига Аршимидус ҳам қўшилди. Бу ёнда ҳам икки юз, у ёнда ҳам икки юз олим тўпланишиб, кеча-кундуз шу ҳақда бош қотирар эдилар. Номдор шоҳ ҳар доим илм-фан соҳасида мана шу олимлардан фойдаланиб турар эди. Иккала гуруҳдаги олимлар ҳам ер ва кўкнинг табиатини риёзат чекиб ўрганган ва уни яхши биладиган кишилар эдилар. Буларнинг бири ер олами устида иш олиб борса, иккинчи тўда осмон ҳақида фикр юритишга киришди. Юлдузлар ҳолатини ва ерда мавжуд бўлмиш жонли ва

жонсиз табиатни текшириб, юлдузларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаб, илм-ҳикмат соҳасидаги маҳоратларини намойиш қилишга тутиндилар. Улар маъдан аралашмаларидан тилсим қилиб, думалоқ шаклга эга бўлган икки қурол ясадилар. Унинг бири қўргошин ва мисдан, иккинчиси эса, ярқироқ пўлатдан бунёд этилди. Қўргошини мис билан иш қўраётган олимлар қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган сутурлоб асбобини яратдилар. Пўлат устида ишлаётган олимлар эса худди кўзгуга ўхшаган бир нарсани ихтиро қилдилар.

Бу иш жараёнида Искандар икки тарафга мадад берар, гоҳ уларнинг қилган ишларини ёқтириб, қабул этар ва гоҳ рад этар эди. Уларнинг илмий-ижодий фаолиятидан Искандар истифода қилгани каби, улар ҳам Искандарнинг назорат ва аралашувидан фойда топар эдилар. Шу кишда ҳар бири жаҳон бўлмиш мана шу олимлар, иккита ажойиб тилсим — жисм ихтиро қилиб, фойдаланиш учун жаҳон элига ҳадя этдилар. Сутурлоб — осмонда қандай шаклдаги жисм бўлса, ҳаммасини кўрсатар, кўзгу эса бошдан-оёқ бир тилсим бўлиб, ер кўрасида нимаики мавжуд бўлса, бу ойнага қараган одам шунинг ҳаммасини кўрар эди. Фалакнинг узунлиги ва кенглиги бирига яширинган бўлса, иккинчисида жаҳоннинг ҳамма ерлари намён эди. Униси осмон сирлари яширилган сутурлоб бўлса, бу бири жаҳоннамо ойна эди.

Қуёш ойинаси шараф буржигга кўтарилиб, ҳарорати ошгач, орадан қиш қайғуси ҳам кўтарилди. Бу пайтда қуёшнинг жуссаси олтиндек ловиллаб, худди Искандар кашф этган сутурлоб тусини олган эди. Қуёш шараф буржидан чиққани каби Искандар ҳам ўз тахтига чиқибди. Шоҳ ёнида Чин хоқони, икки томонида эса қанчадан-қанча хон ва султонлар ўтирар эдилар. Юқоридаги кашфиётларни муборакбод этиш ниятида қароргоҳ ичида нознеъматлар тўла бир зиёфат ташкил қилинди. Шу зиёфатга ҳалиги икки тўда олимлар кириб, ҳаммалари тахтга яқин бориб турдилар. Уларнинг ҳар бири илм бобида абадий бир бахт кабию, ҳар кимдан мустасно ва тенгсиз эдилар. Искандар уларнинг ҳаммасига эҳтиром кўрсатиб, ўз тахти яқинидаги хос жойга ўтқазди. Базмда ўтирган бутун халойиқ у олимлар билан фахрланар эдилар. Улар худди ерга қараган осмон каби бошларини қуйи солиб, сукут сақлаб ўтирардилар. Шу хилда виқор билан бир дам ўтирганларидан сўнг сутурлоб билан ойинани олиб келишди. Улар аввал бу икки асбобнинг шакл-шамойилини халққа кўрсатгач, сўнг ҳар бирининг ҳикматиини бирма-

бир баён қилдилар. Биридан фалакнинг сирри асрори аён бўлса, бирида ер юзининг табиат ва хусусияти акс этар эди. Бирига тўққиз қават осмон жойлаштирилган бўлса, иккинчисига етти иқлим синдирилган эди. Хоқон бу икки кашфиётдаги икки хусусиятни кўргач, ҳайрат ва таажжубдан гунгу лол бўлиб қолди. Ниҳоят, у бу илмий-пажодий ташаббус учун шоҳга ҳамду санолар изҳор қилиб, тубандагича сўз айтди:

«Кекса чарх сен каби шоҳни кўрган эмас. Сененз на тож ва на тахт даркор. Мулозимларинг ҳам ўзинга жуда дойиқ, билим бобида барчаси сенга мувофиқ экан. Зотинг аҳли оламга ўхшамайди, бу оламдан номинг абадий ўчмасин!»

Юқоридаги кашфиётларни юзага чиқаришда ранж-машаққат чеккан ҳикмат аҳллари марҳаматли шоҳдан жуда кўп мол-дунё мукофот олдилар. Гўё у маблағлар камлик қилгандек, шоҳ тарафидан бутун Юнон ер-сувини уларга суюрғол тариқасида фойдаланиш учун ҳадя этилди. Чин хоқонни ҳам уларга кўп инъомлар, қимматбаҳо дурри-гавҳарлар тортиқ қилди. У камолот аҳлларининг ҳар бири худди туш пайтидаги қуёш сингари шараф ва бойликка тўлдилар.

Шу икки илмий иш юзага чиққач, шоҳ бениҳоя хурсанд бўлиб, айш-ишратга берилди. Бахт машшотаси ўйнаб-кулиб, ҳалиги соф ва порлоқ кўзгу қаршисида иқболи баланд гул руҳли қизнинг юзига ҳол ва чаккасига гажаклар ясаб, қавс сингари қошларига ўсма қўйиб, сочларини тараб, кокилларини жингалак қилиб, худди жаннат ҳурларидек ораста, афсонавий Эрам боғидаги сарв ниҳолидек гўзал бир ҳолга келтирди. Муродига етган шоҳ учун эндиги иш у гўзал билан ақд — никоҳ қилиб, жаҳон хазинасини у нозанин келинчакнинг маҳрига солишдан иборат эди. Унинг никоҳи келиннинг бахт юлдузи бўлмиш Муштарий бахт соатини инъикос этиб, фалак чархини бахтиёр қилган фурсатда ўқилгай. Шоҳ сўтурлобни қўлига олиб, шу асбоб ёрдами билан фалакнинг вазияти қанақа-ю, шуълаларига қараганда, қуёш юришидаги юксак даража қаерда эканини аниқлагач, бахтиёрлик билан майга майл қилиб, шодлик келинчагини ўзига никоҳлаб олгай. Жаҳон шоҳи Доро ўлими олдидан ўз қизи, яъни бу дунёнинг қуёши бўлмиш гўзал Равшанакни жуфти ҳалол қилиб олишни Исқандарга васият қилган эди. Жаҳонгирлик йўлига кириб келган шоҳ Исқандар эса ою йиллаб у ойнинг васлига вақт тополмас эди. Шунингдек, Маллунинг қизи Нозмеҳр билан ҳам (фалак ҳам бундай нозли қуёшни

кўрмаган бўлса керак!) шох мақсад ҳосил қилмаган бўлиб, бу ҳақда ҳам доимо кўнгли оромсиз эди. Бинобарин, шох бир катта тўй бошлаб, халойиқни ноз-неъматларга гарқ қилиш ниятида эди. Унинг ётоқхонаси Равшанақ билан ёруғлашиб, барча олам ўзининг гулистонига айлланишини истар эди. Нозмехр ҳам шох жонига роҳат бағишлаб, руҳи унинг мулоқотидан баҳра олишини орзу қилар эди.

Шох ўз дилида шу мақсадларни пишириб олгач, бир гуруҳ донишмандларни ҳузурига чақиртирди ва уларга муддаоларини изҳор қиларкан, у доноларнинг ҳаммаси бир огиздан бу ишга бош-қош бўлажакларини билдирдилар. Ҳар бир кимсанинг тожу тахти бўлса, у ўзидан кейин ўрнига валиаҳд қолдириш тадбирини ҳам кўрмоғи лозим. Масалан, қуёш мағрибга ботиш олдидан ўз ўрнига ойни қойим-мақом қилади. Моҳитобон гарчи қуёшчалик нур таратмаса ҳам, бари бир унинг ёруғлиги ўрнида ўринбосар бўлиб қолади. Агар бир дарахт боғдан кўчирилса-ю, ўрнида бир ёш ниҳол қолса, оқибат-натижада у боғнинг зийнати бўлиб қолади; ҳам меваси, ҳам сояси билан кишиларга нафъ етказди. Донишмандлар ҳам фикрига қўшилганларидан сўнг, шох: «Тайёрлик кўрилаверсин!» — деди. Шундан сўнг давлат бошлиқлари шохнинг мақсади асосида ишни саранжомига етказиш тараддудига бел боғладилар. Улар бир неча кун ичида ҳамма нарсани муҳайё қилиб, Чин кишварини жаннатга ўхшатиб юбордилар. Уни шундай безадиларки, тубан осмон, агар буни ҳисоблайдиган бўлса, минг йилда ҳам юздан бирини кўздан кечиролмас, мингдан бирини шарҳ ва изоҳ этолмас эди. Нимаики лозим бўлса, тўй асбобларидан тортиб ҳаммаси муҳайё қилинган, тезда тўйни бошлаб, айш-пшрат, ўйин-кулгини авжига чиқазиб юбордилар.

Баҳор пайти, гул келинчаклари яшнаб-безанган фурсат бўлиб, бу мавсумда келин сингари булбулнинг иштиёқи янада жўш урган эди. Шундай гул ва майсалар айёмида, шаҳар ва қишлоқларнинг ҳаммаси гулшанга айланган пайтда тўй бўлди.

Эй косагул! Майини қадаҳга лиммо-лим қилиб қуйгил! Зеро, тўй — ўйин-кулги байрамга айланди. Хусусан, навроз фаслида бўлаётган тўй оламга рўшнолик бағишлаб юборди.

Муганний, тузиб чинга вазнида чанг,  
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг,

Десаанг сенки: «Жон қардошим, ёр-ёр!»  
Мен айтайки: «Мунглуғ бошим, ёр-ёр!»

Эй Навоний! Турган манзилнинг Чинда бўлгач, тўй тугагунча «Чинга» (ёр-ёр) вазида куйлайвер. Сенинг яллаларинг «ёр-ёр» бўлгуси-ю, менинг йиғиларим зор-зор бўлгуси!

## LVII

*Йигитлик баҳорининг хушлиги ва баҳор йигитлигининг дилкашлиги ҳақида, гулдек барг ёзиш ва булбулдек наво тузиш, юз баргу мунг наво билан фиғон чекиш ҳақида; гулистон гўдаклари (ниҳоллари) булут соясидаи сут ўрнига жон шираси эмгани ва сув ўрнига оби ҳаёт ичгани ҳақида*

Жаҳон боғи кўп дилкашдир, аммо у йигитлик баҳори билан яна ёқимлироқдир. Кишининг умри кеча-кундуз демай ўтса ҳам, йигитликда баҳор фасли ўйин-кулги айёмидир. Хут кириши, сабзаларга жон битиши билан доим тирик ва абадий ўлмас яратгувчи, офтобни ҳамал сабзасори (буржи) томон йўллаб, табиат неъматларини қуёни ҳарорати билан нарварини қилиш тараддудига тушади. Худди Мусо пайгамбар дам урганидек, субҳидамнинг руҳпарвар насми эсиб, суви қочиб қолган дарахтларга жон бағишлайди. Бу тонг шаббодаси боғ ичидаги ўликларни тиргизиш билан Исо нафасига ўхшаган ҳаёт-бахшлигини исботлайди. Филдек тўхтовсиз юрадиган баҳор булутлари худди фил сингари ҳар томонни қоплаб олади. Рутубат остида қолган шу филлар тўдаси (баҳор булуту) гўё Нил дарёсига гарқ бўлмиш филларни эслатади. Агар шундай бўлмаса, айт-чи, бу нимади? Ахир ҳар томонга уларнинг баданидан қатра-қатра шабнам томиб туради-ку. Буларни қатра эмас, ёмғир селлари дегин; фил эмас, баҳор булутлари дегин. Баҳор булутлари дур томчиларини сочиши билан чаманзорлар обитобига келиб, яшнаб кетадилар. Сабзаларнинг ништаларини ери ёриб чиқадилар, қизил лолалар худди қон каби ҳаммаёқни бўяйдилар. Гўё қонда фасод пайдо бўлса киши қорайиб кетгани каби, бу фаслда кўксинда қора доғлари бўлган лолалар пайдо бўлади. Чаман ўз либосларини рангбаранг қилиб, хилъатларини бондан-оёқ гул билан безайди. Боғдаги гнёҳлар Чин табиатини намоён қилгани каби, у ердаги ҳар бир гул Чин гўзалларини эслатади.



Яшнаб кўкараётган сунбулларнинг сарвга чирмашиб туши гўзаллар вужудда турган ўрам-ўрам сочдан фарқ қилмайди. Гул атрофидан сунбул подаларининг чиқиб туриши юз атрофидаги соч кокилларига ўхшайди. Гунафшанинг тагига сув шароби киргани учун уятдан бошини қўйи солиб олган. Агар у сувдан ҳўлланмаган бўлса, нима учун либосларининг этагини қайириб олди? Ёш наргис қадаҳда май ичишга ўрганиб, лиму пўстлоғидан пиёла қилиб олибди. Ва ёки лиму ранги қалпоги эзилиб қолдимикин, четини қайириб, ичинини чуқур қилиб қўйибди? Мажнун каби шалвираб ётган гулсавсарининг ранги тонг шабадаси зарбидан худди осмонга ўхшаб кўкариб кетибди. Юзидан хотиржамлик нўринса ҳам қаттиқ завққа берилиши натижасида у беҳол бўлиб қолган. Оловдек шуъла сочиб турган қизил гулни кўриб булбул бечора самандар каби куйиб-ёнади. У ёниб-шуълаланиб турган гул эмас, булбул уясига тушган ўтдир, йўқ, уясига эмас, жонига тушган оташдир. Тонг хабарчиси бўлмиш сабо насими чаманларни кезаркан, баҳор доимо олтин тусга киради. Кечаси ботини гул ўз чироғи билан равшан қилганда гунчалар унинг ёниши учун пиллик ясаб турадилар. Сабо дояси бўлмиш тонг ели гунчанинг бу ишини билгани учун, унинг гулбарглариини фатила-фатила қилиб очади. Настарин гули шохларини оппоқ қилиб, кумуш шохлар атрофига эгилиб ётади. Уни кумуш босиб, юки оғир бўлгач, худди қор билан қопланган шохларга ўхшайди. Гўзал арғувон гули очилиб, жилва қилган пайтда тўни қизилу лекин ўзи ёш йигитларни эслатади. Шамол уни ҳар ёнга тебратаркан, у ўз қизил тўни билан жилваланиб, ҳаммани мафтун этади. Булут болалар, яъни кичик булутчалар ўз қатралари билан наргор ила машқ қилаётгандек, сув юзига давралар чизади. Йўқ, бола эмас, гўё Моний ҳеч қандай асбоб ва паргорсиз юз туман давра чизаётгандек туюлади. Теракка пайванд қилинган гулнинг қадди-қомати гул юзли сарвнинг ўзгинасидир. Чаман худди гўзал жаннатга, ундаги гул ва сарвлар эса ҳуру филмонга ўхшайди. Гулзор устига баҳор булутидан ёққан ёмғирнинг ҳар бир томчиси йирик думалоқ дурдек бебаҳодир. Серёгин булутлар бир-биридан ўзиб, худди ҳайқирувчи шердек наъра тортишади. Ариларининг гувиллашидан боққа зилзила тушиб, чақмоқнинг шуъласида улар бўйнида олтин занжир силсилалари пайдо бўлади. Ёмғирларнинг ҳар бир қатрасини оби ҳаёту унинг осмондан тушиб келаётган ҳар бир торини жон ипи деяверинг. Гулшан пок ва мусаффоликда худди беҳиштни эслатади,

уяниг об-хавоси эса хәйтбахш Исо нафасиниңг үзгина-сидир. Бу фаслдаги тонг ели жон бағишлагани каби, булутдан томган хар бир қатра ёмгир оби хәйтдир. Бу фаслда майсаю гиёҳлар ердан бош күтариб, топган хәт-лари билан жилва қиладилар. Табиатниң бу гүзал ман-зарасини күриб, иложи борича ўйнаб-кулмаган, шодлан-маган одамниң танасида жонн бор, деб гумон қилманг. Шундай фурсатда боглар оғушида айни-ишрат, кайф-сафо қилмаган одамни инсон қиёфасидаги қотиб қолган табиат жиемларига қўшиб қўяверинг. Аммо кўнгил бирор томонга аспр бўлмаса, хар қандай ўйни-кулги хам ёқимли эмас. Бордию кўнгил бирон гулга иштизор экан унинг гулзор-га бўлган иштиёқ ва мухаббати хам ажабланарли эмасдир. Агар ўз севгилисиниң васлидан хотири жамъ бўлса-чи, бундай одамга боғу гулшани тамошо қилишдан хам завқиёб нарса борми?

Айни фаслда гул ҳажрида ёнган Исқандар ишқ бобида ўз орзуеига етиш учун ёр васлини истаб, гулшанга равона бўлди.

## LVIII

*Булбул ҳикояти: унинг фиғони — гулбонгидан бир қарға безор бўлиб: «Бемаъни эзмалик», деб таъна қилди ва сўнгра унинг ёқимли жавобидан ўзгача маъно англади*

Эшитишимча, гул фаслида бир бог ичда булбулниң фиғони авижига чиқибди. Шунда ана шу богда турадиган бир қарға булбул олдиға келиб, унга тубандагича таибех берибди:

«Ҳой бемаъни эзма! Ҳар йили ўн бир ой чаманда хазин ва хомуш кезганиңг ҳолда, бир ойгина бунчалик жүш уриб, фиғон чекиб сайрашиниңниң маъносин нима? Бир ишда чидам ва саботниң қани? Чаман қушларидан уялсанг бўлмайдими?» — дебди.

Шунда булбул:

«Эй ишқдан беҳабар! Мениң куйиб-ёнишимни сен қайдан биласан?! Ахир богда ўн бир ой гул бўлмагач, мениң хәтим хам сенга ўхшаган қора бўлади-да. Уша қушлари мен кечасю кундузи гам-алам чекаман. Аммо баҳор пасими эсиб, гул яна очилиб богда жилва қила бошлаган, Чин мушкига ўхшаб хидини хар ёнга сочган, ўзиниңг гүзал жамоли билан ҳамманн мафтун қилган пайтда булбулда тоб-тоқат қолади дейсанми? Гулзор хусиниңг баҳосин сен кабиларга бир таңга ва ё бир чақалик

бўлсин, барки бир, булбул учун у ер баланд овоз билан хошиш қиладиган маскандур. Гулзордан қизил — оташии гуллар кетгач, унинг ўрнида қолган қора кўмир билан улфатчилик қилишининг не зарурати бор? Сен ҳаммаёқни саситадиган қора кўнгизга ўхшайсан, шу жихатдан гул пендан захранг учади, уни хуш кўрмайсан. Модомики шундай экан, меннинг хол-аҳволимни сен қаёқдан тушунасан? Кўй, мен сенинг суҳбатингдан узоқроқ турганим дуруст», — дейди.

Булбул ўз дардларини айтиб, унинг саволига кескин жавоб қайтаргач, қарга хижонатдан яна ҳам қорайиб кетибди. Бу сўзларга жавоб қайтариш қарга учун мушкул эди, бинобарини, қиш фаслидаги булбулдек жим ва хомуш бўлиб қолибди.

## LIX

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудан, инсонларнинг баҳор табиатига ва гулларга ишқибоз бўлмоғи нимадан, деб сўрагани. Арастунинг ҳиқмат-билимдонлик баҳоридан жавоб шабадасини етказгани*

Яна фалакдек баланд мартабали шоҳ сўрадики:

«Эй чархнинг ишқал муаммоларини ечувчи устоз! Ҳар қачон фасли баҳор бўлса, катта-кичик — ҳамма жинидаги инсонлар шоду хуррам бўлиб, ҳар қаёнга боришни орзу қилиб қоладилар. Қиш одам кўнглини ғунчадек танг қилса, баҳордан у гулдек очилади. Бу фаслда одамларнинг бунчалик яшнаб-хушнуд бўлиб кетишларига сабаб нима?»

Барча илм ва фанлардан хабардор олим бу саволга шундай жавоб берди:

«Эй нафаси кишига руҳ бағишловчи Исо пайғамбарга ўхшаш қутлуг зот! Сен берган савол ҳақида эл-улус кўп фикр юритган бўлиб, бунинг барчасидан олий мақом шоҳ хабардордир.

Бу фаслда одам табиатининг очилиб кетиши фақат ғулга қизиқиш, чамазорлардан завқланиш билан чегараланмайди. Бошқача қилиб айтганда, асли гап бунда эмас. Модомики шоҳ буни билишни истар эканлар, гап нимада эканлигини айтаман.

Ер юзи ва ундаги одамларнинг табиати тўрт унсурга бўлинади: иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқ; бу эса ўт ва сув,

ер ва тупроқ демакдир. Исон мана шу унсурлардан таркиб топган бўлиб, унга дунёдаги барча халқлар тап беради. Бунинг бирига табиблар «қуруқ-иссиқ» деб ном қўйдилар; иккинчисини эса «совуқ» деб атадилар; учинчисига «қуруқ-хўл» деб ном қўйган бўлсалар, тўртинчисини «қуруқ-совуқ» дедилар.

Киши табиати юқоридаги тўрт унсурдан ташкил топган каби, ер юзидаги табиат ҳам тўрт фаслга бўлинади. Фасли баҳор булардан бири бўлиб, унинг табиати «хўл-қуруқ» дир.

Кишининг табиий ҳаёти яна учга бўлиниб, уч хил сифат касб этади. Бу уч сифат — саффо, савдо, балғам деб аталади, шунингдек, руҳ табиати ҳам шунга қўшилади.

Шубҳасиз, жони бўлган ҳар кимса имконияти борича ҳаёт юришини пестайди. Шу жиҳатдан баҳор фасли ёқимли бўлиб, эл бу пайтда бештиёр шавқ-завққа тўлади. Баҳор ҳавосидан киши руҳи парвариш тонади, шунинг учун ҳам бу фасл келиши билан табиат бештиёр одамни ўзига тортади...»

Доно масални шу каби таҳлил қилиб бергач, шоҳ жисмига тоза руҳ киргандек бўлди.

## LX

*Искандарнинг ул икки тоза атирғул, йўғ, икки баҳорий нозанин васлидан мурод ҳосил қилгани ва Нозмехрнинг меҳру нозидан бетоқат бўлиб, гул фаслида унинг гул жамолидан баҳра олгани ва у гўзалнинг Равшанақ рашиқидим (зеро, рашиқ қилмоқ маҳбублар шевасидир), ширин сўзлар билан шоҳни ром айлаб, ўз беэкли ётоғини равшан этгани ва ниҳоят, Искандарнинг ул ёр хилватгоҳидан чиқиб, Чин мулкидан мағриб диёрига азм этгани ва ул диёр гаройибидан таажжубга тушгани*

Бу манзарани тасвир этган киши воқеани шундай баён қилади:

Чин ўлкасида Файлақус ўғли Искандар икки сўлим келин билан топишиб олди. Баҳор, йиғитлик, шоҳлик ҳамда илм ва донишмандлик унга муяссар бўлганига қарамай, Искандар билар эдики, оламга қанча шоҳ бўлиб турса ҳам, бари бир оқибат-натнжада ором оладиган жойи тупроқ бўлгусидир. Одам бу дунёдан на вафо топган ва на абадий шоҳ бўлиб қолган. Модомики, кишининг ҳол-аҳволи оқибатда шундай бўлар экан, айш-ишрат дамларидан нима учун воз кечиш керак? Тақдирнинг шу

қонунига асосан ишратнараст шоҳ бир неча кун шодлик майи билан маст бўлди. У икки шам билан ўз шабиستониини ёритиб, икки сарвқомат билан бўстонда ишрат қилди. У ўз иятига етмоқ учун тинч жой излар эди. Искандар Чини замоннда шу муродига етиб, ором олди.

Равшанақ катта хотин сифатида ётоқда шоҳ базмини қиздирар, у билан хар доим бир тахтда тиззама-тизза ўтирар ҳамда ҳарамхонадаги барча хонимларга бошлиқ ва малика эди. Нозмехр эса иккинчи даражада — ўрин тахт ёнида бўлиб, шоҳга итоткорларча бўйин эгиб ўтирар ва гоҳо гамзаю истиғно билан Искандарнинг жигарини хуш қилар эди. Равшанақнинг эса рашик зўр бўлиб, шоҳнинг Нозмехрга бир қиё боққанини кўрса, кўзидан ёш тўкиб йиғлар эди. Равшанақнинг бу даражада рашик қилиши ва Нозмехрни кўришга кўзи йўқлигини билиб, Искандар унга ҳар жиҳатдан диққат ва эътибор қилар, кўпинча Равшанақ билан айш-нишот қилгани ҳолда, Нозмехр билан ондасонда ўйнаб-қулар эди. Лекин ўзининг потавон кўнгли унга зор, ҳазин хотири шу жиҳатдан беқарор эди. Бундан беҳабар Нозмехр шоҳнинг меҳри ўзига эмас, ўзгага оғиб кетганидан жуда хафа эди. Бир жиҳатдан унинг бу ҳақда можазо қилишга ҳам ҳадди йўқдек эди, зеро, Равшанақ жаҳон шоҳи Доро айвонининг шамчироғи эди. Лекин шоҳи жаҳоннинг асли муҳаббати Нозмехрда бўлиб, бу дардни юрагида сақлар, аммо бундан Нозмехр гофил ва беҳабар эди. Искандарнинг ҳазин жони унинг ишқида азобланир, юрак-бағри доим изтиробда эди-ю, лекин шунга қарамай, Равшанақ билан икки кун ўйнаб-қулгани ҳолда, Нозмехр билан бир кун ҳамхона бўлар эди. Мана шу сабабдан Нозмехрнинг кўнгли ранжиди, нозик танини гам-гусса эзар эди. Шу каби тартиб билан бутун баҳор фасли ўтиб, гул мавсуми бошланиб кетди. Шоҳ тушунган эдики, кўзи хинду ва кашмирнинг сеҳргари бўлмиш ой юзли жодугарнинг, яъни Нозмехрнинг дили кундошлик рашикдан ошуфтаҳол, ўзи шоҳдан хафа ва одамлардан хижолатда эди. Ўзининг навбати келган куни, ётоғида хилват қиладиган кечаси шоҳ Нозмехрнинг ҳарамхонасига кириб, унинг жамолига жонини фидо қилмоқчи бўларди. Искандар:

«Қачонгача яширини ўртамай? Қачонгача кеча-кундуз эл-улусдан ниҳон ёнай? Махфий ишқ жонимга тегди, бугун энди жонимга сиримни фож қилмасам бўлмайди!» — деди ва ҳурваш нозанин ёнига ўтириб, базмини бошлаб, хушвақтлик билан май ичишга киришди. У шўх гўзал, ўз санъати билан бу базмини қиздирсини учун, шоҳ-

нинг ўзи кесагуллиқ қила бошлади. Лекин маҳвашнинг кўнгли гамғи бўлгани туфайли, икки қошининг ўртаси пихоний чимирилиб турар; базмда у такаллуф ва совуққонлик билан ўтирар; очилиб-ёзилиб, ўйнаб-кулмас эди. Искандар қанчалиқ ҳаракат қилиб, бунинг сабабини суриштирса ҳам, ҳатто ялиниб-ёйворса ҳам бари бир у сумаибар очиқ-ёруғ гаплашини истамас, поз-истигносини қўймас эди. Нозмеҳрининг саркашлиғи олган сари Искандарнинг таивиши кучайиб борар эди. Тоқати тоқ бўлган шоҳ шундай ҳис қилдиким, бу ҳолат унинг жунунини орттириб, расвойи олам қилиши мумкиндай туюлди. Зеро, ишқ унга мажнунлик амрини бериб, жинишлиқ унинг ақду фаросатини забун этмоқда эди. На илм-ҳикмат унга ёрлик қилар ва на ақл-дониш унга мададкор бўлар эди. Пихоят бу зулмдан тоқатсизланган Искандар айтдики:

«Эй позанин! Нима сабабдан бизга бунчалиқ адоват кўрсатурсан? Мен сенга мафғун ва таслим бўлиб ўтирганим ҳолда, сенинг менга саркашлиқ қилишининг боиси недур? Мен бечора-хокисор сенга не гуноҳ қилдимки, майдан сенинг кўнглиннга губор қўнди ва азият етди? Сенинг ўтинг билан бир ҳас ловилаб ёниб турганида, у ўтга яна ёғ қўйишининг не ҳожати бор? Чибин бечора сенинг асалиннга ўз оёғи билан илиниб ётаркан, яна уни шаналоқ билан уриб, пачоқлаш зарурми? Менга вафо қил! Ахир мен жафокор ҳам, бундай зулмга сазовор ҳам эмасман! Сенинг ишқинининг ўзи мени ўлдирди, қўй, сен ўлдирма! Ўлдирилган кишининг яна жафо тиги билан қийнама! Илтижоларимга боқ, жуда ҳам поз қилаверма! Зулмининг кўну, лутф-марҳаматининг оз айлама!» — деди. Шоҳ шу каби илтижолар қилиб ялинганч, кина-кудурат сақловчи золимнинг тор огзидан асалдек ширин сўзлар чиқди-ю, аммо бу ширин сўзлар замирида киноя, худди бол уясида асал билан баробар ари ишитари ҳам бор эди. Гўзал кўп ишдор сўзлар билан узиб ҳам олди:

«Худо шоҳнинг маишатларини дўмий қилсин, шоҳ ўз дилбарлари билан муродларига етсинлар. Шоҳнинг лойиқлари Доронинг қизидурким, унинг оёқ изларини суртсалар, кўзлари равшан бўлур... Асал-насаби ҳинду, яна тўғрироғи, кашмир зотидан бўлмиш мендек бир қанизак, яъни чўри қизининг шоҳга мунис — улфат бўлиб, у киши билан бетакаллуф ўтириб-туришга ҳеч қандай лойиқлиги йўқдир...» — деди.

Шунда шоҳ айтдики:

«Эй хаста жон офати, хаста жонгина эмас, жаҳон

офати бўлмиш гўзал! Бир нафасгина кинояларингни қўй; раҳм-шафқат қилиб, жабр-зулмининг тўхтатиб тур! Менга ҳадеб Равшанак ҳақида таъна қилаверма, у масалада жуда ҳам мени гуноҳкор деб билаверма! Бу бобда мени маъзур тутсанг, узримга қулоқ солиб, кўнглингдан гам-гуссани чиқариб юборсанг бўлур. Уни иззат-эҳтиром қилиш мен учун вожибдир, зотан, унинг ўрни ва мақоми буюқдир. Ахир, Равшанак — Баҳмоний тожикнинг гавҳари ва Кайқубод осмонининг юлдузидир!.. »

Шу гапларни эшитгач, шўху ширинзабон макр билан айтдики:

«Эй, етти иқлимнинг ҳокими! Бу гапларнинг муҳаббатга не дахли бор? Ишқ-муҳаббатда шоҳликка эътибор қилинмайди-ку! Ишқда кўнглининг тизаги жамол ва малоҳат эмасми? Ахир, жингалак сочлар энг тақводор зотларни ҳам ўз тузоғига илинтиради-ку. У асли-насабда шоҳлик мартабасига эга бўлгани билан гўзалликда мен ойга тенгман-ку! Унинг тожи мамлакат хирожига арзи гулик бўлса, менинг қаршимда бутун тож эгалари бош эгадилар-ку! У Ҷамшиднинг авлоди бўлгани учун ифтихор қилса, мен ўз хуснимни хуршиди тобонга тенглаштиришга ҳам рози эмасман-ку. Агар унинг фармонига мамлакатлар бўйинсунадиган бўлса, менинг хуснимга юз туман мулкдорлар зор ва интизордирлар. Агар, бордию унинг ақллилиги ҳақида афсоналар тўқилган бўлса, менинг ишқимда юзлаб донолар девона бўлиб қолдилар. Агар, у дунё кишилари олдида азиз ва муҳтарам бўлса, менинг қиёмат қўпоришга кучим етади. Агар у жонни ўртантиришни ўзига одат қилиб олган бўлса, менинг жаҳонга ўт қўйишга хунарим етади. Агар у ноз ва гамзалари билан ўқ отадиган бўлса, мен киприкларим билан тийрборон қилиб — ўқ ёғдириб ташлайман. Агар у ўз севгилисини қатл этиш бобида ўйласа, менинг ишқимнинг тигиёқ қатлиом қилиб, барчани тигдан ўтказади. Агар у афсуи билан сеҳрлашни ўзига касб қилиб олган бўлса, бутун Ҳашмир жодугарлари менинг шогирдимдирлар. Унинг гамзаси жаҳонни сеҳрласа, ўз доғуллилиги билан элли бузоққа, чўқинтирган юзлаб сомирийлар менинг қаршимда бузоқ каби гўл махлуқдирлар. Агар унинг шухрати авом халқ ўртасида бўлса, мен тақводор кишилар ичига ҳам қўзғолои ва бетоқатлик солганман. Агар у дамбадам халқни қатл этадиган бўлса, мен ўликларни тиргишиш хислатига ҳам эгаман. Агар унинг зулфи илонни сеҳрлаб — ўзига ром қиладиган бўлса, менинг афсушим аждаҳонни ҳам забун этади. Агар унинг соч толаси имон

томирини ўзига тортадиган бўлса, менинг лабимнинг тори жон томирини тортади. Сунбул сочим юзимга ёпилганда, қуёш ўз юзига тундаи пиқоб тутиб олади. Қимки менинг ёй каби қийғоч қошимни ўйлар экан, уялганидан уч қулик ой — ҳилол кўзига кўринмай қолади. Қипригим ўқлари жонни нишонга олганлар, шу жиҳатдан ҳам улар кўзларим атрофида саф тортиб турадилар. Қачонки кўзим уйқуга кетса, олам аҳлига уйқу ҳаром бўлади. Юзимдаги кўз қорачуғига ўхшаган холим ҳақида гапирсангиз, дўё бечора булбулнинг кўзи гуйга тушди, деяверинг. Ёноқларимга нил рангли холлар қўйилса, ақлу тақво аҳлининг парҳездор кўзига миҳ қадалиб, ҳеч нарсани фарқ қилмай қолади. Зулфимдаги буралиб-тобланиб ётган гажакдор кокилларимнинг ҳар толаси кўнгилларни ўзига илинтириб тортувчи бир каманддир. Лабимнинг қизиллиги жоннинг жавоҳиридир, лабларимдаги сувлар эса оби ҳаёт каби жонбахшдир. Терлаб турган тишларимни соф шудринг, йўқ, шудринг эмас, ҳақиқий дурдоналар деяверинг. Қиши кўзига кўринмайдиган даражадаги кичик оғзим қимматбаҳо жавоҳир бўлиб, на унинг ўзи ва на баҳоси маълум. Икки лабим сўзлаш учун очилганда, оғзимнинг борлиғига одамлар шубҳа ва ҳайрат билан қарайдилар. Оғзим йўқ бўлгани ҳолда, одамлар уни бор деб гумон қиладилар. Агар бўлса ҳам шу, бўлмаса ҳам шу! Томоғим тагини нумушга ўхшаш бағбақа деб ўйламанг, йўқ, у ойдиндаги қуёшга монанд юлдуздир. Юлдуз ҳам эмас, зеро, ундаги нурнинг чегараси йўқ бўлса-да, у гўзалликда қуёшга тенглаша олади. Лабим жон бағишлашни ўзига ҳунар қилиб олган. Кўзимнинг одати эса дилраболикдир. Қадди-қоматимни кўриб, бу инсон қиёфаси эмас, руҳ деб лол бўлсангиз, маъзурсиз, дарҳақиқат сизгина эмас, руҳил-амин (фаришта) ҳам буни кўрганда беҳол бўлган. Хиромон юришим жаннатдаги сарв дарахтини мот қилгач, оби ҳаёт унга оқмайдиган бўлиб қолди. Жамолим қуёшни куйдириб-ўртантирмоқда. Танимнинг оқлиги симобни титроққа солмоқда. Белимнинг позиклигини тасаввур қилмоқчи бўлган одамлар — хомхаёл сурадилар. Хаёлим башарият ичига шов-шув солгани каби, гўзаллигим малаклар ўртасида кўзголон ва алоло кўтарилишига сабабчи бўлади. Гўзал суратимни кўрган замонда халойиқ кўзига пари ҳам кўринмай қолади. Лабимда сўзлашдан кўра — сеҳрлаш ортиқ; ҳусн-позим эса сеҳрловчи афсуздан ҳам зиёда! Ҳусннинг гаввосидан қуёш бетоқатлангани каби гўзаллигим таъсиринга тоб келтиролмай осмон пастлашади.



Лекин шоҳга менинг асалим захар бўлиб туюларкан, бунча афсоналарни сўзлашдан не фойда? Фироқ дардини чеккан бир бечора: «Оз бахт — кўн хусидан афзал!» — деб қандай чиройли айтган экан! Мен шоҳимдан шикоят қилмоқчи эмасман, йўқ, менинг деъвойим йўлдан озган бахтдадир, вассалом!»

Ширинлаб шундай итоблар билан ўз ишқида ўртанган шоҳни яна бетоқат қилиб ташлади. Искандар унинг бу сўзларига жон фидо қилиб, тездан ўз бағрига жонинини тортди. Меҳрпоз ўз кўлини тумор каби унинг бўйинига ташлагани ҳолда, Искандар ҳам уни тумор сингари ўз кўйинига олди. Оху шерини шу усул билан ов қилгач, ўз шикорига меҳр ваҳор айлади. Сандал шоҳига фил тиши урилгач, сўнгра не бўлганини айтишга эҳтиёж йўқдир. Искандар шу тавишнинг мафтуни ва у паричеҳра ёрнинг мажнуни эди. Бир неча кун мана шу парда ичида айин-ишрат қилинди, аммо бу ерда нима сирлар ўтганини ҳеч ким билмас эди.

Агар ошиқ ўз ёри висолига муяссар бўлиб, дили мурод ҳосил қилса, унинг ишқи аввалги ҳолида қолмайди. Шоҳ бир неча кунлаб ҳамма нарсани унутиб, севгилиси билан машат қучоғида ётгач, агар шу хилда ётаверса, умрини бекорга исроф қилажагини тушуниди. Яна ақлу ҳикматга сизиниб, донишмандлик тахтидан жой олди. У жаҳондаги мамлакатларни ўз кўл остига олганида, Мағриб замини (Африка мамлакатлари) олимай қолиб кетган эди. Бинобарин, аскарларга исталганча егулик-ичгулик жамлаб, эл-улуснинг гамидан кўнгли тинчигач, юриш ҳақидаги ҳукминини жар солдириб халққа эшиттирди.

Қайси шоҳнингким лашкарлари ундан хурсанд бўлса, унинг душманидан хотири жамъ бўлади. Агар халқ ўз шоҳидан гамнок ва хафа бўлмаса, душманининг кўн бўлиши унчалик хавфли эмас. Худо кўрсатмасин, агар халқни шоҳдан ношод бўлса-чи, душмани эмас, вақт келиши билан халқнинг ўзи уни барбод қилиб ташлайди. Шоҳнинг халққа саховат қилиб, унга енгилликлар бериб тургани маъқул; ўз заруратига муносиб, эл-юртнинг сиёсат остида тутгани ҳам яхши.

Искандар саодатли шоҳлардан бўлиб, шоҳ учун керак бўлган ҳамма хислатлар унда мавжуд эди. У бинобарин, бутун қўшинида бўлган ҳар бир кимсани ўз инъом ва эҳсони билан шод-хуррам айлагач, хоқон билан хайр-хўш қилажагини эълон этди. Унга Чин — Хитой ерларини топширди, уни ота деб билиб, ҳукмронликни ҳам бағишлади. Сўнгра қўшин Чин ўлкасидан ташқарига қараб

йўл олди, у Мағриб ўлкалари томон боришни кўзлар эди. Хоқон унга ҳамроҳ бўлиш ҳавасида эканини изҳор қилди, шох бу илтимосин қабул этмади. Уни (хоқонни) кўп махфий гаплар айтиш, ўзига муносиб иззат-иқром билан қайтарди. Сўнгра Ҳиндистоннинг жануб чегараси томон йўл оларкан, ажойиб Хитой кишвари ўнг тарафда қолди. Шу ерга келганда ҳинд Ройнга ҳам ўз юртида қолишга икозат бериб, унга ҳам кўп лутф-марҳаматлар қилди. Ҳинд шохи Ҳиндистонга қараб равона бўлди; шох Искандар эса Мағриб ерига қараб от сурди. Унинг лашкарлари йўлнинг бутун қийинчиликлари ва офатларини енгиб, Кужрот ўлкасининг тор йўлларида эсон-омон ўтиб, Уммон денгизининг қирғоқларига бориб етди. Бу соҳилда бир неча кун истикомат қилгач, у атрофда қанча кема бўлса, ҳаммасини ўрду (штаб) аτροφига яқин келтириб, гоҳ кемага тушиб ўтириб ва гоҳ денгиздаги оролларга саёҳат қилиб, айланиб юрди. У кема билан денгизларни сайр қилгани каби, гоҳо чўл ва жазиралардаги водийларни тамошо қилар эди.

Искандар денгиз соҳилида бўлмиш бутун шаҳарлари ороллардаги барча ерларни фатҳ этиб олди. Чегарасиз денгизни, ўлчовсиз тоғ ва даштларни кезиб чиқди. Шох қаерга боришни жазм қилган бўлса, бутун аскарлар қўшинлари ҳам бу билан бирга саъий-ҳаракат қилиб борар эди. Тангрининг лутф-марҳамати билан мағриб дийёри ҳам унинг маконига айланди. Етиб келгач, давлат отига миниб, бу иқлимнинг ҳам барча ерларини фатҳ этиб олди. Мағриб дийёри шунчалик катта эканки, у ерда кўпгина шаҳри азимлар қўлга киритилди. Бу шаҳарларнинг шохлари ёмонлиққа юз ўгирмай, хирож тўлашни бўйинга олиш билан Искандарга тобе бўладилар. Шох Мағриб заминда бўлмиш буюк тоғлари очиқ даштларни айланиб чиқди. Қайси манзилга етмасин, у билан қаноат қилмай, манзил-баманзил айланар эди. Шохнинг мақсади бу ерларни тамошо қилиб бўлгач, яна узок Румга қайтиб бориш эди. Лекин бу иқлимда ҳар лаҳзада бениҳоя ажойиб нарсаларни кўриш мумкин эди. У ернинг табиати гўзал ва гаройиботларга тўлалигидан шохнинг Румга жўнаш ҳақидаги нияти орқага сурилди.

Гаройиботдан биттаси шу эдики, шох у жойларни айланиб юрганда шундай бир биёбонга етдики, у ернинг даҳшати жонга ўт солар эди. У даштни нтга ўхшаш жониворлар тутиб кетган бўлиб, бу махлуқлар кўрinishда худди чумоллини эслатар эдилар. Ҳаммасининг оёқ-қўллари чумоллиники сингари бўлишига қарамай, лекин улар

йиртқич шердай зўр эдилар. Кимки уларнинг орасига от суриб кирган бўлса, ўша онда чумолиларнинг ҳамласига дучор бўларди. Улар бирдан даҳшат билан хужум қилиб, уни парча-парча қилиб ташлардилар. Натияжада ҳалиги келганлардан нишону ер устида қатра қон ҳам қолмасди. Хушёр шоҳ бу ерга етгач: «Ҳеч ким у томонга от сурмасин!» — деб буйруқ берди. Шундан сўнг бу ернинг халқи билан махлуқлар ҳақида ҳар тарафлама суҳбат ва савол-жавоб қилишаркан, улар айтдилар: «Бу ер шундай жойки, тасаввур қилиш биланок киши жонига ларза тушади. Бу водий ичкарасига томон яна бир йиғоч йўл юрилса, у ерда шу хиладаги чумолиларнинг бундан ҳам зўр хужумига дуч келинади. Бундан ҳам нарига ўтгач, гўзал бир водийга етиладикки, у тоза ва мусаффолиги билан Эрам боғига ўхшайди. У ер бир халқнинг оромгоҳ — юрти бўлиб, бу элга бир қавм ҳеч тинчлик бермайди. Улар қавм эмас, тағриининг балоси ва жаҳон хазинасининг аждаҳосидирлар. Гавдаларининг зўрлиги бир пора тоғдек бўлиб, биттасига юз тўда одам бас келолмайди. Уларнинг баъзилари шундай зўр ва баҳайбатки, бу жониворлар улар олдида бир чумолига ўхшаб қоладилар. Уларнинг тилини киши тушушмайди. Улар ҳақида нима дейилса, кишилар лоф деб ўйламасинлар. Булардан ҳам ўтгач, яна ўн кунчалик йўл юрилса, икки томони тоғ бўлган бир водий келади. Ҳар бир тоғнинг тоши осмон қадар баланд бўлиб, унинг чўққисига қараган одамнинг бўрки бошидан ерга тушиб кетади. У тоғнинг бирида қип-қизил олтинлар жилваланиб, худди қуёш нуридек киши кўзини қамаштиради. Иккинчи тоғ бошидан-оёқ кумуш ёмбисидан иборат бўлиб, унинг ёруғи худди ойнинг ёруғи шуъласига ўхшайди. Бу ернинг эли ҳам мана шу ҳар бир тоши бебаҳо хазинанинг аждаҳоларидир. Бу элининг уйқуси ўзларига қараганда ҳам ажойиброқдир: у қавм бир уйқуга кирганича, ўн кун ухлайди; бу пайтда ҳеч қандай ҳаракат қилмайди. Ўн кун ўтгач, ҳаммаси уйқудан уйғониб, яна ўз ҳолларига келадилар. Шундан сўнг яна ўн кун уйғоқ юрадилару, аммо бу уйғоқликларини ҳам худди уйқудагидек кам ҳаракатдир. Бу девсифат махлуқларга шу уйқу вақтида ҳар бир кимса шикаст бера олади. Лекин улар бутунлай беҳавф-хатар яшайдилар, чунки бу чумолилар уларнинг қўриқчиларидирлар. У махлуқлар бу хазиналарининг қоровули бўлганини сизгарини, бу чумолилар ҳам у махлуқларининг нобонларидирлар».

Оллоҳу таолонинг қудрати шундай улугки, унинг қуд-

рати олдида ҳар қандай ақл, билим ва камолот эгаси ожиздир. Унинг қудрати кишининг ақлу ҳушидан ўткир, ақл-ҳушидангина эмас, балки ҳаддан зиёда ва чегарасиздир.

Шоҳ бу гапдан хабардор бўлгач, ақлни ўзига ҳамроҳ ва мададкор бўлишга чақирди. Шоҳ келган жойига қўнди ва унинг ёнига бутун ақл ва билим эгалари йигилдилар. Улар бу махлуқларнинг ишларини кўздан кечирмоқчи ва йиртқичларга қарши чора кўриш андишасида эдилар. Лекин у ерда кўринган ажойиботлар кўнгилни худонинг қудратига ҳайратлантирар эди, холос. Кўнгил бу ҳолдан ҳайрону, ақл бу аҳволдан ожиз ва тўмтоқ бўлиб қолган эди. Илм-ҳикмат билан ҳам буларнинг чорасини қила олмагач, ноиложликдан ҳамма лол ва ҳайрон бўлиб қолди.

Эй, соқий! Менга шундай май келтиргинки, у руҳнинг сармоясини бўлсин. Мен уни ичиш билан ақлнинг фазилатларини унутай. Зеро ақлу идрок мени қўлламади, балки ҳайрат менинг жонимга қасд этди.

Эй, муғанний! Ҳазин ва ғарибона фигон чек! Чунки ҳозир менинг манзилгоҳим ғарб ери бўлиб қолди. Мен сенинг бошингга, қуёш ғарб ерига сочгани каби, магрийий зарларни нисор қилиб сочай.

Эй, Навоий! Сен гурбат ва мусофирликдан хафаланма, ватанинг ҳақида ўйлаш машаққатидан ўзингни озод тут! Зеро, манзилинг шарқдами-ғарбдами бўлишидан қатъи назар, муродинг ҳосил бўлса, рўйи заминнинг ҳаммасин сен учун баробар эмасми?!

## LXI

*Басират кўзлари<sup>1</sup> ҳар нарсанинг моҳиятини билиш сурмасин билан ёритилганлар, улар қайн боғмасинлар, ҳаёт гаройиботларини равшан кўрадилар*

Биров ўзини маъни аҳлларида деб билиши учун ҳақ унинг қалб, ибрат, ақл-идрок ва тафаккур кўзини ўткир ва равшан қилиб яратган бўлиши шарт. Яъни у одам табиатда қандай сурат кўрса, у суратнинг санъаткорини англаши; қайси нақшда бир гўзалликни ҳис қилса, уни ижод этган наққош борлигини тушуниши; қандай ораста

---

<sup>1</sup> Басират кўзи — ақл-идрок кўзи, тафаккур кўзи, қалб кўзи ва ибрат кўзи демакдир (Кўз ҳамма жонивор махлуқларда бор. Ақл-идрок, тафаккур, қалб ва ибрат кўзи эса, фақат инсонда бўлади)

хайкални учратса, у чиройли хайкални яратган хайкал-тарош кимлигини билиши лозим. Ахир бир нақшнинг наққоши кимлигини билмаган одам у нақшдан баҳраманд бўла оладими? Кўк — фалак турли-туман нақшларда кўришаркан, унга кўр-кўрона боқишнинг нима аҳамияти бор? Осмоннинг тўққиз қават дастурхонида юз туман поз-неъмат бўлгани билан (кўл етмагач) ундан не фойда! Бу гулшанда (ер юзида) яратилган нарсаларга назар солувчи киши ўтқир кўзли, билимдон одам бўлса, ҳар бир дилкушо чамани кўраркан, бунинг боғбони ким экани ҳақида фикр юритади. Қайси бир кўкариб турган позани ниҳолни учратаркан, уни парварши қилганга юз офарин ўқийди. Гуллардаги ажойиб ранг ва ҳидларни сезаркан, бу санъатда ўзга бир сир борлигини ҳис қилади.

Бу чек-чегарасиз кенг дунё тепасида бир юксак сарой (осмон) яратилган бўлиб, у муаллақ туради: унинг устун ийўқ, у устун ийўқлигидан тўнтарилиб қолган ҳам эмас, албатта. Унга ҳаяжонланмай назар солган киши, устун у ёқда тургани, ўрилган арқон ҳам ийўқлигини билади. Агар, у осмонни усталик билан шу арқонга боғлаб олиб қўйилган, осмон муаллақлигининг ҳикмати шунинг тагида, деб ўйласа. Кимнинг басират кўзини таггри ўз қудрати билан ёритган бўлса, унинг кўзи қай томонга тушаркан, у ердаги ғаройиботларни бошдан-оёқ кўради ва кўнгли изтиробга тўлади.

Бироқ ажойиб ва ғаройибларни кўришни орзу қилган одамнинг ҳаммаёққа югуриб-елишнинг: гоҳ Шарқнинг Чин каби энг узоқ ерларига, гоҳ Ғарб ўлкаларига бориб, раяж-машаққат чекишининг; гоҳо ажойиб фил ва товусларни кўраман, деб ҳинд мамлакатларида хор бўлишнинг ва гоҳо туяқушлар томошаси учун араб саҳроларида сарсон кезишнинг ҳожати ийўқдир.

Басират кўзи очик бўлмиш одам астойдил назар солса, дунёдаги ҳамма нарсдан ўзи ажаброқдир. Киши ўз авзойига бошдан-оёқ боқиб қараса ва ҳар тарафлама мулоҳаза қилиб кўрса, унинг маънавиятида гоят бебаҳо, ажиб, маъқул ва мақбул фазилатлар борлигини ўз кўзи билан кўради:

Бошлаб мен одам вужуди тимсолини шарҳлаб берай, сўнгра унинг маънавий аҳволини баён айлай. Бу тимсол деганим — сахий денгизнинг дурри, ийўқ, денгиз дурри эмас, инсон вужуди боғининг сарв дарахтидир. Одамнинг бошида шоҳлик тожи бор бўлиб, бу тож устига қимматбаҳо лаъл ўрнатилган. Унинг пешанасида шоҳлик аломати, қоши устида эса ҳар бир ҳолатдан огоҳлик нишо-

наси бор; кўзида ҳар нарсани кўриш ва унинг моҳиятини билиш нури порлаб туради. Соч толаларига бир аслик яшириган. Жамолидан шаҳаншоҳлик нури мавжланса, ҳар бир сўзида Исо пайгамбарники сингари ҳаётбахш мўъжиза бор. Гоҳо кўзида фалакдаги офтобнинг равшанлиги аке этса, гоҳо бармоқларида ой икки парчадек намoён бўлади... Азал билимдони (тангри) инсоннинг ажойиб жисмини, жисми демай, унинг тилсимини шакллантираркан, у тилсимнинг тўқимасини турли-туман «арқоқ-ўриш» билан тўқиб, эгнига «одам вужуди» деган либос кийгизди. Яна бунинг устига, санъаткорлик билан одам ичига «ақл» деган бошқа бир одамни ҳам яширди.

Инсоннинг умумий тузилиши — тимсоли шу хилда мужассам бўлди. Энди мен унинг маънавий аҳволини баён қилайин.

Одам тилсими шу хилда яратилиб, худди тўлин ойдек ораста бўлгач, бу вужудни бунёд этган ҳоким (тангри), унинг ичига сирлар хазинасини яширди. Бу хазинани одам тилсими ичига яширишдан мақсад уни жаҳон кишилари топиб олмасин учун эди. У ганжни инсон ичига беркитиш билан халойиқдан унинг сирини яширди. Агар кимки бу яширилган хазинани топишга муяссар бўлса, жаҳон аҳлининг шоҳи худди шунинг ўзидир. Буни хазина эмас, етти денгиз денг, йўқ, денгиз эмас, тўққиз баланд осмон, деяверинг.

Ой билан қуёшни йўқдан бор этган, ой ва қуёшгина эмас, бутун ҳаракатдаги коинотни яратган оллоҳ бир қатрага денгизни яширгандек, энг кичик юлдуз бўлмиш Суҳонинг ичига чархи аълони<sup>1</sup> ниҳон қилганидек, одам вужудга гоят ажиб хазиналарни яширди. Агар биров гаройиботларни кўришни истаса, шундан ҳам гаройиброқ нарсани ахтариб топа олармикин? Ҳар ким гаройиблар тамошосига ишқибоз бўлса, шу истагани ўз вужудида пинҳон ва яшириндир. Модомики, нимани истаса ўзидан топиладиган бўлгач, жаҳонни кезиб — овора бўлиб юришнинг не маъноси бор?

## LXII

*Сув истаб, денгиз гирдобига бориб қолган ва ўлим наҳан-*

<sup>1</sup> Ч а р х и а ъ л о — юсак осмон.

Денгизда гаввослик қиладиган бир одам менга тубандаги дурдек бебаҳо ҳикояни айтиб берди:

Денгизда бир гуруҳ балиқлар бор эдики, улар сувда бўлганлари ҳолда, доим қандай қилиб бўлса ҳам сув топишнинг хаёлини сураб эдилар. Улар доим сувни ҳавас қилар, сувдан бўлак орзулари йўқ эди. Уларнинг бутун иши сув ахтаришдан иборат бўлиб, «сув деганлари нимаикин?» — деб ўйлардилар. «Сувнинг ранги қанақа-ю, таъми қандай бўларкин, унинг юриш-туриши қанақайкин?» — деб бош қотирар эдилар. Мана шу ташвиш билан таналаридаги тангачаларини гўё баданларига тушган кулфатдек ҳис қилар, лекин сувдан ҳеч «дарак топмас» эдилар. Шу бетоқат балиқлардан бири:

— «Эшитишимча, фалон зўр гирдобда қари-қартаг бир наҳанг бўлиб, у денгизнинг остида ҳам, устида ҳам сайр қилиб юрар эмиш. Эҳтимол, ўша наҳанг сувдан дарак топган ва кўп ажойиб махфий сирларни билиб олган бўлса!» — деди.

Мана шунинг хомхаёл гапи билан ҳалиги балиқлар сувнинг орзусида, ҳеч нарсани ўйламай, шошиланча ўша томонга қараб азм этдилар. У ноёб-ягона мақсад юзасидан ташаббус қилиб, зўр гирдобга етишдилар. Бу гирдоб гирдоб эмас, чархи фалакдек; кичик-киримгина эмас, айланиб юрувчи осмондек чўнг гирдоб эди. Бу балиқлар — жўшиб ётган сувнинг атрофига яқинлашиши биланоқ гирдоб буларнинг ҳар бирини ҳар томонга тортиб кетди. Даҳшатли гирдоб балиқларни худди бўрон тол япрогини тўзгитгандек тўзгитиб юборди. Шу онда бу чуқур денгиз чайқалиб, баҳайбат наҳанг пайдо бўлди. Балиқлар бир-биридан жудо бўлиб, фироқ ўтида ёниб турган пайтларида, ўлим тимсоҳи буларни бирин-сирин барчасини ютиб, ўз қорнида ҳамма балиқларни жамлади. Шунда буларнинг ҳаммаси сувдан айрилганларини, аввал сувда эканлару, энди қуруқликка чиқиб қолганликларини ҳис этдилар. Пушаймонлик оҳидан фалакка тутун чиқарай десалар, наҳанг меъдасининг ўти буларни ёндириб юбормоқда эди. Буларнинг ўзлари бир-биридан ажралмасдан буруноқ ораларига жудолик тушган эди.

Эй, одам! Сенда ҳам кўпгина махфий хазина бор-у, аммо уни билишга таънинг нодонлик қилади. У хазина сенда бекиниб ётибди, йўқ, сен унга кўмилиб ётибсан-у, аммо билимсизлик сенга зарар бермоқда. Борди-ю, сен

ҳам денгизининг ҳалокатли гирдобига тушиб қолсанг, сен ҳам ўлим паҳангига ем бўлсанг, мақсаднинг йўлида гарқ бўлгач, у сирдан воқиф бўлсанг, не фойда? Ҳар бир қизиқ кўринган нарсанинг орқасидан югуриб нима қиласан? Ҳамма ажойиботлар сенинг ўзингга беркинган-ку! Печун огоҳ бўлмайсан?! Ҳар қандай бефойда пушаймонликларга дучор бўлмасингдан илгари эсингни йигиб йўлга қадам қўй-да, ўз улуглигингни кўр, эй одам!

## LXIII

### ҲИҚМАТ

*Искандарнинг Арастудан, модомики инсон фаҳми мақсаднинг асл ва тўлиқ ҳақиқатини идрок қилишдан ожиз экан, ўзга ҳайвонлардан не фарқи қолди? — деб сўрагани*

Хазина сочувчи ҳукмдор яна сўраднки: «Эй, позик ва маъноси чуқур, қимматли сўзлар айтувчи устоз! Барча махлуқларнинг энг шарафлиси бўлмиш инсон табиатига ҳақиқат сирини ниҳон этилгандир. Лекин кимнингки шу шамдан кўзи равшан эмас экан, ўз хазинасидан беҳабар кишининг ўзгинасидир. Модомики шундай экан, печун «илми ниҳон» да (ҳақиқат нималигини билдирадиган илмда) инсон билан ўзга ҳайвонлар орасига фарқ қўйилди?»

Гўзал нукталар сўзловчи олий зот айтдики:

— Инсон ҳамма нарсани идрок этиш қобилиятига эга, бошқа ҳайвонлар эса бундай фазилатдан маҳрумдир. Зеро, инсон барча махлуқотларнинг сарваридир.

— Мақсад учун керакли билиминини киши махфий сақласа бундан не фойда? — деди шоҳ.

Доно айтдики: — Жаҳон аҳли ўзига қанчалик фазилатлар беркитилганини билмагани ҳолда, билгандан ҳам афзалроқ ва улугроқдир. Лекин инсон ўзига беркитилганини билмагани, ўз мақсад ва муддаоларини старлича идрок этмагани ҳолда шунчалик кўп нарса биладик, ўзини ўзи яхши тушунмагани ҳолда англаган сўзлари — сўзлардаги маънолари, муддаою умидлари уни бошқа барча махлуқлардан ажратиб улуглаб туради. Инсондаги талабчанлик, бир нарсани топиш, қўлга киритиш учун ўз идроки билан меҳнат қилиши, машаққат чекиши — унинг обрў ва шавкатига сабабчидир. Хусусан, бировларнинг дилида не муддаолари борлигини билиш, бу ҳақда бош қотириш — инсон учун ниҳоятда ноёб ва улуг фазилатдир.



*Искандарнинг чумолилар хайлини овлаш учун ўз қўшинини сафга тузгани ва бу аснода девкор-девонавор гуруҳлар келиб, унинг қўшини қаршисида саф тортгани ва улардан бир паҳлавон икки қўшин ўртасига тушиб, Искандар сипоҳининг илғор паҳлавонларини ожиз этгани ва шу аснода Чин ғазоласи шер қиёфатида маъракайи майдонга кириб, аждаҳошикорлик қилгани ва Искандар ул кийикни ўз ҳарамининг оҳусига айлантиргани ҳамда унинг асирини лутф-марҳамат билан яна ўзига асир этгани ва у ўз одамлари билан бунинг мажлисига қайтиб келгани*

Маъно сочишни ўзига ҳунар қилиб олмиш доно қоғозин шундай сўзлар билан қоралади:

Лашкарлар чумолиларнинг гавғоси содир бўлган ерга от сургач, шоҳ бу ердаги сирлардан воқиф бўлиб, отдан тушди ва бир қадар ором олди, сўнгра ҳикмат аҳли билан маслаҳатлашиб, бу чумолиларнинг чорасини кўриш тараддудига тушди. Улар шоҳ билан бирга шундай фикрга келдилар:

Мамлакатнинг зийнати бўлмиш отлик ва пиёда аскарлар орасида ҳаддан ташқари зўр қаҳрамонлар, сонсиз-саноқсиз диловар йнгитлар бордир. Уларни шу чумолилар жангига мос кийимлар билан ясантириб, сафга тузамиз. Булар бир неча марта чумолилар даштига шиддат билан босиб кирадилар. Қайтиб дам олгач, кийимларни ўзгартириб, яна уларни қириш учун ҳужум қиладилар. Ахир, чумоли деган махлуқ ҳаддан зиёда кўп бўлиб, зарар бермоқчи бўлганда ҳам нима қила олар эди? Агар бордию шер каби куч кўрсатмоқчи бўлганда ҳам, шер шеру, чумоли — чумоли эмасми? Биёбон шу чумолилардан тозаланиб бўлгач, нариги эл устига хавф-хатарсиз юриш қилиб боргаймиз. У ерда шоҳ бошлиқ бутун лашкар, то худо зафарга эриштиргунча жанг қилгаймиз.

Маслаҳат шу ерга келганда қуёш мағрибга ботиб, кўздан ғойиб бўлди; жаҳон чумоли босгандек қоронғилик ичига кирди. Шоҳ ҳеч қандай қўрқувсиз шу даштга кўнди ҳамда уни чумолилар босқинидан сақлаш учун посбонлар қўйилди. Акс ҳолда чумолилар босиб, уни ҳар тарафдан тишлаб тортиб, хароб қилиши мумкин эди. Ниҳоят, тонг ўз байроғини баланд осмонга тиккач, маширик шоҳи — қуёш ўз юзини кўрсатаркан, Рум подшоси лашкарларни сафга тузиб, мўр сингари чумолиларга ҳужум қилиш учун тайёрланди. Яна саф тортган жангчиларнинг наъ-

ралари янграб, жанг погораларининг садоси еру кўки чок-чок қила бошлади. Аскарлар бирдан жунбушга келиб, ҳаммаёққа сурон солиб, дунёни гавгога тўлдирдилар. Бу тўнолошнинг садоси ҳалиги ваҳший қавмга ҳам бориб етди, улар қиёмат-қоим бошланди, деб ўйладилар. Бинобарин, улар ҳеч нарсага ўйламай, шовқин-сурон бўлаётган томонга қараб югурдилар, бу можаронинг сирини билишга шошилдилар. Ҳаммалари пашна талашидан қочган филлардек югуришиб, чумоли саҳросидан ўтдилар ва ер юзи лашкар билан тўлалганини, дунёнинг тоғу тошларини ҳам ёв босиб кетганини кўриб, даштини қоплаб ётган чумолилар сингари кўп бўлган бу қавмнинг галаговури оламни бошига кўтарди. Бу ваҳшийлар ҳар томонда аскарларнинг саф тартиб турганини кўриб, қаршима-қарши саф туздилар. Уларнинг ҳаммаси девпайкар, ваҳшийнамою барчаси ваҳшийларни тутқун қиладиган, девларни ҳам ҳалок этадиган даражада зўр эдилар. Буларнинг ҳар бири каркидондек кучли, филдек баҳайбату лекин кўринишида худди девга ўхшар эдилар. Буларнинг кўзи кўк, соқоли сариқ, юзи қора бўлгани ҳолда, ҳаммасининг пешанасида шох бор эди. Кийимлари эса ҳаҷир ва кийик чармларидан ясалган, ейдиган таомлари ҳам шуларнинг гўштидан иборат эди. Бу қабиҳларнинг ҳар қайсиси устундек йўгон ва оғир ҳодаларни кўтариб олган, темирни эгиб, чангак қилиб у ҳодаларнинг учига ўрнатганлар. Уларнинг асосий уруш қуроллари шундан иборат бўлиб, фақат шу билангина жангга кирадилар. Шу важод билан ваҳший феълли мийгга дев бутун Искандар қўшинига қарши саф туздилар. Булардан бири зугум билан маъракани майдонга кириб, ўз тилида гўлдираб, қон тўкиб ва жон олиб, ўз элига ҳадя қилиш ниятида эканлигини баён этиб, ўзи билан курашишга ҳарпф талаб қилди. Бу томондан ҳам танаси харсангдек, харсангга ўхшаса ҳам, ўзи тоғни урса толқон қилгудек бир паҳлавон майдонга тушди. У кўп ерда, шохнинг кўз олдида жанг қилиб, душманининг чагини кўкка чиқарган эди. Бунинг гавдаси ҳарифидан — қаршисидаги душманидан қолишмагани ҳолда, лекин паҳлавонлик шухрати ундан ортиқроқ эди. Ўзи филга ўхшаган бу паҳлавоннинг оти Каркидон, отигина Каркидон эмас, танаси ҳам худди каркидоннинг ўзгинаси эди. Аммо аҳли жанг паҳлавонлар орасида у Раъд (Чақмоқ) лақабини олган, у ҳақиқатан тошлар орасига тушган чақмоқ тош эди. Аждар жангига шер қандай шикоят билан кирса, бу ҳам майдонга шундай ботирлик билан кирди. Ганими ҳам худди даҳшатли сел

Ўзини қояга ургандек, бунга қарши ташланди. Бу паҳлавонларнинг иккиси бир-бирига чирмашиб, икки тоғ чўққисидек бир-бирларига қовушдилар. Булар бир-бирларига қанчалик кўп зарба урмоқчи бўлсалар ҳам аммо усталлик билан чап бериб, зарбани қайтарар эдилар. Ип-ҳоят, ваҳший зотли қайсар паҳлавон, бир ҳамла қилиб, унинг бўйига чангакли ходани солди. Чангак маҳкам ўрнашгач, худди қармоқ билан балиқ тутгандек уни тортиб ерга урди. Кейин қўлларини маҳкам боғлагач, тезлик билан чангак солиб, унинг отини ҳам тутди. Асирини ўз кишиларига тонширгач, яна ўзига қарши мубориз — жангчи талаб қилиб, наъра тортди. Яна бу томондан майдонга газаб билан бир шерюрак паҳлавон тушди. Унинг ўткир тиги душман гурзисига урилавериб, дами қайтиб кетган эди. Белидаги қайрилма камарида, душманни шафқатсизлик билан чопиш учун кескир қиличи бор. Остидаги зўр оти ҳам қиличдек ўткир бўлиб, чопганда худди қуюнга ўхшаб саркашлик билан югурарди, у худди чўққи устига миниб турган балога ёки тоғ бошига чиқиб турган аждаҳога ўхшар эди. Бутун қаҳрамонлар унга Қаҳқаро деб лақаб қўйгаплар, бу асли шарқ халқларидан бўлиб, қирвонлик эди. У майдонга кириши биланоқ ваҳшийга от солди, лекин дев унинг ҳамласини писанд ҳам қилмади. Яна душманлик ўти шундай алангалиданики, фалакка ҳам ундан шикаст этиш хавфи бор эди. Гоҳ у шиддат билан ҳужум қилар, бу орқага чекинаар; гоҳ бу қувар, у қочар эди. Гоҳо бетма-бет туриб, бир-бирларига ҳамла қилганлари ҳолда, бир мўйларига ҳам зарб текиздирмай, ҳужумни дафъ этар эдилар. Бу гал ҳам ваҳший уни ҳолдан тойдириб, чангагини елкасига солиб, торта кетди. Қаҳқаро ҳам отдан ағдарилиб, қаро ерга йиқилиб, тупроққа беланди. Девзод уни ҳам боғлаб ташлаб, ўжарлик билан яна ғаним талаб қилар эди.

Бу курашга яна бир киши кириб, у ҳам ҳалиги икки паҳлавон сингари асир бўлди. Яна ўз кучимни кўрсатаман, деб бир киши кирган эди, у ҳам юқоридаги уч киши каби, унинг тузоғига гирифтор бўлди. Шу хилда ўн уч паҳлавон кетма-кет кураш майдонига кириб, девбашарага забун бўлдилар. Замонанинг зўр паҳлавонларидан унга қарши ким борса, юзма-юз бўлиши билан тутилаверди. Кимки у билан курашмоқчи бўлса, олдига борган ондаёқ ўз ожизлигини сезар эди. У яна ғаним талаб қилиб қичқирар, аммо одамларда унга қарши боришга юрак қолмаган эди. Ҳамма ҳам майдонга тушиб, у билан курашишга

хавфланар, бекордан-бекорга жонидан кечишга ҳеч ким ботинмасди.

Бу ҳолат шоҳнинг тоб-тоқатини олиб, вужудида изтироб зоҳир бўлди. Ўз кишиларига: «Жангга туш!» — деб буйруқ беришдан андиша қилар, зеро, қаршидаги ҳариф тенгсиз даражада зўравон эди. Шоҳ индамаса, ваҳший ҳар хил бемаъни замзамалар билан унинг жигига тегар, ор-номусини ерга букар эди. Шоҳ: «Бу шумларнинг биттаси шунчалик иш кўрсатса, ҳаммаси гулув қилганда ҳолимиз не кечади?» — деган ташвишга тушди. Гоҳо кўнглини қўрқув ҳам босар, аммо ҳикмат тариқини тутган шоҳ ўзини бардам тутар эди. Унинг кўнглига юз минг гам азоб солгани ҳолда, у ўзини мажбуран овулар ва заҳарханда қилар эди. Лекин дев бунинг қаршисидан нари кетмас, ҳалиги аччиқ-тиззиқ гапларини, замзамаларини бас қилмас эди.

Мана шу аснода юзига Чин ниқоби тутган бир эпчил одам зудлик билан майдонга тушди. У худди кўкдаги порлоқ қуёшдек кўм-кўк пўлат кийимларга ўранган, жаҳонга нур сепувчи осмон офтобидек нур сочиб, ер юзидаги симобдек жўш уриб турар эди. Отини Чин эгаржабдуқлари безаган бу паҳлавоннинг қўлида қат-қат ўралган каманд, бошида ўк ўтмас қалпоғи, белида гилофп камар билан туташтирилган чин ханжари бор эди. Оти тезликда чакмоқдан, ўзи хунрезликда жафокаш фалакдан ўтарди. У майдонга кириб, оти билан ҳар томонга жавлон қилгач, шоҳга яқин келиб, бош эгиб, таъзим бажо келтирди ва шоҳ ҳақиқага яхши тилак тилади, кейин қайтиб, ваҳший томон от солди. Уни шоҳ ҳам, на аскару сипоҳ ҳам танимади. Лекин ҳамма бунга ачиниб, пинҳоний оҳ чекиб: «Юз афсуски, шундай зебо йиғит ҳам бу ваҳшийнинг тиғидан шикастланади», — дер эдилар. Лекин у душман билан шундай олишиб кетдики, отининг жавлонидан осмонни гард-тўзон қонлаган эди. У отини шитоб билан ҳар томонга югуртириб, қаҳрамоннинг жисмига изтироб солиб, шошириб қўйди. Уни шу каби эпчиллик билан эсанкиратгани ҳолда, ўзини чапгакка тушишдан асрар эди. Бу икки ҳарифнинг ҳаракати: бирини — бир жойда турган ер курсисига, иккинчисини айланувчи осмонга; бирини паргорнинг марказига, у бирини эса — давра чизувчи қисмига ўхшатар эди. Шу каби жанг-жадал билан ваҳшийни эсанкиратиб туриб, унинг бўйнига қат-қат ўралган камандини ташлади ва бир қўли билан бўйинини илтиртгани ҳолда, уни сургаб, тезликда шоҳнинг ҳузурига келтириб ташлади. Бу маглубият ваҳшийни ҳолатдан кетказган,

ушнинг вужуди тупроқларга қорилган, душман отининг оёғи остида топталган, судраллиш натижасида ниҳоятда дабдаласи чиққан эди. Чобукувор қахрамон, шоҳга яқин келиб, худди шердек сакраб отдан тушиб, сайдини қаттиқ боғлагани ҳолда, судраб келтириб, қора тупроққа ташлади.

Шоҳ бу галабадан шу даражада қувондики, ўша онда кўнглидаги барча гам-гуссалари гойиб бўлди. Шундан кейин изтироб ва ташвишлари йўқолиб, тезда ўз қўшнлари орасига келиб кирди.

Бутун қўшни хандақларга шундай жойлашган эдики, ушнинг ичига кириш учун ажал ҳам йўл топмагудек эди. Шоҳ қўшни орқасида отдан тушгач, жанг майдонининг чанг-тўзонидан юз-қўллариини ювди. У Жамшидвор бир виқор билан ўз қабулхонасига кириб, яна бахту давлатдан умидвор ҳолда ўтирди. Тезда ҳикмат аҳллари билан маслаҳат мажлиси тузиб, ваҳшийни тутқун қилган қахрамонни хузурига чақиртирди. У шер тутувчи ботир эшикдан кирганда, мажлис аҳли уни ҳурматлаб, табрик ва қарсақлар билан қарши олди. Уни Файлақус ўгли Исқандар ўз олдига чақириб, бағрига босиб, қучоқлади; у бушнинг оёғини ўпди. Шоҳ унга кўнглина июлту марҳаматлар кўрсатиб, бошидан олтин-жавоҳирларни нисор қилиб сочди. Кўп лутф-карамлар изҳор айлагач:

— Эй, душмани банд этган, ваҳший шикор! Сен кимсан? Тездан ўзингни кўрсат! Сени кўриш иштиёқи бизнинг тобу тоқатимизни олди-ку! — деди.

Ботир чаққонлик билан юзидан ниқобини олганда, худди булут остидан офтоб чиққандек бўлди. Бу ўша шўх Чин қизи, ўша чобук ва чаққон ҳурзод эди. Буни шоҳга Хоқон ҳадя қиларкан, тубандагича мақтаган эди:

«Бу гўзал, ҳусида хуршиди тобоннинг худди ўзи, яна Зухра юлдузидек хушовоз санъаткордир. Бу сифатлари бир тарафда турсин, жанг майдонида бунга бас келадиган жангчи тспилмас!» — деган эди. Исқандарга бу кейинги сифатлари хуш келмай, бунга унчалик илтифот кўрсатмас эди. Бинобарин, ҳусни тенгсиз бўлгани ҳолда, жангжўлиги ҳали юзага чиқмаган, ҳеч ким ундан бу қадар қахрамонлик кутмаган эди. У ҳам шу пайтгача ҳеч кимга ҳеч нарса демай, бир жангу жадал фурсатини кутар, шундай пайт келгач, шоҳга жонини нисор айлаб, жанговарлик бобидаги санъатини кўрсатмоқчи бўлиб юрар эди. Бугун давлат ишига ниҳоятда халал келиб турган бир пайтда, жуда ҳам иш кўрсатиш пайти келганини хис қилди ва ўзини жанг майдонига уриб, душ-

манни ўз жавлони билан енгиб, асир олди. Искандар энди унинг ўша ой, хуршиди оламорой эканини билиб, таңгри санъатига юз офаринлар айтгани ҳолда, унга зафар тилаб, тубандагича марҳамат айлади:

— Эй гўзал, жамолингга ниқобингни ёп! Ахир тун-оқшомда офтоб ўз юзини кўрсатмайди-ку! Вақтни ўтказмай, менинг хобхонамга кир, ўша ерда бу кеча менга уйқуни харом айла! — деди. У шам, худди сарв бўстонга кирганидек, шоҳнинг хобхонасига кириб, шабиетонини ўз нури билан ёритди. Шоҳ базми бошлар экан. Кайковуслар одатича май ва соз келтиришни буюрди. У ўз муродига ўйин-қулги ва сози май билан етишни истар эди. Майнинг ҳарорати унинг димоғини чоғлаб, бошини қиздиргач, ваҳший тутқуни мажлисга чақиртириб, у билан бир гуфтугў қилишни истаб қолди. У девга ўхшаган паҳлавонни олиб келганларида анжумандагилар унинг шакли-шамойилини кўриб, ваҳимага тушдилар. Унинг аъзойи бадани заңжирбанд қилиб ташланган ва унга ҳамма шафқатсизлик ва душман назари билан боқар эди. Куч ва қўдрати икки филча келадиган бу паҳлавонни бунчалик мазлум ва тутқун ҳолда кўраркан, шоҳ унинг вужудини банду кишанлардан озод этишни, кўнглига шодлик ва фароғат етказишни буюрди. Унинг заңжирларини ечдилар. У ниҳоятда миннатдор бўлиб, тахт ўртасида мақом тутди. Даставвал, шоҳнинг буйруғи ва илтифоти билан овқат бердилар. Меҳмон овқатланиб, қорни тўйиб олгач, гўзал қадаҳларда дарёдек мавжланиб турган тўла май узатдилар. Меҳмон бир жом майни иўш қилиши билан, аёқчи (косагул) боз яна бир жом май тутди. Бу икки коса майни ичиб олгач, шоҳнинг илтифотидан паҳлавоннинг кўнгли жўш уриб кетди. Боз унинг устига шоҳнинг ўзи ҳам шоҳона қадаҳда май тутиб, унинг хатар тўла жонига юз минг қувонч бағишлади. У шоҳдан инъом-эҳсон кўрган сари, бу неъматлар учун ҳар пафасда бошини саждага қўйиб, миннатдорчилик изҳор этар эди. Ниҳоят, қилинган бу шафқату марҳаматлар унинг бўйнига қуллик сиртмоғини солди. Май уни беихтиёр қилган эди, бинобарин, у ер ўпиб, тубандаги сўзларни баён айлади:

— Мен биёбонларда ўсган бир ваҳшийман. Ота-боболарим ҳам ваҳший — ваҳшийзодадирлар. Сенга ташаккур айтай десам тилим йўқ. Яхшиликларнинг учун лоақал дуо қилишга ҳам ожизман. Лекин юрагимда айтмоқчи бўлган гапларим бор. Сен агар: «Ўшаларни айт!» — десаң, айтайин!

— Ҳар не каломинг бўлса, айт! — деди шоҳ. — Каломинггина эмас, мурод-мақсадларнинг баён эт!

Шундан сўнг ҳаддан ташқари кўн ичиб, девоида даражасига келган ваҳший айтдики:

— Эй шоҳ, сендан менга кўн навозишлар бўлди. Бунга қарши яхшилик қайтариш менинг қўлимдан келмайди. Лекин қўлимдан шу иш келадикки, ўлгунича сенинг хизматингда бўламан. Жапобингдан бир нафас айрилмайман. Ҳеч қачон сенинг хилофингга иш қилмайман. Лекин унутмагинки, мен ўз халқимнинг хони, туну кун уларнинг посбони эдим. Сенинг худди мўр-малахдек лашкарингни кўргач, қавму хайлимга шикаст етмасин, деб уларнинг машаққатини ўз устимга олиб, жанг майдонига ўзимни урдим. У ишларнинг тафсилотини сенга баён қилиб ўтиришимга ҳожат йўқ, зеро сен уларни ўз кўзинг билан кўрдинг. Энди мен сенга асир бўлганимда эса, менга бахту саодат ёғилганини кўриб турибман. Сен менинг бошимга сиёсат қиличини солмадинг; ўлдиришинг лозим бўлгани ҳолда, ўлдирмадинг. Яна бунинг устига менга бениҳоя иноятлар қилдинг, ҳаддан зиёда карам-марҳаматлар айладинг. Агар ижозат берсанг, энди кетсам-да, сенинг хизматингга ярайдиган бўлиб қайтиб келсам! Зеро, қавм-қариндошу эл-улусларим «гаму кул-фатларга гирифтор бўлди», — деб ўйлаб, мен учун ҳозир мотам тутаётгандирлар. Мен сенинг сояйи давлатингдан уларни шодлантирай, ҳаммасини ғам-ғуссадан озод этай!

Бу каби хушxabару башоратларни эшитгач, шоҳ унинг кетишига рухсат этди. У қаддини букиб, ер ўпиб, шоҳга таъзим бажо қилгач, ўрнидан туриб, маст филдек айқалиб-чайқалиб чиқиб кетди. Шоҳнинг бу иши мажлис аҳлига жуда ғалати туюлди; ҳар кимнинг кўнглида ҳар хил андиша тугилди. Бу ҳақда ҳар ким бир фикр айтмоқчи бўларди-ю, аммо қандай қилиб шоҳга луқма ташлашнинг иложини қилолмас эди. Шоҳнинг бу қилган иши, тўсатдан ўйламай-нетмай ваҳшийни озод қилиб юбориши ҳатто олим ва доноларни ҳам ўйлантириб қўйган, улар ҳам бу ишдан бағоят ажабланган ва ҳайратда қолган эдилар. Лекин шоҳ эса ўзининг бу қилмишидан ниҳоятда хурсанд ва завқиебу, бунинг оқибатидан хотирикам ва форигулбол эди. Иқболи нимани талқин этса, шунини мустақил ижро қилмоқ унинг одати эди.

Бу воқеадан анча фурсат ўтиб кетди, лекин ҳали ҳам ҳамма ҳар хил хаёлда эди. Шу замон бирдан ташқаридаги кишиларнинг қий-чувлари эшитилиб, эшикдан ҳалиги баҳайбат ваҳший кириб келди. У ёлғиз эмас эди, ўзи

билан бирга ўз тутқунларини, яъни ҳали жанг майдонидан ўзинга асир бўлиб, Искандар қўшинининг кўпчилиги чўқтирган паҳлавонларни ҳам бирга олиб келди. Уларнинг ҳаммаси хурсанд эди. Ваҳший буларни ҳам шоҳга совға қиларкан, қулогини ушлаган ҳолда, ерга сажда қилиб, ўзини ҳам ўшалардек қул қилди.

Шоҳ бу қиссадан бағоят шодмон бўлди, шоҳгина эмас, бошқа ҳамма катта-кичик қувончга тўлди. Олийсифат шоҳ бу ишлари учун ваҳшийга кўп миннатдорчилик ва лутф-карамлар изҳор айлади. Бандга тушганлар озодликка чиқиб, яна шоҳнинг зиёфатида, у билан ҳамнафас бўлиш шарафига эришдилар. Шоҳ лутф-марҳамат билан Бориқи Барбарийга томон қаради. Карам хони бўлмиш шоҳ иноят қилиб, буларнинг ҳаммаси билан, хусусан ўзининг қадрдон полвони Бориқи Барбарий билан қучоқлашиб кўришди. Мажлис аҳли душман қўлига асир бўлмиш бу гурбатзадаларни саломат кўриб, хотиржам бўлди. Бу оқшом ҳаммалари маст бўлгунча май ичиб, охири уйқуга кетдилар.

Эй, косагул! Ҳозир бир қадаҳ май бер! Зеро, ҳижрон азобидан кўнглим беҳузур бўлиб турибди. Шоядки, майнинг таъсири билан мендаги қайғу ҳам бирор нафас йўқолиб, бирон соат ухлаб, ором олиш насиб бўлса!

Эй, хонандаю созанда! Висол куйини куйла! Ахир айрилиқдан бечора жоним кўп азобланди. Ҳалиги одамлар ҳижрондан сўнг бир-бирлари билан дийдор кўришганлари каби менга ҳам тангри висолни насиб айлагай!

Эй, Навоий! Ўз севгани билан кўришмоқ ҳар бир одамнинг орзусидир. Ёр билан бирга кечирилган кунлар эса абадий ҳаётга тенгдир. Сабр-тоқат билан висол дамларини кут, бир нафас бўлса ҳам ўша фурсатни ганимат бил!

## LXV

*Ҳажр шомининг қоронғилиги таърифидаким, унинг қаршисида бало дўзахининг тутуни — шодлик жаннатининг сунбули бўла олгай ва у шомда ҳаёт рўзғори қорайганларнинг паришон аҳволи ҳақидаким, уларнинг ёр васли тонгидан кўзлари ёримайди; хусусан, бу варақларнинг юзини қоралаган кишининг холи ва гавҳари шабчироғининг висоли жаҳонни ёритгудек гўзаллиги ва унинг худди гавҳари шабчироққа ўхшаш ноёблиги ҳақида*

Киши юз йил айрилиқ азобини тортса-ю, бир нафас висолга эришса, қандай яхши! Киши ҳижрон азобини



қанча тортса ҳам оқибат-натихада севгани билан тонинса, унга нима гам! Айрилиқ қанчалик жоннинг офати бўлишига қарамай, киши охирда висолга етишса, хечқисси йўқ. Агар бировнинг мастлик оқибатида боши огриб, жисму жони алам ичида бўлсаю, лекин базмда яна қадах кўтарса, ҳамма дарду гами фаромуш бўлиб, эсидан чиқиб кетади. Аммо фироқ кунларида ўтган умр жуда галати, ундан юз қатла ўлим яхшироқ. Васл айёми абадий ҳаёт кунларидир; у жонга озиқ, кўнгилга ором бағишлайди. Айрилиқ кунлари шомдек қора бўлса, унинг кечалари қандай бўларкин? Бир ўйлаб қараи! Йўқ, унинг кечасини жоннинг офати, бало кўланкаси ва ўлим зулмати деб билаверинг. У қора кунга ўхшаса ҳам, лекин аслида ажал ўтининг қора тутунидир. Агар дудга ўхшамас экан, нечун доим ундан кўзга ёш тўлади? Агар у қора кун мисоли эмас экан, нима учун хасталар кўнглини азоблайди? Фироқ бўлмаганда эди, бечора ошиқ кўзидан ёш ўрнига бағир қонини оқизармиди? Агар ҳажр унинг бошига қиёмат кунларини солмаса, куйиб-пишиб, кўзидан ёш тўкармиди? Қуёш ҳажридан дарднок бўлмаганда эди, субҳ ўз ёқасин чок этмаган бўлар эди. Лолалар гулдан йироқ тушганлари учун ўз бағирларини пора-пора қилдилар. Фалак қуёшсиз яшай олмайди, бўлмаса нима учун бўйинга булутдан мотам кигизи тутиб олади? Гўё ой ҳажри булут бағрини чок-чок сўкади, бўлмаса нима учун тинмай кўзидан ёш тўкади? Агар Сулаймонсиз қолганига мотамзада бўлмаганда эди, узук ўз кўксига тош урмасди. Тоғ бечора Фарҳодсиз жон азоби чекади шекилли, эртаю кеч садо солиб, фиғон қилади. Дашт, жони азобда қолган Мажнунидан ажрагани учун, катта йўлда юзини тимдалаб ётибди. Гул булбулни фироқ азобида куйдирди, шу жиҳатдан булбулнинг ранги гулга эмас, кулга ўхшаб қолди.

Чақин хашакни куйдиргани каби ҳажр азоби гамнок вужудни кул қилади. Агар бирон кимса ҳажр ўтининг табиатини тушунадиган бўлса, унинг ўзи биров ҳажрини бошидан кечирганидандир. Сен айрилиқнинг гам-қайғусини ҳажр кечаси уйқуси йўқ одамдан сўра!

Кимки мен каби айрилиқ асири бўлса, унинг доим куйиб юриши эҳтимолдан холи эмас. Мунглуғ бошим айрилиққа гирифтор бўлгач, кўз ёшим бағир қонида рангин бўлди. Ҳеч ким фироқ илгида потавон бўлиб, мен каби жони азобда қолмасин. Лекин киши қанчалик фироқ азобини тортган бўлишига қарамай, висолга муяссар бўлса, у кунлари ушут бўлиб кетади. Мен учун айрилиқ

машаққати ниҳоясиз бўлди, ҳижрон шомига висол тоғи-дан ҳанузгача асар йўқ.

Фироқ дастида жабрланувчиларнинг бошидаги бало бир неча хилдир: — молу давлат айрилиги бўлиб, жаҳон аҳлига бунинг таъсири зўрдир; дўст-ёрдан айрилиқ доғи ҳам кишининг юрак-бағрини куйдириб юборади; қариндош-уруг, туққан-жигарларнинг ҳажри ҳам ёмон, у киши жонига изтироб солади; яна бири — ишқ дардига мубтало бўлиб, бировга кўнгил қўйишдир.

Айрилиқларнинг ҳаммасида азоб-уқубат бор-у, аммо ҳеч қайсининг машаққати мана шу кейингичалик эмас. Агар ҳақиқий мақсадга етишиш йўли топилмаса, буларнинг барчасидан мана шуниси мушкулдир.

Менинг ичим айриликдан доим йиғи — зорда, зеро, юрагимда айрилиқнинг биринчисидан бошқа ҳамма хиллари бор. Бунинг биттаси кишини бетоқат қилгандан кейин, ҳаммасининг азобига қолган бечоранинг ҳоли не кечади? Лекин айрилиқ жонга азоб-уқубат бериб турганда киши дийдор кўришдан баҳраманд бўлса, яъни ҳижрон захри висол шарбати билан алмашса, бундан ортиқ хушнудлик бўлиши мумкин эмас. Уни ҳаёт шарбати, абадий умр деса бўлади.

Илоё, шундай хушхабар бўлса, Навоийни ҳам поумид қилмағил!

## LXVI

*Мажнун ҳикояти. Фироқ тоғи оғирлигидан ўзини тоғдан ташламоқчи бўлиб турганда, Лайлидан келган мактуб қўллаб ва унинг элчиси камаридан тортиб, ўлимга йўл қўймади*

Эшитишимча, бутун вужуди ишқ дардида ёниб, алами-дан саҳроларни кезувчи Мажнун неча вақтдан бери Лайлини кўрмаганидан, аъзойи баданини фироқ доғи сирқиратар эди. Мана шу муҳаббат ўтининг алаңгасидан ўртагани туфайли, у ғам-андухга тўлган жонидан кечишга қарор қилди. Чунки ёрнинг фурқати ҳалокатли бўлиб, ҳижрон азобига ортиқ тоқати қолмаган эди. Бинобарин, у Нажд тоғининг устига чиқиб, ўз ҳолига тубандагича чора кўрмоқчи бўлади; яъни, мажнунона исёнкорлик билан ўзини шу чўққидан пастга ташлаб юбориш режасини тузди. Айрилиқ асири бўлмиш одам шу хилда ўлишни ҳижрон азобидан афзалроқ кўриши табиийдир. Мажнун зор-зор йиғлаб, энди тоғ тепасига келиб, ўзини пастга

ташлайман, деб турганида бир одам Лайлининг унга ёзган номасини олиб келди ва дилдорининг номасини олиш билан алапгаланиб турган ўтга сув урилгандек бўлди. Бу нома унинг кўзини очиб, хаёлини ҳам ўз жойига келтирди, Мажнун севинганидан, тоғнигина эмас, ўзини ҳам унутди. Яъни ўша хат бунинг жонининг сақланиши ва ўлимдан қутулиб қолишининг боиси бўлди. Бундан кейин бечора Мажнун бир печа йилгача хурсандчилик билан ўша мактубдан жонига қувват олиб яшади.

Модомики, ёрдан келган бир номагина кишининг тирик қолишига сабабчи экан, дилдор висолининг абадий ҳаёт бағишлашига ажабланмаса ҳам бўлади.

## LXVII

### ҲИКМАТ

*Елғизлик эркин бўлиш имконини беради, кўпчилик паришонлик боиси бўлади, шунга қармай, ҳижронни ҳеч ким ёқтирмайди-ю, васлини ҳамма яхши кўради. Бунинг сабаби нима? Искандарнинг Арастудан шу ҳақда сўрагани*

Яна олимтабиат доно шоҳ сўрадики:

— Эй, ақл ва илм-ҳикмат эгаси бўлмиш устоз! Ғавгон ақл шу жиҳатдан манъ этадики, ундан элга жуда кўп зарар этади. Бу каби можазоларни тажрибали кишилар: «Ноаҳилчилик сабабчиси!» — дейдилар. Шу жиҳатдан бўлса керак, элнинг табъи жанжалкаш кишидан четроқда бўлишни маъқул топади. Аммо, ишқ можаросига гирифтор бўлган кимсалар эса ҳижрон азобига қарши бўлмаганлари ҳолда, хаёллари доим ёр висолида бўлади. Бунинг боиси недур?

Донишманд бу ҳақда шоҳга шундай жавоб берди:

— Ҳар нарсанинг меъёрдан ортиқча бўлишини ақл манъ этади. Ишқ билан ақл ўртасида адоват бор. Лекин қайси ишни ишқ маъқул топса, ақлнинг уни манъ этиши бефойда. Қимгаки ақл раҳнамо бўлса, ҳар ишда кўпчиликка маъқул бўлган йўлни тутади. Лекин ишқнинг можазолари жуда кўп, ақл эгалари эса бундан ниҳоятда азобланадилар. Шуниси ҳам борки, ақл-идрокли одамлар наздида инсон учун жондан азиз нарса йўқ. Лекин ишқ эгалари ўз жонларини жонларидан ортиқ кўрадилар. Жонсиз бўлмоқ ўлим билан тенг, ёрсиз бўлмоқ — ўлимдан ҳам баттарроқдир. Хусусан, жонга фироқ ўти тушганда

книги табиати бениҳоя озор топади. Инсон табъи шундай яратилган бўлишига қарамай, ҳаётни севиш — маъқул нарса. Кимки ўз жонининг қадрини билса, жонини ўринсиз азобламагани дуруст.

Билимга ўч бўлмиш шоҳ ўз саволининг жавобини топгач, чиройли гапирувчи — пуктавар жонига офарин айтди.

## LXVIII

*Искандарнинг мағриб диёри фатҳидан сўнг Румга азм этганида, Қирвон ўлкасининг халқлари Яъжуж зулмидан шикоят қилгани ва унинг бало раҳнасини бекитиш учун сад<sup>1</sup> мекиш режасини тузгани. Муҳандисваш меъморлар, Ҳандаса<sup>2</sup> асосида тош босиб, темир эритувчи оловкорлар сад чекиладиган ерга режа билан ранг тўкиб, Аторуд<sup>3</sup> ҳаёл устозлар ва Зуҳал<sup>4</sup> монанд темирчилар ганч ўрнида эритилган рух ва оҳак ўрнига ялтироқ пўлат қуйиб, саднинг бошини фалак тоғига етказганлари*

Табаррук фикрли донишманд оқ қоғозга қора сиёҳ билан шундай ёзади:

Шундай қилиб, фалак ҳашаматли шоҳ бутун мағриб ерларини ўз муддаосидек фатҳ қилиб олди. У ҳаммани ҳайрон қолдирган, ҳеч ерда кўрилмаган гаройиб инсонлар хайли — гуруҳини кўрди. Уларнинг бошлигини асир қилиб олди. Шоҳнинг лутфи-марҳамати билан озод этилган ёввойилар бошлиғи тобе бўлиб, шоҳга ўзини хизматкор деб эълон қилди. Угина эмас, унинг бутун қавми ҳам шоҳнинг қулларига айланди. Шундан сўнг, шоҳ чумолиларни қириб ташлаш ҳақида буйруқ берди:

— Бутун халқ шижоат билан отлаиб, саф тортиб, шундай босқин ясасин ва ур-ўйқит кўтарсинки, у даштда биронта ҳам чумоли қолмасин! — деди.

Буни эшитиб, ҳалиги ваҳшийлар гуруҳи патимос қилиб айтдиларки:

«Эй, фалакмақомли шоҳ! Улар бўлмаса бизнинг жонимиз хатарда қолади, чунки чумолилар бизнинг қўриқчимиздирлар. Ахир бизларнинг уйқумиз одатдан ташқари

<sup>1</sup> С а д — гов, девор.

<sup>2</sup> Ҳ а н д а с а — геометрия.

<sup>3</sup> А т о р у д — Меркурий сайёраси.

<sup>4</sup> З у ҳ а л — Сатурн сайёраси.

огир бўлади, бу жуда ҳам ажойиб, қулоқ солсангиз, айтиб берамиз: «Биз ўн кеча-кундуз югур-югур қиламиз, ўн кеча-кундуз уйқуда бўламиз. Биз ухлаган пайтимизда чумолилар қўрғой бўлиб, атрофимизни ўраб ётадилар: ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам ҳеч кимни яқин келтирмайдилар».

Шоҳ бу гапни эшитиб, бармоғини тишлади, у мана шу эл туфайли чумолиларни қатли ом қилиш ниятидан қайтди. Яна иккита олтин-кумуш тоғни кўриш мақсадида юриш қилмоқчи бўлди. Бу гал ҳам ҳалиги қавмлар дуо қилиб:

«Бу муддаонинг унут бўлгани яхши! — дедилар, — у атрофга бориш осон эмас, осон у ёқда турсин, боришнинг ҳеч имконияти ҳам йўқ. У икки тоққача бу ердан ўн кунлик йўл бўлиб, у жойни топмоқ учун яна суриштириш керак бўлади. Унинг қандайлиги бизга маълум, лекин тўғриси айтганда, биз ҳам уни ўз кўзимиз билан кўрмаганмиз. На биз уларни кўриб мақсадга эришдик ва на биздан аввалги катталаримиз бу ҳақда бизга маълумот бердилар. Чунки у йўлда жуда ҳам хатар кўп бўлиб, унга кирган одам зиён-заҳматсиз чиқмайди. Етти кунлик йўлгача сув топилмайди; водийда битган ўсимликлар эса бутунлай заҳарлидир. Бу ерда гармсел шамоллар шундай ҳужум билан эсадики, бу шамол теккан заҳоти киши ҳалок бўлади. У ернинг ҳатто мўътадил ҳисобланган шамоли эганда ҳам аждаҳо бўлса маҳв этади. У даштнинг қолган уч кунлик йўли эса ҳаммаси илонзордан иборатдир. Улар кафча, афъи, жаъфарий каби заҳарли илонлар бўлиб, ҳар бири у ердаги хазиналарни пойлайдиган аждаҳолардир. Уларнинг сони минг, ўн мингдан ошади, ўн минг қаёқда, балки у илонларнинг сон-саногий йўқ. Агар улар пашшага андак заҳар соладиган бўлсалар, шишириб филдек қилиб юборадилар. Эшитиб қўйинг, у ерда яна шундай илонлар ҳам борки, унга кўзи тушса, одам ўлади. Мана шу балолардан омон ўтиб кетмоқ кўп маҳолдир. У ерда қандай аҳвол бўлса, биз шунигина шарҳладик, холос».

Шоҳ бу сўзларни эшитаркан, у тарафга боришга хайрмаъзур қилиб айтди:

— У томонга боришдан мақсадимиз тамоша қилиб, ўзимизни шодлантириш эди. Олтин-кумуш учун бормоқчи эмас эдикки, тагин шунчалик заҳматларга ўзимизни дучор қилсак. Модомики тамошонинг йўли берк экан, у тарафга боришни тарк этмоқ маъқулроқдир. Агар тамошодан кечиладиган бўлса, олтин-кумуш учун у томонга бориш, мол-

дунё истаб ҳар тарафга ўзини уриш, жонини ҳалокатга учратини бўладики, бу тадбирли одамнинг иши эмас!

У тарафга бориш ҳаёлидан батамом воз кечган шоҳ у элининг илтифотига миннатдорчилик билдирди. Ҳаммасига иззат-ҳурмат кўрсатди ва лутф-карамлар қилди: уларнинг барчаси шоҳдан кўн иноятлар кўрди. Шоҳ у қавминини ўз маконларига жўнатди. Эшикда ҳайбат билан савлат тўкиб туриши ва уларнинг кўрқинчли кўринишидан одамлар ажабланиши учун ваҳшийлардан бир қанчасини Исқандар ўзи билан бирга олиб қолди.

Мағриб ерларини тинчитгач, Исқандар яна шимол томонга қараб йўл олди. У денгиз кечиб, тоғ ошиб, Румга томон йўл босар эди. Ҳалиги, жанг-жадалда шерларни забун қиладиган гўзал Чин қизи баяки Чин оҳуси шоҳнинг кўнглига ўз шавқи-муҳаббатини, бўйнига эса зулфининг занжирини солиб қўйган эди. Шоҳнинг матлубу марғуби ҳам, севган маҳбуби ҳам шу бўлиб қолган эди. Ўша билан туну кун май ичар, ўз мамлакатига томон шоду хуррамлик билан борар эди. Рус ва Фаранг ерларини босиб ўтаркан, ҳеч қаерда тўхтамади. Ғарб билан Шимол ерларининг оралигидан ўтиш чоғида у ернинг одамлари паришон ҳолда келиб, шоҳ ҳақида дуо қиларкан, нолаю зор билан шоҳдан адолат ва марҳамат сўрадилар. Шоҳ уларга тарахҳум айлаб, ҳол-аҳвол сўради. Шунда улар дедиларки:

— Эй, шоҳ! Жаҳоннинг ҳукмрони бўл! Қисматдан ҳукм юргизиб, қудратда фалак даражасига ет! Жаҳон ерларини обод қилдинг, дунё кишиларига адолат ва шодлик бағишладинг. Лекин ҳали сенинг адолатнинг етмаган жойлар, адлингдан шодмон бўлмаган эллар ҳам бор. Масалан, мана шу жой ва шу жойнинг бечора — эзилган халқлари ўшалар жумласидандир.

— Бу мамлакат нима сабабдан харобаликка учраган? — деди шоҳ. — Халқи нима учун бунчалик изтиробда?

Улар айтдиларки:

— Бу мамлакатнинг бир чети ўзини кўрган Қирвон ўлкаси чегарасига туташади. Ўша чегаранинг ғарбтоғида икки ўртада бир тоғ қад кўтарган. Ўша тоғнинг орқаси кўп офатли жойлардир. У офатларнинг нари ёғи бутунлай зулумот — қоронғиликдан иборатдир. Бу масаладан хабардор одамларнинг айтишича, дунёдаги қоронғиликнинг боши ўша ерда эмиш. Бу тоғ билан зулумот ўртасида бир водий бўлиб, йўл бошловчилар у тарафга бора олмайдилар. У зулумот эмас — жаҳаннамдир, водий эмас — дўзахдир. Қисқаси, у ер — яъжуж деган махлуқларнинг

қароргоҳидир. Бу яъжуж деганимиз юз минг туман балодан иборат бўлиб, биз шу беҳисоб балолардан қочғалармиз. Улар худонинг газабидан яратилган, жуда кўп халқларга улардан зулм етган. Уларнинг қилмишларини айтиб тугатиш қийин, уларни баёи қилишга тил ҳам гунг ва долдир. Уларни ҳисобламоқчи бўлсангиз, сонсаногни йўқ, зарар ва шикастлари эса, беҳисобдир. Уларнинг паришон ва пароканда сочлари бутун бадалларига ёйилган бўлиб, бири бир қарич бўлса, иккинчиси ўн қулоч келади. У соч эмас, хас-хашак уюми, ҳаммасининг танасидаги либослар ҳам шу сочлардангина иборатдир. Бир жуфт қулоқлари икки ёндан жирканч тапаларини ёпиб туради. Бармоқлари алвасти бармоғига, тирноқлари эса дев тирноғига ўхшайди. Хунук юзлари сап-сарик бўлиб, қизил тукларидан поклик ҳазар қилади. Кўзлари баайин маймунининг кўзини эслатади, лекин ҳар бири шайтон кўзидек шумшук. Бурунларининг ичини тиллари билан ялаб «тозалаб» лаззатланганларидан ўйин-кулги қиладилар. Уларнинг бу ҳаракатлари халожийни тозалаш вақтидаги кишиларнинг курак солишига ўхшайди. Оғзидан тўнгиз тишларига ўхшаган икки тиш чиқиб туради, улар бу тиш билан ер ҳам қазийдилар. Улар қаерни тишлари билан қазисалар, қиёматгача у жойдан гиёҳ унмайди. Гап-сўзлари бошдан-оёқ гавғою сурондан иборат бўлиб, оғизлари худди ўрага ўхшайди. Эркагининг ҳам, урғочисининг ҳам икки эмчаги осилиб ётади.

Уларнинг макони бўлмиш тоғ шу қадар ваҳималики, унинг баландлигини осмондан фарқ қилиб бўлмайди. У тоғнинг икки ёни тақир, қояси қиличдек ўткир, қия тошлардан иборат бўлиб, у ерларда ҳеч нарса битмайди. Икки ёни узлуксиз чўзилиб бориб, Қоф тоғига туташади. Шу ўрталик буларнинг макони, бу тоғ худди «қоф» ҳарфининг этагидай туташ, лекин «қоф» шу хилда айланма бўлса-да, насх хатидаги «қоф» ҳарфи каби бир ёриқ жойи бор. У тоғнинг орасида бир дара бўлиб, бу очкўзлар гуруҳи шу ердан ўтиб юради. Улар ҳар йили икки марта шу тоғ оралиғидан чиқиб, худди чумолидек ҳаммаёқни босиб, гала-ғовур қиладилар. Бизнинг шаҳар ва далаларимизга ёйилиб, ҳеч кутилмаган жабр-жафоларни қиладилар. Улар келадиган чоғда биз қочиб, ватанин ташлаб кетишга мажбур бўламиз. Бизнинг ҳаммамиз қийинчиликка тушамиз ва тоғ — чўлларда сарсон-саргардон кезамиз. У қавм нима кўрса, шуни талаб, бутун шаҳар ва мамлакатни вайрон қилади. Одамни қўлга туширсалар, уни ўлдириб, гўштини завқ билан талашиб ейдилар. Қорамолларнинг ҳаммасини

ҳайдаб, ўз юртларига олиб кетадилар. Ёйишга гамлаган ҳамма заҳираларимизни ҳам талон-торожу нес-нобуд этадилар. Улар еган билан мутлақо тўймайди, агар тўйса ҳам қолган озуқаларининг ҳаммасини бир дона қолдирмай, ўз омборларига ташиб олиб кетади. Подшоҳга арзимиз шуки, бизни ана шу офатдан қутқарсанг.

Шоҳ айтди:

— У ёқимсиз тўда сизнинг тарафингизга келмоқчи бўлганда, у балонинг келаётгани сизга қандай маълум бўладики, улар етиб келмасданок сиз қочиб қоласиз?

Улар дедилар:

— У шум махлуқлар мана бу тоғнинг нариги юзидан босиб кела бошлаганларида, саҳрони кезиб ўтмасларида-ноқ осмон ойинасини қон-қора чап-тўзон босиб кетади. Қачонки шундай қора тўзон кўринса, бизнинг кунимиз ҳам шундай қора бўлади.

Шоҳ айтди:

— У иш яна қачон бўлиши мумкин?

— Бир неча кун ўтгандан сўнг юз беради,— дедилар.

Тадбирли ҳакам бу сўзни эшитгач, махлуқларининг чорасини кўришга бел боғлади. Қўниш учун бир ёпиқ жой топиб, ўша ерга жойлашди. У халқ юз илтижо билан шоҳ жанобларига дедиларки:

— Бизга бахтдан ҳеч умид йўқ экан, боника кишиларининг зарарланишини қандай раво кўрамиз? Агар шоҳ бу ерда маскан қилмоқчи бўлса, қилмасин. У махлуқларни жаҳон халқидек, деб билмасин. Агар баногоҳ у қавмдан биронтаси келиб қолса, унинг қаршисида юз ва минг ганим писанд эмас. Хусусан, бу бало юз минг бўлиб, кўплигидан бу мамлакатни бошдан-оёқ босиб кетади. Ҳаммасининг мияси ғазаб билан тўла, ҳаммаси халқ қонини ичишга ташналабдирлар. Шоҳ айтади:

— Сиз бизга қайгурмангиз, лекин ўзингиз ҳам бу ўлкада турмангиз. Нима нарсангиз бўлса, ҳаммасини шитоб билан ташиб олингиз; бу мамлакатда бир узук ипингиз ҳам қолмасин. Таваккални худога қилиб, қўлимдан келганча уларни йўқ қилиш чорасини кўраман.

Одамлар ўз жойларидан буд-шудларини кўчириб кетдилар. Лекин қаҳрамон шоҳ кўчмади. Унинг буйруғи билан у жойининг атрофига бир қатор очиқ ва гоят чуқур хандақлар қазилиди. Фарангданми, Русданми, Шомданми, Румданми — қайси ўлкадан бўлмасин, ўткир фикрли меъморларни, назик тушуинчали усталарни, чапдаст ва бақувват ишчиларни, тошдек мустаҳкам бало раҳнаси қура оладиган кишиларни топиб келиш учун вакиллар жўнатди.



Мис, қалай, биринж<sup>1</sup>, темир, қўрғошин ва том кўмирғача тайёрлаб, уларни неча юз минг туяларга ортиб ва қанча темир эритувчи усталарни тошиб — муҳайё қилиб, ғайрат билан ҳаммасини тез ва жадал бу ерга етказишлари керак эди. Худди шундай бўлди: ҳамма иш даврон шоҳи буюргандек бажарилди ва тайёрланди. Унгача ҳар кун шоҳнинг ўзи отланиб, у тоғ этакларини кўздан кечириб келар эди. Икки минг тошкесар уста суръат билан тоғ орасидаги яхлит тошларни кесишга киришди. Уларнинг ҳар бирининг қўли пўлатдек кучли, қаттиқ тошларни кесишда Фарҳоддек забардаст эди. Улар бу тоғдаги тошларни тинмай-тинчимай кесар эдилар. Ғов солиш — сад боғлаш учун шу қадар кўп асбоб-ускуна йиғилдики, уларнинг қанчалигини билишга ақл ожизлик қилар эди.

Нимайки керак бўлса, ҳаммаси муҳайё қилинганч, худди кутиб тургандек, ҳалиги айтилган қора тўзон намоён бўлди. Бу ўша яъжужларнинг келаётганидан нишона бўлиб, қуёш юзини ҳам қоронғилик қоплаган эди. Бинобарин, хавфдан сақланиш учун ҳамма кишиларни йиғиб, хандақларга киришга таклиф қилинди. Барча подаларни ҳам ҳайдаб келиб, хандаққа қамалди, ташқарида ҳеч бир жонивор қолмади. Саодатли шоҳ пистирмага беш мингта марди майдон жангчини киритиб қўйди. Улар тўсатдан ҳужум қилиб, ҳалиги келадиган махлуқларни овлаши керак эди. Бу жангчилар орасида юқоридаги Мағриб ваҳшийзодларидан ҳам ўнгаси бўлиб, буларнинг ҳар бири бошқа аскарларга нисбатан қамишзордаги теракдек гавдали эди. Бўлажак можаро мағрибийларни гоят қизиқтирган ҳолда, улар хандақда яширинган кишиларни муҳофаза қилар эдилар. Шу пайт бирдан гуруҳ-гуруҳ бўлиб келаётган яъжужлардан тоғ ҳам, саҳро ҳам тўлиб кетди. Ана шу замонда тўсатдан пистирмадаги полвонлар чиқиб, бутун еру кўкни ларзага солиб, ўзларини у махлуқларга урдилар; тиг билан чопиб, бирмунчасини ҳалок қилдилар. Яъжужлар бундай зўравонликка дуч келгач, ҳаммаёқ худди дарёдек тўлқинланиб кетди, яъни улар ҳам бирдан қарши ҳужумга ўтдилар. Лекин улар шунчалик кўп эдики, тоғ ҳам, чўл ҳам — ҳаммаёқ улар билан тўла эди. Бу махлуқлар шундай уруш бошладиларки, тезда Искандар жангчиларини эсанкиратиб ташладилар. Улар ўқ ва қилич каби қуролларга парво қилмас, ўқ-қиличгина эмас, ҳалок бўлишдан ҳам қўрқмас эдилар. Ўткир тиглар

<sup>1</sup> Б и р и н ж — бронза

зарбидан қанчадан-қанчаси қирилишига қарамай, борган сари дами қайтмас тигдай ҳужумга ташланар эдилар. Улар кўи кишиларни ҳалок қилдилар, ҳалок бўлганларни эса талашиб ер эдилар. Жангчи — муборизни отидан алдарган замон, ўнггалтирмай, талашиб-тортишиб еб битирар эдилар. Йиқилганиниг гўшти ва ичак-чавогини ебгина қаноатланмай, унинг отини ҳам еб битирардилар. Энг қизиги шунда эдики, йиқилган ким бўлмасин — душманми ёки ўзлариданми, бари бир, дарҳол тортқилашиб ер эдилар.

Шоҳ аскарлари шу хилда кураш қилиб, кечгача кўплари ҳалок ва мажруҳ бўлдилар. То хандаққа киргуича у жамоатдан ҳам кўшини ўлдирдилар. Урушавериб жонлари қолмаган эди, ниҳоят, жонларига қўрғонлари ора кирди. Турли ҳийла ва тадбир билан амаллаб қўрғонга кириб олиб, бу деввашлар ҳужумидан ўзларини қутқардилар. Булар усталик билан урушни тугатгач, улар ҳам тоғу саҳрога қараб йўл олдилар. Тоғ отгунча гавго-тўполок билан худди ит сингари увлашиб чиқдилар. Ҳаммасининг оғзи худди қутурган итнинг оғзидек очиқ бўлиб, ит тукидан ҳам кўп эдилар. Омон қолган аскарлар шоҳ қошига келганларида, шоҳ ўлган ва йўқолган кишиларга таъзия изҳор қилди. Бу боиланган иш бениҳоя қимматга тушган бўлса-да, аммо пушаймон қилган билан бефойда эди. Улар билан урушиб, галаба қозонишининг ҳеч қандай осон йўли топилмагач, зарур чоралардан бири сифатида, қанча вақт сабр қилиш, амалга ошириладиган тадбирларни кўпроқ ўйлаш керак, деган қарорга келинди. Бу жойларда ейишга ярайдиган ҳеч нарса бўлмаса, у йиртқич тўдалар овқат тополмагач, ўз маконларига қайтиб кетсалар ажаб эмас. Ана шу пайтда диққат-эътибор ва тадбир билан бу ишга қўл урилса ва уларга қарши чора кўрилса бўлади, деди шоҳ. Ҳақиқатан, у махлуқлар худди айтилгандек, ейишга ҳеч нарса топилмагач, ожиз қолиб, келган томонига қараб кетди. Улар кўплигидан дара ичига сиғмас эдилар. Улар шу тарзда овора бўлиб қайтгач, бирмунча вақт бу тарафларга келиб, талон-тороғ қилишни унутдилар.

Бу пайтдан фойдаланиб шоҳ ўз билимдон кишилари, фикри ўткир, ақли тўла олимлари билан маслаҳатлашиб, ишга киришди. Беҳисоб хунарманд — санъаткорларни атрофига олиб, дара томонга қараб жадал йўл солди. У ерга етгач, кўрдиларки, жуда гўзал — кўркем ва кенг водий экан. Лекин икки томонида, худди у юртнинг одамлари айтганидек, икки тоғ бор эди. Тапоб билан ер

ўлчовчилар ҳаммаёғини таноб билан ўлчаб кўрганларида, энг яқин ери ўн миңг қари (ўн километрга яқин) эканлиги маълум бўлди.

Мунаажимлар юлдузларга қараб, хосиятли соатларни аниқладилар. Бахтиёр шоҳ эса от устида олиб-югуриб, ўша яхши соатда у ерларга ранг тўкиб, режа солишга буюрди ва бошлаб, ўзи пойдеворининг биринчи харсанг тошини қўйди. Минглаб қадок маъдан эритадиган корхоналар тайёрланиб қўйилган эди. Муҳандислар ўз билимларини ишга солиб, ҳаммаёқни яхшилаб ўлчаб, режа солган эдилар. Ишчилар ҳам тузилган режа ва жаadwal асосида ишга киришиб, чаққонлик билан ўз ҳунарларини кўрсата бошладилар. Ҳунарманд усталар ганч ўрнига етти хил маъдан қотишмасини бириктириб ерга қўйдилар. Унинг устига тахланган тошларни босиб, ҳар томонини текислаб, тарашладилар. Боний шогирдларига ўхшаган усталар ишга киришиб, тош устига тошларни лабба-лаб қилиб силлиқлаб терар эдилар. Тошлар бир қатор текислаб териягач, яна боз устига тош босар эдилар. Деворнинг узунлиги ўн миңг, эни эса беш юз қулоч тенглигида қурилди. Бу ишларни бажаришда неча миңглаб темирчи ва бинокор усталар ўз ҳунару санъатларини намоён этдилар. Шу хилда тош устига тош қўйиб, унда бир соч толасидек дарз қўймай ишланди. У ерда мардикор бўлиб ишлаганларининг сон-саноғи йўқ, кишининг хаёли қанча тахминлай олса, шундан ҳам кўн эди. Бутун оламнинг санъаткорлари<sup>1</sup> йиғилиб, бу ерда олти ойгача кеча-кундуз тинмай ишладилар. Булар орасида бир неча миңг устоз ҳунармандлар ҳам бор эди, шулар ҳаммаси бир бўлиб, Садди Искандарийни (Искандар деворини) тамом битказдилар.

Тарихчидан эшитишимча — саднинг баландлиги уч юз қари бўлган. Саднинг одамлар яшайдиган томонига сад устига чиқиш учун иккита зинапоя ҳам ишланди. Саднинг тепасига яна қалъаларники сингари қубба ва кунгиралар ҳам ясалиб, улар темир билан мустаҳкамланди. У ерга посбонлар учун ҳам иккита жой қилинди ва душмани тошбўрон қилиш учун юқорига кўп тошлар йиғилди. Садни муҳофаза қилиб — қўриқлаб туриш учун ҳам бир неча юз киши тайинланди. Сад худди осмондек бир иншоотга айлангач, шоҳ буving шукронаси учун яратган тангрига сажда қилди.

<sup>1</sup> Санъаткорлар — ҳунармандлар. (Ред.)

Иш шу ерга етганда, ҳалиғи ҳалокатли махлуқлар яна давиту водийларга гала-говур солиб кела бошлади. Улар одатдагидек келдилару аммо овозларида заъифлик мавжуд эди. Улар бало раҳнасининг сад билан бекитилганини кўргач, тиш билан тирноқлари сусайиб тинкалари қуриди. Шоҳ шу пайтда: «Тошбўрон қилинг, бало тўдасига тошларни отинг!» — деб буйруқ берди. Уларнинг бошига шундай тош ёғдирдиларки, бошлари худди шу тошлар каби тупроқларга тушаверди. Улар қий-чув ва тўполон билан иш чиқазолмагач, ўлим тошларининг зарбидан ташвишланиб, ҳаммалари бир-бировларига ўралашган-чувалашган ҳолда, шошиб-пишиб, келган тарафларига қараб жўнаб қолдилар.

Йиртқичлар у ернинг одамларига қанча зулм қилган бўлсалар, шу зулмларнинг ҳаммаси ўзларининг ҳам бошларига тушди. Бу махлуқлар томонидан қилинган безориликларга қараганда, улар бошига осмондан тошлар ёғилса, ажабланарли эмас! Неча марта шундай таъзирларини егандан кейин, қайтиб бу томонга қарашни ҳам хаёл қилмайдиган бўлдилар.

Донишманд шоҳ яъжужларни даф этиш учун тадбиркорлик билан шундай сад чекди. Булардан хотири жам бўлгач, ўз ватанини эслаб аскарлари билан йўлга равона бўлди. Бир неча вақт йўл юргач, ўз манзилига етиб, яна Рум тахтида мақом айлади.

Эй соқий, парҳездорликни бузадиган май келтир! Зеро, кўнглимга ватан иштиёқи тушиб қолди. Энди мен бу вайрона дунёни кезиб, ғурбатда чеккан ранж-машаққатларимни баён қилмоқчиман.

Эй, муганний! Мен ўз мақомимга келиб муродимга етдим. Сен ҳам шу орзуга мувофиқ бир мақомни куйла! У куйнинг мазмуни шундай таъсир қилсинки, мен бундан буён жаҳонгашталикини мутлақ тарк этай.

Эй, Навоий! Ўз ватанингда манзил тутдинг, лекин сенга бу манзилдан нима ҳосил? Ахир қанча ёр-дўстларнинг бўлса, ҳаммаси йўқлик, ғурбат хонасига кетди-ку!

## LXIX

*Сайр бобида шамолдек енгилтак бўлишни рад этмоқ ва барқарорликда тоғдек виқорли бўлиш ҳақида амр бермоқ ва бир-бирининг ишига кўмаклашувчи уяфатлар суҳбатини ганимат билмоқ ва дўстларнинг бир-бири билан кўришиб-мулоқот қилиб туриши ноёб гавҳардек бебаҳоллигини қадрламоқ, андак бўлса ҳам адам — йўқлик*

*шабистонини кўз йиғига келтирмоқ ва ҳаётни ҳушнудлик  
билан ўтказиш ҳақида васият қилмоқ*

Эй дўстим! Бу дунёдан ҳаммамиз ўтиб кетамиз. Шунинг учун ҳозирги дамни ганимат билайлик. Бу дам бир лаҳзаллик бўлиб, шу хушвақтлик қўл келган пайтда, шодлик қадаҳидан ўзингни маст айлагин. Чунки бу давр ҳам чархинг — фалакнинг айланишидан тезда ўтиб кетади. Шу туфайли дамо-дам май ички, хурсандчилик қилиш вақти шу ондир. Умринг тарихи, яъни қанча яшашинг ноаниқ бўлгач, ҳозирги улфатларнинг ҳамдам — ҳамнафаслигини ганимат бил. Иложи борича ватани тарк этма, гурбатнинг ранж-машаққатига ҳавасланма! Сафар мангулик азобдир, сафар дўзахдан ишонадир. Сафарга бетиним ҳавасинг нимаси?! У дунёга бўладиган сафаринг ўзи старли. Сен кетиб, бу одамлар қолади, деб ўйлама, ҳаммалари ҳам у дунёга боришга мажбурлар. Бу одамларнинг ҳаммаси ҳозир ганимат, сизнинг ҳаммангиз бир-биригизга меҳмонсиз. Кечалари ўйин-кулги билан май ичинг, тўла коса тутсалар ҳам ҳеч бир баҳонасиз ичинг. Ҳаётдаги муродингизга ўйин-кулги билан етинг, йигитлик айёмларини хушчақчақлик билан ўтказинг. Базм пайтида ўзингиз ичинг; дўстларга ҳам қадаҳ тутиб, кўнглига ҳузур бағишланг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзингизни хурсанд тутишга урининг. Агар ўйин-кулги имконияти бўлмай қолса, бунинг учун ҳам ёманг. Ғам-кулфат кунларида ўзингизни овутинг, бошингизга даврондан не ғам келса, уни енгишинг пайдан бўлинг. Шундай одамлар борки, агар бошига бир ғам тушса, аламига чидолмай, ўзини ўзи қийнаб, бир ғамини икки қилиб олади. Шунини ошқору ниҳон билингким, бу жаҳон ғам емакка арзимаيدди. Ҳаётга бир лаҳза ишонч бўлмагандан кейин бадандаги жонга ишониб бўладими? Модомики шундай экан, нима учун одам бекордан-бекорга ғам есин? Агар юз минг сабаб бўлганда ҳам ғам емаслик керак. Ўтган ва эртага келадиган кундан дам урманг, ахир ўтган кун ўтди-кетди; эртаги кун эса ҳали йўқ. Бугун бор эканмиз, нимаики бор-йўгимиз бўлса, ҳаммаси икки йўқлик ўртасидадир. Фақат ҳозирги нақд ҳаётгина йўқлик эмас, бунинг ҳам кечгача бор-йўқлиги номаълум. Кечгача эмас, кишининг ҳаёти битта нафас билан ўлчанади, охирги нафасини ололмаса, тамом. Киши ҳаёти учун нафас бир онга кафил бўла олмас экан, фалак зулмидан дод! Аъямон!

Шу қисқагина, ганимат умрини ҳам ғам билан ўтказган одамда ақлдан асар ҳам йўқ, деса бўлади. Алам ичра

дам урмагил, эй кўнгил! Не гам етса, қайгурмагил, эй кўнгил!

Улфатлардан ажраб қолсанг, шодланма! Жафо етса ҳам дўстлардан айрилма! Фалакнинг иши бевафоллик бўлиб, бу оқибатда жудозликка олиб боради. Жудозликка шошилиш нима учун керак? Бунинг ҳосилига эришиш нима учун керак? Бу дунёни охирда ташлаб кетишнинг турган гап, аммо нима учун ўзингга септам қилиб, бу сафарни тезлатасан? Бу фалакнинг қўлидан келадиган иши шуки, у қандай ободликни кўрса, тезда хароб қилади. Фалак бузадиган нарсани, ундан бурун сен ўзинг хароб қилишга шошилма! Агар, сайрга жуда қизиқсанг, сафарнинг фойда-зарарига талабгор бўлсанг, ватап ичида мусофир бўл; холироқ жой топ, улфат ва аниқмап ўртасида бўл. Ғурбатда ғариб бўлиб юриш иккинчи дўзах ҳисобланади; ватанин севиш эса, имон нишонасидир. Кишида имон бўлар экан, қанча гуноҳи бўлса ҳам, охири жойи жаннатда бўлади. Ғурбатга бориб, бошингни бениҳоя можарога қўйма! Гуноҳсиз ўзингни дўзах азобига ташлама! Вужуднингда имон нишонаси бўлса, ватап жаннатининг гулистонида гул териб юравер. Ватанин жаннат боғидан кам бўлмаган ҳолда, нима учун дўзах каби ғурбатни ҳавас қиласан? Жаҳонда бўлган бутун ҳўл-қуруқни сайр қилиб айлансанг ҳам, Искандардек юриб, бутун еру сувни олсанг ҳам, бари бир, охирда ҳаммасини ташлаб кетасан, «буларни олиб нима қилар эканман!» — деб афсусланасан! Энг яхшиси шуки, ҳамма томонга ўз бошингни уравмасдан, фароғат мақомини ганимат бил! Тоққа ўхшаб, обнингни этагингга ўраб ўтириб, бир печа кун шу вайрона дунёда роҳат қилсанг, шундан яхшиси йўқ!

## LXX

*Подшонинг қасридаги зарнигор қафасдан қутулиб, ўзининг бузуқ ошиёнини уя қилган ва бойўғлидек бу вайронадан фароғат хазинасини топган қабутар ҳикояти*

Шу битикда воқеаси баён қилинган хат ташувчи бир қуш — тез учар бир қабутар бор эди, у қанот қоқиб, парвоз қилганда бир тош масофани дам олмай босиб ўтарди. У бечора бир шохнинг тузоғига илиниб, қанот-қуйруғига кўп шикаст етди. Фалакнинг гардиши у каптарга оғир зулм кўрсатиб, печа йилдан бери уни қафас деган гўрга кўмиб қўйган эди. Бир кун у маҳбус қуш шу зиндондан қочиб қутулиб, шоду хуррамлик билан ҳавога кўтарилиб,

осмонга чиқиб, ҳар томонга сичковлик билан боқиб, ўз днѐри томон йўл тутди. Бу бахтиѐр қуш гайрат билан учиб, печа қуллик йўлини оз фурсатда босиб ўтди. Лекин замон зулми кўп ўзгаришлар ясаб, у турадиган уйини хароб қилган эди. Қаптар у ерга етгач, уйини тополмаса ҳам, ўша атрофни айланиб учаверди. Кўнгина кишилар томга дон сочиб, каптар учириб, буни тутиб олмақчи бўлдилар. У каптар бу нарсаларга ҳеч эътибор бермай, ўз томини ахтариб, қанот қоқарди. Кўн айлангач, ниҳоят, ўз-вайронасини топиб, эҳтиётлик ва қувонч билан қўнди-да, мурод-мақсадига етди.

Агар вайрона бўлса ҳам, бу ўз уяси-да. Ёт-бегона жой — шох қасрини не қилсин!

Агар яхши эътибор билан қарасангиз, ҳатто қушга ҳам бировнинг ҳашамдор қафасидан ўзининг тиканли уяси афзал эканини тушунасиз.

## LXXI

### ҲИКМАТ

*Искандарнинг Арастудан, киши табиати ўз ватанида яшаш ва ўрганган масканда ором олишни нечун истайди? — деб сўрагани ва бунга ҳакимнинг жавоби*

Яна мушкул — қийин ишларни ҳал қилишга қизиқувчи шох сўради:

«Эй, барча қийинчиликларни ҳал қилишни истовчи устоз! Киши қайси манзилда яшаб — маншат қилса, табиати ўша ерга ўрганиб қолади. Лекин қанча ҳаракат қилсак ҳам одамлардаги бу одатнинг тагига етолмаймиз. Масалан, бировларнинг зиндондан баттар бузуқ қулбалари ўзларига жаннат боғидан ҳам гўзал кўринади. Бу ишда қандай ҳикмат бор? Сабабини баён этишингни илтимос қиламан!»

Допишманд ҳаким жавоб берди:

«Бу бобда ҳамма ҳар хил фикр айтган. Лекин фан-ҳикмат аҳлларининг ва барча мутафаккирларнинг фикри бир жойдан чиқади.

Биров бир нарсага ўрганиб қолса, ўша ўрганган нарса-сига етса шоду хуррам бўлади. Масалан, гадо ўз вайрона гўшасини истаганидек, шох ҳам қасру айвонини тилайди. Сабаби эса, бу одамларнинг табиати, яхши-ѐмонлигидан қатъи назар, шу жойга ўрганиб қолганидadir.

Киши табиати ишмага одатланар экан, шу одат эскир-

гач — табиийлик касб этади. Ҳикмат ва билимларга қизиқувчи шохга маълумки, табиат ўз даражасидан чекинмайди, ўз мавқеида туради. Киши табиати ҳам шу усулда парварши топади, яъни ҳар ким ўз табиатишнинг майли билан иш кўради. Бировнинг табиати қаерга ўрганган бўлса, ўша ўрганган жойини кўмсайверади. Кейин бу — одатга айланади, шу одат айни киши табиатида кўпинча ўзгармай қолади. Киши табиати шундай, у ўз майли билан буни ўзгартириши қийин».

Устоз булут сингари дур тўккач, эшитувчи дурдоналарни денгиздек қилиб олди.

## LXXII

*Искандарнинг қуёшдек жаҳонгирликдан сўнгра, денгиз фатҳи учун орзу кемасига тушиб, ҳавас елкасини кўтаргани ва ҳақимлар билан маслаҳатлашиб, Рум денгизи соҳилига ер юзидаги моҳир усталарни йиғиб, кема қуришга амр қилгани ва ойга ўхшаш уч минг кема қурилганидан сўнг, уларни ёйдан чиққан ўқдек тезлик билан юргизгани ва Искандарнинг у кемаларда юриб, сувдаги мавж хатларидан денгизлар фатҳномасини ўқигани*

Бу денгиздаги гавҳар сочувчи гаввос сўз гавҳаридан шундай нишон беради:

Искандар оламни тамом олиб бўлгандан сўнг яна рум мамлакатига қайтиб келди. У ўз ватанида ниҳоятда хурсандчилик билан бир неча замон ўйнаб-кулди. Унинг юзи у мамлакатга худди шараф буржидан чиққан порлоқ қуёшдек нур сочиб турарди. Искандардап ҳамма ва ҳар қандай жойининг халқи баҳраманд бўлгану, аммо уларнинг ҳеч бири Рум элидек шодланмаган эди. Рум аҳли бутун дунё олдида, дунёдагина эмас, тўққиз қават осмон олдида ҳам Искандар билан фахрланарди. Тўрттинчи осмонни қуёш жилвоғох қилган экан, фалакнинг бундан фахрланишига ажабланишининг ўрни борми?

Шох бир неча вақт ўз ватанида ором олди, дилороми билан айш-пўш қилди. Лекин кўнглига кўнгина фикрлар келар эди. Масала: «Таингнинг мадади билан жаҳонгирликка ҳаракат қилиб, йўл юриб, бутун жаҳонни олдим. Дунёда бор бўлган барча махфий, маълум ва помаълум гаройиботлар: ўсимлик бўлсин, кону жонивор бўлсин, гаройиб кўринишли, ажойиб шаклли нимаики бўлса, фалак уларни меннинг кўз ўнгимдан ўтказди, ҳаммасини бошдан-оёқ томоша қилдим. Нимаики ер юзида бўлса, бору йўғи ҳаммаси назаримдан кечди. Ва лекин денгиз сайрини



қилмадим, у ерда нима сирлар борлигини билмадим. Соҳилларда гаройиботлар кўн бўлгани каби, оролларда ҳам ажойиботлар бениҳоя эканини айтадилар. Ундай қизиқ нарсалар денгизларда қанчалик кўн бўлса, океанларда беҳадду ҳисоб эмишлар. Жаҳон деб аталмиш бу думалоқ шаклдаги ернинг кўн қисми сувлар орасига яширинган. Қуруқлик сувнинг ўндан бирича ҳам бўлмаса керак. Биладиган кишилар ҳам анигини айта олмайдилар. Бу оламда шундай қатламлар борки, унинг олдида тўққиз қабат осмон ҳеч нарса эмас. Модомки ҳисобда бу ҳечдан ҳам кам экан, кишилар ер юзининг ўндан бир қисмини ҳам кўрмаган бўлишлари мумкин. Модомки у қатламлар олдида осмон қабатлари ҳеч бўлиб кўринса, унинг қошида қуруқлик ҳечдан ҳам кам бўлса керак. Шундай экан, жаҳонни кездим, деб ортиқча, ёқимсиз лоф ура беришнинг нима аҳамияти бор? Осмон ва юлдузларнинг ҳақиқий моҳияти борасида кишиларга билим бериш қўлимиздан келмайди. Расадхоналар қуриб, уларни кузатишни билганимиз билан ҳақиқий ҳолни англашга ақлимиз йўноқлик қилади. Улар жим турибдими ёки айланаяптими, уни билишга киши қодир эмас. Жаҳонни бошдан-оёқ эгаллаб, ўзимга қаратиб олдим, унга ҳукмронлик қилишга муяссар бўлдим. Худо ер юзини менинг мулкимга айлантириб, ўзимни мулкдору барча ишларга қодир қилиб қўйди. Шундай бўлгани ҳолда мен ўз мулкимда нима борлигини билмасам, билмаганим устига билишнинг чорасини кўрмасам, мен билан гафлат денгизга гарқ бўлган бошқа кишилар ўртасида қандай фарқ қолади? Ер юзининг жами қуруқлигида ва жами дарёю денгизда нимаки бор бўлса, агар бахт-саодат менга ёр ва ҳамроҳлик қилса, юриб барчасини кўришим ва ҳаммасидан хабардор бўлишим шарт. Қуруқликни Хизрнинг йўлдошлигида айланиб чиқдим, энди Илёс билан сувга қадам қўйсам, ишимнинг охири хайрли бўлур». — деган хавас кўнглига ўрнашиб қолиб, бу фикрдан қайтишнинг ҳеч қандай чорасини тополмади.

Хаваснинг бўрони зулмкорлик қилса, ақл хонумонини барбод этади.

Бу хаёл, яъни денгизларни фатҳ этиш Искандарнинг кўнглини забун этиб, миясига қаттиқ ўрнашиб қолди, унга «биймижунун» юзланган эди. Кўнглида яширинган нарсаларни сир сақласа, жонига жабр бўлишини билиб, тездан билим аҳлларини ва давлат арбобларини ўз ҳузурига чақиртирди ва улар билан анжуман тузиб, юрагидаги орзусини очиб ташлади: яъни кўнглида нима мақсадлари

бўлса, ҳаммасини бошдан-оёқ изҳор этди. Уларнинг ҳаммаси бунинг истаги денгизга саёҳат қилишдан иборат эканлигини билди. Бир хил кишилар бу фикрдан қайтишни маслаҳат берган бўлсалар ҳам, лекин қайтиш-қайтмаслик яна шохнинг ихтиёрида эди. Шох уларнинг сўзларини шундай ўринли важлар билан рад қилдики, унга қарши жавоб қайтаришга ақл ожиз эди. Уни ман қилиш лозим эмаслигини ва рози бўлишдан бошқа тадбир йўқлигини билиб, ҳаммалари маъқул топиб, дуо қилиб айтдилар:

«Сенинг кўнглингга бу муддаони худо солган. Умид қиламизки, оллоҳ лутф-марҳамат айлаб, бу юришда ҳам сени мақсадингга эриштиргай!»

Шох қайси бир ишда одамлардан қатъий фикр эшитмаса, уни тезлаштириб юборадиган одати бор эди. Шу жиҳатдан, шох қайси томонга бормоқчи бўлар экан, маслаҳат мажлисидаги одамлар унинг кўпинча фикрига қўшилишар эдилар.

Агар шох машварат — мажлисида қаттиққўллик қилар экан, унинг ситамини чекмасликнинг иложи борми? Лекин гайбнинг сирри маълум бўлмагани каби, қазо нимани қисмат қилиши ҳам аён эмас. Кўп фикрлар бўладикки, ақл унга юз хил далил келтириб — маъқуллагани билан бари бир, охирида нотўғри бўлиб чиқади. Шундай ишлар ҳам бўладикки, нафас уни ёқтирмай, қаршилиқ кўрсатгани ҳолда, охири яхши натижа билан хулосаланади. Лекин қандай иш бўлмасин, бахт-иқбол раҳнамолик қилса, фалак ҳам унга бўйсунди. Энг яхшиси шуки, шох қай тарафга юзланса, қавмлари унинг салтанати соясига сиғишсинлар. Бу ҳолатда иш ўнгидан келиб қолса, хурсанд бўлиб; хунукроқ чиқса, узрли ва маъзур бўладилар.

Мажлис аҳли Искандар сўзини маъқуллагач, ўзининг бу фикридан кўнгли ёришди. Тездан ҳунарманд усталарнинг кема ясаш учун шошилишча ишга тушишларини буюрди. Қандай асбоб-ускуна даркор бўлса, олиб, уч мингта кема созласинлар, деди. Унинг минг донаси шох ва у билан бирга ҳамроҳ бўладиган кишиларга хос бўлади; яна мингтаси аркони давлатнинг, яъни давлат арбобларининг денгизда кетишлари учун; саккиз юзтаси жанговар сипоҳларга ва икки юзтаси эса бозор-ўчар, олди-сотди қиладиган ходимларга мўлжалланади. Искандар, денгизларининг офатларига қарши қуролланган ва ўзи учун ажратилган мингта кемани тубандагича тақсимлади: юзтаси худди шаҳардек катта кема бўлиб, унга тушган одам шаҳар ичида юргандек роҳатда бўлиши керак. Шаҳар

бўлганда ҳам шундай шаҳар бўленики, унда кўча-кўйлар, маҳаллалар ва қўноқхона — саройлар бор; яна уч юзтасининг ҳар бири — бемалол мингтадан аскар сиғадиган кема бўлиб, ундаги ҳар бир одам саккиз йилга етadиган яроқ билан таъминланган ва хотиржам бўлиши шарт; яна икки юз кемага сафарда қатнашувчи кишилар учун гамланган озиқ-овқат ортилиши керак эди; яна юзтасига таноб ва арқонлар жойланиши лозим бўлиб, булар билан денгизнинг сатҳи ўлчанади; яна икки юзтасига туялар ва отлар жойлаштириладики, буларнинг қирғоққа чиққанда керак бўлиши кўзда тутилган; яна икки юзта тез юрувчи, тезликда эса, шамол билан басма-бас ўйнайдиган қайиқ эди. Қолган икки минг кема ҳам шуларга ўхшаш бўлиб, ҳаммасини зеб-зийнатлар билан — ҳашамдор қилиб битказишга буюрилди.

Жаҳонгир шоҳ шу тахлитда фармон бергач, дунё кишилари бу фармонни бажаришга киришдилар. Бир қанча бинокор усталар ва бир печа минг ёғоч кесувчи ҳунармандлар ишга тушиб, ўрмон ёқаларидаги дарахтларни кесиб келтириб, усталарни шошириб ташлади. Бу кема ясовчи меҳнаткашларга Рум денгизи соҳилларида манзил ажратиб берилган эди. Шу сув ёқасидан икки-уч тош масофада, ўн-ўн минг бинокор уста кечаси-қундузи демай, арра-тешалар билан зўр бериб ёғочларни ишлар эдилар. Яна шунча шогирд ва мардикорлар ҳам имконият борича саъй-ҳаракат қилар эди. Хусусан, икки-уч минг элчил кишилар қундан-қунга ишни тезлатиб, ўз ташаббусларини бошқаларга намуна қилар эдилар. У соҳилда шундай иш қизиб кетдики, гўё Рум денгизи жунбушга келгандек бўлди. Шу хилда уч йилдан ортиқ вақт ичида уч минг кема тайёрланиб, денгизга туширилди.

Ниҳоят, юқоридаги тақсимот бўйича, ҳар ким ўз кемасидан жойини олди. Кемаларга бир печа йиллик йўл асбоб-анжомлари ва денгизда юриш учун керак бўладиган ҳамма зарур нарсалар ортилди. Уларнинг ҳаммаси кемаларнинг тегишли жойларига сарапкомлаб қўйилди.

Шундан кейин шоҳ дарё каби, дарёгина эмас, чархи муалло<sup>1</sup> каби ҳаракатга келиб, мамлакат кишилари билан хайрбод қиларкан, элни навозиш ва яхши тилаклар билан хушнуд айлади. Сўнгра шамолдай учқур отига суворий бўлиб, жўнаб кетди. Унинг хонадон аҳлилари ўқенишиб қолдилар. Искандар ўз аргумогининг жиловини қўйган

<sup>1</sup> Ч а р х и м у а л л о — юсак осмон.

ҳолда, Рум ва Фаранг денгизлари қирғоғига чоптириб борди. У даштдан соҳилга етгунча, худди дарёга томон суръат билан оққан селдек бетўхтов югуриб борди. Оти денгиз қирғоғига бориб етгач, дарё юришли шоҳ унинг жиловини тортиди. Бу фурсатда юқорида зикр қилинган сутурлобни тузган доғишманд олимлар яхши соат келишини кутиб ўтирар эдилар. Яна бир лаҳзагина кутиб туриш лозим эди. Шу пайтдан фойдаланиб, қуруқликда қоладиган элга мурожаат қилиб, шоҳ деди:

— Эй, менинг қавмларим! Хизматимни кўп қилган эдингиз, энди эса бугундан бошлаб айрилиқ гуссаени чекадиган бўлдингиз. Мен сиздан ажраб бўлса ҳам шу сафарга кетаётганимдан хурсандман ҳамда сизнинг барчангиздай мишнатдорман ва розиман. Қазо менинг бошимга бу сафарни солди, киши тақдир ҳукмидан қайга қочиши мумкин? Нимаки десам — қулонгизда асранг: бир қанча вақтдан сўнг менга кўз тутинг. Менинг молим, мулким, ва тутган йўлим ҳаммангизга маълум. Ҳар бирингиз ўзингизга тайинланган вазифани биласиз. Қайси ишни кимга буюрган бўлсам буйруғимдан бир қарич четга чиқмангиз. Барча сўзларимни кўнглингизга тугиб олинг. Ҳаммангиз саломат бўлинг, яхши қолинг! Гоҳо дуо билан ёд этинг! Шу хизматингиз билан бизга мадад этинг!

Бутун ўлкаларнинг ҳокими бўлмиш шоҳ шундай сўзларни айтarkan, эл-улус бирдан жунбушга келиб, қийчув қилиб юбордилар ва кўзларидан дарёдек ёш оқизиб, унинг жонига дуо ва сано айтдилар; яхши тилаклар тиландилар. Дуодан сўнг, тубандагича калом дедилар:

— Хоҳ қуруқликда ва хоҳ денгизда мақом тутсанг ҳам бари бир, биз сенинг фироқинг билан гам тортамыз. Аммо сенинг ҳақингда яхши-ёмон гап айтишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Доим ўйнаб-кулиб, хурсандчилик билан ҳаёт кечир! Қайда бўлсанг ҳам ҳақ-таоло паноҳида бўл! Нимаки амр этган бўлсанг, то жонимиз бор, уни бажарамиз, уни унутишга бизнинг имконимиз ҳам, ҳаддимиз ҳам йўқ. Сен биздан дуо умид қилдинг, дуодан бўлак қўлимиздан не иш ҳам келур эди?

Уларнинг гапи шу ерга етганда, бахтли юлдуз ўз буржида тулуъ<sup>1</sup> айлади. Шоҳ сутурлобга қаради-да, кема у томон юриб кетди. Қуёш жади буржидан хут буржига томон ўта бошлаган эди. Бу вақт хут — март ойи, яъни ёмғир чоғи бўлгани туфайли, халқнинг кўзи ҳам тўхтовсиз

<sup>1</sup> Т у л у ъ — балқиб чиқиш.

ёмғир тўқар эди. Шоҳ кемага чиққандан кейин бошқалар ҳам сар-басар кемаларга чиқиб, жойланиб олди. У уч минг кеманинг ҳаммаси одам ва керакли ашёлар билан лиммо-лим тўлди. Юришга буйруқ берилгач, овозда мард кемачилар ўз кемаларини тезлик билан денгизга томон ҳайдадилар. Гуж-гуж кемалар бирдан жупбушга келиб ҳаракатланганда, кенг ва чуқур денгизнинг сувлари бошдан-оёқ тўлқинланиб кетди. Сув юзида сузиб кетаётган буюк шаҳарнинг ҳаракати кўз ўнгингизга бошқа бир оламни келтирар эди. Булут кўм-кўк осмонни қоплагандек, кемаларнинг қораси ҳам кенг денгиз юзини қоплаб олган эди. Салобатли шоҳ ўзининг шу хилда юриши ва оғир юклари билан денгизни босиб борар эди. У ҳеч хавф-хатар қилмай, истаган томонига юриб, денгиз кўксини чок-чок йиртар эди. Шу хилдаги меҳмонлар денгизга ташриф буюргач, сув мезбонлик расмини кўрсатишга шошилиб қолди. У булут сингари ҳар тарафга ҳовуч очиб, ҳар қанча садаф бўлса жамлаб, ҳамма дурларини юзага чиқазиб, барчасини меҳмонлар устидан нисор қилиб сочар эди. Шоҳга эса алоҳида ҳурмат кўрсатиб, садаф ўрнига шоҳона дурдоналарни сочар эди. Агар кимнингки шундай меҳмони бўлса, дургина эмас, жонини нисор қилса ҳам арзийди.

Эй, косагул! Денгиз каби зўр қадаҳ олиб кел, зеро, денгиздек улуғ ҳимматли шоҳ денгиз ичидадир. Ўша қадаҳни менга тут, уни ичиб шодланай ва сероб бўлай. Чунки лабим денгиз лабидек қақраб қолди.

Эй, муғанний! Муғли бир куй чал, созингга ҳазин бир қўшиқни ҳам жўр айла. Сенинг таронанг менда осмон гирдобидек ҳолат пайдо қилиб, кўз ёшларини дурри-нобдек тўксин!

Эй, Навоий! Фано кўчасига қараб юриш қилавер, чунки бу дунёнинг иморати сув устига қурилмишдир. Ўз кўнглингни шу иморат билан қувонтирма, кўпикдан қилинган омонат уйга ишонма!

## LXXIII

*Искандарнинг ҳукамодан<sup>1</sup> денгиз вазиятин савол этгани ва Суқротнинг ер курраси атрофида сувнинг қайси хилда ихота қилганин шарҳлагани, океан атрофидаги етти кўк денгизнинг етти зангори осмондек потинчилиги ва*

<sup>1</sup> Х у к а м о — ҳакимлар, олимлар.

*Ўнпрезлиги таърифи, ўн икки минг жазиранинг денгизда қандай тақсимлангани ва қандай жойлашганлигининг тафсилоти; кўл-денгизлар шарҳидан элли ҳайратга солиб ва наҳрлар можаросидан савол сўровчини лаб қуруқликдан денгиздек сероб қилгани*

Хуллас, шоқ-денгиз томошасини бошлади, унинг кема-сининг кўкси сувга теккан кунни бутун илм-фан аҳлларини бир жойга жамлаб, ҳаммасига дилжўйлик қилиб — кўн-гилларни кўтариб:

— Денгиз ер юзида қандай жойлашган? Унинг ҳолатини баён қилиб бериңгиз! — деди. Шунда ҳамма олимлар ўйлаб, мулоҳаза қилиб:

«Сукрот ҳаким баён қилсин, зеро у, донишмандларнинг устози бўлиб, мияси ақл ва илм билан ободдир», — дедилар. Шундан сўнг, денгиз мартабали шоҳнинг саволига доно Сукрот шундай жавоб берди:

«Ер жисмининг тузилиши тўғарак-курра шаклида бўлиб, ҳаёт эгаси уни шундай қилиб яратди. Лекин курраин арз сув ичида бўлиб, унинг сувдан ташқаридаги қисми жаҳон деб аталади. Унинг обод шаҳарлар, тоғ ва чўллардан иборат инсон яшайдиган қисмига ер юзи дейилади. Шунингдек, мана шу ер куррасининг сув билан ихота қилинган очиқ ва қуруқ қисмига етти иқлим дейилади. У ҳам тамоман очиқ эмас, уни ҳар тарафидан денгиз ўраб олган. Баҳри Муҳит — Океан эса, фалак гумбазига ўхшаган бўлиб, унинг атрофини етти денгиз ўраб олган. У денгизлар ҳар тарафдан ер куррасида бўлмиш тоғу чўллар орасига кирган. Бундан бошқа яна ўн олтита денгизчалар бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос оти бор. Шунингдек, яна юздан ортиқ дарёлар бор, улардан эл-юрт баҳраманд бўлади. Масалан, Кўҳак-Зарафшон, Ҳирот дарёси, Нил ва ё Фурот дарёси каби. Жаҳондаги ободончилик мана шу дарёлар шарофатидан бўлиб, халқ экин-тикинини сугориб, фойдаланади. Бу дарёларнинг асл манбаи булоқ-чашмалардан иборат, лекин охири денгизларга бориб қуйилади. Ҳалиги етти денгизнинг оралигида эса жазиралар бўлиб, буларда қанчадан-қанча шаҳарлар мавжуд.

Энди уларни шарҳлашга киришмасдан илгари шунини билишимиз керакки, юқорида зикр қилинган денгизларнинг ҳаммаси ҳам доно Сукрот баҳри Муҳит<sup>1</sup> деб атаган океандан ажралиб чиқади. Улардан биттаси Руму Фаранг

<sup>1</sup> Баҳри Муҳит — Тинч океан.

денгизи бўлиб, ҳозир сенинг ўзинг шу денгизнинг на-  
ҳангисан. Бунинг ичида ниҳоятда обод ерлар бор, бундаги  
жазиралар экинзору дарахтзорлардан иборатдир. Бундаги  
отларнинг адади олти юзтача бўлиб, у ерлардаги обо-  
дошлик ва маъмурчиликнинг чегараси йўқдир. Мағриб  
денгизини иккинчи деб тахмин қилайлик, у доим тинимсиз  
мавжланиб туради. Бу денгизнинг шимол ва шарқий  
чегаралари маълум бўлиб, бу ерда минглаб машҳур жазир-  
ралар бор. Учинчисини Заңгу Хабаш баҳри деб ҳисобла-  
сак, унинг тўлқин ва пўртаналарини кўрганнингизда, дево-  
на сув экан, деб ўйлайсиз. Унинг ичида бир минг уч юз  
жазира бўлиб, у жазираларнинг ҳосили бағоят кўпдир.  
Ҳинд денгизи тўртинчи ҳисобланади. Унинг яқинидан  
Синд дарёси оқиб ўтади. Унда икки минг бир юз жазира  
бор ва бир қанча чуқур кўллар ҳам мавжуд. Уммону  
Қулзум кўллари шулар жумласидан бўлиб, Ҳинд баҳри  
тўс-тўполон билан тўла нотинч денгиздир. Бешинчиси  
Чин-Хитой денгизи саналади. У сувда ҳам нисонлар яшай-  
диган жазиралар беҳисоб, яъни у уч минг етти юз оролни  
ўз ичига олган бўлиб, оролларнинг тоғи ҳам, текис ери  
ҳам кўп. Дувонг деган сувни олтинчи денгиз де, унинг  
ичидаги катта шаҳарлар кўнгилга роҳат бағишлайди. Унда  
икки мингта жазира бор. Денгиз сувида минг туман кема  
ҳар томонга сузиб юради. Еттинчисини Машрик денгизи  
деб ҳисоблайвер, қуёш аввал шу шарқдан нур таратиб  
чиқади.

Юқоридаги жазиралар бошдан-оёқ ўн икки минг бўлган  
эди, бундагилар билан ўн олти мингга етди, тамом-васса-  
лом. Биз баҳри Ҳазарни<sup>1</sup> булар қаторига киритмаймиз,  
бунинг сувини кўрган одамлар ваҳимага тушадилар. Унда  
ҳам ададсиз жазиралар бўлиб, уларнинг ичидаги ажойиб-  
бот-гаройиботларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ.

Буларнинг ҳаммасининг асл манбаи баҳри Муҳит бў-  
либ, бунинг таъриф-таваифи жуда кенг. Бу денгизларнинг  
барчаси шу океанга боғланган бўлиб, уч томони қуруқ-  
ликдан иборатдир. У муҳит бағоят чуқур, агар фалак шу  
сувга тушса, ғарқ бўлиб, чўкиб кетади. Унинг бошқа  
денгизлардан яна фарқи шундаки, унда ороллар мавжуд  
эмас. Лекин сувда ниҳоят баҳайбат жониворлари кўп,  
у махлуқларнинг шакли, вазоҳати жуда ҳам ажабланарли.  
Уларнинг сон-саногини ақл эгалари қанча деб гумон  
қилса, ундан ҳам ортиқдир. Денгизларнинг аҳволи, улар-

---

<sup>1</sup> Баҳри Ҳазар — Каспий денгизи.

нинг маҳражу мадҳали, қисқаси, мана шу баён қилганим-чадир. Агар биров буларнинг тафсилотини янада кенгроқ билишни орзу қилса, сув ичидаги саёҳат вақтида ҳаракат қилиб кўриши мумкин».

Искандар бу маълумотдан ниҳоятда хуррам бўлиб, доно олимга таҳсин ва офаринлар айтди. Бошлаб, етти денгиз ичига юриш қилишга, булардан сўнг эса баҳри Муҳитга қараб сузишга жазму қарор айлади.

Одамийлиги бор кишининг ҳиммати буюғу, аммо ҳимматига яраша гафлати ҳам ҳаддан зиёда бўлади. Лекин димоғига ўлим дуд соладиган бўлгач, орзу ва таманно ўтнини бунчалик алангалатишдан не фойда?

## LXXIV

*Машриқда ганж топган киши ҳикоятким, у ерда Мағриб хазинаси ҳақидаги хатни ўқигач, қуёшдек бошдан қадам қилиб, машриқдан мағрибга борди ва у мағриб зарини топгач, қуёш ғарбга ботгандек ўзи ҳам ерга ботди*

Биров шарқда бой ва нодир бир хазина топди. Хазинанинг эшигида эса тубандагича бир қизиқ хат бор эди:

«Кимки бу хазинани аниқ топаркан, агар мағриб диёрига бориб, фалон ерларни қараса, бундан ҳам катта ганж бор, у ерга шу хатни олиб борган одам бу мукофотни ҳам олғусидир».

Бу хатни ўқигач, хомтама бечора: «Иккала хазинани ҳам ола қолай», — деб ўз хаёлида бунга «ҳиммат» деган от қўйиб, тезда шошиб-пишиб, мағриб томон равона бўлди. У печа йиллаб дарё кечиб ва даштларни кезиб, бошидан қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатлардан сўнг истаган ерига етиб, ахтарган хазинасини топган эдики, шу пайтда бирдан бошига ажал етди. Шундай қилиб, у бечора на бу хазинадан баҳра олди ва на у хазинанинг роҳатини кўрди, машаққат чека-чека жонидан ҳам жудо бўлди.

Шоҳлик — ҳўлу қуруқ демай, беҳаловат кезиб, ҳам-маёқни забт этишдан иборат эмас, балки тангри берган неъматлардан элни баҳралантиришдир.

Кимки сабрли ва қаноатли бўлса, доно ва бахтиёр одам шудир.

## LXXV

*Искандарнинг Суқротдан, куррайи арзни бошдан-оёқ сув*



*иҳота қилмоғининг ҳикмати нимада? — деб сўрагани ва  
бунга олимнинг жавоби*

Искандар Суқротдан савол айлади:

— Эй, ҳар бир нарсани ортиқ-кам баён қилмасликда ягона бўлган устоз! Маълумки, сув ер юзини иҳота қилиб ўраб олган. Биз учун мушкул бўлган масалани баён қилиб берсанг, яъни қайси вақдан бутун ер юзини ва ундаги тоғу чўлларни сув қоплаб олмади? Нима учун ер юзига сув оз келди? Бори ҳам одамларга жуда азиз ва арзаанда. Баҳри Муҳит-ку ҳар тарафдан очиндир, лекин унинг атрофидаги етти денгиз нима учундир? Ундаи шу етти денгиз ажралиб чиққан экан, нима сабабдан унинг суви ер юзини босиб кетмади? Шулар ҳақида бизга маълумот берсанг!

Дарё юракли доно дуо қилиб, деди:

— Жаҳоннинг денгизга монанд шоҳи билсинки, баъзи одамлар ер юзининг тузилиши баланд-настликдан иборатдир, демишлар. Аслида эса, тузилиш жиҳатидан ер юзи думалоқ бўлиб, бу фикр илм билан муқаррар исботланган. Шу билан бирга ер юзи текисликдангина иборат эмас, буни ҳар қанақа одам ҳам ўйлаб кўрса, тўғрилигига тая беради. Масалан, қачонки ёғиш орқасида сел келадиган бўлса, у тоғдан настдаги водийларга қараб оқиб тушади. Мана шунинг ўзи ҳам оламнинг наст-баландлигини исботлайди. Илм эгалари ҳам бу фикрга қаршилиқ кўрсатмайдилар. Сув эса ҳар қачон чуқурликка қараб оқади, мана шу жиҳатдан ҳам баланд жойларда сув тўхтамайди ва кам бўлади. Бирмунча олимлар бу фикрни тасдиқлаш баробарида, буни тангрининг ҳикматидир, дейдилар. Бунинг акси бўлганда эса, ер юзи сув билан қопланиши лозим эди. Бундай қилиш тангригагина осондир. У ҳамма нарсани инсон манфаатига қараб йўналтирган...

Искандарга бу сўзлар маъқул келиб, ҳикматга тая бериб, сукут қилишга мажбур бўлди.

## LXXVI

*Искандарнинг етти денгиз билан ўн икки минг жазирадаги шаҳарларни фатҳ этгандан сўнгра, бир қатла муҳит атрофини паргор<sup>1</sup> сингари айланиб чиққач, муҳитнинг ўрта нуқтасига азимат этгани. Бу сайра ёғочларнинг<sup>2</sup> елдек*

<sup>1</sup> Паргор — циркуль.

<sup>2</sup> Ёғочот — кема.

*ҳаракати ва сув даштининг самовий ҳайъат билан кўриниши ва пўртанадан у даштда тоғ-тоғ тўлқинларининг пайдо бўлиши, майда шагаллардек сачраган сув томчиларидан кўпик қуббалари — хубоблар ҳосил бўлиши. Ниҳоят, Исқандарнинг Муҳит марказига етгани ва чархи гирдоб унинг бошини айлантириб, Исқандарияга етгани*

Бебаҳо фикрлар гавҳарини сочувчи киши бу воқеалар денгизида шундай сузади:

Денгизлар ҳақида Суқрот ҳақимнинг сўзларини эшитган дарё мартабали шоҳ бу ишлардан хабар топди. Денгиз ва океанлардаги аҳвол ва ундаги кайфият қанақалигини билиб, сафар ҳақидаги ниятини яна қатъийлаштираркан, илоҳий ҳақимга мурожаат қилиб, деди:

«Биз сенинг сўзингдан кўн баҳра олдик. Энди ёлвориб илтимос қиламизки, сайр-сафаримизга ҳам ўзинг нешволик қилгайсан! Бутун кемачи — маллоҳлару денгиз сафараридаги жамики сайёҳлар сенинг ихтиёрингда бўлдилар. Сен улар билан сувнинг оқимини топиб, халқни қай тарафга бошлаб борсанг, бизнинг ҳаммамиз, билгимдонлигинг туфайли сенга эргашамиз. Зеро сенинг фахму фаросатинг зўр, тафаккуринг бениҳоядир.

Суқрот бу илтимосни қабул қилиб, йўл бошлади. У қаёнга қараб юрса, эл-улус унга ҳамроҳ бўлди. У ҳар бир ишга эҳтиёткорлик билан ёндошар, кема аҳли эса унга мулозимлик қилар эди. Суқрот у йўлдаги ишларни назорат қилиб борса, унинг ишига денгизлар пирини Илос қўриқчилик қилар эди. У кемаларни худди қушдек учуриб, сув сайр-сафарини бошлаб юборди. Булар тушган сув Фаранг ва Рум денгизи бўлиб, унинг аҳволи — вазияти ханузгача ҳеч кимга маълум эмас эди.

Шоҳ аскар ва сипоҳлари билан у ердаги жазираларни фатҳ этиш ишига киришиб кетди. У қай томонга юриш қилса, у ерни олар, олгач эса у жойлардаги ажойибот ва гаройиботларни томоша қилар эди. Ўзи сувдаги шаҳарларни фатҳ этгани ҳолда, жазираларда янги шаҳарлар ҳам бино қилар эди.

Лекин у бир қанча кишиларни сув қирғоқлари бўйлаб йўл юришга тайинлаган бўлиб, унга ҳам анчагина кема ва илм аҳллари ажратилган эдики, булар ҳам кеча-қушдуз демай ҳаракат қилардилар. У одамлар, сувдаги кемалар билан худди сувда пайдо бўлган хубоб-қуббалари каби юриб, денгизларининг атрофини таноб билан ўлчар эдилар. Улар соҳиллардан то бир қулай жой топгунча йўл босиб, ўлчаш ишларини олиб борар эдилар. Қасрки ўрмон ёки

тоғ билан ўралган бўлса, танобчилар у ерларни ўлча-масдан ўтмас эдилар. Йўловчилар сув ичида кема билан шитоб қилиб юриб, сув қирғоғини таноблар эдилар. Бир катта кеманинг ичига, ҳар томондан ўн икки минг қари (метр) узунлигида таноб тўпланган эди. У танобларнинг бир учи бир жойда турган кемадаги лаңгар тошига боғланган бўлиб, иккинчи учини бошқа кемадаги одамлар ушлаган ҳолда, то охиригача тортиб борар ва шу хилда ўн икки минг қари таноб билан ўлчар эдилар. Таноб учини ушлаган кема юрган сари, бир жойда турган кема танобни бўшатаверар эди. Юраётган кеманинг таноби тортилиб қолгач, юришдан тўхтаб, кемадаги одамлар унинг лаңгарини сувга ташлар ва иккинчи кема эса сувдан лаңгарини олиб, денгизда тезлик билан юриб, танобларни йиға бошлар эди. Бу танобни то охиригача йиғиб тамомлагач, ўша жойда тўхтар, турган кема эса яна танобини тортиб, жўнаб кетар эди. Танобчилар кема билан шу хилда юриб, ўлчаб боравердилар: ҳисобчилар эса бир чеккадан иеча таноблигини ҳисоблайвердилар. Денгиз атрофини мана шу хилда айланиб, бутун теварагининг қапчаллигини ўлчаб чиқдилар. Яна бирмуича ҳисоб аҳллари мана шу каби ҳаракат қилиб, денгизнинг кутрини<sup>1</sup> таноб билан ўлчадилар. Ҳисобчи олимларнинг бошлиғи зарбу тақсим билан пухта ҳисоблаб, у денгизнинг атрофи қанча узунликдаю сатҳи қанча кенгликда эканини аниқладилар.

Шоҳ денгиздаги бутун жазираларни фатҳ этиб бўлгунча, Суқрот ҳаким ҳам денгиз атрофию ва сатҳини ўлчаб, ҳисобини бошдан-оёқ тўғрилаб қўйди. Шунингдек, у сувда қандай воқеалар юз берган бўлса, барча тафсилотини бир хатга ёзиб, у мактубни пухта ўраб, ўзлари билан Румдан олиб келган бир кабутарнинг оёғига боғлаб, уни Румга учуриб юборишга қарор қилдилар. Қаптар ҳам қанот қоқиб, осмонга парвоз қилди. У барча Рум аҳлига, Румгина эмас, ер юзининг бутун тоғу даштидаги одамларга хушхабәр олиб келди.

Шу хилда, тўлқинланиб ётган етти чуқур ва хунхор денгизиши кезиб, худди сув устида енгил ва кучли шамол изгиганидек, барчасини босиб ўтдилар. Денгизда ажойиб ва гаройиб нарсалар гоятда кўп эди, буларнинг ҳаммасини ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу орада ўн икки минг оролни бошдан-оёқ айланиб чиқдилар. Ғайрат ва шижоат билан оролларнинг ҳаммаси эгалланди Суқрот ҳаким

<sup>1</sup> К у т р — диаметр.

гайрат ва жасорат билан таноб тортиб, бу жазираларнинг ҳам бутун узунлиги ва кенглигини ўлчатиб чиқди. Етти денгизнинг барча яхши ва ёмон тарафларини аниқлаб, забт қилиб олинди. Мана шу сайр-сафарда баҳри Муҳит атрофи бир айланиб чиқилган эди. Қалам эгаси бу воқеаларни ҳам ёзиб, хат ташувчи қуш билан ҳижронда қолган элга хабар қилди.

Шоҳ ҳам ўз хайли билан Муҳит атрофини айланиб, яна қайтиб, Фаранг денгизига келиб чиққан, у ердаги бир жазира ичида мақом тутган эди. Денгиз ичига тушиб, саёҳатга киришган кунидан то бу дамгача тўла ўн икки йил вақт ўтибди. У жазирага тушиб, дам олишга қарор қилиши билан эл-улус кўнглига шодлик бағишлади. Улар энди сафар тугади, ватанларимизга қайтиб, ором оламиз, деб гумон қилдилар. Яна денгиз суръатли шоҳ донишманд Сукротни ўз ҳузурига чақиритиб, денгизда қилинган илмий ишлар ва ўлчанган жойлар ҳақидаги қоғозлару хат-ҳужжатларни олиб келишни буюрди. Бу хат-ҳужжатлар тўла бир кема юк бўлиб, унда қоғоздан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. У ҳужжатларнинг барчаси сандиқлар ичига жойлашган ва сандиқ устидан яна чарм гилофлар билан мустаҳкам қилиб ўралган эди. Бу чорани, ногаҳон қоғозга нам ўтиб қолса, ундаги ёзувлар ўчиб қолмасин учун қилинган эди. Варақ-варақ қоғозлар билан тўлган у кема қайиқ сингари кичкина эмас, ниҳоятда чўнг-катта кема эди. Ҳаким сандиқларни очиб, қоғозларни чиқариб қараганда варақларга ҳеч қандай нам ва рутубат тегмаганлиги маълум бўлди. Шундан кейин шоҳ:

— Бир қанча ҳисобдонлар ўтириб, бу қоғозларда бўлмиш ададсиз рақамларни ҳисоблаб чиқсин! — деди.

Ҳисобчилар уларни ҳисоблаб, ундаги рақамларнинг ҳулосасини чиқардилар. Ҳаким у сонларни бир сидра кўздан кечириб, кам-кўстларини тузатиб чиққач, ҳаммасини бошдан-оёқ шоҳга айтиб — изохлаб берди. Фалак мартабали шоҳ ақл югуртириб, у рақамларни ўзи ҳам бир сидра ҳисоблаб кўрди. Буларни ҳаким қанча ҳисоблаган бўлса, шоҳнинг ҳисоби ҳам шунинг тўғрилигини тасдиқлади. Шоҳ, энди сувнинг сатҳига йўл бошламоқчи бўлгани учун унинг қанча узунликда бўлганини чамалаб кўрди. Баҳри Муҳит денгизлар ичида энг улуғи бўлиб, бутун оламни ўз ичига оларди. Бу океanning бутун энию бўйини, ҳеч қандай кам-кўстенсиз, худди бир ҳовузни текшириб — ўлчаб чиққандай аниқладилар. Қимгаки жаҳон бир ўйин-қулги боғи бўлиб қолса, баҳри Муҳит каби океан ҳам унга бир ҳовуздек бўлиб қолиши ажабланарлими?

Эшитишимча, бир замонда бир ҳукмдор бўлиб, у доим тубандаги сўзни такрорлаб юрар экан:

«Дунё бир ҳукмдорнинг жойи, агар шундай ҳукмдор бўлса, ер юзи шуникидир». Жаҳон шундай бир ҳукмдорга эга бўлса, олам унинг бир саройига айланиши табиий эмасми?

Шоҳ океаннинг ҳажмини аниқлагандан сўнг, унда сайр-саёҳат қилиш даврини тубандагича тахминлади: агар кема сув ичида суръат билан тўққиз йилу етти ой сафар қилса, шу улуг океанни айланиб чиқиб, сафарни қасрдан бошлаган бўлса, шу ерга етиб келиши мумкин. Муҳитнинг бутун доирасини тахминлаб, унинг кутриши ҳам ҳисоблаб чиқилгач, бу сувни тўғри чизиқ бўйлаб кесиб ўтиш учун уч йилдан ортиқроқ юриш кераклиги маълум бўлди. Шубҳасиз, Муҳитларнинг маркази улуг океандадир. У марказ нуқтага етиб бориш учун икки йилдан камроқ йўл юришга тўғри келади. У ердан қайтиб келиш учун ҳам боришга сарф бўлмиш фурсатча вақт керак бўлади. Бинобарин, шоҳ Муҳит марказига бориб келиш учун тўрт йиллик йўл аяжоми тайёрлашга фармон берди ва шу муносабат билан мажлис чақириб, тубандаги сўзларни айтди:

«Бизнинг орзу-ҳавасларимизга одамлар «хом хаёл» ва «ҳавас» деб от қўйибдилар. Лекин ҳақиқатда бундай эмас. Кимки яхши-ёмон иш қилса, барчаси, шубҳасиз, тангрининг тақдири билан бўлади. Мен хоҳ ундай ва хоҳ бундай, нима иш қилган бўлсам, ҳаммаси тақдирнинг иродаси билан бўлгани туфайли, унга қарши биров тадбир кўра олмадим. Эл-улуснинг машаққатига сабаб бўлдим, халқ мен туфайли кўпгина ранжу алам тортди. Ҳозир бу ерда дам олиб туриб билдимки, эл-халқ сафардан ниҳоятда зериккан. Агар уларнинг сафарга рағбати йўқ экан, ҳақ уларнинг тарафида эканига имоним комил. Аммо менинг бу бобдаги орзуйим охирига етмаяпти, яна юришни давом эттириш ниятида турибман. Ун уч йилдан бери етти денгиз ва ундаги жазираларни кезиш ва сайр-томоша қилиш билан умр ўтказишимизга қарамай, асл сув сайридан мақсадим океанни ўрганишдан ўзга нарса эмас эди. Шу фурсатгача денгизларда юриб, қанчадан-қанча жойларни фатҳ қилган бўлишимга қарамай, то сув атрофларини айланиб, ўлчаб чиққунча бўлган ишларнинг ҳаммаси иккинчи даражадаги ишлардир. Менинг асл истагим тубандагилардан иборат:

Мен фақат океанларнинг атроф доирасини айландим, энди эса, унинг маркази ва у ердаги чуқурликни ҳам кўр-

сам, билсам ва аниқласам, деган умиддаман. Агар худо умр берса ва муваффақият ато айласа, кема баҳри Мухитда яна тўрт йил сузиши керак: икки йил боришу икки йил келиш. Лекин, киши гайбнинг ишини, яъни тонгла нима бўлишини билмайди. Менга бахт ва давлат ёр бўлса ҳам бу йўлни босишда ҳеч қандай ихтиёр йўқ. Бу ишни буйруқ билан бажариб бўлмайди, кишиларда океани кезиш шияти йўқлигини ҳам биламан. Майли, бу масалада халқнинг кўнглига гашлик қўнамасин, уларнинг ҳаммалари бу сафардан озоддирлар! Йўлда ўлим хавфи ҳам бўлганидан кейин, нима учун мен кишиларни бунга мажбур қилайин? Энди, одамлар хотиржамлик билан биздан ажраб, ўз ватанларига қайтаверсинлар!»

Рум шоҳи бу сўзни охирига етказмасданоқ халқ бирдан норозилик билдириб, фигон чекиб юборди:

«Эй, шоҳ! Сенга ҳамроҳ бўлиб юрган бу одамлар нима гуноҳ қилдики, сен уларнинг хизматини рад этиб қолдинг? Сенинг хизматингни адо этишда қанчалик нуқсонларимиз бўлишига қарамай, бари бир, яхши бўлсак ҳам — ёмон бўлсак ҳам сенга қўлмиз. Ҳаммамизнинг мақсадимиз, шод бўлсак ҳам — гамнок бўлсак ҳам донм сен билан бирга бўлишдир. Борди-ю, ажал жонимизга қасд қилгудек бўлса, вужудимиз сенинг даргоҳингнинг туپроғига айлансин. Нима қилдикки, донишманд шоҳ ҳаммамизни шундай рад этиш режасини тузди? Нима бўлдики, шоҳ ўзидан аскарларни узоқлаштиришни, уларни айрилиқ балосига гирифтор қилишни истади? Сенинг мақсадинг қаёнга бўлса, биз ҳам ўша тарафга борурмиз, сен қасрда истиқомат қилсанг, биз ҳам ўша ерда турурмиз. Тирик бўла туриб сендан йироқ бўлганимиздан кўра, ўлганимиз яхшироқдир».

Искандар ўз қўшинларини азмойиш қилиб билдики, улар жонларидан тўйган эмаслар. Ҳаммаси бир оғиздан бунинг хизматига тайёр эканлигини кўриб, шоҳ уларга миннатдорчилик изҳор қилди. У одамларнинг ҳаммасига офарин айтди, ҳаммаларига ишоят — яхшиликлар қилиш ҳақида ваъдалар берди ва деди:

«Сизнинг хайрли ишингиз эвазига таъғри яхшиликлар ато қилсин! Менинг бу гапларни айтишдан мақсадим, машаққатлар халқнинг аҳволига қандай таъсир қилганини ва менинг фикримга бошқаларнинг қандай қарашларини билмоқ эди. Ҳаммангизнинг менга бўлган ихлос ва садоқатингизни тушундим. Кўнглимдаги хавфлар ҳам батамом кўтарилди. Бояги-бояги мен сизга шоҳ, сиз ҳам менинг лашкарларимсиз. Бошимга ёмон кун тушса,

паноҳимсиз. Бу ихлосингиз тугайли худо ёрингиз бўлсин, машаққатли кунларда ҳақ паноҳида бўлгайсиз!»

Эл шод бўлиб, шоҳ ҳақиға дуо қилди, унга садоқат изҳор этди. Шоҳ кўп ўйлаб, ғоят оқилона фикр билан халқни уч қисмга бўлди. Жумладан, кемада бўлмиш икки миң кишини ажратиб, деди: «Энди худо ёрингиз бўлсин, сизга жавоб». Зотан буларнинг у қадар қиладиган ишлари ҳам йўқ эди, кишиларнинг ортиги оғир юк бўлиши ҳаммага маълум иш. Шоҳ уларни лутф-марҳамат билан шодмон қилиб, ватанларига томон йўлга солди.

«Сиз Рум шаҳарига қайтиб, менинг саломатлигимдан у ердагиларни хабардор қилинг. Аввал-бошлаб етти очиқ денгизни ва ундан сўнг, ўн икки миң жазойирни тигу тадбир-ла фатҳ этганимни, бу тадбир ҳам фақат тақдир иродаси билан бўлганини баён қилинг. Энди мен баҳри Муҳитни ўрганиш мақсадида эканлигимни, унинг учун ортиқча одам керак эмаслигини айтинг. Дарҳақиқат, у бир мамлакат ва ё бир шаҳар эмаски, унинг учун қўшин керак бўлса. Бизни қайтариши ва Муҳит ичига оз одам билан боришининг бонси шу бўлди, денг!» — деди.

Уларни шу баҳона билан жўнатгач, етти юз кемадаги одамларни ҳам ажратиб айтдики:

«Сиз ўз тўдангиз билан ушбу манзилда ором олиб туринг. Тўрт йилгача шу ерда мени кутинг. Бу муддатда сиз мени муҳофаза қилиб, қўриқланг. Шу баробарида, Румдан кўп матолар олиб келинг, чарчоқни ва бош оғригини даф этадиган дори-дармонларни муҳайё қилиб қўйинг. Мен агар сафарни жиддийат билан давом эттириб, ваъда қилган фурсатимда қайтиб келсам, у ашёлар қувватимизга қувват қўшиб, бизнинг янада парвариш топишимиз учун даркор бўлур. Агар шунча ҳижрондан сўнг яна бир-биримиз билан дийдор кўришиш бахтига муяссар бўлсак, хурсандчилик билан ўйнаб-кулиб яна Румга азм этармиз. Ва агар борди-ю, фалак ўз золимлигини қилиб, ҳаёт бошқачароқ ўйин кўрсатиб қолса, чайқалиб турган денгиз мени ўз қаърига тортиб, қонхўр океанга гарқ қилиб юборса; сувда тирикчилик қилишга қўймай, бу аждаҳони наҳанглар хароб ва забун этса; сизларга қилмиш ваъдамизга ўз вақтида етиб келолмасак; мақсаднингиз ҳосил бўлмай, ноумид қолсангиз, бизнинг ҳақимизга дуо ва яхши тилакларингизни ёзиб қолдириб, кутиб ўтирмай, ўз йўлингизга равона бўлинг!»

Шундан сўнг, яна юрганда худди осмондаги ҳилол — ойни эслатадиган уч юз учқур кемани ажратиб, ҳикмат аҳллариининг ҳаммасини ўзи билан олиб, уларга ҳамроҳ ва

ҳамкорликлари учун мишнатдорчилик изҳор этди. Сўнгра у уч юз кемани денгизда керак бўладиган нимаики нарса бўлса, ҳаммаси билан лиммо-лим тўлатди. Шундай қилиб, қаҳрамонлик сифатларига эга бўлган, шижоатли, яқдиллик ва баҳамжихатлик билан иш қиладиган кишилардан бир неча минггача ўзи билан олди. Уларнинг ҳаммаси кема ишларини билишда маллоҳлардек; денгиз тубига тушиб, сузишда худди тимсоҳлардек; қандай хизмат бўлса, қойил қиладиган; улар шоҳга, шоҳ уларга муқаррар зарур бўлган кишилар эдилар. Фалак каби жангжў шоҳ буларнинг барчасини ўз ўрни ва мартабаси билан кемаларга жойлаб, денгизга тушиб, жўнаб кетди. Бу ёндагилар кўзларидан дарёдек ёш оқизиб қолдилар. Шоҳ эса, кўз ёшидек денгиз устида оқиб, туну кун осмон каби ҳаракат қилиб, ер юзи сингари сув оралиғида борар эди. Унда кечаси тиним, кундузи ором йўқ; еб-ичиб роҳатланишу ухлаб дам олиш деган истақ йўқ эди.

Қанча қараган билан тоғу сахро кўринмас, денгиздан бўлак ҳеч нарса намоён бўлмас эди. Сув кўринишда осмондан ҳеч фарқланмас, унинг доираси эса, осмон фазоси билан тутшиб кетган. Денгизда кетаётган кишилар ўзларини гўё осмонда тургандек гумон қилар эдилар. Фалакда сайр қилиб юрган қуёш эса ер орқасига қараб ботмас эди. У ҳамма нурини денгиз ичига тўкиб, денгиздан чиқиб, яна денгизга ботар эди. Қуёш қачон сув тубига ботаркан, юзига сув рангли парда тутиб олар эди. Қуёш сув тагида суръат билан Машриқ томон юраркан, худди сувда сузиб юрган гавҳардек акс этар эди. Қуёш сув юзидан ғойиб бўлиб — яшириниб кетса ҳам лекин унинг нури сўнмас эди. У худди фокус ичида бўлса ҳам ҳаммаёққа нур сочиб турган шам сингари акс этар эди. Лекин унинг кўйлагини самовий бўлса ҳам одамлар мовий ипаклик деб аташар эди. Қачонки қуёш шами сувга ботса, осмон ўзининг гўзал ўйинчиларини юзага чиқазар эди. Чунки коннотда юлдузлар кўринишини билан уларнинг бутун акси сувга тушар эди. Уни юлдуз акси эмас, юз туман жонивор сув мавжидида ўз суратини намоён қиляпти, деяверинг. Бу кўриниш гўё бир зийнатли матога тўқилган гўзал жониворлар суратини эслатар эди. Худди дунёни фалак юлдузи равшан қилгани каби, уларнинг кўзи сув юзини нурлантирар эди. Сувдаги бу жониворлар тўда-тўда бўлиб, ҳар тарафдан ўзларини кемаларга урар эдилар. Уларнинг кўзлари юз минг туман чироққа ўхшаганидан, кишиларнинг қуёш ёруғига эҳтиёжлари йўқдек эди. У шуълалар кемаларга порлаб етганларида, кишилар ёғоч — тахталар-



нинг ёниб кетишидан ваҳималанар эдилар. Асаида, уларнинг куйиб кетишига сув моневлик қилар, чунки ҳўл ёгоч ҳеч қачон шамнинг ёруғи билан ўт олган эмас. Лекин у шуўлаларнинг жилваси ваҳимали бўлиб, кишиларнинг кўнглига безовталиқ солар эди. Ишқилиб, бу тўла бирёқлик бўлгунча, ваҳимадан улус кўнгли сув бўлиб оқар эди. Булар бартараф бўлса, яна бошқа тўдаси пайдо бўлиб, сувни мавжлантирар эди. Кемалар юз минг офат ўртасида-ю, кемадаги одамлар хавф-хатар денгизда сузар эдилар. Бу ваҳимали кеча поёнига етгунча, элнинг жони юз минг карра бўгзига келар эди. Яна денгиз устига қуёш кўтарилгач, денгизнинг устида ҳар томондан буғ пайдо бўлар эди. Денгиз юлдузлари ҳам худди осмон юлдузларига ўхшаб кўздан гоийиб бўлишди.

Сувнинг ҳаракатидан гоҳо шундай гирдоблар пайдо бўлардики, йўлнинг олди кесилиб қоларди. Улар гирдобгина эмас, гўзал қуёш шоҳини фарқ айлагудек кенг ва чуқур ўралар эди. Сув ўрамларидан сувсиз ўралар пайдо бўлиши, сувда бўлган бу ўраларнинг сувсиз бўлиши жуда ажабланарли эди. Мусофирнинг йўлида ҳар томондан шу каби чуқур ўралар пайдо бўлаверса, унинг ҳоли хароб бўлмайди, деб ўйлайсизми? Пастга солиниб турган фалак гумбазига қарши, сув ҳар тарафдан минора ясаб, кўкка кўтарилар; худди тол баргига қуюн шамоли ўзини ургани каби, кема атрофига сув ўзини урар эди. Буларнинг биридан энди қутулай деб турилганда, кетидан иккинчиси чиқиб, рақсга тушар; гоҳо бундай саргашталиқ ва тинчсизлик энди бартараф бўлай деб тургандай худди шу жойининг ўзида, бахтга қарши бўрон кўзгалиб, денгизни тўлқинга солар ва осмон билан сув мавжи ўртасида тўқнашувлар ҳосил бўлар эди. Ел шиддат билан эсганда, денгиз чайқалиб, денгиз суви бошдан-оёқ кўзгалиб кетар эди. Тоққа ўхшаш зўр пўртаналар кетма-кет денгиз танасини чок-чок қилиб турар эди. Кема эса гоҳ тоғ каби бу пўртаналарнинг устига чиқар ва гоҳо булар ташкил қилган жарликларга «шувв» этиб тушиб кетар эди. Ҳали ўлмаётуриб, сувнинг қаърига тушиб кетиш қиёмат кундаги даҳшатни эслатарди. Фалак елга даҳшат эшигини очиб бериб, денгизни ваҳший океаннинг тубига қочирарди. Денгизнигина эмас, балиқни ҳам, наҳангни ҳам, тошбақани ҳам — ҳамма нарсани қаёқда сув бўлса, шу ёққа итқитар эди. Пўртана ўзини осмонни ювувчи қилиб олиб, унинг сатҳига обрў суви сепар эди. Кема ҳам тўлқин билан осмонга кўтарилиб, унинг ўқи фалак юзига сарзаниш берар эди. Кема пастга инаётганида шундай даҳшат билан тушар

эдики, гўё, денгизнинг тагига эмас, балки ернинг қаърига кириб кетаётгандек туюлар эди. Бунинг авжи осмонга кўтарилишган сари ва хут буриқлари; пастига тушишидан эса, кўпгина балиқ ва тошбақалар ваҳимага тушар эди. Денгиз суви ерни осмонга, осмонни эса ерга олиб тушиб урар эди.

Кемадаги одамлар гоҳ ўлиб-гоҳ тирилар: тириклари эса у сувга жонларидан қўлларини ювиб қўяр эдилар. Гоҳо қиёмат-қойим тўхтаб, тоғ-тоғ сув тўлқинлари пасаяр. Бу галаён натижасида бедарак йўқолиб кетган одам тўла кемаларнинг бири Машрикдан келса, у бири Мағрибдан келар эди. Одамлар ёғоч отларини ҳар томонга югуртириб, кўп ранжу машаққат билан бир-бировларини тонишар эдилар. Ташвиш ва азоб натижасида одамлар йиглаб, кўзларидан денгиз ичига гавҳар нисор қилар эдилар. Уларнинг ҳаммаси қийинчиликдан ўзини олдирган бўлса ҳам, лекин Искандар ўзини тетик тутар ва бардам эди. Улар шу жараён ичида гоҳ суръат билан ва гоҳо осойишта йўл босар эдилар.

Шу алфозда бир йилу тўққиз ой юрилгач, тақдир уларни океан марказига олиб келди. Шу орада Искандар қулоғига гўйибдан тубандагича бир хушxabар эшитилди.

«Эй беҳуда уринувчи одам боласи! Йилларча юриб, охирил-амр муроднинг талаб қилган ерга етдинг».

Бу хабар шоҳ кўнглидан бутун гам-гуссаларни кўтарди ва йўл бошловчи Суқротни ўз ҳузурига чақиртирди. Буларга ҳам марказга етганлари аён бўлган, буни шоҳга хабар қилиш учун келаётган эдилар. Улар ҳам айтгач, кўнгилда ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади. Искандар завқларга тўлиб, хурсанд бўлди. Унинг буйруғи билан кемаларни юришдан тўхтатдилар, лангарларни тушириб, елканларни йиғдилар. Шунда шоҳ одамларга дедики:

— Сиз энди хурсандчилик билан шу ерда туринг. Мен ҳаммангиз билан хайр-хўшлашаман. Денгиз қаърига тушишни ҳавас қилган эдим, ҳозирги соатда шу ниятимга етиб турибман. Орзу қилган муродим ушаладиган бўлди, сув тагига тушиб, у ердаги ҳаётни томоша қилайин!

Бу ерда айтилган ривоят устида ихтилофлар бўлиб, буни ҳамсанавислардан Хусрав ҳам эътироф этган. Масалан, гўё Искандар сандиққа ўхшаш бир шиша ясашиб, шодмон ҳолда, гавҳар сингари шу сандиқ ичига тушган. Унинг буюриши билан шишанинг оғзини пўкак сингари қопқоқ ила мустаҳкамланган. У машаққатга қолган одамлар арқоннинг бир учини ушлаб, иккинчи учини эса шишага боглаб, ўз кўнгилларига ҳеч қандай хавф-

хатарни йўлатмай, шишани денгиз ичига туширганлар. Искандар бир неча ой денгиз тагида туриб, у ердаги ҳаётнинг қандайлигини томоша қилган ва ўрганган. У юз кун сув остида тургандан сўнг жуда ҳолсизланган, шунинг учун шишанинг арқонини тортиб, юқоридагиларни огоҳлантирган. Мана шу ривоятдаги воқеанинг бўлиши жуда маҳол бўлиб, бундай ишнинг бўлишига ақл ҳеч бовар қилмайди.

Бундан бошқа ҳам бир ривоят борки, бу ривоят берувчи ровийлар қошида мақбулдир. Менга ҳам шу кейингиси маъқул бўлгани туфайли, уни айтиш фойдадан холи эмас деб билурман. Бу шундан иборатки, тарихларни нақл қилувчи кишилар Искандарни ҳам валий, ҳам набий (пайғамбар) бўлган деб айтадилар. Бу кейинги хабарга кўра, мурод-мақсадига етиш йўлида юрган Искандарнинг равшан дили океан ичида қаттиқ риёзат ва заҳмат чеккани сабабли, янада покизаланиб кетган. Сайр-сафари охирига етгунча ўзи ҳам тамоман ҳақ йўлга кирди. Кейин валийлик даражасига етди, ниҳоят унинг кўзини нубуват — пайғамбарлик чироғи ҳам ёритган. Кўзи у шуъладан пурлангач, сувдаги махлуқларнинг пардадаги ҳаёти ҳам унга аён ва намоён бўлиб қолди. У қайси томонга боқса, у ёнда нима бор бўлса, ҳатто барча махфий нарсаларни ҳам кўрадиган бўлди; одамлар тиниқ ҳовуздаги балиқларни қандай аниқ кўрсалар, Искандар ҳам денгиз ичидаги ва тубидаги нарсаларни шундай аниқ кўрадиган ва томоша қиладиган бўлди. Қуруқликдаги жониворлар ва одамлар қандай кўринса, сув ичидаги махлуқлар ҳам худди ойнадан бир нарсанинг акси кўрингандек, унга кўринадиган бўлди. Лекин сувдаги махлуқлар турли-туман бўлиб, уларнинг кўпчилиги зўр жўссали ва ажойиб қиёфали эдилар. Шундай баҳайбатлари ҳам борки, агар улардан биронтаси тасодифан ер юзига чиқиб қолса, уни кўрган одамлар даҳшатдап ўлар эди. Шунча кўп балиқлар борки, улар жунбишга келганда ҳаракат қилиб, суръат билан бир ой юрилганда ҳам уларнинг орасидан ўтиб бўлмас эди. Шундай наҳанг ва тимсоҳлар ҳам борки, улар кунига катта балиқлардан иккитасини еб овқатланар эдилар. У ернинг қисқичбақаю сув тошбақалари ҳам шуларга мувофиқ эди. Искандар нимани орзу қилган бўлса, унга нисбатан юз карра ортиқ ажойиботларни томоша айлади. У қуруқлик ва сувларнинг шоҳию пайгамбарлик фазилатларининг эгаси бўлиб қолди. У ўзи умид этганидан ҳам зиёдроқ иқболга, яъни абадий бахтга эришди. Ўз кишиларига бу аҳволдан хушхабар отказиб, уларнинг барчасини бу иқбол

билан бахтиёр айлади. Шундан сўнг халқ бу музаффар шохни ҳаким ҳам, валий ҳам, набий ҳам деб биладиган бўлди.

Кўрқа-писа борилган сафардан йўловчилар шодлик билан қайтмоқда; кемалар эса сира тўхтамай йўл босмоқда эди.

Кемаларнинг суръати шу қадар тез эдики, уларга нисбатан самовотнинг айланишини сусти деса бўлур эди. Юришлари шу даражада кескин эдики, ўтган ерида излари қолар эди. Шундай суръат билан икки йилчалик йўлни бир йилда босиб, жазирада ташлаб кетган кишиларининг ҳузурига етиб келди. Бу азиз-аржуманд шохнинг ташрифи билан унинг висолини кўрган халқ ниҳоятда мамнуун бўлди ва қувонди. У манзилда бир кун тургач, иккинчи кун яна юришга киришиб, соҳилгача бўлган сувни кечиб, бахт-саодат билан қирғоққа қадам босди.

Сувдаги азоблардан Искандарнинг вужуди бетобу мижози — табиатида саломатлик гаҳимат даражада ноёб бўлиб қолган эди. Унинг хаёлига шу бевафо дунёни ташлаб кетмоқ керак, деган фикр келиб қолди. У ўз эътиқодидаги йўлга халқни ундади ва мамлакатни қандай идора қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берди. Ўз аҳволи ночорликка тушиб қолмасдан илгари, элу юртларнинг амиру султонларига йўл-йўриқлар кўрсатди. Унинг тузуми билан иш тутган шохлар етти юз йилча ҳукмронлик қилишлари мумкинлигини, бу давлат ва салтанат уларнинг қўлида қанчадан-қанча авлодларга ўтгани ҳолда, бевафо фалак уни тортиб ололмаслигини баён айлади.

Бу масалалардан хотири жам бўлгач, кечаси-кундузи тинмай юришни давом эттирди. У хаста вужуд билан от сураб, аъзойи баданининг оғриғидан ниҳоний инграр эди. У даштда шундай тез, шошқин ва жадаллик билан от сураб эдики, унга ҳеч ким етолмас ва ҳамроҳлик қилолмас эди. Саратоннинг ёндирувчи ҳароратидан олам ўртанар, сувлар қайнар — жўш урар эди. Кўёш алаңгасидан ер шундай қизиган эдики, бу нарса ҳавони ҳам ҳаддан зиёда иситиб юборган эди. Иссиқнинг ўта зўрлигидан ерлар ёнар, кишининг оёғи ерга тегса фарт бўлар эди.

Искандар ўз аргумоғини ортиқ чоптиролмай қолди, зеро, бу иссиқ унинг бемор жисмидан тоб-тоқатини олган эди. У танасида қувват қолмаганини, юришга илож-ва имконияти йўқлигини ҳис қилиб, отини тўхтатди ва шамол ўзини тупроққа ургандек, қизиб ётган қумлоқ устига ўзини таппа ташлади. Бетобликдан жисмида ҳарорат бўлгани туфайли тамом аъзойи-бадани титрар эди. Унинг остига

бирон нарса солингунча дуришга тоқати етмай, огриқнинг зўридан ўзини ерга ташлади. Ўша ерда бир эски куҳа (қадимги уруш асбобларидан бири) бор эди, уни ёзиб, Искандарни ўшанинг устига олиб ётқизишди. Ҳаммаёқ жазирама офтоб бўлиб, у чўл ҳаддан зиёда қизиб кетган эди. Шу сабабдан бемор устига кимдир ўз қалқонини соябон қилди. Бу саркарданинг қалқонини ясаган уста уни бошдан-оёқ олтин суви билан зийнатлаган экан. Шоҳ бир замон ўзининг тақдирини ҳақида фол очдирганида, ҳаётининг ниҳоятда, яъни ўлими олдида, унинг ётган ери темиру, осмони — олтин бўлажагини толеъ аҳкомида ўқиган эди. Дарҳақиқат, шоҳ ҳозир ўзининг ётган ери темиру осмони олтин бўлганини кўриб, ишнинг бошқача эканини фаҳмлаб қолди ва беихтиёр кўзидан аламли ёш тўкиб, ана шу ёш билан жонидан қўлини ювиб, ҳаётдан умидини узди.

Эй, соқий! Бодани келтиру дунё ташвишини қўй. Менга видолашув қадаҳини тўлдириб бер! Бир дам сен бу майхонани ганимат бил! Ҳадемай бевафо фалак сен билан бизнинг ҳам паймонимизни тўлдириб қўяди.

Эй, муганний! Қуйлаб, бизни шодлантир! Агар у қуйларинг видолашув оҳангида бўлса, яна яхши! Борди-ю, ашуланг учун мунгли байтлар керак бўлса, Навоийнинг шайдоий шеърларидан айт!

Эй, Навоий! Бир маҳваш соқию унинг ёнида бир ашулачи созандани топ-да, ичиб, ўзингни унутадиган даражада сархуш бўл! Агар бир нафас шоҳликни истасанг, шундай мастликдан яна хунёр тортишни ўйлама!

## LXXVII

*Жаҳон базми соқийларининг ҳайъисизлиги шундаки, улар умр пиёласига ажал захрини қуйишда гофил билан огоҳ орасидаги тафовутни кўрмаслар ва умр боғининг боғбонлари вафосивелигидаким, ҳаёт дарахтини ажал тиги билан кесишда гадо билан шоҳнинг фарқини қилмаслар*

Бу дунёда абадийлик деган нарса йўқ, эй кўнгил; бу дунёдан вафо тама қилма, эй кўнгил! Жаҳон ўзи нима деган нарса? Агар билсанг, у бир каттакон кесак. Иложини топсанг, бу кесакдан этагингни узокроқ тут. Бу кесак ҳам сувнинг ичида гарқ бўлиб ётибди, уни чуқур ва кенг денгиз ўраб олган. Унинг уч тарафи сув билан туташ. Тўртдан бир қисмигина сувдан ташқарида туради. Ернинг сув ичида турган қисми ниҳоятда покиза бўлиб, ундан

киши этаги булганмайди. Аммо сувдан ташқаридаги тўртдан бир бўлагидан эса дилиннга гард қўниши — озор етиши эҳтимолдан холи эмас. Бу балчиқ биан гард ичида яшашга унча қаттиқ умид боғлама, бундан узоқлашиш тараддудини кўравер. Кимки бу балчиққа ботса, ундан қутулиб чиқиш имконияти йўқ; кимки бу гард ичига оёқ қўяркан, унинг тўзғоғидан на кўзини оча олади, на табиати равшан бўлиб юради. Масалан, подшоҳ Баҳром Гўр балчиққа ботдию чиқолмади; қиёматгача ётдию туролмади. Қайхусрав ҳам ерга кириб, гойиб бўлди; аҳли жаҳон уни яна қайтиб тополмади. Қайси шоҳ жаҳондаги барча мамлакатларни олиб, ундаги денгиз ва олтин-кумуш тўла конларни эгаллаган бўлса, жаҳон ҳам уни дарду ғамга гирифтормай айлаб, нима берган бўлса, ҳаммасини қайтариб олди-да, ўзини ҳам ҳалок қилди. Агар биров шу гапларнинг маъносини тушунмоқни истаса, узоққа бориб ўтиришнинг кераги йўқ. Мана шу Искандардек улуг мартабали шоҳнинг ўзини олайлик. У шоҳгина эмас, ҳикмат илмининг буюк олими эди; у валийлик, набийлик даражасига ҳам кўтарилди. У қайси ишга қўлини узатган бўлса, уни қўлга киритмай қўймади. Қайси иқлимни олиш учун сипоҳ тортган бўлса, у иқлим эгалари қанчалик қаршилик кўрсатмасин, барибир, уни фатҳ этиб олди. Қайси даштда жангу жадал қилиш учун саф тузган бўлса, у ердаги душманларнинг кулини кўкка совурди. Бу санаганларимиз ҳамма шоҳларнинг қиладиган ишлари дейлик. Аммо у яна шундай ишлар ҳам қилдики, ҳеч ким бу каби ишларни қилмаган. Каюмарс давронидан то ҳозиргача ўтган шоҳлар даврида ҳар хил, ранго-ранг давлатлар ўтди. Лекин Искандар яна шундай ишлар қилдики, бундай ишлар бошқа биронта шоҳга муяссар бўлган эмас. Жумладан, у етти иқлимни бошдан-оёқ қўлга киритди; ер юзининг ҳамма бурчакларини босиб ўтди. Жаҳоннинг етти ерида подшоҳлик тахти-салтанатини қурди. Ундан сўнг, яна денгизларни фатҳ этиш учун наҳаёнгина юриш бошлади. Бу юришда еттита очик денгиз ва ўн икки мингта жазирани олди. Бундан бошқа, яъжужлар қаршиига сад-гов чекдики, бу ерда амалга оширган ишларини шарҳлашга ақл ожизлик қилади. У яна кошот жисмларини ва ундаги ҳаракатларни кўздан кечириб мумкин бўлган «Сутурлоб» ва «Ойнайи жаҳоннамо»ларни кашф айлади. У илм-фан соҳасида шундай муваффақиятларга эришдики, жаҳондаги мамлакатларнинг биронтасида очмаган тилсими қолмади. Бундан ташқари, қанчадан-қанча мисли йўқ доно-ҳакимлар унга-дўст ва ҳамроҳ бўлдилар. Бу олимларнинг тафаккурлари илмнинг энг баланд чўққиларини

хам қамраб олиб, ҳар қандай жумбоғни илм кучи билан ҳал қилишга қодир эдилар. Жаҳонда бундай шоҳлиқка эга бўлиш, шоҳлиқкагина эмас, бу каби билимлардан хабардор бўлиш кимга муяссар бўлган? Яна бунинг устига валийлик билан қўли баладлиги, валийлик у ёқда турсин, пайгамбарлик хусусиятига эга бўлиш жуда улуг мартаба эмасми? Қачон одам боласи бунчалик даражага эга бўлгану, қачон бундай улуг одам дунёга келган?

Шундай одамга ҳам бу паст дунё вафо қилмади: вафо қилмагани майли, жафо қилди-да, жафо билан ҳам кифояланмади.

Жафо деган нарса шундай беомонки, у ҳатто одамни беморлик тўшагига ётқизиб қўяди, ётқизиб қўйгани ҳам майли, бечоранинг жонини ҳам олмоқчи бўлади. Дунёда энг хор бўлган ва эзилган кишилар ҳам вақти келса ниҳоятда азиз бўлиб кетади, яъни уларнинг вужуди ажал уйқусига асир бўлиш олдидан беморлик тўшагида ором олади. Лекин бу паст фалак Искандардек зотни шундай вақтда ажал қўлига топширдик, бунга ҳайратланмаслик мумкин эмас. Фалак уни дашту тоғларда от чоптириб, ўз ватанига бориш умиди билан кетаётган пайтида йиқитиб, танасини қора тупроққа булғади. Чарх уни неча вақтлар ватандан жудо қилган эди, энди онасидан ва бир неча оқбадан ёрларидан ҳам бир умрга жудо қилди-қўйди. Буларгина эмас, бир қанча севимли қариндошларини ҳам, бир неча фарзандларини ҳам ташлаб, ер юзини ва денгизларини кезиб, айрилиқ ўтида куйиб юрган пайтларида кўнглида соғинч ва муштоқлик алаңаси тугён урар эди. Бугун уларни кўриш умиди ва завқи билан тўлиб, елиб-югуриб кетаётган, энди мурод-мақсадимга етдим, деб хурсанд бўлиб турган пайтида, ўлим ўти жонига алаңга солиб юборди. Фалак Қасоскор душман сингари чўгдек қизиб ётган қум устида, баллиқ қовурилагудай ҳароратда унинг жонига чапг солди. Шундай пайтда унинг бошида на бир мушис маҳрами ва на мушфиқ ҳамдами бор эди. Ажал уни шундай дашт-биёбонда бемор ва нотавон ҳолга солиб, зор ва хор қилиб, хаста жонини олмоқда эди; ҳеч қандай дори-дармон, муолижа қор қилмай, юз хил дарду алам ва армони ҳасрат билан қатл этди Искандарни!

Қачон ва қаерда бўлмасин, хушёр ва ҳайратомуз кимсаларга бу ҳодиса ибрат бўлгай. Кимки бу дунёга хирс қўйиб, уни ўз ҳабзига олишга қасд қилар экан, бу афсона унинг учун етарли танбехдир.

*Луқмон бу дунёга алоқадор нарсалардан қочиб, хази-  
надек бир вайронага чекинди ва минг йилдан сўнг фалак  
аждаҳосидан унга ҳам офат етди*

Эшитишимча, Луқмон ўз ҳаётини бир вайронада беки-  
ниб ётиб ўтказган экан. У худди ганж — хазина сингари  
бузуқ вайронани макон айлаб, иссиқ-совуқдан кўп қийна-  
лар ва ранжу машаққат чекар экан. Истиқомат қилиб  
турган жойи ёғип-чочип пайтида ва жазирама офтобда  
унинг жисмини ёполмас, устига пана бўлолмас экан.  
Ёши мингга етгунча шу тарзда ҳаёт кечирибди. Шунда  
бир одам ҳайратланиб, ундан бу саволни сўраган экан:

«Эй, ўз билим ва донишинг билан ер юзига нур сочган  
зот! Нима сабабдан жаҳоннинг айш-ишратига, роҳат-фаро-  
ғатига қизиқмайсан? Ажойиб қошоналар қуриб, унда  
нашъу намо билан ҳаёт кечириш ўрнига вайронага кириб,  
бир бурчакда дунёнинг барча лаззатидан маҳрум қолда  
яшайсан? Бунинг боиси недир?»

Шунда ҳаётнинг иссиқ-совуғи, аччиқ-чучугини тотиб  
кўрган пир мана бу жавобни айтган экан:

«Узоқ замондан бери қоронғи вайронада кун ўтка-  
зишимнинг сабаби, бойқуш сингари кечалари ҳам ҳар нар-  
сани кўришга кўзимни ўргатишдир. Зарар ва офатларни  
даф этиш учун шундай қилдим. Мол-дунёга ҳеч қандай  
рағбатим бўлмаганининг боиси шуки, у ҳам мени гам-кул-  
фатга гирифтор қилмасин, дедим. Эътибор қилиб қарасанг  
кўрасанки, бу дунёдан бош олиб кетиш чоғида, ушбу  
вайронани ҳам мендан тортиб олади бу пасткаш фалак.  
Ниҳоят йўқликқа қадам қўйган чоғимда менга шу бузуқ  
хароба ҳам насиб бўлмай қолади. Кимки дунёга хире  
қўймаса, жаҳоннинг ранж-машаққатидан халос топиши  
осонроқдир».

## LXXIX

*Луқмон ҳақимдан бир одам, бунча илмингга боис қим-  
дур, деб сўрагани ва Луқмоннинг жоҳил одамларга ишорат  
қилгани ва ундай одамлар қилган ишнинг тескарисини  
тутгани ҳақида*

Луқмон ҳақимдан бир одам сўради:

— Эй, билим билан кўзларни равшан қилган доно!  
Сен яшаган асрда илм ва билимни сеникига баробар



келадиган киши йўқ эди. Модомки шундай экан, бу қадар беҳисоб илм — донишни сенга ким ўргатди? Бизга ҳам айтсанг!

Луқмон деди:

— Мен донишманд кишиларга яқинлашмадим, яъни мен билимни билармон кишилардан ўрганмадим. Мен билган дунё илмларининг ҳаммасини олимлардан эмас, жоҳил кишилардан ўргандим. Яъни билимсиз — жоҳил кишилар қандай ёмон-ножўя ишларни қилган бўлса, мен шуларнинг аксини тутиб, ёмонликдан омон қолдим. Жаҳонда жаҳолатни — билимсизликни ўзига касб қилиб олган кишиларнинг ишини аксинча олиб борган одам яхши ва билимдон одам бўла олади...

### LXXX

*Искандар жони ажал исканжасида қамши қалам қилтиригидек (нолдек) зўрға лиқиллаб тураркан, онасига васиятнома ёзиб, ўз ўлими учун аза тутишни манъ этгани, ундан сўнг ҳаётининг номасини қазо қўлига топширгани ва ҳамроҳлари унинг тобутини Искандарияга олиб борганлари. Онасига ул мактуб етиб, ўғил тобути қаршисига пешвоз чиққани ва ўғли гўдаклигида бешик ичида ухлаб ётганидек, тобут бешиги ичида ҳам уйғонмас уйқуга толганини кўргани ва кўкси чокидек ер кўксини ҳам чок этиб, уни тупроққа топширгани ҳақида.*

Бу ҳақда фикр юритган тарихчи гапни мана шу хилда ниҳоясига етказди:

Шоҳ ўз аҳволига назар ташлаб билдики, ҳаёти қуёшининг ботиш чоғи яқинлашди. Кетиш чоғи келганини, жаҳондангина эмас, балки жондан ҳам кечиш чоғи келганини аниқ билди. Дунё шоҳи шундай қаттиқ кунда ажал пиёласидан захар ичишга мажбур бўлди. Ўлими олдидан онаси эсига тушиб, юрагида шундай бир ўт туташдики, бу алам зарби билан кўзини очиб, ҳамроҳларига термилди ва ажал нафасидек совуқ бир оҳ тортди. У онасига нома ёзиш учун котиб, қоғоз, қалам келтиришларини илтижо қилди. У ўлими олдидан васиятнома битирмоқчи эди. Гавҳардек қимматли сўзлар билан қалам тебратувчи моҳир котиб дард-алам саҳифасини очиб, Искандарнинг айтган гапларини батамом ёзди.

Бу саҳифа дард мактуби бўлиб, унга ёзилмиш хатлар алам ҳангомаларидан иборатдир. Бу хат ибтидо ва интиҳоси йўқ бўлган таңгрига шукур ва миннатдорчилик билан

бошланди. Бу нома файз ато қилувчи, ниъм-эхсон берувчи, балки халойиқни йўқликдан бор этган ҳаллоқи олам ҳамдида эди. Одам баданига жон гавҳарини берувчи ва яна охирида ўз берганини қайтиб олувчи; денгиз ичига гарқ бўлиб йўқолганга ҳам раҳбарлик қилувчи; биёбонда ўлганга ҳам мададкор бўлувчи; гадоликни шоҳликдан азиз кўрувчи; жаҳон шоҳларини бир пулчалик қадр этмовчи; кимнинг миждозу табиатини дардманд қилиб яратган бўлса, уни чўлу биёбонларда ҳам хор-зор айловчи (бундай кишилар ўз қазоси етиб қолганини билиб, кўзи очилганда, унга на шоҳлиги ва на салтанати асқотади); ҳар бир қазою қадарида не-не ҳикматлар яшириганини ҳеч бир ақл ва тафаккур эгаси фаҳмлолмайдиган; йўқдан бор қилувчи, абадий ва ўзгармас улуглик эгаси ояло-таолога шукрлару ҳамд-саю, миннатдорчиликлар изҳор этиб бўлгач, қўйидагича васият бошлади:

«Бу хат мендан, жони азобда қолган, ажал қўлида пажмурда ҳолига келган Искандардандир. Бузилган танамнинг жони, вужудим бебаҳо лаълисининг кони бўлмиш онамга сўзим шуки, мен сени кўпдан-кўп айрилиқларга ташлаб юрдим, сендан йироқ кетиб сени қийнадим. Бошимга беҳуда андиша ва орзулар тушиб, оламни бошдан-оёқ фатҳ этишни ўзимга ният қилиб олдим. Нимани ўйлаган ва хаёл қилган бўлсам, ҳаммаси хом ва ҳаммаси ҳавасга ичилган майи каби бефойда экан. Аслида эсимни таниган, ақл миямга ҳарорат берган кундан бошлаб сенга ўғиллик қилсам, яъни сенга худди кулдек хизмат қилсам бўлар экан; аслида сенинг остонанг тупроғига айлансаму, унинг отини мен шоҳлик деб билсам бўлар экан. Менинг бу бахт-иқболимга фалак ҳасад билан қаради, кўролмаслик қилди. Энди ўлар чоғимда пушаймон бўлиб, ўзимни ўзим ўлдирганим билан нима фойда? Ҳам билан эзилган болангдан рози бўлмасанг, бу дармонда — бечоранинг ҳолига вой, юз қатла вой! Мен сенинг амр-фармонингга бўйсунмаган бўлсам ҳам, лекин сен менинг бу илтимосимни қабул эт!

Шу мактубим сенга бориб етиши билан менинг қаламим нималарни тасвирлаганини ўқиб, тушунарсан. Ишонаманки, буни ўқигач, кўнглинг чил-чил бўлиб, ҳаётингда бир қиёмат-қойим кўпорилгандек бўлади. Лекин сен жаҳон кишиларининг энг доноси ва эл-улус васиятларини бажо келтирувчи бўлганинг туфайли, қазо нешанамга нимани ёзган бўлса, сен ҳам менга ўхшаб, шу тақдирга рози бўлгил! Мендан умидингни узиш чорасини кўргил, уми-

дингни узгач эса, дилшггни таггри иродасига богла!  
Юзингни уриб кўкартирма, кўкарган юзингни сочингдек  
оқартирма! Йиги-зоринг билан мотам мозжаросини бошлаб,  
оламни ғам тунидек қаро қилма! Қуёш сингари ичингни  
ўртантриб, тонг сингари ёқангни чок этма! Саргайган  
юзингга, қуёшдан таралган шуълалар каби оқ сочингни  
ёйма! Бошқа оналар каби ўглинг мотамида юзларингни  
юлма! Агар сабр этишга тоқатинг бўлмаса, бундай ишга  
қувватинг вафодорлик қилмаса, ҳиммат билан катта  
маърака тузиб, унда турли-туман ноз-неъмат ва овқатлар-  
ни муҳайё қилиб, ҳамма ёққа жар солдириб, катта-кичик  
одамларнинг барчасига хабар етказдириб, мамлакат киши-  
ларини хонадонинг айвошига йиғиб, у меҳмонларни  
дастурхонингга таклиф эт. Уларнинг ҳаммаси даврада  
ҳозир бўлгач, олдиларига ош тортишни буюр. Халқ олдига  
овқатлар тортилгач, улар энди ейишга қўл узатай деб  
турган пайтларида, бир жарчи жар солиб, бу одамларга  
айтсинки: «Бу ошлардин шундай одамлар есинки, бу  
кўҳна дунёнинг эски биносида унинг тупроққа кўмилган  
кишиси бўлмасин!» Бу гапларни айтгач, дастурхонингга  
қараб кўр-чи, биронта одам нон-ошингга қўл узатарми-  
кин? Агар шу вақтда бирон кимса шу овқатларингдан  
тановул айласа, унда сен ҳам менинг мотамим билан  
азият чекавер. Агар бордию ҳеч ким ҳеч нарсага қўл  
урмай, овқат ейишдан бош тортса, маълум бўладики, ҳеч  
кимнинг ўлмаган ва тупроққа кўмилмаган кишиси йўқ.  
Бу дунёдаги ҳаёт ўзи шунақа эканлигини билгач, бу  
ишдан ўзингга хулоса чиқазиб ол-да, менинг ғамимда алам  
тортишни, оҳ тортишни бас қил, дунё кишилари билан  
ҳамдард бўлиб, ўзингни овунтир. Сен қанчалик табаррук  
ва бахтиёр кишиларнинг сарвари бўлганингда ҳам бари бир  
улардай сен ҳам таггрининг бандасисан. Банда деган  
доим итоаткор бўлиши, таггридан бошига нимаики келса,  
тан бериши лозим. Таггрининг буйруғи нима бўлса, сен  
ҳам шунга розию, бошингга қазо-қадар не кунни солса,  
унга хурсанд бўл. Мен хоҳ яхши, хоҳ ёмон эдим, умрим  
омонлик бермай, бу дунёдан кўзимни юмдим. Агар қўлим-  
да мақсадим нақдинаси бўлмаса ҳам, бари бир пушаймон  
бўлишимнинг фойдаси йўқ. Агар сен бир неча кун умр  
кўриш имкониятига эга бўлсанг, таггри буюрганларини  
адо этишдан ғафлатда қолма. Лекин гоҳо бахтиёрлик  
соатларингни ҳам ҳақиқий мақсад йўлида, тоат-ибодат  
билан ўташишни унутма. Ўшандай пайтларда бу ўлган  
ғарибингни ёд айлагил, дуо бирла руҳимни шод айлагил».

Искандар онасига айтмоқчи бўлган васиятларини ёзиб

тамомлаб, хатнинг охириги «вассалом» сўзи билан тугатди. Сўнгра қоғозни тахлаб, мактубни элчига топширгач, яна кўнглида қолган муддаоларини ҳам баён айлади:

«Ҳеч қаерда тўхтамай, кечаси-кундузи демай юриб, опамга шу мактубни элтиб беринг. Иккинчидан, ҳозир менинг офтобим сўниб, қуёшим юзига қора булут ёпилгач, бошим устида кўп йиғи-сиги, дод-вой қилиб, жаҳонни мотамзадалик билан хароб айламанг. Менинг тапимни тобут ичига солиб, кеча-кундуз демай жаҳлу жадал билан юриб, Искандария шаҳрига олиб боринг. Тирикликда истиқоматгоҳим бўлмиш у жой ўлганимдан сўнг мазоримга айлансин. Лекин мени тобутга ётқизган пайтингизда, ёқут тешигидан инни чиқазиб қўйилгани каби албатта бир қўлимни тобутдан чиқазиб қўйинг. Токи халойиқ бу қўлга ҳайрат кўзи билан, ҳайрат кўзи билан эмас, балки ибрат кўзи билан боқиб: «бу панжалар саф тортиб, ер юзини ўз қўлига олган эди; бутун дунёдаги мамлакатларнинг ҳаммасини, қуруқликда ва сувда бўлган барча лаълу гавҳарларни шу кафтига киритиб олган эди. Энди ажал қўли бу дунёдан кўчиш ногорасини қоқиб бўйнига абадийлик томон жўнаш бошвоғини солгач, мана энди бу қўллар дунёдан шол кишининг қўлидай қуруқ, чинорнинг япроқсиз бутоғидай бўм-бўш кетаётир»,— десинлар. Бу ҳол одамлар учун бир ибрат мактаби бўлиб, дунёни эгаллаш машғулотида қўлларини тортсинлар».

Шоҳ ўз сўзини шу ерга еткурғач, гапиришдан тўхтади ва кўзини ҳам абадий юмди. У бу дунёни бошдан-оёқ олган эди, энди у дунёни ҳам олиш учун юриш қилди. Унинг тилсимланган танаси тупроқда қолиб, жони етти қабат осмонга томон парвоз қилиб кетди. У ердан кўкка томон сафар айларкан, ер билан осмонни остин-устун қилиб юборди. Дунёни кезиб юрган ажал қуюни олам юзини гард-тўзон билан қора қилиб ташлади. Шоҳона дарахтнинг боши эгилиб, тожи ерга тушиб, тахти юз пора бўлиб кетди. Бу аҳволдан муҳрнинг ҳам юзи қорайиб, у ўз юзини бошдан-оёқ тирнаб ташлади. Ур-йиқит шамол илм-фан варақларини пора-пора қилиб йиртиб, ундаги билимларни учириб кетди-да, халққа фақат қораси қолди... Фан-ҳикмат аҳллари — олимлар китоблардек қора либос кийиб, илм сипгари сиёҳга бурканиб олдилар. Мурасасиз фалак бу фожиани қилиб, одамларнинг бошига қиёмат кучини солди. Ахир, бутун жаҳон халқи ёқасини йиртиб, дунёни ўз полайин-зорин билан бузмоқда эди. Баногоҳ, бу хил қиёмат юз бериши туфайли, ер-кўкка чиқиб, фалак ерга тушиб, бутун борлиқ остин-устун бўлиб

кетди. Ер осмонга ўхшаб бошини эгиб турар эди. Осмон билан ер чайқалиб кетди, чайқалибгина эмас, бошдан-оёқ қўзғалиб кетди. Шу орада, тасодифан, бир оз тинчлик юз бериб қолса ҳам ўша ондаёқ у йўқолиб, яна қий-чув бошланиб кетар эди. Эл-улус фалакнинг бу каби жабр-жафосини кўргач, бу мотамдан ҳовури кўтаришгунча эзиллиб-тўкилиб йиғлади, нолаю зор қилди. Кейин шохнинг васиятларини эслаб, оху фиғонини тарк этдилар ва жаҳон шох қандай фармон айлаган бўлса, шунга амал қилиб, тобутни тайёрлаш, унинг зеб-зийнатиини ўзи айтгандан ҳам зиёда қилиб бажариш ишига киришдилар. Сўнгра узоқ сафар чоғида одамлар ўтириб — ётиб борадиган кажавага мурдани ортиб, шох буюрган томонга қараб, йўл олдилар.

Ялғарироқ бир киши васиятномани олиб бориб, онасини ҳангомадан хабардор қилди. Она бу кутилмаган ҳолдан воқиф бўларкан, Рустамидан ажралган Золдан ҳам баттарроқ аҳволга тушиб, эс-ҳушини ва ақлини батамом йўқотиб қўйди; унинг руҳсиз қуруқ танаси қолган эди. У мусибат ва андуҳнинг азобига бардош беролмай, кўксини чок-чек қилиб, ўзини ҳалок этмоқчи бўлди. Лекин хатнинг мазмунига риоя қилиб, азобланаётган жонига тасалли берди. Ниҳоят, Искандар қандай панд-насиҳат ёзиб юборган бўлса, унга қулоқ солиш ва амал қилиш фойдали эканини фаҳмлади. Лекин ўзини қўлга ололмас, васият мазмуни унинг миёсида турмас эди. Оҳ-воҳ қилиб, жаҳонни ўртагиси, жаҳоннигини эмас, тўққиз қабат осмонни ёндиргиси келар эди. Яна тагин шох айтган насиҳатларни эслаб, кўнглида захар тўла косаларни сипқарар эди. Шу дарду гам ўтида ниҳоний ўртанишидан, пинҳоний куйишидан жаҳон ёнар эди. Бунинг ҳам фиरोқ алангасида аъзойи-баданидаги томир ва асаблари куйиб, қуриб қолган сўнгалари қулга айланар эди.

Она шундай оғир аҳволда экан, бутун дашту чўлларни қорага бостириб, Искандарни олиб келдилар. Улар шохнинг тобутини елкаларига кўтариб олган ҳолда ҳар қадамда жон фидо айлаб, йўл босар эдилар. Номусли она бу ҳолатни фаҳмлаб, юрагидан чақмоқ сингари бир ўтли оҳ тортди. Сўнгра белини боғлаб, қўлига асо олиб, йўлга тушаркан, оҳ уриб фалакни ёндирди. У ситамдийда зўрга қадам босар, фалак эса хижолатдан бошини қуйи солиб олган эди. Келганлар онанинг бу қора кунини кўриб, ҳаммалари беихтиёр фиғон тортиб, фарёд чекиб юбордилар. Она йироқдан ўглининг тобутини кўраркан, чарх унинг умр озугини узиб — парчалаб ташлагандек бўлди. Бечора халқнинг фалақдан шунчалик фириб еганини кў-

риб, фаришталар ҳам дод-вой солиб, галаёнга келдилар. Шохнинг онаси тобутга яқинлашаркан, девоналарча фарёд чекиб, зор-зор йиглаб, деди:

«Хуш келибсан, эй, азиз меҳмон! Шу қариган чўри сенга қурбон бўлсин. Ер таги саройида ётиш сенга муносиб эмас эди, сен бизни бу ерда қолдириб, гарибликни ихтиёр айладиңг. Сенингдек покиза нур учун асли қора тунроқдан иборат бўлмиш бу дунёда яшаш нолайиқ экан-да! Сен жаннатдаги боғ-бўстонларни мунаввар қилиб, фаришталар шабистонини ёритишиңг керак экан-да! Ҳар бир нарсани ақл тарозисига солиб кўрувчи одам бу ишга тан беради. Агар сен шу билан шодлансанг, майли, шодлигингга биз ҳам қўшилишимиз, ризо бўлишимиз зарур. Лекин менга фалакдан, тез суръатли юлдузлару бепарво дунёдан ниҳоятда огир зулм бўлди. Сендан илгарироқ у дунёга мен йўл олмадим, у ерда жаннатдан сенга бир тузукрок жой тайёрламадим. Фалак бадфеъли билан шундай галати ўйин кўрсатдики, бу ўйинда қуёш ботиб, кампир осмоннинг ўзигина қолди. Агар мен ҳозирги жудалик кунини кўрмиш эмас, ўйлайдиган бўлсам ҳам бунинг огирлиги мени ўлдирган бўлур эди. Бу фожияни мен тушимда кўрган бўлсам ҳам ўша ондаёқ юрагим ёрилар эди. Мапа, энди тўсатдан бундай кулфат жонимга тушди; бу бало сели хароб бўлган жисмимни босди. Агар мотамимни очик қила олиш имкониятига эга бўлсам, бу ғамларнинг шиддатларига чидашим мумкин эди. Қани эди оқ сочларимни ёйиб ўқирсам! Гоҳ ўзимдан кетиб, гоҳ ўзимга келиб бўзласам! Юзларимни парча-парча қилиб ўйсам, заъфарондек сарғайган юзларимда лоззорлар пайдо қилсам! Қани эди ёқамни чок-чок қилиб ташлашга қўлим борса! Таннимни қора мотам кигизи билан буркай олсам! Шундай нола чексамки, Исрофил суридек ҳаммаёқда қиёмат қўпорилса! Фарёдидан осмон қабатларига футур етса! Сенинг тобутинг олдида заиф жонимни бериб, жисминг устига ўзимнинг кучсиз танамни ташласам! Қани эди, шундай тадбирлар билан фалак зулмидан гуссага тўлган кўнглимни қутқариб, ўғлим кетидан мен ҳам кетсам! Лекин жонимнинг азоби, абадий ғам-аламларим шундан иборатки, ҳовурдан чиқадиган даражада мотам тутолмадим, жонимни бериб, орқангдан боролмадим. Ўзингдан илгари хатинг, ёзган васиятноманг келиб қолди. Нималарни илтимос қилган бўлсанг, шу топшириқларингли бажаришга мажбур бўлиб қолдим. Қанчадан-қанча уқубатлар, ранж-машаққатлар тортиб бўлса ҳам сенинг буюрганларингни ижро қилмасликка ҳаддим йўқ.

Ахир, бу хат хоқон ва ё Рум қайсари хати эмас, балки Искандарнинг номаси эди. Вужудимда бўлган тоза гавҳар қани?! Еру сувларнинг шоҳи бўлмиш Искандар қани?!»

Она шу хилда гаплар айтиб йиғларкан, калойиқ ичига қиёмат тушиб кетди. Ҳамма оху фиғон тортиб, йиғи — зор билан шоҳ ётган жойга томон оқиб келар эди. Ниҳоят унинг танасини олиб бориб, худди руҳни танага киритгандек, қабрга киритдилар. Қора тупроқнинг бағрипи ёриб, унинг ичига қуёшни кўмдилар. Охири қуёшнинг қора тупроққа ботиши, бу кўҳна дунёнинг расми-одатидир. Қора тупроққа унинг оқ танасини кўмгач, юз туман зеб-зийнат билан унинг мақбарасини безадилар. Осмон кўкини унинг устига қабрпўш айлаб, неча кунлаб фиғон ва нолаю зор қилдилар. Ниҳоят ер бағрига ўхшаб кўнгиллари совиб, кўнгилларидаги ҳавас тошлари синиб, қанчалик йиғлаганлари билан муродлари ҳосил бўлмай, қайғу-аламларига ҳеч қандай даво тополмай, ҳаммалари бир-бирларига тасалли бериб, қазо ҳукмига рози бўлиб, сабр йўлини тутдилар.

Эй, косагул! Ғам ва аламлар юрагимни сиқиб юборди. Менга бир қадаҳ тўла лола ранг май келтир. Мен уни бир симириб ичай-да, ўкириб-ўкириб йиғлай.

Эй, муғанний! Кел-да, фиғон куйини куйла, бузилган кўнглимизни янада буз. Зеро, бу мотамхона дунё фиروق дарди билан бизни мотамга солди ва ғамга гирифтор қилди.

Эй, Навоий! Бу жаҳондан вафо кутма, фақирлик йўлини туту, дунёдан умидвор бўлма. Қимки фақирлик ва камтарлик йўлини тутса, шундай одамгина жаҳоннинг ғам-кулфатини тортмайди.

## LXXXI

*Етти ҳақимнинг Искандар онасига таъзия билдиришга келгани ва ҳар бири дуо ва мадҳ-саносига ўзгача иборат либоси кийдириб, жилва бергани ва таҳсин ва офарин маърашларига ўзгача сўз гавҳари таққани ва она ҳам етти фалак (олим) қошида баҳр-дунё кампиридек ўзини наст тугиб, уларга узр-маъзират ошкор қилгани*

Бу дунё мотамхонасида йиғи-зор қилувчи ўз нолалари билан одамларнинг жигарларини шундай тешади:

Искандарнинг ҳаёти охирига етгач, онасининг кўзига дунё қоронғи бўлиб қолди. Шоҳ қандай васият ёзиб юборган бўлса, иффат-паноҳ бону (она) унга тўла амал

қилди. Унинг бу хилдаги ишени дунёда ҳеч ким қилмаган эди. Бундан хабардор бўлган яқин-йироқ кишиларнинг ҳаммаси қойил қолиб, онага юз туман офарин изҳор қилдилар. Уларнинг барчаси унинг мотамзада кўнглини кўтаришга, ҳаддан ташқари огир гамини сўрашга келдилар. У кечаси-кундузи, тангри тарафидан гуноҳи маърифат қилинган шохнинг мақбараси ёнида ўтирар эди. Шунда дунё бонуси, яъни Искандарнинг онаси ёнига етти илм дарёси бўлмиш етти доно ташриф буюрдилар. Бону эса уларнинг қадамини табаррук билиб, ўз ҳузурига киришлари учун руҳсат этди. Бу етти денгиз ҳозир бўлгач, жаҳон худди осмондек ҳаракатга келди. Бону буларнинг ҳурматлари учун оёққа турди, уларнинг ҳаммаси ўтиргач, ўзи ҳам ўтирди. Улар бир лаҳза сукут қилиб ўтирганларидан сўнг, биринчи бўлиб Афлотун сўз бошлаб, деди:

«Ҳаммага маълумки, бону билимдонликда замон кишиларининг маликасидир. У кишига бизнинг панд-насихат қилишимизнинг, сабрли бўлишга ундашимизнинг ҳожати йўқдир. Зеро, у кишининг ўзлари ҳозирги замоннинг энг оқиласи ва ақл бобида халойиқнинг устозидирлар. Лекин биз фақат дуо қилиш билан қараб турмоқчи эмасмиз, ҳаммамиз бундан сўнг у кишига фармонбардору ҳар қандай хизматларига тайёрмиз. Гавҳар денгизга чўкса ҳам бор бўлсин, қуёш ер тагига ботса ҳам қайтиб чиқсин. Бонуга бизнинг сабр беришимизнинг ҳожати йўқ, чунки сабр қилиш ҳақида шохнинг ўзи хат ёзган. Ахир шох ўз васиятида нималарни маслаҳат берган бўлса, бону уларнинг ҳаммасини ортиги билан амалга оширди. Бону замонамизнинг энг нодир кишиларидан бўлиб, шер аёлдирлар, йўқ, янглишдим, юзлаб мард шерга баробардирлар. Ажал бонунинг шундай ўғилларини олганда ҳам қазога розиликдан ўзга ҳеч нарса демадилар. Умидимиз шуки, тангри бу гам ва андуҳнинг бирига минг яхшилик ато этгай!»

Доно Афлотун ўз сўзини тугатгач, Суқрот ҳаким мундоқ калом изҳор қилди:

«Эй етти иқлимнинг бонуси ва ақл эгаларининг энг яқин маҳрами бўлмиш онахон! Сен камолотга етган жаҳон шохи бўлмиш ўглингни йўқотдинг, ҳамиша худо ёринг бўлсин. Ақлдан баҳрасиз одамга насихат таъсир этмайди, ундайларга оқиллар насихат ҳам қилмайдилар. Қазодан келган нарсаларга розилик бермайдиган, рози бўлиш у ёқда турсин, жазаъ-фазаъ қиладиган; оёғига тикан кириб қолса, оҳи ўқи билан осмонни тешадиган; агар этагига



гард қўнса, унинг учун зору полалар қилиб дунёни бузадиган одамларга эенз насиҳат, тангридан ниманки келса рози бўлиб, шукр этадиган кишигина ҳақиқий донодир. Сен бу бобда энг етук — баркамол одамсан, ҳақ таоло билим ва донишинини заволга учратмасин!»

Сукротнинг ҳикмати тугагач, гапирини навбати Балиносга етди. У қўзларини ерга таслимона тиккани ҳолда, таъзим билан сўз бошлаб, дуо қилгач, тубандаги фикрларни баён этди:

«Етти иқлиму тўрт унсурдан, яъни туяроқ, сув, ўт ва ҳаводан иборат бўлмиш етти атою тўрт ано сенингдек хушёр ва доно қизни яна тополмаса керак. Илоҳи бу даҳр — дунё сендан маҳрум бўлмасин! Ҳамма халқ бир оғиздан айрилиқ доғининг дарди мушқул эканини тап олади. Бу дардга кимки чидамсизлик билан жазаъ-фазаъ қилса, унинг гами баттар оғирлашади, қазога рози бўлгани учун оладиган мукофоти ҳам, мусибатнинг савоби ҳам йўқолади. Сенинг ақлингда ҳақиқат нури бор, бу — тангри марҳаматидан нишонадир. Биз ишонамизки, сен бундан сўнг ҳам муносиб ишлар билан машғул бўласану, аммо номуносиб ишдан қайтасан».

Балинос шу билан сўзини адо қилди-да, ундан кейин Букрот сўз бошлади:

«Эй, гўсса чекишда тоғ каби вазмин бону! Оғирлик ва сабрликнинг бутун сифатлари сенда мавжуд экан. Сабринг арқонини худо узун қилиб яратган экан, унинг узунлиги янада ортсин. Шуни унутмаслик керакки, ҳаркатда бўлган ҳар бир нарса ниҳоясига етгач, албатта тўхтайдди. Чавгоннинг зарби билан отилиб кетадиган копток ҳам думалаб бориб, охирида тўхтайдди. У коптоккина эмас, кеча-кундуз худди коптокка ўхшаб саргашта кезувчи тезюрар осмон ҳам бир кунмас бир кун ҳаракатдан тўхтайдди ва бу тўхташ билан ўзини йўқотади. Одамни ҳам, одамгина эмас, балки дунёдаги барча нарсани ҳам шуларнинг бири ҳисобла. Кимгаким азалдан ақл ёр бўлса, шу ақлнинг мададида бундай ишларни тушунади. Юз туман шукрлар бўлсинки, ҳақ таоло сени ақл хазинасидан баҳраманд қилган!»

Букротнинг иборалари охирига етгач, билимдон Хурмус дуо билан сўз бошлади:

«Эй, гулсиз қолиб, хазонга айланган бог! Ёруғ нуридан айрилиб қолган чирог! Биласанки, бог ичида гул очилиб бўлгач, ниҳоят богдон ундан кўнгул узади. Чирок базм бўлаётган жойини қанчалик ёритмасин, бари бир, (базм тугагач) унинг ҳам кунни қораяди. Дунёнинг хосияти шу

бўлгач, одамлар доим бир мақомда жамъ бўлиб яшамай, тарқаб кетадилар-да. Бунга куйиб-пишишнинг фойдаси йўқ, фойда у ёқда турсин, зиёндан бошқа нарса йўқ. Сенга таңгри билимдонлик ато айлади, ўзингга насиҳат-гўйлик фазилатини берди. Сенинг ўзинг панд-насиҳат таҳсилга эгасан, сенга ақл етук бўлмаган одамгина насиҳат қилади».

Хурмус сўзини тағатгач, ер ўшиб, тезда Фарфуннос путқ бошлади:

«Эй, ням-ҳиммат фазилатларидан баҳраманд, сўзи гавҳар, бебаҳо зот! Сен ҳозирги кунда шараф конининг денгизисан, бироқ сенинг гавҳаринг йўқолган. Лекин худо яратмиш денгизлар ичида ўз дуридан жудо бўлмаган бирорта денгиз борми? Шунингдек, дунёда қайси кон кавламади-ю, унинг бағри чок бўлиб, гавҳари йўқолмади? Бу қадимдан расми одат бўлиб, оллоҳнинг суннат ва қондасидир. Бу гапларни сен ҳаммадан яхши биласан. Ақл сени шу даражада мухтарам қилганини, тутган ишларингга ҳамма билармон кишилар қойилдирлар. Сенга ҳақ таоло шундай фазилатларни бағишлаган экан, бунга кўндан-кўп шукр қилишнинг вожибдир».

Фарфуннос йўл-йўриқ кўрсатиб бўлгач, Арасту қимматли фикр бунёд айлади. У кўзларидан ёш тўкиб туриб, шундай юракни тирновчи сўзларни гапирди:

«Бу аҳволдан менинг кўзим дур каби ёш тўкмоқда. Кўп гапларим бору, аммо уларни айтолмайман. Сенга насиҳат қилиш менга мақбул ва муносиб эмас, менинг ўзимга юзлаб киши панд-насиҳат қилмоғи даркор. Мен насиҳатгўй эмасман, бунинг устига, эс-хушимни гам асир қилиб олди. Сенинг дарду гамингни юпатай, бу поёни йўқ мотамингни сўрай дейману, аммо нима қилайки, сўрашга тилим лол, юрагим ошифтаҳолдир. Ғам-кулфатни кўтаришда бонумизга ҳақ мададкор бўлди. Барча бу кишидан сабоқ олмағи керак. Бу киши бизчалик ҳам куйиб-пишиб, ўзини изтиробга солмади: дард ўтида кабоб бўлмади. Ичлари гунчадек таҳ-батаҳ қон бўлгани ҳолда, халқ орасида юзлари кулиб турди. Қазонинг ҳар қандай ҳукмига тап бермаслик, ҳақ таолонинг лутф-марҳаматига ношукурчиликдир. Бонумиз тушунчасига бирон хатар етиб қолмаса, номувофиқ сўзларни тилига ҳам олмайди. Бонунинг бу иқболини таңгри янада баланд айласин, ҳар вақт хушбахт ва хуштоле бўлсинлар!»

Шундай сўзлар билан ақл-хуш эгалари тасалли бериб, бонунинг гамини енгиллатдилар, хаёлини жойинга келтирдилар. Буларнинг таъсирли нафаслари уни хушга кел-

тириб, ниҳоний яраларига малҳам бўлди. Уларга узр айтиш зарурати билан тилга кириб, етти конга бир вайропа шундай хазина тўкди:

«Бу мотам ғами менга нисбатан сизда кўп, чунки Искандар мендан кўра сизга яқин эди. Унинг ҳоли-аҳволи сизларга маълум; қанчалик билим ва камолоти борлигидан сиз хабардор эдингиз, сафар кунларида сиз унга ёр, ватанида истиқомат қилган пайтларида эса сиз унга ғамхўр улфат эдингиз Мен, у сизнинг шохингиз эди, демайман, йўқ, у сизнинг меҳрибон дўстингиз, дилхоҳингиз эди. У ҳар бирингизни ошкора ҳам, махфий ҳам икки жаҳондан-да ортиқ кўрар эди. Сиз ўз дўстингиздан ажраб, ғамгинмисиз? Унинг ҳажру фиरोқида мотамдамнисиз? Тангри бу ғамингизни бошингиздан кўтарсин, оғир мотамингизни ўзи дафъ айлсин! Агар Искандардан барчамиз ажраб қолган бўлсак ҳам, лекин бир-бировимизга ҳамдардмиз. Бу кулфат юз бергандан буён сўзлашни ҳавас қилмаган, сўзлаш учун нафас ҳам чиқазмаган эдим. То таним умрдан қувват топиб турар экан, сўзламаслик учун оғзимга сукут муҳрини босай, деган эдим. Аммо сиздан ҳамдардлик аён бўлгач, ҳамдардлардан ажраш, уларга қўшилмасликни ўзимга муносиб кўрмадим. Сиз мени беихтиёр сўзга солдингиз. Ахир, киши ёнида ҳамдарди бўлгач, сўзламасликка ихтиёри қоладими?»

## LXXXII

*Билаги кесилган одам ҳикояти шуки, унинг қўлига тухмат тиғи тўсатдан ҳужум қилди ва ўз дардкашлари олдига етгач, кесилган қўлини баланд кўтарган ҳолда, уе тортиб юборди*

Эшитишимча, бир бечора одам бўлиб, фалак унинг бошига кўп ранж ва хор-зорликлар солган экан. Бу етмагандек, бошига яна қаттиқ кун тушиб, тухмат билан унинг қўлини ҳам кесдилар, бу зулм унга жуда ҳам ўтиб кетдию, аммо у индамай, ҳеч кимга дод-вой қилмай, югуриб бориб, кесилган билагини бутун қўлига олгани ҳолда, халойиққа ҳеч қандай илтифот қилмай, жўнаб қолди. Бу воқеадан хабардор бўлган кўнгли пок бир одам ҳайрон бўлган ҳолда аста — индамай унинг ортидан эргашди. У орқадан, қорама-қора кузатиб борар, бу ҳолининг нима билан тугагини билмоқчи бўлар эди. У халқдан четга чиқиб, узоқлаб кетди (бундай пайтда халқдан узоқроқ

бўлган яхши, албатта). У девоналарча қадам ташлаб борар эди, шу орада бир вайронага етди. Бу харобада қўллари худди шуникига ўхшаб ноҳақ кесилган бир қанча дардманд аламзада кишилар бор эди. Юраги гам-аламга тўлган одам уларнинг олдига етганда, худди юрагига ништар санчилгандек бўлиб, кесилган билагини итқитиб, додлаб юборди. Бунинг аҳволини кўриб, улар ҳам дод-вой солишди. Сўнгра буларнинг ҳаммаси бир-бировлари билан қучоқлашиб, шундай йиғи-зор қилдиларки, охинолаларидан олам юзи қаро бўлди. Шунда бу ишни билмоқчи бўлиб, пусиб юрган ҳалиги одам бу азабозликни кўргач, фаросат билан тубандаги хулосага келди:

Бу зулмга учраган одам, халқдан четлаб бориб, ўзига ўхшаб зулм кўрган кишилар билан ҳамдард бўлди. Агар биров ўзига ҳамдард кишини топса, яшириб юрган дардини шинҳон тутмоқнинг зарурати ва имконияти қолмайди.

### LXXXIII

*Икки ҳамдард бир-бирига нима сабабдан улфату ва икки ҳамжинс бир-бирининг суҳбатидан нима учун завқиб*

Билимдон кишилар ҳамжинс одамларнинг бир-бировига ўхшашлиги сабаби ҳақида шундай фикрларни айтганлар:

Кишилар дастлаб, хулқ ва табиатлари ҳамда толеъ юлдузлари бир-бирларига мос келиши туфайли ҳамжинс бўладилар. Булар асли туғма характерлари жиҳатидан мос ва мувофиқ бўлишлари сабабли ҳам бир-бирларига табиатан яқин бўладилар. Аслида буларнинг иккисини бир юлдуз парвариш қилади, айни шу юлдуз икковини табиий бир жозиба билан бир-бировига боғлайди. Яхшиликми-ёмонликми, нимаки у юлдузга таъсир кўрсатса, айни одамнинг бахт-иқболнинг соҳиби ва тарбиятқунандаси бўлгани туфайли ўша юлдузда юз берган ҳодисанинг таъсири бу одамларнинг ҳаётида ҳам аке этади. Толе юлдузига шоду хуррамликми ёки дарду гамми, нима таъсир этса, бари бир ҳамжинсларга ҳам озми-кўпми шундан насиба тегади, яъни ҳамжинслар роҳатларини баробар баҳам кўрадилару, ранж-машаққатда ҳам бир-бирларига ҳамдард бўладилар. Бошларига тушган бир хилдаги ҳолат — буларнинг бир-бирига бўлган муносабати янада оширади, бир-бирига янада яқинлаштиради. Икки дўстнинг бошида бир хилдаги кайфият содир бўлгач, булар беихтиёр бир-бировларини истаб қола-

дилар. Шу хилдаги икки зор булбул ҳамовоз бўлади, шу каби икки қумри ҳам доим бирга парвоз қилади.

Хоҳ ваҳший ҳайвону қуш бўлсин ва хоҳ инсону жин бўлсин, барибир, иккиси ҳамжине бўлса, бир-бирларига шу хилда яқин ва дўст бўладилар.

#### LXXXIV

*Фалакдек баланд мартабали шаҳзода мадҳидаким, у қуёш билан ой бир-бирига яқинлашгач тўғилган бахт юлдузидир ва у, сарв билан гул қовушганда очилган сўзловчи гунчадир. Достоннинг ибтидосини султони соҳибқирон мадҳида бир неча дурафшонлик билан музайян қилмоқ ва ҳикоянинг дебочасини давронимиз Искандари ҳамд-сапосида гуҳаррезлик билан безамоқ ва охирда шаҳзода мадҳини насиҳат била тугатмоқ ва қадимий етти ҳаким билан Искандар ҳикматларини унга ошкор айламоқ ва сўнгра бу достонни ёзувчининг ўз таъби билан яратган икки оташин лаълини унинг қулоғига лойиқ ва икки оқ дурри-гавҳарини унга равон эшитилиши учун мувофиқ назмга солмоқ ва ниҳоят, дуо гавҳарлари билан достонни хатм — тамом қилмоқ*

Шукрлар бўлсинки, бахтим ишимга ривож бериб, бу шоҳона китобни безаб тугатдим. Китоб ибтидосини алиф билан бошлаб, охирини мим ҳарфи билан тамомладим. Яъни бу достон охирига етди; бошланган бу тарих саранжом топди. Тез айланувчи осмон мададкор бўлиб, Искандар ҳақида фикр юритдим. Агар салтанат тахтларини олувчи Искандар ўз тоғу тахтини бу дунёда қолдириб кетган бўлса, бу воқеадан аҳли жаҳон дард-аламга тушмасин, чунки унинг ўрнига ўринбосар пайдо бўлгач, нима ташвиши бор? Ахир Искандар сифат Абулғози Султон Ҳусайн ҳамма шоҳларнинг мумтози эмасми? У бутун дунё халқларининг қўриқчиси, қўриқчисиғина эмас, иккинчи Искандаридир. Агар Искандар ойина ясаган бўлса, бунинг юраги ҳар қандай сир учун ойинадир. Агар у бутун хазиналарни тилсим қилиб қўйган бўлса, бунга ганж хазиналарни сарфламоқ қисмат бўлди. Агар у илм соҳасида журъат кўрсатган бўлса, бу ҳар бир ишни таваккал ва дадиллик билан амалга оширади. Агар у ўз душманларини маҳв этмай тинчимаган бўлса, бу — душманларига ҳам ёмонлик истамайди. Агар у ҳар бир мақсадни фикр қилиш билан юзага чиқазган бўлса, худо бунга ўткир. Фикр ҳам, тиг ҳам ато айлади. Агар у тириклик суви

учун от сурган бўлса, бунинг ҳар бир сўзи оби ҳаёт сипари ҳаётбахшидир. Агар у яъжуж фитнасига қарши сад чеккан бўлса, бунинг мулкига бостириб киришга ҳеч кимнинг ҳадди йўқдир. Агар у уруш — талаш билан оламини олган бўлса, бу, агар бир камбағал истаса, унга олам беради. Агар ундан наса қолмаган бўлса, худо бунга ўн олти фарзанд ато айлади. Булардан биттаси нурли қуёшдек бўлиб, бунинг қутлуг номи ҳар бир дostonнинг бошида зикр этилмишдир. Иккинчиси эса юз хил яхшилик билан дунёга келган бўлиб, «Фарҳод ва Ширин» дostonим унинг номигадир. Маълум бўленики, қолган ўн тўрттасини поклик ва озодаликда ўн тўртта маъсум гўдак деса бўлур. Булардан иккитаси набира, қолган ўн иккитаси ўғил бўлиб, уларнинг ҳар бирига юзлаб шоҳ ва шахзодалар қул бўлса арзийди. Бу ўғиллар давлат осмонининг ўн икки буржи ва бахту шарафининг дурри-лаълиларини сақлайдиган ўн икки сандиқдирлар. Буларнинг ҳаммаларининг умрлари узоқ бўлени, оталари бўлмиш буюк шоҳнинг мартабалари бундан ҳам зиёда бўлени. Ҳаммалари, хусусан, номлари тилга олинган шахзода мурод-мақсадларига етсинлар. Унинг юзи — гўзаллик базмининг жилвагар шамно, қадди саятанат боғининг сарвинозидир. Яхшилик, лутф-марҳамат унинг жиесидаги жон ва жононаси: у шараф ва улугворлик денгизининг дурри якдонасидир. Унинг етти пушти дунёнинг шоҳи бўлган, бутун ота-боболаридан тортиб хон ва хонзодалардир. Отаси шоҳ Ғозий — Ҳусайн Бойқаро бўлиб, бу унинг кўз нури — ўгли Музаффар Ҳусайн ибн Султон Ҳусайндир. Унинг муборак номи бахт ва зафар маъносини ифодалайди. Зотан, у бутун айб-нуқсонлардан покдир. У адаб тахтининг осмон қадар баланд мартабали қуёши, ҳаё денгизининг покиза гавҳаридир. Унинг қаҳр-газабидан дўзах ўти даҳшатга тушади, хулқи эса жаннат гулидан ҳам ёқимлироқдир. Ёши кичик бўлса ҳам обрў эътибори зўр, уч қуллигида ўн тўрт қулик тўлини ойна эслатади. Ахир шер хоҳ ёш, хоҳ катта бўлени, унинг савлату важоҳатидан одамларнинг хавф-хатарда туриши табиий эмасми? Ёилнинг яхши-ёмон бўлиши — баҳорнинг келишидан маълум бўлгани каби, эл — халқ бунинг оламини ёритувчи юзидан кўп умидвордир. Бу шахзоданинг яхшилик сифатларини айтиб тугатиш, поёнига етказиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан пасиҳат йўлини тутиб, гапини дуо ва яхши тилак билан тўхтатиб қўя қолайин.

*Юқорида тасвирланган ва илгари зикр қилинган тартиб билан мадҳиялардан дуога юзланмоқ ва ҳақимларнинг насиҳатномаларига киришмоқ*

Эй, шоҳсурат одамларнинг озодаси ва эй жаҳон кишиларининг шоҳу шаҳзодаси! Барча оламнинг шоҳи бўлмиш Искандар бутун дунё кишилари наздида худонинг ердаги сояси ҳисобланар эди. Унинг илми ва билими барча олам халқларининг илм-билимларига барабару, ақл ва донолиги ҳам ўшанча қувватга эга эди. Ҳиссасига нуқул фан ва билим тушган бўлишига қарамай, яна кишилардан тинмай ўрганар эди. Ўзининг фикр ва мулоҳаза кучи кам бўлмагани ҳолда, ҳар ишда ҳаммадан маслаҳат сўрар эди. Билимдон кишиларнинг панд-насиҳатларини талаб қилар, улардан фойдали маслаҳатлар олар эди. Ҳар кун ва ҳар соат у маслаҳат мактубларини кўздан кечириб, улар ичидан кўнглига ёқадиган ва дилига ором берадиганларини ахтариб топар эди. Олимларнинг маслаҳатлари асосида иш кўриб, ҳар бир ишда булардан яхши баҳраманд бўлар эди. Ана шулар ҳақида бир-икки оғиз гапираман ва қандай сир бўлса, аён қилиб бераман. Буни қилишдан мақсадим, сен ҳам бу гапларни эшитиб, бу маслаҳатлардан фойдаланарсан, деган умиддаман.

Бундан биттаси Арастунинг ақлномаси бўлиб, унинг қалами билан таҳрир этилгандир. Қисқачароқ бўлса ҳам унга киришаман. Уни тангрига ҳамд-сано айтиш билан бошлайман. Зеро у ҳам ҳаққа ҳамд этиб бўлгач, Искандарга тубандаги сўзларни баён қилади:

«Шуни унутмасинки, олам вафосиздир, шунингдек, оламда ниманки бўлса, бақосиздир, доимий эмасдир. Нима парса бетайин ва беқарор бўлса, унга эътиқод кўйиш — ишонини яхши эмас. Бир ҳақгина боқий ва ўзгармасдир, унинг камолига ҳеч қачон завол етмайди. Сен ўзингча, ҳеч нарсага зор ва муҳтож эмасман, деб ўйлайсан. Аммо билсанг, сен ҳақ олдида шунчалик бечорасанки, доим унинг марҳаматига муҳтожсан. Тангри сенга марҳамат қилгани каби, сен ҳам эл-улусга шафқат — марҳамат қилиб туришинг лозим. Улус сенга бир бандасифат хизматкор бўлгани каби сенинг ҳам бир қодир эганг борлигини унутма. Кучсиз — бечора одамларга хоҳ яхшилик ва хоҳ зугм қилсанг, кучлилардан ҳам шуни талаб эт, яъни одамларни ҳар ишда тенг кўр. Одам муҳрга нимани ўйса, муҳр босилгач, қорозга шу тушади. Бино-

барин, ўзингга номуносиб кўрган ишларни халққа ҳам раво кўрма, яъни уларга қилган зулминг ўзингга қайтишини унутма!»

Афлотун айтадики: «Эй юксак мартабали зот! Ҳақ таоло сени халқдан мумтоз қилиб яратди, уларга муҳтож айламади. Сенинг бу шавкат — обрўларинг ўшанинг лутф-марҳамати туфайлидир. Унинг бахшиш ва эҳсонидан сен шундай ҳашаматга эга бўлиб ўтирибсан. Агар унинг амрига итоат қилмайдиган бўлсанг, қандай қилиб сенинг мушкулинг осон бўлади? Қўшин йнгаман, уни кўпайтираман, деб эл-юртни хароб айлама. Ишни тангрига ҳавола қил, бутун умидингни фақат аскару лашкарларга боғлама. Ер юзини худди туман сингари лашкарга бостирсангу, аммо ҳақ таоло сенга зафар бермаса нима фойдаси бор? Аскар ва сипоҳни ҳам ҳаддан ташқари қийнама, уларни офат ва фалокатларга гирифтор қилма. Агар шоҳдан аскарларга азият етадиган бўлса, аскар ва сипоҳдан ҳам шоҳга шикасту зарар етиш хавфи бор. Уларнинг эркини жуда ҳам ўз қўлига бериб қўймаганинг каби жуда ноумид ҳам қилма, яъни улар бир тарафдан сенинг сиёсатингдан кўрқса, иккинчидан, марҳаматингдан умидвор бўлиб юрсин. Сипоҳ кўнглини лутф-марҳаматинг билан шоду фуқарони ўз адолатинг билан обод айла. Шу икки гуруҳ сендан рози ва хурсанд бўлса, сенинг шоҳлик салтанатинг равнақ топади ва интизомли бўлади».

Бундан сўнгра Суқрот тубандагиларни айтган:

«Сен фатҳ-ғалабани ва иқболни тангридан умид қил. Қачонки ҳақ таоло олдида қилмишларинг дуруст бўлса, эл — халқдан унчалик ташвишланишга ҳожат йўқ. Модомики тангри сени ўзининг ердаги сояси қилиб белгилаган экан, шубҳасиз, бу соянинг мартабаси улугдир. Лекин у соя элу юртга осойишталик бағишлаши, уни обод ва маъмурчилик билан безаши лозим. Бундай улуг мартабанинг қадрини билишинг, шунга мумосиб иш кўришининг тараддудини қилишинг шарт. Эл-улуснинг азиятга тушувига сабабчи бўлиб, ўзининг яхши номингни ҳаромга чиқазма. Фуқарони ўз адолатинг билан эркин яшат, у хотиржам бўлсин ва роҳат қилиб ухлаёлсин. Улар тинч ва осойишта бўлса, сенинг бутун муддаоларинг ҳосил бўлаверади. Агар фуқаро паришон ва пароканда бўлса, шоҳлик дарахтининг илдизи бўшашаверади. Агар қўй бўри подасига оёқости бўлар экан, чўпоннинг ит ҳолига тушиши турган гап». Суқрот яна фикрini давом эттириб деди:



«Халқ пешонасига нима ёзилган бўлса, шуни кўради. Кишининг тақдирида бўлган нарса ни дафъ этини осон эмас, уни кўрмайини иложи ҳам йўқ. Улуғлик эгаси бўлмиш таңгри ўз хифз-ҳимоятида сақламаса, одамга на ганж-хазина асқотадию, на моя-мулк. Гарчи шодликка ва буюк мақсадларга таваккалчилик билан эришини мумкин бўлганда ҳам эҳтиётлик билан иш туттиш шартдир. Ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик матлуб эмас, таваккалчиликка берилиб, гафлатда қолиш ҳам яхши эмас. Ҳаддан зиёда серташвиш, аксинча, жуда беғам бўлиш ҳам ёмон. Ҳар бир ишда ишларнинг, воқеаларнинг яхшисига таяниш яхши. Султонлар ҳам давлат ишини шу тариқа олиб боришлари шарт бўлиб, улар учун хусусан тубандаги ишларда мўътадиллик бўлиши керак.

Фитна-фасод билан шугулланувчи игвогар кишиларни спёсат остига олиш, яъни уларга жазо беришда дўқ-пў-писани ҳаддан ошириб интизомда сақлаш — ҳукмдор учун шартдир. Ёмонларни шу таҳлитда ҳаддан ташқари кўрқинчда сақлаш — яхшиларнинг ниҳоят даражада осойишта яшаши учун шароит яратиб беради».

Ундан кейин Файсоғурс фикр билдирган:

«Шоҳ покликдан баҳра олиши керак. Чунки уни таңгри ўз продаси билан шоҳ қилди. Бинобарин, унинг хотири ҳеч нарса билан ифодаланмаслиги, қалби пок бўлиши шарт. Агар шоҳнинг нияти покликка асосланса, унга пок одамларнинг меҳр-муҳаббати ортади. Кишининг огзи ҳам пок — сўзи ҳам пок, кўнгли ҳам пок, кўзи ҳам пок бўлиши керак. Шоҳнинг кўнгли ҳар қандай шахсий гараздан пок бўлиши, у халқнинг оиласини ўз оиласидек кўриши лозим. Шоҳнинг ўзи покликни шиор қилиб олса, халқ ичида бўлмиш нопоклик ва ёмонликларнинг ҳаммаси йўқолади. Модомики ёмон одамлар нопок ишларни қилишдан хавф-хатарда бўлса, халқнинг оиласи тинч ва осойишта яшайди. Агар шоҳ ўз нафсининг сўзига кириб, бузуқ йўлларни ҳавас қилса, охирда кўнгилсизлик ва шармисорликка йўлиқади. Шоҳ бундай ножўя ишни қилишда аввало элдан ўзига бир хавф-хатар етмасин учун ҳеч ким билмас — хилват жойни ахтаради, бу феъли бадини элдан ниҳон тутайди, лекин бутун борлиқнинг худоси бундан хабардор ва ҳозир-нозир-ку. У шундай бир жой топсаки, қилган ножўя ишини таңгри ҳам билолмаса, аяммо бу асло мумкин эмас».

Яна Асқалинус бундай насиҳат қилган:

«Шоҳ ўз адолати билан халқни маъмур қилиши керак. Қайси бир шоҳнинг инсоф ва адолати бўлмаса, унинг

мамлақати обод бўлмайди ва халқи фаровон ҳаёт кўролмайди. Агар шох зулмкорликка қўл чўзар экан, зулм уйига катта эшик очилади, деяверинг. Унинг ўзи мамлакат халқига унча зулм қилмаса ҳам, лекин айрим золимлар зулм қилса-ю, бу нидамаса, яна баттарроқдир. Шохнинг одати яхшилик бўлса, халқи ҳам шунга одатланади; ёмонлик бўлса-чи, халқ ҳам ёмонлик йўлини тутати. Агар ярамас одамлар тўн-тўн бўлиб, маст-аласт юрса, яхши ва нокиза одамларга бениҳоя зарар етади. Агар ёшлар учун мактаб эшиги беркиладиган бўлса, катталар ҳам ўзларининг тўғри йўлларида адашадилар. Бундай пайтда энг яхши одатларга ҳам халал етади, иломга ҳам, динга ҳам раҳна тушади. Бинобарин, шох адолатни ўзига шпор қилиб олиши, зулмкор кишиларни тубан тутиши, уларга ҳеч қандай кун бермаслиги лозим. Халойиқ адолатга асосланган интизом билан янмаса, шох икки дунёда азизу мукаррам бўлади».

Бундан кейин Хурмус ғамхўрлик билан мана бу хилда ҳикматли фикр билдирган:

«Шох халқининг эҳтиромига сазовор бўлиши учун у саховатли бўлмоғи зарурдир. Лекин енгилтабнатлик ва мақтанчоқлик билан қилинган ҳар бир сарф-харажат саховатга кирмайди. Биров заруратдан тилаб келган пайтда берилган нарсалар ҳам саховатга кирмайди, саховатли одамлар уни саховат демайди. Бировдан бир нарсани тилаб олиш — метин билан ҳа-ҳа қилиб қаттиқ тошдан лаъл-ёқутларни ажратиб олишдек машаққатлидир. Саховат шундан иборатки, меҳри дарё шох ўзининг кўнгили кўзи билан назар қилиб, аввало аскарларни озиқ-овқат билан старли таъминлайди, уларнинг даъво қилиши учун ҳеч қандай ҳақини қолдирмайди; сўнгра, ишчи ва мардикорларнинг ҳақини старлича беради ва охирда халққа ҳам озми-кўнми, нигъм — мукофот берса бўлади. Бу кейингиси ким оч ва муҳтож бўлса, шунга озиқ-овқат ва керакли яроқ беришдан иборатдир. Мақтанчоқлик ва ўзини кўрсатини учун берилган маблағ хоҳ юз туман ва хоҳ бир чақа бўлсин — саховатга эмас, перофгарчиликка киради. Шох нимани сарфламоқчи бўлса, мана шу тарзда сарфлаши лозимки, бу кини мартабасини янада улуглайди».

Искандар айтадики:

«Қайси шохга тангри бир мамлакатни ато қилган бўлса-ю, у жаҳонгирлик ҳаёлига тушиб, бутун дунёни фатҳ этиш ҳақида яхши тадбир ўйласа, у ҳар йили шу иш орқасидан юриши, икки қиш бир жойда туриб қолмас-

лиги керак. Қимсингки муддаоси жаҳонгирлик бўлса, у бирои жойда ором олиб ётмаслиги керак. Қўшини тортиб дунёга юриш қилиш оғир иш бўлса ҳам, лекин қўшини тортмай туриб, оғирликни бартараф қилиб бўлмайди. Агар шоҳ қийинчиликни енгиш йўлида шижоатли бўлмас экан, у ҳеч бир ишда ботиб шерга ўхшаб галабага эришолмайди. У ўзига тобе одамларнинг ва аскарларнинг тартиб-интизомли бўлишини истаса, аввало, ўзи тўғри сўёсат юргизиши керак. Агар овини яхши саранжомлаб қўлга киритиш умидида бўлса, урушда қўшини сафини мақсадга мувофиқ туза билиши шарт. Шоҳ ўйини-қуягида маишатга берилмаслиги, фикри-зикри доим шоҳлик ва давлатни идора қилиш билан банд бўлиши лозим».

Искандар билан юқоридаги етти олимнинг фикрларини виҳоятда тўғри, соғлом деб эътироф этмоқ керак. У олимларни осмондаги етти порлоқ юлдуз ва ёки ҳаддан ташқари катта осмон деса бўлади. Нафаслари муборак бўлмиш донолар фикр этиб, сенга юқоридагича саккиз жаннат очдилар. Бечора Навоийга келганда, у дуодан бўлак нима ҳам дейиши мумкин? Лекин шунга қарамай, унинг икки оғиз сўз дейиш муддаоси бор:

Бирини шуки, шарият қўлини баланд тутиб, ҳамма ишни шаръий қонун-қондага асосла. Мана шу йўл билан талаб отини ҳар томонга қараб чоптириб борсанг, икки дунёдаги муроднинг ҳосил бўлиб, пайгамбар юрган жойлар сенинг ҳам манзилнинг бўлади. Иккинчиси шуки, ота-онангга хизмат қил, буларнинг иккисига қуллуқ қилишни ҳақиқий фарз деб бил. Агар бу дунёни ҳам, охиратни ҳам топишни истасанг, яъни бу дунёда салтанат билан, у дунёда роҳат билан яшашни истасанг, ҳақ таолонинг розилиги шу иккисининг розилиги билан бўлади, ризогина эмас, ҳаққа етишининг энг яхши йўли ҳам шудир.

Сўзим тугади, энди камтарчилик расмини адо этиб фотиҳа қилайин. Илоё Искандарнинг сўзларини, у забт этган етти иқлимни, яъни унинг ҳадсиз-ададсиз мулкларини бизнинг шоҳга ҳам насиб айла, унинг дуоларини мустажоб қил. Шу хилда бизнинг озод, эркин шоҳимизни ҳам, унинг кўнглига яқин ва тарбиясида бўлган марғуб шаҳзодаини ҳам Искандар сифат эт

## LXXXVI

*Улуғ мартабали шоҳга дағал сўзлар билан насиҳат қилиб,*

*бу сўз эгови билан унинг ишига сайқал бермоқчи бўлган камбағал, аммо қадри баланд гадо ҳикояти*

Эшитинимча, бир шоҳга ҳеч нарсаи йўқ бир гадо ўз насиҳати билан кўн фойда етказибди. У ўзининг қимматли панд-насиҳатлари билан худди вайронадан хазина топиб бергандек бўлибди. Агар бировнинг сўзи ўликни тирилтирадиган бўлса, унинг гапи қаттиқ-қурум бўлса ҳам ҳақдир.

Давлат бошлиқларидан биттаси бу камбағалнинг сўзлари ҳаддан зиёда қаттиқ эканини фаҳмлаб қолибди. Лекин гапирувчи гоётда ҳақир ва фақир одам эди. Шунда у давлат кишиси қаҳр-газаб билан айтибди:

— Эй, камбағал — қашшоқ! У шоҳ, сен бир гадо бўла туриб, шоҳга насиҳат қилишга нима ҳаддинг бор?

Шунда ҳалиги сўзлари маъноли исонафас одам дебди:

— Гарчи мен хас каби ҳақир, назар-погирон одам бўлсам ҳам, агар сенда сўздан маъно олиш қобилияти бўлса, менинг ўзимга эмас, сўзимга боқ! Гап-сўз ўз мазмунини билан худди тоза дурдек қимматли бўлса, гапирувчи садафдек паст бўлишининг нима зарари бор?

Агар менинг гапларим ўткир, маъноли бўлса, қаламим учидан ўтдек ёлқинли сўзлар тўксам; ўзимнинг қанчалик муҳтож, ҳолдан тойган даражада нимжон ва фалакнинг тепкисидан ниҳоятда эзилган бўлишимнинг нима аҳамияти бор? Сўзим покиза, тўғри ва ҳақ бўлгани тўфайли, қаттиқ гапиришдаги адабсизлигимни ювиб кетар, деб ўйлайман!

## LXXXVII

*Машварат-мажлисда гапирувчига аҳамият бергунча, унинг айтган гапига кўнгилдан жой бермоқ керак ва сочилган жавоҳирдан муносибини термоқ керак*

Ақлли ва тафаккур соҳибни бўлмиш одам ақл нури билан оламини ёритади. Унинг бошига баъзи сабаблар билан бир мушқул иш тушадиган бўлса, бу ҳақда ўз дўстлари билан маслаҳатлашади. Агар уларнинг тушунчаси, бирмунча камчилик ва нуқсонлардан қатъи назар, тўғри бўлса (гайб ишининг учини маълум бўлмагани каби, фикрларнинг қайси бири тўғри эканини билиш ҳам қийин), булардан бири ақл билан кўнгилга маъқул тушса, нима бўлса ҳам ўшани қабул қилмоқ керак. Илм аҳллари ҳар ишга ақл ҳакамлик ва далолат қилгандагина қадам қўяди-

лар. Лекин гайб илми номаълум бўлганидан, иш ўнгидан келмаса, кишиларни маъзур тутмоқ лозим. Аммо кўнчилик бир бўлиб, маслаҳат вақтида ҳар қандай чигал масалани ҳам тўғри ҳулосалаш мумкин. Фикр юритишда ҳар ким ҳар хил бўлади, баъзан икки кимсанинг гани икки хил бўлиб чиқади. Шунга қарамай, бир қанча кишилар бирлашиб, бир нарсани муҳокама қилганда, ҳар қайсиси икки-уч оғиздан ганирса ҳам жавоҳиршунос одам шу гаиларнинг ичидан ишнинг режасини топиб олиб, бир ҳулосага келиши мумкин. Биттасининг фикри бошқаларникига нисбатан устун чиқиб, шунинг ўз ишига асос қилиб олиши мумкин. Иш мана шундай кенгаш — маслаҳат билан тўғри йўлга тушгач, ҳар ким ўзига керакли гавҳарни йиғиштиради. Лекин бахт-иқболдан баҳраманд одамгина у пок гавҳарларнинг қадр-қимматини билади.

Бу дурраларни мен жаҳонга ва юлдузлар ўрнига тўққиз қабат осмонга сочдим. Умидим шуки, шоҳ ва шахзода бундан хабардор бўлсалару, ҳам баҳра олсалар экан! Бу гаиларни озода шоҳ ҳам ва шахзода ҳам ўз қулоқларига олсалар. Лекин мен шошилиб, тез бозорлик қилсаму, улар харидорлик изҳор этмасалар, яъни уларнинг қулоқларига ёқмаса ва лойиқ келмаса, энг аъло гавҳар — дурри шохвор ерда қолармиди? Йўқ! Осмон юлдузи ҳеч қачон ерда ва тупроқда қолмайди, унинг ўрни ҳар қачон кўм-кўк нилуфар осмондадир. Сўз — сўзнинг қадрини билган одамники, гавҳар эса унга харидор бўлганикидир. Бугун бизнинг шоҳимиз қимматли жавоҳирларни қадрловчи табиатга эга экан, бу сўз гавҳарлари ерда қолармиди? Йўқ, қолмайди! Агар у бошга зеб-зийнат бўлмаса-да, бу унга муборак бўлсин! Тонганимни унинг бошидан нисор қилиб сочдим. Сўзим тамом бўлди, мухтасар айлаб — қис-қартдим.

Эй, соқий! Кўздан дурри ноб оқизадиган лаъл рангли сувни олиб кел! Мен у майдан бўшаган косага шодлик ёшларимни тўкай, чунки бу бошлаган дostonим охирига етди.

Эй, муганиий! Кўнчилга роҳат бағишловчи найни чал, зеро, қаламим ёзишдан тўхтайдиган бўлди. Энди най қаламимнинг куйи тўхтагач, май ичиб — маст бўлганимда бу найнинг куйини тинглайин.

Эй, Навоий! Сўз келинига оро бериб, ясаптириб бўлдинг. Энди тинчиб, ором оладиган пайтинг келди. У маҳвашнинг жамоли пардозланиб бўлди, энди ҳуснига боқиб, висолдан муродингни ҳосил айла!

*Бу, ҳокимсурагу дарвестабнат, семи Дарвешу, улуши  
зукумат иши бўлмиш инимизга рад этиб бўлмас  
насиҳатдир*

Эй гавҳарим кинининг гавҳари! Эй порлоқ юлдузим буржининг юлдузи! Сен улугъик ва баланд мартабанг билан ҳаммага маълумсан, насабда мен билан туғишган — қариндошимсан. Бу беш хазина бўлмиш дostonларнинг тилсимини очдим, яъни ёзиб тугатдим. Энди сенга ҳам бу гавҳарлардан бир қисм ажратай. Менга вақтики майхона насиб ўлди, сен ҳам у ерда бир печа қадаҳ сумургини. Уша гавҳар деганим бирмунча панд-насиҳатлар мажмуи бўлиб, қадаҳ деганим ҳам маъноси чуқур чиройли ва фойдали сўзлардан иборатдир. Сен шу насиҳатларимга баҳслашмай зинҳор-базинҳор амал қилгин.

Ҳар ишни ўришлатувчи худо сени ўз тенгдошларинг орасида улугъ мартабали ва обрўли қилди. Бунинг шукронаси учун сен ҳеч бир гурурланмай, ўзининг камтарин тут.

Нимаики амр этилса ризо бўлгин, агар бирон нарсани билмасанг, уни билувчини топиб сўра, ҳақ эҳсондан мартабанг ортдими, унинг амру фармонидан бўйин тоблама. Чунки ҳақ шафқатли ва марҳаматли бўлиши билан бирга жабр ва қаҳр қилувчи ҳамдир. Модомики сени у улугъ мартабали қилиб яратган экан, бас, унинг улугъ амрини ҳам кичик бплгин. Чунки агар у қаҳру гайратга юз тутса, ўйлаб кўрки, пушаймон бўлишликнинг фойдаси бўлармикан? Агар тангри амрини маҳкам тутадиган бўлсанг, пайгамбар кўрсатмаларига эргаш. Шариат йўли катта бир йўлдир, ундан адашишдан ҳақнинг ўзи асрайди. Модомики адашмайин десанг, бу катта йўлдан чиқмагиники, тилагингга етасан.

Худо ва пайгамбар амрини камолга етказгач, валинеъмат — подшонинг амрини бажо келтиришга урин. У нима ҳукм қилса, адо этмоқни фарз бил. Агар бирон фармонига сенда шубҳа туғилиб, англашилмовчилик юз бериб қолса, бу ҳақда унга арз қил. Лекин шикоят пайтида адаб шартига ниҳоятда риоя эт, зеро, адабсизликнинг самараси раиж-машаққатдан ўзга нарса эмасдир. Менга ёзган хатларингга ўхшаш палапартиш гапларни уга ёзма; шодлигинг биноти пойдеворини ўз қўлинг билан қазиб, бузма! Агар ҳақ сенинг улушингга амалдорлик ва бахтиёрликни насиб этган экан, сендаги бу юқори маъсаб учун шохни сабабчи қилиб қўйибди. Худо ўз марҳа-

мати билан шоҳни сабабчи қилмаса, мен билан сен иккита гадодан бошқа ким эдик? Шоҳ гарчи иноят пайтида лутф-марҳамат қилса-да, лекин азоб-уқубат ҳам бера олади. Унинг қўл остида ишловчи кишилар доим шоҳдан хавф ва умид кутган ҳалда яшашлари шарт. Бу икки ҳолатни ҳисобга олиб иш кўрган одам тинч-омон ҳаёт кечирishi шубҳасиз.

Ўз амалининг юзасидан хизматингни тўла бажарар экансан, фуқаронинг ишига ҳам аҳамият беришинг лозим. Эл-улусни ўз адолатингдан баҳраманд қил, ёмонлардан яхши одамларга шикаст ва азият етмасин. Муҳтож-ва бечора одамларга шафқат-марҳамат айла. Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл. Сени тангри анчагина раҳмдил қилиб яратган, бинобарин, бунча гапларни сенга айтиб юришининг ҳожати ҳам йўқ. Лекин биламанки, бундай гапларни ҳар доим қайта-қайта баён қилишининг зиёни йўқ. Замон ва давронда абадийлик йўқ, у ўзгармай, доим бир мақомда барқарор турмайди, аммо киши ҳаёти эса ундан ҳам бевафороқдир. Мен бундан сўнг бўламанми-бўлмайманми, билмайман. Шунинг учун бу гапларни сенга ёдгорлик учун қолдирдим. Умид қиламанки, сен буларнинг ҳаммасини шпор қилиб оласан! Икки дунёда тангри ёринг бўлсин!

### LXXXIX

*Бу конлар жавоҳирини ҳиммат билан назм ипига торт-моқнинг тақрири ва бу хазиналар тилсимотини истеҳком қилиб, охиригача етказмоқнинг тақрири ва дарёдил пирнинг (Жомийнинг) равшан кўнглига бу жавоҳир ёққаннинг баёни ва ҳам бу хазиналар шеър салтанатининг муқабдас шоирлари руҳларига мақбул бўлганининг тасвири*

Менга бахт-давлат раҳнамолик қилиб, бу панжага («Хамса»га) имтиҳон тарзида қўл уришга журъат айладим. Буни панжа дема, қаттиқ харсанг тош де; тош ҳам дема, яхлит қилиб қўйилган бир бутун пўлат де! Зўрлар қаторига кираман, деб панжага қўл уриш билан у панжадан ўз панжасига кўп шикастлар етказган кимсалар ҳам бўлган. Ҳаддан ортиқ зўр бериб кучанишлари натижасида уларнинг билаклари тирсакларидан чиқиб ҳам кетган. Бу панжа деганимиз — тўла хазина бўлган «Хамса»дирки, доно Низомий бунга «Беш хазина» деб ном қўйган экан. Бу «Хамса» дегани — асл дурлар хазинаси; панжа

дегани эса, офтобдан таралган нурлардир. Кимки бунга қўлининг кучини кўрсатмоқчи бўлган бўлса, ортиқча зўр бериши натижасида қўли шикаст еб қолган.

Менинг қўлим ҳаддан ташқари кучсиз бўлгани сабабли у панижа билан тортишишга ҳеч жиҳатдан тенг ҳариф эмас эди. Қўлимда қувват ва панижамда куч йўқлигига қарамай, панижама-панижа олишмоқ ҳаваси дилимни безовта қилар эди. Бу ҳавасни тарк этай деса — ҳимматим қўймас, ишни бошлаб, бир зўр берай десам, қувватим етмас эди. Бинобарин, панижамга ҳасрат-надомат билан боқиб, бу панижамни у панижага урар эдим. Мана шундай ҳасл менинг ақл-ҳушимни ихтиёримдан олган замонда, баногоҳ бир қутлуг овоз тубандагича нидо қилди:

«Эй орзу ва ожизлик денгизига фарқ бўлиб, дардига даво тополмаётган одам! Ўрнингдан туриб, пиринг ва устозинг (Жомий) даргоҳига бор-да, у кишининг ҳар нарсадан хабардор жонига сиғин! У кишининг дилидан астойдил дуо талаб қил, буюк ҳимматида орзунингга мададкорлик тила! Ҳар бир бекки қулфни очишда азиз кишиларнинг дуоси калит бўла олади».

Бу гапни эшитишим билан худди Макка зиёратига кетаётган кимсадек йўлга равона бўлдим. Мен у кишининг остонасига етганимда гўё беҳишти аълога кириб кетаётгандек бўлиб қолдим. Остона бўлганда ҳам фалак зиёратгоҳига, зиёратгоҳ бўлганда ҳам малакларнинг саждагоҳига ўхшар эди. У остонанинг тупроги кўзимни равшан қилиб, кўнглимни ҳам ёриштириб юборди. У кишига таважжуҳ қилиб — сиғиниш тўғрисида ўйлаганимда худди селдек файз оқиб кела бошлади. Эшикка қўл уришга ҳаддим етмагани ҳолда, қўл узатмасимданоқ эшик очилиб кетди ва:

«Умидвор кишилар кирсин!» — деган овоз эшитилди. Буни эшитгач, умидим жўш уриб, ичкари отилдим. У кишининг жойи хилват эмас, юксак остонани эслатар, ўзлари эса хилватда — ёлғиз ўтирувчига эмас, Жабраил фариштага ўхшар эдилар. Уни (Жабраилни) муқаддас нур равшан айлаган, яъни у пурдан яратилган бўлса, бунинг (Жомийнинг) сўзларидан муқаддас сирлар аён бўлар эди. У худди файз топган кўнглини эслатса, бу маскан ичида Жабраилни эслатадиган даражада тўлиқ ақл эгасидир. Мен шундай бир ҳарамга маҳрам бўлдимки, йўқ, у ҳарам эмас, ёруглик ва поклик олами эди. Мен бу ерга киргач, қуёш нури таъсирида кўздан ғойиб бўлган нур зарралари каби ўзимни тутиб туролмас эдим. Мен у кишининг салобатидан истиҳола қилиб, ўзимни ҳам.



ўзлимни ҳам йўқотиб қўйдим. Бинобарин, мақсадимни арз қилиш у ёқда турсин, нима муродда келганим ва муддаоим нималигини ҳам унутиб қўйдим. Мен шу хилда гунг ва лол бўлиб қолгач, у кишининг ўзи исосифат сўз бошлади. Кўнглимда айтмоқчи бўлган қандай гапларим бўлса, мен гапиролмагач, ҳаммасини ўзи айтиб берди-қўйди:

«Кўнглингга туккан шиятнинг мана булару, аммо қилолмасмикинман, деб андишага боряпсан», деди. Мен бечорадан тасдиқ ишорасини олгач, у худди шу нарсани билишни кутиб тургандек, ишимнинг муваффақиятли бўлиши учун дуо қилиб, бутун ҳожатимни равон айлаб деди:

«Бу бир қилинмагану, қилиниши керак бўлган ва айтилмагану, айтилиши лозим бўлган иш эди. Бу ишнинг қилиниши вақти-соати тангри тарафидан худди шу кунга прода қилинган экан. Агар бу огир иш бўлса ҳам, лекин бажарилиши сенга ҳавола этилган экан. Сен бу хазиналарга тамом юриш қилишнинг, унинг тилсимотларини фатҳ этиб — очишинг керак.

Дунёнинг ҳар тарафига назар ташлаб, бутун водийю шаҳарларни кўздан кечириб, турклар ўртасида бу каби улуг ишга қўл уришга қодир ва билимдон одамни учратмадик. Туркларгина эмас, араблар ҳам, ажамлар ҳам буни кўп ажойиб ва нодир иш деб биладилар. Дунё кишилари беш байтли бир ғазални ижод этиш учун ўп кун тинимсиз меҳнат қиладилар. Кўпгина нозик фикрли маснавий ёзадиганлар шоирлар орасига даранг-дурунг овозалар солиб, халойиқ ичида гердайгани ҳолда, ўн йилда минг байтдан ортиқ ижод қилолмайди. Уларнинг бу ёзганлари юзага чиққанда, сиёҳ билан ёзилган бу каби қора-қура нарсаларнинг оламда бўлишига ҳайратланасан. Уларнинг ёзганини ким ўқиса худди қоронги кечада қолгандек машаққатга тушади. У шундай зулматки, одам ичай деса, оби ҳаёт йўқ; у шундай тунки, унда офтоб нуридан нишона ҳам кўринмайди. Ундай шоирлар шеърлари билан дунёга муаттар мушк сепдик, деб мақтансалар-да, у мушклар кўнгилини қора ва кўзни хира қилади, холос. Лекин бу ўрмонда иккита мард шер бор; бу денгиз ичида иккита шижоатли наҳанг бўлиб, бу ўрмонга кириш учун худди ўшандай жанговар шеру, бу денгизга тушини учун ўшандай диловар наҳанг бўлмоқ керак. Ҳозирги замон кишилари орасида энг ўткир фикрли ва нозик тушунчали одам фақат сендирсан. Сўз санъатида сенинг шону шарафинг баланд, сўзлаш сенинг дурафшон таъбингга хатмдир. Сўзларинг бошдан-оёқ равон бўлиб, сен сўз санъатининг

пахлавонидирсан. Тезкор қаламигининг маҳоратидан шунчалик умидвормизки, агар у ёзаётган пайтида сўз раволик билан келибгина қолмай, ўзи билан бирга яна қанчадан-қанча оби ҳаётни ҳам оқизиб келиб, ер юзини ҳаётбахш сув билан тўйдириб юборади. Агар сен «Хамса»ни ёзишга қарор айласанг, умид қиламизки, албатта мақсадингга муяссар бўласан, бу бобда муваффақиятга эришасан. Энди бориб, ишнингнинг режасини туз, тасвир қилмоқчи бўлган сиймоларининг жамолига зеб — оро беришининг пайдан бўл. Сенга бу машғулотида илҳом ва муваффақият тилаймиз ҳамда дуо билан мадад бериб тураемиз».

Мен нотавон-бечора бу гапларни эшитгач, ўлик жиемимга гўё жон киргандек бўлди. Нутқим Исо нафасли устозининг яхши тилакларидан жон ва илҳом олгач, тасвиротга жон бериш сиридан хабардор бўлдим. Сўнгра ер ўпиб, у кишига қуллуқ қилгач, йўлимга қараб равона бўларканман, бу ҳақда ижод қилишни, яъни «Хамса» ёзишни дилимда қатъий жазм айладим.

Ўз хилватхонамга юз умид-орзу билан етиб келарканман, завқ ва ҳузур билан қаламим учини ўткир қилиб йўндим. Қаламни маъно сиёҳдонига ботирганимда, у учидан сўз хазинасини тўқа бошлади. Бошлаб кўнглим рабати билан «Ҳайратул аброр»ни ёзарканман, у эл-улусни ҳайратга солиб юборди. «Фарҳод ва Ширин» тасвирига киришганимда, тешаварлик билан бир қанча машаққатли тоғларни қазиб — қўпориб ташладим. «Лайли-Мажнун» дostonини ёзганимда, уни ўқиган кўнгинга одамлар мажнунларча унга шайдо бўлдилар. Кейин «Сабъайи сайёр»га кўнглимни бердим, етти қабат осмондан офаринлар эшитдим. Искандар ҳақида оташин сўз юритарканман, уни яъжуж қаршисига чекилган «Садди Искандар» каби буюк ва ўлмас дедим. Ном қўядиган ақл эгаен эса ўйлаб кўриб, бу дostonни «Садди Искандарий» деб атади. Бу маҳвашлар худди ёш сарв ишқоллари каби улгайиб, камолга етдилар. Сарв эмас, ҳар бири бир жаннат боғидек, бу боғда эсан еллар эса худди Исо нафаси сингари ҳаётбахш хосиятга эга бўлдилар. Бу дostonларининг ҳар бири латофатда юз беҳишти аълони эслатади; ҳар бирининг ичида юзлаб гўзал хур қизлар сайр қилади. Мен бу беш хазинани кашф этиб, оқ қоғоз устига қора сиёҳ билан ёзиб тугатдим.

Сўнгра бу қўлёзмаларни жилдимга<sup>1</sup> солиб, жилдимга

<sup>1</sup> Ж и л д — папка.

эмас, жоним ичига жойлаб, пирим хазрат Ҳомий тараф-ларига қараб йўл олдим. Зеро у зот ўз файз-ҳиммат-лари ва яхши дуою тилаклари билан менга мададкор эдилар. Йўқ, у киши мададкор эмас, ҳар ишни юзага чиқаришни буюрувчи; ҳар қандай масалада, бошимга ҳар қандай иш тушганда ёрдам берувчи эдилар. У киши ҳузурига боришдан мақсадим, бошлаган ишим охирига етганини ари этиш ва ёзганимни у зотга тортиқ қилишдан иборат эди.

Лекин бу ишнинг ҳаддан ташқари, киши ажабланидиган даражада тез битгани учун ич-ичимдан хаёл сураб эдим. Ахир мендан бурун ўтган улуг зотлар бундай асарни ёзиш учун узоқ умр сарфлаганлар. Масалан, оламдаги назм аҳлининг устози ва сўз санъатининг улуг олими ва мунаққиди ҳисобланмиш Низомий Ганжавийнинг ганж-ҳазина деб ҳисобланган дostonлари асли ўша кишининг матолари, матолари демайин, ихтироларидир. У бунини ёзаётган пайтда ҳеч кимга аралашмай, бир хилват жойга кириб ўтириб, ўн беш йил заҳмат чекиб, қон ютиб, бешта ҳазина (дoston)нинг қалитини топиб, юзага чиқарди; буни таҳрир қилиб, кам-кўстини тузатиб бўлгунча ҳам яна ўн беш йил умр сарф айлади. Ҳами чархифалак ўттиз марта айлангандагина кўнгилларни мафтун этувчи бу ажойиботлар юзага чиққан эди. Подшоларнинг парвариишлари билан Низомий ўттиз йиллаб шу асарлар устида ишлади. Бу орада на бирон одам унга моненьлик қилган ва на бу ишдан бўлак нарсага хаёли бўлинган. У ёқ-бу ёғи қирқ йил деганда бу беш ҳазина (дoston)нинг сирлари одамларга маълум бўлган эди.

Бундан кейин ўз сўзлари билан аҷам ва арабни олган, асли насаби турк бўлгани ҳолда, «Ҳиндий» лақаби билан ном чиқазган Хусрав бўлса, кўп афсоналарни қисқартиб ташлаб, бу мустаҳкам кўрғонни қўлга киритди. Аммо жуда кўп фурсатгача фикр-хаёл билан ўтириб, фақат шу ҳақда бош қотириш билан банд бўлди. Бунинг сарфлаган вақти эса ўттиз йил эмас, шунинг учун бирига тўғри келади. Яна кимки бу йўлга қадам қўйган бўлса, уларнинг сарф айлаган умрини ҳам шулардан қийс қилаверинг.

Сенга ҳеч қандай кўмак бўлмагани, устингда эл-юртнинг ҳаддан зиёда кўп ташвиши бўлгани, тонг отиб — кеч киргунча халқ билан муносабатда бўлиб, ҳар нафасда юз хил можарони бошингдан кечирганинг ҳолда, бу ишни давом эттирдинг. Ўзинг халқнинг гавгою ташвишидан қутулмас, қулогинг уларнинг гала-говуридан тинчимас

эди. Мана шундай машаққатларга қарамай, икки йилга тўғлар-тўлмас вақт ичида, сўзга тил киритиб, бошлаган ишларининг охирига етказдинг. Агар ҳисобдон одам ақл югуртириб, буни ёзиш учун бевосита кетган чинакам вақтларининг ҳисоблаб чиқса, ҳаммаси бўлиб олти ой мобайнида бу гўзалнинг суратини намоён қилдинг, яъни «Хамса»ни ёзиб тугатдинг.

Шунга вақт ичида бошдан-оёқ битган бу дostonларининг турк тилида бўлиши янада ажойиб. Бу тил қанча нозик ва ингичка бўлмасин, ҳали етарли ишланмагани сабабли сўзлашда бир қадар бепардозликлар учрайди. Ёзганларинг ўзингга жуда яхши кўринади, чунки ўз сўзинг бўлгандан кейин ёмон кўринармиди? Балки сенинг наздингда жуда қимматбаҳо, салмоқдор кўринар, чунки ўз сўзинг-да, унга тўғри баҳо беролмаслигинг мумкин.

Сўз ҳам киши таъбидан яратилган бир фарзанд каби-дир, фарзанд эса кишининг жони билан боғланган. Фарзанд деган нарса бировларга қанчалик ёқимсиз бўлса ҳам кишининг ўзига жуда азиздир. Бой қуш боласи қанчалик хунук ва жирканч бўлмасин, бари бир, ўз олдида товус боласи сингари жилвагардир. Қаноп дарахтининг шохи хас-хашакча бўлмаса ҳам, ундан тўн қилиб киядиган қаландарларга, у барваста сарв дарахтидек барно кўринади.

Шу сингари ўзингга жуда ҳам ёқимли кўринган бу дostonларинг халққа ҳам маъқул бўлармикин ёки бўлмасмикин? Ҳар бир нарсани кашф этувчи устоз Жомий буни кўриб, мени асл ҳолдан хабардор қилсалар яхши бўлмасмикин? Аввал шундай дostonларни ёзган (ҳозир юзларига ажал ниқоби ёпилган) одамлар руҳларига бу қандай таъсир этган экан? Буни кўриб, уларнинг руҳлари шодланар ёки ранжирми экан? Бу аҳволлардан дили равшан пир, ўзини хабир (хабар берувчи) ва мени хабардор қилса экан. Кўнглимда мана шу каби хаёллар ва чуқур мулоҳазалар билан қадам ташлаб борар эдим.

Охири мақсадим ҳал бўладиган одамникига етдим (лекин бу зотнинг номларини ҳар доим тилга олаверишга менинг ҳаддим йўқ). Етгач, умид билан у кишининг табаррук оstonасини ўпдим ва ичкари кирарканман, осмоннинг еттичи қабатыдаги сидра дарахтидек шарофатли хонасининг тупроғини ўпдим. Ва сўнгра мен камина тезда «Хамса»ни жилдимдан чиқазиб, у кишига тақдим этдим. Тақдим этдим эмас, қанчаки хазина очган бўлсам, ҳаммасини у кишининг оёғи остига сочдим. Асарим бир кема каби маърифат дарёси (Жомий) томон йўналгач, улуг

дарё ўз муборак қўлини бу дафтарларга узатди. Устоз асарларимни бошдан-оёқ бирма-бир варақлаб, кўздан кечириб чиқди. Ҳар бир саҳифасини очган сари унинг илтифоти орта борди. Баъзан айрим фикрлар юзасидан савол айлар, жавобимни эшитгач, завқланган ҳолда гоҳ таҳсин ўқир ва гоҳ дуо қилар эди. Лекин мен бу илтифотларининг юздан бирини ҳам умид қилмаган эдим. У зотнинг ҳар бир сўзидан кўнглим кўтарилар, мурод-мақсадларим ҳосил бўлар эди. У киши закирдек тизилиб кетган назмларим ҳақида сўзлар, мен эсам у зотнинг қаршисида икки кўзимни ерга тиккан ҳолда ўтирар эдим.

Ёзганларим ҳақида бўстон исидек кўнгилочар фикрлар изҳор қила-қила, у киши лутф-марҳамат қилиб, ўз еши билан қўлини елкамга қўйди. Бўлганда ҳам шунақа қўл-ки, уни осмонга ташланса, кўкнинг юзини букиб юборар эди. Елкамга у қўл билан енг теккач, сел бўлиб кетиб, бошимдан ихтиёримни йўқотдим. Ҳушимдан кетгач, шундай бир ҳолат юз бердики, ўз-ўзидан ўзимни гоийиб қилиб, унутиб қўйдим. Ўзимни унутган пайтимда кўзларим қаршисида кўп ажойибот ва гаройиботлар жилва қила бошлади. Шу орада бир бог-бўстон пайдо бўлиб, мен гулистон ичида сайр қилиб юрибман. Унинг ҳавоси худди жаннат ҳавосидек мусаффо бўлиб, беҳишда юрганлар у ерни орзу қилар эдилар. Одамлар худди Байтул-харами тавоф қилиб айланганларидек, мен гулзордан гулзорга ўтиб, томоша айлар эдим. Шунда богнинг бир бурчагида давра олиб, суҳбатлашиб ўтирган бир тўда одамга кўзим тушди. Улардан бири мен каби гулзор оралаб, менга томон кела бошлади. Яқинлашганда қарасам, у гўзал юзлик, кўриниши дилкаш ва шоиртабиат бир одам экан. Мен салом бериб, у алик олгач, элчилик сабабини тубандагича баён айлади:

«Ҳов анов ерда мажлис қилиб ўтирган гўзал хулқли қутлуг зотлар сен билан бир нафас кўришишни истайдилар», деди. Мен унинг таклифини қабул қилиб, у томонга қараб юрарканман, унинг ўзи ким ва у ердагилар қандай одамлар эканликларини сўрадим. У киши жавоб бериб: «Улар маънавий кишилар<sup>1</sup> жумласидан бўлиб, маънавий усулида шеър айтган зотлардир. Хусусан, улар орасида «Хамса» ёзган одамлар ҳам бор, уларнинг «Хамса»лари маънавий бойликка тўла бир хазинадир. Бу жам бўлиб ўтирганларнинг ҳаммаси шу каби улуг зотлар, улар сенга

<sup>1</sup> Маънавий — юксак руҳли кишилар.

муштоқ ва мунтазирдирлар. Сен менинг кимлигимни ҳам сўрадинг, эй сўзи маъноларга тўла зот! Менинг отим Ҳасандир, халқ эса — Дехлавий деб атайти. Бу ганин эшитгач, баданимга титроқ туриб, эсанкираб қолган кўнглимга ҳаяжон тушиб-кетди. Дарров узрхонлик қилиб, у кишини яна қучдим ва муштоқлар сингари улар томон жадал қадам ташладим. Кетаётиб, Ҳасан уларнинг ҳам-маларининг отини менга айтиб, бирма-бир уларнинг кимлигини тушунтириб берди. У мажлисининг раёсатида садр бўлиб ўтирган уч кишини бир-бир танитиш билан баробар, уларнинг қилган ишларини ҳам баён айлади:

«Ўртада ўтирган муборак жамол пирнинг тавсифини айтишга ақл тили лолдир, — деди Ҳасан. — У зот ҳазрати Шайх<sup>1</sup>, огоҳ бўл, эҳтиром айлаб, хоки даргоҳ бўл. У кишининг ўнг қўл томонида ўтирган зот жаҳон офати<sup>2</sup> Мир Хусравдир. Иккинчи ёиларидаги эса, устоднинг ва пирнинг бўлмиш Абдурахмон Ҷомий ҳазратлари, яъни қаламқашликда сенинг юрагингга яқин бўлган зот. Илгариги иккитаси жисм бўлса, Ҷомий буларнинг жонидир, агар улар жон бўлса, Ҷомий жонопларидир. Яна икки ёнда ўтирганлар ҳам шоирлар қавмидан бўлиб, бу мажлисга келмай қолган биронта ҳам аҳли қалам йўқдир. Бориб буларнинг ҳаммасига ҳурмат изҳор айлаб кўриш, улар билан сўзлашганда журъат билан катта оғизлик қилма!» — деди.

Мен у нима деган бўлса, ҳаммасини қабул қилиб, тезроқ бу жамоат орасига етиш учун ҳаракат этар эдим. Етишимга энди юз қулочча масофа қолганда, у мажлисда ўтирганларнинг ҳаммаси бирдан ўрииларидан туриб, менга томон келиш учун шошилдилар. Мен эса буни кўриб, уларга томон қадамимни тезлатдим. Мени улар олдига бошлаб борган одам, кўришишда — танишишда ҳам уларнинг ҳар бирининг отини айтиб, менга раҳбарлик қилди. Улар Саъдий, Фирдавсий, Унсурий, Санойй, Хоқоний, Анварий<sup>3</sup> эдилар. Уларни тафсилоти билан му-

<sup>1</sup> Шайх Саъдий Шерозий.

<sup>2</sup> Жаҳонини ларзага солган.

<sup>3</sup> Муслихидин Саъдий Шерозий (1204—1292), Абулқосим Фирдавсий Тусий (934—1020), Ҳасан бини Аҳмад Унсурий (бяхлик, 1010 йилда вафот этган), Санойй (газалик, 1181 йилда ўлган), Афзалиддин Иброҳим Хоқоний — Ширвоний (1186 йилда ўлган), Анхалиддин Анварий (1153 йилда вафот этган).

фассал сифатлайдиган бўлсак, сўзимиз бағоят чўзилиб кетади.

Хулосайи калом, ҳаммалари билан қўл олишиб кўришиш шарафига муяссар бўлдим. Кўришиб бўлгач, улар мени келган тарафларига қараб олиб кетдилар. Тўппатўғри Шайх билан шогирдлари, яъни Низомий билан Хисрав ва яна бизнинг устод ва пиримиз Ҳомий ҳазратлари ўтирган жойга олиб бораркан, улар ҳам ўришларидан туриб, бизга томон юрдилар. Хисрав билан Ҳомий Шайхдан илгари қадамладилар. Бу аҳволни кўриб, мен каминна ҳам илгарига қараб югурдим. Шу орада пирим қўлимдан тутиб: ҳамроҳ ва дўстлари билан таништира бошладилар. Кўзимдан беихтиёр қатра-қатра ёш тўкканим ҳолда, у зотларнинг қўлларини ҳам, оёқларини ҳам ўпдим. Ҳомий ва Хисрав икковлари қўлимдан ушлаб, йўлимни Низомий томон бошладилар. Мендек ғам аспри бўлган одам — кўз ёши тўккан ҳолда, икки қўлим билан икки жаҳондек икки улуғ одамни ушлаб олган эдим. Лекин мен бу аснода ўзимни йўқотиш даражасида эдим, бинобарин, бу икки жаҳон мени икки қўлтиғимдан суяб олиб борар эдилар. Мен шайх Низомий билан кўришган ҳамон ўзимни муборак оёқларига ташладим. У кишининг оёқлари босилган тупроқни ўпиб, кўзимдан ёш сели оқизганимни кўрган тўққиз қабат осмоннинг рашки келар эди. Низомий шафқат ва меҳрибончилик билан қўл чўзиб, бошимни ердан кўтариб, мени ҳақ ва ҳидоят йўлига бошладилар. Сўнгра, ҳар ким ўз жойига ўтирди-ю, аммо мени аллақандай ҳаяжон беҳуд қилар эди. Шайх Низомий билан ёнларидаги икки дўстлари ҳам ўтирганларидан сўнг, мен турганим ҳолда, эгилиб таъзим бажо келтирдим. У киши мени ўз олдларига ўтиришим ҳақида башорат бердилар. У зотнинг ҳукмлари билан ўтирар эканман, яна таъзим ила эгилиб, жисмимни тупроққа тенг қилдим. Шундан сўнг, олиймақом Шайх Низомий ҳазратлари менга қараб илтифот ва меҳрибончилик билан сўз бунёд этдилар; у киши, аввало, шафқат билан ҳол-аҳволимни сўрадилар. Мен бунинг жавоби учун ҳурмат юзасидан ер ўпдим. Ундан сўнг дедилар:

— Эй, ўтқир табъингга фалак ҳам тенг келолмайдиган, одам аҳли орасида ягона бўлган зот! Фалак сени одамларнинг энг нодири қилиб яратди, шеърят бобида эса жаҳоншумул назм эгаларининг энг қудратлилари қаторидан жой олдинг. Ҳазал ёзинга киришиб, сўз санъаткорларига сўз айтишни ҳаром қилиб қўйдинг. Наамларингнинг шуҳрати бутун жаҳон юртларини, жаҳон юрт-

ларнинггина эмас, жон юртларини ҳам эгаллади. Энди маснавий йўлида ижод қилишга киришиб, қаламингдан тоза ва бебаҳо дурлар тўка бошладинг. Бу соҳада сен шундай муваффақиятга эришдингки, шеърларнинг бошқаларнинг шеърларини пастга уриб ташлади. Сен сўз санъаткорлигида менга эргашдинг, ҳар нарсани қиладиган бўлсанг, менга мурожаат этдинг. Мен ўз «Хамса»мда: «Кимки «Хамса» ёзишни орзу айласа, сўз қиличимни ўтқир тигга айлантириб, бу олмос тиг билан унинг бошини узай», деб ваъда қилган эдим. Шундан бери кўп кишилар бу бобда ёзишни даъво қилиб, бу даъвою можаро орасида ўз бошларини йўқотдилар. Фарзандимиз Хисрав бу борада истак билдириб, ўз орзуси юзасидан бу хазинанинг қулфини оча олди, яъни «Хамса» ижод этди. Яна икки-уч киши фақирона машаққат билан қийнала-қийнала «Хамса» ёзишга муваффақ бўлдилар. Лекин сен-чи, бу йўлга қадам қўйишинг биланоқ ўзингни ҳам унутиб, ишга берилдинг. Мартабанг тогдек баланд, лекин тоғ эса сенинг олдингда тупроқдек паст бўлишига қарамай, бу ишда донишманд Жомийни ўзингга устод қилиб олдинг, мендан (Низомийдан) эса, ҳар доим мадад тилаб турдинг. Бу ишга поклик билан қўл урдинг, покларнинг арвоҳи эса сен учун йўл очиб бордилар. Сен сахар вақтларида ҳеч нарса ёзмай, дуо ва ибодат билан менинг руҳимни шод айлагансан; бизни ихлос билан ёд қилиб, маънавий завқ олгансан ва фахрлангансан; бир мен эмас, ҳамма назм аҳлларини ҳар тонг сахарда дуо билан завқнок этгансан. Умид-тилакларинг шу хилда беадад бўлгани туфайли, биз ҳам сенга беҳисоб мададлар айладик. Бўлмаса икки йилда битта «Хамса» ёзиб тамомлаш — ўтакетган хом хаёлдан бошқа нарса эмасдир. «Хамса» бўлганда ҳам шундай «Хамса»ки, у бешта гавҳар хазинасидан иборат бўлиб, сарфланиб, зоеъ бўлиш хавфидан омонлик топган хазинадир. Ундаги дур ва ёқутларнинг ҳаммаси кўздан яширилган бўлиб, на дуридан ич ўтқазилган ва на лаълиси тешилгандир. Худо сенга қандай дурлар берган бўлса, умид қиламизки, улар сенга муборак бўлгай! Ҳар ким сенга ўхшаб бир ишга астойдил киришса, шундай натижаларга эришуви ажабланарли эмас. Лекин шунча маъно хазинасини ҳақ таоло сенга пинҳоний йўл билан насиб айлади. Қайси ердаки худди шундай кўриниш ҳосил бўлса, бунинг икки хил сабаби бордир; бири шуки, сен дуо ва тилак йўлини тутдинг-да, пир-устозларнинг арзозингни қабул айладилар; иккинчиси эса, баъзи фазилатли билимдон кишилар бир иш бошлайдиган бўлсалар,



асли ишни мураббий қилади-ю, улар лоф уриб — мақтаниб юрадилар. Агар мураббий эмас, илмдон — билимдон ва ақлли одамнинг ўзи қилганда ҳам, ўзининг тарбиятқунандаси борлигини унутиб, лоф уриб юрадилар. Бу иллат сенда йўқдир. Масалан, сенинг шоҳнинг ўта соҳибкамол бўлгани устига, унинг олдида молу мулкнинг унча қадри йўқдир. Унга ана шу юқоридаги икки иш, яъни арзодларни эшитиш ҳамда қўлидан иш келадиган одамларга тарбиятқунандалик қилиш каби ажойиб фазилат насиб бўлмишдир. Халқнинг дарду гамига чора қилувчи шоҳ Ғозий<sup>1</sup> одамларнинг энг фозили — билимдонидир. Тангри унинг давлатини зиёда қилсин, мартабасини етти фалақдан ҳам баланд айласин! Унинг замонида сендек одам дунёга келдики, сенинг қилган ишларнинг одамзоднинг қўлидан келадиган ишлар эмасдир.

У зотнинг сўзлари шу ерга етганда мен тез ўрнимдан туриб, бир дуо қилишларини патимос айладим: «Сиз шоҳга ҳамду сано айтдингиз, энди давлат ва салтанати ҳақиқа ҳам бир дуо қилинг!» — дедим.

Ҳар бир сирдан хабардор доно, Амир Хисравга қараб: «Сен шоҳи Ғозийни мадҳ айла! — деди. — У сенинг шеърларингдан кўнгина байтларни ҳам ёдлаган, уларнинг таъсири муборақ табиатига ҳам сингиб кетган. Сўзингдан кўнгли мутаасир бўлгани каби дуо ва нафасинг ҳам унга асар қилар, иншооллоҳ. Сен дуо қилгин, бу ердаги фазлу билим эгалари «Омин!» десинлар, биз ҳам «омин!» дейлик, деди ва йўл кўрсатувчи устоз, аҳли фазл одамларга мурожаат қилиб: «Сизлар шоир бўлганингиз каби, у ҳам хуштабъ шоҳдир, ҳозир унинг ҳақиқа фарзандимиз Хисрав дуо қилади, иншооллоҳ, ҳақ, унинг тилагини мустажоб айласа! Сиз ҳам жону дилингиз билан «Омин!» денгиз! Кўз ёши тўкиб туриб дуо қилайлик!» — деди. Бу гапни эшитгач, ҳамма миннатдорчилик билан ўрнидан туриб, султон Ҳусайн ҳақиқа ҳиммат билан «Омин!» дедилар. Суханвар дуоғўй ўрнидан туриб, дуога қўл очаркан, дуосини шу хилда бошлади: «Ёраб! То олам бор бўлиб, одам боласи яшар экан, бутун одам шоҳи Ғозийнинг ҳукми остига ўтсин, бутун одамлар эса шунинг фуқаросига айлансин! Қиёматгача бунинг давлат тузуми ҳукмрону, одамлар ҳамиша ўйнаб-кулиб, бахтиёрлик билан ҳаёт кечирсинлар! Жаҳон халқлари бунинг адолати соясида осуда — эркин ҳаёт кечирсинлар, хусусан, фазлу камол —

<sup>1</sup> Султон Ҳусайн Бойқаро.

илму дониш эгалари фаровон ва хотиржам яшасинлар!»

Дуо тамом бўлгач, ҳамма аҳли жамоату фазл — билим пенволари қўлларини юзларига сийнадилар. Яхши кишиларнинг қилган дуосини ҳақ мустажоб айласа, ажаб эмас.

Дуо тугагач, қўйнимдаги «Хамса»ни олиб, уни қора тунроққа қўйиб, йиғлаган ҳолда илтижо айлаб, тубандаги орзуни баён қилдим:

«Бу хаста кўнглининг ижод этганларини, астойдил юракдан чиқариб ёзганларини ҳиммат билан бошлаган ҳам сизу, тамомлаган ҳам сиз; мен қилдим, демайман! Энди лутф-карам айлаб, тунроқдан олиб, марҳамат қилиб, бу «Хамса»ни бир кўздан кечирсангиз экан! Токи, бу асар одамлар хотиридан жойи олсин ва халқ кўнгли уни маъқул ва мақбул кўрсин!»

Дарҳол Шайх тунроқдаги бу асарини қўлларига олиб кўриб, Мавлавий Жомийга қараб мурожаат қилдиларки: «Сен оллоҳга ёлвориб, илтижо билан дуо қил! Бу кенжа фарзандимиз сўз экинзоридан беҳисоб ҳосил йиғиб олибдир. Сенга бу ҳам шогирд, ҳам мурид бўлгани туфайли, бунинг ҳақиқага дуо қилишни сендан умид этамиз!»

Махдум Жомий дуо овоз қилар эканлар, бошқалар яна оминга қўлларини очдилар. У кишининг дуолари кўнглининг талаби-ю, юрагининг севимли истаги эди. Устозим ўз дуолари билан мен маҳзун-бечорани шод айладилар; менинг тилагим шу эди, муродимга етказдилар. Мен оламнинг ҳамма сирдан огоҳ бўлмиш зотларга хурмат ва миннатдорчилик юзасидан сажда қилдим. Улар: «Шоҳга дуо дегайсен!» — дедилар.

Мана шу гапни эшитиш билан ҳолатим ўзгариб, бирдан ўзимга келдим ва юқоридаги хаёлотларим гоийб бўлди. Қарасам, пирим — ҳазрат Жомийнинг хужраларида ўтирибман, устоз жаноблари ҳам менинг аҳволимга ҳайрон бўлиб турибдилар. Билсам, шу пайтда у зот елкамдан қўлларини олиб, хаёлимни бу тарафга кўчирган эканлар. Мен ўша ўзим ўтирган жойда, бошим эгик ҳолда, кўзим ёшини тунроққа оқизиб ўтирибман. Устозим меҳрибончилик билан: «Хўш, қандай ҳолатга тушдингиз, қандай сирлар кўрдипсиз?» — деб сўрадилар. Яна бошимни у зотнинг оёқларига урдим ва:

«Мен бечора шундай аҳволга тушдимки, уни шарҳлашга тилим лолдир!» — дедим.

«Ҳозир сен кўриш ва эшитиш бахтига муяссар бўлган ҳоллар сендан бошқа биронта одамга муяссар бўлган

эмас. Ұрнингдан туриб, тангри эҳсонига ва сенга унинг тарафидан берилган бунчалик ҳадсиз муваффақиятларга шукрона бажо келтир!» — дедилар. Миннатдорчилик юзасидан ер ўниб, у кишининг ҳузуридан ташқарига чиқарканман, шодлигимдан гўё бутун олам меники бўлгандек эди!

Мен учун «Хамса»ни тамомлаганим бир ютуқ бўлса, юқоридаги мақсадларга эришганим иккинчи ютуқ эди.

Маъбудимга қайси тил билан шукур айтайин?! Ахир, у мени шундай мақсадларга етказди-қу! Бу соатда тангрим муродимни шундай ҳосил айладики, бу осмон қабатыга хат ёзиш шарафига муяссар бўлгандан ҳам аълодир. Энди, олам ташвишларини йиғиштириб қўйиб, дам олай, базм тузиб, бир нафас роҳатланай!

Косагул! Ором берувчи майни косага тўлат! Фикр қилавериб, димоғларим қақраб қолди. У майни ичай-да, хароратидан кўзларим равшан тортсин; исидан эса димоғларим муаттар бўлсин.

Эй, муғанний! Охирги марта сўзимни тингла! Соз билан ҳазин бир хиргойи қил. Шундай бир оҳанг куйлагинки, унга сел бўлиб, бир дам ором олайин!

Эй, авой! Тангри тилагингни раво айлаб, сенга ажойиб бир бахт бағишлади. Сен бунинг учун тангри шукрона ига тил оч! Бундан кейин ҳам яна шу каби бахт-саодатларни истайдиган бўлсанг, яна шукрлар қил!

## ДОСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ВА АФСОНАВИЙ ШАХСЛАРГА ИЗОҲЛАР

**Анварий** — таниқли форс-тожик қасидагўйи шоирнинг тахаллуси. Асл номи Авҳадиддин Анварий бўлиб, 1152 йили Балхда вафот этган. **Ануширвон**и **Хурмуз** — Сосонийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳларидан. (Қarang: Нуширвон).

**Арасту** — таниқли юнон файласуфи (Аристотель — эрадан аввалги 384—322 й. й.) Искандар — Александр Македонскийнинг иккинчи тарбиячиси. У 343 йилдан бошлаб 3 йил давомида Искандарни отаси уйдан узоқда бўлган Миез деган шаҳарда қаттиққўллик билан тарбиялаган. Навоий тасвирича, Искандарнинг зафарли юришларида унинг доимий ҳамроҳи бўлган олим, ҳаким ва донишманддир. **Арисдон** (Киери) — Сосонийлар табақасига мансуб Эрон шоҳларидан бирининг номи.

**Ардашер** и **би** **Хурмуз** — Сосонийлар табақасига мансуб Эрон шоҳларидан бири.

**Ардаво**н — Эрон шоҳларидан бирининг номи, Ашконийлар сулоласининг охириги ҳукмдори.

**Аршимидус** — юнон файласуфларидан бирининг номи, Искандарнинг доимий ҳамроҳларидан.

**Асқалинус** — қадимий грек файласуфи.

**Афлотун** — қадимги юнон файласуфи Платон. Эрадан аввалги 427—347 йилларда яшаб ўтган. Маъхур файласуф Сукротнинг шоғирди.

**Афридун** — Эрон шоҳларидан бирининг номи.

**Ашкон** — Ашконийлар сулоласига тегишли Эрон шоҳларидан бирининг номи.

**Ашраф** — XV асрда яшаб ижод этган, «Хамса» ёзган шоирлардан.

**Ахмонийлар** — Эронда Эрон подшоҳларидан Кир (558-530) томонидан асос солинган ва эрадан олдинги IV асрда Александр Македонский томонидан йўқ қилиб ташланган сулола.

**Бадиуззамон** — Темурий Султон Хусайн Бойқаронинг тўнгич ўғли.

**Балинос** — Искандарнинг ҳарбий юришларида унга доимий ҳамроҳ ва ҳамфикр бўлган донишманд ва ҳаким.

**Боний** — истеъдодли меъморнинг лақаби.

**Барбарий** — Искандар кўшинидаги афсонавий Борик паҳлавоннинг тахаллуси.

**Баҳмон** — Каёнийлар сулоласига мансуб бўлган Эрон шоҳларидан бирининг номи.

**Баҳмон** — Сосонийлар сулоласининг асосчиси Ардашер Папакон (226-241).

**Баҳром** **Гўр** — Сосонийлар сулоласидаги подшоҳлардан Варахрон V (421-438). Низомий, Навоий ва бошқа «Хамса»нависларнинг бош қаҳрамонларидан бири.

**Баҳром ибн Шопур** — Ашконийлар сулоласидан бўлган шоҳлардан бири.

**Борбад** — Сосонийлар табақасига мансуб бўлган ҳукмдор Хусрав Парвез замонида яшаган таниқли созаида.

**Буроқ** — Муҳаммад найғамбарнинг афсонавий учар оти бўлиб, гўё у «Меъроқ» туни пайғамбарни Арши аълога олиб чиққан эмиш.

**Бухтунаср** — Каёнийлар табақасидан бўлиб, Луҳросиннинг маштаси бўлган. Оз вақт подшоҳлик қилган.

**Буқрот** — Юнонистоннинг таниқли ва машхур файласуф олимларидан Гипократнинг шарқда аталадиган исми.

**Вакитъ** — араб халқининг машхур лашкарбошиларидан бирининг номи.

**Варқатъ** — Мисрда ҳукмронлик қилган подшоҳлардан бирининг номи.

**Волес** — Фелес деб аталмиш япон файласуфи.

**Гаршоеп** — Пешдодийлар табақасига мансуб Эрон шоҳларидан бирининг номи.

**Гев** — Каёнийлар табақасидан бўлмиш Кайхусравни Эрон тахтига маснадинини бўлишига сабабчи бўлган лашкарбоши.

**Гударзи Ашгон** — Ашконийлар сулоласига мансуб бўлган шоҳлардан бири.

**Гударзи Тийри** — Ашконий сулоласи шоҳларидан.

**Гударзи** — Каёний шоҳларидан Ковусинг синаҳдори.

**Густаҳам** — Эроний лашкарбошилардан бири.

**Даволи** — Ширвон мамлакатининг ҳукмдори.

**Доро** — Каёнийлар сулоласининг охириги ҳукмдори бўлмиш Эрон шоҳи, мелоддан 330 йил олдин вафот этган.

**Жабраил** — Ҳақ билан Муҳаммад найғамбар ўртасидаги воситачи фаришта, Жибрил деган шакли ҳам учрайди.

**Жамшид** — Қадимги Эрон афсонавий подшоҳларидан, қисқартирилиб Жам деб юритилади.

**Жамшид** — Пешдодийлар табақасига мансуб тўртинчи подшоҳнинг исми.

**Жомосб** — Каёнийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи Гуштосб замонида яшаган машхур донишманд ва олим.

**Жомосп** — Сосоний ҳукмдор Қурод ибн Ферузнинг укаси.

**Жомосп** — Луқмони ҳакимнинг шогирди.

**Жолинос** — Балиносининг шогирди бўлиб, мелодий 130-200 йилларда яшаб ўтган машхур ҳаким — Галендир.

**Нуриддин Абдурахмон Жомий** (1414-1492) — Алишер Навоийнинг устози ва дўсти, «Хамса» навис шоир. «Хирадномаи Искандарий» дostonи унинг қаламига мансуб.

**Зоб Таҳмосб** — Пешдодийлар сулоласининг ўнинчи ҳукмдори бўлиб, Манучехрнинг набирасидир. У одил подшоҳлар қаторида саналган.

**Зол** — Каёнийлар табақасидан бўлмиш Кайхусравнинг синаҳдори, Рустамнинг отаси.

**Заҳок** — Пешдодийларнинг бешинчи ҳукмдори.

**Искандар** — Румлик фотиҳ Александр Македонский бўлиб, унинг ҳаёти ва жаҳонга машхур фотиҳлик юришлари жуда кўп халқлар, жумладан Ўрта Осиё халқларининг таниқли шоирлари учун ҳам прототип бўлиб хизмат қилган. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonи ана шу жаҳонгирининг ҳаёти, зафарли юришларини ёритишга бағишланган.

**Илос** — Шарқда тарқалган афсоналарга кўра у денгиз сафарида ипсонга ҳамроҳ ва раҳбар бўлар эмиш.

**Исо** — Исломдан аввал ўтган пайғамбарлардан бири бўлиб, Масих,

Масихо деб ҳам юритилади. У ўз нафаси билан даволаш, ўлиikka жон бағишлани қудратига эга бўлган.

И с р о ф и л — фаршталардан бири.

Қ а ё н и й л а р — қадимги Эрон шоҳлари сулоласи.

Қ а й х у с р а в — Каёнийлар сулоласидан бўлган Сиёвуш ибн Кайковус билан Турон маликаси Фарангснинг фарзанди. Қадимий замонларда Турон ҳокими бўлган.

Қ а й к о в у с . К о в у с — қадимги Эроннинг Каёнийлар сулоласидан бўлган ҳукмдорлардан Гударз ва Тус унинг сипахдорлари бўлган. Шайбонийлардан Суюнхўжахон (1510 й. вафот этган) томонидан Тошкентда бино қилинган чорбоғ ҳам шу ном билан аталган.

Қ а й қ у б о д — Каёнийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳларидан бири.

Қ о в а — Заҳҳокни тахтдан туширишда муҳим роль ўйнаган темирчи.

Қ а ю м а р с («Авесто»да Гая Маретон) Эроннинг энг аввалги ва афсонавий подшоиси.

Қ и р — Эраמידан аввалги VI асрда янаган форс шоҳларидан бири. Луқмони ҳаким — Каёнийлар сулоласининг биринчи подшоҳи Кайқубод даврида яшаб ўтган машҳур табиб ва донишманд.

М у ҳ р о с б — Каёнийлар сулоласига мансуб бўлган бешинчи ҳукмдор бўлиб, Бухтунаер унинг лашкарбошисидир. Ўз ҳукмдорлиги даврида Балхни пойтахт қилган.

М а к к и й — Макка шаҳрида туғилган. (Муҳаммад пайгамбарга берилган инсбат.)

М а л л у — Кашмир ҳукмдори бўлиб, тўлиқ номи Маллу ибн Мабокдир. М а н г у Қ о о н — Чингизхон авлоди, 1251—1260 йилларда Мўғулистоннинг бош ҳукмдори бўлган.

М а н у ч е х р , М и н у ч е х р — Пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи шоҳ Фаридуinning авлодидир. У шу сулоланинг еттинчи ҳукмдори бўлиб, «Садди Искандарий»да баён қилинишича, «Фурот» ариғини қаздирган.

М у с о — яҳудийларнинг пайгамбари.

Н а в д о р — Нувдар — Пешдодийларнинг саккизинчи ҳукмдори Манучехрнинг ўғли бўлиб, Афросиёб томонидан ўлдирилган.

Н а р с и и б н Г у д а р з — Ашконийлар сулоласининг тўртинчи шоҳи.

Н а р с и и б н Б а ҳ р о м — Сосонийлар сулоласига мансуб шоҳларнинг еттинчиси.

Н а қ у м о х и с — Искандарнинг устози, ҳаким ва донишманд олим.

Н е в — Каёнийлар сулоласига мансуб шоҳ Кайхусравнинг сипахдорларидан бири.

И л ё с и б н Ю с у ф Н и з о м и й Г а н ж а в и й (1141—1203) — «Хамса»нависликка асос солган буюк озар шоири. Шоир «Искандарнома»сининг 1-қисми «Шарафнома», 2-қисми «Иқболнома» деб юритилади.

Н у ш и р в о н — Нўширвони Қубод — Қадимий Эронда ҳукмронлик қилган Сосонийлар (226—651) сулоласидан бўлган машҳур Эрон подшоҳи Ануширвон (531—579). У шарқ классик адабиётида Нўширвони Одил деб ном қозонган.

П е ш д о д — қадимги эроний шоҳлари чиққан биринчи сулола асосчиси.

П а р в и з — Сосонийлар сулоласига мансуб шоҳлардан бўлиб, 579—628 йиллари ҳукмронлик қилган.

Р а в ш а н а к — Каёнийлар сулоласининг охириги ҳукмдори Дороннинг қизи, кейинчалик Искандарнинг хотини.

**Р а ъ д** — Искандар қўшинига яккама-якка қарши чиқиб курашган паҳлавоннинг номи.

**Р о й** — Ҳиндистон шоҳининг номи; ҳинд ҳукмдорининг унвони.

**Р у с т а м** — Каёнийлар сулоласи подшоҳларидан Кайқубоднинг машхур, қўрқмас, паҳлавон лашкарбошиси; пешоддий Гиршасининг сипоҳсолори, Золнинг ўгли.

**Р ў й и н т а н** — Эрон шоҳларидан Исфандиёрнинг лақаби.

**С и ё в у ш** — Каёнийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори Кайковус (Ковус)нинг ўгли; ўғай онаси бўлмиш Судобанинг айби билан Туркистонга қочади ва Афросиёбнинг қизига уйланади.

**С о м о н и й л а р** — пойтахти Бухоро бўлган ва IX—X асрларда Ўрта Осиё ва қисман Эрон томонидан бошқарилган сулола.

**С о м и р и й** — Мусо пайгамбар замонида сеҳргарлиги билан ном қозонган шахс.

**С о с о н и й л а р** — Эранинг III—VII асрларида яшаб ўтган Эрон шоҳлари сулоласи. Эрон шоҳи Ардашер ибни Бобок (224—241) томонидан асос солинган ва VII асрда Эроннинг араблар томонидан босиб олинishi патижасида инкирозга учраган.

**С у л а й м о н** — еломдан аввал ўтган Довуд пайгамбарнинг ўгли. **С у л т о п а л и** — XV асрда Ҳиротда яшаб ўтган машхур хаттот Султонали Маъхадий. Асосан Навоий асарларини кўчириб ёзиш билан шуғулланган.

**С у қ р о т** — юнистонлик машхур файлаеуф ва олим.

**Т а л и ь** — Мағриб аҳли ҳукмдори.

**Т а ҳ м у р е** — Пешоддийлар сулоласининг учинчи ҳукмдори бўлиб, Нишопур, Марв, Сипоҳон шаҳарларини бино қилдирган.

**Т у с** — Каёнийлар сулоласига мансуб бўлган тўртинчи ҳукмдор Кайхусравнинг сипаҳдори — лашкарбошиларидан.

**Т ў қ в о б** — қалмиқлар ҳукмдорининг номи.

**Ф а й л а қ у с** — Искандарнинг отаси. Македониялик Александрнинг отаси Филипп II (359-336) номининг шарқча аталиши.

**Ф а р ф у н и ю с** — Искандарнинг зафарли юришларида ҳамроҳ бўлган довишманд олим.

**Ф а р о м а р з** — Рустамнинг ўгли.

**Ф а р и д у н** (Афридун) — Эронда ўтган пешоддийлар сулоласининг олтинчи ҳукмдори.

**Ф е р у з и Ҳ у р м у з** — Ҳусрав Парвезнинг лашкарбошиси; Хуросон ҳукмдори ҳам бўлган.

**Ф е р у з** — Кашмир ҳукмдори Маллу ибн Мабокнинг ўгли, Искандар уни отаси ўрнига шоҳ қилиб тайинлаган.

**Ф е р у з и б н Я з д и ж и р д** — Сосонийлар сулоласига мансуб бўлган ўн учинчи Эрон шоҳи.

**Ф и с о ғ у р с** — Эрдан аввалги 571—497 йилларда ўтган юнон файлаеуфи Пифагор.

**Ҳ и з р** — мусуломлар эътиқодича, доимий тирик пайгамбар.

**Ҳ о қ о н** — Чин мамлакати олий ҳукмдорининг умумий номи.

**Ҳ о р а з м ш о ҳ** — Алоуддин Муҳаммад (1200-1220).

**Ш а й д а** — Доро лашкарбошиларидан бири.

**Ш а м и н о с** — Искандарнинг зафарли юришларида унга ҳамроҳлик қилган довишмандлардан.

**Ш а ҳ р и ё р** — Сосонийлар табақасининг охириги ҳукмдорларидан бўлган Яздигирднинг лақаби.

**Я ъ ж у ж** ва **М а ъ ж у ж** — афсонага кўра ва Алишер Навоий тасвирича бадбашара, баҳайбат, йўлида учраган нарсаларнинг ҳаммасини нес-нобуд қилувчи, одамхўр махлуқ. Искандар булар ҳужумига қарши омонлик девори «Садди Искандар»ни (садди яъжуж деб

ҳам юритилади) бино қилдирган. Ўрта Осиё олимлари бу махлуқларнинг мамлакатини дунёнинг бир четида деб тасвирлаганлар.

Я л о ш и б и Ф е р у з — сосонийлар табақасига мансуб ўн тўртинчи ҳукмдор.

Я л о ш и б и Ф е р у з — ашконийлар сулоласининг ўнинчи ҳукмдори.  
Я л о ш и б и Б а ҳ р о м — Ашконийлар табақасига мансуб бўлган бешинчи шох.

Қ о р а х о н — Ҳинд мулкининг ҳукмдори.

Қ а ҳ қ а р о — Исқандарнинг лашкарбошиларидан бири.

Қ и л и м у с — Исқандар билан унинг зафарли юришларида қатнашган юнонистонлик ҳаким — файласуф.

Қ о р у н — жуда катта бойликка эга бўлган қадимий шахс. Адабий асарларда катта бойликка нисбатан киноя тарзида ишлатилади.

Ҳ о з и н — Султон Ҳусайн Бойқарони Алишер Навоий шундай ном билан улуғлаган бўлиб, зафар қозонувчи маъносини билдиради.

Ҳ а р р о н — Доро лашкарбошиларидан бири.

Ҳ у м о й — Каёнийлар сулоласига мансуб бўлган тўққизинчи ҳукмдор бўлиб, саккизинчи ҳукмрон Бахманинг қизидир.

Ҳ у м о — баҳайбат, йиртқич афсонавий бир қуш бўлиб, гўё унинг сояси бошига тушган одам подшоҳ бўлар эмиш.

Ҳ у р м у з — Исқандарнинг ҳарбий юришларида унга ҳамроҳ бўлган ҳакимларининг бири.

Ҳ у р м у з и б и Ш о п у р — Сосонийлар сулоласига мансуб шох.  
Ҳ у р м у з и б и Я л о ш — Ашконийлар табақасига мансуб шохлардан бири.

Ҳ у р м у з и б и Н а р с и — Сосонийлар табақасига мансуб саккизинчи ҳукмдор.

Ҳ у с а й н Б о й қ а р о — Хуросон ҳукмдори (1470—1506) бўлган бу шохнинг асл номи — Ҳусайн ибн Мирзо Мансур биши Мирзо Бойқаро (1438—1506) бўлиб, Ҳусайний таҳаллуси билан газаллар ёзиб, девон тузган. Унинг «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» (1485) номли насрий асари ҳам мавжуд.

Я м и н и д д и н А б у л Ҳ а с а н Ҳ у с р а в и б н Махмуд Дехлавий (1253—1325) — ҳинд, Эрон ва Ўрта Осиё маданиятининг машҳур намояндаларидан бири. У тилчи, адабиётчи ва тарихчи олим, мусиқий ва бадний адабиётлар муаллифи. Унинг «Ҳамса»си таркибига кирган «Исқандар ҳақидаги дoston шоирнинг ўзи қайд этишича, ҳижрий 699—мелодий 1299/1300 йилларда ёзиб тугалланган бўлиб, 4450 байтдан иборатдир. Дoston ҳинд подшоҳи Алонддин Хилжи (1296—1316)га бағишланган.

Ҳ у с р а в Н а р в е з и б и Ҳ у р м у з — Сосонийлар сулоласига мансуб шохлардан.

Ҳ у ш а н г — Пешдодийлар табақасининг пкинчи ҳукмдори.



## ЖУГРОФИЙ НОМЛАР ИЗОҲИ

Адан — Яманининг жанубида жойлашган шаҳарнинг номи.

Ажам — қадимда араблар араб бўлмаган халқларни ва Эронни шундай деб атаганлар.

Андалус — Испаниянинг қадимги номи.

— Араб — Арабистон ярим ороли, Араб мамлакати.

Арш — Осмоннинг энг юқори қисми бўлиб, Навоий уни тўққизинчи фалак деб атайди.

— — Аррон — Озарбайжоннинг Арманистон билан чегарадош бўлган Тоғли Қорабөг ноҳияси.

Астробод — Каспий денгизининг жануби-шарқида жойлашган бўлиб, қадимда Журжон номи билан машҳур бўлган.

Афранжа — Ўрта Ер денгизи.

— — Ақсоий Чин — Хитой билан Ҳиндистон ўртасида чегара ерлари.

Байтул муқаддас — Қуддус ва у ердаги зиёратгоҳ шу ном билан аталган.

Балх — Хуросондаги шаҳарлардан бири бўлиб, у обод ва маданий марказ сифатида бошқа шаҳарлардан фарқланган.

Барбарий — Африка соҳилидаги шаҳар, Балхнинг Ҳазорожат тоғидаги қалъа номи.

Бартос — Буртос қабилидаги шакли ҳам учрайди. Волганинг ўрта оқимидаги ҳазарлар яшайдиган жой номи.

Бағдод — Ироқдаги шаҳарлардан бирининг номи.

Баҳрайн — Форс қўлигидаги оролниги номи.

— — Бобил — Ироқдаги қадимий шаҳар номи.

Гужрот — Ҳиндистондаги бир вилоят номи.

Гуржа — Грузиянинг Шарқдаги номланиши.

Дамашқ — Суриядаги бир шаҳар номи.

Дариказ — Балхдан оқиб ўтадиган катта анҳор бўлиб, Навоий тавсифича, у элга ҳаёт бағишлашда узум шарбатидан ҳам афзал.

Дашти қифчоқ — Сирдарёдан Жанубий Россия даштларигача ястанган воҳа, Каспий (Ҳазар) денгизининг шимолида жойлашган.

Дехли — Ҳиндистон мамлакатининг пойтахт шаҳари номи.

Дувонг — Ҳиротдаги дарёлардан бирининг номи.

— — Жайхун — Амударёнинг ўрта асрлардаги номи.

Жаҳоноро — Ҳиротдаги гўзал ва сўлим боғнинг номи.

Зағи бор — Шарқий Африка мамлакатларини шу ном билан атаганлар.

Зобилистон — Хуросоннинг жанубидаги вилоят номи.

Иижил — Ҳиротдаги боғ ва экинзорларни сув билан татминлайдиган анҳор номи.

Ироқ — мамлакат номи бўлиб, маъналарда Форс Ироқи, Араб Ироқи тариқида иккига бўлинган ҳолда ҳам учрайди.

Исфаҳон — Эрондаги машҳур шаҳарлардан бири. У тарихий маъналарда Жай номи билан ҳам учрайди.

Каъба — мусулмонларнинг Макка шаҳридаги муқаддас зиёратгоҳи.  
 Қашмир — Шимолий Ҳиндистондаги шаҳар.  
 Кеч — жой номи.  
 Кеш (Қаш) — Шаҳрисабзнинг илк номи.  
 Кирмон — Эрондаги шаҳар ва вилоят номи.  
 Қонғар — Марказий Осиёдаги Хитойга қарашли бўлган шаҳар.  
 Кўҳак — Зарафшон дарёсининг қадимий номи.  
 Қавшод — афсонавий ўлка номи.  
 Нажд — Арабистон ярим оролидаги вилоят ва тоғ.  
 Нахшаб — Мовароуннаҳрдаги шаҳар номи. Насаф деб ҳам юритилган,  
 ҳозирги Қарши шаҳри.  
 Нигор — Ҳиндистондаги ўрмон номи.  
 Нил — Мисрдан оқиб ўртадиган катта дарёнинг номи.  
 Нимрўз — Кўҳистон ва Зобулистон билан чегарадош вилоят номи,  
 Сейистон; Хуросондан оқиб ўтадиган анҳор номи.  
 Нишопур — Хуросоннинг илм ва маданият маркази бўлган обод шаҳар.  
 Мадина, Мадойин — Араб Ироқидаги қадимий шаҳар номи, Фирот  
 дарёси бўйида жойлашган.  
 Машириф — Ўрта Осиёдан шарққоқда жойлашган ерлар.  
 Мағриб — Ўрта Ер денгизи ва Африка ўрта асрларда ал-Мағриб деб  
 юритилган. Бунда Жазоир, Тунис, Марокан ерлари тушунилган.  
 Миср — мамлакат номи.  
 Мовароуннаҳр — Ўрта асрларда Амударёнинг ўнг томонидаги ерлардан  
 то Сирдарёгача, Фарғонадан Хоразмгача бўлган жойлар шу ном билан  
 аталган.  
 Мохон — Хуросондаги вилоят номи.  
 Муқрон — Уммон (Арабистон) денгизининг шимолий соҳиллари.  
 Мурюб — Хуросондаги жой ва анҳор номи. Бу анҳор суви Навоий  
 таърифлашича, жаннат булогининг тивик сувидан қолишмайди.  
 Мухит — Ўрта Ер денгизи.  
 Аму — Ўрта асрларда Жайхун дарёси Ому деб ҳам аталган.  
 Ос — Осетия.  
 Рум — ўрта асрларда ҳозирги Кичик Осиё (Византия) ва Греция  
 ерлари шу ном билан юритилган.  
 Рус — рус мамлакати.  
 Садди Искандарий — Искандарининг Яъжуж-маъжужларга қарши ҳимоя  
 воситаси сифатида қурдирган девори.  
 Салсабил — жаннатдаги суви тоза ва тиниқ бўлган афсонавий булоқ  
 номи.  
 Самарқанд — Мовароуннаҳрдаги маъмурий ва маданият маркази бўлган  
 қадимий шаҳар; қадимги суғд давлатининг нохтакти — Мароканд деб  
 ҳам аталган.  
 Синд — Жанубий Осиёдаги дарё (ҳозирги Ҳинд дарёси) номи.  
 Сипоҳон — Эрондаги шаҳар номи, Исфаҳон.  
 Сақлоб — славянлар подшолиги ва мамлакати.  
 Турон — Туркистон.  
 Уммон — ҳадисиз-худудсиз катта денгиз, ҳозирги Арабистон денгизи.  
 Фаранг — қадимда Ғарбий Европани шундай аташган.  
 Фаранж — туркий халқлар яшайдиган Болосогоу яқинидаги воҳа номи.  
 Фархор — Туркистондаги шаҳар ва ибодатхона номи.  
 Фирот — Фурот — Ғарбий Осиёдаги катта дарёнинг қадимги номи  
 (Евфрат).  
 Форс — ҳозирги Эрон мамлакатининг жанубий қисми. У шимолдан  
 Хуросон, шарқдан Кирмон, жанубдан денгиз билан чегараланган.  
 Ҳайбар — Мадина ва Дамашқ ўртасидаги, воҳа ва доvon номи; Аф-  
 голистон чегарасидаги қалъа номи.

Хито. Хитой — Хитой мамлакати.

Хоразм — Мовароуннаҳрдаги машҳур воҳа.

Хуросон — Шарқдан Мовароуннаҳр, ғарбдан Қўҳистон билан туташган бўлиб, Ҳирот, Марв, Балх, Нишонпур каби катта шаҳарларни ўз ичига олган.

Хўтан — Хитойдаги Қошғар туманига кирувчи воҳа ва шаҳар.

Чаркас — черкаслар ўлкаси.

Чахчарон — Зобулистон (Афғонистон)даги дарё ва шаҳар номи.

Чин — Хитой ва унинг маркази шундай ном билан аталган.

Чин — Хитой шаҳридаги денгиз («Садди Искандарий» да денгиз маъносида келади).

Шахрисабз — Мовароуннаҳрдаги қадимий, гўзал шаҳар.

Шимол — Шимол томондаги ер ва жойлар.

Шом — ҳозирги Сурия мамлакатининг қадимий номи.

Эрон — мамлакат номи. Манбаларда форс, Ажам номлари билан ҳам учрайди.

Юнон — Юнонистон мамлакати, қадимги Греция.

Яксарш — Осиёдаги денгиз.

Яман — Арабистон жанубидаги мамлакат номи.

Яриб — Арабистондаги Мадина шаҳрининг қадимий номи.

Қоратог — Қашмирдаги тоғ номи бўлиб, Искандар Қашмирни забт этгач, Маллу шу тоғ тепасига қочиб чиқиб макон тутган.

Қирим — Қора денгиз шимолида жойлашган жойлар.

Қорабоғ — Озарбайжондаги Тоғли Қорабоғ вилоятининг номи.

Қоф тоғи (Қўҳи Қоф) — афсоналарга кўра бу тоғ ерни ўраб турар ва унда фақат парилар истиқомат қилар эмиш.

Қудс, Қуддус — Фаластиндаги шаҳар номи бўлиб, уни Довуд барпо қилган. Манбаларда «Байтулмақаддас» номи билан машҳур.

Қулзум — Қизил денгиз.

Қутайф — Арабистондаги шаҳар номи.

Ҳиндистон — Осиёнинг жанубида жойлашган мамлакат, манбаларда Ал-ҳинд деб ҳам юритилади.

Ҳирманд — Афғонистондаги дарё номи. У Гур тоғида бошланиб, Сейистон ерларигача етади.

Ҳирот (Ҳири) — XV—XVII асрларда Хуросоннинг йирик иқтимоий-сиёсий ва маданий марказ шаҳарларидан бўлиб, Навсый тавсифича, дастлаб у Искандар томонидан қурдирилган. Унинг бешта дарвозаси (Ироқ, Хуш, Майдон, Мулук, Қипчоқ) бўлган. Ерлик халқ уни Ҳирий деб ҳам атаганлар.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши . . . . .	5
Садди Искандарий . . . . .	11
Садди Искандарий насерий баёни . . . . .	510
Достондаги тарихий ва афсонавий шахсларга изоҳлар . . . . .	23
Жуғрофий номлар изоҳи . . . . .	81

*Сад узбекской литературы*

Алишер Навои

ВАЛИ ИСКАНДЕРА

(с прозаическим изложением)

Художники Герасимова Т., Петросова Э.

Ташкент, издательско-полиграфическое объединение им. Г. Гу

*На узбекском языке*

*Адабий-бадиий назм*

*Ўзбек адабиёти бўстони*

Алишер Навоий

САДДИ ИСКАНДАРНИЙ

(насерий баёни бйлан)

Мухаррир *Ж. Сулойтилова*

Расмлар муҳаррири *В. Пелмировский*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаххас *Ш. Собирова*

ИБ № 4451

Босмахонага 05.09.90 да берилди. Босишига 20.06.91 да руҳсат этилди. Бичими 84×108 /  
№ 1 қоғоз. Оддийнинг гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма тобоғи 43,68. Шартли бр  
тиски 43,68. Нашр а. 39,8. Жами нуска 50 000 № 1396/115 рақамли буюртма. Баҳоси  
№ 90 — 90 рақамли шартнома. Гафур Гулом номлидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси.  
кент Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Давлат Матбуот комитетининг ижара нуқратидан Тошкент полигр  
комбинати. Тошкент — 700 129. Навоий кўчаси, 30.

MLTOPBRNTH